

Rus

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ



6

ИЮНЬ

1987

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

№ 6
ИЮНЬ
1987 йил

1920 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбек ва рус тилларида чиқади

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

Қайта қуришга иш учун жон куйдирадиган, талабчан, хўжасизлик ва сансалорликка муросасиз кишилар керак. Унга коммунистик идеалларга астойдил содиқ, буюк социал, маънавий ва маданий бойликларимизни ҳимоя эта биладиган ва кўпайтира оладиган сиёсий жангчилар керак.

Улуғ Октябрнинг яқинлашиб келаётган 70 йиллиги муносабати билан КПСС МКнинг совет халқига Мурожаатномасидан.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЁТИ

Тошкент

МУНДАРИЖА

ЁШЛАР—РЕВОЛЮЦИОН ЯНГИЛАНИШНИНГ ИЖОДКОР КУЧИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. ГОРБАЧЕВнинг ВЛКСМ XX съездида 1987 йил 16 апрелда сўзлаган нутқи

Азиз комсомол ўртоқлар!

Деярли ҳар бир совет кишисининг жанговар ва меҳнат навқиронлиги билан боғлиқ ташкилот, ҳаммамизга янги, социалистик ҳаётга йўлланма берган ташкилот — Ленин комсомолининг XX съезди икки кундан бери ўз ишини давом эттирмоқда.

ВЛКСМнинг ҳозирги съездидаги мунозарада қатнашиш иштиёқи менда ҳеч қачон бугунгидек кучли бўлмаган эди, десам муболаға бўлмайди. Партия Марказий Комитети ва ҳукуматдаги ўртоқларимнинг туйғуси ҳам мана шундай эканини биламан. Бунинг сабаби равшан, деб ўйлайман. Залда Советлар Мамлакатимизнинг бугунги куни ва эртанги куни намояндалари ҳозир бўлишган. Бу ерда айтилаётган гапларнинг ҳаммаси ҳозирги кун учунгина эмас, келажак учун ҳам чуқур маънога эга. Ҳозир бу ерда бепарво кишилар йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки сизларнинг қайтадан тикланган комсомоллик ғайратингиз, жанговар руҳингиз, ҳозирги ишлар тўғрисидаги омилкорона ғамхўрлигингиз ва келажакни кўзлаб иш тутишингизни ҳар бир киши ҳис этиб турибди — буни ҳис этмасдан ҳам бўлмайди. Биз ҳам сизлар билан бирга шундай кайфиятда турибмиз. Биз ҳам шу кунларда сизлар билан бирга ёшаряпмиз. **(Қарсаклар).**

Коммунистик партия, бутун жамиятимиз сизларнинг съездингиз чинакамига буюк воқеа бўлиб қолишидан ва мамлакат ёшлар ҳаракатида янги саҳифа очишидан астойдил манфаатдордирлар. Доклад ҳам, мунозаралар ҳам комсомолнинг мамлакат олдидаги, халқ олдидаги ўз масъулиятини англаётганидан, ёшларнинг сиз билан биз яшаб турган жамиятимиз турмуши барча соҳаларини чуқур ўзгартириш, янгилаш жараёнига янада фаолроқ қўшилишини сидқидилдан истаётганликларидан далолат бериб турибди. Бу — яхши кайфият, мана шу кайфиятгина ишга ва турмушга маъно ҳамда илҳом бахш эта олади. **(Қарсаклар).**

Съездингизнинг талабчан муҳити бизни қувонтирмай қола олмайди. Бу муҳит мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичига, жамиятимиз бугунги кунда ҳал қилаётган проблемаларнинг долзарб ва салмоқли эканлигига ҳамоҳангдир. Бу муҳит барча совет ёшларининг муддаоларини ифодалашига аминман. Ёшлар ўзларини мамлакатимизда рўй бераётган революцион жараёнларнинг ажралмас қисми, деб ҳис этаётганликларини бу ерда, съезддаги ҳамма нарса кўрсатиб турибди. Бу эса шонли ҳодисадир. Гап комсомолнинг позицияси ҳақида боряпти. Виктор Мироненконинг комсомол қайта қуришнинг астойдил тарафдори эканлиги тўғрисидаги гапини КПСС Марказий Комитети номидан табриклайман. **(Қарсаклар).** Ўртоқлар, бу гапни биз мамлакат барча ёшларининг позицияси, деб биламиз, чунки сизлар шу ёшларнинг вакилларисиз. **(Қарсаклар).**

Бугина эмас: сизларнинг позициянгиз партия учун жуда катта сиёсий аҳамиятга эгадир. Комсомолнинг съезди бениҳоя муҳим пайтда — дадил ташаббуслар ва қизғин иш пайтида ўтмоқда. Ижтимоий ўзгартишларнинг миқёси жиҳатидан бу пайт одатдаги ҳаёт оқими доираси билангина чекланмаслиги

шубҳасиз. Бинобарин, азиз дўстлар, сизлар социалистик жамиятни революцион янгилашда қатнашишингиз лозим. **(Қарсаклар).**

Буюк давлатнинг улуғвор иқтисодий қудрати, жонажон еримизнинг ноёб бойликлари ва гўзаллиги, маданиятимиз ҳамда идеологиямизнинг зўр илмий ютуқлари, инсонпарварлик қадриятлари ва анъаналари сизларнинг қўлингизда. Октябрь ишини сизлар давом эттиришингиз, Ер юзида тинчликни эҳтиёт қилиб сақлашингиз даркор.

Ёшларнинг зиммасига жуда катта масъулият тушади. Бу — мамлакат учун, социализмнинг тақдири учун, бутун инсоният цивилизациясининг тинч келажаги учун бўлган масъулиятдир. **Зотан бизнинг партиявий ўртоқларча тилагимиз — шу** юксак мақсадлар йўлида куч-ғайратларни аямангиз. Чунки бу — инсон ҳаётидаги энг муҳим ишдир. **(Қарсаклар.).**

Ҳозирги давр — гражданлик, сиёсий ва ғоявий улғайишнинг ажойиб мактабидир. Бошланган ўзгаришларнинг моҳиятини чуқурроқ ҳис этиб олишга, уларнинг новаторлик руҳини идрок этишга, бу ўзгартишлар сизларнинг авлодингиз учун ва бутун жамият учун нималарни билдиришини яхшироқ тушуниб олишга ҳаракат қилингиз. Мана шуни тушуниб олиш — қайта қуриш билан боғлиқ бўлган ўзгартишларнинг теранлиги, кенг миқёси ва янгилигини тушунишгина ижодий меҳнатнинг ҳақиқий, жонли омили бўлиб қолади, социалистик давлатимиз тарихининг энг масъулиятли босқичларидан бирида ўз ўрнингиз, ўз ролингизни равшан тасаввур эта олишингизга ёрдам беради.

Сизлар қайта қуришнинг фаол, онгли қатнашчилари бўлишингизни истаймиз. **(Қарсаклар). Ҳатто мен таваккал қилиб шундай демоқчиман: ҳамма гапга** ишонаверманглар. Ҳамма гапни тушуниб олинглар, мана шу тушуниш асосида ўз ҳаётингиз учун, ўз фаолиятингиз учун зарур хулосалар чиқариб олингиз. Зеро, қайта қуриш вазифаларини ҳал этиш учун айни мана шундай аниқ, онгли позиция керак.

Совет кишиларининг ҳар бир авлоди ўз турмушининг бош вазифасини ҳал этиб келди. Сизларнинг зиммангизга тушадиган вазифа ҳақида гапиришдан аввал Владимир Ильичнинг сўзларини эслатиб ўтаман, у бундай деган эди: «Ёшларимизнинг келажаги мени бениҳоя тўлқинлантиради. Ёшлар — революциянинг бир қисмидир». Бу гап Ильич айтган пайтда тўғри эди, бу гап ҳозир ҳам жуда муҳим, салмоқли ва тўғридир. Чунки революция давом этмоқда. **(Қарсаклар).**

Биз тарихимизга талабчанлик билан назар ташласак, барча ғалаба ва ютуқларни, хатолар, аламлар ва хафагарчиликларни кўрамиз. Мана шундай талабчанлик асосида биз ифтихор билан бундай дея оламиз: ёшлар Октябрь йўлига ўтиб, революцион курашчиларнинг умидларини оқладилар, ўз бурчларини бажардилар. **(Қарсаклар).**

Бир авлод революцияда, граждан урушида ва дастлабки беш йилликларда қатнашган бўлса, бошқалар Улуғ Ватан урушида иштирок этишди, яна бошқаларнинг ёшлиги урушдан кейинги қайта тиклашнинг қаҳрамонона йилларига тўғри келди. Сизлар ва тенгдошларингиз қўриқ ерларни очган, Тюмень нефть хазиналарини кашф этган, БАМни қурган, Сибирда электр станциялар барпо этган, фан-техника тараққиёти чўққиларини забт қилган кишилардан ҳозир эстафетани қабул қилиб оляпсизлар. Фидокорона меҳнат билан ўтган кунларда улуғвор ишлар амалга оширилаптики, ана шу ишлар халқимиз билан мамлакатимизни улуғламоқда. **(Қарсаклар).**

Советлар мамлакатининг ёшлари ҳамиша ўз халқига, ўзини ўстириб тарбиялаган Ватанга муносиб бўлиб келди. Шундай бўлиб келди ва биз, коммунистлар келгусида ҳам шундай бўлишига ишонамиз. **(Қарсаклар).**

Съезд минбаридан туриб партия ва комсомол номидан сизларнинг шонли ўтмишдошларингизга — инсоният ҳаётидаги улуғвор революцияни амалга оширган, социализмни қурган ва ҳимоя қилган, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг қудратини мустаҳкамлаган кишиларга чуқур ҳурмат ва самимий миннатдорчилик изҳор этишга ижозат бергайсизлар. **(Қарсаклар).**

Уларнинг ишлари — тарихнинг бебаҳо бойлигидир. Бу ишлар халқ хотирасида абадий сақланади. Бу — мамлакат буюк таржимаи ҳолининг қаҳрамонона тақдирларидир.

I

Ўртоқлар! Партиянинг янгилаш ва қайта қуриш йўли моҳияти: социализм кўпроқ бўлсин, деган қисқача иборада ифодаланган. Сиз билан биз яшаб турган жамиятнинг ҳаёт қобилияти нима? — деган асосий саволнинг жавоби мана шу иборада акс этган.

Октябрнинг 70 йили социалистик тузумнинг қудратли ҳаётий ресурсларини кўрсатди. Социализм зўр социал ғалабалар қозонди, ҳамма эътироф қилган иқтисодий ва маданий ютуқларга эришди, унинг илҳомбахш тарихий истиқболлари очилмоқда. Биз бу билан ҳақли равишда фахрланамиз, ўзимиз яшаб турган жамиятнинг буюк қадриятларини ардоқлаймиз.

Хўш, биз ишларнинг ҳозирги аҳволидан қониқаяпмизми? — деган бошқа бир савол ҳам бор. Бу саволга биз жуда реалистик тарзда ҳақгўйлик билан: йўқ, қониқмаяпмиз, деб жавоб беришимиз лозим. Бизнинг олдимизда социализмнинг жамики афзалликлари ва имкониятлари, унинг жуда бой моддий ва маънавий хазинасини, унинг қудратли революцион ғайрат-шижоатини тўла-тўкис намоён этиш ва улардан фойдаланиш вазифаси турибди.

Биз: социализм кўпроқ бўлсин, — деганимизда, — бизга иқтисодий, маданий ва маънавий жиҳатлардан инсон цивилизациясининг олдинги маррасида борадиган доимо янгиланиб турувчи, ривожланувчи социализм кераклигини таъкидлаймиз. **(Қарсаклар).**

Социализм кўпроқ бўлса — жўшқинлик ва ижодкорлик, уюшқоқлик ва тартиб, хўжалик юритишда илмийлик ва ташаббускорлик, бошқаришда самарадорлик кўпроқ бўлади, демакдир.

Социализм кўпроқ бўлса — социал адолат кўпроқ бўлади, социалистик жамиятнинг энг биринчи қадрияти — меҳнатнинг обрў-эътибори улуғланади, демакдир.

Социализм кўпроқ бўлса — жамиятимизда демократизм, ошкоралик, коллективчилик кўпроқ бўлади, одамлар ўртасидаги муносабатларда маданият, инсонийлик кўпроқ бўлади, шахснинг қадр-қиммати ва ўз-ўзини ҳурматлаши кўпроқ бўлади, демакдир.

Социализм кўпроқ бўлса — юксак ватанпарварлик мақсадларига зўр интилиш кўпроқ бўлади, мамлакат ишларига гражданларча жонкуярлик ва тинчлик тўғрисидаги ғамхўрлик кўпроқ бўлади, демакдир.

Ватанни XXI асрга қудратли, гуллаб-яшнаган давлат тарзида етказиб бориш — ҳаммамизнинг бурчимиз — совет кишилари барча авлодларининг бурчидир. **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар! Жамиятимиз турмушининг ҳамма соҳаларини қайта қуришга киришганимизга мана, икки йил бўлди. Табиийки, одамлар рўй бераётган воқеалар ҳақида фикр юритмоқдалар, бошланган ва келгусида қилинадиган ўзгартишларни чамаламоқдалар, ўтмишдаги ишларга таққосламоқдалар, қайта қуришнинг ютуқлари ва муваффақиятсизликларини таъкидламоқдалар. Хўш, биз нимага эришдик-у, нималарга эриша олмадик? — деган саволни кўп кишилар ўртага қўймоқдалар. Энг муҳим гапни айтаман. Қисқа муддат ичида биз, тарих ўлчови билан айтганда, анчагина йўлни босиб ўтдик. Бу — ҳақиқат йўли, воқеликни танқидий қайта идрок этиш йўли, янги ғояларни, ижтимоий янгиланиш концепциясини ишлаб чиқишнинг қийин йўли бўлди ва у ўз самараларини бермоқда.

Мамлакатдаги ишларнинг аҳволи чуқур таҳлил этилганлиги, салбий ҳодисалар ўткир танқид қилинганлиги, турмуш тобора демократлаштирилаётганлиги жамиятни маънавий жиҳатдан поклантиришнинг, одамлар онгини қулф урдиришнинг, улар социал фаоллигини оширишнинг дебочаси бўлди.

Хуллас, ўтган давр осон бўлмади, бироқ пировард натижада самарали бўлди. Бу босқичда биз муҳим ютуққа эришдик: янгиланиш, революцион ўзгартишлар ғоялари миллионларнинг онгига сингди, халқимизнинг жуда катта кўпчилиги бу ғояларни қўллаб-қувватлади. Қайта қуриш тарафдорлари ижтимоий турмушимизнинг руҳини белгилаб турганлигидан ҳамма нарса далолат бермоқда. Бу жараён, шу тенденция кучайиб бораверади, зўраяверади, деб ўйлаймиз. Энг муҳими ҳам мана шундан иборат, ўртоқлар! **(Қарсаклар).**

Биз партия XXVII съезди ишлаб чиққан қайта қуришни, сиёсий йўлимизни амалга оширишнинг асосий соҳалари юзасидан олисни кўзловчи қарорлар қабул этдик. Бу қарорлар ҳамма соҳаларни: экономикани, маданиятни, социал соҳани, партия ва жамоат ташкилотларининг, меҳнат коллективларининг турмушини ўз ичига олади.

Ифодали қилиб айтганда, ҳозир бизнинг йўлимиз аниқ, тўғри йўналиш ҳам белгиланган, ўтган икки йил эса бизга танлаб олган йўлимиз — жадаллаштириш ва қайта қуриш йўлимиз тўғрилигига кўпроқ ишонч бахш этди. Ҳозирги асосий вазифа — олға боришдан, оғирлик марказини қабул этилган қарорларни амалга ошириш соҳасидаги амалий ишларга кўчиришдан иборат. Мен: бас, мунозарани тўхтатайлик, демоқчи эмасман. Қайта қуриш бизнинг олдимизга қўяётган, илгари сураётган тобора янги-янги масалаларни равшанлаштириб олиш учун бизга ҳали кўпгина мунозаралар керак бўлади. Аммо, шундай бўлса-да, амалий иш — ҳозир ҳал қилувчи масаладир.

Ўтмиш сабоқларини эсдан чиқаришга бизнинг ҳаққимиз йўқ. Илгари ҳам бу ҳақда гапирган эдим, ҳозир яна бир бор такрорлайман: мамлакатимизда илгари ҳам бир талай яхши қарорлар қабул қилинган эди, аммо улар ҳамиша ҳам жамиятимиз кўзлаган жиддий ўзгартишларга олиб боргани йўқ. Аввало амалий иш билан мустаҳкамланмаганлиги учун шундай ўзгаришларга олиб бора олмади.

КПСС Марказий Комитети барчани ҳаракат қилишга қайта-қайта даъват этади. Ҳаракат қилиш, ҳаракат қилиш ва яна ҳаракат қилиш керак. Бу ҳозирги босқичда қайта қуриш муваффақиятининг гаровидир. Дабдабали сўзлар камроқ бўлсин, кўпроқ ғоят мазмундор амалий ишлар бўлсин. **(Қарсаклар).**

Шу боисдан ҳам, азиз дўстлар, комсомол съездининг ишчанлик муҳити, сизларнинг қайта қуришда амалий жиҳатдан қатнашиш, ёшларга хос ғайрат-шижоатингиз билан унга кўмаклашиш, унинг руҳи ва ишларини қарор топтириш иштиёқингиз съездингизда партия Марказий Комитетининг, Совет ҳукуматининг вакиллари бўлмиш ҳаммамизни жуда қувонтирди. Бу ерда Лениннинг: «Ишчи ва деҳқонлар билан биргаликда меҳнат қилишдагина чинакам коммунист бўлиши мумкин», — деган сўзлари янграганлиги ҳам қонуниятлидир. Бу эса ВЛКСМ сингари сиёсий ташкилотнинг бош вазифаси-ку, ахир. **(Қарсаклар).**

Докладда ҳам, нутқларда ҳам делегатлар Ильичнинг шу фикрини неча марталаб такрорладилар. Биз амалий ишлар пайти келди, деб айтаётганимизда комсомол ҳамма ерда ўзининг иш жойини топишига, қайта қуришнинг барча вазифаларини ҳал этишда қатнашишига, турғунликка қарши курашишига, мамлакат турмушида яхшилик сари ўзгартишлар учун фаол кураш олиб боришига даъват этамиз. Мен съезд делегатларининг, шу жумладан, мана шу минбарда туриб нутқ сўзлаган кишиларнинг актив позициясини табриклайман! **(Қарсаклар).**

Баъзида: қайта қуриш мухолифлари борми, агар бўлса улар кимлар? — деган савол беришади. Баъзан эса ҳатто менга хат ёзиб: «Михаил Сергеевич, лоақал бир нечта фамилияни айтиб берсангиз», — деб илтимос қилишади. **(Залда кулги).**

Биз бу масалага аниқлик киритишимиз лозим, деб ўйлайман. Бизда сиёсий мухолифлар йўқ, қайта қуришга оппозициялар йўқ. Ана шу революцион ўзгартишлар бошланғич босқичининг қийинчиликлари бор. Ана шу қийинчиликлар бизнинг ҳаммамизга бирон бир тарзда дахлдордир. Чунки биз ҳаммамиз ўз давримизнинг фарзандларимиз деса бўлади. Таркиб топган тўсқинлик қилиш механизми ўз-ўзидан мавжуд бўлиб қолгани йўқ. Унинг конкрет тарқатувчилари Марказий Комитет ва ҳукумат даражасида, министрликларда, республикаларда ва областларда бор. Меҳнат коллективларида ҳам, ҳатто комсомолда ҳам шундайлар бор, ваҳоланки, сизларга консерватив кайфиятларнинг юқиши ҳали осон эмас эди. **(Қарсаклар).**

Гап шу ҳақда боряптики, биз ҳозир янгича фикрлашимиз, янгича ҳаракат қилишимиз, янгича ишлашимиз, янги вазифаларни ҳал этишга янгича ёндашувларни ўзлаштиришимиз керак. Қайта қуришнинг қийинчилиги ва мураккаблиги мана шунда.

Эҳтимол, айтилган гапларга шуни қўшимча қилиш керакки, эскича турмуш тарзига одатланиб қолган, уни ўзгартиришни истамаётган ёки ўзгартирганда ҳам жуда секинлик билан ўзгартираётган кишилар бор. Уларнинг позицияси қайта

куриш руҳига объектив равишда мос келмайди. Масалан, оширилган талаблар, топширилган иш учун қатъий талабчанлик ҳаммага ҳам ёқавермади. Ҳар бир киши бажарилган иши учун неъмат олиши кераклигини қатъий қилиб айтганимизда, бу нарса баъзи бировларнинг норозилигига сабаб бўлди. Лекин айтингчи, масаланинг шу тахлитда қўйилиши адолатли эмасми, ахир? Буни ривожланишимиз боришининг ўзи тақозо этмаяптими, ахир? Булар кабинетларда тўқиб чиқарилмаганлигига қўшиласиз, деб ўйлайман. Ҳаёт шуни талаб этмоқда. **(Қарсаклар).**

Бундай муносабатни енгиб ўтиш осон эмас, албатта. Чунки кўпчилик узоқ йиллар мобайнида ишлаб топилмаган маошни, «гарантияланган» мукофотларни ва ҳоказо ва ҳоказоларни олишга одатланиб қолган эди. Тайёрга айёрлик, истеъмолчилик кайфиятларига барҳам бериш учун иқтисодий ва тарбиявий ишларни жиддий равишда олиб бориш керак. Бизнинг жамиятимизда инсоннинг моддий ҳамда ижтимоий мавқеи меҳнат ва фақат меҳнат билан белгиланиши лозим. **(Қарсаклар).** Зотан мана шу принциплар мустаҳкам бўлиб қолиши учун мамлакат миқёсида ҳам, ҳар бир меҳнат коллективида ҳам шунга эриша бориш зарур.

Айниқса, меҳнат коллективларида бунга эришиш зарур. Айнан меҳнат коллективлари — қайта қуришнинг таянчидир. Меҳнаткашларнинг жўш урган ташаббуси билан ҳаётнинг ўзи рад этган барча турғунликлар ўртасидаги кураш ҳозир айни мана шу ерда олиб борилмоқда. **(Қарсаклар).**

Бюрократизмга қарши кураш каби проблемани ҳам алоҳида ажратиб кўрсатиш керак, албатта. Сизларнинг съездингизда бу вазифа энг муҳимлигини англаб айтилган гаплар янгради. Жамиятнинг бюрократик иллатга қарши муваффақиятли кураш олиб бориш кафолати борми? Ҳа, бор. Биз ҳам сизлар билан бунинг учун нима қилиш кераклигини биламиз. Энг аввало, ошкоралик зарур, танқид, жамиятимиз демократик асосларини янада ривожлантириш керак.

Бу эса баъзи кимсалар ҳисоблаётганидек, муваққат, манфаатдорлик эхтиёжи эмас. Масала принципиал қилиб қўйилган. Ошкоралик, танқид ва демократия янгиланишнинг ҳаракатга келтирувчи кучларидир, уларнинг бўлмаслиги эса бизни яна турғунликка олиб боради.

Танқид ҳаддан ташқари кўп эмасмикан, шу қадар кенг ошкоралик зарурмиди, демократия қандайдир номатлуб ҳолларга олиб келмасмикан, деган баҳслар ҳали давом этаётганлигини биласизлар. Биз бу баҳсни қандайдир салбий ҳодиса, деб билмаймиз. Бу баҳсда жамиятимизнинг барқарорлиги тўғрисида ўзига хос ғамхўрлик мавжуд. Аммо демократияни қориштириб юбориш мумкин эмас. Шундай кишилар борки, улар янгиликни ёқлаб чиқаётгандек бўлишади, ишга келганда эса демократияни, танқидни, ошкораликни ривожлантиришни ҳар хил шартлар, писандалар билан ўраб ташлайдилар.

Ушбу масала юзасидан мен КПСС Марказий Комитети номидан бераётган баёнот нечанчи бўлишини билмайману, аммо яна бир марта шуни айтаман: ўртоқлар, танқид ва ошкоралик жамиятимизнинг сиёсий ҳамда маънавий соғлиғи посбонлигида туриши керак. **(Қарсаклар).** Демократияга келганда шуни айтиш керакки, чинакам демократиясиз социализмнинг бўлиши мумкин эмаслигини ҳамманинг тушуниб етадиган пайти келди. Социализм — меҳнаткашлар тузуми, социализм — демократия демакдир. **(Қарсаклар).**

Шу билан бирга демократия — асло анархия ва қуюшқондан чиқиб кетиш, деган гап эмаслигини, ўч олиш ёки ғаразгўйлик мақсадида бировга доғ тушириш имконияти эмаслигини зўр куч билан яна бир бор таъкидлаб ўтиш керак, деб ҳисоблайман. Дарвоқе гарчи камдан-кам бўлсада, бундай фактлар учраб турибди. Журнал, газетани, оммавий ахборот воситаларини, жамоат минбарини ўч олиш воситасига айлантириб қўйиш ярамайди. Чинакам демократия ҳалоллик ва софликдан, масъулиятдан, фикр юритишда тўғриликдан ва бошқалар фикрини ҳурмат қилишдан, социалистик жамият қонунлари ва нормаларига қатъий риоя этишдан ажралмасдир.

Демократиядан шахсий мақсадларда «фойдаланиб» қолишга уринаётган кишиларнинг ножўя ҳаракатларига келганда, бунда ҳам ошкоралик, жамоатчиликнинг худбинликни, сафсатабозликдан иборат тартибсизликни, демократиядан ғаразли мақсадларда фойдаланиш йўлидаги уринишларни фош этадиган фикрини ҳосил қилиш курашнинг энг яхши воситасидир. Партия Марказий Комитети ошко-

ралик, танқид, демократия бутун қайта қуриш ишини катъиян олға силжитиш учун ҳаётий зарур, деган фикрдадир. **(Қарсаклар).**

Модомики, кимда-ким янги шароитларда биз партия съездида бутун мамлакат олдида қоралаган яроқсиз тенденциялар ва ҳодисаларни қайта тиклашга уринаётган экан (шуларни қоралаганимизни халқимиз тўла-тўкис маъқуллади), биз бунга йўл қўймаслигимиз керак, деб ўйлайман. Мен нимани назарда тутяпман? Ўтмишда содир бўлган салбий ҳодисаларнинг кўпчилиги халқ танқидидан, контроллигидан ташқарида, партиянинг, Марказий Комитетнинг контролидан ташқарида қолган бутун-бутун зоналар мавжуд бўлганлиги билан боғлиқдир. Бу қандай содир бўлганлиги ҳақида айтиб ўтилган эди, зотан ҳозир бунга қайтишнинг ҳожати йўқ. **Бошқа бир нарса муҳим. Эндиликда биз танқиддан ва контролдан ташқарида қоладиган жамиятимиз турмушининг янги соҳалари, янги ташкилотлар, янги шахслар, у ёки бу, район ёки иттифоқ микёсидаги арбоблар пайдо бўлиб қолишига йўл қўйишга ҳаққимиз йўқ. Биз тўғри хулосалар чиқариб олдик, деб ўйлайман ва ҳозир ана шу хулосаларга қатъий амал қилишимиз лозим.**

Сизлар қандай фикрдасизлар? (Қарсаклар). Бу қарсаклар алоҳида қимматга эга: улар партиямизнинг йўли қўллаб-қувватланаётганлигини билдиради. **(Қарсаклар).**

Дарҳақиқат сизлар шу йўлни бундан буён ҳам ўтказавериш зарурлигини яхши тушунасизлар, чунки мамлакатнинг барча томонларидан келгансизлар, реал турмушни биласизлар — у бутун борлиғича кўз олдингизда. Сизлар ҳозир ўз коллективингиздаги иш тажрибасига қараб ҳам, мамлакатдаги вазиятга қараб ҳам социалистик демократияни ривожлантириш янги босқичи ҳали эндигина авж олдирилаётганлигини тасаввур эта оласиз. Бу босқич эндигина кучга тўлиб бормоқда. Шу боисдан ҳам бизга фаоллик, ошкоралик муҳити жуда зарур. Ҳозир мамлакатда шундай муҳит тобора кучаймоқда, чунки бу муҳит — ишчан, амалий муҳит бўлиб, бундай муҳитсиз такрор айтаманки, қайта қуришни амалга ошириб бўлмайди.

Ўртоқлар, қайта қуриш — инсон учундир. Эндиликда одамлар қайта қуришга унинг ғоялари ва режалари реал ишларда қанчалик мужассамланишига қараб, бу ишлар миллионларнинг кундалик турмушига қандай ўзгартишлар келтиришига қараб баҳо берадилар. Гап сиёсатимизнинг ҳаққонийлиги тўғрисида бормоқда.

Ҳозир орзудагини ҳақиқат қилиб кўрсатиш, натижаларни сохталаштириб мослаштириш, ҳали эришилмаган жойларда муваффақиятлар, ютуқларга эришилди, деб кўрсатиш энг ёмон иш бўлур эди. Ҳали содир бўлмаган ўзгаришларни безаб тасвирлаш ёмон иш бўлур эди. Агар биз эҳтимол энг хатарли бўлган душман — сохта дабдабабозликни, афсуски, чуқур илдиз отган шундай одатни бартараф эта олмасак, қайта қуришга бўлган ишончга путур етади. **Қайта қуришни амалда таъминлаш — энг муҳим вазифа. Қайта қуриш тўғрисидаги гап-сўзлар билан чекланиб қолишни истовчи кимсалар қатъиян суриб чиқарилишлари керак. Мана шу бош масалада биз асло ён босмаслигимиз лозим. Масала айни шу тарзда қўйилган! (Қарсаклар).**

Жамиятдаги, мамлакатдаги вазиятни обдон ўйлаб, ўзини қайта қуриш учун турли кишиларга турлича вақт талаб этилишини биз тушунишимиз мумкин. Шу боисдан биз ҳар бир кишига имконият беришимиз керак. Шундай қайта қуриш суръатларида шахс, инсоннинг психологик хусусияти, унинг сиёсий етуклик савияси намоён бўлиши равшан. Ҳар бир ҳолатда бундай жараён якка инсонга хос тарзда содир бўлади. Буни тушуниш мумкин. **Аммо қайта қуришга мослашиб олишга, уни қуруқ сафсатабозликка айлантириб қўйишга уринаётган кимсаларни оқлаш ва уларнинг позициясини қабул қилиш мумкин эмас. Биз ҳушёр бўлишимиз лозим. Бизга қайта қуриш сафсатабозлик учун эмас, балки моҳият эътибори билан, ҳаёт учун, халқ учун, социализм учун керак. (Қарсаклар).**

II

Ўртоқлар! Агар бугун мамлакат ёшлар ҳаракатининг проблемалари тўғрисида гапириладиган бўлса, партиянинг асосий иши — ёшлар учун жуда кенг истиқбол очиб беришдан иборат. Иқтисодий ва фан-техника тараққиёти, социал

ижодкорлик, маънавий тараккиётнинг ҳамма соҳаларида — ҳамма жойда ёшлар учун эшикларни кенг очиб қўйиш керак. Ана шундай қилиш — йигит ва қизлар мустақиллиги учун имконият яратиб бериш, уларни майда-чуйда ишларигача васийлик қилишдан ва кузатишдан халос этиш, реал иш ва реал масъулият — ишонч билан тарбиялаш демакдир. **(Қарсаклар).**

Назаримизда, ёшларни мураккаб вазифаларни бажаришга сафарбар этиш учун даъватлар ва шиорларнинг ўзи• камлик қилади. Ёшлар ташаббусини ёш инсонлар тақдири тўғрисида фаол ғамхўрлик билан мустаҳкамламоқ зарур.

Биз нимани кўзда тутяпмиз? КПСС Марказий Комитетида ҳозирги босқичда ёшлар билан ишлашнинг энг муҳим йўналишларини қандай тасаввур этяпмиз?

Биринчидан. Ёшларнинг жамиятни янгилаш ва демократлаштириш жараёнида оммавий иштирок этиши учун ҳамма шарт-шароитни яратиб бериш, уларга амалда социализмнинг сиёсий маданиятини эгаллашда ёрдам бериш зарур. Социалистик демократиянинг келажаги экономика, фан ва маънавий ҳаётда беллашиш механизмини ривожлантириш билан, ҳамма даражада ўз-ўзини бошқаришни кенгайтириш, ҳар бир кишининг шахсий ташаббуси ролини ошириш билан боғлиқ. Сизлар халқ ҳокимияти барча воситаларини ўрганиб олишларингиз, мамлакат турмушини демократлаштиришга ёшлик ғайратингизни сарфлашингиз керак.

Иккинчи томондан, сизлар ўзингизда ва тенгдошларингизда гражданлик ҳамда коммунистик дунёқарашни, ватанпарварлик ғурури ва хўжайинларга хос тиниб-тинчимасликни, принципиаллик ва қаттиқ характерни баъзан қанчалик қийин бўлишига қарамай, фақат демократлаштиришнинг реал тажрибаси, ўзингизнинг амалий тажрибангиз асосида тарбиялай оласиз.

Бу йўлда мураккабликлар ҳам, қандайдир вақтинчалик камчиликлар ҳам бўлиши мумкин, албатта. Ҳозирги пайтда фақат ёшлар эмас, ҳаммамиз ривожланаётган демократия қонунлари ва нормалари билан яшаш ва ишлашни ўрганишимиз, ана шу жараённинг чуқурлашуви билан боғлиқ бўлган турли «болаларча касалликлар»га ўзимизда бардош ҳосил қилишимиз лозим.

Бундан қўрқмаслик керак. Социал тажриба, амалиёт, жонли турмуш ва халқнинг донолиги ҳамма нарсани ўз жойига қўяди, муносиб баҳо беради. Бугунги кунда ҳаммамиз социал ижодкорликни ўрганиб олишимиз ва буни ёшларга ҳам ўргатишимиз муҳимдир, чунки бунингсиз ҳеч қандай тараққиёт бўлиши мумкин эмас. Тараққиётсиз эса жадаллаштириш ҳам бўлмайди, биз сизлар билан ўз олдимизга қўйган мақсадларга эриша олмаймиз.

Иккинчидан. Биз жамиятнинг интеллектуал потенциали мунтазам янгиланиб ва бойиб бориши тўғрисида жиддий жон куйдиришимиз шарт. Буни социал ва фан-техника истиқболлари тақозо этмоқда. КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг вакиллари, биз ҳаммамиз съездингиз комсомолнинг мамлакат иқтисодий ва социал тараққиётига қўшадиган улуши тўғрисидаги масалани нақадар чуқур ва жиддий муҳокама қилаётганига зўр мамнуният билан қараб, астойдил маъқулламоқдамиз. **(Қарсаклар).**

Ҳа, ўртоқлар, эноконокамиз олдида кўлами жиҳатидан ҳам, янгилиги жиҳатидан ҳам чинакам улкан вазифалар турибди. Энг қийин вазифалар мана шу беш йилликка тўғри келади. Биз сизлар билан яна икки-уч энг қийин йилга бардош беришимиз керак, ана шу йилларда бир вақтнинг ўзида, тўхтаб қолмаган ҳолда катта-катта проблемаларни ҳал этишимиз, қайта қуриш учун ҳамма шарт-шароитларни — сиёсий, иқтисодий, ташкилий, юридик, психологик, маънавий, ахлоқий шарт-шароитларни яратишимиз керак. Айни пайтда ҳамма йўналишлар бўйича олға ҳаракат қилиш лозим. Балки бу энг тиғиз ва чамаси, энг қизиқарли даврдир. **(Қарсаклар).**

Шу беш йилликда биз Ватанимиз машинасозлигини амалда тўла модернизация қилиб, уни асосий кўрсаткичлар бўйича жаҳон талаблари даражасига олиб чиқишимиз керак. Ўтган йили Марказий Комитетнинг июнь Пленуми олдидан бу соҳада ишлар қандайлиги билан қизиққанимизда талайгина машинасозлик тармоқларимиз кўпи билан маҳсулотнинг 50 процентини, бўлмаса 25—30 процентини жаҳон талаблари даражасида ишлаб чиқараётганлиги маълум бўлди; Сиз билан биз меҳнат унумдорлигида янги марраларни қандай қилиб эгаллаймиз,

автоматлаштириш ва механизациялаш масалаларини қандай ҳал қиламиз, ўзгартишларнинг жадал суръатларини қандай қилиб таъминлаймиз?

Ахир биз кўпгина саволларга экономикадан жавоб топишимиз керак. Айни шу ерда биз ишлаб чиққан кучли социал сиёсат амалга оширилиши учун шароит яратилади. Саноатда ва айниқса Ватанимиз машинасозлигида, фан-техника тараққиётида бизга чинакам ҳужумкорлик зарур. Ана шу ҳужумнинг асослари ҳозир яратилмоқда.

Шу сабабли ҳозирги, ўн иккинчи беш йилликнинг ғоят мураккаб, новаторларча вазифалари ҳаммага, аввало ёшларга нисбатан мутлақо янги талаблар қўймоқда. Сизнинг авлодингиз фан-техника революцияси ютуқларини социализм афзалликлари билан уйғун равишда бирлаштиришга асосланган экономикамиздаги улкан модернизациялашда иштирок этишга тайёр бўлиши лозим. Ватанимиз машинасозлигида, фан соҳасида биз ўн иккинчи беш йилликда қиладиган ишлар кейинчалик бутун халқ хўжалигини ўзгартириши, экономикамизнинг бутун қиёфасини ўзгартириб юбориши керак.

Айни пайтда биз хўжалик юритиш ва бошқаришнинг янги механизмини, хўжалик ҳисобини, ўз харажатларини ўзи қоплашни, сифатни ўзлаштиряпмиз. Мен партиянинг сифатни ошириш йўлини қатъий қўллаб-қувватлаган ҳамда давлат қабулини қувватлаган ёш ишчилар, инженерларнинг аниқ, равшан гражданлик позициясини табриклашни истайман. Давлат қабули меҳнат коллективларига жуда сезиларли таъсир этиб, кескин проблемаларни ўртага қўйган бўлишига қарамай, улар қўллаб-қувватладилар. **(Қарсаклар).**

Бу — икки йил ичидаги мамлакатимиз ишчилар синфининг, меҳнаткашларининг чуқур позициясини очиб берган, эҳтимол, энг муҳим амалий ҳодисадир. Шу йилнинг дастлабки ойларида баъзи жойларда, корхоналарда иш ҳақини ололмаганликларини, мукофотлар йўққа чиққанини биласизлар. Ишчиларнинг: бундан буён сифатсиз маҳсулот учун иш ҳақи олмаймиз, деган фикри партия Марказий Комитетигача етиб келди. Бу — мамлакат ишчилар синфининг қайта қуриш талабларини, жадаллаштириш вазифаларини қўллаб-қувватлаши ўз ифодасини топган оддий ва катта маънога тўла бўлган позициядир.

Мен шу минбардан туриб мамлакатимиз ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларининг съезддаги муносиб вакиллари бўлган ёш ишчиларни, инженерларни табрикламоқчиман. **(Қарсаклар).**

Биз партия сиёсатини халқимиз тушуниб етаётганлигини қадрлаймиз, ўртоқлар. Агар халқимиз бу сиёсатни чин кўнгилдан қабул қилса ва амалда қўллаб-қувватласа, бу сиёсат жамиятимизнинг бугунги кунини ҳам, эртанги кунини ҳам самарали қилади. Агар бундай бўлмаса, демак сиёсат жонсиз бўлади ва олға қараб ҳаракат ҳам бўлмайди. Айни шу сабабли мен масалани алоҳида бўрттириб кўрсатмоқчиман.

Докладда ва делегатларнинг нутқларида комсомолнинг, ёшларнинг амалий ишлари кенг манзараси чизиб берилди. Мен мамлакатимиз бўйлаб қилган сафарларим тажрибасига таяниб айтилган гапларнинг ҳаққонийлигини тасдиқлашни истайман. Ҳақиқатан ҳам ёшлар хўжалик қурилишининг энг қийин участкаларида, фан-техника тараққиёти учун курашнинг энг асосий йўналишларида турибдилар. Йигит-қизлар ҳозирнинг ўзидаёқ экономикани ривожлантириш учун масъулиятнинг жуда катта юкини ўз елкаларига олмоқдалар. Биз, ўртоқлар, буни кўриб турибмиз. Биз буни қадрлаймиз. Ишончим комилки, буни бутун халқимиз кўриб турибди ва қадрлайди! **(Қарсаклар).**

Мен сўнгги вақтда ёшларимизнинг Узоқ Шарқ ва Сибирдаги, Украина ва Москвадаги, Ленинград ва Болтиқбўйидаги ишлари билан танишдим. Бу масала юзасидан кўп нарса айтишим мумкин. Марказий Комитет ва ҳукумат иқтисодий стратегиямизнинг асосий вазифаларини ҳал этишда ёшларимизнинг ёрдамига умид қилмоқдалар ва асосли равишда умид қилмоқдалар.

Мен ҳал этилиши мамлакатимизда фан-техника тараққиётини ривожлантириш учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган энг муҳим проблемаларга ёшлар қўл ураётганлиги, кўп иш қилаётганлигини тасдиқловчи фақат бир мисолни келтириб ўтмоқчиман. Яқинда мен айтиш мумкинки, фан ва экономикамизнинг ўта муҳим вазифаларини ҳал этиш билан, яъни супер ЭҲМ яратиш билан шуғулланаётган ёш илмий коллективнинг иши билан танишдим.

Бугунги кунда йирик объектларни бошқаришнинг замонавий системасини яратиш, лойиҳалаш ва моделлашни автоматлаштириш, об-ҳавони кенг микёсда олдиндан айтиб бериш, космосни ўзлаштириш учун, фан-техника, мамлакат мудофаа қобилиятининг жуда катта вазифаларини ҳал этиш учун бизга ана шундай ишлаб чиқариш комплекслари зарур. Шуниси диққатга сазоворки, ғоят мураккаб комплексларни ишлаб чиқиш ёшларга, комсомолларга, олий ўқув юртларини кечагина битириб чиққан йигит ва қизларга топширилган. Турли тармоқларнинг мутахассислари ёшлар ижодий коллективларини тузиб, фидокорлик билан, жон куйдириб ишлашган. Бу одамларда иш ҳақи, иш вақти ҳақидаги савол туғилмаган. Улар ўз ғояларига берилиб кетишган.

Мана шу ишга чексиз берилиш, юксак маҳорат ёшларга тараққиётимизнинг хаётий муҳим соҳасида олға томон ёриб ўтишга ёрдам берган. Ҳа, биз улкан ишнинг муваффақиятига ишонамиз. Секундига 125 миллионта операцияни бажарадиган, айрим махсус топшириқлар берилганда эса ундан ҳам кўпроқ операцияларни бажарадиган универсал ЭҲМлар яратилди ва уларни кўплаб ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу коллектив яқин йилларда секундига 1 миллиарддан кўпроқ операцияни бажара оладиган ЭҲМ яратишни ниҳоясига етказади. Бу иш ўн иккинчи беш йилликда қилинади. Келгуси беш йилликда эса секундига 10 миллиарддан зиёд операцияни бажарадиган тезкор ЭҲМ яратилади. Съездингиз минбаридан туриб Сергей Тарасов, Фёдор Груздов, Владимир Волин, Шамил Аляуддинов, Валентина Храпова, Владимир Гребеншчиковларнинг номларини айтишни истайман. Уларнинг кекса мураббийлари, таниқли олимларимиз Қ. А. Валиев, Г. Г. Рябов, Б. А. Бабаян, А. А. Назарян номларини ҳам тилга оламан.

Уларни самимий табриклашга рухсат этгайсиз. **(Қарсаклар).**

Ғарбдаги баъзи бировлар Совет Иттифоқининг фан-техника тараққиётидаги, жумладан супер ЭҲМ яратиш вазифасини ҳал этишдаги қолоқлигига жуда кўп умид боғлаган эди. Қулоғи бор одамлар бугун шу минбардан айтилган бу хабарни эшитиб олишсин. **(Қарсаклар).**

Ёш фан доктори ўртоқ Котов раҳбарлигидаги Новосибирск навқирон олимлар коллективи ҳам мана шу нуфузли йўналишда ўзини кўрсатди. Улар янги туркумдаги истиқболли супермини-ЭҲМ яратмоқдалар ва яхши натижаларга эришдилар. Ишланмаларнинг дастлабки босқичидаёқ Минск «Интеграл» ишлаб чиқариш бирлашмаси ёшлар коллективи Новосибирск мутахассисларига қўшилди. Бу эса лойиҳанинг тез амалга оширилиши ва катта экономикага чиқиб олишини таъминлайди. **(Қарсаклар).**

Бу экономикани қайта қуришнинг фақат бир йўналишидаги, уни илғор марраларга чиқариб олишдаги ютуқлардир. Азиз ўртоқлар, комсомол, мамлакат ёшлари фан-техника тараққиёти вазифаларини ҳал этишда, мамлакат экономикасини модернизациялашда ўзларининг салмоқли сўзларини айтишларига ишончим комил. **(Қарсаклар).**

Ишлаб чиқаришни техника жиҳатидан янгидан реконструкциялаш, энг илғор технологияларни жадал ўзлаштириш жамиятимиз барча меҳнаткашларини ва албатта, аввало ёшларнинг умумтаълим ва политехника тайёргарлиги системаси олдига ўз янгилиги жиҳатидан мислсиз вазифаларни қўйди. Ишлаб чиқаришга компьютер саводини эгаллаган, юксак маданиятли, уюшқоқлик билан меҳнат қилишга, намунали интизомга ёшлигидан ўргатиб тарбияланган ходимлар келиши лозим.

Табиийки, янги вазифалар бизда меҳнат тарбиясининг янги системаси яратилишини тақозо этмоқда. Биз партия Марказий Комитетида ва ҳукуматда бу иш билан астойдил шуғуллана бошладик. Бунда олимлар ҳам, тегишли тармоқларнинг раҳбарлари ҳам иштирок этмоқдалар. Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш, ҳаёт ўртага қўйган янги талабларни ҳисобга олиб, олий ва ўрта махсус таълимни ривожлантириш тўғрисида катта қарорлар қабул қилинди. Мен ҳатто шундай дер эдим: бунда, шу йўналишда бош вазифа ҳал қилинмоқда, олға томон жадал ҳаракат қилишимизнинг, қайта қуришнинг ўзи муваффақиятга эришувининг шарт-шароитлари яратилмоқда. Чунки қайта қуришнинг бош қаҳрамони — халқ, инсондир. Қайта қуриш учун ақлли, социализм ишига содиқ, билимдон, профессионал жиҳатдан тайёргарлик кўрган инсон керак.

Бунда кўпларнинг куч-ғайратларини бирлаштиришга, мувофиқлаштиришга тўғри келади. Биз сизларнинг мактаблар ва ҳунар-техника билим юртларида, техникумлар ва олий ўқув юртларида комсомолнинг иши хусусидаги ўз-ўзини танқид руҳида айтган гапларингизни маълумот учун қабул қиламиз. Бу нарса комсомол жуда муҳим, умумдавлат аҳамиятига молик вазифанинг ҳал этилиши учун ўз масъулиятини англаётганлигидан далолат беради. Афсуски, мана шу муҳим вазифанинг ҳал этилиши учун жавоб берувчи давлат идораларининг раҳбарларидан ўз-ўзини танқид қилишга доир гапларни кам эшитяпмиз. **(Қарсаклар).**

Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш тўғрисидаги гап-сўзлар билан ўзимизни аллалаб ўтирмаймиз. Тўғрисини айтсак, бугунги кунда ислоҳот ҳозирча жойидан жилмай турибди. **(Қарсаклар).** Демак СССР Маориф министрлиги ва унинг барча органларининг иши жойидан жилмаяпти. **(Қарсаклар).**

Хўш, партия ва совет органлари қандай позицияда туришибди? Уларнинг таъсири, обрў-эътибори қаерда қолди? Бугун мана шу ҳақда ҳам айтиб ўтиш керак. Биз маориф министрлигининг, ҳунар-техника таълими системасининг, олий мактабимизнинг, қолаверса, тармоқ министрликларининг ҳам партия ташкилотлари, коллективлари ишларни қатъиян қайта қуришлари лозим, деб ҳисоблаймиз. Улар ишларни қай даражада қайта қуришлари мамлакатдаги қайта қуришга таъсир ўтказади, таъсир ўтказганда ҳам жуда кучли таъсир ўтказади. Шу боисдан биз бундаги турғунликка, қуруқ билармонликка ва амалдаги ношундликка тоқат қилиб турмаймиз. Практикада аллақачон ҳал этилган равшан масалаларни баъзида ўн йиллаб аниқлашган, педагогика фанида шундай бўлган эди. **(Қарсаклар).**

Мамлакатда кадрлар тайёрлаш учун, халқ маорифи учун жавобгар бўлган министрликларда ғоят катта илмий потенциал, кўплаб билимдон кишилар жамланган. Зотан, биз бугунги гаплардан улар ўз ишида хулосалар чиқариб оладилар, деган умиддамиз.

Комсомол ҳам билимлар учун юришга бошчилик қила олади ва шундай қилиши шарт. Мен буни Марказий Комитет ва ҳукумат номидан табриклайман. Менимча, Виктор Мироненко докладида шундай деб айтилган эди. **(Қарсаклар).**

Сизлар министрликлар ва идораларнинг вазифаларини ўз зиммангизга олишларингиз керак эмас. Сизлар ҳеч кимни сира тинч қўймаслигингиз лозим. **(Давомли қарсаклар).** Бунинг эса уддасидан чиқарсизлар. **(Қарсаклар).** Бунинг устига бу соҳада съезднинг ВЛКСМ Уставига киритиладиган ўзгартишлар тўғрисидаги қарорлари қабул қилинганидан кейин сизлар учун янги имкониятлар очилади. Ҳам мактаб, ҳам олий ўқув юрти комсомолининг мустақиллиги ва ташаббускорлигини намоён этиш ҳамда ривожлантириш учун кенг имконият пайдо бўлади. **(Қарсаклар).**

Учинчидан. Ёшларни социал жиҳатдан камол топтириш проблемаларининг чигал тугунига жуда зўр эътибор берилиши талаб қилинади. Ўртоқлар, съездда шу проблемаларга, айниқса янги қурилишларнинг ёш қатнашчилари ҳамда янги шаҳарлар аҳолисининг меҳнат ва турмуш шароитларини таъминлаш, ётоқхоналардаги ишларнинг аҳволини яхшилаш ва бошқа масалалар тўғрисидаги ўткир, ташвишли нутқларини биз қалбимизга яқин қабул қилдик. Бу ерда гап борган ва докладда ҳам, музокараларда ҳам айтиб ўтилган баъзи масалаларга биз ҳозирдаёқ амалда киришиб, уларни ҳал этяпмиз. Бошқа масалалар биз учун янги бўлиб, улар ўйлаб кўрилади.

Марказий Комитет ва ҳукумат раҳбарлари ўртасида биз шунга келишиб олдик: съездда айтилган умумиттифоқ аҳамиятига молик барча фикр-мулоҳазаларни ВЛКСМ Марказий Комитети умумлаштириб, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советига тақдим этади. Биз ҳаммасини эътибор билан кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз. **(Қарсаклар).**

Ёшларнинг социал кайфияти, социал фаолият даражаси ана шу масалаларнинг ҳал этилишига боғлиқ эканини тушунамиз. Уй-жой проблемалари ҳам, ёш оилалар учун зарур шарт-шароитларни яратиш ҳам, ўз қобилиятларини намоён этиш имконияти ҳам шулар жумласидандир. Хуллас, ёшлар социал адолат тушунчасининг ўзини боғлаётган нарсаларнинг ҳаммаси шу жумлага киради.

Ёшлар билан ишлаш маданий-маърифий вазифаларнинг, шахсни ғоявий-

маънавий камол топтиришнинг барча жиҳатларидан ажратиб қўйилиши мумкин эмас. Биз инсоннинг моддий фаровонлиги ўсиши билан маънавий етуклиги ўртасида узилишга йўл қўя олмаймиз. Жамиятни қайта қуриш, янгилашнинг кўпгина қийинчиликлари том маънодаги маданиятнинг етишмаслигидан келиб чиққанлиги ҳозир яққол кўриниб турибди. Илм-фанга ва юксак даражадаги технологияга асосланган ишлаб чиқариш тегишли маданий инфраструктурасиз, шунингдек, меҳнат маданиятини ва одамларнинг турмуш тарзини янада ўстирмай туриб, мавжуд бўлиши ва ривожланиши мумкин эмас. Мана шу соҳалар ўртасидаги ҳар қандай узилиш социал тангликлар келтириб чиқариши мумкин.

Инсонни улуғлаш, қобилиятларнинг ҳар томонлама намоён бўлиши учун шарт-шароитлар яратиш — социализмнинг тарихий бурчидир. Биз партия, давлат ва хўжалик органлари, жамоат ташкилотлари йўли билан чора-тадбирлар системаси изчил амалга оширилиши тарафдоримиз. Ана шу чора-тадбирлар натижасида ҳар бир ёш инсон мамлакатнинг барча ишлари ва юмушларига дахлдор эканлигини астойдил ҳис этадиган бўлур эди. **(Қарсаклар).**

Шу муносабат билан ёшлар тўғрисида қонун ишлаб чиқиб, қабул қилиш ҳақида съездда билдирилган фикр бизга асосли кўринмоқда. **(Қарсаклар).** Келинглар, шу масалани ўйлаб кўрайлик. Афтидан, ёшлар тўғрисидаги қонун йигит ва қизларнинг мамлакат ижтимоий турмуши барча соҳаларидаги ҳуқуқлари гарантиясини яна ҳам кўпроқ мустаҳкамлаши лозим. Чунки, ҳатто ҳозир амал қилаётган нарсаларнинг ҳаммаси, ёшларнинг мавжуд ҳуқуқ ва бурчлари мана шу қонунда тўпланган тақдирда ҳам шунинг ўзиёқ ғоят катта аҳамиятга эга бўлади. Аммо қонун текстига съезд делегатлари гапирган нарсаларни ҳам, ҳаёт кўрсатаётган нарсаларни ҳам ҳисобга олиб, ҳеч сўзсиз янгиликлар киритиш мумкин.

Комсомол съезди олдида шуни айтмоқчиманки, КПСС Марказий Комитети ва ҳукумат партия XXVII съездининг социал адолат принципига қатъий риоя этишга қаратилган йўлини собитқадамлик билан ўтказаверадилар. Социалистик турмуш тарзи фақат бир иерархияни — қобилиятларга, билим ва тажрибага, характер кучига, юксак ижтимоий идеаллар сари интилишга асосланган шахсий фазилатлар иерархиясини тан олиши мумкин. Мезонлар мана шундай бўлиши керак. **(Давомли қарсаклар).**

Ёшларнинг социал ишончи посбонлигида туриш — комсомолнинг иши. Сизларнинг союзингиз ёшларнинг жуда кенг ва ошкора мусобақасини авж олдириб юборган тақдирда тўғри иш қилади, деб ўйлаймиз. Мен сизларни комсомол ҳар жиҳатдан — ўқишда ва ишда, бадиий, илмий-техникавий ижодиётда, дам олишни уюштиришда мусобақанинг жон-тани бўлиб қолишига даъват этмоқчиман. Лекин, ўртоқлар, бу янги тушунчадаги мусобақа — унда ёшларнинг истеъдодлари намоён бўладиган, инсон фазилатлари ва қобилиятларини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратиладиган мусобақа бўлиши керак. Бунинг устига шу мусобақага юқорироқ лавозимга кўтариш ва етакчилик ҳуқуқи учун конкурслар ҳам киритилиши лозим **(Қарсаклар).**

КПСС Марказий Комитети партия ташкилотларининг вазифасини яна шунда ҳам деб биладики, улар ёшларга нисбатан истеъмолчилик руҳида муносабатда бўлинишига ҳамма жойда қатъиян қарши курашишлари, мамлакат ёш авлодининг меҳнат ва турмушга жонкуярлик билан муносабатда бўлишини таъминлашлари керак. Кеча бу ерда тўғри гапириб ўтишганидек, кўпгина раҳбарлар бирон-бир ишда вазият чигаллашиб қолганида ёшларни эсга олишади-ю, социал масалалар ҳал этилаётганида уларни жуда тез унутиб қўядилар. Биз бундай ёндашувни қоралаймиз. **(Қарсаклар).** Актив социал сиёсат доирасида биз совет ёшларининг турмуш тарзини яхшилик сари қатъиян ўзгартиришимиз, уни яна ҳам бой, мароқли, сермазмун қилишимиз керак.

III

Ўртоқлар! Сизларнинг съездингизда жамиятни ривожлантириш ҳозирги босқичида, демократиямиз системасида Ленин комсомолининг роли ва ўрни тўғрисида жуда муҳим, манфаатдорлик билан гап бормоқда. Бу гап биз комсомолни ҳозир ва келгусида қандай кўришни истаётганимиз ҳақидадир. Бу масала

ёшлар учунгина эмас, шу билан бирга жамиятимиз учун ҳам ғоят катта принципиал аҳамиятга молик масаладир. Кўпгина комсомол комитетлари бюрократик иш методларига асир бўлиб қолганлигини ҳаёт жуда ўткир қилиб ҳис эттирди. Амалий иш ўрнига қоғозбозликдан иборат мажлисбозлик, ёшлар билан кенг кўламда ошкора мулоқотда бўлиш ўрнига дабдабали тадбирлар, шовқин-суронли рапортлар, тўқиб чиқарилган ясама ташаббусларга берилиб кетилди. Комсомолда шундай ташкилотлар жуда кўп пайдо бўлиб қолдики, улар ҳақида ниҳоясига етказилмаган ташаббуслар ташкилоти, деб айтиш мумкин. Бу иллат хатарли, зарарли бўлиб, уни бартараф этиш керак. Баъзида шундай таассурот вужудга келадики, биз комсомол активларининг ишини идрок этаётганимизда ёшлар кўчанинг бир томонидан, комсомол активлари эса иккинчи томонидан, бунинг устига бир-бирига қарама-қарши йўналишда бораётганга ўхшаб туюлади **(Қарсаклар).**

Бу нарса кўп жиҳатдан мамлакатдаги умумий вазият билан, жамиятдаги муҳит билан боғланган деб ўйлайман. Ҳамма нарсада фақат ёшларнигина айблайвермайлик. **(Қарсаклар).**

Лекин билсангиз комсомолда ҳам «саралар» пайдо бўлиб қолдики, ёшлар буни жуда оғриниб қабул қилмоқдалар. Олий ўқув юртларида кимдир комсомол активлари қаторига ўтиб қолиши биланоқ, унинг учун энди машғулотларга хоҳлаган пайтда бориш керак бўлиб қолишига йўл қўйиб бўладими, ахир? Бу нарса барча студент-ёшларни ажаблантирмоқда. Активлар меҳнатда ўрнак кўрсатишлари керак, студентлик йилларидаги меҳнат эса нимадан иборат? Билимларни эгаллашдан иборат. Сессия ва зачётлар пайти яқинлашиб қолганида деканатларга ва ҳатто ректоратларга ана шундай «эркин қатновчилар»нинг рўйхатлари баҳоларини қўйиб юбора қолинг, унинг активлардан эканлигини ҳисобга олинг, деб топширилади. Бу комсомолдаги шармандали ҳолдир. Бу қандай имтиёзлар бўлди? Комсомол активининг имтиёзи битта — у ҳам бўлса ўзининг бутун хулқ-атвори билан студент-ёшларга бошчилик қилиш маънавий ҳуқуқини исботлашдан иборат. Ёки, мактаб тўғрисида гап борганида, мактаб комсомолини олиб кўринг. Комсомолдаги соғлом муҳитни заҳарлаётган бундай ҳодисаларга қатъиян чек қўйиш керак. **(Қарсаклар).** Аммо яна шуни айтаманки, бунда фақат комсомол айбдор эмас. Бу — ўтган ўн йилликларда жамият учун характерли бўлган ҳодисалар учун, ёшларни тарбиялашда йўл қўйилган хатолар учун, ВЛКСМга партия раҳбарлигидаги расмиятчилик учун тўловдир. Аммо комсомолнинг ўзи ҳам ишнинг бундай аҳволи учун масъулиятни зиммасидан соқит қилишга ҳақли эмас. Менимча бу ҳам масаланинг тўғри қўйилганлигидир. **(Қарсаклар).**

Комсомол съезди ўз ички ҳаёти масалаларини айни ана шундай позицияда туриб муҳокама қилаётганлиги бизга ёқади. Қайта қуриш бугун бутун жамиятимизни ҳаракатга келтирди. Ёшлар аллақачон кўникиб кетгандек туюлган нарсалар билан келишишни истамаётганликлари жуда яхши. Бундай муросасизликни биз, коммунистлар комсомол ҳаёти ва фаолиятининг нормаси деб биламиз. Комсомол социализмнинг қадриятлари ва идеалларига зид бўлган ҳамма нарсага нисбатан муросасиз бўлиши лозим. Биз Марказий Комитетдагилар учун энг яқин ёрдамчимиз, резервимиз — комсомол ўтказаётган мунозаралар, изланишлар тушунарлидир. Биз ёш ўринбосарларимиз айни ана шундай, манфаатдор, танқидий фикр юритувчи, талабчан бўлишларини истаймиз. **(Қарсаклар).**

Бунга қандай қилиб эришиш мумкин? Фаолиятингизда қандай вазифаларни биринчи ўринга қўйиш керак? Бу ўринда ҳам Ленин билан маслаҳатлашиш лозим. Владимир Ильич комсомол — аввало сиёсий ташкилот эканлигига ҳеч қачон заррача ҳам шубҳа қилмаган. **(Қарсаклар).**

Комсомол мамлакат ҳаётининг ғоят хилма-хил масалаларини ҳал этишда қатнашиб, ёш авлодни ўзига эргаштириб бориши, унга ташкилий жиҳатдан ҳам, ғоявий жиҳатдан ҳам бошчилик қилиши зарурлиги тўғрисидаги Ленин васиятини ҳамиша ва ҳар ишда эсда тутиши лозим **(Қарсаклар).**

Айни шу позициядан туриб Владимир Ильич ёшлар ҳаракати учун кенг ташкилий мустақиллик, ташаббускорлик асосларини ривожлантириш шартдир, деб ҳисоблаган эди. Бунингсиз «Ёшлар ўзларидан яхши социалистлар тайёрлаб чиқара олмайди ҳам ва социализмни олға суришга тайёрлана ҳам олмайди». Бу

Лениннинг сўзларидир. Комсомол — граждан жасорати ва сиёсий етуклик мактабидир, идеалларимизга содиқ бўлган шахсларни тарбиялашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган социалистик принциплар асосида кишиларни шакллантириш мактабидир. Бугунги кунда комсомол қайта қуришнинг ёш гвардияси бўлмоғи лозим. **(Давомли қарсаклар).**

Қайта қуришга гражданлик принциплари мустаҳкам, социалистик ғоявий эътиқодли, ўзининг маънавий бурчи юксаклигида бўлишга қодир, ҳақиқат учун қаттиқ туриб кураша оладиган, хушомадгўйлик, икки юзламалик юқмаган одамлар керак.

Қабул қилинган қарорлар учун олишишга ҳам тайёр бўлган мард ва дадил одамларнинг, социализм ақлли ва виждонли курашчилари ва тарафдорларининг ижтимоий аҳамияти бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам юқоридир.

Қайта қуришга майда-чуйда ишларга ҳам кўрсатма бўлишини кутмайдиган, жавобгарликни ўз зиммасига оладиган, катта ва кичик ишларда бошланган ҳамма нарсани охирига етказадиган мустақил одамлар керак.

Ҳозир кўпинча комсомол ташаббус кўрсатмайди, унинг мустақиллиги жуда кам, деб нолишмоқда. Ахир, мактабдан тортиб олий ўқув юрти ва корхона комсомолигача, улар етук одамлар бўлганларида ҳам, комсомоллар аслида мустақилликдан маҳрумдирлар. Ҳамма жойда васийлар тайёр туришади, мактаб комсомол комитети педагогика коллективи ва директордан берухсат қадам қўя олмайди, район комсомол комитети, шаҳар комсомол комитети район, шаҳар партия комитетисиз бир қадам ҳам қўя олмайди. Комсомолга партиявий раҳбарлик шундан иборатми, ахир! **(Давомли қарсаклар).**

Келинглар, бу вазиятни биргаликда ўнглаб олайлик. КПСС Марказий Комитети комсомолнинг ушбу XX съездидан хулоса чиқаради. Биз комсомолга, совет ёшларининг сиёсий авангардига нисбатан ленинча традициялар руҳида ҳаракат қиламиз. **(Қарсаклар).** Келинглар, комсомол мамлакатдаги ҳар бир иш билан қизиқиши тўғрисида келишиб олайлик.

Ёшларнинг қандайдир бир қисми тор дунёга биқиниб қолган, ҳаётнинг жўшқин оқимидан четга чиққан ёки шундай қилишга уринмоқда. Бундай қилиш ёш инсон учун хатодир. Шу сабабли комсомолнинг бугун ёшларнинг актив сиёсий ташкилоти сифатида ҳаракат қилиши ҳар қачонгидан ҳам кучлироқ ижтимоий заруриятга айланган. **(Қарсаклар).**

Завод ва фермада, мактаб ва олий ўқув юртида, конструкторлик бюросида, театр саҳнасида — ҳамма жойда комсомолнинг ҳаракатга, ижодга, янгиликка чорловчи беором ва дадил овози эшитилиб туриши керак. Ишончим комилки, комсомол эскиликларни енгиб ўтишга ўзида куч топа олади ва ҳамма жойда ёшларнинг чинакам турмуши, мамлакат манфаатлари комсомол ишининг мазмуни бўлиб қолади. Бунда биз, коммунистларнинг ёрдам кўрсатишимизга умид қилишингиз мумкин. **(Давомли қарсаклар).**

Ўртоқлар! Партия XXVII съездида айтилганидек, биз мураккаб, зиддиятли, лекин ўзаро боғлиқ бўлган дунёда яшамоқдамиз. Жамиятимиз ўзгармоқда, социализм тўғрисидаги тассаввурларимиз бойиб бормоқда, халқаро майдонда маънавий бойликлар ва дунёқараш позициялари қиёсланмоқда. Шу туфайли комсомол ҳам ўқиш ёрдамида, ҳам баҳслар ўтказиш ёрдамида ёшларда дунёга, ҳаётга аниқ, муайян қарашларни тарбиялашда ёрдам бериши лозим.

Кези келганда айтиш кераккки, комсомолда нима учундир мунозаралар жуда кам: фақат съездолди даврида унинг турмуши мунозаралар билан бойиди. Ахир комсомолда мунозара сиёсий позицияларни, гражданликни шакллантиришнинг асосий методидир. **(Қарсаклар).**

Бизда ҳатто студентларга ҳам ижтимоий фанлар юзасидан семинар машғулотларида баҳс юритишга имконият беришмайди. **(Қарсаклар).** Биз ёшларни ваъз айтавериб қийнаб қўйдик. **(Кулги. Қарсаклар).** Аммо, фақат сиёсий жараёнда, ҳаёт ва жамиятнинг барча ишларида қатнашиш билангина Ленин иши учун, социализм учун ҳақиқий жангчи бўлиб етишиш, ҳам инсоний ва сиёсий жиҳатдан ўсиш мумкин. Лекциялар, маориф — ҳаётдаги зарур босқич, айниқса ёш инсон ҳаётидаги зарур босқич эканлигини инкор этмайман. Лекин пировард натижада шахсни булар шакллантирмайди.

Комсомол ўқишни амалий ишлар билан ленинчасига боғлаб, ёшларга тўғри

социал максадларни кўрсатиб бериши, уларни, буржуа турмуш тарзининг ақидалари ва ахлоқига танқидий ёндаша олишга, ижтимоий ҳодисаларни илмий, марксча-ленинча позициядан туриб англаб етиш ва баҳолашга ўргатиши керак.

Ҳозирги дунё, айниқса ундаги баъзи кучлар сохта қадриятларни ўртага ташлашга, фақат социалистик мамлакатларда эмас, балки Ғарб дунёсида ҳам ёшларни йўлдан оздиришга, уларни актив сиёсий курашдан, социал жараёнларда иштирок этишдан четга тортишга, ёшларни улар сиёсий жиҳатдан ожиз бўлишлари учун обивателчилик дунёсига итариб юборишга уринаётганликларини ҳисобга олсак, жуда мураккаб дунёдир. Бироқ биз, коммунистлар, бизнинг социалистик тузумимиз сиёсий жиҳатдан етук, ҳозирги замоннинг барча масалаларини ҳал этишда иштирок этадиган актив ёшлардан манфаатдордир.

Ҳаётдаги ўрнини тўғри белгилаб олиш учун бу дунёни яхши кўра билмоқ керак. Дунё тараққиётининг асосий йўналишида уни барча ўзаро алоқалари, барча мураккабликлари, зиддиятлари билан тушунмоқ керак. Ёшларда дунёқарашга оид масалаларга мойиллик мислсиз даражада каттадир. Ким ёшлигида маънавий йўлни танлаб олиш, ҳаётнинг мазмуни ҳақида бош қотирмаган, ким бахт ва адолат тўғрисида, инсон тақдири ҳақида мулоҳаза юритмаган?

Айни ёшлик йилларида, ҳамма нарсани илғаб оладиган, ҳаётга қизиқадиган йилларда ёшларимизнинг марксизм-ленинизм ҳаётбахш манбаларига мурожаат қилишлари жуда муҳимдир. Чунки бу таълимот инсон турмуши, унинг барча ташвишлари, юмушлари, умидлари билан бирга энг ўткир проблемаларга жавоб сифатида вужудга келган!

Умуман биз жамиятимизни революцион тарзда янгилаш жараёнини ва инсонни ғоявий-маънавий жиҳатдан тарбиялаш жараёнини яхлит бир жараёнга бирлаштиришимиз лозим. Замонамиз сахийлик билан гражданлик бурчи туйғусини таъминламоқда, тарихимиз бу туйғунинг манбаига айланиши лозим.

Ўртоқлар, Ленин тарихий онгни тарбиялашга қандай аҳамият берганини эслаб кўринг. У методлари ва мазмуни жиҳатидан илмий, оммабоп баён этилган, ёрқин услубдаги Ватан тарихи курсини тайёрлашни энг муҳим сиёсий иш, деб ҳисоблаган эди.

Нима, бугун ғайратимиз етишмайдими, илмий ва адабий кучларимиз Ватан, партия тарихини ёзиш учун етишмайдими? Бу мамлакатимиз ва партиямизнинг босиб ўтган қаҳрамонона йўлини — кашшофлар йўлини бутун улуғворлиги билан очиб берадиган ҳалол, мард, қизиқарли китоб бўлиши керак. **(Қарсаклар).** У бўш саҳифалари бўлмаган, субъектив афзалликлар ҳамда ёқтирмай қарашлар ва конъюнктура ўзгаришларига боғлиқ қадриятлар бўлмайдиган, воқеалар драматизмини ҳамда инсон тақдирини четлаб ўтмайдиган китоб бўлиши керак. **(Қарсаклар).**

Тарбия ҳақидаги фикримни давом эттириб, тарбиядаги нуқсонларни баъзан фақат объектив вазиятлар оқибати қилиб кўрсатишга уринаётганликларини ҳам айтиб ўтмоқчиман. Аммо инсон фақат вазиятнинг пассив маҳсулими, вазиятнинг ўзини инсон вужудга келтирмайдими? Ишончим комилки, сиёсий эътиқоди ва маънавий принциплари мустаҳкам бўлган одам энг ноқулай вазиятларда ҳам ўзгармай қолаверади, «Турмуш оппортунизми» виждон билан келишувчилик йўлидан бормайди, актив ҳаётдан четланиш йўлларини қидирмайди.

Миллионлаб коммунистлар ва партиясизлар энг қийин пайтларда ҳам ўз принциплари ва эътиқодларидан қайтмаганликларини биламиз. Ҳозир мамлакатимизда юз бераётган қатъий самарали ўзгаришлар айни шу сабабли мумкин бўлди. **(Қарсаклар).**

Буларнинг ҳаммаси — ўз халқига, социализм ишига содиқликнинг юксак кўринишидир, чуқур ватанпарварликнинг кўринишидир, чунки Ватанга муҳаббат тўғрисида чиройли сўзларни гапирадиган кишилар эмас, балки қийинчиликларни, ҳал этилмаган проблемаларни кўриб нолимайдиган, ваҳима қилмайдиган, ўзининг худбинлик эътирозлари билан югуриб юрмайдиган, балки енг шимариб, тўсиқларни енгиб ўтадиган одам ватанпарвардир. Ватанпарвар ана шундай бўлади. **(Қарсаклар).** Ҳақиқий ватанпарвар, ўртоқлар, албатта интернационалист бўлади. **(Давомли қарсаклар).**

Социалистик Ватанимизнинг бутун тарихи ватанпарварликнинг интернационализм билан мустаҳкам боғлиқлигини тасдиқлайди. Биз ватанпарварликни

миллатчилик, шовинизм, иркчиликни муросасизлик билан инкор этиш тарзида тушунишга тўла маънода машаққат билан эришганмиз.

Одам интернационалист ёки миллатчи бўлиб туғилмайди. Турмушда унинг қандай бўлиши ўзига, тарбиясига, жамиятга боғлиқ. Совет кишиларининг ҳар бир **янги авлоди миллатлараро алоқада, биргаликдаги ўқиш ва ишда интернационализм** туйғусини ҳар сафар янгидан эгаллаши лозим. Ахир, сиз билан биз, азиз дўстлар, кўп миллатли мамлакатда яшаяпмиз. Халқлар дўстлиги — мамлакатимизнинг буюк мулкидир. **(Қарсаклар).**

Шу муносабат билан Афғонистонда ўт-олов синовидан ўтган минглаб совет йигитлари тўғрисида ҳаяжонланмай гапира олмайман. Улар революцион ғалабаларни ҳимоя қилишда қардош халққа ёрдам бериб, чинакам интернационалистлар эканликларини, Ватанимизнинг жанубий чегаралари хавфсизлигини ҳимоя қилиб, чинакам ватанпарвар эканликларини кўрсатдилар. **(Давомли қарсаклар).**

Партия Марказий Комитети номидан, ўйлашимча, сизларнинг ҳам номингиздан Афғонистон мактабини ўтаганларнинг ҳаммасига шундай демоқчиман: мамлакатимиз, халқимиз сизларнинг мардлигингиз, жасоратингиз ва жасурлигингиз билан фахрланади. **(Қарсаклар).** Ғоят оғир шароитларда намоён бўлган бу фазилатлар тинч ишларда ҳам қадрлидир. Бу фазилатлар бир умр сизлар билан қолишига шубҳа қилмаймиз. Азиз совет жангчилари, шу минбардан фойдаланиб, армия комсомолига, Қуролли Кучларда хизматни ўтаб бўлганларга, Афғонистонда ҳаққоний иш учун жанг қилганларга мурожаат этмоқчиман: ўсмирлар ҳузурига боринг, уларга ўзларингиз, ўртоқларингиз, командирларингиз ва мураббийларингиз тўғрисида, жасорат, мардлик ҳақида, жанговар биродарлик тўғрисида гапириб берингиз. **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар! Партия комсомол олдида турган вазифаларнинг қийинлигини ҳам, муаммоларнинг мураккаблигини ҳам яхши кўриб турибди. У комсомолга раҳбарликни унга доимий ўртоқлик ёрдами кўрсатишдан иборат деб тушунмоқда ва буни ўзининг энг асосий бурчи деб билмоқда.

Азиз дўстлар! Ёшлар ҳамиша жамиятнинг келажаги билан энг яқиндан ва бевосита алоқадордирлар. Аммо бу гап ҳозирги ёшлар учун икки карра тўғридир. Цивилизациянинг тараққиёти ҳозир мумкин ва мумкин эмас, деган нарсалар ўртасидаги чегарани бузиб ташламоқда. Ер юзида яшаган инсон зоти бирорта аждодининг ҳам қўлида бўлмаган улкан фан-техника қудрати ва интеллектуал потенциал сизнинг тасарруфингизга ўтмоқда. Бугунги кунда режалаштирилган нарсаларнинг ҳаммаси — эзгулик ва ёмонлик, қутқарувчи ва ҳалок этувчи нарсалар техник жиҳатдан амалга оширилиши мумкин. Сизлар ана шу қудратга эгаликни ўз қўлларингизга олар эканcизлар, келажакни яратаётганлигингизни ёдда тутинг. **(Давомли қарсаклар).**

Ҳар бир инсон бахт тўғрисида орзу қилади. Лекин икир-чикир нарсаларни четга улоқтириб, юксак инсоний мақсадлар сари олға ва фақат олға борадиган одамгина чинакам бахтли бўлади. **(Қарсаклар).**

Биз, коммунистлар, барча катта авлод ёшларимиз партиянинг, халқнинг умидларини оқлашига, панд бермаслигига ишонамиз. **(Давомли қарсаклар).**

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети коммунистлар номидан съезд делегатлари ва меҳмонларига, кўп миллионли Ленин комсомолига, Советлар мамлакатининг ҳамма ёшларига қизғин салом йўллайди.

Сизларга катта ижодий жасорат, ёрқин йўл ва мустаҳкам сиҳат-саломатлик тилайман! **(Қизғин, давомли қарсаклар).**

ҚАЙТА ҚУРИШ ШАРОИТИДА ПАРТИЯНИНГ КАДРЛАР СИЁСАТИ

ПАРТИЯНИНГ КАДРЛАР сиёсати кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашнинг ленинча мустаҳкам принципларига, шунингдек ҳам ижобий, ҳам салбий тажрибалардан чиқарилган сабоқлар ва хулосаларга таянади. Жамиятнинг ҳозирги босқичдаги ҳолатини чуқур таҳлил қилиш, унинг зиддиятлари ва йўл қўйилган хатоларни идрок этиш мамлакатнинг социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш, қайта қуриш стратегик йўлини ишлаб чиқиш имконини берди. Партия ўзининг XXVII съездида ҳамда КПСС МҚнинг 1987 йил январь Пленумида жамиятдаги танг аҳволлар тўғрисида ленинча ростгўйлик ва мардлик билан гапирди, уларнинг сабабларини очди, турмушимизни янгилаш йўлларини кўрсатиб берди. Нимани бартараф этишни, назарий тафаккурни ривожлантиришга етарлича баҳо бермасликда, социализм тўғрисидаги ленинча қоидаларни жўн ва енгил талқин этишда, партия турмушининг ленинча принциплари ва нормаларини бузишда қандай хавф-хатар борлигини билиш учун халққа, кадрларга ўтмишни танқидий баҳолаш, кўп жиҳатдан аччиқ ва оғир ҳақиқат зарур. Фақат шунга асосланиб, омманинг ташаббуси, ижодиётини, демократлаштириш жараёнини бўғиб турган жамики нарсаларни улоқтириб ташлаб, бошқаришнинг форма ва методлари турғунлигидан, бюрократик бузилишлар, хотиржамлик ва қуюшқондан ташқари чиқишлардан, сўз билан ишнинг фарқ қилишидан қатъиян воз кечибгина амалий, яратувчилик ишига ўтиш мумкин.

КПСС XXVII съезди уқтириб ўтганидек, бу ишнинг муваффақиятли амалга оширилиши учун марксча-ленинча назарий тафаккурни янада ривожлантириш катта аҳамиятга эга. «Биз жиддий фалсафий умумлашмаларга, асосланган иқтисодий ва социал прогнозларга, чуқур тарихий тадқиқотларга жиддий эҳтиёж сезиб турибмиз... Давр ижтимоий фанлар практиканинг конкрет эҳтиёжларига кенг миқёсда чиқиши ҳақидаги масалани қўяётир, жамиятшунос олимлар ҳаётда рўй бераётган ўзгаришларга сергаклик билан қараб, ўз мулоҳазаларини айтишларини, янги ҳодисаларни кўзда тутишларини, практикага тўғри йўл-йўриқ бера оладиган хулосаларни чиқаришларини талаб қилмоқда», — деб таъкидланди КПСС МҚнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида.

КПСС МҚнинг 1987 йил январь Пленуми нафақат фанда, шунингдек жамият ҳаётида ҳам схоластиканинг, қироатхонлик билан догматизмнинг ярамас роль ўйнашига эътиборни тортгани бежиз эмас. Халқ хўжалигининг ривожланишидаги оғишлар ва номутаносиблик, социализм энг муҳим принципларининг бузилиши, социал таназзул элементлари ва бунинг муқаррар оқибати сифатида — ижтимоий ишларга қизиқишнинг сўниши, маънавиятсизлик ва скептицизм кўринишлари кўп жиҳатдан шу сабабли авж олди. Ижтимоий фанлардаги кўр-кўрона баҳолар ва мулоҳазалар фақат шарҳланишигина лозим бўлган рад қилиб бўлмайдиган ҳақиқатларга айландики, бу ҳол амалий масалаларни ҳал этишга салбий таъсир кўрсатди: хўжалик юритиш ва бошқариш соҳасида эскириб қолган методлар турғун бўлиб қолди, самарали иқтисодий формалар эса асоссиз равишда рад этилди; ишлаб чиқариш ва меҳнатни рағбатлантириш аслида миқдорий, экстенсив ривожланишга мослаштирилган эди.

Ривожланувчи социализм ҳаракатлантирувчи кучлари ва зиддиятлари диалектикаси, жамиятнинг реал ҳолати илмий чуқур тадқиқ этилмади. Ленинча қоидаларнинг, шу жумладан ижтимоий мулк, синфий ва миллатлараро муносабатлар, меҳнат ва истеъмол меъёри, кооперация, хўжалик юритиш методлари, халқ ҳокимияти ва ўз-ўзини бошқариш, бюрократик бузилишлар билан кураш, социалистик идеологиянинг революцион-ўзгартирувчилик моҳияти, таълим ва тарбия принциплари, партия билан жамиятнинг соғлом ривожланишининг гарантияси сингари муҳим проблемаларга доир қоидаларнинг назарий теранлиги ва аҳамияти кўпинча йўққа чиқарилди.

Республикамизда ҳам ижтимоий фанларда шундай аҳвол юз берди. Аҳоли социал структурасининг нотўғри ривожланиши, миграция жараёнларининг сустлиги, ишлаб чиқариш-техника потенциалининг иш билан тўла таъминланмагани ва самарасининг пасайиб кетгани, ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этилмаган меҳнатга лаёқатли аҳолининг анча кўпайганлиги, мутахассислар касбий тайёргарлиги ва малакаси паст савияда экани сингари ходисалар иқтисодчилар, философлар, социологлар назар-эътиборидан четда қолди.

Ўзбекистоннинг илгариги раҳбарлари ҳам бу проблемаларни таҳлил этмади. Халқ хўжалигининг фан-техника тараққиётини белгиловчи кўпгина тармоқлари, бутун-бутун индустриал регионлар маҳаллий аҳоли кам иштирок этган ҳолда, асосан бошқа республикалардан ишчилар жалб этиш ҳисобига бунёд этилгани ва ривожлантирилгани уларни айниқса ташвишлантириши керак эди. Бироқ, аксинча бўлди — туб ерли миллатларга мансуб кишилардан саноат ишчи синфини шакллантириш жараёнининг секинлашувига кўникиб келинди.

Шундай қилиб, фан ҳаётнинг реал проблемаларидан, партиявий раҳбарлик практикаси эса социалистик ва коммунистик қурилишнинг илмий асосларидан ажралиб қолди.

Назарияга бундай муносабат қандай кўнгилсиз оқибатларга олиб келганлиги маълум. Шунинг учун ҳам партия бу аҳволни ўзгартириш учун қатъий чоралар кўрди. КПСС XXVII съездининг қарорлари ва орадан бир неча ой ўтгандан кейин КПСС МКнинг «Коммунист» журнали ҳақида чиқарган қарори жамиятшунослик олдида турган вазифаларни конкретлаштиришда бурилиш нуқтаси бўлди. Бизнинг кадрларимиз қандай ва қайси йўналишда ҳаракат қилиш кераклиги, мамлакатнинг социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш практикаси туғдирган янги проблемаларни назарий идрок этишда энг асосий, энг муҳим нарса нима эканлиги тўғрисида равшан ва чуқур тасаввурга эга бўлдилар. Ҳозир КПСС XXVII съездининг бутун бой ғоялари, хулосалари ва йўл-йўриқларини ёритиш, мамлакат жадал тараққиётининг дунёқарашга оид, социал-иқтисодий, маънавий-психологик жиҳатларини комплекс ҳолда ишлаб чиқиш ва шу асосда ҳозирги тарихий босқич объектив талабларининг энг тўла назарий ифодаси бўлган яхлит жадаллаштириш концепциясини ривожлантириш муҳимдир. Омманинг социал тажрибасини умумлаштириш, жамики янги, илғор нарсаларни қўллаб-қувватлаш, қайта қуришнинг революцион характерини очиш, қотиб қолганлик ва мутаассибликка, назарияда ҳам, практикада ҳам эскириб қолган тасаввурлар ва хурофотларга қарши муросасиз курашиш зарур. Кадрлар Ленин ғояларининг боқий аҳамиятини, уларнинг ҳозирги замон билан жипс алоқасини тўла-тўкис тушунишлари ва буни чуқур англаб, янгича тафаккурнинг, сиёсий, ташкилотчилик, хўжалик ва ғоявий-тарбиявий фаолиятда янгича ёндашувларнинг ривожланишига бутун чоралар билан кўмаклашувлари керак.

КПСС МКнинг «Коммунист» журнали ҳақида»ги қарорида таъкидланадики, жамият ҳақидаги, унинг такомиллашуви қонунлари ҳақидаги билимларни муттасил ошириб бориш калити — социал воқеликни анализ қилишнинг диалектик методикага доимо амал қилишдирки, бу метод революцион танқидийликни, назарий заковат ва жамиятнинг олға қараб ривожининг асосий тенденцияларини илмий башорат қилишни ўзида қўшиб олиб боради. Унинг ўз-ўзидан ҳаракат қилиш манбаи эса реал зиддиятлар, янгиликнинг эскиликка қарши курашидир.

Бу хужжат ҳаётимизнинг бутун хилма-хиллигини ўз ичига оладиган илмий изланишнинг йўналишларини кенг кўламда ва тўлиқ ёритиб, уларнинг энг муҳимларини ажратиб кўрсатдики, оммани коммунистик тарбиялашда фаол қатнашиш шулар жумласидандир. Зотан фан инсоннинг дунёқарашини, маънавий

хислатларини шакллантиришга, меҳнатга онгли муносабатни, ички интизомни, масъулият, коллективизм туйғусини ўстиришга, яъни бизнинг энг якин максадларимиз — жадаллаштириш, кайта куришга ҳам, олис максадимиз — коммунистик идеалга ҳам эришиш учун зарур нарсаларнинг ҳаммасига ёрдам бериши керак.

Партия Марказий Комитети шу йўналишда изчил иш олиб бориб, 1986 йил октябрда ижтимоий фанлар кафедралари мудирларининг Бутуниттифок кенгашини чакирди. Кенгашнинг тавсияномалари аввало ёш авлодни тарбиялашга тааллукли назарий тадкикотлар ва умумлашмаларнинг натижаларига амалий тус бериши керак. Айни ана шу мафкуравий жабҳада совет ватанпарварлиги ва пролетар, социалистик интернационализмнинг юксак ғояларини, социализмнинг социал ва маънавий принципларини бутун чоралар билан баркарор килиш, мешчанлик ва маънавиятсизлик, тайёрга айёрлик ва истеъмолчиликнинг бугунги хилма-хил турларига карши ҳужумкор кураш олиб бориш муҳимдир. Жамиятшуносларнинг 1987 йил январь ойида бўлиб ўтган республика кенгаши ҳам шундай вазифаларни кўйди.

КПСС МК тасдиклаган мамлакатда олий ва ўрта махсус таълимни кайта куришнинг Асосий йўналишлари ва шу юзасидан кабул килинган карорига ҳам ёш авлодимизнинг таълим ва тарбиясига жадаллаштириш талабларига жавоб берадиган янгича ёндашувлар тарзида карамок лозим. Партия ишлаб чиккан ҳужжатлар илмий-педагогик кадрлар учун уларнинг муҳим ва машаккатли фаолиятида ишончли йўл-йўрик бўлиб хизмат килади.

Ҳозир турмушимизнинг ҳамма соҳаларида бошланган силжишлар тўғрисида гапириш мумкин. Улар маълум ва буларнинг энг муҳими шундаки, партиянинг кайта куриш сари тутган йўлини бутун халк астойдил кўллаб-кувватламокда. Жамият ҳаракатга келди. Ижобий тенденциялар тобора кенг кулоч ёймокда, янгича маънавий муҳит таркиб топмокда. Экономикадаги ўзгаришлар, уни хўжаликни юритишнинг ва бошкаришнинг илғор методларига катъиян ўтказилиши туфайли мамлакат халк хўжалиги 1986 йилда ва 1987 йилнинг бошида асосий кўрсаткичлар бўйича режалаштирилган марралардан ошиб кетди. Социал сохада ҳам хайрли ўзгаришлар содир бўлмокда.

Бизнинг республикамизда ҳам ишга янгича муносабат мисоллари кўп. Чунончи, Ўзбекистон Компартияси МКнинг V пленумида (1987 йил март) куйидагилар таъкидланди: энг яхши корхона ва хўжаликлар тажрибаси шуни кўрсатдики, раҳбарлар ва бошланғич партия ташкилотлари юкоридан кўрсатма берилишини ва ёрдамни кутмай, етилган вазифаларни ўз кучлари билан дадил ҳал этаётган жойларда жиддий силжишларга эришяпти. «Навоиазот» ишлаб чикариш бирлашмаси ишини анализ килиш шундан далолат берадики, юксак натижаларга эришиш йўли — хўжалик фаолиятига эскича ёндашув инерциясига чек кўйиш, реконструкция килиш, меҳнатни аник ташкил этишни йўлга кўйиш, социал-маиший соҳани кайта куриш, меҳнат коллективи ҳаётида демократик негизларни ривожлантиришдан иборат.

Бундай корхоналар кўпайиб бормокда. Улар туфайли ижобий тенденциялар, афсуски, ҳозирча секинлик билан, лекин позицияларни оғишмай эгаллаб бормокда. Чунончи, республика саноати шу йилнинг биринчи квартали планини товар маҳсулот ишлаб чикариш бўйича 101,3 процент килиб бажарди. Пландан ортикча 73 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди — ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан ўсиш суръати 5,8 процентни ташкил килди. Шуниси кувонарлики, чорвачилик маҳсулотини харид килиш плани ҳам бажарилди.

Бирок кайта куриш кўп кийинчиликларга дуч келмокда, уларни бартараф этмок учун кадрлар жамиятимиз ҳаётининг носоғлом нукталарини билишлари ва уларга доимо диккат-эътибор беришлари керак. КПСС МКнинг январь Пленуми эътиборимизни шунга каратди. Чунончи, корхоналар ва бирлашмаларнинг хўжалик ҳисоби ҳукукларининг чеклаб кўйилгани экономикада айникса оғир окибатларга олиб келди. Ҳокимият иктисодий воситалари заифлашувининг бутун бир системаси вужудга келди, социал-иктисодий тараккиётни тўхтатиб турадиган, прогрессив ўзгаришларнинг олдини тўсадиган ўзига хос механизм таркиб топди. Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги конун, бошка тадбирлар комплекси вужудга келган аҳволни ўзгартириши, binobarin, кадрларимиз уларни амалда рўёбга чикаришга бутун чоралар билан ёрдам беришлари керак.

Социализмнинг энг муҳим принципи — меҳнатга қараб тақсимлаш принципига риоя қилмаслик — тайёрга айёрлик кайфиятларига, социал адолат принципининг бузилишига олиб келди, бу эса КПСС МКнинг январь Пленумида таъкидланганидек, — катта сиёсий аҳамиятга эга масаладир.

Қонунларни писанд қилмаслик, кўзбўямачилик, порахўрлик, хушомадгўйлик, ҳамма нарсани кечириб юбориш ва ишга масъулиятсизлик билан қараш жамиятнинг маънавий муҳитига ёмон таъсир кўрсатди. Кадрларнинг айникса хунук тарзда айниши, социалистик қонунчиликнинг бузилиши, партия XXVII съездида ва КПСС МКнинг январь Пленумида таъкидлангандек, Ўзбекистонда, бир қатор бошқа республикалар, ўлка ва областларда намоён бўлди.

В. И. Ленин туғилган куннинг 117 йиллигига бағишланган Тошкентдаги тантанали йиғилишда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президумининг Раиси Р. Н. Нишонов ўз докладида айтдики, биз ўтмишда бўлган нарсаларни унутишга ҳаққимиз йўқ. Чунки агар биз буни унутсак, барча салбий ҳодисаларни шафқатсизларча таг-туги билан йўқотмасак ва қайта қуришимизда ундан қатъиян қутулмасак, ҳеч қаерга силжий олмаймиз.

Турғунлик касри маданият, адабиёт, санъат соҳасига ҳам урди. Бадиий ижодга партиявий ёндашув кўпинча соф ижодий жараёнга идоравий, асоссиз аралашув билан, ғоявий таъсир ва раҳбарлик методлари эса — маъмурий қарорлар билан алмаштирилди.

КПСС Марказий Комитети ўзининг январь Пленумида 70—80-йиллар оралиғида вужудга келган социал-иқтисодий ва сиёсий вазиятга партиянинг ўзидаги, унинг кадрлар корпусидаги аҳвол ҳам таъсир қилганлигини дадил эътироф этди. Жамиятдаги, коммунистларнинг бир қисми хулқ-атворидаги салбий тенденцияларнинг авж олиши хавфи ўз вақтида танқидий баҳоланмади. Партиянинг раҳбар органлари ҳаёт қатъиян талаб қилаётган қарорлар қабул қила олмадилар. Шу муносабат билан КПСС МК Пленуми Марказий Комитетнинг ўзида, унинг Сиёсий бюросида кадрларга доир етилган масалаларни ўз вақтида ҳал этиш зарурлиги тўғрисида хулоса чиқарди. Партия ва давлат раҳбарлигининг юқори эшелонлари фаолиятнинг турли соҳаларидан янги кучларнинг келиб қўшилиши учун очиқ бўлиши керак, токи янгиланиш ва давомийлик жараёни бузилмасин — бу кадрлар сиёсатини ленинча тушунишга, партия билан халқ манфаатларига мос бўлиб тушади.

Кадрлар ҳозир ўз ишларида бу фактни ҳам билишлари ва ҳисобга олишлари кераккки, қуюшқондан ташқари иш тутиш, бир-бирини зимдан қўллаш, интизомнинг бўшашиши вазиятида кўпгина бошланғич партия ташкилотлари ҳам, гарчанд меҳнат коллективларига таъсир қилиш учун жуда катта имкониятларга эга бўлсалар-да, принципиал позицияларда тура олмадилар. Уларнинг баъзилари жанговарликни, КПСС аъзоларига талабчанликни бора-бора бой бердилар, коммунистларнинг ғоявий-сиёсий тарбиясига лозимича аҳамият бермадилар. Партия аъзоларининг юксак ғоявийлик ва онглилик, шахсий манфаатларни жамият манфаатларига бўйсундиришга шайлик, халққа сидқидилдан хизмат қилиш каби энг қимматли большевистик фазилатлардан маҳрум бўлишнинг партия учун нақадар хавфли эканлигини кўрсатувчи бу сабоқ кадрларнинг сиёсий ва назарий тайёргарлиги, ғоявий-маънавий чиниқиши бағоят муҳимлигини кўрсатди. Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашда ана шу мезон ҳар доим ҳам ҳисобга олинавермади. Иродавий хислатлар, ишлаб чиқариш, фан, техниканинг бирор бир тармоғининг ўзига хос хусусиятларини билиш биринчи ўринга қўйилди.

Бир қатор омиллар, шу жумладан субъектив омиллар туфайли кадрлар билан ишлашнинг ленинча принциплари бузилиши бизнинг республикамизда айникса ёмон тус олди. Ўзбекистон Компартияси МКнинг Ўзбекистон Коммунистик партияси XXI съездига Ҳисобот докладида бу ҳол партиявий принципиаллик билан қайд қилинди. «Кадрлар одатда сиёсий, ишчанлик ва маънавий фазилатларига қараб эмас, балки қариндошлик, юртдошлик, шахсий садоқат белгиларига қараб, кўпинча эса ғаразли мақсадлар билан ҳам кўтарилди... Бу раҳбарларнинг баъзилари текшириш ва танқиддан ҳимоя қилинибгина қолмай, шу билан бирга номуносиб равишда рағбатлантириб ҳам турилди».

Маълумки, буларнинг бари кадрлар тарбиясига жуда катта зиён етказди,

социалистик жамиятда тоқат қилиб бўлмайдиган — коррупция, ошна-оғайнигарчилик, порахўрлик, хусусий мулкчилик психологияси, мол-дунё орттириш каби ҳодисаларни келтириб чиқарди.

Сиёсий раҳбарлик органлари бўлган партия комитетлари фаолиятида технократик, «маъмурий зўрлик» услуби жиддий нуқсонларга сабаб бўлди, Ўзбекистонда эса кадрлар билан ишлаш принципларининг бузилиши жуда жиддий оқибатларга олиб келди — йирик давлат жиноятчилари орасида энг катта ваколатлар бериб қўйилган шахслар ҳам бўлди. Ўзбекистон Компартияси МҚ V пленумида таъкидланганидек, бундай фактларнинг ҳар бири умуман партияга, Совет ҳокимиятига доғ туширади.

Ана шуларга кўра КПСС МҚ январь Пленумининг раҳбарларнинг ғоявий-назарий билими ва сиёсий етуклиги, ахлоқий негизлари, кишиларни ишонтириш ва ўз кетидан эргаштириш қобилияти каби хислатларининг назардан четда қолишига йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисидаги кўрсатмаси айниқса чуқур маъно касб этади.

Меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқуви системасини қайта қуриш кадрларнинг ғоявий-сиёсий савиясини оширишга ёрдам бериши керак. Партия марксча-ленинча таълим жамият ҳаётининг ҳамма томонларини қайта қуришга ёрдам бериши, КПСС сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга энг кенг **оммани жалб қилиши, янгича сиёсий ва иқтисодий тафаккурни шакллантириши,** ижтимоий ҳодисаларни аниқ, интернационалистик позициялардан туриб баҳолашга, социализм идеаллари ва маънавий қадриятларини қаттиқ ҳимоя қилишга ўргатиши вазифасини қўймоқда. Коммунист-раҳбарларга, партия аппарати ходимларига алоҳида талаблар қўйилади. Улар марксча-ленинча назарияни чуқур ўрганиш намунасини кўрсатишлари шарт, ғоявий саботлилик, юксак сиёсий маданият, компетентлик, мустаҳкам маънавий эътиқод, омма билан доимий алоқада бўлишга эҳтиёж, одамлар манфаатлари ва эҳтиёжларини ўйлаб яшаш уларга хос бўлиши керак.

Партия ташкилотлари партия турмуши ленинча принциплари ва нормалари бузилишининг бошқа оқибатларини ҳам бартараф этиш устида жиддий ишлашлари керак. Ишда коллегиалчиликка риоя қилиш биринчи даражали аҳамиятга эга. Яқин ўтмишда партия йиғилишлари ва сайланадиган органларнинг роли сусайиб кетганлиги маълум, бу эса коммунистларни ҳаётий муҳим масалаларни муҳокама қилишда фаол қатнашиш, бинобарин, меҳнат коллективларидаги ва умуман жамиятдаги вазиятга реал таъсир кўрсатиш имкониятидан маҳрум қилиб қўйган эди. Коммунистларнинг тенглиги принципи бузилган ҳоллар ҳам бўлган. Кўпгина раҳбарлар контрол ва танқиддан холи бўлиб қолган эдилар, бу ишда ўпирилишларга, партиявий этиканинг жиддий бузилишига олиб келди. Шу муносабат билан КПСС XXVII съезди бундай деб уқтирди: **партияда контролдан холи, танқид қилиб бўлмайдиган ташкилотлар йўқ ва бўлиши мумкин эмас, партиявий жавобгарликдан холи қилиб қўйиладиган раҳбарлар йўқ ва бўлиши мумкин эмас.**

Партия сафларининг сони эмас, балки сифати муҳим деган қоидадан чекиниш ҳам партия ташкилотларининг жанговарлигига таъсир қилди. Бир томондан, ўн йиллар давомида янги кишилар кириб келмаган кадрлар корпусидаги турғунлик ҳолати, иккинчи томондан эса кадрларнинг ўзига хос беқарорлиги, саноат, аграр сектор ва бошқа соҳалардаги раҳбарларнинг асоссиз равишда тез-тез алмаштириб турилиши турли партия ва давлат органлари, меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотларининг фаолиятига салбий таъсир қилди. Консерватизм, маъмуриятчилик, шоша-пиша қарорлар чиқариш, сохта принципиаллик, итоатдаги ходимларнинг мустақил ҳаракат қилиши ва фикрлашига тоқат қилмаслик ҳозир, эскича ёндашувларга барҳам берилаётган шароитда ҳам ишни чинакамига йўлга қўйишга халақит қилмоқда. Чунончи, Компартия МҚ V пленумида одат инерцияси фан-техника тараққиётига тўсиқ бўлаётганлиги қайд қилиб ўтилди. Ана шу мақсадларга ажратилган капитал маблағлар 1986 йилда атиги 83 процент ўзлаштирилди. Кўпгина корхоналарда техника жиҳатдан қайта қуроллантириш масалалари аввалгича иккинчи ўринга суриб қўйилмоқда. Кадрлар консерватизми қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ҳам яққол кўринмоқда. Интенсив технология лозимича ёйилмаётир, ҳосилни машиналарда йиғиб-териб олишни такомиллаштириш секинлашмоқда.

Пленумда чорвачиликни ривожлантириш проблемасига алоҳида эътибор берилди, у нафақат хўжалик, шунингдек социал-сиёсий характер касб этишлиги кўрсатиб ўтилди. Шунинг учун кадрлар бу вазифанинг муҳимлигини чуқур англаб олишлари, кескин ўзгаришлари, хўжалик юритишнинг замонавий методларини эгаллашлари, коллектив ва оилавий пудратни, хўжалик ҳисобини, сарф-харажатларни ҳисобга олишнинг чек системасини ғайрат билан жорий этишлари керак.

Умуман агросаноат комплекси ҳозир пухта ўйланган ва доимий ғамхўрликни талаб қилади, чунки одамларнинг энг зарур эхтиёжларини қондириш унинг аҳволига боғлиқдир. Бу ўринда етилган проблемаларга ёндашишларда консерватизмга, янгиликни қабул қилмаслик, бошқа регионларда орттирилган тажрибага эътиборсизлик, қишлоқ хўжалик ходимлари барча категориялари ўқувини ташкил этишдаги расмиятчиликка тоқат қилиб бўлмайди.

Қолоқликни, йиғилиб қолган камчиликлар юкини, чала ишларни, хатоларни бартараф этмоқ учун собитқадамлик билан куч-ғайрат кўрсатиш керак. КПСС МҚ январь Пленуми энг муҳим вазифалар қаторида топширилган иш учун масъулиятни кучайтириш, интизомни мустаҳкамлаш, ўзаро талабчанлик вазиятини яратиш вазифасини қўйганлиги бежиз эмас. Ўз вазифаларини эплай олмаётган, сўзида турмайдиган ва интизомсиз кишиларнинг йиллар давомида раҳбарлик қилиб келишига чек қўйиш керак. Ҳозир биз барча кадрларимиз учун, ҳар бир партия ташкилоти ва ҳар бир меҳнат коллективи учун имтиҳонлик даврини бошдан кечирмоқдамиз. У қайта қуришнинг асл жонбозларини юзага чиқаради ва фаол ишга жалб қилади. Лекин унинг ўзи эски методларнинг тарафдорларини, ўзгаришларга тоби йўқ ёки янгиликни қабул қилишга ноқобил кишиларни йўлни бўшатиб қўйишга мажбур қилади.

Партия ташкилотлари ва уларнинг раҳбарларининг масъулияти айникса катта. Жамиятни прогрессив туб ўзгартишлар йўлидан бошлаб бориш, халқнинг ҳақиқий авангарди бўлиш учун улар ўз иш методларини муттасил такомиллаштириб боришлари, ҳаётнинг ҳамма соҳаларида таъсирни кучайтиришлари, пайдо бўлаётган проблемаларга сиёсий ёндашишлари, хўжалик органлари ишини қилишга ва майда-чуйда нарсаларга аралашишга йўл қўймасликлари керак.

Бироқ бу соҳада ҳам ҳамма нарса ҳозирча давр талаб қилаётганича тез ва силлиқ бораётгани йўқ. Шу йилнинг январь ойида Ўзбекистон Қомпартияси МҚ бюроси аъзолари ва аъзоликка кандидатларнинг, бўлим мудирларининг, республика Министрлар Совети Раиси ўринбосарларининг қолоқликка кўпроқ йўл қўйган шаҳар ва районлар, корхоналар, ташкилот ва хўжаликлар раҳбарлари билан қилган суҳбати ҳам шуни кўрсатди.

Уларнинг орасида шаҳар ва район партия комитетларининг 87 нафар биринчи секретарлари, шаҳар ва район халқ депутатлари Советлари ижроия комитетларининг 76 раислари, саноат, қурилиш, транспорт корхоналари, колхоз ва совхозларнинг 287 нафар раҳбарлари ва бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари бор эди. Маълум бўлишича, иқтисодий ва социал ривожланиш планлари бажарилишининг барбод бўлиши ва камчиликларининг асосий сабаблари — шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, маҳаллий Советлар ижроия комитетлари ташкилотчилик ва сиёсий ишининг бўшлигидир. Суҳбат ўтказилган партия комитетлари секретарларининг аксарияти раҳбарлик қилишнинг сиёсий методларини етарлича билмасликлари, ишда кенг демократизм ва ошкораликка эришмаётганликлари, ҳар бир партия ташкилотида талабчанлик ва принципиалликни, камчиликларга тоқат қилмаслик муҳитини, ютуқларни танқидий баҳолашни қатъият билан қарор топтирмаётганликлари қайд этилди.

Ишга эскича ёндашув инерцияси ҳозирча катта. Кўпгина ходимлар давлат, план интизомига қатъиян риоя қилиниши учун ўз масъулиятларини англамайдилар, беғамликни, бир хил қолипда иқтисодий фикрлашни, ўртача кўрсаткичлар билан қаноатланиш одатини бартараф этишга интилмайдилар. Қуйи бўғинлардан ажралган ҳолда иш кўрадиган, кадрлардан талабни бўшаштириб юборган, резерв тайёрлаш тўғрисида қайғурмайдиган, коммунистлар ҳисоботини онда-сонда эшитадиган партия комитетлари оз эмас.

КПСС МҚнинг январь Пленумида қайта қуриш нима эканлиги ва ҳар бир партия, давлат органи, барча жамоат ташкилотлари, раҳбарлар ўзларининг

кундалик ва шунингдек узоқ вақтга мўлжалланган фаолиятларида қандай мезонларга амал қилишлари кераклиги аниқ белгилаб берилди. Аввало шуни эсда тутиш лозимки, бизнинг демократик тартиботларимиз ҳар бир меҳнат коллективидаги ишларнинг аҳволига фаол ва реал таъсир кўрсатиши керак. Бинобарин, бу ўринда партия ташкилотларининг вазифаси партия, унинг XXVII съезди ишлаб чиққан йўлни, — бевосита демократиядан самарали фойдаланиш йўлини изчил турмушга оширишдан иборат. Чунончи, умумий йиғилишлар ҳамда меҳнат коллективлари кенгашларини ишлаб чиқариш, социал ва кадрлар иши билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга ваколатли қилиш партия органлари ҳамма ерда қўллаб-қувватлаши лозим бўлган йирик сиёсий тадбирдир. Корхоналар, ишлаб чиқаришлар, цехлар, бўлимлар, участкалар, ферма ва звенолар раҳбарларини, бригадир ва мастерларнинг сайлов йўли билан тайинланишига алоҳида эътибор берилиши лозим. Бутун мамлакатда бўлгани каби республикамизда ҳам бу тадбир тобора кенг қўлланилмоқда.

Партия қайта қуришда Советларга катта роль ажратмоқда. Улар хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини ҳал этиш, инсон омилини активлаштириш учун кўп иш қилишлари мумкин. Бунга — сессиялар, доимий комиссиялар ва депутатлар ишининг демократик принципларини мустаҳкамлаш, мансабдор шахсларнинг Советлар олдида мунтазам ҳисобот бериб туришларининг, депутатлар сўровлари практикасининг таъсирчанлигини ошириш йўли билан эришилади. Ҳокимият органлари фаолиятида ўзгаришлар бор, бироқ улар ҳали бор кучи билан, давр руҳига мос тарзда ишлаётганларича йўқ. КПСС XXVII съездида таъкидландики, меҳнаткашларнинг туб манфаатларига дахлдор кўп масалалар бор, уларни Советлар учун ҳеч ким ҳал қилиб бермайди. Бу аввало социал сиёсат, аҳолига хизмат кўрсатишни, соғлиқни сақлаш, савдо, меҳнаткашлар дам олишининг ташкил этилишини яхшилаш, халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш, озиқ-овқат ресурсларини тўлдириш проблемаларидир.

Афсуски, Ўзбекистон Компартияси МҚ V пленумида таъкидланганидек, ҳатто уй-жой сингари ўткир проблемани ва кўпгина бошқа муҳим масалаларни ҳал этишда Советлар пассивлик кўрсатмоқдалар. Масалан, республика аҳолисига медицина хизмати кўрсатиш соҳасида ҳозирча силжишлар кам. Касалхона ходимларининг тошбағирлик, тамагирлик фактлари ҳали ҳам бор, соғлиқни сақлаш ходимларининг профессионал ва маънавий савияси паст. Тармоқнинг моддий-техника базасини ривожлантиришдан ҳам чинакам манфаатдорлик сезилмайди.

Область, шаҳар, район Советлари ижроия комитетлари ўзларига қарашли территорияларни комплекс ривожлантириш учун масъулиятни ўз зиммаларига дадил олмаётирлар. Посёлка, қишлоқ, овул Советлари фаол ишламаяптилар. Улар корхоналар, муассасалар, хўжаликлар фаолиятини синчиклаб тушуниб етишга интилмайдилар, аҳоли эхтиёжлари тўғрисида кам қайғурадилар, район Советлари, уларнинг ижроия комитетлари эса ана шу қуйи бўғинлар роли ва обрўсини кўтариш учун таъсирчан чоралар кўрмаётирлар.

Булардан кўриниб турибдики, партия комитетлари партиянинг Советлар ролини кўтариш йўлини қатъият билан, изчил турмушга оширишлари, бунда уларнинг ишига асоссиз аралашмасликлари, аксинча уларнинг ишини қилмасликлари керак. Ана шу жуда муҳим жабҳада партиявий контролни кучайтириш, илғор тажрибани пухта ўрганиш ва ёйиш, ташаббусни рағбатлантириш зарур. Бу соҳада иш ошиб-тошиб ётибди. Тольятти шаҳри автозаводчиларининг социал-маиший объектларда ихтиёрий равишда меҳнат қилиш борасидаги почининн, ленинградликлар билан челябинскликларнинг реконструкция ҳисобига тежалган маблағларни социал соҳани ривожлантиришга ажратиш тўғрисидаги ташаббусини, Горький автозаводчиларининг уй-жой қурилишини жадаллаштириш тажрибасини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаш лозим. Меҳнаткашлар ижоди туғдирган меҳнат ва жамоат интизоми учун коллектив кафолати ҳаракати катта аҳамиятга эга.

Сиёсий система бошқа бўғинларининг ҳам фаолияти партиявий раҳбарлик савиясига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бу ерда муҳим масалалардан бири — барча сайланиб қўйиладиган органлар ролини ошириш, уларни шакллантириш жараёнини демократлаштириш тўғрисидаги масаладир. Маълумки, КПСС МК январь Пленуми совет сайлов системасини такомиллаштириш тўғрисида,

сайловолди ва сайлов кампаниясининг ҳамма босқичларида сайловчиларнинг самаралироқ ва реал қатнашуви тўғрисида таклиф киритди. Шу йил июнда маҳаллий Советларга сайловларда бир қатор округлар, шу жумладан бизнинг республикамизда ҳам тегишли эксперимент ўтказилди, умуман эса номзодлар кўрсатиш, уларни муҳокама қилиш ва сайлаш вақтида ҳар бир гражданга номзодларга ўз муносабатини ифодалаш, партия ва совет органларига эса — аҳолининг кайфияти ва хоҳиш-иродасини яхшироқ билиш имконини берадиган вазият қарор топди.

Партия ички демократиясини кенгайтиришга келганда. маълумки, шунга қаратилган бир қатор муҳим қоидалар ҳозирда амалда бўлган КПСС Уставида рўёбга чиқарилди. Лекин бу иш яна давом этади. Чунончи, партия МКнинг январь Пленуми раҳбар партия органларини шакллантириш механизмига ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлади. Бошланғич партия ташкилотларида улар партия бюроси ва комитетлар секретарларини сайлаш вақтида мустасносиз ҳамма коммунистларнинг ўз хоҳиш-иродасини билдиришига тўла имкон берилишига қаратилиши керак. Район, округ, шаҳар, область, ўлка партия комитетлари, иттифоқдош республикалар Компартиялари МК секретарларининг масъулиятини жиддий тарзда оширишга қаратилган тадбир, — уларни, шу жумладан биринчи секретарларни ҳам пленумларда яширин овоз бериш билан сайлаш таклиф этилдики, бунда партком аъзолари овоз бериш учун рўйхатга ҳар қанча миқдорда номзодлар киритиш ҳуқуқига эга бўлишлари керак.

Партиявий раҳбарликнинг яна бир муҳим масаласи — партияда ҳам, шунингдек давлат ва жамоат ташкилотлари соҳасида ҳам контрол органлари ролини мустаҳкамлашдир. Контролнинг сусайганлиги сабабли бир қатор регионлар ва халқ хўжалиги тармоқларида, областлар, ўлкалар ва республикалар партия комитетларида суиистеъмоллар ва бузилишлар тўғрисидаги кўплаб огоҳлантиришлар эътиборга олинмади. КПСС XXVII съезди контрол органлари ишига янги йўналиш берди. Бу ерда муҳим нарса шуки, «юқоридан» контрол яхши йўлга қўйилганида, «қуйидан» бўладиган контрол ҳам самарали амал қилиши керак. Меҳнат аҳли томонидан бўладиган реал контролнинг барча воситалари ва шаклларини яратиш ва мустаҳкамлаш зарур, токи ҳар бир раҳбар, ҳар бир мансабдор шахс ўзининг сайловчилар, меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари, партия ва умуман халқ олдидаги масъулиятини ва уларга қарамлигини доимо сезиб турсин. Ана шу воситалар ичида барча сайланадиган ва тайинланадиган мансабдор шахсларнинг меҳнат коллективлари ва аҳоли олдида мунтазам ҳисобот бериб туриши биринчи даражали аҳамиятга эга бўлади.

Ошкоралиликни янада ривожлантириш ҳам партия ташкилотларининг муҳим иши бўлиб қолади. Бусиз ижтимоий муҳитни соғломлаштириб бўлмайди. Ошкоралик чинакам умумхалқ контролининг самарали формаси бўлиб, қурилишимизнинг ҳамма жабҳаларидаги ишни яхшилашга хизмат қилади, давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятининг максимал даражада очиқ-ошкора бўлишини таъминлайди. Шу сабабли партия ошкораликни гарантиялайдиган ҳуқуқий актларни яратиш керак деб ҳисоблайди.

Қайта қуришга умумий, муқаррар характер касб этмоқ учун партия Марказий Комитети партиявий раҳбарликнинг энг муҳим бўғинларини кўрсатиб бердики, жадаллаштириш суръатлари кўп жиҳатдан шуларга боғлиқдир. Бу аввало район ва шаҳар партия комитетларидир. Улар бошланғич партия ташкилотларига, меҳнат коллективларига ҳаммадан кўра яқин бўлиб, уларнинг ишига таъсир қилишга, бинобарин, қайта қуришнинг боришига ҳам таъсир кўрсатиш учун кўпроқ имкониятга эгадирлар. Ўзбекистон Компартияси МК V пленумида кўрсатиб ўтилдики, район ва шаҳар партия комитетлари ўзларига хос ташкилий, сиёсий методлар билан иш кўрган ерларда яхшилик томон жиддий ўзгаришлар яққол юз беряпти. Лекин умуман олганда шу нарса кўпдан-кўп фактлар билан тасдиқланмоқдаки, иш услуби ва методларидаги ўзгаришлар ҳаммадан кўра айни район ва шаҳар бўғинларида секин юз бермоқда. Улар ходимларининг диққат-эътибори одатда асосан кундалик хўжалик ишлари билан банд бўлиб, партия ички турмуши, идеология иши, бошланғич партия ташкилотларидаги ишларнинг аҳволини ўрганиш масалалари иккинчи ўринга суриб қўйилмоқда. Улардан кўплари юқори органлар нима дер экан деб кутиб туришдек эскириб қолган

одатдан сира воз кечолмаяптилар. Партия комитетлари омма орасидаги жонли ташкилотчилик ва сиёсий иш олиб бориш, янги ғоялар ижодкори ва тарқатувчиси бўлиш ўрнига маъмурий фармойиш бериш функциясини ўз зиммаларига олишларининг боиси шундан. Область партия комитетлари эса улар фаолиятининг услуби ва методларини такомиллаштиришда ҳозирча уларга кам ёрдам бермоқда.

Район ва шаҳар бўғинларидаги бундай аҳвол қуйи бўғинлар — меҳнат коллективларининг сиёсий ядроси бўлган бошланғич партия ташкилотларида ҳам сусткашликка сабаб бўлади. Агар улар (республикада 22 мингга яқин бошланғич партия ташкилотлари бор) ғайрат билан ва муайян мақсадни кўзлаб ҳаракат қилсалар, социал-иқтисодий ривожланишни тезлаштиришга ҳал қилувчи даражада таъсир қилишлари мумкин. Ҳозирча эса уларнинг кўпи гоҳо нощуд хўжалик ходимларининг измида юрадилар, маъмурият фаолиятини контрол қилиш юзасидан ўзларига берилган ҳуқуқдан фойдаланмай келадилар. Шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, партия ташкилотларига ҳақиқатни дангал айтишдан, қатъий позицияда туришдан, адолатли нуқтаи назарни қаттиқ ҳимоя қилиш учун зарур бўлиб қолганида маъмурият билан оранинг бузилишидан чўчимайдиган принципиал, ташаббускор, дадил кишилар бошчилик қилиши керак.

Ўзбекистон Компартияси МК V пленумида таъкидландики, шаҳар, район партия комитетларининг биринчи секретарлари хўжалик раҳбарлари ва бошланғич партия ташкилотлари секретарлари танлаш учун, улар орасида амалий, принципиал муносабатларни шакллантириш учун шахсан жавобгардирлар.

Республикада хотин-қиз кадрлар билан ишлашни ҳам янада яхшилаш керак. Область, шаҳар, район партия комитетлари аппаратида, шаҳар комитетлари секретарлари, совхоз директорлари орасида уларнинг сони камайиб кетди.

Кадрлар масалаларини ҳал этишдаги демократлаштириш билан бир қаторда партиянинг бутун кадрлар сиёсатини чуқур интернационаллаштириш ҳам бош йўналишдир. Шу нуқтаи назардан КПСС МК январь Пленумининг кадрларнинг интернационал чиниқишини кучайтириш, уларни партиявий ва давлат иши тажрибаси билан бойитиш мақсадида республикалар билан регионлар, маҳаллий органлар билан марказий органлар ўртасида кадрлар алмашувини кенгайтириш зарур. Ўзбекистоннинг партия, давлат ва хўжалик органларини синалган кадрлар билан мустаҳкамлашда ҳам ифодаланган ана шу ленинча анъананинг тикланиши улкан аҳамиятга эга.

Ҳозирда республикамиздан юзлаб ёш ва истиқболли ходимлар марказий органлар, министрликлар, идоралар аппаратига, йирик саноат шаҳарларининг партия комитетларига, шунингдек Москва, Ленинград, Свердловск, Новосибирскнинг олий партия мактабларига ўқишга юборилмоқда. Кадрлар малакасини ошириш, уларнинг меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор формаларини ўрганишлари учун мамлакатнинг марказий районларида стажировкада бўлиши муҳим аҳамиятга эга. У ерларга салкам 500 нафар раҳбарлар ва мутахассислар, маҳаллий миллатга мансуб тахминан 10 минг оммавий касб ишчилари юборилади.

Миллий муносабатларни такомиллаштириш масалаларини партия доимо ўзининг назар-эътиборида тутмоқда. Бизнинг бу йўлдаги ютуқларимиз бу соҳадаги мавжуд проблемаларни биздан яшириб қолмаслиги керак. Чунончи, Ўзбекистон Компартияси МК V пленумида кадрлар билан ишлашда маҳаллийчилик, миллий биқиқлик кўринишлари ҳали барҳам топмаганлиги қайд қилиб ўтилди. Партия ташкилотлари сиёсий ҳушёрлик кўрсатишлари, совет халқларининг муқаддас дўстлигига зарар етказиш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қатъиян барҳам беришлари зарур.

Бу масалада ленинча миллий сиёсатнинг талабларини қатъий ва изчил амалга ошириш, мамлакат хўжалик ва ижтимоий ҳаётининг чуқурлашиб бораётган интернационаллашуви жараёнларини ҳар тарафлама ҳисобга олиш лозим. КПСС МКнинг 1987 йил январь Пленумининг қарори бизни шунга ундайди, унда мамлакатимиз халқлари дўстлигини ва қардошлигини мустаҳкамлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш, бу соҳадаги салбий ҳолатларни қатъиян бартараф этиш, миллатчилик билан шовинизмнинг, маҳаллийчилик, тайёрга айёрлик кайфият-

лари, миллий маҳдудлик, мағрурликнинг ҳар қандай кўринишларига муросасиз зарба бериш, изчил, мустаҳкам интернационализмни уларга қарши қўйиш зарурлиги уқтирилади. Шунингдек партия, давлат, хўжалик органларида, жамоат ташкилотларида мамлакатдаги барча миллат ва элатларнинг тегишлича вакиллари бўлишини таъминлаш, раҳбар кадрларнинг состави аҳолининг миллий структурасининг тўлароқ акс эттиришига эришиш лозимлиги ҳам таъкидланади.

Идеология иши, инсонни маънавий камол топтириш вазифалари қайта қуриш вазифалари билан чамбарчас боғлиқдир. Бу соҳада зарур бурилишга ҳали эришилгани йўқ. Пропаганданинг ҳаётдан ажралиб қолганлиги, етилган проблемаларнинг кескинлигига етарлича баҳо бермаслик, атеистик тарбиянинг, одамлар билан якка ҳолда иш олиб боришнинг сустлиги каби камчиликлар секин бартараф этилмоқда. Идеология ишида бирорта ҳам майда-чуйда нарсани унутмаслик керак, чунки коммунизм қурилиши учун, Лениннинг фикрича, қимматбаҳо инсон материалидан тўлиқ фойдаланиш асосий аҳамиятга эга.

Бугунги кунда кадрлар сиёсатини такомиллаштириш — уни активроқ, муайян мақсадни кўзлайдиган қилиш, социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш учун курашнинг энг муҳим йўналишлари билан чамбарчас боғлаш, партия турмушининг ленинча принциплари ва нормаларини барча бўғинларда изчиллик билан ўтказиш демакдир. Партия комитетлари, барча партия кадрлари демократия чуқурлашиб бораётган, совет кишиларининг сиёсий ва меҳнат соҳасидаги активлиги юксалаётган бир шароитда ишлашга ўрганиб олишлари керак. Қайта қуришни амалга оширишда кадрларнинг реал ишлари ҳамма ерда ва ҳамма даражаларда кадрларга баҳо беришнинг ҳал қилувчи мезони бўлиши керак. Бу ҳаётимизни янгилаш соҳасида барча ишларни муваффақиятли бажаришимизнинг гаровидир.

МЕҲНАТГА СОЦИАЛИСТИК МУНОСАБАТ МЕЗОНЛАРИ ВА КЎРСАТКИЧЛАРИ

В. БИКРИЦКИЙ,
тарих фанлари доктори

КПСС XXVII СЪЕЗДИ белгилаб берган ғоят кенг микёсли туб ўзгартиришларни амалга ошириш ишига бизнинг барча ўзгаришларимизнинг ҳал қилувчи кучи — инсон омилини максимал тарзда жалб этган такдирдагина уларни муваффақиятли равишда ҳаётга татбиқ қилиш мумкин. В. И. Лениннинг қуйидаги машҳур кўрсатмаси социализмни планли асосда ва ҳар томонлама такомиллаштиришда инсон омили ролини тушунишга ёрдам беради: «Тарихий ҳаракатларнинг кўлами қанча кенг бўлса, бунда давр қанча кенг олинса, бу ҳаракатларда қатнашувчи кишиларнинг сони шунчалик кўп бўлади ва аксинча, биз амалга оширмоқчи бўлган ўзгартишлар қанчалик чуқур бўлса, бу ишга одамларни шунчалик кўпроқ қизиқтирмоқ керак ва кўпроқ онгли муносабатда бўлишларига эришмоқ керак, янгидан-янги миллионлар ва ўнларча миллионларни бунинг зарурлигига ишонтирмоқ керак» (Тўла асарлар тўплами, 42-том, 164—165-бетлар).

Совет кишиларининг ғайрат-шижоатлари ва ташаббусида мужассамлашган улкан имкониятларни ишга солиш — партия ва жамоат ташкилотлари олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Жамият равнақи учун қилинган меҳнат ана шундай ғайрат-шижоатнинг энг ёрқин кўринишидир. Шу сабабли, партия, КПСС Программасида таъкидланганидек, «ҳар бир совет кишисида меҳнатга у хоҳ ақлий, хоҳ жисмоний бўлсин, чуқур меҳр-муҳаббатни ва умум манфаати йўлида ҳалол меҳнат қилишга тайёр туришни шакллантиришни тарбиявий ишнинг марказига қўяди».

Инсон меҳнатнинг ҳар хил турларида ўз мавқеини белгилаб олиш учун имкониятларга эга бўлиши мумкин. Маълумки, шахс нафақат нима иш қилаётгани билан, балки бу ишни **қандай** бажараётгани билан характерланади. Бугунги кунда инсоннинг онглилик, маънавий етуклик ва гражданлик даражаси фаолият тури билан эмас, балки аввало ўз фаолиятига, меҳнат бурчига муносабати билан белгиланади. Шу сабабли ғоявий-тарбиявий иш ҳеч истисносиз барча совет кишиларида айни шу меҳнатга социалистик муносабатни шакллантиришга қаратилиши керак.

Меҳнатга социалистик муносабат — кўп қиррали ҳодисадир, шу сабабли уни таърифлаш учун муайян ўзига хосликка эга мезонлар мажмуи талаб қилинади. Бинобарин, гап аввало мезонлар системаси тўғрисида, улар составини, структурасини, ўрни ва ролини, улар ўртасидаги мавжуд ўзаро алоқалар ва боғлиқликлар характерини аниқлаш тўғрисида бориши лозим. Бунда меҳнатга социалистик муносабат мезонларидан ҳар бири — юксак меҳнат унумдорлигига, унинг жаҳондаги юксак даражасига эришиш бўлсин ёки меҳнат фаолиятининг юксак маънавий стимуллари бўлсин — бу муносабатни конкретлаштирувчи қатор муайян кўрсаткичлар ёрдамида очиб берилади. Шу муносабат билан ана шу кўрсаткичларнинг даражаланиши, уларнинг етакчи роль ўйнайдиганларини ажратиб кўрсатиш алоҳида аҳамият касб этади.

Меҳнат интизомига ихтиёрий равишда, онгли риоя қилиш меҳнатга социалистик муносабатнинг энг муҳим мезонларидан бири бўлиб хизмат қилади. В. И. Ленин ижтимоий меҳнатнинг коммунистик йўсинда ташкил этилиши учун биринчи қадам социализм бўлиб, унинг бу йўсинда ташкил этилиши «меҳнаткашларнинг эркин ва онгли интизомларига асосланади ва борган сари кўпроқ асосланади», деб таъкидлаган эди (ТАТ, 39-том, 15-бет).

Бугунги кунда социалистик меҳнат интизоми мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришнинг ҳеч қандай капитал маблағлар талаб қилмайдиган ва катта самара берадиган қудратли омилидир. Интизом ва уюшқоқлик, ҳар бир кишиниг топширилган иш, унинг натижалари учун масъулияти қанчалик юқори бўлса, деб таъкидланди КПСС XXVII съездида, олға томон ҳаракат ҳам шунчалик жадал бўлади.

Меҳнатга социалистик муносабатнинг фан-техника тараққиёти шароитида алоҳида аҳамиятга эга қатор белгиларни ўз ичига оладиган муҳим компоненти бўлган меҳнат интизоми кўрсаткичларини белгилашда унинг кўп қирралилиги ва мураккаблигини ҳисобга олиш керак бўлади.

В. И. Ленин мустақиллик ва ташаббускорлик интизоми деб билган (ТАТ, 36-том, 569-бет) социалистик меҳнат интизомини кишиларнинг биргаликдаги фаолияти шарт-шароитлари ва нормалари қўядиган талабларга шунчаки оддий риоя қилиш, ички тартиб-қоидаларни бажариш, прогулларга ва ишга кечикиб келишларга йўл қўймаслик дебгина тушуниш тўғри бўлмайди. У ўз бурчини тўла ва аниқ бажариш, меҳнатнинг тегишли интенсивлигини тутиб туриш, белгиланган нормаларни бажариш, иш вақтидан унумли фойдаланиш ва ҳоказолар билан характерланади. Совет кишиларининг онгли интизоми уларнинг жасорат, идрок, топқирлик, ихтирочиликни туғдирадиган ўз бурчига ижодий ёндашуви ташаббускорлиги, ишнинг янги усуллари ва йўлларини излашлари билан чамбарчас боғлиқдир. Ташаббускорликсиз интизом кўпинча сусткашликка, тор амалиётчиликка айланади. Ўз навбатида, ҳақиқий ташаббускорликни интизомсиз тасаввур қилиш мумкин эмас, чунки тартибсизлик вақт ва кучларнинг беҳуда сарфланишига, палапартишликка ва бўшашувчанликка олиб боради.

Одамдаги айни шу ишчанлик, муайян талабларга, меҳнат тартибига риоя қилиш ва ташаббускорлик, мустақиллик каби бир-бирига узвий бирикиб кетадиган хислатларнинг юксаклик даражаси унинг интизомлилик даражасини баҳолаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Масъулиятсизлик, тартибсизлик, расмиятчиликнинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан совет кишиларига хос бўлган муросасизликда уларнинг ғоявий-маънавий фазилатлари, Ватан олдидаги ўз бурчини тушуниши кўзгуда акс этгандек намоён бўлади.

Социалистик меҳнат интизомининг моҳиятини тушунтириш, ишчилар, колхозчилар, хизматчиларни унга амал қилишнинг зарурлигига ишонтириш бундай интизомни тарбиялашда жиддий роль ўйнайди. Шунингдек тарбия мақсадларида ижобий намуна кучидан фойдаланишга ҳам лозимича эътибор бериш керак, бу меҳнатда янгилик куртакларини ўрганиш ва уларни кенг оммалаштириш билан чамбарчас боғлиқдир. Бунда кўп нарса партия ва жамоат ташкилотларининг куч-ғайратларига, уларнинг меҳнаткашлар активлигининг ҳар бир намоён бўлишини ўз вақтида пайқаш ва пропаганда қилиш қобилиятига боғлиқ бўлади. Бугунги кунда совет кишиларининг ташаббускорлиги, мустақиллиги, ижодкорлиги ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ уларнинг меҳнатга муносабатининг мезони бўлиб майдонга чиқмоқда.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш шароитида инсон омилининг роли нафақат ошади, шу билан бирга унинг ишлаб чиқаришга таъсири йўналиши ҳам жиддий ўзгаради: техника ва технологияни такомиллаштириш биринчи ўринга қўйилади. Шунга мувофиқ равишда меҳнатга ижодий муносабатнинг кўриниш формалари, рационализация ва ихтирочилик, меҳнатни ташкил этишни такомиллаштиришга, янги технологияларни жорий этишга доир таклифлар, илмий-техникавий ишланмалар самарадорлигини ошириш, жаҳон намуналарига мувофиқ янги машиналар лойиҳасини тузиш, янги, илгари фойдаланилмаган методлар, усуллар, воситалар орқали энг юқори натижаларга эришишга интилиш ва шу сингарилар тобора хилма-хил тус олиб бормоқда. Бу йўналишдаги ҳар қандай ташаббус починга айланиш имкониятига эга, бундай починнинг аҳамияти нафақат

унинг бевосита натижаси билан, балки унинг маъқулланиб, қўллаб-қувватланганидан сўнг меҳнаткашлар учун маънавий намунага айланиши, кўп сонли издошларнинг пайдо бўлишига олиб бориши, яъни янги ҳаракатга асос солиши, ишлаб чиқаришни такомиллаштиришда меҳнаткашларнинг актив иштирок этиш формаси бўлиб қолиши билан ҳам белгиланади. Починни қўллаб-қувватлаш — унинг мазмунини чуқур ўрганиш, у оммалаштириладиган соҳани аниқ белгилаш, янги, илғор нарсаларни жорий этишга доир ишни йўлга қўйиш, новаторлар намунасини давом эттирадиган ҳамма меҳнаткашларга энг яхши меҳнат усулларини такрорлаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш тўғрисида ғамхўрлик қилиш демакдир.

Заводлар ва фабрикаларда, колхозлар ва совхозларда меҳнат починлари ҳар доим пайдо бўлиб туради. Уларни партия комитетларининг қўллаб-қувватлаши, ишлаб чиқариш илғорларининг матбуотда эълон қилинадиган мурожаатлар ёки хатлар шаклида кенг жамоатчилик олдида чиқишлари, ана шу мурожаатлар ёки хатларни корхоналарда муҳокама қилиш, уларга билдирилган фикрларни матбуотда, радио ва телевидение эшиттиришларида ёритиб бориш меҳнат ташаббускорлигининг бу ажойиб кўринишларини починнинг характери ва аҳамиятига қараб бир, бир неча ёки кўплаб меҳнат коллективлари миқёсида кенг оммалаштириш ва улардан фойдаланишни таъминлайди.

Илғор иш методлари ва усулларининг оммалашуви ҳар бир меҳнаткашнинг нафақат ўзининг хатти-ҳаракатлари, шу билан бирга бошқаларнинг хатти-ҳаракатлари учун, коллектив тақдири учун масъулиятни қай даражада англай билиши, унда ўзаро ёрдам ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш, индивидуализмга ва худбинликка муросасизлик ҳис-туйғуларининг қанчалик ривожланганлиги билан боғлиқдир, бундай белги ва ҳис-туйғулар меҳнатга социалистик муносабатнинг кўринишларидан бири ва айни бир пайтда бундай муносабатни шакллантиришнинг таъсирчан воситаси ҳамдир. Ўзаро ёрдамни ривожлантиришдан кўзланган асосий мақсад — новаторлар тажрибаси, билими ва малакаларини бутун коллектив мулкига айлантиришдир. Социалистик ўзаро ёрдамнинг моҳиятини ўзида мужассамлаштирган «Новаторнинг бугунги марраси эртага коллектив маррасидир», «Қолоқларсиз ишлаймиз» деган принциплар шунинг ифодасидир (масалан, Ўзбекистон ССР Энерґетика ва электрлаштириш министрлигининг барча корхоналари ва электростанцияларида сўнгги принцип асосида ишлашмоқда).

Ишлаб чиқариш илғорларининг қолоқларга ёрдамининг кишилар ўртасидаги янги муносабатларнинг ажойиб кўриниши сифатидаги аҳамиятини қайд қилиш билан бирга меҳнаткашларнинг бу ёрдам моҳиятини тўғри тушунишларининг муҳим роль ўйнашини ҳам таъкидлаш лозим, мазкур ёрдам бир томон ўз тажрибаси билан ўртоқлашиб, иккинчи томон бу тажрибадан фақат фойдаланадиган ҳолатнинг юзага келиши мумкинлигини истисно қилади. Ҳар бир кишидан унинг нафақат илғорлар тажрибасини қўлланишини, шу билан бирга унинг ўзининг ҳам малакасини ошириш устида астойдил ва тиришиб ишлашини, касб эгаллашини, маҳоратини такомиллаштиришини, меҳнат кўникмалари орттиришини ва ўз навбатида, бундай кўникмаларни коллективнинг бошқа аъзолари билан ўртоқлашишини талаб қиладиган жойларда тайёрга айёрлик кайфиятлари муваффақиятли тарзда бартараф қилина боради. Натижада ўзаро ёрдам янада самарали ва ҳар тарафлама характер касб этиб, коллектив миқёсида оммалашади. Ўзаро тажриба билан бойиш юз бериб, коллектив тажриба пайдо бўлади, бундай тажриба хазинасидан ҳар бир ходим ўзининг меҳнат кўникмалари ва усулларини тинимсиз такомиллаштиришига, янада юқори ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришишига имкон берадиган янги бир нарса олади.

Кишининг меҳнатга муносабати нафақат бу меҳнатнинг объектив натижалари билан, шу билан бирга меҳнат фаолияти мотивлари билан ҳам характерланади. Меҳнатга нисбатан фақат умумий манфаат тўғрисидаги ғамхўрликка асосланадиган муносабатгина маънавий муносабат бўла олади. Шу сабабли, юқори унумли меҳнат намуналари асосида тарбиялаганда, шунингдек илғорлар меҳнат фаолиятининг мотивлари ва стимулларини ҳам очиб бериш ва тарғиб қилиш керак.

Ифтихор туйғуси меҳнатга нисбатан энг муҳим маънавий стимуллардан бири ҳисобланади, унинг мазмуни (совет гражданининг ифтихори) социалистик

тузумнинг ўзи билан боғлиқ бўлиб, кишининг муайян социал группага мансублигида (ишчилик, колхозчилик, зиёлилик шарафи), бу группа ичида эса — касбий мансубликда (пахтакорлик, ғаллакорлик шарафи, шахтёрлик шарафи ва ҳоказо) ифодаланади. Коллектив шарафи, ўзининг обрўси тўғрисидаги ғамхўрлик, касбий ғурур, касбий бурчга садоқат меҳнат интизомига риоя қилишга, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга, янги резервларни излаб топиш ва ишга солишга, умум меҳнати натижаларини авайлашга ундайди. Пала-партишлик, тартибсизлик, ичкиликбозлик, ишга бепарволик меҳнаткаш қадр-қимматига зиддир.

Партия ва жамоат ташкилотларининг, хўжалик раҳбарларининг куч ғайратлари ҳар бир совет кишисида шон-шараф, ўз қадрини билиш туйғусини тарбиялашга, уни авайлаш ва мустаҳкамлашга қаратилиши лозим. Меҳнат коллективларида ўзаро ўртоқларча талабчанлик, юксак масъулият, камчиликларга муросасизлик вазиятини яратиш зарур. Бунда Ўзбекистон саноат корхоналари, қурилишлари ва колхозларининг кўпгина илғор коллективлари томонидан шу соҳада тўпланган бой тарбиявий иш тажрибасидан кенг фойдаланиш лозим. Бундай тажриба хазинасида ишчиларнинг ёш авлодини завод тарихи, унинг шонли анъаналари билан таништириш, «Ишчилар синфига қўшилиш» байрами, меҳнат ветеранларини пенсияга тантанали кузатиш ва шу сингари яхши баҳо олган формалар бор.

Шон-шараф, касбий ифтихор туйғуси фақат коллективда тарбияланиши мумкин. Шу туфайли коллектив шон-шарафи учун кураш алоҳида аҳамият касб этади, у коллективга нисбатан ҳурматни ва кишидан корхона шон-шарафига путур етказадиган ҳар қандай нарсага муросасиз муносабатда бўлишни талаб қиладиган алоҳида масъулиятни ўз ичига олади. Ишчилар, колхозчиларни ижобий анъаналар мисолида тарбиялаш, уларда коллектив шон-шарафига доғ туширмайдиган тарзда меҳнат қилишга интилишни шакллантириш — партия ташкилотлари тарбиявий ишининг энг муҳим йўналишларидан биридир.

Ёш авлодда меҳнат фаолиятига маънавий стимулларни ривожлантириш катта аҳамиятга эга. Бунда йигит ва қизларда меҳнатга шайликни, касбга қизиқиш ва муҳаббатни, ўз меҳнати билан фахрланиш туйғусини, бу меҳнатнинг зарурлигини ва унинг социал аҳамиятини тушунишни, ўзининг меҳнат бурчларига виждонан муносабатда бўладиган кишиларга ҳурмат-эҳтиромни шакллантиришга алоҳида эътибор берилиши керак.

Меҳнаткашларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш меҳнатга социалистик муносабатни тарбиялашнинг таъсирчан воситасидир. Бу борада бугунги кунда меҳнат натижалари, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва моддий рағбатлантириш, шунингдек социал вазифаларни ҳал этиш ўртасидаги боғлиқликни кучайтириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бунга КПСС МК, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС қарорига мувофиқ ишлаб чиқариш соҳасидаги иш ҳақи системасини такомиллаштириш кўп жиҳатдан ёрдам беради: иш ҳақининг оширилиши меҳнат коллективлари хўжалик фаолиятининг яхшиланишига тўғридан-тўғри боғлиқ қилиб қўйилади ва улар ишлаб топган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Меҳнатга пировард натижага қараб ҳақ тўлашни ва умумий иш ҳақини бригада ичида ҳар бир кишининг мазкур натижага эришишга қўшган реал ҳиссаси асосида тақсимлашни ўз ичига оладиган коллектив пудрат шахсий манфаатдорликни жиддий оширади. Меҳнаткашларни юксак масъулиятлилик ва ўзаро талабчанлик, коллективчилик руҳида тарбиялайдиган коллектив пудратнинг маънавий самараси ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Мукофотлашнинг хилма-хил формаларда намоён бўладиган моддий ва маънавий рағбатлантириш уларни узвий бирликда қўллаган пайтдагина зарур самара бериши мумкин. Бунда моддий мукофотлаш, масалан, пул мукофотлари меҳнатга социалистик муносабатни маънавий рағбатлантириши мумкин, лекин бундай мукофотларни тантанали вазиятда, ишдош ўртоқлар олдида топширгандагина шундай самарага эришиш мумкин. Айни шу кенг ошкоралик пул мукофотининг ижтимоий эътироф сифатидаги аҳамиятини оширади, унга маънавий рағбатлантириш тусини бағишлайди.

Маънавий рағбатлантиришнинг коллектив формалари ҳам катта роль ўйнайди, бунда кўп нарса унинг қандай ташкил этилишига боғлиқ. Масалан,

Қизил байроқ совет кишилари ҳаётидан революция, коммунизм рамзи сифатида ўрин олган, шу сабабли уни топшириш бутун коллектив учун катта воқеа, байрам ҳисобланади. Бироқ мусобақа ғолибларини тақдирлаш маросимига тантанали, жўшқин характер бахш этилса (шунга мувофиқ, аниқ ишлаб чиқилган тартиб туфайли) ва у коллективнинг кўпчилик аъзолари иштирокида ўтсагина жиддий тарбиявий самара келтириши мумкин.

Маънавий стимулларнинг роли бебаҳодир. Айни улар кундалик меҳнат қаҳрамонлигининг туғилишига ёрдам беради, уни алоҳида жўшқинлик қаҳрамонлигидан ҳам қимматлироқ деб ҳисоблаган В. И. Ленин бундай қаҳрамонликнинг моҳиятини алоҳида таъкидлаган эди (ТАТ, 40-том, 373-бетга қаралсин). Меҳнатга маънавий стимуллар кишига ҳозирги шароитда айниқса зарур бўлган «маънавий ишончлилик» бахш этади (уларнинг алоҳида аҳамиятга эгалиги ана шундадир), моддий манфаатдорликка юксак коммунистик онглилик элементларини сингдиради ва шу орқали юлғичликдан, бойлик орттиришдан нафратлантирадиган ишончли восита бўлиб хизмат қилади, мешчанлик, истеъмолчилик психологиясини, индивидуалистик сарқитларни бартараф этишни енгиллаштиради.

Шу жиҳатдан олганда социалистик мусобақа муҳим омилдир, у мусобақада қатнашаётган кишилар онгига кучли таъсир этади, ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга ва ривожлантиришга ёрдам беради. Коммунистик партия иқтисодий ва социал тараққиётнинг бу муҳим воситасига алоҳида аҳамият бермоқда, унга меҳнаткашларни коммунистик қурилиш планларини ҳаётга татбиқ қилишга сафарбар қилишнинг амалий воситаси деб қарамоқда, партия XXVII съезди, КПСС МК январь (1987 йил) Пленуми талаб қилганидек, мусобақани иш сифатини оширишга, иқтисодий ва тежамкорликка, ҳар бир коллективда, ҳар бир иш ўрнида белгиланган марраларни эгаллашга қаратишга интилмоқда.

Лекин гап фақат бунда эмас. Бу каби ўзаро ёрдамнинг процентларда ифодаланмайдиган маънавий самараси ишлаб чиқаришдаги муваффақиятдан, планнинг тўла ва ошириб бажарилишидан кам аҳамият касб этмайди, чунки худди шундай ўзаро ёрдам кишининг шахсий масъулият доираларини кенгайтиради, бундай масъулият доираси нафақат ўзининг хатти-ҳаракатлари учун, шу киши меҳнат қиладиган коллектив учун масъулиятни, шу билан бирга бошқа меҳнат коллективларидаги ишлар аҳволи учун масъулиятни ҳам ўз ичига олади, шу орқали кишини райондаги, область, республика, умуман мамлакатдаги хўжалик ва маданий қурилиш муваффақиятлари учун масъулиятни англашга олиб келади.

В. И. Ленин масъулиятни айни шу тарзда тушунишни шакллантириш зарурлигини уқтириб шундай деган эди: «Масала шундан иборатки, онгли ишчи ўзини ўз заводида фақатгина хўжайин деб ҳис қилиб қолмасдан, балки мамлакатнинг вакили эканлигини ҳам, ўз устидаги масъулиятни ҳам ҳис қилсин» (ТАТ, 36-том, 420-бет).

Меҳнаткашларнинг умумий муваффақиятни таъминлаш мақсадидаги юксак меҳнат интизоми, меҳнатга ижодий муносабати, онгли ва ихтиёрий тарздаги ўзаро ёрдами асосий вазифалардан бирини ҳал этишнинг — ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш, унинг жаҳондаги энг юксак даражасига эришишнинг зарур шарти бўлиб хизмат қилади, бусиз эса на иқтисодий, на социал соҳада янада ривожланиш мумкин эмас. «Меҳнат унумдорлиги янги ижтимоий тузумнинг енгиб чиқиши учун оқибат натижада энг муҳим, энг асосий нарса» (ТАТ, 39-том, 24-бет) эканлиги тўғрисидаги ленинча кўрсатма шу жиҳатдан ориентир ҳисобланади.

Принципиал жиҳатдан янги негизда — ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш негизида экономикани ривожлантиришнинг суръатлари ва самарадорлигини оширишга эришиш соҳасида КПСС XXVII съезди томонидан қўйилган вазифа меҳнат унумдорлигини ошириш учун янги имкониятлар яратади ва айни бир пайтда ҳар бир меҳнаткаш олдига янада юксакроқ талаблар қўяди. Гап экономикани узоқ муддат давомида экстенсив ривожлантириш натижасида пайдо бўлган муайян тафаккур сустлигига, психологик стереотиплар ва установкаларга барҳам бериш, кишилар онгини қайта қуриш, уларда социалистик омилкорликни, янгича ишлашга хоҳишни, қобилиятни ва манфаатдорликни шакллантириш тўғрисида бормоқда.

Ҳар бир ходимнинг ҳозирги шароитда ижтимоий меҳнат унумдорлигининг етакчи кўрсаткичи ҳисобланадиган маҳсулотнинг юқори сифати учун курашнинг муҳимлигини қанчалик тўғри ва чуқур тушунишига қараб унинг онглилик даражаси хусусида фикр юритиш мумкин. Чунки айни шу диққат-эътибор марказининг миқдорий кўрсаткичлардан сифат ва самарадорликка кўчирилиши ҳозирги пайтда халқ хўжалигида юз бераётган ўзгаришлар моҳиятини характерлайди.

Партия маҳсулот сифатини жаҳондаги энг юқори кўрсаткичлар даражасига кўтариш вазифасини қўймоқда. 1987 йил 1 январдан бошлаб энг муҳим халқ хўжалик маҳсулотларига давлат қабулининг жорий этилганлиги бу йўлдаги жиддий қадамдир. Давлат қабули бракка маҳкам тўсиқ қўйиб, меҳнаткашларда ўзининг меҳнат натижалари учун юксак масъулият ҳиссини тарбиялашга, корхоналарда тартибни, технология интизомини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Ходимнинг социалистик мулкка муносабати, ундан қанчалик авайлаб, оқилона фойдаланиши ҳам унинг онглилигини кўрсатади. Бундай муносабат ходимнинг ўшанча ёки ундан ҳам камроқ миқдордаги хом ашёдан, ёқилғи, электр энергиясидан кам иш вақти сарфлаб кўпроқ миқдордаги маҳсулот олишга интилишида ифодаланади. Бу ерда, шунингдек, тараққиётимизни жадаллаштиришнинг манбаи ҳам мавжуддирки, кўпгина вазифаларни, шу жумладан КПСС XXVII съезди томонидан қўйилган муҳим вазифалардан бири — энг қисқа муддат ичида мамлакатни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўла-тўкис таъминлаш вазифасини амалга ошириш кўп жиҳатдан ана шу манбадан самарали фойдаланишга боғлиқдир.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш, реализация қилиш бутунлай ана шу жараёнларда банд бўлган кишиларга боғлиқ. СССР Озиқ-овқат программасини амалга ошириш муваффақияти ана шу кишиларнинг ўз бурчи ва масъулиятини тушунишига боғлиқ.

Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг ҳозирги миқёсларида агросаноат комплексининг қайси бир участкасида ишламасин ҳар бир меҳнаткашда партия томонидан бошланган қайта қуришнинг четдаги кузатувчиси эмас, балки фаол иштирокчиси бўлиш эҳтиёжини, совет халқи бошдан кечираётган ҳамма нарсага шахсан дахлдорликни, мамлакатнинг тўла ҳуқуқли соҳиби бўлиш ҳиссини тарбиялаш катта аҳамият касб этади, мамлакатнинг тўла ҳуқуқли соҳиби бўлиш ҳисси аввало ишлаб чиқаришга давлат нуқтаи назаридан ёндашувни тақозо этади ва бу ғоят кенг соҳаларда намоён бўлиши мумкин. Техникадан қанчалик оқилона, тадбиркорлик билан фойдаланилиши, моддий ресурслар, пул ва вақтнинг қанчалик оқилона сарфланиши, ишнинг самарадорлиги ва сифатини ошириш, фан ютуқларини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига жадал жорий этиш учун ҳамма нарса қилинаётгани ёки йўқлиги, ҳосилнинг ўз вақтида олиб кетилиши, унинг тўғри сақланилаётганлиги ва бошқа кўплаб масалалар фақат ўзининг бевосита вазифалар доираси билан чекланмайдиган, балки умумий муваффақиятдан ҳақиқий манфаатдор бўлган, унинг учун ўз масъулиятини ҳис қиладиган кишиларни доимо ташвишлантириб туради.

Барча меҳнаткашларда бурчни шундай тушунишни тарбиялаш, уларга социалистик жамиятнинг бойиши ва гуллаб-яшнашининг, унинг ҳар бир аъзосининг моддий ва маданий даражасини оширишнинг шарти бўлган халқ мулкини эҳтиётлаш ва ундан оқилона фойдаланишнинг муҳимлигини тушунтириш, социалистик мулкка инсофсизлик билан муносабатда бўладиган кишиларга муросасизлик муносабатини ривожлантириш керак. Партия ва жамоат ташкилотлари хўжасизликка ва исрофгарчиликка қарши курашадиган, ишлаб чиқаришнинг қўшимча резервларини излаб топадиган кишиларни ҳар доим қўллаб-қувватлашлари лозим.

Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини нишонлашга тайёргарлик совет кишиларининг меҳнат активлигини янада ошириб юборди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети 1986 йил 9 декабрда матбуотда эълон қилинган қарорида энг яхши пировард натижаларга эришиш учун мусобақани авж олдириб юборган ва Октябрь революцияси юбилейини муносиб кутиб олиш юзасидан социалистик мажбуриятлар қабул қилган «СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор

заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Й. Охунбобоев номли Қўқон тикувчилик фабрикаси коллективлари, Фарғона область Олтиариқ райони қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ва бошқаларнинг ташаббусини маъқуллади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдорини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, иқтисод ва тежамкорликни кучайтириш юзасидан оширилган мажбуриятлар олган республиканинг кўпгина корхоналари уларга эргашдилар.

Жамоатчилик асосидаги ишни ҳам меҳнатга социалистик муносабат мезонлари қаторида санаб ўтиш керак. Унинг меҳнаткашларнинг ижодий активлигини ўстириш натижасида юзага келаётган хилма-хил формаларини пропаганда қилиш учун Ўзбекистоннинг партия ва жамоат ташкилотлари, матбуоти, радио ва телевидениеси кўп иш қилмоқда. Жамоатчилик асосидаги ишнинг пировард мақсади — коммунистик меҳнатга хос бўлган белгиларни шакллантиришдир, бундай меҳнат В. И. Лениннинг фикрича, «бирмунча тор ва қатъий маънодаги... жамият фойдасига текин меҳнат қилиш.., умум фойдаси учун меҳнат қилиш одатига мувофиқ қилинадиган меҳнат... ва умум фойдаси учун меҳнат қилиш зарурлигини яхши англаган (ва бу англаш одат ҳукмига кирган) ҳолда қилинадиган меҳнат.., ҳар бир соғлом тан тақозо қиладиган меҳнат...» дир (ТАТ, 40-том, 363-бет).

Меҳнатга социалистик муносабатнинг кўриб чиқилаётган мезонлари ва кўрсаткичлари тасодифий бир терма эмас, балки бутун бир ҳосиладир. Ўз мажмуида, узвий бирликда ва ўзаро боғлиқликда олинган бу мезонлар ва кўрсаткичлар шахсга меҳнат фаолияти соҳасида қўйиладиган талабларни ҳар томонлама ва айнан бир хилда акс эттириши керак.

Ўз-ўзидан равшанки, таклим қилинаётган мезонлар ва кўрсаткичлар қандайдир бир универсаллик даъво қилмайди, лекин уларнинг ажратиб кўрсатилиши тўғри ва мақсадга мувофиқдир, чунки бу коллектив турли аъзоларининг меҳнатга муносабати даражасини белгилашга, бу даражаларнинг фан-техника тараққиётини жадаллаштириш манфаатлари ўртага қўяётган талабларга қанчалик мувофиқ келишини аниқлашга имкон беради. Албатта, бу ўринда гап коллектив аъзоларини уларда меҳнатга социалистик муносабат белгиларининг шаклланиши даражасига қараб шунчаки ажратиш тўғрисида, нафақат кишиларда шу муносабатни характерлайдиган у ёки бу хислатларнинг мавжудлиги ёки йўқлигини қайд қилиш тўғрисида, бу проблемани ҳамма эришиши лозим бўлган қандайдир бир мавҳум идеални ясашдан иборат вазифага айлантириб қўйиш ҳақида бормаслиги керак.

Бутун бир ранг-барангликка эга меҳнатга социалистик муносабатнинг энг муҳим белгилари бугунги кундаёқ кўплаб ишлаб чиқариш илғорларига хос бўлиб, реал воқеликда намоён бўлади. «Меҳнатга социалистик муносабат» деган тушунча қамраб оладиган ана шу белгиларнинг тўлалиги, барқарорлиги, стабиллиги, уларнинг у ёки бу меҳнаткашда намоён бўлишининг системалилиги ва изчиллиги ўзига хос бир «эталон» бўлиб хизмат қилиши мумкин, коллектив бошқа аъзолари ана шу эталондан намуна олишлари ва тарбиявий ишда ундан кенг фойдаланиш зарур.

Ишлаб чиқариш илғорларида меҳнатга социалистик муносабатнинг аниқ мезонлари ва кўрсаткичларининг мавжудлиги ва буларнинг улар фаолиятида конкрет намоён бўлиши партия ва жамоат ташкилотларига шу соҳада нималарга эришилганлигини ва яна нималар қилиш кераклигини тўғри баҳолашга, бунинг учун зарур оптимал йўллар ва воситаларни аниқлашга, тарбиявий ишга катта йўналиш ва аниқ мақсад бахш этишга, уни янада конкрет ва таъсирчан қилишга имкон беради.

Шубҳасиз, фан-техника тараққиёти негизида мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш вазифаларини ҳал этиш жараёнида ҳар бир кишининг меҳнат фаолиятига қўйиладиган талаблар ошиб боради ва шунга мувофиқ равишда меҳнатга социалистик муносабатни характерлайдиган мезонлар ва кўрсаткичлар янада чуқурлашади. Инсоннинг етуклик даражасини ошириш, социалистик меҳнат замиридаги коммунистик негизларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш — партия катта аҳамият бераётган муҳим вазифа бўлиб, у жамиятнинг коммунизм сари ҳаракати жараёнида амалга оширилмоқда.

СОВЕТЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ-ОММАВИЙ ИШЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ—ДАВР ТАЛАБИ

Г. ИНОМЖОНОВА,
юридик фанлар кандидати

Партия XXVII съездининг жадаллаштириш программасини амалда рўёбга чиқаришда халқ депутатлари Советлари катта роль ўйнайдилар. Улар ўз олдиларида турган вазифаларни самаралироқ ҳал этишлари учун КПСС Советларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш, фаолиятини бутун чоралар билан активлаштириш, иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан тегишли базани вужудга келтириш йўлини изчил ўтказиб келмоқда. Буларнинг ҳаммаси Советлар ишида қонунчилик, бошқариш ва назорат бирлиги билан боғлиқ ленинча принципнинг тобора тўлароқ рўёбга чиқишига имкон яратади.

Партия Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш учун халқ депутатлари Советларининг ролини янада ошириш ҳамда масъулиятини кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги (1986 йил июль) қарорига ҳам худди ана шу нуқтаи назардан қарамоқ керак. Бу ҳужжатда икки асосий йўналиш: бир томондан, бутун бир тадбирлар комплекси ҳар бир Совет ўз территориясида экономика ва социал-маданий соҳанинг ривожлантирилишини, ижтимоий ишлаб чиқариш суръатларининг жадаллаштирилиши ва самарадорлигининг оширилишини омилкорлик билан таъминлашига қаратилган; иккинчи томондан, қарор Советларни ўз фаолиятларида демократик асосларни бундан буён ҳам ривожлантириб бориш, халқни социалистик ўз-ўзини бошқаришини чуқурлаштириш йўлини актив ва изчил ўтказиб боришга ундайди. Ҳужжатда республика ва маҳаллий Совет органларининг ҳуқуқларини янада кенгайтириш кўзда тутиладики, бу ҳол улар олдида янги имкониятлар уфқини очади, бошқарувда территориал ва тармоқ принципларини тўлароқ уйғунлаштириш имконини яратади. Умуман бу қарор КПСС Марказий Комитетининг «Халқ депутатлари Советларига партиявий раҳбарликни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори (1986 йил июль) сингари ҳокимият органларини ўз ишларининг услуб ва методларини тубдан қайта қуришга йўналтиради. Бунда гап фақат фаолиятни активлаштириш хусусидагина эмас, балки унинг мазмунида сифат жиҳатидан бурилиш ясаш, ошкораликни кучайтириш, ташаббускорликни авж олдириш, ишнинг янги шаклларини ижодий тарзда излаш хусусида боради.

Буларнинг ҳаммаси Советларнинг ташкилий-оммавий ишларига ҳам тааллуқлидир. Бунда шуни назарда тутмоқ керакки, иш шаклларининг хилма-хил бўлишига интилиш шунчаки бир мақсад эмас, уларнинг ҳар бири ҳаётнинг иқтисодий, социал-маданий жабҳаларида конкрет натижаларни қўлга киритишга, коммунистик қурилишнинг у ёки бу соҳасида ишлар аҳволини яхшилашга қаратилгандир. Шунинг учун ҳам бугунги кунда Советларнинг омма орасида олиб бораётган ташкилотчилик ишлари даражасига кўрилган тадбирлар ва «қамраб олинган» одамлар сонига қараб эмас, балки пировард натижага — тадбирдан қандай самара кўрилгани, бунинг натижасида ижобий ўзгаришлар содир бўлгани ёки бўлмаганига қараб баҳо берилади.

Ана шу кенг қамровли фаолиятнинг бир қатор жиҳатларини алоҳида назарда тутиш лозим. Улардан энг муҳими шуки, Советларнинг ташкилий-оммавий ишлари самарадорлигини оширишнинг ҳал қилувчи омилларидан бири партия ташкилотларининг Советларга кундалик раҳбарлигидир. Уларнинг эътибори биринчи навбатда бош йўналишларга қаратилади, булар қаторига биринчи навбатда сессиялар ўтказиш фаолиятини такомиллаштиришни киритиш мумкин. Кейинги йилларда республикадаги маҳаллий Советлар бу ишда бирмунча ижобий тажриба тўпладилар. Ишчанлик даражаси ошаётгани, кун тартибига қўйилаётган масалаларнинг чуқуррок ўрганилиши, ошкоралиликнинг кучайтирилиши сессиялар учун характерли ҳолатлар бўлиб қолди. Хўжалик ва социал-маданий қурилишнинг актуал проблемалари кўпрок муҳокама этилмоқда. Депутатлар нутқларининг мазмуни ва руҳи ўзгарди: эндиликда уларда сайловчиларнинг манфаатлари ҳамда талаблари ўзининг тўларок ифодасини топмоқда, танқидий мулоҳазалар, конструктив таклифлар ўртага қўйилмоқда. Кун тартибидаги масалалар муҳокамасида қатнашувчи депутатлар сони кўпайди. Буларнинг ҳаммаси қабул қилинадиган қарорлар сифатига таъсир этмай қолмади.

Сессияларни тайёрлаш практикасида ҳам кўпгина янгиликлар пайдо бўлди. Масалан, ижрокомлар навбатдаги сессияда кўрилиши мўлжалланган масалалар юзасидан ўз истакларини билдиришларини сўраб матбуот, радио, телевидение орқали аҳолига тез-тез мурожаат этмоқдалар. Сессиялардан анча вақт олдин маҳаллий Советлар депутатларга нафақат билдириш қоғози ва кун тартибини, шу билан бирга қарорлар лойиҳасини, бошқа зарур материалларни юбормоқдалар. Бу эса муҳим тадбирга яхши тайёргарлик кўриш, сайловчилар билан учрашиш, уларнинг муҳокама этиладиган масалаларга доир фикрларини билиш, танқидий мулоҳазаларни тайёрлаш имконини бермоқда. Анчайин муҳим ҳисобланган шу территорияда яшовчи кўп сонли одамлар манфаатларига дахлдор бўлган қарорларнинг лойиҳалари республика ва маҳаллий матбуотда босиб чиқарилмоқда.

Ташкилий-оммавий ишларнинг қарорлар лойиҳаларини меҳнат коллективларида олдиндан муҳокама этиш сингари янги шакли тобора кенг қўлланилмоқда. Масалан, Ильич шаҳар Совети (Андижон области) пайпоқ фабрикасида ишловчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш ҳақида қарор қабул қилишдан олдин мазкур коллектив билан маслаҳатлашишни лозим топди. Кўпгина амалий таклифлар тушди: комплекс қабул пункти, хотин-қизлар гигиенаси хонаси, сартарошхона очиш, автостанциядан фабрикагача автобус қатновини йўлга қўйиш хусусида фикрлар билдирилди. Ана шу истакларнинг ҳаммаси амалга оширилди.

Сессияга тайёргарлик ишларида жамоатчилик фикрини ўрганиш алоҳида ўрин тутади. Шунинг учун ҳам айрим ижрокомлар сессияда кўриладиган масала бўйича ишларнинг аҳволини справкалар юзасидан эмас, ўз сайлов округларида, яъни бевосита жойларда ўрганишни сўраб депутатларга ёзма равишда мурожаат этдилар. Қатор Советлар жамоатчилик фикрини ўрганиш учун махсус анкеталар тарқатишни тажриба қилиб кўрмоқдалар. Турли тармоқларнинг мутахассисларини жалб қилиш эса проблемани чуқуррок ўрганиш имконини бермоқда. Бироқ бу ҳозирча мунтазам тус олгани йўқ. Ҳолбуки масала комплекс тарзда, билиб пухта ўрганилганда нафақат камчиликлар, балки уларни туғдирган сабаблари аниқланиши, бинобарин, прогрессив ишларнинг қарор топишига тўғаноқ бўлаётган ҳолатларга қарши курашнинг самарали йўллари ҳам ишлаб чиқилиши мумкин.

Сессияларни муваффақиятли ўтказишда доклад ва қўшимча докладларни тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Бироқ кўпинча улар сийқаси чиққан усулда тузилади, ҳақиқий аҳвол баъзи ҳолларда чуқур таҳлил этилмайди. Докладларни асосан ижроком раҳбарлари қилаётганликларини ҳам тўғри деб бўлмайди. Аксинча, бу ишни бўлимлар, бошқармаларнинг раҳбарларига, яъни хўжалик тармоқлари ва маданиятни ривожлантириш учун бевосита жавоб берадиган, конкрет йўналишлардаги ишларнинг аҳволини чуқуррок биладиган кишиларга топшириш мақсадга мувофиқдир.

Музокаралар Совет сессиясининг жонли иш жараёни ҳисобланади. Бунда фикр алмашилади, танқид ва ўз-ўзини танқидга, айрим ҳолларда иш юзасидан

юртишувга, пировард натижада эса муҳим масалалар юзасидан давлат ҳокимияти органининг қарорини коллектив тарзда ишлаб чиқишга йўл очилади. Шу сабабли музокараларда сўзланадиган нутқларга жиддий эътибор бериш зарур. Бироқ сессияларда ҳар гал маълум кишиларнинг сўзга чиқишлари, умумий сўзларга кенг ўрин берилиши, ҳисоботбозликдан нари ўтмаслик фактлари тез-тез учрайди.

Кўпгина маҳаллий Советларда янги тартиб ўрнатилиши, яъни сессияларда докладчининг бевосита чиқиб гапирмаслиги кенг микёсда қоидага айланаётгани муносабати билан музокараларнинг моҳияти янада ошади. Бундай ҳолатда доклад тексти барча депутатларга аввалдан юборилади, айрим Советлар эса уни маҳаллий матбуотда ҳам эълон қилмоқдалар. Сессия пайтида доклад аввало доимий комиссияларда, сўнгра эса сессиянинг умумий мажлисида муҳокама этилади. Бу усулнинг афзаллиги шундаки депутатлар активлиги анча ошади, муҳокама қилинаётган масала юзасидан ўз фикрини билдирувчиларнинг деярли ҳаммаси сўзга чиқиши мумкин, бунда таклиф-мулоҳазалар кўпроқ тушади, бинобарин, қарор ҳам конкретроқ, амалийроқ бўлади.

Сессиядан сўнг барча танқидий мулоҳазалар ва таклифлар умумлаштирилади. Уларни бажариш юзасидан тузилган тадбирлар ижроком томонидан тасдиқланади. Ана шу тадбирлар, шунингдек қабул қилинган қарорлар ижросининг бориши ҳақида депутатлар навбатдаги сессияларда хабардор қилинадилар. Қарорлар ижросининг барбод бўлишида ёки унинг чўзилиб кетишида айбдор ҳисобланган раҳбарларнинг ҳисоботларини сессияларда эшитиб бориш ходимлар масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Афсуски, бундай фойдали усул барча Советларда одат тусига кирди, деб бўлмайди. Ишнинг янги шакллари айниқса қишлоқ ва посёлка Советларида қийинлик билан жорий этилмоқда. Дабдабабозлик ва расмиятчиликка барҳам беришдаги сусткашлик ҳам ташвишланарлидир. Баъзан сессиялар яхшилаб репетиция қилинган, хеч қандай ижодкорликка имкон бермайдиган спектаклга ўхшаб кетади. Музокаралар аввалдан тайёрланган рўйхат бўйича ўтади, кўп ҳолларда депутатларнинг нутқларида ишнинг аҳволи принципиал баҳоланмайди. Баъзан кун тартибига кўпдан-кўп масалалар киритиладики, уларнинг аксариятини бошқа йиғинларда (ижроком, доимий комиссия мажлисларида) бемалол кўриб чиқиш мумкин.

Кўчма сессиялар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш зарур. Одатда улар ғоят яхши натижа беришади, чунки депутатлар бевосита у ёки бу жойнинг ўзида ишларнинг аҳволи билан танишиш, ишчилар, колхозчилар ва хизматчилар эса сессияда қатнашиш, фикр-мулоҳазалари ва таклифларини баён этиш имконига эга бўладилар. Масалан, Сиёб район Совети (Самарқанд шаҳри) депутатлари «Ҳужум» пиллакашлик фабрикасида ўтказилган сессияга мазкур корхонани реконструкциялашдек ғоят муҳим масалани шу жойнинг ўзида муҳокама этиш учун тўплндилар. Бундан олдин фабрикага район Советининг саноат, транспорт ва алоқа бўйича доимий комиссияси аъзолари ташриф буюришганди.

Ишнинг бундай шакли қишлоқ ва посёлка Советлари шароитида айниқса сезиларли самара беради. Чунки уларда бўлимлар ва бошқармалар йўқлиги сабабли масалаларни тайёрлаш, сўнгра эса қарорларни бажариш билан боғлиқ ҳамма ишлар бевосита ижроия комитетларнинг, доимий комиссиялар ва депутатларнинг зиммасига тушади. Бундай ҳолда кўчма сессиялар ўтказилиши қарорнинг конкрет бўлишига ҳам, уни бажаришда аҳолига ёрдам кўрсатилишига ҳам кафолат беради.

Кўчма сессиялар ўтказишни ташкилий ишлар планида кўзда тутиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бу эса ана шу анжуманга яхшироқ тайёргарлик кўриш имконини яратади.

Сессиялар билан боғлиқ фаолиятни янада яхшилашда уларнинг Советлар томонидан амалга ошириладиган контролнинг асосий қуроли сифатидаги аҳамиятини кучайтириш муҳимдир. Кейинги йилларда бу йўналишда анча иш қилинди. Ҳозирги пайтда контрол ва ижрони текширишнинг аҳволи билан боғлиқ масалалар сессияларда, ижроком мажлисларида мунтазам равишда қараб чиқилмоқда.

Ижроком бўлимлари ва бошқармалари раҳбарларининг ҳисоботлари ҳамда ахборотларини эшитиш назоратнинг таъсирчан шаклларидан биридир. Бироқ

барча Советлар ҳам ундан самарали фойдаланмаётирлар. Ижроия комитетларнинг айрим бўлинмалари йиллар давомида ўз ишлари ҳақида сессияларда хисобот бермайдилар. Аслида эса сессияларда доимий комиссиялар, ижрокомлар ҳузуридаги комиссияларнинг ҳисоботларини, депутатларнинг ўз бурчларини қандай бажараётганликлари ҳақидаги ахборотларини тез-тез эшитиб туриш зарур.

Бир қатор Советларнинг ижрокомлар иш регламентини белгилашлари, шунингдек ижрони ташкил этиш қоидаларини ишлаб чиқишлари уларнинг бутун фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилади. Шубҳасизки, унинг таъсири кўп жиҳатдан қабул қилинадиган қарорлар сифатига, конкретлилигига боғлиқ. Мабодо бу қарорларнинг моддалари нуқул «яхшилансин», «кучайтирилсин», «активлаштирилсин» сингари умумий сўзлардан иборат бўлиб қолса, ижрони контрол қилиш мураккаблашади. Бинобарин, Совет қарорида ижрочилар, бажарилиш муддати, мазкур қарор ижросини контрол остига олувчи органлар ва шахслар аниқ кўрсатилмоғи зарур. Совет активини контролга кенг жалб этиш жуда муҳимдир. Ижрони текшириш моҳиятини реал натижалар таҳлилидан эмас, балки ўтказилган тадбирларни қайд этишдан иборат қилиб қўйишдек жиддий нуқсонга барҳам бериш лозим, чунки бу ҳол қайтадан қарор қабул қилишга олиб келади.

Белгиланган тадбирларни тўла-тўкис амалга оширишда депутатлар сўрови ёрдам беради. Унинг контрол воситаси сифатидаги самараси шундаки, сўров ва унга берилган жавоб муҳокама этилиши мумкин, сўнгра эса бу ҳақда албатта қарор қабул қилинади. Бунда депутат сўрови кун тартиби билан боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Одатда у қурилиш планларининг барбод қилинганлигига, гражданларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари назар-писанд қилинмаётганлигига, медицина, савдо-сотиқ, маиший хизмат ёмон йўлга қўйилганлигига, бошқа жиддий камчиликларга қаратилган бўлади. В. И. Ленин Советлардаги депутат сўровига сансалорликка қарши курашда қўлланиладиган мажбурий тадбир сифатида қараганди (Тўла асарлар тўплами, 53-том, 217-бетга қаралсин).

Кўпгина депутатлар сўров воситасида ниҳоятда жиддий масалаларни ҳам ижобий ҳал этишга эришмоқдалар. Муҳими шуки, Советлар уларга расмиятчилик билан қарамасликлари, қарор қабул қилгандан сўнг улар сўзсиз бажарилишига қатъий эришмоқлари зарур. Ана шундай қилингандагина хўжалик ва социал-маданий қурилишда катта силжишга эришиш, камчиликларга барҳам бериш, қонунчиликни, интизомни, тартибни мустаҳкамлаш мумкин. Депутат сўровидек муҳим тартибот замирида ниҳоятда катта имконият мавжудлиги шубҳасиз. Бироқ депутатлар бу ҳуқуқдан етарли фойдаланмаётирларки, бу ҳолга партия XXVII съездида ҳам, КПСС Марказий Комитетининг январь (1987 йил) пленумида ҳам эътибор қаратилди. Бу Советлар фаолиятидаги энг характерли камчилик, «танг жой» (уларнинг ҳар бирига йилига ўрта ҳисобда иккитага яқин сўров тўғри келади) ҳисобланади. Хўш, бунинг сабаби нимада? Анализ кўрсатганидек, бунинг боиси аввало депутатларнинг оддий ҳуқуқларини ҳам билмасликларига бориб тақалади. Советларнинг ижрокомлари эса тушунтириш ишларини суст олиб бормоқдалар. Шунинг учун ҳам «Депутат кунлари»дан бири депутат сўрови билан боғлиқ ҳақ-ҳуқуқни ўрганиш мавзусига албатта қаратилиши фойдадан холи бўлмасди. Бунда ўқиш шаклини ҳам синчиклаб ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Чунки у жўнгина, одатдагидек ўтказилмаслиги, конкрет шароитлар назарда тутилиши, сўров ҳуқуқидан актив фойдаланувчи депутатлар таклиф этилишлари ва уларнинг фикр-мулоҳазалари тингланиши, ўқув фильмлари кўрсатилиши ва бошқа тадбирлар уюштирилиши зарур. Хуллас, бу ҳар бир маҳаллий Советнинг ижодий иши, лекин унинг натижаси бир хил бўлмоғи — ҳар бир депутат ўзининг энг муҳим ҳуқуқи моҳиятини аниқ-пухта тушуниб етмоғи, ўз ваколатларини бажаришда унинг аҳамиятини чуқур билмоғи зарур. Тушунтириш ишларини олиб бориш учун ижрокомлар бошқа имкониятларга ҳам эга: улар семинар-кенгашлар ўтказишлари, депутатлар, доимий комиссиялар ҳамда депутат группалари аъзолари билан бевосита алоқа ўрнатишлари ва ҳоказо тадбирлардан фойдаланишлари мумкин.

Бутун ишни сўровлар сонига боғлиқ қилиб қўйиш ярамайди, албатта. Айтайлик, бу ишнинг таъсирчанлигини етарли баҳоламаслик мумкинми? Бунда

ҳам проблемалар оз эмас. Масалан, кейинги йилларда депутат сўрови масаласи ўткир қилиб қўйилган пайтда ҳам расмиятчилик кўринишлари кўзга ташланди. Баъзи Советлар давр талабини эътироф этган ҳолда сўровларни атайлаб «ташкил этиш» одатини чиқардилар. Амалда бу қуйидагича намоён бўлади: депутат минбарга кўтарилади-да, қоғоздан кўзини узмасдан «сўров»ни ўқиб беради. Ундан сўнг шу соҳага жавобгар раҳбар сўз олади-ю, у ҳам аввалдан тайёрлаб қўйилган жавобни ўқий бошлайди. Кўп ҳолларда депутатлар оддий саволларни сўров тариқасида тақдим этишга ҳаракат қиладилар. Бундай ҳолга чидаш мумкин эмас, у дабдабабозлик ва хўжакўрсинчиликка таг-томири билан барҳам бериш йўлини тутган партия XXVII съезди руҳига мутлақо тўғри келмайди.

Характерли яна бир камчилик шуки, сўровни қараб чиқишга юзаки, иктисодий жиҳатдан асосланмаган, жиддий ва амалий танқидга ўрин берилмаган ҳолда муносабатда бўлинади, кўпинча ҳеч қандай муҳокама қилинмайди. Баъзи сўровларда мазкур Совет учун актуал проблемалар ўртага қўйилмайди, уларнинг аксарияти хўжалик ташкилотларининг, корхона ва муассасаларнинг раҳбарларига қаратилади, камдан-кам қисми эса ижроком раҳбарларига, унинг бўлимлари ҳамда бошқармаларига тегишли бўлади.

Депутат сўрови самарадорлигини ошириш учун ана шу етишмовчиликларни бартараф этишнинг ўзигина кифоя қилмайди. Энг муҳими қарорни амалда татбиқ этиш, унинг ижросини охиригача назорат қилишдан иборатдир. Акс ҳолда депутатнинг ана шу ҳуқуқи обрўси пасайиб кетади, бунинг оқибатида ундан аҳён-аҳёнда фойдаланадиган бўлишади. Шунинг учун ҳам ҳар бир сессияда сўровлар қандай ҳал этилаётгани ёхуд уларнинг ижроси қандай бораётгани ҳақида депутатларга ахборот бериб туриш керак. Контрол имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш Советга депутат сўровига нисбатан тўғри муносабатда бўлиш, ўз фаолиятида демократик асосларни ривожлантириш, халқ оммасини бошқарувга жалб этишда ёрдам беради.

Партия XXVII съезди материалларида, Марказий Комитетнинг, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг кейинги қарорларида, КПСС Марказий Комитети январь (1987 йил) Пленуми қарорларида доимий комиссиялар ишини такомиллаштиришга алоҳида аҳамият берилди. Бугунги кунда улар жуда катта ижтимоий куч бўлиб, омма орасида ишлашда Советларга ёрдам кўрсатишлари зарур. Ҳозирги пайтда мамлакатда 335 мингдан зиёд доимий комиссиялар мавжуд, уларнинг фаолиятида 1,8 миллиондан кўпроқ депутат ва 2.5 миллион жамоатчи актив қатнашмоқда. Кейинги йилларда улар муайян мақсадни кўзлаган ҳолда ҳаракат қиладиган, сайловчилар наказларини бажариш, ижроком бўлимлари ва бошқармалари фаолиятини яхшилаш, иш шаклларини янгилаш йўлида кўпроқ куч-ғайрат сарфлайдиган бўлдилар. Лекин барибир бу масалада камчиликлар ва фойдаланилмаган имкониятлар оз эмас.

Аввало доимий комиссиялар фаолиятини планлаштириш практикаси такомиллаштиришга муҳтож бўлиб турибди, чунки бунда ҳар хиллик яққол кўзга ташланмоқда. Ҳозирги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда перспектив планлар қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бу давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилиш билан боғлиқ ўткир проблемаларни самаралироқ ҳал этиш, масалаларни тайёрлаш сифатини яхшилаш имконини беради. Андижон, Бухоро область, Фарғона ва Янгийўл шаҳар Советлари доимий комиссияларида перспектив планлаштириш соҳасида қизиқарли тажриба тўпланган.

Доимий комиссияларда муҳокама этиладиган масалаларни танлаш ҳам ғоят муҳим вазифадир. Чунончи, уларнинг иш планларидан «доимий» ёки «мавсумий» моддалар, масалан, қишловга тайёргарлик, болаларнинг ёзги дам олишини ташкил этиш ва ҳоказо масалалар ўрин олади. Булар, шубҳасиз, муҳим, бироқ доимий комиссияларнинг ҳаммаси ҳам улар билан ҳар йили шуғулланишлари шарт эмас, ахир. Бунда планларни координациялашгина ёрдам кўрсатиши мумкин, чунки ана шундай қилинганда доимий комиссиялар ва ижрокомларнинг куч-ғайратлари кўпроқ самара беради, турли-туман такрорлашлар барҳам топади.

Ҳокимият органларининг баъзиларида комплекс планлаштириш тажриба қилиб кўрилаётгани прогрессив аҳамиятга эга. У Советнинг, ижроком ва доимий комиссияларнинг планларини ўзаро узвий боғлаш мақсадини кўзда тутади. Планлаштиришнинг юксакроқ иш самарадорлигини таъминловчи янги шакллари-

ни излаш давом этмоқда. Шу жиҳатдан Оҳангарон район Совети (Тошкент области) нинг доимий комиссиялар фаолиятини комплекс планлаштириш тажрибаси қизиқарлидир. Уларнинг ҳаммаси, қайси профилда бўлишига қарамасдан, ўз куч-ғайратларини Озиқ-овқат программасида қўйилган вазифалар ижросига бўйсундиради. Масалан, саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа бўйича комиссия район хўжаликларида чорвачилик биноларини барпо этишга асосий эътиборни қаратади; халқ маорифи ва маданият бўйича доимий комиссия қишлоқ Советларининг худди шундай комиссиялари билан биргаликда район мактабларида қуёнчилик фермаларини вужудга келтириш, ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаларини тузиш, чорвадорларга маданий хизмат кўрсатиш ҳаракатига бошчилик қилади; савдо ва умумий овқатланиш бўйича доимий комиссия ўз планида бозорларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан чайқовчилик қилиш ва бойлик орттириш мақсадида уларни четга чиқариб сотишнинг олдини олиш тадбирларини белгилаган.

Доимий комиссияларнинг тайёргарлик фаолиятини тубдан яхшилаш талаб этилади. Бунда унинг шакллари кўп: доимий комиссия мажлисида муҳокама этиладиган масалалар бўйича текширишлар уюштириш ҳам, ижроком ва сессия муҳокамасига киритиладиган материалларни олдиндан кўриб чиқиш ҳам, қарорлар ва қўшимча докладлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда ҳамкорлик қилиш ва бошқалар ҳам шулар жумласидандир. Доимий комиссиялар томонидан иқтисодий ва социал ривожлантириш планлари лойиҳаларининг олдиндан ўрганилишини алоҳида кўрсатиб ўтиш зарур. Бу иш муҳим аҳамиятга эга, лекин уни ҳозирги пайтда қайта қуриш талаблари руҳида, сифатлироқ қилиб, принципиал тарзда, расмиятчиликсиз йўлга қўйиш керак. Бунда планларнинг лойиҳаларини чуқур ўрганиш, ижрокомнинг тармоқлар бўйича бўлим ва бошқармалари раҳбарларининг, мутахассисларнинг фикрини эшитиш, кейин эса план лойиҳалари юзасидан конкрет таклифлар билан ёзма хулосани тақдим қилиш мақсадида план лойиҳаларини доимий комиссияларга аввалдан юбориш тажрибасини қўллаётган Советлардан ибрат олиш лозим.

Амалдаги қонунларга мувофиқ доимий комиссиялар ижроком мажлислари ва сессиялар муҳокамасига киритиладиган бошқа масалалар юзасидан ҳам ўз хулосаларини тақдим этишлари зарур. Бироқ амалда улар бу ҳуқуқдан камдан-кам ҳолларда фойдаланадилар. Ҳолбуки партия XXVII съезди биринчи навбатда меҳнат коллективларида, жамоат ташкилотларида ва Советларнинг доимий комиссияларида муҳокама этиладиган масалалар доирасини кенгайтириш, шундан кейингина қарорлар қабул қилиш ҳақида кўрсатма берганлиги муносабати билан бундай йўл тутиш алоҳида аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам доимий комиссиялар хулосаси зарур деб ҳисобланган масалаларнинг тахминий рўйхатини тасдиқлаш маҳаллий Советлар ижрокомларининг иш регламентларида ўз ифодасини топиши мақсадга мувофиқдир. Ана шунда съезд кўрсатмасини бажариш амалий тус олади.

Сессияларда қилинадиган қўшимча докладларни тайёрлаш доимий комиссиялар фаолиятининг муҳим жиҳатидир. Бу соҳадаги ишни ҳам тубдан яхшилаш талаб этилади. Қўшимча доклад асосий докладдаги қоида ва хулосаларни такрорламаслиги, балки комиссиянинг ишнинг аҳволини чуқур ўрганишга асосланган мустақил хулосаларидан иборат бўлиши лозим, баъзи ҳолларда унинг хулосалари докладда баён қилинган хулосаларга зид келиши ҳам мумкин. Энг муҳими қўшимча докладда мазкур проблемани самарали ҳал қилишга доир таклифлар бўлиши керак. Доимий комиссия масалани мустақил тайёрлаганда унинг ўзи асосий докладчи сифатида чиқиши мақсадга мувофиқдир. Ана шундай қилинганда унинг обрў-эътибори ошади.

Советлар ва уларнинг ижроия комитетлари қабул қилган қарорлар ижросини текшириш доимий комиссияларнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Текширув якунлари бўйича Советда комиссиянинг ўзи унинг қарорлари қандай бажарилаётгани хусусида ёки уларнинг ижроси натижалари тўғрисида доклад қилса ишга жиддий фойда етган бўлур эди. Афсуски, бундай ҳоллар камдан-кам учрайди.

Доимий комиссиялар контроли соҳаси ижроком бўлимлари ва бошқармаларини, шунингдек ана шу Совет территориясида жойлашган корхоналар ва ташкилотларни ҳам қамраб олади. Бироқ комиссиялар бўлим ҳамда бошқарма-

ларни бошқараётганларнинг ҳисоботларини эшитиш ҳуқуқидан деярли фойдаланмаётирлар, баъзан эса у ёки бу раҳбар бандлигини баҳона қилиб комиссия мажлисига вакил юбориш билан чекланади, депутатлар эса бунга тоқат қиладилар. Бундай ҳолга батамом барҳам бериш керак. Ана шу ишдаги жиддий камчиликлардан яна бири доимий комиссиялар активи ҳисобланган мутахассисларнинг текширишларга камдан-кам жалб этилаётганлигидир. Бунинг оқибатида тафтиш сифати пасаяди, шунинг учун ҳам юзаки, баъзан эса асосланмаган қарорлар қабул қилинади.

Доимий комиссияларнинг контрол қилувчилик фаолияти бошқа назорат органлари билан ҳамкорликда иш қўрилганда янада самаралироқ бўлиши мумкин. Ахир уларнинг вазифалари битта, бинобарин, бири иккинчисини такрорлаши ишга жиддий зиён етказади. КПСС Марказий Комитетининг январь (1987 йил) Пленумида шу муносабат билан таъкидландики, турли-туман текширишлар ва инспекцияларни сира кечиктирмай тартибга солиш керак, чунки улар корхоналарга, муассасаларга ва ташкилотларга ҳуда-беҳуда ёпирилмоқдалар, одамларни ишдан қолдирмоқдалар, асабийлаштирмоқдалар.

Бу муҳим проблемани амалий ҳал этишда доимий комиссиялар билан Совет территориясидаги барча жамоат уюшмалари фаолиятини координациялаш, буни иш планлари тузишдан бошлаш катта аҳамиятга эга. Ҳар бир доимий комиссия биринчи навбатда ўз вазифаси жиҳатидан турдош ҳисобланган жамоат органлари билан яқин алоқа ўрнатиши мақсадга мувофиқдир. Масалан, социалистик қонунчилик бўйича доимий комиссия ўз атрофига халқ кўнгилли дружиналари, ўртоқлик судлари, вояга етмаганлар иши бўйича комиссиялар, маъмурий комиссияларни жалб этиши мумкин; халқ маорифи бўйича доимий комиссия эса мактаблардаги ота-оналар комитетлари, хотин-қизлар комитетлари, аҳоли яшайдиган жойлардаги ташкилотчи педагоглар, спорт ташкилотлари ва бошқалар билан бевосита ишлай олади. Жойларда ташкилотчилик ишлари олиб боришда доимий комиссияларнинг территориал депутатлик группалари ҳамкорлигида амалга оширадиган тадбирлари ҳам оз эмас.

Ўзларининг кўп қиррали фаолиятлари якуни юзасидан доимий комиссиялар қабул қиладиган тавсиялар конкрет, реал, асосланган бўлиши, ресурслар мавжудлиги, конкрет шарт-шароитлар ҳисобга олинган бўлиши лозим. Амалда эса улар кўпинча ана шу талабларга жавоб бермайди ёки уларнинг бажарилиши мумкин эмаслиги олдиндан кўриниб туради. Тавсияларнинг тегишли органлар ва мансабдор шахслар томонидан ўз вақтида қараб чиқилиши ҳам одат тусига киритилмаган. Бундай ҳолларда доимий комиссиялар уларга бевосита таъсир кўрсатиш, масалан, раҳбарнинг ҳисоботини эшитиш, тавсия бажарилмай қолгани ҳақидаги масалани ўз мажлиси муҳокамасига қўйиш имконига эга. Лекин бу ҳуқуқдан етарли фойдаланилмайди. Ижроия комитетлари турли ташкилотларнинг ишини текширганда улар доимий комиссиялар қарорларини қандай бажаришгани билан қизиқишлари шарт. Амалда эса ҳамиша ҳам шундай бўлмаётир.

КПСС Марказий Комитети январь (1987 йил) Пленуми ўртага қўйган вазифалар асосида доимий комиссиялар фаолиятини тубдан қайта қуришни аввало депутатлар активлигини кучайтириш, кадрлар масаласини тўғри ҳал этишдан бошламоқ керак. Совет депутатларининг учдан икки қисми доимий комиссияларда ишлаётган экан, улар фаолиятининг савияси депутатликка қандай номзодлар кўрсатилаётганига боғлиқдир. Бунда у ёки бу депутатнинг қайта қуришга муносабати, омилкорлиги, топширилган иш учун масъулият ҳисси, одамларнинг эҳтиёжлари ва талабларига эътибори ҳал қилувчи мезон бўлиши керак. Доимий комиссия составини шакллантиришда унинг раислигига номзодни синчиклаб танлаш, комиссияга мазкур тармоқ мутахассислари кўпроқ киритилишига, давомийлик сақланиб қолиши ва ҳоказоларга эришмоқ лозим. Ҳар бир депутатнинг ўз лаёқати, касби бўйича у ёки бу комиссияда ишлаш истагини ҳисобга олишга интилаётган Советлар тажрибаси диққатга сазовордир.

Қонунчиликка биноан Совет ижрокоми доимий комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириб туриши, уларга методик ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиши, ташкилий-техникавий жиҳатдан ёрдам бериши зарур. Хўш, амалда шундай бўляптими? Ижрокомларнинг раҳбарлари ва инспекторлари доимий комиссиялар мажлисларида камдан-кам қатнашадилар. Ижроия комитетлар бошида ишби-

лармон, масалага бефарқ қарамайдиган, давр руҳи билан ҳамоҳанг фикрлайдиган кишилар турган жойларда иш доимо қизғин кетади, муваффақиятлар кўзга яққол ташланади. Бундай ижрокомларда ишнинг янги шакллари қидириб топилади, дадил жорий этилади. Масалан, доимий комиссияларнинг кўчма мажлисларини олиб қарайлик, уларни баъзан ижроком мажлиси билан қўшиб, бир неча турдош комиссиялар мажлисларига кенг активни таклиф этган ҳолда ўтказиш, анкеталар тўлдиртириш, муҳим объектларда депутатлик постларини тузиш ва ҳоказолар ғоят фойдали тадбирлардир.

Бугунги янги талаблар асосида доимий комиссиялар фаолиятини уюштиришга доир комплекс тарздаги методик тавсияларни ишлаб чиқиш зарурати етилиб қолди. Илова сифатида турли ҳужжатлар — доимий комиссиялар мажлисларининг протоколлари, иш планларининг, қабул қилинадиган тавсияларнинг нусхалари, актив рўйхати ва бошқаларни уларга етказиб бериш мақсадга мувофиқдир. Бу ишни иттифоқдош ва автоном республика Олий Советининг Президиуми ёки область Советлари бажаришлари мумкин. Шу ўринда қишлоқ Советлари учун Советнинг паспорти, сессиялар, ижроком ва доимий комиссиялар мажлисларининг протоколлари намуналарини тайёрлаб берган халқ депутатлари Фарғона область Совети ижроия комитетининг ижобий тажрибасини алоҳида кўрсатиб ўтса арзийди. Иш юритиш «танг жой» ҳисобланган қишлоқ ва посёлка Советларига бундай конкрет ёрдам ниҳоятда зарур. Фарғона область Совети ижроия комитетининг доимий комиссияларга кундалик методик ёрдам бериш соҳасидаги ташаббуси ҳам диққатга сазовор. Уларнинг ҳар бирига халқ хўжалигининг тегишли тармоғи бўйича шуғулланувчи инструктор махсус фармойиш билан бириктиб қўйилади.

Бундан ташқари доимий комиссиялар ҳуқуқий ёрдамни яхшилаш, мутахассислардан малакали консультациялар олишга, справка адабиёти ва юридик адабиёт, қонунчилик актлари билан таъминланишга ҳам муҳтождирлар.

Доимий комиссиялар раислари ва аъзолари ўқуви жиддий такомиллаштиришни талаб этади. Бу ишни уюштиришда ҳозирча расмиятчилик кўринишлари оз эмас. Қатор Советларда у шунчаки тадбирбозлик тариқасида, зерикарли, бир қолипда ўтказилаяпти, турли масалалар бўйича лекциялар ўқиш ва докладлар қилиш унинг асосий кўринишлари бўлиб қолаётир.

Доимий комиссиялар тўплаган ижобий тажрибани умумлаштириш ва кенг ёйиш соҳасидаги ишларни жиддий яхшилаш зарурати вужудга келмоқда. Буни иттифоқдош ва автоном республика Олий Советининг Президиуми бошқариши, область, шаҳар ва район Советлари эса энг яхши тажрибанинг жорий этилишига кўмаклашишлари мумкин. Шу мақсадда у ёки бу конкрет соҳада ижобий тажриба тўплаган Совет базасида семинар-кенгашлар, практикум-семинарлар уюштириш керак.

Хуллас, Советларнинг ташкилий-оммавий ишларини янада такомиллаштириш давр талабидир. Айни шу хилма-хил иш формалари орқали партиянинг Советлар фаолиятида демократик асосларни тағин ҳам ривожлантириш, халқнинг ўз-ўзини социалистик бошқарувини чуқурлаштириш соҳасидаги сиёсий йўлини амалга ошириш мумкин. Шуни ҳисобга олиб, ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг шу йил май ойида бўлиб ўтган бешинчи сессияси бошқа масалалар қаторида «КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш учун халқ депутатлари Советларининг ролини янада ошириш ва масъулиятини кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётгани ҳақида»ги масалани муҳокама қилди. Бу ҳужжатни амалга ошириш ўз вақтида ҳамма ерда халқ депутатлари маҳаллий Советлари сессиялари ва ижроия комитетларида муҳокама қилингани қайд этилди. Конкрет комплекс тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда... Лекин бу дастлабки қадамлардир. Олдимизда катта ишлар турибди.

ҲАММА РЕЗЕРВЛАРНИ ИШГА СОЛАЙЛИК

В. БАҚА,

Ўзбекистон Компартияси Ленинск шаҳар комитети секретари (Андижон области)

КПСС XXVII СЪЕЗДИНИНГ новаторлик ғоялари партиявий раҳбарлик самарадорлигини оширишни, ҳар бир партия ташкилоти фаолиятининг услуб ва методларини яхшилашни, етилган проблемаларга янгича ёндашувлар, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг илғор формаларини ҳар доим излашни, бошқарувга оид бир қолипдаги ва шаблон ечимлардан воз кечишни зарур қилиб қўйди. КПСС МК январь (1987 йил) Пленуми қайта қуришга ўз моҳиятига кўра революцион ҳисса қўшди. Пленум қарорида шундай таъкидланади: «Актив таъсир қилувчи принциплар сифатида ошкоралик, ҳаққонийлик, камчиликларга нисбатан муросасизлик, ишни яхшилашга интилиш тобора кўпроқ қарор топмоқда». Бу, шу жумладан бизнинг шаҳримизда ҳам ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йили якунларига самарали таъсир қилди.

КПСС XXVII съездининг ижодий муҳитидан илҳомланган, унинг қарорлари асосида қайта қуришга отланган Ленинск шаҳри бошланғич партия ташкилотлари коммунистларни зўр ишонч билан эски, умри тугаган, олға томон ҳаракатга, жадаллаштиришга тўсқинлик қиладиган ҳамма нарсани тубдан ўзгартириш сари етакладилар. Улар меҳнат коллективларида юксак уюшқоқлик, ишчанлик, ижодкорлик муҳитини қарор топтиришга интилишмоқда, ҳар бир меҳнаткашнинг умумий ишдаги ўз вазифасини аниқ билишига ва қизғин, ташаббускорона, бутун кучини сарфлаб ишлашига эришмоқдалар. Бу ҳозирдаёқ айрим ижобий натижалар келтирмоқда. Чунончи, 1986 йили шаҳар халқ хўжалигининг барча тармоқлари давлат планларини ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажардилар. Планга қўшимча равишда 2 миллион сўмликдан зиёд саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди ва реализация қилинди, 1985 йилдагига нисбатан ўсиш 3,8 процентни ташкил этди. Беш йилликнинг биринчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажарганлиги тўғрисида биринчилардан бўлиб рапорт берган ва иккинчи йилни зарбдорчасига бошлаб юборган 6-авторемонт ва КПСС XXV съезди номли мотор ремонти заводлари, нон маҳсулотлари комбинати ва ғалла қабул қилиш корхонаси коммунистлари социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар.

Қурувчилар коллективлари ўтган йили яхши натижаларга эришдилар. Улар 21 миллион сўмлик капитал маблағларни ўзлаштиришди, 10,5 миллион сўмлик ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишларини бажаришди. Қарийб 20 миллион метр газлама ишлаб чиқариш қувватига эга тўқимачилик фабрикаси, 17 минг квадрат метрдан зиёд тураржой, индустрия техникуми ўқувчилари учун 400 ўринли ётоқхона, иккита болалар боғчаси ва бошқа объектлар ишга туширилди. Хизмат кўрсатиш, савдо, жамоат транспорти, алоқа, халқ маорифи, маданият, соғлиқни сақлаш соҳалари ҳам янада ривожланди.

Шаҳарнинг энг яхши меҳнат коллективлари, ишлаб чиқариш илғорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб Улуғ Октябрнинг 70 йиллигигача меҳнат унумдорлигини анча ошириш, энергетика ва моддий ресурсларни тежаб сарфлаш юзасидан юксак мажбуриятлар олишди. Масалан, ғалла қабул қилиш корхонаси меҳнатчилари шонли санага қадар шу беш йилликнинг икки йили топшириқларини бажаришга ва йил охиригача планга қўшимча равишда 294 минг сўмлик товар

маҳсулотлари ишлаб чиқаришга аҳд қилдилар. 1-пахта тозалаш заводининг йигирувчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, партия аъзоси А. Раҳмонова ўн иккинчи беш йиллик планини 2,5 йилда бажаришга, Октябрнинг 70 йиллигигача эса беш йилликнинг тўрт йили топшириғини уддалашга сўз берган. Мотор ремонти заводининг Т. Алимов бошлиқ ёқилғи аппаратурасини ремонт қилиш бригадаси шу йилнинг июлида нишонланадиган шаҳримиз ташкил топганлигининг 50 йиллигигача беш йилликнинг икки йили планини бажаришга аҳд қилган.

Улуғ Октябрнинг 70 йиллигигача умуман шаҳримиз бўйича бир корхона, бир цех, 10 та ишлаб чиқариш бригадаси коллективлари ва 200 дан зиёд ишлаб чиқариш илғорлари беш йилликнинг икки йили планларини, 3 бригада коллективи ва 29 илғор — 3,5 йиллик, 20 дан зиёд киши — тўрт йиллик планларни бажаради. Бу мажбуриятлар аниқ иқтисодий ҳисоб-китобларга асосланган. Улар партия ташкилотлари ишидаги йўналишнинг тўғри танланганлиги тўғрисидаги яна бир далолатдир.

Лекин биз ишлар аҳволини чуқур анализ қилар эканмиз, юз бераётган ижобий ўзгаришлар — бу улкан ва қунт талаб қиладиган ишнинг фақат бошланиши эканлигини яққол кўрамиз. Фақат юзада жойлашган, ҳар куни кўзимиз тушиб турадиган резервларгина ҳаракатга келтирилган, холос. Айни бир пайтда саноат потенциалининг катта бир қисмидан кам самара олинмоқда, фондлар самарадорлиги секин ўсмоқда, маҳсулот сифати ҳам унчалик яхши эмас. Аҳволнинг бундайлигига асосий сабаб шундаки, шаҳар партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари ишлаб чиқариш структурасини қайта қуришда, бошқарувнинг илғор форма ва методларини жорий этишда лозимича қатъият кўрсатишмади, эскича сусткашликка бутунлай барҳам беришмади. Бизда ҳали ҳам шундай раҳбарлар, айрим партия ташкилотларининг секретарлари борки, улар тубдан қайта қуриш талабларини вақтинчалик кампания сифатида қабул қилишаяпти, эски, одат бўлиб қолган йўлга қайтилишини кутишмоқда. Бизни айниқса ташвишга соладиган нарса шуки, бу ҳеч нарсага аралашмасликка ўрганиб қолган, камчиликларни, салбий ҳодисаларни бартараф этишда партиявий принципиаллик кўрсатишмайдиган бир қанча коммунистларнинг позициясидир. Улар бу ишларнинг ҳаммаси — раҳбарларнинг иши деб ҳисоблашади.

Бундай муносабат бизни шаҳар партия комитети аппаратининг иш услубини кескин ўзгартиришга мажбур қилди. Биз қайта қуришни ўзимиздан бошлашга қарор қилдик. 1985—1986 йилларда бизда мажлислар, кенгашлар, шаҳар партия комитетига таклиф қилишлар сони анча қисқарди. Шундай қилиб, шаҳар партия комитетидан туриб бериладиган турли кўрсатмалар кескин камайди, корхоналар ва ташкилотларнинг хўжалик ишларига бевосита аралашувга чек қўйилди. Мустақил, ижодий ишлашга ўрганган кишилар бундай кескин ўзгаришни мамнуниятлик билан қабул қилдилар. Бироқ анчагина кишилар уларга берилган мустақилликдан довдираб ҳам қолишди. Ҳали ҳам шундай ҳоллар бўладики, бундай раҳбарлар шаҳар партия комитетига маҳсулотларни жўнатиш учун бир неча вагонлар топиб бериш, автотранспортини ёқилғи билан таъминлаш ва бошқа шу сингари илтимослар билан мурожаат қилиб қолишади. Шаҳар партия комитетига мурожаат қилишга нима сабаб бўлганлигини қунт қилиб аниқлашимизга тўғри келади. Биз бу ерда шундай бир қизиқ қонуниятни аниқладик: бу раҳбарлардан ҳеч бири ана шу масалаларни аслида улар билан шуғулланадиган кишилар билан ҳал қилишга уриниб ҳам кўрмаган. Кўпчиликнинг онгида: бу иш кетидан елиб-югуриб, вақт сарфлаб нима қиламан, яхшиси шаҳар партия комитетидан биргина қўнғироқ «ташкил этилса» олам гулистон, ҳамма иш битадикўяди, деган қараш чуқур ўрнашиб қолган. Биз бундай нуқтаи назарга қарши муросасиз курашяпмиз.

Шаҳар партия комитети бошланғич партия ташкилотларининг ролини оширишга, уларнинг обрў-эътиборини мустаҳкамлашга ва коллективлардаги ишлар аҳволи учун масъулиятини кучайтиришга катта аҳамият бермоқда. Партиямизнинг ана шу бўғинлари биринчи навбатда резервларни излаб топиш ва ҳаракатга келтиришга доир ишларни олиб бориши, меҳнаткашлар ташаббусига, истеъдодига, маҳоратига кенг йўл очиб бериши лозим.

Анализ шуни кўрсатадики, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятидаги камчиликларнинг кўпчилиги секретарларнинг назарий ва амалий тайёргарлиги

бўшлиги, уларнинг партиявий раҳбарлик асосий принципларини билмаслиги туфайли юз беради. Шу сабабли шаҳар партия комитети партия группаси ташкилотчилари ва цех партия ташкилотлари секретарларидан бошлаб партия етакчиларини планли асосда ўқитиш йўлини тутмоқда.

Коллективларда партиявий ишни ўтказишда, партиявий иш юритишни яхшилашда амалий ёрдам кўрсатиш учун шаҳар партия комитети аппаратида тўртта комплекс группа ташкил этилган, уларнинг ҳар бирига барча бўлимларнинг ва партия комиссиясининг ходимлари киритилган. Группаларга шаҳар партия комитети секретарлари раҳбарлик қилишади. Бу группалар ҳафтасига икки марта тўла составда олдиндан белгиланган партия ташкилотларига боришади, у ерда ҳар ким ўз профилига қараб амалий ёрдам кўрсатади. Шу тариқа, биз ишимизнинг асосий қисмини меҳнат коллективига кўчиришга, қуйи бўғинлар ҳаётини справкалар ва ҳисоботларга қараб эмас, балки ўша жойда ўрганишга, ўрнашиб қолган кабинетдан туриб раҳбарлик қилиш услубига барҳам беришга интиляпмиз. Бу аппарат ходимида юксак масъулиятни шакллантиришга катта таъсир қилади, унинг ҳозирги ишлаб чиқариш проблемаларини чуқурроқ идрок қилишига ва энг муҳими, коммунистларни конкрет ишларда кўришига, уларни ана шу ишлар мисолида текширишга, кишиларнинг маънавий ва сиёсий хислатларини ўрганишига имкон беради. Ўз навбатида партия ташкилотлари ҳам ишнинг бу тарзда йўлга қўйилишидан фақат ютишади.

Бир мисол келтираман. Шаҳар халқ маорифи бўлимининг бошланғич партия ташкилоти ҳар доим энг яхшилардан ҳисобланиб келарди. Шаҳар партия комитетига келадиган справкалар ва ҳисоботларга қараганда у педагогика коллективлари олдида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал қиляпти деган фикр ҳосил бўларди. Бироқ аппаратимизнинг комплекс группаси у ерга бориб ишлар аҳволини ўрганганида мазкур ташкилотда КПСС МҚнинг бошланғич партия ташкилотида ҳужжатлар билан ишлашга доир инструкцияларининг қўпол бузилаётгани, партия Уставининг партия мажлисларини ўтказиш тўғрисидаги талабларига ҳар доим ҳам амал қилинмаслиги маълум бўлди. 1985 йилда партия ташкилоти секретари шаҳар партия комитетидан 40 та қарор олган, бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам учёт дафтарида қайд қилинмаган, шу қарорлардан 29 таси юзасидангина чора-тадбирлар қабул қилинган. Шу қарорлардан ҳеч бири 1986 йилнинг сентябрига қадар шаҳар партия комитетига қайтарилмаган. Ўтган йили ўтказилган 11 партия йиғилишидан атиги 6 таси протоколлаштирилган. 1986 йил октябрда шаҳар партия комитети бюроси мажлисида халқ маорифи бўлими бошланғич партия ташкилоти секретарига партиявий жазо берилди. Коммунистлар янги секретарь сайлашди, у нисбатан қисқа муддат ичида ишни бир оз жонлантирди, ёзув-чизув ишларини лозимича аҳволга келтирди.

Бу фактдан шаҳар партия комитети аппарати ҳам хулосалар чиқарди. Биз қарорларимизнинг бошқа партия ташкилотларига юборилишини анализ қилиб чиқиб шунга ишонч ҳосил қилдикки, улардан кўпчилиги бу ташкилотлар фаолиятига тааллуқли бўлмай, фақат маълумот учунгина у ерга юборилар экан. Эндиликда қарорларни юборишда бўлимлар уларни у ёки бу партия ташкилотига юбориш мақсадга мувофиқми ёки йўқлигига асосланишади. Бу ҳужжатларнинг айрим пунктлари билан таништириш учун секретарлар шаҳар партия комитетига таклиф қилинади ва уларга қабул қилинган қарорни бажариш юзасидан зарур тавсиялар ва изоҳлар берилади. Бундан ташқари, партия етакчилари ҳар ойда ўтказиладиган «секретарлик соатлари»да ҳам катта ахборот олишади. Буларнинг ҳаммаси шаҳар партия комитетидан борадиган қарорлар оқимини жиддий қисқартиришга, партия ташкилотларини беҳуда қоғозбозликдан қутқаришга имкон берди.

Бошланғич партия ташкилотларидан бирининг базасида партия ташкилотлари секретарлари билан қўшма семинарлар ўтказиш каби иш формаси ҳам коммунистлар эътиборини қозонмоқда. Бу — ана шу ташкилотлардан бирида саноат корхоналари партия ташкилотларининг секретарлари, бошқасида — қурилиш ва транспорт корхоналари, учинчисида эса — мактаблар бошланғич партия ташкилотлари секретарлари ва шу сингарилар йиғилади демакдир. Партия етакчиларини ишни қандай планлаштириш, ёзув-чизув ишларини қандай юргизиш, кишиларнинг меҳнат ва сиёсий активлигини ошириш мақсадида

кўргазмали агитациядан қандай фойдаланиш мумкинлиги билан амалда таништирилади. Бунда ҳар бир иштирокчи ўз фикрини айтиши, камчиликларни кўрсатиши, ҳар қандай савол бериши, ўзига тушунарли бўлмаган нарсаларни аниқлаб олиши мумкин.

Бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг амалий ўйин формасида тузиладиган семинарлари ҳам жуда фойдалидир. Улар партия йиғилишларини тайёрлаш ва ўтказишга, аъзолик взносларини тўлаш масалаларига ва шу сингариларга бағишланади.

Бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлик кўриги кўп жиҳатдан КПСС аъзолари активлигининг ўсишига, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг юксак самарадорлиги учун курашда бошланғич партия ташкилотлари ролини оширишга ёрдам берди. У олдинига бизда энг йириклардан ҳисобланган икки завод партия ташкилотларида ўтказилди. Шу туфайли бу ерда коммунистлар активлиги ошди, уларнинг қатор ташаббуслари қўллаб-қувватланди, аввало планлар ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаришга қаратилган ташкилотчилик ва сиёсий ишнинг форма ва методлари такомиллаштирилди. Коллективларда маънавий-психологик муҳит яхшиланди, бу ҳар бир киши қобилиятларининг тўла намоён бўлишига, топширилган иш учун шахсий масъулиятнинг ошишига ёрдам берди.

Шаҳар партия комитети ҳузуридаги ташкилий-партиявий ишларни координациялаш совети олинган натижаларни умумлаштириб, ижобий томонларни аниқлаб, бу тажрибани ҳамма бошланғич партия ташкилотларида оммалаштиришни тавсия қилди, бунда кўрик ўтказилган заводлар партия ташкилотларини бу йўналиш бўйича базавий деб белгилади. Шундан сўнг жанговарлик кўриги 1986 йил давомида яна 9 партия ташкилотида ўтказилди, бу иш ҳозир ҳам давом этмоқда.

Биз ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш ва техника жиҳатдан қайта қуроллантириш вазифаларини амалга оширишда, бутун ижтимоий ҳаётни қайта қуриш учун курашда меҳнат коллективларига алоҳида роль ажратамиз. КПСС XXVII съездида «Меҳнат коллективлари ва уларнинг корхоналар, муассасалар, ташкилотларни бошқаришдаги ролини ошириш тўғрисида»ги СССР Қонуни улар фаолиятини жонлантиришга ёрдам берди, лекин ҳозирча бу қонун сезиларли натижалар беряпти деб айта олмаймиз, деб таъкидланди. Биз ўтган йили октябрь ойида шаҳар партия комитети пленумида пахта тозалаш заводи директори Ш. У. Эгамбердиевнинг мазкур Қонунни амалга оширишга унинг қўшаётган шахсий ҳиссаси тўғрисидаги ҳисоботини тинглаганимизда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Ҳисоботга тайёргарлик жараёнида заводда қонун мазмунини ўрганишга лозимича эътибор берилмаслиги, бунинг натижасида ҳатто цехлар, участкалар раҳбарлари, бригадирлар ҳам унинг асосий талабларини билмаслиги, бинобарин, ўзларининг ҳуқуқларидан фойдаланмасликлари аниқланди. Завод директори мустақил равишда, меҳнат коллективининг фикрини ҳисобга олмасдан раҳбар ходимлар ва мутахассисларни у ишдан бу ишга ўтказаверар, корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларидан янада самарали фойдаланиш тўғрисида лозимича ғамхўрлик кўрсатмас экан.

Шуни айтиш керакки, Ш. У. Эгамбердиев, завод бошланғич партия ташкилоти шаҳар партия комитети пленумида айтилган танқиддан тўғри хулоса чиқариб олишди. Кўпгина камчиликлар ҳозирдаёқ бартараф қилинган. Лекин шундай савол туғилади: нима учун олдинроқ шундай қилинмади, нима учун шаҳар партия комитетининг аралашуви зарур бўлди? Менинг фикримча, бунинг сабаби оддий — ўша эскирган иш услубида. Бунда бизнинг ҳам айбимиз бор. Ўзбекистон Компартияси МКнинг IV пленуми (1987 йил февраль) қарорида, жумладан, область, шаҳар, район партия комитетлари барча участкаларни сиёсий етук, ишни тўғрилашга қодир раҳбарлар билан мустаҳкамлашга эриша олмаяптилар, уларнинг янгича иш методларини эгаллашлари, ҳар бир бошланғич партия ташкилотида ва меҳнат коллективида принципиаллик ва талабчанликни, камчиликларга муросасизлик муҳитини, эришилган нарсаларни танқидий нуқтаи назардан баҳолашни қарор топтириш учун етарлича ёрдам бермаяптилар, деб кўрсатиб ўтилди. Ана шундай нуқсонлар бизнинг шаҳар партия комитетимиз

ишида ҳам мавжуд бўлиб, бу нарса бошланғич партия ташкилотларидаги ишнинг қўйилишига ҳам ўз таъсирини ўтказгандир.

Лекин шуни ҳам қайд қилиш керакки, шаҳардаги кўпгина корхоналар ва ташкилотларда меҳнат коллективлари тўғрисидаги Қонун берадиган ҳуқуқлар амалга оширилмоқда. Авторемонт ва мотор ремонти заводлари, автобус-таксомотор парки, нон маҳсулотлари комбинати коллективлари ва бошқалар шулар жумласидандир. Уларда планларни тузишда ҳар бир цех ва участка резервлари, ишчилар, инженер-техник ходимлар, хизматчилар фикрлари ҳисобга олинади. Бригадалар мажбуриятлари олдинига бригадирлар советида муҳокама этилиб, ҳимоя қилинганидан сўнггина қабул қилинади. Коллективлар йиғилишларида, бригадирлар советларида кўпгина масалалар: меҳнат интизомининг бузилишлари; муайян давр ичидаги иш якунлари, бригада аъзоларини қабул қилиш ва бўшатиш, ҳар бир кишининг меҳнатдаги иштироки коэффициентига қараб иш ҳақини тақсимлаш ҳақидаги масалалар кўриб чиқилади.

Авторемонт заводида юксак меҳнат унумдорлиги, кишиларнинг саломатлиги ва бўш вақтларини фойдали ўтказишлари учун зарур барча шарт-шароитлар ишчиларнинг ўз кучлари билан яратилган. Бу ерда цехларда дам олиш хоналари, корхонада ўқув зали, сузиш ҳавзаси ҳамда саунали спорт зали мавжуд. Турли хизматлар, соғлиқни сақлаш хизматлари ҳам меҳнаткашларга яқинлаштирилган. Тиш даволаш ва протез ясайдиган кабинет, маиший хизмат кўрсатиш комплекс қабул пункти завод ажратган хоналарда жойлаштирилган. Ишчилар маошларини корхона территориясида ишлайдиган омонат кассасида олишади. Бу иноқ коллектив КПСС XXVII съезди томонидан қўйилган энг мураккаб вазифалардан бири — 2000 йилгача ҳар бир оилани алоҳида уй ёки квартира билан таъминлаш вазифасини муваффақиятли ҳал қилмоқда. Бу ерда мазкур вазифани шу беш йилликдаёқ бажаришга аҳд қилишган — улар ўзларининг барча имкониятларини синчиклаб ҳисоблаб чиқишиб шундай хулосага келишди.

Заводда меҳнаткашлар тўғрисида ғамхўрлик кўрсатилиши, уларнинг ишлаб чиқаришни бошқаришда актив иштирок этишлари туфайли кадрлар қўнимсизлиги жуда камайди, иш вақтини зое кетказиш, меҳнат ва технология интизомини бузишлар узлуксиз қисқариб бормоқда, планлар ва социалистик мажбуриятлар ҳар доим бирдек бажарилаяпти.

Шуни таъкидлаш керакки, давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонуни меҳнаткашларнинг барча ишлаб чиқариш, социал, ғоявий-тарбиявий ва бошқа проблемаларни ҳал этишда актив иштирок этишлари учун янада кенг имкониятлар яратади.

Табиийки, КПСС XXVII съезди, партия МҚ январь (1987 йил) Пленуми, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди, республика Компартияси МҚнинг кейинги пленумлари томонидан қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш, турмушимизнинг барча соҳаларида янада жўшқинроқ қайта қуриш учун ўз ишини яхши биладиган, ғайрат-шижоатли кадрлар зарур. Иштиёқи зўр, кенг кўламда фикрлайдиган, зиммасига масъулият олишга қодир, олға, жадалроқ ҳаракат қилиш мақсадида ўзини оқлайдиган дангалчиликка шай кишилар керак. Ҳозирги раҳбарда компетентлилик, ишчанлик юксак сиёсий маданият билан узвий бирикиб кетиши лозим. КПСС МҚ Бош секретари М. С. Горбачев январь Пленумида қайта қуриш шароитида кадрлар сиёсати тўғрисида гапирар экан, кадрларнинг сиёсий ва назарий тайёргарлигига, ғоявий-маънавий чиниққанлигига етарли баҳо бермасликни ўтмишдан чиқариладиган сабоқлар қаторида санаб ўтди.

Ҳозир биз кадрлар масалаларига эскирган ёндашувлардан қатъиян воз кечяпмиз. Бизда ва, умуман, бошқа партия комитетларининг ҳам кўпчилигида яқин вақтларгача кадрлар танлашнинг анкета усули мавжуд эди, десам ҳаммага маълум гапни такрорлаган бўламан. Шаҳар ёки район партия комитети кабинетларида бир неча анкеталар кўриб чиқилар, сўнгра лавозимга энг лойиқ келадиган номзод билан қисқача суҳбатлашилар ва шу тариқа масала ҳал қилинарди. Ўзбекистон Компартияси МҚнинг XVI пленумидаёқ (1984 йил июнь) қайд қилинганидек, кўп ҳолларда одамнинг мослаша билиш, хушомадгўйлик, шахсий садоқат, шунингдек юртдошлик, қариндош-уруғчилик каби белгилари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўларди.

Ҳозирги пайтда юқори лавозимга кўтаришга номзодларнинг ишчанлик ва сиёсий хислатларини ўрганиш, бу номзодлар меҳнат қиладиган коллектив коммунистлари, оддий аъзоларининг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олиш шаҳар партия комитетининг иш тажрибасидан ўрин олмоқда. Раҳбар лавозимларга конкурс бўйича одам танлаш эътиборга лойиқдир. Нон маҳсулотлари комбинатида корхона директори ўринбосари лавозимига одам танлаш учун конкурс эълон қилиниб ишга шундай ёндашишди. Конкурсда 4 киши иштирок этди. Коллективда муҳокама қилишгач, иш тажрибасига, махсус маълумотга, ташкилотчилик қобилиятига эга, кишиларга эътиборли ёш мутахассисни ана шу лавозимга сайлашди. Унинг дастлабки ойлардаги фаолияти ўз вазифаларини уддалаётганини тасдиқлаб турибди.

Бизда кадрлар резерви билан ишлашда ҳам баъзи бир ижобий ўзгаришлар бор. Шаҳар партия комитети бўлимлари резерв рўйхатига кирадиган номзодларни қайта кўриб чиқишди, улар меҳнат коллективларида муҳокама қилинди. Ҳозир биз асосий ходим меҳнат отпускасига чиққан даврда унинг вазифаларини ана шу лавозимга резервда турган мутахассисга юклатилишига эришяпмиз. Бу унинг амалий ва бошқа хислатларини чуқуррок ўрганишга, номзоднинг ўзига эса — иш спецификаси билан амалда танишишга, унинг ўзида қандай характер белгиларини, касбий малакаларни ривожлантириши зарурлигини аниқлаб олишига имкон беради.

Сўнгги пайтда энг истиқболли бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг шаҳар ва область партия комитетлари бўлимларида стажировкада бўлишини тажриба қиляпмиз. Ўтган йили шаҳар партия комитетида стажировкада бўлган кишилардан иккитаси раҳбарлик лавозимларига кўтарилди.

Ишлаб чиқариш маданияти ва меҳнатни ташкил қилиш кўриги — корхоналар раҳбарлари билан тарбиявий иш олиб боришнинг самарали формаларидан биридир. Бу шаҳар партия комитети саноат ва транспорт бўлимининг ташаббусидир. Кўрикдан мақсад раҳбарларни корхоналардан бирининг партия ва касаба союз ташкилотларининг фаолияти билан, бу ерда мавжуд бўлган ишлаб чиқаришни бошқариш соҳасидаги ва уни интенсивлаштириш ишидаги, коллективни социал ривожлантиришдаги, социалистик мусобақани йўлга қўйишдаги илғор тажриба ва шу сингарилар билан батафсил таништиришдир. Сўнгра кўрикнинг ҳар бир қатнашчиси ўз таассуротлари, қандай янги, ўзи учун фойдали сабоқ олганлиги билан ўртоқлашади, ишни яхшилаш юзасидан таклифларини ўртага ташлайди. Бундай тадбирлар ҳар ойда, олдиндан тузилган график бўйича, йил давомида ҳар бир корхона ўз ютуқларини намойиш қилишини ҳисобга олиб ўтказилади. Бунда камчиликлар ҳам очиб ташланади, уларни бартараф этиш йўллари ва воситалари белгиланади.

Шаҳарнинг партия, совет, хўжалик органлари экономикани интенсив ривожланиш йўлига ўтказишга, ишлаб чиқариш фондларидан оқилона фойдаланишга, меҳнат унумдорлигини ва маҳсулот сифатини оширишга жиддий эътибор беришмоқда. 1986 йилнинг 1 октябридан бошлаб темир-бетон буюмлари заводидан бошқа барча саноат корхоналаримиз икки ва уч сменали иш режимига ўтишди. Бу йил охиригача сменалилик коэффициентини 2,01 га етказишга (у илгари 1,6 ни ташкил этарди), 458 та жисмонан ва маънавий эскирган ускуналарни демонтаж қилишга, 150 квадрат метрлик ишлаб чиқариш майдонини бўшатишга имкон берди. Корхоналарнинг кўпчилигида фондлар самарадорлиги анча ошди, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархи камайди. Иккинчи ва учинчи сменада ишлайдиган кишиларга юксак унумли меҳнат қилиш ва дам олиш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилаяпти.

Шу билан бирга, босиб ўтилган йўлга принципиал, партиявийчасига баҳо берар эканмиз, ишимизда ҳали кўплаб қусурлар борлигини, расмиятчиликка бутунлай барҳам берилмаганлигини, баъзан энг муҳим жиҳатни — инсонни, унинг ташвишларию орзу-умидларини, ҳаётий манфаатларини эътибордан четда қолдираётганимизни ҳам таъкидлаш керак. Бизда ҳали ҳам хўжалик ва социал масалаларни яхлит ҳолда еча олмайдиган раҳбарлар учраб туради. Масалан, 10-кўчма механизациялашган колонна бошлиғи С. Ю. Ҳамроқулов, бадиий тикувчилик фабрикаси маъмурияти шулар жумласидандир. Улар кишиларнинг меҳнат қилиши ва дам олиши учун нормал шарт-шароитлар яратиш тўғрисида

етарлича ғамхўрлик кўрсатишмайди, бу коллективларда уй-жой проблемаси кескин бўлиб турибди.

Кўпгина раҳбарларнинг иқтисодий тафаккурида қайта қуриш суст бормоқда. Ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш вазифаларини амалга оширишга эскича ёндашув тўсқинлик қиляпти. Ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йилида ҳам комплектловчи деталларни, металл, қурилиш материалларини ўз вақтида етказиб бермаслик давом этди. Прицеплар заводи, 10-кўчма механизациялашган колонна, маиший хизмат бошқармаси ва бошқа корхоналар шу туфайли оқсади. Шу сабабли улар бир маромда ишлай олишмади, ой, квартал охирида ур-йиқит қилиб ишлашларга, меҳнат ва технология интизомини бузишларга, маҳсулотнинг паст сифатли бўлишига йўл қўйишди. Ана шуларнинг ҳаммаси коллективлардаги маънавий-психологик муҳитга ҳам салбий таъсир ўтказганлигини ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Планлаштириш системасида ўзгаришлар секин рўй бермоқда. Бу жараён ҳали ҳам қуйи бўғинлардаги мавжуд резервларни лозимича ҳисобга олмасдан «юқоридан» бошланади. Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигининг 6-авторемонт заводи коммунистларининг таклифларига муносабатида ана шундай ёндашув яққол кўринди. Коммунистлар ўз имкониятларини анализ қилиб, мазкур корхонада ишлаб чиқариш ҳажмини қарийб икки баравар кўпайтириш мумкин деган хулосага келишди. Шубҳасиз, министрлик заводни зарур ремонт фонди билан таъминлай олмайди, лекин коллектив халқ хўжалигига зарур бўлган бошқа маҳсулотни тайёрлашга қодир-ку. Масалан, бу завод камроқ ишлаб чиқарадиган автомобиль прицеплари ва ёқилғи-мойлаш материалларини ташийдиган цистерналарга талаб катта. Фақат корхонани моддий ресурслар билан таъминлаш масаласини ҳал этиш зарур. Бироқ министрлик қатор йиллар давомида ҳам бирон-бир ечимга келмади.

Ҳозирги шароитда хўжалик юритишнинг демократик асосларини актив равишда кенгайтириш, хўжалик ҳисобини «қуйига» — цехларга, бригадаларга дадил ва собит билан етказиб бориш, ҳар бир ишчи, мутахассис, раҳбарни унга қизиқтириш лозим. Фақат шундай шароитдагина биз барча даражаларда мустақилликка ва масъулиятга эришамиз, инсон омили, халқ ташаббускорлиги бор кучини кўрсатади. КПСС МК январь (1987 йил) Пленумида қайд қилинганидек, ишлаб чиқаришда демократияни ривожлантириш — бу меҳнаткашларнинг ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида кенг ва актив иштирок этишларини таъминлашга ёрдам берадиган, кўпгина хатолар ва янглишишлардан қутулишга имкон берадиган воситадир.

Бугунги кунда шаҳримизда соғлиқни сақлаш ва халқ маорифининг моддий базасини ривожлантириш проблемаси ҳар қачонгидан ҳам кескин бўлиб турибди. Область планлаштирувчи органлари ўн йилдан ҳам зиёд муддат давомида бизда соғлиқни сақлаш объектлари қуришни назарда тутишмаган, ўн иккинчи беш йилликда ҳам бундай қилиш мўлжалланмаяпти. Бунинг сабаби нимада? Менимча — рақамларнинг сеҳрли таъсирида. Статистика маълумотларига қараганда, бизнинг шаҳримиз касалхоналардаги ўринлар, мактаблар билан таъминланиш бўйича областда энг юқори даражададир. Аслини олганда эса барча соғлиқни сақлаш объектлари мослаштирилган, путурдан кетган биноларда жойлашган, ҳар йили уларни ремонт қилиш учун кўплаб куч ва маблағлар сарфланади. Тўққизта умумий таълим мактабидан бештаси ҳозирги талабларга жавоб бермайди. Мактабгача тарбия муассасаларининг моддий базасини жиддий яхшилаш лозим. Ваҳоланки, булар кишилар кайфиятини чоғ қиладиган, улар онгига катта таъсир кўрсатадиган объектлардир.

Инсон тўғрисида, унинг кундалик талаблари ва эҳтиёжлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш ҳар бир партия комитети, ҳар бир совет ва хўжалик органи ишининг асосий йўналишларидан бири бўлиши керак. Бу қайта қуришнинг энг муҳим элементларидан бири, инсон омилини жиддий активлаштиришга ёрдам берадиган бўғиндир. КПСС МК январь (1987 йил) Пленуми, Ўзбекистон Компартияси МК IV ва V пленумлари (1987 йил февраль ва март) бу масалани худди шу нуктаи назардан кўриб чиқди.

ДАСТЛАБКИ ҚАДАМЛАР

И. СУЛАЙМОНОВ,
тарих фанлари кандидати.

Меҳнат ресурсларидан тўла-тўкис фойдаланиш — ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг муҳим омилларидан бири. Ҳозирги кунда маҳаллий партия ташкилотлари бутун кучни шу масалага қаратишмоқда.

Маълумки, Ўзбекистонда ортиқча иш кучи мавжуд, меҳнатга лаёқатли кишиларнинг бир қисми ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб қилинмаган. Улар орасида кўпгина уй бекалари ҳам бор, лекин ижтимоий-фойдали меҳнатдан онгли равишда бош тортадиган дангасалар ва текинхўрлар ҳам учрайди. Ўзбекистон Компартияси МК Қўқон шаҳридаги шу масалага доир ишлар аҳволини батафсил ўрганиб чиқди ва 1986 йил июнь ойида Марказий Комитет бюроси шаҳар партия комитетининг малакали ишчи кадрлар тайёрлашга раҳбарлик қилиш тўғрисидаги ҳисоботини тинглади. Бунда нафақат жиддий камчиликлар қайд қилинди, шу билан бирга ишлаб чиқариш потенциалидан янада самаралироқ фойдаланишнинг, турли сабаблар билан ижтимоий-фойдали меҳнатдан бўйин товлаётган кишиларни бундай меҳнатга жалб қилишнинг конкрет йўллари кўрсатилди.

Шуни айтиш лозимки, бу проблема шаҳар партия комитетини анчадан бери ташвишлантириб келар эди, лекин амалда уни ҳал қилиш учун деярли ҳеч нарса қилинган эмас. Қўқонни иқтисодий ва социал ривожлантириш суръатлари меҳнат ресурсларининг ўсиши билан ишчи ўринлари сонининг баланслашувини таъминлай олмасди, аҳолини ишга жойлаштириш бюроси эса ортиқча иш кучини мамлакатнинг бошқа регионларига етказиб бериш чора-тадбирларини кўрмади.

Бу ишдаги ҳал қилувчи қайта қуриш ана шу масала Ўзбекистон Компартияси МК бюросида муҳокама қилинганидан кейингина бошланди. Шаҳар партия комитети ва ижроқоми аввало ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлмаган кишилар сонини аниқлаб, оператив тарзда чора-тадбирлар ишлаб чиқди.

Бу иш қандай ташкил этилди? 60 та агитаторлик пункти очишди, бир ярим минг активист кўчалар ва уйларни айланиб чиқди. Ишлар аҳволининг аниқ манзарасини белгилаш банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштиришга доир комплекс планда кўп нарсани конкретлаштиришга имкон берди. Бунда махсус ташкил этилган бюро роли кучайтирилди, у эндиликда шаҳар корхоналарига иш кучини бир маромда ва планли асосда юбориб турибди. Шу нарса маълум бўлдики, ишга жойлаштириш вазифаси, Ўзбекистон Компартияси МК III пленумида (1986 йил, октябрь) ҳам таъкидлаб ўтилганидек, аҳолининг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш билан чамбарчас боғлиқдир. Бунинг учун ҳам олдиндан тегишли чора-тадбирларни кўриб қўйиш зарур бўлди.

Лекин асосий иш ишлаб чиқаришда авж олдирилди: резервлар аниқланди, корхоналарни икки-уч сменали иш режимига ўтказиш имкониятлари қараб чиқилди. 29 саноат объектидан 14 тасининг узлуксиз ишлашини ҳисобга олиб, қўшимча равишда тўрт корхонани уч бригадали иш методига ўтказишга, саккиз корхонада эса асбоб-ускуналарнинг сменалилик коэффициентини оширишга қарор қилинди. Ана шу сўнгги тадбирнинг ўзигина 2 мингга яқин кишини меҳнатга жалб қилиш имконини берди. Ўн иккинчи беш йилликдаги истиқболлар эса қуйидагича: янги саноат корхоналарининг ишга туширилиши, ишлаб турганларини реконструкция қилиш, заводлар ва фабрикалар қувватларини кенгайтириш қўшимча қарийб 10 минг ишчини талаб қилади. Шаҳар партия комитети ҳозирдаёқ меҳнат ва маориф органларини, ҳунар-техника билим юртлари, техникумлар ва олий ўқув юртлари раҳбарларини ана шу ишчиларни тайёрлашга йўналтирмоқда. Сўнгги вақтда шаҳар партия комитети бюросида умумий таълим мактабларидаги касб танлаш ишлари, ишчилар ва бошқа кадрларни тайёрлаш сифати тўғрисидаги

масалалар бир неча марта муҳокама қилинди. Ишчи синфи кадрлари ўчоғи бўлган ҳунар-техника билим юртлари фаолияти муфассал ва пухта ўрганиб чиқилди.

Шаҳар партия комитети Ленинград ва Харьков областлари партия ташкилотлари тажрибасига асосланиб қўйган конкрет вазифалар корхоналар раҳбарларини сменалилик коэффициентини оширишга мажбур қилди. Пойабзал фабрикаси ва Охунбобоев номли тикувчилик фабрикаси биринчилардан бўлиб шундай иш режимига ўтдилар. Бу осонликча бўлмади.

Масалан, пойабзал фабрикаси раҳбарларини тармоқда бундай режимда ишлаётган биронта ҳам корхонанинг йўқлиги ўйлантириб қўйди. Лекин шаҳар партия комитети уларни турли йўллар билан қўллаб-қувватлаб, таваккал қилиб янгиликни қўллашни таклиф қилди, чунки бусиз қайта қуришни сира ҳам амалга ошириб бўлмайди. Фабрика маъмурияти шаҳар партия комитети ходимлари маслаҳатига кўра янги ишни мутахассислар билан батафсил суҳбатлашишдан бошлади. Механика цехи бошлиғи Г. Георгиади цехда махсус ярус ўрнатишни таклиф қилди, янги бригада линиядаги ишни давом эттириши учун мазкур сменадаги бригада смена охирида ўз маҳсулотини шу ярусда қолдириши мумкин. Эксперимент 4-цехда ўтказилди ва дарҳол 160 ишчига эҳтиёж пайдо бўлди.

Охунбобоев номли тикувчилик фабрикасида янги иш режимига ўтиш 1986 йил сентябрдан йил охиригача 0,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга имконият яратди. Бу йил бу кўрсаткич салкам 4 миллион сўмни ташкил этиши керак. Фабриканинг 5-цехига қисқа муддат ичида янгидан 80 ишчи ишга келди. Уларнинг кўпчилиги — уй бекалари ва энди мактабни битирган қизлар. Уларнинг касблари йўқ, тикувчилик ишлаб чиқариши билан таниш эмасди. Ҳозир уларнинг ҳаммаси тажрибали ишчиларга бириктириб қўйилган.

Фан ва техниканинг энг янги ютуқларини қўллашда ҳам улкан резерв мавжуд. Масалан, Қўқон пайпоқ-йигирув ишлаб чиқариш бирлашмасида ўн биринчи беш йилликда 822 та янги технологик ускуна жорий қилинди ва ўзлаштирилди, уларнинг иқтисодий самараси 618 минг сўмни ташкил этди. Учкўприк қишлоғида тўқувчилик фабрикасининг филиали ишга туширилди, бу таралган ип ишлаб чиқаришни йилига 1540 тоннага, пайпоқ ишлаб чиқариш қувватини эса — 16 миллион жуфтгача кўпайтириш имконини берди. Шу ишлар натижасида қўшимча равишда 364 киши ишга жойлаштирилади.

«Большевик» заводида бошқача иш тутишди. Бу ерда 40 та маънавий эскирган станокни бинодан олиб чиқиб, янги нусхадаги ускуналар ўрнатиш учун 290 квадрат метр майдонни бўшатишди. Ишни икки сменада ташкил этишди. Шаҳар миқёсида шу тариқа 4,5 минг квадрат метр ишлаб чиқариш майдонини бўшатиш, у ерда янги техника ўрнатиш мумкин.

Ана шу барча ташкилий, иқтисодий ва техник чора-тадбирлар меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилашга доир топшириқларнинг бажарилишини таъминлаши керак. Бу ишга партия ташкилотлари раҳбарлик қилишмоқда. Шуни айтиш кераки, ҳамма жойда «қийин» участкаларда партия группалари ташкил этилган. Қайта қуриш шароитида коммунистларнинг авангардлик роли ошиб бормоқда. Агар ҳар бир коммунист принципиаллик кўрсатса, белгиланган планлар тақдири учун масъулият ҳиссини чуқур сезса, ҳақиқатан ҳам ибрат кўрсатиб ишласа, унда кўп нарсага эришиши мумкин. Эндиликда ишни қуруқ гаплар, сафсаталар билан алмашлаб бўлмаслиги ҳаммага ҳам равшан. Шунинг учун ҳам ҳозир шаҳар партия ташкилотида эришилган натижани ишни баҳолаш учун бирдан-бир мезон деб билишади.

Ўзбекистон касаба союзларининг XIII съездида асбоб-ускуналарнинг иш билан тўла таъминланишига, меҳнат унумдорлигини оширишга интилаётган Қўқон ва Чирчиқ шаҳарлари тажрибаси қайд қилинди. Шаҳар саноатининг 1986 йил планини 20 декабргача бажарганлиги, планга қўшимча равишда миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилинганлиги ҳам бу борадаги силжишлардан далолатдир.

Бироқ булар дастлабки қадамлардир. Олдинда катта ишлар турибди. Бу йўлда корхоналарни техника жиҳатдан қайта қуроллантиришга, уларни ҳом ашё, материаллар билан бир маромда таъминлашга халақит берадиган анчагина тўсиқлар бўлади.

В. И. ЛЕНИН ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ КАПИТАЛИЗМНИ ЧЕТЛАБ, СОЦИАЛИЗМГА ЎТИШИГА ПАРТИЯВИЙ РАҲБАРЛИК ТЎҒРИСИДА

А. ГЕЛЬДИЕВА,
философия фанлари кандидати

Улуғ ОКТЯБРЬ социалистик революциясининг яқинлашиб келаётган 70 йиллиги муносабати билан КПСС МҚнинг совет халқига Мурожаатномасида шундай деб кўрсатилади: «Революция омма тарихий ижодкорлигининг мислсиз равнақи, капиталистлар ва помешчиклар эксплуатацияси сиртмоғини улоқтириб ташлаган музаффар халқнинг энг буюк ғалабаси бўлди.

Россия ишчилар синфини, меҳнаткашларини революцион жасоратга отлантирган большевиклар партиясига Владимир Ильич Ленин бошчилик қилди. Унинг назарий тафаккури, унинг ахлоқий намунаси, унинг улкан фаолияти самаралари асрлар оша яшайверади».

В. И. Ленин, Коммунистик партия СССРда социализм қуришнинг умумий вазифалари, социалистик қурилишнинг умумий қонуниятларини аниқлаш билан бирга мамлакатимиздаги илгари қолоқ халқларнинг капитализмни четлаб, социализмга ўтиши проблемаларини назарий жиҳатдан ишлаб чиқди ва амалда турмушга оширди, социалистик қурилишнинг умумий қонуниятларини ижтимоий тараққиётнинг ўтиш формаларидан фойдаланган ҳолда токапиталистик шароитларда қўлланиш проблемаларини ишлаб чиқди.

* * *

Ижтимоий тараққиётнинг ўтиш формалари деганда шундай тушунча назарда тутиладики, у кишилик жамияти олға қараб ҳаракатининг шундай объектив ҳодисаларини акс эттирадики, улар экономикаси ва социал-сиёсий структураси ривожланмаган мамлакатларнинг навбатдаги босқични четлаб, юқори босқичга анча тез ўтишини таъминлайди, бу ўтиш асрий турмуш укладининг кескин ўзгаришини юмшатади ва ишлаб чиқариш, бошқариш ҳамда маданиятнинг янги формаларига аста-секин эришиш процессини енгиллаштиради.

Илмий бошқарув ижтимоий тараққиётнинг ўтиш формаларидан фойдаланишнинг объектив зарур формаси бўлиб, у ўз характери ва мазмунига кўра ҳам, структураси ва формаси жиҳатдан ҳам мураккаб ва кўп қиррали ҳодисадир. Партиявий раҳбарлик бу процессни илмий бошқаришнинг олий формаси бўлиб, уни социализм табиатининг ўзи, Коммунистик партиянинг табиати ва тарихий миссияси, унинг сиёсатининг мақсадлари, унинг функциялари белгилаб беради. «Партиянинг кучи у давр нафасини, ҳаётнинг томир уришини ҳис қилиб турганлигида, доимо омма орасида иш олиб бораётганлигидадир, — деб таъкидлади КПСС МҚнинг Бош секретари М. С. Горбачев КПСС МҚнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида. — Зотан, ҳар гал мамлакат олдига янги вазифалар қўйилар экан, партия бу вазифаларни ҳал этиш йўлларини топади, раҳбарлик методларини қайта қуради, ўзгартиради, мамлакат тақдири учун, социализм ва коммунизм учун тарихий масъулият даражасида бўла олишини намойиш этади.

Жаҳон революцион процесси тарихи гувоҳлик беришича, пролетариатнинг синфий курашида, социализм қурилиши ва уни такомиллаштиришда Коммунистик

партия раҳбарлик ролининг оша бориши социалистик революция ва социализм қурилиши умумий қонуниятларидан биридир. Бу қонуният инсоният тарихида биринчи марта Россиядаги уч революция давомида, капиталистик ва нокапиталистик муносабатлардан социализмга ўтиш босқичида аниқ кўзга ташланди.

Ленин партияси Россиянинг миллий районларида большевистик ташкилотларни ривожлантиришга ҳамиша катта эътибор бериб келди. 1917 йилдаёқ бу районларнинг меҳнаткашлари орасида 100 минг большевик актив партия ишини олиб боришган. Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасидан кейин Ўрта Осиёда кўп янги большевистик партия ташкилотлари шаклланди, аввалгилари эса анча мустаҳкамланди, уларнинг жанговарлиги ортди. 1918 йилнинг июнида Туркистон Коммунистик партияси, 1924 йилнинг охирида эса — Ўзбекистон Коммунистик партияси ташкилий жиҳатдан узил-кесил шаклланди.

СССРда капитализмдан социализмга ўтиш даври бошланган вақтда унинг аҳолисининг анча қисми бу процессга ҳали жалб этилмаган эди, чунки улар нокапиталистик ишлаб чиқариш шароитида яшарди. Партиянинг X съезди ҳужжатларида «капиталистик тараққиётга ўтишга улгурмаган, ўз саноат пролетариати бўлмаган ёки йўқ даражада оз бўлган, кўп ҳолларда чорвачилик хўжалигини ва патриархал-қабилавий турмушни сақлаб келаётган (Қирғизистон, Бошқирдистон, Шимолий Кавказ) ёки ярим патриархал-ярим феодал турмушдан ҳали батамом нари кетмаган... (Озарбайжон, Қрим ва бошқалар) кўпчилиги туркий халқлардан иборат бўлган (Туркистон, Озарбайжоннинг катта қисми, Доғистон, тоғлиқлар, татарлар, бошқирдлар, қирғизлар ва бошқалар)» собиқ Россия империяси халқларининг бундай группасига — салкам 25 миллион кишига таъриф берилган эди (КПСС съездлари, конференциялари ва Марказий Комитет Пленумларининг резолюция ва қарорлари. «Ўзбекистон», 1981, 2-том, 260—261-бетлар). Худди мана шу халқлар, яъни саноат капитали даврини у ёки бу даражада ўтмаган халқлар олдида «коммунистик тактикани ва сиёсатни капитализмдан илгариги шароитларга қай тариқа татбиқ қилмоқ керак» деган проблема турарди (В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 41-том, 272-бет).

КПСС ўз фаолиятида бу халқларнинг ривожига алоҳида ёндашиш заруратидан келиб чиқиб иш кўрди. Чунончи, РКП(б) МК Сиёсий бюросининг РКП(б) нинг Туркистондаги вазифалари тўғрисидаги қарори лойиҳасида В. И. Ленин «коммунизм қуриш эмас, балки феодализмни ағдаришни умумий вазифа қилиб қўйиш» зарур деб ёзганди. Бунда у Россия чекка районлари халқларининг ижтимоий тараққиётини жадаллаштириш имкониятини ҳисобга олиб, бу ерда гап ўтиш даврининг вақтинчалик чегараларини «зичлаш» устида эмас, балки кўпроқ ижтимоий тараққиётнинг ўтиш формалари программасини амалга оширишда тадрижийлик ва шошилмаслик йўлини танлаш тўғрисида боряпти деб тушунтирди. Энг муҳими шундаки, социализмга аста-секин ўтишни амалга ошириш давомида янги ҳокимиятни мустаҳкамлаш керак.

В. И. Ленин даставвал сиёсий проблемаларга мурожаат қилар экан, *«Нокапиталистик тараққиёт йўлига ўтишнинг асосий шарти» бўлган партия раҳбарлик сиёсатининг характери* масаласини алоҳида ажратиб кўрсатди (ТАТ, 44-том, 265-бет. Курсив бизники — **А. Г.**). У бу проблемани нокапиталистик ишлаб чиқариш формаларига эга бўлган барча мамлакатларга татбиқан умумназарий планда қараб чиқар экан, «коммунистик партия ҳам (унинг состави, унинг махсус вазифалари) Шарқдаги мустамлака қилинган, *деҳқончилик* билан шуғулланувчи мамлакатлар даражасига *мослаштирилсин»* деб ёзганди (ТАТ, 41-том, 514-бет).

В. И. Ленин революцион-демократик ва социалистик туб ўзгартишларни амалга оширишда Ўрта Осиё республикаларининг миллий ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишнинг назарий асосланган ва амалий самарали принциплари, методлари ҳамда усулларини чуқур ишлаб чиқди ва конкрет қўлланди.

Янги иқтисодий сиёсатни Туркистонда ўтказишнинг асосий принциплари ва методларини В. И. Ленин Турккомиссия раиси М. П. Томскийга йўллаган хатида белгилаб берди. У бошқа бир қанча моментлар билан бирга мусулмон камбағаллари комитетларининг ролини ва мусулмон камбағалларга жонкуярлик, эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, уларга кўпроқ ён босишнинг муҳимлигини таъкидлаб кўрсатди. В. И. Ленин давом этиб шундай деб ёзган эди: «Биз *бутун* Шарқда «жаҳон сиёсати»миз манфаатларига риоя қилиб, донолик, эҳтиёткорлик

билан тутадиган йўлимизни уйғунлаштиришимиз ва *мустаҳкамлашимиз* мумкин ва лозим» (ТАТ, 53-том, 118-бет).

Шундай қилиб миллий хусусиятларни ҳисобга олишга ленинча ёндашиш миллий ҳаётни эркин қуриш принципи билан ўзига хос миллий шароитларга нисбатан умумкоммунистик назария ва практикани қўлланиш принципининг диалектик бирлигига асосланади.

Совет ҳукуматининг «Россия ва Шарқнинг барча меҳнаткаш мусулмонларига» мурожаатида (1917 йил ноябрь) Совет ҳокимияти миллий сиёсатининг асосий принциплари ва мусулмон меҳнаткашларнинг ишчи, солдат ва деҳқон депутатларининг Советлари тарзида Совет ҳокимияти билан бирлашишга чақирик таърифлаб берилган бўлиб, унда тўғридан-тўғри шундай дейилган эди: «Сизнинг дин ва урф-одатларингиз, сизнинг миллий ва маданий муассасаларингиз бундан буён эркин ва дахлсиз деб эълон қилинади. Ўз миллий турмушингизни эркинлик билан ва баҳузур туза берингиз».

В. И. Ленин Шарқ халқлари коммунистик ташкилотларининг II Бутун Россия съезди делегатларига мурожаат қилиб шундай деган эди: «Сиз умумкоммунистик назарияга ва амалиётга таяниб... асосий омма деҳқонлардан иборат бўлган шароитга, капиталга қарши кураш вазифасини эмас, балки ўрта асрчилик қолдиқларига қарши кураш вазифасини ҳал қилиш керак бўлган шароитга татбиқ эта билишингиз керак» (ТАТ, 39-том, 380-бет).

Бу икки принципни қиёслар эканмиз, дастлаб шундай деб ҳисоблаш мумкинки, улар бир-бирига тўғри келмайди, зеро кўп урф-одат ва эътиқодлар ўрта аср ҳамда диний анъаналар билан боғлиқдир, уларнинг эркинлиги ва дахлсизлиги эса ўтмишдаги янглиш фикрларга қарши кураш вазифасига зид келади. Бинобарин, ўз-ўзидан шундай хулоса туғилади — ё миллий ҳаёт эркинлиги, ёки умумкоммунистик назария ва амалиётни қўлланиш.

Лекин масалани «ёки-ёки» деб альтернатив тарзда қўйиш метафизик метод учун характерлидир. Ленинча диалектик метод эса халқ эҳтиёжлари, манфаатлари, анъаналари, урф-одатлари, эътиқодлари моҳиятини чуқур ўрганишга асослангандир. Уларнинг эркин ривожланиши умумкоммунистик йўналишга эга бўлиб, бу нарса ўзига хос миллий формада намоён бўлади. Халқ ўрта аср зулми қолдиқларини тугатишдан ниҳоятда манфаатдор бўлиб, миллий турмушни социалистик асосда қайта қуриш йўлини ўзи танлади. Бу ишда унга коммунистик ташкилотлар ёрдам бердилар, улар омма эҳтиёжлари ва манфаатларига мувофиқ равишда умумкоммунистик назария ҳамда амалиётни ўзига хос миллий шароитларга моҳирона татбиқ қилдилар. Миллий турмушни эркин равишда қуриш билан уни умумкоммунистик ривожлантиришни бирга қўшиб олиб боришга фақат шу йўл билан эришиш мумкин.

Миллий ўзига хосликни ҳисобга олиш принциплари, методлари ва усулларини В. И. Ленин Шарқ халқлари коммунистик ташкилотларининг II Бутун Россия съезди делегатлари кенгашида билдирган фикр-мулоҳазаларида янада конкретлаштирди. Уларда уч принципнинг ўзаро алоқаси, бир-бирига таъсири белгиланди: Шарқ коммунистик ташкилотларининг раҳбарлик роли, рус меҳнаткашлар оммаси билан жуда яқиндан иттифоқ бўлиш, территориал принцип билан экстерриториал принципни қўшиш; ҳар бир миллатнинг конкрет масалаларини унинг ривожланиш даражасига, хусусиятларига мос ҳолда ҳал этиш методлари ишлаб чиқилди, ҳар бир миллатнинг камбағаллари, меҳнаткашлари билан алоқа боғлаш, феодаллар ва бюрократияга қарши курашнинг умумий усуллари ва чоралари аниқланди (В. И. Ленин. ТАТ, 39-том, 530-бетга қаралсин).

РКП(б) МКда съезд иштирокчилари билан ўтказилган кенгашда В. И. Ленин Қозоғистон ва Қирғизистон бўйича қатор амалий тадбир-чораларни амалга оширишни таклиф қилди (В. И. Ленин. Биографик хроника, 8-том, 85—86-бетларга қаралсин). Бу тадбирлар Владимир Ильичнинг партиянинг шарқ халқларига нисбатан сиёсати тўғрисидаги хатида янада конкретлаштирилди (ТАТ, 40-том, 529-бетга қаралсин). Бу сиёсат партия ишининг ташкилий принципини белгилаб берди: Шарқдаги миллий республикаларда партия ишини ўлка ва область комитетлари ҳуқуқидаги ташкилотлар олиб боришади, бунда мусулмонлар билан руслар ўртасидаги фарққа қаралмайди (Партия ходими справочниги. М., 1921, 117-бетга қаралсин).

В. И. Ленин Коминтернннинг II конгрессида токапиталистик шароитларда коммунистик тактика ва сиёсатни қўлланишнинг энг муҳим принципини назарий асослаб берди ва ишлаб чиқди, бу принцип оммада мустақил сиёсий фикрлаш. ҳозирча пролетариат йўқ жойларда мустақил сиёсий фаолият кўрсатишга интилиш ҳиссини уйғотиши керак.

Бу принципни амалга ошириш учун В. И. Ленин феодал ва ярим феодал муносабатлар ҳукмрон бўлган шароитда совет ташқилотини татбиқ қилиш ғоясини илгари сурди ва деҳқон Советларини ташкил этиш методини таклиф қилди (ТАТ, 41-том, 273-бетга қаралсин). Бу метод Ўрта Осиё шароитида ўзини тўла оқлади, шу муносабат билан В. И. Ленин бундай деб таъкидлади: «Деҳқон Советлари ғояси енгиб чиқди. Ҳокимиятнинг деҳқонлар қўлига ўтиши таъминланди: ер, ишлаб чиқариш воситалари шу деҳқонлар қўлида. Сиёсатимизнинг амалий натижалари деҳқон-совет республикаларининг Россия социалистик республикаси билан дўстона муносабатларини ҳозирдаёқ мустаҳкамлади» (ТАТ, 42-том, 155-бет). Бунда у «агар биз сиёсатни тўғри олиб борар эканмиз, у ҳолда бирмунча вақтдан кейин... деҳқон бизнинг томонимизга ўта олади» деб кўрсатган эди (ТАТ, 38-том, 228-бет). Бундай тўғри сиёсатни амалга ошириш учун пролетар авангардининг «Шарқдаги меҳнаткаш ва эксплуатация қилинаётган омма билан, яъни кўпинча ўрта асрчилик шароитида яшовчи омма билан бўладиган» иттифоқининг формаларини топиш принципи ва улар орасида улар тушунадиган тилда коммунистик пропаганда олиб бориш методи жиддий аҳамият касб этади (ТАТ. 39-том, 380-бетга қаралсин). Лекин бундай пропагандани амалга ошириш икки асосий омил — миллий ва диний омилларни ҳисобга олишни талаб этарди. Ленинча ғоялар асосида РКП(б) МҚ томонидан тайёрланган «Шарқ халқлари ўртасида ишлашга доир» циркуляр хатда, бу ерда динни тўғридан-тўғри инкор этиш, унга қарши очиқдан-очиқ курашиш методларининг хато эканлиги кўрсатилиб, омма орасида хат-савод ва билимларни ёйиш, кенг маданий-маърифий ишлар олиб бориш методлари тавсия этилганди.

Миллий ва диний омилларни тўғри ҳисобга олиш учун шахсий манфаатларни умумий манфаатларга бўйсундириш ленинча принципига амал қилиш зарур. В. И. Ленин «кичик миллатнинг маҳдудлигига, биқиқлигига, алоҳидалигига *қарши,* бутунни ва умумийни ҳисобга олиш учун курашишга» даъват этган эди (ТАТ, 30-том, 53-бет). Лекин бу талабни очиқдан-очиқ, дангал, қўпол равишда бажариш жиддий тўсиқларни, ишончсизлик, ҳатто низоларни келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам тўсиқларни бартараф этиш, ишончсизлик ва низоларни йўқотишнинг ленинча методларига риоя қилиш муҳим аҳамият касб этади.

В. И. Ленин «энг чуқур майда буржуа хурофотларидан бирини, яъни: миллий эгоизм, миллий калтабинлик хурофотларининг» алоҳида кучи ва барқарорлигини таъкидлаган эди (ТАТ, 41-том, 186-бет). Маълумки, бундай хурофотлар ишончсизлик ва низоларга олиб келади. Шунинг учун ҳам у «ишончсизликни сўз билан эмас, балки *иш билан* йўқотиш керак» деб уқтирган эди (ТАТ, 34-том, 447-бет). Бинобарин, мамлакат халқларининг манфаатларига ҳам алоҳида бир зийраклик билан ёндашиш керак. Владимир Ильич таъкидлаган эдики, «турли миллатларнинг манфаатларига жуда катта эътибор берилгандагина ихтилофларга сабаб бўладиган замин йўқолади, ўзаро ишончсизлик йўқолади, ҳар қандай фисқ-фасод хавфи йўқолади, шундай ишонч, айниқса турли тилларда сўзловчи ишчи ва деҳқонларда шундай ишонч туғдиради» (ТАТ, 45-том, 274—275-бетлар).

Ишончни яратиш маҳаллий миллатлар вакилларини социализм қурилишига жалб этишнинг энг асосий негизидир. Маҳаллий миллатлар меҳнаткашларининг маданий даражасини кўтариш, маҳаллий тилларда адабиётни ривожлантириш, халқ оммасини социалистик жиҳатдан маърифатли қилиш, маҳаллий миллатлар вакилларини совет ташкилотларига ишга жалб этишдек ленинча методлар ана шу мақсадга хизмат қилади. Бу тадбирларни муваффақиятли амалга ошириш Совет ҳокимиятини Туркистон меҳнаткашларига яқин ва қадрдон қилиб қўйди.

Владимир Ильич маҳаллий миллат хотин-қизларини активлаштириш методларига ҳам жуда катта эътибор берган эди. У Совет Шарқи республикалари ва областлари хотин-қизлар бўлимлари вакилларининг биринчи кенгашига йўллаган табрикномасида «*Шарқ хотин-қизларининг онгини уйғотиш ва уларни ташкилий жиҳатдан бирлаштириш*» зарурлигини таъкидлаган эди (ТАТ, 43-том, 182-бет).

Барча ленинча принциплар ва методларни бир-биридан ажратиб кўриш ва қўлланиш мумкин эмас. Улар принциплар ва тактиканинг жузъий масалаларда ўзгара олишидек умумметодологик принцип билан бирлашгандир. В. И. Лениннинг ўзи бу принципнинг моҳиятини қуйидагича тушунтирган эди: «коммунизмнинг *асосий* принципларини» шундай бир йўсинда қўлланиш керакки, бу қўлланиш *«жузъий масалаларда* бу принципларни *тўғри ўзгартира олсин,* уларни миллий ва миллий-давлат айирмаларга тўғри татбиқ қила ва қўллана олсин» (ТАТ, 41-том, 86-бет). У миллий чекка ўлка коммунистларига «бизнинг тактикамизга кўр-кўрона тақлид қилмасдан, балки уни бир-биридан фарқ қиладиган конкрет шароитларга мувофиқ суратда яхши ўйлаб ўзгартириш зарур эканлигини» маслаҳат берган эди (ТАТ, 43-том, 222-бет).

В. И. Ленин мазкур принципни асос қилиб олиб, миллий республикалар ривожига партиявий раҳбарликнинг кўпгина махсус методларини ишлаб чиқди ва амалда қўллади. Улар қаторига биринчи навбатда ҳисобот ҳужжатлари ва маълумотларни анализ қилиш методи, миллий сиёсатнинг бузилишини текшириш методи ва партия аъзосининг шахсан мурожаат қилиши методи киради.

Партиямиз асосчиси Туркомиссия ҳисоботини анализ қилар экан, жуда кўп белгилар қўйди ва фикр-мулоҳазалар билдирди. Жумладан, у ҳисоботда ёритилмаган масалаларни алоҳида ажратиб кўрсатди: «қолдириб кетилганлар: руҳонийлар тўғрисида, панисламизм ҳақида, хотин-қизлар аҳволи тўғрисида, саводсизлик ҳақида» (В. И. Л е н и н. Биографик хроника, 9-том, 14-бет).

В. И. Ленин ўлкада миллий сиёсатнинг бузилганлиги тўғрисидаги маълумотни олиши биланоқ ўша заҳоти Туркбюро ва Туркомиссия раисига хат жўнатди: «Фитна, жанжал ва қасос олиш Туркистондаги ишни бузиб қўймаслиги учун *холисона* текширишингизни ўтиниб сўрайман» (ТАТ, 54-том, 96-бет).

Туркистондаги бутун ишлар йўлга қўйилиши процессида В. И. Ленин партия аъзосининг шахсан мурожаати методидан фойдаланди. Чунончи, Туркистон коммунистларига юборилган хатда, у уларга Совнарком ва Мудофаа Кенгаши раиси сифатида эмас, балки партия аъзоларининг бири сифатида мурожаат қилиб, ўлка коммунистларини Туркистон халқларига нисбатан ўртоқлик муносабатларини ўрнатиш учун қўлларидан келган ҳамма ишни қилишга, «бизнинг Туркистон комиссиямизга катта ишонч билан қарашга ва унинг директиваларига қаттиқ амал қилишга» чақирди (ТАТ, 39-том, 349-бет).

Партиявий раҳбарликнинг ленинча услубига коммунистнинг мана шундай шахсан мурожаат қилиши хосдир. Ўрта Осиёда янги ҳаёт қурилиши масалаларини ҳал этишда В. И. Лениннинг бевосита иштирок этиши системали, изчил, доимий характер касб этганди. Владимир Ильич Туркистондаги ишлар аҳволи тўғрисидаги ҳамма маълумотни тўплар ва батафсил анализ қилар, зарур умумий хулосалар чиқарар, амалий вазифалар қўяр ва уларни амалга оширишда фаол қатнашарди (В. И. Л е н и н. Биографик хроника, 9-том, 125-бетга қаралсин). У социалистик жамият тараққиёти қонунларини олдиндан кўра билди ва маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олиб, социализм қурилиши процессида улардан фойдаланишнинг асосий принциплари, методлари ва усулларини белгилаб берди. Ижтимоий тараққиётнинг ўтиш формаларидан фойдаланиш тўғрисидаги Ленин таълимотининг партия томонидан изчил амалга оширилиши натижасида Ўрта Осиё халқлари мамлакатимизнинг кўпроқ ривожланган халқлари, биринчи навбатда улуғ рус халқининг ёрдамига таяниб, тарихан қисқа муддат ичида ўзининг асрий қолоқлигини тугатиб, капитализмни четлаб, феодал ижтимоий-иқтисодий формациядан социализмга ўтишни амалга оширди ва ҳозирги кунда ССР Иттифоқидаги барча бошқа халқлар билан мустаҳкам бирликда КПСС XXVII съездининг социалистик жамиятнинг социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш йўлида уни такомиллаштириш йўлини амалга ошириш учун фидокорона кураш олиб бормоқдалар.

Натижада Лениннинг олдиндан башорат қилиб айтган, яъни «қолоқ мамлакатлар илғор мамлакатларнинг пролетариати ёрдами билан, капиталистик тараққиёт босқичини четлаб ўтиб, совет тузумига ва муайян тараққиёт босқичлари орқали коммунизмга ўтишлари мумкин» деган сўзларининг тарихий ҳаққонийлиги амалда исботланди (ТАТ, 41-том, 246-бет).

АГРОСАНОАТ ТУЗИЛМАЛАРИДА МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

О. ҲАМРОҚУЛОВА,
иктисод фанлари кандидати.
А. ҲАМДАМОВ,
тарих фанлари кандидати.

Мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш халқ хўжалигининг барча соҳаларини бошқаришни такомиллаштиришни тақозо этади. Д. Зокирхўжаев ўз мақоласида («Ўзбекистон коммунисти», 1986, 11-сон) Ўзбекистон агросаноат комплексини бошқаришни такомиллаштириш масаласини кўтариб, қатор министрликлар ва идораларни тугатиб, уларни республика агросаноатига қўшишни таклиф этади. Лекин бу таклифлар, бизнингча, етарлича далилланмаган. Бундан ташқари мақолада планлаштириш, моддий рағбатлантириш, аграр секторни маблағ билан таъминлаш проблемалари қўйилмаган, ҳолбуки умуман агросаноатнинг иши ўша проблемаларнинг ҳал этилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шу муносабат билан агросаноат тузилмаларида моддий рағбатлантириш масаласини кўриб чиқишни муҳим деб ҳисоблаймиз.

Мамлакат экономикасини интенсив ривожланиш изига ўтказиш АСҚ барча соҳаларининг самарадорлигини оширишга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Мазкур вазифани ҳал этиш эса қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг у билан боғлиқ тармоқларининг самарали интеграциясини таъминлаш мақсадида хўжалик механизмининг янада такомиллаштирилишига боғлиқдир. Партиянинг бу соҳада ишлаб чиқилган тадбирларида асосий эътибор хўжаликни юритишнинг иқтисодий методларига қаратилмоқда. Бундай шароитларда АСҚнинг агросаноат тузилмалари сингари дастлабки бўғинларида моддий рағбатлантиришни такомиллаштириш СССР Озиқ-овқат программасини амалга оширишда инсон омилидан тўлароқ фойдаланиш имконини беради.

Агросаноат тузилмалари (АСТ) агросаноат интеграциясининг муҳим шакли ҳисобланади. Агросаноат корхоналари ва агросаноат бирлашмалари (АСБ) АСТнинг асосий ташкилий формалари ҳисобланади. Агросаноат тузилмалари фақат давлат (умумхалқ) мулкига (бу асосан совхоз-завод типидаги АСҚлардир) ёки социалистик мулкнинг икки формасига — давлат ва колхоз кооператив (АСБ) мулкига асосланган бўлиши мумкин. Агросаноат корхонаси ва АСБ бўлинмаларидаги (қишлоқ хўжалик ва саноат) рағбатлантириш механизмини кўриб чиқамиз.

Маълумки, моддий рағбатлантириш системаси меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтариш, шунингдек ишлаб чиқариш қувватларини тезроқ ўзлаштиришдан шахсий ва коллектив манфаатдорликни оширишга имкон беради. Моддий рағбатлантириш социалистик корхоналар фойдаси ҳисобига ташкил топган тегишли фондлар орқали амалга оширилади. Моддий рағбатлантиришнинг асосий йўналишлари — ходимларни шахсий ва коллектив тарзда рағбатлантириш, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва ривожлантириш учун корхонага қўшимча имкониятлар яратиб беришдан иборат.

Ходимларни шахсан ва коллектив тарзда рағбатлантириш моддий рағбатлантириш фонди ва социал-маданий тадбирлар ҳамда уй-жой қурилиши фонди ҳисобига амалга оширилади, уларни одатда рағбатлантириш фондлари деб

аташади. Уларнинг асосий мақсади ишлаб чиқариш фаолиятининг пировард натижаларини характерловчи кўрсаткичларни яхшилашдир. Бу фондлар муттасил ўсиб боради. Чунончи, Ўзбекистон ССР давлат ва хўжалик ташкилотларини иқтисодий рағбатлантиришга сарфланган маблағ 1970 йилда 29,3 миллион сўмни, 1985 йилда эса 108,7 миллион сўмни ташкил этди, яъни 3,7 баравар ортди.

Бугунги кунда КПСС XXVII съезди қабул қилган йўл, яъни даромадларнинг пировард натижаларга боғлиқ бўлиши агросаноат комплекси барча бўғинлари учун норма бўлиб қолишига эришиш йўли амалга оширилмоқда. Лекин АСТ фаолиятининг пировард натижаларини аниқлашда уни мазкур тузилмаларнинг пировард маҳсулоти билан адаштирмаслик керак. Агар пировард маҳсулот — бу конкрет вақт давомида (одатда бир йилда) яратилган маҳсулот бўлса, пировард натижа бу — тузилмаларнинг социал-иқтисодий жиҳатдан самарали ишлашини англатади, яъни бу фақат ишлаб чиқариш эмас, шунингдек социал вазифаларни ҳам ҳал этиш натижасидир. АСТ фаолиятининг пировард натижаларини ўлчаш учун иқтисодий кўрсаткичларнинг (қиймат, натурал) муайян системаси мавжуд бўлиб, улар мазкур тузилмалар фаолиятини акс эттиради.

Агросаноат интеграцияси шароитидаги моддий рағбатлантиришга бағишланган совет социал-иқтисодий адабиётида, бизнингча, бир қадар бир томонламалик кўзга ташланмоқда. Иқтисодий рағбатлантириш фондларини ҳосил этиш ва улардан фойдаланиш тартиби асосан совхоз-заводлар ёки хўжаликлараро корхоналар мисолида кўриб чиқилади. Бу корхоналар ролини камситмаганимиз ҳолда, шуни таъкидлаб ўтмоқчимизки, моддий рағбатлантиришнинг ташкилий формаларига (агросаноат корхонаси ва АСБ) комплекс ёндашиш социалистик мулк икки формасини ҳисобга олишни талаб этади.

Маълумки, 1987 йилнинг 1 январидан мамлакат агросаноатининг барча бўғинлари хўжаликни юритишнинг янги шароитларига ўтказилган. Бу хўжалик ҳисоби муносабатларини яхшилашга, бинобарин, агросаноат тузилмаларида моддий рағбатлантиришни яхшилашга янгича ёндашиш имконини беради. Лекин уларнинг рағбатлантириш фондларини (хўжалик механизми воситаларидан фаол фойдаланган ҳолда) такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини аниқлаб олиш учун уларни яратиш, тақсимлаш ва фойдаланиш механизмини чуқур ўрганиш керак бўлади.

АСТ саноат ва қишлоқ хўжалик бўлинмаларида (янги шароитларга ўтказилганига қадар) фонд ҳосил қилишнинг турлича системалари амал қилган. Саноат бўлинмасида у меҳнат унумдорлигининг ўсишига, маҳсулот сифатига, рентабеллик даражаси ёки фонд самарадорлигига, шартнома мажбуриятларининг бажарилишини ҳисобга олган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига, фойдага (ҳисобга олинган), таннархининг пасайишига ва ҳоказоларга боғлиқ эди. Қишлоқ хўжалик бўлинмасида — ялпи маҳсулот ҳажмининг олдинги беш йилликка нисбатан қанча кўпайишига ва олинадиган фойдага боғлиқдир.

Давлат қишлоқ хўжалик корхоналарида моддий рағбатлантириш фонди юқори чегарага — йиллик планли иш ҳақи фондининг 12 процентига эга бўлиб, у планни ошириб бажаришни (ҳар бир ошириб бажарилган процент учун 0,8 процент) мўлжаллаб тузатиб чиқилгандир. Қайта ишловчи саноат корхоналарида бундай чегаралар йўқ эди, у ерда иш ҳақи ва меҳнат унумдорлиги ўсишининг иқтисодий жиҳатдан асосланган мутаносиблигига риоя қилиш кўзда тутилганди. Фонд ҳосил қилишдаги мана шу тафовутларни ҳисобга олиш агросаноат типидаги корхоналар учун айниқса муҳимдир.

Агросаноат интеграцияси практикасида АСТ соф фойдасини тақсимлаш механизмига алоҳида ўрин берилади. Масалан, совхоз-заводлар учун фойдани тақсимлашнинг тўла хўжалик ҳисобига ўтказилган совхоз учун кўзда тутилган тартиби қабул қилинди. Иқтисодий рағбатлантириш фондлари фойдага боғлиқ равишда қуйидагича ҳосил қилинарди: моддий рағбатлантириш фонди — 15 процент, социал-маданий тадбирлар ва уй-жой қурилиши — 10, хўжаликни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш — 10, раҳбар ходимлар ва мутахассисларни мукофотлаш — 2,5 процент.

Совхоз-заводларда бу системани формал қўлланиш қишлоқ хўжалик ва саноат бўлинмалари ходимлари манфаатларида зиддиятларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бу АСТнинг ўз ички зиддиятларидан келиб чиққанди: совхоз-заводлар

(ёки бошқа агросаноат корхонаси) ташкилий, технологик ва хўжалик муносабатларида ягона ташкилотлар эди, қишлоқ хўжалик ва саноат бўлинмаларини моддий рағбатлантириш фондларини ҳосил қилиш ҳамда тақсимлаш турлича амалга ошириларди.

Агросаноат бирлашмаларида фондни ҳосил қилишдаги тафовутлар анча очиқ формада намоён бўларди, иқтисодий рағбатлантиришнинг марказлаштирилган фондлари миқдори уларда мазкур тузилмалар ичидаги ташкилий-хўжалик алоқалари даражасини тўла акс эттирмасди.

Рағбатлантириш фондларини ҳосил қилиш ва тақсимлашдаги зиддиятлар улардан фойдаланишда ҳам худди шундай тенденцияни юзага келтирди, бу иш ё айрим ёки марказлаштирилган ҳолда амалга ошириларди. Лекин у марказлаштирилган жойда ҳам (масалан, Ўзбекистон ССР Давлат агросаноатига қарашли С. М. Киров номидаги агросаноат корхонасида) моддий рағбатлантириш фондидан алоҳида ҳолда фойдаланишган. Қишлоқ хўжалик ва саноат бўлинмалари ходимларини йил якунига қараб мукофотлашдаги фарқлар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни кўпайтириш, пировард натижаларни яхшилашдан моддий манфаатдорликни маълум даражада пасайтирарди.

КПСС XXVII съезди ва съезддан кейинги қабул қилинган қарорларга мувофиқ АСТнинг рағбатлантирувчи фондларини ҳосил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш механизмига позитив ўзгаришлар киритилди. Бўлинмаларнинг (қишлоқ хўжалиги ва саноат бўлинмаларининг) фондларини ҳосил қилишдаги илгарилари мавжуд бўлган тафовутлар йўқотилди. Эндиликда улар учун ҳисобга олинган фойда, бутун агросаноат тузилмалари учун эса — соф фойда ҳажми (ҳар иккала бўлинманинг ҳисобга олинган фойдасини қўшиб ҳисоблаганда) асосий кўрсаткич ҳисобланади. Бунда саноат бўлинмаларида рағбатлантириш фондлари норматив асосда белгиланади, уларнинг миқдори фойда олиш планининг бажарилишига бевосита боғлиқ бўлади. Қишлоқ хўжалик бўлинмаларига (совхозлар ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарига) янги тартиб рағбатлантириш фондларини ҳосил қилиш имконини берадики, бу такрор ишлаб чиқариш учун нормал шарт-шароитлар яратади, бундай шароитда фойданинг бир қисмини давлат манфаатларига зид равишда фойдаланишга йўл қўйилмайди (моддий рағбатлантириш фонди иш ҳақи умумий фондининг 17 проценти, социал-маданий тадбирлар фонди — ҳосил қилинган моддий рағбатлантириш фондининг 50 проценти билан чекланади).

АСТнинг рағбатлантириш фондларидан (уларнинг фонд ҳосил қилиш кўрсаткичларига боғлиқлиги) фойдаланишда маневр қилиш учун шароит яратилган. Уларнинг ҳажми моддий сарфларни ва иш ҳақи фондини тежаш ҳисобига ошиб бориши мумкин:

— қишлоқ хўжалик бўлинмаларида — иш ҳақи фондини, раҳбар ходимлар ва хизматчиларни мукофотлашга ажратилган маблағларни 50 процентгача тежаш;

— саноат бўлинмасида — иш ҳақи фондининг тежалган, фойдаланилмаган маблағ ҳисобига, у ишлаб чиқариш планини (қийматга айлантириб ҳисоблаганда) ва меҳнат унумдорлигини ошириш топшириғини бажариш шарти билан белгиланган нормативга зид равишда олингандир.

АСТдаги рағбатлантириш фондларини сарфлаш моддалари кенгайтирилди ва ўша фондларни таъминловчи ресурслар кўпайтирилди. АСТ қишлоқ хўжалик бўлинмаларида раҳбар ходимларни мукофотлаш эндиликда рентабелликнинг ва рентабеллик ошишининг ҳар бир проценти учун моддий рағбатлантириш фондидан амалга оширилади (раҳбар ходимларни мукофотлашнинг илгариги мавжуд махсус фонди ҳисобига эмас). Саноат бўлинмаларида рағбатлантириш фонди маблағлари смета бўйича сарфланади. Ходимлар ишлаб чиқариш самарадорлигини, унинг техник даражасини ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини оширганликлари учун рағбатлантирилади. Моддий рағбатлантириш фонди маблағларидан социал-маданий ва коммунал-маиший объектлар қурилишини таъминлаш учун ҳам фойдаланиш мумкин.

Лекин бу барча позитив ўзгаришлар хўжалик ҳисоби муносабатларини такомиллаштиришга ёрдам берадию, лекин улар рағбатлантириш фондларини тақсимлаш ва улардан фойдаланиш механизмидаги тафовутларни тўла-тўкис

бартараф эта олмайди, бу агросаноат тузилмалари бўлинмаларининг тармоқ хусусиятлари, шунингдек ишлаб чиқариш воситаларига социалистик мулкчиликнинг турли формалари билан боғлиқдир. Масалан, агар АСТнинг саноат бўлинмаларида моддий рағбатлантириш ва социал-маданий тадбирлар ва уй-жой қурилиши фонди мавжуд бўлса, қишлоқ хўжалик бўлинмаларида — моддий рағбатлантириш ва социал-маданий тадбирлар (уй-жой қурилиши фондисиз) фонди мавжуд. Фойдани тақсимлашнинг янги тартиби (эркин фойда хўжаликда қолиб, уни планли ва пландан ташқари тадбирларни маблағ билан таъминлашга сарфлаш мумкин) муносабати билан совхозларда уй-жой қурилиши фондига эҳтиёж қолмади. АСТдаги совхоз-завод типи учун ана шундай тартибни қабул қилиш ўша агросаноат тузилмаларининг ўзига хос хусусиятларига тўла жавоб бермайди. Аслида у агросаноат интеграцияси процессини кенгайтиришга имкон бермайди, бундан ташқари, икки бўлинма — қишлоқ хўжалик ва саноат бўлинмалари ходимлари манфаатларида зиддиятларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Агросаноат бирлашмалари, жумладан давлат (умумхалк) ёки ишлаб чиқариш воситаларига социалистик мулкчиликнинг икки формасига асосланган бирлашмалар учун ҳам марказлаштирилган рағбатлантириш фондларидан фойдаланишда зиддиятлар вужудга келади.

Шунинг учун ҳам, бизнинг назаримизда, АСТда моддий рағбатлантиришни такомиллаштириш проблемаси пировард натижаларни яхшилаш мақсадида мазкур тузилмалар бўлинмалари ўртасидаги хўжаликлараро алоқаларни кучайтириш масаласига бориб тақалади. Бу АСТнинг рағбатлантириш фондларини ҳосил қилиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланишнинг бутун механизмида комплекс ёндашишни таъминлайди. АСТнинг шунчаки соф фойдаси эмас, балки интеграл нормативининг ҳажмига қараб тузатишлар киритиш натижасида олинган соф фойда фонд ҳосил қилишнинг асосий кўрсаткичи бўлиши керак.

Интеграл нормативи (ҳар қандай бўлинма учун) қуйидаги кўрсаткичлардан келиб чиқиб белгиланиши керак:

— шартномада кўрсатилган мажбуриятларнинг социалистик корхоналар томонидан бажарилиши (қишлоқ хўжалик корхоналарининг маҳсулотларни қатъий белгиланган муддатларда жўнатиш юзасидан саноат қайта ишловчи корхоналари олдидаги мажбуриятларини бажариши; саноат қайта ишловчи корхоналарининг ва қишлоқ хўжалик корхоналарининг саноатда ҳам қайта ишланган, ҳам қайта ишланмаган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўз муддатида жўнатиш бўйича савдо ташкилотлари олдидаги мажбуриятларини бажариши);

— АСТ бўлинмалари оралиқ маҳсулотларининг сифати (қишлоқ хўжалик корхоналари юқори сифатли маҳсулот жўнатишлари учун саноат қайта ишловчи корхоналари олдида жавобгардир, саноат қайта ишловчи корхоналари ва қишлоқ хўжалик корхоналари эса — савдо ташкилотлари олдида жавобгардирлар);

— АСТ бўлинмалари ўртасидаги тескари алоқа (саноат қайта ишловчи корхоналарининг 100 сўмлик ялпи (реализация қилинган) маҳсулотнинг крахмаллилиги, серқандлилиги кўрсаткичидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалик корхоналарига таъсир кўрсатиши; савдо корхоналарининг — саноат қайта ишловчи корхоналарига таъсири (савдо ходимларини мукофотлашни саноат қайта ишловчи корхоналарининг у ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқаришига боғлиқ қилиб қўйиш).

Шунга ишончимиз комилки, ана шу кўрсаткичдан — интеграл нормативнинг ҳажмига қараб тузатишлар киритиш асосида олинган АСТнинг соф даромадидан фойдаланган тақдирдагина хўжаликлараро кооперациялашиш ва агросаноат интеграцияси жараёнини тўхтатиб турган зиддиятларни бартараф этиш мумкин бўлади.

———

ТРАНСПОРТДА ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ

А. ИБРОҲИМОВ,
иқтисод фанлари кандидати

Р. Досумовнинг «Иттифоқдош республикада фан-техника тараққиётини бошқариш» мақоласида («Ўзбекистон коммунисти», 1986, 12-сон) кўтарилган кўпгина проблемали масалалар Ўзбекистон ССР транспорт системаси учун ҳам характерлидир.

КПСС XXVII съезди тасдиқлаган ижтимоий ишлаб чиқаришни ҳар тарафлама интенсивлаштириш йўлининг амалга оширилиши кўп жиҳатдан транспорт ишига боғлиқдир. СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларида қайд қилинганидек, унинг асосий вазифалари — халқ хўжалиги ва аҳолининг юк ташишга бўлган эҳтиёжларини ўз вақтида сифатли ва тўла қондиришдан, транспорт ишининг иқтисодий самарадорлигини оширишдан иборат. Булар мураккаб масалалар бўлиб, транспортнинг барча турларида фан-техника тараққиётини янада жадаллаштирмасдан уларни ҳал қилиб бўлмайди.

Бизнинг республикамиздаги ишлар қандай аҳволда?

Ўзбекистоннинг транспорт комплекси бугунги кунда темир йўл, автомобиль, ҳаво, дарё, трубопровод ва шаҳар электр транспортини ўз ичига олади. Республика халқ хўжалиги асосий ишлаб чиқариш фондларининг 12,1 проценти ва ижтимоий меҳнат билан банд кишиларнинг 7,1 проценти транспорт ҳиссасига (алоқа билан бирга) тўғри келади. Бу комплекс районлар ичидаги ва районлараро транспорт-иқтисодий алоқалар асосида халқ хўжалиги турли тармоқларининг ўзаро мустаҳкам алоқасини таъминлаши, республиканинг юклар ва пассажирларни ташишга бўлган эҳтиёжларини қондириши лозим бўлади ва у бу вазифаларни асосан бажариб келмоқда.

Саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ўсиши, капитал қурилишнинг кенгайиши билан бирга транспортнинг моддий-техника базаси ҳам ривожланди, ҳаракатдаги составдан фойдаланиш яхшиланди, булар юкларни ва пассажирларни ташиш даражасини оширди. 1971—1985 йилларда республикада саноат ялпи маҳсулоти ҳажми 2,4 баравар, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ҳажми эса 1,4 баравар ошган бўлса, транспортнинг юк обороти 2,2, пассажир обороти эса — 2,5 баравар кўпайди. Шундай қилиб, ана шу давр ичида республика транспорти ишининг асосий кўрсаткичлари умуман ошдию, лекин сўнгги йилларда уларнинг ўсиш суръатлари сезиларли камайди. Масалан, ўнинчи беш йилликда транспорт барча турларининг юк обороти бўйича ўсиш суръатлари 21,4 процентни ташкил этган бўлса, ўн биринчи беш йилликда улар 13,8 процентга тенг бўлди, пассажир обороти бўйича эса — тегишли равишда — 36 ва 21,8 процентни ташкил этди.

Транспорт иши сифат кўрсаткичларининг ёмонлашуви юк ташишлар таннархининг ошишига ва фондлар самарадорлигининг камайишига олиб келади. Ўзбекистон ССР МСБ маълумотларига қараганда, 10 тонна-километрнинг таннархи кейинги иккита беш йилликда 16 процент кўпайди, фондлар самарадорлиги эса: юк ташишлар ҳажми бўйича — 16,7 процентга, даромадлар бўйича — 8,5, балансда кўрсатилган фойда бўйича — 37,4 процентга камайди. Ана шу ўн йил ичида меҳнат унумдорлиги жуда кам — атиги 7,8 процент ўсди, бунда меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари иш ҳақининг ўсиш суръатларидан орқада қолди.

Сўнгги йилларда республикадаги мавжуд ва янгидан қурилаётган автомобиль йўлларини мустаҳкам қоплама типларига эга магистралларга айлантириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Республикадаги автомо-

биль йўлларининг узунлиги 1976 йилдан 1985 йилгача 47 процент ошди. Лекин автомобиль йўллар тармоғини ривожлантиришнинг бу даражасини етарли деб бўлмайди. Айрим йўлларнинг техник параметрлари ва қоплама типлари ҳозирча замон талабларига жавоб бермайди, натижада йўллар ҳам, автомашиналар ҳам муддатидан олдин ишдан чиқмоқда. Бундан ташқари, автойўлларнинг энг юқори техникавий категорияларга вақтида ўтказилмаслиги ҳаракат хавфсизлигини ва автомобилларнинг техник тезлигини оширишни таъминлай олмайди.

1976—1985 йилларда республика халқ хўжалиги автотранспортининг юк ташиш ҳажми — 38 ва юк обороти ҳажми — 55 процент кўпайди, умум фойдаланишдаги автотранспортда тегишли равишда эса — 94 ва 97 процент ошди. Ана шу давр ичида умум фойдаланишдаги автотранспорт ҳиссаси 25 дан 34 процентгача ўсди.

Ўзбекистон автотранспортидаги анча тарқоқлик унинг катта камчилигидир. Масалан, 1985 йил бошига келиб республика автокорхоналари умумий сонининг 45,4 проценти ўз қарамоғида 1 тадан 9 тагача автомобилга эга эди, бу, шубҳасиз, улардан фойдаланиш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Айрим илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтлари, шунингдек кўплаб олим ва мутахассислар фақат умум фойдаланишдаги транспорт амалга ошираётган юк ташишларнинг самарадорлиги ва уларни такомиллаштириш бўйича тадқиқот ишлари олиб бормоқдаки, буни ҳам тўғри деб бўлмайди, зеро бундай юк ташишлар республика халқ хўжалиги автотранспорти юк ташишлар умумий ҳажмининг 34 процентга яқининигина ташкил этади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон ССР халқ хўжалигининг реал шарт-шароитлари шуни кўрсатдики, транспорт системасининг ривожланиши бу система ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланиш даражаси билан тамомила бир хил эмас экан. Юқорида айтиб ўтилган даврда транспорт коммуникациялари тармоғининг нагрузкаси кескин ортиб кетди. Автомобиль йўлларнинг, айрим жойларда эса темир йўлларнинг ҳам бир қисми ўтказиш қувватини батамом тугатди. Шуни ҳам қайд қилиш кераккки, транспорт айрим турлари ишининг сифат кўрсаткичлари нисбатан яхшиланган бўлса-да, унинг асосий мақсади ва транспорт ривожланишининг самарали кўрсаткичи бўлган — юкларни эгаларига ташиб бериш тезлиги ошмади. Умуман республика халқ хўжалиги бўйича санаб ўтилган камчиликлар транспорт хизматида муайян танглик пайдо бўлишига, вагонларнинг қатнаб туриши камайиши ва товар ўтказувчи савдо шохобчаларининг барча бўғинларида моддий запасларнинг ошиши туфайли нобудгарчиликларга, районлараро алоқаларнинг бузилишига, туриб қолган юкларнинг бузилишига ва шу сингариларга сабаб бўлди.

Халқ хўжалигининг ривожланиш суръатлари билан юкларни ва пассажирларни ташишга бўлган эҳтиёжларнинг ўсиши ўртасидаги нисбатлар тўғрисидаги масала транспорт ривожланишининг микёслари ва йўналишларини белгилаш учун принципиал аҳамият касб этади. Олис истиқболда бу нисбатлар қарама-қарши амал қиладиган омиллар таъсирида шаклланa боради.

Халқ хўжалиги тармоқларидаги структуравий ўзгаришлар, уларнинг техника жиҳатдан қайта қуроллантирилиши, ресурсларни тежаш сиёсатининг амалга оширилиши, табиий ресурсларни ўзлаштириш ва ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантиришга комплекс ёндашув юк ташишларга бўлган эҳтиёжларнинг ўсишини секинлаштиради. Ана шундан транспортнинг моддий-техника базасидан яхшироқ фойдаланиш ва фан-техника тараққиёти ютуқлари негизида бу базани янада мустаҳкамлаш йўли билан транспортнинг ишлаб чиқариш қувватларини жиддий юксалтириш зарурати келиб чиқади.

Халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида бўлгани каби транспортдаги фан-техника тараққиёти ҳам ўзаро бир-бирига боғлиқ икки йўналишга эга: биринчидан, амалдаги илғор техника ва технологиядан фойдаланишни кенгайтириш, иккинчидан, уларни замонавийлаштириш ва янги транспорт воситалари яратиш.

Биринчи йўналишнинг асосий вазифаси — эскирган ёки кам самарали техника ва технология ўрнига янгидан яратилган ва практикада синаб кўрилган илғор транспорт воситаларини ва улардан фойдаланиш методларини иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган миқдорда жорий этиш суръатларини жадаллаштиришдир. Аввало нефть ва нефть маҳсулотларини ташишда трубопровод

транспортининг, шаҳарлар ўртасида юкларни ва пассажирларни ташишда автомобиль транспортининг ҳиссасини оширишни ана шу йўналишга киритиш керак. Бу жиҳатдан шунингдек контейнерли ва пакетли юк ташишларни ҳам кенгайтириш зарур.

Транспортдаги фан-техника тараққиётининг иккинчи йўналиши ҳаракатдаги составни, транспортнинг доимий қурилмалари ва бошқа техник воситаларини такомиллаштириш ҳамда уларнинг янги конструкцияларини ишлаб чиқишга доир турли чора-тадбирларни ўз ичига олади. Бу чора-тадбирларнинг самарадорлиги, бинобарин, актуаллиги ҳам уларнинг транспорт шохобчаларининг ўтказиш қувватига, юк ташишларнинг тежамлилигига ва меҳнат унумдорлигининг ошишига қанчалик таъсир этиши билан белгиланади.

Модомики, яқин йиллар ичида юклар асосан транспортнинг ҳозирги мавжуд турлари воситасида ташилар экан, асосий эътибор уларнинг техника жиҳатдан такомиллаштирилишига қаратилиши керак. Айни бир пайтда янги техникавий ечимларни излашнинг актуаллигини оширадиган шарт-шароитлар яратилмоқда. СССР Министрлар Советининг «Транспорт илмий-тадқиқот муассасалари, конструкторлик ва технология ташкилотлари, бирлашмалари ва корхоналари ходимларининг иш самарадорлигини ошириш ҳамда улар меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ана шунга қаратилган.

Республикамиз транспорт комплекси ривожланишининг юксак суръатларини таъминлаш биринчи навбатда темир йўл, автомобиль ва ҳаво транспортини техника жиҳатдан қайта қуроллантиришни жадаллаштириш заруратини олдиндан белгилаб қўяди. Бизнинг фикримизча, бу ўринда истиқболдаги асосий вазифалар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: транспорт составлари ва якка транспорт воситаларига ортиладиган юклар оғирлигининг оширилиши ва уларнинг ҳаракатини тезлаштириш; юк ташиш процесси технологиясини ва уни ташкил этишни такомиллаштириш; техникани ва унинг конструктив-эксплуатацион белгиларини (характеристикаларини) сифат жиҳатдан такомиллаштириш, унинг мустаҳкамлигини ошириш, транспорт воситаларига хизмат кўрсатиш ва уларни ремонт қилишнинг сермеҳнатлилигини камайтириш; транспорт процессини автоматлаштириш, уларни бошқаришнинг автоматлаштирилган системаларини яратиш; ҳаракатдаги состав паркларининг структурасини яхшилаш; кучли ток қурилмаларини ва энергетикани такомиллаштириш; юк ортиш ва тушириш ишларини механизациялаш ва автоматлаштириш; контейнерли ва пакетли юк ташишларни кенгайтириш; транспорт комплексини бошқаришнинг ягона республика органини шакллантириш асосида транспорт барча турларининг узвий ўзаро боғланишда ва мувофиқлаштирилган ҳолда ишлашини таъминлаш; янги транспорт воситаларини яратиш.

Фикримизча, транспорт айрим турларининг қувватини оширишга ва бошқа сифатга доир характеристикаларига оид битта-яримта вазифаларни ҳал этишдан аста-секин комплекс проблемаларни ишлаб чиқишга ва принципиал янги транспорт воситаларини жорий этишга ўтиш зарур.

Ана шу чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида юк поездларининг ҳаракат тезлиги соатига 100—120 километргача, пассажир поездлариники эса — соатига 160 километргача ошади, юк поездларининг оғирлиги 4—8 минг тоннага етади. Юк вагонларининг унумдорлиги 20 процент ва ундан ҳам зиёд, локомотивларники — 25—30 процент ошади, бу иш бирлигига энергия сарфи салмоғини 18—20 процент ва юк ташишлар таннархини — 15—20 процент камайтиришни таъминлайди.

Истиқболда Ўрта Осиёни мамлакатнинг шарқий ва бошқа районлари билан боғлаб турган Арис — Тошкент — Самарқанд асосий икки йўлли магистралининг ўтказиш қуввати юқори даражада тўлдирилади. Чимкент, Жиззах, Самарқанд ва Навоий областларининг ўзлаштирилаётган районлари бўйлаб ўтадиган янги темир йўл линиясининг қурилиши темир йўл транспортининг ўтказиш ва ташиш қувватини ва, бинобарин, унинг умумий қувватини ўстиришнинг асосий чораси сифатида илгари сурилмоқда.

Норуда қурилиш материалларига ғоят бой конлар жойлашган райондан ўтадиган линия қурилиши Қорақалпоғистон АССР транспорт хизматининг яхшиланишини таъминлайди.

Юк ташиш автопарки структурасини такомиллаштириш мақсадида кичик, катта ва алоҳида катта юк кўтара оладиган машиналар, шунингдек юклар турлари ва уларни жўнатишнинг группаланиши асосидаги юк ташиш структурасига мувофиқ ихтисослаштирилган машиналар ҳиссаси кўпайтирила боради. Габарит ва оғирлик параметрларидан максимал фойдаланилиши лозим бўлган автопоездлар оммавий тарзда ишлатилиши керак, бу юк ташишлар таннархини бир неча марта қисқартиришга имкон беради. Автобус паркида энг кам, кўп ва энг кўп сиғимли автобуслар ҳиссаси оша боради ва улар ихтисослаштирила боради.

Автопаркнинг дизеллаштирилиши ва газлаштирилиши ёқилғини тежашга ва зарарли моддаларнинг атмосферага чиқариб ташланишини камайтиришга хизмат қилади. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда икки мингга яқин автомашина сиқилган табиий ва суюлтирилган нефть гази билан ишлайди. Пассажир автобуслари ҳам ёқилғининг шу турига ўтказилмоқда. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, газ билан заправка қилиш бир йил давомида ҳар бир автобусда 21 минг литр бензинни тежашга ва атмосферага заҳарли моддаларнинг чиқариб ташланишини 90 процент қисқартиришга имкон беради. 2 тонна ва ундан ҳам ортиқ юк ташийдиган барча автомобилларда ва ўртача ҳамда катта сиғимли автобусларда дизеллар ўрнатиш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқдир.

Юклар кўп тўпланадиган йирик пунктларда юк ташиш автостанцияларининг ва бўш автомобилларга йўл-йўлакай юк ортилишини таъминлайдиган назоратчилик-диспетчерлик хизматларининг яратилиши шаҳарлараро ва халқаро юк ташишларни янада ривожлантиришнинг зарурий шартидир. Бу ҳаракатдаги составнинг қатнаши ва юк ташишидан янада кўпроқ фойдаланишга ёрдам беради.

Автомобилларга техника хизмати кўрсатиш ва ремонт қилиш ишини фақат ана шу ишларни марказлаштириш, авторемонт корхоналарини йириклаштириш ва автохўжаликларда ҳамда майда устахоналарда капитал ремонт қилишни бутунлай тўхтатиш орқалигина яхшилаш мумкин. Транспорт комплексини бошқаришни ташкил этишнинг такомиллаштирилиши автомобиль транспорти юк оборотида умум фойдаланишдаги автохўжаликлар салмоғини 50 процентгача етказишга ёрдам беради, энг юқори техникавий категорияларга эга қаттиқ қопламали автомагистралларнинг зарур узунликдаги шохобчаларини яратиш эса Ўзбекистоннинг йирик маъмурий ва хўжалик марказлари ўртасида ҳамда бошқа Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон ССРга юкларни тез ва авариясиз ташишларни амалга оширишга имкон беради.

Пассажирлар ташишнинг ўсиши кўриб чиқилаётган даврда ҳаво транспортини ривожлантиришда белгиловчи омил бўлади. Пассажирлар ташишнинг ўсиши самолёт паркини сон жиҳатдан ўстириш, самолёт паркининг ердаги иншоотларини унга келадиган самолётларнинг янги типларига мувофиқлаштириб қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш орқали таъминланади.

Трубопроводлар тармоғини янада ривожлантириш — муҳим вазифадир. Республикада нефть ва газни ташишнинг юксак унумлилигини, юқори даражадаги тежамлилигини ва бетўхтовлигини таъминлайдиган кучли магистраль системаларини шакллантириш, нефть маҳсулотларининг темир йўл ва автомобиль транспорти билан ташилишини жиддий қиқсартиришга имкон берадиган маҳсулот юбориладиган районлараро, регионал ва тарқатувчи трубопроводлар тармоғини яхшилаш давом эттирилиши керак.

Мамлакатимизда ва хорижда кенг қўлланилаётган контейнерли пневматик трубопровод транспортининг республикада ривожлантирилиши катта самара келтиради. Ундан қурилишда (инерцияли қурилиш юкларини конлардан истеъмолчига етказиб беришда), минерал-қурилиш ресурслари конларини ўзлаштиришда (айниқса янги территориал-саноат комплекслари ва тоғ-саноат узелларини шакллантириш зонасида), саноат ва қишлоқ хўжалик юкларини кўчиришда, сув хўжалигига оид ва бошқа ишларда қўлланиш мумкин.

Принципиал жиҳатдан янги транспорт воситаларининг пайдо бўлиши эҳтимолини тўғри белгилаш ва баҳолаш мураккаб вазифадир. Бундай воситаларнинг электромобиль, магнит ва ҳаво ёстиғидаги воситалар, энергияни олиш ва етказиб бериш схемалари каби турлари, эҳтимол, шу асрдаёқ кенг қўллана

бошланиши мумкин. Бу воситалар юзасидан ҳозирча фақат тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. лекин республика транспортидаги фан-техника тараққиётининг мақсадли комплекс программасини белгилашда улар ҳисобга олиниши лозим. Бундай программани ишлаб чиқиш учун Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ва республика Госплани ҳузуридаги илмий-техникавий ва социал-иқтисодий прогнозлаш проблемалари бўйича республика илмий Совети составида махсус «Транспорт комплекси» комиссияси тузилган, транспортни ривожлантириш масалалари билан шуғулланадиган барча министрликлар, идоралар ва илмий-лойиҳалаш ташкилотлари унга аъзодир.

Шуни қайд қилиш керакки, Ўзбекистон ССРнинг фан-техника тараққиёти комплекс программасини ишлаб чиқишни ташкил этиш ва унга илмий-методик раҳбарлик қилиш гарчи республика Фанлар академиясига юклатилган бўлса-да, мантиққа тўғри келмаса ҳам, унинг структурасида Ўзбекистон транспорт комплексини узоқ муддатда ривожлантириш проблемалари билан шуғулланадиган биронта ҳам илмий бўлинма (сектор ёки лаборатория) йўқ. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасидаги «Транспортдаги АБС» лабораторияси асосан бир министрлик ёки идора даражасидаги транспортга оид конкрет вазифаларни бажаради. Республикадаги фан-техника тараққиёти комплекс программасининг масъул ижрочиларидан бири бўлган ишлаб чиқарувчи кучларни ўрганиш Советида эса тегишли сектор ёпилган.

Р. Досумов мақоласида техника тараққиётини жадаллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш илмий тадқиқотларни интенсивлаштиришга, фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлашга бевосита боғлиқлиги тўғри таъкидланган. Шуни қайд қилишни истардикки, кўриб чиқилаётган давр проблемаларини қамраб оладиган ва янада олисроқ муддат учун илмий задел яратадиган қатор илмий тадқиқотларни бажармасдан туриб транспортда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва унинг самарадорлигини оширишни таъминлаб бўлмайди. Бу эса академия фанининг республика транспорт комплексини ривожлантириш проблемаларига эътиборини кучайтириш зарурлигини тақозо этади.

Фикримизча, илмий тадқиқотлар, аввало, ўсиб бораётган юк ташишларни ўзлаштиришнинг ва халқ хўжалигига ҳамда аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилашнинг энг тежамли йўлларини излаб топишга қаратилиши лозим. Бинобарин, улар республика транспорт системасини ривожлантиришнинг ҳамма томонларини, регионал ўзига хос хусусиятларни (жумладан, иссиқ иқлимли) ҳисобга олган ҳолда мавжуд транспорт воситаларини такомиллаштириш ва янгиларини яратишни, ёқилғининг янги турларини излаш ва қўллашни, транспорт тармоғини шакллантириш ва юк ташиш процессини ташкил этишни яхшилашни ўз ичига олиши керак. Ундан ташқари, транспортнинг умумиқтисодий проблемалари ва иқтисодий ҳамда социал проблемаларни ҳал этишда унинг роли соҳасидаги илмий ишларни активлаштириш зарур.

Қуйидаги тадқиқотларни республика транспортидаги фан-техника тараққиётининг барча масалаларини ҳал этишни белгилаб берадиган асосий базавий тадқиқотлар сифатида санаб ўтиш мумкин:

— транспортнинг ҳаракатдаги состави ва доимий иншоотлари юк ташиш процессининг тежамлилигини белгилайдиган перспектив параметрлари — турли категориядаги поездларнинг оғирлиги ва ҳаракат тезлигини, станция йўллари узунлигини, темир йўл транспортида бўйига ва узунасига тушадиган юк оғирлиги, юк ташувчи ва енгил автомобиллар ҳамда автобусларнинг пассажир сиғими, тезлиги ва юк кўтара олиш кучи, магистраль трубопроводлар трубаларининг диаметрлари ва уларга тушадиган босимларни асослаш;

— асосий группа юкларни ташиш усулларини такомиллаштириш, яъни транспортнинг ва юк ортиш-тушириш ишларини механизациялаш воситаларининг энг мақсадга мувофиқларини танлаш (асосий эътибор янги транспорт воситаларини ишлаб чиқишга ва уларнинг саноат транспорти билан мослаштирилишига қаратилиши лозим);

— регионал табиий-иқлим шароитлари ва бошқа ўзига хос хусусияларни ҳисобга олиб ҳаракатнинг янги принциплари ва янги транспорт воситаларидан

фойдаланиш имкониятларини ўрганган ҳолда ерда юрадиган юқори тезликдаги пассажир транспортини яратиш;

— транспортдаги автоматлаштирилган бошқарув системаларининг илмий негизларини яратиш, унинг оптимал ташкилий структураларини асослаш, умумий илмий концепциясини тузишни ҳам ўз ичига оладиган транспортнинг техникавий воситалари ва транспорт процессларини автоматлаштирилган тарзда бошқаришнинг комплекс системаларини ишлаб чиқиш.

Модомики транспорт ишлаб чиқариш инфраструктурасининг энг асосий элементларидан бири экан, халқ хўжалигининг умумий системасида унинг ролини ва ўрнини белгилаш учун транспортни ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш даражаларидаги, улар ўртасида капитал маблағларни, моддий ва бошқа ресурсларни тақсимлашдаги оптимал нисбатларни белгилаш проблемаларини ўрганишга ҳам эътибор бериш керак;

— транспорт иши ҳажмларини, республика транспорт системасини ва транспорт турларини ривожлантиришни, узоқ муддатли прогноз қилиш методларини, умуман республика ва унинг алоҳида иқтисодий районлари бўйича транспорт билан таъминланганликнинг, транспортни ривожлантириш ва унга сарфланадиган капитал маблағлар самарадорлигининг методлари ва мезонларини такомиллаштириш;

— ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш, шаҳарлар ва шаҳар агломерацияларини шакллантириш каби халқ хўжалик вазифаларини, жойлаштириш, баҳо белгилашнинг бошқа масалаларини ҳал этишда транспорт омилини ҳисобга олишни яхшилаш ва ҳоказо.

Фикримизча, фақат ана шундай ёндашувгина фан-техника тараққиёти ютуқларини кенг жорий этиш асосида республика транспортини ривожлантириш истиқболларини ўрганишни сифат жиҳатдан янги даражага, янги шарт-шароитлар ва КПСС XXVII съезди илгари сурган вазифаларга мос келадиган даражага кўтаришга имкон беради.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ЖАМИЯТШУНОСЛАРИНИНГ ЮКСАК ВАЗИФАСИ

А. ГОЛОВАНОВ,

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг ижтимоий фанларни ўқитиш бошқармаси бошлиғи

Совет жамиятининг сифат жиҳатдан янги ҳолатига эришиш юзасидан КПСС XXVII съезди илгари сурган стратегик вазифаларни амалга оширишга жамиятшунослар ҳам катта ҳисса қўшишлари лозим. Съездда уларнинг социалистик ва коммунистик қурилиш назариясини ривожлантириш, янги ҳодисалар ва жараёнларни ижодий идрок этиш учун масъулияти таъкидлаб ўтилди.

Ижтимоий фанлар кафедралари мудирларининг Бутуниттифоқ кенгашида (1986 йил октябрь) жамиятшунослар фаолиятининг аниқ йўналишлари белгилаб берилди. Уларнинг диққат-эътибори давримизнинг ҳақиқий революцион характери белгилаб бераётган йирик проблемаларни амалий ҳал этишга қаратилади. «Назарий фаолиятнинг ўзи, — деди КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачев кенгашда сўзлаган нутқида, — социалистик ва коммунистик қурилишнинг энг муҳим ҳаракатлантирувчи кучларидан бири, қайта қуришнинг ғоят муҳим воситаси бўлиб қолмоқда». КПСС МКнинг «Коммунист» журнали тўғрисида»ги қарорида (1986 йил) жамиятшунослик илмини ривожлантиришнинг конкрет йўллари акс этган.

Ижтимоий фанлар соҳасида партия қўйган вазифаларни ҳал этишга олий ўқув юртлари, шу жумладан Ўзбекистондаги олий ўқув юртларининг жамиятшунослари тобора ортиб борувчи ҳисса қўшишлари лозим. Бугунги кунда Ўзбекистон ССР олий ўқув юртларининг жамиятшунослари корпуси икки мингдан зиёд ўқитувчидан иборат. Республикадаги 202 та ижтимоий фанлар кафедрасида 100 дан зиёд фан доктори ва профессор, мингдан ортиқ фан кандидати ва доцент ишлаб турибди.

Бу катта илмий, интеллектуал ва тарбиявий потенциалдир. Афсуски, ундан самарали фойдаланилмаяпти. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленумида (1986 йил октябрь), жамиятшуносларнинг 1987 йил 17 январда бўлиб ўтган республика кенгашида шу тўғрида гап борди. Мазкур соҳадаги ишлар аҳволига юз-хотир қилинмасдан берилган баҳо олий ўқув юртлари жамиятшунослари фаолиятининг мазмунига яна ва яна эътиборни қаратишни, унинг асосий параметрларини анализ қилишни талаб этмоқда.

Аввало шуни қайд қилиш кераки, қатор илмий ишлар сийқаси чиққан гапларни ҳадеб такрорлайвериши билан ажралиб туради. Улар учун янгиликдан ҳадиксираш, догматизм ва сафсатабозлик характерлидир.

Олий ўқув юртлари жамиятшунослари кўп жиҳатдан жонли практикадан ажралиб қолишган. Масалан, Ўзбекистоннинг йирик ўқув-методик ва илмий маркази — В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети марксча-ленинча философия кафедраларининг тадқиқотлар тематикасини олиб кўрайлик. Унда «Гносеология категориялари», «Умумий илмий категориялар ва илмий билиш принциплари», «Марксча-ленинча философияда қонун тушунчаси», «Тарихий материализмнинг категориялар структурасида базис ва устқурма тушунчаси» каби

проблемалар мавжуд. Албатта, бу проблемаларни ҳар томонлама ўрганиш керак. Бироқ, одатда, уларни тадқиқ қилиш сонсиз-саноқсиз таърифларни аниқлашдангина иборат бўлиб қолади. Атрофимиздаги ҳаётнинг актуал проблемалари (салбий ҳодисаларга қарши кураш, ёшлар айрим группаларининг социал пассивлиги сабабларини идрок этиш ва бошқалар) эса тематикадан ўрин олмаган. Ўзбекистонга хос социал-иқтисодий хусусиятлар, уни ҳозирги шароитда ривожлантириш, экономикани такомиллаштириш, меҳнаткашлар, шу жумладан ўқувчи ва студент ёшларнинг маънавий эҳтиёжларини ўстириш йўллари каби проблемалар олий ўқув юртлари жамиятшуносларининг илмий фаолиятини белгилаши лозим.

Фикримизча, илмий тадқиқотларнинг тарқоқлиги улар самарадорлиги пастлигининг сабабларидан биридир. Координацион марказларда ижтимоий фанлар кафедралари илмий-тадқиқот ишлари планларининг бажарилиш жараёни муҳокама қилинмайди, кафедра мудирлари, ижрочилар билан инструктив семинар-кенгашлар ўтказилмайди; таянч кафедралар раҳбарлари билан алоқа ўрнатилмаган, шу сабабли уларнинг кўпчилиги ташаббус кўрсатишмайди ва амалда ҳеч қандай иш олиб боришмайди.

Аниқ координациянинг йўқлиги шунга олиб келдики, ҳозиргача ҳамма жойда ҳам тематиканинг майдалашувига, бир-бирини такрорлашга ва илмий кучларнинг сочилиб кетишига чек қўйилмаган, илмий тадқиқотларни планлаштиришда ва тема танлашда камчиликлар бор. Масалан, КПСС тарихига доир комплекс илмий проблемалар тематикасида республика партия ташкилотининг салбий ҳодисаларга қарши курашдаги тажрибасини илмий идрок этишга бағишланган ишлар деярли йўқ, партия тарихи ва сиёсатини буржуача сохталаштирувчилар танқидига доир тадқиқотлар қилинмаяпти. Тошкент ва Самарқанд давлат университетлари, Тошкент политехника институтининг КПСС тарихи кафедраларида гарчи темалар белгиланган бўлса-да, бироқ ўқитувчилар умумий проблемага унчалик боғланмаган темалар устида ишлаяпти.

Жамиятшунослик кафедраларида умуман илмий тадқиқотлар олиб бормайдиган ўқитувчилар сони ҳали анчагина. Уларнинг кўпчилиги диссертация химоя қилгунича самарали ишлашадию, илмий даража олганларидан сўнг ҳеч қандай илмий маҳсулот бермай қўйишади. Масалан, Тошкент алоқа-электротехника институти философия кафедрасининг 10 ўқитувчисидан атиги уч киши илмий ишлар эълон қилган. Тошкент политехника, халқ хўжалик, тўқимачилик ва енгил саноат институтлари, Ўрта Осиё медицина педиатрия институти, Тошкент давлат маданият ҳамда чет тиллар педагогика институтлари, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ва бошқа олий ўқув юртларининг ўқитувчилари кам мақолалар эълон қилишади. Республикадаги 42 та олий ўқув юртининг 20 тасида жамиятшунослик ўқитувчилари орасида битта ҳам фан доктори, профессор йўқ.

Қатор кафедралар бир неча йил давомида хўжалик шартномаси асосида илмий тадқиқотлар олиб боришаётганига қарамай, бу йўналишда эндигина дастлабки журъатсиз қадамлар ташланмоқда. Бу форма кенг оммалашмаяпти: ижтимоий фанлар кафедраларининг атиги 10 проценти хўжалик шартномаси асосидаги темалар устида иш олиб боряпти.

Олий ўқув юртлари аспирантурасида жиддий камчиликлар мавжуд. Ректоратлар, ижтимоий фанлар кафедралари раҳбарлари аспирантурада ўқишга энг қобилиятли кишиларни аниқлаш тўғрисида ҳозирча етарли бош қотирмаяптилар, натижада кейинги йилларда аспирантурага амалда конкурс йўқ. Тегишли базавий маълумотга, назарий жиҳатдан тайёргарликка эга бўлмаган шахсларнинг аспирант бўлаётгани ҳақидаги фактлар ҳам маълум. Кафедра раҳбарлари кундузги аспирантурани тугатганларни ишга жойлаштиришга масъулиятсизлик билан қарашади.

Студентларнинг илмий-тадқиқотчилик ишини ташкил этиш яхши йўлга қўйилмаган. 1985 йили студент ишлари Бутуниттифоқ конкурсининг III турига тақдим қилинган 470 рефератдан атиги 112 тасининг қониқарли баҳо олганлиги тасодифий эмас.

Авж олаётган қайта қуриш бутун ижтимоий фанлар системасига масъулиятли социал заказ бераётган ҳозирги пайтда шуни эсда тутиш кераки, жамиятшунослик ўқитувчисининг партиявий позицияси унинг қарор топган қарашларга

мослашиб ола билиш маҳорати билан эмас, балки жамиятдаги етилган ўзгаришларни илмий идрок қила олиш қобилияти билан белгиланади. Фаннинг ҳаёт талабларидан узоқлашганлигини бартараф қилиш, уни амалиёт томон қатъиян буриб юбориш лозим. Ҳар бир жамиятшунослик кафедраси коллективида ижодий изланиш шароити ҳукм суриши керак. Илмий билимлар бойишининг самарали методлари бўлган мунозара ва муҳокамалар бу вазифаларни ҳал қилишга анча ёрдам бериши мумкин.

Кафедраларнинг раҳбарлари илмий тадқиқотлар тематикасини янги нуқтаи назардан таҳлил қилиб чиқишлари, уни ҳозирги замон талабларига мувофиқлаштиришлари керак. Масалан, кам сонли кафедралар коллективлари йирик комплекс проблемаларни ишлашлари мақсадга мувофиқмикан? Эҳтимол, бу кафедралар ўқитувчиларини шунга ўхшаш проблемалар билан шуғулланадиган олий ўқув юртларига бириктириб қўйиш ёки уларга марказий ва республика олий ўқув юртларининг етакчи кафедралари билан янада мустаҳкам ижодий алоқада бўлишларини тавсия қилиш ўринли бўлар.

Жамиятшуносларнинг асосий вазифаси, деб таъкидланди ижтимоий фанлар кафедралари мудирларининг Бутуниттифоқ кенгашида, марксча-ленинча назария билан қуролланган, уни амалда қўллай биладиган, янгича фикрлаш ва ҳаракат қилиш қобилиятига эга мутахассислар тайёрлашдир. Студент ёшларнинг илмий дунёқарашини, маънавий негизларини, уларнинг актив ҳаётий ва гражданлик позицияларини, ҳозирги мураккаб ва кўп жиҳатдан зиддиятли дунёда тўғри йўл топа билиш қобилиятини шакллантириш учун ҳам айни олий ўқув юртларининг жамиятшунослари масъулдирлар. Вазифа ёшларни партия ва халқнинг шонли революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялаш, бўлғуси мутахассисларга совет фани ва техникаси тараққиёти, совет маҳсулотининг юқори сифати учун ғурурланишдек ватанпарварлик туйғусини сингдиришдан иборатдир.

Партия янгича фикрлаш ва ишлашга даъват қилаётган бугунги кунда ўқитиш процессини ҳам янгичасига қуриш зарурлиги ҳақида Бутуниттифоқ кенгашида билдирилган фикр шу муносабат билан айниқса актуалдир. Гап ижтимоий фанларни ўқитишнинг қарор топган системасидан воз кечиш тўғрисида бораётгани йўқ. Бошқа нарса: таълим сифатини, унинг самарадорлигини ошириш талаб қилинмоқда. Университетлар ва институтларда ўқишга, ҳақиқатни англаш, янги билимлар олиш устида жиддий чуқур ишлашга ҳурмат-эҳтиромни қайта тиклаш зарур.

Хўш, қандай қилиб ижобий силжишга эришса бўлади? Аввало ижтимоий фанларни ўқитишнинг догматизм ва сафсатабозликни келтириб чиқарадиган форма ва методларидан қатъиян воз кечиш, ҳар бир машғулотни ҳозирги замон проблемаларини марксча-ленинча анализ қилиш мактабига айлантириш керак бўлади. Ҳозир ана шу мақсадда ўқув программалари қайта кўриб чиқилмоқда. Уларга диалектика, социализмнинг жонли практикаси асос қилиб олиняпти. Ижтимоий фанларни ўқитишдаги ҳаддан зиёд табақалаштиришни бартараф этиш, ёшларда марксча-ленинча назария тўғрисида яхлит бир тасаввур ҳосил қилиш ҳозир кун тартибида турибди. Лекциялар, дарсликлар, методик қўлланмаларни такомиллаштириш борасида ҳам кўп ишлар қилиш лозим.

Ҳозирги кунда лекциялар ва семинарларда кўпинча зерикиш, тушунмасдан ёдлаш, сафсатабозлик ҳукм суради. Машғулотлар кўпинча ахборот характерида ўтади. Баъзан ўқитувчиларнинг ўзлари ҳам ўқув материали мазмунини яхши тушунишмайди. Бу тасодифий ҳол эмас. Чунки уларнинг 30 процентдан кўпроғи тегишли базавий маълумотга эга эмас: филологлар философиядан дарс бериши, географлар ва тилшунослар илмий коммунизмни ўқитиши каби фактлар ҳам учраб туради.

Олий ўқув юртлари жамиятшунослигидаги қайта қуриш ҳақида гапирганда, унинг асосий уч йўналишини ажратиш зарур. Биринчиси — назария соҳасидаги қайта қуриш. Бу ерда энг муҳими — марксча-ленинча назарияни ўқитишнинг ҳаёт билан, коммунистик қурилиш практикаси, КПССнинг мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга, социалистик жамиятнинг сифат жиҳатдан янги ҳолатига эришишга қаратилган стратегик йўлини амалга ошириш билан узвий алоқасини таъминлашдир. КПСС XXVII съездининг ҳаётбахш ғояларини, партия МК 1987 йил январь Пленуми қарорларини, қилинаётган ўзгаришлар моҳиятини,

уларнинг зарурлигини ҳар бир студентнинг онгига етказиш, уларни ана шу жараённинг манфаатдор иштирокчиси қилиш зарур. Назария соҳасидаги қайта қуриш шунингдек ўқитувчи ва студентлар тафаккурини қайта қуришни ҳам кўзда тутади.

Ўқитиш жараёнининг ташкил этилишини, унинг мазмунини қайта қуриш катта аҳамиятга эга бўлган иккинчи омилдир. Ёшларни мустақил мушоҳада қилишга ўргатиш, уларда илмий баҳс олиб бора олиш, ўз эътиқодини далиллар асосида ҳимоя қила билиш қобилиятини тарбиялаб бориш керак. Студентларни зачёт ёки имтиҳонга зўрма-зўраки тайёрлашдан, уларга қуруқ ахборот беришдан воз кечиш, революцион назарияни мустақил эгаллашларига, олган билимларидан ўзларининг касбий фаолиятида актив қўлланишларига эришиш зарур.

Ҳаётнинг жонли масалаларига мурожаат қилиш, сўз билан иш ўртасидаги номувофиқликни йўқотиш, ҳақиқат танқислигини бартараф этиш орқалигина қўйилган мақсадларга эришиш мумкин. Машғулотларда студентларни қизиктираётган проблемалар тўғрисида гапириш, улар ўртага ташлайдиган кескин темалардан қўрқмаслик керак. Монолог эмас, балки диалог ҳақиқатан ҳам таълим бериш ижодий жараёнининг зарур элементи бўлиб қолиши керак. «Бизга, — деб таъкидлаган эди М. С. Горбачев ижтимоий фанлар кафедралари мудирларининг Бутуниттифоқ кенгашида сўзлаган нутқида, — ёшларнинг марксча-ленинча эътиқоди чуқур ўй-фикр, изланишлар ва қувончли кашфиётларнинг, истасангиз, ҳеч бўлмаганда ўзлари учун кашфиётларнинг ҳам натижаси бўлиши керак. Фақат шундагина эътиқодлар ички эҳтиёжга, шахсан англаб етилган, машаққат билан эришилган, бинобарин, яшаш ва меҳнат қилишга ёрдам берувчи ҳақиқатан ҳам мустаҳкам эътиқодга айланади».

Ниҳоят, ўқитиш жараёнини қайта қуришнинг учинчи соҳаси — ижтимоий фанларни ўқитиш форма ва методларини такомиллаштиришдан, ўқитиш методикасини ҳар тарафлама бойитишдан иборат. Олий ўқув юрти профили ва ёш мутахассисларнинг бўлғуси иши характерини ҳисобга олиш, студентларнинг билишга оид фаолияти барча турларининг актив ўзаро таъсирини таъминлаш — таълим самарадорлигини оширишнинг жиддий резервидир.

Таълим-тарбия жараёнини бошқаришнинг асосий воситаси бўлган лекциянинг ролини ошириш жамиятшунослик ўқитувчиларининг муҳим вазифаси ҳисобланади. Лекциялар концептуал-методологик характерга эга бўлиши, назариянинг асосий ва проблемали масалаларини, ижтимоий тараққиётнинг, КПСС ички ва ташқи сиёсатининг туб вазифаларини ёритиши, студентларнинг асл манбаларни, ўқув ва илмий адабиётларни ўрганиш соҳасидаги мустақил ишининг йўналишлари, методлари ва воситаларини белгилаб бериши лозим.

Семинар машғулотлари ўқув жараёнида алоҳида ўрин тутади. Янги программаларга мувофиқ уларга эндиликда ўқув вақтининг учдан икки қисмига яқини ажратилади. Бу уларни ташкил этиш практикасини тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо қилади. Семинар машғулотлари студентлар билимини янада мустаҳкамлашнинг, уларнинг ижодий қобилиятларини ўстиришнинг энг самарали формаси бўлиб қолиши керак. Шу муносабатда студентларнинг мустақил иши билан семинарларнинг мустаҳкам ўзаро таъсирини таъминлаш, семинарлар ўтказиш практикасига мунозаралар, амалий ўйинлар, реал проблемали вазиятлар (тарихий шароит, социал-иқтисодий муносабатлар ва шу сингарилар) анализи, ана шу вазиятлардан келиб чиқадиган вазифаларни ҳал этиш, докладлар, рефератларни муҳокама қилиш, номарксистик назариялар ва концепцияларни танқидий таҳлил қилиш каби таълимнинг актив форма ва методларини кенг жорий этиш айниқса муҳимдир. Семинарларда бўлғуси мутахассисларда омма олдида чиқиб сўзлаш малакасини, баҳс юритиш маданиятини, коммунистик идеалларни ишонч билан ҳимоя қила олиш, диалектик-материалистик методни касбий ва ижтимоий ишда қўллай билиш қобилиятини ҳосил қилишга жиддий эътибор бериш керак.

Республика олий ўқув юртларида интенсив таълимнинг янги методикаларини қўллаш юзасидан муайян тажриба тўпланган. Лекин, афсуски, Тошкент давлат университети ижтимоий факультетлари КПСС тарихи кафедрасидан бошқа кафедраларда техника воситаларидан ниҳоятда кам фойдаланилади. Замонавий аудиовизуал техника билан жиҳозланган ихтисослаштирилган аудиториялар сони

жуда оз. Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги ҳозирги кунда бу проблемани ҳал этиш йўлларини изламоқда.

Тарбиявий ишни тубдан қайта қуриш, жамиятшуносларнинг студент ёшларга идеологик таъсирини кучайтириш — актуал вазифадир. Кейинги йилларда Ўзбекистон олий мактабидаги тарбиявий жараёнда тўпланиб қолган салбий ҳодисалар ва камчиликларни пухта, синчиклаб таҳлил қилиб чиқиш зарур. Дадил айтиш мумкинки, бундай ҳодиса ва камчиликлар талайгина.

Республика Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги партия XXVII съезди талаблари асосида студент ёшларнинг коммунистик тарбиясини янада такомиллаштириш мақсадида ижтимоий фанлар кафедраларининг ғоявий-тарбиявий функцияларини кучайтиришга, идеология ишининг кадрларни тайёрлашдаги реал проблемалардан, ижтимоий тараққиёт вазифаларидан ажралиб қолганлигини бартараф этишга, олий ўқув юртларининг ёшлари билан очиқчасига мулоқотда бўлишнинг ноанъанавий формаларидан фойдаланишга қаратилган чора-тадбирлар комплексини амалга оширишни назарда тутмоқда. Студентларнинг билишга оид, меҳнат ва ижтимоий фаолиятининг ғоявий-маънавий йўналишини кучайтиришга доир чора-тадбирлар бу формалар ўртасида муҳим ўрин тутади. Бунда энг муҳим вазифа — бўлғуси мутахассис шахсини шакллантиришга якка тартибда ёндашувни тарбиявий ишлар марказига қўйишдир.

Тарбияни индивидуаллаштириш тўғрисидаги масала жиддий мулоҳаза қилиб кўришни талаб этади. Бу ўринда расмиятчилик юзасидан эмас, балки моҳият эътибори билан ҳар бир студентни тушуниб олиш, унинг характеридаги кучли ва заиф жиҳатларни, унинг социал мақсадларини аниқлаш, турмушда у нималар қуршовида эканлигини аниқлаш муҳимдир. Ҳосил қилинган социал-психологик характеристика асосида шахсни маънавий юксалтириш, унинг ижобий фазилатларини мустаҳкамлаб, салбий хислат ҳамда белгиларига қарши курашиш программасини белгилаб олиш керак. Якка тартибда ёндашув принципини амалга оширишда анкета саволларига жавоб олиш, индивидуал ва группавий суҳбатлар йўли билан студентларни ўрганиш ҳам катта ёрдам кўрсатиши мумкин.

Тарбиячи шахси тарбияланувчига чуқур таъсир ўтказади. Агар ўқитувчи лекцияда, масалан, социал адолат принципи тўғрисида гапирсаю, лекин кундалик ҳаётда уни назар-писанд қилмаса ёки бу принципни бузса, у қандай педагогик усуллардан фойдаланмасин, барибир зарур тарбиявий таъсир кўрсата олмайди. Тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши лозим. Бу ўринда педагогнинг ўз-ўзини тарбиялаши, ўзини, фаолиятини доимо танқидий баҳолай олиш қобилияти алоҳида роль ўйнайди.

Олий ўқув юртларидаги ижтимоий, аниқ ва техник фанлар кафедраларининг студент-ёшлар илмий дунёқарашини шакллантириш, бутун ўқув жараёнининг дунёқарашга оид йўналишини ошириш, Ватан ва жаҳон маданияти назарияси ҳамда тарихининг актуал масалаларини факультатив асосда ўрганишдаги мустаҳкам ўзаро алоқаси — тарбиявий ишни кучайтиришнинг ғоят муҳим резервидир. Ижтимоий фанларни ўқитишда лекциялар, бадиий адабиёт, санъат, кино, телевидениенинг тарбиявий имкониятларидан кенг фойдаланиш керак.

Студентларнинг илмий тадқиқотлар жараёнида ўқитувчилар ва етакчи олимлар билан мулоқотда бўлиши уларнинг маънавий ўсишига катта таъсир кўрсатади. Жамиятшунослар студентларда ижтимоий турмушдаги воқеалар, ҳодисалар ва тенденцияларни анализ қилиш ва баҳолашда марксча-ленинча методни ижодий қўллай олиш қобилиятини ҳамда малакаларини камол топтириш учун студентларнинг илмий жамиятлари ва тўгараклари, проблемали группалар ва семинарлар, назарий конференциялар ва студентлар илмий тадқиқот ишининг бошқа формаларидан тўлароқ фойдаланишлари керак.

Ниҳоят, студентларни ўқитиш ва тарбиялашнинг қатор масалаларини студентларнинг ўз-ўзини бошқарувини ривожлантирмасдан туриб ҳал қилиш мумкин эмас, бундай ўз-ўзини бошқарувда комсомол ташкилоти асосий ҳаракатлантирувчи куч ролини ўйнаши лозим. Бу СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг кураторликни аста-секин тугатишга қаратилган йўли нуқтаи назаридан ҳам айниқса долзарбдир. Студентлар ўз коллективлари ҳаётининг ўқув, социал, маънавий-идеологик соҳаларига оид кўпгина масалаларни ўзлари ҳал қилишлари керак. Бунинг қандай амалга оширилишини ҳаёт кўрсатади. Лекин шу

бугунги кундаёқ жамиятшунослар олий ўқув юртлари комсомолига ўз-ўзини бошқарув малакаларини, демократия нормаларидан фойдаланиш қобилиятини тўла эгаллаб олишда, ташаббус кўрсатишдан, расмиятчиликка барҳам беришдан чўчимасликда, шахсни ҳар томонлама баркамол ўстириш, соғлом, маданий ва ҳушёр турмуш тарзи нормалари ва анъаналарини қарор топтириш, студентлар ўртасида шундай турмуш тарзининг салбий кўринишлари, истеъмолчилик интилишлари ва обивателларча феъл-атворни, алкоголизм ва гиёвандлик иллатларини йўқотиш мақсадида студентларга бўш вақтларини оқилона ўтказишларини ташкил этишда ёрдам бермоқлари керак. Бу иш маблағдан ҳам кўра кўпроқ идеология жабҳаси барча ходимларидан манфаатдорликни, топқирликни, ташаббусни талаб қилади.

Андижон чет тиллар педагогика институти, Тошкент политехника ҳамда тўқимачилик ва енгил саноат институтлари жамиятшунослари шу йўналишда муайян тажриба тўплашган. Бироқ булар ҳозирча дастлабки қадамлардир. Бу ўринда ҳам эски дардларга — расмиятчилик, тадбирбозликка барҳам берилмаган. Одатда, асосий эътибор нуфузли тадбирларга, улар сонининг ўсишига қаратилиб, студент, унинг эҳтиёжлари ва талаблари кўпинча ташкилотчиларнинг эътибор доирасидан четда қолади.

Партия комитетлари олий ўқув юртлари жамиятшунослари ишини қайта қуришда сезиларли ёрдам кўрсатишмоқда. Бу ёрдамни янада кучайтириш керак. Бу ерда фойдаланилмаган кўплаб резервлар бор. Чунончи, сўнгги йилларда раҳбар партия ходимларининг олий ўқув юртлари жамиятшунослари билан махсус учрашувлари ғоят кам ўтказилмоқда. Айтиш мумкинки, область ва шаҳар партия комитетлари томонидан ўтказиладиган ижтимоий фанлар кафедралари ўқитувчиларининг кенгашлари ночор аҳволга тушиб қолди. Олий ўқув юртлари жамиятшунослари тегишли ваколатли органлардан халқаро майдондаги идеологик кураш проблемаларига доир ахборотни амалда олмаяптилар. Улар гиёвандлик, у ёки бу шаҳар, райондаги диний вазият тўғрисидаги конкрет маълумотлардан бехабардирлар.

Фикримизча, республика олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг ўқитувчилари ўз матбуот органига эга эмаслиги ҳам катта камчиликдир. Шу жиҳатдан олганда Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги системаси ходимларининг аҳволи бирмунча яхшидир. Улар «Ўқитувчилар газетаси» — «Учитель Узбекистана» газеталари, «Совет мактаби» журнали саҳифаларида тажриба алмашишлари, етилган масалаларни ўртага ташлашлари, ёш авлодни тарбиялаш ва ўқитишнинг актуал проблемаларини кўтаришлари мумкин. Олий ўқув юртлари ва техникумларнинг ходимлари учун шунга ўхшаш матбуот органларини ташкил қилиш ниҳоятда зарур бўлиб қолди. Улар ёрдамида ўқув-тарбиявий ва илмий тадқиқот ишини ташкил этишдаги илғор тажрибани тўплаш ва пропаганда қилиш, қайта қуриш йўлида жадал олға боришга тўсқинлик қилаётган барча нарсаларга қарши кескин кураш олиб бориш мумкин бўлур эди.

Олий ўқув юртлари жамиятшуносларига кўп жиҳатдан совет жамияти маънавий потенциалининг тараққиётини белгилайдиган масъул идеологик, сиёсий-тарбиявий иш участкаси ишониб топширилган. Коммунизм илмини яхши эгаллаган, уни амалда қўллай биладиган, партиянинг буюк ишига содиқ мутахассисларни тайёрлаш — даврнинг социал топшириғидир.

«ҲУЖУМ» ҲАРАКАТИ БОШЛАНГАНИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

ХОТИН-ҚИЗЛАР ОЗОДЛИГИ УЧУН УМУМХАЛҚ ЮРИШИ АВАНГАРДИДА

АКМАЛ ИКРОМОВ АСАРЛАРИ «ҲУЖУМ» ҲАРАКАТИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШНИНГ МУҲИМ МАНБАИ

Ш. АСАДОВА

Хотин-қизларнинг озодликка чиқарилиши Октябрь революциясининг энг катта ютуқларидан бири бўлди. Башарият тарихида биринчи марта хотин-қизлар ҳаётнинг барча соҳаларида эркаклар билан тенг ҳуқуқ олдилар. Асрлар бўйи мазлума бўлиб келган ўзбек аёллари тақдирида ҳам туб ўзгариш рўй берди.

Хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлигини ва ҳақиқий озодлигини таъминлашга қаратилган сиёсатни Совет Шарқидаги ўзига хос шароитларда амалга ошириш мамлакат бошқа районларининг территориясидагидан анча мураккаброқ бўлди. Шу сабабли бу ерда туб миллат вакилларини озод қилиш йўли анча машаққатли кечди. Собиқ асираларни янги жамиятнинг фаол аъзосига айлантириш, уни асрлар бўйи таркиб топган реакцион қарашларга қарши отлантириш, уни эски тасаввур ва хурофот тарафдори бўлган кишилардан ҳимоя қилиш, унинг моддий жиҳатдан мустақил мавқени эгаллашини таъминлаш учун жуда кўп куч-ғайрат сарфлаш, аввало у ўзининг тенг ҳуқуқли бўлмаган аҳволини англаб олишига кўмаклашадиган маърифат ишларини ташкил этиш талаб қилинарди.

Бунга Коммунистик партия билан Совет давлатининг ленинча миллий сиёсатини изчиллик билан амалга ошириш жараёнида эришилди.

Ўзбекистондаги бу жараённинг энг муҳим омилларидан бири — хотин-қизларни социалистик қурилиш оқимига жалб қилишдан иборат ўз кўлами ва сиёсий аҳамияти жиҳатидан мислсиз вазифанинг ҳал этилиши бўлдики, бу ҳол кенг авж олиб кетган «Ҳужум» ҳаракатида кўринди.

Бу ҳаракатнинг ташкилотчилари ва раҳбарларидан бири — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Акмал Икромов бўлган эди.

А. Икромовнинг 1925 йилда чоп этилган «Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласи» брошюрасида проблемаларнинг кенг доираси: хотин-қизларнинг юридик тенг ҳуқуқлигини ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга ва давлатни бошқаришга жалб этиш, уларнинг саводсизлиги, маданий қолоқлигини тугатиш масалалари кўриб чиқилган. Шу муносабат билан партия ва хўжалик органлари, жамоат ташкилотлари олдига хотин-қизларни озодликка чиқариш ва уларни социалистик қурилишга жалб этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган вазифалар қўйилди.

А. Икромов 1925 йил февралида Ўзбекистон Коммунистик партиясининг I съездидаги нутқида аёлларнинг ёш авлодни тарбиялашдаги ғоят катта ролини таъкидлади. У ҳаққоний тарзда қайд қилганидек, мазкур вазифани асрий зулм занжиридан озод бўлган ва социализм руҳида тарбияланган аёлларгина бажариши мумкин. «Биз, — деган эди у, — катта маданий-тарбиявий иш олиб бориш орқалигина Шарқ хотин-қизларидан Шарқда революция ишини узил-кесил ниҳоясига етказиш учун бизга зарур бўлган янги большевиклар, янги партия аъзоларини тарбиялаш ишида ёрдам олишимиз мумкин».

1927 йилда эски турмушга қарши актив «Ҳужум» эълон қилинди. Бу ҳаракат партия ташкилотларининг асосан тушунтириш ишларидан хотин-қизларни

озодликка чиқариш учун курашнинг қатъийроқ методларига ўтишларининг бошланиши бўлиб, аёлларнинг амалдаги тенг ҳуқуқлигини таъминлашда ниҳоят муҳим роль ўйнади.

А. Икромов Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларига бориб, съездлар, конференцияларда, хотин-қиз ходимларнинг актив йиғилишларида сўзлаган нутқларида «Ҳужум»нинг моҳиятини тушунтирди. У ўзига хос ҳаяжон ва жўшқинлик билан мазкур ҳаракат жараёнидаги хатоларни аниқлар, уларни бартараф этиш йўлларини кўрсатар, коммунистлар ва комсомолларни «хотин-қизларни ҳақиқий озодликка чиқариш тўғрисидаги қарорларни амалга ошириш учун большевикчасига жанг қилиш»га даъват этарди.

А. Икромовнинг хотин-қиз ходимларнинг Бутун Ўзбекистон кенгашида 1927 йил 7 октябрда сўзлаган нутқи эътиборга сазовордир. «Партиянинг «паранжига ва эски турмушга қарши курашга» деган шиорини, — деган эди у, — партиясизлар оммаси кенг кўламда қўллаб-қувватлади... Партия «ҳужумга» шиорини илгарироқ эмас, худди ҳозир, революциянинг ўнинчи йилида олға суриш мумкинлигини тўғри ҳисобга олди».

Республикада партия сафларининг мустаҳкамланиши ва унинг меҳнаткашлар оммасига таъсирининг ўсиши, хўжалик ва маданий қурилиш соҳасидаги муваффақиятлар ҳамда халқ орасида турмушда хотин-қизларнинг забун аҳволига узил-кесил барҳам беришга интилишнинг кучайиши «Ҳужум»ни ўтказишга ёрдам берди. Аҳолининг ярмини ташкил этувчи хотин-қизларни асоратга солувчи турмуш сарқитларини қатъият билан тугатмай туриб, республикани бундан буён планли ривожлантириш мумкин эмаслиги аён бўлиб қолди. Шу мақсадда партия коммунистлар, комсомолларни ва «Қўшчи» союзи активларини эски турмушга кенг кўламда ҳужум бошлашга, хотин-қизлар озодлиги ва тенг ҳуқуқлиги ҳақидаги совет қонунларини бажаришда ўрнак бўлишга чақирди.

Аёлларни озодликка чиқаришда матбуотдан, шунингдек суд органларидан катта ёрдам кутиларди. Улар зиммасига хотин-қизлар ҳуқуқлари бузилиши устидан жиддий назорат ўрнатиш, «хотин-қизларга оид ишлар»ни тезроқ кўриб чиқиш, турмушдаги жиноятларга жиддият билан қараш вазифаси юклатилди. А. Икромовнинг фикрича, уларнинг фаол ва собитқадам фаолияти қўйилган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлаши керак эди.

Аммо хотин-қизларни озодликка чиқариш учун умумхалқ курашини ўтказишда қуюшқондан ташқари чиқиш, маъмуриятчилик ва бошқа нуқсонларга йўл қўйилдики. А. Икромов бу курашга дастлабки якун чиқариш вақтида уларни тилга олиб ўтди. «Аввало, — деган эди у, — айрим партия ходимлари, баъзан эса бутун-бутун ташкилотлар ҳужум йўлини етарли даражада ўзлаштириб олмаганлар, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, синфий жиҳат эътибордан четда қолди. Фронтимизнинг айрим жабҳаларида конкрет батрак, камбағал, ўртаҳол киши эмас, умуман омма мўлжалга олинди. Қолаверса, баъзилар ҳатто руҳонийлардан фойдаланмоқчи бўлишди». Сўнгра у таъкидладики, руҳонийлар ва бойлар бу ҳодисаларни ўз фойдалари йўлига буриб юбориш учун ҳеч нарсадан қайтмаётирлар, демак улар йўлига ғов солиш керак. Сўнгра Икромов йўл қўйилган хатоларни тугатиш тадбирларининг конкрет планини баён қилиб берди.

Ўзбекистонда хотин-қизларни озодликка чиқариш учун ҳаракат эски тартиб тарафдорларига қарши шиддатли синфий кураш шароитида кечганлиги маълум. А. Икромов Ўзбекистон КП(б) IV қурултойидаги (1929 йил) докладида бу ҳақда шундай деган эди: «Озодликка чиқариш масаласи бизда энг кескинлашган синфий кураш жабҳаларидан биридир... Хотин-қизлар озодлиги ишида бойлар, руҳонийлар бизга қарши курашишяпти. Биз буни тан оламиз, лекин уларга қарши етарли курашмаётирмиз. Биз ишчилар билан деҳқонлар оммаси озодлик тарафдори эканлигини биламиз, лекин бойлар ва руҳонийларнинг кенг меҳнаткашлар оммасига таъсирига зарба бериш, бу таъсирни барбод қилиш учун оммани етарли равишда уюштирмаётирмиз».

Ўша йилларда паранжини мажбуран ташлаш тўғрисида декрет чиқариш фикри туғилган эди. Аммо А. Икромов 1929 йил 11 январда бўлган Фарғона округ партия конференциясидаги нутқида бундай декрет чиқарилишига қарши қатъий эътироз билдирди. Бунинг ўрнига хотин-қизларни озодликка чиқариш учун коммунистлар зиммасига янада каттароқ масъулият юклашни, партиянинг бу

йўлдаги сиёсатининг тўғрилигига оммани ишонтиришга бутун кучни сарфлашга даъват этишни таклиф қилди. «...Агар Қонтрол Комиссияси йирик кўламдаги масъул ходимни озодликка қаршилик қилгани учун партия сафидан ўчирса ва ўз қарорини эълон қилса, — деган эди у, — бу тарбиявий аҳамиятга эга бўлади, кўпларни Ленин йўлидан боришга мажбур этади».

Комсомоллар ҳам эски турмушга қарши курашнинг олдинги сафида боришди. А. Икромов, худди шу комсомоллар биринчи навбатда омма орасида янги анъаналарни ёйишлари керак, деган эди. «Хотин-қизларни озодликка чиқариш масаласида биз кўп хотинликка қарши чиқамиз, баъзан эски одатлар бўйича уйланаётгани учун комсомолларни жавобгарликка тортамиз. Бу масалаларда комсомол олдинги сафда бўлиши, ташаббус кўрсатиши, ёшларга ўтмишнинг зарарли анъаналаридан қутулишда кўмаклашиши керак».

А. Икромов нутқларидан кўриниб турибдики, у қалин, кўп хотинлилик, ёш қизларни эрга бериш сингари инсон шаънини ерга урадиган ва хотин-қизлар соғлигига путур етказадиган ўтмишнинг зарарли одатларига қарши курашнинг раҳбарларидан бири бўлган эди. У ўтмишнинг ана шундай сарқитларини фош қилиб, шуни таъкидлаган эдики, бу иллатларни таг-томири билан тугатиш учун «Совет ҳукумати махсус қарорлар қабул қилди ва фармойишлар чиқарди. Қалин берадиган ва оладиган кишилар қонун бўйича жавобгарликка тортилиши керак... Кўплар «қалин олиш — эски удум» дейишади. «Эски удум» тарихига назар ташласак, унинг синфий моҳиятини пайқаб олиш қийин эмас».

А. Икромов асарларида партиянинг она ва болалар соғилигини сақлаш ҳақидаги ғамхўрлиги ҳам акс этган. Жумладан, у бундай деб ёзган эди: «Ҳануз яшаб келаётган одатлар халқ маданий савиясини оширишга тўғаноқ бўлмоқда, ва ҳаттоки, ўзбек миллатининг сақланиб қолишини муайян даражада хавф остида қолдирмоқда, чунки аҳолининг хотин-қизлардан иборат қисмини мажруҳ қилиб қўймоқда... Асрлар қаъридан келаётган жирканч ва зарарли одатлар уларнинг тақдири ва турмушига ғоят ёмон таъсир қилмоқда». Бунда у она билан бола соғлигига эътиборни «...ўзбек миллатининг умумий маданияти, унинг моддий аҳволи» билан чамбарчас боғлайди, бу масалага «янги, соғлом авлодни таъминлаш нуқтаи назаридан» қарашга даъват этади.

А. Икромов турмуш шароитини яхшилаш проблемасини хотин-қизларнинг ҳақиқий озодлиги ишида асосий проблемалардан бири деб ҳисоблар эди. У Тошкент шаҳар Пролетар район партия конференциясида сўзлаган нутқида бундай деган эди: «Хотин-қизларни... болалар яслилари ва болалар боғчалари орқали озодликка чиқариш мумкин. Тошкент бу жиҳатдан ҳам Ўрта Осиёдаги барча шаҳарларга ўрнак кўрсатиши керак».

Маълумки, индустриялаш ва қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуриш муваффақияти кўп жиҳатдан социализм қурилишида хотин-қизларнинг иштирокига, уларнинг синфий онгини ўстиришга боғлиқ эди. «Хотин-қизлар озодлиги, — деб ҳисоблар эди А. Икромов, — сиёсат нуқтаи назаридан ҳам, экономика нуқтаи назаридан ҳам ғоят катта аҳамиятга эга бўлган масаладир». Шу сабабли урушдан илгариги беш йилликлар Ўзбекистонда хотин-қизларни ижтимоий фойдали фаолиятга албатта жалб қилишни кўзда тутарди. Бунда «Ҳужум» катта ёрдам кўрсатди. Совет Шарқи аёлларининг иқтисодий озодлиги иши худди шу даврда ниҳоясига етказилди.

Колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлаш ҳақида гапириб, А. Икромов хотин-қизларнинг колхоз ишлаб чиқаришидаги иштироки масаласига алоҳида эътиборни қаратган ва хўжаликларда аёллар меҳнатини ҳисобга олмаслик сингари уларнинг нафсониятини ерга урувчи хунук фактларга дарҳол барҳам беришни талаб қилган эди. Бу йўналишда катта иш олиб борилди ва 1934 йилдаёқ Ўзбекистон КП(б) VI съездида у мамнуният билан бундай деди: «Колхозчи аёллар Ўзбекистонда катта кучга айланди».

Меҳнаткашларни, шу жумладан маҳаллий миллат вакилаларини маданий қолоқликдан чиқариш социалистик қурилишнинг энг муҳим вазифаларидан бири эди. Халқ маданий ҳаёти даражасини ялпи юксалтиришнинг энг муҳим омили сифатида хотин-қизлар саводсизлигини тугатиш ва уларни маърифатли қилиш проблемасини ҳал этишга катта аҳамият берилди. Шу муносабат билан марказий педагогика курслари ўқувчиларининг кенгайтирилган йиғилишида халқ маорифи

органларининг, шунингдек ўқитувчиларнинг шу соҳадаги вазифалари белгиланди. Жумладан, хотин-қизларни саводсизликни тугатиш учун умумхалқ курашига жалб қилиш ҳамда халқ маорифи учун кадрлар тайёрлаш мақсадида аёллар учун педагогика профилидаги махсус мактаблар ва курслар очиш зарурлиги кўрсатилган эди. «Хотин-қизларни маърифатли қилиш ва озодликка чиқариш соҳасидаги вазифаларнинг катта улуши, — деган эди А. Икромов шу йиғилишда, — бошланғич мактабларимиз зиммасига тушади. Шу билан бир вақтда аёлларни саводсизликни тугатиш бўйича турли курсларга ва мактабларга кўпроқ жалб этиш керак. Агар биз саводсизликни тугатишга астойдил киришмасак, паранжига қарши, хотин-қизларни озодликка чиқариш учун курашда эришган ютуқларимизни мустаҳкамлай олмаймиз».

А. Икромов ўз асарларида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этишининг аҳамияти ва йўлларини баён қилиб берган эди. Бу мақсадга эришиш учун «...республика партия ташкилотини кучайтириш, мустаҳкамлаш зарур. Коммунистлар... хотин-қизларни жипслаштирадилар ва ана шу улкан ижтимоий кучни ҳаракатга келтирадилар», — деб ҳисобларди у.

Бунда у хотин-қизларнинг ўзлари ҳам ижтимоий ҳаётга интилишлари, фаоллик ва ташаббус кўрсатишлари зарурлигини таъкидлаган эди. «Аёлларни совет ишига жалб қилиш, уларни турли лавозимларга кўтариш, — деб ёзган эди у, — уларга нисбатан менсимай қарашга тезроқ барҳам беришда кўмаклашади, улар ҳар жиҳатдан эркаклар билан тенг одам деб ҳисоблашга кўмаклашади. Хотин-қизларнинг совет қурилиши соҳасида муваффақиятли ишлаши маданиятни ўстириш ва турмушни соғломлаштиришнинг таъсирчан омили ҳам бўлиши мумкин». А. Икромов «янги кадрларни тарбиялаш учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этиш» зарур деб ҳисоблаб, «конференцияларда, комиссияларда, секцияларда, турли кенгашларда хотин-қизлар орасидан янги-янги кучларни танлаб олиш ва хотин-қиз кадрларимиз сафларини улар билан тўлдириш»ни маслаҳат берган эди.

Хотин-қизлар, А. Икромов айтганидек, «халқимизнинг ярмини ташкил қиладилар. Мамлакатимиз ана шу ярмини капитализмнинг асоратга солувчи таъсиридан узил-кесил озод қилиш — Советлар Мамлакатимиз социализм қурилишида янада каттароқ мўъжизалар кўрсатишининг гаровидир».

Бундан эллик йилдан зиёд илгари айтилган бу сўзларнинг ҳақ эканини ҳаёт тасдиқлади. Коммунистик партия раҳбарлигида хотин-қизларни озодликка чиқариш соҳасида қисқа вақт ичида ажойиб муваффақиятларга эришилди. Бошқа қардош республикалар сингари Ўзбекистон ССР тажрибаси ҳам фақат социализм шароитидагина хотин-қизлар жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари мумкинлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида таъкидланганидек, хотин-қизларимиз жамиятда шу қадар юксак мавқега кўп жиҳатдан «Ҳужум» ҳаракатининг таъсирчанлиги туфайли эришдилар.

Шу муносабат билан турмушда ва ишлаб чиқаришда хотин-қизларга баъзан менсимай қарашда, уларнинг эҳтиёжларига лоқайд, расмиятчилик билан қарашда намоён бўладиган ўтмиш сарқитларига тобора кўпроқ тоқат қилиб бўлмайди. Ўтмишнинг ана шундай иллатларига қарши кураш ҳали ниҳоясига етгани йўқ. Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида республика Компартияси МК биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев «Ҳужум» ҳаракати тажрибасига мурожаат қилиб бундай деди: «Эскилик сарқитларига, ирим-сиримларга, хурофотларга, қолоқликка қарши курашдаги ҳужумкорлик ишини кучайтиришда мана шу қийин, аммо самарали тажрибадан фойдаланиш лозим. Бу кураш қатъий, муросасиз, ҳужумкорлик билан олиб борилиши зарур».

«Мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш — КПССнинг стратегик йўли» курси бўйича методик маслаҳатлар

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИ ҲАМКОРЛИГИ ВА ОЛҒА ТОМОН УМУМИЙ ҲАРАКАТ ЖЎШҚИНЛИГИНИ ОШИРИШ

КПСС мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш умуман жаҳон социализм системасининг иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги бундан кейинги тараққиёти билан мустаҳкам боғлиқ деб билади. Совет коммунистларининг анжумани ана шу тараққиёт тенденцияларини чуқур анализ қилди, инсоният олдида турган вазифаларни ҳал этишда реал социализмнинг улкан потенциал имкониятларга эга эканлигини намойиш этди. «Ҳозир тинчлик ва социал тараққиёт тақдири **жаҳон социализм системаси иқтисодий ва социал тараққиётининг** жўшқинлиги билан ҳар қачонгидан ҳам чамбарчас боғлиқдир... , — деб таъкидланади КПСС МКнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида. — Биз социализм ўзининг энг мураккаб вазифаларини ҳал этишга қодир эканлигига ишонамиз. Бунинг учун тобора актив, ўзаро баҳамжиҳат ҳаракат қилиш ҳаётий жиҳатдан муҳимдир, бу ҳаракат потенциалларимизни шунчаки бирлаштириб қолмай, балки кўпайтириш имконини беради, олға томон ялпи ҳаракатимизни жадаллаштириш омили бўлиб хизмат қилади. Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг қўшма ҳужжатларида ҳам шу фикр ифодаланган».

Мавзуни ўрганишнинг қуйидаги плани тавсия этилади:

1. **Социализм мамлакатларининг актив ўзаро ҳамкорлиги — олға томон ҳаракатимизни жадаллаштириш омили.**
2. **Социалистик мамлакатлар ташқи иқтисодий ҳамкорлиги ролининг ошиб бориши.**
3. **Социалистик мамлакатлар ҳамкорлигининг хўжалик механизмини такомиллаштириш.**

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ — ОЛҒА ТОМОН ҲАРАКАТИМИЗНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ОМИЛИ

КПСС мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш йўлини тутган экан, Совет Иттифоқининг жаҳон меҳнат тақсимотидаги иштирокини янада кенгайтиришни мўлжалламоқда. Бунда, худди илгари бўлганидек, ЎИЕК доирасидаги ҳамкорлик СССР иқтисодий алоқаларининг ўзаги бўлиб қолаверади.

Социалистик ҳамдўстлик, деб қайд қилади пропагандист, ҳозирги ижтимоий ривожланишнинг қудратли омили, тинчлик, миллий озодлик, социал тараққиёт учун курашаётган барча кучларнинг таянчи ва жаҳондаги муҳитни соғломлаштиришнинг энг изчил ҳимоячиси бўлиб қолди. У юксак даражада ривожланган экономикага, илғор социал-сиёсий тузумга, тинчликни таъминлаш ишига хизмат қилаётган ишончли ҳарбий-стратегик потенциалга таянадиган қудратли халқаро уюшмадир. Социалистик ҳамдўстликда марксча-ленинча идеологияга, туб манфаатлар ва мақсадлар бирлигига, ўзаро ёрдам ва ўртоқларча бирдамликка асосланган давлатлараро муносабатларнинг янгича типи ниҳоятда тўлалигича намоён бўлди. Қардош социализм мамлакатларининг жипслигини янада мустаҳкамлаш партия ташқи сиёсат фаолиятининг энг муҳим йўналишидир. «КПСС Совет Иттифоқи билан бошқа социалистик мамлакатлар ўртасидаги дўстона алоқаларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга биринчи даражали аҳамият беради,— дейилади КПСС Программасида.— **Партия СССРнинг жаҳон социалистик системасидаги барча давлатлар билан мустаҳкам ўртоқларча муносабатларига ва ҳар томонлама ҳамкорлигига интилади.** КПСС социализм мамлакатларининг жипслиги шу мамлакатлардан ҳар бирининг манфаатларига ва уларнинг муштарак манфаатларига мос бўлиб тушишига, тинчлик ишига, социалистик идеалларнинг тантанасига хизмат қилишига асосланади».

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг ўзаро муносабатлари, деб қайд қилади пропагандист, уларнинг идора қилувчи коммунистик ва ишчи партияларининг мустаҳкам алоқаларига асосланади, бундай алоқалар социализм ва коммунизм қурилишининг энг муҳим проблемаларини биргаликда ишлаб чиқишга ва ҳал этишга, иқтисодий алоқаларнинг энг самарали формаларини, ташқи сиёсат ишларидаги умумий йўлни коллектив тарзда белгилашга, партиявий иш, идеология, фан ва маданият масалалари юзасидан фикр-мулоҳазалар билан мунтазам ўртоқлашиб туришга имкон беради. Кейинги пайтда бу ҳамкорлик шаклларининг ўзи ҳам янгиланмоқда. Қардош мамлакатлар ва партиялар раҳбарларининг кўп томонлама ва бир томонлама амалий учрашувлари анъанавий бўлиб қолди, бу учрашувлар социалистик қурилиш масалаларининг бутун комплекси, унинг ички ва ташқи жиҳатлари хусусида оператив тарзда, ўртоқларча маслаҳатлашиб туриш имконини беради.

ЎИЕК аъзолари бўлган мамлакатларнинг планлаштиришга оид фаолиятини координация қилиш, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялаштириш ҳамда халқаро иқтисодий ташкилотларни ташкил этиш («Интерметалл», «Интерэнерго» ва ҳоказо), ёқилғи-энергетика проблемаларини ҳал этишдаги ҳамкорлик (Сибирнинг энергетика ва хом ашё ресурсларини биргаликда ўзлаштириш, «Союз» трансконтинентал газопроводи қурилиши, «Мир» ягона энергосистемасининг яратилиши ва ҳоказо) ва шу сингарилар социалистик иқтисодий интеграциянинг асосий йўналишларидир.

ЎИЕКга аъзо бўлган мамлакатларнинг экономиканинг ҳамма соҳаларидаги ҳамкорлиги ва интеграцияси изчиллик билан чуқурлаштирилмоқда, уларнинг ўзаро товар обороти кенгаймоқда — у фақат 1981—1985 йиллардагина 64 процентга кўпайди ва ҳозирда бу мамлакатлар ташқи савдо оборотининг 61 процентдан ортиғини ташкил этади. Ўн иккинчи беш йилликда СССРнинг социалистик ҳамдўстлик бошқа мамлакатлари билан ўзаро товар обороти ҳажми яна 30—70 процент ошади.

Социалистик иқтисодий интеграциянинг асосий мақсадлари, вазифалари, принциплари ва амалга ошириш механизми 1971 йилда тасдиқланган ва 15—20 йил давомида босқичма-босқич амалга оширишга мўлжалланган ЎИЕКга аъзо бўлган мамлакатларнинг ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш ва такомиллаштириш ҳамда социалистик иқтисодий интеграцияни ривожлантиришнинг Комплекс программасида белгилаб берилган. ЎИЕКнинг 32-(1978 йил) ва 33-(1979 йил) сессияларида қабул қилинган моддий ишлаб чиқаришнинг энг муҳим соҳаларида ҳамкорлик қилишнинг узоқ муддатга мўлжалланган мақсадли программалари социалистик интеграцияни чуқурлаштиришга хизмат қилади. Уларнинг мақсадлари — социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг энергияга, ёқилғига, хом ашёнинг асосий турларига бўлган жадал ўсиб бораётган эҳтиёжларини баҳамжиҳат бўлиб таъминлашдан, машинасозлик, транспортнинг ривожланиш даражасини юксалтиришдан, аҳолининг озиқ-овқат ва саноат молларига талабини тўлароқ қондиришдан иборат. Узоқ муддатга мўлжалланган мақсадли программаларга боғлаб СССР билан ЎИЕКга аъзо бўлган Европа мамлакатлари ўртасида 1981—1990 йилларга мўлжалланган ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялаштиришга доир икки томонлама программалар ишлаб чиқилган.

Социалистик ҳамдўстликнинг дунё хўжалигидаги мавқеи аввало унинг ишлаб чиқариш ва илмий-техник потенциали, иқтисодий ва ўсиш динамикаси билан белгиланади.

Сўнгги ўн йилликлар ичида социализм мамлакатлари экономикасида йирик ўзгаришлар юз берди. Ялпи миллий даромад 1971 йилдан 1985 йилгача 5,2 процентдан иборат ўртача йиллик суръатда кўпайиб борди, шу жумладан ЎИЕК аъзолари бўлган мамлакатларда бундай суръат 4,6 процентни ташкил этди. Айни шу даврда ривожланган капиталистик давлатлардаги бундай ўсиш 2,9 процентни ташкил қилди. Ана шу давр ичида жаҳонда электр энергиясини ишлаб чиқаришда социализм мамлакатлари ҳиссаси 23 процентдан 27 процентгача, нефть қазиб олишда — 18 процентдан 28 процентгача, газ — 22 процентдан 39 процентгача, пўлат ишлаб чиқаришда — 30 процентдан 38 процентгача, минерал ўғитлар — 33 процентдан 45 процентгача, металл кесадиган станоклар 39 процентдан 53 процентгача, тракторлар — 47 процентдан 58 процентгача ошди ва ҳоказо. Бу мамлакатлар капитализм билан иқтисодий мусобақада жиддий муваффақиятларга эришдилар. Чунончи, 1970 йили ЎИЕК мамлакатларида электр энергиясини ишлаб чиқариш ҳажми Европа иқтисодий ҳамжамияти (ЕИҲ) давлатлари даражасининг 116 процентини ташкил этган бўлса, 1984 йили 145 процентини ташкил этди, газ қазиб олишда бу кўрсаткич 281 процентдан 385 процентга, пўлат ишлаб чиқаришда — 113 дан 178 процентга, минерал ўғитлар ишлаб чиқаришда — 136 дан 261 процентга етди ва ҳоказо. Бугунги кунда ЎИЕКга аъзо бўлган мамлакатлар жаҳонда ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотининг учдан бир қисмини етказиб беради, дунёдаги миллий даромаднинг тўртдан бир қисмини яратади.

ЎИЕК мамлакатлари йирик илмий-техник потенциалга эга. Бу мамлакатларда дунёдаги барча илмий ходимларнинг тахминан учдан бир қисми тўпланган, жаҳондаги ихтироларга заявкаларнинг 40 процентга яқини ва ихтироларга бериладиган патентларнинг қарийб 20 проценти шу мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади.

Фан ва техника соҳасидаги ҳамкорлик ЎИЕҚ доирасида қарор топган муносабатлар самаралилиги ва истиқболлилиги намунасидир. Ҳозирги пайтда 3 мингга яқин илмий-техник ташкилот бундай ҳамкорликда иштирок этмоқда, ҳар йили 2 мингга яқин илмий-тадқиқот ишлари якунланади, 200—300 янги ёки такомиллаштирилган машиналар ва приборлар ҳамкорликда яратилади, 100—150 технологик жараён, материаллар ва препаратларнинг 100—120 янги тури биргаликда ишлаб чиқилмоқда.

Шундай қилиб, деб қайд қилади пропагандист, ўтган йилларда социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасида партия, давлат, жамоатчилик йўллари бўйича ўзаро алоқаларнинг сертармоқ системаси яратилди, халқаро социалистик меҳнат тақсимотига мустаҳкам асос солинди, кўп томонлама ташкилотларнинг амал қилиши юзасидан катта тажриба тўпланди, фан ва маданият арбобларининг ўзаро алоқалари мустаҳкамланди.

Бироқ миқдорий кўрсаткичлар қанчалик аҳамиятга эга бўлмасин, фан-техника революцияси шароитида ишлаб чиқариш самарадорлиги даражаси, унинг структураси қулайлиги, такрор ишлаб чиқаришнинг ўзгарувчан шароитларига ва ижтимоий эҳтиёжларга тез мослаша олиш қобилияти сингари сифат кўрсаткичлари илгаригига нисбатан анча кўпроқ аҳамиятга эга бўлиб боряпти.

ЎИЕҚга аъзо бўлган Европа мамлакатларида 70-йиллар ўрталаридан бошлаб иқтисодий ўсиш суръатлари сезиларли даражада пасая бошлади. Масалан, улар ялпи миллий даромадининг ўсиш суръатлари 1971—1975 йилларда — 36 процентни, 1976—1980 йилларда — 22 ва 1981—1985 йилларда — 17 процентни, саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатлари эса ана шу уч беш йилликда — 46, 26 ва 18 процентни ташкил этди, яъни ЎИЕҚга аъзо бўлган мамлакатлар хўжалигининг 1981—1985 йиллардаги ривожланиш суръатлари 1971—1975 йиллардагига нисбатан тахминан икки марта камайди. Социалистик мамлакатларнинг жаҳондаги энг прогрессив материаллар ва кўпроқ фан ёрдамида ишлатиладиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришдаги салмоғи улар базавий тармоқларининг ҳиссасига нисбатан анча кам бўлди. Кейинги 15 йилда социалистик мамлакатларда халқ хўжалигининг самарадорлиги, шу жумладан маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга ёқилғи, энергия ва материалларни сарфлаш яхшиланмади, баъзан ҳатто ёмонлашди. Масалан, ЎИЕҚнинг Европа мамлакатларида миллий даромаднинг энергия сарфи ЕИҲ мамлакатлардагига қараганда ўртача 1,4 баравар, металл сарфи эса — 1,6—1,7 баравар ортиқ бўлди.

Европада социализм мамлакатлари экономикасидаги 70-йиллар ва 80-йиллар бошидаги ишлар аҳволининг анализи шуни кўрсатадики, уларнинг кўпчилигида экономика ўсиш суръатларининг пасайиши такрор ишлаб чиқариш шароитидаги ўзгаришлар таъсирида ва иқтисодий сиёсат ҳамда хўжалик юритиш методларининг ана шу ўзгаришларга ўз вақтида мослаштирилмаганлиги натижасида рўй берди.

Кейинги пайтларда социалистик иқтисодий интеграцияда ҳал этилмаган вазифалар йиғила бошлади, турғунлик ҳолатлари пайдо бўлди, хўжалик юритишнинг янги формалари етарлича оммалашмади. 70—80-йилларда ўзаро айирбошлашда сифат ва техник жиҳатдан жаҳон даражасига мос келадиган маҳсулот салмоғи ошмади, шунингдек унда озиқ-овқат ва халқ истеъмол моллари ҳиссаси камайиб кетди.

Ҳозирги пайтда кўпгина социалистик мамлакатлар олдида иқтисодий бошқариш механизмини такомиллаштириш, хўжалик ҳаётини интернационаллаштириш афзалликларидан биргаликда фойдаланишга доир кўп жиҳатдан бир-бирига ўхшаш проблемалар кўндаланг бўлиб турибди. «Ўзаро иқтисодий муносабатлар соҳасида, — дейилади партия Программасида, — КПСС социализм мамлакатларини жипслаштиришнинг моддий негизи бўлмиш социалистик иқтисодий интеграцияни янада чуқурлаштиришга интилаверади. У тарихий аҳамиятга молик вазифа — фан ва техниканинг олдинги марраларига чиқиб олиш вазифасини биргаликда ҳал этиш учун ўз халқларининг фаровонлигини янада ўстириш, уларнинг хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун қардош мамлакатларнинг куч-ғайратларини ишлаб чиқаришни интенсивлаш ва фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг энг муҳим йўналишларида изчиллик билан бирлаштиришга алоҳида аҳамият беради».

Пропагандист КПСС ва Совет ҳукумати турли социал тузумдаги давлатлар билан тинч-тотув яшашга қаратилган ленинча йўлни амалга ошира бориб, бошқа мамлакатлар, шу жумладан капиталистик давлатлар билан ҳам иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга катта эътибор бераётганлигига тингловчилар диққатини жалб қилади. Иқтисодий ва савдо алоқалари бу ишнинг муҳим участкаларидан биридир. Ҳаёт В. И. Ленин айтган «ҳар қандай душман ҳукуматлар ёки синфларнинг истаги, иродаси ва қароридан кўра зўрроқ куч борки, бу куч — бутун дунё миқёсидаги умумиқтисодий муносабатлардир, бу муносабатлар эса ана шу душман ҳукуматлар ёки синфларни биз билан алоқа қилиш йўлига киришга мажбур қилмоқда» (Тўла асарлар тўплами, 44-том, 344—345-бетлар) деган қоидaнинг нақадар донолигини ҳар доим тасдиқлаб келмоқда. Ҳозирги дунёда кўплаб зиддиятлар ва антагонизмлар мавжуд бўлса-да, жаҳон ҳамжамияти давлатларининг хўжалик соҳасидаги ўзаро алоқалари кучайиб бормоқда. Бугунги кунда ҳеч бир мамлакат, деб қайд қилади пропа-

гандист, илмий ишланмаларни интенсив равишда ўзаро алмашмасдан, халкаро ҳамкорликнинг ғоят ранг-баранг формаларисиз фан-техника революциясининг энг юксак чўққиларини забт қила олмайди.

КПСС озодликка эришган мамлакатлар билан турли хил ўзаро муносабатларни ривожлантиришга, реал социализм билан миллий-озодлик ҳаракати иттифокини мустаҳкамлашга қаратилган йўлни изчиллик билан олиб бормокда.

Пропагандист мустамлакачилик системасининг емирилиши натижасида ҳозирги пайтда дунёда 130 дан зиёд ривожланаётган мамлакат мавжудлигини тингловчиларга эслатиб ўтади. Империализм томонидан эзиб келинган мустамлака мамлакатлари, В. И. Лениннинг ўткир ибораси билан айтганда, якин-якинларгача «тарихдан четда колиб келган» эдилар (ТАТ, 41-том, 260-бет). Ҳозир эса халкаро ишларда уларнинг роли тобора ўсиб боряпти. Империализм сиёсий ҳукмронлигининг бартараф қилиниши барибир бу мамлакатларнинг озодлик курашини тўхтатмади, чунки улар ҳали ҳам жаҳон капиталистик хўжалик системасига туткун бўлиб туришибди ва етакчи империалистик давлатлар томонидан таланмокда ва эксплуатация қилинмокда. Озодликка эришган давлатларнинг етакчи империалистик давлатлар олдидаги фактик карзи бугунги кунда 1 триллион доллардан иборатдир, бу, шубхасиз, уларнинг иктисодий ўсишига жиддий тўсқинлик қилади. Аҳоли жон бошига ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича империалистик давлатлар билан ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги нисбат 13:1 ни ташкил этади, бу фарк тобора ортиб бормокда.

Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги ёш давлатлар империализм томонидан технологик жиҳатдан қарамлик сингари янги форма ёрдамида ҳам таланмокда ва эксплуатация қилинмокда. Бу мамлакатлар дунёдаги мавжуд 35 миллион патентнинг атиги 210 мингтасидан фойдаланмокдаки, бунинг ҳам бор-йўғи олтидан бир қисми уларнинг ўз ихтироларидир.

Миллий-озодлик ҳаракати ўзининг миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда озиқ-овкат, энергетика, ташки муҳитни муҳофаза қилиш, Дунё океани бойликларидан фойдаланиш ва бошқа проблемаларни ҳал этишни ҳам ўз олдига вазифа қилиб қўйган.

Озодликка эришган мамлакатларнинг бир қисми (кўпчилиги) капиталистик йўлдан, бошқалари социалистик йўлдан боришмокда. Социалистик йўлни кўзловчи мамлакатлар кейинчалик бевосита социализм қурилишига киришиш мақсадида иктисодий, социал-сиёсий, илмий-техникавий ва бошқа шарт-шароитларни яратишни ўз олдиларига вазифа қилиб қўйишмокда.

КПСС социалистик йўлни кўзловчи мамлакатлар билан сиёсий ва иктисодий ҳамкорлик қилишга катта аҳамият беради. «Совет Иттифоки, — дейилади партия Программасида, — шу йўлдан бораётган халкларга хўжалик ва маданий қурилишда, миллий кадрлар тайёрлашда, мудофаа қобилиятини оширишда ва бошқа соҳаларда ўз имкониятларига яраша ёрдам бериб келди ва ёрдам бераверади». Юкорида қайд қилинган вазифаларни ҳал этишда Ўзбекистон ҳам актив иштирок этмокда.

Социалистик йўлни кўзловчи мамлакатлар ўзларининг социалистик мамлакатлар билан ҳамкорлигини нафакат икки томонлама, шу билан бирга кўп томонлама асосда ҳам йўлга қўйиш оркали жаҳон социалистик хўжалик системаси билан аста-секин якинлашиб бормокда. Масалан, Ангола, Мозамбик Эфиопия ЎИЕК ишида кузатувчилар сифатида катнашмокда. Социалистик йўлни кўзловчи мамлакатларнинг социалистик ҳамдўстлик давлатлари билан иктисодий ҳамкорлиги уларнинг Халкаро социалистик меҳнат таксимотига жалб этилиши учун шарт-шароитлар тайёрлайди.

Совет Иттифоки ҳатто ҳозирги мураккаб халкаро вазиятда ҳам капиталистик мамлакатлар билан савдо-иктисодий муносабатларни ривожлантириш йўлини олиб бормокда. Совет давлатининг 70 йиллик тажрибаси В. И. Лениннинг «Совет республикаси билан колган бутун капиталистик дунё ўртасида тўғри савдо алокалари мукаррар илгари силжийди» (ТАТ, 45-том, 83-бет) деган башоратининг тўғрилигини исботлади.

Бизда кўпгина капиталистик мамлакатлар билан мустаҳкам ва ўзаро фойдали амалий алокалар вужудга келди. КПСС XXVII съезди ҳужжатлари бундай алокаларни янада ривожлантириш учун кенг истикболларни очиб беради. Съезд ҳужжатларида халкаро форумларда жаҳон экономикасининг, савдо ва илмий-техник ҳамкорликни кенгайтиришнинг истикболларини биргаликда кўриб чикиш, XX асрнинг иккинчи ярмида инсоният олдида кўндаланг бўлиб турган атроф муҳитни муҳофаза қилиш, энергетика, хом ашё, озиқ-овкат ва демографик проблемалар, космосни ва жаҳон океани бойликларини тинчлик йўли билан ўзлаштириш ва шу сингари улкан вазифаларни ҳал этиш тўғрисидаги таклифлар илгари сурилган.

КПСС ва Совет давлатининг ташки сиёсат фаолиятини партия XXVII съезди карорлари асосида қайта қуриш капиталистик мамлакатлар билан ҳамкорликни янада ривожлантириш учун янги имкониятлар очади. Совет Иттифоки анъанавий савдо муносабатларини кенгайтириш билан бир каторда иктисодий алокаларнинг — кенг ишлаб чикариш кооперацияси, биргаликдаги корхоналарни ташкил этиш ва шу сингари янги формаларидан

актив фойдаланмоқда. Бу ўзаро фойдали иш бўлганлиги учун Ғарбдаги амалий доираларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Бунда пропагандист тингловчилар эътиборини шу нарсага жалб қилиши керак: капиталистик дунё билан иқтисодий-савдо муносабатлари фақат ўзаро ҳурмат ва тенг ҳуқуқлилик принципларига асосланган бўлиши мумкин. Бу — тараққиётнинг, халқаро вазиятни соғломлаштиришнинг, тинч-тотув яшаш принципларини мустаҳкамлашнинг муҳим омилидир.

СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАР ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИГИ РОЛИНИНГ ОШИБ БОРИШИ

Юқорида қайд қилиб ўтилганидек, социализм мамлакатлари, аввало ЎИЕҚга аъзо бўлган давлатлар билан ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик КПСС ва Совет давлати ташқи иқтисодий фаолиятининг бош йўналиши бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Бу бутунлай қонуний ҳолдир. Кўрсатиб ўтилганидек, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари социал-иқтисодий ва сиёсий тузумининг бир хиллиги, дунёқарашнинг бирлиги, синфий бирдамлиги ва улар мақсадларининг умумийлиги бу мамлакатларда ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришга, ўзларининг илмий-техникавий, иқтисодий ва социал тараққиётини жадаллаштиришга томон кескин бурилиш қилинаётганини олдиндан белгилаб беради.

Бунда пропагандист шуни таъкидлаши керакки, жаҳон социализмининг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришда Совет Иттифоқи ғоят муҳим роль ўйнайди. Унинг фан, техника ва ишлаб чиқаришдаги шак-шубҳасиз ютуқлари социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари томонидан биргаликда белгиланаётган планларни муваффақиятли тарзда амалга оширишнинг энг муҳим гаровларидан биридир. СССР ўзининг қардош социализм мамлакатлари олдидаги интернационал бурчини бажара бориб, империализм билан ҳарбий-стратегик мувозанатни тутиб туришда асосий оғирликни ўз зиммасига олган, ЎИЕҚга аъзо бўлган мамлакатларнинг хом ашё ва ёқилғига бўлган эҳтиёжларининг катта қисмини таъминлаб келади, илмий тадқиқотларни ривожлантиришда етакчи роль ўйнайди.

Ҳозирги пайтда ЎИЕҚ аъзолари бўлган мамлакатлар миллий хўжаликлари ҳамжиҳат иш тутишлари ва бир-бирини тўлдиришининг анча юқори даражасига эришилган. Улар ўртасида иқтисодий муносабатлар ва халқаро меҳнат тақсимотининг янгича типи вужудга келмоқда, уларнинг ҳамкорлиги миқдорий жиҳатдан ўсди ва сифат жиҳатдан ўзгарди, унинг ҳозирги шароитдаги олий формаси бўлган социал-иқтисодий интеграция қарор топди.

Интенсивлаштириш йўлига ўтиш нафақат ЎИЕҚга аъзо бўлган мамлакатлардан ҳар бирининг меҳнаткашлари куч-ғайратларига, шу билан бирга уларнинг ўзаро ҳамкорлиги чуқурлаштирилишига ҳам боғлиқдир. 1984 йил июнда Москвада бўлиб ўтган ЎИЕҚга аъзо бўлган мамлакатларнинг олий даражадаги Иқтисодий кенгаши социалистик ҳамдўстлик ҳаётида йирик воқеа бўлди, бу кенгашда социализм қурилишининг йирик проблемаларини ҳал этишга умумий стратегик ёндашув ишлаб чиқилди, моддий ишлаб чиқаришнинг асосий тармоқларидаги ҳамда фан ва техника соҳасидаги баҳамжиҳат ҳаракатнинг асосий йўналишлари белгилаб олинди. Халқ хўжалигини интенсивлаштириш ва Ғарбдан техникавий-иқтисодий мустақилликни кучайтиришга қаратилган биргаликдаги йўл белгилаб олинди. Фан-техника тараққиётини, ишлаб чиқаришдаги, аввало машинасозликдаги кооперацияни жадаллаштириш ЎИЕҚга аъзо мамлакатлар иқтисодий стратегиясининг етакчи бўғини деб тан олинди, бу бўғин интенсивлаштириш муваффақиятини белгилаб беради.

Иқтисодий кенгаш қарорларига биноан ЎИЕҚнинг 41-сессиясида (Москва, 1985 йил декабрь) ЎИЕҚга аъзо бўлган мамлакатларнинг 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган фан-техника тараққиётининг Комплекс программаси қабул қилинди. «Унинг моҳияти, — деб кўрсатиб ўтилди КПСС МҚнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида, — Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатларининг келишиб олинган фан-техника сиёсатига ўтишидан иборат».

Фан-техника тараққиётининг Комплекс программасида ҳамкорликнинг 5 асосий йўналиши белгиланган:

— халқ хўжалигини электронлаштириш;

— асосий ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс тарзда автоматлаштириш;

— ЎИЕҚ мамлакатларининг энергетика балансида атом электростанциялари ҳиссасини анча ошириш;

— олдиндан белгилаб берилган хусусиятларга эга янги материалларни, шунингдек уларни ишлаб чиқариш ва уларга ишлов бериш технологияларини яратиш;

— биотехнологияни ривожлантиришда кескин революцион ўзгаришни таъминлаш.

Фан, техника ва ишлаб чиқаришдаги ҳозирги революцион силжишлар негизини ташкил этувчи бу йўналишлар ЎИЕҚга аъзо мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик билан боғлиқ бўлган, уларни ўзаро қизиқтирадиган соҳаларда келишиб олинган илмий-техникавий сиёсатни, манфаатдор мамлакатларнинг эса — ягона илмий-техникавий сиёсатни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Комплекс программанинг қабул қилиниши социалистик иқтисодий интеграцияни ривожлантиришда янги босқич бўлиб, у ишлаб чиқариш циклининг барча босқичларини: фундаментал илмий тадқиқотлар, илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини, энг яхши намуналарнинг ишлаб чиқаришга жорий этилишини, ишлаб чиқаришни чуқур ихтисослаштириш ва кооперациялаш асосида янги маҳсулотларни сериялар билан ва оммавий ишлаб чиқаришни ташкил қилишни, янги техника ва технологияга биргаликда хизмат кўрсатишни қамраб олади.

Бу коллектив программа социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг баҳамжиҳат ҳаракатида янгича сифатга — уларнинг фан ва техника соҳасидаги ҳамкорлигининг улар томонидан келишиб олинган ягона илмий-техникавий сиёсат асосида технологик интеграцияга ўсиб ўтишига эришишига ундайди.

М. С. Горбачев Германия Бирлашган Социалистик партиясининг XI съездида сўзлаган нутқида ЎИЕК мамлакатларининг 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган фан-техника тараққиёти Комплекс программасининг улкан аҳамиятини таъкидлаб, шундай деган эди: «Гап аслини олганда ҳамкорлигимизнинг янги хўжалик механизми тўғрисида бормоқда. Бу борада дадил экспериментлар ўтказиш, бюрократик ва маҳкамачилик тўсиқларини, фикр юритишнинг эскирган шаблонларини, хўжалик ходимларининг бир қисми томонидан ҳамкорликнинг муҳимлиги ва самаралигига етарлича эътибор берилмаслигини бартараф қилиш керак бўлади».

Комплекс программанинг ҳаётга татбиқ қилиниши ЎИЕКга аъзо бўлган мамлакатлар экономикасининг структура жиҳатдан чуқур қайта қурилишига олиб келади, уларнинг ишлаб чиқариш базасини янгилашга ёрдам беради, 2000 йилга бориб ижтимоий меҳнат унумдорлигини камида икки марта оширишга, миллий даромад бирлигига энергия ва хом ашёнинг солиштирма сарфини кескин камайтиришга, ўз ресурсларини сафарбар қилиш ва ўзаро ҳамкорликни кучайтириш ҳисобига хом ашё ва ёқилғи-энергетика проблемаларини ҳал этишга эришишга имкон беради. Қўйилган мақсадларга эришиш социализмнинг капитализм билан тинчлик асосида олиб борадиган мусобақасидаги мавқеини анча мустаҳкамлайди.

Комплекс программадан келиб чиқадиган вазифалар СССРни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг Асосий йўналишларида ҳисобга олинган, ўн иккинчи беш йиллик планига киритилган.

Комплекс программани амалга ошириш жараёнида СССРда ҳозирнинг ўзидаёқ принципиал янги типдаги 16 ташкилот — тармоқлараро илмий-техник комплекслар ташкил этилмоқда, уларнинг қарийб ҳаммаси ана шу программа проблемалари бўйича марказий корхоналар ҳисобланади. 400 га яқин совет ташкилотлари ва ЎИЕК бошқа мамлакатларининг мингдан зиёд корхоналари ва ташкилотлари фан-техника тараққиётининг Комплекс программасини амалга оширишга жалб қилинган. Илмий тадқиқотлар — ишлаб чиқариш — маҳсулотни реализация қилишдан иборат бутун циклни қамраб оладиган ҳамкорлик тўғрисидаги комплекс халқаро шартномалар тузиш практикасини кенгайтириш ҳам муҳим роль ўйнаши лозим.

КПСС XXVII съездининг ва шундан кейин бўлиб ўтган қардош социализм мамлакатлари идора қилувчи коммунистик ва ишчи партиялари навбатдаги съездларининг қарорлари социалистик иқтисодий интеграцияни ривожлантиришда янги босқич бўлди. Съездлар ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш йўлини белгилаб, бундай интенсивлаштириш аввало ишлаб чиқаришни энг илғор техника ва технология асосида тубдан ўзгартириш эвазига таъминланиши лозим деб кўрсатиб ўтди.

Социалистик иқтисодий интеграциянинг сифат жиҳатдан янги даражага эришиши масалалари ЎИЕКга аъзо бўлган мамлакатлар қардош партиялари раҳбарларининг 1986 йил ноябрда Москвада бўлиб ўтган амалий учрашувида кескин қилиб қўйилди. Учрашувда хўжалик соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш, ЎИЕК фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий проблемалари, социализмнинг бунёдкорлик потенциалини янада тўлароқ очиш имкониятлари муҳокама қилинди. Иқтисодий соҳадаги муносабатларни янада чуқурлаштиришга, мамлакатлар социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш мақсадида хўжалик соҳасидаги ва илмий-техникавий ўзаро ҳамкорликнинг янги, энг илғор формаларидан фойдаланишга алоҳида эътибор берилди. Учрашув қатнашчилари ЎИЕКга аъзо бўлган мамлакатларнинг иқтисодий ҳамкорлигида комплекс характердаги ўзгаришлар қилиш, унинг форма ва методларини кескин янгилаш зарур деган якдил фикрга келдилар.

Айни шу фикр М. С. Горбачевнинг 1987 йил апрелда Прагада Чехословакия — Совет дўстлиги митингида сўзлаган нутқида ҳам айтилди. У шундай деб таъкидлади: «Бироқ ҳамкорликнинг ўтмишда қарор топган кўпгина форма ва методлари ҳозир замонавий имкониятлар ва эҳтиёжларга мос келмай қолмоқда. Айтиш мумкинки, жаҳон системаси сифатида социализмнинг таркиб топиш даври ўтди. Янги давр бошланди, бу давр мамлакатларимиз баҳамжиҳат ҳаракатларининг бутун системасини сифат жиҳатидан янги даражага кўтаришни талаб қилмоқда».

Ҳозирги шароитда ташқи савдо обороти структурасини интенсив қайта қуриш жараёни, асосан савдога оид алоқалардан ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялашга, умумлаштиришни давлатлараро хўжаликка оид ўзаро муносабатлар соҳасига изчиллик билан кўчиришга ўтиш юз бермоқда.

Аввало маҳсулотлар кўплаб турларининг сифатини, техникавий даражасини ва рақобат қила олиш қобилиятини ошириш, ЎИЕК бозоридаги танқис молларга таклифни кенгайтириш ҳисобига социалистик иқтисодий интеграцияни чуқурлаштиришнинг резервлари аниқланяпти. Бу истиқболда ўзаро савдо суръатларини оширишга имкон беради.

1986—1990 йилларга мўлжалланган беш йиллик планларига қараганда ЎИЕК мамлакатларининг кўпчилиги асосий эътиборни экономика ва ташқи алоқаларни балансланштирилган ҳолда ровожлантиришга, миқдорий эмас, балки сифат кўрсаткичларини яхшилашга қаратишмоқда. Техника жиҳатдан реконструкциялаш ва замонавийлаштириш, ЎИЕК мамлакатлари халқ хўжалик комплексларининг структурасини такомиллаштириш бу мамлакатларнинг ривожланиш динамикасига тобора кўпроқ таъсир кўрсатмоқда.

Пропагандист яна шуни ҳам қайд қилиши керакки, КПСС, бошқа қардош партиялар ҳужжатларида, улар раҳбарларининг нутқларида ҳар бир партия ва мамлакат нафақат ўз манфаатлари, шу билан бирга социалистик ҳамдўстликнинг умумий манфаатлари тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилган тақдирдагина муваффақиятга эришиш мумкинлиги кўп марта таъкидланган. Иқтисодий муносабатларда ўзаро фойдалилик ва ўзаро ёрдам принципларига изчиллик билан амал қилиш лозим.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ҳозирча иқтисодий ривожланишнинг турли даражаларида туришибди. Улар иқтисодий интеграцияга қаратилган йўлни изчиллик билан амалга ошира бориб кам ривожланган мамлакатларга уларнинг экономикасини ўстиришда ёрдам беришлари керак, бу пировард оқибатда бутун социалистик ҳамдўстликнинг иқтисодий ривожланиш даражасини бараварлаштиришга олиб келади. «Партия шунга асосланадики, — дейилади КПСС Программасида, — интеграция ҳамдўстлик мамлакатларида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ва социалистик турмуш тарзининг тараққиётига, уларнинг иқтисодий ривожланиш даражаларини бараварлаштириш жараёнини тезлаштиришга, социализмнинг дунёдаги позицияларини мустаҳкамлашга тобора кўпроқ даражада кўмаклашиши лозим».

Ҳозирги босқичда социалистик қурилиш тажрибаси билан ўртоқлашиш, бу тажрибани бойитишнинг аҳамияти кескин ошиб кетди, бу социализм мамлакатлари ҳамдўстлигининг ниҳоятда муҳим сифат хусусиятларидандир. КПСС XXVII съездида қайд қилинганидек, бунда социалистик дунёнинг улкан резерви мавжуд. Съездда социалистик ҳамдўстлик бошқа социализм мамлакатларидан қандайдир тўсиқлар билан ажратиб қўйилгани йўқ деб кўрсатиб ўтилди. Совет Иттифоқининг социалистик Хитой билан ўзаро муносабатларининг муайян даражада яхшиланганлиги бунинг далилидир. «Тафовутлар, жумладан, бир қанча халқаро проблемаларга ёндашувларда сақланиб қолмоқда, — дейилган эди КПСС МКнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида. — Аммо биз бошқа бир ҳолатни — кўп ҳолларда биргаликда ишлаш, бошқа мамлакатларга зарар етказмай, тенг ҳуқуқли ва принципиал асосда баҳамжиҳат ҳаракат қилиш имкониятини ҳам қайд этамиз... Келажакни ўйлаганда, СССР билан Хитой ҳамкорлигининг резервлари жуда катта дейиш мумкин. Бу резервлар жуда катталигининг сабаби шуки, бундай ҳамкорлик иккала мамлакатнинг манфаатларига мос бўлиб тушади; яна бир сабаби шуки, халқларимиз учун энг азиз бўлган социализм ва тинчлик бир-биридан ажралмасдир».

Бу масаланинг кўриб чиқилиши муносабати билан пропагандист кейинги йилларда бутун дунё ва унинг социалистик қисми экономикасида Хитойнинг роли жадал ўсиб бораётганидан тингловчиларни хабардор қилади. Ўтган беш йилликда ХХР миллий даромадининг ўртача йиллик ўсиши — 9,9 процентни ташкил этди, бундай ўсиш саноат ишлаб чиқаришида — 10,7, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида — 11,4 процентдан иборат бўлди. Хитойнинг ташқи савдоси, шу жумладан Совет Иттифоқи билан ҳам жадал кенгайиб бормоқда. Мамлакатларимиз ўртасида бошқа соҳаларда ҳам ҳамкорлик тадбирлари белгиланмоқда. Масалан, 1987 йил апрелда Пекинда студентлар, стажёрлар ва ўқитувчилар алмашиб туриш тўғрисидаги протокол имзоланди. Томонлар шунингдек 1988—1990 йилларда халқ маорифи соҳасида ҳамкорлик қилиш плани лойиҳасини ҳам муҳокама қилдилар.

1987 йилнинг 12—13 май кунлари Москвада иқтисодий, савдо ва илмий-техникавий ҳамкорлик юзасидан Совет-Хитой комиссиясининг иккинчи мажлиси бўлиб ўтди. Томонлар социалистик қурилиш тажрибасини алмашишни кенгайтириш ниятида эканликларини билдирдилар, улар иккала мамлакат ўртасида савдонинг ўсиб бораётганлигини қайд қилдилар ва уни янада кенгайтириш йўлларини белгиладилар, иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикрлашиб олдилар, бунда кейинги йилларда СССР билан ХХР ўртасида узоқ муддатга мўлжалланган илмий-техникавий ҳамкорлик ўрнатилганлиги ва ривожланаётганлиги таъкидлаб ўтилди. «Совет Иттифоқи, — деб уқтирган эди М. С. Горбачев «Унита» газетаси редакциясининг саволларига жавобларида, —

иккита энг йирик социалистик давлат — СССР билан ХХР ўртасидаги муносабатларни тўла-тўкис нормаллаштиришга олиб борадиган йўналишда фаол ҳаракат қилмоқда. Кейинги вақтларда савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий алоқалар узлуксиз ривожланмоқда, баъзи актуал халқаро масалалар юзасидан сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказилмоқда».

СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАР ҲАМКОРЛИГИНИНГ ХЎЖАЛИК МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ҳозирги пайтда кўпгина социалистик мамлакатлар олдида иқтисодий бошқарув механизмини такомиллаштиришнинг кўп жиҳатдан ўхшаш проблемалари кўндаланг бўлиб турибди, бу ҳозирги социализмни ривожлантиришнинг умумий тенденциялари ва қонуниятлари мавжудлигини тасдиқлайди.

КПСС XXVII съезди ва қардош мамлакатлар идора қилувчи партияларининг навбатдаги съездлари томонидан қўйилган сифат жиҳатидан янги вазифаларни ҳал этиш, деб қайд қилади пропагандист, ЎИЁК аъзолари бўлган давлатлар ҳамкорлиги механизмининг ўзини янада такомиллаштириш зарурлигини тақозо этмоқда.

Экстенсив ривожланиш даврида қарор топган эски, анъанавий йўллар, одат бўлиб қолган формалар ҳозирги босқичда ҳамкорликнинг жўшқин ривожланишини таъминлай олмайди, шу туфайли қардош мамлакатлар баҳамжиҳат ҳаракатларининг ҳамма соҳаларида янада самарали, дадил ва қулай методлар зарур. Иқтисодий ривожланиш эҳтиёжлари ижодий новаторлик ёндашуви, ҳамкорликнинг янги йўлларини излаш зарурлигини тақозо қилмоқда. М. С. Горбачев шу муносабат билан ГБСП XI съездида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, «ҳозирги пайтда социалистик мамлакатлар улар ўртасидаги ҳамкорлик янги даражага кўтарилиши лозим бўлган босқичга қадам қўймоқдалар». Давлат микёсидаги иқтисодий сиёсатни энг қулай координация қилиш билан бир қаторда корхоналар ва тармоқларнинг тўғридан-тўғри баҳамжиҳат ҳаракат қилишларига эришиш, бевосита хўжалик алоқаларини ривожлантириш, биргаликдаги бирлашмалар, конструкторлик бюролари ва лабораторияларни ташкил этиш зарур, бу қардош мамлакатлар иқтисодий ҳамкорлигининг истиқболли йўналишларидан биридир.

Бунда пропагандист социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари корхоналари ва бирлашмалари ўртасидаги бевосита алоқаларнинг ривожлантирилиши давлатлар ва конкрет тармоқлар даражасидаги ҳамкорлик ўрнини эгалламаслигини, балки уни тўлдиришини, олий даражадаги принципиал битимларнинг ишончли ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлашини тингловчиларга тушунтириб ўтиши лозим. «КПСС, — дейилади партия Программасида, — қардош партияларнинг иқтисодий сиёсатни келишиб олиш, хўжалик соҳасидаги баҳамжиҳат ҳаракатларнинг механизмини такомиллаштириш, унинг янги формаларини қидириш, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялашни чуқурлаштириш, планларни мувофиқлаштириб туриш, илғор тажрибани баҳам кўриш, бирлашмалар ва корхоналар ўртасида бевосита алоқаларни йўлга қўйиш юзасидан коллектив ишда актив қатнашаверади».

Партия XXVII съезди йўл-йўриқларини амалга ошириш юзасидан КПСС МҚ ва СССР Министрлар Совети 1986 йил августида «Ташқи иқтисодий алоқаларни бошқаришни такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида» ва «Социалистик мамлакатлар билан иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни бошқаришни такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида» қарорлар қабул қилди. Бу қарорларда социалистик мамлакатлар билан иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни бошқариш соҳасида қатор йирик тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. СССРнинг социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан савдо, илмий-техникавий ва ишлаб чиқаришга оид алоқаларининг қарор топган микёслари, структураси ва формалари, деб қайд қилинади қарорларда, халқ хўжалигини интенсивлаш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш эҳтиёжларига тўғри келмай қолди. Ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт учун юқори самарали товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришдан, импорт ресурсларни тежаб фойдаланишдан манфаатдорлигини ошириш мақсадида 1987 йилнинг 1 январидан бошлаб СССРдаги 20 дан зиёд министрлик ва идораларга, шунингдек 70 та йирик бирлашмалар ва корхоналарга экспорт-импорт операцияларини (капиталистик ва ривожланаётган мамлакатлар бозорлари билан бирга) тўғридан-тўғри амалга ошириш ҳуқуқи берилди. Бошқа министрликлар, ташкилотлар ва корхоналар ҳам тегишли шарт-шароитларни яратишларига қараб ана шундай ҳуқуқларга эга бўладилар.

Қарорларда совет бирлашмалари ва корхоналарига ЎИЁКга аъзо бўлган мамлакатларнинг корхоналари ва ташкилотлари билан тўғридан-тўғри алоқаларни ривожлантиришда кооперациянинг барча масалаларини мустақил ҳолда ҳал этиш, шериклар танлаш ва шу сингари кенг ҳуқуқлар берилиши алоҳида кўрсатиб ўтилган. Совет бирлашмалари ва корхоналарининг ЎИЁКга аъзо бўлган мамлакатларнинг 2000 йилгача бўлга даврга мўлжалланган фан-техника тараққиётининг Комплекс программасини амалга оширишда, жумладан, биргаликда илмий-тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик ва экспериментал ишларни

ўтказишда, ўзаро келишиб олинган шарт-шароитлар асосида илмий-техникавий хужжатларни ўзаро алмашишда бевосита иштирок қилишлари учун катта имкониятлар очилмоқда.

Шунингдек, Совет Иттифоқи ва ЎИЕКга аъзо бўлган бошқа мамлакатлар территорияларида умумий мулк асосидаги биргаликдаги корхоналарни, миллий мулк сақланиб қоладиган, лекин биргаликдаги фаолият мувофиқлаштирилган умумий планлар асосида амалга ошириладиган халқаро бирлашмалар ва ташкилотларни ташкил этиш мўлжалланмоқда. Биргаликдаги корхоналар тўла хўжалик ҳисоби асосида ишлайдиган, экспорт ва импорт операциялари, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга баҳоларни келишиб олиш, шартномалар тузиш ва шу сингари соҳаларда кенг ҳуқуқларга эга, хўжалик жиҳатидан мустақил ташкилотлар бўлади.

Пропагандист тингловчилар эътиборини КПСС МК ва Совет ҳукуматининг ана шу қарорларида белгиланган ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш тадбирлари СССРда бирлашмалар ва корхоналарнинг ҳуқуқлари ва бурчларини жиддий кенгайтириш, уларни тўла хўжалик ҳисобига ва маблағ билан ўз-ўзини таъминлашга ўтказиш юзасидан олиб борилаётган тадбирларнинг умумий оқимига ҳамоҳанг эканлигига қаратиши керак.

ЎИЕКга аъзо бўлган барча мамлакатларда ҳамкорликнинг янги формаларини янада ривожлантириш учун ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий асослар яратилмоқда. Масалан, ЧССРда 1986 йилнинг 1 июлидан бошлаб бу мамлакатнинг социалистик ташкилотлари билан бошқа қардош мамлакатлар ташкилотлари ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатишнинг Асосий қоидалари кучга кирди.

Ҳозирнинг ўзидаёқ совет бирлашмалари ва корхоналарининг қардош социализм мамлакатларининг кўплаб ташкилотлари билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатилган. Масалан, Ленинграддаги «Электросила» бирлашмаси, Москвадаги илмий-тадқиқот институтлари олимлари ва мутахассисларининг Чехословакиянинг Пльзень шаҳридаги «Шкода» машинасозлик комбинати билан илмий-техникавий ҳамкорлиги ўзаро келишиб олинган планга мувофиқ ривожланмоқда. Клемент Готвальд номли Витковск металлургия ва машинасозлик комбинати (ЧССР) билан Совет Иттифоқининг «Лифтмаш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатиш тўғрисида битим имзоланган, унда биргаликдаги илмий-тадқиқот ишларининг ўтказилиши, микроэлектроника билан жиҳозланган юк кўтариш ускуналарининг янги типларини ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш кўзда тутилган.

Ленинграддаги «Буревестник» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси «Карл Цейс Йена» комбинати (ГДР) билан 1975 йилдан бери ҳамкорлик қилиб келади. Яқинда шерикларнинг иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш йўлида муҳим қадам ташланди. Структуравий ва спектрал анализ аппаратлари ҳамда элементларини биргаликда ишлаб чиқиш, рентген техникаси ишлаб чиқариш ва юзани тадқиқ қилишга ихтисослаштириш ҳамда кооперациялаш мўлжалланмоқда. Бунда иккала коллективнинг биргаликдаги иши бундан буён ҳар иккала мамлакат тегишли министрликларининг воситачилигисиз амалга ошириладиган бўлади.

Венгрияда «Тунгсрам» бирлашмаси мутахассислари ва уларнинг совет ҳамкасблари ҳамдўстлигида «Бета» роботи ишлаб чиқилди ва синовдан ўтказилди. Ана шу кўп мақсадли машинанинг механикага оид қисми халқаро кооперация доирасида СССРда, электрон бошқарув приборлари, моторларнинг узатма қайишлари эса — ВХРда тайёрланади.

Польшада Познандаги Совет Иттифоқида ишлаб чиқарилган тепловозларни ремонт қилиш маркази билан Полтавадаги темир йўл корхоналари коллективлари ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқалар тўғрисида шартнома имзоланди. Ишчилар ва мутахассислар бригадалари билан алмашиш, ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантириш, партия комитетлари, касаба союзлар ва ёшлар ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш ва шу сингарилар мўлжалланмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ 600 га яқин Совет ва Польша меҳнат коллективлари тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатишган.

ЎИЕКга аъзо бўлган мамлакатлар корхоналари ўртасидаги бевосита алоқалар ҳамкорликнинг навбатдаги, янада юқори даражасига ўтиш — ўз харажатини ўзи қоплаш ва маблағ билан ўз-ўзини таъминлаш принциплари асосида амал қиладиган биргаликдаги корхоналарни ташкил қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратади. Ҳозирнинг ўзидаёқ бу соҳада муайян тажриба мавжуд. Масалан, мис-молибден рудаларини қазиб оладиган ва қайта ишлайдиган Совет — Монголия «Эрдэнэт кон-бойитиш комбинати — дунёдаги шу турдаги энг йирик корхоналардан бири 10 йилдан кўпроқ вақтдан бери ишлаб турибди. Халқаро «Интерлихтер» корхонаси ўзини яхши томондан кўрсатди, БХР, ВХР, СССР ва ЧССРнинг кемачилик компаниялари унинг аъзоларидир. Кўмир конларидан чиқарилган тупроқларни қайта ишлайдиган Польша—Венгрия «Халдэкс» корхонаси, «Дружба» (ПХР—ГДР) ип йигириш корхонаси муваффақиятли ишлаб турибди. Лекин шуни ҳам қайд қилиш кераки, кейинги вақтларгача ҳамкорликнинг бундай формаси кенг тарқалмаган эди.

Эндиликда биргаликдаги корхоналар ва бирлашмалар миқдори тобора кўпаймоқда, бунда улар қардош мамлакатлар ҳамкорлигида сифат жиҳатидан янги роль ўйнамоқдалар ва муҳим илмий-ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал этишга қаратилгандирлар. Буни

1985 йилнинг октябрида ташкил этилган Совет—Болгария станоксозлик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси мисолида яхши кўрса бўлади, унда Совет томонидан — Ивановодаги станоксозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Москвадаги «Красний пролетарий» станоксозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, Болгария томонидан эса — «Металл кесадиган станоклар заводлари» (София шаҳри) Давлат хўжалик бирлашмаси ва «Берое» (Стара Загора шаҳри) роботсозлик илмий-ишлаб чиқариш комбинати қатнашмоқда.

КПСС ва Совет ҳукуматининг қардош мамлакатлар билан ана шу йўналишдаги иқтисодий ҳамкорликни янада кучайтиришга доир фаолияти КПСС XXVII съездидан сўнг ғоят кенг авж олиб кетди.

СССР, БХР, ВХР, ГДР, ПХР ва ЧССРнинг хўжалик бўғинлари ўртасидаги бевосита ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий алоқаларни ривожлантириш тўғрисидаги икки томонлама ҳукуматлараро битимларнинг имзоланиши қардош социализм мамлакатларининг ана шу йўналишдаги ҳамкорлигини янада такомиллаштириш учун муҳим замин бўлди.

Масалан, Чехословакияда Совет—Чехословакия «Робот» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Нитра шаҳрида биотехнология лабораторияси, Братиславада сунъий интеллект проблемаларига доир базавий лаборатория муваффақиятли ишлаб турибди. Биргаликдаги Совет—Чехословакия «Шкода—Уралмаш» корхонасини ҳамда Клемент Готвальд номли Витковск металлургия ва машинасозлик комбинати ҳамда Новокраматор машинасозлик заводидан иборат илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасини ташкил қилиш масалалари кўриб чиқилмоқда. Венгрияда 1986 йили дастлабки биргаликдаги Совет—Венгрия «Микромед» медицина асбоб-ускуналарини ишлаб чиқариш корхонаси, шунингдек учта биргаликдаги илмий-тадқиқот ташкилоти тузилди. 1987 йилнинг апрелида Москвада микроэлектроника учун технологик асбоб-ускуналарни ишлаб чиқаришга доир яна бир Совет—Болгария халқаро бирлашмасини ташкил қилиш тўғрисида битим имзоланди.

Темани кўриб чиқиш якунида пропагандист яна бир марта тингловчилар эътиборини қардош мамлакатлар ҳамкорлигининг социалистик интернационализм, тенг ҳуқуқлилик ва масъулиятлилик, иқтисодий соҳадаги ўзаро фойдалилик ва ўзаро ёрдам принциплари асосида чуқурлаштирилиши ва такомиллаштирилиши, социалистик қурилиш тажрибаси билан баҳам кўришни ва уни биргаликда умумлаштириш ҳамда фойдаланишни ҳар тарафлама кенгайтириш қардош мамлакатлар социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга, халқлар фаровонлигини оширишга, социализмнинг бунёдкорлик потенциалини янада тўлароқ намоён этишга, икки жаҳон системаси мусобақаси жараёнида социализм мавқеини янада мустаҳкамлашга ёрдам беришига қаратади.

ТЕМАГА ОИД АДАБИЁТ

К. М а р к с. **Сиёсий иқтисод танқиди.** — К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 46-том, II қисм, 202—215-бетлар.

В. И. Л е н и н. **Фан-техника ишларининг хомаки плани.** Тўла Асарлар тўплами, 36-том, 258—261-бетлар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездининг материаллари. — «Ўзбекистон», 1986. 81—82, 287—290, 368—370-бетлар.

Комплексная программа научно-технического прогресса стран членов СЭВ до 2000 года. Основние положения. М., Экономика, 1986.

СССР—ГДР: дружба и сотрудничество. Документы и материалы об участии делегации КПСС во главе с М. С. Горбачевым в работе XI съезда СЕПГ. Берлин, 16—22 апреля 1986 года. М., Политиздат, 1986.

СССР—ПНР: сотрудничество растет и крепнет. Документы и материалы об участии делегации КПСС во главе с М. С. Горбачевым в работе X съезда ПОРП. Варшава. 28 июня — 4 июля 1986 года. М., Политиздат, 1986.

М. С. Г о р б а ч е в. **Чехословакия—Совет дўстлиги митингида 1987 йил 10 апрелда сўзлаган нутқ.** «Совет Ўзбекистони», 1987 йил 12 апрель.

А б о л и х и н а Г., Б а к о в е ц к и й О. **Новые формы социалистической экономической интеграции.** — «Политическое самообразование», 1987, № 3, с. 114—117.

Б о г о м о л о в О. **На переломе.** — «Новое время», 1987, № 1, с. 20—22.

П о п о в Б., П у г а ч е в Б. **Страны СЭВ: курсом ускорения и сотрудничества.** «Политическое самообразование», 1987, № 3, с. 105—113.

ЭРОН—ИРОҚ: БИРОДАРКУШЛИК УРУШИ

С. МУРОТОВ

БУТУН майдони 435 минг квадрат километр, аҳолиси — 16 миллион киши бўлган араб давлати Ироқ билан ер майдони 1648 минг квадрат километр, аҳолиси — 44 миллионга яқин бўлган Эрон ўртасида 1980 йил сентябрда бошланган уруш узоқ давом этган қуролли можарога айланиб кетди. Жанг ҳаракатлари гоҳ қисқа муддат пасайиб, гоҳ янада янги куч билан алангаланиб, мана етти йилдирки амалда тўхтамаётир, аксинча тобора кўпроқ қонли ва кенг кўламли характер касб этмоқдаки, бу бутун региондаги тинчлик иши ва осойишталик учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Хўш, жанжалнинг асосий сабаби нимада? Бу саволга бир сўз билан жавоб бериш осон эмас. Кўп йиллар давомида Эрон билан Ироқни тарихий тақдирларидаги, маданий, социал ва сиёсий ривожланишларидаги муштараклик бирлаштириб келган эди. Бироқ мазкур давлатларда узоқ хукмронлик қилиб келган капиталистик мамлакатлар бу ерлардан кетар эканлар, жаҳоннинг стратегик ва иқтисодий жиҳатдан муҳим бўлган ана шу районида контролликни яна ўзларига қайтариб олиш учун фойдаланиб қолиш мақсадида кўплаб низо уруғларини сочдилар. Империалистик давлатлар етмишинчи йилларда ана шу регионда ўз манфаатларини таъминлашга интилиб, бунинг учун аввало Исроилга ва Шоҳ Эронига таяниб иш кўрганликларини ҳеч қачон яширмадилар. Масалан, араб миллий-озодлик ҳаракатига қарши курашда жандармлик функциясини бажарувчи қўғирчоқлик роли айни шуларга берилган эди. Ғарб, биринчи навбатда АҚШ арабларни бир-биридан ажратиб юборишда ана шу икки давлатдан зўр бериб фойдаланди.

Вашингтон, Лондон ва Парижда Ироқда республикачи баасистлар режими қарор топганлигини ўз «ҳаётий манфаатларига» жиддий таҳдид деб билдилар. Улар мустамлакачиларнинг «ажратиб ташла ва ҳукмронлик қил» деган эски тактикасини ишга солдилар. Империалистик сиёсатчилар Теҳронни Бағдодга қарши чиқишга гиж-гижлатдилар. Бунинг учун баҳона ҳам топилди: 1974 йил мартида Ироқнинг шимолида Барзони етакчилигидаги курдлар билан ироқ армияси ўртасида ҳарбий тўқнашувлар келиб чиқди. Эрон курд исёнчиларини маънавий ва моддий жиҳатдан қувватлаб турди. Ироқ ҳам дарҳол бунга жавобан Эроннинг нефтга бой бўлган районларидан бири, Арабистон (Ҳузистон) деб аталувчи районнинг мустақиллигини талаб қилиб чиқаётганларга нисбатан ўз хайрихоҳлигини билдира бошлади. Бу районнинг 3,5 миллион аҳолисидан 2,5 миллионини араблар ташкил этади. 1979 йилдан кейин эронликлар томонидан «ислом революцияси» ғояларини пропаганда қилиш активлашди, ироқли шиаларга (мамлакат аҳолисининг тахминан 50 проценти) қарата у ердаги «бетовфиқ раҳбарларни» ағдариб ташлаш ҳақидаги даъватлар тез-тез эшитила бошлади. Зиддиятларнинг чигал тугунида этник, диний проблемалар, умумий майдони 372 квадрат километр келадиган арзимаган участка тўғрисидаги территория ва чегарага оид низолар ҳаммаси чатишиб кетди. Бунинг устига Бағдоддан ва баъзи араб давлатларининг пойтахтларидан араблар Ҳузистонига автономия берилишини талаб қила бошладилар.

Региондаги асрлардан бери келаётган зиддиятларни мураккаблаштирган барча воқеаларга нисбатан Вашингтоннинг позицияси жуда ҳам антиқа. «АҚШ билан Эрон, — деб ёзган эди «Нью-Йорк таймс» газетаси, — ироқлиларни ранжитишдан манфаатдор бўлганларида биз курдларнинг исёнини рағбатлантириб, уларни қурол-яроғ билан таъминлаб турдик; бироқ Эрон билан Ироқ ўзаро муросага келишгач, Қўшма Штатлар ва Эрон курдлик мижозларини ўз ҳолига ташлаб қўйишди». Араб-форс рақобатини авж олдирар экан, Оқ уй региондаги консерватив режимларнинг ҳаддан ташқари радикал қўшниларидан қўрқувга тушаётганларидан фойдаланди. Айни вақтда Вашингтон араб-форс низосидан фойдаланиб, араб мамлакатларини, аввало Ироқни Эронга қарши актив ҳаракат қилишга ундашга интилди.

Америка империализми араблар бирлигига зарба бериш ва Эронда ўзининг аввалги бир вақтлардаги ҳукмронлигини янада тиклаш учун бир-бирига қарши курашаётган томонларнинг ҳар қайсисидан ҳам фойдаланди. Пентагон Ормуз кўрфази томон 60 дан ортиқ ҳарбий кемаларини юборди. Вашингтон регионда янги базаларни барпо этиш учун янада актив курашди.

1980 йилнинг 3 сентябригача эронликлар ҳаво чегараларини 500 марта буздилар, 4 сентябрда эса Бағдодда эрон артиллерияси Ироқ территориясини ўққа тутди деб эълон қилинди. Шундан кейинги кунларда чегарада тез-тез қуролли тўқнашувлар бўлиб турди. 17 сентябрда Ироқ Эрон билан чегаралар ва яхши қўшничилик муносабатлари тўғрисида 1975 йилда тузилган Жазоир шартномасини бекор қилди. 22 сентябрда эса унинг қўшинлари ҳужумга ўтиб, «агрессор билан унинг ўз ерида кураш олиб бориш» мақсадида чегаранинг жанубий ва марказий қисмида истеҳкомларни эгаллади.

Ўтган йиллар ичида уруш йирик жанглардан тортиб то позицион отишмаларгача — турли характер касб этди, шиддатли тўқнашувлар ва узоқ муддатли осойишталик ҳам, ҳар икки томондан жуда катта ҳужумлар хам бўлди. Уруш ҳаракатларининг дастлабки босқичида Ироқ қисмлари Эронга бостириб кириб, жангларни унинг территориясида олиб боришга муваффақ бўлдилар. Бироқ кўп ўтмай ташаббус Эрон қўшинлари қўлига ўтди, улар ўз позицияларини мустаҳкамлаб, давлат чегарасига чиқиб олдилар. Узоқ вақтгача уруш позицион характер касб этди. 1982 йилнинг баҳоридан бошлаб оператив вазият ўзгарди. Ўша йилнинг ўрталарида жанглар минг километрдан ортиқ масофадаги чегара бўйлаб авж олиб кетди. Кейинроқ унинг алангаси Форс кўрфазасининг шимолий қисмига ҳам ёйилиб, у ердаги нефть иншоотлари ва денгиз кемалари нишонга олинди. Унинг сувларида шу кунгача ҳам жуда катта ўт алангаси ҳавога кўтарилиб турди, баъзан эса ракеталар билан ўққа тутилган, Эрондан ва ушбу райондаги бошқа мамлакатлардан нефть олиб чиқиб кетаётган танкерлар ёнади. «Танкер уруши» 1984 йилда «шаҳарлар» урушига ўсиб чиқди, чунки урушаётган томонлар БМТ Бош секретарининг ёрдами билан граждан объектларига ҳужум қилишдан воз кечиш тўғрисида ўзлари келишган битимни бузиб, аҳоли яшайдиган пунктларни, шу жумладан Бағдод ва Теҳронни ҳам бомба, ракета ва артиллериядан ёппасига ўққа тута бошладилар. Натижада кўплаб саноат корхоналари ва уй-жой кварталлари вайрон қилинди, тинч аҳоли орасида неча минглаб кишилар ҳалок бўлди, ҳаво тревогаларидан ҳамма ваҳима ва қўрқувда яшади.

1986 йил ичида Ироқ ҳарбий-ҳаво кучларининг самолёт ва вертолётлари 13.144 жанговар учишни бажариб, фронт линияси бўйлаб душман қўшинлари тўпланган позиция ва районларга, шунингдек Эрон территорияси ичкарисидаги саноат ва ҳарбий объектларга ракета ва бомба билан зарба бердилар. Эрон ҳам позицион урушда вужудга келган тўсиқни бузиб, ҳужум ҳаракатларини Ироқ территориясига кўчиришга ҳаракат қилмоқда. Асосий зарба шимолда Хаж-Омранга, марказда — Мандала-Бағдодга, жанубда — Басрага қаратилган. Энг шиддатли жанглар жанубий участкада, Ироқнинг Форс кўрфазига чиқадиган тор йўлакда — 50 километрлик соҳил бўйи полосасида бормоқда.

Ҳозирги вақтда фронтнинг узунлиги, агар тўппа-тўғри йўлдан ҳисоблаганда, Бағдоддан тахминан 100 километр шарққа томон чегара бўйлаб 1200 километрга чўзилиб, шимолда Ироқ Курдистони тоғ тизмаларини кесиб ўтади ва жанубий участкада Шатт-эль-Араб дарёси оқадиган ботқоқликларга бориб тақалади. Икки томон ўз кучларини урушнинг бутун марралари бўйлаб жамламоқдалар. Ироқ

фронтга бир миллионга яқин кишини, асосан ёшларни ташлаган; Эрон 1,2 миллион кишини қурол остида ушлаб турибди.

Урушнинг алоҳида хусусияти, урушаётган томонларнинг ҳарбий қурилиш, идеология ва сиёсатидаги ўзига хос белгилар нимадан иборат? Эронда уруш давомида амалда урушдан кейинги йиллардагидан бутунлай фарқ қиладиган янги қуролли кучлар ташкил топди. Улар Эрон территориясида фронт линиясини узоқ стабиллаштириш даврида вужудга келди. Уларни «шайтон армия», яъни шоҳ қуролли кучларидан фарқли ўлароқ «ислом армияси» деб атайдилар. Бу ном узоқ ўтмиш практикасидан, ислом энди пайдо бўлган пайтда мусулмон қабилаларининг қўлида қурол кўтариб юришга яроқли барча аъзолари ҳарбий бурчни бажаришлари лозим бўлган пайтдан қолган. Эндиликда шу асосда жамоатчилик онгига зўр бериб «Эрон халқининг 20 миллионлик армияси» ҳақидаги концепция сингдирилмоқда. Янги режим мунтазам армияга тўла орқа қила олмади, чунки у турли хил сиёсий кучлар ўртасидаги кураш майдонига айланиб қолди. Яқинда «Ислом революцияси»дан кейин қолган ҳарбий ташкилотга ишончсизлик Ҳумайни режимини параллел равишда ишонса ва таянса бўладиган бошқа бир ҳарбий системани ташкил этишга мажбур қилди. Сўл кучлардан тозалангандан кейинги «посбонлар» деб аталувчи кўнгилли мудофаа отрядлари шундай система бўлиб, улар ислом революцияси посбонлари корпуси (ИРПК)нинг асосини ташкил этди. ИРПК министрлиги ташкил этилди, унинг аъзолари сони кўпайиб, 350 минг кишига етди. Бу муассасага олий диний раҳбарлик Р. М. Ҳумайнига бориб тақалади. Корпусга армия устидан сиёсий ва идеологик контрол функциялари берилган, унинг кадр состави «посбонларни» жанговар тайёрлашда қатнашадилар. Эрон янги қуролли кучларининг ана шу икки жиҳатидан ташқари яна бир учинчи — «йўқсилларни сафарбар этишни ташкил этиш» ёки қисқача «Сафарбар қилиш» (форсча «Басиж») функцияси ҳам бор. Унинг вазифаси мактаб ўқувчиларидан тортиб то кекса ёшдаги кишиларгача — минглаб эронликларни «ислом армияси» байроғи остида ўқитишдир.

Урушнинг маънавий ва идеологик жиҳатлари ҳам диққатга сазовордир. У миллатчилик ва диний шиорларга, тарихий аналогияларга тўлиб-тошган. Масалан, Ироқда ҳозирги урушни Кадис давридаги 637 йилги, араблар форсларни тор-мор қилган урушга ўхшатишади. Мамлакатда худди ана шу номда газета чиқарилиб, у фақат ҳарбий масалаларни ёритади. Эронда ўрта асрда вужудга келган «Ғазовот» — «динсизларга» қарши муқаддас уруш ҳақидаги идеологик шиорлар авж олгандир. Эрон пропагандаси «Ғазовот»нинг ўзини фидо қилиш сингари хусусиятига умид боғлаб, жангчиларнинг бўшлигини диний фанатизм билан қоплашга ҳаракат қилмоқда. Кўпинча ҳужумга ўтган қўшинлар олдида ўсмирлар бориб, улар мина майдонларида ўзларини портлатиб, бошқаларга йўл очадилар. «Ислом армияси» солдатларини жасоратга ундаш учун муллалар турли найрангларни ўйлаб топадилар. Масалан, «Рамазон» операцияси вақтида (1982 йил 14 июлда) жангчиларга атака олдидан пластмассадан қилинган калитлар топширишган, ҳалок бўлишса «у билан жаннат дарвозасини очишлари» керак.

Хўш, ана шу чоралар билан «посбонларнинг» маънавий потенциалини мустаҳкамлай олдиларми? Йўқ, албатта. Эрон қўшинларининг солдатлар оммаси урушнинг асл мақсадларини тушунишмайди, уларга мутаассиблик характерли бўлиб, бунинг асосий сабаби кўпинча диний маҳдудлик, руҳонийларга кўр-кўрона бўйсуниш, ҳарбий-техникавий билимнинг бўшлигидир. Натижада Эрон қуролли кучлари кўплаб одамларини йўқотмоқда, уларда қўшинларни бошқаришда тартибсизлик ҳукм сурмоқда, жанговар техникадан суст фойдаланилмоқда. Етти йиллик уруш шундай характер касб этдики, бунда жанговар ҳаракатларни профессионал ташкил этмасдан ва техникадан тўғри фойдаланмасдан туриб жанг майдонларидаги вазифаларни ҳал қилиш мумкин бўлмай қолди (ҳолбуки, ироқликлар томони худди шу нарсани эътиборга олиб иш кўрди). Ғарб матбуоти келтирган кўплаб мисолларга кўра, Эрон учувчилари кўпинча ироқлиларнинг «ер-ҳаво» ракеталари билан пухта мудофаа қилинган объектлари устида учишни хоҳлашмайди. Танкларнинг экипажлари кўпинча машиналарни ташлаб, тумтарақай қочиб кетиш ҳоллари ҳам оз эмас. «Посбонлар» эса қуршовда қолганларида «жаннатга» унча шошилмай, ёппасига асир бўлиб тушмоқдалар.

Узоққа чўзилган, бемаъни, биродаркушлик уруши ҳамон давом этмоқда. Бағдод, агар Теҳрон можарони тинч йўл билан ҳал этишга рози бўлмаса, «ҳарбий-ҳаво операциялари Эроннинг бутун территориясига ёйилади» деб эълон қилди. Шу билан бирга, шаҳар ва қишлоқларни тез-тез ўққа тутилаётганлигига сабаб — «қандай бўлмасин» Теҳронни урушни тўхтатишга ундашга, уни тинч музокаралар олиб бориш ғоясини қабул қилиш зарурлигига ишонтиришга интилишдан иборат эканлигини яширмаётирлар.

Ўз раҳбарларининг ана шу масалалар бўйича позициясини баён этар экан, Ироқ ташқи ишлар министри Т. Азиз БМТ Хавфсизлик кенгаши раисига йўллаган мактубида биринчи навбатда қабул қилиниши лозим бўлган қуйидаги чораларни санаб ўтди: барча ҳарбий ҳаракатларни ва ўт очишни тўхтатиш; қўшинларни халқаро эътироф этилган чегаралардан нарига олиб чиқиб кетиш; юқорида кўрсатилган тадбирларнинг амалга оширилишига ёрдам кўрсатиш учун БМТ Бош секретари ва Хавфсизлик кенгашининг ҳар икки томон билан бевосита алоқа ўрнатиши; ҳамма нарсани ўз ичига оладиган ва адолатли битимга эришиш мақсадида томонларнинг музокараларга киришиши.

Бағдоднинг нуқтаи назари Теҳронга маълум. Бироқ Теҳроннинг бунга муносабати ўз рақибига аввалроқ зарба беришга интилган мушкетёрни эслатади. Эроннинг расмий вакили баёнот билан чиқиб, унда унинг мамлакатига гўё «урушдан ҳам баттар» бўлган тинчликни зўрлаб мажбур қилишяпти, деган фикрни илгари сурди, чунки бу «ислом революцияси шуҳратини йўққа чиқарар» эмиш. Эрон ҳукумати «уруш ҳаракатларини босқичма-босқич тўхтатиш» формуласи билан чиқди, яъни биринчи навбатда ўзаро шаҳар ва иқтисодий объектларга хужум қилмаслик ҳақидаги, кемаларга ва нефть иншоотларига зарба бермаслик тўғрисидаги битимларга эришишни талаб қилмоқда. Айни вақтда ана шу қисман битимларни Теҳрон урушни тўхтатишга олиб борадиган тадбирлар билан боғламаётир. Мамлакатда кенг сафарбарлик тадбирлари: ёшларни ва кўнгиллиларни армияга ва ИРПКга навбатдаги чақиришлар, ҳарбий-техника, қурол-яроғ запасларини тўлдириш амалга оширилмоқда. Эронликларни янгидан-янги қурбонлар беришга, урушни «охирги ғалабагача» давом эттиришга тайёрлаш мақсадида аҳоли ўртасида зўр бериб пропаганда олиб борилмоқда. Хўш, бу шиорнинг моҳияти нимада? Эроннинг БМТдаги доимий вакили С. Раджаи-Хуросоний насиҳатгўйлик билан шундай дейди: «Биз Бағдоддаги ҳозирги режимни ағдариб ташлашни ўз вазифамиз деб ҳисоблаймиз ва бу ниятимиздан воз кечмоқчи эмасмиз». Гап ироқ халқига ижтимоий тузумнинг «Эронча моделини» мажбуран қабул қилдириш, уни демократик тузумлардан бирини эркин танлаб олиш ҳуқуқидан маҳрум этиш учун унга «ислом революциясини» экспорт қилиш устида бормоқда. Демак яна оғир жанглар бўлиши, минглаб қурбонлар берилиши, қанчадан-қанча техника мажақланиши, портлашлардан ерларнинг кули кўкка совурилиши керак. Эрон ўтган йиллар ичида 20 дан ортиқ ҳужум ўтказиб, унинг ҳар бирини «охирги ва ҳал қилувчи» ҳужум деб эълон қилиб келди.

Эрон-Ироқ уруши Ер юзидаги барча кризисли вазиятлар ичида Американинг Вьетнамга қарши қилган агрессиясидан кейин энг қонли тўқнашув бўлди. Жангларнинг нақадар кенг миқёсда ва шиддатли эканлигини берилган қурбонлар сони ҳам кўрсатиб турибдики, у жаҳон матбуотининг маълумотларига қараганда бир миллион кишидан ошади. Фақат Эроннинг ўзида 1986 йилнинг мартигача 700 минг киши ҳалок бўлди ва майиб қилинди, икки миллион киши қочоқларга айланди. Моддий талафот ҳам оз эмас: урушаётган томонларнинг экономикаси кўраётган зарар ҳар ойда тахминан бир миллиард долларга етади.

Норасмий маълумотларга қараганда Эроннинг нефтни экспорт қилишдан йилига олаётган 8,5 миллиард доллар даромадидан камида 5 миллиарди урушга сарфланмоқда. Оятулло Ҳумайнининг 20 миллион кишини қуроллантириш ҳақидаги топшириғини бажара бориб, ҳукумат мамлакатда «кўнгиллилар»ни ўқитиш бўйича 13 та марказ ташкил этди. Кўнгилли аскарлар сафида ҳозирча 4 миллион киши жанговар тайёргарликдан ўтди. Улардан бир миллионга яқини фронтда бўлдилар. Бомбалар зарбасидан 3 мингдан ортиқ аҳоли пунктларидаги қарийб 120 минг бино вайрон бўлди. Уруш халқ елкасига, биринчи навбатда унинг камбағал табақалари елкасига оғир юк бўлиб тушди. Нарх-наво қарийб беш баравар ошиб кетди. Мамлакатда 5 миллионга яқин ишсизлар бор. Турли хилдаги

товарлар етишмаяпти. Қашшоқлар ва инвалидлар сони кўпаймоқда. Ресурслар етишмаслигидан Эрон ҳукумати фронт участкаларини турли вилоятларга бириктиб қўйган бўлиб, улар армияни озиқ-овқат, кийим-кечак, пойабзал билан таъминлаш учун жавобгардирлар. Эронда урушга турли муносабатда бўлишмоқда. Баъзи ота-оналар ўз болаларини фронт учун қўшимча жангчиларни сафарбар этиш мақсадида ўқув юртларини текшириб юрадиган ёлловчилардан сақлаб қолиш учун уларни мактаблардан чиқариб олмоқдалар. Сўл кучлар вакиллари, барча онгли ватанпарварлар урушга изчил қарши чиқмоқдалар. Урушга қарши кайфият мунтазам армия орасида ҳам кучлидир. Айрим офицерларнинг олиб қочилган ҳарбий ва граждан самолётларида чет элга ўтиб кетиш ҳоллари тез-тез учраб турибди. Ҳатто руҳонийлар, яна унинг энг олий табақалари орасида ҳам урушни давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги масаласидаги қарашларда келишмовчиликлар мавжуд. Шаҳарларда урушга қарши намойишлар бўлиб ўтди.

Ироқ ҳам анча орқага қараб кетди. Мамлакат жанубидаги иқтисодий марказлар, у ерда жойлашган нефть портлари ишдан тўхтаб қолди. Кўп эркаклар фронтга кетганлиги муносабати билан ишчи кучи проблемаси кескинлашди. Уларнинг ўрнига хотин-қизлар ишламоқда. Шаҳарларнинг кўчаларида ўсмирлар ва ёшлар деярли кўринмай қолди. Юқори синф ўқувчилари ва студентларда «ҳарбий семестр» етти йилга чўзилиб кетди: улар ҳарбий тайёргарликдан ўтмоқдалар. Марш-сакрашлар, полигондаги отишлар, тўсиқлардан ўтиш машқлари — бу ишларга ўн минглаб кишилар жалб этилган. Бу тадбирларда уларнинг ўқитувчилари ҳам қатнашмоқда. Ҳарбий тайёргарликдан қизлар ҳам ўтишмоқда.

Уруш ҳаракатларини кенгайтиришдан Эрон ҳам, Ироқ ҳам бир хилда зарар кўрмоқда — иккови ҳам ҳолдан тоймоқда. Ҳар икки томоннинг иқтисодий талафоти шу қадар каттаки, Ироққа ўзини тиклаб олиш учун, ғарб манбалари маълумотларига қараганда, 10 йил, Эронга эса — 20 йил талаб қилинади. Узоққа чўзилиб кетган бу низо жуда кенг географик региондаги вазиятни жиддий издан чиқариб, Форс кўрфази зонасида жойлашган бошқа давлатларнинг ҳам хавфсизлигига таҳлика солмоқда. У ердаги халқаро кемалар қатнови зарба остида қолмоқда. «Танкер уруши» давомида 150 дан ортиқ кемага ҳужум қилинди. Бу ихтилоф Исроилга қарши турган араб давлатлари ўртасидаги келишмовчиликларни кучайтирди. Сурия билан Ливия Эронни, Миср, Иордания, Саудия Арабистони ва баъзи бошқа араб мамлакатлари эса — Ироқни қўллаб-қувватламоқда. Исроил ана шу қулай вазиятдан фойдаланиб, Ливанга нисбатан агрессия уюштиришга қарор қилди, бу билан Паластинни озод қилиш Ташкилотига зарба бериш ва Сурияга хавф туғдирди.

Эрон-Ироқ уруши мусулмон фанатизмининг кўтарилишига ёрдам бериб, бу кенг географик чегаралардаги кескинликни янада кучайтирди. Шиа мазҳабидаги мусулмон экстремистлар, «ислом революциясини» бутун жаҳонга ёямиз, демоқдалар. Эрон ва Покистонда бошпана топган афғон аксилинқилобчилари ислом шиорларидан идеологик қурол сифатида фойдаланмоқдалар. Улар Ҳиндистонга нисбатан ҳам душманликни авж олдирмоқда.

Ана шу йиллар давомида халқаро ташкилотлар ва айрим мамлакатларнинг куч-ғайратига қарамай, ҳамон қон тўкилишини тўхтатишга, томонлар ўртасида можарони тинч йўл билан ҳал этиш тўғрисидаги сиёсий музокаралар бошланишига эришилгани йўқ.

Табиийки, бу урушдан ким фойда кўради, деган савол туғилади. Бу уруш ҳар иккала мамлакат халқларининг манфаатларига тубдан зид бўлиб, Эронни ҳам, Ироқни ҳам заифлаштиради, уларнинг ривожланишини тўхтатиб қўяди. Бундан араблар ҳам, региондаги миллий-озодлик ҳаракати ҳам фойда кўрмайди. Урушаётган мамлакатлар ўртасида музокаралар столи атрофида ўтириб тинч йўл билан ҳал қилиб бўлмайдиган биронта ҳам мунозарали проблема йўқ. Шунинг учун ҳам Совет Иттифоқи, бошқа социалистик мамлакатлар можаронинг бошланишиданоқ уни тўхтатиш тарафдори бўлиб чиқмоқдалар. Бизнингча, ўз манфаатларига зид ўларок урушни «охирги ғалабагача» давом эттиришга чақираётган, уни душмандан ўч олиш воситаси деб қараб, унга ўз сиёсий иродасини мажбуран ўтказишга уринаётган томон оқилона иш тутмаётир. «Биз, — деб таъкидлади М. С. Горбачев КПСС XXVII съездига қилган Сиёсий докладда, — Яқин ва Ўрта Шарқдаги, Марказий Америкадаги, Африка жанубидаги, Ер

курrасининг барча қайноқ нуқталаридаги можароли вазиятларни бартараф этиш йўлларини коллектив бўлиб қидиришни кучайтириш тарафдоримиз».

Бироқ АҚШ билан Исроил учун Эрон-Ироқ уруши маълум бир маънога эгадир. Улар мазкур можаро прогрессив режимларга, миллий-озодлик ҳаракатларига, эркинликка, жаҳоннинг ана шу районидаги мамлакатлар мустақиллиги ва суверенитетига қарши янги ҳужумларни бошлаш учун қулай вазият яратади деб умид қилмоқдалар. Урушнинг чўзилиши Исроилнинг стратегик мақсадидир. ва у, америка журнали «Ньюсуик»нинг ёзишига қараганда, «бу урушнинг яна ўттиз йилча давом этишини истарди». Урушнинг «тугамайдиган» характерда бўлишига Вашингтонда ҳам умид боғламоқдалар. Р. Рейган маъмурияти урушаётган ҳар икки томоннинг ҳам заифлашуви учун ҳаракат қилмоқда. Унинг мақсади — янги империалистик маневрлар учун замин тайёрлашдан иборатдир. Бу ерда вазиятнинг кескинлашуви унга Форс кўрфази яқинида йирик ҳарбий-денгиз кучларини сақлаб туриш учун бир бахона бўлмоқда, нефтга бой бўлган мазкур стратегик регионда «ажратиб ташла ва ҳукмронлик қил» деган сиёсатни олиб боришини осонлаштиряпти. Араб матбуотининг қайд қилишича, Пентагон «Америка ва унинг НАТОдаги иттифоқчиларининг нефтга доир манфаатларини ҳимоя қилиш» баҳонаси билан Форс кўрфази зонасидаги мамлакатларга босқичма-босқич бостириб кириш режаларини тузмоқда. Узоққа чўзилиб кетган можаро бунга кўп жиҳатдан ёрдам бериб, айни вақтда АҚШнинг Яқин Шарқда ва Ҳинд океани ҳавзасида кўпроқ иштирок этишини оқлаб хизмат қилмоқда. Шу нарса диққатга сазовордирки, можаро бораётган район яқинида ўз позицияларини мустаҳкамлаш учун АҚШ ўз чегараларидан ташқаридаги ҳарбий харажатларининг 48 процентини сарфламоқда. Милитаристик ҳаракатларни кенгайтириш, хусусан, пентагон қуролли кучларининг марказий қўмондонлиги — Сентком ташкил этилганлигида ҳам ўз ифодасини топди. Ана шу қўмондонликнинг «жавобгарлик» зонасига Яқин ва Ўрта Шарқдаги 19 мамлакат кириши лозим.

Вашингтон Форс кўрфазидаги араб давлатларига ўз ҳарбий васийлигини мажбуран қабул қилдиришга, улардан баъзиларини тайёрланаётган ўз қуролли аралашувига жалб этишга уринмоқда. «Нью-Йорк таймс» газетасининг хабар беришича президент Р. Рейган Саудия Арабистони қироли Фаҳдуга юборган мактубида АҚШ «Агар илтимос қилишса, регионлаги мамлакатларга ёрдам беришга тайёр» эканлигини уқтирган. Бу ерда шуни айтиш керакки, бу «таклиф»ни араб мамлакатлари қабул қилмади. Прогрессив араб матбуоти, АҚШ регионлан «етказиб бериладиган нефтни ҳимоя қилиш» баҳонасида можарога аралашишга ҳаққи йўқ, чунки уларнинг Форс кўрфазидан оладиган нефти улар умумий импортининг атиги 9 процентини ташкил қилади, деб ҳисоблайди. Айтиш керакки, Эронда ҳам, Ироқда ҳам ошкора антиимпериалистик характердаги революциялар юз берди. Шунинг учун ҳам, агар улар америка интеграциясига йўл очиб берганларида ақлга сиғмайдиган иш бўлур эди. АҚШнинг асл мақсади Форс кўрфазидаги мамлакатларга ёрдам бериш эмас, балки ана шу стратегик жиҳатдан муҳим регионда мустаҳкам ўрнашиб қолишдир, улар бунга неча ўн йиллардан бери ҳаракат қилиб келадилар. Совет ҳукуматининг 1987 йил 9 январдаги Баёнотида таъкидланганидек, «АҚШ амалда уруш оловига мой қуймоқда, икки қўшни мамлакат ўртасидаги хунрезлик яна давом этишига қутқу солмоқда».

Эрон-Ироқ можароси регионда қуролланиш пойгасини тезлаштирмоқда. У Пентагоннинг ана шу «қайноқ нуқтада» мустаҳкамроқ ўрнашиб олиши учун бир восита бўлиб хизмат қилмоқда. Лекин АҚШ ҳарбий қуролларни шу тарика етказиб беряптики, Исроилнинг ҳужум қилиш қобилиятини камайтиришга олиб келмаслиги керак. Қуролланиш пойгасига Форс кўрфазидаги араб давлатлари ҳамкорлиги Кенгаши (ССГПЗ) составига кирувчи мамлакатлар — Саудия Арабистони, Қувайт, ОАЭ, Баҳрейн, Қатар, Оман жалб этилмоқда. Масалан, ССГПЗ ягона мудофаа системасини ташкил этиш учун 1984—1986 йилларнинг ўзида 6 миллиард доллар сарфланди. АҚШ президенти Саудия Арабистонига 400 та «Стингер» зенит ракеталарини етказиб бериш ҳақида санкция берди. У ерга шунингдек «КС-10» маркали самолёт-заправшчиклар ва уларга хизмат кўрсатувчи ходимлар етиб келди, Саудия Арабистони Ҳарбий-ҳаво кучларининг жанговар тайёргарлигини ошириш мақсадида ўқ-дори, эҳтиёт қисмлар ва ҳарбий анжомларнинг янгидан-янги партиялари юборилмоқда.

Шу нарса бир қарашда мантиққа тўғри келмайдигандек кўринадию, аммо фактлигича қолмоқда: Америка маъмурияти Эронга ҳам қурол-яроғ ва ҳарбий анжомлар етказиб беришни давом эттирмоқда. 1981 йилдаёқ Вашингтон Эроннинг муайян ҳарбий доираларини сотиб олишга уриниб ҳар хил найранглар қила бошлаган эди. Эндиликда, «ирангейт» юзага чиқиб, Америка устма-уст фош этилаётган бир пайтда АҚШнинг Эронга уруш йиллари ичида етказиб берган ҳарбий ашёларнинг умумий миқдори 1,3 миллиард долларга етганлигини ҳисоблаб чиқишган. Бу жуда катта сумма! Лекин ҳозирча фақат битта нарса ҳисоблаб чиқилмаган: бу «ажал савдоси» неча минглаб кишиларнинг ёстиғини қуритмади, дейсиз. Америка қурол-яроғларини уруш кетаётган районга махфий тарзда етказиб беришда Лондон ҳам, Тель-Авив ҳам актив ёрдам кўрсатишди. Исроил армияси АҚШнинг қўллаб-қувватлаши туфайли ҳозирги кунда ҳам Яқин Шарқда энг кучли ҳисобланади, лекин айни вақтда араблар ўртасидаги келишмовчиликлар давом этиб, бир неча араб мамлакатлари коалицияси тузиш масаласи муаммолигича қолмоқда.

Бир қатор транснационал компаниялар — нефтни экспорт қилувчилар урушни давом эттиришни ҳам яширин, ҳам очиқ ёқлаб чиқмоқдалар, улар уруш тўхтатилса, ана шу нефть қазиб олувчи мамлакатлардан жаҳон бозорига кенг миқёсда нефть оқиб келиб, ўз даромадлари жиддий равишда қисқариши мумкин деб ҳисоблашмоқдалар.

Эрон руҳонийларининг кўпчилиги тинчликка эришиш йўлини қидиришга шошилмаётирлар. Бунинг боиси бор, албатта. Аслини олганда, уруш унинг позицияларини мустаҳкамлашга ёрдам берди. У ҳокимият тепасида туриб, режимнинг оммавий таянчини ташкил этувчи Эрон аҳолисининг муайян қатламлари — дўкондорлар, боққоллар, майда буржуазиянинг бир қисми, ялангоёқлар орасида диний руҳдаги кўтаринкиликни янада кучайтирди. Айни вақтда руҳонийлар мамлакатдаги сўл кучларга — «фидойилар» ва «мужаҳадлар» ташкилотларига, Эрон халқ партиясига қарши, яъни ўз вақтида шоҳ режимини ағдариб ташлаш учун курашнинг олдинги сафида борганларга қарши репрессия уюштирмоқдалар. Албатта, уруш вазиятида руҳонийларга ўз сиёсий мухолифларидан ўч олиш, уларни «душманларга ёрдам берувчилар» деб айблаш анча осондир.

Эрон-Ироқ уруши ўсиб бораётган ҳарбий хавфнинг доимий ўчоғига айланди. У географик жиҳатдан (Оқ уй терминологияси билан айтганда), эндиликда Шимолий Африка (араб давлатлари ва Исроил)дан тортиб Жанубий Осиё (Ҳиндистон ва Покистон)гача ёйилган кескинлик ёйини туташтиргандек бўлди. Лекин урушнинг кучайиши томонлардан биронтасига ҳам кутилган нарсани бермади. Назарий жиҳатдан олганда ҳарбий устунлик Эрон томонида. У Ироққа нисбатан одам ресурсларига қарийб уч баравар бойроқдир. Лекин қўшинлар сонидаги устунлик Ироқнинг жанговар техника сони ва сифатидаги устунлик туфайли йўққа чиқади. Қўшни мамлакатлар ўртасидаги низо фақат сиёсий йўл билангина хал қилиниши лозим. Совет Иттифоқи доимо Эрон ва Ироқ ўртасидаги низоли масалаларни жанг майдонида эмас, балки музокаралар йўли билан ҳал этиш тарафдори бўлиб чиқмоқда. Тинчлик ўрнатиш учун бартараф этиб бўлмайдиган тўсиқлар аслида йўқ. Фақат ҳар икки томондан сиёсий ирода ва ақл билан иш тутиш, Ироқни ҳам, Эронни ҳам қонуний манфаатларини ҳисобга оладиган ўзаро битимга келишга ҳаракат қилиш зарур.

Низонинг тинч йўл билан ҳал қилиниши Ироқ ва Эрон халқларининг, регионадаги барча мамлакатлар халқларининнг манфаатларига жавоб берган бўлур эди. У умуман халқаро вазиятни соғломлаштириш йўлида катта қадам бўлур эди. Эрон ва Ироқ халқларига нисбатан ҳурмат ва дўстлик туйғуларини ҳис этган Совет Иттифоқи Эрон-Ироқ можаросини тинч ҳал этиш йўлига ўтказиш мақсадида қилинадиган ҳар қандай ҳалол ва конструктив ҳаракатларга, шу жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида кўриладиган тадбирларга ҳар қанча ёрдам беришга тайёрдир.

ИНТЕРНАЦИОНАЛ ТАРБИЯНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладида таъкидланганидек, миллий муносабатлар соҳасида совет жамияти эришган ютуқлар миллий жараёнларга хос бўлган зиддиятларнинг доимо юзага келиб турадиган жиҳатлари ва қирраларини кўра билиш, ҳаёт ўртага қўяётган саволларга ўз вақтида тўғри жавоб топиб бериш маҳоратига халақит бермаслиги керак. Совет кишиларини пролетар, социалистик интернационализм руҳида тарбиялашда, уларда ягона оила туйғусини, барча халқларнинг миллий маданияти ва миллий кадр-қимматини ҳурмат қилиш туйғусини ривожлантиришда оммавий ахборот ва пропаганда воситалари жуда катта роль ўйнайди. Бу жиҳатдан олганда тақриз қилинаётган китоб* муайян қизиқиш уйғотади. Китобда маркча-ленинча методология, КПСС XXVII съездининг, Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон Компартиялари сўнгги съездларининг энг муҳим кўрсатмалари позициясидан туриб, ана шу республикалар матбуот органларининг совет кишиларини интернационал руҳда тарбиялашга доир иш тажрибаси умумлаштирилади, публицистиканинг социализмни такомиллаштириш шароитида халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга қаратилган форма ва методлари, усул ва воситалари очиб берилади. Тадқиқотда республика газеталарида, назарий ва ижтимоий-сиёсий журналларда, шунингдек бир қатор область ва район нашрларида КПСС XXII ва XXVII съездлари оралиғида эълон қилинган ҳамда китоб мавзуига мувофиқ келувчи материаллар таҳлил қилинади.

Автор Лениннинг: коммунистлар «миллий масалага илгаригидан кўра кўпроқ эътибор» (Тўла асарлар тўплами, 24-том, 133-бет) беришга мажбурдирлар, деган васияти ҳозир ҳам, илгари бўлганидек, актуал эканлиги ҳақидаги фикрдан келиб чиққан, чунки, В. И. Ленин таъкидлаганидек, миллий муносабатлар соҳасида кўп нарса фақат объектив омилларга эмас, балки субъектив омилларга ҳам боғлиқ бўлади. Оммани интернационал руҳда жипслаштириш соҳасидаги иш сусайган, ленинча миллий сиёсат принциплари бузиладиган жойларда миллатчилик кўринишлари учун замин яратилади.

Коммунистик партия ва унинг матбуот органлари совет кишилари онгида пролетар ва социалистик интернационализм туйғусини мустаҳкамлай бориб, ижтимоий ҳаётни интернационаллаштириш жараёнини доимий назорат қилиб бормоқда. Монографияда КПСС, ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларнинг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналаридан ана шу мақсад йўлида актив равишда фойдаланилаётганлиги таъкидланади. Баён этилган материал асосида автор совет жамияти ҳаётидан олинган ёрқин мисоллар ёрдамида газета ва журналлар саҳифаларида бундан буён ҳам марксизм-ленинизмнинг миллий масалага доир ғоялари тантанасини ёритиб бориш, халқлар дўстлигининг намоён бўлиш намуналарини доимо тарғиб қилиш, меҳнаткашларни коллективизм ва меҳнатсеварлик, совет ватанпарварлиги ва пролетар, социалистик интернационализм, коммунистик ахлоқнинг олий принциплари руҳида тарбиялайвериш лозимлиги ҳақида хулоса чиқаради.

Шу билан биргаликда, маҳаллий матбуот органлари партиянинг миллий сиёсати масалаларига доир ўз чиқишларида унинг социал-психологик жиҳатларига деярли эътибор бермаётганликларига диққатни тортишни истардик. Улар ҳозирча ҳали ҳам кўриниб қолувчи миллатчилик бидъатларининг, миллатлараро муносабатлардаги нормадан четга чиқишларнинг табиатини маркча-ленинча позициялардан туриб очиб беришга, ана шу салбий ҳодисаларнинг публицистик руҳда тагига етишга муваффақ бўлмаяптилар. Зеро, практика

* С. И. Иноятов. Роль печати в интернациональном воспитании трудящихся. Ташкент, «Фан», 1986, 149 с.

кўрсатаётганидек, кишилар онгида ўтмиш иллатларининг қайталаниши, миллатчилик сарқитлари ҳатто жамиятда социалистик турмуш тарзининг норма ва принциплари тўлиқ қарор топганлиги шароитида ҳам ўзини намоён этиши мумкин. Масалан, аҳолининг муайян қисми ҳозиргача эскирган, диний сарқитлар билан тиғиз чирмашиб кетган маросим ва анъаналарга риоя қилмоқдаки, буларни кўпинча миллий маросим ва анъаналар сифатида кўрсатишга уринадилар. Баъзан маҳаллийчилик, миллий кибр-ҳаво ва чекланганлик, миллий худбинлик ва манманлик ҳоллари, ўтмишни идеаллаштириб, бошқа миллатларни камситган ҳолда «ўз» миллатининг ҳозирги кунини осмонга кўтаришга интилиш ижтимоий муносабатлар юзасига қалқиб чиқиб қолади. Ана шу хил ҳодисаларга қарши ғоявий таъсир кўрсатишнинг барча форма ва воситаларини ишга солган ҳолда изчил кураш олиб бориш керак. Бунда матбуотимиз ҳақиқатан жуда муҳим роль ўйнаши мумкин ва лозим. Кўриб чиқилаётган регионнинг газета ва журналларида интернационал тарбиянинг ана шу жиҳатини ёритиш иши амалда қандай аҳволда? Афсуски, китобда бунга жавоб берилмаган.

Авторнинг «матбуот фаолиятининг самарадорлиги унга партиявий раҳбарлик қанчалик конкрет ва илмий бўлишига тўғридан-тўғри мутаносибдир» (10-бет) деган таъкидига қўшилмаслик мумкин эмас. Автор редакция планларини тузиб чиқишда партия комитетларининг кундалик доимий ва таъсирчан ёрдам бериб туришини, редакция ҳисоботларининг партия комитетлари бюролари, секретариат ва пленумларида муҳокама қилишни, редакцияларнинг партия мажлисларида масъул ходимларнинг иштирок этишини, матбуот конференцияларини, журналистларнинг тажриба алмашувини кўзловчи семинар ва кенгашларни мунтазам ўтказиб туришни, матбуот обзорларини, редакция коллективлари ишида танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантиришни, уларнинг самарали фаолиятига халақит берувчи сабабларни ўз вақтида бартараф этишни матбуот органларининг ғоявий савиясини оширишнинг муҳим омили деб ҳисоблайди. Партиявий раҳбарликнинг ана шу ва бошқа кўпгина формалари, С. И. Иноятов ҳаққоний таъкидлаганидек, шубҳасиз, омманинг коммунистик, интернационалистик дунёқарашини шакллантиришда партия-совет журналистикасининг таъсирчанлигини оширади.

Китобда Ўрта Осиё республикалари матбуот органларининг қардош халқларнинг иқтисодий ҳамкорлигини кучайтиришга, мамлакат ягона халқ хўжалик комплексини яратиш ва ривожлантиришга доир ташвиқий, тарғибий ва ташкилотчилик фаолияти конкрет мисоллар асосида анализ қилинган ва кўрсатилган. Жумладан, матбуотда саноат ва қишлоқ хўжалигининг йирик объектларини биргаликда қуришнинг актуал проблемалари қандай ёритилаётганлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Ижодий изланиш ва публицистиканинг ранг-баранг жанрларини жонлантириш маҳоратига алоҳида эътибор берилганки, журналистлар, жамоатчи мухбирларнинг кенг активи бундай маҳорат ёрдамида совет республикалари интернационал алоқаларининг моддий негизини очиб беришга муваффақ бўлмоқдалар. Масалан, турли жанрдаги материаллар миллатларнинг ўзаро муносабатлари ҳақида, совет халқларининг иқтисодий ривожланиш натижасида бир бутун бўлиш жараёнлари ҳақида ҳикоя қилади, республикалараро алоқаларнинг бутун мамлакат учун муштарак бўлган тенденция ва қонуниятларини ҳамда ҳар бир республиканинг ўзига хослиги билан боғлиқ регионал хусусиятларини акс эттиради.

Асарда Ўрта Осиё халқларининг КПСС аграр сиёсатини амалга оширишда, мамлакат Озиқ-овқат программасини бажаришдаги ҳамкорлигини ташкил этишда, пахтакор республикалар, Ўрта Осиё пахтакорлари билан мамлакат тўқимачилари ўртасидаги социалистик мусобақани ривожлантиришда матбуот ўйнайдиган ролни очиб беришга катта ўрин ажратилганки, бу мусобақа кишиларда кўп миллатли Ватан гуллаб-яшнаши йўлида яшаш ва меҳнат қилишдек муштарак тақдир, ягона мақсад туйғусини тарбиялашнинг муҳим воситаси сифатида қараб чиқилади (76—96-бетларга қаралсин).

Маълумки, СССР халқлари тақдирларининг муштараклиги, уларнинг социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва идеологик бирлиги қонуний равишда улар маданиятларининг ўзаро таъсир этиши ва бир-бирини бойитишига олиб келади. Китобда ана шу жараёнда матбуот органлари ўйнайдиган роль ва уларнинг аҳамияти тадқиқ қилинади. Автор ўзбек, тожик, қирғиз, туркман ва Советлар мамлакатидаги бошқа халқларнинг маънавий тараққиёти ягона оқимда бораётганлиги, интернационал омиллар миллий маданиятлар юксалишига борган сари кўпроқ таъсир кўрсатаётганлиги ҳақидаги фикрни асослайди. Бу маданиятларнинг ҳар бири фақат ўз маданиятига таяниб қолмай, балки қардош халқлар маънавий хазинасидан ҳам баҳраманд бўлмоқда. Совет республикалари адабиёти ва санъати ҳафталиклари ҳамда ўн кунликлари, СССР ХХЮВда ўтказилган қардош республикалар кунлари ана шу ишга сезиларли ҳисса қўшди. Китобда республика газеталари саҳифаларида ана шу хил тадбирлар кенг ёритилганлиги ҳақида хабар қилинади.

Автор газета ва журналларнинг материалларига таянган ҳолда партия, совет органларининг халқнинг миллий хусусият-

ларига ҳурматни совет жамияти бутун ҳаётини интернационаллаштиришдек объектив жараён билан бирга қўшиб олиб борувчи тарбиявий ишини кўрсатишга ҳаракат қилган. Афсуски, буржуа пропагандасининг миллий низони авж олдиришга қаратилган, матбуотимизда фош этилиб келаётган форма ва методлари тадқиқот доирасидан четда қолган.

Китобда амалий тавсиялар ҳам берилганки, уларни амалга ошириш, бизнингча, партия-совет матбуотининг меҳнаткашларни интернационал тарбиялаш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштиришга муайян даражада ёрдам берган бўлур эди. Буларнинг барчаси автор ўз олдига қўйган вазифани умуман олганда бажара олган дейишга ҳуқуқ беради.

Лекин китобнинг баъзи бир камчиликлари ҳақида айтиб ўтмасак, асарга берилган баҳо тўлиқ бўлмас эди. Аввало, асарда баъзан иккинчи даражали аҳамиятга молик фақтик материал кўпайиб кетган. Газета ва журналлардан олинган айрим цитаталар йиғиқ ҳолда, ихчам қилиб берилганда яхши бўларди, унинг ҳисобига назарий хулосаларни кучайтириш мумкин бўлар эди. Ўйлашимизча, автор матбуот органлари фаолиятидаги миллатлараро муносабатларни ёритишда планлилик ва изчиллик йўқлиги, уларнинг етарлича мулоҳаза юритиб ва чуқур ўрганилмаётганлиги каби жиддий нуқсонларни кўрсатиши керак эди. Зеро, матбуотимизда турли миллат кишиларининг оилавий-турмуш шароитларидаги ўзаро муносабатлари, миллатлараро никоҳлар ҳақида кам ёзилиши, улар атрофида ижобий жамоат фикри яратилмаётганлиги сир эмас.

Китобхонлар эътиборини газета ва журналлар интернационализм мавзуини ишлаб чиқар эканлар, фақат миллий ёхуд, бунинг устига, умумхалқ савиясинигина кўзда тутмай, конкрет шахсни назарда тутишлари кераклигига қаратиш ҳам ортиқчалик қилмас эди. Бу партиянинг бугунги кунда ҳар бир ишда инсон омилини ҳар томонлама ҳисобга олиш зарурлиги ҳақидаги талабларига ҳам мувофиқ келади. Региеннинг матбуот нашрларида интернационал тарбия масалалари атеистик тарбия билан доимо ҳам боғлаб олиб борилмаслигини таъкидлаб ўтиш керак эди. Матбуотда миллатлараро алоқа тили сифатида рус тилининг аҳамияти қандай пропаганда қилинаётганлиги, шунингдек, айрим журналистик коллективларнинг ана шу мавзуга юзаки ва расмиятчилик билан ёндашиши ҳам танқидий анализга муҳтож эди. Бундан ташқари, автор даврий нашрларнинг меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялашга доир ташвиқий, тарғибий, ташкилотчилик ишини ёритишдаги камчиликларга наридан-бери ва бир қадар журъатсизлик билан ёндашади.

В. АБДУЛЛАЕВ,
Қ. ЭРНАЗАРОВ,
тарих фанлари кандидатлари.

Редакция адреси: 700000. Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.
Телефонлар: бош редактор — 32-58-01; 32-78-87; бош редактор ўринбосари — 32-58-02; 32-78-93; масъул секретарь — 32-58-03, 33-60-42; масъул секретарь ўринбосари — 32-58-63; 33-60-40; бўлимлар: маркача-ленинча назарияни пропаганда қилиш — 32-58-65; партия ва совет қурилиши — 32-58-68; экономика — 32-58-71; фан ва маданият — 32-58-66; халқаро ҳаёт — 32-58-69; танқид ва библиография — 32-58-70.

Корректорлар: **М. Комилов, Ҳ. Каримов.** Техредактор **Э. А. Кушнарь.**

Теришга берилди 14.05.1987 й. Босишга рухсат этилди 9.06.1987 й. Формати $70 \times 108^1/_{16}$. Фотонабор. Офсет босма усули. Шартли босма листи 8,4. Нашриёт ҳисоб листи 9,6. Тиражи 28741. Нашр В-54. Заказ № 1052.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри, Ленин кўчаси, 41.

ISSN 0134 — 2193

Баҳоси 25 тийин

Индекс 75399

На узбекском языке
ежемесячный теоретический и политический
журнал ЦК Компартии Узбекистана

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»
«КОММУНИСТ УЗБЕКИСТАНА»

Ордена Трудового Красного Знамени
типография Издательства ЦК Компартии Узбекистана

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

Dup

AGr-ME

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ



7

ИЮЛЬ

1987

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

№ 7
ИЮЛЬ
1987 йил

1920 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

Ўзбек ва рус тилларида чиқади

Ҳаётдаги ҳамма ҳодисалар учун тайёр кўрсатмалар бўлмайди. Қайта қуриш умумхалқ ижодий лабораторияси бўлиб қолсин. Янгиланиш практикасига диққат билан муносабатда бўлиб, уни танқидий англаб олайлик, илғор тажрибанинг ҳар бир заррасини қадрлаб, уни қўллаб-қувватлайлик ва ривожлантирайлик. Жонли, эркин фикрлаш — жадаллаштиришнинг зарур шартидир.

Улуғ Октябрнинг яқинлашиб келаётган 70 йиллиги муносабати билан КПСС МКнинг совет халқига Мурожаатномасидан.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЕТИ

Тошкент

МУНДАРИЖА

А. ЯКОВЛЕВ

СОВЕТ ЖАМИЯТИНИНГ СИФАТ ЖИҲАТДАН ЯНГИ ҲОЛАТИГА ЭРИШИШ ВА ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР

Партия КПСС МҚ март (1985 йил) Пленумидан бошлаб ўзининг янгилиги ва мураккаблиги, кўлами ва муҳимлиги жиҳатдан мисли кўрилмаган вазифаларни бажаришга киришди. Ғоят мураккаб номаълум муаммоларни ҳал этишга тўғри келмоқда. Теран жараён бўлган қайта қуриш олға бормоқда, лекин зиддиятли тарзда, баъзан қийинчиликлар билан илгариламоқда. Бу ҳаракатга тўсқинлик қилувчи омилларнинг бутун бир комплекси халал бермоқда, бошлаб юборилган ва бўлажак ислоҳотларнинг назарий жиҳатдан етарлича таъминланмаганлиги — ана шу омиллар жумласидандир.

Апрель Пленумидан кейинги даврда жўшқин назарий изланиш кўзга ташланди, бу изланиш жараёнида ижтимоий тараққиётни маънавий ва эмоционал жиҳатдан бойитган ғоялар мажмуи таърифлаб берилди ва улар партия, халқ ҳаётига сингиб бормоқда. Партиянинг жон куйдириши туфайли социалистик истиқболни янгичасига ҳис этиш, революцион ўзгаришларнинг мақсадлари ва характери тўғрисидаги умумий нуқтаи назар вужудга келмоқда. М. С. Горбачевнинг жамиятшунослар олдида сўзлаган нутқида ҳаракатимизнинг принципиал масалалари ва амалий аспектлари юзасидан жамиятшуносликка доир тадқиқотлар программаси илгари сурилган. КПСС МҚнинг «Коммунист» журнали тўғрисидаги қарори ҳам катта аҳамиятга эга.

Октябрь билан ҳозирги қайта қуриш орасида гарчи етмиш йиллик муддат ўтган бўлса-да, улар давомий ва чамбарчас боғлиқ ва асосий масалада бир бутундир. Қайта қуриш — муҳим ўзгаришлар даври, Октябрь ишининг янги тарихий шароитлардаги давомидир. Революцион ҳақиқат палласи бўлган қайта қуриш ижтимоий жараёнларда ҳукм сурган маълум турғунликдан сўнг совет жамиятидаги, жаҳон тараққиётидаги ишларнинг аҳволи, инсон ва инсоният ҳаётининг барча туб проблемалари юзасидан объектив анализ ўтказишни талаб қилди.

КПСС ҳозирги давр, зиддиятли, лекин ўзаро боғлиқ, кўп жиҳатдан бир бутун дунёнинг асосий белгилари тўғрисидаги илмий текширилган билимга, жаҳон тарихининг бурилиш босқичида цивилизация тақдири учун ҳаётий муҳим масалаларни ҳал этишнинг оптимал йўллари, воситалари ва методларига доир нуқтаи назарга эга. Давр қўяётган талаблар нафақат жаҳондаги бугунги ва эртанги кун аҳволининг прагматик аспектлари томонидан, шу билан бирга икки система ўртасидаги тарихий қарши кураш фан-техника революцияси шароитида эга бўладиган ва социал тараққиётнинг жамият ичидаги ва интернационал зиддиятларини бир бутун қилиб боғлайдиган янги формалар томонидан ҳам белгиланади.

ЯКОВЛЕВ Александр Николаевич, КПСС МҚ Сиёсий бюроси аъзоси, КПСС МҚ секретари. СССР ФА президиумининг ижтимоий фанлар секцияси мажлисида қилинган доклад мақолага асос қилиб олинди.

Ҳозирги шароитдаги синфийлик ва умуминсонийликнинг диалектикаси анализига, фақат социализмгина барча революцион, прогрессив, демократик кучлар билан иттифоқ бўлиб цивилизациянинг гуманистик қадриятларини саклаб қолиши ва бойитиши, ижтимоий тараққиётнинг асосий йўналишларида тарихий ташаббуслар кўрсатиши мумкинлиги тўғрисидаги ҳақиқатга асосланадиган янги сиёсий тафаккурнинг концепцияси ва методологияси илгари сурилди. Социализмнинг ички ривожланиши ва умуман жаҳон тараққиётининг мураккаб диалектик ўзаро алоқаларига доир кенг миқёсли масалалар ўртага қўйилди.

Асосий ва энг муҳим жиҳатлар бўйича мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш ва шу асосда жамиятнинг сифат жиҳатдан янги ҳолатига эришишнинг ғоявий-назарий платформаси яратилди. Революцион қайта қуриш уруғи халқ заминига айни ўшанда, 1985 йилнинг апрелида ташланган эди. Бу уруғ социализмни янгилаш программасини амалга ошириш учун оммавий кураш тарзида униб чиқди.

Жадаллаштириш концепцияси — бу фақат иқтисодий ўсиш суръатларини қандай ошириш мумкин деган шунчаки бир саволга жавоб эмас. Бу яқин истиқболдаёқ давр даъватига муносиб жавоб бера олиш учун, социалистик жамият амалда жаҳон тараққиётидаги барча илғор ва инсоний нарсалар тимсоли, социал самарадорлик намунаси бўлиб қолиши учун таъсирчан йўллар ва воситаларни қидириб топиш демакдир.

Социализмнинг моддий ва маънавий потенциали ўса борган сайин тараққиётнинг сифатига оид масалалар олдинги ўринга чиқа боради. Янги имкониятлардан қандай қилиб энг мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланиш, уларни қайси соҳада энг мақбул тарзда ишлатиш мумкин? Истиқбол томон ривожланишни сифатга оид қандай мезонлар билан ўлчаш мумкин?

Умуман олганда бизнинг бу саволларга жавоб бериш учун на амалий, на назарий жиҳатдан тайёр эмаслигимиз маълум бўлди. Жавоб топиш борасидаги изланишлар ижтимоий организмнинг ҳаётий фаолияти барча соҳаларининг оптимал тарзда баҳамжиҳат ҳаракат қилишига оид концепцияни ривожлантирмоғи лозим. Эҳтимол, социал самарадорлик проблемаси моҳияти ҳам мана шу жойда бўлиши мумкин.

Ана шу контекстда олинса, жадаллаштириш — социалистик бунёдкорликдаги қатъий илмий социал тафаккур томон бурилишни талаб қиладиган энг мураккаб манёврлардан биридир. Жадаллаштириш бирдан-бир мақсад сифатида экономикани аллақандай тарзда жадаллатишга қаратилмаган, у жамиятни жўшқинлаштириш хусусида бериладиган сунъий фармойиш ҳам эмас. Жадаллаштириш концепцияси — социализмни унинг барча даражаларида — базис ва устқурма, социал соҳа ва маданият, умуман ижтимоий ҳаётни самарали янгилашга қаратилган жамият тараққиёти ҳозирги босқичи объектив талабларининг назарий ва амалий ифодасидир. Ана шунинг ўзи янги сифатга эришиш демакдир.

Социал сиёсатга янгича қараш марксча-ленинча тафаккурнинг гуманистик анъанасини конкретлаштириб, кўп жиҳатдан партия стратегиясининг социал-иқтисодий, руҳий, маънавий устунликлари ҳозирги системасининг янгилигини белгилайди. Қадриятга оид координатларнинг ана шу янгиланган системасида социалистик тараққиётнинг мақсади сифатидаги инсон ва бу тараққиётнинг ҳал қилувчи кучи сифатидаги — инсоний омил реал тарзда ана шу система марказига қўйилмоқда.

Ҳозирги кунда экономика, фан, моддий фаровонлик, кишиларнинг онги, омма маданиятининг ўзаро алоқадорлиги шу қадар теранлашиб кетдики, ана шу соҳалардан бирортасининг қандайдир орқада қолиши дарҳол бошқаларига таъсир қилади, умумий ҳаракат маромини бузади. Фақат иқтисодий, социал ва маънавий жиҳатларнинг тўла ва узвий бирлашувигина янги тузумнинг сифат жиҳатдан яхлитлиги самарасини беради.

Бизнинг социализм экономикасини ривожлантириш қонуниятлари, ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатлари диалектикаси тўғрисидаги тасаввурларимиз анча бойиди. Социалистик мулкни реализация қилишни такомиллаштириш, жумладан унинг кооператив формаларини ривожлантириш, қиймат қонуни ва товар-пул муносабатлари механизмларини, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш принципларини, инсон омили замиридаги битмас-

туганмас ресурслар ва резервларни ишга актив жалб қилиш масалалари янгичасига қўйилди.

Новаторлик руҳидаги қайта қуриш кескин ўзгаришларнинг революцион шабадаси билан йўғрилгандир. Қайта қуришнинг революционлиги — на стратегияни ва тактикани танлашда, на ҳар бир ориентир, ҳар бир вазифа, ҳар бир қадамни илмий жиҳатдан асослашда бундан буён вақтни бой беришга ҳаққимиз йўқлигини тан олишимиздадир. Жамиятни сифат жиҳатдан янгилаш мақсадлари ва ўтмишнинг тажрибаси ҳамда сабоқларидан чиқариладиган хулосалар ана шуни тақозо этмоқда.

Қайта қуриш — ижодий ва аниқ мақсадга қаратилган бунёдкорлик ҳаракатидир. У нафақат экономика ва сиёсат соҳасида, балки маънавий тараққиётнинг аҳволи, тенденциялари ва истиқболларига дахлдор бўлган ҳамма жойда: маданият ва маориф, ижтимоий фанлар ва ахлоқ, адабиёт ва санъат соҳаларида ҳам ана шундай бўлмоғи лозим.

Ҳозирги сиёсий ва маънавий муҳит янги шароитда ижтимоий фанларнинг роли ва масъулияти қай даражада ва қанчалик теран идрок қилинганлигини хушёрлик билан ва виждонан тушуниб олишга имкон беради. Биз XXVII съезднинг ҳақиқат сабоқларига амал қилиб, ҳамма нарса тўғрисида очиқчасига гапиришимиз ва энг юксак даражадаги самимийлик билан иш юритишимиз лозим. В. И. Ленин ёзганидек, «ўз мияларини ўзлари айнитмасдан, ҳақиқатда бир нарсани дадил ва очиқдан-очиқ эътироф қилиш» керак (Тўла асарлар тўплами, 1-том, 457-бет).

Ижтимоий фанларнинг на амалий самараси, на уларнинг жамиятдаги мавкеи, на бу фаннинг ўзининг аҳволи давр талабларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан қониқарли эмаслигини қатъий қилиб айтишга зўр эҳтиёж бор. Вазиятнинг ташвишга соладиган кескинлиги шундаки, ижтимоий фанларда жамиятшуносликнинг потенциал имкониятлари рўёбга чиқишига тўсқинлик қиладиган ўзининг тормозлаш механизми амал қилмоқда.

Жамиятшуносларимиз ўзларининг яхши номларини тез вақт ичида қайта тиклаб олишлари, ўтмишдаги нуқсонларни танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида таҳлил қилиб чиқишлари ғоят муҳимдир. Бу шифобахш қадам бўлади. Юмшоқроқ қилиб айтганда, философларимиз, сиёсий иқтисодчиларимиз, тарихчиларимиз, адабиётшуносларимиз ҳар доим ҳам янги ва илғор нарсаларнинг ташаббускорлари ва ҳимоячилари бўлиб чиқа олмадилар. Улар ўз вақтида кибернетика ва генетикани бадном қилишга, сўнгроқ — экономикадаги математик модель тузиш методларини ғайриилмий деб эълон қилишга, ватанимиз прогностикасини масхара қилишга жазм этган эдилар. Ўтмишга назар солинса, шу нарса равшан бўлади: ҳаддан зиёд куч-қувват аслида хотиржамликни, юзаки беҳбудликни, бинобарин, мамлакатнинг социал-иқтисодий ва сиёсий ривожланишидаги турғунликни назарий жиҳатдан асослашга сарфланган экан. Бу шундай «мерос»ки, ундан қатъиян халос бўлиш лозим. Келажак учун дунёқарашга оид ва маънавий сабоқлар чиқариб олиш учун бу ишни асосли равишда бажариш керак.

Яна шу нарса ҳам тўғрики, ҳозир жамият томонидан қораланаётган жараёнлар билан бир қаторда ўшанда бошқача, уларга зид жараёнлар ҳам ривож топа борган эди. Партиявий, гражданлик виждони ҳам жўшқин иш олиб борарди, акс ҳолда МКнинг апрель Пленуми, бугунги кундаги сиёсий ва маънавий ларзаларнинг бўлиши маҳол эди. Экономика, бошқарув, социал турмуш, социалистик қонунчилик проблемаларининг кенг доирасига оид ғоялар изланди. Бўлғуси энг муҳим ўзгаришларнинг ғоявий-маънавий потенциали тўсиқларни енгиб ўтиб, тобора зўрая борди. Жамиятда ва фанда сусткашлик ва лоқайдликка, сиёсий масъулиятсизлик ва оқимга қараб бепарво ҳаракат қилишликка, догматизм ва сафсатабозликка чек қўйишга бўлган талаб кучая борди.

Бу қайта қуришнинг тарихий шартланганлиги ва уни амалга ошириш мумкинлигини, қайта қуришнинг объектив жараёнини социалистик қурилишнинг реал проблемаларини илмий ишлаб чиқишга дунёқараш ва психологик жиҳатдан шайлик билан чамбарчас бирлаштириш зарурлигини яна бир бор тасдиқлайди. Аслини олганда, социализм бугунги кунда амалиётнинг ва назариянинг янги босқичи олдида турибди. Биз олға ҳаракатимизнинг барча икир-чикирлари ва

нозик тафсилотларини яққол, тўларок тасаввур қилишимиз, бу ҳаракатнинг конкрет вазифаларини ўз вақтида аниқлаб олишимиз ва уларни ҳал этиш воситаларини топишимиз учун босиб ўтилган ва олдимиздаги йўлни яхлит ҳолида, комплекс идрок этишимиз зарур.

I

Энг муҳими — жамиятшуносликнинг интеллектуал потенциалини ривожланаётган социализмнинг асосий вазифаларини ҳал этишга қаратишдир. Бу ишни ижобий ва салбий тажрибани ҳисобга олган ҳолда қилиш лозим.

Биринчидан, жамиятшунос олимлар жадаллаштириш стратегияси ва тактикасини назарий жиҳатдан идрок қилиш ва янада ишлаб чиқиш учун, қайта қуришнинг қандай бораётганлиги ва қандай бориши учун ўзларининг масъул эканликларини астойдил тушуниб оладиган вақт етди.

Иккинчидан, ижтимоий фанлар соҳасида ижодий изланиш муҳити яратилиши, изланувчан тафаккур вужудга келтирилиши, новаторлик ғоялари, янгича қарашлар, оригинал таклифлар учун имконият туғдирилиши лозим.

Учинчидан, схематик, ҳаётдан ажралиб қолган конструкцияларни тубдан ўзгартирмасдан, практикада тасдиқланмаган ёки деформацияланган практикага асосланиб, объектив равишда турғунлик ва консерватизмни кўр-кўрона ҳимоя қилган ҳамма нарсадан воз кечмасдан туриб революцион янгиланиш мумкин эмас.

Тўртинчидан, қайта қуриш, жадаллаштириш манфаатларини ва фаннинг ўзининг манфаатларини кўзлаб жамиятшунослик билан практика ўртасида ишончли ташкилий алоқалар йўлга қўйилиши лозим. Бусиз назария қотиб қолади, тафаккур хазон бўлади, практика эса ҳаётий проблемалар устида сирғаниб юради.

Бешинчидан, илмий коллективларнинг амал қилиш механизмининг ўзини шундай қуриш керакки, у ҳар доим олимларнинг демократик ўзаро муносабатларини рағбатлантириб, ҳақиқатни монополия қилишга бўлган ҳар қандай уринишларни барбод қилиб турсин.

Жамиятшуносликнинг социал практикадан узоқлашиб кетганлиги ва узилиб қолганлиги, иш услуби ва методлари, илмий фаолият соҳасидаги маънавий-психологик иқлим учун унинг шаънига кейинги пайтда тобора авж олиб бораётган танқид — адолатли танқиддир. Жамиятшунослик жамият аҳволини шунчаки акс эттириб қўя қолмади, балки у бундай аҳволни юзага келтиришда фаол иштирок этди. Турғунлик идеологияси, бундай ҳолатни ниқоблаш ҳаётни аниқ билишга муҳтож эмас эди. «Ялпи таҳсинбозлик»нинг догматик тафаккури ва практикаси белгилаган қатъий андазага мос келмайдиган ҳамма нарса — ошкора ёки пинҳона — шубҳали ва даргумон деб ҳисобланарди. КПСС МК январь Пленуми бу хусусда жуда қатъий ва аниқ фикр билдирди.

Ахир ривожланган социализм концепцияси жамиятнинг шошилмасдан, журъатсизлик билан, қисм-қисмларга бўлиб ноизчил такомиллаштирилишидир, деб тутуруқсиз тарзда изоҳланмаганмиди? Ахир, бундай изоҳ беғамликни муқаддаслаштириб, етилган туб ўзгаришларни идрок этишни хиралаштириб қўйган эди-ку!

Ахир кооперациянинг социалистик принципларини менсимаслик, ёрдамчи хўжаликларга ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятига аллақандай бир ёт нарсага бўлгани каби муносабатда бўлинганлиги жамиятни анчагина потенциал ресурслардан маҳрум қилиб қўймадими?

Ахир демократик централизм принципининг шубҳасиз зарур, муҳим, лекин барибир унинг фақат биргина таркибий қисми бўлган — бошқарувнинг марказлаштирилган формалари номига ўқилган ҳамду санолар ташаббускорликни, мустақилликни ва социалистик омилкорликни асоратга солиб, хўжалик механизмининг етакчи воситалари бўлиб қолган маҳкамачилик, бюрократизмни урчитиб юбормадими?

Ахир «товар муносабатлари мухолифлари»нинг кўпроқ сиёсий айбномаларга ўхшаб кетадиган концепциялари аслида иқтисодий тўсиқлар бўлиб чиқмадими? Булар фақат илмий баҳслар юритишгина деб ҳисобланар эди. Аслида эса назарияда ҳам, практикада ҳам қиймат қонунини назар-писанд қилмаслик ҳукм

сурарди. Хўжалик ҳисобини, ўз харажатларини ўзи қоплашни менсимаслик, қатор тармоқлар экономикасидаги дотация методи халқ хўжалигига анча зарар етказиб, кўплаб кўнгилсиз оқибатларга сабаб бўлди.

Ахир социалистик ўз-ўзини бошқарувни пастга уриб изоҳлашлар, демократияни кенгайтиришнинг «башорат қилиб бўлмайдиган» оқибатлари билан мудом чўчитишлар зарар етказмадими?

Ахир кенг ошкораликнинг, қуйидан бўладиган чинакам контролнинг йўқлиги, танқид ва ўз-ўзини танқид савиясининг пасайиб кетганлиги, сўз билан иш ўртасидаги фарқ жамиятда салбий ҳодисаларнинг — социал пассивлик ва порахўрликнинг, масъулиятсизлик ва ахлоқсизликнинг, амалпарастлик ва истеъмолчиликнинг зўрайишига ёрдам бермадими?

Бу ҳодисаларга имкон берган сабабларни аниқлаб олмасдан туриб қайта қуриш йўлидан муваффақиятли илгарилаш мумкин эмас. Бундай сабаблар амалиёт соҳасида ҳам, онг соҳасида ҳам мавжуд эди.

Мамлакат социалистик қурилиш йўлига қадам қўйди ва бу йўлдан фавқулодда мураккаб шароитда илгари борди. Ана шу юриш давомида ўз характерига кўра кашшофлик бўлган янги жамиятнинг проблемалари ва зиддиятларини назарий жиҳатдан идрок этиш, келажак учун концепцияларни ишлаб чиқиш керак эди. Социализмнинг тайёр чизмалари йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас эди.

Лекин муайян босқичда назарияни ижодий ривожлантириш эмас, балки сафсатабозлик, марксизм-ленинизмнинг айрим қоидаларини догматик талқин қилиш афзал кўрила бошлади. Марказий Комитетнинг январь Пленумида Лениннинг социализм тўғрисидаги айрим қоидалари жўн талқин этилгани, бу қоидаларнинг назарий чуқурлиги ва моҳияти саёзлаштирилгани айтилди. Социализм ва коммунизм тўғрисидаги енгил-елпи тасаввурлар, абстракт назариябозлик, ҳаётдан ва унинг реал жараёнларидан узилиб қолган уйдирма кароматлар тарқала бошлади. Масалан, коммунизм томон олға борилган сари бир хилликнинг кучайиши, хилма-хилликнинг йўқолиб, барҳам топиши тўғрисидаги тасаввурлар тиқиштирилди. Экономикада — фақат биргина давлат мулки, уни бошқарувнинг ягона схемаси. Социал соҳада — барча ва ҳар қандай фарқларнинг йўқолиши. Сиёсий соҳада — сиёсий структураларнинг ўзгармаслиги. Ва ҳоказо. Бундай ёндашув тарафдорлари тараққиётни соддалаштиришнинг авж олиши, барча ва ҳамма нарсаларнинг тўғриланиши деб тушунишар эди.

К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин асарлари аввало ҳаётнинг реал диалектикасини, тарихий тараққиётнинг мураккаблиги ва турфа хил маъноларини ҳис этиши билан ажралиб туради. Жамики маълум тажрибанинг гувоҳлик беришича, тарих ҳеч қачон, ҳеч бир йўналишда жўнлаштириш орқали тараққиётга эришмаган. Аксинча, ҳар бир кейинги формация, социал-иқтисодий ёки сиёсий система олдингисига нисбатан ич-ичдан мураккаброқ бўлаверган. Шу жиҳатдан социализм билан коммунизмни бундан мустасно деб ҳисоблашга асос йўқ. Шунга қарамасдан бир хиллик концепцияси ниҳоятда қунт ва ҳафсала билан практикага ҳам, назарияга ҳам тиқиштирилаверди. Унинг таъсирини бугунги кунда ҳам экономика, социал соҳа, маданиятнинг қатор вазифаларини ҳал этишга ёндашувда кўриш мумкин.

Ёки ижтимоий қонуниятларнинг таъсири тўғрисидаги қоидани олиб кўрайлик. Масалан, капитализмни кўриб чиқар эканмиз, унинг ички жараёнлари ва механизмларининг мураккаблиги, альтернативлилигини кўрамиз. Лекин гап социализм тўғрисида бошланиши ҳамон — бу ерда гўёки сал бўлмаса инсонга боғлиқ бўлмаган тўла автоматизм амал қилаётгандек бўлади. Ишлаб чиқариш муносабатлари ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши билан ўзича мувофиқлашаверади. Иқтисодий ривожланишнинг планлилиги ва пропорционаллиги, социал масалаларнинг ҳал қилиниши ўз-ўзидан тартибга солинаверади. Ижтимоий онгни ривожлантириш, социал адолат, миллий муносабатлар ва бошқа кўплаб механизмлар автоматик тарзда амал қилаверади.

Кўрсатиб ўтилган ва бошқа тасаввурлар ижтимоий ҳаётдаги мавжуд назарий формулаларнинг абсолютлаштирилишига, муайян тарихий босқичнинг ўткинчи хусусиятлари система сифатидаги социализмнинг моҳиятига оид характеристикалар билан тенглаштирилишига, айрим қоидалар ва концепцияларнинг қо-

нунлаштирилишига сабаб бўлган жараёнлар билан қўшилиб кетди. Бунинг оқибати сифатида социалистик қурилиш жараёнида ижтимоий фан ролига соддалаштирилган муносабатдан иборат барқарор тенденция пайдо бўлди.

Шундай кўнгилсиз аҳвол юзага келди: практикадаги носоғлом ҳодисалар ижтимоий онгда, фанда ҳам носоғлом тенденцияларни вужудга келтирди. Бундай тенденциялар, ўз навбатида, қанча чуқурлашгани сайин назария ва амалиётнинг реализм йўлига, ўз зиддиятларига эга ҳақиқий турмушга қайтишини шунчалик қийинлаштира борди.

Бошқача айтганда, ўз-ўзини танқидий анализ қилиш қобилияти аста-секин йўқола борди. Реал, жонли социализмни ўрганиш ўрнига мавҳум моделларни яратиш афзал кўрилди. Назария тобора тавтологик тус ола борди. Биз ё илгарилаб кетиб, коммунизм қурилишини бевосита шу куннинг вазифаси деб эълон қилардик. Ё, аслини олганда, саёз эволюционизмга амал қилиб, хўжалик, социал ва бошқа структураларнинг стабиллигини абсолютлаштирар, социалистик туб ўзгартиришлар жараёнидаги турғунликни, сусткашликни ўринли деб билардик. Ижтимоий фанга эхтиёж алоҳида конъюнктуравий характер касб эта бордики, натижада фан ўзининг ҳақиқий функциясини йўқота борди.

Бундай тенденциялар айниқса 70-йилларда кўпроқ кўзга ташланади, ўшанда жонли, ривожланаётган социализмни ўрганиш уйдирма формулалар ва схемалар билан очиқчасига тобора кўпроқ алмаштирила бошлади. Қолаверса, турғунлик ҳолатларига нотанқидий муносабат таъсирида назарий фикр ҳаракатига путур етказадиган таъсирларнинг бутун бир комплекси таркиб топди ва қаттиқ ўрнашиб олди.

Натижада биз 80-йилларга нафақат жиддий, бугунги кунда яхши маълум бўлган амалий камчиликлар ва нуқсонлар билан, шу билан бирга 30-йиллар даражасини кўп жиҳатдан назарий идрок этиш билан қадам қўйдикки, ўша вақтда жамиятимиз ўз ривожланишининг ҳали нисбатан илк босқичида турган эди. Бундай аҳвол догматизмнинг, сафсатабозликнинг, қироатхонликнинг баравж ривожланишига объектив равишда ёрдам берди. Ва, аксинча, ҳозирча социализмнинг проблемаларини ижодий ишлаб чиқишни мушкуллаштирди. Танқид учун ёпиқ жабҳалар шакллана боргани сингари илмий тадқиқот учун ёпиқ йўналишлар сони ҳам оша борди. Фақат қисман, эволюцион тарздаги тузатишлар қилиш, уни ҳам назариядан кўра кўпроқ практикада қилиш мумкин, деган тасаввур устунлик қила борди. Лекин ҳар бир марксистга шу нарса равшан бўлиши керакки, инсониятнинг энг буюк интеллектуал бойлиги бўлган революцион назарияни ҳар қандай йўл билан йўққа чиқариш оғир оқибатларга, нафақат назарияда, шу билан бирга янги жамият қуриш практикасида ҳам турғунликка олиб боради.

Нуқсонлар ва ютуқлардан иборат тажрибани ҳеч қандай мустасносиз ақл-идрок билан баҳолашнинг янги даражасига чиқиб олиш лозим. Бугунги кунда жамиятшуносликдан ҳамма нарсага холисона ёндашиш, ўз ишига танқидий назар билан қараш, революцион назариянинг айрим қоидаларини унинг моҳиятига зид равишда иккиюзламачилик билан изоҳлаш келтирган оқибатларни виждонан ва рўйирост тан олиш, ўзини, илмий коллективларни ҳаётий масалаларга жавоб топиш учун революцион изланишга сафарбар қилиш талаб қилинмоқда. Бу оғир, ҳатто азобли, лекин муқаррар бир нарсадир.

Биз ҳаммамиз — ўз даврининг маҳсули, баъзан унинг шайдолари ҳаммиз. Лекин ҳеч ким ҳаётни биз учун янги йўсинда қайта қуриб бермайди, вужудга келган проблемаларни назарий жиҳатдан фаҳмлаб етмайди, эҳтимол, ўз даври учун тўғри бўлган, лекин янги шарт-шароитлар, янги вазифалар салмоғи остида ўзининг ўтмишдаги кучини йўқотган талай тушунчалардан халос бўлмайди.

Фикримизча, бугунги кунда жамиятшунослар ўртасида муайян «иккиланиш» мавжуд.

Тарихий фурсатнинг мураккаблиги, муҳимлигининг тушуниб турилганлиги шак-шубҳасиздир. Эҳтимол, олимлар экономикадаги, социал ва маънавий-ахлоқий соҳалардаги аҳволни бошқаларга қараганда равшанроқ кўриб, зийраклик билан баҳолаётгандирлар. Агар салбий тенденцияларнинг ортиши кўпгина жамиятшуносларни ташвишга солмади ёки уларнинг эътиборидан четда қолди десак, ҳақиқатга зид гапни айтган бўламиз. Бу тахлитдаги хатти-ҳаракатлар саломатлигига ва ижтимоий мавқеига путур етказишини била

туриб етилган проблемаларни кескин тарзда кўйган жамиятшунослик фани вакиллари бизга яхши маълум.

Лекин инерциянинг, жамиятшунослик фанларининг ҳозирги аҳволи умуман олганда социализм тараққиётининг ҳозирги босқичини тўғри акс эттиради деб ҳисоблайдиган тасалли берувчи хом хаёллар таъсири ҳали ҳам кучли. Воқеликни бу тарзда «силлиқ» идрок қилиш салбий ҳодисалар, турғунлик — бу иш шунингдек догматизмнинг, ҳаётдан узилиб қолган концепцияларнинг, ўлик схемаларнинг ҳам оқибати эканлигини тан олишни йўққа чиқаради ёки ҳеч бўлмаганда ғоят қийинлаштиради. Мана шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда бошдан кечирилаётган машаққатлардан ўзига хос тарзда шахсан четда туришларга барҳам бериш, ўз-ўзига ижозат бериш васвасасига берилмаслик, жамиятшунослик тадқиқотларига ҳақиқатни дадил излашдек ленинча руҳни қайтаришнинг қанчалик зарурлигини тушуниб олиш ғоят муҳимдир.

Ижодий марксизм-ленинизм — ўз фикрларини хаспўшлаш учун восита эмас, балки ҳар доим кашфиётдир. «Биз... Владимир Ильич Ленинга, унинг фикрларига, ғояларига доимо мурожаат этяпмиз, — деган эди М. С. Горбачев МҚнинг январь Пленумида. — Бу — шунчаки зўр ҳурмат нишонаси эмас, Лениннинг обрў-эътиборини тан олишгина эмас. Бу — ленинизм руҳини ҳозирги шароитда қайта тиклаш ва имкони борича тўлиқроқ қайта тиклашга... саботли интилишдир».

Ленинизм — бу революцион диалектиканинг классик жиҳатдан эталон бўладиган сабоқларидир. «...Марксист... кечаги куннинг... назариясига ёпишиб олишда давом этмасдан, жонли турмушни, воқеликнинг аниқ фактларини ҳисобга олиши лозим, деган шубҳасиз ҳақиқатни уқиб олиш керак» (Тўла асарлар тўплами, 31-том, 152-бет). В. И. Ленин маслаги ана шундай.

Революцион назариянинг жонли баданидаги ўзига хос паразит ўсимта бўлган догматизм — диалектиканинг жангари мухолифидир. Мағрурона нодонлик ва ғаразли мослашувчанлик — догматизм, қироатхонлик, сафсатабозлик ўсиб унадиган заминдир.

Иқтисодий қонунлар ва категорияларнинг, социализм, социалистик демократия, социал адолат, коммунистик цивилизация ривожланишининг суръатлари ва истиқболлари тўғрисидаги айрим қоидаларнинг догматик талқин қилиниши жамият тўғрисидаги фанда турғунлик зоналарини вужудга келтирди. Шунинг учун ҳам социалистик туб ўзгартиришларнинг мақсадлари ва воситаларини тушуниб олишга диалектик, ленинча ижодий ёндашувни қайта тиклашни, реал зиддиятларни кунт билан ва чуқур ўрганишни, уларнинг сохта-обивателларча талқинини улоқтириб ташлашни давр жиддий талаб қилмоқда, таъбир жоиз бўлса, шуни амр этмоқда. Ҳаётдаги фактларга олдиндан берилган ва қулай, тасалли берувчи принципларга асосланиб мурожаат қилиш эмас, балки турмуш реалликларига, ҳақиқий ҳаётий жараёнларга асосланиб хулосалар чиқариш, принциплар ва мақсадларни таърифлаш керак. Бу жамият тўғрисидаги ҳақиқий фан йўлидир.

Ҳаётнинг янги реалликларига, янгича информацион негизга асосланиб ҳали идрок қилинмаган жабҳаларга кириб бориш, классик хазинани бойитиш, ижтимоий борлиқнинг янги қонунларини англаб олиш батамом мумкин.

Дарҳақиқат, биз диалектикани тараққиётнинг умумий назарияси ва революцион туб ўзгартиришлар методологияси сифатида тан олсак-да, аслида фандаги ва практикадаги янгиликни ҳар доим ҳам қўллаб-қувватлай олмадик. Бу етмагандай янгиликка классик меросдан тўғридан-тўғри, айнан исбот топилмаган пайтда кўпинча уни инкор қилдик, ҳолбуки бу билан биз классиклардан мумкин бўлмаган нарсани талаб қилаётганимизни англамадик. Янги жамият келажагини барча икир-чикирлари билан, тараққиётнинг ҳамма босқичларини, ўзига хос хусусиятларини тафсилотлари билан олдиндан кўришга Ленин сўзлари билан айтганда 70 та Маркс ҳам қодир эмас эди.

Бу сўзлар партия XXVII съезди минбаридан бежиз айтилмади. К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин ўз даврининг вазифаларини ҳал қилишган эди. Улар бизга ўзларининг ютуқлари ва кашфиётларининг, диалектик-материалистик методологиясининг буюк меросини, фанда ҳақиқатни излашга хос ижодий руҳни қолдирганлар. Лекин ҳар қандай меросдан, айниқса марксизм-ленинизм сингари гениал меросдан моҳирона фойдалана билиш лозим, бу мерос ўз табиатига кўра

догматизмга зиддир, уни ҳаётнинг ўзи бунёд қилган ва у ҳар доим ижтимоий борлиқ сирларига чуқур кириб боришни тақозо этади. Аслини олганда, тўпланган назарий ва методологик потенциални, диалектик тафаккурнинг ўзини янги қоидалар ва ёндашувларни илгари суришга ва рағбатлантиришга қаратиш керак.

II

Асосий назарий вазифани қисқача қилиб шундай таърифлаш мумкин: *ҳозирги социализм биринчи навбатда ўзини билиб олиши лозим.* Агар жамиятшунослик бундан кейин ҳам ҳозиргача сиёсий қарорларга уларнинг таркибий қисми бўлиб кирмаётган проблемалар билан шуғулланишдан чўчийдиган ва бундай сиёсий қарорларнинг фақат изоҳловчиси даражасида қолаверадиган бўлса, унда мазкур мақсадга эришиб бўлмайди.

Александр Яшиннинг «Дастаклар» деган ҳикояси бор. Тўрт колхозчи коммунист партия йиғилиши ўтказиш учун бешинчи коммунистни кутиб ўтиришади. Эркин суҳбат боради: колхоздаги тартибни, хўжасизликни, район қишлоқ хўжалик органларининг ўзбошимчалигини, юқоридан юборилган планларнинг асоссизлигини ва шу сингариларни қойишади. Мана, бешинчи коммунист — мактаб учун ўтин топиш ташвишида юрган ўқитувчи аёл келади. «Ишлар тўғрисида кейин гаплашамиз, ҳозир мажлис ўтказиб олиш керак», деб унинг гапини бўлишади ва сийқаси чиққан гапдонлик бошланади: «Биз айрим нарсаларни олдиндан назарга олмадик ва ўзибўларчиликка солиб қўйдик»; «Оммага бош бўлиш керак, ўртоқлар!»; «Юксак меҳнат кўтаринкилиги вазиятида бутун колхоз бўйлаб...»

Нафақат сўз билан иш ўртасидаги, шу билан бирга сўз билан сўз ўртасидаги фарқ ҳам аниқ илғаб олинган. Бу кўплаб жамиятшунослар коллективлари учун ҳам жуда характерли вазиятдир.

Социализм капиталистик эксплуатациянинг, буржуача ахлоқнинг инкори сифатида дунёга келди. Шу туфайли янги жамият иллатлар ва зиддиятлардан холи бўлган романтик-идеал бир нарса сифатида тасаввур қилинар, мушкулликлар ва нуқсонларга эса бадном эскилик сарқитлари деб қаралarди. Қошкийди, буларнинг ҳаммаси юқорида ўйлангандек жўн бўлса! Социализм афзалликларининг аёнлиги салбий тенденцияларни, майда буржуачиликни ўзига юқтирмайди деган хомхаёлларни туғдирди. Социализмнинг объектив қонунлари тўғрисида кўпинча жаҳон тараққиёти контекстидан узиб олиниб мулоҳаза юритиларди. Капиталистик тузумнинг ривожланиши, унинг яшовчанлигининг чегаралари, омон қолишининг резервлари тўғрисида олдиндан айтилган мулоҳазалар ҳам кўп жиҳатдан соддалаштирилган прогнозлар бўлиб чиқди. Буларнинг ҳаммасидан воз кечиш керак, бу эса осон иш эмас.

Ижтимоий турмуш турли томонларининг бир-бирига таъсирини анализ қилишга бир бутун, комплекс тарзда ёндашиш зарурлиги тўғрисидаги ленинча талаб ҳамиша, ҳозир вужудга келган шароитда эса айниқса актуалдир. Гап ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатлари, базис билан устқурма, сиёсат билан экономика, централизм билан демократия, шахсий ва ижтимоий манфаатлар, идеология билан турмушдаги моддий шарт-шароитлар, психологик элементлар билан маънавий элементлар ва шу сингариларнинг мураккаб ўзаро алоқадорлигини ҳисобга оладиган ёндашув тўғрисида бормоқда.

Воқеликни системали, комплекс тарзда анализ қилиш *яхлит ва бир бутун таълимот бўлган марксизм-ленинизмнинг* ўз табиатидан узвий равишда келиб чиқади. Ҳозирги билимлар билан тўла қуролланган ҳолда воқеликни системали, умумфалсафий идрок қилишга ўтиш керак. Ҳозир фундаментал умумлашмаларга, реал зиддиятлари ва белгиловчи тенденциялари билан бир бутунликда олинган дунёга яхлит қарашни ривожлантиришга томон чуқур кириб бориш айниқса зарур. Асл социал тадқиқотлар — социологик, социал-психологик, гуманитар тадқиқотлар зарур. Бу тадқиқотларни тегишлича ориентациялашни тақозо этади.

Социализм инсонни ижтимоий тараққиётнинг ва унинг олий мақсадининг мезони деб билади. У қандайдир бир идеаллаштирилган шахс эмас, балки чинакам,

конкрет замонда яшаётган жамият, бошқа кишилар, моддий ва маънавий соҳалар билан реал алоқада бўлган жонли одамдир. Коммунизм сари ҳаракат — биринчи навбатда, ўз-ўзидан равшанки, тегишли моддий ва маънавий асосда ижтимоий муносабатларни такомиллаштиришдир. Назарий онг нафақат бу жараёнларнинг чуқурлигини, шу билан бирга онг билан практика ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг ғоят мураккаб диалектикасини, илмий ва одатдаги онгнинг ўзининг ривожланиш қонуниятларини ҳам кўриши ва акс эттириши лозим.

Жамиятшуносликда *тарихийлик принципини* янада ривожлантириш ниҳоятда зарур. Агар жамиятимиз структураларига фақат сўзда эмас, шунингдек амалда ҳам турғун эмас, балки динамик ривожланувчи структуралар деб қаралганида кўп янглишишларнинг олдини олиш мумкин бўларди.

Шуни таъкидлаш жоиз: гап жамият, давлат, партия, иқтисодий ва социал ривожланиш тарихини бошдан яна бир бор принципсиз тарзда қайта ёзиб чиқиш ҳақида бораётгани йўқ. Олдинроқ худди шундай қилинган эди, бунинг оқибати маълум. Гап бошқа нарса тўғрисида: босиб ўтилган йўлни бир бутун ҳолида ва диалектик зиддиятлари билан кўриш, идрок қилиш, таҳлил этиш тўғрисида бормоқда. Экономикадаги социал, сиёсий, бошқа соҳалардаги ҳамда улар ўртасидаги сабаб ва оқибатга доир алоқаларнинг бутун комплексини кўриш зарур.

Назарий иш социал билимнинг ноаксиоматик характери сингари принципиал жиҳатни эътибордан четда қолдириши мумкин эмас. Бундай жиҳатни бир неча ҳолатлар тақозо этади. Социал билим объекти — жамиятнинг ўзи узлуксиз ҳаракатда, ривожланишдадир. У инсоннинг, синфлар ва группаларнинг, умуман жамиятнинг тажрибани тўплаш, умумлаштириш ва ундан фойдаланиш қобилияти билан ҳам боғлиқдир. Кишиларнинг бутун онгли фаолияти ана шу қобилиятга асосланади, лекин бу қобилиятнинг бошқа бир қирраси ҳам бор. Янада мураккаб ва ривожланган, юқори даражадаги билимга эга жамиятда унинг ҳаётий фаолиятини ташкил этиш формалари ҳам шунга мувофиқ равишда ўзгаради. Агар жамиятда салбий ҳодисалар вужудга келиб, анча узоқ муддат сақланиб қолса, улар «ўз тажрибаси»ни тўплаши ва ўз навбатида ижтимоий муносабатларни, бу муносабатларнинг у ёки бошқа қисмини деформациялашга қодир тенденцияларни ҳосил қилиши мумкин.

Қайта қуриш социализмнинг айрим томонларини, соҳаларини, қирраларини шунчаки такомиллаштириш вазифасини эмас, балки умуман социализмни сифат жиҳатдан янгилаш вазифасини қўймоқда. Социалистик жамиятнинг сифат жиҳатдан янги ҳолати ҳақидаги ғоя бунёдкорлик проблемасини кишилар фаолиятининг диалектик зиддиятли жараёни сифатида тушунишга ундайдики, унда социализмнинг фақат формаси эмас, шу билан бирга унинг моҳияти ҳам тараққий этади. Бунга ўз вақтида В. И. Ленин ҳам эътиборни қаратиб, шундай таъкидлаган эди: «...Фақат ҳодисаларгина ўткинчи, ҳаракатчан, оқувчан, шартли чегаралар билангина ажралган эмас, балки нарсаларнинг *моҳиятлари* ҳам шундайдир» (ТАТ, 29-том, 239-бет).

III

Ҳозирги сингари микёсдаги қайта қуриш социализм сиёсий иқтисодининг туб масалалари соҳасига ҳам муқаррар суратда кириб боради, уларни ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичи шарт-шароитларига мувофиқ равишда кўриб чиқишни талаб қилади.

Бизга маълум ҳар қандай формацияда, босиб ўтилган ҳар қандай тарихий босқичда ишлаб чиқарувчи кучлар билан уларнинг социал формаси — ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги зиддият кишиларнинг ижтимоий-меҳнат фаолиятини ҳаракатга келтиради ва такомиллаштиради, революцияларни туғдиради, тараққиётни жадаллаштиради. Бироқ социалистик жамиятдаги шундай зиддиятни чуқур тадқиқ қилиш ўрнига социализмдаги асосий зиддият — «коммунизмнинг кўриниб турган куртаклари» билан «капитализм қолдиқлари» ўртасидаги зиддиятдир, деб қатъий ишонтиришга тушдилар. Раҳбарликнинг маъмурий-бюрократик методларини чеклайдиган ҳамма нарсани: колхоз-кооператив мулкини, шахсий томорқа ва ёрдамчи хўжаликни, якка тартибдаги меҳнат

фаолиятини, товар ишлаб чиқариш ва товар-пул муносабатларини, бозорни, фойдани, хўжалик ҳисобини «қолдиқлар»га чиқариб қўйишди.

В. И. Ленин социалистик жамият тараққиётидаги формал ва реал ютуқларни фарқ қилган эди. Унинг формал-юридик социалистик умумлаштириш билан амалдаги умумлаштириш ўртасидаги принципиал фарқни таъкидлаганлигини эслайлик. *Биз ана шу ленинча анъанани давом эттириб, ишлаб чиқаришни ривожлантиришда реал планлиликка, хўжаликни бошқаришда реал централизмга ва реал демократизмга эришишимиз керак бўлади.*

Планлиликнинг реал даражаси мутаносибликнинг қанчалик пухта тутиб турилиши ва тартибга солиниши билан ўлчанади. Реал централизм иқтисодий жараёнларнинг хўжалик марказига қай даражада бўйсуниши билан ўлчанади. Хўжалик юритишдаги реал демократизм меҳнат коллективларига ҳуқуқларнинг шунчаки бериб қўйилиши билан эмас, балки ана шу ҳуқуқлардан амалда фойдаланиш учун зарур социал-иқтисодий ва сиёсий шарт-шароитларнинг яратилиши билан ўлчанади.

Секинлатиш механизми шаклланишининг бошланиши, афтидан, шундай сабаблар билан боғлиқки, улар аста-секин (30-йиллардан бошлаб) объектив шарт-шароитлар билан амалий хатти-ҳаракатлар ўртасидаги нисбатнинг маълум даражада амалий хатти-ҳаракатлар фойдасига алмашиб кетишига олиб келган. Экономикани ривожлантиришнинг экстенсив йўлини ўз вақтида шароит объектив тақозо қилган, у давр вазифаларига мувофиқ бўлиб, анча самаралар ҳам берганди. Бироқ бу йўлнинг ўзи, бошқарувнинг, планлаштиришнинг, тақсимотнинг ва шу сингариларнинг унинг билан боғлиқ методлари ривожланишнинг навбатдаги, янада юқори босқичида объектив равишда тўсқинлик қила бошлади, бу босқичда сифатга оид омиллар биринчи ўринга чиқа бошлади, хўжалик юритишнинг интенсив формаларига ўтиш эҳтиёжи туғилди. Лекин тафаккур ва практика инерцияси ҳаддан ташқари ўжар бўлиб чиқди, лекин бу инерцияни бартараф этишга куч-ғайрат етишмаганди. Оқибатда кейинги ўн йилликлар мобайнида объектив равишда социализмнинг моддий асосларига путур етказувчи система — экономиканинг кўп сарфлилиги шакллана бошлади. Бунинг сабабларини юзадан, айрим иқтисодий хатолардан эмас, балки ижтимоий борлиқнинг теран жойларидан, турғунлик генезисидан излаш керак.

Амалда давлат мулкининг абсолютлаштирилиши, унинг мулкнинг энг юқори формаси — умумхалқ мулкига тенглаштирилиши базис соҳасидаги ана шундай сабаблардан эди, бу маъмуриятчиликка, бюрократизмга кенг йўл очиб берди.

Бюрократизм догматизмга муҳтож ва аксинча. Бюрократлар ҳам, догматиклар ҳам фақат жамият манфаатларини чеклаш эвазигагина кун кўриши мумкин, бунда улар ўзларининг давлат аппаратига дахлдорлигидан фойдаланишади. Шунинг учун ҳам улар ҳамма нарсани «давлат билан боғлаш»га, ҳар қандай ютуқлар, муваффақиятларни бошқарувнинг «энг соз» маъмурий методлари билан боғлашга интилишади.

Диққат-эътиборнинг мулкнинг давлат формасининг колхоз-кооператив формасига нисбатан афзалликлари тўғрисидаги мавҳум сафсаталарга қаратилганлиги иқтисодий турмуш механизмини чинакамига билиб олишга мутлако ёрдам бергани йўқ. Догматизм ҳаётга ўз тазйиқини ўтказиб, кооперацияни зўрлик билан давлат таркибига тиқиштиришга ҳаракат қилди. Давлат мулкига муносабатнинг: *бизники — бу меники эмас, бу — ҳеч кимники* қабилидаги андазаси қадам-бақадам мустаҳкамланиб келди. Бу ҳар хил балоларга, локайдликка, хўжасизликка сабаб бўлди (хўжасизликнинг сабаби, шубҳасиз, фақат бундагина эмас). Лекин, фикримизча, айни шу кооперация ҳозир албатта давлат бажариши лозим бўлмаган айрим функцияларни ўз зиммасига олиши ва шу билан социалистик бозорнинг нормалаштирилиши ва самарали амал қилишига ёрдам бериши давлат билан биргаликда сўмни мустаҳкамлаши мумкин.

Социализмда барча формалардаги ижтимоий мулк бир бутундир. Фақат жонли ҳаётгина унинг таркибий қисмлари ўртасида мантиқий пропорциялар ўрнатиши мумкин. Умумхалқ мулкидаги сунъий яратилган нонормал пропорциялар зиддиятларнинг бутун бир комплексининг генераторидир, бошқача шароитларда бундай зиддиятлар «енгилроқ» акс этиши ёки умуман бўлмаслиги мумкин эди.

Маркснинг фикрича, социал тузум негизларини ўзгартириш «ижтимоий ишлаб чиқаришни эркин кооператив меҳнатнинг ягона, кўламдор ва гармоник системасига айлантириш учун зарур...» (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 16-том, 199-бет). Ленин социализм — бу «цивилизацияли кооператорлар тузуми», «бутун аҳолининг кооперацияда ёппасига қатнашуви»дир ва «бунинг учун бутун бир тарихий давр талаб қилинади» деб ёзган эди (ТАТ, 45-том, 418—419-бетлар).

Ҳеч қайси форма ўз имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланмагунича йўқ бўлмайди. Модомики, оилавий пудрат меҳнатни ташкил этишнинг бошқа формаларига нисбатан унумдорликни икки ёки уч баравар оширишни таъминлашга қодир экан, қандай қилиб уни социалистик ишлаб чиқариш структурасидаги ишлатилиб бўлинган, тарихий эскирган форма деб ҳисоблаш мумкин? Модомики, якка тартибдаги меҳнат фаолияти фойда келтирар экан, нима учун унинг ривожланишига идеологик ва амалий тўсиқлар қўйиш керак? Фақат биргина чеклашга қатъий риоя қилиш керак: эксплуатацияга йўл қўймаслик лозим. Амалда социализмни мустаҳкамлаш ишига асосий вазифа сифатида қараш, барча куч-ғайратларни, меҳнатни ташкил этиш ва ижтимоий ҳаёт формаларини шу вазифага бўйсундириш керак. Ранг-барангликда ва динамикада олинган асосий иқтисодий қонунлар мураккаб комплексининг моҳиятига оид таърифларни холисона қайта идрок қилиб чиқиш ҳам шунга ёрдам берган бўлур эди.

Меҳнатнинг миқдори билан сифати ўртасидаги зиддият ҳозирги қайта қуриш босқичидаги энг кескин зиддиятлардан биридир. Давр ўсишнинг миқдорий ва сифат кўрсаткичларини оптимал тарзда бирга қўшиб олиб боришни талаб қилаётган бўлса-да, иқтисодий практика ҳали ҳам илгаригидек миқдорий ўсишни биринчи ўринга қўяди. Ўтмишда ўсишнинг сифат кўрсаткичларига етарли баҳо берилмаганлиги жамиятнинг ривожланишимизнинг ҳозирги босқичида тараққиётнинг сифатга оид жиҳатларига ҳамма жойда ва ҳамма нарсада катта эътибор берилишига бўлган эҳтиёжини янада кучайтиради. «Миқдор стратегияси»нинг моҳияти — кўп харажатли, дефицитли-инфляцион ишлаб чиқаришдир. Кўп харажатли механизмни синдириб ташлаш, уни ривожланаётган социализм табиатига мос принципиал янги, хўжалик ҳисобидаги механизм билан алмаштириш — қайта қуришнинг энг муҳим вазифасидир.

Фалсафий нуқтаи назардан олганда, кўп харажатлилик — бу миқдорнинг объектив равишда сифатга ўтишини субъектив тарзда секинлаштириш, миқдорнинг сифатдан муҳимлиги; бу, таъбир жоиз бўлса, догматизмнинг мегатоннажи, зиддиятларнинг диалектик моҳиятини тушунмаслик ва уларни қабул этмаслик; бу — социал лоқайдлик категориялари билан фикрлашдир.

Иқтисодий нуқтаи назардан олганда, кўп харажатлилик — бу максимал оралиқ сарф-харажатлар билан минимал пировард натижага эришиш, ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги зиддиятларнинг тобора кескинлашуви, ишлаб чиқарувчи кучларнинг анархияси ва ишлаб чиқариш муносабатларининг бюрократлашуви, илмий-техникавий қолоқликнинг консервация қилиниши, турғунликка олиб борувчи йўлдир. Ишлаб чиқарувчининг танҳо ҳукмронлиги ҳар доим кўп харажатлиликни юзага келтиради, бу аҳвол тобора хунукроқ формаларда кеча боради, у хўжалик ҳисобини инкор қилади, истеъмолчига нисбатан манфаатдор шерикка эмас, балки жонга теккан ҳамроҳга бўлгани сингари муносабат туғдиради.

Идеологик нуқтаи назардан олганда, кўп харажатлилик — бу ҳар доим исталган нарсаларни ҳаққоний нарсалар қилиб кўрсатишга бўлган интилиш, дабдабабозлик, тантанабозлик, ҳайбаракаллачилик, қарсакбозликнинг авж олиши ва танқиднинг дамини кесиш; ақидаларни кўпайтириш ва янгича фикрлар, ижодий изланишларга ғов қўйишдир. Бу — социализмда экономиканинг ҳам меҳнат, ҳам ҳисоб-китоб, ҳам неъматларни тақсимлашда маънавийлик, виждонлилик, инсофлилик каби тушунчалардан ажралмаслигининг унутилишидир.

Теран зиддиятларнинг яна бир группаси — *меҳнатнинг ўзидаги зиддиятларни* олиб кўрайлик. К. Марксда шундай фикр бор: «Жамият то меҳнат офтоби теварагида айлана бошламагунича мувозанатга эриша олмайди» (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 18-том, 551—552-бетлар). Меҳнат — бу бизнинг устодларимиз сажда қилган ягона тангридир. Меҳнатни хўрлаш, таҳқирлаш — шаккокликдир. Бунинг учун ҳаёт жазолайди, жазолаганда ҳам аёвсиз жазолайди.

Ривожланаётган социализм меҳнатнинг абстракт ва конкрет меҳнатга бўлинишига барҳам бера олмайди. Лекин ижтимоий онгдан ва практикадан шундай постулат ўрин эгаллади: гўёки хусусий мулкчиликнинг йўқлиги ва ҳатто давлат планининг ўзи ҳар қандай (фойдалими — зарарлими; бенуқсонми — пала-партишми) меҳнатнинг бевосита ижтимоий, зарурий меҳнат бўлишини олдиндан белгилаб берармиш.

Бу ақида — кўп харажатлиликнинг объектив тарздаги катализаторларидан биридир. Ҳар қандай меҳнатга баравар ҳақ тўланиши билан қўшиб ёзишлар, кўзбўямачилик, алдашлар авж олади; миллий даромад стихияли равишда ва жиноий-уюшган ҳолда қайта тақсимланади; меҳнатнинг маънавияти ва этикасига путур етказилади ва унинг маданияти пасаяди. Меҳнатга қараб ҳақ тўлаш деформация қилинади, бу меҳнат ва ижтимоий асослар қадриятини барбод қилади.

Айни бир пайтда меҳнат — моддий соҳада унумли меҳнат, бошқа соҳалардаги унумсиз меҳнат қилиб бўлинди. бу социал инфраструктурага маблағларнинг «ортиб қолганини ажратиш» принципини, технократизмни, инсон омилига етарли баҳо бермасликни келтириб чиқарди. Бу, шунингдек, врач, ўқитувчи, инженер, олимнинг энг малакали ва фан-техника революцияси шароитида ғоят зарур меҳнатига моддий ва маънавий зарар етказди. Бу, шунингдек, билим социал статусининг, ҳақиқий профессионализмнинг камситилишига сабаб бўлди. Бу ерда ҳам айрим тушунчаларни қайта идрок қилиш учун сабаблар йўқмикин?

Хўжалик юритишнинг масъулиятсизликни келтириб чиқарадиган кўп харажатлиликка асосланган усули меҳнатнинг маънавий мазмунига ҳам путур етказадики, бу ишчилар синфи ва деҳқонлар, зиёлилар ва айникса ёшлар бир қисмининг унга нисбатан муносабатига таъсир этмай қолмайди. Биз на изза қилиш билан, на сўм билан таъсир ўтказиш системасини ишлаб чиқмадик. Маблағ билан ўз-ўзини таъминлаш, ўз харажатларини ўзи қоплаш ва ўз-ўзини бошқариш шароитида меҳнат муносабатларига оид мезонларнинг муқаррар равишда ўзгариши туфайли меҳнат маданияти ва қадрияти проблемаси янгича аҳамият касб эта боради.

Бу фақат практика учун муҳимгина эмас. Айни шу ерда, иқтисодий ва социал соҳалар, моддий ва маънавий жиҳатлар, шахсий ва ижтимоий манфаатлар дуч келадиган мана шу энг жонли ва кескин нуқтада, энг муҳим ва кам тадқиқ қилинган проблемаларнинг ана шу чорраҳасида умуман бутун жамиятшунослигимизнинг ғоят жиддий *методологик ҳужумга* ўтиши кутилади дейишга асос бор. Агар ижтимоий алоқалар ва муносабатларнинг реал системасида турган инсон ҳақиқатан ҳам изланишлар марказига қўйилса, бундай ҳужум амалга оширилиши мумкин.

IV

Бутун сиёсий ва ижтимоий тартиботлар системасининг активлаштирилиши, бутун жамият турмушини демократиялаштиришнинг, фикрлар ва хатти-ҳаракатлар тарзида дунёни демократик тарзда ҳис этиш ва тушунишни қарор топтиришнинг зарурлиги — апрель Пленумининг энг муҳим белгисидир.

Демократия — ижтимоий организм сифатидаги социализмни амалга оширишнинг энг муҳим, ҳаттоки мумкин бўлган ягона усулидир. Марксизм социализмнинг социал-иқтисодий моҳиятини шунчаки ишлаб чиқариш воситаларининг умумлаштирилишидангина иборат деб билмайди. Ишлаб чиқаришга оид ва бошқа ижтимоий ишларни бошқаришдаги ҳал қилувчи роль амалда меҳнаткашларнинг ўзларига тегишли бўлсагина, иқтисодий ва социал тараққиётнинг энг муҳим масалаларини коллективларнинг ўзлари ҳал қиладиган бўлсагина умумлаштирилган ишлаб чиқариш ҳақиқий социалистик характерга эга бўлади.

Индивидуализм — ҳуқуқлар ва эркинликларнинг тўла-тўкис ва бутунлай иқтисодий жиҳатдан бошқалардан ажралиб турадиган субъектлар муносабатларига асосланадиган буржуача тушунилишининг аввали ва охиридир. Бу ерда, табиийки, мулкдор индивиднинг ҳуқуқлари биринчи ўринда туради. Буржуа ҳуқуқи индивидларни юридик жиҳатдан тенг деб билади, бироқ у капитализмга хос бўлган иқтисодий тенгсизликни бартараф қила олмайди ва, умуман, у бундай вазифани ўз олдига қўймайди ҳам, бундай иқтисодий тенгсизлик тенгсизликнинг

бошқа барча формаларини: социал, сиёсий, миллий, маданий ва бошқа тенгсизликларни келтириб чиқаради.

Социализм иқтисодий тенгсизликни йўқ қилади, у қонунда тенгликнинг ҳамма ва ҳар қандай формаларини тан олиш, буни практикада қарор топтириш билан меҳнаткашларнинг эркинликларини янада кенгайтиради. Социалистик жамият гражданининг социал гарантиялари, сиёсий эркинликлари, юридик ҳуқуқлари бекиёс кенг, улар янги тузумнинг реал муваффақиятлари билан таъминланади. Бироқ шуниси равшанки, уларнинг практикада амалга оширилиши узил-кесил белгилаб қўйилган, қотиб қолган бир нарса эмас. Бу — реал тарихий объектив ва субъектив шарт-шароитларнинг бутун бир комплекси ҳосиласидир. Инсон социализм учун фақат умумий тарзда эмас, шунингдек ғоят конкрет, индивидуал тарзда ҳам энг бебаҳо бойликдир. Социалистик демократияни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичининг мазмуни ана шундан иборат, КПСС ва Совет давлатининг социал ҳамда маданий сиёсати бугунги кунда ана шунга қаратилган.

Демократиялаштириш — совет жамияти ҳозирги ҳаётининг шундай бир қиррасики, бутун дунёда унга катта қизиқиш ва эътибор билан қарашмоқда. Бировлар ошкораликка, рўй-ростликка, ўз-ўзини танқид ва танқидга қаратилган йўлни социализмнинг олға томон ҳаракати, унинг гуманистик жиҳатдан янада тўлароқ юзага чиқиши йўли деб билиб маъқуллашмоқда. Социалистик демократияни буржуа демократияси тарзида ва унга ўхшаш сифатда кўришни истаганлар эса жамият бутунлай қайтадан ўзгаради деб умид қилмоқдалар. Учинчи бировлар эса ўз-ўзини бошқаришнинг «ҳалокати», умуман демократиялаштиришнинг «хавфи» тўғрисида мулоҳаза юритишмоқда. Бундай талқинларнинг сабаблари тушунарлидир. Улар синфий манбаига, содир бўлаётган воқеалар моҳиятини тушуниш даражасига, жаҳоннинг илғор кучлари социалистик ижтимоий система тараққиётига боғлаётган умидларнинг самимийлигига қараб турличадир.

Ленинча сиёсий луғатда «демократия», «ўз-ўзини бошқариш», «омманинг жонли ижодкорлиги» тушунчалари айникса социализм тўғрисидаги мулоҳазалар учун энг муҳим тушунчалардир. В. И. Ленин демократизмнинг аҳамиятини ишонарли қилиб, батафсил асослади, унинг моҳиятини очди, мазмунини белгилаб берди. Меҳнаткашларнинг давлат қонунлари ва планларини муҳокама қилишдаги иштироки, ваколат органларига ўз вакилларини номзод қилиб қўйиши ва сайлаши, қуйидан туриб улар фаолиятини назорат қилиш, сиёсий раҳбарлик методлари сифатидаги ошкоралик, танқид ва ўз-ўзини танқид, масъулият ва онгли интизом, барча гражданларнинг қонун олдида тенглиги — XXVII съезд, МК январь Пленуми йўл-йўриқларида ўз аксини топган ленинча ғоялардир. Фақат демократия орқалигина, уни соғломлаштириш ва ривожлантириш орқалигина социализмга хизмат қиладиган ҳамма нарсани активлаштириш, социализм потенциалининг ўзини тўла-тўкис намоён қилиши учун имконият яратиш мумкин. Тўла демократияни амалга оширмаган социализм музаффар социализм бўла олмайди, — бу В. И. Ленин насиҳатидир (ТАТ, 30-том, 153-бетга қаралсин).

Қайта қуриш бошқарув проблемасига янгича ёндашувларга эҳтиёж муносабати билан ҳам социалистик демократия масалаларини ўзига хос тарзда қўйди. Ҳозир жамият олдида турган вазифаларнинг ҳеч бирини уларда меҳнаткашларнинг манфаатдорлик билан, доимий, амалий иштирок қилишини таъминламасдан ҳал этиб бўлмайди. XXVII съезд илгари сурган социалистик ўз-ўзини бошқариш тўғрисидаги қоида социализм сиёсий системасининг барча қаватларида аста-секин халқ учун ҳокимиятдан халқнинг ўзининг ҳокимиятига ўтишнинг тарихий зарурлиги тўғрисидаги ленинча тезиснинг ривожлантирилганлигини ҳам англатади. Партия бу йўналишда кўп куч-ғайрат сарфлаб, тинимсиз изланмоқда.

Мамлакат, жамият, коллектив миқёсларидаги асосий, шунингдек жорий қарорларни ишлаб чиқишда кишилар реал иштирокининг формалари ва стимулларини қидириб топиш, юзага келадиган барча даражалардаги ва таърифлардаги зиддиятларни реализация қилиш, ҳал этиш усули сифатидаги демократиянинг ҳаракат механизмини имкони борича аниқроқ очиш лозим. Демократик тараққиётнинг бутун мажмуига доир, унинг ҳаётнинг бошқа соҳаларига, инсонга, жамиятнинг сиёсий маданиятини ва унинг бошқарув ташкилотларини шакллантиришга оид назарий ишланмалар ниҳоятда зарур.

Ҳуқуқий фанларнинг янги сифатга эришиши алоҳида эътибор талаб этади. Бу ерда проблемалар жуда кўп — улар иқтисодий ислоҳотни юридик жиҳатдан таъминлашдан тортиб то юриспруденциянинг совет гражданларининг иқтисодий, сиёсий ва социал ҳуқуқлари, эркинликларининг негизини ташкил этадиган бўлимларига энг муҳим ўзгаришлар киритишни ўз ичига олади. Бошқача айтганда, назарий тафаккур демократияни янада тўлароқ таъминлашнинг ҳозирги босқичга мос, диалектик тараққий этган ташкилий, юридик, сиёсий методларини таклиф қилиши керак.

Ҳуқуқий фаннинг шу кундаги сиёсий ва хўжалик практикаси билан ўзаро муносабатлари ҳам ғоят мураккабдир. У ёки бу раҳбарларнинг етилган проблемаларни ҳал этишдан ўзини олиб қочишга уриниши, маҳкамачилик ва маҳаллийчилик ниятлари ишни илмий жиҳатдан жиддий таъминлашдан манфаатдорликка ёрдам бермади. Олимларнинг қабул қилинаётган, ҳатто нотўғри қарорларга ҳам сохта илмийлик бахш этадиган, уларни юридик жиҳатдан оқлайдиган тавсияларидангина фойдаланилди.

Энди бошқача бўлиши мумкин ва лозим. Ижтимоий муносабатлар юридик формасининг, социалистик ҳуқуқнинг гуманистик ва маънавий потенциалини ҳар томонлама ривожлантириш ва ундан самарали фойдаланишнинг ҳақиқий қадр-қимматини тушуниш пайти етди. Ҳуқуқсиз, қонунчиликсиз ва адлиясиз социал тараққиётга эришиб бўлмайди, моддий ишлаб чиқаришнинг ва сиёсий демократия тартиботларининг нормал ишлашини таъминлаш, шахснинг камол топишини рағбатлантириш мумкин эмас.

Лекин ҳатто яқиндагина босилиб чиққан умумий характердаги монографияларда ҳам ҳуқуқни унинг социал-қадриятли йўналишининг аҳамиятини пасайтирадиган тарзда тор нормативга мувофиқ талқин қилишга бархам берилмаган. Ҳуқуқнинг халқнинг эҳтиёжлари ва манфаатларига мувофиқ бўлиш, инсонпарварлик ва адолат принципларига садоқат сингари муҳим ижтимоий сифатлари маъмуриятчилик ва бошқарувга оид мақсадга мувофиқлик мулоҳазалари панасида қолиб кетган. Маълумки, гражданларнинг юридик статуси, ҳуқуқлари ва эркинликлари ижтимоий муносабатлар мажмуига асосланади, ҳуқуқ эса жонли ҳаётда таркиб топган нарсаларни қайд қилади ва таъминлайди. Бироқ гражданлар ҳуқуқларига юқоридан кўрсатилган бир мурувват деб қараш ҳали ҳам яшаб келмоқдаки, бу бизда шахс, жамият, ҳуқуқ ва давлат ўртасидаги мавжуд ҳақиқий алоқани тушунмасликни кўрсатади. Ёки социалистик омилкорлик сингари масалани олиб кўрайлик. Ҳуқуқ унинг юридик ҳимоясини қай даражада таъминлайди? Юридик ҳужжатларда, инструкцияларда хўжалик ташаббускорлигига нисбатан «айблилик презумпцияси» ҳали ҳам бор. Ҳозирча, афтидан, якка тартибдаги меҳнат фаолияти тўғрисидаги қонун «нимаики тақиқланмаган бўлса, ҳаммаси мумкин» деган принцип асосий қилиб қўйилган амалдаги ягона қонундир. Лекин кўпчилик ҳали ҳам илгаригидек: агар қонунда тилга олинмаган бўлса, демак, тақиқланган, деб ҳисоблайди.

Ҳуқуқни соғлом фикр томон буриб юбориш, инсоний қадр-қимматга ҳурматни шубҳасиз имтиёзга айлантириш — бу бугунги кунда юридик фан ва практика олдидаги ниҳоятда жиддий вазифадир. Бошқа, истиқболга эга яна бир муҳим вазифа — ҳуқуқ фаолиятини ташкил этишнинг жамият учун зарур формаларини ишлаб чиқиш, ўзига хос тарзда социал лойиҳалаш вазифаси ҳам кўриб чиқилмоқда.

V

XX аср охирини шартли равишда кўпчилик революциялар — социал, илмий-техник, маданий, психологик, демографик, экологик ва шу сингари революциялар даври деб аташ мумкин. Икки системанинг мусобақалашуви, қарши курашуви билан давлатларнинг ўзаро боғлиқлигининг ўсиб борувчи тенденциясининг кўшилишида ҳозирги жаҳон тараққиётининг диалектик мураккаблиги намоён бўлади. XXVII съезднинг ана шу хулосаси жамиятшунослар олдига принципиал жиҳатдан янги хусусиятларга эга масалаларни қўяди.

Жаҳон тараққиётидаги ўзгаришлар шунчалик муҳим ва кенг қамровлики, улар бу ривожланишга доир ҳамма янги омиллар ва тенденцияларни жиддий

қайта идрок этишни, комплекс тарзда баҳолашни, ҳозирги дунёни барча ранг-баранглигида, қарама-қаршиликлари билан ва яхлит ҳолида назарий таҳлил қилишни анча чуқурлаштиришни тақозо этади. Инсониятнинг омон қолиши проблемасини ҳал этишга бўлган эҳтиёж унда ўз жонини сақлашга интилиш кучларини пайдо қилади, бир-бирига зид социал системаларда ядровий аср талабларига мувофиқ *баҳамжиҳат ҳаракат қилишга доир* стимуллар яратади.

Яқин-яқинларда ҳам кўпгина фалсафий ва иқтисодий тадқиқотларда инсониятнинг жаҳоншумул-тарихий, авлоддан авлодга ўтиб келган борлиғи тушунчасига бизнинг социал жиҳатдан бўлинган дунёмизда амалий қўллаб бўлмайдиган ўзига хос бир юксак абстракцияга қаралгандай қаралар эди. Лекин янги шароитда синфий характердаги принципиал тафовутларни таъкидлаш, икки ижтимоий-иқтисодий системанинг тарихий қарши курашишини кўрсатиш билан бирга улар ўзаро таъсирининг ғоят мураккаб диалектикасини ҳам ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Ҳозирда мавжуд бўлган иккита формация, икки ишлаб чиқариш усулининг бир-бирига тубдан қарама-қаршилигини инкор этиш ҳам, ҳозирги инсониятнинг моҳият жиҳатдан яхлитлигини, унинг умумий манфаатлари ва қадриятларини ҳисобга олмаслик ҳам ҳозирги даврни диалектик-материалистик тушунишга мувофиқ келмайди.

Яхлит, ўзаро боғлиқ дунё концепцияси экологик проблема билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Фикримча, табиатдан фойдаланишга бўлган ҳозирги ёндашувларнинг давом эттирилиши ўз глобал оқибатларига кўра ҳалокатли эканлигини биз ҳозирча тўла англаб етганимизча йўқ. Табиатни орқа-ўнгини суриштирмай бўйсундириш принципларига асосланадиган техникавий цивилизация тараққиёти табиий комплексларнинг ўз-ўзини қайта тиклаш потенциалига жиддий путур етказди. Айни биз, марксистлар, инсониятни экологик ҳалокатдан қутқаришнинг илмий стратегиясини ҳар томонлама ишлаб чиқишимиз лозим, агар бунга бутун дунё кишилари биргалашиб кўп куч-ғайрат сарфламаса, айрим прогнозларга қараганда, ана шундай ҳалокат бир неча ўн йилликлардан сўнг юз бериши мумкин.

Вазифа фақат атроф муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган сарф-харажатларни кўпайтиришдангина иборат эмас. Сиёсий ва экологик маданиятнинг янги босқичига ўтилиши зарур. *Сиёсий* нуқтаи назардан олганда — бу давлатлар ўртасидаги ишончли халқаро-ҳуқуқий негизга асосланган тинчлик ва ҳамкорликдир. *Иқтисодий* нуқтаи назардан олганда — бу жаҳон хўжалигини чиқитсиз технологияларга ўтказиш жараёни, атроф муҳитни сақлаш ва парвариш қилишдир. *Социал* нуқтаи назардан олганда — бу инсоннинг азалий ёвуз душманлари — очарчилик, касалликлар, қашшоқлик, саводсизликка қарши курашнинг кучайтирилишидир. *Фалсафий* нуқтаи назардан олганда — бу инсоннинг табиат билан муносабатларининг уйғунлиги, инсон ақли ва қалбининг эксплуататорлик жамиятларига хос социал ёвузликларнинг барча турларидан тозаланиши, маданиятнинг ҳақиқий ютуқларини ҳимоя қилиш ва ривожлантириш, унинг инқирозга учрашининг олдини олиш демакдир.

Умуминсоний қадриятларга, ядросиз дунёни яратишга қаратилган кенг миқёсли ташаббусларга асосланадиган *хавфсизлик системасини шакллантириш* тўғрисидаги масаланинг қўйилиши, аслини олганда, халқаро муносабатлар назариясидаги янгиликдир. Қарашларнинг кенг кўламли системасини, инсониятнинг омон қолиши тўғрисида гап бораётган бир пайтда давлатларни мавжуд зиддиятлардан устун бўлишга ундайдиган сиёсий фалсафани ишлаб чиқиш зарур.

Демилитаризация қилинган ядросиз дунёни вужудга келтириш ҳозирги дунёдаги ишончсизлик, кескинлик ва душманликнинг теран сабаблари, манбаларини йўқотишни тақозо этади. Халқаро аҳвол бўйича мутахассис олимлар олдида халқаро муносабатлардаги анъанавий адоватли ёндашувларни қандай қилиб бартараф этиш масаласи кўндаланг бўлиб турибди. Бу муносабатларни ривожлантиришнинг барча давлатлар — халқаро ҳамжамият аъзолари манфаатларига мос келадиган умумий йўналишларини қидириб топиш керак. Халқаро иқтисодий хавфсизлик ҳам тинчликнинг зўравонликдан халос ишончли пойдевори бўлиб қолиши лозим.

Гуманитар соҳадаги ҳамкорлик проблемаси ҳам янгича ёндашувларга муҳтож. Бизнинг социалистик хонадонимиздаги қайта қуриш, демократиялашти-

риш нафаси хорижда ҳам тўла-тўкис сезилиши керак. Бу ерда ҳалқаро аҳвол бўйича мутахассис совет олимлари учун халқаро хавфсизлик кенг қамровли системасининг ахлоқий ва маънавий омиллари тўғрисидаги масалани назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш учун янги имкониятлар очилмоқда.

КПСС XXVII съезди томонидан илгари сурилган ҳарбий потенциалларнинг, шу жумладан ядро қуроли бутунлай йўқ қилиб ташланган шароитда *ҳам етарлилиги* тўғрисидаги концепцияни очиб бериш ва уни моддий мазмун билан тўлдириш талаб қилинади. Шунингдек, ўзининг стратегик моҳиятига кўра *ядро урушига йўл қўймаслик* сиёсатига асосланадиган ҳарбий доктринамизни ҳарбий мутахассислар билан биргаликда анализ қилиб чиқиш вазифаси ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бошқача айтганда, гап жаҳон тараққиётининг сифат жиҳатдан янгича босқичида марксча ғояни янада бойитиш, илмий дунёқарашни узлуксиз янгилаш ва такомиллаштириш тўғрисида бормоқда. В. И. Ленининнинг «Материализм ва эмпириокритицизм» асаридаги мана бу сўзларни эсга олайлик: «Энгельс очиқдан-очиқ: «Ҳатто табиий-тарихий соҳада» (инсоният тарихи тўғрисида сўзлаб ўтирмаса ҳам бўлади) «бутун бир давр очадиган ҳар бир кашфиёт муносабати билан материализм ўз формасини муқаррар равишда ўзгартиши лозим» дейди» (ТАТ, 18-том, 297—298-бетлар).

VI

XXVII съезд қўйган вазифалар социал куч-ғайратларнинг битмас-туганмас манбаи бўлган *ижтимоий онгни* ривожлантириш проблемасини анча актуаллаштиради. Бундай ривожлантириш ўзаро боғлиқ иккита йўналишда: биринчидан, «онг сифати»ни ошириш, уни илмий аниқлик, илм ва умумий маданиятнинг, билимдонлик ва савиянинг янги даражасига кўтариш йўли билан; иккинчидан, билимни эътиқодга, эътиқодни эса — кишилар хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатига айлантириш орқали амалга ошириш мумкин. Бунда ижтимоий фанларнинг алоҳида ўрни ва роли бор.

Ижтимоий хўжаликни, социал инфраструктурани мустаҳкамлаш, социалистик демократия, тарбиявий соҳа проблемалари бир-бирлари билан боғланган бўлиб, улар назарий жиҳатдан кенг миқёсда қўйилишни, амалий ишларда собитқадамликни ва компетентлиликни тақозо этади.

Қайта қуриш *философия фани* олдига йирик проблемаларни қўймоқда. Бу ерда воқеликдан узилиб қолишлик ўзига хос бир методологик, «назарий асос»га эга эди. Бундай тенденция ҳақиқатни билиш тўғрисидаги — жонли мушоҳададан абстракт фикрлашга ва ундан практикага деган ленинча таълимотни бузиб талқин қилишда ва қўллашда яққол намоён бўлди. Назарий билиш жараёнида ҳар доим реал объектга мурожаат қилиш зарурлигини кўрсатувчи қисм амалда ленинча методологик кўрсатмадан чиқариб ташланган эди.

Шу билан бирга яна бошқа бир тенденция — эмпиризмга, баёнчиликка томон тойиш тенденцияси ҳам кўзга ташланади. Философлар, шунингдек бошқа жамиятшуносларнинг ҳам назарий идрок қилинмасдан кузатилаётган фактлар, у ёки бу воқеаларга оид ахборотлардан иборат анча асарлари босилиб чиқди.

Фикримча, фанимизнинг инсон, инсон омилини активлаштириш йўллари проблемасини *комплекс* ўрганиш соҳасида орқада қолганлиги бизни жиддий ташвишга солиши лозим. Инсоннинг ички дунёси билан боғлиқ проблемалар ғоят катта аҳамият касб этмоқда, — айни шу масалалар юзасидан ниҳоятда актив идеологик кураш бормоқда. Афсуски, бутун маънавий-фалсафий проблемалар соҳаси ўзига хос қўриқлигича қолмоқда: инсон ҳаёт мазмунига, ахлоқий йўлни танлаш, ўз хатти-ҳаракатларини этик жиҳатдан асослашга доир «азалий», машаққатли проблемалар устида бош қотирар экан, жавоб олиш учун у кўпинча профессионал бўлмаган философ-этикашуносларга мурожаат қилади.

Илмий коммунизмга, философияга ва социологияга оид асарларда жамиятнинг реал структурасини, социал-синфий, синфлар ичидаги ўзгаришлар динамикасини, Совет жамиятининг социал жиҳатдан бир хиллигини шакллантиришнинг мураккаб ва зиддиятли жараёнини тадқиқ қилиш ўрнига фақат ана шу

бир хиллик тўғрисидаги тезис ҳадеб бир хил тартибда чайналаверади. Социалистик шахсни камол топтириш, тарбиялашнинг ғоят мураккаб жараёнини ўрганиш ўрнига — қарийб идеал совет кишиси тўғрисида қуруқ сафсата сотилади. Шундай савол туғилади: турғунлик ҳодисалари, истеъмолчиликка, буюмларга ружу қўйган, маънавий қашшоқ, беномус кишилар, амалпарастлик, расмиятчилик, лоқайдлик қаёқдан пайдо бўлди?

Гарчи *илмий коммунизм* предмети ва методини, қонунлари ва категорияларини муҳокама қилиш бундан чорак асрдан зиёд вақт илгари бошланган бўлса-да, уни ишлаб чиқишда ҳали ҳам кўплаб нуқсонлар бор. Шу билан бирга бу қадар узоқ давом этган баҳснинг якунланмаганлигига ажабланмаса ҳам бўлади, чунки у формал характерга эга, «соф» онг доирасидагина ўралашиб юрибди, у ёки бу категорияларни, айрим, баъзан асоссиз илгари сурилган нуқтаи назарларни мавҳум тарзда талқин қилишдангина иборат бўлиб қолмоқда. Илмий коммунизмга доир асарлар, одатда, иккиламчи ахборотга асосланади. Авторларнинг назарига реал жараёнлар эмас, балки асосан тасаввурларни, тушунчаларни ривожлантириш тўғрисидаги материаллар тушмоқда.

Социологиядаги вазият ҳам мураккаблигича қолмоқда. Кўпгина социологик тадқиқотларнинг профессионал даражаси ҳали ҳам паст, уларда баёнчилик, социал тараққиётга, жамоатчилик фикрига оид масалаларни жўн талқин қилиш кенг тарқалган. Социологиянинг жамиятшунослик билимлари системасидаги ўрни ҳамон ноаниқ бўлиб қолмоқда.

Миллий муносабатларни ўрганиш соҳасида ҳам воқеликдан узилганлик намоён бўлмоқда. Эҳтимол, бошқа ҳар қандай соҳадагига нисбатан айни шу соҳада практикага тўғри келмайдиган кўплаб эскирган, догматик фикрлар тўпланиб қолган.

Аслини олганда, реал зиддият ўрганилмаган, бу шунда кўринадики, синфий тафовутларнинг йўқолиши, кишиларнинг турмуш тарзи ва маънавий қиёфасидаги умумий белгиларнинг янада ривожланиши билан носинфий характердаги — касбий, маданий-маиший, ёшга оид, миллий ва тилга оид тафовутлар кўпроқ кўзга ташлана боради. Буларнинг ҳаммасини жиддий идрок этиш, прогноз қилиш, сиёсий фаолиятга, социал ривожлантириш планларига, тарбиявий ишга олдиндан тузатишлар киритиш лозим.

Тарих фанида олимларнинг анчагина қисми манбаларни мустақил ўрганиш ва илмий ғояларни ишлаб чиқиш, эскирган тушунчаларни танқидий жиҳатдан қайта идрок этиш билан шуғулланиш ўрнига асосан буржуа авторларининг ғайриилмий концепцияларини фош қилишга ихтисослашиб олган. Сохталаштирилган социологиялаштириш янги негизда қайта тикланди. Айрим тарихчилар майда темачиликни бартараф этиш баҳонаси остида, аслида, социологик схемаларни «тарихий жиҳатдан» безатилган фактик иллюстрациялар билан тўлдиришнигина таклиф қилишмоқда.

Методологик жиҳатдан ҳам аҳвол яхши эмас. Бу асосан бир қатор тарихчилар ва адабиётшуносларнинг тарихий воқеалар ва шахсларга синфий баҳо беришдан чекинишларида намоён бўлмоқда. Россиядаги революциягача бўлган воқеликни, бошқа республикалар ўтмишини бўрттириб кўрсатишга интилиш хоҳласа-хоҳламаса синфий зиддиятларнинг кескинлигини хаспўшлашга олиб келади, аслида шу зиддиятларнинг кучайиши учта рус революциясига сабаб бўлган эди.

Сўнгги йилларда революцияни ва Совет ҳокимиятини гўёки улар миллий маданиятларга нисбатан ҳалокатли сиёсат олиб борганлиги учун танқид қилишлар баъзан паст овозда, баъзан баралла эшитилмоқда. Айни шу синфий, социалистик ёндашув, пролетар интернационализми амалда миллий маданиятларнинг «қашшоқлашиши»га сабаб бўлди, деган фикр бу хилдаги мулоҳазаларнинг контекстини ташкил этади. Бу — билимсизлик, нодонликдан фойдаланувчи сиёсий спекуляциялардир, шунингдек буржуача пропагандистик уйдирмаларни такрорловчи демагогияга илмий танқид томонидан дадил-исботли зарба берилмаслигининг бевосита оқибатидирки, бу танқид тарихий ҳақиқатни ҳимоя қилишга даъват этилган.

Тарихий-партиявий фан олдида ҳам жиддий проблемалар кўндаланг бўлиб турибди. КПСС ва совет жамияти тарихи бўйича мутахассислар сони кўплигига қарамай кўплаб биринчи даражали аҳамиятга эга муҳим масалалар тадқиқ қилинмаган. Кейинги вақтда партия тарихчиларини ҳақиқат олдида йўл қўяётган

гунохлари учун танқид қилиш кучаймоқда. Тарихийлик принципини бузиш, тарихий жараённи эгасизлантириш, бутун бир даврларда ўрганилмай «оқ бўлиб» қолган жойлар, схематизм ва баённинг сийқалиги — булар билдирилаётган ҳаққоний таъналарнинг айримлари, холос.

Партия тарихининг кўпгина муҳим ва мураккаб даврларини ёритишга қайтадан ёндашиш керак бўлади, бунда уларнинг ҳар биридан зарур сабоқлар чиқариб, тарихийлик принципига, ҳаққонийлик принципига қатъий риоя қилиш лозим. Қайта қуришнинг ўзига хос бўлган вазиятида ўтмишни чуқур билиш — бугунги кун ва келажак учун ғоят катта мададдир.

Вазифалар кўп. Улар улкан. Бироқ илмий муассасаларда тадқиқотчилик ишининг ташкил этилиши, қўйилиши, улардаги мавжуд маънавий муҳит шароитида жамиятшуносликни давр талаблари руҳида чуқур қайта қуриш қай даражада мумкин бўлар экан? Бу — бугунги кундаги энг кескин масалалардан биридир.

Гап аввало *фанда демократияни ривожлантириш ва илмий этика* тўғрисида бормоқда. Фандаги демократия — бу зиддиятларни куч ишлатиб ҳал этиш формаси эмас, балки уларни маданий равишда ҳал этишнинг шифобахш формасидир. Бошқача нуқтаи назарни сабр-тоқат билан эшитиш, ҳурмат қилиш асло ўз позициясини бериб қўйиш дегани эмас. Бундай фазилатлар ўз қадрини билишга, бошқаларда ҳам шуни ҳурмат қилишга, проблемаларни ва одамларни тушуниш қобилиятига, бинобарин, юксак маънавийлик билан чамбарчас боғланган ҳақиқий принципиалликка асосланади.

Ошкоралик — жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги, шу жумладан фан соҳасидаги ишлар аҳволини назорат қилиб турадиган воситадир. Агар бу соҳада ўзгаришлар бўлмаса, унда илмий муассасалар ишининг мазмуни ҳам тубдан яхшиланмайди. Қишини ташвишга соладиган нарсалар жуда кўп йиғилиб қолди. Ҳақиқатни тўраларча монополия қилишга тоқат қилиб бўлмайди, бундай вазиятда тафаккур ишида энг сўнгги сўзни ҳақиқат тарафдорлари эмас, мансабдор шахс айтади. Илмий структураларнинг турли даражаларидаги ҳамма раҳбарларни шубҳа остига қўйиш тўғри бўлмайди. Лекин барибир мансабдор эътиборли шахсларнинг ўз фикрларини зўрлаб ўтказишлари кенг тарқалгандир. Хизмат мавқеини суиистеъмол қилишлар ҳам кўп учрайди — улар соавторликни асоссиз равишда мажбурлаб қабул қилдириш, итоатидаги кишилар орасида илмий мунофиқликни авж олдириш, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, «ўз кишилари»га нисбатан илтифот кўрсатиш, талабчанлик қилмаслик ва номатлуб ходимларни қувғин қилиш каби шаклларда намоён бўлади.

Фанни ташкил этиш формаларининг ўзини ҳам демократиялаштириш, илмий кенгашлар, илмий конференциялар, мунозаралар ролини ошириш, илмий танқидни жонлантириш, мансаб нуфузини тафаккур нуфузига бўйсундириш зарур.

Шу билан бирга илмий этика ва хулқ-атвор этикаси алоҳида аҳамият касб этади. Шундай бўлдики, бизнинг жамиятшуносларимиз гўёки икки қисмга бўлиниб қолди. Бировлари ишлашмоқда, проблемалар қўйишмоқда. Бошқа бировлари эса бу пайтда наригиларнинг ишини диққат билан кузатишади, уларнинг хато қилиб қўйишини ёки мағлубиятга учрашини кутишади. Ниятларига етишганларидан кейин эса ҳақиқат бизга аввал бошданоқ маълум эди, деб исботламоқчи бўлишади.

Шундай тоифадаги кишилар ҳам борки, улар айрим нарсаларга қўшилмасалар ҳам очиқ мунозаралардан қочишади, илмий баҳсда ҳақиқатни ҳимоя қилишмайди. Бироқ ўзларининг ҳақлигига қатъий ишонган бундай одамлар «хатога йўл қўйганлар»ни жавобгарликка тортишни талаб қилиб, уларга ҳар хил ёрлиқлар ёпиштириб, ҳақоратомуз айблар қўйиб, турли ташкилотларга хатлар ёзишади. Бундай одамларга жамоатчилик эътиборини жалб қилиш, юксак илмий ва инсоний ҳалоллик этикасини изчиллик билан ҳаётга жорий эта бориш керак.

Фан фақат конструктив мунозаралар жараёнида, фикр-мулоҳазалар тўқнашувидагина тараққий этиши мумкин. Фикримизча, илмий мунозараларнинг нафақат қарор топган формалари ва расмий тартиблари, шу билан бирга уларнинг мазмуни ҳам танқидий жиҳатдан идрок этишга муҳтождир. Ғоялар мусобақаси, ҳақиқатни, янги илмни ҳимоя қилишга интилиш ҳосил қиладиган мунозаралар зарур ва, аксинча, ҳақиқатни бўғадиган, ҳалок қиладиган мунозараларга ўрин

бўлмаслиги лозим. Илмий муҳокамаларни, мунозараларни жадаллаштиришнинг амалий таркибий қисмига айлантириш учун шуни яхши билиб олиш керак: на янги масалаларни қўйиш, на уларга жавоб бериш юзасидан ҳеч ким ҳақиқат учун монополияга эга эмас.

Мутахассис бўлмаган кишилар таклифларига снобистларча муносабатда бўлишдан воз кечиш ҳам фойдали ишдир. Қайта қуриш миллионлаб совет кишиларининг сиёсий изланишини юзага келтирди. Уларнинг проблемаларни ҳис этиши кўпинча ҳақиқатнинг чинакам олтин уруғларини, ёндашувларнинг янгилиги ва оригиналлигини, инсониятга ҳамиша кутилмаган кашфиётлар армуғон этувчи дунёни ўзига хос бир тарзда идрок этишни беради.

Жамиятшуносликнинг *ҳаёт билан алоқаси,* эҳтимол, уни ривожлантиришнинг энг кескин проблемасидир. Ҳозир, В. И. Ленин сўзлари билан айтганда, «энди назария амалиётга айланадиган, амалиёт билан жонланадиган, амалиёт билан тузаладиган, амалиётда синаладиган тарихий пайт» келди (ТАТ, 35-том, 223-бет). Жонли иш, реал самара — айни бир пайтда фандаги демократизмнинг, ошкораликнинг, унинг ўзидаги соғлом муҳитнинг натижаси ва энг муҳим гарантиясидир.

Фанни умумдавлат иши системасига доимий компонент сифатида қўшиш пайти келди. Техникавий, иқтисодий, социал лойиҳаларни илмий экспертизадан ўтказиш практикасини кенг жорий қилиш, илмий коллективлар фаолиятида консультатив асосларни кучайтириш лозим. Бошқарувга, социал планлаштиришга, социологик анализ қилишга, экологияга оид ва шу сингари хўжалик ҳисоби асосидаги консультация марказларини ташкил қилиш ҳақидаги масалани ҳам яхшилаб ишлаб чиқиш пайти етди. Олий мактаб илмий потенциалининг бу йўналишдаги имкониятларини ҳам кенгайтириш керак.

Илмий тадқиқотларни планлаштириш системаси тубдан қайта қуришни тақозо этади. Ҳозирги пайтда планларнинг бутун мазмуни коллектив монографияларни тайёрлашдангина иборат бўлиб қолмоқда, бу монографияларнинг кўпчилиги тадқиқотчилик иши самараси эмас, улар на янги ахборотга, на янгича умумлашмаларга, на янгича хулосалар ва прогнозларга эга. Қўпгина тадқиқотлар социал эҳтиёжлар тақозоси эмас. Фанни планлаштириш ва унинг ҳисоб-китоб беришининг қарор топган системаси — бу босма асарларни тўплашнинг экстенсив йўлидир. Бунга катта ижодий ва моддий ресурслар сарф бўлади.

Нашриётчилик иши тубдан демократиялаштиришга муҳтож. Фандаги илмий этикани, ошкораликни, рўйиростчиликни қайта тиклаш зарурлиги даставвал илмий журналларда кескин бўлиб турибди. Бу ерда группабозлик, редколлегиялар ва редакцион кенгашлар ролининг ва аҳамиятининг пасайтирилиши каби ҳодисалар айниқса хавфлидир. Илмий матбуотнинг кўпчилиги съезднинг назарий ғояларнини ҳалигача чинакамига оборотга киритганича йўқ. Ҳаммага маълум нарсалар қайтадан ҳикоя қилинмоқда, янги авторлар чўчиб жалб қилинади, кескин мунозарали асарларни чиқаришга ҳали ҳам қўрқиб туришади. Журналларда кўнгилчанлик, хушомадгўйлик, ҳатто мадҳиябозлик руҳида ёзилган тақризлар илгаридек ҳали ҳам қалашиб ётибди.

Апрель Пленуми, XXVII съезди йўли, МК январь Пленуми қарорлари катта ишонч-умидлар туғдирди, янги истиқболлар очди. Жамият ҳамма йўналишлар бўйлаб ҳаракатга келди. Қадам қўйилди. Орқага қайтиш йўқ.

Номаълум сирли оламга кириб боришни ижодий марксизм-ленинизм таъминламаса, бошқа ким таъминлайди, даврнинг, социалистик тараққиётнинг мураккаб масалаларига жамиятшунос олимлардан бошқа ким ҳам жавоб бериши мумкин ва жавоб беради. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас.

(КПСС Марказий Комитети журнали «КОММУНИСТ»нинг 1987 йил 8-сони).

ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА ЕТИШТИРИШГА МАТЕРИАЛ САРФИНИ КАМАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Б. ҚЎЧАРОВ,
иқтисод фанлари кандидати

1990 ЙИЛДА Ўзбекистон ССР меҳнатчилари пахта толаси етиштиришни 1,8—1,93 миллион тоннага, шу жумладан ингичка толали навларни 154 минг тоннагача етказишлари керак. Белгиланган марраларга эришиш билан бир вақтда материал сарфлари объектив суратда орта боради, бинобарин, бундай шароитда пахта етиштириш учун материал сарфини камайтириш проблемаси яна ҳам актуал бўлиб қолмоқда. Уни ҳал этиш имкониятларини ингичка толали пахтачиликка татбиқан кўриб чиқайлик.

Фан-техника тараққиёти таъсирида мазкур тармоқни индустриялаш, ундаги ишлаб чиқаришни янада интенсивлаш давом этмоқда. Фонд ва энергия билан қуролланганлик, албатта, ёқилғи-энергетика ва бошқа ресурсларни истеъмол қилиш ҳам ортмоқда. Ингичка толали пахтани асосий етказиб берувчи Бухоро, Қашқадарё, Навоий ва Сурхондарё областлари колхозларида ҳозирги вақтда моддий сарфларнинг пахта таннархи структурасидаги улуши (амортизациядан ташқари) қарийб 27 процентни ташкил этади. Пахта ҳосилдорлигини ошириш билан мазкур харажатлар самарадорлигини кўпайтириш тармоқ рентабеллигини кўтаришнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолди. Гап аввало, колхозлардаги ишлаб чиқариш потенциалидан яхши фойдаланиш, меҳнатни рағбатлантиришни кучайтириш ва хўжасизликни тугатиш тўғрисида бораётир. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладида қайд қилинганидек, «резервларимиз мана ман деб турибди, уларни манфаатдорлик билан, хўжайинларча омилкорлик билан ишга солсак, улар юксак самара бериши турган гап».

Уруғлик ва минерал ўғитлар етказиб бериш динамикаси (қиймат билан ифодаланганда) ингичка толали пахта етиштиришга сарфланаётган моддий ресурслар ҳажми ўсиб бораётганидан далолат беради. Агар 1980—1982 йилларда юқорида тилга олинган областлардаги колхозларда бир гектар ингичка толали пахта майдонига кетган уруғлик сарфи 18 сўмни ташкил этган бўлса, 1984—1986 йилларда 25 сўмни ташкил этди, минерал ўғитлар сарфи эса, шу даврларда 70 ва 90 сўмга тўғри келди. Ингичка толали пахта ҳосилдорлиги эса шу муҳлат ичида 32,9 центнердан 35,3 центнергача ошди. Бу шуни англатадики, уруғлик ва минерал ўғитлар учун қилинган сарфларнинг ўсиш суръатлари ҳосилдорликни тез суръатлар билан ўстиришни таъминламаётир. Бошқа моддий ресурсларни сарфлашда ҳам айни шундай аҳволни кўриш мумкин.

Ҳар гектаридан олинадиган пахта ҳажмининг орта бориши ва сифатининг яхшиланиши, шунингдек пахтакорлар меҳнат унумдорлигининг ўсиши минерал ва органик ўғитлар, районлаштирилган навларнинг юқори сифатли уруғлари, заҳарли химикатлар, биостимуляторлар, ғўзани қишлоқ хўжалик зараркунанда-

ларидан ҳимоя қилишнинг биологик воситалари, электр энергияси, эҳтиёт қисмлар, ёнилғи ва мойлаш материалларини янада кўпроқ ишлатиш билан боғлиқдир. Натижада пахта хом ашёси қийматида моддий сарфлар салмоғи, ҳосилдорлик етарлича кўтарилмаган пайтда бир центнерга кетадиган моддий сарф ҳам ошади. Шу боис моддий сарфлар кўпайиши билан бир вақтда пахта ҳажмининг илдам суръатлар билан оша боришига эришиш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Бу эса оптимал ечимларни танлаб ола билишга, хўжалик юритишнинг социалистик принципларини ижодий қўллай олишга жуда кўп даражада боғлиқдир.

Ингичка толали пахтачиликни ривожланишнинг интенсив йўлига дадил ўтказиш, биринчидан, меҳнат унумдорлигини ошириш, меҳнат ресурсларидан, иш вақтидан оқилона фойдаланиш асосида, ишловчилар сонини кўпайтирмаган ёки ҳатто камайтирган ҳолда, уни етиштиришни ўстиришни; иккинчидан, техникадан янада самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг яхши формаларини қўллаш йўли билан фонд самарадорлигини оширишни; учинчидан, моддий ресурсларни оқилона ва тежаб-тергаб сарфлашни; тўртинчидан, пахта сифатини ошириш, унинг истеъмол хоссаларини яхшилашни англатади. Буларнинг ҳаммаси пировард натижада моддий сарфларни ва бир центнер пахта таннархини камайтиради. Конкрет маълумотларга мурожаат қилайлик.

1981—1986 йилларда Қашқадарё области колхозлари, бир центнер ингичка толали пахтанинг ўртача таннархи 70 сўмдан 80 сўмгача ва ҳосилдорлиги гектар бошига 20—25 центнер бўлгани ҳолда, бир гектар пахта майдонини ўғитлаш учун 85—90 сўм, уруғлик учун эса 25—30 сўм сарфладилар. Бу Бухоро областидагидан 15—20 процент кўп бўлиб, у ерда бир центнер ингичка толали пахтанинг таннархи 60 сўмдан камроқни ва ҳосилдорлик гектар бошига 30—35 центнерни ташкил қилди. Навоий ва Сурхондарё областларидаги илғор колхозлар эса (уларда ҳам бир центнер ингичка толали пахтанинг таннархи паст бўлган — 60 сўмгача) ўша даврда уруғлик ва ўғитлар учун Бухоро, Қашқадарё, Навоий ва Сурхондарё областларининг барча колхозларидаги ўртача даражага нисбатан 1,5—2 баравар кўп маблағ сарфладилар. Бу колхозларда пахта ҳосилдорлиги харажатларга нисбатан илдамроқ ўсганлиги таннархнинг пасайишига олиб келди. Ингичка толали пахта етиштиришни интенсивлашга кетган сарфларнинг қопланишини анализ қилиш бошқарув ечимлари самарадорлигининг зарурий шарти бўлиб қолди.

Ерга муносабат масаласи тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Ер тўғрисида қанчалик ғамхўрлик қилиб, ишлов берилса, ўғит билан бойитилса, суғорилса, у шунча кўп саховат кўрсатади. Ўзбекистон Компартияси XXI съездида қайд қилинганидек, кўп асрли деҳқончилик тажрибаси ерни алдаб бўлмаслигидан далолат беради, кимки уни алдамоқчи бўлса, аввало ўзини алдаган бўлади. Демак, ундан ҳозиргидан кўра анча яхшироқ, самаралироқ фойдаланишни ўрганиш керак. Фақат ердан эмас, балки уруғлик, ўғитлар, сув, машиналардан, колхоз ва совхозлар ихтиёридаги ҳамма нарсадан ҳам самарали фойдаланиш керак. Бу пахтачилик самарадорлигини оширишнинг жиддий резерви эканлигини Ўзбекистон Компартияси МК V пленуми (1987 йил март) ҳам кўрсатиб ўтди.

Сурхондарё областининг Ангор, Жарқўрғон, Қумқўрғон, Гагарин, Ленин йўли, Термиз, Шеробод районларидаги, Қашқадарё областининг Қарши, Косон, Нишон, Ульянов, Усмон Юсупов, Баҳористон районларидаги, Бухоро областининг Ғиждувон, Шофиркон, Свердлов районларидаги ва Навоий областининг Қизилтепа районидаги хўжаликларнинг ингичка толали пахта етиштириш борасидаги кўп йиллик тажрибаси шундан далолат берадики, деҳқончиликни чуқур ихтисослаштириш туфайли ҳосилдорликни, ишлаб чиқариш самарадорлигини, меҳнат унумдорлигини анча ўстиришга эришиш мумкин. Жарқўрғон районидаги 1985 йилги Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунига кўра ғолиблар қаторида тилга олинган «Сурхон» совхози мисолига мурожаат қиламиз.

1970 йилдан бошлаб совхоз фақат ингичка толали пахта етиштириб келмоқда. Бу давлатга ҳам, хўжаликка ҳам, пахтакорларга ҳам фойдали эканига ишонч ҳосил қилиш учун унча кўп вақт талаб қилинмади. Гап шундаки, ингичка толали пахта етиштириш ўртача толали пахта етиштиришга нисбатан сермеҳнат бўлиб, қўшимча моддий сарфларни талаб этади. Ингичка толали пахтадан яхши ҳосил етиштириш учун тахминан учдан бир ҳисса кўпроқ сув, иссиқлик, минерал

ўғитлар, уруғлик ва бошқа моддий ресурслар ва меҳнат зарур бўлади. Аммо, гектарига 35—40 центнердан ҳосил олинган тақдирда у ҳосилдорлиги шунча бўлган ўртача толали пахтага нисбатан бир ярим-икки баравар кўп даромад келтиради.

Совхоз ингичка толали пахта етиштиришга ихтисослашгандан кейин пахтанинг ялпи ҳосили ҳам, фойда ҳам, дала меҳнатчиларининг иш ҳақи ҳам анча ўсди. Масалан, 1985 йилда ингичка толали пахтанинг ялпи ҳосили совхозда 14,5 минг тоннага, ялпи даромад — 22 миллион сўмга, соф фойда 12 миллион сўмга етди. Натижада йиллик иш ҳақи фонди, қўшимча ҳақларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, планлаштирилган кўрсаткичдан учдан бир ҳисса ортиқ бўлди ва 8,5 миллион сўмдан кўпроқни ташкил этди.

Буларнинг ҳаммаси совхозда турмуш шароитини яхшилашга ёрдам бермоқда. Совхоз дирекцияси ва партия комитети тураржойлар қуришга, савдо, маиший, медицина, маданий ва спорт-соғломлаштириш хизмати кўрсатишни яхшилашга катта эътибор бермоқда. Яхши социал шароитлар яратилиши инсон омилини кучайтиришини совхоздагилар аллақачон тушунишган. Ўн биринчи беш йилликнинг ўзида хўжаликда меҳнатчилар учун 730 уй, бир ярим минг ўқувчига мўлжалланган икки мактаб, бир кафе-ошхона, замонавий маъмурий бино қурилди, ушбу бинода ижроия комитети, қишлоқ Совети ва Бахт уйи жойлашган.

Маънавий рағбатлантириш омиллари ҳам унутилган эмас. Ингичка толали пахта халқ хўжалигига қанчалик зарур эканини пахтакорлар биладилар. Одамларнинг ўз меҳнатига бўлган ҳурмати анча ошди. Кейинги йилларда «Сурхон» совхозида ингичка толали пахта етиштиришнинг чинакам усталари етишиб чиқди. Масалан, 1985 йилда Хушбоқ Нормуродов, Бобохон Абдураҳмонов, Нуриддин Бамиев, Маъмур Ороловлар бошчилик қилаётган агроучасткаларнинг, Аъзам Назимов, Маматмўмин Қурбонов, Хуррам Турсунов, Шербой Чориев бригадаларининг пахтакорлари гектар бошига 44 центнер ва ундан ҳам кўпроқ қимматли хом ашё етиштирдилар. Шу билан бирга, хом ашёнинг сифати ҳам аъло: 1985 йилда етиштирилган пахтадан олинган тола миқдори планда белгиланганидан 3 процент ортиқ бўлди ва унга мамлакат тўқимачиларидан биронта ҳам рекламация келмади.

Бундай натижалар кимни қувонтирмайди дейсиз. Лекин шуни айтиш керакки, Сурхондарё областининг саховатли шароитида бу — чегара эмас. Натижаларнинг янада яхши бўлиши кадрларнинг профессионал билимдонлигига, ҳар бир хўжалик, ҳар бир далага хос бўлган хусусиятларни — уларнинг «плюс ва минуслари»ни ҳисобга ола билишларига, партия органларининг раҳбарлик услубига ҳам боғлиқдир (уларнинг бир хил андазага асосланган тавсиялар бериши ва умумий чақириқларга «зўр бериши» бошқа-ю, биринчи навбатда деҳқонларда ижобий жиҳатларни кўпайтириш ва «танг» жойларни тезда бартараф қилиш учун ташаббускорлигини уйғотиш тамомила бошқа нарса).

Бир қатор колхоз ва совхозлар ишлаб чиқариш фаолиятини ўрганиш асосида шундай хулосага келиш мумкинки, тупроқ-иқлим шароитлари ва ингичка толали пахта етиштириш усуллари ғоят хилма-хил бўлгани ҳолда юксак деҳқончилик маданиятини ифодаловчи бир қатор асосий талабларга риоя қилиш илғорлар учун умумий хусусиятдир. Бу хусусият, биринчидан, ингичка толали пахта учун алмашлаб экишда энг яхши ўрин танлашдан иборат бўлиб — унда ингичка толали пахта беда, маккажўхори ва бошқа чопиқ қилинадиган экинлар кетидан экилади. Иккинчидан, тупроққа қунт билан ишлов бериш — бу бир нечта ўзаро боғлиқ бўлган мақсадларни — майсалар униб чиқиши учун энг қулай шароит яратишни, тупроқнинг ҳайдалган қаватида нам тўплаш ва сақлашни, бегона ўтлар, зараркунандалар ва касаллик қўзғатувчиларни батамом йўқотишни кўзда тутади (буларнинг ҳаммасига икки ярусли плуг ёрдамида қатламлаб ҳайдаш йўли билан эришилади). Учинчидан, барча ишларни, айниқса экиш ва озиқлантиришни юқори сифатли бажариш. Тўртинчидан, картограммаларни ва планлаштирилган ҳосилни ҳисобга олган ҳолда ғўзага кўп миқдорда гўнг ва минерал ўғит солиш. Ниҳоят, районлаштирилган серҳосил, касалликларга чидамли ва маҳаллий шароитга мувофиқлашган пахта навларини экиш.

Бу шартларга риоя қилиш ишлаб чиқариш потенциалидан оқилона фойдаланиш ва ингичка толали пахта етиштириш самарадорлигини оширишнинг ишончли негизини ташкил этади. Лекин шуни ҳам унутмаслик керакки, гап ҳамма турдаги харажатларни қисқартириш, барча мавжуд ресурсларни тежаб-тежамкорлик билан сарф қилиш тўғрисида бораётир. В. И. Ленин таълим берганидек, тежаш фақат маблағларни камроқ сарфлаш, сақлаб қолишдангина иборат бўлиб қолмай, балки қилинадиган сарфлар оқилона, хўжалик учун мақсадга мувофиқ, режали ва жамиятга кўп фойда келтирадиган бўлиши керак. В. И. Ленин айрим хўжалик ходимларини қоралаб шундай деган эди: улар «кўлларига берилган тийинни эҳтиёт қилиш ҳақида ғамхўрлик қилмайдилар ва уни 2 тийин қилишга интилмайдилар...» (Тўла асарлар тўплами, 45-том, 19-бет).

Материал сарфлашнинг мавжуд нормативларини ушбу сарфларга бўлган эҳтиёжни оширадиган ва фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий қилиш негизида ушбу эҳтиёжни камайтирадиган омилларни ҳисобга олган ҳолда ингичка толали пахтачиликка татбиқан аниқлаштириб чиқиш лозим. Сарфланган жонли ва буюмга айланган меҳнат бирлиги ҳисобига хом ашё етиштиришни кўпайтирмай туриб, ингичка толали пахтачилик самарадорлигини ошириб бўлмайди. Кейинги йилларда пахтанинг қимматлаша бориш тенденцияси кузатилмоқда. Масалан, агар 1981—1983 йилларда бир центнер ингичка толали пахтанинг ўртача йиллик таннархи Бухоро, Қашқадарё, Навоий ва Сурхондарё областларидаги барча колхозларда 64 сўмни ташкил қилган бўлса, 1984—1986 йилларда қарийб 74 сўмни ташкил этди, яъни 15 процентдан кўпроқ ошди.

Бу пахта етиштиришга меҳнат сарфи деярли ўзгармагани ҳолда, етиштирилган пахта ҳажмининг ортишига нисбатан моддий сарфлар кўпроқ ўсганлигига кўп даражада боғлиқдир. Тилга олинган колхозларда бир центнер пахта етиштириш учун ўртача йиллик жонли меҳнат сарфи 1984—1986 йилларда 1981—1983 йиллардагига нисбатан атиги 1 процент камайди, меҳнатнинг фонд билан қуролланиш даражаси эса 5 процент ортди.

Бу маълумотлар шундан далолат берадики, ўша областлар хўжаликларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланганлиги пахта етиштиришга меҳнат сарфланишининг сезиларли даражада камайишига олиб келмади. Иккинчи томондан, ишлаб чиқаришда машиналар, ускуналар, приборларнинг кўпайиши, интенсив технологияни жорий қилиш билан бир вақтда нефть маҳсулотлари, электр энергия, сув, эҳтиёт қисмларни истеъмол қилиш ўсди, техникага хизмат кўрсатиш ва жорий ремонт харажатлари кўпайди. Ушбу харажатларнинг ҳаммаси, одатда, олинадиган пахта миқдорини бевосита кўпайтирмайди, балки ернинг маҳсулдорлигига, унинг унумдор қатлами яхшиланишига билвосита таъсир кўрсатади.

Ерни «соғлом» сақлашнинг ягона рецепти йўқ. Лекин бу ишга ёндашишнинг тупроқни илмий асосда ишлаш, алмашлаб экиш, экинларни танлаш, экиш муддатлари каби умумий усуллари мавжуддир. У ёки бу агрономия усули тўғрисида баҳслашиш мумкин, албатта. Ҳақиқат ҳам баҳсларда туғилади. Унинг мезони ҳам маълум — бу практикадир. Бу ерда гап ҳосил устида кетяпти. Бухоро, Қашқадарё, Навоий ва Сурхондарё областларида 1978—1986 йилларда ингичка толали пахта ҳосилдорлиги ўсишини анализ қилиш шундан далолат берадики, гектар самарадорлиги моддий сарфларнинг ошишидан анча орқада қолмоқда.

КПСС XXVII съезди қарорларида шу нарса аниқ қайд этилганки, коллективлар ишига сарфланган моддий ресурслар миқдорига қараб эмас, балки мамлакат экономикасига қўшган реал ҳиссасига қараб, яъни пировард натижаларга қараб баҳо берилиши керак. Бизнинг мисолимизда бу — ингичка толали пахта етиштиришга материал сарфларини камайтирган ҳолда ҳосилнинг кўпайишига қараб, деган маънони англатади.

Шундай қилиб, ингичка толали пахтачиликни индустриялашда моддий ресурсларни тежаш режимининг аҳамияти ошмоқда. Нималар ҳисобига тежаш мумкин? Уруғлик, ўғитларни, қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши кураш воситаларини қисқартириш ҳисобига. Тўғри, бу соҳа биологик омиллар туфайли ғоят чеклангандир. Саноат характеридаги асосий ва ёрдамчи матери-

аллар, ёқилғи ва энергия сарфини камайтиришда эса имкониятлар анча кўп. Бу ишда машиналар, ускуналар, приборларнинг энг рационал иш режимига риоя қилиниши муҳим ўрин тутади. Шунингдек хўжалик ҳисоби муносабатларини ривожлантириш, хўжаликларда ҳисоб-китобни яхшилаш, пировард натижаларга қараб моддий рағбатлантириш ҳам моддий маблағлар сарфини қисқартиришга ёрдам беради.

Асосий моддий ресурслар сарфини планлаштиришнинг нормативли методини пахтачиликда жорий қилиш тадбирлари ҳам дуруст самара беради. Илғор колхоз ва совхозлар тажрибаси асосий ва хизмат кўрсатувчи бўлинмалар фаолиятининг план ва ҳисобот кўрсаткичлари системасига ишлаб чиқариш интенсив олиб бориладиган шароитда моддий сарфларни тежаш каби кўрсаткични ҳам киритиш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатди.

Ингичка толали пахта етиштиришнинг интенсив технологияси ишларнинг муддатлари ва сифатига нисбатан жуда қаттиқ талаблар қўяди. Афсуски, бу нарса ҳамма жойда ўзлаштириб олинган эмас. Масалан, Бухоро, Қашқадарё, Навоий ва Сурхондарё областларидаги айрим колхозларда суғориш пайтида пайкалнинг юқори қисмидаги эгатларда ғилдирак изи ҳаддан зиёд қингир-қийшиқ бўлгани учун пайкалнинг этак қисмини сув босиб кетади. Бундай ҳолларда механизаторлар учун тракторни бошқариш жуда қийин бўлади, бунинг устига ёнилғи ҳам кўп сарф бўлади.

Яна бир факт, айрим хўжаликларда ўғитларнинг белгиланган дозаларига риоя қилинмаслигини олиб кўрайлик. Сабаблари ҳар хил: ўғитлар мунтазам ва тўлиқ ассортиментда етиб келмайди; бир қатор жойларда картограммалар эскирган ва уларда фақат азот ҳамда фосфорга доир маълумотларгина кўрсатилади. Калий миқдорини эса агрохимия хизмати умуман ҳисобга олмайди. Хўжаликлар раҳбарлари ва мутахассислари ўринли бир саволни ўртага қўймоқдалар: тупроқдаги калий миқдорини билмай туриб, ингичка толали пахтанинг юқори сифатли бўлишига қандай эришиб бўлади? Ахир, бу ўғитни «кўзда чамалаб» ишлатилса ғўзага зарар ҳам етказилиши мумкин-ку!

Маълумки, кўплар ўғитлар етишмаслигидан нолишади. Иккинчи томондан, улар кўпинча пала-партиш сақланади. Улар ташиб келтирилади, туширилади ва кўпинча то кўкламгача: «унумдорлик витаминлари қай аҳволда, сифати қандай?» — бу билан ҳеч ким қизиқмайди.

Гап шундаки, колхозлар одатда ўғитни энг яқин темир йўл станциясидан оладилар. У ерда эса ўғит омборлари йўқлиги сабабли, ўғитлар одатда шундай йўл ёқасига, бошқа юклар ёнига туширилади. Табиийки, республиканинг жанубий областларидаги деярли барча пахтакор хўжаликларга ўғитлар тупроқ, чағиртош, шағал, ахлат аралаш келади, бу эса уларнинг сифатига салбий таъсир кўрсатади. Чамаси, бу аҳволдан қутулишнинг энг ишончли чораси — барча темир йўл станцияларида хўжаликлараро омборлар қуришдир.

Яна бир резерв — навлардир. Кейинги йилларда олимлар ингичка толали пахтанинг бир қатор янги навларини яратдиларки, улар уни кўп етиштиришда маълум роль ўйнамоқда. Аммо бу навлар барча талабларга жавоб бермайди. Касалликларга янада чидамли, эртапишар, серҳосил, машина теримига яхши мувофиқлашган, ерларни чуқур ҳайдашни талаб қилмайдиган, энг кам миқдордаги ўғитлар билан қаноатланадиган, уларни энг кўп ўзлаштирадиган, сувни тежаш имконини берадиган навлар керак. Бинобарин, ингичка толали пахта етиштиришга материал сарфларини камайтириш селекционер олимларнинг меҳнати натижаларига кўп даражада боғлиқдир.

Ниҳоят, техника ҳақида. Фан-техника тараққиёти республика халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларига тобора кўпроқ кириб бораётган ҳозирги пайтда пахтачилик ҳам ундан четда қолаётгани йўқ. Бу соҳани комплекс механизациялаштиришни ҳайдайдиган, экадиган, культивация қиладиган, ўғит ва химиявий препаратлар соладиган, чеканка қиладиган ва ҳосилни терадиган юқори унумли машиналарсиз амалга ошириб бўлмайди. Афсуски, мавжуд техника, ҳатто, энг замонавий техника ҳам ҳали мукаммал эмас. Масалан, ингичка толали пахта теришга мўлжалланган ХВН-1,8 машинаси технологик жараённинг пишиқпухталигини таъминламайди. Ишлаб чиқариш шароитида асосий бункерга келиб

тушадиган пахта миқдори очилган кўсакларнинг 80 процентидан ошмайди. Смена давомида механик-ҳайдовчи бункердаги пахтани неча бор шиббалашга ва шпинделларни ўралиб қолган барг ва ифлосликлардан тозалашга мажбур бўлади. Подборшчик ва кичик габаритли пахта тозалагичга ҳам эътирозлар бор — механик-ҳайдовчининг иш ўрни чангдан тўсилмагани учун бу аппаратларни тез-тез ўчириб қўйишга тўғри келади.

ХС-10 ва ХС-11 модификациясидаги пахта териш машиналари ингичка толали пахтачиликни интенсивлаш вазифаларига дуруст жавоб беради, уларнинг тажриба тўдасини «Ташсельмаш» заводи коллективи 1984 йилда чиқарган эди. Ўзбекистон ва бошқа пахтакор республикалар пахтакорларини юқори унумли ва пишиқ-пухта ишлайдиган янги техника билан қуроллантириш пахта етиштириш учун меҳнат ва маблағлар сарфини кескин камайтириш имконини беради.

Шундай қилиб, бугун кечагидан кўра яхшироқ ишлаш ва Ватанга кўпроқ юқори сифатли ингичка толали пахта бериш имкониятлари оз эмас. Энг муҳими — КПСС МКнинг «Ўзбекистон ССР, Тожикистон ССР ва Туркманистон ССРда агросаноат комплексининг табиий-иқтисодий потенциалидан қониқарсиз фойдаланилаётгани тўғрисида»ги қарорида кўрсатган камчиликларни енгишдан иборат. Бунинг учун бутун иш услубини, ишга муносабатни яхшилаш, наридан-бери, хўжакўрсинга ишлашдан, кўзбўямачиликдан халос бўлиш керак. Зеро, КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнатни ташкил этишнинг оқилона формалари ва хўжалик ҳисобини жорий этиш асосида қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлигини оширишнинг кечиктириб бўлмайдиган тадбирлари тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш масалалари юзасидан 1987 йил 23 январда КПСС Марказий Комитетида бўлган кенгашда М. С. Горбачев айтганидек, «...биз қилмоқчи бўлган ишларнинг ҳаммаси пировард натижада иқтисодий, сиёсий, социал соҳаларда давлатимизнинг мустаҳкамлигини янада кучайтириши лозим. Халқимизнинг турмуш шароитларини яхшилашда янги ютуқларга олиб келиши керак».

ҚИШЛОҚДА САНОАТ ИШЧИЛАР СИНФИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

А. ТАҚСАНОВ,
философия фанлари кандидати

В. И. ЛЕНИН социализм «мустаҳкам ишчилар тузуми» (Тўла асарлар тўплами, 36-том, 556-бет), деб атаган эди. Бунда у ишчилар синфининг мамлакатдаги ҳукмронлик мавқеини ва меҳнат тақсимотинигина назарда тутмаган эди. Бунда у ишчилар синфининг асосий ишлаб чиқарувчи куч, ижтимоий мулк эгасининг асосий шериги, илғор революцион назариянинг ҳомили, миллий бойлик катта қисмининг яратувчиси эканлигини ҳам кўзда тутган эди. В. И. Ленин энг онгли, уюшган, ишчилар синфининг илғор отряди ҳисобланган, техника тараққиёти билан, ишлаб чиқаришни, меҳнатни ташкил этишнинг юқори шакли билан, революцион ҳаракат назарияси ва амалиёти билан чуқур, ҳар томонлама боғланган фабрика-завод ишчиларига алоҳида ўрин берган эди.

КПСС XXVII съезди маъқуллаган жадаллаштириш сиёсати саноатнинг фан-техника тараққиётини белгиловчи тармоқларини ривожлантиришга таянади. Бинобарин, бугунги кунда нафақат жамиятнинг янги сифат ҳолатига эришиш, шу билан бирга эскирган тасаввурларни чилпарчин қилиб ташлаш, мамлакатнинг бутун моддий-техника базасини қайта қуриш ҳам ишчилар синфининг индустриал отрядига боғлиқ.

Саноат ишчилар синфи сафини шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам ўстириш масалалари Ўзбекистон учун ниҳоятда ўткир бўлиб турибди. Чунки республика тарихан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга кўпроқ ихтисослашган ва унинг умумиттифоқ меҳнат тақсимотидаги ўрни пахтачилик тараққиёти даражаси билан белгиланиб келинган. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ўзига хос структураси ҳам шунга яраша бўлиб, маҳсулотни қайта ишловчи саноат ҳамда пахтачилик учун ишлаб чиқариш воситалари етказиб берувчи корхоналар унда етакчи ўринни эгаллайди. Масалан, бугунги кунда асосий ишлаб чиқариш фондлари ва ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми, шунингдек ишловчилар сони жиҳатидан Ўзбекистон индустриясида енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқлари салмоғи 40 процентдан зиёдроқни ташкил этади. Ўзбекистондаги асосий ишлаб чиқарувчи кучларнинг 40 процентдан кўпроғи, тайёрланаётган ялпи маҳсулотнинг тенг ярми ва халқ хўжалигида банд бўлган ишловчиларнинг 45 проценти республика агросаноат комплекси ҳиссасига, меҳнат ресурсларининг 52 проценти қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши улушига тўғри келади.

Экономикани ривожлантиришнинг экстенсив йўли, республика пахтачиликнинг асосий базаси сифатида ихтисослаштирилиши ўтмишда унинг индустриал тармоғи қишлоқ хўжалиги хом ашёсини дастлабки қайта ишлаш ва аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган ички эҳтиёжларини қондириш билан чекланишига олиб келди. В. И. Лениннинг «...саноатни хом ашёнинг яқин бўлишини ва хом ашёни қайта ишлашдан ярим фабрикатларни тайёр маҳсулот олишга қадар қайта ишлашнинг барча тадрижий босқичларига ўтиш вақтида меҳнатни энг кам сарф қилиш имкониятини назарда тутиб рационал *жойлаштириш*» (ТАТ, 36-том, 258-бет) зарурати ҳақидаги қоидаси бир томонлама, регионларни социал-иқтисодий ривожлантиришни бир текис олиб бориш билан боғлиқ умумий вазифаларни ҳисобга олмаган ҳолда қабул қилинди.

Бунинг устига республикада ишчилар синфининг саноат отрядини, хусусан унинг миллий кадрлари сафини ўстириш муаммоси тобора долзарб бўлиб қолаверади. Бу ҳол, масалан, миллий даромадни, ижтимоий истеъмол фондларини аҳоли жон бошига тақсимлаш ҳисоб-китоб қилиб кўрилганида кўзга яққол ташланди. Шу билан бирга республиканинг социал-синфий структураси қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши устунлигини акс эттирар, туб аҳоли биринчи навбатда ноишлаб чиқариш соҳасига ёки озиқ-овқат саноати тармоқларига тақсимланган эди. Бу ҳақда Ўзбекистон Компартияси съездларида, Марказий Комитет пленумларида қайта-қайта сўз юритилди, бунга олимлар ҳам эътибор беришди. Афсуски, кўп нарсалар ҳисобга олинмади ёки улар эсдан чиқиб қолаверди.

Шу билан бирга, таҳлил қилиб кўрилганда, республикамизда маҳаллий миллат кадрлари — ўзбек ишчилари улуши СССРда энг паст ўринлардан бирида турибди. Масалан, 1979 йилда олинган аҳоли рўйхатига биноан тожиклар ўртасида ишчилар салмоғи 55 процентни, қирғизларда 56, русларда 63, қозоқлар орасида 64 процентни ташкил этган бўлса, ўзбеклар ўртасида 50 процентдан ошмаган эди. Бу эса туб ерли аҳолининг саноат ишлаб чиқариши, хусусан ишчилар синфи томон ўсиб бориши секинлашганини кўрсатади. Бунинг эса бир қанча сабаблари бор.

Шулардан бири ижтимоий ишлаб чиқаришда маҳаллий аҳоли салмоғининг озлигидир. Сўнгги маълумотларга қараганда, меҳнатга лаёқатли ўзбекларнинг халқ хўжалигидаги ҳиссаси шу миллатга мансуб жами аҳолининг 37,2 процентини ташкил этади, ҳолбуки Ўзбекистонда яшовчи русларнинг — 53,9, татарларнинг — 52,5, корейсларнинг — 51,1 проценти халқ хўжалигида меҳнат қилади. Яна бир жиҳати туб ерли аҳолининг тармоқлар бўйича нотекис тақсимланганлигидир. Унинг кўп қисми, юқорида таъкидланганидек, қишлоқ хўжалигида банд.

Шу ўринда Ўзбекистоннинг бошқа жиҳатлари — иқтисодий, демографик ва социал хусусиятларини ҳам ҳисобга олмоқ керак. Бу ерда, биринчидан, Ўрта Осиёдаги барча республикалардаги сингари қишлоқ аҳолиси салмоғи кўп. Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм, Жиззах областлари ва Фарғона водийсида бу кўрсаткич 70—75 процентга, умуман Ўзбекистон ССР бўйича 58 процентга етади. Бунинг устига меҳнатга яроқли иш кучининг учдан икки қисмидан зиёди худди шу ерда — қишлоқда жойлашган. Иккинчидан, қишлоқларда туғилиш ва аҳолининг табиий ўсиш даражаси юқорилигича қолмоқда. Масалан, 1985 йилда бу кўрсаткич ҳар 1.000 киши ҳисобига шу тартибда 36,2 ва 28,8 процентни ташкил қилдики, бу объектив равишда меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқаришнинг манбаидир. Учинчидан, ишлаб чиқарувчи кучлар ва меҳнат ресурсларининг нотекис жойлашганлиги республика учун характерлидир. Айтайлик, Навоий областида аҳоли зичлиги ҳар квадрат километрга 5,5 кишини ташкил этса, Андижон областида 379 кишини ташкил қилади. Бундай номутаносиблик регионларнинг табиий бойликларини ўзлаштиришга, саноат ишлаб чиқаришини планли равишда жойлаштиришга салбий таъсир кўрсатмаслиги мумкин эмас. Сўнгра қишлоқ аҳолиси анчайин турғунлиги билан ажралиб туради. 1983 йилда СССР бўйича шаҳар аҳолисининг ҳар 1.000 нафаридан 25 киши, қишлоқда яшовчилардан 9 киши миграцияда қатнашган, яъни кўчган бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич шу тартибда 14 ва 7 кишига тўғри келди. Бу РСФСР, Белоруссия ва Латвиядагига қараганда тахминан 3—4 баравар кам. Ва, ниҳоят, Ўрта Осиё регионининг асосий саноат марказларидан ва таркиб топган ишлаб чиқариш-территориал комплексларидан олисда жойлашганлигини назарда тутмоқ зарур.

Республикамизда аҳолини кўчириш юзасидан амалга оширилаётган сиёсат мантиққа зид равишда аввало европаликларнинг Ўзбекистондан бошқа ерларга бориб жойлашуви ва кўчиши билан боғлиқ бўлмоқда, бу эса республикадаги меҳнат ресурсларининг ҳунар эгаллашларига ҳамда малакасига салбий таъсир кўрсатаяпти. Шуни айтиш кифояки, кейинги вақтда жамоат чақириғи ва оилаларнинг Россия Ноқоратупроқ зонасига, Узоқ Шарққа, Тюмень области ва бошқа районларга жўнаб кетиши сабабли европаликлар жумласидан бўлган аҳоли, шу жумладан малакали ишчилар салмоғи 10 процентдан зиёдроққа қисқарди. Бунинг устига Ўзбекистоннинг ўзида ана шу озайиш ўрни туб ерли миллат вакилларидан малакали ишчилар тайёрлаш ҳисобига тўлдирилмаётир.

В. И. Ленин миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаб олиши билан боғлиқ масала моҳиятини таҳлил этар экан, бу ишда «бизни аввало миллат ичидаги пролетариатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши ҳаммадан кўп қизиқтиради» (ТАТ, 25-том, 335-бет), — деган эди. Чунки фақат пролетариатгина бутун миллатнинг ягона вакили сифатида майдонга чиқади ҳамда унинг хоҳиш-иродасини ифодалайди. Бу эса халқларнинг ҳуқуқий ва амалдаги тенглигининг муҳим белгисидир. Миллий муносабатлар коммунистик қурилиш назарияси ва амалиётида энг зиддиятли ва энг мураккаб масалалардан бири ҳисобланади. «Ҳар қандай ривожланишга ҳам зиддиятлар хос бўлади, улар мазкур соҳада ҳам муқаррардир, — дейилади КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладида. — Энг муҳими — уларнинг доимо юзага келиб турадиган жиҳатлари ва қирраларини кўра билиш, ҳаёт ўртага қўяётган саволларга ўз вақтида тўғри жавоб топиб беришдан иборат. Айниқса, шунинг учунки, бу борада ҳали миллий биқиқликка, маҳаллийчиликка интилиш, бошқалар қарамоғида яшаш кайфияти барҳам топмаган ва вақти-вақти билан булар аянчли тарзда ўзини кўрсатиб қўймоқда».

Саноатдаги ишчилар синфининг миллий кадрларини кўпайтириш проблемалари кун тартибида турган бўлишига қарамай, бу масалани ҳал этишда кўпинча планлаштирувчи органлар, баъзи ҳолларда эса ҳатто партия органлари томонидан тўсиққа дуч келинди. Иш шунгача бориб етдики, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида таъкидлаб ўтилганидек, республиканинг бир ярим миллионга яқин меҳнатга лаёқатли аҳолиси амалда ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашмаяпти. Айни вақтда, масалан, Андижон, Фарғона, Қашқадарё областларида меҳнатга лаёқатли одамларнинг қарийб ҳар учдан бири уйдаги ёки шахсий ёрдамчи хўжалигидаги ишлар билан банддир.

Ф. Энгельс деҳқончиликдан суриб чиқарилган одамлар ишсиз қолмасликлари ёки шаҳарда тўпланишга мажбур бўлмасликлари учун уларни қишлоқнинг ўзида саноат меҳнати билан банд қилиш зарурлигини уқтирган эди (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 19-том, 345-бетга қаралсин). Одам қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан сурилиб қолган пайтда уни ишга жойлаштириш эҳтиёжи туғилганда бу чиндан ҳам рўй берган аҳволдан чиқишнинг реал йўлидир.

Республика ҳозирча бекор қолган бутун қишлоқ аҳолисини саноат меҳнати билан таъмин эта олмайди. Бунга фақат планлаштирувчи органларнинг бамайлихотирлиги эмас, балки Ўзбекистон моддий-техника базасининг имкониятлари етишмаётганлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Кейинги ўн йил мобайнида йирик саноат бирлашмалари ва корхоналарининг қишлоқларда ташкил этилган филиалларига бўш қолган меҳнат ресурсларининг оз қисминигина жалб қилиш мумкин бўлди, холос. Шуни айтиш кераки, ҳозиргача 500 га яқин ана шундай филиал фақат 70 минг қишлоқ аҳолисини — саноат корхоналарида ишга жойлаштиришга эҳтиёжи бўлган одамларнинг 5 процентини жалб этган. Ҳозирги беш йилликда қўшимча 600 мингта иш ўрни яратилади, бироқ бу ҳам иш кучига эҳтиёжни қондира олмайди. Биргина ҳунар-техника билим юртлари, техникумлар ва олий ўқув юртларининг ўзиёқ халқ хўжалиги учун ҳар йили камида 500 минг нафар мутахассис ҳамда ишчи кадр тайёрлаб бермоқда.

Айни чоқда Ўзбекистонда қишлоқ аҳолисини саноат ишлаб чиқаришида иш билан таъминлашни йўлга қўйишда орттирилган тажриба бор. Бухоро районидаги «Маданият» колхозида ҳозирги пайтда Бухоро зардўзлик фабрикасининг филиали, тикув ва дурадгорлик, пластмасса буюмлари цехлари ишлаб турибди. Колхозда яшаётган 10 минг кишининг бешдан бир қисмигина қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида банд. Бу ерда консерва заводи қуриш планлаштирилмоқда. Тошкент область Орджоникидзе районидаги «Правда», «Октябрь», В. И. Ленин номли, Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозларида шоли оқлайдиган тегирмон, шарбат тайёрлаш, тикувчилик буюмлари, ғишт пишириш цехлари мавжуд бўлиб, уларда қишлоқ хўжалигидан ҳоли бўлган юзлаб кишилар меҳнат қилишмоқда. Фарғона областида асбоб-ускуналардан фойдаланиш коэффициентини ошириш ҳисобига 160 мингдан зиёд қишлоқ меҳнатчиси саноат ишлаб чиқаришига жалб этилади.

Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида таъкидланганидек, халқ хўжалигининг бир қатор тармоқларида иш кучлари етишмаяпти, бироқ қора металлургия,

машинасозлик, химия ва нефть химияси саноатида туб ерли миллат кишилари ҳисобидан ишчилар сони жуда секин ўсмоқда. Масалан, машинасозлик ва металлга ишлов беришда, химия ва нефть химияси саноатида ўзбек ишчиларининг салмоғи ана шу тармоқларда банд бўлган жами ходимлар сонига нисбатан 25 процентдан ошмайди, рангли металлургия, кўмир, нефтни қайта ишлаш саноатида 29—32 процент, қора металлургия, электр энергияси ва бинокорлик материаллари саноатида 38—42, енгил ва озиқ-овқат саноатида эса 59—68 процентга тўғри келади. Моддий ишлаб чиқаришнинг саноат тармоқлари ўртасида меҳнат ресурсларини тақсимлашдаги бундай номутаносиблик энг аввало республикада ишлаб чиқарувчи кучларнинг нотекис жойлашганлиги билан боғлиқ. Масалан, Тошкент областида халқ хўжалигида банд бўлган ҳар 1000 кишига 80 ишчи тўғри келгани ҳолда Сурхондарёда бу кўрсаткич фақат 20 тани ташкил этади, унинг ҳам учдан икки қисмидан кўпроғи совхоз ишчиларидир. Туб ерли аҳолининг концентрациялашув даражаси ҳам унинг саноатда нотекис жойлашувига таъсир кўрсатмоқда. Республиканинг асосий аҳолиси туб ерли миллат вакилларидан иборат бўлган бир хил районларида ишчилар орасида улар сони кўп бўлса, бошқа районларда, яъни туб ерли аҳоли вакиллари бошқа миллат ва элатлар ўртасида текис тақсимланган жойларда уларнинг сони камдир. Масалан, Фарғона водийсининг аксарият саноат корхоналарида ўзбек ишчилар салмоғи 40—60 процент ўртасида бўлса, Тошкент областида 20—23 процентдан ошмайди. Андижон механика заводида ўзбеклар 51 процентни ташкил этади, «Ташсельмаш» заводида эса ишчиларнинг атиги 19 проценти ўзбеклардир.

Бундай вазиятнинг вужудга келишига объектив сабаблардан бири шуки, саноат ишлаб чиқаришининг кўпгина тармоқлари — приборсозлик, электроника, машинасозликнинг қатор бўлинмалари, химия, нефтни қайта ишлаш ва бошқа соҳалар кейинги йиллардагина шакллана бошлади. Табиийки, бу қадар қисқа давр мобайнида туб ерли аҳоли ўртасида бирон-бир муайян анъаналарни қарор топтириш мумкин эмас эди. Шу билан бирга озиқ-овқат ва енгил саноат сингари мавжуд миллий анъаналар асосида шаклланган соҳаларда туб ерли аҳоли салмоғи бирмунча юқоридир. Индустриал типдаги корхоналар одатда катта ва ўртача шаҳарларда жойлашади, бу ерларда эса, статистика маълумотларига кўра, туб ерли аҳоли салмоғи 20—35 процентдан ошмайди.

Шундай қилиб, ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг йирик қишлоқ посёлкалари ва район марказларида жойлаштирилиши туб ерли аҳоли вакилларининг саноат тармоқларига келиб қўшилишида муҳим негиз бўлиб қолиши мумкин. Қишлоқ хўжалиги учун ярмидан кўпроқ, саноат учун эса бор-йўғи 25 процент малакали ишчи кадрлар тайёрланаётган ҳунар-техника таълими системаси ҳам бунга ёрдам бериши керак. Характерли томони шундаки, саноат учун тайёрланган ишчи кадрларнинг фақат бешдан бир қисмигина туб ерли аҳоли вакилларидир. Республика ҳунар-техника билим юртларида ўқиётганлар орасида ёшлар салмоғи анча кам. Агар мамлакат бўйича йилига 15—19 ёшда бўлган ҳар 1000 киши ҳисобидан 97 ишчи кадр тайёрланаётган бўлса, Ўзбекистон ССРда бу кўрсаткич 56 тага тўғри келади. Ҳозирги вақтда ҳунар-техника таълими системаси туб ерли аҳоли орасидан саноат учун малакали кадрлар тайёрлашнинг асосий ўчоғи бўлиб қолмагани афсусланарлидир. Бугунги кунда ҳам қишлоқдаги ёшларнинг 60 процентидан кўпроғи ишлаб чиқаришга касб-ҳунар олмасдан келаяпти.

Фан-техника тараққиётининг жадаллашуви касб-ҳунар танлаш ишини тубдан ўзгартиришни, уни қишлоқ аҳолиси ўртасида жамоатчилик фикрини қишлоқда ишчилар синфини ўстиришни тезлаштирмай туриб, қишлоқнинг социал қиёфасини бутунлай қайта қуриб бўлмаслигига қаратишни талаб қилмоқда. Умумий ўрта таълимдан умумий ҳунар таълимига ўтиш ҳам шу иш билан узвий боғлиқ. Бошқача айтганда, ҳозир меҳнат ресурсларини ялпи ҳунарли қилиш вазифаси турибди, бу ижтимоий ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондирибгина қолмасдан, балки иш кучларини территориялар бўйича қайта тақсимлаш имконини ҳам беради. В. И. Ленин: «Аҳолининг ҳаракатчанлигини вужудга келтирмай туриб унинг тараққий қилиши ҳам мумкин эмас» (ТАТ, 3-том, 276-бет), — деб таъкидлаган эди.

Ниҳоят, қишлоқ районларида саноатнинг ўсишини жадаллаштириш билан бирга туб ерли қишлоқ аҳолиси ўртасида саноат ишчилари сулолаларини шакллантиришга эътибор бериш лозим.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Краснодар ўлкаси Тимашевск райони меҳнаткашлари билан учрашувда бундай деган эди: «Масалан, институт ёки савдо соҳасида оилавий сулолаларни барпо этиш ярамайди. Мартен ёнида, далада, фермада бундай сулолаларни вужудга келтириш — жуда соз... Ҳозир биз шундай босқичга келдикки, энди ҳамма нарсани далаларда ҳам, фермаларда ҳам технология даражаси ҳал қилади... Бу соҳада ҳам оиладан оилага, авлоддан авлодга ўтадиган анъаналар муҳимдир». Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида оила пудрати ва сулолалари кенг тарқалган, бироқ саноатда бу соҳада эндигина дастлабки қадамлар қўйилмоқда. Шунинг учун ҳам замонавий ишчи анъаналари, урф-одатлари ва ҳоказоларни жорий этиш соҳасида катта иш олиб бориш зарур. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III (1986 йил октябрь) ва V (1987 йил март) пленумлари бу масалага алоҳида эътиборни қаратди.

Ҳозирги пайтда техникавий қуролланишда сифат жиҳатидан янги изга кўчирилаётган Ўзбекистон саноатига шунчаки оддий ишчи қўллар эмас, балки малакали кадр ходимлар кераклигини ҳисобга олиш, қишлоқ ёшлари орасида ҳамон индустриал меҳнатга нисбатан эскича қарашлар, моддий ишлаб чиқаришнинг ва хизмат кўрсатиш соҳасининг анъанавий тармоқлари — қишлоқ хўжалиги, савдо, умумий овқатланиш ва ҳоказоларга мойиллик кучли эканлигини унутмаслик лозим. Бундай қарашлардан холи бўлишда ёшларга ёрдам бериш, уларнинг индустриал ишлаб чиқаришда мустаҳкам ўрнашиб қолишлари ва кўникиб кетишлари жараёнини жадаллаштириш, коллективда, оилада ўзаро алоқа ва муносабатларнинг янги шаклларини вужудга келтириш, унга қатъий характер бағишлаш — фақат идеология ходимларининг бурчи бўлиб қолмасдан, балки бутун республика жамоатчилигининг ишидир. Ҳозирги пайтда ишчилар синфининг индустриал кадрларини ўстириш кун тартибида социал, сиёсий вазифа бўлиб турибди.

ИНСОН—ЖАМИЯТНИНГ АСОСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КУЧИ

СОВЕТ ЭКОНОМИСТИНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ ЭТИКАСИ

В. ҚАНДИНОВ,
философия фанлари доктори

КПСС МҚ апрель (1985 йил) Пленуми илгари сурган ва партия XXVII съезди тасдиқлаган мамлакат социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш концепцияси жамиятимиз ҳаётида, социализмни такомиллаштиришда коммунистик ахлоқ нормалари ва принциплари ролини кескин оширади. КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев КПСС МҚ январь (1987) Пленумида қилган Якунловчи нутқида таъкидлаганидек, «биз миллион-миллион кишиларнинг иқтисодий манфаатларига дахлдор бўлган экономикани бошқаришни тубдан ислоҳ қилаётганимиз — энг муҳим иш».

Қайта қуришнинг асл моҳияти, унинг мазмуни тақозо этаётган ишлаб чиқариш субъектларининг мустақиллигини кенгайтириш, корхоналар ишини ҳаддан зиёд регламентга солишдан ва уларнинг майда-чуйда ишларига аралашаверишдан воз кечиш маънавий омилга социалистик хўжалик юритиш механизмининг энг муҳим элементи статусини беради. Бу профессионал ахлоқнинг ривожланиш динамикасига ҳам тааллуқлидир, мутахассиснинг ўз функцияларини қанчалик сифатли ижро этиши ана шу ахлоқнинг етуклик даражасига боғлиқдир.

Профессионал ахлоқ кишилар меҳнат фаолиятининг маънавий мазмунини жамлаган ҳолда шахс социал активлигини ё ўстириши ёки унга тўғаноқ бўлиши мумкин. Шу муносабат билан бугунги кунда иқтисодчи кадрларни маънавий тайёрлаш соҳасида алоҳида муҳим вазифалар турибди. Ҳар томонлама иқтисодий таъминотни тақозо этадиган жадаллаштириш концепциясининг моддийлаштирилиши нафақат экономистларнинг профессионализм даражасига, шу билан бирга уларнинг тегишли маънавий-психологик кайфиятига ҳам боғлиқдир. КПСС XXVII съезди таъкидлаганидек, хўжалик механизмини ҳар қандай қайта қуриш онгни қайта қуришдан, бир қолипдаги фикрлаш ва амалиётдан воз кечишдан, янги вазифаларни аниқ идрок этишдан бошланади.

Сўнгги вақтда ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги ва сифатининг ўсишига хўжалик механизмининг таъсири бирмунча ошди. Бироқ планларнинг тиғизлиги, хом ашё ва материалларни тежаш, янги илмий-техникавий ғоялар ва ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, хўжалик шартномаларини бажариш ва бошқа қатор проблемалар ҳали ҳам кескин бўлиб қолмоқда. Бунга ҳайрон бўлмаса ҳам бўлади, чунки иқтисодий ҳаёт аъло даражада ишлайдиган механизм эмас, ҳеч бир иқтисодий кўрсаткич, ҳеч бир ҳуқуқий норма ҳамма нарсани, хўжалик юритиш фаолиятида учрайдиган кутилмаган воқеаларни икир-чикиригача олдиндан кўриб, ҳисобга ола олмайди, ижрочиларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатини регламентга сола олмайди. Бу экономистларнинг совет кишилари меҳнатининг юқори сифатли пировард натижаларини таъминлайдиган шарт-шароитларни яратиш учун масъулиятни ўз зиммаларига олишга маънавий

жиҳатдан шайлигининг муҳимлигини яна бир бор исботлайди. Фан-техника революцияси ҳам экономист шахсига, маълумотига, малакасига, шунингдек маънавий, психологик хислатларига тобора қатъий талаблар қўймоқда.

Ҳар бир касб специфик меҳнат шароитларига эга бўлиб, ўз вакиллари онгида муайян маънавий қадриятларни ва психологик стереотипларни шакллантиради. Бошқача айтганда, ҳар бир касб ўзининг хусусий ахлоқига эга (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 21-том, 299-бетга қаралсин). Экономист ахлоқининг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?

«Экономика» сўзи грекча бўлиб, уй-рўзғор юритиш санъатини англатади, у ишлаб чиқариш муносабатлари тарихий муайян мажмуининг шаклланиш ва ривожланиш қонуниятларини, жамиятнинг иқтисодий базисини ўрганадиган энг қадимги фанлардан биридир. Инсон билимининг ана шу соҳасида ишлайдиган кишилар профессионал экономистлар отрядини ташкил этади. Экономистлик касбининг ҳар хил турлари вакилларидан фақат биттаси — бухгалтерлар сони мамлакатимизда кейинги йигирма йил ичида қарийб икки баравар кўпайиб, 3 миллион кишига етдики, бу мазкур касбнинг аҳамиятини кўрсатади.

Бухгалтерлик меҳнати сифати фақат профессионал тайёргарлик даражасига (махсус малакаларни йиллар давомида мукаммал эгаллаш ҳам мумкин) эмас, шунингдек бу касб эгаларининг маънавий поклигига, қадриятларга муносабатига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб, бу касб эгалари зиммасига моддий бойликларни ҳисобга олишдек масъул вазифа юклатилган. Ахир, пухта йўлга қўйилган ҳисоб-китоб ва назорат нафақат хўжаликни оқилона юритишга, перспектив планлаштириш даражасининг ўсишига, ижтимоий маҳсулотни адолатли тақсимлашга, самарали чиқимсиз механизм яратишга, шу билан бирга ишлаб чиқариш коллективида маънавий-психологик муҳитни мустаҳкамлашга, шахсни маънавий такомиллаштиришга ҳам ёрдам беради. Совет ҳокимиятининг дастлабки кунларидан бошлаб мамлакатимиз экономистлари янги авлодининг профессионал-этик дунёқарашини шакллантириш жараёни меҳнат ва истеъмол меъёрини қатъий ҳисобга олиш ва назорат қилиш зарурлиги тўғрисидаги ленинча концепцияга таянганлиги тасодифий ҳол эмас. Бу концепция бугунги кунда ҳам улкан маънавий-тарбиявий кучга эга — уни амалга оширмасдан экономистларда халқ бойлигини асраш ва унга омилкорларча муносабатда бўлишдек ички эҳтиёжни тарбиялаш мумкин эмас.

Бинобарин, «социализм — бу ҳисоб-китобдир» деган ленинча формула социалистик хўжалик юритишнинг нафақат ғоят муҳим иқтисодий, шу билан бирга маънавий принципи ҳамдир. Ҳисоб-китоб қанчалик яхши йўлга қўйилган бўлмасин, экономистлар пок ва ўта ҳалол бўлмаса, жамиятни ҳеч қандай инструкциялар ва нормативлар ҳам моддий ва бунинг оқибати ўлароқ — идеологик зарарлардан муҳофаза қила олмайди.

Совет экономистининг меҳнати улкан маънавий масъулият билан боғлиқдир, чунки у халқ мулки бўлган ғоят катта моддий бойликларни бошқаради. У ана шу бойликларни асраш ва кўпайтиришга ёрдам берадими ёки, аксинча, ўз хатти-ҳаракатлари билан ўғирлик, қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик, тамагирлик учун қулай шарт-шароит яратадими — мана шулар экономистнинг ўз ижтимоий бурчини бажаришга маънавий шайлигини белгиловчи мезонлардир. Ҳар қандай касб эгаси, айниқса экономистлар исрофгарчилик, масъулиятсизлик, тамагирлик каби хислатлардан мутлақо холи бўлишлари керак. Ахир, ҳисоб-китобдаги ҳар қандай пала-партишлик, ҳисобот маълумотларидаги бузиб кўрсатишлар фақат моддий зарарларга сабаб бўлмай, шунингдек у ижтимоий ишлаб чиқаришнинг маънавий қадр-қимматини ҳам тушириб юборади, совет экономистларининг профессионал-этик эътиқодини такомиллаштиришга тўсқинлик қилади. Бунинг устига, эндиликда экономистларимизга хўжалик юритиш вариантларини танлашда кенг мустақиллик берилаётганини ҳам қўшадиган бўлсак, унда улар фаолиятининг мотивлари кўп жиҳатдан шу кишиларнинг ички эътиқодига, виждонига боғлиқ бўлади. Экономист виждони хўжалик ҳаётидаги ўз хатти-ҳаракатини конкретлаштира билишдек, мазкур босқичда иқтисодий практика олдига қўйилаётган ижтимоий талабларни ўз онгида, ўз-ўзига баҳо беришида қайд эта билишдек ғоят нозик қобилиятни белгилайди.

Бундай талаблар эса кундан-кунга ортиб бормокда. Бугунги кунда совет экономисти мамлакатда бошланган кайта куришнинг бошида бўлиши лозим, корхоналарни хўжалик юргизишнинг принципиал янги йўлларига ўтказишнинг рационал йўллари ва методларини ишлаб чикиш, социалистик омилкорликни, ташаббускорликни, текинхўрлик кайфиятларига муросасизликни ривожлантириш учун кулай замин яратишдек ғоят масъулиятли вазифа ҳам унинг зиммасига юкланган. Корхонадаги иктисодий ўкиш даражаси, социалистик мусобаканинг таъсирчанлиги, ўз-ўзини коплаш ва маблағ билан ўз-ўзини таъминлаш принципларининг жорий этилиши, баҳо белгилаш системасининг такомиллаштирилиши ҳам экономистга боғликдирки, буларсиз кайта куришни тасаввур килиб бўлмайди. Бу экономистнинг нафакат юксак профессионализмига, шу билан бирга чукур гражданлик туйғусига, илмий объективликка, иктисодий жараёнларни партиявий-синфий позициялардан баҳолаш кобилиятига, давлат ва жамиятнинг иктисодий манфаатларини ҳимоя килиш иштиёкига эга бўлиши кераклигини билдиради. Хуллас, экономистнинг маънавий маслаги, унинг профессионал хатти-ҳаракатини белгилайдиган этик стереотиплар тобора катта аҳамият касб этмокда. Совет экономисти касбининг маънавий ўзига хос хусусияти нимадан иборат, кандай объектив ва субъектив характердаги омиллар бу касб мазмунини ташкил этади ва уни моддий кучга айлантиради?

Экономист этикасини меҳнат характери, жамиятдаги ҳукмрон ишлаб чикариш муносабатлари таъсири, устқурма элементлари мажмуи белгилайди. Шу сабабли ҳар бир давр экономист профессионал этикасининг ўзига хос специфик нормаларини келтириб чикариши конунийдир. Чунончи, буржуа жамиятида бундай нормалар капиталистик ижтимоий муносабатларни ҳимоя килишга, кишининг киши томонидан эксплуатация килинишини абадийлаштиришга каратилган. Маълумки, капитализмда ишлаб чикаришнинг асосий максади кўшимча киймат ёки фойда олишдан иборат. Буржуа экономистлари фойдани ошириш максадида ҳеч нарсадан тап тортишмайди, «ор-номус», «адолат», «эзгулик», «виждонлилик», «кадр-киммат» деган тушунчаларни хаёлига ҳам келтиришмайди, чунки улар асосий максадга зиддир.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси ишлаб чикариш воситаларига хусусий мулкчилик ҳукмронлигини йўк килиб, экономистларнинг бутунлай бошкача мазмундаги ва кўриниш формаларига эга профессионал этикасини шакллантириш учун объектив шарт-шароитлар яратди. Ҳолбуки, социализмда меҳнаткашларнинг доимо ўсиб борадиган моддий ва маънавий эҳтиёжларини тобора тўларок кондириш ишлаб чикаришнинг асосий максадидир. Совет экономистининг ишлаб чикариш муносабатлари соҳасидаги хатти-ҳаракатини тартибга солиб турадиган профессионал-этик дунёкарашининг асосий белгилари ҳам ана шундан келиб чикади. Бу белгилар иктисодий тафаккурнинг янги типига, унинг ташаббускорлик, уддабуронлик, уюшкоклик, ишчанлик, тежамкорлик, халк бойлигига омилкорларча муносабатда бўлиш, чукур масъулият туйғуси каби фазилатларига асосланади. Лекин бу хислатлар социалистик жамиятнинг чукур маънавий негизлари бўлиб, улар ҳамма совет кишиларига хос бўлиши лозим. Экономистнинг профессионал этикасида бу хислатларнинг намоён бўлишининг ўзига хослиги нимада?

Биринчи навбатда, марксча-ленинча сиёсий-иктисодий назарияни чукур билишдадир, кабул килинаётган иктисодий карорларнинг нафакат техникавий-ташкилий, хўжаликка оид, шу билан бирга ғоявий-тарбиявий окибатларини ҳам ҳисобга олишга ва олдиндан кўришга имкон берадиган аник таҳлилий ҳисоб-китобларга, конкрет кўрсаткичларга асосланган социалистик ишлаб чикариш усули афзалликларига ишончдадир. Совет экономистларининг профессионал ва маънавий бурчи аввало мана шундан иборат, чунки иктисодий натижалар билан бирга инсон фазилатлари, унинг руҳий дунёси, маънавий, сиёсий максадлари ҳам жамиятимизда меҳнат самарадорлигининг асосий мезонлари бўлиб хизмат килиши керак. Агар экономистлар ижозати билан ўтказиладиган у ёки бу хўжалик-ташкилий тадбирлар юксак моддий самара берсаю, лекин кишиларнинг социал эҳтиёжларини ҳисобга олмаса, унда бу мутахассисларнинг профессионал-этик савиясини лозим даражада деб бўладими? Ҳолбуки, факат меҳнатнинг

моддий ва социал пировард натижалари бирлиги даражасигина бундай савия учун мезон бўла олади. Бунда социал мақсадлар ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал этишнинг оддий бир воситаси эмас, балки, аввало ижтимоий муносабатларни ва инсоннинг ўзини такомиллаштириш омили бўлиши лозим.

Чунончи, эндиликда шартнома мажбуриятларини бажариш социалистик корхонанинг асосий мақсади бўлиб қолмоқда. Бироқ экономист бу вазифа қандай моддий ва маънавий куч-ғайратлар эвазига бажарилаётганини аниқлаши керак. Проблеманинг иқтисодий жиҳатлари ишлаб чиқариш фондлари ва оборотдаги маблағлардан фойдаланиш меъёрини, маҳсулотга материал ва меҳнат сарфининг қиймат ҳамда натурада ифодаланган даражасини, таннарх, фондлар самарадорлиги, рентабеллик, маҳсулот сифати динамикасини таҳлил этишни тақозо қилади. Агар масаланинг бу жиҳатлари кўнгилдагидек бўлсаю, лекин меҳнат коллективининг муайян қисми ўз меҳнатининг мазмуни ва маънавий талабларни амалга ошириш характери билан қониқмаса, унда бу корхона раҳбарларининг ва биринчи навбатда иқтисодий хизматларнинг профессионал этик тайёргарлиги етарли даражада эмаслигини кўрсатади.

Бундан ташқари, эришилган кўрсаткичлар қанчалик юқори бўлмасин, агар улар планни камайтириш томонига ўзгартириш, жонли ва моддий меҳнатни ортиқча сарфлаш ҳисобига эришилган бўлса, унда бу кўрсаткичлар аслида ахлоққа зиддир. Айтайлик, план бажарилади ва ошириб бажарилади, қанчалаб тонна, центнер, метр, дона, жуфт материаллар пландан зиёд топширилади, лекин айни вақтда коллективда порахўрлик, ташмачилик авж олади, унинг айрим аъзолари эса давлат ҳисобига ҳашаматли, данғиллама уй ва боғ-ҳовлилар қуради, ҳолбуки бундай иқтисодий «муваффақиятлар» виждонни сотиш эвазига эришилади. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Бу хилдаги ҳодисаларга аниқ партиявий баҳо берилди — улар бизнинг ижтимоий тузумимизга зиддир. Бинобарин, совет экономисти хўжалик муносабатларига нафақат уларнинг иқтисодий самарадорлиги нуқтаи назаридан, шу билан бирга яхшилик ва ёмонлик, социал адолат нуқтаи назаридан ҳам қараши керак. Бу осон вазифа эмас, чунки иқтисодий мақсадга мувофиқлик маънавий заруратга зид бўлиши ёки аксинча бўлиши мумкин. Масалан, янги техника ва технологияни жорий этиш кишилар меҳнатини енгиллаштирса, меҳнатни интеллектуаллаштиришга ёрдам берса, бир хилдаги ва қўлда бажариладиган операцияларни камайтирса, унда бу тадбир маънавий зарурат нуқтаи назаридан эътироз туғдирмайди. Лекин корхона бу янгиликлар ишлаб чиқариш учун серчиқим бўлганлиги учун уларни жорий этишдан иқтисодий манфаатдор эмас. Бошқа томондан эса, гарчи янги техника ёки технология иқтисодий жиҳатдан сўзсиз самарали бўлса-да, лекин бунда инсоннинг психик-физиологик нагрузкаси ошиши туфайли уни жорий этиб бўлмайди, чунки бу аввалламбор меҳнатнинг биринчи ҳаётий эҳтиёжга айланиш жараёнига тўсқинлик қилади.

Бундай вазиятларни бартараф этиш фан-техника тараққиётининг нафақат иқтисодий, шу билан бирга социал оқибатларини баҳолаш зарурлиги, аввало меҳнат мазмунига ва ходим шахсини ривожлантиришга қўйиладиган талаблар билан боғлиқдир. Ҳолбуки проблеманинг ана шу иккинчи жиҳатини экономистлар доим ҳам ва лозимича ҳисобга олишмайди, бу уларнинг профессионал-этик қарашларининг унчалик юқори эмаслигини кўрсатади. Масалан, Тошкент чинни заводида юқори иқтисодий кўрсаткичлар кетидан қувиб, коллективнинг социал талаблари, кишиларнинг маънавий эҳтиёжларини эътиборсиз қолдиришган. Республика Енгил саноат министрлиги, завод раҳбарлари ва иқтисодий хизматлар айби билан йўл қўйилган бу нуқсон ғоявий-тарбиявий ишдаги жиддий камчиликларга, пировард натижада эса хўжалик-ташкилий проблемаларнинг мураккаблашишига сабаб бўлди.

Афсуски, бундай фактлар оз эмас. Социал проблемаларга лозимича эътибор берилмаганлиги республиканинг уй-хўжалик қурилиши, медицина, савдо, коммунал-маиший хизмат кўрсатиш, мактаблар ва мактабгача тарбия муассасалари билан таъминланиш бўйича умумиттифоқ даражасидан жиддий орқада қолишига сабаб бўлди. Шу жиҳатдан Тошкент халқ хўжалик институтининг учёт-молиявий ихтисослар факультетлари фалсафа кафедраси республиканинг қатор енгил саноат

корхоналарида ўтказган социологик тадқиқот натижалари ибратлидир. Аниқланишича, сўраб чиқилган ишчиларнинг атиги 14 проценти ўз корхоналарини социал-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини билади, 11,4 проценти — тахминан хабардор, қолганлари эса бутунлай бехабар. Ўзбекистон Компартияси МКнинг III пленуми (1986 йил октябрь) ана шундай фактларни назарда тутиб, республикани социал ривожлантиришда жиддий қолоқликка йўл қўйилганлиги, партия, совет, хўжалик органлари то кейинги пайтгача бу масалага лозимича эътибор бермаганлигини таъкидлади.

Шунингдек, экономистнинг профессионал этикаси билан ҳуқуқнинг амалдаги нормалари ўртасидаги ўзаро алоқалар характери ҳам ғоят мураккабдир. Ҳуқуқий нормалар экономист феъл-атворига икки хил таъсир қилиши мумкин: унинг ташаббускорлиги, омилкорлигининг ўсишига, гражданлик етуклигининг намоён бўлишига хизмат қилиши ёки бунга тўсқинлик қилиши (ҳуқуқий нормалар жамиятда реал қарор топган иқтисодий муносабатлардан орқада қолган ёки уларга зид бўлган ҳолларда шундай бўлади) мумкин.

Бундай вазиятда экономикани ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги камчиликларни бартараф этишга даъват этилган экономист профессионал этикасининг роли ғоят каттадир. Ташаббускорликни бўғадиган, тўғри ахлоқий йўл танлашни қийинлаштирадиган, ҳозирги пайтда экономикага қўйилаётган талабларга зид ноҳақ чеклашлар, ишларнинг икир-чикиригача регламентга солишлар назарда тутилмоқда. Бундай зиддиятлар нафақат моддий, шу билан бирга жиддий маънавий зарарлар келтиради, чунки улар экономистларда қонунга нисбатан ҳурматсизлик, уни бузиш ниятини туғдиради.

Сўнгги пайтда мамлакатимизда экономикани ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни такомиллаштириш ва уни бугунги куннинг социал-иқтисодий талабларига мувофиқлаштириш мақсадида талай ишлар қилинди ва қилинмоқда. Натижада ҳуқуқий нормалар ахлоқ нормалари билан тобора чамбарчас боғланиб, «бурч», «виждон», «масъулият», «адолат» тушунчалари қонунчилик синонимлари бўлиб бормоқда. Лекин хўжалик ҳаётини ҳуқуқий тартибга солиш қанчалик ҳаракатчан ва оператив бўлмасин, у барибир ишлаб чиқариш қатнашчилари иқтисодий феъл-атворининг барча хилма-хил ва нозик томонларини, хўжалик практикасидаги бўладиган кутилмаган ўзгаришларни олдиндан кўра олмайди. Бу қонунийдир, чунки, айниқса фан-техника революцияси шароитида иқтисодий ҳаётга фавқулодда юксак даражадаги динамизм хосдир. Модомики, экономистларнинг профессионал этикасини ва феъл-атворини белгилайдиган иқтисодий муносабатлар ҳуқуқий системага нисбатан тезроқ ўзгариб турар экан, унда баъзан экономистлар олдида ҳар доим ҳам амалдаги ҳуқуқий нормалар доирасига сиғмайдиган проблемаларнинг кўндаланг бўлиши тушунарли ҳолдир.

Экономика, профессионал этика ва ҳуқуқ талаблари ўртасидаги зиддиятларни бартараф қилиш билан боғлиқ проблемаларни ҳал этишда, КПСС XXVII съездида таъкидланганидек, ишнинг кўзини билиб, ғайрат билан, зиммага масъулият олишдан қўрқмасдан ҳаракат қилиш лозим. Бу молия-кредит системаси ходимлари учун айниқса муҳим. Чунки кўпинча назорат қилувчи ташкилотлар — Молия министрлиги, Давлат банки, Қурилиш банки, МСБ вакиллари инструктив қоидаларни баҳона қилиб, хўжалик ходимларининг ташаббускорлик ва омилкорлик кўрсатишларига тўсқинлик қилишади. Бундай ҳолларда давлат ва коллектив манфаатларининг муҳимлигини тан олишга асосланадиган профессионал-этик эътиқодларга амал қилиш тўғрироқ эмасми? Зеро, назорат қилувчи органлар экономистлари хўжалик ечимлари учун моддий ва маънавий жиҳатдан хўжалик ҳисобидаги коллективлар билан баравар жавоб беришлари керак.

Экономистнинг ташаббускорлиги ва социалистик омилкорлиги унинг хўжаликда қилинаётган ишлар учун масъулият ола билиш қобилияти билан, ўзини оқлайдиган таваккалчиликка журъат қилиш билан узвий боғлиқдир. Ахир, барча янги, илғор нарсалар — бу, одатда, анъанавий нормалардан, қотиб қолган тасаввурлардан чекинишдир. Экономист кўпинча маънавий жиҳатдан ё у, ё бу йўлни танлаши керак бўлади: гарчи бу пировардида ишлаб чиқариш топшириқларининг барбод қилинишига олиб келса-да, инструкцияларни бузмаслик ёки таваккал қилиб, эскирган регламентга солувчи қоидаларни четлаб ўтиб, хўжалик

ишидаги қўйилган мақсадга эришиш. Бундай ҳодиса механизми «Правда»да босилган материаллардан бирида яхши очиб берилган: «Ёппасига ғирромлик қилинишидан қўрқиш бир-биридан мушкул тақиқларни келтириб чиқаради. Лекин ишни ҳам уддаламоқ лозим, шу сабабли омилкор раҳбарлар ана шу мушкул аҳволдан қутулиш учун ғоят мураккаб йўл-йўриқларни ўйлаб топишади. Министрликлар ва идораларнинг назорат қилувчи органлари эса улар учун янада мураккаброқ инструкцияларни ижод қилишади. Қоғозлар тоғ-тоғ бўлади ва қанчадан-қанча эзгу ниятлар бюрократизм гирдобида йўқ бўлиб кетади» (А. Кислов. Юрак — тош эмас. Правда, 1986 йил, 26 август).

Афсуски, ҳаётда кўпинча шундай ҳам бўладики, айрим хўжалик раҳбарлари ва экономистлар «беғараз» ишчанлик ниқоби остида ижтимоий ва коллектив манфаатларини унутадилар, кўпинча эса қўшиб ёзишлар, иқтисодий жиноятлар йўлига киришади. Қонунга, ҳуқуқий нормаларга сўзсиз амал қилиниши лозим.

Агар, бир томондан, инструкция ва, иккинчи томондан, иқтисодий мақсадга мувофиқлик ва экономистнинг профессионал этик эътиқоди бир-бирига яққол зид келса, унда нима қилиш мумкин? Мустақил ишга тушганларидан сўнг ана шундай аҳволга тушиб қолиши мумкин бўлган Тошкент халқ хўжалик институтини битираётган студентларга икки савол берилди: 1) агар амалдаги инструкциялар хўжалик вазифаларини самарали ҳал этишга тўсқинлик қилса, уларни бузиш мумкин деб ўйлайсизми? 2) агар сиз амалдаги норматив актларни бузганлик учун тегишлича жазо олишингиз мумкинлигини олдиндан билсангиз, корхонанинг иқтисодий мақсадларига эришиш учун шу актларни бузармидингиз? Сўралган кишиларнинг 90 проценти биринчи саволга «мумкин» деб жавоб беришган бўлса, иккинчи саволга 60 процент киши «ҳа» деб, 28 проценти эса «йўқ» деб жавоб беришди (12 процент киши бетараф қолди). Олинган натижалар институтни битирувчиларнинг кўпчилигида ижтимоий бурч ҳиссининг юқорилигини кўрсатади, улар мамлакатда юз бераётган қайта қуришга нисбатан қулай пайт пойлаш йўлини тутаётганлари йўқ. Лекин шу билан бирга улар ўзларича хўжалик проблемаларини нормативдан ташқари ҳал этиш проблемаларини излашга шайлигидан далолат беради, бу ўз навбатида уларнинг профессионал-этик қарашлари билан ўз ҳуқуқини танишлари ўртасида қандайдир номувофиқлик борлигини кўрсатади.

Иқтисодий ва маънавий мақсадлар бирлиги билан аниқланувчи эскирган нормаларни бузиш хўжалик ҳаётининг у ёки бу ҳодисаларини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади. Бу — экономистлар профессионал этикасининг ўзига хос хусусиятларидан бири, унинг иқтисодий мақсадга мувофиқлик тақозо этадиган мажбурий тарздаги характеридир. Лекин экономист ижтимоий ва коллектив манфаатларининг устунлигига ич-ичидан чуқур ишонган, шахсан беғараз ва юксак меҳнат интизомига эга бўлсагина эски нормаларга зид келадиган янгича ёндашувни намоён қила олиши мумкин. Шунинг учун ҳам совет экономистининг профессионал этик даражасига, ғоявий-сиёсий қарашларига алоҳида талаблар қўйилмоқда.

Совет экономисти профессионал этикасининг узвий белгилари сифатидаги тор амалиётчиликка йўл қўймаслик, ўта ҳалоллик ва ҳаққонийлик КПСС XXVII съезди намойиш қилган сабоқ асосида алоҳида аҳамият касб этади. Бундай сабоқ негизлари — иқтисодий ахборотни бузиб кўрсатишга бўлган ҳатто кичик уринишларга нисбатан ҳам ленинча муросасизликдадир, бундай уринишларни Владимир Ильич «ўтакетган коммунистларча-тўраларча гўдаклик» деб атаган эди (Тўла асарлар тўплами, 54-том, 212-бет).

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси давлатни алдашга уринадиган кимсаларга нисбатан ҳамиша муросасиз бўлиб келган. Экономистнинг хўжалик масалаларига партиявий нуқтаи назардан ёндашиш ва қарорлар қабул қила олиш қобилияти, унинг кундалик меҳнат фаолиятида амал қиладиган эътиқоди иқтисодий психология мазмунини, унинг социал-синфий йўналишини ташкил этади, бу йўналиш экономист профессионал этикаси назариялаштирилмаган қисмининг муҳим белгисидир. Айни шу иқтисодий психологияни ривожлантириш характери ишчанликни тор амалиётчиликдан, коммерциячиликни чайқовчиликдан,

ташаббускорликни қаллобликдан, моддий манфаатдорликни юлғичликдан ажратишга имкон беради. Иқтисодий психологиянинг ана шу жиҳатларидан ҳар бири муайян социал-синфий мазмунга эга бўлиб, хўжалик ходимининг иқтисодий фаолиятини йўналтирувчи ундовчи мотивдир.

Экономистларнинг амалий интилишларида рўёбга чиқариладиган иқтисодий психологиянинг ўзига хос хусусиятларидан бири ана шундай. Бу интилишлар аввало КПСС иқтисодий ва социал сиёсатининг ҳар бир конкрет участкада онгли равишда ҳаётга татбиқ қилинишига, кишилар билан ишлашнинг самарали метод ва формаларини кенг қўлланишга, ишлаб чиқариш ҳаётига барча меҳнаткашларнинг манфаатларига дахлдор сиёсий иш сифатида баҳо берилишига қаратилиши лозим. Экономистнинг ички эътиқодига айланган ишга ана шундай ёндашувгина унинг профессионал-этик негизларининг юксак даражадалигини кўрсатади.

Лекин шуни алоҳида таъкидлаш керакки, хўжалик юритишнинг қарор топган шарт-шароитларини, партия XXVII съезди қарорларида олдиндан белгилаб берилганидек, тубдан, сифат жиҳатдан, революцион тарзда кескин ўзгартирмасдан бундай интилишларни практикада амалга ошириб бўлмайди. Хўжалик ташаббускорлигини боғлаб қўядиган икир-чикир нарсаларгача регламентга солиш, кераксиз чеклашлар экономистнинг профессионал этикасини такомиллаштириш жараёнига айникса тўсқинлик қилади. КПСС XXVII съезди тасдиқлаган партиянинг экономика соҳасидаги стратегиясини ташкил этувчи таркибий қисмлар — социалистик корхоналарнинг иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш, тўла хўжалик ҳисоби, ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш ва ўз-ўзини қоплаш совет экономисти профессионал этикасини бундан кейин ҳам ривожлантиришнинг реал моддий асоси бўлиб қолиши керак.

Бу этика иқтисодий самарадорлик вақтинчалик, маҳкамачиликка оид манфаатларнинг эмас, балки олисни кўзлайдиган умумдавлат манфаатларининг натижаларини ифодалашини тақозо этади. Бошқача айтганда, совет экономисти ижтимоий манфаатларнинг ишончли посбони бўлиши лозим. Бироқ ижтимоий манфаатларнинг шахсий манфаатлардан абсолют устунлигини тан олиш экономистнинг касбий-этик эътиқодларининг ниҳоятда етуклигидан далолат берувчи бирдан-бир ишончли далил бўлиб хизмат қилади деб ҳисоблаш нотўғри бўлур эди. Бу ўринда «ё бўлмаса — ёинки» қабилидаги формула тўғри келмайди, чунки у шахс билан жамият манфаатларининг яқинлашишига тўсқинлик қилади. Социализм шароитида экономистнинг маънавий эътиқоди кишиларни умум манфаатларини деб шахсий манфаатлардан воз кечишга эмас, балки шахсий ва ижтимоий манфаатларни қўшиб олиб боришга, ижтимоий мақсадларга эришиш шахснинг туб моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришнинг бирдан-бир ишончли воситаси эканлигини идрок этишга ундайдиган социал-иқтисодий шароитларни яратишга ёрдам берсагина етарли даражада самарали бўла олади.

Ҳаётда ижтимоий манфаатлар билан шахсий манфаатлар ўртасида кўплаб ҳар хил коллизиялар, шу жумладан турли иқтисодий хизматлар ва бўлинмалар ходимларида аниқ профессионал-этик нуқтаи назарнинг йўқлигидан келиб чиқадиган коллизиялар учраб туради. Бу коллизиялар кўпинча айрим экономистларнинг шахсий ва коллектив манфаатларини ижтимоий манфаатларга, маҳаллий манфаатларни умумдавлат вазифаларини ҳал этишга бўйсундира олмасликлари, баъзан буни хоҳламасликлари билан боғлиқ бўлади, бу, жумладан, қимматбаҳо, лекин истеъмолчилар эҳтиёжига мос бўлмаган маҳсулот чиқаришда, ишлаб чиқариш резервларини бекитишда, камайтирилган ёки оширилган планларни қабул қилишда кўринади. Оширилган планлар қабул қилиш айникса қурилишда кўп учрайди, шу сабабли ишлаб чиқариш объектлари қурилиши кўп йилларга чўзилиб кетади.

Бу ҳодиса манбаи эришилган даражага асосланиб планлаштириш фалсафасида яширинган бўлиб, у қурилишнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари, маблағлар, моддий ва меҳнат ресурслари билан таъминланмаган асоссиз равишдаги юксак марраларини юзага келтириб, экономистларнинг касбий-этик дунёқарашларида халқ бойлигига нисбатан масъулиятсизлик, исрофгарчилик билан муносабатда бўлишнинг барқарор стереотипларини шакллантиради. Ҳолбуки, бир пайтнинг ўзида қурилаётган объектлар сонини қисқартириш билан бу ерда тўпланиб қолган

кўпгина мураккаб зиддиятларни ҳал қилиш учун реал имкониятларга эга бўлиш мумкин. Бироқ ялпи кўрсаткичларга берилиб кетиш экономистларнинг касбий-этик қарашларини банд қилиб турадиган қурилишдаги «тугалланмаслик психология»си ана шу етилган проблемани ҳал этишга кўп жиҳатдан тўсқинлик қилади.

Шу билан бирга бундай фактларни фақат айрим экономистларнинг профессионал-этик эътиқодининг етук эмаслиги билан изоҳлаш тўғри эмас, чунки корхоналар ва айрим ходимларнинг меҳнат натижаларини иқтисодий баҳолашнинг амалдаги системаси хўжалик юритишга оид салбий хатти-ҳаракатни олдиндан белгилаб беради. Амалдаги баҳолаш кўрсаткичлари экономистларни ҳар доим ҳам ва лозим даражада юксак пировард натижаларга эришишга ундайвермайди, кўпинча мавжуд ишлаб чиқариш имкониятларини яширишга, планни ортиқча ташвишларсиз бажариш учун камайтирилган топшириқлар олишга, экономикани юргизишнинг кам харажатли методларини ҳисобга олмасликка мажбур қилади. М. С. Горбачев КПСС МК июнь (1986 йил) Пленумида: «Ялпи кўрсаткичлар бўйича топшириқлар турли формада тармоқлар, регионлар, корхоналар фаолиятига баҳо бериш чоғида асосий мезонларнинг биридир. Модомики шундай экан, «ялпи маҳсулот»ни кўпайтириш мақсадида кўпинча қимматли материаллардан фойдаланилади, машиналарнинг вазни оширилади, тонна-километрлар ортиқча кўрсатилади, хўжалик ички обороти бўрттирилади ва ҳоказо. Биз самарадорлик учун курашмоқдамиз, лекин хўжалик раҳбарлари ҳақиқатан ҳам қандай бемаъни аҳволда қолаётганликларини бир кўринг: арзон буюм тайёрласалар — пул билан ҳисоблаганда маҳсулотни кам берганликлари учун таънага қоладилар, янгиликни жорий этиб, ресурсларни тежаб қолсалар — яна корхонани, ҳатто бутун тармоқни ҳам ноқулай аҳволга солиб қўядилар», деб бежиз таъкидламаган эди.

Натижада шундай вазият юзага келадики, унда экономистларнинг хатти-ҳаракатлари шахсий, коллектив ва ижтимоий манфаатлар ўртасидаги зиддиятларни янада чуқурлаштиради. Бу ўринда бурч ва виждон ҳақидаги ҳеч қандай гаплар ҳам меҳнатнинг пировард натижаларига зарур таъсир ўтказа олмайди. Зеро экономистнинг профессионал этикаси — бу объект билан субъектнинг диалектик ўзаро бир-бирига таъсири оқибатидир, чунки «...одамлар вазиятларни қандай вужудга келтирсалар, вазиятлар ҳам одамларни шундай вужудга келтиради» (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч томлик танланган асарлар. 1-том, Тошкент, «Ўзбекистон», 1980, 33-бет).

Баъзида ишлаб чиқаришнинг моддий шарт-шароитлари экономистларга ўз профессионал-этик эътиқодининг потенциал имкониятларини амалга оширишига тўсқинлик қилади, бу биринчи галда мавжуд хўжалик механизми билан боғлиқ бўлиб, у улар олдига ишга маънавий муносабатда бўлишдан олис ҳодисаларни кўндаланг қилиб қўяди. Бундай вазиятларда айланма йўллар излашга тўғри келадики, бу иқтисодчиларнинг профессионал-этик негизларига путур етказмай қолмайди.

Бироқ хўжалик механизми ҳамда баҳолаш кўрсаткичлари такомиллаша бориши билан экономистларнинг профессионал-этик эътиқодлари ҳам автоматик тарзда такомиллашади деб ўйлаш нотўғридир. Масаланинг мураккаблиги шундаки, социалистик ижтимоий муносабатлар экономистларнинг профессионал этикасида, уларнинг хатти-ҳаракатларида ва феъл-атворида тўғридан-тўғри акс этмайди, бу жараёнга объективликнинг субъективликда (объектив манфаатларнинг инсон фаолиятининг субъектив мотивларида) тўғридан-тўғри акс этиши сифатида ҳам қараш мумкин эмас. Ахир, шу нарса маълумки, бир хил малакага эга бўлган ва бир хил ишлаб чиқариш шароитларида турган иқтисодий хизмат ходимлари ўзларининг профессионал вазифаларига турлича муносабатда бўладилар, меҳнатда турлича натижаларга эришадилар. Бу кўп жиҳатдан конкрет коллективда қарор топган маънавий вазиятга ва экономистларнинг ўзларининг ижтимоий бурчини қай даражада тушунишига боғлиқдир. КПСС МК 1987 йил июнь Пленумининг қарорлари бундай ҳолатларни бартараф қилишга қаратилгандир.

Яна шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, экономистнинг профессионал этикаси — иқтисодий муносабатларнинг пассив аналоги эмас. Марксистик этика ишлаб чиқариш муносабатлари, аввало мулкка оид муносабатларнинг экономист

профессионал этикасини шакллантириш ва ривожлантиришдаги ортиб борувчи ролини эътироф этиш билан бирга экономист профессионал этикасининг ижтимоий муносабатлар характерига фаол-ўзгартирувчи таъсир ўтказишини ҳам қайд қилади. Бу хусусият мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш шароитида алоҳида аҳамият касб этади, чунки у иш сифатини оширишнинг ички резервларини излаб топишга ва ҳаракатга келтиришга, истиқболни прогноз қилишга, салбий ҳодисаларни бартараф этишга имкон беради.

Ахлоқнинг фаол-ўзгартирувчи таъсири самараси экономистларнинг профессионал-этик тайёргарлиги даражаларига, уларнинг коммунистик ахлоқ нормаларини ўзлаштириш даражасига, ички эътиқодига, манфаатлари, ғоявий-иродавий дастурларига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Жумладан ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш билан боғлиқ объектив шарт-шароитларнинг экономистларнинг хўжалик практикасидаги касбий-профессионал позицияларига қанчалик таъсир этиши пировард оқибатда ана шунга боғлиқдир.

Бинобарин, иқтисодий кадрларни профессионал, ғоявий ва маънавий жиҳатдан тайёрлашни кўшиб олиб бориш учун олий ўқув юртларининг масъулияти янада ортади. Бу нафақат иқтисодий, шу билан бирга техника олий ўқув юртларига ҳам тааллуқлидир, чунки ҳар қандай ишлаб чиқариш бўлинмасининг инженер-техник ходимлари жиддий иқтисодий тайёргарликка ҳам эга бўлишлари лозим. Бугунги кунда чуқур иқтисодий билимларсиз, бошқарув санъатини, профессионал этикани ўзлаштирмасдан унинг юксак даражасини эгаллаб бўлмайди. Ҳолбуки, на Тошкент халқ хўжалик институтида, на республикадаги бошқа бирон олий ўқув юртида ёки иқтисодий факультетда экономистнинг профессионал этикаси курси гарчи ўқув планларида бор бўлса-да ўрганилмайди. Бунинг сабаблари нимада? Ўқув программалари, лекциялар текстлари, методик қўлланмалар ва, энг муҳими, илмий адабиётнинг йўқлигида. Дарҳақиқат, турли хил ихтисосларнинг профессионал этикаси соҳасига оид фалсафий тадқиқотлар кўп бўлгани ҳолда экономист этикасига доир биронта ҳам иш йўқ. Ана шу бўшлиқни тўлдириш — республика философлари ва экономистларининг муҳим вазифасидир.

Шунингдек иқтисодий олий ўқув юртларида ва факультетларда иқтисодий социологияга доир махсус курсни жорий этиш ҳам мақсадга мувофиқдир, бу студентларни ўқитиш ва иқтисодий ишлар маданияти сифатини оширишга ижобий таъсир қилиши мумкин. В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети фалсафа-иқтисод факультетида амалий социология бўйича мутахассислар тайёрлаш тўғрисидаги масалани ҳал этиш вақти етди. Мамлакатда олий ва ўрта махсус таълимни қайта қуришнинг Асосий йўналишлари руҳига ҳамоҳанг бўлган бу тадбирларнинг ҳаммаси, шубҳасиз, жамиятимизнинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга ёрдам беради.

ИДЕОЛОГИЯ ИШИ: ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОБЛЕМАЛАРИ

Ш. ШОХАЛИЛОВ,
тарих фанлари кандидати

ОММАНИ ЯНГИ ВАЗИФАЛАРНИ ҳал қилишга тайёрлаш зарурати туғилган пайтда идеология иши ҳамиша биринчи ўринга қўйиб келинган. Биз бошдан кечираётган ҳозирги даврда иш худди шу тарздадир. Совет кишиларининг ҳозирги авлоди зиммасига фавқулодда мураккаб ва масъулиятли миссия — жамиятнинг сифат жиҳатдан янги ҳолатига эришиш мақсадида бутун жамиятни қайта қура бошлаш вазифаси юкланган. Бу вазифанинг муваффақиятли амалга оширилиши халқнинг моддий ва маънавий турмушини принципиал жиҳатдан янги даражага кўтариш, давлатнинг куч-қудратини мустаҳкамлаш имконини беради.

КПСС МКнинг 1987 йил январь Пленумида таъкидландики, партия қайта қуришнинг бирорта ҳам жабҳасига эътиборни сусайтиришга ҳақли эмас. Шу сабабдан жамиятни қайта қуриш инсон онгини ҳам қайта қуришни, эскириб қолган ёндашувлар, қарашлар, тушунчалардан воз кечишни, ҳал этилаётган вазифаларга мувофиқ келадиган янгича иш методларини ўзлаштиришни тақозо этади. Ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришга ўтиш идеология ишини экстенсив методлар билан олиб боришдан воз кечишни қатъий талаб қилади. Мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш билан бир вақтда идеологик, сиёсий-тарбиявий ишни тубдан такомиллаштириш жараёни ҳам жадаллашуви керак. Ана шу мураккаб вазифанинг ҳал қилиниши социал-иқтисодий, сиёсий ва маънавий омиллар комплексининг ҳисобга олинишига боғлиқдир.

Марксизм-ленинизм классиклари инсон онгининг шаклланишида объектив шарт-шароитларнинг жуда катта роль ўйнашини уқтириб ўтганлар. Улар бунга нафақат ижобий ютуқлар, шу билан бирга салбий ҳолатлар ҳам таъсир қилишини исботлаганлар. Ҳаёт бу хулосанинг тўғрилигини тасдиқлади. Экономикадаги зиддиятлар, хўжалик юритиш механизмининг янги шароитларга мувофиқ эмаслиги, баҳолаш кўрсаткичларининг мукаммал эмаслиги исрофгарчилик, қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик, социалистик мулкни ўғирлаш каби ҳодисаларнинг кенг тарқалишига сабаб бўлди. Айрим кишиларнинг беғамлиги, сусткашлиги, меҳнат интизомининг бўшашиб кетиши меҳнатни ташкил этишдаги камчиликларнинг, тақсимот принциплари бузилиши оқибатидир.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, агар одам адолатсизликка, социалистик ахлоқ нормалари бузилишига, лозимича тартибнинг йўқлигига дуч келса, унда социалистик тузум қадриятларига номувофиқ тасаввурлар пайдо бўлиши мумкин. Бундай ҳолда коммунистик пропагандага таркиб топган қарашларни ўзгартиришга кўмаклашиш, одатдаги онгни илмий онг даражасига кўтариш жуда қийин бўлади. Бунинг учун социал-иқтисодий соҳада тартиб ўрнатиш, шахсга камчиликлар келиб чиқишининг табиатини, келгусида уларга йўл қўймаслик йўлларини тушунтириш зарурки, бу кўпдан-кўп кишиларнинг анча вақт ва куч-ғайрат сарфлашини талаб қилади.

Ана шу боисдан Коммунистик партия ҳаётимиздаги барча салбий ҳолатларни тезроқ ва бутунлай тугатиш учун курашни шу қадар принципиал тарзда ва кескин

бошлаб юборди. КПСС XXVII съезди жамиятдаги вазиятни соғломлаштириш натижасида вужудга келган қулай имкониятлардан идеология иши сифатини тубдан яхшилаш учун фойдаланиш муҳимлигини кўрсатиб ўтди.

Съезднинг, партия МҚ 1987 йил январь Пленумининг материалларида, КПСС Программасида кишилар онгида бурилиш бўлишини таъминлайдиган конкрет тадбирлар ишлаб чиқилди. Бу экономикага эскича, умрини яшаб бўлган ёндашувларни сақлаб қоладиган, хўжалик юритишнинг прогрессив усулларини жорий этишга тўғаноқ бўладиган хўжалик механизмини тубдан ислоҳ қилиш; социалистик адолат принципларига қатъий риоя этиш; социалистик демократияни янада такомиллаштириш, гражданларга давлатни бошқаришда фаол қатнашишга сўзда эмас, балки амалда имкониятлар яратиб бериш; қайта қуриш шароитида кадрлар сиёсати; идеология ишининг мазмуни, форма ва методларини янги талабларга мувофиқлаштириш мақсадида унинг бутун системасини тубдан чуқур ўзгартиришдан иборат.

Идеология ишини тубдан яхшилашга кенг назар билан қараш КПСС XXVII съезди материаллари учун характерли бўлиб, у партия ташкилотларини жамият ривожининг ҳозирги босқичи энг муҳим қонуниятларини ҳисобга олишга ундайдики, бу янги инсонни тарбиялаш жараёнида иқтисодий, социал-сиёсий ва маънавий омилларнинг ўзаро алоқаси ва бир-бири билан боғлиқлигининг кучайишидан иборатдир. Айни шундай ёндашув туб ўзгартиришлар жараёнида идеология ишининг ўрни ва ролини илмий позициялардан туриб белгилаш, унга хос бўлган жиддий камчиликларнинг асл сабабларини аниқлаш, уларни бартараф этишнинг конкрет йўлларини белгилаш, нохуш тенденцияларни ўз вақтида пайқаш, ғоявий таъсир қилишнинг самарадорлиги мезонлари кўрсаткичлари системасини ишлаб чиқиш имконини беради.

Республикада юз бераётган идеология ишини қайта қуриш жараёнини идрок этиш ва ана шу позициялардан туриб диққат-эътиборни бундай ишни турмуш талаблари даражасига кўтаришга халақит бераётган проблемаларга қаратиш жуда муҳим бўлиб қолди. Бунда аввал бошданоқ «идеология ишини қайта қуриш» деганда нима тушунилишини аниқлаб олиш муҳимдир. Қайта қуриш жараёнининг асосий йўналишлари КПСС XXVII съезди материалларида, партиянинг съезддан кейинги ҳужжатларида, унинг раҳбарларининг чиқишларида белгилаб берилган. Бу партия бутун ғоявий-тарбиявий иши мазмунининг жамият олдида турган муҳим вазифалардан ажралиб қолганлигини, расмиятчиликни, қироатхонликни, одамлар билан мулоқотда насиҳатгўйликни бартараф этишни, кампаниячиликдан, унинг самарадорлигини умумий миқдорга қараб баҳолашдек қоралантан методдан воз кечишни англатади.

КПСС МҚ идеология ишини қиёслаш учун асос бўладиган аниқ йўл-йўриқлар бериб, унинг бош йўналишларини белгилар экан, идеология кадрларини ана шу жараённинг боришини ҳар тарафлама таҳлил этишга, ривожимизга тўсиқ бўлаётган омилларни ўз вақтида аниқлашга, ғоявий таъсир системасини янги изга кўчиришни таъминлашга қодир бўлган биринчи навбатдаги тадбирларни белгилаб олишга даъват қилди.

Бизнинг республикамиз учун бу вазифанинг актуаллиги равшан. Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида ҳамда унинг Марказий Комитетининг III пленумида таъкидландики, социал-иқтисодий ривожланиш суръатларининг секинлашуви, кадрлар сиёсатидаги жиддий нуқсонлар, республикада салбий ҳолатларнинг кенг тарқалганлигига фақат социализм объектив қонунларининг эътиборга олинмаганлиги, илмий раҳбарликнинг субъективизм ва ўз хоҳишича бошқариш методлари билан алмаштирилганлиги эмас, шунингдек идеология ишидаги жиддий ўпирилишлар ҳам сабаб бўлди. Пленумда ғоявий, маънавий вазиятга салбий таъсир қилган омиллар санаб ўтилди, булар республикада мураккаб идеологик вазият вужудга келишига йўл очиб берди.

Идеология ишидаги муваффақиятсизликни туб сабаби шундаки, жамият олдида турган социал-иқтисодий ва сиёсий вазифаларни ҳал этишда унинг роли ва ўрни етарлича тушунилмади. Бу назариянинг аҳамиятига ва уни доимо бойитиб бориш зарурлигига етарлича баҳо бермасликда, идеология фаолиятининг моддий-техникавий базасини ривожлантиришга эътиборнинг йўқлигида; штатдаги идеология лавозимларига шу ишга лаёқати, тегишли назарий тайёргарлиги

бўлмаган кишиларнинг тайинланишида кўринди. Бунинг оқибатида ана шу ишни ташкил этишга расмиятчилик билан қаралди, кескин проблемалар четлаб ўтилди, натижада сўз билан иш ўртасидаги узилиш тобора орта борди, кўпдан-кўп қарорлар қабул қилиниб, активлик хўжакўрсинга бўлди.

Идеология ишидаги хатоларни келтириб чиқарган сабабларни бартараф этмоқ учун унинг замиридаги потенциал имкониятларни тўла рўёбга чиқаришга халақит берадиган жамики нарсаларни тезроқ йўқотиш юзасидан пухта ўйланган, комплекс программа талаб қилинади. Бинобарин, идеология соҳасига партиявий раҳбарлик жараёнини демократлаштириш, турли хил фикрларни, шу жумладан ўрнашиб қолган ва шу сабабдан тўғри бўлиб кўринган қарашларни шубҳа остига оладиган фикрларни ҳам очиқдан-очиқ, ҳалол, принципиал тарзда айтишга ёрдам берадиган вазият яратишдан бошлаш керак. Матбуот саҳифаларида ёки оғзаки равишда бирор бир масала юзасидан раҳбар ходимларнинг нафсониятига тегадиган фикрини айтишга уринган кишиларни ёмон отлиқ қилиш, мудом турткилаш практикасига барҳам бериш муҳимдир. Қарашларни ўртоқлашишни йўлга қўймай, мунозарасиз, турлича ёндашувларни таққосламай ва энг мақбул вариантларни танлаб олмасдан туриб жадаллаштириш, жамиятимизнинг ижодий, маънавий потенциалини қайта қуриш жараёнига қўшилишнинг ҳеч ҳам иложиси йўқ.

Кейинги вақтда республика партия ташкилотида маънавий соҳада ижодий муҳитни яратиш учун кўп иш қилинди. Бироқ бу дастлабки қадамлардир, холос. Эскиликдан янгиликка ўтиш, бир қолиплардаги ишлардан воз кечиш ҳамиша қийин ва оғир ўтади, чунки онгни ўзгартириш осон эмас. Янгиликнинг моҳиятини акс эттирадиган шиорлар ва назарий қоидаларни нисбатан тез ўзлаштириб олиш мумкин, лекин унга амал қилиш, кундалик ишимизда кўпинча учраб турадиган тўсиқлар ва ғовларни енгмоқ учун вақт, партия органларининг кунт билан ишлашлари, уларнинг қайта қуриш йўлига ўтиб олган гражданларни қўллаб-қувватлашлари талаб қилинади.

Эскича одатлар, тасаввурларга қарши кураш айниқса шунинг учун актуалдирки, ҳаёт жамият олдида турган вазифаларни ҳал этишга новаторларча ёндашишни, янгича шароитларда ишлашнинг самарали йўлларини дадил излашни талаб қилаётган бир шароитда ташаббус, ижодиёт, социалистик омилкорлик кўрсатган ходимларни керагича қўллаб-қувватлашмаётган ҳоллар ҳали ҳам бор. Бундай фактлар шу билан изоҳланадики, айрим партия ходимлари ўзлари учун қулай бўлиб қолган йўлдан ҳамон қайтишни истамаяптилар, ўз таклифлари билан ташвиш орттираётган одамни қўллаб-қувватлашдан кўра, ўз хузур-ҳаловатлари тўғрисида кўпроқ қайғурмоқдалар, ҳолбуки куюнчак одамлар таклифлари одатда инсонлар тўғрисида ғамхўрликдан келиб чиқади. Натижада бугунги кунда шу қадар зарур бўлган ташаббус сўнади.

Жадаллаштириш давомида социал-иқтисодий жараёнларнинг жўшқин ривожланиши, одамлар турмуши ва фаолияти кечадиган вазиятнинг, шароитнинг тез ўзгариши жамият ҳаракатининг тенденцияларини ҳамда вужудга келадиган зиддиятлар ва проблемаларни ўз вақтида пайқаб олишни айниқса муҳим қилиб қўяди. Назарий ишнинг аҳамияти ва унга қўйиладиган талаблар ошиб боради. Идеолог стихиявий ишчилар ҳаракати олдида бориб, унга йўл кўрсатиб турсагина идеолог деган номга муносиб бўлиши тўғрисидаги Лениннинг фикри ҳар қачонгидан кўра актуаллик касб этмоқда. Афсуски, 70-йилларда назарий тафаккур етилган проблемаларни ўз вақтида прогнозлашга тайёр эмас эди. Асарларининг ҳаётдан узилиб қолганлиги, мавҳум назариябозлик учун ижтимоиётчи-олимлар шаънига кейинги вақтларда кўп ҳаққоний танқидий гаплар айтилди. Лекин шундай савол туғилади: нега энди шундай аҳвол узоқ вақт сақланиб келди? Бунга КПСС МК январь (1987 йил) Пленумида тўғри жавоб берилди, унда «ҳеч кимнинг манфаатлари ва ҳаётий проблемаларга тааллуқли бўлмаган турли-туман схоластик назариябозлик ҳатто рағбатлантирилганлиги, амалий таҳлил этишга ва янги ғояларни илгари суришга уринишлар эса қўллаб-қувватланмаганлиги» таъкидлаб ўтилди. Узоқ вақт давомида назарияга бундай муносабат идеологик ишнинг таъсирчанлигига салбий таъсир қилмаслиги, унинг мазмунининг практикадан узилиб қолишига олиб келмаслиги мумкин эмас эди. Бу узилиш бугун, мамлакат бурилиш палласида турган ва йиғилиб қолган проблемаларни ҳал этиш

учун тўғрилиги илмий асосланган тавсияномалар зарур бўлган ҳозирги шароитда айниқса яққол кўзга ташланяпти.

Кейинги вақтларда партия, ижтимоий ривожланишдаги янги ҳолатларни таҳлил этиб, шундай хулосалар чиқардики, бу хулосалар ютуқларимизни янада реал баҳолайди, ҳал этилмаган масалаларни, вужудга келадиган проблемаларни очиқ кўрсатиб беради. КПСС МК январь (1987 йил) Пленумининг қайта қуриш — бу узоқ ва мураккаб жараён эканлиги, биз ҳозир унинг энг бошида турганлигимиз тўғрисидаги хулосаси принципиал аҳамиятга эгадир. Бу хулоса биринчи навбатдаги вазифаларимизни аниқ белгилаб олишга, шошиб илгарилаб кетишнинг ҳам, орқада қолишнинг ҳам олдини олишга имкон беради. Жамиятимиз етуклиги даражасининг таърифи муҳим аҳамиятга эгадирки, бу партиянинг стратегияси ва тактикасига жиддий ўзгартиришлар киритиш, реал вазифалар қўйиш, перспектив ва яқин орадаги мақсадларни аниқроқ белгилаб олиш имконини берди. Бу ҳол бутун идеология иши самарадорлигини ошириш, унинг мазмуни билан реал турмуш ўртасидаги тафовутни бартараф этиш учун ҳеч муболағасиз улкан аҳамиятга молик бўлди.

КПСС XXVII съездининг мамлакатнинг ҳамма соҳаларда, шу жумладан онгда ҳам чуқур ўзгаришлар пишиб етилган бир пайтда сифат жиҳатдан янги марраға етиб келгани тўғрисидаги хулосаси идеология ишига янги куч бағишлади, унинг ҳозирги шароитлардаги ролини яна ҳам яққол кўрсатиб берди, унинг самарадорлиги тўғрисидаги масалани янгича қилиб қўйди.

Бироқ, назарий иш жонланганига қарамай, унда ҳозирги ижтимоий ривожланиш тенденцияларини билишда тубдан бурилиш ҳозирча юз берганича йўқ. Бунинг оқибатида ҳозирги шароитларда идеология иши концепциясининг моҳиятини бутун идеология активи етарлича чуқур аниқлаб олганича йўқ, ҳозирги кун талаблари руҳида оммага ғоявий таъсир қилишнинг форма ва методларидан фойдаланишга ёндашишни қайта қургани йўқ.

Бинобарин, назарий ишламаларни ижтимоий турмушнинг турли соҳаларини қайта қуриш жараёнини чуқур идрок этиш сари тезроқ бурмасдан, мамлакат тараққиётини жадаллаштириш йўллари ва методларини асосламасдан ва унинг янги сифат ҳолатига эришмасдан туриб, идеология иши мазмунининг практикадан ажралиб қолганлигини бартараф этиш вазифасини ҳал этиб бўлмайди. Бу оддий проблема эмас. Бу ўринда ишга расмиятчилик билан ёндашишдан, тушунчалар, сўзларни ўйламай-нетмай ва устма-уст такрорлайверишдан қочиш муҳимдир. Афсуски, кўпинча шундай ҳам бўладики, бугунги кун моҳиятини тўғри акс эттирадиган «жадаллаштириш», «қайта қуриш», «фан-техника тараққиёти» деган актуал шиорлар уларнинг моҳияти юзаки очилганлиги туфайли ҳамиша ҳам сафарбар этувчи омил сифатида иш беравермайди.

Бу тенденциянинг илдиз отишига йўл қўймаслик учун янги ҳодисаларни билиб олиш, янгича ёндашувлар моҳиятини идрок этиш юзасидан ишни жадаллаштириш, бу билан ана шу ва бошқа тушунчалар мазмунини олдимизда турган вазифаларнинг, турмушнинг ҳамма томонларини қайта қуриш қонуниятларининг характери тўғрисидаги ҳамда ана шу проблемаларни ҳал этишнинг энг самарали йўллари тўғрисидаги янги маълумотлар билан тўлдириш лозим. Фақат шу йўл билангина идеология иши мазмунини сиртдан, юзаки ва сўзда эмас, балки ҳақиқатан ҳам актуаллаштириб, уни реал воқелик билан мустаҳкам боғлаш мумкин бўлади.

Ҳозирги шароитда ижтимоий онгнинг ривожланиш қонуниятларини, объектив шароитлар билан субъектив омилнинг ўзаро муносабати ва бир-бирига таъсири механизмини, марксча-ленинча дунёқарашнинг шаклланишини, жамиятдаги салбий ҳодисаларнинг яшовчанлиги ва такрорланиб туриши сабабларини аниқлайдиган тадқиқотлар айниқса долзарб бўлиб бормоқда. Амалиётчи ходимларни тарбиявий мақсадларнинг хўжалик-бошқариш, социал ва идеология фаолияти билан монанд бўлишига эришиш имкониятини берадиган тавсиялар билан қуроллантириш ижтимоий фанларнинг социал-иқтисодий ва маънавий вазифаларни жадал ҳал этишга кўрсатадиган таъсирини кучайтиришга ёрдам қилади.

Бугунги кунда идеология кадрлари олдида бир-бири билан боғлиқ икки вазифа: идеология ишини ташкил этишдаги ўтган йиллардан мерос бўлиб қолган заиф жиҳатларни бартараф этиш ҳамда пропагандистик чиқишлар йўналишларини аниқлашни талаб қиладиган янги моментлар, ҳолатларни ҳисобга олиш вазифаси турибди. Масалан, маълумки, кейинги йилларда совет кишилари турмушининг моддий даражаси анча яхшиланди. Тажриба кўрсатганидек, кучайиб ва жадаллашиб бораётган ана шу ижобий жараёнга етарлича эътибор берилмаса, айникса аҳолининг билими ва маданий даражаси давр талабларидан орқада қолаётган қисмида хусусий мулкчилик психологияси авж олиши мумкин. Бунга пропагандада баъзи нарсаларни нотўғри таъкидлаб кўрсатишлари, яъни кўпинча ортиқча маъмурчиликка қандай ножўя йўл билан эришилганлигини суриштириб ўтирмай, кишиларнинг ошиб бораётган эҳтиёжларини қондиришда янги имкониятлар борлигининг зўр бериб тарғиб қилиниши ҳам муайян даражада ёрдам беради. Шу қадар муҳим проблемага ҳамма нарсани ҳисобга олмай ёндашиш онгда чалғишларга сабаб бўлади, социализмнинг ҳақиқий қадриятлари тўғрисида сохта тасаввур яратади.

Кўпинча оғзаки ва матбуот пропагандаси мамлакатда, республикада, областдаги олий ва ўрта маълумотли кишиларнинг сони, уларнинг маданият муассасаларига қатнаши, китоблар, газета ва журналларнинг тиражи тўғрисидаги рақам маълумотларини ишлатиб, бу билан аҳолининг юксак билим ва маданий савиясини кўрсатмоқчи бўлади. Дарҳақиқат маънавий маданият соҳасидаги муваффақиятлар шубҳасиз. Лекин бугунги кунда миқдорий кўрсаткичлардан кўра кўпроқ сифат кўрсаткичлари ҳақида гап юритиш керак. Акс ҳолда кўламдор рақамлар бу соҳада ҳамма нарса кўнгилдагидек деган нотўғри тушунча ҳосил қилиши мумкин. Ахир, майда буржуача, хусусий мулкчилик психологияси одамларнинг билими ва маданиятига доир кўрсаткичлар сиртдан қараганда кўнгилдагидек бўлган бир шароитда ҳам авж олиши мумкин. Шахснинг билим ва маданиятининг ҳақиқий даражаси унинг шу куннинг сиёсий талабларини, жамиятимиз маънавий принципларини нақадар чуқур тушунганлиги билан белгиланади. Нафақат тушуниши, балки уларга қатъий амал қилиши керак.

Ҳозирги шароитларда консерватизмга, қолоқликка, етилган масалаларни ҳал этишдаги сусткашликка, жадаллаштириш, ижтимоий турмушнинг ҳамма томонларини қайта қуриш вазифаларини ҳал этишга ғов бўлаётган жамики нарсаларга қарши муросасиз кураш янги қирралар касб этмоқда. Бугунги кун характери идеология кадрларидан нафақат ўзгаришлар зарурлигини тушунтиришни, шу билан бирга масъулиятни ўз зиммасига олишдан чўчимайдиган, қийинчиликларни енга оладиган, эскиликка қарши тура оладиган, вақтинча муваффақиятсизликларга учраганда умидсизликка тушмайдиган жангчиларни тарбиялашни ҳам қатъиян талаб қилади.

Партия ҳаётнинг турли соҳаларидаги камчиликларни очиқдан-очиқ фош этган ҳозирги кунда матбуот ва оғзаки чиқишларнинг кескинлиги анча ошди. КПСС МК Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев МКнинг 1987 йил январь Пленумидаги докладида таъкидлаганидек, «партия оммавий ахборот воситаларининг чиқишлари бундан буён ҳам чуқурлиги ва холислиги, юксак гражданлик масъулияти билан ажралиб туради, деб умид қилади».

Партия камчилик ва нуқсонлар бундан буён ҳам принципиал ва амалий танқид қилинишига умид боғлаб, шу билан бирга оммавий ахборот воситаларидан меҳнат коллективларининг, партия, совет ва хўжалик органларининг, жамоат ташкилотларининг, раҳбар кадрларнинг қайта қуриш шароитидаги иш тажрибасини янада кенг кўрсатиб беришларини кутади. Қайта қуриш ўртага қўйган ва яна ўртага қўядиган кўпгина ғоят муҳим масалаларга албатта жавоб топишимиз керак. Ҳар бир кишининг янгиланишнинг умумий жараёнида ўз ўрнини аниқлаб олмагунича иқтисодий ва социал соҳаларда яхшилик томон ўзгариш бўлишига умид умидлигича қолаверади. Бу борада идеология муассасалари ва кадрлар жуда кўп иш қилишлари мумкин.

Ҳозирги талаблар идеология ишининг фақат мазмунига эмас, шунингдек унинг услуби, формалари, метод ва воситаларига ҳам ўзгача ёндашишни тақозо этади. Бу соҳада қайта қуришнинг йўналишини белгилайдиган асосий методологик талаб одамларга идеология жараёнининг пассив қатнашчиси деб қарашдан воз

кечишдир. Бу нима қилиш тўғрисидаги насиҳатомуз гапларни тўхтатиб, **қандай** қилиш тўғрисида одамлар билан маслаҳатлашиш, фикр алмашишга ўтишни тақозо этади.

Ана шу ҳолат қайта қуриш шароитларида пропаганданинг вазифалари, коммунистик тарбия воситаларининг амал қилиши характери тўғрисида, чиқишларда ахборот бериш билан шарҳлашнинг нисбати тўғрисида, пропаганданинг объекти билан субъектининг ўзаро муносабатлари ва ҳоказолар тўғрисидаги масалаларни бундан буён ҳам назарий ишлаб чиқишни қатъий талаб қилади.

Назариянинг, аввало марксизм-ленинизмнинг роли ошиши кадрларга уни ўрганишга иштиёқни сингдириш масаласини айниқса кескин қилиб қўйди. Гарчанд бу йўл-йўриқ кўпдан буён кун тартибидан тушмаётган бўлса-да, шундай бир мантиққа зид вазият пайдо бўлдики, бунда бир вақтнинг ўзида одамларнинг ҳаёт ҳодисаларини, ижтимоий-сиёсий билимларни билишга иштиёқи бўлгани ҳолда нафақат оддий ходимларнинг, шу билан бирга раҳбар ходимлар бир қисмининг ҳам назарий тайёргарлиги паст савиядадирки, бу айниқса ташвишли ҳолдир.

Одамларнинг марксча-ленинча назарияни ўзлаштиришларига нима халақит қилади? Бунинг сабаблари кўп. Уни пропаганда қилишга расмиятчилик билан ёндашув, унинг турмушдан ажралиб қолганлиги, терминологиянинг сунъий равишда мураккаблаштириб юборилгани, қандай ўрганишни, ҳаёт ҳодисаларини тушунтириш жараёнида назарий билимларни татбиқ қилишни ўрганиб олишни кўрсатиб бериш ўрнига нимани ўрганишни тушунтирадиган методиканинг самарасизлиги, уни ўрганишга, тўғрироғи назарий қоидаларни пухта ўзлаштиришга қироатхонларча, схоластик ёндашув шулар жумласидандир.

Раҳбар ходимлар, хусусан хўжалик ходимлари орасида узоқ вақт ҳукм суриб келган марксча-ленинча назарияни ғоявий-тарбиявий иш билан бевосита машғул бўладиган кишилар ўрганишсин, бизнинг бусиз ҳам кунимиз ўтаверади, деган фикр ҳам муайян салбий роль ўйнади. Дарвоқе, хўжалик ва тарбиявий ишлардаги ўпирилишларга қарамай, уларнинг кунлари ўтиб келди, чунки бунинг учун улардан қаттиқ талаб қилинмади. Эндиликда, ҳамма даражалардаги раҳбарлар тарбиявий ишнинг аҳволи учун, улар қабул қиладиган бошқарувга доир қарорларнинг оқибати учун бевосита жавоб берадиган бўлганларида, уларнинг марксизм-ленинизмнинг назарий ва методологик масалаларига, социология, психология, педагогикани ўрганишга кўпроқ қизиқаётганликлари кўзга ташланмоқда.

Идеология ишида қайта қуриш бошланганидан буён етарлича вақт ўтди. Бироқ ҳалига қадар унинг форма ва методларини янги талаблар, ўзгарган вазиятга мувофиқ тубдан қайта қуришга эришилганича йўқ. Жумладан, тарбия масалалари билан шуғулланадиган партия ходимлари чиқишларига оид материалларни ўрганиш асосида қилинган ҳозирги шароитдаги ғоявий-тарбиявий ишни ташкил этиш тажрибасининг анализи шундан далолат беради. Идеология ишини ташкил этиш ва унинг натижаларини баҳолашда ҳали ҳам асосий эътибор кўпинча миқдорий кўрсаткичларга қаратилади. Кишиларни воқеликни билишнинг диалектик методидан фойдаланишга ўргатиш зарурлиги тўғрисида яна кўп гапириладию, аммо буни қандай қилиш кераклиги, бу у ёки бу партия ташкилотида конкрет қандай қилинаётгани кўрсатиб берилмайди. Бунинг ўрнига ҳали ҳам чақириқларга, ғоявий-тарбиявий ишнинг фойдаланиб келинаётган формаларини санаб ўтишга, аҳолини тарбиявий тадбирларга жалб этишга доир рақамларга дуч келиш мумкин.

Янги тенденциялар ҳам кўриниб турибди. Масалан, агар илгари идеология иши конкрет-тарихий воқеликдан ажралиб қолган бўлса, эндиликда у баъзан воқелик ичида кўринмай қоляпти, социал-иқтисодий, ташкилий, моддий-техникавий тадбирлар билан алмашинмоқда. Бунда марксизм-ленинизм классикларининг объектив шарт-шароитлар ҳар қанча муҳим бўлмасин, улар янги инсонни тарбиялаш, унинг дунёқарашини шакллантириш вазифаларини мустақил ҳал этмаслиги тўғрисидаги методологик кўрсатмаси баъзан унутиб қўйилмоқда.

Ишлаб чиқариш омиллари билан тарбиянинг идеологик омилларини қориштириб юбориш идеологик омилларнинг самарадорлигига баҳо беришда ҳам намоён бўлмоқда. Масалан, сиёсий ўқувнинг таъсирчанлиги тўғрисида гапирганда

социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажарган кишиларнинг сони тўғрисидаги рақамларни, план кўрсаткичларининг тўла ва ошириб бажарилганлигига доир процентларни далил қилиб келтиришади. Бундай ёндашувда одамларнинг меҳнат активлигини ўстиришга бошқа омиллар: моддий, социал ва ташкилий омиллар таъсири ҳисобга олинмайди. Модомики, коллектив юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришган экан, демак бу ерда ғоявий-тарбиявий иш ҳам яхши йўлга қўйилган ва аксинча. Ана шундай хулосага келинди. Бироқ ҳаётда ҳамма нарса анча мураккаб бўлиб, ҳамиша ҳам улар бир-бирига бевосита боғлиқ бўлавермайди.

Идеологик таъсир самарадорлигининг мезонлари тўғрисидаги масала ниҳоятда муҳим бўлса ҳам, аммо ҳали уни фан етарлича тадқиқ этмаган. Ахир марксизм-ленинизм классиклариёқ тарбиявий иш самарадорлигини аниқлашга ёндашувни ишлаб чиққан, одамларнинг конкрет ишлари ва хатти-ҳаракатларини асосий мезон деб уқтирган эдилар. КПСС ана шу фикрни ривожлантира бориб умуман идеология иши масалаларига доир бир қатор ҳужжатларда идеология иши, унинг амалга оширилиши натижасида меҳнаткашларнинг меҳнат ва ижтимоий-сиёсий соҳадаги ташаббуси ошганида, меҳнат коллективларидаги маънавий иқлим яхшиланганида, одам меҳнатда ва турмушда коммунистик ахлоқ принципларига амал қилганида ва у олган назарий билимлар эътиқодга айланиб, ҳаракат учун дастуруламал бўлиб қолганида самарадор бўлишлигини белгилаб берган.

Бироқ ана шу умумий мезонлар ғоявий таъсир ҳар бир воситасининг, ғоявий-тарбиявий иш у ёки бу формасининг ўзига хос хусусиятига татбиқан конкретлаштиришни талаб қилади. Турган гапки, сиёсий ўқув билан оммавий ахборот воситалари самарадорлигини белгилашга бир хилдаги ўлчовлар билан ёндашиб бўлмайди. Улар орасида тафовутлар жуда кўп бўлиб, бу тафовутларни уларнинг структураси, фаолият характери, пропагандистик таъсир методлари белгилайди. Шуни айтиш кифояки, сиёсий таълим системаси озми-кўпми йиғноқ ва, энг муҳими, тингловчиларнинг доимий группаси билан иш кўради, оммавий ахборот воситаларининг аудиторияси эса сон-саноқсиз кишилардан иборат бўлиб, устига-устак улар доимо ўзгариб туради. Натижада биринчи ҳолда билимларни тўлдириб бориш жараёнини кузатиш, ўқув қарашлар, тушунчалар, кайфиятларнинг ўзгаришига ёки аниқлаштирилишига таъсир қилган-қилмаганини, одамларнинг ижодий активлигига ёрдам берган-бермаганини билиб олиш мумкин. Иккинчи ҳолда эса буларни аниқлаш анча қийин бўлиб, ўқувчилар ва тингловчиларнинг хатларига қараб айрим материал ва эшиттиришларнинг қандай таъсир қилганлиги тўғрисида гапириш мумкин.

Бу айрим бир восита ишининг самарадорлигини ўрганиш проблемасини ҳал қилиб бўлмайди деган сўз эмас, балки самарадорликни ўрганишнинг универсал методикаси, мукаммал воситалари бўлиши мумкин эмаслигидан далолат беради, холос. Пропаганда ишининг айрим воситалари, формаларининг самарадорлигини, уларнинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, аниқлаш методикасини илмий асосда ишлаб чиқиш зарурлиги шу билан боғлиқдир.

Бугун ҳар томонлама камол топган шахсни тарбиялаш масалаларининг бутун комплексини олдинма-кетин эмас, балки бир вақтнинг ўзида ҳал этиш қатъий талаб этилади. Бироқ тарбия практикасида комплекс ёндашувдан самарали фойдаланишга идеология ходимлари бир қисмининг назарий тайёргарлиги бўшлиги халақит бермоқдаки, бу ҳол регион, район, меҳнат коллективи миқёсида идеология ишини планлаштиришда хатоларни келтириб чиқаради, коммунистик тарбиянинг турли хил воситалари ўзаро келишиб иш кўришига халақит берадиган асосланмаган қарорлар қабул қилинишига олиб келади. Амалда бу шуни англатадики, идеология иши самарадорлигини оширишнинг муҳим резервидан тўла фойдаланилмайди. Турли тарбиявий воситалар фаолиятини моҳирлик билан мувофиқлаштириш идеологик таъсир системасига тарбиявий жараённи анча оптималлаштирадиган янги яхлит сифат касб этиш имконини беради.

Ҳозирги шароитда идеология ишининг тушунчага оид аппаратини ишлаб чиқиш тадқиқотчилар олдида турган муҳим вазифадир. Маълумки, бугунги кунда «қайта қуриш», «жадаллаштириш», «жамиятнинг сифат жиҳатдан янги ҳолати», «янгича сиёсий ва иқтисодий тафаккур» ва бошқа тушунчалар идеология кадрлари

луғатига мустаҳкам сингиб кетди. Аммо, жойларда бу тушунчаларнинг моҳияти турлича талқин қилинмоқда. Баъзилар қайта қуришни ўтмишни тубдан ўзгартириш, кўр-кўрона инкор этиш деб, бошқалар эса эски шиорларни янги шиорлар билан сиртдан алмаштириш деб тушунадилар. Баъзи жойларда жадаллаштиришни вақтинчалик муваффақиятларга эришиш деб биладилар, янги техникани, технологияни жорий этиш юзасидан яримта-юримта тадбирларга, ишлаб чиқариш фондларидан тўлароқ фойдаланишга қайта қуриш ва жадаллаштириш соҳасидаги ишларнинг якуни деб қарайдилар. Бунда уларнинг пировард мақсади янги сифат кўрсаткичларига эришишдан кўра ҳамма соҳаларда янгича сифат вазифаларини ҳал этиш ва жамиятнинг сифат жиҳатдан янги ҳолатига эришиш эканлигини эътиборга олмайдилар. Буни ҳал этиш эса вақт ва кўп куч-ғайрат талаб қилади.

Шундай қилиб, идеология иши форма ва методларини қайта қуриш унинг структураси ичида юз бераётган жараёнларни идрок этишни, янги инсонни тарбиялашга янгича ёндашувларни очиб беришни, ғоявий таъсирнинг истиқболли форма ва методларини ҳамда уларнинг самарадорлиги даражасини белгилаш йўлларини излашни талаб қилади. Бошқача қилиб айтганда, идеология ишида қайта қуриш нима, у кадрлар олдига қандай янги вазифалар қўяди, уларни ҳал қилиш йўллари қандай? деган саволларга аниқ жавоб бериш лозим бўлади.

Шу муносабат билан, назаримизда, идеология ишининг бугунги кундаги аҳамиятининг моҳиятига, уни ташкил этишга тўғри ёндашишга эътиборни кучайтириш лозим. Сир эмаски, идеология иши соҳасига куч-ғайратни жамлашга, тарбия масалаларига эътиборни кучайтиришга, унинг таъсирчанлигини оширишга қуруқдан қуруқ чақириқлар ҳозир ҳам эшитилиб турибди. Бизнинг фикримизча, терминларни ўринсиз ишлатавериш мазкур соҳадаги қайта қуришнинг характерини айнан акс эттирмайди, бу ғоявий таъсирнинг анъанавий формаларидан фойдаланишга ёндашувларнинг ўзгаришидан иборатдир. Чунончи, кейинги йилларда пропагандистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда икки кунлик семинарлар сингари формадан кенг фойдаланилди. Бунда асосий эътибор семинар қатнашувчиларига ички ва халқаро ҳаётга доир воқеалар тўғрисида ахборот беришга қаратилди. Семинарлар программаси энг ўткир, долзарб масалалар юзасидан мунозаралар ташкил этишни амалда кўзда тутмаган эди. Натижада бундай тадбирлардан ўзининг асл моҳиятига кўра фойдаланилмади, бинобарин, улар ўзининг жонли фикр алмашувдан, турли қарашларни таққослашдан иборат муҳим ва таъсирчан формасининг дастлабки моҳиятидан маҳрум бўлиб қолди. Шу боисдан пропаганда ишининг турли формаларидан ижодий фойдаланиш — идеология фаолиятининг бутун системасини сифат жиҳатдан тубдан ўзгартириш йўлларидан бири эканини яна бир бор эслатиш ортиқча бўлмайди.

Ўзбекистон Компартияси МҚ III пленумида республикада диндорликнинг авж олганлиги тўғрисида алоҳида ташвиш билан гапирилди. Бу ҳолга олиб келган сабаблар орасида атеистик пропагандага эътиборнинг сусайганлиги, кўнгилчанлик, динга йўл қўйиб қўйилганлиги ва бемаъни ишларни дин билан ниқоблаш тилга олинди. Пленум атеистик тарбияни янги сифат даражасига кўтариш вазифасини қўйди. Бу диннинг жонланиш сабабларини ҳар тарафлама чуқур тадқиқ қилишни, диндорликни бартараф этишнинг самарали йўлларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Кўпгина социал масалаларнинг ҳал этилмагани, социал адолат принципларининг бузилиши, идеология иши реал ҳаётдан ажралиб қолганлиги натижасида пайдо бўлган маънавий бўшлиқ ҳам диний кайфиятларнинг фаоллашувига асос бўлди. Шундай бир ярамас услуб, яъни одамларга ғамхўрлик тўғрисида баландпарвоз гаплар айтиб, амалда бунга амал қилмаслик; ҳар бир конкрет инсон тўғрисида ўйлашни унутиб, «оммага» мурожаат қилиш; жонли, самимий суҳбатлашиш ўрнига баланддан келиб панд-насиҳат қилиш, кескин саволларга жавоб бериш ўрнига бажарилишига ҳеч ким ишонмаган қуруқ ваъдалар бериш катта зарар келтирди. МҚ III пленуми қўйган вазифаларни ҳал этиш нафақат атеистик мавзулардаги лекция ва суҳбатларнинг сифатини оширишни, шу билан бирга бутун идеология иши услубини тубдан ўзгартиришни, кишиларнинг турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган социал-иқтисодий тадбирларни амалга оширишни ҳам талаб қилади.

Идеология ишининг қайси бир жиҳатини: назарий ёки пропаганда ишини, ғоявий таъсир воситалари фаолияти ёки ташкилий масалаларни олмайлик, ҳамма ерда ишнинг муваффақияти одамларга, уларнинг билими, ўқуви, маҳорати, тажрибаси, ташаббускорлиги, галдаги вазифаларнинг амалга ошишига комил ишончига боғлиқ. Шу боисдан идеология кадрларини танлаш системасига ҳаёт қўяётган талаблар тўғрисида гапириш ўринлидир.

Амалдаги ҳозирги система тубдан қайта қуришни талаб қилади. Биринчи навбатда давлат миқёсида профессионал идеология ходимларини принципиал янги асосда тайёрлашни йўлга қўйиш зарур, чунки ҳозир ишлаб турган идеология соҳаси кадрларини тайёрлайдиган ва қайта тайёрлайдиган турли-туман курслар бу вазифани бажаришга қодир эмас.

Назаримизда, алоҳида ишлаб чиқилган программа бўйича идеология ходимларининг тўрт йиллик махсус факультетларини ташкил этиш вақти келди. Бу факультетларга назарий жиҳатдан пишиқ, одамлар билан ишлаш кўникмалари ва қобилиятига эга бўлган партия ходимлари юборилиши керак. Идеология ходимларининг штатдаги лавозимларга уларнинг анкетадаги маълумотларига қараб конкурс йўли билан танлашдан воз кечиш вақти келди, бунда омма билан тил топиш, уни ўз кетидан эргаштира олиш қобилияти эмас, балки «қулай» социал-демографик кўрсаткичлар асос қилиб олинади.

Пропагандистлар, лекторлар, сиёсий докладчиларни тайёрлаш практикасини ҳам қайта қуриш лозим бўлар чоғи. Ана шу ижтимоий лавозимга тайинлашда асосий нарса — одамнинг бу иш билан шуғулланишга хоҳиши ҳамиша ҳам ҳисобга олинавермайди. Танлашда бу ишга тайинланаётган кишининг олий маълумоти борлиги асосий мезон қилиб олинади. Ишга бундай юзаки ёндашув машғулотларни ўтказишда расмиятчиликни туғдиради. Сиёсий ўқув ва иқтисодий таълим системасини қайта қуриш юзасидан ҳозир партия кўраётган тадбирлар пропагандист кадрларни танлаш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тубдан такомиллаштирилгандагина зарур наф келтиради. КПСС МКнинг «Меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқуви системасини қайта қуришнинг асосий йўналишлари» лойиҳасида бу ҳақда янги куч билан таъкидланади.

Мамлакат кечираётган давр партиявий ҳужжатларда бурилиш даври деб таърифланди. XXVII съездда партия қўйган вазифаларни ҳал этиш жамиятимизнинг социал тараққиёт йўлидан олға сари жадал ҳаракат қилишининг дадил бунёдкорона программасини барча совет кишилари чуқур ўзлаштириб олишларига боғлиқдир. Бунинг учун партиянинг новаторлик ғоялари миллион-миллион кишиларнинг амалий ишига айлантирилиши керак. Бу партия ташкилотлари идеология ишининг жуда масъулиятли вазифасидир. Буни тезроқ рўёбга чиқариш кўп жиҳатдан партиянинг бутун ғоявий-тарбиявий фаолиятини қайта қуриш суръатларига боғлиқдир.

ЎЗБЕКИСТОНДА КОЛХОЗ ТУЗУМИНИНГ ҒАЛАБАСИ

С. ҒИЁСОВ

БУНДАН 70 ЙИЛ муқаддам Россия ишчилар синфи инсоният тарихида биринчи бор барча меҳнаткашларни ўз теварагига бирлаштириб, капитализмдан социализмга ўтиш даврининг ғоят мураккаб вазифаларини ҳал этишга киришган пайтда ўзбек қишлоғида ҳали патриархал-феодал муносабатлар ва мустамлака ўтмишининг мероси ҳукмрон эди. Туркистон Россиянинг қолоқ чекка ўлкаларидан бири бўлиб аҳолисининг асосий қисми феодалларга қарам бўлган деҳқонлардан иборат эди ва В. И. Ленин кўрсатганидек, бу ерда «капиталга қарши кураш вазифасини эмас, балки ўрта асрчилик қолдиқларига қарши кураш вазифасини ҳал қилиш керак» эди (Тўла асарлар тўплами, 39-том, 380-бет).

Ўлка территориясида тайёрланадиган маҳсулотнинг деярли 90 проценти қишлоқ хўжалиги улушига тўғри келар ва у ўрта аср иш қуроллари ёрдамида фақат экстенсив усулда олиб бориларди. Етакчи тармоқ — пахтачилик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши умумий ҳажмининг 40 процентини берарди. 1913 йилда гектар бошига ўрта ҳисобда салкам 12 центнердан ҳосил олиниб, ҳозирги Ўзбекистон территориясида 517,2 минг тонна пахта етиштирилган эди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин бошланган янги жамият қурилиши ўлка қишлоқ хўжалигида туб ўзгаришлар қилишни талаб этди. Бу ўзгаришларни «Ер ҳақида»ги Ленин декрети асосида амалга ошириб, партия ва совет органлари доҳийнинг Россиянинг қолоқ миллий регионларида унинг ривожланган марказий областларига нисбатан «анча секинлик, анча эҳтиётлик ва анча изчиллик билан социализмга ўтиш» (ТАТ, 43-том, 225-бет) зарурлиги ҳақидаги кўрсатмаларига амал қилдилар.

Аввало ер муносабатларида феодал-мустамлака ўтмиш сарқитлари тугатилди. 1921—1922 йилларда ўтказилган биринчи ер-сув ислоҳоти ердан фойдаланишдаги мустамлакачилик сарқитларини янада кўпроқ тугатишга ва камбағал деҳқонлар аҳволини анча яхшилашга ёрдам берди. 1924 йилда ташкил этилган Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалигида революцион ўзгаришлар қилишнинг навбатдаги босқичи — ердан фойдаланишнинг феодал усули қолдиқларига қарши қаратилган 1925—1929 йиллардаги ер-сув ислоҳоти бўлди.

Қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш навбатдаги фавқулодда муҳим вазифа бўлдики, бусиз республикани социализм сари олиб бориш мумкин эмас эди. В. И. Ленин меҳнаткаш деҳқонларнинг ишлаб чиқариш кооперацияси зарурлигини асослаб айтган эдики, «майда хўжалик билан муҳтожликдан чиқиб бўлмайди» (ТАТ, 39-том, 363-бет), «агар биз, гарчи эркин ердаги эркин гражданлар бўлсакда, эскича майда хўжаликларда ўтира берсак, барибир, муқаррар равишда ҳалокат хавфи остида қолаверамиз...» (ТАТ, 32-том, 211-бет).

Мазкур ер-сув ислоҳотлари натижасида Лениннинг кооператив плани ҳамда ВКП(б) XV съезди қарорлари асосида республика қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш учун шарт-шароитлар тайёрланди. Съезд ҳужжатларида ва партия Марказий Комитетининг шу масалага бағишланган қарорларида мамлакатнинг турли районлари учун коллективлаштириш суръатлари уларнинг тайёргарлик

даражасига қараб белгиланди. Ўрта Осиёдаги бошқа республикалар сингари Ўзбекистон ҳам коллективлаштириш асосан 1933 йилда тугалланиши керак бўлган регионлар группасига киритилди.

Янги жамият қуриш соҳасидаги Ленин партияси раҳбарлигида ўтказилган бошқа тадбирларда бўлганидек қишлоқни социалистик асосда ўзгартиришга ҳам Совет давлати, унинг республика ва маҳаллий органлари жуда катта ҳисса қўшдилар. Меҳнаткашларнинг революцион ижодиёти туфайли вужудга келган Советлар социалистик қурилишнинг бу участкасида ҳам, КПСС МКнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида қайд қилинганидек, ўзининг ҳаётийлигини, тўла халқ ҳокимиятини амалга ошириш, оммани бирлаштириш ва сафарбар этишда улкан имкониятларга эга эканлигини исботлаб берди.

Меҳнаткаш деҳқонларни кооперативлаштириш дастлабки беш йиллик мобайнида кенг авж олди. Ўзбекистон Компартияси МК, Ўзбекистон ССР МИК ва Халқ Комиссарлари Совети, республиканинг маҳаллий партия ва совет органлари ВКП(б) Марказий Комитетига, Совет ҳукуматига, Россия ишчилар синфига таяниб, қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришга тайёргарлик ва уни амалга ошириш соҳасида жуда катта ташкилотчилик ва сиёсий ишларни ўтказдилар. Маълумки, бу жараёнлар ўлкада кескин синфий кураш вазиятида ўтди. Мамлакатнинг бошқа регионларида бўлганидек республиканинг айрим областларида колхоз қурилишида турли оғишларга йўл қўйилди. Аммо қийинчиликлар ва хатолар мувафақиятли бартараф этилди ва биринчи беш йилликнинг охирига келиб (1928 йилдан 1932 йилгача) Ўзбекистонда колхозлар сони 9428 деҳқон хўжалигини бирлаштирувчи 675 тадан 662 473 деҳқон хўжалигини бирлаштирувчи 9195 тага етди, республика қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида колхозлар салмоғи 1,1 процентдан 71,9 процентга етди.

Айни вақтда республика районлари бўйича коллективлаштириш даражаси баравар эмас эди — олисдаги, асосан тоғ этакларидаги районлар ишлаб чиқариш кооперациясига камроқ жалб қилинган эди. Биринчи беш йиллик давомида тузилган колхозлар майда эди. 1933 йилда уларнинг ҳар бирига ўрта ҳисобда 67 хонадон ва 166 гектар экин майдони тўғри келарди. Колхозларда пухта тайёрланган раҳбар кадрлар, мутахассислар, механизаторлар етишмасди. Меҳнатни ташкил қилиш ва ҳисобга олиш, даромадларни тақсимлаш формалари колхоз тузумини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш манфаатларига мувофиқ келмас эди.

Ўзбекистон К(б)П МК, республика Марказий Ижроия Комитети, маҳаллий партия ва совет органлари ҳужжатларининг таҳлили шуни кўрсатадики, у пайтда ҳали коллектив хўжаликларнинг ягона формаси ташкил топмаган эди. Айниқса пахтачилик районларида кўпчиликни ташкил қилувчи қишлоқ хўжалик артели билан бир қаторда ТОЗлар (ерни биргалашиб ишлаш ширкатлари) ҳали сақланиб қолган эди. Бинобарин, шундан кейинги йилларда республиканинг партия ва совет органларига қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришни янада авж олдириш билан биргаликда бу ишда йўл қўйилган камчиликлар ва хатоларни аниқлашга ва бартараф этишга тўғри келди. Чунки, Ленин ибораси билан айтганда, «бизга халқ хўжалигини йўлга солишга тўғри келади, бинобарин, бу буюк иш шунинг учун ҳам оғирки, бизнинг революциямиз социал ўзгариш йўлидан биринчи бўлиб жуда илгарилаб кетди» (ТАТ, 36-том, 244-бет).

ССР Иттифоқи МИК 1932 йилда Ўзбекистон ССР МИК Президиумининг колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлаш ва Советларнинг оммавий иши тўғрисидаги докладини тинглаб ва муҳокама қилиб, республикада хўжалик-сиёсий кампанияларга ва колхоз қурилишига раҳбарлик Советларнинг марказий вазифаси қилиб қўйилмаганини кўрсатди. Ўшандаёқ Ўзбекистон ССР МИК ва маҳаллий Советларининг қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришни ниҳоясига етказишга раҳбарликни тубдан қайта қуриш ҳамда колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлаш соҳасидаги конкрет вазифалари белгилаб берилган эди. Бу вазифалар қандай бажарилаётганлиги Ўзбекистон Компартияси ва Советларининг съездларида, партия комитетлари ва Советлар ижроия комитетларининг мажлисларида мунтазам равишда муҳокама қилиб турилди. Ўзбекистон К(б)П МК ва республика МИК вакиллари жойларда деҳқонлар оммасини кооперациялашни тугаллашга қаратилган партия ва Совет

давлати йўлини ўтказишда, колхоз партия ташкилотлари, секциялари ва қишлоқ Советларининг депутатлар группалари фаолиятини активлаштиришда амалий ёрдам кўрсатдилар.

Биринчи беш йиллик даврида деҳқон хўжаликларини кооперативлаштиришнинг юксак даражасига эришилгани муносабати билан Ўзбекистонда бу тадбирнинг бундан буёнги жараёни сустроқ суръатларда олиб борилди ва урушдан олдинги беш йилликларда асосан колхозларга уларга яқин жойдаги якка деҳқон хўжаликларини жалб қилиш ва ТОЗларни қишлоқ хўжалик артелларига айлантириш ҳисобига содир бўлди. Коллективлаштиришни тугаллаш билан бир қаторда колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлаш вазифаси тобора кўпроқ биринчи ўринга қўйила бошлади. ВКП(б) МК ва Совет ҳукуматининг тобора ортиб бораётган ёрдамига таяниб, республика маҳаллий Советлари партия органлари раҳбарлигида колхозларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларнинг раҳбар кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, меҳнат интизомини яхшилаш, меҳнатни ташкил этишни ва унга ҳақ тўлаш системасини йўлга қўйиш ва такомиллаштириш масалалари билан изчил шуғулландилар.

Умуман мамлакатда бўлганидек Ўзбекистонда ҳам қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш урушдан олдинги беш йилликларда тугалланди. 1940 йилда кооперациялашган хўжаликлар республикадаги барча хўжаликларнинг 99,8 процентини ташкил қилди ва Ўзбекистон К(б)П IX съезди (1940 йил март) «Ўзбекистон ССРда якка деҳқон хўжалиги қолмади» деган хулоса чиқарди. Ўша пайтда республикада 793 минг деҳқон хонадонини бирлаштирувчи 7514 колхоз ва 81 совхоз бор эди.

Ўша пайтга келиб Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси ҳам тубдан ўзгарди. У двигателларининг жами қуввати 0,6 миллион от кучига тенг бўлган 23 минг трактор, 0,2 минг пахта териш машинаси, 1,6 минг ғалла ўриш комбайни билан қуролланган эди. Республикамиз қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш суръатлари умумиттифоқ суръатларидан юқорироқ бўлди. Натижада 1937 йилда, масалан, умуман СССРда ҳар 100 гектар экин майдонига 18,3 от кучига тенг энергия қуввати тўғри келган бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 29,1ни ташкил қилди ёки бир ярим баравардан кўпроқ ортиқ бўлди. Мамлакатимиз халқларининг тарихан таркиб топган амалдаги тенгсизлигини тугатиш юзасидан В. И. Ленин, Коммунистик партия қўйган вазифа шу тарика бажарилди.

Колхозларни мустаҳкамлашнинг меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашни такомиллаштириш сингари муҳим йўналишларида Ўзбекистон ССР МИҚ ва республика маҳаллий Советларининг бевосита иштирокида муҳим натижаларга эришилди. Барча хўжаликларда ишлаб чиқариш бригадалари ва звенолари тузилди. Ўзбекистон ССР МИҚ Раиси Й. Охунбобоев колхозларда асосий ишлар ишбай асосида бажарилиши керак, деб доимо таъкидлар эди, чунки шундай қилинса «меҳнатга ҳақ тўлашда эгасизликка ва текисчиликка тамомила барҳам берилган бўлур эди». Ишбай усули ва меҳнат куни кенг тарқалган сари меҳнат унумдорлиги муттасил ўсиб борди, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш кўпайди, колхозчи деҳқонлар фаровонлиги ошди.

Ленинча кооператив планининг амалга оширилиши натижасида ишчилар синфи ҳокимиятни қўлга олганидан кейинги энг мураккаб вазифа — миллионларча майда мулк эгаси бўлган деҳқон хўжаликларини социализм йўлига ўтказиш вазифаси ҳал этилди. Ўзбекистонда бу вазифани ҳал этишнинг характерли хусусиятларидан бири шу бўлдики, тузилаётган колхозлар аввал бошданоқ асосан пахтачилик йўналишига эга бўлдилар. Маълумки, СССРнинг пахта мустақиллигига эришишида Ўзбекистон ССР ҳал қилувчи роль ўйнади — урушдан олдинги беш йилликлар охирида республикада пахта етиштириш 1,5 миллион тоннадан ошди, бу эса 1913 йилги даражадан уч баравар ортиқ эди.

Улуғ Ватан уруши бутун совет жамияти сингари колхозчи деҳқонлар учун ҳам оғир синов бўлди. Бу синовдан шараф билан ўтилди — Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари қишлоқ хўжалик техникаси ва иш кучи анча камайган шароитда уруш йилларида мамлакатга 4,8 миллион тонна пахта, 54 минг тоннадан ортиқ пилла, 1,3 миллион тоннага яқин ғалла, юз минглаб тонна картошка, мева, гўшт, деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини етказиб бердилар.

КПССнинг ҳозирги босқичдаги ленинча аграр сиёсатини амалга ошира бориб, Ўзбекистон совет ва хўжалик органлари республика қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлигини янада оширишнинг асоси бўлган унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришга катта эътибор бермоқдалар. Қишлоқ хўжалигига сарфланаётган капитал маблағнинг ошиб бораётганлиги шундан яққол далолат беради. Ўн биринчи беш йилликнинг ўзида унга 15 миллиард сўм сарфланди. Қиёслаш учун шуни эслатиш мумкинки, республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга биринчи беш йилликда 121 миллион сўм, иккинчи беш йилликда 174, тўртинчи беш йилликда 448, бешинчи беш йилликда 823 миллион, олтинчи беш йилликда 1 миллиард 515 миллион, тўққизинчи беш йилликда 8 миллиард 718 миллион сўм сарфланган эди.

Капитал маблағ сарфлашнинг шундай мутассил ўсиб бориши сув хўжалиги қурилишини кенг авж олдириш, қишлоқ хўжалигини изчиллик билан комплекс механизациялаш ва химиялаштириш имконини берди. Унинг техника билан таъминланиши хусусида батафсилроқ тўхталиб ўтамиз. 1940 йилдан 1985 йилгача Ўзбекистонда тракторлар сони 23 мингдан 196,7 мингга (8,5 баравар), пахта териш машиналари — 0,2 мингдан 40,2 мингга (200 баравар), ғалла ўриш комбайнлари — 1,6 мингдан 11,7 мингга (7 баравар) етди. 1970 йилдан 1985 йилгача республика қишлоқ хўжалигидаги бир ходим ҳисобига меҳнатни энергия билан таъминлаш 7,8 от кучидан 13,2 от кучига етди ёки қарийб икки баравар ошди, ҳар 100 гектар экин майдони ҳисобига эса 318 дан 702 от кучига етди.

Аграр сектор моддий-техника базасининг мустаҳкамланиши, экин майдонларининг кенгайиши (1940 йилдаги 3 миллион 36,5 минг гектардан 1985 йилда 4 миллион 45,5 минг гектарга етди ёки 25 процентдан зиёд кенгайди), экинлар ҳосилдорлигининг ўсиши билан бир қаторда шу даврда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш: ғалла 2,5 баравардан зиёдроқ, пахта деярли тўрт баравар, сабзавот 8 баравар, гўшт 4,5 баравар, сут етиштириш 5,5 баравар ортди.

Аграр секторда ижтимоий ишлаб чиқариш ўсиши билан бирга қишлоқ меҳнаткашларининг моддий фаровонлиги ошди. Кейинги 20 йил ичида республикамиз колхозчиларининг ўртача ойлик иш ҳақи 70,4 сўмдан 134 сўмга етди ва ҳозир индустриал ишчи иш ҳақи ўртача даражасининг 80 процентга яқинини ташкил қилади (1960 йилда бу кўрсаткич фақат 42,3 процентни ташкил қиларди). 60-йилларнинг ўрталаридан колхозчиларга пенсия ва социал таъминот жорий этилгани уларнинг моддий аҳволини яхшилаш учун катта аҳамиятга эга бўлди. Ўша пайтдан бери ўтган давр ичида республикада пенсионер колхозчилар сони 391 мингдан 727 мингга етди.

XII беш йилликда колхозчи деҳқонлар моддий даражасини янада ошириш кўзда тутилади. Колхозчиларнинг ойлик иш ҳақи 18—20 процент ортади. КПСС XXVII съездида қабул қилинган СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларига биноан пенсия таъминоти системаси ҳам такомиллаштирилиб, пенсияларнинг минимал миқдори оширилади, колхозчилар, ишчилар ва хизматчилар социал таъминоти шароитлари ва даражаси аста-секин бир-бирига яқинлаштириб борилади.

Қишлоқларда уй-жой поблемасини ҳал этишда муҳим натижаларга эришилди — Ўзбекисонда кейинги беш йилликларнинг ҳар бирида 15 миллион квадрат метрга яқин уй-жой қурилди. Қишлоқлар изчиллик билан газлаштирилмоқда: 1965 йилда республикада 244 аҳоли пункти газ билан таъминланган бўлса, 1985 йилда бундай пунктлар сони 3100га етди, шу даврда газлаштирилган квартиралар сони 396,1 мингдан 1 миллион 314,3 мингга етди. 1985 йилда қишлоқ жойларда уй-жой фондини газлаштириш даражаси 75,9 процентни ташкил қилди. Қишлоқларни газлаштириш проблемаси умуман ҳал этилди. Қишлоқ меҳнаткашларига маиший, савдо ва медицина хизмати кўрсатишни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

70 йил ичида ўзбек қишлоғининг маданий ҳаётида ғоят катта ижобий ўзгаришлар рўй берди. Бутун мамлакатда бўлганидек бу ерда ҳам умумий ўрта таълимга ўтилди. Умумий таълим мактаблари ва қишлоқ ҳунар-техника билим юртларининг сони ортиб бормоқда. Қишлоқ ҳунар-техника билим юртларининг сони республикада 350 дан кўпдир. Умумий таълим ва ҳунар мактаблари

ислоҳотига мувофиқ барча ҳунар-техника билим юртлари, шу жумладан қишлоқлардагиси ҳам 1984 йил сентябридан бошлаб ягона типдаги ўрта ҳунар-техника билим юртларига айлантирилиб, уларда касблар бўйича тегишли бўлимлар ташкил қилинди ва ўқув муддати кирувчиларнинг билим даражасига қараб белгиланди. Қарийб 45 миллион нусха китоб ва журналга эга бўлган 6206 оммавий кутубхона, 3600 га яқин клуб муассасаси, 4700 киноустановка ва ҳоказолар Ўзбекистон қишлоқ аҳолиси маънавий талабларига хизмат қилаётир.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Совет ҳокимияти йилларида республика В. И. Ленин социалистик қурилишнинг туб вазифаларидан бири сифатида таърифлаган шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутларни бартараф этишда анчагина олға қадам ташлади. Аммо бу масалани тўла-тўкис ҳал этиш учун ҳали кўп иш қилиш керак. Бу соҳадаги кўпгина проблемалар тўғрисида Ўзбекистон Компартияси МҚ XVI пленумида (1984 йил июнь), республика партия ташкилотининг XXI съездида, унинг МҚ кейинги пленумларида кескин гапирилди. Қишлоқ аҳолисининг каттагина қисми ноoбод ва инженерлик коммуникациялари билан таъминланмаган пахса уйларда яшайди. Кўплаб аҳоли пунктларида медицина-маориф муассасалари, водопровод ва канализация йўқ. Қишлоқ турмушини ташкил этиш жиддий масала бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Компартияси ҳужжатларида айтилганидек, социал-турмуш соҳасини аста-секин яхшилаш эмас, қатъий қайта қуриш зарур, бунинг учун барча кучларни, барча имкониятларни бирлаштириш керак.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда республика эришган ютуқлар яққол кўриниб турибди. Аммо унинг ялпи маҳсулоти ўсишининг суръатлари 70-йилларда ва 80-йилларнинг бошларида кескин пасайиб кетмаганида бу ютуқлар янада кўпроқ бўлиши мумкин эди. Суръатнинг пасайишига Ўзбекистон Компартияси МҚ XVI пленумида (1984 йил июнь), республика Компартиясининг XXI съездида ва МҚ кейинги пленумларида принципиал баҳоланган маълум салбий ҳодисалар сабаб бўлди. Республикада ўн биринчи беш йилликда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш якунлари қониқарсиз деб топилди. Давлатга пахта, дон, гўшт, сут, тухум сотиш топшириқлари бажарилмади, мўлжалдагидан 1,3 миллиард сўмлик кам маҳсулот берилди. Ишлаб чиқариш фондларининг бир сўми ҳисобига маҳсулот олиш, суғориладиған гектар самарадорлиги камайди.

Ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабки йилини ҳам Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги учун муваффақиятли деб бўлмайди. Айрим маҳсулот турларини харид қилиш бир оз кўпайганига қарамай, давлатга пахта, ғалла, полиз экинлари, мева ва резавор топшириш планлари бажарилмай қолди. Ўтган йили колхоз ва совхозларнинг 60 процентга яқини пахта, ярми — ғалла ва гўшт, учдан бир қисми — сут тайёрлаш планларини бажаришда орқада қолди.

Кейинги йилларда пахтачиликдаги энг сермеҳнат жараён — ҳосил теримини механизациялаш соҳасидаги аҳвол кескин ёмонлашди. Масалан, ўнинчи беш йилликнинг охирги йилида етиштирилган ҳосилнинг 63 проценти машиналарда териб олинган бўлса, 1985 йилда фақат 40 проценти терилди. Бу кўрсаткич колхозларда айниқса паст — 31 процент бўлди (совхозларда — 52 процент).

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон колхозчилари ва совхоз ходимлари ўтмишдан тегишли сабоқ чиқариб олиб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш учун, юбилей йили планлари ва социалистик мажбуриятларини сўзсиз бажариш учун дала ва фермаларда фидокорона кураш олиб бормоқдалар. КПСС МКнинг 1987 йил июнь Пленуми қарорларини амалга ошириш юзасидан катта ишлар қилиш керак бўлади.

Республика колхозчи деҳқонларининг меҳнат ва турмуш шароитларини янада яхшилаш ишида қийинчиликлар ва тўла ҳал этилмаган проблемалар ҳали анча. Аммо улар Совет ҳокимияти йилларида қишлоқларда рўй берган жуда катта, чинакам революцион ўзгаришларни панада қолдиролмайди. Улуғ Октябрь социалистик революцияси миллионларча меҳнаткаш деҳқонларга ишлаб чиқариш кооперацияси орқали озодлик ва фаровонлик йўлини очиб, бу ўзгаришлар учун шарт-шароит яратиб берди. Ўзбекистонда колхоз тузумининг қарор топиши, мустаҳкамланиши ва равнақи — КПСС ленинча аграр сиёсати изчиллик билан амалга оширилаётганлигининг яққол далилидир.

АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

Қ. ХАСАНЖОНОВ,
иктисод фанлари доктори

А. ҚОДИРОВ,
иктисод фанлари доктори

СССР ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИ партиянинг ҳозирги босқичдаги иқтисодий стратегиясининг қонуний равишда муҳим таркибий қисми бўлиб, уни амалга ошириш жуда катта хўжалик ва сиёсий аҳамиятга эга. Шу муносабат билан мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида яратилган потенциалдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, агросаноат комплексини ривожлантиришга юборилаётган ресурслар унумини кўпайтириш масалаларига биринчи даражали эътибор берилмоқда.

КПСС МК 1987 йил январь Пленумида таъкидлаб ўтилганидек, кейинги йилларда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бирмунча яхшиланди. Лекин бу лозимича бўлишидан ҳали анча узоқ. Белгиланган марраларни эгаллаш учун ҳали жуда кўп меҳнат қилиш керак бўлади, бу ишга Ўзбекистон АСҚ (агросаноат комплекси) меҳнатчилари муносиб ҳисса қўшишлари керак.

Агросаноат ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва концентрациялашни яхшилаш соҳасида республикада муайян ишлар қилинди. Ўн биринчи беш йилликда ихтисослаштирилган колхозлар сони 0,8 процент, совхозлар —22,1 процент, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирадиган хўжаликлараро ташкилотлар 44 процент кўпайди. Шу давр ичида пахтачилик совхозлари 12,8 процент, мева-узумчилик, мева-сабзавотчилик ва картошкачилик совхозлари —35,5 процент кўпайди. Сут ва гўшт-сут совхозлари эса 13 процент, паррандачилик совхозлари —85,2 процент (совхоз ишлаб чиқаришини концентрациялаш ва йириклаштириш ҳисобига) камайиб кетди.

Республикамиз колхоз ва совхозлари, хўжаликлараро қишлоқ хўжалик ҳамда қайта ишловчи корхоналар аҳоли учун озиқ-овқат ва саноат учун хом ашё ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш учун барча имкониятларга эга. Уларнинг асосий қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш фондлари билан таъминланганлиги шундай хулоса чиқаришга имкон беради, бу фондлар ўн биринчи беш йилликда 38 процент кўпайиб, 1986 йилда 18,2 миллиард сўмга етди. Бир ходимга ҳисоблаганда меҳнатнинг фонд билан таъминланиши 8,2 минг сўмни ташкил этди (беш йиллик давомида 30 процент ошди), 100 гектар қишлоқ хўжалик ерлари ҳисобига фонд билан таъминланганлик 69,6 минг сўмни ташкил этди (41 процентга кўпайди). Хўжаликларнинг машина-трактор парки мустаҳкамланди. Ўн биринчи беш йиллик давомида уни 31,6 минг трактор, тахминан 3 минг пахта териш машиналари ва ғалла ўрадиган комбайнлар тўлдирди. Бинобарин, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун имкониятлар мавжуд. Фақат улардан ишнинг кўзини билиб фойдаланиш зарур. КПСС МКнинг яқинда қабул қилинган «Ўзбекистон ССР, Тожикистон ССР ва Туркманистон ССРда агросаноат комплексининг табиий-иқтисодий потенциалидан қониқарсиз фойдаланилаётганлиги тўғрисида»ги қарорида ҳам шу нарса уқтирилди.

Қишлоқ хўжалигини саноат ва бошқа бир-бирига яқин соҳалар билан бирлаштириш социализмда моддий ишлаб чиқариш умумий қонуниятларидан бири бўлиб — у социалистик жамият ишлаб чиқарувчи кучларининг ўсишини таъминлайди. В. И. Ленин кўрсатиб ўтганидек, социализмнинг вазифаларидан бири — «саноат билан деҳқончиликни яқинлаштириш ва бирлаштиришдир» (Тўла асарлар тўплами, 42-том, 18-бет).

Агросаноат интеграцияси — бу узоқ ва мураккаб жараён бўлиб, у қишлоқ хўжалигининг кўп тармоқлар билан кенг алоқасини ўз ичига олади. Ана шу алоқаларнинг ривожланиши натижасида умуман АСКни такомиллаштириш юз беряптики, бу ўз навбатида мамлакатимиз экономикасининг ягона халқ хўжалик комплекси сифатида мустаҳкамланишига ёрдам беради. Буни ҳисобга олмай туриб АСК амал қилишининг моҳияти ва ўзига хос хусусиятларини тўла очиб бўлмайди.

Ижтимоий меҳнат тақсимоти тўғрисидаги марксча-ленинча таълимот хўжаликлараро кооперациялаш ва агросаноат интеграциясини тадқиқ этишнинг дастлабки методологик асосидир. Масалан, К. Маркс билан Ф. Энгельс «миллатнинг ишлаб чиқарувчи кучлари қай даражада тараққий этганлиги бу миллатда меҳнат тақсимоти қанчалик ривожланганлигида ҳаммадан аниқ кўринади» деб ҳисоблаган эдилар (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч томлик танланган асарлар, 1-том, «Ўзбекистон», 9-бет). К. Маркснинг «Капитал» асарида ижтимоий меҳнат тақсимоти қонуниятлари чуқур анализ қилинган, унда ишлаб чиқариш воситаларида ва биринчи навбатда меҳнат қуролларида юз берган ўзгаришлар унинг моддий асосини ташкил этишлиги кўрсатиб берилган.

Ишлаб чиқарувчи кучлар ривожининг қонунияти ҳисобланмиш ижтимоий меҳнат тақсимоти ишлаб чиқариш ва меҳнат фаолияти натижаларини алмашиниш юзасидан одамлар ўртасида муносабат ўрнатишга олиб келади. Бу муносабатлар кооперацияни ривожлантириш воситасида амалга оширилади. Меҳнат тақсимотини умуман кооперациясиз тасаввур этиб бўлмайди — ишлаб чиқариш соҳасида меҳнат тақсимотини чуқурлаштириш йўлидаги ҳар бир қадамга уни кооперациялаш соҳасидаги қадам мувофиқ келади. Қишлоқ хўжалигига келганда, унда меҳнат тақсимоти анча секин ва ўзига хос формаларда юз беради, лекин бошқа тармоқларда бўлгани каби, бу уни умумлаштириш даражасини оширишга, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялашга олиб келади.

Практика шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни концентрациялаш ва ихтисослаштириш жараёни асосан икки йўналишда ривожланмоқда. Улардан бири ишлаб чиқаришнинг кўп томонлилигини қисқартириш (ишлаб чиқариш структурасида туб ўзгаришларсиз хўжаликда тармоқлар миқдори қисқаради), иккинчиси структурадаги сифат ўзгаришлари (хўжаликда устун тармоқни алоҳида ажратиш ва ривожлантириш) билан боғлиқдир.

Шу нарса аниқки, бир хил маҳсулот ишлаб чиқаришни концентрация қиладиган тор ихтисослашган корхоналар барча ўша компонентлар ташқаридан келиб турган тақдирдагина муваффақиятли ривожланиши мумкин, бу компонентлар кўп тармоқли хўжалик шароитида ягона агроишлаб чиқариш организми доирасида яратилади. Биргина шу ҳолатнинг ўзи маълум бир босқичда стабил алоқаларга эга бўлган хўжаликлараро кооперацияга эҳтиёж туғдирадики, бу алоқалар одатдаги бозорлар ёки маъмурий органлар тартибга солиб турадиган алоқалар доирасидан чиқади.

Хўжаликлараро кооперация ва агросаноат интеграциясини ривожлантиришга эҳтиёжни туғдирадиган бошқа бир сабаб шундан иборатки, ихтисослаштириш ва концентрациялашдан мақсад — оптимал ишлаб чиқариш бирлигини яратишдир. Хўжалик ҳисоби шароитида, афтидан, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялашнинг шундай даражасини оптимал деб эътироф этиш керакки, бунда уни янада ошириш ишлаб чиқариш чиқимларининг камайишини таъминламайди. Бу даражанинг чегараси умуман қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ саноат тармоқлари ишлаб чиқарувчи кучлари ривожининг даражаси билан белгиланади. Моддий, меҳнат ва ер ресурсларига эҳтиёж нуқтаи назаридан оптимал ишлаб чиқариш бирлиги параметрлари айрим хўжаликлар, корхоналар имкониятларидан ортиқ бўладики, бу ҳам интеграцион алоқаларни ўрнатишни талаб этади.

Хўжаликлараро кооперация ва агросаноат интеграциясининг ривожланиши АСК барча структура бўғинларида ишлаб чиқаришнинг индустриал методларини ва саноат технологиясини бевосита ёйишдир. Машинали техникадан кенг фойдаланиш албатта ишлаб чиқарувчилар орасидаги кооперация алоқаларининг кучайишига олиб келади. К. Маркс ҳисоблаганидек, «машиналар... баъзи бир истиснолардан бошқа ҳолларда, бевосита умумлаштирилган меҳнат ёки биргалашиб қилинадиган меҳнат шароитидагина ишлатилади. Демак, бу ерда меҳнат процессининг кооператив характери меҳнат воситасининг ўз табиатидан келиб чиқадиган техник заруратга айланади» (Карл Маркс. Капитал. 1-том, 1-китоб, 380-бет, Тошкент, 1983.). Машиналар системасидан фойдаланишда, ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялашда тармоқлараро ва хўжаликлараро кооперация ҳамда агросаноат интеграциясига эҳтиёж айникса кучли сезилади.

Қишлоқ хўжалигини техник жиҳатдан қайта қуроллантириш, шунингдек қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини концентрациялаш ва ихтисослаштириш асосида қишлоқ хўжалиги билан саноатни бир-бирига яқинлаштириш борасида Ўзбекистонда катта иш қилинмоқда. Республикада сабзавот, мева ва узумни қайта ишлаш, пахтани дастлабки қайта ишлов бўйича агросаноат бирлашмалари, молларни бўрдоқига боқиш бўйича хўжаликлараро комплекслар республикамизда муваффақиятли ишлаб турибди. Модомики, Ўзбекистон ССР мамлакатимизнинг асосий пахта экувчи региони экан, бу ерда, табиийки, асосий эътибор пахта етиштиришга қаратилади. Шу билан бирга КПСС МҚнинг май (1982 йил) Пленуми қарорларига мувофиқ ўз озиқ-овқат базасини ривожлантириш ва такомиллаштириш — гўшт, сут, мева, сабзавот, узум етиштиришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик кучайди. Бу маҳсулотларни етиштириш ва уларни қайта ишлаш асосан Ўзбекистон ССР Давлат агросаноатининг ихтисослаштирилган совхозлари ва саноат корхоналари фаолияти билан боғлиқдир. Агар ўн биринчи беш йилликда сабзавот ва полиз экинларидан йилига ўрта ҳисобда 3,6 миллион тоннадан ялпи ҳосил олиш планлаштирилган бўлса, ўн иккинчи беш йилликда —4,3—4,4 тонна олиш планлаштирилган.

Ўзбекистон ССР агросаноат комплекси системасида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши унинг давлат хариди ошишини ҳам таъминлайди. Чунончи, 1975—1985 йилларда мева, цитрус ўсимликларини харид қилиш умуман республика бўйича 1,2 баравар ортди, сабзавотлар —1,4 марта, узум —1,9 баравар кўпайди. Шу давр ичида мева-резавор дарахтлари майдони (цитрус ўсимликларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда) 140,8 минг гектардан 217,6 минг гектарга (улардан 69,2 минг гектари аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларига тўғри келади) етди. Узумзорлар майдони шу йиллар ичида салкам 2,1 баравар ортиб, 1985 йилда 133,4 минг гектарни (шу жумладан 13,3 минг гектари — аҳолининг ёрдамчи хўжаликларида) ташкил этди. Цитрус ўсимликларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда мева-резавор экинларининг ҳосилдорлиги гектар бошига Ўзбекистонда ўрта ҳисобда 18,7 центнерга, узум —13,4 центнерга ортди.

Лекин бу ўртача кўрсаткичлар замирида республикамизнинг турли областларида айни бир экин ҳосилдорлигининг кескин ўзгариб туриши яшириниб ётибди: мева-резавор дарахтлари (цитрус ўсимликларини қўшганда) гектаридан 19,6 центнердан 74 центнергача, узум —23,6 центнердан 117,8 центнергача тебраниб туради. Шунинг учун ҳам бизнинг назаримизда, Р. Р. Шредер номидаги республика боғдорчилик ва узумчилик илмий-тадқиқот институти билан Сабзавот-полизчилик экинлари ва картошка институти томонидан боғлар, узумзорлар ва сабзавот-полиз экинларини рационал районлаштириш бўйича илмий асосда ишлаб чиқилган тавсияномаларга мувофиқ равишда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг айрим турларини етиштиришни тегишли хўжаликларда тўплаш ва шу асосда фақат колхоз ҳамда совхозларни эмас, шунингдек қайта ишловчи заводларни ҳам ихтисослаштиришни мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Ҳозирги вактда республикада табиий-иқлим зоналари бўйича ихтисослаштиришни чуқурлаштириш билан бир вақтда ишлаб чиқаришни хўжалик типлари бўйича янада ихтисослаштириш юз беряпти. Натижада қуйидаги асосий агроишлаб чиқариш типлари ажралиб чиқди: пахтачилик, ғаллачилик, шоличилик,

сабзавотчилик, боғдорчилик-узумчилик, қоракўлчилик, гўшт ва гўшт-сутчилик, чўчқачилик, паррандачилик, асаларичилик ва бошқа қатор типлар.

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноати Главплодоовошчпромнинг ихтисослаштирилган совхозларида, масалан, 1981—1986 йиллар ичида узум етиштириш — 1,5 баравар, мевалар — 2, картошка — 1,1 баравар, сабзавот — 12,3 процент, полиз экинлари — 1,2 марта кўпайди, шу махсулотларнинг 98 проценти давлатга топширилди. Уларнинг кўп қисми қайта ишлашга топширилди, натижада Ўзбекистон ССР Давлат агросаноатининг саноат корхоналари сабзавот консерваларини 1,2 миллион, помидор шарбатини —90,9 миллион шартли банка кўп ишлаб чиқардилар.

Ўзбекистонда агросаноат комплексини ривожлантириш фақат республика учун эмас, шунингдек умуман мамлакатимиз учун ҳам катта халқ хўжалик аҳамиятига эгадир. Партия ва ҳукуматнинг бу тармоқлар ишлаб чиқариш кувватини мустаҳкамлашга жиддий эътибор бераётганлиги бежиз эмас. Лекин ҳозирча кутилган самарага эришилганича йўқ. Чунончи, Ўзбекистон ССР Давлат агросаноати Главплодоовошчпромнинг ихтисослаштирилган совхозларида маҳсулот ҳажми ва ҳосилдорликнинг ўсиш суръатлари асосий ишлаб чиқариш фондлари ва меҳнат сарфи ўсиш суръатларидан оркада қолмоқда. Агар 1981 йилдан 1985 йилгача асосий ишлаб чиқариш фондлари бу ерда 69,4 процент, меҳнат сарфлари —14,4 процент ўсган бўлса, ялпи маҳсулот —41,2 процент, ҳосилдорлик эса атиги 8,2 процент ўсди. Меҳнат унумдорлиги ҳам маълум даражада пасайди. Тўғри, юқорида кўрсатиб ўтилган совхозларда шу йиллар ичида яхшигина задел яратилдики, у келгусида сабзавот, полиз экинлари ва узумнинг ялпи ҳосилини оширишга (уларда кўп йиллик ёш кўчатлар нархи 1981—1985 йиллар ичида икки баравар ошди) мўлжалланганди. Ҳозирча эса узум етиштириш самарадорлиги, масалан, қатъий пасайиш тенденциясига эга: 1 центнер узумнинг таннархи 1976 йилдаги 18,1 сўмдан 1985 йилда 27,9 сўмга етди ёки 64,8 процент кўтарилди.

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноати Главплодоовошчпром илғор совхозлари тажрибаси шуни исботлаяптики, сабзавотчилик, полизчилик ва узумчиликда ихтисослаштириш ва агросаноат интеграцияси асосида маҳсулот етиштиришни анча кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилашни таъминлаш мумкин бўлади.» Бинобарин, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ихтисослаштиришни амалга ошириш — бу жуда зарур иш. Асосий экин бўйича ихтисослаштириш даражаси анча юқори бўлишига қарамай, республиканинг пахтачилик колхоз ва совхозлари кўп тармоқли структурани ҳамон сақлаб келмоқда. Бизнинг ҳисоб-китобларимизга қараганда, республикада етиштирилаётган картошка умумий ҳажмининг 54 проценти, сабзавотнинг 43,6 проценти, мева ва узумнинг 25,2 проценти, гўштнинг 40, сут ва тухумнинг 18,7 проценти пахтачилик колхозлари улушига тўғри келади.

Яна шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистон ССР Давлат агросаноати Главплодоовошчпром қишлоқ хўжалиги тармоқлари бўйича ўн биринчи беш йиллик давомида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган асосий ишлаб чиқариш фондлари 1,5 баравар ортди, фонд самарадорлиги уларнинг ўртача йиллик қиймати бир сўм бўлгани ҳолда 0,47 сўмдан 0,32 сўмгача камайиб кетди. Бунинг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат деб ҳисоблаймиз: биринчидан, ялпи маҳсулот ўртача йиллик ўсиш суръатининг асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик ўсиш суръатидан оркада қолиши; иккинчидан, асосий ишлаб чиқариш фондлари структурасида механизация воситалари, куч машиналари ва кўп йиллик мевали дарахтлар (ўша фондларнинг актив қисми) ҳиссасининг барча фондларга нисбатан секин ўсиши; учинчидан, бундан олдинги сабаблар билан боғлиқ бўлган ишларни механизациялаш даражасининг паст даражада эканлиги (сабзавотчиликда у—50 процентни, боғдорчиликда —48 процентни, узумчиликда —52 процентни ташкил этди).

Маълумки, меҳнат унумдорлиги агросаноат комплексида ишлаб чиқариш самарадорлигининг асосий кўрсаткичидир.

Айни шу нарса жонли меҳнат билан ишлаб чиқариш воситалари ўртасидаги энг муҳим алоқаларни характерлайди ва акс эттиради. Унинг динамикасида пировард натижада фақат меҳнатнинг эмас, шунингдек бошқа ресурслар —

моддий сарфлар, асосий ишлаб чиқариш фондлари, капитал маблағлар, ишлаб турган корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватлари, машиналар ва асбоб-ускуналардан фойдаланиш самарадорлиги ҳам акс этади. Бу кўрсаткич маҳсулот рентабеллиги ва қиймати билан чамбарчас боғлиқдир. Шу билан бирга, сир эмаски, республикамизда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида меҳнат унумдорлиги сўнгги йилларда пасайиб кетди. Қишлоқ хўжалиги ҳар бир ходимининг ўртача йиллик иш унуми 1985 йилда 1981 йилга нисбатан 4,6 процент кам бўлди. Меҳнат ресурсларининг ялпи маҳсулот ўсишига нисбатан устун даражада ўсиши кўзга ташланяпти, бунинг натижасида фонд самараси камайиб бормоқда.

Маълумки, капитал маблағлар самарадорлиги фан ва техника ютуқларини жорий этишга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Лекин агросаноат ишлаб чиқаришига зарур машиналар кам чиқарилмоқда. Жумладан, булар полиз, боғлар ва узумзорлардаги сермеҳнат операциялар учун техника — токларни чеканка ва ёппасига хомток қилиш учун мосламалар, майиз тайёрлаш учун қурилмалар, боғлардаги дарахт оралари ва қатор ораларига ишлов бериш учун актив иш органларига эга культиваторлар, ерга тўкилган меваларни йиғиб-териб оладиган машиналар ва бошқалар. Бундай техникадан фойдаланиш, шубҳасиз, агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказишни, оғир қўл меҳнатини қисқартиришни таъминлайди.

Партия ва ҳукумат ҳужжатларида таъкидланганидек, барқарор иқтисодий-шарт-шароитларсиз АСКда ишлаб чиқариш самарадорлигига эришиб бўлмайди. Кейинги вақтда мана шундай шарт-шароитларни яратиш учун кўп иш қилинмоқда. Лекин республикамизда зарар кўраётган хўжаликлар ҳали ҳам оз эмас. Бунинг сабаблари орасида шу нарса ҳам борки, баҳо, фойда, кредит ҳали ҳам ишлаб чиқаришнинг ўсишига ёрдам берадиган таъсирчан иқтисодий воситаларга айланган эмас.

Олимларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, АСК совхозлари учун зарур рентабеллик даражаси тахминан 35—40 процентни ташкил этиши керак. 1985 йил маълумотларига кўра эса у атиги 10,7 процентга етган. Бинобарин, хўжаликлар такрор ишлаб чиқариш процессини ўз маблағлари ҳисобига таъминлашларига ҳали анча бор.

Бизнинг назаримизда бундай аҳволни КПСС МҚнинг 1987 йил июнь Пленуми қарорларида кўзда тутилганига АСК барча бўлинмаларининг хўжалик мустақиллигини ўз харажатларини ўзи қоплаш ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш принципи асосида янада кенгайтириш, шунингдек қишлоқ хўжалигига етказиб берилаётган ишлаб чиқариш воситаларига ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларига қўйиладиган баҳоларни конкрет шароитларда уларга сарфланадиган ижтимоий зарур харажатларга мослаштириш йўли билан тузатиш мумкин.

Д. Зокирхўжаевнинг «Ўзбекистон агросаноат комплексини бошқаришнинг такомиллаштирилиши» («Ўзбекистон коммунисти», 1986 йил 11-сон) мақоласида тўғри таъкидланганидек, агросаноат комплексидаги мавжуд салбий ҳолатларнинг бош сабаби хўжалик механизмининг мукаммал эмаслигидир. Агар уни яхлит қилиб кўрсатадиган бўлсак, шундай дейиш мумкинки, у хусусий, коллектив ва ижтимоий манфаатларнинг уйғун қўшиб олиб борилишини таъминлай олмади. Бу камчиликни тугатиш учун бошқаришнинг иқтисодий методларига, иқтисодий воситалар, нормативларни илмий асосланган ҳолда қўлланишга ўтиш зарур. Афсуски, Д. Зокирхўжаевнинг мақоласида ҳам, унга жавоб тариқасида эълон қилинган материалларда ҳам проблеманинг бу аспектига тўхталмайди.

Шуни таъкидлаш керакки, Д. Зокирхўжаев кўтарган айрим министрликлар ва идораларни Ўзбекистон ССР агросаноатига қўшиш масаласи АСК ишлаб чиқариш процессида қатнашаётган ҳамма бўлинмаларни бир жойга бирлаштириш нуқтаи назаридан жуда асослидир. Бундан ташқари, ихтисослаштирилган хўжаликлардаги тармоқларни бошқаришни такомиллаштириш ва уларнинг самарали ишлаши масалалари доимо эътибор беришни талаб қилади. Масалан, ҳозирги вақтда кўпгина область АСКда бошқариш аппаратини қисқартишга ҳаракат қилишяпти. Масалан, биргина Жиззах областининг ўзида 1986 йилда ишлаб чиқариш-бошқарув ходимларидан иш ҳақи фонди 798 минг сўм бўлган 671 киши қисқартирилди.

Ўша областнинг Пахтакор районидаги Қичанов номли совхозда 1986 йилнинг декабридан эътиборан бошқаришнинг цех структурасига ўтишди. Бу бошқарув аппаратидан 21 кишини ва бригадирлардан 53 кишини (умумий иш ҳақи фонди 128,5 минг сўм) қисқартиш имконини берди. Ҳозирги вақтда бошқарувнинг цех структураси областнинг 13 совхозида қўлланилмоқда, бу ерда бошқарув ходимларидан 121 киши қисқартирилди, уларнинг иш ҳақи фонди 173,6 минг сўмни ташкил этади, яна бригадирлардан иш ҳақи фонди 327,2 минг сўм бўлган 236 киши қисқартирилди. Кўриниб турибдики, бунинг иқтисодий самараси анчагина.

Шунингдек Р. Мушеевнинг («Ўзбекистон коммунисти», 1987 йил 4-сон) ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимини Ўзбекистон ССР Давлат агросаноати составига киритиш масаласини тезроқ ҳал қилиш зарурлиги тўғрисидаги фикрини қўллаб-қувватлаймиз. Шунингдек иттифоққа бўйсунадиган қатор илмий-тадқиқот муассасаларини («Пахта» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, ЦНИИХПром, Ўсимликларни ҳимоя қилиш институти ва бошқалар) Ўзбекистон ССР Давлат агросаноати составига киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ана шу воситаларни ишга тушириш, бизнинг назаримизда, республика агросаноат комплексининг иқтисодий самарадорлигини анча оширишга ёрдам беради.

АСК СИСТЕМАСИДА ТОВАР МУОМАЛАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

А. ҚУТБИДДИНОВ,

иқтисод фанлари кандидати,
Халқлар дўстлиги орденли В. В. Куйбишев номли
Самарқанд кооператив институтининг доценти.

Агросаноат комплексининг бунёд этилиши қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирадиган тармоқ билан маҳсулотни қайта ишлаш ва уни реализация қилиш тармоғини яхлит бир ҳолга келтириш соҳасида муҳим қадам бўлди. Ҳозирги асосий масала АСҚ барча бўғинларининг балансланган ривожланиши ва бир-бирини тақозо этувчи аниқ ҳаракатини таъминлашдан иборатдир.

Бугунги кунда маҳсулотни қайта ишлаш ва уни реализация қилиш, бизнингча, улар орасида энг заиф бўғинлар бўлиб қолмоқда. Ана шу сабабли колхозлар, совхозлар ҳамда матлубот кооперацияси ўртасида ўзаро фойдали амалий алоқалар ўрнатилиши муҳим аҳамият касб этмоқда, қишлоқдаги чакана товар оборотининг қарийб 80 проценти эса шу кооперация ҳиссасига тўғри келадики, унинг тайёрлаш тармоғи воситасида мамлакатда ҳар йили 12 миллиард сўмлик маҳсулот ва хом ашё оборотга жалб қилинмоқда.

Агросаноат комплексининг қишлоқ хўжалик ва бошқа тармоқлари интеграциясининг самарали формаси сифатида ўзини кўрсатган «Кубань» типидаги комбинатлар хўжалик юритиш практикасига тобора кенг кириб келмоқда. Бундай корхоналар, мисол учун, РСФСР, Украина ССР ва Белорусия ССРда ташкил қилинган. Қолхозлар, совхозлар, қайта ишлаш саноати корхоналари ва савдо ташкилотларини интеграциялаш асосида агросаноат фирмалари, бошқа ишлаб чиқариш системалари ҳам бунёд этилмоқда. Энг мақбул формаларни излаш давом этяпти, шунинг учун ҳам рўй бераётган интеграциялаш жараёнлари агросаноат комплекси шароитидаги товар муомаласини такомиллаштиришни тақозо қилмоқда.

Ўзбекистоннинг бир қатор кооператив ташкилотларида ишлаб чиқариш фаолиятини структура жиҳатидан қайта қуриш жадал амалга ошириляпти.

Фарғона областида қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш ва уни қайта илашни, чорва моллари, парранда ва асалари боқиш, маҳаллий хом ашёдан ноозиқ-овқат, кенг истеъмол моллари, шунингдек, тара ва упаковка қилиш материаллари тайёрлашни ўзида бирлаштирувчи Риштон агросаноат комплексининг ташкил этилиши ана шу иш бошланишига асос бўлди. Комбинатнинг барча бўлинмалари ягона марказдан бошқарилиб маблағ билан таъминланадики, бу жуда маъқул бўлмоқда.

Халқ истеъмоли молларининг муомала қилиш соҳасини белгиловчи ташкилот ва корхоналарнинг АСКга қарашли шериклари, айниқса район миқёсидаги шериклари билан ўзаро муносабат практикаси ҳали чуқур ўрганилиши ва умумлаштирилиши лозим, бу эса улар ташкилий-хўжалик алоқаларининг ҳуқуқий асослари ва мақбул вариантларини, шунингдек, интеграциялаш истиқболларини аниқлаш учун имкон яратади. Лекин ҳозироқ сўз ҳамкорликни шунчаки кенгайтириш устида эмас, балки унинг сифати, самарадорлигини тубдан юксалтириш ҳақида бораётганлиги равшан бўлиб қолди.

Бутун халқ хўжалигида ҳам, унинг айрим корхоналарида ҳам иқтисодий восита ва стимулларнинг ролини кучайтириш асосида аввало шартнома муносабатларининг ўзгариши ана шу масалани ҳал этиш йўлини очиб беради, деб ўйлаймиз. Зеро, томонлар тенг ҳуқуқлилигига риоя қилинганда, улар олинган мажбуриятларнинг бажарилишидан ва айирбошлаш эквивалентлигидан иқтисодий манфаатдорлик ва масъулият сезиш ҳисси бўлгандагина шартномавий ўзаро муносабатларнинг афзалликлари энг тўлиқ намоён бўлади.

Пул муомаласи соҳаси тармоқларининг ҳиссали иштирокида региондаги АСҚнинг марказлаштирилган хўжалик ҳисобида ишловчи фондлари ташкил этилиши мазкур соҳада муҳим иқтисодий воситага айланиши мумкин. Бундай фондлар иштирок этувчи томонлар манфаатлари нуқтаи назаридан энг мақсадга мувофиқ деб топилган жойларга маблағларни жамлаш имконини беради. Хусусан, уларни номутаносибликларга барҳам беришга, корхоналар ва савдо ташкилотлари ҳамда АСҚда хўжалик юритишнинг иқтисодий шароитларини тенглаштиришга, уларнинг моддий-техника базасини шакллантириш ва мустаҳкамлашга, фан ютуқлари, техника ва илғор тажрибани татбиқ қилишни тезлаштиришга йўналтириш мумкин бўлади.

Ҳозирги пайтда региондаги АСҚ марказий фондлари асосан қишлоқ хўжалик корхоналари маблағлари ҳисобига тўлдирилмоқда, баъзи министрлик ва идораларга қарашли корхона ва ташкилотлар, шу жумладан, савдо ва матлубот кооперацияси системалари бу фондларга ўз маблағларини умуман қўшмаяптилар. Марказий фондларни тўлдиришнинг қатор йиллар давомида ўзгармайдиган нормативларини практикага киритиш, уларни хўжалик ҳисобининг реал воситасига айлантириш моддий рағбатлантиришнинг бутун агросаноат комплекси пировард натижалари билан алоқаси кучайишига имкон яратган бўларди, деб ҳисоблаймиз.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва реализация қилишни планлаштиришни яхшилаш АСҚни бошқаришни такомиллаштириш ва унинг хўжалик механизми самарадорлигини оширишнинг яна бир муҳим йўналишидир. Бунда, маълумки, кўпгина иқтисодий, социал, сиёсий, идеологик ва бошқа омилларни эътиборга олиш талаб қилинади ва, бизнингча, бошқариш ва хўжалик юритишнинг ҳамма даражасида қабул қилинадиган қарорлар учун масъулиятни белгиловчи янада аниқроқ мезонларни татбиқ этиш зарурати етилди. Шу муносабат билан товарларга бериладиган заявка ва буюртмаларнинг сифатини ошириш, асосий товарларга бўлган эҳтиёжларни тўғри белгилаш ва уларни ишлаб чиқариш ҳажмларини планлаштириш учун иқтисодий ва бошқа хил масъулиятни татбиқ этиш қаттиқ зарурат бўлиб қолганлигини таъкидлаш керак. Ҳозирги пайтгача корхоналар савдо буюртмаларини ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмига доир юқори органлар белгилаб берган топшириқлар доирасида қабул қилиниши сир эмасдирки, конкрет ишлаб чиқариш ассортименти шу негизда юзага келиши лозим. Хўжалик ва молия фаолиятининг планли якунларини характерловчи фойда, меҳнат унумдорлиги, иш ҳақи фонди ва бошқа асосий кўрсаткичлари ҳам аниқлаб қўйилган. Буюмларга ресурс сарфлари хилма-хиллигига қараб, бундай топшириқларни бажариш даражаси кўп жиҳатдан планлаштирилаётган

маҳсулот ассортиментига боғлиқ бўлади, натижада ишлаб чиқариш соҳасида ҳануз «ҳаётий муҳим» ва «унчалик муҳим бўлмаган» маҳсулотлар тушунчаси яшаб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, халқ истеъмоли молларига бўлган талаб ва таклиф ўртасида номутаносиблик сақланишига хизмат қилади.

Савдо соҳаси ва регион агросаноат комплексининг хўжалик механизмини янада такомиллаштириш умуман АСК иштирокчилари тармоқлараро алоқаларини планлаштиришнинг территориал принциплари ролини оширишни ҳам тақозо этади. Бизнингча, иттифоқдош республикалар ва областлар доирасида халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш мақсадли комплекс программаларини ишлаб чиқиш йўли билан ушбу проблемани ҳал этиш мумкин, бунинг учун товар ҳаракати бутун занжири бўйлаб ишларни координациялаш зарурки, уни халқ депутатлари Советлари ижроия комитетларининг тегишли планлаштириш органлари амалга оширишлари мақсадга мувофиқ бўларди.

Агар агросаноат комплексига функционал чегара ва функционал-тармоқ структурасига эга бўлган ишлаб чиқариш-иқтисодий система сифатида қарайдиган бўлсак, товар муомаласи соҳаси, шу жумладан, савдо ҳам комплекснинг муҳим элементи ҳисобланади. Бундай ёндашиш тармоқлараро мутаносибликларни аниқлашда, унинг агросаноат ишлаб чиқаришида ўйнайдиган ролидан келиб чиқиб, унинг ривожланишига капитал маблағлар ва бошқа ресурслар ажратилишини илмий асослашда ушбу соҳани эътиборга олиш имконини беради.

АСК шароитидаги савдо масаласига келсак, унинг самарали ривожланиши учун, бизнингча, ана шу соҳани бошқариш органларининг хўжалик мустақиллигини сақлаб қолиш талаб этилади. Бунда савдо ташкилотлари ва корхоналарининг АСК бошқа бўғинлари билан тармоқлараро ўзаро ҳамкорлиги инкор қилинмайдигина эмас, балки кўзда ҳам тутилади, уларнинг барча даражадаги агросаноат бирлашмаларини бошқариш органлари билан иш олиб боришнинг аниқ координация қилиниши ҳам тақозо этилади. Фирма савдосининг (бевосита бўйсунувчи соҳа) ва савдо фаолияти билан ҳам шуғулланувчи ихтисослаштирилган (асосан сабзавот-мева йўналишида) агросаноат бирлашмаларининг тараққий этиши ҳам буни рад этмайди.

Республика агросаноат комплекси моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалаларининг ҳал этилиши, унинг фаолиятидаги танг жойлар ва номутаносибликларга барҳам бериш бир қатор социал-иқтисодий омилларга боғлиқдир. Товар муомаласини такомиллаштириш шундай омиллар жумласидандир.

ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЭКОЛОГИК ПРОБЛЕМАЛАРИ

С. МАМАШОКИРОВ,
философия фанлари кандидати

ФАН-ТЕХНИКА тараққиётини жадаллаштириш шароитида партиямизнинг хўжалик сиёсати экология, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш проблемалари билан узвий боғлиқдир. Мазкур проблемалар ўз аҳамиятига кўра энг муҳим умумдавлат вазифалари характерини касб этди.

Ҳозирги кунда мамлакатда табиатдан фойдаланиш соҳасида узоқ вақтга мўлжалланган стратегия ишлаб чиқилган бўлиб, у табиий бойликларни келажак авлодлар учун сақлаб қолишга қаратилгандир. Бу шу билан боғлиқки, фан-техника революциясининг атроф муҳитга таъсир кўлами йилдан-йилга кучайиб бормоқда, Ер юзидаги экологик баланснинг бузилиш эҳтимоли ошмоқда. Экологик проблемалар ҳал қилиниши ўрнига улар тобора кўпайиб бордики, бу «инсон — жамият — табиат» системаси ўртасидаги нисбатни янада мураккаблаштириб юборди.

Табиатни муҳофаза қилиш бугунги кунда жуда катта илмий-амалий мураккаб ишдир. 1983 йилда Минскда биосферали қўриқхоналар юзасидан ўтказилган I халқаро конгресс иштирокчиларидан кўпчилигининг фикрича, экология фан сифатида романтизмдан реализмга, ахборотнинг жуда катта стихияли оқими, экологик ваҳималар, муболаға ва афсоналар билан ёнма-ён юрувчи мавҳум умумназарий схемалардан аниқ билимларга, биосферанинг реал аҳволи тўғрисида маълумотлар олишнинг мақсадли, системали программаларига олиб борадиган йўлда турибди.

Ҳозирги замон фан-техника революцияси ютуқларидан фойдаланиш давомида инсоннинг табиатга антропоген таъсирини кучайтириш турли объектив ва субъектив сабаблари таъсири натижасида вужудга келган экологик вазиятни илмий анализ қилиш, уларни ҳал этиш учун асосли тавсияномаларни ишлаб чиқишни талаб қилади. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини планетада ядро уруши хавфининг олдини олиш вазифаси билан бир қаторга қўяди.

Экология проблемаларини амалий ва фундаментал фанлар ҳамкорлигида ҳал қилиш мумкин бўлиб, у фанлараро характерга эга. Уларни комплекс-системали ўрганишгина самара бериши мумкин. Лекин экологик тадқиқотларнинг бир тармоқ ёки идора манфаатлари билан чекланган мавжуд автономиялиги баъзида янги экологик проблемаларни келтириб чиқаради. Суғориш учун сунъий ҳовузларнинг қурилиши бунга ёрқин мисол бўлиб, бу бир қатор жойларда уларга туташ территорияларнинг шўрланиши ва ботқокланишига олиб келди. Бу аҳволни тузатиш учун қўшимча тадбирлар кўришга тўғри келадики, лекин, афсуски, улар доим ҳам кутилган натижани беравермайди.

Бу экологиянинг техник, иқтисодий, социал проблемаларини комплекс тадқиқ этиш, табиатни муҳофаза қилиш соҳасида фан-техника тараққиёти стратегиясини ишлаб чиқиш зарурлигидан далолат беради. Бунда диққат-эътиборни жамиятга тез ва сезиларли экологик самара берадиган йўналишларга қаратиш керак.

Лекин республикамизда бу иш кўнгилдагидек эмас. Академия ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларининг тарқоқлиги, идоравий биқиқлиги, лаборатория ва экспериментал базаларнинг техник жиҳатдан яхши жиҳозланмаганлиги, энг муҳими, ҳам сон, ҳам сифат жиҳатдан кадрларнинг етишмаслиги ишга салбий таъсир этмоқда. Актуал экологик проблемаларни ўрганишга олий ўқув юртларининг илмий кучлари суст жалб қилинади. Биргаликдаги бирлашмалар, конструкторлик бюролари, экспериментал базаларни барпо этиш, йирик экологик программаларни амалга ошириш учун совет, планлаштирувчи ва хўжалик органлари, илмий муассасалар фаолиятини интеграциялаш ва координация қилиш зарурати аллақачон етилган. Бундан ташқари, тармоқ илмий-координацион марказларга саноат объектларини ишга тушириш учун қабул қилиш пайтида янги техника, технология, лойиҳа ҳужжатларини экологик жиҳатдан экспертиза қилиш имкони берилиши керак. Масалан, Грузия Компартияси МК қошида ана шундай марказ ташкил этилган.

Мамлакат экономикасини интенсивлаштиришнинг ҳозирги суръатлари ишлаб чиқаришни атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига кескин буришни, табиатни муҳофаза қилишнинг илмий ғоялари ва ишланмалари арсеналини муттасил тўлдириб боришни, уларни жорий этиш механизмини такомиллаштиришни талаб қилади. Экологик тадбирларнинг социал-иқтисодий самарадорлигини аниқлаш бўйича асосли тавсияномаларни қабул қилиш вақти етди. Келгуси беш йилликда фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга экология қўшадиган ҳиссасини ошириш керак бўлади. У билимнинг бир соҳаси сифатида атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг жорий ва перспектив проблемаларини оператив равишда ҳал қилишга даъват этилган. Бу ерда фундаментал тадқиқотларни устун даражада ривожлантиришни таъминлаш бошқа соҳалардагига қараганда жуда муҳимдир. Иккинчи томондан уларнинг натижаларини практикада жорий этиш муддатларини жиддий қисқартиш зарур.

Ҳолбуки, табиат қонуниятларини илмий тадқиқ этиш инсоннинг табиатга техноген таъсиридан орқада қолмоқда. Жумладан, бу экологик вазифаларни ҳал қилиш учун тажриба-конструкторлик ва ишлаб чиқариш-экспериментал базаларнинг яхши ривожланмаганлигида кўринади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, илмий кашфиёт ёки техник ихтиро тармоқ министрлигида бир баҳо олади, атроф муҳит аҳволини контрол қилиб борадиган органларда — бошқача баҳо, Госпланда эса — учинчи баҳосини олади. Бошқача қилиб айтганда, баҳолашнинг ягона мезони ишлаб чиқилмаган. Натижада, янги, прогрессив, актуал иш унга формал ва тор идоравий муносабат туфайли эскириб қолади. Экологик қурилмаларни яратувчи олимлар ва конструкторларни тегишли министрлик ва идоралар кўпинча қўллаб-қувватламайди. Хўжалик раҳбарларининг манфаатдор эмаслиги, баъзида эътиборсизлиги ва айрим мутахассисларнинг пассивлиги апробация қилинган экологик янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий этишда жуда кўп ортиқча куч-ғайрат сарфлашга мажбур этади. Кўпинча шундай ҳам бўладики, экологик жиҳатдан ўзини оқлаган техника ва технологияни уларнинг қимматлигини баҳона қилишиб ўзлаштиришдан бош тортишади. Дарҳақиқат, табиатни муҳофаза қилиш — анча қимматга тушадиган тадбирдир. Лекин барибир, айтайлик, тозалаш объектини қуриш кейинчалик (агар умуман бунинг иложи бўлса) атмосфера, ер, сув ҳавзалари ифлосланишининг оқибатларини йўқотишга қараганда арзонга тушади. Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига манфаатпарастлик билан ёндошишларга чек қўйиш вақти келди.

Кейинги вақтларда табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишнинг регионал ҳамда тармоқ бош схемаларини ишлаб чиқишда илмий муассасаларнинг планлаштирувчи органлар билан интеграциялашуви кўзга ташланмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, бундай схемалар табиатни муҳофаза қилиш проблемасининг тармоқ ва территориал аспектларини аниқлаш, хўжалик ва экологик фаолиятни узвий боғлаш имконини беради. Москва ва Ленинград областлари атроф муҳитини муҳофаза қилишнинг комплекс схемалари мамлакатда биринчи бўлиб, ҳозирданоқ муайян натижаларни бермоқда. Лекин бизнинг республикамизда бу йўналишдаги ишлар ҳали ҳам белгиланганича йўқ.

Чунончи, автомобиллашиш ўсиши натижасида қатор шаҳарлар ва саноат марказларининг ҳаво ҳавзасида олтингугуртли ангидрид, азот оксидлари,

карбонат ангидрид гази ва бошқа зарарли моддаларнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган концентрациялашуви анча ошди. Экологик статистика шуни кўрсатадики, йирик аҳоли пунктларида атмосферанинг 50 процентдан ортиқ ифлосланиши транспорт воситалари туфайли юз беради. Тошкентда 50 минг автомашина оралатиб текшириб чиқилганда автомобилларнинг 36 проценти оширилган токсин чиқариб ишлаши аниқланди. Бундай аҳвол автотранспорт ташкилотчилари ва раҳбарлари, авто ва тракторсозлик илмий ҳамда конструкторлик муассасалари олдига жиддий талаблар қўяди. Жумладан, ёғилғи сифатида газдан фойдаланишга ўтиш автотранспортни экологизациялашнинг муҳим йўналишидир. Лекин бу ишда жиддий силжиш кузатилмаяпти.

Экологик проблемаларни самарали ҳал этиш кўп жиҳатдан ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базасини такомиллаштиришга боғлиқдир.

КПСС МК 1985 йил апрель Пленумида ҳозирги замон фан-техника революцияси ютуқлари асосида хўжаликни юритишнинг принципиал жиҳатдан янги системасига ўтиш, энг юксак иқтисодий ва экологик самара берадиган технологик циклларни сифат жиҳатдан янгилаш зарурлиги таъкидланди. Саноатнинг қатор тармоқларини фақат табиатни муҳофаза қилишнинг янги иншоотларини қуриш ҳисобигагина экологизациялаш ҳозир жуда қимматга тушади ва муддатлари жиҳатдан ҳам нореалдир. Шунинг учун ҳам биринчи навбатда мавжуд қурилмалар реконструкция қилиниши керак. Табиатни муҳофаза қилишнинг янада самарали техник воситаларини кенг жорий қилиш бошқа йўналиш ҳисобланади.

Афсуски, айрим буюртмачилар янги объектларда табиатни муҳофаза қилишга мўлжалланган, маънавий жиҳатдан эскирган ускуналарни ўрнатишни афзал кўришади. Кўпинча илмий тавсияномалар бузилади, техник ва технологик ишлар сифатсиз бажариладики, бу табиатни муҳофаза қилиш қурилмаларини ўзлаштириш муддатларининг чўзилиб кетишига, нормативлардан четга чиқишга, қатор ҳолларда уларнинг бекор туришига олиб келади. Саноат корхоналари раҳбарлари орасида шундайлари ҳам учрайдики, улар атроф муҳитнинг ифлосланишини фан-техника революциясининг муқаррар оқибати деб ҳисоблайдилар, пайдо бўлаётган экологик вазифаларни юзаки, эски усуллар билан ҳал қилишга уринадилар.

Ўзбекистонда индустриал секторнинг ривожланиши табиатни муҳофаза қилиш проблемаларига янгича ёндашишни қатъий талаб қилади. Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети учинчи сессиясининг 1986 йил июлда бу масалани махсус кўриб чиққанлиги ва табиатни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга оид қонунларнинг етарли даражада амалга оширилмаётганлигини кўрсатиб ўтганлиги бежиз эмас. Эскирган техника ва технология, уларни ўз вақтида модернизация қилмаслик, экологик тадбирларнинг паст даражада ташкил этилганлиги шунга олиб келадики, натижада, масалан, Олмалиқ, Чирчиқ, Фарғона, Навоий, Бекобод корхоналари катта миқдордаги зарарли чиқиндиларни ҳамон ҳавога чиқармоқда. Натижада бу шаҳарларда ҳаво сифати санитария норма талабларига жавоб бермайди, бу ерда экологизация ва урбанизация процесслари ўртасидаги тафовут яққол кўзга ташланиб қолди. Қурилаётган тадбир-чоралар ҳозирча ижобий натижалар бермаяпти.

СССР Минерал ўғитлари ишлаб чиқариш министрлиги, Нефть химияси саноати министрлиги иқтисодий кўрсаткичлар кетидан қувиб, Ўзбекистоннинг экологик жиҳатдан қийин бўлган саноат марказларида ишлаб чиқаришларни қуриш ва борларини кенгайтиришни давом эттирмоқда. Бундан ташқари, корхоналарнинг ортиқча куч билан ишлаши, улардан лойиҳадаги нормадан ортиқ фойдаланиш экологик балансни бузади ва экологик вазиятни кескинлаштиради. Чанг ва газ чиқиндилари жуда катта территорияга тарқалиб, кишилар соғлигига, қишлоқ хўжалигини юритишга салбий таъсир кўрсатади, тупроқ структурасини, гидрогеологик режимни бузади. Масалан, Тошкент, Фарғона, Сурхондарё областларида зарарли чиқиндиларнинг йўл қўйиб бўлмайдиган даражада кўп тўпланиб қолиши туфайли боғлар, токзорлар, мевазор ва тутзорлар хароб бўлмоқда.

Айрим йирик ишлаб чиқаришларда экологизациянинг техник даражаси кўнгилдагидек эмас. Масалан, Самарқанд шаҳридаги ипакчилик ишлаб чиқариш бирлашмасидаги тозалаш иншоотлари узоқ вақт давомида капитал ремонт ва

реконструкция қилинмай келади. «Красний двигатель» заводида карбонат оксидини куйдириб юборадиган чанг-газ ушлагич установкаларни қуриш иши ҳали ҳам бошланган эмас, ҳолбуки уларни 1985 йилдаёқ ишга тушириш планлаштирилган эди. Бунинг натижасида барча зарарли чиқиндиларнинг салкам учдан бир қисми ана шу завод улушига тўғри келади. Умуман олганда ҳозир Ўзбекистонда атмосферани ифлослантирадиган 35 минг стационар манбаларнинг ярмидан сал кўпроғи сепараторлар — чанг-газ тозалаш воситалари билан жиҳозланган, ушлаб қолинадиган зарарли моддаларнинг умумий микдоридан атиги 50 процентигина утилизация қилинади.

Экологик тадбир-чораларни муваффақиятли амалга ошириш уларга нисбатан инвестицион сиёсатни тўғри қўллашга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Сир эмаски, ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базасини такомиллаштириш ва табиий запаслардан экологик жиҳатдан тежаб-тергаб фойдаланиш бугунги кунда бир-бирига чуқур боғлиқдир. Фақат харж қилинган хом ашё, меҳнат сарфи микдори ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати эмас, балки, шунингдек, табиатни муҳофаза қилишга қўшилган реал ҳисса ҳам фан-техника ва технологик ишланмалар самарадорлигининг кўрсаткичлари бўлиши керак. Лекин экология билан экономика ўртасида зиддият мавжуд бўлиб, унинг бош сабаби асосан табиий бойликлардан фойдаланишнинг экстенсив характери билан боғлиқдир, уларнинг кўпчилиги қайта тикланмайди ва янгиланмайди.

Чиқитсиз ва камчиқитли технология асосида табиий ресурсларни тежаш халқ хўжалигини экологизациялашнинг бош стратегик воситасидир. СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларида шундай деб ёзиб қўйилган: «Камчиқитли ва чиқитсиз технологик жараёнлар кенг жорий қилинсин. Табиий ресурслар, хом ашё ва материаллардан тўла ва комплекс фойдаланишни таъминлайдиган, атроф муҳитга зарарли таъсир кўрсатишга барҳам берадиган ёки жиддий равишда камайтирадиган комбинациялашган ишлаб чиқаришлар ривожлантирилсин».

Илғор технологиянинг бош мақсади, — деб таъкидлаган эди юз йилча муқаддам Д. И. Менделеев, — ташлаб юбориладиган, фойдасиз нарсадан фойдали нарсани ишлаб чиқариш усулларини қидириб топишдир. Дарҳақиқат, табиатда фойдасиз нарсанинг ўзи йўқ. Ишлаб чиқариш чиқиндиларига бефарқ қараш — бу мамлакат миллий бойлигини исроф қилиш, оптимал экологик мувозанатни яратишни истамаслик ёки буни эплаёлмасликдир. Масалан, металлургия заводларининг чиқинди газларидан олтингугурт ва сульфат кислотасини олса бўлади. Афсуски, химия саноати учун қимматли хом ашё олишнинг янада унумли ва технологик жиҳатдан арзон установкалари шу вақтгача ишлаб чиқилмаган. Йилига неча ўн тонналар билан ўлчанадиган атмосфера чиқитлари корхонага туташ территориялар учун «фойдали» ўғит ҳисобланади, деган фикр ҳам юради. Бундай позициядан ҳам зарарли нарса бўлиши мумкин эмас. Афтидан, иккиламчи ресурслар ва атмосферани, тупроқ ва сув ҳавзаларини ифлослантирувчи саноат чиқитларига бепарволик билан қарайдиган раҳбарлардан давлатга зарар етказувчи кишилар сифатида қаттиқ талаб қилиш вақти етди.

Илмий ташкилотлар олдида иккиламчи ресурслар ва саноат чиқитларининг ҳажмини баҳолаш ҳамда улардан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш вазифаси турибди. Бу борада Украинада муайян ютуқларга эришилди. Ўтган беш йилликда бу ерда 700 миллион тонна иккиламчи хом ашёдан фойдаланилди, унинг умумий ресурс истеъмолидаги салмоғи 12 процентга етди, 17 миллиард сўмлик маҳсулот олинди. Қозоғистон ССРда фақат 1985 йилнинг ўзида ресурсларни тежаш технологиясини қўллаш ҳисобига маҳсулот умумий ҳажмининг 13 проценти ишлаб чиқарилди. Шундай қилиб, чиқиндилар ва иккиламчи ресурсларни утилизация қилиш миллий даромаднинг муҳим манбаларидан бири бўлди, маҳсулот таннархининг пасайганлиги ва атроф муҳитни муҳофаза қилишдаги катта фойдаси тўғрисида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини экологизациялаш катта эътибор талаб қилади. Бу ерда минерал ўғитлар ва заҳарли химикатларни қўллаш кўп ҳолларда экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келди. Шунинг учун ҳам уларни янада самарали ва экологик жиҳатдан зарарсиз воситалар билан

алмаштириш мақсадида тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Биометод истиқболли йўналишлардан биридир. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги зараркунандалари ва бегона ўтларга қарши курашда қўлланиладиган энтомофаглар ишлаб чиқарадиган салкам мингта биофабрикалар бор. Биргина Сирдарё областининг ўзида ҳашаротлар — хабрабракон ва трихограммалар чиқарадиган 47 завод поток линияси ҳамда 48 биолаборатория ишлаб турибди. Кейинги йилларда биометод ёрдамида салкам 6 миллион сўм фойда олинди. Ҳозирги замон биохимия фани ва генлар инженерияси азотли ўғитларни биологик азотификация билан алмаштириш учун реал имкониятлар яратиб бердики, бу қатор экологик проблемаларни, жумладан сув ҳавзаларини минерал ўғитлар билан бойитиш проблемасини ҳал қилишга имкон беради. Айни вақтда шуни ҳам эътироф этиш керакки, республикада бу йўналишда амалга оширилаётган илмий-тадқиқот ва амалий ишлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш талабларига жавоб бермайди.

Сув ва ҳаво ҳавзаларининг экологик мувозанатини сақлашнинг қийинлиги шундаки, у миллий, маъмурий ва географик чегараларга бўйсунмайди. Бу ишда халқаро ва давлатлараро миқёсда биргаликда иш олиб бориш керак. «Барча Европа мамлакатларининг куч-ғайратини бирлаштирмасдан туриб, — деб таъкидлаган эди М. С. Горбачев 1985 йилнинг октябрида Франция парламенти аъзолари билан бўлган учрашувда, — қитъамизда атроф муҳитни сақлаб қолиш ва соғломлаштиришдек кескин проблемани чинакамига ҳал қилиб бўлмайди». Экологиянинг жуда катта илмий ва амалий проблемаларини ҳал қилишда ЎИЕҚ аъзолари ва бутун социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари тажрибасини ижодий умумлаштириш ва ундан фойдаланиш катта аҳамиятга эгадир.

Совет Иттифоқида экологик аҳволни кузатиш ва уни контрол қилиш, бу ҳақда статистик маълумот тўплаш яхши йўлга қўйилган: 450 шаҳар ва саноат зоналаридан ҳаво ҳавзаси ҳақидаги оператив маълумотлар мунтазам келиб туради. Бундан ташқари, умумдавлат хизмати 2,3 минг сув ва 1750 тупроқ объектларининг аҳволини системали равишда кузатиб боради. СССР Фанлар академиясида жонли табиатни муҳофаза қилиш ва 1981—1990 йилларда ундан оқилона фойдаланиш соҳасида илмий-тадқиқот ишлари олиб боришнинг комплекс плани ишлаб чиқилган. Беш йилликнинг илмий ва планлаштириш органлари тасдиқлаган 170 энг муҳим программасининг 40 дан кўпроғи атроф муҳитни муҳофаза қилишга бевосита алоқадордир. Лекин фан-техника революциясининг ривожланиши, унинг табиатга баракали таъсир кўрсатиши табиатни муҳофаза қилиш проблемаларини кун тартибидан олиб ташламайди. Уларни фақат илмий ходимлар ёки мутахассисларнинг куч-ғайрати билангина муваффақиятли ҳал қилиб бўлмайди, бу ишга кенг халқ оммасини жалб этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Инсоннинг социал-иқтисодий фаолияти планетадаги биогеофизик шароитга тобора актив таъсир кўрсатмоқда. Жамият ва табиатнинг ўзаро алоқасида янги босқич бошланди. Позитив экологик силжишларга эришиш учун даставвал биргаликда тинч-тотув яшаш, куролланиш пойгасини чеклаш ва оқибат натижада тўхтатиш принциплари асосида халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш зарур. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг энг мураккаб вазифаларини ҳал этиш калити фан-техника революцияси ютуқларидан самарали фойдаланишда бўлгани каби, экологик тафаккурни ривожлантиришда ҳамдир.

МАРКСЧА-ЛЕНИНЧА ТАЪЛИМ СИСТЕМАСИ УЧУН

«Мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш — КПССнинг стратегик йўли» курси бўйича методик маслаҳатлар

КПСС — ЖАДАЛЛАШТИРИШ СТРАТЕГИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ СОҲАСИДАГИ ИШЛАР ТАШКИЛОТЧИСИ

Ўз йўлини пухта биладиган, совет халқини социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш маршрутлари бўйлаб жамиятнинг сифат жиҳатидан янги ҳолатига эришиш сари ишонч билан бошлаб бораётган партия — КПСС бугунги кунда айни шу тарзда гавдаланмоқда. Халқ хўжалигига раҳбарлик қилишда, партия ташкилотлари фаолиятининг барча форма ва методларини илмий асослашда, ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш ҳамда маънавий турмушни ривожлантиришнинг туб вазифаларини амалга оширишда унга тобора юксак талаблар қўйилмоқда. Социалистик жамиятнинг объектив имкониятларидан, унга хос қонуниятлардан максимал даражада самарали фойдаланиш, халқ оммасини ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги босқичи проблемаларини муваффақиятли ҳал этишга, қийинчиликлар ва нуқсонларни бартараф қилишга уюштириш ва сафарбар қилиш бундай раҳбарликнинг асосий мақсадидир. Партиянинг куч-қудрати — ижодий ташаббускорликда, унинг совет жамиятининг тақдири учун бутун масъулиятни ҳар доим дадил ўз зиммасига олабилишидадир.

Машғулотлардан мақсад — уларнинг иштирокчиларининг қайта қуриш учун онгли равишда ва актив курашишларига, ижодий, виждонан қилган меҳнатлари билан партия сиёсатини амалга оширишга шахсий ҳиссаларини қўшишларига кўмаклашишдир. Партия ҳужжатларида қайд қилинганидек, қайта қуриш тақдири кабинетларда эмас, балки меҳнат коллективларининг амалий ишларида ҳал қилинаётгани сабабли бошланғич партия ва жамоат ташкилотларининг барча ходимларни ўн иккинчи беш йилликда мазкур коллектив, район, шаҳар, область, республика олдида турган вазифаларни ҳал этишга сафарбар қилишга доир фаолияти билан боғламасдан туриб мавзуни муваффақиятли тарзда ўрганиш мумкин эмас.

Темани ўрганишнинг қуйидаги плани тавсия этилади:

1. Қайта қуриш учун, жамият ҳаётининг барча соҳаларини янгилаш учун курашда партия раҳбарлик ролининг янада ошиши.

2. КПССнинг социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш вазифаларини ҳал этишга меҳнаткашларни сафарбар қилиш соҳасидаги фаолияти.

3. КПСС — жонли, ривожланаётган организм.

ҚАЙТА ҚУРИШ УЧУН, ЖАМИЯТИМИЗ ҲАЁТИНИНГ БАРЧА СОҲАЛАРИНИ ЯНГИЛАШ УЧУН КУРАШДА ПАРТИЯ РАҲБАРЛИК РОЛИНИНГ ЯНАДА ОШИШИ

Бевосита шу масалага ўтишдан олдин пропагандист тингловчилар эътиборини КПСС МҚ апрель (1985 йил) Пленуми, партия XXVII съездидан сўнг ўтган давр ичида жамият ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар натижасида ғоят муҳим сиёсий ва маънавий мақсадга эришилганлигига жалб қилади: мамлакатда шундай вазият вужудга келтирилдики, унда қайта қуриш ғояси, социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришга қаратилган стратегик йўл-йўриқ бизнинг ишимизнинг барча участкаларидаги чуқур туб ўзгартиришларнинг бош йўналишини белгилаб беради. Қайта қуришни кенг халқ оммаси тушуниб, меҳнатда актив, манфаатдор бўлиб иштирок этиш билан кутиб олди, омма бундай қайта қуришда социализмни амалда мустаҳкамлаш, демократияни ривожлантириш ва чуқурлаштириш, ўз талабларини янада тўлароқ қондириш, ташаббускорликни яққолроқ намоён этиш имкониятини кўрмоқда.

Мамлакатда кечаётган кайта куришни партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев КПСС МК январь (1987 йил) Пленумида килган докладида хар томонлама ва аник таърифлаб берди. Пропагандист кайта куришнинг кенг микёсли характерга эгалигини, жамиятимиз хаётининг туб негизларига дахлдорлигини кайд килади. У мукаррар жараёндир. Эски даврга кайтиш йўк ва бўлмайди хам. Буни хар бир кишининг тушуниши ниходтда зарур. Кайта куришнинг мукаррарлиги шундаки, у амалда В. И. Лениннинг большевизмнинг хакконийлиги тўгрисидаги энг мухим гоясини амалга оширади — бу жараён жамиятимиз хаётини хакикатан хам янгилашга, уни янада яхширок, бегубор, адолатлирок килишга каратилган.

Кайта куриш, социал-иктисодий тараккиётни жадаллаштириш — КПССнинг стратегик йўлидир. Бу — Октябрь ишининг бевосита давоми, унинг буюк гояларининг конкрет тимсолидир.

Мамлакатимиз Октябрь революцияси галабасидан кейин жадал суръатлар билан ривожланди. Улуг Октябрь галабаси тарихий давр суръатини кудратли тарзда жадаллаштириб юборди. 20 йилдан камрок вакт ичида социалистик жамият асосан бунёд килинди. Тарихан киска муддат ичида социализмнинг тўла галабаси таъминланди. Жадаллаштириш объектив тарзда социалистик жамиятга хос бўлган ўз мохиятига кўра доимо янгиланиб ва такомиллашиб борадиган хусусият сифатида намоён бўлмокда.

Бу ўринда тингловчиларга хозирги пайтдаги кайта куриш, жадаллаштиришнинг илгари юз берган шундай жараёнлардан принципиал фаркларини тушунтириб бериш тавсия килинади.

Биринчидан, мамлакат тараккиётининг асос килиб олинган даражаларининг турличалиги. Агар эндигина Улуг Октябрь галаба килган пайтда бундай даража ниходтда паст бўлган, 40-йилларда эса унга уруш жиддий путур етказган бўлса, хозирги пайтда СССР кудратли иктисодий, маданий ва мудофаа потенциалига эгадир.

Иккинчидан, ривожланиш методларида фарклар бор. Агар илгари ривожланиш асосан экстенсив йўлдан борган бўлса, хозирги пайтда экономикани интенсивлаштириш, фан-техника тараккиётини жадаллаштириш хамма ишлар марказига кўйилган.

Учинчидан, хозирги туб ўзгартиришлар ривожланиш суръатлари жихатидан ажралиб туради. 2000 йилгача Совет хокимиятининг карийб 70 йили мобайнида яратилган иктисодий потенциални икки баравар ошириш вазифаси кўйилмокда.

Тўртинчидан, социал-иктисодий тараккиётни жадаллаштириш концепцияси кенг, комплекс характерга эга. Илгари, айникса Октябрь революциясидан сўнгги дастлабки йилларда ва, шунингдек, урушдан аввалги даврда мамлакат икки йўлдан бирини танлаши керак эди: ёки кишиларнинг турмуш даражасини онгли равишда чеклаш ва киска муддат ичида кудратли экономикани барпо килиш, мудофаа кобилиятини мустахкамлаш ёки империалистик реакциянинг бирлашган кучлари томонидан янчиб ташланиш. Хозирги вазият бошкача. Жадаллаштириш концепцияси фан ва техниканинг энг мухим йўналишларини ривожлантириш, мамлакатнинг мудофаа кобилияти лозим даражада бўлишини таъминлаш билан бир каторда совет кишиларининг фаровонлигини жиддий оширишни хам назарда тутади. Бу нафакат иктисодий, шу билан бирга жиддий социал жадаллаштириш хамдир.

Бешинчидан, хозирги шароитда инсон омилининг роли анча ошиб бормокда. Проблема психологик кайта куришни амалга оширишдан, янгича фикрлаш ва ишлашга бўлган хохишни ва кобилиятни хосил килишдан иборатдир.

Лекин шарт-шароитлар, жадаллаштириш ва кайта куриш методлари, йўллари бир-биридан канчалик фарк килса-да, барибир энг асосий нарса: Коммунистик партиянинг бу жараёндаги рахбарлик ва етакчилик роли ўзгармас бўлиб колаверди. Бу роль совет жамияти тарихининг барча кескин бурилиш боскичларида доимо бир хилда намоён бўлиб келди. Бугунги кунда — кайта куриш; социал-иктисодий тараккиётни жадаллаштириш ва ижтимоий хаётнинг хамма томонларини янгилаш боскичида — КПСС фаолияти янги мазмун билан бойимокда, у ички ва халкаро проблемаларга янада чукур, комплекс тарзда ёндашиш, коммунистик курилишнинг энг якин ва олис муддатдаги вазифаларини кўйиш ва хал этишда илмий асосланганликнинг кучайганлиги, улкан реализм ва эришилган даражани танкидий нуктаи назардан бахолаш, ўз ишининг услуб ва методларини такомиллаштиришга, унинг самарадорлигини оширишга интилиш билан фаркланиб турибди.

КПСС Программасида партиянинг сиёсий, ташкилотчилик ва идеологик фаолияти даражасига янада юксак талаблар кўядиган ички ва ташки йўсиндаги асосий омиллар очиб берилган. Пропагандист уларни тингловчиларга тушунтириб беради.

Социализмни такомиллаштириш, мамлакат социал-иктисодий тараккиётини жадаллаштириш вазифалари микёсларининг ўсиб бораётганлиги, мураккаблиги, бу вазифаларнинг бажарилишини, жамиятнинг иктисодий, социал ва маънавий тараккиётининг узвий ўзаро алокадорлигини таъминлайдиган сиёсатни ишлаб чикиш ва уни изчил амалга ошириш зарурлиги ана шу омиллар орасида дастлабкисидир.

Ўн иккинчи беш йиллик — мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришдаги тубдан бурилиш беш йиллиги партиянинг иқтисодий стратегиясини амалга оширишда ҳал қилувчи босқичдир. Пропагандист шу беш йиллик планининг асосий кўрсаткичларини тингловчиларга эслатиб ўтиши мумкин.

Фан-техника тараққиётини тубдан жадаллаштириш партия иқтисодий стратегиясининг туб масаласидир. КПСС Программаси халқ хўжалигини техника жиҳатдан тубдан реконструкция қилиш ва шу асосда жамиятнинг моддий-техника базасини жиддий ўзгартириш вазифасини қўйди. Партия томонидан XXVII съезд йўл-йўриқларига мувофиқ шу йўналишда ишлаб чиқилган ягона сиёсат омманинг ижодий активлигини максимал тарзда ривожлантирадиган, энг замонавий илмий ютуқларни мужассамлаштирадиган юқори самарали техника ва технологияни ишлаб чиқиш ва уларни ишлаб чиқаришга, хизмат кўрсатиш соҳасига ва турмушга жорий этишдан умумий иқтисодий манфаатдорликни ҳосил қиладиган бошқарув, инвестициялар системасини, хўжалик механизмини шакллантиришга қаратилгандир.

Суръатларни жадаллаштириш меҳнат унумдорлигини ошириш билан чамбарчас боғлиқдир, бутун халқ хўжалиги бўйича меҳнат унумдорлиги 2000 йилга бориб 2,3—2,5 баравар ошиши лозим, бу 20 миллиондан зиёд кишини кам малакали меҳнатдан озод қилиш имконини беради. Бу дунёдаги энг юқори меҳнат унумдорлигига эришиш йўлида муҳим марра бўлади.

Ҳозирги кунда комплекс мақсадли программалар: Озиқ-овқат, Энергетика, машинасозлик, халқ хўжалигини химиялаштириш, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш программаларини бажаришга катта аҳамият берилмоқда. Социализм имкониятларини тўлароқ амалда рўёбга чиқаришга имкон берадиган бир бутун, самарали ва қулай бошқарув системасини яратишга доир тадбирлар комплекси амалга оширилмоқда.

Совет кишилари турмушининг моддий ва маданий даражасини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш учун кўп ишлар қилиш лозим. Шу мақсадга ажратиладиган ресурслар ҳажмини аср охиригача икки баравар кўпайтириш, аҳоли жон бошига реал даромадларни 1,6—1,8 баравар ошириш мўлжалланмоқда, ғоят муҳим социал вазифа — 2000 йилгача ҳар бир оилани амалда алоҳида квартира ёки индивидуал уй билан таъминлаш вазифаси ҳал қилинади.

КПСС ўз сиёсати билан синфларнинг яқинлашишига, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги тафовутларни бартараф этишга, ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар иттифоқини, СССРдаги барча миллат ва элатларнинг дўстлигини мустаҳкамлашга ҳар тарафлама ёрдам бермоқда. Барча иттифоқдош республикаларни иқтисодий ва социал жиҳатдан ривожлантириш, ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришни такомиллаштириш, мамлакат ягона халқ хўжалик комплексини мустаҳкамлашга шу республикалар қўшадиган ҳиссани ошириш юзасидан янги кенг миқёсли вазифаларни бажариш лозим.

Партия фаолияти ўз табиатига кўра ҳар қандай маҳкамачилик ёки маҳаллийчилик манфаатларини истисно қилади, қудратли бирлаштирувчи асос бўлиб хизмат қилади. Айни шу ҳол туфайли у мамлакат тараққиётини жадаллаштириш вазифаларини амалга оширишда етакчи куч бўла олади. Шу билан Ленин партиясининг ҳозирги шароитдаги сиёсий раҳбарлигининг аҳамияти белгиланади, ҳар бир партия ташкилотининг, ҳар бир коммунистнинг КПСС XXVII съезди белгилаб берган энг яқиндаги ва истиқболдаги вазифаларни, партиянинг стратегик йўлини амалга ошириш учун масъулияти оширилади.

Омманинг сиёсий ва меҳнат активлигини ошириш, ишлаб чиқаришни, давлат ва жамоат ишларини бошқаришга уларни кенг жалб қилиш асосида сиёсий системани ривожлантириш, демократияни, халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқарувини чуқурлаштириш ҳозирги пайтда партиянинг раҳбарлик ролининг ошиб боришини олдиндан белгилаб берадиган иккинчи объектив омилдир. Бусиз мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш, жамиятнинг сифат жиҳатдан янги ҳолатига эришиш мумкин эмас.

Бу ўринда тингловчилар эътиборини КПССнинг етакчи куч, сиёсий система ядроси эканлигига қаратиш тавсия қилинади. Бу системанинг бошқа барча бўғинлари — мамлакат аҳолисининг барча табақалари, ҳамма миллат ва элатлар манфаатларининг бирлиги ва ўзига хослигини ифодалайдиган халқ депутатлари Советлари, касаба союзлар, комсомол, кооператив ташкилотлар ва уюшмалар, ижодий союзлар ва бошқалар партия раҳбарлиги остида иш олиб боради. Партия жамоат ташкилотлари, омманинг турли ташаббускор органлари обрў-эътиборининг ва таъсирининг доим ўсиб боришига ёрдам беради.

Совет тузуми демократизмининг чуқурлашиши халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқарувининг узлуксиз ривожланишида намоён бўлади. Бу ҳозирги пайтда жамиятимизнинг олға томон ҳаракатининг асосий омилига айланмоқда. Совет давлати тараққиётининг бутун тажрибаси иқтисодий ва социал ривожланиш йўлидаги ҳар бир янги қадам меҳнаткашларнинг куч-ғайратлари ва ташаббускорлигини активлаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирларни талаб этишлигини тасдиқлаб турибди. Фақат ишчилар

синфининг, бутун совет халқининг сиёсий авангарди — Коммунистик партиягина бундай активликни уйғота билиши ва зарур йўлга йўналтириши мумкин.

Социалистик ўз-ўзини бошқарувни ривожлантиришнинг асосий гаранти бўлган КПССнинг ўзи ҳам ижтимоий-сиёсий ўз-ўзини бошқарадиган ташкилотнинг олий формасидир. У партия ички демократиясини авж олдириш билан сиёсий системанинг барча бўғинларида ишлайдиган коммунистларнинг активлигини оширади. У ўзининг бутун фаолияти билан демократик ташкилот намунасини кўрсатади, бизнинг социалистик турмушимизнинг принциплари ва нормалари тобланадиган ва амалда синовдан ўтказиладиган ўзига хос социал ижодкорлик «лабораторияси» ҳисобланади. Машғулотда шуни таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиққи, партия ўзининг жамиятдаги раҳбарлик ролини маъмурий ҳокимият кучи билан эмас, балки аввало юксак сиёсий обрў-эътибори, ғоявий таъсири туфайли, хўжалик ва маданий қурилишнинг барча участкаларида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, қабул қилинган қарорларнинг ижросини текширишни ташкил этиш йўли билан амалга оширади.

Жадаллаштиришнинг хилма-хил вазифаларини амалга ошириш марксизм-ленинизм назариясини ижодий тарзда тобора ривожлантиришга, коммунистик қурилиш практикасини чуқур идрок этишга, давр ўртага қўяётган саволларга илмий асосда ва ўз вақтида жавоб топишга, меҳнаткашларнинг онгини ўстиришга, майда буржуа психологияси ва ахлоқи кўринишларини, социалистик турмуш тарзи нормаларидан ҳар қандай чекинишларни бартараф этишга эҳтиёжни келтириб чиқаради. Бу — совет жамиятида партия раҳбарлик роли ошиб боришининг учинчи омилидир. Ҳозирги шароитда марксча-ленинча назарияни ижодий ривожлантиришнинг, партия илмий фаолиятининг аҳамияти унинг жамиятимиз ҳаётининг ниҳоятда муҳим, кескин бурилиш босқичида совет халқининг навбатдаги ва истиқболдаги вазифаларини белгилаб бериши муносабати билан ҳам беқиёс даражада ошиб бормоқда.

Пропагандист назарияни ривожлантиришга ижодий ёндашув, ғоявий мазмуннинг, назарий тафаккурнинг теранлиги, янги вазифаларни қўйишдаги реализм ва дадиллик КПСС XXVII съезди ҳужжатларига хос хусусиятлар эканлигига тингловчилар эътиборини жалб қилади. Партиянинг асосий назарий ва сиёсий йўл-йўриқларидаги, унинг бош йўлидаги давомийлик, сиёсатининг ленинча новаторлик характери бу ҳужжатларда тўлалигича намоён бўлган.

КПСС МК апрель ва октябрь (1985 йил), июнь (1986 йил) ва январь (1987 йил) Пленумларининг қарорлари марксча-ленинча назарияни ривожлантиришда йирик босқичлар бўлиб қолди. Уларда ҳозирги пайтда янги ғоялар ва таклифларнинг доимий равишда оқиб келишининг қанчалик зарурлиги, уларни амалга ошириш юзасидан жўшқин ҳаракатларнинг нақадар муҳимлиги кўрсатиб берилган. Бу ҳужжатлар жонли фикр-мулоҳазалар уйғотади, жамият олдида турган вазифаларни янада чуқур тушуниш билан, уларни ҳал этиш йўллари ва методлари билан қуроллантиради, коммунистларнинг, барча меҳнаткашларнинг ташаббускорлигини ривожлантиришга ёрдам беради. КПСС МК январь Пленуми қарорларида қайта қуришнинг партиявий стратегияси, унинг асосий мазмуни, пировард мақсади, уни ташкил этувчи кучларнинг очиб берилганлигини машғулотда алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Партия XXVII съездида қайд қилинганидек, совет кишиларида мамлакатимизни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичининг кескин бурилиш характерига эгалигини чуқур тушунишни шакллантириш, ҳар қандай соҳада ишга масъулият билан муносабатда бўлишни тарбиялаш айникса муҳимдир. Съезд жамиятнинг етуклик даражасини ошириш, коммунизм қуриш — онгнинг етуклигини муттасил ошира бориш, инсоннинг маънавий дунёсини бойитиш демакдир, деб кўрсатиб ўтди.

Шундан сўнг пропагандист социалистик мамлакатларнинг халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг ҳар томонлама ҳамкорлигини чуқурлаштириш ва жипслигини мустаҳкамлаш, миллий озодлик кучлари билан бирдамлик, буржуа идеологиясига, ревизионизм ва догматизмга, реформизм ва сектантликка қарши кураш манфаатлари ҳам ҳозирги босқичда КПССнинг раҳбарлик роли ўсиб боришини тақозо этаётганлигини таъкидлайди (тўртинчи омил). Тингловчилар социализм мамлакатларининг ҳамкорлиги ва олға томон умумий ҳаракат жўшқинлигини ошириш масалалари билан курснинг бундан олдинги темасини ўрганиш чоғида танишган эдилар. Пропагандист ана шу теманинг асосий қоидаларини қисқача эслатиб ўтади.

Шу билан бирга КПССнинг халқаро коммунистик ҳаракатнинг ажралмас таркибий қисми эканлигини ҳам тушунтириш мақсадга мувофиқдир. Қуйидаги рақамлар ва фактларни мисол қилиб келтириш қизиқарли бўлиши мумкин: ҳозирда коммунистик ва ишчи партиялар қарийб 100 мамлакатда иш олиб боради ва ўз сафларида 80 миллиондан зиёд кишини, шу жумладан носоциалистик дунёда 5 миллиондан зиёд кишини —70-йиллар бошидагига нисбатан 1,5 миллион кўп кишини бирлаштиради; сўнгги 15 йил ичида 50 га яқин компартия янги ёки аниқликлар киритилган программавий ҳужжатларни қабул қилди.

КПСС коммунистик ва ишчи партиялар билан муносабатларни ривожлантиришга, ахборотлар алмашишга, икки томонлама ва кўп томонлама учрашувларда, регионал ва янада кенгрок халкаро кенгашларда катнашишга доимо эътибор бериб келмокда. Бизнинг партиямиз жаҳон коммунистик ҳаракатининг революцион идеаллари ва марксча-ленинча негизларини изчиллик билан ҳимоя килмокда, илмий социализм назариясини ижодий ривожлантирмокда, буржуа ва оппортунистик идеологиянинг барча кўринишларига карши кескин курашмокда. Бу ўринда шунингдек КПССнинг доимо Совет Иттифокининг озодликка эришган мамлакатлар билан алокаларини кенгайтиришга ва мустаҳкамлашга, бу мамлакатларнинг империализмнинг янги мустамлакачилик сиёсатига карши курашини кўллаб-кувватлашга каратилган йўлни амалга ошириши, социалистик йўлни кўзловчи давлатлар, революцион-демократик партиялар, кўшилмаслик ҳаракати билан мустаҳкам ўзаро ҳамжиҳатлик йўлини ўтказиши тўғрисида ҳам гапириб ўтиш керак. Ҳамма китъаларда тинчлик учун, демократия ва социал тараккиёт учун курашга йилдан-йилга янгидан-янги кучлар жалб килиниши сабабли ана шу барча соҳалардаги вазифалар вакт ўтаборган сайин янада мураккаброк ва кенг микёслирок бўлиб бормокда.

Империализмнинг агрессивлиги кучайганлиги муносабати билан ташки сиёсий шароитларнинг мураккаблашганлиги, ҳушёрликни ошириш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, агрессия кучларини жиловлашга, куролланиш пойгасини тўхтатишга, инсониятни ядровий фалокат хавфидан кутказишга, Ер юзида тинчликни мустаҳкамлашга каратилган куч-ғайратни янада ошириш зарурлиги — КПССнинг раҳбарлик роли ўса боришини такозо киладиган бешинчи омил ана шундай. Пропагандист тингловчилар эътиборини шунга жалб киладики, бизнинг партиямиз тобора кўпрок халкаро сиёсатнинг бевосита субъекти бўлиб бормокда, яъни у ҳозирги дунёнинг асосий тенденциялари ва зиддиятларини чукур ва ҳар томонлама анализ килмокда ва шу негизда бутун планета микёсида давлатлар ҳамда халкларнинг конструктив, бунёдкорона баҳамжиҳат ҳаракатини таъминлашга каратилган сиёсатни ишлаб чикмокда.

КПСС МКнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида халкаро хавфсизликнинг кенг камровли системасининг принципиал Асослари баён килинган, бу Асослар мантикий равишда КПСС Программаси коидаларидан келиб чикади ва тинч-тотув яшаш давлатлараро муносабатларнинг олий универсал принципи бўлиб колишига каратилгандир. Агар пропагандист мазкур Асосларнинг мазмунини, шунингдек КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачевнинг 1986 йил 15 январдаги Баёноти, ядровий портлатишларни бир томонлама тўхтатиш муддатининг бир неча марта узайтирилганлиги ва бошка шу сингари Совет Иттифокининг сўнгги пайтдаги тинчликсевар ташаббусларини тингловчиларга эслатиб ўтса (ёки олдиндан тингловчилардан бирига шундай килишни топширса), тўғри килган бўлади. Буларнинг ҳаммаси шуни кўрсатадики, ҳозирги пайтда КПССнинг халкаро сиёсатда тўғри йўлни ишлаб чикиш учун, мамлакатимизда коммунизм куриш учун кулай ташки шарт-шароитларни таъминлаш учун роли ва масъулияти ошиб бормокда.

КПССнинг раҳбарлик ролининг ўсиб боришини ижтимоий тараккиётнинг конунияти сифатида такозо киладиган омиллар ҳакидаги масаланинг партия Программасида асослаб берилиши, — деб якун ясайди пропагандист, — бу Коммунистик партия тўғрисидаги ленинча таълимотни янада ривожлантиришдаги ниҳоятда муҳим кадамдир.

КПССНИНГ СОЦИАЛ-ИКТИСОДИЙ ТАРАККИЁТНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ВАЗИФАЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШГА МЕҲНАТКАШЛАРНИ САФАРБАР КИЛИШ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТИ

Пропагандист теманинг бу бўлимини кўриб чикишга киришар экан, жадаллаштириш йўли жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳаётида реал сезиладиган бевосита самара беражагини таъкидлайди. Бу йўл ҳамма учун муҳим, ҳамма учун керакли ва фойдалидир. Лекин уни факат ҳамманинг ва ҳар бир кишининг куч-ғайратларини ишга солибгина амалга ошириш мумкин. Шу туфайли ҳам жадаллаштириш омманинг жонли ижодкорлигига, социалистик тузумнинг барча имкониятлари ва афзалликларидан максимал тарзда фойдаланишга асосланади. Факат шу йўл билангина совет жамиятининг сифат жиҳатдан янги ҳолатига эришиш мумкин ва эришилади. «Совет кишиларининг меҳнатсеварлиги ва истеъдоди, — деб таъкидлади партия XXVII съездида М. С. Горбачев, — кўйилган максадга эришишнинг ҳал килувчи шартидир. Энди иш ана шу буюк кучни моҳирлик билан ташкил этиш, аник йўлга солиб туришда колди». Шунинг учун, деб кайд килинди КПСС МК июнь (1986 йил) Пленумида, миллионлаб меҳнаткашларнинг активлиги, халк ижодкорлигининг микёслари ва чукурлиги кўп жиҳатдан партия ташкилотларининг кандай ҳаракат килишига боғлик. Факат инсонни уларнинг иш марказига кўйибгина партия XXVII съезди илгари сурган вазифаларни ҳал этиш мумкин.

КПСС МК январь (1987 йил) Пленуми ҳужжатлари партия ва халкнинг куч-ғайратларини дадил, чукур, кескин туб ўзгартиришларга сафарбар килишга хизмат

қилишини машғулотда алоҳида таъкидлаб ўтиш тавсия қилинади. Бу ҳужжатларда партия практикаси ва социалистик турмушнинг туб, энг долзарб масалалари анализ қилинган, қайта қуриш назарияси ва сиёсати ишлаб чиқилган, жамиятимиз ҳаётининг барча томонларини сифат жиҳатдан янгилашга, туб ўзгартиришга қаратилган стратегик йўл кўрсатмалари белгиланган, КПСС кадрлар сиёсатининг барча партия, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳал қилиши лозим бўлган ҳозирги вазифалари таърифлаб берилган. Пленум қарорида, жумладан, шундай деб кўрсатилади: «Партиявий раҳбарлик услубида диққат-эътиборни амалда омма ўртасидаги жонли ишга, қабул қилинаётган қарорларнинг ва белгиланадиган планларнинг амалга оширилишини ташкил этишга, халқ ташаббусини қўллаб-қувватлашга, новаторларнинг изланишларини рағбатлантиришга қаратиш зарур».

Янги шароитда, деб қайд қилади пропагандист, совет кишиларининг активлиги, уларнинг ўзгаришлардан жонли манфаатдорлиги анча ошади. Қайта қуриш жамиятнинг барча соғлом кучларини ҳаракатга келтирди, қилинаётган ишларга ишонч ҳосил қилди. У кенгайибгина қолмай, шу билан бирга турмушнинг энг чуқур қатламларигача етиб бормоқда. Совет кишилари ўзларининг ҳаётий режаларини, мамлакат ва умуман социализм тақдирини, давлатимизнинг халқаро позицияларини, Ер юзидаги тинчликнинг истиқболларини қайта қуриш билан боғламоқдалар.

Шу билан бирга қайта қуриш турмушимизни янгилашнинг нафақат қизғин тарафдорларини, актив иштирокчиларини, балки, шунингдек, қайта қуришга илашишга интилувчиларни ёки, Ленин таъбири билан айтганда, суқилиб кирувчиларни, мослашувчиларни, қўшилувчиларни, ҳақиқий янгиланишни хоҳламайдиганларни ҳам намоён қилди. Ўсиб бораётган ошкоралик, демократизм, халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқарувини кенгайтиришга ўтиш, яъни энг юқори даражадаги прогрессив ҳодисалар шароитида амалга оширилаётган йўлга пинҳона қаршилик қилувчи консерваторлар, эскилик тарафдорлари ҳам намоён бўлди. М. С. Горбачев ижтимоий фанлар кафедралари мудирларининг Бутуниттифоқ кенгашида сўзлаган нутқида қайд қилганидек, қайта қуриш давомида ғояларнинг, психологик йўл-йўриқларнинг, тафаккур ва хулқ-атвор услубларининг ҳамиша ҳам ошкора бўлмаган, аммо муросасиз ўткир кураши боради. Эскилик курашсиз таслим бўлмайди, у ҳаётнинг жўшқин маромига ҳар хил пуч ҳийла-найранглар билан мослашишнинг янги формаларини топади. Бунинг устига «жадаллаштириш», «қайта қуриш» деган тушунчаларнинг ўзини ҳам баъзида уларнинг янгилиги ва революцион моҳиятини пучга чиқаришга уриниб, умрини яшаб бўлган ақидалар ва қолиплар доирасига тиқишга ҳаракат қилмоқдалар. Шу билан бир қаторда тингловчилар эътиборини яна шу нарсага қаратиш керакки, қайта қуриш мухолифлари орасида нафақат унинг ғаразли рақиблари, шу билан бирга беғараз, ҳалол, лекин эски тасаввурларга асир бўлиб қолаётган, вужудга келган проблемаларнинг кескинлигини англаб етмаган кишилар, кенг демократизм шароитида жамиятимиздаги тартиб-интизом бузилмасмикан, бошқарув сусайиб кетмасмикан, интизомга, тартибга, масъулиятга бўлган талаблар бўшашмасмикан деб гумонсировчи кишилар ҳам бор.

Лекин қайта қуриш — ҳозирнинг ўзидаёқ реаллик, ҳаётнинг кўпгина соҳаларида яхшиликка томон сезиларли ўзгаришлардир. Мамлакатда янгича ижтимоий муҳит вужудга келмоқда. Ошкоралик, ҳодисалар ва воқеаларга баҳо беришда ҳаққонийлик, камчиликларга муросасизлик, ишни яхшилаш истаги каби принциплар актив иш кўрувчи принциплар сифатида қарор топмоқда. Ишлаб чиқаришда талабчанлик ўсди ва интизом мустаҳкамланмоқда, уюшқоқлик ошди, тартиб яхшиланди. Фан ва техника ютуқларини жорий этиш асосида халқ хўжалигининг моддий-техника базасини тубдан ўзгартириш, чуқур реконструкция қилиш юзасидан иш бошланиб кетди. Структуравий ва инвестиция сиёсатига ўзгартишлар киритилди. Хўжалик механизмини такомиллаштиришга, бошқарувга оид йирик чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Иш ҳақини оширишнинг янги принциплари ишлаб чиқилди ва турмушга татбиқ қилинмоқда. Якка тартибдаги меҳнат фаолияти соҳасидаги асоссиз чеклашлар олиб ташланди. Ишлаб чиқариш ва маиший хизматнинг турли соҳаларида кооперативларни ташкил этиш рағбатлантирилмоқда. КПСС МҚ январь Пленуми ҳозирги қайта қуришни ҳар томонлама таърифлаб, партиянинг бундан кейин ҳам шу йўлдан боришга, жамиятимизни тубдан янгилаш жараёнини янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришга қатъий қарор қилганлигини таъкидлади.

Сўнгра пропагандист партиявий ишдаги қайта қуришга тўхталади. Бундай қайта қуришнинг моҳияти — кишиларга, уларнинг орзу-умидлари ва ташвишларига, жонли ишга томон максимал тарзда бурилишдир. Қайта қуриш коммунистларнинг ташаббуси ва мустақиллигини кескин оширишни, фаолиятнинг давр руҳига мос янги форма ва методларини излашни тақозо этади. Бунинг учун у барча партия ташкилотларини, оддий коммунистлардан тортиб то ҳар қандай даражадаги партия раҳбарларигача — КПССнинг ҳамма аъзоларини қамраб олиши лозим. Фақат ўз-ўзини қайта қураётган кишигина ишда бошқалардан қайта қуришни талаб қилиш учун маънавий ҳуқуққа эга бўлади. Ҳар бир

киши қайта қуришни ўзидан бошлаши керак — партиянинг бу талаби КПССнинг ҳар бир аъзоси учун ўзгармас қонундир.

Проблемаларни қўйишда ошкоралик ва рўйиростликнинг ошганлиги, танқид ва ўз-ўзини танқиднинг юксак даражаси — партиявий ишдаги қайта қуришнинг муҳим хусусиятидир. Бу ҳозирги кунда ниҳоятда зарур. Давлат ва ички партия ҳаётида демократияга эришмагунча ўтмишдаги хатоларнинг такрорланмаслигига мустаҳкам гарантия бўлиши мумкин эмас, бундай демократиясиз жадаллаштириш ва қайта қуриш вазифаларини амалга ошириш юзасидан омманинг ҳақиқий ижодий, манфаатдор фаолияти ҳам бўлмайди.

Қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда гражданларнинг иштироки, корхоналарда раҳбарларни сайлаб қўйишни кенгайтиришга қаратилган йўл, бошқарув органларининг меҳнаткашлар олдида вақти-вақти билан ҳисобот бериб туриши, у ёки бу лавозимга тайинлашда жамоатчилик фикрининг ҳисобга олиниши ҳамма жойда ходимларнинг аттестациядан ўтказилиши — уларнинг ҳаммаси ва бошқа кўпгина нарсалар аста-секин ҳаётга кириб бормоқда. Партия демократиялаштириш жараёни билан ошкоралик ўртасида бевосита боғланиш ўрнатмоқда. Омманинг ҳамма нарсани билиши ва ҳамма ишни онгли равишда қилиши лозимлиги тўғрисидаги ленинча қоида ҳозирги шароитда ижтимоий практика нормаси бўлиб қолмоқда.

КПСС бир пайтлар танқид учун ёпиқ бўлган «зоналар»ни тугатди, танқиддан ҳимояланиш учун «имтиёзлар»ни бекор қилди. Танқидни бўғиш, шахсидан ва амалидан қатъи назар, қаттиқ қораланади. Биронта ҳам виждонли одам ҳақиқат учун азият чекмаслиги керак. Лекин кенг танқид ва ошкоралик, нуқсонларга қарши кураш шароитида иғвога ва иғвогарларга ғов қўйиш лозим. Бу ҳам сиёсий принцип ишидир.

КПСС танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш тўғрисида ҳар доим ғамхўрлик қилиш билан бир пайтда, деб қайд қилади пропагандист, қабул қилинган қарорларни назорат қилишни ва уларнинг ижросини текширишни кучайтиради. Бу ишнинг моҳияти ва уни ҳозирги шароитда ташкил этишга қандай ёндашиш кераклиги партия XXVII съезди томонидан очиб берилган. КПСС МҚ партиявий контролни ҳамма мансабдор шахсларга, ҳамма коммунистларга жорий қилишни талаб қилади ва ўзи шундай контрол соҳасида намуна кўрсатмоқда. КПСС МҚ Сиёсий бюроси ва Секретариати мажлисларида партиянинг энг муҳим қарорларининг бажарилишини текшириш тарзида министрлар, партия комитетлари секретарлари, бошқа раҳбар ходимлар мунтазам равишда ҳисоб бериб туришади. Ҳар бир ана шундай муҳокама — бу кадрларни юксак талабчанлик, уюшқоқлик ва ижрочилик руҳида тарбиялаш мактабидир. Ҳеч бир партия ташкилоти, ҳеч бир ходим назоратдан четда қолмаслиги керак — масаланинг шу тарзда қўйилиши халқнинг ўз-ўзини бошқарувини ривожлантириш вазифаларига мосдир.

Тингловчиларга шуни тушунтириш зарурки, КПСС СССР Конституцияси доирасида иш кўриб, давлат ва жамоат ташкилотларининг фаолиятини йўналтириб ва мувофиқлаштириб туради, бу ташкилотлардан ҳар бирининг ўз вазифаларини тўла-тўкис бажариши учун ғамхўрлик кўрсатади. Бироқ бу ишда ҳали ҳам камчиликлар бор. Партия органларининг бошқарувга оид, диспетчерлик функцияларини ўз зиммасига олишга интилишига ҳозирча барҳам берилмаган. Партия бу соҳада қайта қуришга, ҳамма даражаларда маъмуриятчилик элементларидан халос бўлишга чақиради.

Партиявий ишни қайта қуриш тўғрисида гапирганда, бу ишнинг марказий бўғини бошланғич партия ташкилоти эканлигини таъкидлаш зарур. Партиянинг социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришга доир сиёсий, ташкилотчилик ва идеологик фаолияти айни шу ерда тўпланади, КПСС сиёсати айни шу ерда миллионлаб коммунистларнинг куч-ғайратлари билан амалга оширилади, меҳнаткашларнинг кундалик турмуши, ишлари ва ташвишлари билан қўшилиб кетади. Шу туфайли уларнинг жанговарлигини, авангардлик ролини ошириш алоҳида аҳамият касб этади. Бошланғич партия ташкилотлари вазифаларининг доираси, иш йўналишлари КПСС Уставида баён қилинган (VI бўлим, § 58), пропагандист тингловчиларни улар билан таништиради. Шу билан бир қаторда ўзларининг меҳнат коллективларининг ҳаётидан олинган фактлардан фойдаланиб, мазкур бошланғич партия ташкилоти фаолиятининг турли томонларини батафсил муҳокама қилиш мумкин.

Партиянинг бутун тажрибасининг гувоҳлик беришича, кадрлар сиёсатининг ленинча принципларига ҳар доим қатъий риоя қилинган жойдагина муваффақиятга эришилади. Қайта қуришнинг ҳозирги босқичида бу масала биринчи даражали аҳамиятга эгадир. КПСС МҚ январь (1987 йил) Пленумида бу масала ўтмиш сабоқларини, жамиятимиз бошдан кечираётган давр характерини ва истиқболга мўлжалланган ривожланиш вазифаларини ҳисобга олган ҳолда кенг социал-сиёсий планда кўриб чиқилди.

Ҳаётимизни қайта қуриш, янгилашни аллақандай, бунинг учун махсус тайёрланган кишилар эмас, балки яқин-яқинларда ҳам маълум ножўя ишларга бепарво қараш, бўшашиш шароитида яшаган ва ҳаракат қилган кишилар амалга ошириши кераклигини машғулот қатнашчиларига тушунтириб бериш мақсадга мувофиқдир. Шу сабабли ҳам бугунги кунда инсон омилини активлаштириш, ҳар бир кишининг ички резервларини ҳар

тарафлама сафарбар килиш нихоятда мухим. Шу сабабли хам бугунги кунда истеъдодларни топа билиш ва уларнинг ўз жойида иш манфаатларини кўзлаб кобилиятларини тўла намоён килишлари учун имконият бериш тўғрисидаги ленинча маслахатларни амалга ошириш; новаторнинг дангаллик килмайдиган ва кобилиятсизлигини лаганбардорлик хамда хушомадгўйлик билан хаспўшлайдиган истеъдодсиз кимсадан кўра яхширок яшаши учун шароит яратиш шунчалик мухимдир. Шу сабабли хам фаолиятсизликка, тафаккурдаги ва ишлардаги консерватизмга, одат бўлиб колган, карор топган иш форма ва методларини ўзгартиришни хамда бугунги ва эртанги кун талабларига мувофик келадиган хамма нарсага йўл очадиган янгича иш форма ва методларига ўта олмаслик ва баъзан буни шунчаки хохламасликка бархам бериш максадида кадрларни психологик жихатдан кайта куриш давр талаби бўлиб колди.

Пропагандист бизнинг мамлакатимиз кудратли юкори малакали кадрлар потенциалига эгалигини кайд килади. Октябрдан сўнгги 70 йил ичида эришилган нарсаларнинг хаммаси — бу совет кишилари билак кучининг махсули, кадрларимизнинг фидокорона ишлари натижасидир. Шу билан бирга КПСС МК январь Пленумида кадрлар билан ишлашдаги хатолар, кадрлар сиёсатидаги четга чикишлар тўғрисида ўз-ўзини танкид рухида гапирилди. Келгусида хатоларга йўл кўймаслик учун ўтмишдан сабоклар чикариб олиш зарур. Машғулотда ана шу сабоклар хакида гапириб бериш лозим; улар М. С. Горбачевнинг Пленумда килган докладида баён килинган.

Партия кадрлар сиёсатини ўтказишни социал-иктисодий тараккиётни жадаллаштириш учун курашнинг асосий йўналишлари билан боғлайди. Барча юкори лавозимга кўтаришлар ва у мансабдан бу мансабга ўтказишлар учун мезон битта: ходимнинг амалий ва сиёсий хислатлари, реал ютуклари, партия йўлини хаётга актив татбик кила билиш кобилиятидир. Рахбар учун ғоявий саботлилик, катъий маънавий эътикод, юксак сиёсий маданият, принципиаллик ва компетентлилик, коллектив ишини ташкил эта билиш кобилияти, омма билан хар доим мулокотда бўлишга эхтиёж, халкнинг манфаатлари ва эхтиёжлари билан яшаш хос бўлиши лозим. В. И. Лениннинг «...идора килмок учун омилкор бўлиш керак..., ишлаб чикаришнинг хамма шарт-шароитларини мукаммал ва аник билиш керак..., бу ишлаб чикаришнинг хозирги даражадаги техникасини билиш, маълум илмий маълумотга эга бўлиш керак...» деган талаби (Тўла асарлар тўплами, 40-том, 248-бет) бугунги кунда хар качонгидан хам актуалрок жаранглaмокда. Хеч кандай халоллик, хеч кандай партиявий обрў ишни билишнинг ўрнини боса олмайди, деб уктирган эди В. И. Ленин. Партия ўз дохийсининг васиятларига амал килиб, рахбарларнинг янгиликни хис этиш туйғусига эга бўлишлари, истикболни кўра олишлари, социалистик омилкорликни, ташаббускорликни, ишга ижодий ёндашувни намоён килишлари учун интилади.

Шундан сўнг пропагандист маълум холатларга кўра кадрлар проблемасини хал этиш Ўзбекистон учун алохида ахамиятга эга эканлигига тингловчилар эътиборини жалб килади. Айни шу кадрларни танлаш ва жой-жойига кўйиш сохасидаги ленинча принципларнинг бузилиши якин ўтмишда бу ерда социалистик мулкни ўғирлаш, кўшиб ёзишлар ва таниш-билишчилик, порахўрлик ва кўзбўямачилик, юртдошлик ва коррупция, махаллийчилик ва махкамачилик, совет конунларини менсимаслик, республиканинг чўнтагида партия билети бор янгидан пайдо бўлган «хон»ларига мадхиялар ўкиш каби хунук ходисаларнинг кенг ёйилишининг асосий сабабларидан бири бўлиб хизмат килган эди. Социал адолатсизлик, жамиятнинг кўпгина демократик негизларининг поймол килиниши ахолининг бир кисми ўртасида миллатчилик ва диний тусдаги ғоявий кинғайишларнинг пайдо бўлишига, айрим одамларда жамият ишларига кизикишнинг сусайишига олиб келди, социал локайдлик ва тушкунлик ривожланди, истеъмолчилик психологияси илдиз отди.

Ўзбекистон Компартияси, унинг Марказий Комитети КПСС МК ёрдамига таяниб республикадаги мухитни соғломлаштириш, партиявий рахбарликдаги ленинча услубни, ижтимоий турмушнинг ленинча нормаларини кайта тиклаш учун аник максадга каратилган кураш олиб бормокда. Ўзбекистон Компартияси МКнинг XVI пленумидан (1984 йил июнь) сўнг кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли экономикада ва социал сохада ижобий ўзгаришлар юз берди. Ишлар ахволини объектив, ўз-ўзини танкид нуктаи назаридан бахолашга ўрганган, ишда расмиятчилик ва шаблондан воз кечаётган, тўпланиб колган проблемаларни хал этиш йўлларини, хўжалик юритишнинг, идеологик фаолиятнинг янги методларини дадилрок излаётган партия комитетлари ва ташкилотлари, мехнат коллективлари сони кўпаймокда. Советлар, касаба союзлари, комсомол ташкилотлари ишида эркинлик, мустакиллик ошмокда.

Лекин якин ўтмишдан колган салбий мерос хали хам экономика, социал турмуш тараккиётига тўскинлик килмокда. Республикада яхши томонга ўзгаришлар ғоят секин бўлмокда, умуман кайта куриш КПСС МК январь Пленумида айтилган партиявий талабларга мос эмас. Экономикадаги, тафаккурдаги турғунлик холатларига карши кураш даражаси бундай ходисалар микёсларига мувофик эмас. Баъзан кайта куриш тўғрисидаги гап-сўзлардан кейин конкрет иш кўринмайди. Ишлаб чикариш ва мехнатни рағбатланти-

риш ресурсларни тежашга ва интенсив ривожланишга сусткашлик билан мослаштирилмокда. Нафакат ўтмиш юки, шу билан бирга тегишли кадрларнинг бугунги кунда социал соҳага эътибор бермаётганлиги ҳам республиканинг уй-жой курилиши, медицина, савдо, коммунал-маиший хизмат кўрсатиш, мактаблар ва мактабгача тарбия муассасалари билан таъминлаш соҳаларидаги умумиттифок даражасидан жиддий оркада колишига сабаб бўлди.

Ўзбекистон Компартияси МКнинг шу йил 28 мартда бўлиб ўтган пленумида республикадаги ишлар аҳволи чукур ва ҳар томонлама анализ килинди, унда «КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленуми якунлари ва республика партия ташкилотининг кайта куришни жадаллаштириш ҳамда кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш соҳасидаги вазифалари» масаласи муҳокама килинди. Тингловчилар пленум ҳужжатлари билан пухта танишиб чикишлари лозим.

Пропагандист теманинг ушбу бўлимини кўриб чикишни якунлар экан, одамлар партия сиёсатининг тўғрилиги ва самаралилиги тўғрисида биринчи навбатда ўзларининг меҳнат ва турмуш шароитларининг яхшиланиши борасидаги конкрет натижаларга караб ҳукм чикаришларини, канча кўп вакт ўтгани сайин, бундай ҳукмнинг шунча катъий тус олишини таъкидлаб ўтади. Бу эса кайта куришга доир амалий фаолият партия, совет, давлат, хўжалик кадрларининг ишидаги энг муҳим жиҳат бўлиб колаётганлигини, бугунги кунда улар ишида ҳар кандай тўғри сўзлардан ҳам кўра ишларнинг ҳар качонгидан ҳам кимматлирок бўлиб колаётганлигини англатади. Шунинг учун ҳам ҳозир КПСС МК январь Пленуми талаб килганидек, билимдонлик билан актив, дадил, ижодий ҳаракат килиш, ҳаракат килиш ва яна ҳаракат килиш, нафакат кайта куришнинг заррача бўлса-да шатаксирашига йўл кўймаслик, балки шу билан бирга суръатларни ошириш, омманинг ташаббусини кўллаб-кувватлаш ва унга таяниш, жамиятни революцион тарзда такомиллаштириш учун кадрларнинг масъулиятини ошириш ғоят зарур.

КПСС — ЖОНЛИ, РИВОЖЛАНАЁТГАН ОРГАНИЗМ

Маълумки, деб кайд килади пропагандист, партия ишининг форма ва методларини сиёсий вазиятнинг ўзига хос хусусиятлари ва бундан келиб чикадиган вазифалар белгилайди. КПСС кайта куришнинг ташаббусчиси, илҳомчиси ва раҳбари эканлиги туфайли унинг иши янги вазифаларга иложи борича тўларок мос бўлиши, жадаллаштиришга каратилган стратегик йўлнинг ҳаётга муваффакиятли тарзда татбик килинишини гарантиялай олиши учун унинг ўзи такомиллаша ва ривожлана бориши, ўз ишини кайта куриши лозим. Партия ташкилотлари, деб таъкидлади КПСС XXVII съезди, ўзининг амалий фаолиятида шунга асосланишлари керакки, партиянинг ички ҳаёти канчалик ранг-баранг, сермазмун бўлса, унинг ижтимоий жараёнларга таъсири ҳам шунчалик кучли ва самарали бўлади.

Бу ўринда тингловчиларга партия состави тўғрисидаги айрим маълумотларни маълум килиш тавсия этилади. Мамлакатнинг катта ёшдаги аҳолисининг 9,7 проценти унга аъзодир. Ишчилар билан колхозчилар партия аъзоларининг кўпчилигини —56,8 процентини ташкил килади. КПСС мамлакатимиздаги 100 дан зиёд миллат ва элатлар вакилларини бирлаштиради. Коммунистларнинг 28,8 проценти хотин-кизлардир. Партия аъзоларининг тўртдан уч кисми моддий ишлаб чикариш тармокларида ишлайдиган кишилар. 1986 йилнинг 1 январига келиб КПССда 440363 бошланғич партия ташкилоти бор эди.

КПСС жамиятга сиёсий раҳбарликни амалга ошириш билан партия ишида ленинча услубни карор топтиради. Бу халкка чукур ишонч билдириш ва унинг олдида юксак масъулият ҳис этиш услубидир. Катъий илмийлик, коллектив тарздаги раҳбарлик ва топширилган иш учун шахсий масъулият, омма билан доимий алока, танкид ва ўз-ўзини танкид, контрол ва ижрони текшириш, ишчанлик, онгли интизом, кеккайишга ва кимнинг шаънига бўлишидан катъи назар ортикча мактовларга, бюрократизм ва расмиятчиликнинг ҳар кандай кўринишларига токатсизлик бу услубнинг асосий белгиларидир.

Партиявий ишнинг КПССнинг бутун тарихи давомида синалган ленинча принциплари, деб кайд килади пропагандист, ҳозирги шароитда самарали амал килмокда. Партия омманинг коллектив тарздаги акли ва тажрибасига кенг таянади, меҳнаткашларнинг ижтимоий ташаббусини ривожлантиради. У ғоявий-назарий, сиёсий-тарбиявий, ташкилотчилик ва хўжалик фаолиятининг бирлигига, ҳар кандай турғунлик ва консерватизмга карши муросасиз кураш олиб боришга, вужудга келаётган проблемаларнинг самарали ечимини ижодий излашга принципиал аҳамият бермокда.

Партия ташкилотлари практикасида шунингдек демократик централизм принципи ҳам актив «амал килади». Партиянинг ички ҳаёти тобора халк оммасига якин, сермазмун бўлиб бормокда (коллектив тарздаги раҳбарлик, танкид ва ўз-ўзини танкиднинг ривожланиши, дабдабабозликка карши курашнинг кучайиши, ошкораликнинг кенгайиши ва ҳоказо). Шу билан бирга партия ҳал килаётган вазифаларнинг мураккаблиги асосий йўналишларга кўпрок эътибор беришни ва шунга мувофик равишда социалистик тузумнинг барча

таркибий элементларига баркарорлик, бир бутунлик, уюшкоклик бахш этадиган централизмга оид негизларни янада ривожлантиришни такозо этади. Бу ерда централизмнинг демократиядан ажралмаслигини кайд килиш зарур: уларнинг бирлиги негизидагина ягона рахбарликни жойлардаги ташаббус ва ижодий активлик билан, хар бир органнинг, хар бир мансабдор шахснинг топширилган иш учун масъулияти билан энг яхши тарзда бирга кўшиб олиб бориш мумкин. Бирорта партия ташкилоти, бирорта ходимнинг контролдан четда колмаслиги кераклиги тўгрисидаги программавий коида шуни англатадики, контрол куйидан туриб назорат килишни — рахбарлар фаолиятининг партия оммаси, аввало партия ташкилотлари томонидан назорат килинишини кучайтириш воситаси ва шу билан бир вактда централизмни рўёбга чикаришнинг бир формаси — юкоридан туриб иш натижаларини, партия ва давлат интизомига риоя килинишини назорат килиш сифатида намоён бўлади.

Пропагандист хозирги пайтда партия интизомининг ахамияти ошиб бораётганини кайд килади. Чунки партия, В. И. Ленин таъкидлаганидек, «маълум ташкилий бирликдир ва бу ташкилотнинг интизомига бўйсунмайдиган, уни менсимайдиган, унинг карорларини оёк ости киладиган одамлар унга мансуб эмаслар. Бу асосий коидадир» (ТАТ, 24-том, 118-бет).

Коллектив тарздаги рахбарлик партия турмушининг энг мухим нормаларидан биридир. Уни янада карор топтириш максадида КПСС партия йигилишлари, пленумлари, конференциялари ва съездлари, партия комитетлари ва бюроларининг пухта ўйланган, асосланган карорларни ишлаб чикишда, уларнинг бажарилишини, рахбар кадрлар фаолиятини назорат килишни амалга оширишда коллегиал органлар сифатидаги ролини ва ахамиятини оширмокда. Бусиз иктисодий ва социал сохалардаги тобора мураккаблашиб бораётган жараёнларга рахбарлик килишнинг лозим даражада бўлишини таъминлаш, хўжалик-сиёсий вазифаларни амалга оширишга янгича ёндашувларни белгилаш мумкин эмас.

Тингловчиларга шуни тушунтириш мухимки, социал-иктисодий тараккиётни жадаллаштириш кўп жихатдан партия сафлари сифат составининг яхшиланиши билан белгиланади. Партиянинг XXVI ва XXVII съездлари ўртасидаги даврда у 1,6 миллион кишига кўпайди, бунда унга янгидан аъзо бўлган хар 100 кишидан 59 киши — ишчилар, 26 киши — халк хўжалиги турли тармокларининг мутахассислари; барча аъзо бўлганларнинг бешдан тўрт кисми — ёшлардир.

КПСС Уставида (1 ва 2-§лар) ким партия аъзоси бўлиши мумкинлиги ва коммунистлар олдига кандай талаблар кўйилиши белгилаб берилган. Партия Программасида айтилганидек, партияга мансублик хеч кандай имтиёзлар бермайди, балки мамлакатда килинаётган барча ишлар учун, коммунистик курилиш, социал тараккиёт такдири учун янада юксак масъулиятни англатади. Хар бир коммунист мехнатда ва хулк-атворда, ижтимоий ва шахсий хаётда намуна бўлиши зарур. Партиянинг омма билан алокаларининг мустахкамлиги, унинг халк ўртасидаги обрў-эътибори кўп жихатдан коммунистлар авангардлик ролининг нечоглик тўла намоён бўлишига боглик. КПСС хар бир коммунистдан ўз бурчига, партия аъзосининг халол ва покиза киёфасига нисбатан талабчанликни муттасил ошираверади, унга иши ва хатти-харакатига караб бахо беради.

КПССнинг куч-кудрати — унинг аъзоларининг юксак гоявийлигида, активлигида, фидокорлигида, хатти-харакатларининг бирлигидадир. Жамиятимиз тараккиёти йўлида унинг олдида турадиган вазифалар накадар мураккаб бўлса, хар бир коммунистнинг партия ва халк олдидаги масъулияти шу кадар улкан, партиянинг ўзининг хар бир аъзосига кўядиган талаблари шу кадар юксак бўлади.

Пропагандист машгулот якунида партия ишини кайта куриш коммунистлар партиясини янги хаётий кучлар билан тўлдиришини, унинг обрў-эътиборини янада оширишини, жамиятдаги рахбарлик ролини кучайтиришини таъкидлайди. Бу эса — мамлакатимизнинг узлуксиз тараккий этишининг, КПССнинг мамлакат социал-иктисодий тараккиётини жадаллаштиришга каратилган стратегик йўлини амалга оширишдаги муваффакиятнинг гаровидир.

Шубхасиз, машгулотлар жараёнида тингловчилар танкидий мулохазалар ва конкрет таклифлар айтишади. Бу мулохаза ва таклифларни корхона, муассасанинг партия, касаба союз ташкилотлари, маъмурияти эътиборига етказиш лозим.

ТЕМАГА ОИД АДАБИЁТ

К. Маркс, Ф. Энгельс. **Коммунистик партия манифести.** – Уч томлик танланган асарлар, Т., «Ўзбекистон», 1980, 1-том, 95-, 138-бетлар.

К. Маркс, Ф. Энгельс. **Коммунистлар Союзи устави.** – Асарлар, 4-том, 524 – 529-бетлар.

В. И. Ленин. **РСДРП уставининг лойихаси.** — Тўла асарлар тўплами, 7-том, 292 – 294-бетлар.

В. И. Ленин. **Коммунизмда болаларча «сўллик» касали.** — Тўла асарлар тўплами, 41-том, 1—115-бетлар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездининг материаллари. — Т., «Ўзбекистон», 1986, 3—6, 87—96, 130—134, 206—211-бетлар.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг материаллари. 1987 йил 27—28 январь. — Т., «Ўзбекистон», 1987.

КПСС Красноярск ўлка комитетининг меҳнаткашларнинг социал-маиший шарт-шароитларини яхшилашга доир иши тўғрисида. КПСС МК қарори. — «Правда», 1987 йил 18 январь.

КПСС МКнинг «Совет халқига Мурожаатномаси». — «Совет Ўзбекистони», 1987 йил 14 март.

М. С. Горбачев. **Быстрее перестраиваться, действовать по-новому.** Речь на встрече с трудящимися города Тольятти 8 апреля 1986 года. М., Политиздат, 1986.

Перестройка неотложна, она касается всех и во всем. Сборник материалов о поездке М. С. Горбачева на Дальний Восток 25—31 июля 1986 года. М., Политиздат, 1986.

Углублять перестройку, прибавить в работе. Сборник материалов о поездке М. С. Горбачева на Кубань и в Ставрополье 17—19 сентября 1986 года. — М., Политиздат, 1986.

М. С. Горбачев. **Қайта қуриш — халқнинг энг асосий иши.** СССР касаба союзлари XVIII съездида сўзланган нутқ. — «Ўзбекистон коммунисти», 1987, 4-сон, 14-28-бетлар.

М. С. Горбачев. **Ёшлар — революцион янгиланишнинг ижодкор кучи.** ВЛКСМ XX съездида 1987 йил 16 апрелда сўзланган нутқ. — «Ўзбекистон коммунисти», 1987, 6-сон.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1987 йил 29 мартдаги пленуми материаллари. — «Ўзбекистон коммунисти», 1987, 5-сон.

Шу билан «Ўзбекистон коммунисти» журнали «Мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш — КПССнинг стратегик йўли» курси темалари бўйича методик маслаҳатлар эълон қилишни тугаллайди.

ИККИ ДУНЁ — ОЗОДЛИККА ЭРИШГАН ДАВЛАТЛАРНИНГ ЭҲТИЁЖЛАРИГА ИККИ ХИЛ ЁНДАШУВ

Ғ. АҲМАДЖОНОВ,
тарих фанлари кандидати

МУСТАМЛАКАЧИЛИК СИСТЕМАСИНИНГ емирилиши, ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун, социал тараққиёт учун антиимпериалистик кураш йўлига ўтган ўнлаб янги озод давлатларнинг ташкил топиши миллий-озодлик революциялари ва ҳаракатларининг дунёдаги кучлар нисбатига жиддий таъсир кўрсатган тарихий ютуғи бўлди. Бу давлатларнинг кўплари, масалан, Ҳиндистон, Бирма, Сурия, Жазоир, Ливия, Нигерия, Марокаш ва бошқа давлатлар хўжалик ва маданий қурилиш, миллий давлат системасини мустаҳкамлаш соҳасида сезиларли муваффақиятларни қўлга киритдилар. Бу давлатлар халқларининг халқаро майдонда ўз ҳуқуқлари учун кураш олиб боришларининг коллектив формалари, энг аввало ҳозирги кунда Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги юздан ортиқ мамлакатни ўзида бирлаштирган қудратли қўшилмаслик ҳаракати юзага келди. Лекин мустамлакачилик ва ярим мустамлакачилик ўтмишидан қолган мерос, империализмнинг хатти-ҳаракатлари ана шу давлатларнинг ўз сиёсий мустақилликларини мустаҳкамлаш, иқтисодий ва социал янгиланишга қаратилган йўлида жиддий ғов бўляпти.

Урушдан кейинги даврда халқаро империализм янги мустамлакачилик эксплуатациясининг энг маккорона системасини вужудга келтириш ва йўлга қўйишга, озодликка эришган бир қатор давлатларни, шу жумладан, Покистон, Туркия, Заир, Миср, Жанубий Корея ва бошқаларни ўзига маҳкамроқ боғлиқ қилиб қўйишга муваффақ бўлди.

Янги мустамлакачилик сиёсатининг оқибатлари фожиали бўлиб чиқди. 2 миллиарддан ортиқ киши яшаб турган ривожланаётган мамлакатлар, деб таъкидланди КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездига Сиёсий докладида, аслида ёппасига қашшоқлик региони бўлиб қолди. Озодликка чиққан мамлакатларда 80-йилларнинг бошларида аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар даражаси умуман ривожланган капиталистик давлатлардагига нисбатан 11 бараварар кам бўлди. Сўнгги ўттиз йил давомида бу тафовут ошиб боряпти. Озодликка эришган мамлакатларда саводсизлик ва жаҳолат, доимо ёлчиб овқатланмаслик ва очлик ҳукм сурмоқда, болаларнинг нобуд бўлиши, юз миллионлаб кишиларнинг ёстиғини қуритаётган юқумли касалликлар авж олмоқда.

Ўз ривожланиши мобайнида озодликка чиққан мамлакатлар дуч келган эҳтиёжларга капитализм ва социализм бир-бирига тамоман қарама-қарши икки хил ёндашувни намойиш этаяптилар. Масалан, инсоният олдида турган уруш ва тинчлик каби муҳим проблемани олиб кўрайлик. Экономикасига қуролланиш пойгасининг салбий оқибатлари бевосита ёки билвосита таъсир этмайдиган бирорта мамлакатни топиб бўлмайди. Ҳарбий тайёргарлик жуда катта ресурсларни хазм қилиб юборадики, уларнинг анчагина қисмидан ёш давлатларни ривожлантириш учун фойдаланиш мумкин бўлур эди.

Стокгольмда жойлашган тинчлик проблемаларини тадқиқ этиш халқаро институтининг маълумотларига қараганда, 1975—1985 йилларда умумжаҳон ҳарбий харажатлари 507 миллиард доллардан бир триллион долларга етган. Бу

миқдор Африкада ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотдан қарийб икки баравар ва ривожланаётган мамлакатларга кўрсатилаётган жами расмий ёрдамдан деярли 17 баравар ортиқдир.

АҚШ ва НАТО составидаги бошқа давлатлар эса ҳарбий харажатларни бундан буён ҳам кўпайтира боришни режалаштирмоқдалар. Пентагон яқин беш йил мобайнида ҳарбий харажатлар учун салкам икки триллион доллар сарфлашни кўзламоқда. Буюк Британия, ГФР, Франциянинг ҳарбий қудратини 2000 йилгача ўстириш мақсадида жуда катта миқдорда маблағлар ажратилмоқда.

Қуролланиш пойгаси улкан молиявий, одам, хом ашё ва бошқа ресурсларни қамраб олган ҳолда, экономиканинг гражданларга тегишли соҳаларида инвестиция базасини торайтиради, социал-иқтисодий ривожланишга ғов солади.

Осиё ва Африкадаги оч яшаётган кишиларни (улар миқдори эса ярим миллиарддан кўпдир) озиқ-овқатлар билан таъминлаш учун ҳар йили қўшимча равишда 8 миллиард доллар ажратиш кераклиги ҳисоблаб чиқилган. Саводсизлик ва энг хавфли касалликларга барҳам бериш учун 22 миллиард доллар ажратиш керак. Замонавий битта танк ясаш учун кетган маблағнинг ўзигагина ривожланган мамлакатларда 30 минг бола ўқийдиган мактаблар қуриш мумкин.

АҚШнинг хорижий капитални ўз ҳарбий программаларини пул билан таъминлашга жалб қилишга интилиб, кредитларга қўйилган процент тўловларини ҳаддан ташқари ошириб юборганлиги «учинчи дунё» мамлакатлари учун янги оғир зарба бўлди. 80-йиллар бошида ривожланаётган мамлакатлар хусусий банклардан 11—12 процент қўшимча тўлов шарти билан қарз олардилар. 70-йиллар охири — 80-йиллар бошларида улар қарзларни тўлаш учун экспортдан олган тушумларининг чорак қисмига қадарини сарфлашга ҳамда жорий қарз тўловларини тўлаш учун доимий равишда қарз олишга мажбур бўлдилар. Оқибатда уларнинг умумий қарзи 1985 йилга келиб бир триллион долларга етди.

СССР ва Варшава Шартномасига кирувчи бошқа мамлакатларга қарши мухолифлик сиёсатини олиб бораркан, Қўшма Штатлар ва унинг НАТОдаги шериклари ўз ҳарбий-сиёсий таъсирининг географик чегараларини кенгайтиришга уриняптилар. Озодликка эришган мамлакатларга қурол-яроғ етказиб бериш ана шу стратегиянинг муҳим воситасидир. Озодликка эришган мамлакатларнинг жаҳон ҳарбий харажатларидаги салмоғи 1970 йилдаги 7,2 процентдан 80-йиллар ўртасида 18 процентга етди. 1984 йили бу давлатлар ҳарбий мақсадлар учун 117 миллиард доллар сарфладилар. Ана шу маблағларга ҳар бири 120 минг киловатт қувватли 300дан ортиқ иссиқлик электр станцияси, нефтни қайта ишловчи 300 завод, 1 минг химиявий ўғитлар заводи, 1600 қанд заводи қуриш мумкин эди. Ёш давлатлар армияларида 15 миллион киши бор. Кейинги йилларда жаҳон қурол-яроғ импортининг 75 процентга яқинини ана шу мамлакатлар ҳазм қилиб юборди.

Шуни таъкидлаш керакки, СССР айрим мамлакатларнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашда ёрдам кўрсатаётган бўлса-да, аммо савдо-тижорат соҳасида ривожланаётган мамлакатларга қурол-яроғ етказиб бермаяпти. Лекин ана шу ёрдам ҳам Ғарбнинг ҳарбий бизнесидан тубдан фарқ қилади. Ривожланаётган мамлакатлардаги совет қурол-яроғи улар халқларининг прогрессив ютуқларини ҳимоя қилиш мақсадига ва озодлик учун курашларига ёрдам бериш учунгина хизмат қилади. Ривожланишнинг прогрессив йўлидан чекинган айрим режимлар (масалан, Мисрда Садат ҳукмронлиги даврида шундай бўлган эди) ҳарбий ёрдамимиздан агрессив ҳаракатлар учун фойдалана бошласа, бундай ёрдам тезликда тўхтатиб қўйилади.

Кейинги йилларда АҚШ ва унинг НАТОдаги энг агрессив шериклари Жануби-Шарқий Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ, Африка жануби ва Марказий Америкадаги кескин вазият юзага келган ўчоқларга узлуксизлик характери бахш этиш йўлини тутмоқдалар, ривожланаётган мамлакатлар дунёсини бўлиб юборишга, уларни бир-биридан ажратиб қўйишга ва пировард натижада жаҳоншумул ишларда фаол иштирок этишдан четлаштиришга уринмоқдалар.

Партия Марказий Комитетининг КПСС XXVII съездига Сиёсий докладида таъкидланганидек, «империализм системаси кўп жиҳатдан ривожланаётган мамлакатларни талаш, уларни ниҳоятда шафқатсиз эксплуатация қилиш ҳисобига яшаб келмоқда». Ғарбга иқтисодий жиҳатдан қарам бўлган кўпгина ривожлана-

ётган давлатлар транснационал компаниялар томонидан йил сайин ваҳшиёна таланиб келинмоқда. Уларнинг тараққий этиш истиқболларини торайтирувчи, бусиз ҳам жуда оғир бўлган социал, иқтисодий ва бошқа проблемаларининг янада кескинлашувини муқаррар қилиб қўювчи катта ҳажмдаги қарздорлик ҳам ушбу аҳволни мураккаблаштиради.

Ҳозир мавжуд бўлган нотенг шароитларда ривожланаётган мамлакатлар қарзларни узишга қодир эмаслар. Бундай аҳвол халқаро муносабатлар учун таҳликали социал-иқтисодий ва сиёсий оқибатларга олиб келиши мумкин. Лекин империалистик доиралар, аввало АҚШ доиралари, «учинчи дунё» давлатларини эксплуатация ва ўта эксплуатация қилиш ҳисобига бойлик орттиришнинг ҳозирги системасини қандай қилиб бўлсада сақлаб қолиш ҳақидагина ташвиш чекяптилар. Бошқа бир нарса ҳам шубҳасиздир. Шу мамлакатларнинг триллион доллар қарзи билан АҚШ ҳарбий харажатларининг кейинги ўн йил мобайнида триллион доллардан ошганлиги ўртасида шаксиз сабабий алоқа бор. Ривожланаётган мамлакатлардан ҳар йили сўриб олинаётган 200 миллиард доллардан ортиқ маблағ билан кейинги йилларда АҚШ ҳарбий бюджетининг аслида шунча миқдордаги ҳажми ҳам мувофиқ келганлиги тасодифий эмас. Шу сабабли милитаризм янги мустамлакачилик усулидаги ўта эксплуатация системасини сақлаб қолишдан бевосита манфаатдордир.

Озодликка эришган мамлакатлар иқтисодий ва социал тикланиш программаси бажарилишини таъминлаш мақсадида борган сари мушкуллашиб бораётган хўжалик аҳволини яхшилаш учун ўз кучлари билан чора-тадбирлар топишга интилмоқдалар. Улар ташқи иқтисодий ёрдам ва тенг ҳуқуқли савдо-иқтисодий алоқаларни ушбу чора-тадбирларни амалга оширишнинг муҳим омилларидан бири деб қарамоқдалар. Ана шу мақсадлар учун Африка мамлакатларига, масалан, дастлабки 5 йилда 126 миллиард доллар зарур бўлади. Қитъадаги мамлакатлар ана шу сумманинг 88 миллиардини ўз ресурслари ҳисобидан қоплашлари керак, 38 миллиардини эса ташқи манбалардан олиш режалаштирилмоқда.

Озодликка эришган давлатларнинг кўпчилиги СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишни ташқи иқтисодий ва техникавий ривожланиш планларини муваффақиятли амалга оширишнинг гарови деб билмоқдалар.

Масалан, Совет Иттифоқининг ривожланаётган мамлакатларга кўрсатаётган иқтисодий ва техникавий ёрдами халқ хўжалигининг турли тармоқларида йирик корхоналарни лойиҳалаштириш ва бунёд этиш; комплект ускуналар ва қурилмаларни, шунингдек, материал ва эҳтиёт қисмларни етказиб бериш; ускуналарни монтаж қилиш ва созлашни ташкил этиш; геологик қидирув ва изланиш ишларини амалга ошириш; кредитлар бериш; илмий ҳужжатлар билан таъминлаш; малакали техник, маъмурий ва илмий кадрларни тайёрлаш тарзида амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз ўз ёрдамида қурилган корхоналарнинг оладиган фойдаларига аралашмаслиги ҳам совет ёрдамининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади; СССР ёрдамида қурилган халқ хўжалик объектларининг барчаси қайси давлат территориясида қурилган бўлса, ўша давлатнинг тўлиқ мулки саналади ва унинг миллий манфаатларига хизмат қилади.

СССРнинг ривожланаётган мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларида энергетика соҳасида бир томондан ёқилғи базасини яратишга, бошқа томондан эса ана шу мамлакатларда энергетика корхоналарини бунёд этиш ва энергосистемаларни ривожлантиришга ҳам қаратилган иқтисодий ва техник ёрдам (СССРнинг ана шу мамлакатлар группасига оид барча мажбуриятларининг салкам чорак қисми) кўзга кўринарли ўрин тутади. Совет Иттифоқининг ёрдамида Ҳиндистон, Афғонистон, Покистон, Бангладеш, Сурия, Ироқ, Эрон, ЯХДР, Туркия, Жазоир, Ангола, Миср, Ливия, Эфиопия, Марокаш, Нигерия, Тунис, Гвинея, Гвинея-Бисау, Замбия, Мали ва бошқа мамлакатларда иссиқлик ва гидроэлектростанциялар, электр узатиш линиялари ва бошқа объектлар бунёд этилган ёки бунёд этилмоқда. Ҳозирги вақтда электроэнергетиканинг яна 85 объектини бунёд этишга ёрдам беришни кўзловчи мажбуриятлар мавжуд.

1957 йилдан бошлаб СССР билан энергетика соҳасида ҳамкорлик қилиб келаётган Ҳиндистонда ҳозирги пайтда умумий қуввати 2,1 миллион киловаттли

электростанциялар бунёд этилган, йирик энергомашинасозлик базаси яратилган. Ўн иккинчи беш йилликда ҳам электроэнергетика соҳасида совет-ҳинд алоқаларини ривожлантириш кўзда тутиляпти.

СССР ёрдамида Сурияда бунёд этилган — 800 минг киловатт қувватли электростанцияси бўлган, 1980 йилдан бошлаб тўла қувват билан ишлаётган Фрот гидроузели экономикага таъсир кўрсатиш нуқтаи назаридан ноёб объект ҳисобланади. Фрот ГЭСининг арзон электр токи Суриянинг ана шу энергия манбаига бўлган эҳтиёжининг чорак қисмини таъминлаяпти. Бундан ташқари, Дамашқ районида қуввати жиҳатидан Фрот ГЭСидан сўнг иккинчи бўлиб қоладиган, 400 минг киловатт қувватли «Тишрин» иссиқлик электростанциясини бунёд этиш мақсадида тадқиқот ишлари бошлаб юборилди, электр узатув линияларини ўтказишда ёрдам бериш давом эттириляпти.

СССР ёрдамида Мисрда бунёд этилган энг йирик энергетика объектини — 2,1 миллион киловатт қувватли ГЭСи бор Асвон гидроэнергетика комплексини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Эксплуатация қилиниши мобайнидаёқ Асвон ГЭСи 90 миллиард киловатт-соатдан зиёд арзон электроэнергия ишлаб чиқарди. Ўн иккинчи беш йилликда Совет Иттифоқининг Миср қишлоқ районларини электрлаштиришга ёрдам беришини давом эттириш белгиланмоқда.

СССРнинг иқтисодий ва техникавий ёрдамидан фойдаланаётган давлатлар доираси кенгдир. Масалан, совет ташкилотлари Аргентинада таркибига 3,1 миллион киловатт қувватли ГЭС, шлюзлар системаси, дамбалар ва бошқа иншоотлар кирувчи «Парана Медио» гидроэнергетика комплекси биринчи навбатига доир лойиҳалаш-қидириш ишларида иштирок этдилар. Бразилиядаги Парана дарёсида 2,4 миллион киловатт қувватли «Илья Гранде» ГЭСини бунёд этишда иштирок этиш учун шартнома имзоланди.

СССР қора ва рангли металлургияни ривожлантиришда озодликка эришган мамлакатларга катта ёрдам кўрсатяпти. Масалан, СССР ёрдамида қурилган корхоналарда 1985 йили 14,6 миллион тонна чўян, 16 миллион тонна пўлат, 13,3 миллион тонна товар прокат ишлаб чиқарувчи қувватлар ишга туширилди. Буларнинг ҳаммаси ана шу мамлакатлар экономикасини ривожлантиришда жуда катта омил бўлди. Масалан, Бҳилаи ва Бокарода СССР ёрдамида қурилган металлургия заводлари 1984 йили Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган пўлат ва прокатнинг салкам 40 процентини берди. Эндиликда ана шу заводлар ҳар бирининг қувватини йилига 4 миллион тонна пўлат эритишга етказиш ишлари тугалланяпти, СССР ёрдамида Миср, Жазоир, Туркия, Эрон, Нигерияда металлургия комбинатлари қурилди ва қурилмоқда.

Совет Иттифоқининг ривожланаётган мамлакатларда нефтни қайта ишловчи ва нефть химияси саноатини тараққий эттиришга қўшаётган ҳиссаси беқиёсдир. 20 йил мобайнида ана шу тармоқдаги ҳамкорлик географияси анча кенгайди, унинг ҳажмлари икки ҳиссадан кўпроқ ошди. 1985 йил бошига келиб 61 объектга доир мажбуриятлар бор эди, бу объектларнинг 27 таси ҳозироқ фойдаланишга топширилган. Совет ташкилотлари ривожланаётган 30 мамлакатда геологик қидирув ишларини олиб бормоқдалар, у ерларда икки мингдан кўп совет мутахассислари меҳнат қилмоқдалар, ривожланаётган мамлакатларга жами салкам 6 минг геолог командировкага юборилган.

СССРнинг озодликка эришган мамлакатларда машинасозлик ва металлни қайта ишлаш тармоғини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси салмоқлидир, бу мамлакатларда металлургияга керакли, кон-шахта, юк кўтариш-ташиш ва бошқа хил ускуналар, қишлоқ хўжалик машиналари, металл кесувчи станоклар ва бошқа хил механизмлар ишлаб чиқарувчи заводлар бунёд этилди. Афғонистон, Ҳиндистон, Бангладеш, Эрон, Миср ва бир қатор бошқа мамлакатларда йирик машинасозлик объектлари яратилди ва лойиҳаси ишланмоқда.

Ана шу давлатларнинг қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатини ривожлантиришга Совет Иттифоқи кўрсатаётган ёрдам уларнинг ўзлари қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни кўпайтиришлари, уни қайта ишлашлари ва аҳолини истеъмол маҳсулотлари билан барқарор таъминлаб боришлари учун мустаҳкам ва узоқ муддатли моддий база яратади. Масалан, СССР ёрдамида Сурияда қурилган Фрот гидроэнергетика комплекси электроэнергия ишлаб чиқаришни анча оширибгина қолмай, балки тошқин хавфига ҳам барҳам берди,

бунёд этилган сув омбори эса пахта, дон ва бошқа экинлар майдонларини кенгайтириш учун катта имкониятлар очиб берди. Истиқболда эса яна салкам 640 минг гектар қурғоқ ерларни суғориш мўлжалланмоқдаки, бу мамлакатдаги суғориладиган ерлар майдонини тахминан икки баравар кўпайтиради.

Совет ташкилотларининг ёрдамида ривожланаётган мамлакатларда умумий ҳажми салкам 1,9 миллион тонна бўлган дон элеваторлари қурилди, 1,7 миллион гектар ерда ирригация ишлари амалга оширилди. Бунёд этилган саноат корхоналарида минерал ўғитлар, тракторлар, қишлоқ хўжалиги учун зарур бошқа хил техника ва инвентарлар ишлаб чиқариляпти.

Ривожланаётган давлатлар учун миллий кадрлар тайёрлашда СССР кўрсатаётган ёрдамни алоҳида таъкидлаш керак. Масалан, объектларни қуриш ва фойдаланишга топшириш жараёнида маҳаллий ходимларни бевосита иш жойларининг ўзида ишга ўргатиш системаси 1985 йилда 900 мингдан кўпроқ кишини ўз ичига олди. Миллий кадрларни тайёрлашда уларнинг СССРдаги ўрта махсус ва олий ўқув юртларида таълим олишлари каттагина роль ўйнамоқда. Ҳозирги пайтда Совет Иттифоқининг 300 олий ўқув юрти ва техникумида ўқиётган чет эллик студент, аспирант ва стажёрларнинг миқдори қарийб 80 минг кишига етади, улар Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги 113 мамлакатдан келганлар.

Озодликка эришган давлатларнинг СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар билан иқтисодий ва техникавий ҳамкорлигининг кенг миқёсда ривожланганлиги халқаро муносабатлар соҳасида империализм монополиясини тугатишга имкон яратди. Ривожланаётган мамлакатлар олдида ўзларининг қонуний, шу жумладан, иқтисодий манфаатларини қондириш, янги халқаро иқтисодий тартиб ўрнатиш учун кураш бошлашнинг реал имконияти очилди.

Капиталистик системанинг озодликка эришган мамлакатларнинг эҳтиёж ва орзу-умидларига ёндашувига талон-торож қилишнинг неоглобалистик сиёсати, миллий-озодлик ҳаракатини бостиришга интилиш хосдир. Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан сўнг империалистик мамлакатлар қарийб 120 та мустамлакачилик, кўзғолончиларга қарши, «чекланган», «маҳаллий» ва бошқа истилочилик урушлари ва конфликтларини бошлаб берганлиги ёхуд иғво-фитналар ёрдамида кўзғаганлигини, уларда, БМТнинг маълумотларига қараганда, 22 миллиондан кўпроқ киши қирилганлигини айтишнинг ўзи кифоя қилади. Ҳозирги империализм зиммасига ўзининг «неоглобалистик» даъволари билан биргаликда нафақат собиқ мустамлакаларнинг социал-иқтисодий қолоқлиги учун, балки кичкинагина Гренадани босиб олганлик учун, Кампучия, Ливан, Ливия, Никарагуа, Африка жануби ва дунёдаги бошқа районларда хавфли қуролли ихтилофларга йўл очиб бергани учун ҳам асосий масъулият юкланган. Бугунги кунда ривожланаётган мамлакатлар ҳамма кулфатлари ва иқтисодий қолоқлигининг бош айбдори — АҚШ империализмидир.

Империалистларнинг экономикани ҳарбийлаштиришга қаратилган сиёсати барқарорликни йўқотувчи оқибатларга олиб келади. М. С. Горбачев Владивостокда 1986 йил июлида сўзлаган нутқида айни шуни кўзда тутган эди: «Ана шу (яъни, ривожланаётган — **ред.**) давлатларнинг мустамлака ўтмишидан мерос қолган, шунингдек, ҳозирги ривожланиш зиддиятларидан келиб чиқаётган ўнлаб, юзлаб жуда ўткир проблемалари мавжуд. Бу давлатларни эса блокларга тортмоқдалар, ўз ресурсларини тасарруф этиш эркинлигини чекламоқдалар, ҳарбий бюджетларини оширишга мажбур этмоқдалар, қуролланиш пойгасига, экономикани ва ижтимоий турмушни ҳарбийлаштиришга жалб қилмоқдалар».

Лекин озодликка эришган мамлакатлар миллий ва иқтисодий мустақиллик учун олиб бораётган оғир курашларида ёлғиз эмаслар. Осиё, Африка ва Лотин Америкаси халқларининг империализмга қарши, ўз ресурсларини мустақил тасарруф этиш ҳуқуқини қўлга киритиш, халқаро муносабатларни тенг ҳуқуқли демократик асосда қайта қуриш, янгича халқаро иқтисодий тартибни бунёд этиш учун олиб бораётган адолатли курашини қўллаб-қувватлаётган СССР, социалистик ҳамдўстлик бошқа давлатлари улар томонидадир.

ТАРИХ ҲАҚИҚАТИ АНТИКОММУНИЗМ ЁЛҒОНЛАРИНИ ФОШ ЭТАДИ

Г. ҲИДОЯТОВ,
тарих фанлари доктори

Ф. ЭНГЕЛЬС буржуа историографиясига баҳо берар экан, шундай деб ёзган эди: «Буржуазия ҳамма нарсани, демак, тарихни ҳам товарга айлантиради. Ўз табиати туфайли, ўз мавжудлигининг шарт-шароитлари туфайли унга ҳар қандай товарни сохталаштириш хосдир: у шу жумладан тарихни ҳам сохталаштириб келди. Зеро, тарихни сохталаштириш буржуазия манфаатларига энг мос келувчи тарих асарига ҳаммасидан яхшироқ ҳақ тўланади» (К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 16, с. 524).

Ҳалокатга маҳкум этилган синфларнинг ҳаммаси ўзларига қарам олимларни тарихни бузиб кўрсатишга мажбур этадилар, бу билан ўзларининг яшаш ҳуқуқларини асосламоқчи бўладилар. Лекин буржуазия бу борада илгари маълум бўлган барча рекордларни орқада қолдириб кетди. У халқларни итоат этиш ва бўйин эгишга ўргатиш мақсадини кўзловчи идеологик қайта ишлаш учун фактларни бузиб кўрсатишнинг макрли воситаларини ишлаб чиқди ва айни вақтда буржуазиянинг сиёсий манфаатларига жавоб берувчи, унинг жуда оғир ва ифлос жиноятларини малайларча оқловчи тарих асарларини яратишга мажбур этилган тарихчиларнинг бутун бир армиясини тайёрлади.

Марксистик тарих фанининг буржуа сохталаштирувчиларга қарши кураши ҳозирги пайтда икки жаҳон системаси идеологик қарама-қарши курашининг энг муҳим жабҳаси бўлиб қолди.

* *
*

Буржуазия тарих ҳақиқатидан, унинг коммунизм муқаррар тантана қилишини исботлаб кўрсатувчи қонуниятларини эътироф этишдан қўрқади. Бунинг натижасида у тарихнинг буржуазия мангу яшаши ва унинг ҳокимиятига асос бўлган иқтисодий ва социал омиллар ўзгармаслигини исботлаши керак бўлган методологиясини ишлаб чиқиш учун барча кучларини сафарбар этмоқда. Тарихий факт ва воқеаларнинг ҳаммаси ана шу андазага мослаштирилиб, барча нарса таниб бўлмас даражада бузиб юборилган, ҳақиқат ёлғон, сохталаштириш ва пуч уйдирмалар уюми остида кўмилиб кетадиган ўзига хос ғайритарихни қарор топтирмоқда.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнг буржуа историографияси социализм, тинчлик, демократия ва тараққиётга қарши курашда халқаро империализм стратегияси билан борган сари чамбарчас бўлиб бормоқда. Антикоммунизм ва антисоветизм буржуазия ўзининг дунёда ҳукмронлиги энг юксак чўққига чиққан пайтларда мақтаниш ва сафсатабозлик қилиш қуроли бўлмиш либерал позитивизм ва буржуа объективизми принципларини буржуа историографиясидан ситиб чиқара борди. Совет давлатининг қудрати ва таъсири, социализм қурилишидаги муваффақиятлар кучайиб борган сари бу тенденция ўсиб борди.

Ҳукмрон синфнинг антисовет ва антикоммунистик таассублари тутқини бўлган ва унинг таъсирини етказувчилик ролини ўйновчи буржуа историографияси ўтмишни ва кишилик жамияти тараққиётининг объектив қонуниятларини илмий баҳолашга қодир эмаслигини, ҳозирги даврнинг муҳим проблемаларига илмий жавоб беришга бутунлай ноқобиллигини намойиш этди. Ғарбда тарих фани чуқур кризисни бошидан кечирмоқда, коммунистик ғояларнинг тез ўсиб бораётган таъсири сиқуви остида унинг пуч эканлиги кўриниб қолди.

Шу билан бир вақтда жаҳон майдонида социализм ва капитализмнинг бир-бирига буюк қарама-қарши туриши, идеологик жиҳатдан қарама-қарши кураши буржуа тарихчиларини тарихнинг марксистик методологиясига қарши қандайдир позитив альтернатива излашга, капиталистик системанинг тарихий ҳалокатини хаспўшлаши лозим бўлган устомон концепциялар яратиш устида иш олиб боришга мажбур қилди. Бу эса буржуа историографиясида худо изловчилик, неокантчилик ва объектив идеализмга асосланган бир қатор янги мактаб ва йўналишлар пайдо бўлишига олиб келди. Буржуа тарих фанида радикал ўзгаришлар юз бергани йўқ, унинг ҳозирги пайтдаги арзимас даражадаги эволюцияси эса моҳиятан олганда обрўсини тўкиб қўйган эски концепциялар ўрнини бир оз модернлаштирилган, идеологик курашнинг янги шароитларига мослаштирилган концепциялар олганлигини англатади.

Етакчи буржуа мактаблари фаолиятида замонавий капитализмнинг ҳукмрон идеологик ва сиёсий концепциялари билан айрим проблемаларни конкрет тарихий йўсинда ишлаб чиқишлар ўртасида узвий алоқа таркиб топган. Улар ўз олдиларига тарихий материализмни ва тарихга ривожланишнинг ижтимоий-иқтисодий формациялар алмашиниб турувчи ягона қонуний жараёни сифатида қарашни рад этишдек мақсадни қўйганлар.

Буржуа идеологларининг тадқиқотлари конкрет-тарихий жиҳатдан ўтакетган субъективизм тусида бўлиб, антикоммунизм ва антисоветизм билан тўлган, СССР тарихига, коммунистик, ишчилар ва миллий-озодлик ҳаракатлари тарихига, демократия ва тараққиёт билан боғлиқ тарихий воқеаларнинг ҳаммасига нисбатан тенденцияли мухолифлик билан йўғрилган.

Ҳозирда СССР тарихи буржуа тарих мактаблари яратаётган асарларда марказий ўринни ишғол қилаётгани ажабланарли ҳол эмас. Ҳозирги империализмнинг маънавий ва сиёсий қуроли бўлган, ғарб давлатлари реакцион-консерватив доираларининг социал буюртмасини бажарувчи антикоммунистлар мамлакатимиз тарихи соҳасидаги тадқиқотлар учун танҳо ҳуқуққа эга бўлиб олишга уринмоқдалар, буржуа тарих фанини амалда антисовет қарашларни ёйиш ва антисовет жазавани авж олдириш воситасига айлантирдилар. Таниқли француз тарихчиси Жак Валленштейн Ғарбда СССР тарихига бағишланган муфассал асарлар жуда камлигини ва кейинги 60 йил ичида ёхуд очиқ антисовет характердаги ёки жиддий қабул қилиш учун жуда юзаки бўлган асосан ўртамиёна асарлар нашр этилганини қайд этади.

Албатта, қатъий методологик принципларга эга эмаслик буржуа тарихчиларига проблемаларнинг концептуал ишланмаларини яратиш учун, у ёки бу ҳақиқий фактни объектив равишда англаб етиш учун имконият бермайди. Шу билан бир вақтнинг ўзида буржуа авторларининг асарларида тарихий тадқиқотнинг энг оддий талабларини онгли суратда назар-писанд қилмаслик мавжудлигини кўрмаслик мумкин эмас.

Масалан, буржуа историографияси мамлакатимизда социалистик қурилиш тарихининг социализм ғоясининг обрўсини тўкиш ҳамда партиямиз ва ҳукуматимиз сиёсатини ва туб социал ўзгартишларни бузиб кўрсатиш мақсадини кўзлаган сийқа моделини яратди. Унинг куч-ҳаракатлари ғарб мамлакатлари жамоатчилигини Совет Иттифоқидаги авж олган янги турмуш учун улкан жангдан хабардор қилмаслик, Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатидан норозилик уйғотиш, коммунизмга қарши иммунитет ҳосил қилишга йўналтирилган. Россия марксизм-ленинизм ғоялари практикада амалга оширила бошланган, музаффар социалистик революция жаҳон халқларига барча формадаги зулмни тугатиш учун ягона тўғри йўлни кўрсатиб берган биринчи мамлакат бўлди, сотқин буржуа матбуоти ва ана шундай сотқин буржуа тарих фанининг ҳужуми айни ана шу мамлакатга қарши

каратилган эди. «Бошқа мамлакатларнинг империалистлари ва капиталистлари, — деган эди В. И. Ленин, — Россиянинг тамом шайланиб турганлигини, Россияда фақат рус капиталининг эмас, балки халқаро капиталнинг ҳам тақдири ҳал қилинаётганини тушунадилар. Шунинг учун улар ўзларининг бутун матбуотларида — буржуазиянинг миллион-миллион ва миллиард-миллиард пулга батамом сотиб олинган бутун дунё матбуотида — большевикларга қарши беҳад кўп ёлғон-яшиқ гаплар тарқатмоқдалар» (Тўла асарлар тўплами, 39-том, 159—160-бетлар).

Совет Иттифоқига қарши қаттиқ ҳужум бошлаган антикоммунизм идеологлари, табиийки, Россиянинг революциягача бўлган тарихини ҳам четлаб ўта олмас эдилар. Улар бу тарихни бошқатдан ёзиб чиқишга уринадилар, тарихий воқеа ва фактларни бузиб талқин қиладилар. Масалан, рус халқига «азалий тажовузкорлик», доимий истилочилик урушлари ва бошқа халқлар озодлигини бўғиб туриш хослигини тиқиштирмоқчи бўладилар. Бундай концепциялар, равшан, ғарб давлатлари, биринчи навбатда АҚШ олиб бораётган агрессия, қуролланиш пойгаси ва кескинликни кучайтириш сиёсатини тўғридан-тўғри қувватлашни кўзлайди.

Антикоммунистик тадқиқотлар ва антисовет пропаганда марказлари рус тарихини тайёрлашда кенг фойдаланиш учун таклиф қилинадиган тавсиялар ишлаб чиқадилар. Масалан, 1971 йили Сиэтлда тайёрланган «Шарқий Европада миллатчилик» монографиясининг авторлар коллективи уларнинг назарида Россия тарихини ишлаб чиқиш учун ҳал қилиш керак бўлган қуйидаги вазифаларни қўйдилар: 1) рус давлатининг қўшнилари билан муносабатлари тарихидан баҳсли территория масалаларини излаб топиш ва уларни таъкидлаш; 2) русларга қарши фикрларини очиқ изҳор қилган ва Россияга қарши фаолият кўрсатган тарихий шахсларни мадҳ этиш ва уларнинг аҳамиятини ошириб кўрсатиш; 3) Россиянинг умуман бутун ташқи сиёсатини сохталаштириш, унга «азалий» агрессивлик интилишларини, бегона территорияларни босиб олиш ва бошқа халқлар озодлигини бўғиш ниятини тақаш; 4) социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг, биринчи навбатда, СССР билан Шарқий Европа мамлакатлари муносабатлари тарихини бузилган ҳолда кўрсатиш.

Антикоммунизм идеологлари тақдим этаётган рецептлар халқлар ўртасидаги ишончсизликни ўт олдиришга, миллатчиликни кучайтиришга қаратилганлигини сезиш қийин эмас, уларнинг фикрича, бу ҳол Совет Иттифоқининг обрўсини тўкиши, КПСС ва давлатимизга нисбатан кенг антипатияни туғдириши керак. Коммунистик ҳаракатларни тадқиқ этиш институтининг собиқ директори, АҚШдаги антикоммунистик ташкилотлар фаолиятини йўналтириб турувчи уч ёқлама комиссияга 1973 йилдан бери директорлик қилаётган З. Бжезинский ҳозирги буржуа историографиясининг ана шу хусусиятини таъкидларкан, «Форин афферс» журналида ана шундай антисовет пропагандани янада интенсив изга солиш демократик, тинчликсевар кучларни бўлиб юборади (реакцион империалист доиралар шунга умид қилмоқдалар ва куч-ҳаракатларини шунга йўналтирмоқдалар) деб ёзди. Унинг фикрича, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига антикоммунистик ғояларнинг сукулиб кириши «Ғарб ва Шарқ ўртасидаги компромиссга тазйиқ кўрсатишни кучайтирган ҳолда коммунистик доктрина биносининг жуда эскирган четларини синдириб ташлайди». Ана шу ғояларни қандай олиб кириш ҳақида эса, деб таълим беради ашаддий сохтагўй, — ғарбдаги махсус хизматлар, «Америка овози», «Озодлик» радиостанциялари ва кўп сонли антисовет нашрлар ташвиш чекишлари керак.

* *
*

Антикоммунизм идеологлари рус тарихи проблемаларининг комплексида Ўрта Осиёнинг XIX асрда Россияга қўшиб олинишига жуда муҳим аҳамият берадилар. Буржуа авторларининг ана шу масалага доир асарлари, Россиянинг шаънини булғашга ёрдам берувчи ҳамма воситалар яхшидир, деган ягона принципга асосланиб ёзилишини яққол намойиш этмоқда. Антикоммунизм идеологлари Россия тарихининг ана шу саҳифасини ҳаддан ошиқ жўнлаштириб, уни фақат чор

золимлари, бефаросат фельдфебель ва шаҳар ҳокимларининг кирдикорлари билан боғлик қилиб қўядилар, салбий жиҳатларни ҳаддан ташқари шишириб, мураккабликларни бузиб кўрсатиб, Россияни яхши томондан кўрсатувчи жиҳатларнинг ҳаммасини тилга олмасликка интиладилар.

Ўз вақтида Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олиниши проблемаси Британия империалистларининг «рус хавфи» тўғрисида энг кўп тарқалган афсоналаридан бирини асослаш учун кенг фойдаланилиб, бир ярим асрдан ортиқ вақтдан бери Англиянинг Осиёдаги истилочилик сиёсатини оқловчи ва хаспўшловчи восита бўлиб хизмат қилиб келди. Лекин ана шу товламачиликдан иборат уйдирма бошқа бир мақсадни ҳам кўзлар эди. У Россияни Британиянинг Осиёдаги манфаатларининг бош душмани қилиб кўрсатиб, инглиз халқида шовинистик кайфиятлар кенг тарқалиши, оммада мустамлакачилик ғояларининг илдизларини ўстириш ва қаттиқ антирус сиёсат олиб бориш учун урушқоқлик талабларини авж олдириш воситаси бўлиши керак эди. XX асрда «рус хавфи» тўғрисидаги афсона Ҳиндистон, Бирма, Афғонистон, Эрон ва бошқа мамлакатлардаги миллий-озодлик ҳаракатига қарши репрессияларни кучайтириш учун баҳона бўлиб қолди.

Эндиликда ана шу афсона қайтадан тирилтирилди. Антикоммунистик пропаганданинг раҳбарлари ва ғоявий илҳомчилари жамоатчиликни чалғитиш ва Совет давлати обрўсини тўкиш мақсадида уни ўзлари учун восита қилиб олдилар. Бироқ Британиянинг эски концепцияси мураккаблаштирилиб, ҳозирги шароитларга мослаштирилди. Аввало ғарб давлатларининг ҳаммасига хос бўлган иллатлар энди Россияга ёпиштириляпти. Амалда ҳозир Россиянинг Ўрта Осиёдаги сиёсатини Жанубий Африка апартеиди, индеец қабилаларига нисбатан Шимолий Америкадаги геноцид ва Ҳиндистонни талашнинг инглизча системаси бирикмаси сифатида тасвирловчи концепцияни яратиш тўғрисида гап бормоқда.

Бундай сохталаштиришдан кутилган мақсад аниқ — Осиё халқларининг Совет давлатига нисбатан ишончсизлиги учун замин яратиш, уларни агрессив антисовет пакт ва блокларга тортишдир. Буржуа идеологлари СССРда эски чор империяси янги шаклда сақланиб қолган деб даъво қилиб, миллий-озодлик ҳаракатини унинг Совет Иттифоқидек табиий, мустаҳкам ва содиқ иттифоқчисидан ажратиб қўйишга умид боғлаган ҳолда ривожланаётган мамлакатлар халқларини «Россия империализми» ва «рус мустамлакачилиги» билан қўрқитмоқдалар.

Ана шу проблема билан шуғулланаётган буржуа адабиёти қандайдир ягона нуқтаи назарга ёки ягона концепцияга эришди, дейиш тўғри эмас. Лекин уларни бирлаштирувчи ягона базис мавжуд — бу ленинча миллий сиёсат обрўсини тўкиш мақсадида чоризм сиёсатидан фойдаланишга, ҳеч қандай томондан бирга бўла олмайдиган ана шу ҳодисаларнинг, фактларга зид ҳолда, узвий алоқадорлигини кўрсатишга уринишдир.

Хуллас, антикоммунизм тарихга қарши ялпи ҳужум қилиш билан шуғулланмоқда. У тарихга қайтадан ишлов беришга, умумий тарихий манзарани бузиб тасвирлашга актив киришган. Антикоммунизм эски афсоналарни жон-жаҳди билан жонлантира бориб, уларнинг янги шароитларда янгича янграшига ва тарихни сохталаштиришнинггина эмас, балки халқлар ўртасида душманликни авж олдириш воситаси ҳам бўлиб қолишига эришмоқда. Тарих ҳақиқатига қарши курашда унинг идеологлари ва ёлланган тарихчилар асосан уйдирмалар, сафсаталар, ўрни алмаштирилган реалиялар ва догматик қоидалардан иборат ўз ғайритарихларини яратяптилар. Бунда объектив тадқиқот рад этилиб, стереотип декларация ҳукм суряпти.

Албатта, антикоммунизм идеологларининг асарлари тарихни марксистик талқин қилишга, тарихий билимнинг марксистик мактабига бўлган ишончга раҳна сола олиши даргумон. Бу асарлар марксист тарихчиларга баҳсли, мунозарабоп проблемаларнинг чуқурроқ тагига етишни, тарихий тадқиқотларда ўз сиёсий ва синфий позицияларини аниқроқ белгилашлари ҳамда тарихий билим марксча методологиясини янада такомиллаштириш устида актив ишлашларини ўргатади, холос.

Тарих — халқларнинг буюк тарбиячисидир, у ижтимоий онг шаклланишида муҳим роль ўйнайди, актив ҳаётий позицияни, сиёсий принциплар ва социал

психологияни ҳосил қилишда ёрдам беради. У жамият тараққий этишининг қудратли омили бўлиб қолди ва жуда кучли юксалиш, ҳақиқий уйғониш даврини ўз бошидан кечиряпти. Тарих фақат ўтмишни билиш воситасигина эмас, балки ҳозирги вақтни ҳам англаш воситасига, халқларни пролетар, социалистик интернационализм руҳида, дўстлик ва бир-бирини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашнинг таъсирчан қуролига айланиши учун тарихий проблемаларга илмий-партиявий ёндашиш ҳозирги кунда аввалги даврлардагига қараганда жуда зарур бўлиб қолди. Тарих фани СССР халқлари маънавий ҳаётининг шундай бойишига актив ёрдам бериши керакки, у маҳаллийчиликка, миллатчилик ва миллий чекланганлик сарқитларига қарши мустаҳкам иммунитет ярата олсин.

Марксизм-ленинизм классикларининг назарий мероси тарихчиларимиз қўлида бебаҳо ва қудратли қурол бўлиши керак. Ўз вақтида К. Маркс ва Ф. Энгельс «тевтонпарастлик»ка — бутун олам немислар учун яратилган, уларнинг ўзлари эса тараққиётнинг энг юксак чўққиларига аллақачон эришганлар, деб даъво қилувчи дунёқарашга қарши самарали кураш олиб борган эдилар. Илмий коммунизм асосчилари томонидан «тевтонпарастлик»нинг фош этилгани улар миллатчиликнинг ҳар қандай формадаги кирдикорларини зийраклик билан кузатиб борганликлари ва ўз муносабатларини дангал билдирганликларини намойиш этади. Бу биз, совет тарихчилари учун пролетар, социалистик инернационализм принципларидан ҳар қандай чекинишларга, шунингдек, ҳар қандай кўринишдаги «темурпарастлик»ка қарши курашда муросасиз бўлишнинг яққол сабоғидир.

Ана шу ишда В. И. Лениннинг бой назарий меросидан, КПСС ҳужжатларидан тўлиқ фойдаланиш ҳам зарурдир. Эксплуататор синфларнинг сохта ватанпарварлигига қарши курашиб, миллий маданиятни тор миллатчилик нуқтаи назарида тушунишни фош этиб, В. И. Ленин марксист миллий ғурур, Ватанга садоқат каби тушунчаларни аниқлашда амал қилиши лозим бўлган принципиал кўрсатмаларни олға сурди.

ЖУРНАЛХОНЛАРНИНГ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ

Тошкентлик журналхон У. Шарипов Афғонистон Демократик Республикасига миллий кадрлар тайёрлашда Совет Иттифоқининг кўрсатаётган ёрдами тўғрисида ҳикоя қилиб беришимизни сўрабди.

ДЎСТЛИК ВА ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК ҚОНУНЛАРИГА БИНОАН

«... ХАЛҚАРО революция манфаатлари, — деб кўрсатиб ўтган эди В. И. Ленин, — мамлакат буржуазиясини ағдариб ташлаган Совет ҳокимиятининг бу революцияга *ёрдам қилмоғини,* бироқ ёрдам ***формасини*** ўз кучига қараб танламоғини талаб қилади» (Тўла асарлар тўплами, 35-том, 448-бет). Совет Иттифоқи Ленин васиятларига амал қилиб, социал тараққиёт йўлидан бораётган халқларга хўжалик ва маданий қурилишда, миллий кадрларни тайёрлашда, мудофаа қобилиятини оширишда ва бошқа соҳаларда ёрдам кўрсатиб келди ва ёрдам кўрсатаверади.

Афғонистон — СССР 20-йиллар бошида дипломатик муносабатлар ўрнатган дастлабки давлатлардан биридир. Тенг ҳуқуқлиликка ва ўзаро манфаатга асосланган ҳар томонлама ва кўп қиррали Совет — Афғонистон ҳамкорлиги совет ва афғон халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг чуқурлашувига ёрдам берди.

Москвада 1921 йил 28 февралда РСФСР билан Афғонистон ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши самарали алоқаларнинг бошланишига асос солди. Кейинчалик ҳар иккала давлат бир қатор ҳукуматлараро ҳужжатлар ва битимларни имзоладилар.

Совет-Афғон ҳамкорлиги учун кенг имкониятлар очиб берган 1978 йилги Апрель революцияси ғалабасидан сўнг икки давлат ўртасидаги муносабатлар сифат жиҳатидан янгича мазмун билан бойиди. 1978 йил декабрида СССР билан АДР ўртасида «Дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома»нинг имзоланганлиги катта аҳамиятга эга бўлди. Бу Шартноманинг амалга оширилиши ёш АДРнинг унга қарши халқаро империализм ва ички реакция кучлари томонидан авж олдириб юборилган эълон қилинмаган уруш шароитида ўз мустақиллиги ва территориал бутунлигини ҳимоя қилишига имкон беради. Шартнома асосида шунингдек маданият ва фан соҳасидаги кенг ҳамкорлик ривожланмоқда. Ҳозирги пайтда мамлакатларимиз илмий, ижодий, студентлар ва бошқа делегациялар билан ўзаро алмашиб турибди.

Совет Иттифоқи Афғонистон учун миллий кадрлар тайёрлаш ишига сезиларли ҳисса қўшмоқда. АДР бунда СССРнинг беғараз қардошларча ёрдамига таяниб, бу ишга мамлакат қолоқлигини бартараф этишнинг муҳим омили деб қарамоқда.

Совет Иттифоқининг афғон мутахассисларини тайёрлашдаги ёрдами тўртта асосий йўналиш бўйлаб олиб борилмоқда.

Биринчи йўналиш Афғонистонда бизнинг мамлакатимиз ёрдамида қурилган объектларда кадрларга таълим беришдан иборат. СССР 20-йиллардаёқ бу ерда бир неча электростанциялар, радиостанциялар ва телеграф линиялари қурган ва уларни афғон халқига совға қилган эди. Ўшандан бери Афғонистонда 170 дан зиёд объект қурилди ёки қурилмоқда, уларнинг ярмидан кўпроғи ишга тушган. Барча саноат объектларида совет мутахассислари ёрдамида ўқув марказлари ва курслар ташкил этилмоқда, уларда афғон ёшлари техник ихтисосга ва ишчи малакасига эга бўлишади.

Ҳали Апрель революциясигачаёқ шу йўл билан 64 минг малакали ишчи ва 5 мингдан зиёд техник тайёрланган эди, умуман 27 йиллик (1957—1984 йиллар) ҳамкорлик мобайнида эса 90 мингдан зиёд малакали техник кадрлар тайёрланди, бу кадрлар ҳозирги пайтда АДР саноат пролетариатининг негизини ташкил этади.

Бизнинг мамлакатимиз Афғонистонга қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлашни ривожлантиришда ҳам ёрдам кўрсатмоқда, бу соҳаларда ҳам миллий кадрлар тайёрланмоқда.

Иккинчи йўналиш — СССРнинг АДРда ўқув ва илмий марказларни қуриш ҳамда уларни кадрлар билан мустаҳкамлашдаги ёрдамидир. СССР ёрдамида 2 та олий ўқув юрти, 2 та техникум, 8 та ҳунар-техника мактаби, кўплаб умумий таълим мактаблари ва ишчилар, техниклар, медицина ходимлари ва бошқа мутахассисларни тайёрлаш

ҳамда малакасини ошириш курслари ташкил қилинди. Чунончи, 1980—1982 йилларда фақат олий ва ўрта махсус ўқув юртларини 2700 дан зиёд мутахассис битириб чиқди.

50-йиллар охирида Афғонистон техник кадрларни тайёрлашда қийинчиликларга дуч келиб, СССРга, шунингдек Ғарб мамлакатларига ҳам ёрдам сўраб мурожаат қилди. Бу илтимосни фақат Совет Иттифоқи қондирди. Бизнинг мамлакатимиз политехника институти ва иккита техникум қуриб берди, уларни барча зарур ускуналар билан жиҳозлади, у ерга ўқитувчилар, инженерлар, лаборантларни юборди. Масалан, 1968 йилда Афғонистонга совға қилинган Кобул политехника институтида 65 совет ўқитувчиси ишлар эди. Ҳозир бу ерда 121 совет ва 134 афғон ўқитувчиси ишлайди. Агар 1974—1975 ўқув йилида институтда 1,4 мингга яқин студент ўқиган бўлса, 1982—1983 ўқув йилида 2 минг йигит ва қиз таълим олди.

1979 йилда Совет Иттифоқининг ёрдами билан Афғонистонда партия ва раҳбар кадрларни тайёрлаш бўйича олий ўқув юрти — АХДП МК ҳузуридаги Ижтимоий фанлар институти ташкил этилди. Институт ишга тушганидан буён бу ерда АХДП, давлат ҳокимияти органлари, қуролли кучлар ва мамлакатдаги оммавий жамоат ташкилотлари учун ўн мингдан зиёд кадр ходимлар тайёрланди. «Бугунги кунда Ижтимоий фанлар институти — революциямиз кадрларини тайёрлайдиган бош марказдир. Коллектив тинглочилар, ўқитувчиларга таълим ва тарбия берар экан, улуғ Ленин васиятларига амал қилади», — деб таъкидлади АХДП МК Бош секретари Нажиб институт янги комплексини очишга бағишланган тантанали йиғилишда. Бу ерда афғон ўқитувчилари билан биргаликда совет мутахассислари ҳам машғулотлар олиб боришади.

Мамлакатимиз Афғонистонга техникумлар ва ҳунар-техника мактабларини ташкил этишда ҳам ёрдам кўрсатмоқда. Жангалак автомеханика техникуми ва Мозори Шарифдаги тоғ-нефть техникуми бу соҳадаги совет — афғон ҳамкорлигининг дастлабки мевалари бўлди. 1986—1990 йиллар мобайнида яна 6 техникум ва 10 ҳунар-техника мактаби қуриш мўлжалланмоқда, уларда 10 мингга яқин киши таълим олади. Бу ўқув юртларига кўп сонли совет мутахассислари ва ўқитувчилари юборилган, техникум ўқувчилари учун стипендиялар белгиланган.

Бизнинг мамлакатимизнинг ўқув юртлари ва илмий муассасаларида ўқиш учун афғон йигит ва қизларини аниқ мақсадни кўзлаб қабул қилиш АДР учун кадрлар тайёрлашнинг учинчи йўналишидир. Бундай ёрдам Афғонистонга жуда кам моддий сарф-харажатлар билан қисқа муддат ичида кўп касблардаги мутахассисларга эга бўлишга имкон беради.

СССРга юборилаётган афғон ўқувчилари сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Масалан, 1983 йилда совет олий ўқув юртларида, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртларида АДРдан келган 6,8 минг киши ўқиган бўлса, 1984 йилда — 7,5 минг киши таълим олди. Ҳозир улар 10 минг кишига етди.

Совет Ўрта Осиё республикалари, шу жумладан Ўзбекистон ҳам Афғонистон учун кадрлар тайёрлашда катта роль ўйнамоқда. Афғон вакилларининг биринчи группаси 1959 йилдаёқ Тошкент қишлоқ хўжалик техникумига ўқишга келган эди. Ўшандан бери, айниқса Апрель революцияси ғалабасидан сўнг улар сони йилдан-йилга муттасил ошиб бормоқда. Ҳозирги пайтда Тошкентдаги 10 олий ўқув юрти ва 3 техникумда АДРдан келган 650 дан зиёд йигит ва қиз таълим олади.

АДРга ёрдам кўрсатишнинг тўртинчи йўналиши ишчи кадрлар малакасини оширишдан иборат. Афғонистон ўз ишчиларини Москва, Ленинград, Киев, Тошкент, Душанба ва Совет Иттифоқининг бошқа саноат марказларидаги корхоналарга ишлаб чиқариш практикаси ва стажировкадан ўтиш учун мунтазам юбориб туради. Афғонистон учун ишчи кадрлар тайёрлаш ва улар малакасини ошириш бизнинг республикамизда бундан бир неча ўн йиллар олдин бошланган эди. 1960 йилда 40 афғон ишчиси Тошкент авторемонт заводида стажировкадан ўтган бўлса, 1983 йилда фақат Тошкент тўқимачилик комбинатидагина АДРдан келган 85 қиз практикадан ўтди.

А. АБДУЛОВ.

МИЛЛАТЛАР БУГУНГИ КУНДА ВА КЕЛАЖАКДА

Миллатлар ва миллий муносабатларга оид проблемаларни хар томонлама тадқиқ қилиш, уларнинг ривожланишидаги хусусиятлар ва асосий тенденцияларни аниқлаш фақат бизнинг мамлакатимиз учунгина эмас, балки жаҳондаги барча кўп миллатли давлатлар учун ҳам, шубҳасиз, назарий ва амалий аҳамиятга эгадир. Шу муносабат билан тақриз қилинаётган, социализм шароитидаги ва аслида коммунизмнинг бошланғич босқичига ўтиш давридаги миллатлар ва миллий муносабатлар диалектикаси масаласига бағишланган коллектив асар* муайян қизиқиш уйғотади.

Асарда анчагина назарий ва социологик материалларни таҳлил қилиш асосида миллий бирликларнинг келажаги тўғрисидаги мавжуд тасаввурларга айрим тузатишлар ва аниқликлар таклиф этилади, миллатларнинг ўзаро муносабатлари, уларнинг янада ривожланиш ва яқинлашиш тенденциялари ҳақида хулосалар чиқарилади. Масалан, авторлар кўриб чиқилаётган масалага нисбатан турли нуқтаи назарларни ўрганиш натижасида капитализм ва социализм давридаги миллатлар, уларнинг социал-синфий моҳияти ҳақида ўз таърифларини беришади: «миллат — бу капитализм давридаги (миллатларнинг капиталистик типи) ва социализм давридаги (миллатларнинг социалистик типи) кишилар бирлигининг тарихий формаси бўлиб, у иқтисодий ҳаёт, тил, территория ҳамда маданият ва турмуш хусусиятларида ифодаланадиган миллий характернинг барқарор муштараклиги билан характерланади» (17-бет). Бундан ташқари улар миллатларнинг асосий бўлмаган белгиларини ҳам алоҳида кўрсатиб, булар қаторига миллий онгни ҳам киритадилар.

Авторлар социализм шароитидаги «миллат» ва «элат» деган тушунчаларга бирмунча аниқликлар киритишган. Масалан, элат миллатдан ўз вакиллари сонининг камлиги (80—100 минг киши) билан фарқ қилади. Бироқ социализм шароитида улар орасида иқтисодий, сиёсий, синфий структура ва маънавий қиёфа сингари соҳаларда бошқа принципиал фарқлар йўқ. Ҳозирги вақтда СССРда яшаб келаётган 50 дан ортиқ майда элатлар ижтимоий тараққиётнинг тенг ҳуқуқли ва актив субъектлари ҳисобланади. Қолаверса, фақат айрим социалистик миллат ва элатлар доирасидагина эмас, балки умуман бутун совет халқи доирасида этник хусусиятларнинг йўқолишидан иборат табиий-тарихий жараён давом этмоқда. Шунингдек этник жиҳатлар билан миллий жиҳатлар ўртасидаги тафовутлар ҳам йўқолиб бормоқда (33, 81—82-бетларга қаралсин). СССРдаги миллатларнинг равнақ топиши ва яқинлашуви, улар ўртасидаги бирлик ва ҳамкорлик жамиятнинг иқтисодий, социал, сиёсий ва маънавий тараққиёти билан диалектик жиҳатдан боғлиқ ҳолда кечмоқда. Ижтимоий ҳаётнинг интернационаллашуви миллатлар ва элатлар ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида умумий хусусиятларнинг қарор топишига самарали таъсир кўрсатмоқда, социализмни такомиллаштириш ва аста-секин коммунизмга ўтиш шароитида миллий муносабатларни ривожлантиришнинг истиқболлари ва асосий йўналишларини кўрсатиб бермоқда (74—75-бетларга қаралсин). Ягона бирликнинг вужудга келиш жараёнига авторлар социализмнинг миллатлараро муносабатлар соҳасидаги ривожланиш формаси деб қарайдилар. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладида бундай деб таъкидланади: «Бизнинг ютуқларимиз миллий жараёнларда проблемалар йўқ, деган тасаввур туғдирмаслиги лозим. Ҳар қандай ривожланишга ҳам зиддиятлар хос бўлади, улар мазкур соҳада ҳам муқаррардир». Китобда социализмни такомиллаштириш босқичига хос бўлган ана шу ноантагонистик зиддиятлар тадқиқ қилинади. Бу зиддиятларнинг ҳал қилиниши совет халқ бирлигини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Коммунизм даврида миллатлар сақланиб қоладими? Агар сақланиб қолса, улар социалистик миллатлардан нима билан фарқ қилади? Бу саволларга жавоб беришар экан, авторлар миллатлараро интеграциянинг ҳозирги замондан йироқ бўлган жиҳатларини ҳаддан ташқари деталлаштиришга қарши чиқиб, «совет халқи мамлакатимизда коммунизм ғалабасидан кейин ҳам узоқ вақтгача кўп миллатли бирлик бўлиб қолаверади» деб қайд қиладилар (111-бетга қаралсин). Модомики, социалистик миллатларнинг янада ривожланиши уларнинг фан-техника революцияси тақозо этадиган ўзаро

* Коммунизм и нации. М., «Наука», 1985, 351 с.

алоқалари ва ижтимоий практикаси формаларига, миллатлараро яқинлашувнинг интернационал базаси чуқурлашуви билан бевосита боғлиқ экан, коммунизмга ўтиш жараёнида уларнинг коммунистик миллатларга айланиши ҳам қонунийдир. Иқтисодий, социал ва маданий ривожланишнинг, шунингдек кишилар маънавий қиёфасининг юксак даражада бўлиши натижасида улар социалистик миллатларга қараганда баъзи бир янги белги ва хусусиятлар касб этади. Албатта, коммунистик миллатлар аввало синфий тафовутларнинг йўқлиги, тўла социал бир хиллик ва коммунизмга хос бўлган социал табиати билан характерланади (ў ш а ж о й г а қаралсин). Кишиларнинг янги тарихий бирлиги бўлган совет халқининг шаклланиш ва ривожланиш проблемаси жамиятшуносларнинг кўпгина тадқиқотларида ўз аксини топган. Бироқ тақриз қилинаётган китоб авторлари бу масалани ўрганишда ўз жиҳатларини топа олганлар. Улар бунга социалистик ижтимоий системанинг мустақил ўз негизида ривожланиб борадиган таркибий қисми деб қарайдилар.

Авторлар кишиларнинг ягона ва айни вақтда хилма-хил бирлиги бўлган совет халқи тушунчасини конкретлаштирадилар: «Миллатлар ва элатлар совет бирлигининг таркибий қисми сифатида ўзаро яқинлашиб борадилар, аммо унинг нисбатан мустақил тузилмаси сифатида равнақ топадилар» (132-бетга қаралсин); улар совет ва миллий ифтихорнинг диалектик бирлигини, унинг яққол ифодаланган синфий мазмунини қараб чиқадиларки, ишчилар синфининг социал қадриятлари ва ориентирлари ана шу синфий мазмунда ўз аксини топади.

Тадқиқотда совет турмуш тарзида интернационал белгиларнинг ўсиши билан миллий анъаналарга бўлган муносабат алоҳида актуаллик касб этмоқда, деб қайд қилинади. Авторлар турмуш тарзига интернационал жиҳатларни жорий этиш унинг анъанавий укладини тамомила емиришга олиб бормаслиги лозим, деган хулосага келадилар. Интернационаллаштириш — мураккаб, зиддиятли жараёндир. СССРда яшовчи турли миллат ва элатларнинг ижобий белгилари, сифатлари, хусусиятларини жамлаш билан бирга, яна шуни ҳам ҳисобга олиш кераккки, деб қайд қилишади улар, бу жараён силлиқ, тўғри кечмайди, фақат ижобий ҳолатларгина интернационаллашиб қолмайди, баъзан «салбий, социалистик турмуш тарзига тўғри келмайдиган нормалар ва хатти-ҳаракатлар ҳам «интернационаллашуви» мумкин (200-бетга қаралсин). Кейинги йиллар практикасига асосланган бундай фикр алоҳида диққатга сазовордир.

Биз СССР қардош халқларининг буюк умуминсоний, интернационал фазилатлари билан ҳаққоний равишда фахрланамиз. Бироқ ҳар бир халқнинг кундалик ҳаёти, турмуши, оилавий анъаналарида баъзи бир салбий одатлар ҳамон сақланиб қолган бўлиб, улар пардали ҳолда унинг айрим вакиллари ҳаёт ва фаолиятида шахсий, оилавий, баъзан эса ҳатто ижтимоий даражада ҳам намоён бўлиб туради. Ҳар бир миллат ва элат бутун совет халқининг энг яхши анъаналарига таянган ҳолда кишилар онги ва хатти-ҳаракатидаги салбий хусусиятларни бартараф этиш тўғрисида аввало ўзи ғамхўрлик қилиши лозим.

Бунинг учун фақат ўз миллий маданиятини яхши билиш кифоя қилмайди. Унинг ҳақиқий фазилатлари ва камчиликларини киши бошқа миллатларнинг маданиятларидаги қолоқ ва прогрессив жиҳатларни ўрганган ва тушунишга ҳаракат қилган тақдирдагина яхшироқ билиб олади. Хуллас, ўз миллий жиҳатларига ҳар қалай четдан туриб қарашга ҳаракат қилиш зарур. Бу, фикримизча, интернационал мазмун ва умумсовет ифтихори билан йўғрилган миллий ифтихорни шакллантиришнинг энг тўғри йўлидирки, умумсовет ифтихори мамлакатимиз барча халқларининг энг яхши анъаналарини ўзига қабул қилиб олгандир. Шунинг учун ҳам китоб авторлари айни шу миллий муносабатлардаги камчиликлар ҳақида андиша сақлаб индамаслик, ҳатто — уларга очиқдан-очиқ етарли баҳо бермасликк мамлакатнинг бир қатор регионларида салбий ҳолатларнинг кўпайишига ёрдам берганлигига эътиборни қаратишлари лозим эди. Аввало умумсовет қадриятларининг интернационал табиатига зид бўлган барча нарсаларга қарши доимий ва ошкора кураш миллий даражада йўлга қўйилмоғи керак. Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди, унинг Марказий Комитетининг кейинги пленумлари масалага ана шундай ёндашиш намунасини кўрсатди.

Социалистик миллий муносабатлар системасида интернационал умумсовет белгиларининг, шунингдек миллий ўзига хос хусусиятлар, манфаатлар билан эҳтиёжларнинг диалектик бирликдаги ва бир-бирига сингиб кетган мужассамининг соҳиби бўлган шахс алоҳида ўрин тутади (207-бет).

Китобда совет халқлари маданиятини ва тилларини ривожлантиришда миллий ва интернационал жиҳатларнинг ўзаро алоқаси ва бир-бирига боғлиқлиги, бир-бирига таъсири ва ўзаро ҳамкорлиги муфассал қараб чиқилади, бу жараёнда рус тилининг аҳамияти ортиб бораётганлиги алоҳида таъкидланади; миллатлараро алоқалар соҳасидаги шундай ҳодисаларга ҳам эътибор бериладики, бунда «кишилар йиллар давомида бошқа республикада яшаб, маҳаллий миллат маданияти хусусиятларига, тилига, анъаналарига нисбатан ўз лоқайдликларини намойиш қиладилар» (224-бет). Бу ўринда шуни айтиш кераккки, урушдан олдинги йилларда совет республикаларида туб ерли миллатдан бўлмаган кишиларнинг асосий кўпчилиги маҳаллий тилни яхши

биларди. Кейинги вактларда, гарчи барча мактабларда рус тили билан бир каторда махаллий тил ўкитилиб келаётган бўлса хам, бу яхши анъана бирмунча унутиб қўйилди. Ўйлаймизки, бу анъанани кенг пропаганда килиш ва уни кундалик практикага актив жорий этиш миллий республикаларда яшовчи барча халкларнинг вакилларини маънавий якинлаштиришнинг, улар ўртасидаги дўстликни мустахкамлашнинг мухим омили бўлади.

Хозирги вактда икки ижтимоий система ўртасидаги идеологик курашда миллатлар ва миллий муносабатлар масалалари алохида кескинлик касб этмокда. Китоб авторлари кайд килишича, буржуа идеологлари социал муносабатлардан миллий, этник жихатларни ажратиб олиб, уларни жахон тараккиётини харакатга келтирувчи бир нарсага айлантирмокдаларки, гўё хар кандай системалар ва идеологиялар унинг каршисида ожиз эмиш (315-бет.).

Улар миллатлардаги социал хамда этник жихатлар нисбатини атайлаб бузиб кўрсатиб, айни мана шу хусусиятларни абадийлаштиришга, уларнинг социал-синфий мохиятини йўкка чикаришга уринмокдалар. Китобнинг бутун мазмуни бундай уринишларга муносиб зарба бўлиб хизмат килади.

Такриз килинаётган асарнинг кимматли эканлиги шубхасиздир. Бирок айтиш кераки, унда социализм даврида миллатлар ва элатларнинг ривожланиш формаси сифатида уларнинг якинлашуви; социалистик миллатларнинг коммунистик миллатларга ўсиб чикиш конуниятларидан бири сифатида уларнинг интернационаллашуви; миллатлараро алокалар маданиятининг карор топиши; миллий муносабатлар сохасидаги диалектик зиддиятлар; совет халки ривожланишининг миллий ва интернационал омиллари ва шунга ўхшаш масалалар етарли даражада ёритилмаган.

Умуман, монография миллатлар ва миллий муносабатлар тўғрисидаги маркcча-ленинча назарияни янада ривожлантиришга қўшилган муайян хисса бўлиб, пропагандистлар, лекторлар учун яхши қўлланмадир. У кенг китобхонлар доирасида кизикиш уйғотади.

Б. НОРМУРОДОВ,
философия фанлари доктори.
В. ГУРИНА, А. АБУЛКОСИМОВ,
тарих фанлари кандидатлари.

АХОЛИ ПРОБЛЕМАЛАРИНИНГ КОМПЛЕКС ТАДКИКОТИ

Совет жамиятини социал-иктисодий ривожлантиришни жадаллаштириш ахоли проблемаларини амалий хал этиш билан бевосита боғликдирки, бу проблемалар яккол ифодаланган регионал характерга эга. Хозирги вактда СССРда анчагина хилма-хил, георафик жихатдан контрастли демографик вазият юзага келган бўлиб, уни хар томонлама ўрганиш фан ва практика учун мухим ахамиятга молик.

СССРдаги демография фонида Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон ўзига хос регионал хусусиятлари билан ажралиб туради. Бу ерда ахоли ривожланишининг замонавий проблемалари мамлакатнинг бошка регионларидагидан ва умумиттифок тенденцияларидан кескин фаркланиб туради, бу эса уларга диккат-эътибор билан карашни талаб килади. Юкоридаги кайдлар Ўзбекистон ахолиси миграциясини тадкик этишга бағишланган коллектив асарнинг* айни ўз вактида нашр этилганлигини эътироф килиш имконини беради. Республикамиз ахолиси проблемалари ва унинг регионал хусусиятлари биринчи бор шу кадар чукур ва хар томонлама кўриб чикилишидир. Амалга оширилган тадкикотнинг комплекслилиги, кўп кирралилиги ва амалий йўналишга эга эканлиги такриз этилаётган асарнинг асосий фазилатидир.

Автор ахоли миграциясини кенг социал-иктисодий ва демографик нуктаи назардан тахлил килади. Шу асосда ахоли территориал харакатчанлилигининг асосий регионал хусусиятлари аникланади ва уларнинг Ўзбекистонда рўй бераётган социал-иктисодий жараёнларга таъсири кўрсатилади. Шу билан бирга республика учун актуал бўлмиш ахолининг иш билан бандлиги, тез кўпайиб борувчи мехнат ресурсларини шакллантириш, территориал жихатдан кайта таксимлаш ва фойдаланиш масалаларига катта эътибор берилган.

Китоб автори Ўзбекистон ССРдаги миграциянинг регионал хусусиятларини тахлил килиб, унинг куйидаги барча асосий йўналишларига мурожаат килади: шахар — шахар, шахар — кишлок, кишлок — шахар, кишлок — кишлок. Бунда кишлок —

* Л. П. Максакова. Миграция населения Узбекистана. Ташкент, «Узбекистан», 1986, 220 с.

шаҳар миграциясига жуда ҳақли равишда биринчи даражали аҳамият берилади, чунки миграциянинг айни шу тури республика туб аҳолисининг территориал ҳаракатчанлигини ошириш ҳамда унинг ижтимоий ишлаб чиқаришдаги бандлиги нуқтаи назаридан энг актуал ҳисобланади. Монографияда таъкидланганидек, кейинги йилларда республика аҳолисининг, шу жумладан, ўзбекларнинг миграцион ҳаракатчанлиги оша бошлади ва умуман унинг янада юксала бориш тенденцияси вужудга келди. Миграцион оқимларда маҳаллий миллатларга мансуб қишлоқ аҳолиси кўп иштирок этмоқда, бу эса умуман Ўзбекистон туб аҳолиси миграцион ҳаракатчанлигини интенсивлаштиришнинг муайян потенциал имкониятларидан далолат бермоқда (47-бетга қаралсин).

Автор аҳолининг қишлоқ ва шаҳар ўртасидаги миграцияси хусусиятларини шу процесснинг йигирма йилдан кўпроқ вақт (1961—1983 йиллар) ичидаги ривожланишини кўрсатиб берувчи фактларга бой материал асосида тадқиқ этган. Китобда бу материалнинг таҳлил қилиниши Ўзбекистон туб аҳолиси территориал ҳаракатчанлигининг ривожланишидаги янги тенденцияларни аниқлаш имконини берган. Махсус социологик-демографик тадқиқотлар асосида чиқарилган хулоса — шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам маҳаллий аҳолини, айниқса ёшларни тураржойни ўзгартирмай индустриал меҳнатга жалб қилиш мумкинлиги тўғрисидаги хулосани ғоят қимматли деб ҳисобласа бўлади (98—100-бетларга қаралсин).

Фарғона, Андижон ва Наманган областлари саноат корхоналарининг ўн биринчи беш йилликда ишга туширилган филиаллари амалий тажрибаси уларда ишлайдиганларнинг асосий кўпчилигини (90 процентга қадар ва ундан ҳам кўпроғини) атроф районлардаги қишлоқ хотин-қизлари ташкил этишини кўрсатди. Бу шуни тасдиқлаб турибдики, ишлаб чиқариш тўғри жойлаштирилса ва ташкил қилинса, шунингдек маҳаллий Советлар ҳамда ишга жойлаштириш органлари корхоналар, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари билан биргаликда собитқадам иш олиб борсалар, республикадаги тез кўпайиб борувчи қишлоқ аҳолиси бандлигини ошириш ва яхшилашнинг аллақачон етилган проблемаларини муваффақиятлироқ ҳал этиш мумкин.

Ушбу жараён боришида кичик шаҳарлар, айниқса аҳоли зич жойлашган қишлоқ хўжалик районларидаги кичик шаҳарлар ролининг ортиб бориши Ўзбекистон аҳолиси қишлоқ — шаҳар миграциясининг характерли белгисидир. Китобда ушбу регионал хусусият конкрет фактлар билан тасдиқланган. Бундан ташқари, автор айни кичик ва ўртача шаҳарлар, жадал ривожлантирилган тақдирда меҳнат ресурсларини тармоқ ҳамда территориал қайта тақсимлашни янада такомиллаштиришда ва умуман республика қишлоқ аҳолиси ҳаракатчанлигини активлаштиришда ҳам сезиларли роль ўйнай олиши тўғрисидаги қоидани ишлаб чиққан (103-бетга қаралсин).

Лекин, шуни ҳам айтишимиз керакки, Ўзбекистон қишлоқ — шаҳар миграциясининг замонавий тенденциялари, назаримизда, республика урбанизациясининг янги, прогрессив жиҳатларини шакллантиради, унинг классик ривожланиши шаҳарлар аҳолисининг «ўз» қишлоқ аҳолиси ҳисобига ўсиши билан белгиланади. Айтиш мумкинки, бизда ушбу йўналиш ҳали энди кўзга ташлана бошлади ва уни бутун чоралар билан активлаштириш регионда иш билан таъминлаш нуқтаи назаридангина эмас, балки шунингдек, асосан, урбанизациялашувни анча ошириш негизида туб аҳолини сифат жиҳатидан ривожлантиришни жадаллаштириш нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Афсуски, автор аҳолини ривожлантиришнинг ана шу мураккаб масалаларини фақат йўл-йўлакай тилга олиб ўтган (104-бетга қаралсин).

Аҳоли миграцияси республика ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришга катта таъсир кўрсатади. Китоб автори ушбу қоидани кўриб чиқар экан, саноатдаги янги қурилишлар ва қўриқ районларни туб аҳолининг территориал ҳаракатчанлигини интенсивлаштириш ҳисобига иш кучи билан таъминлаш актуал проблемаларига диққат-эътиборни қаратади. Бироқ ҳозирги пайтда аҳоли миграциясининг ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришга кўрсатаётган таъсирини аниқ тасаввур қилиш қийин, чунки ушбу масалага бағишланган бобда 70-йиллардаги социал-демографик тадқиқотлар маълумотлари таҳлил этилган.

Кейинги йилларда республикада саноат корхоналарининг меҳнат коллективлари составида туб ерли миллат ишчиларининг салмоғи оша бошлади. Янги қурилаётган корхоналарнинг иш кучи эса асосан маҳаллий аҳоли ҳисобига шакллантирилмоқда. Айни пайтда саноат янги корхоналарининг меҳнатчилари орасида атроф қишлоқлар аҳолисининг салмоғи ошмоқда ва республикалараро аҳоли миграциясининг роли сезиларли пасаймоқда (130—131-бетларга қаралсин). Ана шуларнинг ҳаммаси Ўзбекистон ССРда аҳоли ҳаракатчанлигини оқилона йўлга солиш ишида ва миллий ишчи кадрларни шакллантиришда ижобий силжишлар рўй берганлигидан далолат беради.

Аҳолининг анъанавий суст территориал ҳаракатчанлигини ошириш ишидаги муҳим йўналиш сифатида аҳолининг тебранғич миграциясини кучайтириш миллий ишчи кадрларни ўстиришдек мураккаб проблемани ҳал этишда муайян аҳамиятга эгадир. Китоб авторининг қишлоқ тебранғич

миграциясининг Бухоро, Жиззах ва Фаргона областларидаги бир катор саноат корхоналари иш кучини шакллантиришдаги роли хусусида келтирган кискача таҳлили айни шу нуктаи назардан кизикарлидир (135—137-бетларга каралсин). Ўзбекистоннинг ҳозирги социал-иктисодий ва демографик шароитида аҳоли территориал ҳаракатчанлиги ушбу формасининг истикболли эканлиги шубҳасиздир. Шу боис вазифа республикадаги факат йирик эмас, балки, асосан, кичик ва ўртача шаҳарлар таъсир зоналарида аҳолининг кишлок — шаҳар тебранғич миграциясини бутун чоралар билан кенгайтириб ва таксимлаб боришдан, уни илмий асосда йўлга солишдан иборатдир.

Л. П. Максакова Ўзбекистоннинг кўрик районлари — Мирзачўл, Карши, Жиззах ва Сурхон-Шеробод даштлари аҳолиси ва меҳнат ресурсларини шакллантиришда миграция ўйнайдиган роль хусусида етарлича муфассал тўхталган. Шу билан бирга у кўшни районлар ва областлардан одамларни кўчириб келтириш каби чоранинг юксак аҳамиятга эга эканлигини кайд этади (144—145-бетларга каралсин). Шу туфайли автор туб ерли аҳолига хос бўлган территориал чекланганликни, миграцион ҳаракатчанлик маҳаллий кўламдагина бўлишини кўрсатиб беради.

Кейинги йилларда республикадаги оилаларни асосан Фарғона водийсининг аҳоли зич жойлашган, меҳнат ресурслари ортикча бўлган районларидан Жиззах, Кашкадарё ва Сирдарё областларининг интенсив ўзлаштирилаётган кўрик ерларига кўчириш соҳасида планли ишлар авж олдириб юборилди, бу ҳам такриз килинаётган монографияда акс этган. Китобда аҳоли миграцияси бундай формасининг ривожланиши кўчириб келинганлар жойлашиб колиши тадкик килиниши асосида унинг самарадорлигини конкрет таҳлил билан чамбарчас боғлаб кўриб чикилганлиги ниҳоятда асосли бўлиб чиккан. Жумладан, кўрик районларга кўплаб аҳоли келиши билан бир пайтда жойлашиб колмаган янги кўчиб келганларнинг кайта йўналишдаги интенсив ҳаракати содир бўлмокда, янги кўчиб келганларнинг муким бўлиб колиш омиллари ва шарт-шароитлари ҳамда мустаҳкам ўрнашиб колишини оширишнинг янги тенденциялари ва баъзи йўллари аникланган (154—167-бетларга каралсин).

Умуман такриз этилаётган монография, юкорида таъкидланганидек, салмокли асардир. Ўзбекистон аҳолисининг миграциясини бундан буён тадкик этиш, бизнингча, туб ерли аҳоли миграцион ҳаракатини шакллантиришнинг чукур социал-психологик механизмларини, унинг суст территориал ҳаракатчанлигининг сабаблари ва омилларини, республика аҳолиси миграцияси ва социал ҳаракатчанлигининг, миграцион ҳаракатчанлиги ва урбанизациялашувининг ўзаро алокаларини ва ҳоказоларни ўрганишга йўналтирилиши керак.

О. ОТАМИРЗАЕВ,
география фанлари кандидати.

Ҳ. САЛИМОВ,
иктисод фанлари доктори.

Редакция адреси: 700000. Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.
Телефонлар: бош редактор — 32-58-01; 32-78-87; бош редактор ўринбосари — 32-58-02; 32-78-93; масъул секретарь — 32-58-03, 33-60-42; масъул секретарь ўринбосари — 32-58-63, 33-60-42; бўлимлар: марксча-ленинча назарияни пропаганда килиш — 32-58-65; партия ва совет курилиши — 32-58-68; экономика — 32-58-71; фан ва маданият — 32-58-66; халкаро ҳаёт — 32-58-69; танкид ва библиография — 32-58-70.

Корректорлар: **М. Комилов, Ҳ. Каримов.** Техредактор **Э. А. Кушнарь.**

Теришга берилди 9.06.1987 й. Босишга рухсат этилди 7.07.1987 й. Формати 70×108[1]/16. Фотонабор. Офсет босма усули. Шартли босма листи 8,4. Нашриёт ҳисоб листи 9,7. Тиражи 28281. Нашр В-55. Заказ № 1272.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Кизил Байрок орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри, Ленин кўчаси, 41.

ISSN 0134 — 2193

Баҳоси 25 тийин

Индекс 75399

На узбекском языке
ежемесячный теоретический и политический
журнал ЦК Компартии Узбекистана

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»
«КОММУНИСТ УЗБЕКИСТАНА»

Ордена Трудового Красного Знамени
типография Издательства ЦК Компартии Узбекистана

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

8

АВГУСТ

1987

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

№ 8
АВГУСТ
1987 йил

1920 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

Ўзбек ва рус тилларида чиқади

Бугун биз жадаллаштириш программасидаги асосий вазифа — ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини амалга оширищ соҳасида ишлаяпмиз. Қисқа муддат ичида экономикада сифат жиҳатдан силжиш бўлишини таъминлаш, келгусига мустаҳкам замин яратиш зарур. Октябрнинг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган мусобақа марказида ана шу вазифа турибди. Бу вазифани муваффақиятли ҳал этиш ижтимоий ишлаб чиқаришдаги ҳар бир қатнашчининг ишга бўлган шахсий муносабатига, коллективларда виждонли меҳнат овози нақадар талабчанлик билан янграшига боғлиқ.

Улуғ Октябрнинг яқинлашиб келаётган 70 йиллиги муносабати билан КПСС МКнинг совет халқига Мурожаатномасидан.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЕТИ

Тошкент

МУНДАРИЖА

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

1987 йил 25—26 июнь кунлари КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми бўлди. «Партиянинг экономикани бошқаришни тубдан қайта қуриш соҳасидаги вазифалари тўғрисида»ги масала Пленум муҳокамасига киритилди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев мазкур масала юзасидан доклад қилди.

Пленум қатнашчиларига ўрток М. С. Горбачев докладининг тезислари билан, шунингдек халқ хўжалигини бошқаришни қайта қуриш масаласи юзасидан меҳнаткашларнинг мактублари обзори билан олдиндан танишиб чиқиш имконияти берилди.

Доклад юзасидан музокараларда: Укранна Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Шчербицкий, РСФСР Министрлар Советининг Раиси В. И. Воротников, КПСС Москва шаҳар комитетинннг биринчн секретари Б. Н. Ельцин, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетинннг биринчи секретари Е. Е. Соколов, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг токарлар бригаднри В. Т. Одилов, КПСС Тюмень область комитетининг биринчи секретари Г. П. Богомяков, КПСС Марказий Комитетининг секретари Л. Н. Зайков, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. В. Колбин, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. П. Никонов, КПСС Москва область комитетининг бнринчи секретари В. К. Месяц, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчн ўриибосари, СССР Госплани раиси Н. В. Тализин, Горький область Ковернино районидаги В. И. Ленин номли колхоз раиси М. Г. Вагин, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг ректори А. А. Логунов, КПСС Архангельск область комитетининг бнринчи секретари П. М. Телепнев, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретарн Д. И. Патиашвили, СССР Миинстрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Қурилиш ишлари давлат комитетининг раиси Ю. П. Баталин, КПСС Леннград область комитетининг биринчи секретари Ю. Ф. Соловьев, СССР молия министри Б. И. Гостев, Удмуртия АССРдаги Д. Ф. Устинов номли «Ижмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетнинг секретари Ю. И. Лобов, КПСС Новосибирск область комитетиниг биринчи секретари А. П. Филатов, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарн, СССР Госснаби раиси Л. А. Воронин, КПСС Ростов область комитетининг биринчи секретари Б. М. Володин, Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари К. Г. Вайно, Украина ССРдаги «Краснодонуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Молодогвардейская» кон шахтаси ишчилари комплекс бригадасининг бошлиғи А. Я. Колесников, КПСС Саратов область комнтетининг биринчи секретари А. А. Хомяков, СССР темир йўллар министри Н. С. Конарев, Москвадаги Ф. Э. Дзержинский номли «Трехгорная мануфактура» ип газлама комбинатининг тўқувчиси Н. Н. Шчербакова, ВЦСПС раиси С. А. Шалаев, КПСС Красноярск ўлка комитетининг биринчи секретари П. С. Федирко, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи А. Д. Лизичев, СССР кемасозлик саноати министри

И. С. Белоусов, Краснодар ўлкасининг Усть-Лабинск районидаги «Кубань» колхози бригадири М. И. Клепиков ўртоқлар сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев якунловчи нутқ сўзлади.

Пленум муҳокама этилган масала юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилди.

Пленум КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси тақдим этган «Экономикани бошқаришни тубдан қайта қуришнинг Асосий қоидалари»ни тасдиқлади.

Пленум умумхалқ муҳокамасидан ўтказилганлиги ҳисобга олиниб, ишлаб чиқилган давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонуни лойиҳасини маъқуллади ва СССР Министрлар Советига ушбу Қонун лойиҳасини СССР Олий Совети муҳокамасига қўйишни топширди.

Пленумда КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференциясини 1988 йил 28 июнь куни Москва шаҳрида Кремлнинг Съездлар саройида чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

КПСС Марказий Комитетининг Пленумида ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Пленум Н. Н. Слюньков ва А. Н. Яковлев ўртоқларни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатликдан Сиёсий бюро аъзолигига ўтказди.

Пленум КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ В. П. Никоновни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси этиб сайлади.

Пленум СССР мудофаа министри ўртоқ Д. Т. Язовни КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатликдан Марказий Комитет аъзолигига ўтказди ва уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат этиб сайлади.

Пленум ўртоқ С. Л. Соколов пенсияга чиқиши муносабати билан уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлик вазифасидан озод қилди.

Пленум Белоруссия ССРдаги «Память Ильича» колхоз-комбинатининг машинада сут соғиш оператори Л. Д. Бризга, Тюмень областидаги СССР 50 йиллиги номли «Сургутнефть» бошқармаси нефть ва газ қазиб олиш оператори Н. А. Павлов ўртоқларни КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатликдан Марказий Комитет аъзолигига ўтказди.

Пленум Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари лавозимида ишлаган пайтда республика партия ташкилотига раҳбарликда йўл қўйган жиддий камчиликлари учун ўртоқ Д. А. Кунаевни КПСС Марказий Комитети составидан чиқарди.

Шу билан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини тамомлади.

ПАРТИЯНИНГ ЭКОНОМИКАНИ БОШҚАРИШНИ ТУБДАН ҚАЙТА ҚУРИШ СОҲАСИДАГИ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети бош секретари
М. С. ГОРБАЧЕВнинг
КПСС МК Пленумида 1987 йил 25 июнда
қилган доклади

Ўртоқлар!

Биз бу Пленумни партия, бутун жамиятимиз ҳаётидаги жуда муҳим воқеа арафасида ўтказаяпмиз. Бир неча ойдан кейин мамлакат Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини нишонлайди.

Улуғ Октябрь жаҳонга ишчи ва деҳқонларнинг янги давлати туғилганини маълум қилди, жамиятни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг инсонпарварлик принципларини қарор топтирди, меҳнат аҳлини улуғлади, омманинг ташаббуси ва ижодкорлиги учун имконият яратди. Мана шуларнинг ҳаммаси бизга жуда қисқа тарихий муддатларда мамлакатни қудратли индустриал давлатга айлантириш, жуда мураккаб социал проблемаларни муваффақиятли ҳал этиш, социализм йўлидан борувчи халқларнинг буюк кўп миллатли иттифоқини барпо этиш имконини берди.

Совет кишиларининг ҳар бир авлоди Октябрь ғалабаларини ривожлантиришга, мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилишга ўз ҳиссасини қўшди. Биз ўз тарихимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз, келажакка комил ишонч билан назар ташлаяпмиз.

Ҳозирги босқичда совет халқи, партия Ленин таълимотига амал қилиб, уни ижодий ривожлантириб, қайта қуриш орқали революция ишини, жамият ҳаётининг барча соҳаларини янгилашни давом эттирмоқдалар.

Бугун биз қайта қуришнинг туб масалаларидан бирини кўриб чиқишимиз лозим. Бунда гап экономикани бошқаришни тубдан ислоҳ қилиш, хўжалик механизми системасида сифат ўзгаришларини амалга ошириш ҳақида бормоқда. Бу ўзгаришлар социалистик тузум афзалликларидан фойдаланишнинг янги имкониятларини очиб беради.

Бу масалага ўтишдан аввал Сиёсий бюро қайта қуриш, КПСС XXVII съезди қарорларини бажариш қандай бораётганлиги тўғрисидаги фикрларни Марказий Комитетга тақдим этишни зарур деб ҳисоблайди.

I. АПРЕЛЬ ПЛЕНУМИ ЙЎЛИДАН

Қайта қуришнинг баъзи сиёсий якунлари

Ўртоқлар!

Апрель Пленумидан кейин ўтган давр — партиямиз тарихида, халқ ҳаётида энг масъулиятли ва сиёсий жиҳатдан сермазмун даврлардан биридир. Бу давр жадал назарий ва амалий иш билан совет жамияти дуч келган янги проблемаларни ҳал этиш йўлларини излаш ва ҳал қилиш билан характерланади.

Икки йил мобайнида мамлакатдаги сиёсий вазият анчагина ўзгарди, деб ишонч билан айтиш мумкин. Жамият тараққиётида кучайиб борган зиддиятлар аста-секин кўпая бориб ва ўз вақтида ҳал этилмай, аслида кризис арафасидаги формаларга кира бошлаганлиги қайта қуриш заруратини келтириб чиқарганлигини тушуниш тобора чуқурлашиб бормоқда.

Мана шу мураккаб шароитда партия қайта қуриш йўлини ишлаб чиқди. Биз олға томон ҳаракат қила бошладик. Янгиланиш жараёни тобора кўпроқ конкрет шаклларга кириб, тобора кўпроқ проблемаларни ўз ичига олмоқда, ижтимоий ҳаётнинг янги қатламларига ёйилмоқда.

Жамиятдаги қайта қуриш чуқурлашмоқда ва кучаймоқда. Биринчи галда у тормозланиш механизмининг асосий бўғинларини ҳосил қилувчи зиддиятларни ечишга ва шу тариқа ижтимоий тараққиётга қудратли ва муқаррар жадаллаштириш омилини бахш этишга қаратилган.

Социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш мақсадларини жамиятни ривожлантиришнинг турли соҳаларида йўл қўйилган қолоқлик ва деформацияни бартараф этишдангина иборат деб билмаётганлигимизни равшан англаб олмоқ керак. Тарихий зарурат, ички ва халқаро характердаги шароитларнинг тубдан ўзгариши тақозо этган мана шу мақсадлар социалистик жамиятнинг сифат жиҳатидан янги ҳолатига эришишга қаратилган.

Бу вазифани ҳал этиш учун тарих бизга кўп вақт қолдирмади. Социализмнинг имкониятлари ҳақида, унинг инсонга амалда нималар бераётганлиги, жамият социал жиҳатдан қанчалик самарадорлиги тўғрисида айни қайта қуриш қандай бораётганлигига, унинг якунларига қараб баҳо берадилар.

Амалга оширилаётган ишларнинг микёси ва масъулиятимизнинг меъёри шу билан белгиланади, ўртоқлар.

Январь Пленумидан кейин жамиятда рўй бераётган ўзгаришлар мамлакатнинг соғлом кучлари ва меҳнаткашлар қайта қуришни жадаллаштиришни, етилган проблемаларни ҳеч кечиктирмай ҳал этишни, турғунлик ва консерватизм сўзсиз бартараф этилишини қатъият билан ёқлаб чиқаётганликларини айниқса равшан кўрсатиб турибди. Мамлакатда турмушнинг барча соҳаларини демократлаштириш жараёни кенг ривожланиб, чуқурлашиб бормоқда. Жамоат ташкилотлари янада ташаббускорлик билан ишлай бошладилар. Ишлаб чиқаришни бошқаришдаги демократик негизлар тобора кучаймоқда. Омма ўз фикрини равшан ва салмоқли қилиб билдирмоқда. Оммавий ахборот воситалари қайта қуриш манфаатлари йўлида янада фаолроқ ишлай бошлади. Бюрократизмни тугатиш учун ҳужум бормоқда, бошқарувнинг маъмурий қисувга олиш усуллари аста-секин тугатилмоқда. Кадрлар ишида муҳим ўзгаришлар рўй бермоқда, уларнинг состави янги кучларнинг келиб қўшилиши ҳисобига янгиланмоқда.

Биз тўғри йўлдан бораётганимизни демократлаштириш тажрибаси яққол кўрсатиб турибди. Бу эса сиёсий системамизни, умуман жамиятимизни такомиллаштиришнинг янги истиқболларини очмоқда.

Ҳозир маънавий фаоллик қулф уриб бораётганини қайта қуриш ютуқлари жумласига қўшмоқ керак. Жамоатчиликнинг илм-фан, адабиёт ва санъат соҳасида содир бўлаётган жараёнларга, матбуот, радио, телевидениенинг чиқишларига қизиқиши ошди. Одамлар мамлакатнинг ўтмиши, ҳозирги куни ва келажаги ҳақида кўпроқ билишни хоҳлайдилар, жамоат ва давлат ишларига, дунёқараш ва ахлоқ-одоб муаммоларига зўр эътибор билан қарала бошланди.

Биз ўрта ва олий мактабни ислоҳ қилишга киришиб, таълимнинг замонавий системасини яратиш йўлида муҳим қадам қўймоқдамиз. Мана шуларнинг ҳаммаси қайта қуришни янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг янги резервларини очиб бермоқда.

Экономикада рўй бераётган жараёнларга сиёсий баҳо бериш ҳақида гапириладиган бўлса, мен одамларнинг меҳнатга, ўз ишлаб чиқариш бурчларини бажаришга ўзгариб бораётган муносабатини биринчи ўринга қўйган бўлур эдим. Бу нарса кўп жиҳатдан шу билан белгиланадики, меҳнаткашлар қайта қуриш, социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш йўлини амалий иш билан қўллаб-қувватламоқдалар. Бу — биринчиси.

Иккинчидан, бу нарса экономиканинг кўпгина тармоқлари хўжалик

юритишнинг янги усулларига, тўла хўжалик ҳисобига, ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтганлиги ва айни вақтда меҳнатни ташкил этишнинг илғор формалари ва аввало коллектив пудрат ривожлантирилаётганлиги билан боғлиқдир.

Янги вазият иқтисодий натижаларга ҳам муайян тарзда таъсир қилди. Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари ошди. Кейинги икки йил ичида бу суръатлар саноат ва қурилишда ўн биринчи беш йиллик кўрсаткичларидан ўрта ҳисобда 1,3 баравар, қишлоқ хўжалигида 2 баравар, темир йўл транспортида уч баравар ошди. Ўрта ҳисобда 1985—1986 йиллар мобайнида саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатлари 4,4 процентни, қишлоқ хўжалигининг ўсиш суръатлари 3 процентни ташкил қилди. Оғир аҳволга тушиб қолган муҳим соҳа — капитал қурилишда ижобий тенденция намоён бўлди. Экономиканинг бошқа тармоқларида ҳам қийинчиликлар ва кураш билан бўлса-да ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда.

Социал соҳанинг моддий базасини мустаҳкамлаш учун қўшимча имкониятлар қидириб топилди. Шу мақсадлар учун тасдиқлаб қўйилган беш йиллик пландан ташқари қарийб 40 миллиард сўм ажратилмоқда. Бу йил социал соҳани ривожлантириш учун ажратиладиган капитал маблағларнинг ўсиш суръатлари умуман халқ хўжалигидаги суръатлардан уч баравар юқори бўлади.

Марказий Комитетнинг январь Пленумидан кейинги давр алоҳида таҳлил этилиб, сиёсий баҳо берилиши зарур десам шу фикримга қўшилсангиз керак, ўртоқлар. Бу ўринда аввало нималарни таъкидлаш муҳим?

Қайта қуришнинг янги босқичи, жамият ҳаётининг барча йўналишлари ва ҳамма соҳаларида аниқ-равшан вазифаларни ҳал этиш босқичи бошланди, деса бўлади.

Январь Пленуми меҳнатдаги ғайрат-шижоатга ва социал фаолликка қудратли омиллар бахш этди. Ҳеч ким қайта қуришдан четда туриши мумкин эмаслиги — ҳар бир киши ўз позициясини эгаллаши кераклиги равшан бўлиб қолди. Шу ойларда совет кишилари тўпланиб қолган муаммоларнинг мураккаблигини айниқса равшан ҳис этдилар, чиндан ҳам туб ўзгартишлар қилиш, янгиланиш йўлини изчиллик билан ўтказиш зарурлигини тобора равшанроқ англаб олмоқдалар. Шу билан бирга партияда ва жамиятда қайта қуриш — мураккаб ва зиддиятли жараён эканини тушиниш чуқурлашди.

Жамиятдаги революцион ўзгартишлар бир томондан янгиланиш, ижодкорлик, бунёдкорона ташаббускорлик талаблари билан, иккинчи томондан консерватизм, эскича услублар, ғаразли мақсадлар ўртасидаги зиддиятни биринчи ўринга чиқариб қўйди. Омманинг кучайиб бораётган активлиги билан жуда турли соҳалардаги фаолиятнинг ҳали ҳам яшовчан бюрократик услуби, қайта қуришни секинлаштириш йўлидаги уринишлар ўртасидаги номувофиқлик — шу реал зиддиятнинг кўринишларидан биридир. Шу зиддиятни бартараф этиш кадрлар сиёсатида ҳам, партия, давлат ва жамоат ҳаёти янгича ёндашувлари ва нормаларини қарор топтиришда ҳам тез ва қатъий чоралар кўрилишини талаб қилади.

Сиёсий бюро ана шу зиддиятни ҳал этишнинг энг самарали воситаси нималарда деб ҳисоблайди? Бу саволнинг жавоби аниқ ва равшан, у ҳам бўлса демократияни кенг ривожлантиришдадир. Ҳозир жамиятни бошқаришнинг айни буйруқбозлик-маъмуриятчилик шакллари ҳаракатимизга тўсқинлик қилмоқда, буни ҳам ҳаёт қайта-қайта исботламоқда. Демократик ва фақат демократик шаклларгина унга қудратли жадаллик бахш эта олади.

Қайта қуриш, унинг илк босқичи тажрибаси аҳоли турли группалари, коллективлар, идоралар ва ташкилотлар манфаатларининг реал мавжуд бўлган зиддиятларига ҳам зўр эътибор билан назар ташлашга ундайди. Социализм манфаатлар антагонизмини бартараф этиши шубҳасиз. Бу — маълум ва тўғри тезис бўлса ҳам, аммо у манфаатлар антагонизмининг тугатилиши уларни бир хиллаштириш ва текислаб юбориш деган маънони асло билдирмайди.

Қайта қуришга муносабатни олиб кўрайлик. Умуман, эскичасига яшаш ва ишлаш мумкин эмаслигини, қайта қуриш, чуқур ўзгартишлар объектив зарурат эканини ҳамма тушуниб турибди. Бироқ қайта қуриш ишлар сари тубдан бурилиши биланоқ, жамиятнинг ҳамма қатламларига сингиб, конкрет инсонга етиб борғани ҳамоноқ тор маънода тушунилган, бир лаҳзалик манфаатлар, ҳатто айрим

шахслар ва группаларнинг худбинлик муддаолари билан бутун жамиятнинг манфаатлари, меҳнаткашларнинг узоқ муддатли манфаатлари ўртасидаги зиддият юзага қалқиб чиқиб қолганини кўрдик.

Қайта қуриш партия, совет, хўжалик органларида нақадар қийинчилик билан бораётганини яхши кўриб турибмиз. Баъзи марказий идораларда қайта қуриш нақадар нохушлик билан кутиб олинаётгани сезилмаяптими, ахир? Давлат қабули, ичкиликбозликка ва алкоголизмга қарши кураш, тартиб ва интизом ўрнатиш соҳасидаги куч-ғайратлар тажрибаси қайта қуришнинг мураккаб эканлигини кўрсатиб турибди. Хўжалик ҳисоби негизларини жорий этиш ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг пировард натижалар билан тўла-тўкис боғлиқ бўлган принципларини қарор топтириш йўлидаги дастлабки қадамлар ҳам шундан далолат беради. Мана шуларнинг ҳаммаси — реал жараёнлар, ҳаётий зиддиятлардир, ўртоқлар. Биз уларни кўришимиз ва эътиборга олишимиз керак.

Жамият ғаразли манфаатлар ва ҳаракатлар измига юра олмайди. Уларга қарши катъият билан курашиш керак. Бу ўринда ҳам ишчилар синфи, меҳнат коллективлари, айниқса давлат қабули жорий этилган корхоналарнинг коллективлари муносиб намуна кўрсатишлари керак. Бу — осон иш эмаслиги, у миллионларнинг манфаатларига дахлдор эканлиги маълум. Шундай бўлса-да, ишчилар синфи ўз позициясини равшан белгилаб олди: давлат қабули — зарур иш, у бутун жамиятга, бутун халққа, ҳар бир кишига керак.

Ишчилар синфи янгиланиш йўлидан дадил одим ташламоқда. Барча ишларда ишчилар синфи қайта қуришнинг олдинги сафида бормоқда, дейишим мумкин. Бу эса қайта қуришнинг муваффақияти учун ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Меҳнат коллективлари мамлакат социал-иқтисодий тараққиётининг энг муҳим масалаларини ҳал этишга ташаббускорлик билан киришиб, маҳсулот етказиб бериш шартнома мажбуриятларини ўз вақтида ва сифатли бажаришни биринчи ўринга қўймоқда. Мамлакатда Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига бошланган мусобақа кучаймоқда. Хуллас, ишчилар синфи қайта қуришга зўр шижоатли тус бермоқда.

Ишчилар синфининг чинакам гражданлик позицияси шароитида ўзларининг ғаразли манфаатларини деб ижтимоий ўзгартишларга халақит бераётган, қайта қуриш йўлига тўғоноқ бўлаётган кишиларнинг феъл-атвори айниқса хунукдир. Ўйлайманки, меҳнат коллективлари, партия, жамоат ташкилотлари бундай кишиларга нисбатан қаттиққўл, муросасиз бўлишлари керак. Ҳаётнинг талаби мана шундай. Биз Сиёсий бюрода бу масалани мана шу тарзда тушунамиз.

Қайта қуриш шароитида ижтимоий ва шахсий манфаатларни уйғунлаштириш муаммоси янгича пайдо бўлмоқда. Ижтимоий манфаатлар билан шахсий манфаатлар ўртасидаги тўғри нисбатларни қидириб топиш жуда катта аҳамиятга эга, бу — жонли практиканинг вазифасидир. Бунда гап шахс, коллектив, синфлар, миллатлар, элатлар, социал ва профессионал группалар манфаатларининг бутун комплексини, улар ўзаро муносабатларининг мураккаб диалектикасини эътиборга олиб, шу тариқа жамиятнинг жўшқин тараққиётини таъминлаш ҳақида бормоқда.

Хўжалик юритишнинг янги механизми орқали ҳам, демократик тартиботлар орқали ҳам, сиёсат, идеология, маданият орқали ҳам манфаатларни тарбиялаш ва йўналтириб бориш керак. Қайта қуришнинг моҳияти ҳам пировард натижада манфаатларни эътиборга олишдан, манфаатларга таъсир ўтказишдан, шу орқали манфаатларни бошқаришдан иборатдир.

Биз тўла хўжалик ҳисобига, пировард натижа учун ҳақ тўлашга, коллектив ва оилавий пудратга ўта бошлаганимизда меҳнат ва тақсимот муносабатлари соҳасида дуч келган зиддиятлар ҳақида ҳам гапирмоқ керак. Бу соҳада қандай аҳвол рўй берди? Гап шундаки, социализмнинг «Ҳар кимдан — қобилиятига яраша, ҳар кимга — меҳнатига яраша» деган асосий принципи амалда кўпинча жўн тарзда тушунилган тенгчиликка қурбон қилинди. Ҳозир бу масалалар иқтисодий жиҳатдангина эмас, шу билан бирга маънавий, ахлоқ-одоб жиҳатидан ҳам фаол муҳокама қилинмоқда.

Тенглик — текисчилик эмаслиги равшандек туюлади. Бироқ амалда кўпинча бошқача бўлиб чиқди. Текисчилик тенденцияси ўзига зўр бериб йўл очаверди. Бу тенденция тайёрга айёрлик кайфиятини келтириб чиқарди, меҳнатнинг миқдори ва

сифатига салбий таъсир қилди, меҳнат унумдорлигини оширишни рағбатлантириш омилларини пасайтирди.

Социализм ихтиёридаги сиёсий, иқтисодий, социал ва ҳуқуқий воситаларнинг бутун мажмуаси билангина чинакам тенгликни таъминлаш мумкинлигини қайта-қайта таъкидламоқ керак.

Биз мамлакатимизда инсоннинг социал жиҳатдан ҳимояланиши юксак даражада эканлиги билан фахрланамиз. Бу социализмни социализм қиладиган, меҳнаткашларнинг тузумига ва меҳнаткашлар учун тузумга айлантирадиган фазилатдир. Бироқ социалистик жамиятда инсон моддий ва маънавий аҳволининг асоси меҳнат ва фақат меҳнат бўлиши керак. Инсоннинг ижодий, серунум меҳнатини, истеъдодини, умумий ишга қўшаётган реал ҳиссасини ҳар томонлама рағбатлантириш керак. Пассивлик, фаолиятсизлик, меҳнат маданиятининг пастлиги, жамият манфаатларига зид хатти-ҳаракатлар эса, аксинча, социал ва иқтисодий жиҳатдан тегишли тарзда баҳоланиши керак. Социал адолатнинг социалистик мазмуни айнан мана шундан иборат.

Ўртоқлар, мен рўй бераётган ҳодисаларнинг зиддиятлилиги айниқса равшан ифодаланаётган муаммоларнинг бир қисмигагина тўхталдим. Вазифаларнинг янгилиги, кенг миқёслилиги қайта қуришнинг бориши ва социал-иқтисодий оқибатларини, шу мураккаб ижтимоий жараённинг зиддиятларини илмий таҳлил этишга доимий эътибор беришни талаб қилади. Биз назария жабҳасида ижтимоий турмуш фактларининг бутун мажмуасини қатъий таҳлил этишга асосланиб, ҳаракатимиз мақсадлари ва истиқболларини илмий жиҳатдан асослаб, принципиал юксакликка кўтарилишимиз жуда зарур. Чамалаб кўриш ва хатолар қилиш усули билан муваффақиятли равишда олға силжиб бўлмайди. Бундай қилиш жамиятга қимматга тушади. Сиёсий раҳбарлик санъати зиддиятларни аниқлаш ва самарали ҳал этиш, уларни хаспўшламаслик, тўплаб қўявермаслик, балки тараққиёт ва ўз-ўзини ривожлантириш манбаига айлантириш маҳоратини талаб қилади.

Марксча-ленинча таълимот асосчилари бизга назарияда дадиллик, келажакни олдиндан кўра билишнинг илҳомбахш намуналарини қолдирганлар. Париж Коммунасининг тажрибаси К. Марксга капитализмдан коммунизмга ўтиш йўллари тўғрисидаги масалани ишлаб чиқиш имконини берди. В. И. Ленин Совет Россиясидаги социалистик ўзгартишларнинг дастлабки йиллари тажрибаси асосида социалистик жамият қуриш назариясини ривожлантирди ва бойитди. Эндиликда социалистик ривожланиш практикасини, биз ҳам, қардош мамлакатлар ҳам орттирган бой тажрибани, бу тажрибанинг бутун хилма-хиллиги ҳолида чуқур идрок этиш лозим. Бу соҳадаги иш авж олдириб юборилди, ҳозирнинг ўзидаёқ биз баъзи муҳим натижаларга эришдик, ўз сиёсатимизни ишлаб чиқиш ва ўтказишда шу натижаларга таянаяпмиз. Аммо асосий ишлар ҳали олдинда турибди.

Умуман, ўртоқлар, ҳамма чигалликларга, қийинчиликларга ва тўсиқларга қарамай, қайта қуриш ғоявий ва маънавий ғалаба қозонди, деб бугун Пленумда тўла асос билан айта оламиз. Қайта қуриш ҳам кенгайиб, ҳам чуқурлашиб бормоқда.

Аммо биз бундай масъулиятли фикрни айтиш билан бирга ошириб юборишларга ҳам, айниқса beғамликка йўл қўймаслигимиз керак. Аслида биз ҳозир қайта қуришнинг биринчи тўлқинидагина турибмиз. Бу тўлқин туриб қолган сувни ҳаракатга келтириб юборди.

Партия омманинг активлигини уйғотди. Бизнинг бурчимиз эса жўшқинлик сўнишига йўл қўймай, балки уни ривожлантиришдан, тўла куч билан намоён бўлишига имконият яратиб беришдан иборат. Меҳнаткашларнинг қайта қуриш тақдиридан ҳануз ташвишланаётганликлари учун ҳам бу ҳақда алоҳида гапириш зарур. Одамлар тўхтаб қолмасликни, ўзгартишлар йўлидан олға боришни ҳали ҳам маслаҳат бермоқдалар, ҳатто талаб қилмоқдалар. Бойқўнғирга яқинда қилинган сафар вақтида, Ленинск шаҳри меҳнаткашлари билан бўлган суҳбатлардан бирида мендан: қайта қуриш бизга қачон етиб келади? деб сўрашди. Мен: бу ерда республика ва область раҳбарлари бор, улар бизнинг суҳбатимизни эшитиб туришибди, нега бундай савол берилаётгани ҳақида ўйлаб кўриб, ўзлари учун тегишли сабоқ чиқариб олсинлар, деб жавоб қайтардим.

Ёки КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига ва СССР

Министрлар Советига, марказий газета ва журналлар, радио ва телевидение редакцияларига юборилаётган хатларни олиб кўринг. Уларда ҳам шундай фикр баён этилган. Одамлар қайта қуриш тарафдори эканликларини, аммо ўз атрофларида ўзгаришларни кўрмаётганликларини ёзмоқдалар. Улар яшаётган ва ишлаётган меҳнат коллективларига, шаҳар ва қишлоқларга қайта қуриш етиб боргани йўқ. Кўп кишилар буни фактлар билан исботлаб, тасдиқламоқдалар. Демак, жуда кўп куч-ғайратларга қарамай, қайта қуриш кўп жойларга ҳали ҳам реал равишда етиб борган эмас. Бу жуда ташвишли аломатдир, ўртоқлар. Сиёсий бюро вужудга келган вазиятга бепарво қарай олмайди. Ушбу Пленумга тайёргарлик кўриш чоғида бундай вазият кўп марталаб муҳокама қилинди.

Хўш, биз қандай хулосага келяпмиз?

Қайта қуриш партиянинг ташаббуси билан бошланди ва унинг раҳбарлигида амалга оширилмоқда. Партия мамлакатни қўзғатиб, ҳаракатга келтирди, миллион-миллион кишиларни ўз ғояларига қизиқтирди — эргаштирди, жуда катта умидларни юзага келтирди. Модомики ҳозир меҳнаткашлар ўзгартишлар суст бораётганидан ташвишланаётган эканлар, биз ишда заифликка йўл қўймоқдамиз, деган маъно келиб чиқади.

Бир қанча партия ташкилотлари ҳукмрон кайфиятлардан, жамиятда авж олаётган жўшқин жараёнлардан орқада қолишидан иборат ташвишли тенденция вужудга келди, ўртоқлар, фактлар шундан далолат бериб турибди. Бу масалани Пленумимизда кўриб чиқиш лозимлиги равшан. Ҳозир бу — ишдаги энг муҳим жиҳатдир. Партия қандай иш тутса, қайта қуриш ҳам шундай бораверади.

Икки йил муқаддам биз раҳбар партия, совет, хўжалик кадрларидан ишни самарали йўлга қўйишни талаб қилганимизда, бунга жавобан кўпинча: биз янги вазифаларни тушуниб турибмиз, аммо вазиятни чамалашга, янги усул ва формаларни англаб ва ўзлаштириб олишга, уларни амалда қўллашга вақт беринг, деган гапни эшитган эдик.

Сиёсий бюро буни тушунган ҳолда иш тутди. Ўшанда биз ҳар бир кишига вақт ҳам, қайта қуришга имконият ҳам берилади, деб айтдик. Аммо иш кутиб турмайди, ўртоқлар. Партиядаги қайта қуриш рўй бераётган иқтисодий, социал ва маънавий жараёнлардан орқада қолишига, одамларнинг турмушидаги, кайфиятларидаги ўзгаришлар партияда, айниқса унинг раҳбар органларида шу жараёнларни тушунишдан илгарилаб кетишига йўл қўйиб бўлмайди.

Меҳнаткашлар ҳақли равишда шундай деб ёзмоқдалар: қайта қуришни хоҳлаган кишилар дарҳол шундай қилдилар ва ишга киришдилар. Янги вазифаларни сидқидилдан тушуниб етмаган кишилар эса эски усулларга ҳали ҳам ёпишиб олиб, ўзларининг фаолиятсизлиги билан қайта қуришга ҳақиқатда тўсқинлик қилмоқдалар. Шу боисдан Сиёсий бюро ишларнинг аҳволи учун, етилган муаммолар реал ҳал этилиши учун, қайта қуришнинг бориши учун коммунистларнинг, партия, совет, хўжалик органлари раҳбарларининг масъулиятини ошириш масаласини конкрет қилиб қўймоқда.

Барча поғоналарда талабчанликни ошириш керак. Аммо ишни ўзимиздан — Сиёсий бюродан, Секретариатдан, ҳукуматдан, Марказий Комитет аъзоларидан бошламоқ лозим.

Жамият тараққиётининг ҳозирги бурилиш босқичида Марказий Комитет Сиёсий бюросининг зиммасига жуда катта масъулият тушади. Сиёсий бюронинг фаолиятига баҳо бериш — Марказий Комитетнинг иши, албатта. Сизларни ишонтириб айтаманки, Сиёсий бюродагилар янги мураккаб вазифаларни ҳал этиш учун Марказий Комитет, партия ва халқ олдидаги жавобгарликни жуда яхши тушуниб турибдилар. Қисқа муддатларда ижтимоий ўзгартишларнинг барча соҳаларида кенг миқёсли иш авж олдириб юборилди.

Партия ва мамлакат раҳбарлари қайта қуришнинг, ички ва ташқи сиёсатнинг туб масалаларида якдил эканликларини айта оламан. Шу якдиллик замон тақозо этаётган қарорларни қабул қилиш ва дадил ҳаётга татбиқ қилиш имконини бермоқда. Бу — ҳамиша ҳам, айниқса тараққиётнинг бурилиш даврларида муҳим, деб ўйлайман.

Биз амалий фаолиятдаги заиф жиҳатларни ҳам кўриб турганлигимизни Сиёсий бюро номидан ўз-ўзини танқид руҳида айтиб ўтишим керак. Мамлакат тараққиётининг йирик масалаларига оид муҳим қарорлар секинлик билан амалга

оширилаётганлигидан, тўла ҳажмда бажарилмаётганлигидан дарак берувчи фактлар бор. Бу ҳақда Сиёсий бюрода принципиал ва ошкора гаплашиб олинди. Ҳозир биз Марказий Комитетнинг апрель Пленумидан ва КПСС XXVII съездидан кейин қабул қилинган энг муҳим қарорлар қандай бажарилаётганини контрол тарикасида Марказий Комитет Сиёсий бюроси ва Секретариати мажлисларида мунтазам кўриб чиқишни қоида қилиб олдик.

СССР Министрлар Совети қайта қуриш шароитида фаол позицияларда туриб ишламоқда. Шу билан бирга у экономикани бошқариш соҳасидаги, социал сиёсат вазифаларини рўёбга чиқариш соҳасидаги ўз фаолиятини янада такомиллаштириши, тараққиёт истиқболлари тўғрисидаги ғамхўрликни кундалик вазифаларни ҳал этиш билан бирга қўшиб олиб бориши лозим. Марказий идораларни қайта қуриш ҳаёт талаб этаётганига қараганда секинроқ бормоқда.

Маҳаллий партия, совет, хўжалик органлари, барча раҳбар кадрлар актив иш олиб бормасалар биз амалга ошираётган ўзгартиришларни рўёбга чиқариб бўлмаслиги бизга равшан. Қайта қуришнинг аниқ-равшан масалаларини амалий равишда ҳал этиш учун катта масъулият уларнинг зиммасига тушади. Бугун биз ижобий натижа деб қайд этаётган ютуқлар кўп жиҳатдан маҳаллий ташкилотларнинг иши билан боғланган. Жойларда қайта қуриш эндигина авж олмоқда, аммо ҳамма жойда ҳам бир хил бораётгани йўқ, десам шу фикрга қўшиласизлар, деб ўйлайман. Айрим жойларда ҳали ҳам сусткашлик, ташаббуссизлик «маконлари» сақланиб қолмоқда. Булар ҳам — реалликдир, уларни кўрмасликка ҳаққимиз йўқ, айниқса уларни эътиборсиз қолдиришга ва уларга партиявий баҳо бермасликка ҳаққимиз йўқ.

Қайта қуриш ҳозирги босқичининг биринчи навбатдаги вазифалари

Ўртоқлар! Бизнинг вазифамиз — ишларнинг аҳволига танқидий назар ташлашдан, қайта қуришнинг муваффақиятлари ва заифликларини холисона таҳлил этишдан иборат. Умуман, принципиал ва ошкора, ўртоқларча гаплашиб олиш керак, аниқ-равшан таклифлар ва амалий ғоялар керак.

Гапни халқ хўжалиги қандай ривожланаётганидан бошлайлик. Сиёсий бюро бу йилги вазифалар мураккаблигига ва масъулиятлилигига аввал бошданоқ эътиборни қаратди. Бу нарса ҳаммага равшандек туюлди. Аммо йилнинг дастлабки ойларидаёқ жиддий нуқсонларга йўл қўйилди, бу эса экономиканинг кўпгина соҳаларида иш маромининг бузилишига олиб келди. Сиёсий бюро ҳам, ҳукумат ҳам вазиятни ўнглаб олиш учун зудлик билан чора кўришларига тўғри келди. Гарчи вазият нормал изга тушаётган бўлса ҳам, ҳар ҳолда анчагина зиён кўрилди.

Ҳолбуки йил бошида содир бўлган аҳволни олдиндан сезиш ва унга йўл қўймаслик мумкин эди-ку. Аммо бундай қилинмади, бунинг учун эса биринчи галда СССР Госплани (ўртоқ Н. В. Тализин) ва СССР Госснаби (ўртоқ Л. А. Воронин) жавобгардирлар.

Лекин янглишишга шу органларгина йўл қўйганлари йўқ. Қора металлургия министрлиги (ўртоқ С. В. Колпаков) ва Химия саноати министрлиги (ўртоқ Ю. А. Беспалов) ўз вақтида зарур чораларни кўрмадилар. Шу министрликларнинг корхоналари шартномага мувофиқ маҳсулот етказиб беришни барбод қилганликлари халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ва, аввало, машинасозликда иш маромининг бузилишига олиб келди.

Чорвачилик ва ем-хашак ишлаб чиқариш машинасозлиги министрлиги (ўртоқ Л. И. Хитрун) беш ой якунлари юзасидан колхоз ва совхозларга техника етказиб бериш планининг бажарилишини барбод этди. Бунинг сабаби шуки, тармоқдаги кўпгина корхоналарнинг иши яхши ташкил қилинмаганлиги, айниқса ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ёмонлигидир. Тармоқда барпо этилган катта потенциал дуруст самара бермаяпти.

Еки хўжалик юритишнинг янги шароитларига кўчирилган енгил саноатни

олиб кўрайлик. Тармоқ раҳбарлари объектив қийинчиликларни рўкач қилиб, савдонинг кўпгина буюртмаларини қабул этишдан воз кечди ва маҳсулот ишлаб чиқаришни қисқартириш йўлига ўтди. Ахир ўсиш учун реал имкониятлар мавжуд эди-ку! Талаб-эҳтиёж бўлмаган товарлар ўрнига бозори чаққон буюмларни, яъни истеъмолчи кутаётган буюмларни зарур миқдорда ишлаб чиқара бошлаш билан жиддий шуғулланиш лозим эди. Енгил саноат министрлиги ва министр ўрток В. Г. Клюев тутган позиция — бу идоравий манфаатлар жамият эҳтиёжларидан устун қўйилишининг, бинобарин, халқ манфаатларидан устун қўйилишининг намунасидир. Бу ўринда бошқача баҳо бўлиши мумкин эмас.

Шу муносабат билан бошқарув марказий органларининг қайта қуриш учун масъулиятини алоҳида таъкидлашни истар эдим. Янги вазифаларни инобатга олган ҳолда уни ҳар томонлама кучайтириш лозим.

Бизда, масалан, мамлакат машинасозлигини модернизациялаш программаси мавжуд. Бу жуда катта иш. Бу борада жиддий пировард натижаларни кўзлаган ҳолда кенг миқёсдаги ишлар авж олдириб юборилди.

Очиқдан-очиқ айтиш керакки, Станоксозлик, Оғир ва транспорт машинасозлиги, Электротехника саноати, Енгил ва озиқ-овқат саноати учун ҳамда рўзғор приборлари машинасозлиги министрликларидаги аҳвол бизни ташвишга солмоқда. Приборсозликда, гарчи муайян куч-ғайратлар сарфланаётганига қарамай, бурилиш юз бериши анча узоқ кўринади.

Модернизациялаш вазифалари шунингдек бошқа машинасозлик министрликларида ҳам суст ҳал этилмоқда. Машинасозлар жуда катта қийинчиликлар ва чигалликларга дуч келишганини тушунамиз, албатта. Бу ўринда гап бутун машинасозлик комплекси ишини тубдан қайта қуриш ҳақида бормоқда. Лекин нима учун кўпгина министрлар, министрликларнинг партия комитетлари ва аппаратлари шундай вазиятда, гўё, улар оддий тарздаги масалаларни ҳал этишаётгандай ҳаракат қилишаётганини тушуниш қийин. Вужудга келган вазиятда машинасозлик бўйича Бюро (ўрток И. С. Силаев)нинг, Госплан ва Госснабнинг ҳамда КПСС Марказий Комитети баъзи бир бўлимларининг ишида активлик ва ишчанлик етишмаяпти. Афтидан, машинасозлик комплексидаги ишлар аҳволини Сиёсий бюрода ва СССР Министрлар Советида муҳокама қилиш керак.

Ўртоқлар! Жойлардаги барча партия ва совет органлари ҳам қайта қуришга актив киришмаганликлари ҳақида гапириб ўтдим. Қайта қуриш, жумладан Арманистонда жойдан қўзғалмаяпти. Республика меҳнаткашлари бу ерда экономика ва айниқса ғоявий-маънавий соҳада вужудга келган аҳволдан жуда катта ташвишга тушмоқдалар. Шундай бир вазиятда Арманистон Компартиясининг раҳбарлиги ва аввало Марказий Комитетнинг биринчи секретари ўрток К. С. Демирчян республикадаги аҳвол бутунлай яхши деб ҳисобламоқдалар. Бунинг устига баъзи бировлар Арманистонда қайта қуриш КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленумига қадар бошланган эди, деб тасдиқламоқдалар. Бу ўринда нималар эътиборда тутилаётганини айтиш қийин.

Республикада ҳеч кечириб бўлмайдиган осойишталик ҳукм сурмоқда, кадрларга нисбатан етарли талабчанлик қилинмаётир, порахўрликка, чайқовчиликка, ошна-оғайнигарчиликка қарши самарали кураш авж олдирилмаган. Арманистон Компартияси Марказий Комитети партия ташкилотида ҳам, умуман республикада ҳам ишларнинг аҳволини чуқур таҳлил қилиб, уни принципиал позициялардан туриб қараб чиқиши ва қайта қуриш билан сўзда эмас, амалда шуғулланиши лозим.

Горький областидек ғоят йирик область партия ташкилотида ҳам яхшилик сари сезиларли силжишлар кам бўлаётир. Бу ерда кўпгина ҳаётий муҳим масалалар қониқарсиз ҳал қилинмоқда. Областнинг қудратли потенциалидан етарли даражада фойдаланилмаётир, социал соҳа ва экономиканинг аграр сектори суст ривожлантирилмоқда. Область партия комитети (ўрток Ю. Н. Христораднов), областнинг барча партия ташкилотлари танқиддан хулоса чиқарадилар ва аҳволни ўнглайдилар, деб умид қиламиз.

Янги вазиятда КПСС Марказий Комитетининг бўлимлари ҳам республика, ўлка ва область партия ташкилотларидаги аҳволга янада чуқурроқ таъсир ўтказишга, КПСС Марказий Комитети қарорларининг бажарилиши устидан

назоратни таъминлаган ҳолда янгича ҳаракат қилишга даъват этилгандир.

Ўртоқлар, партияда ва жамиятда қайта қуриш — бу узоқ муддатли сиёсат, совет жамиятини янги марраларга олиб чиқиш вазифасини шунчаки бир зўр бериш билан ҳал этиб бўлмайди, деган тушунча қарор топди. Лекин шу нарса маълум бўлдики, айрим ўртоқлар бу тўғри ва реалистик кўрсатмани бизнинг жадаллаштиришга қаратилган умумий стратегик кўрсатмамиз билан қайта қуриш гўё боғланмаган, уни шошилмасдан алоҳида бир ташвиш тортмасдан, қолаверса унчалик жон койитавермасдан амалга ошириш мумкин, деб тушунишди. Бу — кам деганда, иккита сабабга кўра, жуда чуқур адашишдир.

Биринчидан, биз шундоқ ҳам йиллар ва ўн йилликларни бой бериб қўйдик; иккинчидан агар бугун тер тўкиб ишланмаса, фикрлаш тарзимизни ўзгартирган ҳолда, сусткашликни бартараф этган, янги ёндашувларни ўзлаштирган ҳолда ишланмаса, «эртанги порлоқ кунимиз» бўлиши ҳам амри маҳол. «Қайта қуриш кутиб туради» деган мулоҳазалар зарарли ва хавфлидир. Сиёсий бюро масалани шу тахлитда қўймоқда: шу бугуноқ, қайта қуришнинг илк босқичидаёқ ҳар бир иш жойида, ҳар бир киши ўз фаолияти соҳасида кўзга кўринарли амалий натижаларга эришмоғи керак.

Совет кишилари қайта қуришнинг кўпгина мақсадларига эришиш учун узоқ вақт талаб қилинишини тушунадилар. Лекин улар ҳақли равишда шундай савол ҳам бермоқдалар: нима учун бугун меҳнат, турмуш шароитларини, маиший шароитларни жиддий равишда яхшилаши, ахлоқий-маънавий муҳитни соғломлаштириши мумкин бўлган кечиктириб бўлмайдиган ва нисбатан оддий вазифалар ҳал этилмаяпти?

Баъзи бир жойларда олға қараб ҳаракат қилишнинг уддасидан чиқилмаётганигина эмас, ҳатто илгари эгалланган мавқелар ҳам бой берилаётгани одамларимизнинг эътиборини жалб қилмай қолаётгани йўқ. Интизом ва тартиб учун курашни олиб кўринг. Кўпгина жойларда шижоат сўниб, иш жуда ҳам суст кетаётганлиги факт-ку, ахир. Ичкиликбозлик фактлари яна кўпроқ учрайдиган бўлиб қолди, ишёқмаслар, текинхўрлар, ташмачилар — бировлар ҳисобига яшовчи кишилар ўзларини яна эркин ҳис этиб қолдилар. Меҳнаткашлар бундан ташвишга тушишмоқда. Бу асосли ташвишдир, ўртоқлар.

Фавқулодда йирик ҳодисаларнинг вақти-вақти билан такрорланиб турганлиги фактлари интизомнинг бўшлигидан, етарли даражада тартиб йўқлигидан далолат беради. Маълум бўлишича, бунинг сабаблари одатдагидек ўша-ўша интизомсизлик, ишёқмаслик, хўжасизлик, масъулиятсизликка бориб тақалади. Совет ҳаво бўшлиғининг бузилиши ва Ғарбий Германия спортчи самолётининг Москвага келиб қўниши ҳам шундан далолат беради. Бу ҳар қанақа нуқтаи назардан қараганда ҳам мислсиз ҳодисадир. Бу бизнинг жамиятимизда, ҳатто армияда Марказий Комитетнинг апрель Пленумида ва партия XXVII съездида очиб ташланган ўша салбий ҳодисалар қанчалик кучли ва яшовчан эканлигини яна бир марта эслатади. Бу хушёрликни ошириш, янада қатъият билан ҳаракат қилиш, ҳамма ерда барча даражаларда интизомни, уюшқоқликни, масъулият ва ижрочиликни мустаҳкамлаш заруратини таъкидлайди. Сиёсий бюро ва Мудофаа Кенгаши номидан қатъий қилиб айта оламанки, на партияда, на халқ орасида СССР Қуролли Кучларининг мамлакатни ҳимоя қилиш қобилияти хусусида шубҳа бўлмаслиги керак.

Ўртоқлар, биз қачонки биринчи даражали вазифалар ҳақида, кечиктирилмас ишлар ҳақида гапирганимизда, биринчи галда муайян ва тарқалган камчиликлар бартараф этилади, савдода, хизмат кўрсатиш соҳасида, соғликни саклашда, коммунал хўжалигида, яъни экономиканинг кишиларнинг кундалик ҳаёти билан бевосита боғлиқ бўғинларида кўпроқ тартиб ўрнатилади, деган фикрга асосланамиз.

Албатта, бу масалалар ҳукумат даражасида диққат марказимизда бўлиши лозим, лекин ишларнинг аҳволи учун ҳокимиятнинг республика, ўлка, область, округ, шаҳар ва район органларига талабни кучайтириш керак. Афсуски, ҳозир қайта қуришнинг фойдаси ҳақида гап кўп бўлаётган, лекин кишиларнинг энг оддий эҳтиёжларини қондириш учун амалда жуда кам иш қилинаётган бир вазиятга дуч келинмоқда. Кўпгина маҳаллий ходимларда тайёрга айёрлик туйғуси чуқур сингиб кетган. Ҳатто, масаланинг ҳал этилиши учун озгина куч-ғайрат, салгина эътибор етарли бўлган жойларда ҳам марказга ишора қилиш ва юқоридан ёрдам кутиш

давом этмоқда. Бундай позиция сира ярамайди. У қатъиян қораланмоғи ва бартараф этилмоғи керак. Бу ўринда партиявий кўз, партиявий талаб ва контрол бўлмоғи лозим! Булар эса, тўғриси, етишмаяпти.

Бугунги Пленумда биринчи даражали вазифалар орасида халқимизни озиқ-овқат, уй-жой, халқ истеъмоли моллари ва хизмат кўрсатиш турлари билан таъминлаш каби вазифаларни алоҳида таъкидлашни истардим.

Айтиш керакки, бу ўринда конкрет тажриба ҳам, конкрет натижалар ҳам бор.

Озиқ-овқат проблемасини олайлик. Бу соҳада вазият яхшиланмоқда. Бу борадаги рақамлар асосан маълум. Фақат айримларинигина, кейинги икки йилдаги ўзгаришларни ифодалайдиганларинигина айтиб ўтаман. Дон етиштириш 1984 йилдагига нисбатан 37 миллион тоннага, гўшт (сўйилган вазнда) — 1 миллион тоннага, сут — 4,3 миллион тоннага, тухум — 4,2 миллиард донага кўпайди.

Биз қишлоқда хўжалик ҳаётининг жонланаётгани ҳақида гапиришимиз мумкин. Бунга иқтисодий шароитларнинг, хўжалик юритиш методларининг ўзгарганлиги энг аввало тўла хўжалик ҳисобининг, коллектив ва оилавий пудратнинг жорий этилганлиги туфайли эришилди.

Сиёсий бюро ҳозирги босқичда қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқаришни кенгайтиришда, айтишим мумкинки, ўзига хос сакраш юз бериши учун барча объектив шарт-шароитлар вужудга келган, деб ҳисоблайди. Барча колхоз ва совхозларда тубдан силжишга эришиш учун имкониятлар бор.

Бу ўринда нималарга алоҳида эътибор бериш керак? Аввало деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда интенсив технологияларни ўзлаштириш, коллектив ва оилавий пудратни кенг жорий этиш, қишлоқнинг социал проблемаларини фаолроқ ҳал қилиш керак. Бу — масаланинг бир томони, ўртоқлар.

Масаланинг бошқа томони шундан иборатки, колхоз ва совхозларнинг ишига, бунинг учун моддий жавобгарлик сезмаган ҳолда, аралашишда давом этаётганларни қатъиян тўхтатиш керак. КПСС Марказий Комитетида яқинда ўтказилган кенгашда колхоз ва совхоз раҳбарлари хўжаликлар фаолиятига айнан ана шундай номатлуб аралашувлардан ҳимоя қилишни сўрашган эди. Бизнинг вазифамиз қишлоқ меҳнатчиларига ёрдам беришдан, олдинги иш методларидан қутула олмаётганларни тартибга чақиришдан иборатдир.

Иттифоқ-республика фондига маҳсулот етказиб беришни планлаштириш тартиби ўзгартирилганлиги туфайли бугунги кунда республикалар, ўлкалар, областлар ва районларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни кенгайтиришдан манфаатдорлиги мислсиз ошди. Лекин, айни пайтда озиқ-овқат билан таъминлаш учун уларнинг жавобгарлиги ҳам ошди. Шуни айтиш керакки, бу жойларда ташаббускорликнинг ошишига кучли туртки берди. Қаерда ўзгаришларнинг моҳиятига тезда ва чинакамига тушуниб етилган, вужудга келаётган имкониятлар баҳоланган бўлса, у ерда ҳозирнинг ўзидаёқ дурустгина натижаларга эришилмоқда. Жумладан, Краснодар ўлкаси биринчи ярим йиллик якунларига кўра, Иттифоқ-республика фондига чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш топшириғини муваффақиятли бажарди. Бу ерда топшириқдан ошиқча ўзларининг эҳтиёжи учун 15 минг тонна гўшт тайёрланди. Бу асосий бозор фондининг 35 процентидан кўпроқ демакдир. Бундан ташқари, бу 100 минг тоннадан зиёд сут ва 65 миллион дона тухум демакдир.

Ёки Татаристон АССРни олиб кўрайлик. Бу ерда маҳаллий эҳтиёжлар учун асосий фондларга 15 минг тонна гўшт ва 59 минг тонна сут қўшилди. Украинанинг Ивано-Франковск, Полтава, Черкасск ва Черновици областларида ҳам шундай бўлди. Бу тўртта областда фондга қўшимча равишда 20 минг тоннага яқин гўшт топширилди. Белоруссия областлари маҳаллий таъминотни яхшилаш учун қўшимча равишда 25 минг тонна гўшт ва 260 минг тонна сут тайёрладилар. Болтиқбўйи республикалари, РСФСРнинг Курган, Оренбург, Саратов, Ульяновск ва бошқа қатор областлари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Область, ўлка ва республика ташкилотларининг жамоат секторида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ҳисобига беш йиллик план топшириқларидан ўзиб кетиш ва шу асосда давлат фондларига маҳсулот етказиб берилишини сўзсиз бажаришни таъминлаш ҳамда маҳаллий аҳолининг таъминотини кескин яхшилаш йўлидаги интилишларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш

керак. Бу бош йўналишдир. Колхоз ва совхозлар кейинги йилларда қишлоқни ривожлантириш учун сарфланаётган маблағлардан самара олинишини кўпайтиришлари керак.

Бироқ барча резервлардан фойдаланиш лозим. Яна шахсий томорқа хўжалигининг роли тўғрисидаги масалага қайтишга тўғри келади. Уни жойларда турлича тушунишади ва шахсий томорқа хўжалигининг имкониятларидан фойдаланишга турлича ёндашишади.

Мана бир мисол. Омск областида кейинги ўн йил ичида шахсий қўрада гўшт етиштириш 27 минг тоннадан 60 минг тоннага, яъни 2,2 баравар кўпайди. Бу ерда, қишлоқ жойларда яшовчи ҳар бир оила амалда қорамол, чўчқа ва парранда боқиш билан шуғулланади. Аҳолига бузоқларни, ем-хашакни етказиб бериш, тегишли бошқа хизматлар кўрсатиш йўли билан ҳар томонлама ёрдам берилмоқда. Ўтган йили кооперативлар аҳолидан 20 минг тонна гўшт харид қилишди. Область бозорларида бир килограмм янги сўйилган гўштнинг нархи 3,5 сўмдан ошмайди.

Энди бошқа хилдаги мисоллар келтирамиз: Владимир области улкан саноат ва аграр потенциалга эга. Шундай бўлишига қарамай, ўтган йили областда аҳоли жон бошига бор-йўғи 46 килограмм (сўйилган вазнда) гўшт етиштирилди. Натижада, бу ерда сотилаётган гўшт маҳсулотларининг бешдан бир қисми мамлакатнинг бошқа регионларидан ташиб келтирилмоқда. Винница, Кировоград, Николаев, Ярославль каби йирик қишлоқ хўжалик областларида сут ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасида аҳвол яхши эмас.

Маҳаллий ташаббускорлик негизида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш соҳасидагина эмас, балки озиқ-овқат саноатини ривожлантириш соҳасида ҳам кўпгина ишларни бажариш мумкин. Нима учун, айтайлик, Ўзбекистонда, Қирғизистонда, Тожикистонда, Туркманистонда бой хом ашё ресурсларга эга бўлган ҳолда кондитер маҳсулотларининг 25 процентдан 50 процентгача қисми бошқа республикалардан ташиб келтирилади? Қозоғистон аҳолиси мева-сабзавот консервалари билан маҳаллий ишлаб чиқариш ҳисобига фақат 30 процентгагина таъминланмоқда, қолган қисми эса ташқаридан келтирилади. Бу нима деган гап бўлди?

Ўртоқлар! Яқин икки-уч йил ичида аҳолининг боғ ва томорқа участкаларига эҳтиёжи қондирилиши лозим. Ер етишмаётганлигини рўкач этишни бас қилиш керак. Бу ҳақиқатга зиддир. Ер етарли. Бўш ётган ерлар чиндан ҳам кам бўлган жойларда эса колхозларга, совхозларга, корхоналарга тегишли ерларнинг бир қисмини ажратиш ҳам мумкин. Келинг, узил-кесил келишиб олайлик: меҳнаткашларнинг бутун эҳтиёжларини тўла-тўкис қондириш, бу соҳада асоссиз чеклашларга ва тўсиқларга барҳам бериш керак.

Мамлакатимизнинг бир қатор қишлоқ районлари, айниқса Ноқоратупроқ зонада кўп йиллардан буён ва ҳатто ўнлаб йиллар мобайнида бўш ётган уйлар ва томорқа участкаларидан фойдаланиш масаласини ҳам тезроқ ҳал этиш керак, деб ўйлайман. Ташлаб кетилган уйларнинг сони бугунги кунда қарийб 800 мингтага етди. Уларнинг атрофидаги ташлаб қўйилган ерларни айтмайсизми.

Ерга ва иморатларга бу хилдаги муносабатларни одамлар ақлга сиғдириша олмайди. Улар Марказий Комитетга, бошқа ташкилотларга мурожаат қилишиб, бу уйларни сотиб олишга, ерлардан фойдаланишга рухсат берилишини илтимос қилмоқдалар. Ўйлайманки, агар колхоз ва совхозлар ташлаб кетилган уйларни боғлари билан хоҳловчи шаҳарликларга ижарага берсалар тўғри бўлур эди. Кўпгина ҳолларда бу ерларни қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш учун фойдаланиш мақсадида шартнома асосларида бериш мумкин бўлур эди.

Қишлоқ хўжалик хом ашёсини ташиш, сақлаш ва қайта ишлашдаги аҳвол ҳам озиқ-овқат проблемасини ҳал этишдаги уқувсизликка мисол бўлади. Партия XXVII съездида қайд қилинганидек, хом ашёнинг исрофгарчилигини бартараф қилиш истеъмол ресурсларини 20—30 процент кўпайтириш, анчагина маблағни тежаб қолиш имконини берган бўлур эди. Кўриниб турибдики, бу 4-синф ўқувчиси ҳам тушунадиган арифметикадир.

Лекин 1986 йилда Госагропром, СССР Балиқ хўжалиги ва Дон маҳсулотлари министрликлари қайта ишловчи тармоқни ривожлантиришга ажратилган 450 миллион сўм миқдоридаги маблағдан фойдаланмадилар.

Ўртоқлар, мана бундай бир фактнинг мағзини чақиб кўринг: бу тармоқлар

бўйича қурилиш плани кўпгина иттифоқдош ва автоном республикалар, ўлка ва областлар томонидан бажарилмади. Мана сизга биз ҳаётий муҳим проблемани ҳал этишга нисбатан қандай муносабатда бўлаётганлигимизнинг ёрқин бир далили. Шундай бўляптики, ўзимиз тайёрлаш учун курашаётган маҳсулотни исроф қилишда давом этаётирмиз. Чунки, уни сақлаш учун омборхона ҳам, қайта ишловчи корхоналар қуввати ҳам етишмайди, сўнгра эса йўқотилганини импорт ҳисобига тўлдира бошлаймиз. Бу хилдаги ишларга лоқайд қараб ўтиришни бас қилиш вақти етди. СССР Госагропроми (ўртоқ В. С. Мураховский) маҳаллий органлар билан биргаликда нима учун бундай бўлаётганининг тагига етишлари, агар лозим бўлса, оддийгина тартиб ўрнатишлари, энг муҳими — маҳсулотни сақлаш ва қайта ишлаш проблемасини тезроқ ва асослироқ ҳал этишга қаратилган қатъий йўл тутишлари керак.

Айтишим керакки, юқорида айтилганларнинг ҳаммаси жуда жиддий мулоҳаза қилишга мажбур этади. Кейинги йилларда бизда озиқ-овқат масалаларини ҳал этишда ишламасдан тишлаш туйғуси кучли ёйилган эди. Кўпгина регионларнинг раҳбарлари бу ишга осонгина ёндашишарди. Ем-хашак етишмадими — Марказий Комитетга ва ҳукуматга телеграмма йўллашади, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ресурслари етишмадими — яна марказга телеграф қилишади.

Мен албатта ҳамма нарсани бир хил рангга бўяб, муаммони соддалаштирмоқчи эмасман. Кўпгина камчиликлар, умуман, мамлакатдаги аҳвол билан боғлиқ бўлиб, аммо барибир бу масалаларни ҳал этишда ишламасдан тишлаш руҳи кўпгина кадрларимиз онгига ўрнашиб қолган эди.

Умуман, ўртоқлар, Сиёсий бюро яқин икки-уч йил ичида озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги аҳволни жиддий равишда ўзгартириш учун бизда реал имкониятлар мавжуд, деб ҳисоблайди.

Ҳаёт ғоят катта резервлар ҳамма жойда мавжудлигини кўрсатувчи жуда ажойиб мисолларни бермоқда. Кўпдан-кўп фактлар меҳнат унумдорлиги жиҳатидан ҳам, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ўстириш суръатлари жиҳатидан ҳам олға ёриб ўтиш мумкинлигидан далолат бермоқда. Нисбатан яқинда тузилган интенсив меҳнат коллективлари буни исботладилар, ер ҳамда бошқа ишлаб чиқариш воситалари узоқ муддатга ана шундай коллективларга биркитиб қўйилган. Ўтган йили бу коллективларда ҳар бир киши ҳисобига ўрта ҳисобда 700—800 тоннадан дон, жами 70—100 минг сўмлик ва ундан ҳам кўпроқ маҳсулот олинди.

Афсуски, бундай коллективлар ҳали оз. Оилавий пудрат ҳам етарлича кенг оммалаштирилмаяпти, ваҳолонки, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш шундай формаларининг самарадорлиги етарли даражада юқоридир.

Маҳсулот ишлаб чиқаришни тезлик билан кўпайтириш учун сифатли техника ҳам, химиявий воситалар ҳам, ноқулай шароитларга чидамли навлар ҳам керак, албатта. Аммо энг аввало иш учун масъулиятли, ўз ишининг натижаларидан астойдил манфаатдор бўлган инсон зарур.

Биз экономикага ташаббус асосида, кўпинча эса буйруқ кучи билан раҳбарлик қилишга узоқ вақт уриниб келдик. Аммо Лениннинг ишлаб чиқаришни ўстириш шахсий манфаат, моддий манфаатдорлик асосида, ғайрат-шижоат ёрдамида таъминланиши мумкин деган кўрсатмаларини унутиб қўйдик.

Шуниси характерлики, Новосибирск областида интенсив меҳнат коллективларининг биринчи қатнашчилари бўлмиш Ординск районидаги «Большевик» колхозидан ака-ука Кожоховлар ўзларини бундай коллективга иш ҳақининг юқори эканлигигина эмас, шу билан бирга мустақиллик, ўзининг инсон сифатидаги аҳамиятини англаш, жуда керакли ишни бажараётганлик билан фахрланиш ҳам жалб этаётганлигини айтмоқдалар.

Ҳозир бизнинг мамлакатимиз эга бўлган юқори унумли техникага ҳамда бошқа ресурсларга юксак даражада уюшган, манфаатли, интенсив меҳнат учун оммавий ҳаракат қўшилган тақдирда иш яхшироқ юришиб кетади. Барча районлар ва областларда шундай бурилишни таъминлашга қодир кишилар борлигини ҳаёт кўрсатиб турибди.

Мисолларни келтираман, Псков область Питалово районидаги «Артемовский» совхозининг механизатори, КПСС аъзоси А. А. Волоченский совхоз дирекциясига мурожаат қилиб, ўзига ер биркитиб қўйишни ва сўқимга боқиш учун

новвослар беришни илтимос қилди. Шартномага кўра, 40 гектар экин майдони, шу жумладан 10 гектар ҳайдаладиган ер, 20 гектар пичанзор унга бириктиб қўйилди. А. А. Волоченский рўйхатдан чиқарилган комбайнни, иккита тракторни қайта тиклади, ташландиқ бузоқхонани ремонт қилиб, унга 20 бош новвосни жойлаштирди.

Ишда унга ўқувчи ўғли ва қизи, совхозда бухгалтерлик қилаётган хотини эса ишдан бўш вақтида ёрдам беришмоқда. Умуман йил мобайнида 11 тоннадан кўпроқ гўшт олиш мўлжаллаб қўйилган. Фойда 31 минг сўмдан ошади. Совхоз бераётган бузоқ, ўғит, уруғлик, ёнилғи ва бошқа ресурслар учун ички хўжалик нархларида тўланадиган ҳақ 23 минг сўмни, иш ҳақи эса 8 минг сўмни ташкил этади.

Ўртоқлар, бундай ёндашув Ноқоратупроқ зона қишлоқларини олдинга олиб чиқишга ёрдам беради, деб ўйлаймиз. Бу зонада қанчадан-қанча партов ерлар бор-ку, ахир!

Коллективлаштириш йўллари тўғрисида мунозара борган пайтдаёқ йирик коллектив хўжаликлар техникани, ўғитларни, илм-фан ютуқларини қўлланиш учун катта имкониятлар очиши, аммо деҳқоннинг ердан ажралиб қолиши хавфи борлиги тўғрисида гапирилган эди. Иккинчи томондан эса, фермер хўжаликлар майда участкаларда ходимни ердан ажралмайдиган қилиб қўяди, бироқ фан ва техника ютуқларидан имкони борича кўпроқ фойдаланиш имкониятларини яратмайди.

Бизнинг мамлакатимизда йирик колхоз ва совхозлар ташкил этилган ва улар ишлаб турибди. Шу колхоз ва совхозлар мустаҳкам моддий-техника базасига, тажрибали мутахассисларга эга. Шундай шароитда шартномалар асосида коллектив оилавий пудратни моҳирлик билан ташкил этиш, айрим меҳнатчиларнинг манфаатларини коллектив манфаатлари билан, ер ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари ҳақидаги ғамхўрлик билан маҳкамроқ боғлаш муҳимдир.

Шу нарса социализм принципларига зидми, бундай иш методи меҳнатчини айнитиши мумкинми, ахир? Аксинча, ишдаги ношудлик бюджетдан ёпиб келинган ўтмиш практикаси деҳқонни бузаётган эди.

Ишга янгича ёндашув самарали ишнинг ишонарли намуналарини бермоқда. Айни ўша Питалово районидаги партия ташкилотига ёш биринчи секретарь ўртоқ Н. Н. Воробьев яқиндан буён бошчилик қилмоқда. Район коммунистлари олимлар ёрдамида хўжаликларнинг экономикасини юксалтириш соҳасидаги тадбирларни ишлаб чиқдилар. Районда урушдан кейин 46 минг аҳоли бор эди, ҳозир 17 минг аҳоли қолди. Иш қиладиган одам йўқдек. Вазиятни пухта ўйлаб кўриб, коллектив пудратни кенг жорий этишга қарор беришди. Райондаги колхоз ва совхозларнинг саккизта фермаси шу йилнинг бошидан буён оилавий пудрат асосида ишламоқда. Беш ой ичида айни ўша ем-хашак билан моллар икки ҳисса семириб, бир кеча-кундузда 800—1000 граммдан эт қўшадиган бўлиб қолди. Районда деҳқончиликнинг деярли 40 проценти меҳнатни ташкил этишнинг кичик группали формаларига ўтказилди. Кўкламги экиш одатдаги 15—18 кун ўрнига 6 кунда ўтказиб бўлинди. Район ташкилотлари, хўжаликларнинг раҳбарлари буйруқбозликдан, танбеҳлар беришдан, ишларнинг бориши устидан контроллик қилишнинг бошқа усулларидан воз кечдилар. Эндиликда уларга бундай раҳбарлик методлари умуман керак бўлмай қолди.

Яна бир мисол. КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат Лидия Дмитриевна Бризга эри билан бирга Жданов номли илғор колхоздан Бресть область Бресть районидаги «Память Ильича» колхозининг қолоқ фермасига ўтиб, икки йилдан буён олти кишидан иборат пудрат звеносига бошчилик қилиб келмоқда. Бу звенога юз бош соғин сигир, 50 гектар яйлов бириктиб қўйилган. Сигирларни Лидия Дмитриевнанинг бир ўзи соғади, эри ва қизи эса ем-хашак тайёрлаб, молларни боқади. Икки йил ичида ҳар бир сигирдан соғиб олинган сут миқдори 2917 килограммдан 5580 килограммга етди.

Бундай мисоллар ҳамма жойда бор. Павлодар область Успенский районидаги Панфилов номли колхозда 1983 йилда бузоқларни сўкимга боқадиган звено тузилган эди. Звено билан колхоз правлениеси ўртасида шартнома тузилган. Звено состави уч кишидан: звено бошлиғи — биринчи класс тракторчи-машинист А. Я. Рудько, шунингдек унинг қизи ва куёвидан иборат. 1986 йилги кўрсаткичлар

қуйидагича бўлди: 563 бош новвос сўқимга боқилди, уларнинг ўртача бир кеча-кундуздаги эт қўйиши бир килограммдан ошиб кетди, звенонинг ҳар бир аъзоси ҳисобига 167 минг сўмлик маҳсулот етиштирилди. Ҳар центнер семиришнинг таннархи 95,5 сўмни, колхозда эса 155 сўмни ва район бўйича ўрта ҳисобда 230 сўмни ташкил этди. Звено ҳар бир аъзосининг ўртача ойлик иш ҳақи — 534 сўм. Қандини ураверсин! Чунки бу ҳақ меҳнат учун тўланмоқда, реал маҳсулот учун берилмоқда.

Мен шундай савол бераман: хўш, бу колхоз тузумига путур етказдими? Йўқ! Жонли, ижодий, меҳнатга асосланган социализм мана шунинг ўзидир. Чунки халқ социалистик қурилишга кенг қўшилмоқда — меҳнатнинг коллектив формалари орқали меҳнатчининг колхоз ва совхоз билан алоқаси яна ҳам мустаҳкам бўлиб қолмоқда. Одамлар ҳам ўз фаровонлигини ҳалол меҳнат билан қўлга киритмоқдалар!

Минск область Любань районидаги «Загальский» совхозида картошка етиштирувчи механизациялаштирилган звенода учала даража Меҳнат Шуҳрати орденининг нишондори звено бошлиғи И. Г. Синицкий бошчилигидаги тўрт киши 60 гектар майдонга ишлов бермоқда. Звено икки йилдан буён пудрат асосида ишламоқда. 1986 йилда ҳосилдорлик гектар бошига 383 центнерни ташкил этди. Звено картошканинг энг паст таннархига — ҳар центнер ҳисобига 1,5 сўм (республика бўйича эса 9 сўм), энг кам меҳнат сарфига — ҳар центнер ҳисобига 0,54 киши-соатга (республика бўйича эса ўрта ҳисобда — икки киши-соат) эришди.

Тернополь областида ҳам сабзавот етиштиришда оила пудрати ривожланмоқда. Бу йил Залешчицкий районидаги учта колхозда — Богдан Хмельницкий номли, «Золотой колос» ва «Коммунист» колхозларида томорқа участкаларида 15 минг тонна помидор, шу жумладан 5 минг тонна эртаги помидор навлари етиштирилади, ваҳолонки, ана шу хўжаликлар ўтган йили бир ярим минг тонна эртаги помидор реализация қилган эдилар.

Район марказида ҳам худди шундай қилинмоқда. Колхозлар кўпгина оилаларга кўчат, плёнка, ўғит, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, суғориш учун насослар ажратди, яшчиклар билан таъминламоқда. Одамлар 15—20 сотих ерга эртаги помидор экиб, ҳар квадрат метрдан 7—8 килограммдан сифатли маҳсулот йиғиштириб олмоқдалар.

Кременецкий районида 600 оила пудрат асосида ўз полизларида қулупнай етиштирмоқда, бу йил 800 тонна қулупнай харид қилиш тўғрисида шартнома бор. Маълум қилишларича, ҳаммаси бўлиб областда бу йил қарийб 25 минг оила сабзавот, техника экинлари етиштириш, чорва молларини боқиб семиртириш тўғрисида шартнома тузган.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин, ўртоқлар. Буларнинг ҳаммаси агар биз бу ишга барча резервларни, барча меҳнаткашларни, барча оилаларни жалб қилсак, одамларнинг ташаббусини уйғотсак, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадал ривожлантириш имкониятлари борлигини билдиради.

Ҳозир эса нима бўляпти? Қишлоқ аҳолиси ҳар қандай майда-чуйда нарсалар учун магазинга ошиқади, амалда шаҳарлик сингари озиқ-овқат маҳсулотлари харидорига айланган. Қишлоқ оилаларининг 54 процентида сигир йўқ, 33 процентида эса ҳеч қандай чорва мол боқилмайди.

Кўплаб фактларда биз яна ҳам муҳимроқ нарсага — инсон ташаббусига йўл очилганлиги, ортиқча ташкилий чора-тадбирлардан, ҳаддан ташқари марказлашувдан воз кечиш айни бор ресурслар билан озиқ-овқат ресурсларини кўпайтиришда жадал олға силжишни таъминлаш имконини беришига ишонч ҳосил қилдик.

Умуман, қишлоқ хўжалигида жуда катта потенциал мавжуд. Ҳозир йирик жамоат хўжалиги имкониятларини коллектив ва оилавий пудрат имкониятлари билан боғлаш ҳисобига шу потенциалдан актив фойдаланиш керак.

Бошқа бир жиддий ва кечиктирилмас вазифа — бу **уй-жой проблемасининг** ҳал этилишидир. Олдин айтганимдек, мамлакатда уй-жой қурилиши суръатларини кучайтириш учун марказ даражасида имкониятлар ҳисоблаб чиқилди. Қўшимча капитал маблағлар ҳисобига ўн иккинчи беш йилликда уй-жой қурилиши ҳажмини ўн биринчи беш йилликдагига қараганда 60 миллион квадрат метрга кўпайтириш мўлжалланган. Беш йилликда жами 15 миллиондан кўпроқ оила квартира олади.

Бу билангина чекланилмайди. Корхоналар, колхозлар, совхозлар, шаҳарлар, округлар ва районлар, областлар, ўлка ва республикалар кўп бўлса кўпки, оз имкониятларга эга эмаслар. Кўпгина маҳаллий органлар — мен шуни мамнуният билан қайд қилишни истардимки — съезд илгари сурган вазифани — 2000 йилга қадар амалда ҳар бир оилани алоҳида квартира ёки хусусий уй билан таъминлаш вазифасини бажаришга ишчанлик билан киришдилар. Бу вазифани иложи борича қисқа муддатларда ҳал этиш имкониятларини қидириб топаётганлар ҳам оз эмас. Бу жуда тўғри иш, буни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш керак.

Бироқ ўртоқлар, очиғини айтиш керакки, уй-жой қурилишида ҳали туб бурилиш бўлгани йўқ ва бу маълум даражада фақат маблағларнинг етишмаслиги билан эмас, балки кўпгина партия, совет ва хўжалик органларининг, раҳбар кадрларнинг муносабати билан белгиланади. Умумий гаплардан кейин ҳамиша ҳам бу муҳим вазифани бажариш учун ташаббускорона, собитқадам иш бўлаётгани, резервлар қидириб топилаётгани йўқ.

Уй-жой қурилишининг ўсиб бораётган ҳажмларини бажариш учун қувватлар етишмаётганлиги ҳақида бот-бот эшитишга тўғри келади. Бироқ бундай изоҳлар ҳеч кимни қаноатлантиролмайди: биринчидан, агар қувватлар етишмаётган бўлса, у ҳолда уларни вужудга келтирмоқ даркор; иккинчидан эса, ҳозир мамлакатда уйсозлик корхоналари қувватларининг 20 проценти умуман фойдаланилмай келяпти. Бу мамлакат бўйича ўртача маълумотлардир. Озарбайжон, Арманистон, Қозоғистон, Туркманистон, Ўзбекистонда эса бу хилдаги корхоналар атиги 65—70 процент, Краснодар, Хабаровск ўлкаларида, Иваново, Пенза, Ростов, Смоленск, Тошкент, Целиноград областларида, шунингдек Бурятияда ва Қабарда-Балқарияда 50—65 процент қувват билан ишлатиляпти.

Яна бир гап. Мамлакатда уй-жой, қурилиш материаллари етишмаётган бир пайтда қурилиш индустриясининг кўпгина корхоналари бир ярим сменада, ҳафтасига икки кун дам олиб ишлаётгани каби вазиятни тушуниш ва оқлаш мумкинми? Натижада календарь вақтининг 50 процентига қадари йўқотилмоқда. Буларни тўхтовсиз фаолият циклига айлантирса бўлмайдими? Металлурглар, химиклар, энергетиклар, озиқ-овқат саноати ходимлари шу тахлитда ишлаяптику, ахир. Машинасозлар ҳам кўп сменали иш режимига ўтмоқдалар.

Лекин бизда уйсозлик комбинатларининг қувватларидан ёмон фойдаланилаётгани устига-устак мамлакатдаги ғишт заводлари ҳам атиги 80 процент қувват билан ишлаяпти. Бу яна ҳамма ерда ғишт тақчиллиги сезилиб турган бир пайтда юз беряпти. Бу заводлардан Россия Федерациясида, Украинада, Қозоғистонда яхши фойдаланилмаяпти. Масалан, Олтой ва Краснодар ўлкаларида бундай заводлар бор-йўғи 57—69 процент қувват билан ишламоқда.

Агар бизни уй-жой проблемаси чиндан ҳам ташвишлантираётган бўлса, кўпгина министрликлар ва идоралар йирик панелли уйларни ишлаб чиқариш бўйича қувватларни оширишга ажратилган капитал маблағларни атиги 70—80 процент ўзлаштирганликлари каби аҳвол билан муроса қилишимиз мумкинми, ахир?

Бугун биз Пленумда иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари ва Министрлар Советларига, министрликлар ва идораларга, айниқса Қурилиш материаллари саноати (ўртоқ С. Ф. Военушкин), Ўрмон, целлюлоза-қоғоз ва ёғочсозлик саноати (ўртоқ М. И. Бусигин) министрликларига уй-жой қурилишига муносабатни қатъиян ўзгартириш тўғрисида талаб қўйишга ҳақлимиз деб ўйлайман.

Келинглар, ўртоқлар, ўйлаб кўрайлик, меҳнаткашлар билан маслаҳатлашайлик. Модомики, биз бу ҳаётий муҳим проблемани ҳал этишга киришган эканмиз, у ҳолда бу масалани, айтиш керакки, ҳамма бир ёқадан бош чиқариб ҳал этайлик.

Мен ҳатто шундай деган бўлардим: агар биз қайта қуришни кенг йўлга қўйиб, уй-жой масаласини ҳал этиш учун реал имкониятларни қидириб топа олмасак, меҳнаткашлар бизни тушунишмайди. Уй-жой қурилиши — умумхалқ вазифасидир. Айнан ана шу позицияда туриб унга ёндашмоқ керак.

Энди, ўртоқлар, **халқ истеъмоли моллари ва хизмат соҳаси ҳақида,** матлубот бозоридаги аҳвол ҳақида. Бу масаланинг аҳамияти инобатга олинган ҳолда тармоқ давлат программаси ишлаб чиқилган. Лекин бу айтиш керакки, масаланинг ўз-ўзидан ҳал бўлганини билдирмайди, албатта. Унинг амалда рўёбга

чиқишини таъминлаш зарур, афсуски, бу муҳим социал вазифага ҳамма ерда ҳам бир хил муносабатда бўлинмаётганини таъкидлашга тўғри келади. Бировлар яратилган имкониятлардан ҳақиқатдан ҳам фойдаланиб, актив изланишлар олиб боришяпти, товарлар ишлаб чиқаришни ва хизмат кўрсатишни кенгайтиришяпти. Бу ўринда Белоруссия, Литва, Эстонияни, Ленинград, Ульяновск ва бошқа областларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Буларнинг тажрибаси мамлакатда маълум.

Бироқ кўп кишилар асосан ўзларининг шахсий куч-ғайратларига таянмасдан марказдан ёрдамга кўз тутиб, бошқа регионлардан маҳсулот ташиб келтирилишига умид боғлаб, эскичасига ҳаракат қилишда давом этмоқдалар. Бизда ҳар бир область ёки республика натура хўжалигини юритиши керак, деб айтмоқчи эмасман, албатта. Лекин маҳаллий ресурслардан фойдаланиш тўғрисида ўйламасдан фақат бошқа томондан келишига қараб ўтираверишn — бу ўша тайёрга айёрликдан бошқа ҳеч нарса эмас. Бундай ҳодиса жуда кенг тарқалган.

Пленумда проблеманинг барча икир-чикирларига тўхталиш керак, деб ўйлаётганим йўқ. Лекин айрим республикалар, ўлка ва областлар бошқа регионлардан кундалик эҳтиёж учун қандай моллар олиб келаётгани билан танишадиган бўлсангиз, баъзи бир ходимларимизнинг халқ эҳтиёжларини таъминлаш учун масъулият туйғусини йўқотиб қўйганликларини кўриб ҳайрон бўласан киши. Узундан-узоқ йўл босиб жуда ҳам оддий бир нарсалар, жойларнинг ўзида ҳеч қандай қийинчиликсиз ишлаб чиқариш мумкин бўлган нарсалар ташиб келтириляпти. Ишлаб чиқарилиши учун ҳеч қанақа фондли ресурсларнинг, янги техниканинг, махсус ишлаб чиқариш қувватлари ва тайёрланган кадрларнинг ҳожати бўлмаган нарсаларни келтиришади. Биз, ўртоқлар, бундай ярамас практикани жамоатчилик ҳукмига қўйишимиз керак. Матбуот, радио, телевидение бу вазифаларни жойларда хўжалик ва совет органлари қандай ҳал этаётганликларини мунтазам равишда кўрсатиб бориши керак. Одамларга нисбатан кимлар чинакамига меҳрибонлик билан муносабатда бўлаётганини ва кимлар лоқайд қараётганини, ташаббус кўрсатмаётганини ҳамма билиб қўйсин. Меҳнаткашлар ҳамма нарсани билишлари ва бу муҳим ишни назорат остида тутишлари керак.

Марказий Комитет Пленумида ҳамма министрликлар ҳам халқ учун товарлар ишлаб чиқариш эҳтиёжларига эътибор бермаётгани ҳақида айтишимиз керак. 18 тармоқ маданий-маиший ва хўжалик буюмлари ишлаб чиқариш бўйича ўтган йилги топшириқларни бажармади. Э. К. Первишин, П. С. Плешаков, В. М. Величко, А. А. Ежевский ўртоқлар бошқараётган министрликлар ана шулар жумласидандир.

Баъзи бир министрликларда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришга юзаки, иккинчи даражали иш деб қарашмоқда, баъзи бир жойларда эса буни ортиқча юк деб ҳисоблашади. Ўртоқлар шуни тушунишлари кераккки, улар жуда қаттиқ адашадилар, бу адашишдан қанчалик тез қутулишса, иш учун ҳам, уларнинг ўзлари учун ҳам шунча яхши бўлади.

Ҳозирга қадар бизга энг яхши сифатли ва кенг ассортиментдаги товарлар кўпроқ кераклиги ҳақида сўз борди. Лекин гап фақат шундагина эмас.

Ўзингиз бир қаранг, аҳоли ҳатто етарли даражада чиқарилаётган товарлар билан ҳам яхши таъминланмаётганлиги ҳақида қанчадан-қанча фактлар бор. Агар бунга кўпгина савдо муассасалари ва корхоналарда етарли тартиб йўқлигини, хизмат кўрсатиш маданияти пастлигини, магазинларнинг ўзи етишмаслиги сабабли навбатларнинг кўплигини, савдо ва хизмат соҳасида иш режими ҳамиша ҳам шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг меҳнат ва ҳаёт режимига бўйсундирилмаганлигини қўшадиган бўлсак, уларнинг иши юзасидан эътирозлар бунчалик тез-тез бўлаётганини тушуниш қийин эмас. Бу масалалар маҳаллий органлар томонидан жуда яқин вақт ичида ҳал этилиши керак.

Мамлакатда товар ресурсларини матлубот кооперациясининг ишлаб чиқариш ва тайёрлов фаолияти орқали тўлдириш имкониятларидан яхши фойдаланилмаяпти. Бу борада ҳам кўпгина эътирозлар бор.

Бу система ҳозирча сусткашлик билан иш олиб бормоқда, натижада аҳолидан харид қилиш ва кооператив ташкилотлари орқали истеъмолчига етказиб бериш мумкин бўлган маҳсулотларнинг анча қисми бекорга нобуд бўлиб кетмоқда. Ҳозир

биз Центросоюзга ёрдам кўрсатдик. Унинг куч-ғайратини маҳаллий совет органлари йўли билан ҳам қўллаб-қувватлаш лозим.

Биз, ўртоқлар, коммунал-маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги қолоқликка, пассажир транспортида, алоқа, туризм, физкультура ва спорт соҳаларидаги ишларнинг қониқарсиз аҳволда эканлигига тоқат қила олмаймиз. Шаҳар ва қишлоқларда уй-жойни, рўзғор техникасини ремонт қилиш, пойабзал ва кийим тиктириш жуда мураккаб муаммога айланаётганини нормал ҳол деб бўладими ахир?

Бу соҳада ўзига хос «яширин экономика» вужудга келганлиги бежиз эмас. Мана бу рақамлар устида мулоҳаза қилиб кўринг: Марказий статистика бошқармаси органларининг хабар беришича, уларнинг ҳисоб-китобларига кўра, аҳоли ҳар йили хизматлардан фойдаланганлиги учун хусусий шахсларга қарийб 1,5 миллиард сўм тўламоқда.

Биз аҳолининг ёғоч-тахта ва бинокорлик материалларига талабини тўла-тўкис таъминлаш зарурлигига бир неча бор эътиборни қаратдик. Бу хусусда қарорлар қабул қилинди, лекин уларни марказий органлар ҳам, маҳаллий органлар ҳам яхши бажармаётирлар.

Ўйлайманки, Пленумда совет жамиятининг ҳаётий муҳим масалаларининг бугунги муҳокамаси марказда ҳам, жойларда ҳам барча ходимлар учун сабоқ ва туртки бўлади.

Аҳоли учун озиқ-овқат, уй-жой ва товарлар проблемаларининг ҳал этилиши доимо хўжалик органларининг диққат марказида бўлиши лозим. Бу гап соғлиқни сақлашга ҳам, биз экология деб атайдиган соҳага ҳам тамомила тааллуқлидир. Бу борадаги аҳволга ўтган икки йил ичида Сиёсий бюро ва ҳукумат ғоят катта эътибор бериб келди. Шуни айтиш керакки, медицина хизмати кўрсатиш ва инсон яшаётган муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларида кўпгина салбий ҳодисалар тўпланиб қолди. Биз аҳволни яхшилаш чораларини кўраётирмиз. Ана шу биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган иш ҳамманинг эътиборини ва жуда катта амалий ишлар қилишни талаб этади.

Демократлаштириш — қайта қуришнинг ҳал қилувчи шарти

Ўртоқлар! Партия Марказий Комитетининг апрель Пленумидан кейин жамиятда янги маънавий-сиёсий муҳитни вужудга келтиришга эришилди. Ижодкорлик, изланиш, воқеликка реалистик баҳо бериш, ҳаётимизга халақит бераётган ҳамма иллатларга қарши муросасиз кураш муҳити вужудга келди. Шу сабабли кейинги икки йиллик тажрибадан келиб чиқадиган дастлабки хулоса шундан иборатки, мамлакатда таркиб топган ҳамда ҳар бир кишига ўз граждан-лик позициясини намоён қилиш, жамиятнинг муҳим проблемаларини муҳокама этишда ва ҳал қилишда фаол қатнашиш, бу йўналишда рўй бераётган жараёнларни жадаллаштириш имконини бераётган ошкоралик, очиқчасига гапириш вазиятини сақлаб ва қўллаб-қувватлабгина қолмай, уни ҳар томонлама чуқурлаштириш ва ривожлантириш керак.

Тажриба шуни кўрсатадики, партия, совет ва хўжалик органлари меҳнаткашларнинг ошиб бораётган сиёсий ва ижтимоий фаоллигидан тўла-тўкис фойдаланаётган жойларда муваффақият қўлга киритилмоқда. Очиғини айтиб қўяқолай: демократиялаштириш йўлини қатъият ва изчиллик билан олиб бормасак, қайта қуриш вазифаларини уддалай олмаймиз. В. И. Лениннинг қуйидаги сўзларини эслайлик: «...Биз амалга оширмоқчи бўлган ўзгартишлар қанчалик чуқур бўлса, бу ишга одамларни шунчалик кўпроқ қизиқтирмоқ керак ва кўпроқ онгли муносабатда бўлишларига эришмоқ керак, янгидан-янги миллионлар ва ўнларча миллионларни бунинг зарурлигига ишонтирмоқ керак...» Биз ҳозир ҳам худди ана шундай ленинчасига иш кўришимиз лозим.

Айни вақтда шуни ҳам айтиб ўтиш зарурки, матбуот материаллари, жойларда ишнинг аҳволи билан танишиш, келаётган ахборотлар ошкораликнинг, демократизмнинг ривожланиши қийинроқ, баъзи жойларда ҳатто жуда оғир кечаётганли-

гидан далолат беради. Айрим ўртоқларда демократик ўзгаришларни тушунмаслик ва ундан қўрқиш туйғуси вужудга келди. Бу масала шу қадар муҳимки, Пленум уни муҳокама қилади, аниқ ва қатъий позицияни эгаллайди, деб ўйлайман.

Қайта қуриш амалга оширила бориб, жамиятимиз ҳаётининг барча томонларини демократиялаштириш жараёни чуқурлашган сари биз ҳисобга олмаслигимиз мумкин бўлмаган ва бундай қилишга ҳаққимиз бўлмаган янги реалликлар вужудга келмоқда. Одамларимиз ўз манфаатларига тааллуқли масалаларнинг уларни четлаб, бошқа ҳар қандай киши томонидан ҳал этилишига бундан буён тоқат қилишни истамаяптилар. Бу эса баъзан кескин вазиятларга олиб келмоқда. Бундай вазиятлар нимадан далолат беради? Айрим маҳаллий партия, совет ва хўжалик органлари, марказда ва жойлардаги раҳбар кадрларимизнинг бир қисми кенгайиб бораётган демократия шароитида ишлашни ҳамон ўрганиб олмаганликларидан далолат бермоқда. Бундай ўрганишни орқага суриб бўлмайди. Ҳозироқ, қатъият билан ўрганиш керак. Партия комитетлари ва ташкилотлари, давлат ҳокимияти органлари жамоатчилик фикрини доимо ҳис қилиб туришлари, қабул қилинадиган қарорларни ва ўз ҳаракатларини улар билан киёслашлари лозим. Халқимиз сиёсий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам демократлаштириш тарафдоридир.

Сиёсий ишда, ташкилотчилик ва идеология фаолиятида янгича ёндашишларни ўзлаштириш осон кўчмаётир. Айрим кишилар ошкораликка қийинчилик билан кўникмоқдалар, баъзи кишиларга танқид, матбуот чиқишлари ёқмаётир, айрим кишилар эса умуман фақат ўз фикринигина «нуқсонсиз» деб ҳисоблашга ўрганиб қолишган. Биз ҳозир бу ҳолларнинг ҳаммасига дуч келаётирмиз ва тез-тез дуч келиб турибмиз. Бу ҳодисаларнинг илдизига бир назар ташлайлик. Жамиятнинг ошкора назорати остида бўлишидан қўрқаётган кишилар демократлаштиришдан норози бўлмоқдалар. Улар шуни яхши биладиларки, бошлиқлардан бир баҳона топиб қутулса бўлади-ю, аммо халқ олдида тўла жавоб беришга тўғри келади. Демократия ҳамма нарсани ўз жойига қўймоқда — ким қандай эканлиги ва нималарга қодирлиги равшан бўлиб қолмоқда.

Хушёр тортишга ундаётган жиҳатлар ҳақида ҳам гапириб ўтиш керак. Ҳар қандай катта ишда камчиликлардан тўла холи бўлиш мумкин эмас. Камчиликлар бўлган эди, ҳозир ҳам бор, бундан кейин ҳам бўлади. Ҳозир биз ҳам айрим кишилар очиқ гапириш, ошкоралик вазиятидан қайта қуриш манфаатлари, ривожланаётган социализм, меҳнат аҳли манфаатлари йўлида эмас, балки ўзларининг тор, ғаразли мақсадларига эришиш учун фойдаланиб қолишга уринаётган вазиятларга дуч келдик.

Бундай ҳодисаларга қарши курашиш, аммо ошкора ва очиқчасига курашиш керак. Демократияни кенгайтириш шароитида яшаш ва ишлаш — мунозаралардан, фикрлар ва позицияларнинг тўқнашувларидан қўрқмаслик демакдир. Ҳақиқатни излашда, вужудга келаётган муаммоларни ҳал этиш ва олға ҳаракатимизни жадаллаштириш мақсадида буларнинг ҳаммаси табиий ва зарурий ҳолдир.

Аммо биз демократия жўшқин, кенг кўламда ва масъулиятли мунозараларни, турли нуқтаи-назарларнинг қиёсланишини тақозо этади, деяётган эканмиз, бунинг маъноси шуки, битта ним ҳақиқатга қарши курашни ниқоб қилиб, уни иккинчи бир ним ҳақиқат билан алмаштиришга уринишларни демократик уринишлар деб ҳисоблаб бўлмайди. Бир гуруҳнинг нафсониятига, унинг ҳақиқатни белгилаб берадиган «сўнгги марра» даъволарига қарши кураш ниқоби остида бошқа бир гуруҳнинг нафсониятини, унинг фикр ва майлларини, субъектив-нуқтаи назарларни ўтказиш йўлидаги уринишни демократик уриниш деб бўлмайди. Биз оммавий ахборот воситаларида, санъат ва адабиётда, илмий доираларда ҳам ана шундай ҳолларга дуч келаяпмиз. Бундай ҳодиса партия, жамоат ташкилотларини ҳам четлаб ўтмади.

Аммо, умуман шуни айтаманки, бизда ошкоралик, танқид ва ўз-ўзини танқид жараёни соғлом негизда давом этмоқда. Зотан у жамиятнинг барча кучларини қайта қуриш принциплари асосида бирлаштиришда, халқ ва социализм манфаатлари йўлидаги прогрессив ўзгаришларни ўтказишда ғоят катта роль ўйнамоқда.

Ўртоқлар! Жамиятни янада демократлаштириш йўлларини кўриб чиқар эканмиз, шу муносабат билан контрол масаласига тўхталиб ўтмоқчиман. КПСС

Марказий Комитетида якинда ўтказилган кенгашда унинг катнашчилари контрол сўзсиз керак, лекин ҳозирги контролдан бошкача контрол керак, дейишди. Кейинги йилларда иктисодий соҳада фош килинган суиистеъмол фактлари, жиноятлар шундан далолат берадики, контролнинг ташкил топган системаси самарали эмас, у ҳаддан ташкари таркок, жуда кўп иш вактини исроф килмокда, кўплаб одамлар ва маблағларни банд килмокда, энг муҳими — идоравий ва маҳаллий манфаатлар доираси билан чекланган бўлиб, контрол килиниши керак бўлган ташкилотлар ва мансабдор шахсларга кўп жиҳатдан боғликдир.

Ўйлайманки, КПСС Марказий Комитетининг Секретариати ва ҳукумат катталашиб кетган контрол аппаратини текшириб чикиши ҳамда уни кискартириш ва фаолиятини тартибга солиш, давлат, умумхалк манфаатларига бўйсундириш, конунчиликни мустаҳкамлаш юзасидан катъий чоралар кўриши лозим.

Биз энг кенг кўламдаги демократизмни партиявий раҳбарлик билан кўшиб олиб борувчи социалистик контролнинг ленинча принципини тўла-тўкис ўрганиб олишимиз зарур. Биз халк контролини янги етилган масалаларни аниклашнинг таъсирчан воситаси ҳамда жамият ва давлат ишларини ўз-ўзини бошкариш жараёнига оммани жалб этишнинг энг муҳим формаларидан бири деб биламиз.

Ҳозирги замон шароитида халк контроли комитети негизида контролнинг шундай ягона яхлит системасини вужудга келтириш ҳакида ўйлаш керакки, у мамлакатнинг бутун территориясида кенг ваколатларга эга бўлсин, ишда энг кўп даражадаги ошкораликка таянсин, ўзининг муҳим функцияларини комплекс, умумхалк позициясида туриб, кенг социал-сиёсий кўламда бажара олсин.

Ўртоклар! Жамиятимиздаги кайта куриш дунёда жуда катта кизикиш уйғотмокда. Биз социалистик мамлакатларнинг меҳнаткашларигина эмас, балки жаҳон жамоатчилигининг кенг доиралари ҳам проблемаларимизни тушуниб, хайрихоҳлик билан кутиб олаётганликларини ҳис килиб турибмиз. Кайта куриш йўлини жуда хилма-хил сиёсий кучлар жиддий тушунмокдалар. Бу йўл мамлакатимизнинг нуфузини, таъсири ва обрўсини анча оширди, халкаро майдондаги ниятларимиз самимий ва тинчликсевар эканлигини ишончли тарзда намойиш килмокда.

Ғарбда, айникса АКШда худди шу нарсани ёктирмаётган анча нуфузли гуруҳлар бор, албатта. «Ошкоралик — Американинг оммабоп дипломатиясига дағдағадир, эркин дунё руҳи, унинг бугунги ҳаёти ва бундан буёнги хавфсизлигининг истикболи хатар остида колмокда!» — Американдаги ҳукмрон кучларнинг айрим вакиллари ана шундай мулоҳаза юритмокдалар. Улар партиямизнинг кайта куриш йўлига карши ишончли далиллар топиш кийинлигини тушунадилар. Шу сабабли улар демократлаштириш, ошкоралик жараёнидан фойдаланиб, бизни сохта максадлар ва кусурли кадриятлар билан чалғитишга, одамларимизда партия сиёсатининг, кайта куриш йўлининг, мамлакатдаги ишларни яхшилашга каратилган йўлнинг тўғрилиги ва самимийлиги хусусида шубҳа туғдиришга зўр бермокдалар. Бунда биз учун бирон янгилик йўк. Шундай бўлишини кутиш керак эди, зотан буни биз олдиндан кўрган эдик. Совет кишилари ишларимиздан ана шу тахлитдаги «манфаатдорлик»нинг нимага арзишини яхши биладилар.

Биз бирор кишига ёкиш учун эмас, балки бизнинг жамиятимиз кайта куриш оркали, демократия оркали социал-иктисодий ва маънавий тараккиётнинг янги чўккиларига чикиб олиши учун кайта куришни олиб бораяпмиз, демократияни ривожлантиряпмиз, социализм кадриятларини мустаҳкамлаяпмиз. Биз кайта куриш йўлидан сира кайтмаймиз!

Ўртоклар, кайта куришнинг ҳозирги боскичини таҳлил килишдан кандай хулоса чикади?

Биз аввало Марказий Комитет апрель Пленумидан кейин вужудга келган реал ғоявий-сиёсий, идеологик вазиятга: мураккаб, зиддиятли, аммо умуман, шубҳасиз, социализмни янгилаш соҳасидаги бутун иш учун, кайта куриш иши учун кулай вазиятга асосланишимиз керак. Жамиятимиз ҳаёти аҳоли барча катламлари гражданлик фаоллигининг, янги масалаларни кўйишда ташаббускорликнинг ошиб бораётганлиги, тўпланиб колган турғунликнинг бартараф этилаётганлиги билан характерланади. Жамиятимиз ҳаётида дадиллик ва катъият тобора ошиб бораётганлиги, одамларнинг жамият иши учун, мамлакат ҳаётида демократик

асосларни янада ривожлантириш учун масъулиятни ўз зиммасига олишга интилаётганликлари билан характерланади.

Шу билан бирга социализмнинг олижаноб принциплари мустаҳкамлигига, уларни қандайдир узоқ истиқболда эмас, балки бугун ва эртагаёқ амалга оширишнинг реаллигига ишонч ортиб бормоқда.

Ғоявий-сиёсий соҳадаги янги жараёнлар силлиқ кетаётгани йўқ ва ўз натижаларига кўра, бир хил эмас, албатта. Жамоатчилик онгида ҳаётнинг ўзидаги тегишли ҳодисаларнинг ва аввало сўз билан иш ўртасидаги узилишнинг интиҳоси сифатида кўпгина салбий фикрлар тўпланиб қолди. Ўзгаришлардан муайян даражада эсанкираб қолиш, уни тушунмаслик ва ундан қўрқиш ҳам бор, янгиликка қаршилик кўрсатиш йўлида уринишлар ҳам бўлмоқда. Буларни кўра билмаслик оқилона иш бўлмас эди. Ғоявий-сиёсий ривожланишимизнинг қийинчиликларини ва камчиликларини абсолютлаштириш унча оқилона бўлмайди, ҳатто бу хато бўлади, чунки бу билан қайта қуришнинг ўзи, социалистик жамият ҳаётида у келтириб чиқарган янги ҳаётбахш сиёсий ва идеологик ҳодисалар шубҳа остига қўйилган бўлур эди.

Бизнинг проблемалар янгилигидан, янги кашфиётлардан, ғоявий, сиёсий жараёнга янгича ёндашишлардан қўрқадиган жойимиз йўқ. Бизда қайта қуриш шароитида идеология ишини ленинчасига олиб бориб, унинг ҳар бир ютуғидан ҳовлиқиб кетмаслик, аммо бирор салбий ҳодиса рўй бериб қолса, умидсизликка ва айниқса ваҳимага тушмаслик учун ақл-идрок, куч ва маҳорат етарли. Қайта қуришнинг мураккаб, диалектик жиҳатдан зиддиятли санъатини ўрганиб олиш керак.

Ўртоқлар! Пленумда қуйидагилар ҳақида келишиб олишимиз керак, деб ўйлайман. Бир-икки ойдан кейин партиянинг қуйи бўғинларида ҳисобот-сайлов кампанияси бошланади. Қайта қуришнинг бориши ҳақидаги, партия ташкилотлари қандай иш олиб бораётганликлари, ана шу буюк умумхалқ ишида барча коммунистлар — ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, раҳбар кадрларимиз қандай иштирок этаётганлиги ҳақидаги масалани коммунистлар йиғилишларининг диққат марказига қўйиш тамомила асосли бўлади. Партиядаги бўлажак ҳисобот ва сайловлар нималар қилинганига баҳо бериши ҳамда қайта қуришни чуқурлаштириш ва жадаллаштириш учун нималар қилиш зарурлигини ҳал этиши керак.

Бу ҳозирги босқичда — кенг кўламдаги амалий ишлар авж олдирилаётган босқичда партия ташкилотлари раҳбарлигига ижтимоий ўзгаришларнинг энг актив тарафдорлари, давр талабини тушунадиган принципиал кишилар, қайта қуришнинг муваффақияти учун куч-ғайратини аямасликка тайёр турган қайта қуришнинг чинакам ишбошилари сайланиши ғоят муҳимдир.

Йил охирида иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия комитетларининг пленумларини ўтказиб, уларда тегишли комитетлар бюроларининг қайта қуришга раҳбарлик соҳасидаги иши тўғрисидаги ҳисоботларини муҳокама қилиш ҳам тўғри бўлса керак. Худди шу масала юзасидан бошланғич партия ташкилотларида Уставга биноан бу йил қайта сайланмайдиган бюролар ва парткомларнинг ҳисоботларини тинглаш лозим.

Сиёсий бюро КПССдаги бу галги ҳисобот ва сайловларни Бутуниттифоқ партия конференцияси йўлида партия бутун фаолиятини янада активлаштиришнинг муҳим босқичи деб билади. Конференцияни ўтказиш санаси ҳақидаги қарорни ушбу Пленумда қабул қилиш таклиф этилади. Маълумки, партиямизда съездлар ўртасида умумпартиявий конференциялар чақирилиб турилган. 1941 йилгача конференциялар чақирилиши мунтазам характерга эга эди. Кўпгина конференциялар тарихнинг бурилиш босқичларида тактика масалалари доирасидан анча ташқарига чиқадиган проблемаларни ҳал этган эди. Бир қатор ҳолларда уларда стратегик характердаги вазифалар олға сурилган, Устав нормаларига, партия марказий органларининг составига ўзгартишлар киритилган эди.

Январь Пленумида Умумпартия конференциясини келгуси йилда, партия ташкилотларидаги ҳисобот-сайлов кампанияси арафасида чақириш тўғрисидаги таклиф қўллаб-қувватланган эди.

Сиёсий бюро **Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XIX Бутуниттифоқ конференцияси 1988 йил 28 июнда чақирилсин,** деган таклиф киритади.

Январь Пленумида ва ушбу Пленумга тайёргарлик жараёнида айтилган принципиал таклифларга асосланиб конференцияда муҳокама қилиш учун қуйидаги масалаларни таклиф этиш мумкин бўлур эди:

1. КПСС XXVII съезди қарорларининг қандай бажарилаётганлиги, ўн иккинчи беш йиллик биринчи ярмининг асосий якунлари ва қайта қуриш жараёнини чуқурлаштириш юзасидан партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида.

2. Партия турмушини ва жамиятни янада демократлаштириш тадбирлари тўғрисида.

Бизнинг фикримизча, таклиф қилинаётган кун тартиби XXVII съезддан кейин партияда тўпланган сиёсий тажрибага якун ясаш, иқтисодий ва социал ривожланишнинг асосий йўналишлари бўйича ҳаракатимизга баҳо бериш, экономикани бошқаришни тубдан ислоҳ қилишнинг боришини, партия ва бошқа жамоат ташкилотларининг, давлат ва хўжалик органларининг қайта қуришдаги иштирокини таҳлил қилиш имконини берган бўлур эди.

Съезд қарорлари қандай амалга оширилаётганлигини таҳлил қилиш, беш йилликни бажариш соҳасидаги ишларга сиёсий якун чиқариш, муваффақиятлар ва камчиликларга принципиал баҳо бериш бундан кейин партия ҳисобот-сайлов йиғилишларида ва конференцияларида ҳар бир партия ташкилотининг фаолияти ва вазифаларини пухта муҳокама қилиш имконини беради. Бу эса партия ички турмушини демократлаштириш жараёнига, коммунистларнинг фаоллиги ва масъулиятини оширишга, бутун қайта қуришни чуқурлаштиришга кўмаклашади.

II. ЭКОНОМИКАНИ БОШҚАРИШНИ ТУБДАН ИСЛОҲ ҚИЛИШ — ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ

Ислоҳотнинг зарурати ва моҳияти

Ўртоқлар! Экономикани бошқаришни тубдан қайта қуриш масаласи муҳокама қилинаётган бугунги кунда 70—80-йиллардаги маррага халқ хўжалигимиз қандай ҳолатда етиб келганлигини яна ва яна бир бор реал тасаввур қилиш зарур. Бу даврга келиб, иқтисодий ўсиш суръатлари амалда иқтисодий турғунлик бошланганлигини ифодаловчи даражага тушиб қолган эди. Биз бир позиция кетидан иккинчи позицияни очиқдан-очиқ бой бера бошладик, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва маҳсулот сифатини ошириш, фан-техника тараққиёти соҳасидаги энг ривожланган мамлакатларга нисбатан тафовут бизнинг зараримизга орта борди.

Экономиканинг ривожланиши носоғлом тус олди. Фан-техника тараққиёти, ресурсларни тежаш, жонли меҳнатни иқтисод қилишнинг асоси бўлган тармоқлар ривожига кўпроқ жўшқинлик бахш этиш учун структура сиёсатида, капитал маблағ сарфлаш йўналишларида жиддий ўзгаришлар талаб қилинди. Аммо бундай иш қилинмади. Бунинг устига машинасозлик қолоқ ҳолатга тушиб қолди, унинг ишлаб чиқариш аппарати эскириб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот эса жаҳон даражасига тобора камроқ жавоб берадиган бўлиб қолди.

Ўсиш суръатларининг пасайишини экстенсив методлар билан тўхтатишга интилиш ёқилғи-энергетика тармоқларини ўстиришга бекиёс харажатлар қилишга, янги табиий ресурсларни ишлаб чиқаришга тезлик билан жалб этишга, улардан самарасиз фойдаланишга, қўшимча ишчи кучига талабларнинг ниҳоятда ўсиб кетишига ва халқ хўжалигида ишчи кучининг кескин етишмаслигига, фонд самарадорлигининг пасайишига олиб келди.

Иктисодий қийинчиликлар, миллий даромад ўсиш суръатларининг пасайиши муносабати билан халқ хўжалигида молиявий танглик ошиб борди.

Давлат бюджетини олиб кўрайлик. Юзаки қараганда ҳамма нарса кўнгилдагидек эди. Харажатлар ўрнини даромадлар қопларди, лекин бунга қандай йўл билан эришиларди? Бунга халқ хўжалиги самарадорлигини ошириш ҳисобига эмас, балки иктисодий жиҳатдан ҳам, социал жиҳатдан ҳам ўзини оқламайдиган бошқа йўллар ҳисобига эришилди. Хусусан, жаҳон бозорида нефть ва бошқа ёнилғи-энергетика ҳамда хом ашё ресурсларини кенг кўламда сотишга киришдик.

Корхоналар ва ташкилотларнинг ўз маблағларини бюджетга асоссиз равишда жалб қилиш практикасига йўл қўйилди, бу эса уларнинг нормал хўжалик фаолияти шароитини оғирлаштирди.

Вино-арақ маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш кўпайтирилганлигини эса ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди, албатта. Спиртли ичимликлар сотиш оборот солиғидан тушумлар ўн биринчи беш йилликда 169 миллиард сўмга етди, ваҳоланки саккизинчи беш йилликда бундай тушумлар 67 миллиард сўмни ташкил этган эди.

Хуллас, мамлакат ўн иккинчи беш йилликка оғир иқтисодий юк билан етиб келди. Бунга шуни ҳам қўшиш керакки, кейинги учта беш йилликда ишлаб чиқаришни ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича план топшириқлари бажарилмагани ҳолда иш ҳақи харажатлари пландагидан мунтазам равишда ортиқ бўлиб келди. Демак, пулларнинг муайян қисми ишнинг пировард натижалари билан сира боғланмаган ҳолда тўланди.

Бундай шароитда халқ хўжалигида камомаднинг қисқариши у ёқда турсин, аксинча бу жиҳатдан вазият янада мушкуллашди. Аслини олганда ҳамма нарса — металл, ёқилғи, цемент, машиналар, истеъмол моллари етишмай қолди ва етишмаётир. Бунга ишчи кучининг муттасил етишмай келаётганлигини қўшадиган бўлсак, бундай шароитда экономика нормал ривожлана олмаслиги равшан бўлиб қолади. Сифатни ва самарадорликни оширишнинг иқтисодий омиллари амал қилмай қолади. Нархларнинг ўсиши учун ва бошқа бир қатор салбий жараёнлар учун замин вужудга келади. Аммо, энг ташвишли жиҳати шундаки, биз фан-техника тараққиётида орқада қола бошладик. Ғарб мамлакатлари ресурсларни тежашга, энг янги технологиялардан ҳамда фан-техниканинг бошқа ютуқларидан фойдаланишга зўр бериб, экономика структурасини кенг кўламда қайта қура бошлаган пайтда бизда фан-техника тараққиёти бир жойда депсиниб қолди. Бунга илмий ечимларнинг йўқлиги эмас, балки асосан халқ хўжалигига янгиликлар жорий этилмай қолганлиги сабаб бўлди. Нефть ва бошқа хом ашё ресурсларини экспорт қилишдан тушган валюта маблағлардан ҳам биз экономикани модернизация қилиш мақсадларида эмас, балки асосан жорий вазифаларни ҳал этишда фойдаландик. Январь Пленумида айтиб ўтилганидек, экономикадаги бундай вазият аҳолининг турмуш даражасига, социал соҳани ривожлантиришга ниҳоятда салбий таъсир қилади. Реал воқелик ана шундай, ўртоқлар!

Сиёсий бюро буларнинг ҳаммасини яна бир бор рўй-рост айтиш зарур, деб ҳисоблайди. Бунинг асосий сабабларидан бири шуки, баъзи баъзида наҳотки ҳамма нарса шу қадар ёмон бўлса, баҳоларни шу қадар кескинлаштириш керакми, тубдан қайта қуриш зарурми? Балки юқоридан шунчаки бир қисув қилинса, яна қандайдир жузъий тадбирлар кўрилса, шунинг ўзи кифоя қилмасмикан? — деган овозлар эшитилиб қолмоқда. Мен ўйлайманки, бундай кайфиятлар устун келиб, ҳозирги сиёсат шулар асосида ишлаб чиқиладиган бўлса, бу нарса мамлакат учун, халқ учун ўта оғир оқибатларга олиб келган бўлур эди.

Мамлакатимиз экономикаси тушиб қолган кризисолди ҳолатидан чиқиш учун чуқур, чинакам революцион ўзгаришлар қилиш зарур. Шу мақсадларда биз янги иқтисодий стратегияни ишлаб чиқдик ва уни амалга оширишга киришдик. Структура ва инвестиция сиёсатига ўзгартишлар киритдик. Катта тармоқ программаларини туздик. Фан-техника тараққиётининг асосий йўналишларини белгилаб олдик. Кейинги икки йил ичида 70—80-йиллар оралиғидаги вазиятни таҳлил қилиш ҳамда бир қатор йирик иқтисодий экспериментлар ўтказиш асосида хўжаликни юритишнинг ишлаб чиқилган янги методларини ўзлаштиришда дастлабки қадамлар қўйилди.

Аммо, айтишим мумкинки, бу соҳада туб, катта силжишларга эришилгани йўқ. Тўғаноқ механизми ҳали синдириб ташлангани йўқ ва жадаллаштириш механизми билан алмаштирилгани йўқ. Илгаригидек унинг ўрнини ғайри-иқтисодий методлар, маъмурий қисув билан тўлдиришга тўғри келмоқда.

Ҳозир экономикани бошқаришнинг яхлит, самарали, пухта системасини яратиш олдимизга биринчи навбатдаги, кечиктириб бўлмайдиган вазифа қилиб қўйилмоқда.

Ўзларингиз тушунасизларки, бу оддий вазифа эмас. Бошқарувнинг мавжуд системаси бир йилда таркиб топмаган, унинг кўпдан-кўп қатламлари бўлиб, бу қатламлар мамлакатимиз тарихидаги турли даврларнинг шароитлари ва хусусиятларини барча ютуқлари, зиддиятлари ва қийинчиликлари билан акс эттиради.

Ҳозирги бошқариш системасининг асослари 30-йиллардаёқ вужудга келтирилган эди. Ўша оғир даврда иқтисодий жиҳатдан унча ривожланмаган ҳамда капиталистик дунёга яккама-якка қарши турган бизнинг мамлакатимиз олдида техникавий-иқтисодий қолоқликни тезда бартараф этиш, халқ хўжалигида туб структура силжишларини амалга ошириш зарурати турар эди.

Бу ўзгаришлар беқиёс қисқа муддатларда амалга оширилди. Урушдан олдинги беш йилликлар мобайнида саноат маҳсулотининг ҳажми 6,5 баравар ўсди ва Совет Иттифоқи саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича Европада тўртинчи ўриндан биринчи ўринга ва дунёда бешинчи ўриндан иккинчи ўринга чиқиб олди. Ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи тармоқлар ҳиссаси 39,5 процентдан 61 процентга етди. Урушдан илгариги 12 йил ичида саноатда ишчи ва хизматчилар сони уч баравар ошди.

Бу вазифаларни ҳал этиш учун миллий даромаддаги жамғарма улушини кескин кўпайтириш талаб қилинди. Иккинчи беш йиллик бошларида бу жамғарма улуши 30 процентдан ошди ёки 20-йилларнинг охиридаги даражадан икки баравар ва революциядан илгариги Россиядагидан бир неча баравар ортиқ бўлди. Миллий даромаднинг 60 процентга яқини давлат бюджети орқали қайта тақсимланди. Бу ғоят катта ресурслар марказлаштирилган тарзда биринчи навбатда оғир саноатни ривожлантиришга сарфланди.

Қатъий централизмга, ишларни батафсил регламентлашга, директивада аниқ кўрсатилган топшириқларга ва бюджетдан ажратмаларга асосланган бошқариш системаси худди ана шу мақсадларни кўзлаб тузилди. Ўша алоҳида шароитларда бу система ривожланган капиталистик мамлакатларда ўн йиллар мобайнида ҳал этилган стратегик вазифаларнинг жуда қисқа муддатларда ҳал этилишини таъминлади. Бошқаришнинг марказлаштирилган характери уруш йилларида янада кучайтирилди. Урушдан кейинги тикланиш шароитида ҳам бу нарса асосан сақлаб қолинди.

Албатта, ҳамма нарсада ҳам бошқарувнинг бундай характердалигини объектив сабаблар билан изоҳлаб бўлмайди. Нотўғри ёндашувларга ҳам йўл қўйилди, субъектив тарздаги қарорлар қабул қилинди. Буни кўра билиш ва ҳозирги проблемаларни кўриб чиқаётганда ҳисобга ола билиш керак. Аммо бошқарувнинг таркиб топган системаси йиллар давомида иқтисодий тараққиётнинг шарт-шароитлари ва эҳтиёжлари билан борган сари кучли қарама-қаршиликка дуч кела бошлади.

Фан-техника революциясининг қудратли оқими, халқ хўжалигининг кескин мураккаблашиб кетганлиги, оғирлик маркази экстенсив методлардан интенсив методларга, миқдордан сифатга кўчиш зарурати, социал шароитлар таъсирининг кучайиши, инсон омили ролининг кескин ошганлиги хўжалик бошқарувини тубдан қайта қуришни тақозо этди.

Хўжалик бошқарувини қайта қуриш кун тартибига тобора қатъийроқ қилиб қўйила бошланди. Бу масала илмий ва жамоатчилик доираларида муҳокама қилинди. Академик В. С. Немчиновнинг 1964 йилда «Коммунист» журналида эълон қилинган мақоласини мисол келтириш мумкин. Ўшанда у бундай деб ёзган эди: «Катта ва кичик иқтисодий системалар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг примитив тарзда тушунилиши фақат шундай бир қотиб қолган механик системани вужудга келтириши мумкинки, унга кўра бошқарувнинг барча параметрлари

олдиндан белгилаб қўйилган, бутун системанинг ўзи эса ҳар бир муайян момент учун ва ҳар бир муайян пунктда юқоридан пастга қадар лимитлаштириб қўйилган бўлади... Юқоридан пастга лимитлаштирилган бу хилдаги иқтисодий система социал ва техникавий тараққиётга тўсқинлик қилади ва хўжалик ҳаётининг реал жараёни таъсири остида эртами-кечми парчаланиб кетади».

Кейинги ўн йилликлар давомида бошқарувнинг таркиб топган системасини ўзгартириш учун неча бор амалий уринишлар бўлди. 50-йилларда ҳам, 60-йилларнинг иккинчи ярмида ҳам, 70-йилларнинг охирида ҳам шундай бўлган эди. Лекин бу уринишлар тўла-тўкис ва изчил бўлмаган эди, улар энг яхши деганда қисқа муддатли самара берган бўлса ҳам зарур бурилишга олиб келмаган эди. Шу аснода эски хўжалик механизмининг рағбатлантирувчи кучи тобора сусая борган, тўғаноқ кучи эса кучая борган эди.

Ҳозир биз туб ечимлар бўсағасида турган бурилиш пайтида бошланган ўзгаришларнинг моҳиятини ва асл мазмунини тушуниб етишда, бошқарувни қайта қуришнинг йўналишларини белгилашда илмий асосланганлик, назарий ва ғоявий-сиёсий аниқлик жуда муҳимдир. Бундан буён ҳаракатимиз қай йўсинда ва қайси йўлдан боради? Биз нимадан воз кечишимиз мумкин ва лозим, нимани мустаҳкамлашимиз ва такомиллаштиришимиз керак, янгидан нималарни жорий қилишимиз лозим?

Шу муносабат билан шуни таъкидлаш муҳимки, тарихимизнинг ҳар бир босқичида халқ астойдил меҳнат қилиб, катта ютуқларни қўлга киритди. Хўжалик қурилишида тўпланган тажриба жуда катта бойлигимиз ҳисобланади. Бу тажриба унинг барча ютуқлари, оғишлари, баъзан эса хатолари билан биз учун мактаб бўлиб, унинг сабоқлари биз учун ҳозирги кунда ҳам ва келажакда ҳам муҳимдир.

Принципиал тарзда бошқарувни тубдан ислоҳ қилишнинг моҳияти ва йўналиши биз учун равшандир. Улар социализмни такомиллаштириб, демократияни кучайтирайлик деган қоида билан ифодаланади.

Бизнинг қайта қуришимиз социализм асосларидан чекиниш ёки ҳар ҳолда унинг қандайдир сусайишини билдирмайдими, деган саволга ҳам жавобни ана шундан излаш керак. Йўқ, бундай маъно чиқмайди. Аксинча, биз ҳозирдаёқ бажарган ишлар, бажаришни белгилаётган ва таклиф қилаётганларимиз социализмни мустаҳкамлаши, социализмнинг ривожланиши йўлида ғов бўлаётган ва унинг тараққиётига тўсқинлик қилаётган ҳамма нарсани бартараф қилиши, унинг қудратли потенциалини халқ манфаатлари йўлида кенг очиши, ижтимоий тузумимизнинг ҳамма афзалликларини ҳаракатга келтириши, унга энг замонавий шакллар бахш этиши керак.

Социализмни амалда мустаҳкамлашнинг маъноси нима? Революцион таълимотимизнинг бутун моҳияти, бутун улкан тажрибамиз шуни кўрсатадики, социализмни қандайдир қотиб қолган, ўзгармас жамият тарзида тасаввур қилиш, уни такомиллаштириш юзасидан бажариладиган амалий ишларни эса мураккаб воқеликни бир марта ва ҳамишаликка ифода этилган ғоялар, тушунчалар, формулалар тарзида бир қолипга солиш, текислаш воситаси деб тасаввур қилиш мумкин эмас.

Социализм, унинг экономикаси ҳақидаги тасаввурлар тарихий тажриба, объектив шарт-шароитларни инобатга олган ҳолда доимо ривожланиб ва бойиб бормоқда. Социалистик қурилишнинг назарияси ва практикасини ривожлантиришга ижодий ёндашишни биз В. И. Лениндан ўрганишимиз, илмий методологияни қурол қилиб олишимиз, конкрет вазиятни конкрет таҳлил қилиш санъатини эгаллашимиз керак.

Социализм назарияси ва практикасида асосий масала социалистик негизда қандай қилиб капитализм давридагига нисбатан қудратлироқ иқтисодий, илмий-техникавий ва социал тараққиёт омилларини вужудга келтириш, планли раҳбарликни шахс ва коллектив манфаатлари билан қандай қилиб янада самаралироқ боғлашдан иборатдир. Бу жуда ҳам мураккаб масала бўлиб, социалистик тафаккур ва ижтимоий практика унга жавоб излаб келди ва излаяпти. Социализмнинг ҳозирги босқичида бу масаланинг аҳамияти мислсиз ошиб боради.

Бу борада кўпгина муаммоларни ҳал этиш керак бўлади. Биз меҳнаткаш инсонга ўз иш жойида ҳам, коллективда ҳам, умуман жамиятда ҳам чинакам соҳиб бўлишини таъминлашни ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг таъ-

сирчан омилларини вужудга келтириш йўлини очиб берадиган восита, деб биламиз.

Меҳнаткашларнинг ишлаб чиқаришнинг соҳиби бўлиш манфаатдорлиги — энг муҳим манфаатдорлик социал-иқтисодий тараққиётни ва фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг ҳаракатга келтирувчи қудратли кучи эканлиги назарий ва амалий жиҳатдан шак-шубҳасиздир.

Меҳнаткаш инсонни ижтимоий мулкнинг реал ва актив соҳибига айлантириш амалда нимани билдиради? Бу коллективлар ва айрим ходимларга жамоат мулкини тасарруф қилишда кенг имкониятлар бериш ва ундан самарали фойдаланиш учун масъулиятни ошириш, демакдир. Бу меҳнаткашлар кенг оммасининг бригададан тортиб халқ хўжалигигача бўлган барча даражаларда экономикани бошқаришда қатнашишини амалда таъминлаш демакдир. Бу меҳнаткашларнинг даромадларини ҳар бир киши ўз иш жойида, ўз корхонаси доирасида қандай ишлаётганлигига ва ниҳоят бутун мамлакатда иш қандай бораётганлигига, умуман пировард натижаларга боғлиқ қилиб қўйилиши зарур, демакдир.

Экономикани демократиялаш давлат мулки билан бир қаторда кооперация, якка тартибдаги меҳнат фаолиятининг турли формаларидан актив фойдаланиш билан узвий боғлиқдир.

Бу борада бизда қарорлар қабул қилинган. Аммо шуни айтиш керакки, ана шу қарорларни амалда рўёбга чиқариш зарурлигини ҳамма жойда баб-баравар тушуниб етмаяптилар. Айни вақтда кўпинча вужудга келган имкониятлардан қай тариқа тезроқ ва яхшироқ фойдаланиш тўғрисида эмас, балки социализмнинг ҳозирги босқичида иқтисодий фаолиятнинг бундай формалари бўлиши қанчалик мувофиқ эканлиги тўғрисида гапирмоқдалар.

Баъзилар кооперация ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятида гўё хусусий хўжалик практикаси юзага келмасмикан, деб ўйлашмоқда. Ўйлайманки, ўртоқлар, ўзимизнинг тажрибамиз ва бошқа социалистик мамлакатларнинг тажрибаси ҳам социализм доирасида ана шундай иқтисодий формалардан моҳирона фойдаланиш манфаатли ва зарур эканлигидан далолат бермоқда. Меҳнатнинг бундай формалари одамларнинг энг муҳим эҳтиёжларини тобора тўла даражада қондиришга, экономиканинг «салбий жиҳатлари»ни, суиистеъмолчиликнинг ҳар қандай формаларини қисиб чиқаришга, яъни социал-иқтисодий муносабатларни соғломлаштиришнинг реал жараёнига кўмаклашади.

Халқ хўжалигига марказлаштирилган тарзда планли раҳбарлик қилиш билан унинг айрим бўғинлари мустақиллиги, планлилик ва товар-пул муносабатлари ўртасидаги нисбатлар проблемалари тўғрисида ҳам жиддий ўйлаш зарур. Биз экономикани бошқаришнинг яхлит системасида уларнинг диалектик бирлиги ва ўзаро бир-бирини тўлдиришини назарда тутамиз.

Янги хўжалик механизмида бу вазифа хусусан иқтисодий нормативлар ёрдамида ҳал этилади. Норматив методларга ўтиш жамият, коллектив ва айрим ходим манфаатлари бирлигининг социализмга хос бўлган объектив шарт-шароитларини энг тўла даражада рўёбга чиқариш имкониятини беради.

Социализмни илмий тушунишга мувофиқ, товар-пул муносабатлари узвий равишда унинг иқтисодий системасига киради. Нарх ва молия-кредит омиллари ёрдамида улардан моҳирона фойдаланиш, бозор қонунларини ҳисобга олиб, уни планли эгаллаш ва бошқариш, ҳар бир сўм обрўсини мустаҳкамлаш ва ошириш ортиқча харажатга қарши самарали механизмни вужудга келтиришга; амалда социализмни мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Халқ хўжалигини планлаштириш афзалликлари билан бир қаторда бошқарув системасида товар-пул муносабатларидан фойдаланиш — буйруқ ва кўрсатмалар беришга қараганда бирмунча қийин вазифадир. Бироқ хўжалик кадрларимиз бу вазифани ҳал этишлари керак.

Иқтисодий мусобақа, конкурс асослари проблемаси социализмнинг ҳаракатга келтирувчи кучларини активлаштириш нуқтаи назаридан энг асосий ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

Биз корхоналар ва ташкилотлар ўртасида, шу жумладан давлат ҳамда кооператив корхоналар ва ташкилотлар ўртасида аҳоли ва халқ хўжалиги эҳтиёжларини энг яхши тарзда қондириш учун реал мусобақалашишни кучайтириш зарурлигига амал қиламиз.

Бу мусобақадаги ғолиблар сезиларли иқтисодий манфаат кўришлари зарур. Бу социализм принципларига мос келади ва инсоний жиҳатдан ҳам тушунарлидир.

Эҳтимол, фан-техника соҳасида ҳам конкурс асосларини кенг жорий этиш зарурлиги тўғрисида алоҳида айтиб ўтиш лозимдир. Гап шундаки, илгари кўпинча параллел илмий-тадқиқот, лойиҳа ва конструкторлик ташкилотларининг бўлиши кучларнинг сочиб юборилишига, такрорийликка ва ноoқилона харажатларга олиб келади, деган фикр айтилар эди. Бироқ тажриба бизни айрим ташкилотларнинг ҳукмронлик мавқеи фан-техника тараққиётига жиддий равишда тўсқинлик қилишига ва жамиятга жуда катта зарар келтиришига ишонтирди.

Мен умуман биз барча йўналишларда параллел структураларни вужудга келтиришимиз зарур, демоқчи эмасман. Аммо бир қатор муҳим илмий-техникавий проблемаларни ҳал этиш учун турли илмий коллективлар, шу жумладан фақат доимий асосдагина эмас, айни вақтда мувaққат асосда турли илмий коллективларни ташкил этиш — тўғри ва арзирли ишдир. Бу ишни инженер-техник, илмий ходимлар қизиқиш билан кутиб олдилар ва у ҳозирдаёқ муайян натижалар бермоқда.

Бир сўз билан айтганда, биз ҳозирги босқичда совет жамиятини ривожлантириш эҳтиёжларидан келиб чиқиб, хўжалик механизмини тубдан қайта қуриш учун кенг имконият яратиб бериш билан социализмнинг иқтисодий формалари тўғрисидаги тасаввурни янгилашимиз керак.

Ўртоқлар! Сиёсий бюро ва ҳукумат тайёрлаган «Экономикани бошқаришни тубдан қайта қуришнинг асосий қоидалари» лойиҳаси сизларга тарқатилган.

Мазкур ҳужжатда тақдим этилаётган бошқарувни қайта қуриш концепцияси иқтисодий ўсишни оралиқ даражадан пировард, социал аҳамиятга молик натижаларга, ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга, инсонни ҳар томонлама камол топтиришга қаратишни, фан-техника тараққиётини иқтисодий ўсишнинг асосий омилига айлантириш, харажатга қарши пухта ишлайдиган механизмни вужудга келтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Буларнинг ҳаммасига эришиш учун барча даражаларда раҳбарликнинг устун даражадаги маъмурий методларидан устун даражадаги иқтисодий методларига, бошқарувни кенг демократиялашга, инсон омилини бутун чоралар билан активлаштиришга ўтиш зарур. Бундай ўтиш қуйидагиларни:

биринчидан, бирлашмалар ва корхоналар мустақиллиги чегараларини кескин кенгайтириш, уларни тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказиш, энг юксак пировард натижалар учун масъулиятни ошириш, истеъмолчилар олдидаги мажбуриятларни бажариш, коллектив даромадлари даражасини унинг иш самарадорлигига бевосита боғлиқ қилиб белгилаш, меҳнат муносабатларида коллектив пудратни кенг ривожлантиришни;

иккинчидан, экономикага марказлаштирилган раҳбарликни тубдан қайта қуриш, унинг сифат даражасини ошириш, умуман халқ хўжалигини ривожлантириш стратегияси, сифати, суръатлари ва мутаносиблигини, унинг балансли бўлишини белгиловчи асосий жараёнларга эътиборни қаратиш ва айни вақтда марказни қуйи хўжалик бўғинларининг оператив фаолиятига аралашувдан қатъиян халос этишни;

учинчидан, планлаштириш, нарх-наво, молия-кредит механизмини кенг кўламда ислоҳ қилиш, ишлаб чиқариш воситаларини улгуржи савдога ўтказиш ва фан-техника тараққиётини, ташқи иқтисодий алоқаларни, меҳнат ва социал жараёнларни бошқарувни қайта қуришни;

тўртинчидан, кооперацияга оид алоқаларни ихтисослаштиришни чуқурлаштиришни ва бундай алоқалар мустаҳкамлигини оширишни таъминловчи янги ташкилий структураларни вужудга келтириш, шунингдек илм-фанни бевосита ишлаб чиқаришга жалб қилиш ва шу асосда жаҳон микёсидаги сифат даражасига чиқиб олишни;

бешинчидан, бошқарувнинг ҳаддан ташқари марказлаштирилган, буйруқ бериш системасидан демократик системасига ўтиш, ўз-ўзини бошқарувни ривожлантириш, инсон шахсияти имкониятини активлаштириш механизмини вужудга келтириш, партия, совет ва хўжалик органлари фаолияти вазифаларини аниқ чегаралаш ҳамда услуб ва методларини тубдан ўзгартиришни ўз ичига олади.

Бошқарувни қайта қуришнинг илк нуқтаси

Ўртоқлар! Биз хўжалик механизмини тубдан ўзгартиришни экономиканинг асосий бўғини — корхона ва бирлашмадан бошлаяпмиз, бунда аввало корхона ва бирлашма учун энг қулай иқтисодий муҳитни вужудга келтириб беришни, унинг ҳуқуқларини мустаҳкамлашни, айни вақтда масъулиятини оширишни ва шу асосда хўжалик бошқарувининг барча юқори бўғинлари фаолиятига туб ўзгартишлар киритишни назарда тутяпмиз.

Қайта қуришнинг мана шундай тадрижийлигини белгилар эканмиз, энг муҳим иқтисодий жараёнлар айни шу ерда авж олаётганлигига, шу ерда одамларнинг меҳнати билан халққа керакли ҳамма маҳсулотлар яратилаётганлиги ва хизматлар кўрсатилаётганлигига, илмий-техникавий фикр моддий кучга айланаётганлигига асосланиб иш тутяпмиз. Иқтисодий ва социал муносабатлар айни меҳнат коллективида реал вужудга келади, одамларнинг манфаатлари — шахсий, коллектив ва ижтимоий манфаатлар узвий боғланиб кетади. Аслида жамиятимиздаги социал-сиёсий муҳит кўп жиҳатдан меҳнат коллективларида вужудга келаётган вазият билан белгиланади.

Хўш, корхона хўжалик юритишининг ҳозир амалда бўлган механизмидаги асосий камчилик нимадан иборат? Аввало ўз-ўзини ривожлантиришнинг ички омиллари заифлигидан иборат. Дарҳақиқат, корхона директив кўрсаткичлар системаси орқали топшириқ ва ресурслар олади. Амалда ҳар қандай чиқимларнинг ўрни қопланади. Маҳсулотнинг реализация қилиниши гарантиялаб қўйилган. Энг муҳими эса — ходимларнинг даромадлари коллектив ишининг пировард натижалари — шартномаларнинг бажарилиши, маҳсулотнинг сифати, фойда олиш билан яхши боғланмаган. Умуман олганда вазият мана бундай: ҳозирги механизм шароитида арзон хом ашё ишлатиш ва арзон бўлмаган маҳсулот ишлаб чиқариш корхонага манфаатли эмас, маҳсулот сифатини ошириш манфаатли эмас, фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий қилиш манфаатли эмас.

Мана шундай хўжалик механизми шароитида яхши ишловчи ва муттасил орқада қолувчи корхоналар ўртасидаги тафовут амалда йўқолади. КПСС Марказий Комитетида яқинда бўлиб ўтган кенгашда «Омскшина» бирлашмасининг бош директори Петр Васильевич Будеркин мана шу масалаларнинг ҳаммасини ҳаққоний тарзда ўртага қўйди. Ҳақиқатан ҳам Омск бирлашмаси тармоқдаги энг яхши корхоналар жумласига киради. У ишлаб чиқараётган автомобиль шиналари сифатлилиги билан ажралиб туради, бу шиналар бошқа шиналардан бир ярим баравар кўп хизмат қилади. Кейинги 20 йил мобайнида шартномалар юзасидан маҳсулот етказиб бериш топшириғи бирон марта ҳам бажарилмай қолгани йўқ. Хўш, бундай ишлаш меҳнат коллективига қандай манфаат келтирмоқда? Аслида у иш ҳақининг кўпайтирилишида ҳам, социал эҳтиёжларнинг қондирилишида ҳам ҳеч қандай афзалликка эга эмас.

Шундай бир ғалати ҳолатни ким изоҳлай олади: Омск бирлашмасининг мамлакатда энг яхши сифатли шиналари учун ҳам, бошқа заводлар ишлаб чиқарган шиналар учун ҳам бир хил нарх қўйилмоқда.

Ёки агросаноат комплекси соҳасидан олинган мисолни кўрайлик. Шимолий Кавказдаги паррандачилик фабрикалари айни бир хил маҳсулотни ишлаб чиқарганлик учун мамлакатнинг бошқа зоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотга нисбатан қарийб чорак баравар кам пул олмоқда. Ҳолбуки, паррандачилик маҳсулоти, айниқса парранда гўшти саноат технологияси асосида айни бир хил лойиҳаларга асосланиб қурилган биноларда, мамлакатдаги бирдан-бир корхонада ишлаб чиқарилган техникадан фойдаланиб замонавий тарзда етиштирилмоқда ва бир система — Дон маҳсулотлари министрлигидан ем олинмоқда.

Мана шуларнинг ҳаммасида истасак-истамасак, ўртача ва ҳатто ёмон ишлашга мўлжалланган хўжалик механизмимизнинг иллатлари бўртиб кўриниб турибди. Экономика қолоқ корхоналар учун роҳатижон шароитни яратиб қўйса-ю, илғор корхоналарнинг оёғидан чалиб турса, бундай экономика қандай қилиб олға силжиши мумкин?

Ўртоқлар, биз ишни бундан буён шу зайлда бошқара олмаймиз, албатта. Янги хўжалик механизми ҳамма нарсани жой-жойига қўйиши керак. У яхши, омилкор-

она, ташаббускорона ишни рағбатлантирадиган қудратли восита бўлиб қолиши лозим. Биз айнан шундай мақсадни ўртага қўймоқдамиз. Бу мақсадга эришиш учун муайян вақт кераклиги ўз-ўзидан равшан. Ҳозир янги хўжалик механизмига нисбатан қўйиладиган асосий талабларни танлаб олишга тўғри ёндашиш жуда муҳимдир.

Биз янги механизмни жорий этиш орқали эришмоқчи бўлган асосий муддао — корхоналарга кенг ҳуқуқлар беришдан ва тўла хўжалик ҳисоби асосида ҳақиқатан ҳам уларнинг хўжалик мустақиллигини таъминлашдан иборат.

Ҳозиргача зарур деб топилган ишларни амалда рўёбга чиқариш лозим, чунончи: реал ижтимоий эҳтиёжларга асосланиб корхонанинг ўзи маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш планини тузади. Юқори органлар томонидан директива тарзида белгилаб берилган кўпдан-кўп муфассал план топшириқлари эмас, балки давлат ташкилотларининг, хўжалик ҳисобидаги корхоналарнинг, савдо ташкилотларининг тегишли миқдор ва сифатдаги конкрет маҳсулот учун берган бевосита буюртмаси бу планнинг асоси бўлиши керак.

Корхоналар шундай шароитларга қўйилиши керакки, улар ўртасида истеъмолчиларнинг талабини энг яхши тарзда қондириш учун иқтисодий мусобақа авж оладиган бўлсин. Шу билан бирга давлатнинг манфаатлари давлат буюртмалари системаси орқали гарантияланади, аммо бу буюртмалар устун, имтиёзли иқтисодий шароитларга эга бўлиши, томонларнинг ўзаро масъулиятини кўзда тутиши ва, одатда, конкурс асосида жойлаштирилиши керак.

Планлаштиришга ёндашувлар ўзгариши муносабати билан контрол рақамларнинг моҳияти ва вазифаси тўғрисидаги масала пайдо бўлади. Бу рақамлар корхоналарга иқтисодий вазиятга қараб йўл-йўриқ кўрсатиши лозим. Бунинг учун контрол рақамлар корхонанинг муайян маҳсулотига бўлган ижтимоий эҳтиёжни, самарадорлик минимал даражасини, социал характердаги вазифаларни акс эттирадиган бўлиши, яъни корхонани зарур ривожланиш даражасига «кўтариши» керак. Контрол рақамлар директив характерда бўлмаслиги, планни ишлаб чиқиш чоғида меҳнат коллективи эркини чеклаб қўймаслиги, хўжалик шартномаларини тузишга оид масалаларни ҳал этиш ва мижозлар танлашда унга кенг имконият қолдириши лозим. Буюртмаларни ва шартномаларни бажариш корхона фаолиятига баҳо беришнинг ва коллективни моддий рағбатлантиришнинг энг муҳим мезони бўлиб қолиши керак.

Корхона ва бирлашмаларни ўз харажатларини ўзи қоплашга ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказиш принципиал муҳим талабдир. Бунинг маъноси шуки, барча жорий сарф-харажатлар, шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлаш улар ишлаб топган маблағ ҳисобидан қопланиши, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва реконструкция қилишга, меҳнат коллективларини социал ривожлантиришга ҳам шу ҳисобдан маблағ ажратиладиган бўлиши лозим. Энг йирик ва муҳим давлат вазифаларини ҳал қилиш учунгина бюджетдан пул бериш тартиби сақлаб қолинади. Айни вақтда корхоналарга банк кредитидан масъулият билан фойдаланиш учун кенг имкониятлар берилади. Шундай қилиб, меҳнат коллективи ўз фаолиятининг натижалари учун иқтисодий жиҳатдан тўла масъул бўлиши лозим.

Узоқ муддат амал қиладиган барқарор нормативлар хўжалик юритишнинг янги механизмида жуда муҳим роль ўйнайди. Бу нормативлар — ишлаб чиқариш фондлари, ер, сув, бошқа табиий, шунингдек меҳнат ресурслари учун давлат бюджетига тўловлардан, кредит учун процентлардан иборат. Булар — иш ҳақи фондини, социал-маданий эҳтиёжларни қондириш фондини ташкил этиш нормативларидан иборат. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг нархи ва кўрсатилган хизматнинг тарифлари ўзига хос иқтисодий нормативлардир. Коллектив манфаатлари билан умумхалқ манфаатларининг бирга қўшилиши нормативлар орқали иқтисодий усуллар ёрдамида таъминланади.

Янги хўжалик механизми корхоналарнинг моддий-техника таъминоти системасини тубдан ўзгартиришни — марказлаштирилган моддий-техника таъминотидан ишлаб чиқариш воситаларининг улгуржи савдосига ўтилишини назарда тутади. Корхоналарга ўзи ишлаб топган пулга маҳсулот ишлаб чиқариш, қурилиш ва реконструкция қилиш, социал масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган ҳамма нарсани сотиб олиш имконияти таъминлаб берилиши керак.

Меҳнат коллективларининг ўз-ўзини бошқаришга ўтиши меҳнаткашларнинг

ташаббус ва ижодкорлигини рўёбга чиқаришнинг қудратли омили бўлиб қолади, бунда меҳнат коллективлари ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг то раҳбарларни сайлашгача бўлган, ҳамма ички масалаларни мустақил ҳал этадиган бўладилар.

Қорхона ва бирлашмалар хўжалик юритишининг янги механизми асосий белгилари мана шундай бўлади, деб тассаввур қилинмоқда.

Мана шу механизмга ўтиш чоғида одатдан ташқари бир талай масалалар келиб чиқиши мумкин, албатта. Бу масалалардан баъзилари давлат корхонаси тўғрисидаги Қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси чоғида ўртага қўйилган эди.

Хўжаликни ёмон юритиш оқибатида давлатга тўловларни ва меҳнат коллективи даромадларининг нормал даражасини таъминлай олмайдиган корхоналарни нима қилиш керак, деган масала мана шундай масалалардан биридир. Эҳтимол, бу ўринда тармоқ ёки банк томонидан ёрдам беришнинг турли шаклларидан фойдаланилиши мумкин бўлар. Бироқ, кўрилган барча чора-тадбирлардан кейин ҳам иш яхшиланмаса, у ҳолда жамият манфаатлари устунлигига асосланиб, корхонани қайтадан ташкил этиш ёки унинг фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги масала ўртага қўйилиши мумкин. Бу — охирги чора эканлиги табиий. Давлат меҳнаткашларни иш билан таъминлаш ҳақида ғамхўрлик қилиши кераклиги ўз-ўзидан равшан.

Корхоналарнинг мустақиллигини кенгайтириш, директив кўрсаткичларнинг муфассал системасидан воз кечиш планли негизнинг заифлашувига, халқ хўжалигининг мувозанатлилигини ёмонлаштиришга олиб бормайдими, деган бошқа бир масала ўртага қўйилмоқда.

Бизнинг назаримизда, бундай хавфсирашлар асоссиздир. Бизнинг экономикамиз каби жуда катта экономика доирасида ҳамма ишни марказдан белгилаб бериш мумкин, деб ўйлаш хом хаёлга берилиш демакдир. Госплан ва бошқа иқтисодий идораларнинг халқ хўжалигини мувозанатлаштириш соҳасидаги фаолияти корхоналарнинг иқтисодий манфаатлари ва иқтисодий масъулияти билан, улар ўртасидаги хўжалик шартномаларининг ролини ошириш билан мустаҳкамланади. Мана шундай шароитда мувозанатликка эришиш жуда реал иш бўлиб қолади.

Янги хўжалик механизмининг асосий белгилари давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонун лойиҳасида акс эттирилган. Ишлаб чиқариш ходимлари, олимларнинг, марказий идоралар вакиллари, партия ва совет ходимларининг, жамоатчилигимизнинг умумий фикри бундай: умуман бу — ҳозирги талабларга ва янги вазифаларга мос бўлиб тушадиган яхши ҳужжат. Бу — янги механизмга ўтиш учун яхши асос.

Унинг умумхалқ муҳокамаси чоғида эски одатлар ва тасаввурлар тазйиқида чекинмай, қатъият билан олға борилсин, деган талаб қатъият билан айтилди. Илгари неча марталаб содир бўлганидек, янги қонун унинг моҳиятини сусайтирадиган, қайта қуришга халал етказадиган кўпдан-кўп инструкциялар сиртмоғига тушиб қолишига йўл қўйилмасин.

Принцип жиҳатидан олганда мамлакатимизда хўжалик юритишнинг янги усулларига ўтиш ҳозирнинг ўзидаёқ бошланди. Бир қанча тармоқларнинг корхона ва бирлашмалари шу йилдан бошлаб тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш шароитларида ишлашга ўтганликларини назарда тутяпман. Янги хўжалик механизмининг кучли жиҳатлари ҳам, камчиликлари ҳам намоён бўлиши учун беш-олти ой жуда оз муддат, албатта. Бундан ташқари, янги усулга ўтишни амалга оширишнинг муайян ўзига хос хусусиятлари ҳам бор.

Аввалдан сақланиб келаётган омиллар ва аввало корхоналарнинг бамисоли «орол ҳолати»да эканликлари уларнинг фаолиятига катта таъсир ўтказмоқда. Корхоналарнинг эски принциплар асосида ишлаб турган маҳсулот етказиб берувчилар ва истеъмолчилар билан алоқалари хусусида ҳам, ҳозирча эски қоидалар асосида иш кўраётган министрликлар ва марказий иқтисодий органларнинг раҳбарлиги хусусида ҳам шу гапни айтмоқ керак. Қорхоналарни тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш принципларига ўтказиш беш йиллик план амал қилиб турган ва кўпгина нормативларни унга мослаштиришга тўғри келаётган бир шароитда бошланди. Шундай бўлса ҳам, ўртоқлар, бу нарса хўжалик юритишнинг янги принципларини жорий қилиш соҳасидаги ишимизни тўхтатиб қўймаслиги керак.

Экономикани марказлаштирилган бошқариш вазифаларининг ўзгартирилиши

Ўртоқлар! Ҳалқ хўжалиги асосий бўғинларининг тўла хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини бошқариши шароитларида экономикага марказлаштирилган раҳбарлик ҳам сифат жиҳатдан янгича бўлиши керак. Аслида гап меҳнаткашларнинг фаоллигига ва корхоналарнинг мустақиллигига таянувчи централизмнинг, яъни ҳамма нарсани тартибга солишга уринавериб ўралашиб қолган централизмдан кўра бекиёс зўррок қудратга эга бўлган Ленин тушунчасидаги чинакам демократик централизмнинг янги концепциясини ишлаб чиқиш ҳақида бормоқда.

Аввало **халқ хўжалигини планлаштириш ҳақида** гапирмоқчиман. Янги шароитларда умумдавлат плани «фалсафаси» қандай бўлади? У мамлакат социал-иқтисодий тараққиётининг асосий устун соҳалари ва мақсадларини, структура ва инвестиция сиёсатининг, фан-техника тараққиётининг йўналишларини, илмий, маърифий ва маданий потенциални жамғариш, мудофаа қобилиятини сақлаб туриш вазифаларини белгилаб бериши керак.

Янги шароитда планлаштиришнинг «белгиловчилик» қисми ролини, аввало мамлакатни ўн беш йилга мўлжалланган истиқболда социал-иқтисодий ривожлантириш концепцияси ролини кўтариш назарда тутилади. Бу концепция барча йирик программаларни ўзига сингдириши, уларни мувозанатлаштириши, стратегик мақсадларга эришиш йўлларини белгилаши керак. Топшириқлари беш йиллик йиллари бўйича тақсимлаб қўйиладиган беш йиллик план умумдавлат планлаштиришининг асосий шакли бўлиб қолиши лозим.

План пропорцияларини, экономиканинг мувозанатини таъминлаш учун министрлик ва идораларга, шунингдек иттифоқдош республикаларга планлаштириш учун асосий маълумотларни бериш кўзда тутилади. Корхоналарга келганда, иқтисодий нормативлар ва рағбатлантириш омиллари уларга таъсир ўтказишнинг асосий воситаси бўлиб қолади. Бу норматив ва омиллар бирлашма ва корхоналарнинг фаолиятини шундай шароитга солиб қўйиши лозимки, бунда улар контрол рақамларга асосланиб, ижтимоий эҳтиёжларни ғоят самарали тарзда қондириш йўлларини қидиришлари ўзлари учун манфаатли бўлиб қолади.

Бу ўринда кўпчиликни қизиқтираётган масала ҳақида гапириб ўтмоқ керак. Бирлашма ва корхоналарга ҳажм кўрсаткичларини бевосита директива тарзида белгилаб беришдан воз кечиладиган бўлса, тўла хўжалик ҳисоби шароитида айрим тармоқларда, регионларда ва ҳатто умуман мамлакатда ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари вақтинча пасайиши содир бўлиши мумкин, деган хавотир билдирилмоқда.

Бу хусусда нима деса бўлади, ўртоқлар? Агар гап пировард натижаларни реал кўпайтирмай туриб, ялпи ҳажмларни кўпайтириш, такрорий ҳисоб-китоб йўли билан юқорироқ рақамларга эришиш ҳақида бораётган бўлса, жамият бундан бирон-бир манфаат кўриши у ёқда турсин, аксинча, зарар кўради.

Ҳолбуки, сиз билан биз хўжалик ҳисобига, хўжалик юритишнинг янги усулларига, коллектив пудратни ва меҳнатни ташкил этиш ҳамда рағбатлантиришнинг бошқа илғор шаклларини кенг жорий этишга ўтиш халқнинг меҳнат ғайратини ошириш, шу пайтгача фойдаланилмай келган ресурсларни ишга солиш, самарадорликни кўтариш ва шу тариқа ҳақиқий ўсишнинг юқорироқ суръатларига ва маҳсулотнинг юксак сифатига эришиш имконини беради, деб умид қиляпмиз-ку.

Иқтисодий ўсишнинг янги сифатини таъминлаш учун айнан шундай қайта қуриш табиийгина эмас, мутлақо зарур ҳамдир. Агар бу қайта қуриш самарасиз ишлаётган корхоналарнинг кўрсаткичларига зарба берадиган бўлса, у ҳолда умуман мамлакат халқ хўжалиги учун, унинг пировард натижаларига қараб, ижтимоий эҳтиёжларни қондириш даражасига қараб баҳоланадиган ривожланиш истиқболлари учун бундай қайта қуриш шак-шубҳасиз ижобий роль ўйнайди.

Нарх белгилашни тубдан ислоҳ қилиш экономикани бошқаришни қайта қуришнинг ғоят муҳим таркибий қисмидир. Бусиз янги механизмга батамом ўтишнинг иложи йўқ.

Ресурслардан фойдаланишни яхшилашда, харажатларни камайтиришда, маҳсулот сифатини яхшилашда, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда, бутун тақсимот ва истеъмол системасини оқилона йўлга қўйишдан нарх муҳим рағбатлантирувчи роль ўйнаши лозим. Бу соҳада тараққиётнинг ҳозирги босқичига мувофиқ келадиган янгича сиёсий-иқтисодий ёндашувлар намоён этилиши керак.

Вужудга келган нарх-наво системаси узоқ вақтгача табиий ресурсларнинг арзонлигига асосланар эди. Ҳозир кўмир, нефть, газ ва электр энергиянинг амалдаги нархлари ёқилғи-энергетика комплексининг ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашига имкон бермайди. Улар табиий ресурслар арзон ва битмас-туганмас, деган хом хаёлни ҳамон вужудга келтирмоқда, уларни ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш ва четга чиқаришни янада кўпайтиришни назарда тутмоқда.

Нарх белгилашга иқтисодий жиҳатдан ўринсиз ёндашувлар жуда хилма-хил турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва хизматларни кўрсатиш учун дотациялар вужудга келишига, уларнинг тез кўпайишига сабаб бўлди. Ҳозир давлат бюджетидан берилаётган дотацияларнинг жами ҳажми йилига 73 миллиард сўмдан ошади. Иккинчи томондан, маҳсулотнинг кўпгина турлари бўйича рентабелликнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини мутлақо акс эттирмайдиган асоссиз юқори даражаси вужудга келди. Бу ҳам нарх белгилашдаги хатоларнинг натижасидир.

Кимнинг маҳсулоти нархи асоссиз пасайтириб қўйилган бўлса, у ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қизиқмайди, кимнинг маҳсулоти нархи ошириб қўйилган бўлса, ортиқча фойда олади, харажатларни камайтиришга, самарадорликни оширишга қизиқмайди. Бундай вазиятда халқ хўжалигида нормал иқтисодий муносабатлар бўлиши мутлақо мумкин эмас.

Шу боисдан, биз нархлар системасини қандайдир қисман такомиллаштириш зарурати қаршисида эмас, балки нарх белгилашни тубдан ислоҳ қилиш, бутун «нарх-наво хўжалигимизни» — улгуржи, харид, чакана нархлар ва тарифларни ўзаро боғлиқ тарзда қайта қуриш зарурати қаршисида турибмиз.

Гап нарх-наво даражаси ҳақидагина эмас, шу билан бирга уларни белгилаш тартиби тўғрисида ҳам бормоқда. Энг муҳим маҳсулотнинг нархларини умумдавлат планини ишлаб чиқиш билан унинг бир қисми сифатида марказлаштирилган тартибда белгилаш керак, албатта. Бироқ шу билан бирга янги механизмда шартномавий нархлардан фойдаланиш соҳасини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир, бу эса корхоналарнинг ҳуқуқлари ва хўжалик мустақиллигини кенгайтиришга имкон беради.

Улгуржи нархларни ислоҳ қилиш халқ хўжалигидаги вазиятни соғломлаштириши, ишлаб чиқариш самарадорлиги йўлида, ресурсларни тежаш, маҳсулот сифати йўлида курашиш учун яхшироқ шароитларни яратиб бериши керак. Чакана нархларга келганда, шуни айтиш кераки, бу нархларнинг ўзгартирилиши меҳнаткашларнинг турмуш даражасини ёмонлаштиришга олиб бормаслиги, балки аксинча, муайян категориядаги меҳнаткашлар учун турмуш даражасини оширишга, социал адолат принципларини янада тўла-тўкис рўёбга чиқаришга олиб келиши ҳам керак.

Бир нарса равшан бўлиши керак, нарх белгилашни ислоҳ қилиш муҳимлиги ва мураккаблигини ҳисобга олиб, бу ислоҳотга тайёргарлик кўришга кўпроқ масъулият билан ёндашиш даркор. Қисқа муддатда катта ҳажмдаги ишлар бажарилиши, бу ишга зарур кучлар жалб этилиши лозим. Биз бу масалани ҳал этмай туриб беш йиллик планни янгичасига тузиб бўлмаслигини, экономикани бошқаришнинг яхлит системасига ўтиб бўлмаслигини назарда тутишимиз керак.

Нарх белгилашни ислоҳ қилишнинг сиёсий ва социал моҳияти ҳисобга олиниб, бу масала мамлакатда жуда кенг миқёсда муҳокама қилиниши лозим.

Халқ хўжалигининг моддий-техника таъминоти системасини қайта қуриш нарх белгилашни ислоҳ қилиш билан чамбарчас боғланган. Бу системанинг асосий йўналиши ишлаб чиқариш воситаларини маҳсулот етказиб берувчилар билан уни

истеъмол қилувчилар ўртасида бевосита алоқалар орқали ҳам, шунингдек хўжалик ҳисобидаги улгуржи базалар орқали ҳам улгуржи савдо қилишга қатъият билан ўтишдан иборат. Бу ҳолатда пировард натижада улгуржи савдони тартибга солиш ва унинг устидан назорат қилиш вазифалари давлат органларининг ихтиёрида қолган бўлур эди.

Ишлаб чиқариш воситалари билан улгуржи савдо қилишга ўтиш тўғрисидаги масала янги масала эмас, аммо кейинги вақтлардагина бу соҳада дастлабки реал қадамларни қўйишга муваффақ бўлинди. Биз бу ишни жадаллаштиришимиз, унинг миқёсларини кенгайтиришимиз, шу тариқа уни яқин йилларда ниҳоясига етказишимиз лозим. Кўпгина салмоқли сабаблар ишлаб чиқариш воситалари билан улгуржи савдо қилиш заруратини ва аввало корхона ва ташкилотларни хўжалик ҳисобига ўтказишни тақозо этмоқда. Яна бир сабабни — товар-моддий бойликлар запасларини нормал ҳолга келтириш заруратини ҳам айтиб ўтмоқчиман. Ишлаб чиқариш соҳасининг асосий тармоқларидаги бу запаслар 300 миллиард сўмликдан ошиб кетди. Миллий бойликнинг анчагина ҳажмлари шу запасларда қотиб қолмоқда.

Бу вазият кўп жиҳатдан моддий-техника таъминотининг бесўнақайлиги ва сусткашлиги билан, унинг пишиқ-пухта ишламаслиги билан изоҳланади, бу эса корхоналарни ҳар эҳтимолга қарши ресурсларни ғамлаб қўйишга интилишга мажбур қилади.

Металл соҳасидаги аҳволга назар ташланг. Металл етишмаслиги тўғрисидаги шикоятлар тинимсиз келиб турибди. Айни вақтда унинг запаслари кўпаймоқда. Кейинги олти йил ичида истеъмолчиларда қора металл прокатининг запаслари 2 миллион тонна миқдорида кўпайиб, шу йилнинг бошларида 9,3 миллион тоннага етди. Шу масала устида бир ўйлаб кўрайлик: бизга металл етишмаяптими ёки биз уни омилкорлик билан тасарруф эта олмаяпмизми? Тўғри, прокатнинг бу запасларини сафарбар қилиш осон эмас: чунки улар корхоналарда ётибди. Сизлар ажабланишингиз мумкин, аммо шуни айтишим керакки, Госснаб ташкилотларининг ҳиссасига товар-моддий запасларининг атиги бир ярим проценти тўғри келади, қолган қисми эса хўжаликларга сочиб юборилган.

КПСС Марказий Комитетидаги кенгашда: ресурслар тақчил бўлиб турган бир пайтда улгуржи савдони жорий қилиб бўладими, деган масала ҳам кўтарилди. Улгуржи савдога ўтиш муддатлари муаммоси муҳокама қилинган пайтда доимо шу далил ўртага ташланади. Фонд тақсимлаш, таъминот системасининг ўзи айни тақчилликни келтириб чиқараётганлигини кенгаш қатнашчилари ишонарли тарзда айтиб ўтдилар. Бу фикр аниқ-равшан мисоллар билан тасдиқланди. Бу ўринда корхоналарни тўла хўжалик ҳисоби принципларига ўтказиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Шу сабабли биз бевосита алоқаларга, улгуржи савдога нақадар тезроқ ўтсак, тақчилликдан, моддий бойликларнинг ортиқча запасларидан ҳам шу қадар тезроқ халос бўламиз.

Бу кабинетда ўтириб қилинган мулоҳазалар эмас. Аниқ бир фактни айтиб бермоқчиман. Ҳозир, ҳатто колхоз ва совхозлар хўжалик ҳисобининг янги принципларига эндигина ўта бошлаган пайтдаёқ уларнинг қишлоқ хўжалик техникасига ва бошқа ресурсларга буюртмалари анчагина қисқармоқда. Масалан, келгуси йил учун комбайнларга берилаётган буюртмалар тахминан ўттиз процент камаймоқда. Айрим турдаги тракторларга, аввало эскирган ва кам унумли бошқа қишлоқ хўжалик техникасига буюртмалар камаймоқда. Реал вазият мана шундай. Бундан чиқадики, бугунги камомад эртага ортиқча ишлаб чиқаришга айланиб қолиши ҳам мумкин.

Молия, кредит ва пул муомаласи соҳасида катта вазифалар ҳал этилиши лозим. Бу вазифаларни ҳал этмай туриб ҳам янги иқтисодий механизмни вужудга келтириб бўлмайди. Ҳозир молия ва кредит ресурслари, пул маблағлари оборотининг моддий бойликлар ҳаракатидан ажралиб қолганлиги, халқ хўжалигида тўлов маблағлари ҳаддан ташқари кўпайиб кетганлиги — бу соҳадаги энг катта камчиликдир. Ҳозирги сўм экономика устидан молиявий назоратнинг актив воситаси бўлишдан иборат ўз ролини тўла-тўкис бажармаяпти.

Мамлакатнинг молиявий системаси эскирганлиги яққол кўриниб турибди. У хўжалик юритиш самарадорлигини оширишни рағбатлантирмайди, кўпинча бир

лаҳзалик, хазина тўплаш мақсадларини кўзлайди. Кредит ҳам ўз ролидан бирмунча маҳрум бўлди. Уни қайтариб олмаслик шарти асосида пул билан таъминлашдан ажратиб турган чегара бузилган.

Биз молия-кредит системасини тубдан ислоҳ қилмай иш юрита олмаслигимиз равшан кўриниб турибди. Бу соҳадаги ислоҳот бюджетнинг корхоналар билан муносабати норматив асосга, молларни охиригача реализация қилмай туриб даромад олишнинг ҳамма имкониятларини тўсиб қўйишга, халқ хўжалигини молиявий жиҳатдан ҳар томонлама соғломлаштиришга қаратилиши керак.

Ўртоқлар! Ҳозирги дунёда биронта давлат иқтисодий жиҳатдан ўзини бошқа давлатлардан яккаланган, деб хисоблай олмайди. Шу маънода бизнинг мамлакатимиз хам истисно эмас. Совет экономикаси — жаҳон хўжалигининг бир қисмидир. Мамлакатларнинг халқаро савдо ва валюта-молиявий ўзаро муносабатлари, сўнгги фан-техника ўзгартишлари бизнинг ўз экономикамиздаги ишларнинг аҳволига ҳам бирон бир тарзда муқаррар таъсир қилади.

Ташқи иқтисодий алоқаларни бошқаришни такомиллаштириш соҳасида кўрилаётган чора-тадбирлар, жумладан, СССРнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги иштирокини чуқурлаштириш мақсадини кўзлайди, бу эса совет халқ хўжалигини ривожлантиришнинг тобора муҳим омили бўлиб қолмоқда.

Иккинчи томондан, мамлакатимиздаги қайта қуриш режаларини муваффақиятли амалга оширишдан, экономикамизни модернизациялашдан фақат биз ва иттифоқчиларимизгина манфаат кўриб қолмай, шу билан бирга янги, янада қулайроқ шароитларда бизнинг мамлакатимиз билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор бўлган барча давлатлар ҳам наф кўрган бўлур эдилар. Бошқача қилиб айтганда, совет экономикасини қайта қуриш Совет Иттифоқининг жаҳон хўжалигидаги каттагина улушини эътиборга олганда кенг халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга ва шу тариқа халқаро иқтисодий муносабатларни соғломлаштиришга ёрдам беради.

Яқинда ташқи иқтисодий сиёсат ва уни амалга ошириш механизми соҳасида муҳим ва олисни кўзловчи қарорлар қабул қилинди. Иқтисодий бошқарувни қайта қуриш бизнинг ташқи **иқтисодий алоқаларимиз** самарадорлигини ошириш учун ва энг муҳими — ташқи бозор томонидан тармоқлар ва корхоналарнинг ишига, уларнинг маҳсулоти сифатига, фан-техника тараққиётига бўладиган таъсирни кучайтириш учун кенг уфқ очади.

Шу муносабат билан социалистик мамлакатлар билан ҳамкорликнинг самарадорлигини ошириш принципиал аҳамиятга эга бўлади. Хўжалик механизмини қайта қуриш бизнинг халқ хўжалигимизнинг қардош мамлакатлар халқ хўжалиги билан чуқур интеграцияси учун қулай иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиб бериши лозим.

Корхоналарга социалистик мамлакатлардаги корхоналар билан бевосита кооперация алоқалари боғлаш ҳуқуқи берилиши бунинг учун кенг имкониятлар очади. Бу масаланинг яқинда Сиёсий бюрода муҳокама қилиниши амалда шу ҳуқуқлардан ҳозирча жуда кам фойдаланилаётганлигини кўрсатди.

Чамаси, меҳнат коллективларининг хўжалик ҳисобидан манфаатдор эмаслиги бунинг сабабларидан биридир. Бизнинг мамлакатимиздаги, қайта қуришнинг муваффақияти қардош мамлакатлар билан иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликнинг самарадорлигини оширишни ҳам кўп жиҳатдан олдиндан белгилаб беради. Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси, Секретариати, СССР Министрлар Совети улар билан ўзаро хўжалик алоқалари ривожлантирилишини доимо кузатиб туришлари зарур.

Биз дўстларнинг тажрибасини эътибор билан ва чуқур ўрганишимиз, СССР халқ хўжалиги манфаатлари йўлида фойдаланиш мумкин бўлган ҳамма нарсани ўрганиб, жорий қилишимиз керак.

Хуллас, ўртоқлар, халқ хўжалигига марказлашган раҳбарликдан иборат муҳим фаолиятни кенг миқёсда қайта қуриш лозим. Корхоналарни хўжалик ҳисобига ўтказиш билан бирга бу иш яхлит бир вазифани — экономикани бошқаришни тубдан ислоҳ қилиш вазифасини ташкил этади.

Бошқарув органларининг ташкилий структуралари ва ишини қайта қуриш

Ўртоқлар! Ўзларингиз тушунасизларки, хўжалик механизмини ўзгартириб, экономикани бошқаришнинг янги методларига ўта туриб ташкилий структураларни такомиллаштириш билан ҳам астойдил шуғулланмасдан бўлмайди.

Шу муносабат билан **экономиканинг асосий бўғини** тўғрисида нималар дейиш мумкин бўлур эди? Ҳозирги корхоналар ва бирлашмалар таннархнинг ўсиши билан ҳисоблашмай, ишлаб чиқаришнинг ибтидоий характерига ва меҳнат унумдорлигининг пастлигига эътибор бермай, ўзларининг тайёрлов, инструментал, қуйиш, ремонт цехлари ҳамда бошқа цехларни барпо этишга мажбур бўлган шароитларда таркиб топган эди. Натура хўжалиги тармоқ ичида ҳам кўпая бориб, норационал алоқаларни, ижтимоий меҳнатнинг беҳуда сарфланишини юзага келтираверди.

Бизнинг бутун куч-ғайратларимизга қарамай, ишлаб чиқариш бирлашмалари ва айниқса илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларини ташкил этиш тўхтаб қолди. Бу иш идоравий тўсиқларга ва территориал чегараларга, юқори органларнинг бирлашмаларга фақат ўз министрлигининг, ва ҳатто фақат ўз бош бошқармасининг корхоналарини киритиш муддаосига дуч келди.

Бизга қандай корхоналар ва бирлашмалар зарур? Афтидан, бунга бир хилдаги жавоб бўлмаса керак. Бундай муҳим масалани ҳал этиш чоғида сийқа усуллар асосида ҳаракат қилиш мумкин эмас. Шундай бўлса-да, асос бўладиган баъзи ғоялар тўғрисида айтиб ўтиш лозим. Аввало корхоналар ва бирлашмаларнинг состави оқилона ихтисослашиш ва кооперацияга мос келиши, энг илғор техника ва технологияни қўлланиш учун шарт-шароитларни вужудга келтириши керак. Амалий тадқиқотлардан бошлаб то ишлаб чиқариш ва техникавий хизмат кўрсатишгача ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларини бир ташкилотда бирлаштириш муҳимдир. Бунда бошқарилиш омилини ҳисобга олиш керак, албатта. Ва ниҳоят, маҳсулотнинг бирон бир турини ишлаб чиқаришда бирлашмаларнинг устун мавқеига йўл қўймаслик лозим.

Қорхоналар ва бирлашмаларни тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказиш уларга пайчилик асосида қўшма ишлаб чиқаришлар ва бирлашмаларни барпо этиш, ҳатто иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлик тақозо этган тақдирда, батамом қўшилиб кетишгача ҳуқуқ берилиши билан қўшиб олиб борилиши керак, деб ўйлаймиз. Янги шароитларда корхоналарда янги техникани, коллектив фойдаланадиган ҳисоблаш марказларини, социал ва табиатни муҳофаза қилиш объектларини, транспорт узелларини, ҳатто кадрлар тайёрлаш ва бошқариш мактабларини вужудга келтириш билан боғлиқ ҳар хил ихтиёрий бирлашмаларни ташкил этишга қизиқиш пайдо бўлишига ишончимиз комил.

Аммо бунда бошқарув органларининг позицияси пассив, бунинг устига консерватив бўлиши мумкин эмас. Хилма-хил интеграция жараёнлари учун эшикларни кенг очиб қўйиш зарур.

Истиқболда ҳозирги давлат планига киритилган саноатнинг 37 мингта корхонаси ўрнига «илмий тадқиқотлар — инвестициялар — ишлаб чиқариш — сотиш — хизмат кўрсатиш»дан иборат бутун циклни ўз кучлари билан амалга оширишга қодир бўлган бир неча мингта йирик тармоқ, тармоқлараро ва территориал-тармоқ бирлашмалари марказдан бевосита бошқариладиган объектлар бўлиб қолиши мумкин эди. Улар билан бир қаторда республика ва маҳаллий органларга бўйсунувчи катта-катта бирлашмаларга ва маҳаллий бозорга хизмат кўрсатишга йўналтирилган ўн минглаб ўртача ва майда корхоналар, шу жумладан кооператив корхоналар бўлиши мумкин.

Тармоқ бошқарувини ташкилий жиҳатдан қайта қуриш тўғрисидаги масала ҳам муҳимдир.

Хўш, у қандай бўлиши керак? Министрлик нимага жавоб беради-ю, бирлашма ва корхона эса нимага жавоб беради, мана шулар аниқ белгилаб қўйилиши зарур. Министрликлар амалда тармоқларнинг илмий-техникавий ва план-иқтисодий

штаблари бўлиб қолишлари, халқ хўжалигининг тармоқ ишлаб чиқараётган маҳсулотга бўлган эҳтиёжлари қондирилиши учун, маҳсулот ишлаб чиқариш технологияси, сифати ва техникавий даражаси жиҳатидан жаҳондаги даражага чиқиб олиниши учун мамлакат олдида жавоб беришлари, тармоқ структурасини ривожлантириш ва такомиллаштириш билан, ихтисослашув ва кооперацияни чуқурлаштириш билан актив шуғулланишлари, ўзига қарашли корхоналар учун иқтисодий нормативлар, воситалар ва омилларни ишлаб чиқишлари керак.

Уларнинг ихтиёрида бош илмий-техника ташкилотлари, марказлаштирилган маблағ фондлари бўлиб, зарур ҳолларда ана шулар ҳисобидан янги корхоналар ташкил этилиши, ишлаб чиқаришни катта кўламда реконструкция қилиш ва кенгайтириш чоғида меҳнат коллективларининг куч-ғайратлари мустаҳкамланиши мумкин. Тармоқ министрликларининг кўпи ташқи иқтисодий фаолиятга реал равишда қўшила олади. Кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш — министрликларнинг масъулиятли вазифасидир. Бунда уларнинг роли беқиёс даражада ортади.

Министрликлар аппаратининг корхоналарни маъмурий жиҳатдан тергаб туриш йўлидаги уринишларига чек қўйиш учун уларни оператив-хўжалик бошқаруви вазифаларидан халос қилиб, тегишли бўлинмаларни тугатиш, министрликлар аппарати ва уларга хизмат қилувчи ташкилотлар сонини камайтириш керак. Ишлар янгича ташкил этилганида министрликларга ортиқча структура ва катта штатлар керак бўлмайди. Таклиф этилаётган чора-тадбирларни амалга ошириш давомида қандайдир министрликларни бирлаштириш тўғрисидаги масала ҳам кўндаланг бўлиб қолиши мумкин.

Маълумки, **бизда халқ хўжалик комплексларини ва бир-бири билан боғлиқ тармоқлар группаларини бошқариш системаси** тузила бошланди. Давлат агросаноат комитети, Госстрой, Машинасозлик бюроси ва Ёқилғи-энергетика комплекси бюроси, Ташқи иқтисодий комиссия, Социал ривожланиш бюроси тузилди ва улар СССР Министрлар Советининг доимий органлари сифатида иш кўрмоқда.

Бу система қарор топиш босқичида турибди. Бир томондан комплексларни бошқарув органлари ва иккинчи томондан СССР Госплани ҳамда министрликлар ўртасида вазифаларни мақбул тарзда тақсимлаш йўли ҳали топилгани йўқ.

Биз ҳукуматнинг доимий органларини ўз комплекслари ривожлантирилиши учун, тармоқлараро проблемаларни ҳал этиш учун жавоб берувчи ривожланиб борадиган ташкилотларга айлантиришга қаратилган йўлни изчиллик билан ўтказиб боришимиз керак. Айни тармоқлар туташган жойда катта-катта халқ хўжалик муаммолари юзага келишини биз тажрибадан биламиз. Айни мана шу ерда ҳаммадан кўра кўпроқ чалкашликлар бўлиб, шулар сабабли катта зиён кўряпмиз. Аммо ишларни яхшилашнинг катта-катта резервлари ҳам худди шу ерда мавжуддир.

Ҳукумат доимий органларини мустаҳкамлаш министрлик ва идораларни уларга боғлаб қўйиш ҳамда бошқаришни яна ҳам таъсирчан ва самарадор қилиш имконини беради.

Янги шароитлар Госплан, Молия министрлиги, Нархлар давлат комитети, Госснаб, Фан ва техника давлат комитети, Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети ҳамда бошқа **марказий иқтисодий органларининг** иш сифатига оширилган талаблар қўймоқда. Тўла хўжалик ҳисобига ўтиш, министрликлар фаолиятидаги туб ўзгартишлар, халқ хўжалиги комплексларига раҳбарлик системасини ривожлантириш ана шу органларнинг вазифаларини тубдан ўзгартириб юборади.

СССР Госпланига келганда шуни айтиш кераки, ривожланиш истиқболларини белгилаш, принципиал иқтисодий ва социал вазифаларни рўёбга чиқариш, халқ хўжалиги даражасида мутаносибликни таъминлаш унинг асосий ишига айлантирилиши керак. Шунга мувофиқ мамлакатнинг олий илмий-иқтисодий штаби сифатида Госплан структураси тубдан қайта ташкил этилиши лозим. Унинг йиғма бўлинмалари, социал йўналиши, фан-техника ва территориал хизматлари пухта мустаҳкамланиши муҳимдир. Табиийки, буларнинг ҳаммаси СССР Министрлар Совети доимий органларининг вазифалари билан жуда чамбарчас боғлаб олиб борилиши керак.

Ўртоқлар, бошқа марказий иқтисодий идораларнинг фаолиятига нисбатан

СССР Госпланининг мувофиқлаштирувчилик ролини кучайтириш тўғрисидаги масала етилиб қолди шекилли.

Биз янги система жамиятимизнинг жуда хилма-хил манфаатларини, жумладан корхоналар, тармоқларнинггина манфаатларини эмас, шу билан бирга республикалар, ўлкалар ва областларнинг, шаҳарлар ва районларнинг манфаатларини ёки одатдаги таъбирга кўра, **территориал манфаатларини** ҳам бирлаштириб, уйғунлаштира олган тақдирдагина унинг самарали бўлиши тўғрисида гапириб ўтган эдик.

Шуни назарда тутиш керакки, биз туб ислоҳотни амалга ошириш борасидаги ишларга маҳаллий имкониятлар ва ташаббусларни жалб этмасак, у ҳолда бундан ишга катта зиён етиши мумкин.

Ўртоқлар, шуни яна бир бор эслаб ўтиш керакки, муҳим экспериментлар ўтказишда ва замонавий бошқарув концепциясини ишлаб чиқишда бизга асос бўлган кўпгина ғоялар жойларда юзага келиб маҳаллий органларнинг ташаббускор ишлари туфайли ҳаётга йўл олди. Қишлоқ хўжалиги ва қурилишда, саноат ишлаб чиқаришида бригада пудрати, хўжаликни территориал бошқарувнинг янги формалари, темир йўл транспортида, хизмат соҳасида, савдода бошланган илғор ташаббуслар, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ўтиш ва бошқа кўпдан-кўп янгиликлар — мана шуларнинг ҳаммаси меҳнат коллективларининг ташаббуси билан, маҳаллий партия, совет ва хўжалик органларининг актив қўллаб-қувватлаши билан юзага келди.

Кейинги вақтларда республика органлари ва маҳаллий Советларнинг ролини ошириш юзасидан бир қанча қарорлар қабул қилинди. Бу қарорлар маъқуллаб кутиб олинди. Шундай бўлса-да, бошқарувнинг территориал жиҳатига ҳозирча тегишли эътибор берилмаяпти ва у ҳал қилингани йўқ. Бунда туб чоралар талаб этилади.

Биз эга бўлган тажриба территориал органларнинг фаолияти, аввало регионни комплекс ривожлантириш, маҳаллий ресурслар — меҳнат ресурслари, табиий, ишлаб чиқариш, иқтисодий ресурслардан ғоят оқилона фойдаланишга қаратилиши зарурлигидан далолат бермоқда. Аслини олганда биз бу йўналишда ҳозирдаёқ конкрет қадамлар қўйдик. Мен агросаноат комплексини, қурилишни, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни бошқариш органлари тузилганлигини назарда тутяпман.

Территориал органлар тармоқлараро ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, ноёб машина-ускуналардан, иккиламчи ресурслардан яхшироқ фойдаланиш, ишлаб чиқариш инфраструктурасини вужудга келтириш учун кўп иш қила оладилар. Бунда уларнинг фаолияти учун катта имкониятлар мавжуд.

Социал соҳа — территориал бошқарувнинг ва аввало Советлар томонидан территориал бошқарувнинг энг муҳим объектидир, албатта. Шу муносабат билан икки нарсани айтиб ўтмоқчиман. Биринчиси — катта шаҳарларда социал соҳа манфаатларини ҳимоя қилишга тааллуқли. Бундай шаҳарларда уларни социал жиҳатдан ривожлантирмай туриб, ишлаб чиқариш соҳасидаги қурилишни кучайтиришни тўхтатиш керак, ўртоқлар.

Министрликлар ёки идоралар социал соҳани ривожлантиришга асосланган нормативлар бўйича маблағларни территориал органларнинг ихтиёрига айни бир вақтда ажратиб берганлари тақдирдагина уларга ишлаб чиқариш соҳасидаги қурилишни олиб боришга ижозат бериш мумкин бўладиган системани ўйлаб кўриб жорий этсак бўлмасмикан. Бундай ёндашув шаҳарларни ривожлантиришда тартиб ўрнатишга кўмаклашган бўлур эди, деб ўйлаймиз.

Иккинчиси — кооператив ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятини ташкил этишда территориал органларнинг роли тўғрисида. Эндиликда бу хусусда давлат даражасидаги барча зарур қарорлар амалда мавжуд. Кўпгина меҳнаткашлар одамларнинг талаб-эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган бирон бир вазифаларни ҳал этиш учун кооперативларга бирлашишни истайдилар. Якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланишни истовчилар ҳам оз эмас. Бу муҳим жараённи авж олдириш учун ҳамма нарса бордек. Аммо у жуда қийинчилик ва жуда секинлик билан бормоқда. Бунинг сабаби битта, у ҳам бўлса маҳаллий органларнинг ташаббуссизлиги, бу масалага эътиборсизлик, баъзида эса у билан шуғулланишни истамаслик, ҳар хил бюрократик ғовлардир. Ваҳоланки, бу

маҳаллий органларнинг бевосита вазифаси бўлиб, бунинг учун улар тўла жавоб беришлари керак.

Шундай қилиб, экономикамизнинг қайси томонини олиб кўрмайлик, ҳамма жойда территориал органларнинг ва аввало, Советларнинг ролини ошириш зарурлиги сезилиб турибди. Афтидан бунда ташкилий чораларсиз иш битмаса керак. Бизнингча, область ва ўлка Советларининг ижроия комитетлари составида регионларни ривожлантириш планларини комплекс ишлаб чиқиш, мазкур территориядаги бутун иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш учун ишлаб чиқариш-иқтисодий бошқармаларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ кўринади.

Умуман, ўртоқлар, бизга шундай бошқариш системаси керакки, у хўжалик юритишнинг янгича принципларига, иқтисодий методларнинг моҳиятига мувофиқ келсин. Бу системада барча даражалардаги ва ҳамма соҳалардаги бошқариш органларининг вазифалари ҳамда жавобгарлиги аниқ чегаралаб қўйилиши, асосий бўғин — корхона ва бирлашманинг ишлаши учун энг яхши шарт-шароитлар яратилиши лозим.

Бошқаришни қайта қуришнинг социал жиҳатлари

Ўртоқлар! Реал манфаатлари ва муддаолари бўлган инсон иқтисодий сиёсатимиз ва хўжалик фаолиятимизнинг марказида турибди.

Бошқариш буйруқлардан, тақиқлашлардан, даъватлардангина иборат бўлган вақт ўтмишда қолиб кетганлигини биз англаб олишимиз лозим. Бундай методлар билан энди ишлаб бўлмаслиги ҳозир ҳаммага равшан. Ўша методлар мутлақо самарасиздир. Барча ходимларни ўз қобилиятларини тўла-тўкис намоён этиб, унумли меҳнат қилишга, ишлаб чиқариш ресурсларидан жуда самарали фойдаланишга ундовчи сабаблар ва омилларнинг кудратли системасини вужудга келтириш давр талабидир.

Бунда ҳамма нарса — меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш формалари, иш билан банд бўлиш системаси, истеъмол бозоридаги вазият социал-маданий хизматнинг аҳволи ниҳоятда муҳимдир. Айтиб ўтилган соҳаларнинг ҳар бири инсон омилини активлаштириш нуктаи назаридан кўриб чиқилиши лозим.

Меҳнатни ташкил этишга нисбатан сифат жиҳатдан янгича ёндашиш зарурлиги тўғрисидаги масала жиддий бўлиб турибди. Биз эга бўлган нарсалар одатда кечаги ёки ҳатто ўтган кунги нарсалардир. Бизга меҳнатни ташкил этишнинг шундай системаси керакки, у фан-техника тараққиётининг замонавий талабларига мувофиқ келсин. Ватанимиздаги ва жаҳондаги энг яхши тажрибани сингдириб олсин ва энг муҳими хўжалик юритишнинг янги шароитларига ҳамда ўзини-ўзи бошқариш принципларига мос бўлиб тушсин.

Эндиликда, ўтказилган бир қанча маълум экспериментлардан кейин янги хўжалик механизмига коллектив пудрат, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бошқа самарали формалари айниқса мос келиши ҳаммамизга равшан бўлиб қолди. Улар асосидагина хўжалик ҳисобини тўла амалга ошириш ва уни ҳар бир коллективга ва иш жойига етказиш мумкин.

Меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни рағбатлантириш системаси янгича қурилиши лозим. Эндиликда корхона тўғрисидаги Қонун асосида корхонанинг тариф ставкалари ва окладларни ошириш, бу ставка ва окладларга устамалар белгилаш ҳуқуқи гарантияланади. Самарали рағбатлантириш имкониятлари кескин кенгайтирилади. Аммо бунда ҳар бир ходимнинг амалдаги иш ҳақи унинг пировард натижага шахсан қўшган меҳнат ҳиссасига жуда боғлиқ қилиб қўйилиши ва бирон бир чегара билан чеклаб қўйилмаслиги айниқса муҳимдир. Иш ҳақи ишлаб топилганми ёки йўқми — бу унинг ҳаққонийлигининг бирдан-бир мезонидир.

Ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаш, шунга хос хўжалик механизмини яратиш бизни жамиятимизда иш билан самарали таъминланиш проблемасига янгича назар ташлашга ундайди.

Олдинги босқичларда ишлаб чиқариш асосан экстенсив ривожланган шароитларда ишчи ўрни жуда тез кўпайди. Ўшанда янги ходимларни қидириб топиш асосий муаммо бўлиб қолди. Энди эса вазият тубдан ўзгармоқда. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш шароитида ходимларни бошқа ишлар учун

бўшатиб олиш микёслари анча кенгаяди. Янги хўжалик механизми ҳам шунга ундайди. Айни вактда хизмат кўрсатиш, маданият, маориф, соғликни саклаш, дам олиш соҳалари учун меҳнат ресурсларига талаб ортади.

Ишчи кучини бу тарика кайта гуруҳлаш зўр диккат-эътиборни ва пухта ўйланган ташкилий чора-тадбирларни талаб килади. Биз меҳнаткашларни иш билан таъминлашнинг социал гарантияларини — Конституцияда ёзиб кўйилган меҳнат килиш ҳукукини таъминлашимиз шарт. Социалистик система ана шундай имкониятларга эга.

Янги вазиятда меҳнат ва социал масалалар билан шуғулланувчи давлат органларининг ҳукукларини кенгайтириш ва масъулиятини ошириш зарур.

Сўнгги йилларда аҳолининг пул даромадлари билан бир томондан тўлов кобилиятига эга бўлган талаблар ўртасида, иккинчи томондан уларни моддий жиҳатдан коплаш ўртасида катта фарк вужудга келганлигини мен айтиб ўтган эдим. 1971—1985 йиллар мобайнида халк истеъмоли моллари ишлаб чикариш 2 баравар кўпайгани ҳолда муомаладаги пул микдори 3,1 баравар кўпайди. Хўжаликни бошкаришни ислоҳ килиш доирасида биз истеъмол молларини ишлаб чикаришни аҳоли талабларига бўйсундириш йўлини собиткадамлик билан ва изчил давом эттиришимиз керак. Омборлар учун ишлаш исрофгарчиликкина эмас, кай томондан олиб караманг, бемаънилик ҳамдир. Бундай корхонани ёпиб кўйган яхши. Ўйлайманки, бу масала энг жиддий диккат-эътиборга лойикдир.

Аммо иш факат аҳолининг тўлов кобилиятига эга бўлган талабларини товарлар билан коплашни таъминлашдагина эмас. Бир канча бошка вазифаларни ҳал килишга аҳоли маблағларини янада тўларок жалб этиш тўғрисида ҳам ўйлаб кўриш keракка ўхшайди. Кўп кишилар кооператив ва хусусий уй-жой курилиши ташкилотлари оркали шахсий маблағлари ҳисобига уй-жойли бўлишни истайдилар. Бу соҳада реал силжиш бўлмади. Аксинча, якин-якингача кооператив курилиш салмоғи сезиларли даражада кискариб борди, бу нотўғри, албатта.

Дам олиш ва туризм базаларини барпо этиш учун, аҳоли тураржойларида пулли спорт иншоотларини куриш учун карз олиш асосида аҳолининг кўплаб маблағини жалб килиш мумкин. Маълум шартлар асосида аҳоли ҳозир маиший хизмат соҳасида ва бошка тармокларда тузилаётган кооперативларга ҳам ўз маблағларини кўша олур эди.

Бу ерда биз яна бир масалага тўхтаймиз. Талабнинг ўзгаришини бартараф этиш учун барча пулли хизмат соҳасини ривожлантиришни кескин, 2—3 баравар жадаллаштириш, у ерда кўшимча омилларни жорий этиш, кўпрок ресурслар бериш керак. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, шу йўл билан бориб, биз ҳар йили хизмат кўрсатишни 15—20 процент кўпайтиришни таъминлай оламиз.

Буларнинг ҳаммаси ва кўпгина бошка нарсалар якин вактлар ичида товарлар ва хизматлар бозорида вазиятни яхшилашга, пул муомаласини мустаҳкамлашга эришиш имконини беради. Марказда ҳам, жойларда ҳам шу ишга мутасадди бўлган кишилар бу ҳакда ўйлаб кўрсинлар.

Ҳозирги вазиятда социал вазифаларни ҳал этиш учун очилган янги имкониятлардан фойдаланмаётган раҳбарларнинг сусткашлигига айникса токат килиб бўлмайди.

Бу ерда ҳали ҳам бир томондан, социал проблемаларни ҳал ккилишга колдик принципи асосида ёндашиш эскича одати, бошка томондан эса таркиб топган тайёрга айёрлик психологияси намоён бўлаётир шекилли. Биз буларнинг ҳар иккисидан ҳам катъиян воз кечишимиз керак. Энди коллективларнинг социал проблемаларини улар учун ҳеч ким ҳал килиб бермайди. Меҳнат коллективларида, шаҳарлар ва районларда, областлар ва республикаларда шиддат билан, окилона, омилкорлик билан, умуман хўжайинларча ҳаракат килиш керак.

Бошкарувни кайта куриш пухта ташкил этилсин ва партиявий-сиёсий жиҳатдан таъминлансин

Ўртоклар! Экономикани бошкариш системасини тубдан ислоҳ килиш бир вактда амалга ошадиган иш бўлмай, охирига етказиш учун муайян даврни талаб киладиган жараёндир. Бунда сусткашликка мутлако йўл кўйиб бўлмайди. Бу эш

асосий хавфга айланиши мумкин. Шусиз ҳам жуда кўп вақт бой берилди. Ҳар қандай ҳолатда биз ўн учинчи беш йилликка янги хўжалик механизми билан кириб боришимиз ва бу механизмни такомиллаштиришни давом эттиришимиз керак.

Сиёсий бюро ўтмишда бўлганидек, пухта ташкилий таъминотнинг йўқлиги, ҳаракатларнинг келишиб олинмаганлиги ва сусткашлик ислоҳотнинг чўзилиб кетишига ва тўлиқ амалга оширилмаслигига олиб келишига йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблайди.

Шу муносабат билан Пленум «Экономикани бошқаришни тубдан қайта қуришнинг Асосий қоидалари»ни маъқуллаши таклиф этилади. Бу Асосий қоидаларда бошқариш янги системасини вужудга келтиришнинг принципиал ва конкрет йўл-йўриқлари мавжуд бўлиб, у бундан буён қилинадиган барча ишлар учун партиявий директивага ҳам айланган бўлур эди.

Экономикани бошқаришни қайта қуришнинг таклиф этилаётган ташкилий режалари қандай? СССР Олий Совети Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонунини қабул қилиши «Асосий қоидалар» амалга оширилишининг бошланиши бўлади. Шу йил охиригача марказлаштирилган бошқарувни корхона тўғрисидаги қонунга мувофиқ келтириш мақсадида бошқарувни қайта қуришнинг энг йирик масалалари хусусида конкрет қарорларнинг бутун бир мажмуасини қабул қилиш таклиф этилади.

Келгуси 1988 йилдан бутун саноат маҳсулотининг қарийб учдан икки қисмини ишлаб чиқарувчи корхоналар ва бирлашмалар, шу жумладан машинасозлик, металлургия корхоналарининг барчаси ёқилғи-энергетика тармоқларидаги корхоналарнинг, шунингдек химия, ўрмон, енгил, озиқ-овқат, балиқчилик саноати корхоналарининг асосий қисми, транспортнинг барча турлари янги принциплар асосида ишлай бошлайди. 1989 йилга бориб эса янги хўжалик шароитларига ўтиш ниҳоясига етказилиши керак.

Айни пайтда беш йиллик охиригача иқтисодий бошқарувнинг энг муҳим функциялари: планлаштириш, нарх белгилаш, молия ва кредит, материал-техника таъминотини қайта қуриш амалга оширилади, ўн учинчи беш йиллик учун узоқ амал қиладиган барқарор иқтисодий нормативлар ишлаб чиқилади.

Янги беш йиллик планини бошқача, жорий этилаётган хўжаликни бошқариш системаси асосида ишлаб чиқишга тўғри келади. Корхоналарга энг аввало, иқтисодий нормативлар асосида ва истеъмолчиларнинг буюртмалари асосида шартномалар тузишда кенг мустақиллик берилиши керак. Бутун ишни беш йилликнинг ўзи бошлангунга қадар беш йиллик план қабул этилиши таъминланадиган қилиб ташкил этиш керак.

Ўртоқлар! Мўлжалланаётган ўзгартишларнинг ташкилий томони қонун чиқариш фаолияти кенг программасини, иқтисодий ислоҳотнинг ҳуқуқий механизмини расмийлаштиришни ўз ичига олиши керак.

Бунга ёндашув оддий: хўжалик юритиш соҳасида у ёки бу фаолиятнинг қонуний эканлиги ёки қонунга хилоф эканлиги масаласида ноаниқликка мутлақо барҳам бериш керак. «Қонун билан тақиқланмаган ҳамма ишни қилишга рухсат берилади» деган умумий ҳуқуқий принцип кенгроқ қўлланилиши лозим.

Бирлашма тўғрисидаги қонун қабул қилинганидан сўнг бу қонунга зид бўлган барча норматив ҳужжатларни бекор қилиш, шунингдек идоравий норма белгилашнинг юридик жиҳатдан қатъий чегарасини жорий этиш керак бўлади.

Ҳукумат қонунлари ва қарорларини меҳнат коллективларига тезроқ етказиш системасини вужудга келтириш ҳам зарур. Одамлар ўз турмуши ва фаолиятини бошқариб турадиган қонунларни билишлари керак.

Шу муносабат билан барча ташкилотлар ва мансабдор шахслар қонунларга риоя этиши устидан прокурор назорати вазифалари бекиёс ўсиб боради. Хўжалик турмушини бошқаришда Давлат арбитражининг роли жиддий равишда оширилиши лозим.

Социал-иқтисодий турмуш масалаларига оид қарорлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиш бутун жараёнининг энг кўп даражада очиқ ва ошкора бўлиши, бошқарув органлари вакилларининг мунтазам ва ошкора ҳисоб бериб туриши зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардик. Лойиҳалар ва қарорларни эълон қилиш, муҳокама этилаётган масалалар юзасидан тушган таклифлар тўғрисида кенг ахборот бериш қоида тусини олиши зарур. Давлат турмушининг

энг муҳим масалаларини умумхалқ муҳокамасидан ўтказиш тўғрисидаги янги қонун мана шу масалага бағишланади. Қонун лойиҳаси СССР Олий Советининг бўлажак сессиясига тақдим этилади.

Статистикамизни тубдан қайта қуриш тўғрисидаги масала жуда катта ва жиддий масаладир. Бу борада сифат кўрсаткичлари сари кескин бурилиш қилиш, регионал ва социал ривожланиш масалалари юзасидан ахборотларни кенгайтириш, танлаб, турли текширувлар ўтказиш зарур. Бусиз жиддий социал-иқтисодий таҳлил бўлиши мумкин эмас, демак, проблемаларга пухта ёндашиб бўлмайди. Иқтисодий ва социал статистикага оид материалларни эълон қилиш чегараларини ҳам кенгайтириш лозим.

Ўртоқлар! Ҳозирги вақтда ишимизнинг барча йўналишларида партиявий таъсирни кучайтириш, ижтимоий жараёнларга моҳирона раҳбарлик қилишга, янги ижодий ёндашувларни ишлаб чиқишга эришиш, айниқса зарурдир. Экономикани бошқарувнинг янги системасига ўтказишга оид фаолиятида халқ хўжалигининг нормал ишлашини таъминлаш Марказий Комитетдан тортиб бошланғич партия ташкилотигача бизнинг энг муҳим вазифамиздир. Бу шунинг учун ҳам муҳимки, ўтиш даврида биз бир вақтнинг ўзида иқтисодий ривожланишнинг бир қанча катта ва мураккаб вазифаларини ҳал этишимизга, халқ хўжалигини структуравий қайта қуришни амалга оширишимизга, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, бошқарувни тубдан ислоҳ қилиш, унинг демократик негизларини чуқурлаштириш тадбирларини ҳал этишимизга тўғри келади.

Бунда мана шу вазифаларни комплекс тарзда ҳал этиш учун зарур бўлган маълум давр мобайнида бошқарувнинг янги ва эски методлари айни бир пайтда амал қилишини назардан четда қолдирмаслик зарур.

Бу эса партия ташкилотлари олдига характери ва мураккаблиги жиҳатидан одатдан ташқари проблемаларни қўяди. Партия ташкилотлари амалга ошириладиган барча ўзгартишларнинг олдинги сафларида бўлиши керак.

Бошланган ислоҳот амалда иқтисодий биномизнинг барча қаватларига тааллуқлидир. Халқ хўжалигининг барча даражаларида амалга оширилаётган иқтисодий механизмни ўзгартиришга оид жуда катта, кўп томонлама иш партия ташкилотлари ва комитетларининг доимий диққат-эътиборида бўлиши ғоят зарурдир. Айни партия ташкилотлари ва комитетлари экономикани бошқаришни қайта қуриш ишига сиёсий, умумдавлат нуқтаи назаридан ёндашувни таъминлашлари керак.

Корхоналар ва бирлашмалар партия ташкилотларининг роли ҳамда масъулияти айниқса каттадир. Улар сиёсий етуклик ва жанговарлик имтиҳонидан ўтадилар, хўжалик юритишнинг янги методларига ўтиш меҳнат коллективларида ўзини-ўзи бошқарув принципларини рўёбга чиқариш кўп жиҳатдан уларнинг позициясига ва амалий ишларига боғлиқдир.

Аминмизки, барча партия ташкилотлари, ҳамма коммунистлар, ҳамма кадрлар экономикамизни қайта қуриш — совет халқи фаровонлигини ўстиришнинг, социалистик Ватанимизни ҳар томонлама тараққий эттиришнинг, олға томон ҳаракатимизнинг ҳал қилувчи, асосий шарти эканлигини тўла англаган ҳолда етилган иқтисодий проблемаларни ҳал этишга зўр ғайрат билан киришадилар.

* *
*

Ўртоқлар! Экономикани бошқаришни, социалистик қурилиш йиллари мобайнидаги энг чуқур ва ғоят кенг кўламли қайта қуришни ана шу ғоялар ва принциплар асосида амалга ошириш мўлжалланмоқда. Биз қайта қуришни амалга оширишга халқ олдидаги, мамлакатимиз келажаги олдидаги жуда катта сиёсий масъулиятни ҳис этган ҳолда ёндашишимиз шарт.

Ислоҳотнинг асосий вазифаси — иқтисодий ўсишимизга янги омил бағишлаб, совет жамиятининг жадал социал ва маънавий тараққиёти учун қудратли моддий пойдевор яратишдан иборат.

Мамлакатда авж олдириб юборилган қайта қуриш — Октябрь ишининг

бевосита давомидир, биз бу йил 70 йиллигини нишонлайдиган революциямиз байроғига ёзиб қўйилган идеалларнинг изчил амалга оширилишидир.

Қайта қуриш — даврнинг тарихий даъватига жавобдир. Партиямиз, халқимиз буюк социал революцияни амалга ошириб, социализм қуриб, Улуғ Ватан урушида оламшумул-тарихий ғалабага эришгани сингари давр даъватига ҳам муносиб жавоб бера оладилар.

Тарихий жиҳатдан йўл танлаш вазифалари олдимизда турганида ҳамиша шундай бўлган эди. Ҳозир ҳам шундай бўлади.

(Доклад зўр эътибор бериб тингланди ва давомли қарсаклар билан бўлиниб турди).

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ КПСС МК Пленумида 1987 йил 26 июнда СЎЗЛАГАН ЯКУНЛОВЧИ НУТҚИ

Ўртоқлар!

Биз Марказий Комитетимиз Пленумининг ишини тугаллаяпмиз. Бу Пленумни бутун партия, бутун мамлакат орзиқиб кутганини биласизлар ва бу нутқларда ҳақли равишда таъкидланди: биринчидан, қайта қуришнинг ҳозирги босқичи кўпгина муаммоларни ўртага қўйди. Марказий Комитетнинг ушбу Пленуми бу муаммолар хусусидаги фикрни айтиши, сиёсий ва ташкилотчилик иши учун хулосалар чиқариши керак эди, иккинчидан эса, Пленум олдида мамлакатимиз экономикасини бошқаришни тубдан ислоҳ қилишнинг асосий қоидаларини, принципларини ишлаб чиқиш вазифаси турар эди.

Ўйлайманки, бизда Пленум коммунистларнинг, барча совет кишиларининг умидларини оқлади, деб айтиш учун тўла асос бор. Бунинг жуда катта аҳамияти шу билан белгиланади. Пленум қайта қуришимизни КПСС XXVII съезди белгилаб қўйган йўлдан анча олға силжитади, унинг зарурлигини ва уни амалга оширишга ёндашувнинг янги усулларини тушунишни чуқурлаштиради.

Пленумда экономикани бошқаришни тубдан ислоҳ қилиш программаси қабул этилди. Бу программа қайта қуришни жадаллаштиришнинг қудратли ва таъсирчан воситасини яратади.

Бу программа ўтган икки йиллик амалий тажриба бизга нималар берганини, илмий тафаккур бизга нималар берганини, социализм қурилиши ўн йилликларнинг сабоқлари нималар берганини ўзига сингдириб олган. Кейинги йилларда биз экономикага янгича ёндашувларни синаш мақсадида ўтказган экспериментлар программа учун негиз бўлди. Хуллас, қабул этилган ҳужжатларда коллектив фикр, жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида шу масала юзасидан биз умумлаштира олган ҳамма нарсалар ифодалаб берилди.

Пленум қандай муҳитда ўтгани ҳақида алоҳида гапирмоқ керак. Бу муҳит апрель Пленумидан ва КПСС XXVII съездидан кейин партияда вужудга келаётган янги вазият янада ривожланаётганини ифодалайди, қайта қуришнинг боришига, унинг муваффақиятлари ва ютуқларига сергак баҳо берилганлиги билан, иш чуқур таҳлил этилганлиги, камчиликлар танқид қилинганлиги, етилган муаммолар эркин, ишчан муҳокама қилинганлиги билан характерланади. Мана шу фазилатларнинг ҳаммаси ушбу Пленум ишига хос бўлди ва биз ҳаммамиз, Марказий Комитет аъзолари жуда ҳақли равишда мамнун бўла оламиз.

Қайта қуриш жараёни ўзининг ҳамма ютуқларига қарамай, ҳозирча суст бораётганлиги докладда ва нутқларда таъкидланди. Биз вазиятни танқидий ба-

ҳолаб, шу тарика ўз имкониятларимизни сафарбар этяпмиз, ижтимоий турмушимизнинг ҳамма соҳаларида эса бундай имкониятлар оз эмас.

Бу ерда бўлган танкид ва ўз-ўзини танкид — ишларнинг ҳолатидан окилона каноатланмаслик ифодаси ва кучимизнинг кўрсаткичидир. Большевикча танкиднинг асосий белгиси — унинг аник-равшанлиги, ишчанлиги ва амалийлигидир. Саноатимизда ҳам, экономиканинг кишлок хўжалиги каби мураккаб секторида ҳам ютукларимиз борлигини тўла асос билан айта оламиз. Бирок одамларнинг онгида, кейинги вактларда мамлакатда вужудга келган ижтимоий-сиёсий вазиятни англашда айникса катта ютукка эришилди.

Ҳозирги мамлакатимиз — тез ўзгариб бораётган жамиятдир. Энди у бошкача кайфиятлар ва бошкача умидлар ҳукм сураётган жамиятдир. Жамият янгиланмокда, фикр кулф уриб ишлай бошлади, амалий ҳаракатлар эса тобора активлашиб, янада каттарок яккол натижалар бермокда.

Пленум кайта куришнинг яхлит концепциясини ишлаб чикишни ниҳоясига етказяпти, дейиш мумкин. Биз кайта куриш ғоясини 1985 йил апрелида ўртага ташлаган эдик, XXVII съезд, Марказий Комитетнинг январь Пленуми ҳужжатларида ишлаб чиккан эдик. Аммо ишнинг назарий жиҳати накадар муҳим бўлмасин, асосий нарса бунинг ўзи эмас. Бу галги Пленумнинг сиёсий аҳамияти шундан иборатки, у кайта куриш ғояларини амалий изга кўчиради. Ҳал килувчи ижтимоий соҳада — халк турмушининг энг чукур илдизларига дахлдор бўлган иктисодий соҳада шундай килади.

Яна бир марта айтмокчиманки, Пленум карорлари, у кабул этган ҳужжатлар бизнинг жадаллаштиришга, кайта куришга каратилган стратегик йўлимизни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан анча чукурлаштиради. Бу ҳужжатлар экономикани кайта куриш учун принципиал йўл-йўриклар беради. Амалий тажриба ҳам ҳали кўпгина янгиликларни келтириб чикаради, албатта. Ҳаёт кайта куриш тўғрисидаги тасаввурларни чукурлаштиради. Бизнинг олдимизда янги муаммолар, бир талай мураккаб ишлар турибди. Гарчи хатолар имкони борича камрок бўладиган тарзда ишлашимиз ва ҳаракат килишимиз керак бўлса-да, ҳар ҳолда хатолар килмасликдан мустасно эмасмиз.

Шундай бўлса-да, хато килишдан кўркиш — энг катта хато эканига ишончим комил.

Башарти, бирон-бир кимса ҳозирги боскичнинг мураккаб ишларидан чўчиб, кабинетларда кўркоклик килиб ўтирса, ҳаёт эшик ва деразаларни тобора каттикрок кокиб келаётганига жавоб бермаса, мана шунинг ўзи энг катта хато бўлади.

Биз етилган муаммолардан бўйин товламасликни, масалаларни тўплаб ўтирмасликни коида килиб олдик, бусиз ҳам масалалар ҳаддан ташкари кўп тўпланиб колган. Хато килишдан кўркиш айникса ҳалокатлидир: бу нарса иродани фалаж килиб кўяди, жамиятни ўзгартириш соҳасидаги куч-ғайратларга тўскинлик килади.

Ҳозир биз, башарти экономика ҳакида гапириладиган бўлса, ўзига хос ўтиш даврини бошдан кечиряпмиз. Биз ҳамма корхона ва бирлашмаларни тўла хўжалик ҳисобига ўтказишимиз, планлаштиришни, нарх белгилаш системасини тубдан ислоҳ килишга тайёргарлик кўришимиз ва уларни амалга оширишимиз, материал-техника таъминоти, молия ва кредитни, бошкарувнинг ташкилий структураларини кайта куришимиз керак.

Мана шуларнинг ҳаммаси пухта ўйлаб, жиддий ишлашни талаб килади. Айни вактда ҳеч ким бизни ўн иккинчи беш йиллик вазифаларини ҳал этишдан, ўзимиз беш йиллик планда ўртага кўйган максадларга эришишдан халос этмайди.

Мамлакатимиздаги мана шу мураккаб ўтиш даври чўзилиб кетмаслиги учун биз мана шу масъулиятли пайтда ҳам катъият билан, ҳам ўйлаб, ҳам самарали ҳаракат килишимиз учун ҳамма шароитни яратиш керак, албатта.

Бу ўринда ҳамма иш муҳим, аммо биз миллион-миллион кишиларнинг иктисодий манфаатларига дахлдор бўлган экономикани бошкаришни тубдан ислоҳ кила бошлаётганлигимиз — энг муҳим иш, деса бўлади. Такрор айтаман: энг муҳими, энг асосийси мана шу.

Шу сабабли биз барча амалий ишларда бу манфаатларни эътиборга олишимиз керак. Бундан — биз турли кайфиятлар ва тайёрга айёрлик манфаатла-

ри таъсирида судралиб юришимиз мумкин, деган маъно асло келиб чиқмайди. Йўқ, ўртоқлар, биз эътиборга олишга мажбур бўлган ҳаққоний манфаатлар ҳақида гапиряпман, шу сабабли хўжалик юритишнинг янги механизмига ўтиш соҳасидаги ҳамма иш шу манфаатларни рўёбга чиқариш учун кўпроқ имконият бериши керак. Айни шу манфаатларни эътиборга олиш иқтисодий системамизга, бутун хўжалик ишимизга янги жўшқинлик бахш этадиган омил бўлиб қолиши лозим.

Умуман, ҳозирги босқичдаги бутун ишни зўр масъулият билан ўтказиш керак. Бу — партия бошчилик қилаётган, тажриба билан қуролланган, назарий жиҳатдан билимдон ва ташкилий жиҳатдан жипслашган жамиятнинг қўлидан келадиган иш. Бугун биз шуни алоҳида таъкидлашимиз керак — ижтимоий тараққиётнинг бу босқичида, умуман қайта қуришда партиянинг роли айниқса муҳим.

КПССнинг зиммасига барча бўғинларда, ҳамма поғоналарда ислоҳотни амалий равишда рўёбга чиқаришдан иборат ғоят масъулиятли вазифа юклатилмоқда. Шу ҳақда гапирганда, бошланғич партия ташкилотларининг ролини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Чунки биз ўйлаб қўйган режаларнинг ҳаммаси асосан ва моҳият эътибори билан меҳнат коллективида, ишлаб чиқариш коллективида рўёбга чиқарилади. Экономикани бошқаришнинг барча органлари фаолияти аввало экономиканинг асосий бўғини муваффақиятли, самарали ишлаши учун шарт-шароит яратишга қаратилган бўлиши керак.

Ҳозир бошланғич партия ташкилоти айнан меҳнат коллективида ишлаётганлиги унинг ошиб бораётган ролини белгилаб турибди. КПСС Марказий Комитетидан тортиб, барча партия комитетлари шуни назарда тутишлари ҳамда ўз ихтиёридаги жамики мавжуд воситалар билан янги шароитларда бошланғич ташкилотлар самарали ҳаракат қилишларига кўмаклашишлари керак. Бу гап партиявий ишнинг барча соҳаларига — сиёсий, ташкилотчилик, идеология ишига тааллуқлидир.

Мамлакат хўжалик кадрларининг катта корпуси олдида ҳам янги вазифалар турибди. Партия ислоҳотни амалга оширишда уларнинг ҳал қилувчи ҳисса қўшишларига умид қилади. Мамлакатнинг жуда катта кадрлар потенциали бор, модомики шундай экан, бу кадрларнинг экономикадаги ислоҳот муносабати билан ҳозирги ўзгартишларнинг янгилиги ва миқёсларини чуқурроқ англаб олишида, хўжалик юритишнинг янги принциплари асосида актив ишга киришишида, шу принципларни ҳамма жойда, хўжаликнинг барча бўғинларида жорий этишида уларга ёрдам бериш керак. Шундай ҳаракат қилиш кераккки, қайта қуришга, ислоҳотга тарафдор бўлган, ўзининг бутун кучи, тажрибасини унга сарфлашга, бу ишга жонини фидо қилишга интилаётган барча кишилар партия органлари томонидан актив қўллаб-қувватланиши ва эътиборга сазовор бўлиши лозим.

Бундай одамлар эса асосий кўпчиликни ташкил этади. Бугина эмас — башарти бизда кадрларнинг асосий бўғинида, бунда мен корхоналар, қурилишлар, колхозлар, совхозларнинг раҳбарларини назарда тутаман, тартибсизликдек иллат бартараф қилинмас экан, ислоҳот жуда қийинчилик билан боради. Шу сабабли яна бир бор такрорлаб ўтмоқчиман: сиёсий жиҳатдан қайта қуриш тарафида бўлган ва зарур билимларга эга бўлган барча кадрлар қўллаб-қувватланиши керак. Ишда уларни қўллаб-қувватлаш ва уларга ёрдам бериш лозим.

Ўртоқлар, Пленумда ўн учинчи беш йиллик экономикани бошқаришни тубдан қайта қуришнинг ҳал қилувчи босқичи бўлади, деб тўғри айтилди. Айни ўша пайтгача планлаштиришни, нарх-наво белгилашни ва молия-кредит механизмини ислоҳ қилиш ниҳоясига етказилади, ишлаб чиқариш воситаларини улгуржи савдо қилишга ўтиш асосан амалга ошириб бўлинади. Шу тадбирлар натижасида бошқаришнинг мунтазам системаси жорий этилади.

Аммо бунинг учун ўн учинчи беш йилликнинг ўзи ҳам ҳозирги даврни, янги тасаввурларни ва экономикада рўй бераётган жараёнларни чуқурроқ англашни эътиборга олиб тузилиши керак. Шу муносабат билан Марказий Комитетнинг Пленумларидан бирида ўн учинчи беш йилликнинг сиёсий концепциясини, унинг стратегик моҳиятини муҳокама қилиш зарурати бор.

Биз партиянинг навбатдаги XIX конференциясини чақириш тўғрисида қарор қабул қилдик. Бу конференция партия ва мамлакат турмушидаги жуда катта

сиёсий воқеа бўлади. Биз коммунистлар учун у аслида турмушимизнинг асосий масаласи — қайта қуриш соҳасидаги сиёсий имтиҳонга айланади.

Экономика соҳасидаги, бошқа жабҳалардаги бутун амалий ишимиз шу тарзда олиб борилиши керакки, биз бу имтиҳондан муносиб ўтайлик ва конференцияга яхши амалий тажриба, реал натижалар билан борайлик, келажак учун сабоқлар чиқариб олайлик.

Ўртоқлар! Бизнинг иқтисодий ишимиз, халқ хўжалигидаги қайта қуриш миллион-миллион меҳнаткашлар оммасини ўзига жалб этган тақдирдагина муваффақиятли бўлиб чиқиши мумкин. Шу сабабли мамлакатимизда бошқарувни тубдан қайта қуриш йўли аслида ишлаб чиқариш соҳасидагина эмас, шу билан бирга бутун ижтимоий турмушни ҳам янада демократиялаш йўли билан бирлашиб кетади. Экономиканинг тараққиётини социалистик демократизмнинг ривожланишидан ажратиб бўлмайди.

Тез орада сизлар ўз жойларингизга, республикалар, ўлкалар, областларга, шаҳар ва районларга, корхоналарга жўнаб кетасизлар, энди Марказий Қомитет аъзолари, Пленум барча қатнашчилари олдида қабул этилган қарорлардан келиб чиқадиган ғоят муҳим вазифалар амалий тарзда кўндаланг бўлади.

Пленумнинг йўл-йўриқлари, ғоялари аввало коммунистларнинг, халқнинг энг кенг қатламлари онгига етказилиши керак. Пленум белгилаб берган узоқ муддатли вазифаларни биз кундалик вазифаларни ҳал этиш билан, аввало Марказий Комитетнинг шу Пленумида Сиёсий бюронинг докладида ўртага қўйилган вазифаларни ҳал этиш билан моҳирона боғлаб олиб боришимиз жуда муҳимдир.

Ҳозирги энг муҳим иш мана шу, деб ўйлайман. Қайта қуриш авж олиб бораётганини, чуқурлашаётганини ва турмушнинг барча соҳаларида, аввало меҳнаткашларнинг кундалик, энг зарур эҳтиёжларини қондиришда реал самаралар бера бошлаганини одамлар аниқ-равшан ҳис этишлари керак.

Ўртоқлар, Марказий Қомитет Пленуми қабул этган қарорларни бажариш соҳасида самарали ишлашларингизни тилашга ижозат бергайсизлар.

КПСС МК ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

ПАРТИЯНИНГ ЭКОНОМИКАНИ БОШҚАРИШНИ ТУБДАН ҚАЙТА ҚУРИШ СОҲАСИДАГИ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Қомитетининг Пленуми «Партиянинг экономикани бошқаришни тубдан қайта қуриш соҳасидаги вазифалари тўғрисида» КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачевнинг докладини тинглаб ва муҳокама қилиб, шуни қайд этадики, Марказий Қомитет 1985 йил апрель Пленумининг, КПСС XXVII съездининг социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришга, қайта қуришга қаратилган йўлини изчиллик билан амалга ошириш совет жамияти турмушининг барча соҳаларига чуқур таъсир ўтказмоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленуми совет жамиятини демократиялаш йўлидаги катта босқич бўлди. Совет халқи кенг миқёсли ўзгартишлар жараёнини тўла-тўкис қўллаб-қувватлади ва унга тобора активлик билан қўшилиб бормоқда.

Пленум КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг қайта қуришга қаратилган йўлни амалга ошириш соҳасидаги сиёсий ҳамда амалий фаолиятини маъқуллайди ва партия съездининг стратегик йўлини халқ манфаатлари,

социализм ишини мустаҳкамлаш, социалистик демократияни чуқурлаштириш манфаатларини кўзлаб, муттасил давом эттиришни топширади.

2. Пленум таъкидлайдики, ҳозир партия ва мамлакат қайта қуришнинг энг масъулиятли даврига — амалий ишлар даврига қадам қўйган бир пайтда ўзгартишлар суръатини бутун чоралар билан кучайтира бориш, ички ҳамда ташқи сиёсатнинг барча йўналишларида аниқ мақсадга қаратилган саботли ташкилотчилик ва ғоявий-сиёсий ишларни авж олдиришга асосий эътиборни қаратиш — бош вазифадир.

Пленум партиянинг, ҳар бир партия ташкилотининг, ҳар бир коммунистнинг бутун ишини қайта қуришни чуқурлаштиришга, унинг ижобий натижаларини мустаҳкамлашга, турғунлик ҳолатларидан тезроқ қутулиш, ишончли ва амалий жадаллаштириш механизмини ишга тушириш имконини берадиган нарсаларнинг ҳаммасини олға силжитиш ва ривожлантиришга бўйсундирилишига алоҳида муҳим аҳамият беради.

Пленум совет жамиятини демократиялашга қаратилган йўлни яна ҳам зўр активлик ва изчиллик билан ўтказиш зарур, деб ҳисоблаб, буни кенг меҳнаткашлар оммасини қайта қуришга бевосита жалб этишнинг асосий шарти, янгиланиш жараёни муқаррарлигининг гарантияси, деб билади.

3. КПСС Марказий Комитети Пленуми экономикани бошқаришни тубдан ислоҳ қилиш қайта қуришнинг асосий вазифаси, социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришнинг энг муҳим шарти деб ҳисоблайди. Бунда совет кишилари меҳнати ва турмушининг барча томонларига революционлаштирувчи таъсир ўтказиши, социализмга янги сифат бағишлаши, уни янги ривожланиш поғонасига кўтариши лозим бўлган янги яхлит системани яратиш биринчи ўринга қўйилмоқда.

Пленум экономикани бошқаришни тубдан қайта қуришнинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев докладида таърифлаб берилган асосий йўналишларини, уни амалга ошириш мақсадлари ва принципларини маъқуллайди. Яхлит бошқариш системасига ўтиш экономика ривожлантирилишини реал жадаллаштиришни, унга янада жўшқинлик ва сифат бағишлашни, жамият эхтиёжларини фан-техника тараққиёти ютуқларидан мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш орқали қондиришни, табиатдан оқилона, социалистик фойдаланишни таъминлашни, барча босқичларда маъмурий раҳбарлик методларидан асосан иқтисодий раҳбарлик методларига қатъиян ўтишни, инсон омилини бутун чоралар билан кучайтиришни таъминлаши лозим.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси тақдим этган «Экономикани бошқаришни тубдан қайта қуришнинг асосий қоидалари» тасдиқлансин.

Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонунининг умумхалқ муҳокамаси якунларини ҳисобга олиб, бу Қонуннинг тўлиқ ишлаб чиқилган лойиҳаси маъқуллансин. СССР Министрлар Советига шу лойиҳани СССР Олий Советининг муҳокамасига тақдим этиш топширилсин.

4. КПСС Марказий Комитети Пленуми қайд этадики, бошқаришни тубдан қайта қуриш социалистик экономикага раҳбарликда демократик централизм принципини қўлланиш тўғрисидаги масалани янгича тарзда ўртага қўйиб, экономикани бошқариш марказий органларининг фаолиятига нисбатан янги талаблар қўймоқда. Бу органлар социал-иқтисодий ва илмий-техникавий ривожланиш умумдавлат стратегияси амалга оширилишини, экономиканинг тўла ва ишончли мутаносиблигини, корхоналар ва бирлашмаларнинг хўжалик ҳисоби мустақиллиги ҳамда меҳнат коллективларининг ўзини ўзи бошқариши шароитида уларнинг самарали хўжалик юритишлари ва шу асосда ижтимоий эхтиёжларини қондириш учун зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминлашлари керак.

Пленум марказий, республика ва маҳаллий бошқариш органларининг фаолиятини, планлаштириш системасини қайта қуришга, туб молия-кредит ислоҳотини, нарх белгилаш ислоҳотини амалга оширишга ва моддий-техника таъминотини қайта қуришга тааллуқли қарорларнинг лойиҳаларини ҳамда бошқа норматив актларни асосан маъқуллаб, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ва СССР Министрлар Советига Марказий Комитет Пленумидаги муҳокамани ҳисобга олган ҳолда уларни қабул қилишни топширади.

5. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми таъкидлайдики, ҳозир қайта қуришнинг барча йўналишларида партия таъсирини кучайтириш, ижтимоий

жараёнларга моҳирона раҳбарликни, партиявий ишда янги ижодий ёндашувлар ишлаб чиқилишини таъминлаш айниқса муҳим бўлиб, уларни кучайтириш зарур. Экономикани янгича бошқариш системасига ўтказиш соҳасидаги фаолиятда халқ хўжалигининг ҳам янгича, ҳам эскича бошқариш методлари амал қилиб турадиган ўтиш даврида нормал ишлашини таъминлашга алоҳида эътибор бериш керак.

Партия ташкилотлари амалга ошираётган ўзгартишларнинг олдинги сафларида бўлишлари лозим. Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область, шаҳар ва район партия комитетлари иш услубини такомиллаштиришга, бошланғич партия ташкилотлари, меҳнат коллективлари ва жамоат ташкилотларига таяниб, сиёсий раҳбарлик методларини қарор топтиришга қаратилган йўлни изчиллик билан ўтказишлари, ишларнинг аҳволига ҳаққоний ва принципиал баҳо беришлари, кадрларни янгича ҳаракат қилишга ўргатишлари керак. Марказий иқтисодий органлар, министрликлар ва идоралар, корхоналар ва бирлашмалар партия ташкилотларининг ишида масъулият ҳамда принципиалликни кучайтириш юзасидан конкрет чоралар кўриш зарур.

Партия XXVII съездининг, Марказий Комитет 1987 йил январь Пленуми ва ушбу Пленумнинг қарорларини амалга ошириш соҳасида партия ташкилотларининг фаолиятини активлаштириш мақсадида шу йил охирида сайлаб қўйилган органларнинг қайта қуришга раҳбарлик соҳасидаги ишлари тўғрисида уларнинг ҳисоботларини қўйган ҳолда коммунистларнинг йиғилишларини ва партия комитетларининг пленумларини ўтказиш зарур, деб топилсин.

* * *

КПСС Марказий Комитети Пленуми экономикани бошқаришни, умуман хўжалик механизмини қайта қуриш ҳозир бутун жадаллаштириш стратегиясининг муваффақиятини белгилаб берувчи энг асосий вазифа эканлигини таъкидлайди. Уни амалга ошириш ғоят муҳим умумпартия, умумхалқ иши, мамлакатнинг бутун турмушини янгилаш жараёнининг ажралмас таркибий қисми, Октябрь ишининг бевосита давомидир.

КПСС МК ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

КПССНИНГ XIX БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми қарор қилади:

1. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XIX Бутуниттифоқ конференцияси 1988 йил 28 июнь куни Москвада Кремлнинг Съездлар саройида чақирилсин.

2. Конференциянинг қуйидаги кун тартиби тасдиқлансин:

1. КПСС XXVII съезди қарорлари қандай рўёбга чиқарилаётганлиги, ўн иккинчи беш йиллик биринчи ярмининг асосий якунлари ва қайта қуриш жараёнини чуқурлаштириш юзасидан партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида.

2. Партия ва жамият турмушини янада демократиялаштиришга оид тадбирлар ҳақида.

3. КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференциясига ваколат нормаси қуйидагича белгилансин: конференцияга делегатлар иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка, область партия комитетларининг пленумларида ёпиқ (яширин) овоз бериш йўли билан сайланишини назарда тутиб, 3780 нафар партия аъзосидан бир делегат сайланади. Украина, Белоруссия, Ўзбекистон ва Қозоғистон Компартияларидан делегатлар область партия комитетларининг пленумларида сайлансин.

Совет Армияси, Ҳарбий-Денгиз Флоти, ички ва чегара қўшинлари қисмлари партия ташкилотларидан КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференциясига делегатлар ҳам Компартиялар Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетларининг пленумларида бошқа делегатлар билан бирга сайланадилар.

Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти қисмларининг партия ташкилотларида турган чет эллардаги коммунистлар КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференциясига делегатларни тегишли ҳарбий қўшилмалар конференцияларида сайлайдилар.

Делегатлар 1988 йилнинг апрель-май ойларида сайлансин.

КПСС Марказий Комитети партия ташкилотларини КПСС Бутуниттифоқ конференциясига ғоявий-сиёсий ва ташкилий жиҳатдан юксак даражада, партия сафларини янада жипслаштириш, партия билан халқ бирлигини мустаҳкамлаш, мамлакатда амалга оширилаётган революцион ижтимоий ўзгартишлар жараёнини чуқурлаштириш белгиси остида тайёргарлик кўришга даъват этади.

ЭКОНОМИКАНИ БОШҚАРИШНИ ТУБДАН ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ

Мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш, экономикадаги ноқулай тенденцияларни қатъиян бартараф этиш, унга тегишли жўшқинлик бағишлаш, омманинг ташаббускорлиги ва ижодкорлигига, жамиятни чинакам революцион тарзда ўзгартиришга кенг имконият очиш — партиянинг, бутун халқнинг КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленуми олға сурган ва XXVII съезди маъқуллаган биринчи навбатдаги вазифасидир.

КПСС Марказий Комитети шуни қайд этадики, КПСС XXVII съездининг қарорларига мувофиқ, жамиятнинг асосий соҳаси — экономикада янги структура ҳамда инвестиция сиёсати ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда, куч ва воситалар социал соҳани ривожлантиришга, фан-техника тараққиётининг энг муҳим йўналишларига жамланмоқда, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва маҳсулот сифатини оширишга қаратилган қатъий куч-ғайратлар сарфланмоқда.

Экономикани бошқаришда чуқур ўзгартишлар жараёни бошланди. 70—80-йиллар марраси вужудга келган вазиятни анализ қилиш асосида ишлаб чиқилган хўжалик юритишнинг янги методлари ва бир қанча йирик иқтисодий экспериментлар ўзлаштирилмоқда. Аммо ҳозирча туб натижаларга эмас, балки фақат қисман натижаларгагина эришилди, холос. Хўжалик механизми, бошқариш системаси пишиқтирилмаганлиги экономикани ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда.

Тўсқинлик қилиш механизми ҳали бартараф этилгани йўқ. Ҳозирча хўжалик соҳасидаги жараёнлар сарф-харажатларнинг, ялпи ёндашувларнинг тазйиқидан халос этилмаган, ресурсларни тежаш борасидаги ишлар секинлик билан авж олдирилмоқда. Фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда ҳали туб бурилиш бошлангани йўқ.

Халқ хўжалигининг асосий бўғини — корхона (бирлашма) ўзини барча ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда жамиятнинг ўз маҳсулотига бўлган эҳтиёжларини қондиришга ундайдиган иқтисодий шарт-шароитларга ҳали қўйилгани йўқ.

Халқ хўжалиги даражасида янгича бошқариш системасининг айрим

қисмлари яратилди, холос. Тармоқ министрликларининг иш формалари ва методлари кўп ўзгаргани йўқ. Улар бошқаришни асосан маъмурий методлар билан амалга оширмоқдалар. Марказий иқтисодий органларнинг вазифалари ўзгартирилмаган, планлаштириш, нарх белгилаш, моддий-техника таъминоти, молия ва кредит, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш соҳасида йиғилиб қолган муаммолар тобора ўткирроқ таъсир қилмоқда.

КПСС Марказий Комитети ҳозирги босқичда **туб ислоҳотни амалга ошириш, социализм афзалликларини мумкин қадар тўлароқ рўёбга чиқариш имконини берадиган яхлит, самарали ва эпчил бошқариш системасини вужудга келтиришни** экономика соҳасида партиянинг бош сиёсий вазифаси деб ҳисоблайди.

Мамлакат экономикасини бошқаришни тубдан ислоҳ қилиш:

— иқтисодий ўсишни оралиқ натижаларидан социал аҳамиятга молик пировард натижаларга, ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга қайтадан йўналтиришга;

— жамият, коллектив ва ҳар бир ходимнинг манфаатларини узвий қўшиб олиб боришга, инсонни ҳар томонлама камол топтиришга, совет кишилари фаровонлигининг сифат жиҳатдан янги даражасига эришишга;

— фан-техника тараққиётини иқтисодий ўсишнинг бош омилига айлантиришга;

— моддий ресурслар ва истеъмол неъматларининг мутаносиблигини таъминлашга, шундай ресурслар ва неъматларнинг хўжаликни самарали юритишга ҳамда ишлаб чиқаришни интенсивлашга тўсқинлик қилаётган тақчиллигини бартараф этишга;

— хўжалик муносабатларида истеъмолчига устунлик, иқтисодий соҳадаги йўлни танлаш ҳуқуқи ва имкониятларини беришга;

— халқ хўжалиги ва аввало унинг асосий бўғини — корхона (бирлашма) фаолиятининг харажатга қарши пухта ишлайдиган механизмини яратишга қаратилган.

Барча даражаларда асосан маъмурий раҳбарлик методларидан иқтисодий методларга, манфаатларни бошқариш ва манфаатлар орқали бошқаришга, бошқаришни кенг демократиялашга, инсон омилини бутун чоралар билан кучайтиришга ўтиш — мамлакат экономикасини бошқаришни тубдан қайта қуришнинг моҳиятидир.

КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленумининг ва партия XXVII съездининг қарорларига мувофиқ яхлит бошқариш системаси ишлаб чиқилган бўлиб, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

— биринчидан, корхоналар (бирлашмалар)нинг мустақиллик чегараларини кескин кенгайтириш, уларни тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказиш, энг юқори пировард натижалар учун, истеъмолчилар олдидаги мажбуриятларини бажариш учун масъулиятини кучайтириш, коллектив даромадларининг даражасини унинг иш самарадорлигига бевосита боғлиқ қилиб қўйиш, меҳнат муносабатларида коллектив пудратни кенг авж олдириш;

— иккинчидан, экономикага марказлаштирилган раҳбарликни тубдан қайта қуриш, унинг сифат даражасини ошириш, умуман халқ хўжалигини ривожлантириш стратегиясини, суръатлари ва пропорцияларини, унинг мутаносиблигини белгилаб берувчи асосий жараёнларга эътиборни қаратиш ва айни вақтда қуйи хўжалик бўғинларининг оператив фаолиятига аралашишдан марказни қатъиян халос этиш;

— учинчидан, планлаштиришни, нарх белгилашни, молия-кредит механизмини тубдан ислоҳ қилиш, ишлаб чиқариш воситалари билан улгуржи савдога ўтиш ва фан-техника тараққиётини, ташқи иқтисодий алоқаларни, меҳнатни ва социал жараёнларни бошқаришни қайта қуриш;

— тўртинчидан, ихтисослаштиришнинг чуқурлаштирилишини ва кооперация бўйича алоқалар пухталигини оширишни таъминловчи янги ташкилий структураларни яратиш, шунингдек илм-фанни ишлаб чиқаришга бевосита жалб этиш ва шу асосда жаҳон даражасидаги сифатга ёриб ўтиш;

— бешинчидан, ҳаддан ташқари марказлаштирилган бошқариш системасидан демократик бошқариш системасига ўтиш, ўзини-ўзи бошқаришни ривожлантириш, инсон шахси потенциалини кучайтириш механизмини вужудга

келтириш, партия, совет, жамоат ва хўжалик ташкилотларининг вазифаларини аниқ чегаралаб қўйиш ҳамда уларнинг иш услуби ва методларини тубдан ўзгартириш.

Экономикани бошқаришни қайта қуриш комплекс бўлиши керак. Уни асосан шу беш йилликда ниҳоясига етказиш ва ўн учинчи беш йиллик планини хўжалик юритишнинг янги механизмига тўла мувофиқ равишда тузиш зарур.

КПСС Марказий Комитети Пленуми экономикани бошқаришни тубдан ислоҳ қилиш қайта қуришнинг ва социалистик жамиятни янгилашнинг бош йўналишларидан бири, деб ҳисоблайди ҳамда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросига, барча партия ташкилотларига қуйидаги асосий қоидаларга мувофиқислоҳотни амалга ошириш борасида меҳнат коллективларининг, халқ депутатлари Советларининг, хўжалик органларининг фаолиятига бошчилик қилишни топширади.

I. КОРХОНАЛАР (БИРЛАШМАЛАР) ФАОЛИЯТИНИНГ ЯНГИЧА ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИГА ЎТАЙЛИК

1. КПСС Марказий Комитети **экономиканинг асосий бўғини — корхона (бирлашма) хўжалик механизмини тубдан ўзгартиришнинг илк нуқтаси,** деб ҳисоблайди. Бунинг учун энг қулай иқтисодий муҳит вужудга келтирилиши, унинг ҳуқуқлари мустаҳкамланиши, масъулияти оширилиши ва шу асосда хўжалик бошқарувининг бутун системаси қайта қурилиши лозим.

КПСС Марказий Комитети Пленуми тўла хўжалик ҳисоби, ўз харажатларини ўзи қоплаш ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш асосида корхона фаолиятининг замонавий хўжалик механизмини вужудга келтириш вазифасини ўртага қўяди. Бундай механизм корхонани ривожлантириш учун таъсирчан ички омилларни таъминлайди, истеъмолчи учун ишлашга, ресурсларни бутун чоралар билан тежашга, фан ва техника ютуқларини кенг қўлланишга ундайди. Бу механизм корхона манфаатини халқ хўжалиги манфаати билан ғоят чамбарчас боғлаб олиб бориши лозим.

Шу мақсадда корхона ўзининг беш йиллик ва йиллик планларини мустақил тузиб тасдиқлаши, бунда давлатнинг буюртмалари, корхоналар ҳамда ташкилотларнинг бевосита буюртмалари, истеъмолчиларнинг талаб-эҳтиёжлари асосида ижтимоий эҳтиёжларга асосланиши керак. Шу муносабат билан планлаштиришда, корхоналар фаолиятига баҳо бериш ва уни моддий рағбатлантиришда шартномаларнинг роли кескин ошади, бу эса буюртмачи билан ишлаб чиқарувчининг ўзаро масъулияти кучайтирилишини тақозо этади. Контрол рақамлар, узоқ муддатли иқтисодий нормативлар, давлат буюртмалари ва лимитлари корхонанинг беш йиллик планини тузиш учун илк маълумотлар ҳамда асос бўлади.

Корхоналарнинг ўзлари учун зарур бўлган хом ашё, материалларни, комплектловчи буюмларни, машина ва ускуналарни тез, оператив сотиб олиш имкониятини таъминлаш керак. Шу мақсадда корхоналарни лимитлар ва фондлар асосида материал-техника билан таъминлашдан уларни асосан ишлаб чиқариш воситалари билан улгуржи савдо орқали таъминлашга ўтиш зарур. Бу иш фондлар ва лимитларсиз шерикларнинг хўжалик алоқаларини — маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг ёки улгуржи савдо хўжалик ҳисоби базаларини эркин танлаш йўли билан амалга оширилади.

2. Корхона (бирлашма) **ўз фаолиятининг натижалари учун иқтисодий жиҳатдан тўла жавобгар бўлиши** лозим, коллектив даромадларининг даражасини уларга бевосита боғлиқ қилиб қўйиш керак. Шу мақсадда барча корхоналар **тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга** ўтказилсин. Корхона ишлаб топган маблағ ҳисобига унинг барча жорий харажатлари, шу жумладан меҳнат ҳақи қопланиши ҳамда ишлаб чиқаришни реконструкция қилишга,

кенгайтиришга ва социал ривожланишга маблағ ажратиб бериш керак. Корхоналарнинг мажбуриятлари бўйича давлат жавоб бермайдиган тартиб амал қилиши лозим. Одатда бюджетдан маблағ ажратиб берилмайдиган бўлади. Энг катта лойиҳаларни амалга ошириш учунгина бюджетдан маблағ ажратилади. Айни вақтда корхоналарга банк кредитидан масъулиятли фойдаланиш учун кенг имкониятлар бериб қўйилади.

Корхона коллективининг хўжалик ҳисоби даромади шу коллектив ҳаёт фаолиятининг бош молиявий манбаи бўлиб қолиши лозим. Бу даромад маҳсулотни реализация қилишдан олинган фойдадан ҳосил бўлади ва бундай моддий харажатлар, бюджетга ва юқори органга тўловлар, шунингдек кредит учун процентлар ажратиб берилади. Корхона белгиланган нормативга мувофиқ ишлаб чиқаришни, фан ва техникани ривожлантириш фондига ёки бошқа худди шундай фондга сарфланадиган амортизация ажратмаларидан мустақил фойдаланади.

Бир корхона ходимларини бошқа корхоналардаги — колхозлар, совхозлардаги, қурилиш ташкилотларидаги, сабзавот базаларидаги ва шу каби корхоналардаги ишларни **бажариш учун ҳақ тўламай, жалб этиш** практикасини тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга хилоф деб ҳисоблансин. Бундай ишлар халқ депутатлари Советларининг қарорларига биноан фақат истисно тарзида бажарилиши мумкин ва бунда шу ишларга хўжалик шартномалари билан буюртмаларни расмийлаштириш ҳамда бундай ишлар бажарилган корхоналар ва ташкилотлар харажатларни тўла қоплашлари шарт.

3. Давлат бюджетига тўловларнинг узоқ муддатли барқарор иқтисодий нормативлари: меҳнат ҳақи фондини ва иқтисодий рағбатлантириш фондларини тузиш орқали, шунингдек нархлар ва кредит учун процентлар орқали умумхалқ манфаатларини коллективнинг манфаатлари билан қўшиб олиб боришга эришилади. Булар корхоналар фаолиятининг шундай иқтисодий шароитларини вужудга келтиришлари керакки, бунда талаб-эҳтиёжни энг самарали тарзда қондириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни ўстириш ва унинг сифатини ошириш йўлларини қидириб топиш, давлат буюртмаларини бажариш, контрол рақамларга етиб олиш, фан-техника тараққиётини актив жорий этиш корхоналар учун манфаатлидир.

Мана шу вазифаларни муваффақиятли бажариш учун узоқ муддатли иқтисодий нормативларни корхоналар ўзларининг беш йиллик планлари тузилгунга қадар тасдиқлашлари ва улар барқарор бўлиши керак. Нормативларни илк база асосида белгилаш йўлидаги уринишларни, йилларга ва харажатларнинг моддаларига тақсимлашни, ҳажм бўйича топшириқлар билан алмаштиришни янги хўжалик механизмига зид, деб ҳисоблансин.

Корхоналарнинг фойдаси ёки даромадидан бюджетга тўловларнинг нормативлари давлатнинг ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишга нисбатан баб-баравар даражадаги талабларига асосланиб белгиланиши зарур. Шу мақсадда ишлаб чиқариш фондлари, меҳнат ресурслари, шунингдек табиий ресурслар учун ҳақ нормативлари қўлланилсин.

Тармоқнинг барча корхоналари учун, келгусида эса барча тармоқлар учун ишлаб чиқариш фондларига ҳақ тўлаш ягона нормасини жорий этишга қаратилган йўлни тутиш керак. Зарар кўраётган ва кам рентабелли корхоналар учун шу норманинг вақтинча бекор қилиниши ёки пасайтирилиши эҳтимолига йўл қўйилсин.

Меҳнат ресурслари балансининг тиғизлигига қараб мамлакат регионлари бўйича табақалаштирилган меҳнат ресурслари учун ҳақ тўлаш орқали давлатнинг ишчи кучи тайёрлашга, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларига социал маданий ва коммунал-маиший хизмат кўрсатишга сарфлаган харажатларнинг ўрни қоплансин.

Табиий ресурслар (ер, сув, фойдали қазилмалар) учун тўланадиган ҳақ орқали шу ресурсларнинг табиий маҳсулдорлигидаги тафовутлар сабабли юзага келадиган дифференциал рента ундириб олинсин.

Ресурслар учун бюджетга тўловлар билан бир қаторда корхоналарнинг ресурслар учун тўловлардан ва кредит учун процентлар тўлашидан кейин қоладиган даромадларига солиқ солиш қўлланилсин.

4. Тўла хўжалик ҳисобига ўтиш чоғида корхоналарнинг коллективлари ишлаб

чиқариш фаолиятининг хусусиятига қараб **тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашнинг икки моделидан** бирини танлаб олишлари мумкин.

Биринчи модель фойдани нормативга мувофиқ тақсимлашга асосланган. Иш ҳақи фонди соф маҳсулотга нисбатан норматив асосида қазилма тармоқларида эса натура ҳолидаги маҳсулотни реализация қилишга нисбатан ҳам норматив асосида ҳосил қилиниши мумкин. Бюджет ва юқори органлар билан фойдадан ҳисоб-китоб қилинади, кредит учун процентлар тўланади. Мана шу ҳисоб-китоблардан кейин қолган фойда меҳнат коллективининг ихтиёрига ўтади. Қолган фойдадан ишлаб чиқаришни, фан ва техникани ривожлантириш; социал ривожланиш, моддий рағбатлантириш фондлари тузилади. Бу моделда хўжалик ҳисоби даромади иш ҳақи фондидан ва қолган фойдадан ташкил топади.

Иккинчи модель (коллектив пудрат модели) моддий харажатлар фойдадан қопланганидан кейин олинган даромадни нормативга мувофиқ тақсимлашга асосланади. Бюджет ва юқори орган билан даромаддан ҳисоб-китоб қилинади, кредит учун процентлар тўланади, шундан кейин хўжалик ҳисоби даромади ҳосил бўлади. Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона фонди корхона хўжалик ҳисоби даромадидан ишлаб чиқаришни, фан ва техникани ривожлантириш, социал ривожланиш фондлари тузилгандан кейин шу даромаднинг қолдиғи сифатида ҳосил бўлади. Бу фондлар хўжалик ҳисоби даромадига нисбатан нормативларга мувофиқ белгиланади.

5. **Иқтисодий мусобақа,** корхоналарнинг, шу жумладан давлат ва кооператив корхоналарининг энг кам харажат қилиб, истеъмолчиларнинг эҳтиёжини энг яхши қондириш мақсадидаги ўзаро беллашув учун шарт-шароитларни яратиш; ишлаб чиқарувчининг монополизмига ва унинг истеъмолчига ўз ҳукмини ўтказишига қарши восита сифатида иқтисодий мусобақадан фойдаланиш зарур.

6. Ҳар бир меҳнаткашнинг ишлаб чиқаришда чинакам хўжайин сифатидаги мавқеини таъминлаш, корхоналар ҳуқуқларининг гарантияларини мустаҳкамлаш мақсадида **меҳнат коллективининг ўзини-ўзи бошқарувига ўтиш** амалга оширилсин. Жамоат мулкидан омилкорлик билан фойдаланилишидан астойдил шахсий манфаатдорликни юзага келтириш, ҳар бир меҳнаткашнинг ташаббусини, ишбилармонлиги ва ғайрат-шижоатини рағбатлантириш учун ва айни вақтда ўз корхонасининг иши, унинг муваффақиятлари ва хатолари учун маъсулиятли бўлиш руҳида тарбиялаш мақсадида ўзини-ўзи бошқариш афзалликлари тўлиқроқ рўёбга чиқарилсин.

Корхоналарнинг меҳнат коллективларига 1987—1988 йиллар мобайнида меҳнат коллективларининг кенгашларини тузиш, конкурс системасини кенг қўлланиш асосида раҳбарлар сайловини ўтказиш тавсия қилинсин.

II. БОШҚАРУВНИНГ ИҚТИСОДИЙ МЕТОДЛАРИ АСОСИДА ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИГА МАРКАЗЛАШГАН РАҲБАРЛИК САМАРАДОРЛИГИ ОШИРИЛСИН

КПСС Марказий Комитети корхоналар (бирлашмалар) фаолиятидаги янги иқтисодий механизм шароитларида **экономикага марказлашган раҳбарликка сифат жиҳатидан янги қиёфа** бахш этиш зарур, деб ҳисоблайди. Уни фақат марказдагина ҳал қилиш мумкин ва лозим бўлган масалаларгагина қаратиш зарур. Бу, биринчидан, экономикани тўла ва пухта мувофиқлаштириш асосида иқтисодий, социал ва фан-техника тараққиётининг умумдавлат стратегиясини амалга ошириш, халқ хўжалик жараёнларини созлаб туриш демакдир. Иккинчидан, корхоналар (бирлашмалар) ва территориал-маъмурий ташкилотларнинг самарали хўжалик юритиши учун зарур шароитлар яратишдир. Қайта қуриш экономиканинг айрим бўғинлари, мустақиллиги билан, товар-пул муносабатларини ривожлантириш билан экономикага марказлашган планли раҳбарликни мақбул тарзда қўшиб олиб боришни таъминлаши керак.

Коммунистик партия ва Совет давлати иқтисодий сиёсатининг стратегик

мақсадларига эришиш ҳозирги шароитларда марказлашган раҳбарлик системаси яратилишини талаб қилади. Бундай раҳбарлик барча иқтисодий воситалар — план, молия-кредит муносабатлари, нарх, моддий-техника таъминотини уларнинг узвий боғлиқлиги ва бирлигида фойдаланиб манфаатларни бошқариш орқали амалга оширилади.

Демократик централизмнинг замонавий формаси меҳнаткашлар активлиги ва корхоналар мустақиллигига, иқтисодий методлардан кенг фойдаланишга таянишни тақозо этади.

Планлаштириш

КПСС Марказий Комитети таъкидлайдики, ягона халқ хўжалиги комплекси сифатида экономикани планли бошқариш социалистик хўжалик системасининг энг муҳим ғалабаси ва афзаллиги, партия иқтисодий сиёсатини амалга оширишнинг асосий воситасидир.

1. Планли экономика афзалликларидан янада тўлароқ фойдаланиш мақсадида **мамлакат иқтисодий ва социал тараққиётининг давлат планлаштириш системасини қайта қуриш** зарур.

Партия иқтисодий стратегиясини планларда изчил мужассамлаштириш, уни амалга оширишнинг принципиал йўллари ва воситаларини аниқлаш учун илк хўжалик — сиёсий платформаси сифатида **СССРни** келгуси беш йилликларда **иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг концепциясини** ишлаб чиқиш керак. Бу концепция мамлакатни ривожлантириш афзалликлари ва мақсадлари мажмуасидан иборат бўлиши, структуравий ва инвестиция сиёсатининг, фан-техника тараққиётининг йўналишларини, социал тараққиёт марраларини, маориф ва маданий потенциални кўпайтириш, мамлакат мудофаа қобилиятини сақлаб туриш вазифаларини белгилаш керак.

Концепция **СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг,** ўн беш йилга мўлжалланган **Асосий йўналишларини** тайёрлаш, бунда биринчи беш йилликни кенг асослаб бериш учун илмий асосланган программа бўлиб хизмат қилади. Асосий йўналишлар партия стратегиясини конкрет рақамлар ва топшириқлардан моддийлаштириши, яқин беш йилликка мўлжалланган планнинг илк кўрсаткичларини аниқлаш ва беш йилликнинг ҳар йилида уни амалга ошириш имкониятлари ва муддатларини асослаши керак.

2. Ҳар йил учун ишлаб чиқиладиган **СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш беш йиллик Давлат плани** Асосий йўналишларда кўзда тутилган мақсадлар ва вазифаларни амалга оширишнинг бош формасига айлантирилиши керак.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш беш йиллик Давлат плани лойиҳасини СССР Госплани иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Асосий йўналишларига, СССР ҳамда иттифоқдош республикалар министрликлари (идоралари) планлари лойиҳаларига асосланиб ишлаб чиқади ва халқ хўжалигининг натижаларини, пропорцияларини ва самарадорлигини характерловчи энг муҳим кўрсаткичларни белгилайди. СССР Госплани беш йиллик план лойиҳасини СССР Министрлар Советига олдиндан, навбатдаги беш йиллик бошлангунга қадар тақдим этади.

СССР Министрликлари (идоралари), иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари иқтисодий ва социал ривожланишнинг Асосий йўналишларига, СССР Госплани планлаштириш учун берадиган илк маълумотларга ҳамда корхоналар (бирлашмалар)нинг планларига асосланиб тармоқларни ва иттифоқдош республикаларни ривожлантириш беш йиллик планларини ишлаб чиқадилар.

СССР министрликлари (идоралари), иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари ўзларига бўйсунувчи корхоналар (бирлашмалар)нинг беш йиллик планларини тузиб чиқиш учун илк маълумотларни: контрол рақамларни, узоқ муддатли барқарор иқтисодий нормативларни, давлат буюртмаларини, лимитларни аниқлайдилар. Илк маълумотларга, шунингдек истеъмолчилар ва моддий-техника таъминоти органларининг бевосита буюртмаларига мувофиқ

корхоналар (бирлашмалар) хўжалик шартномаларини тузадилар, ўз планларини тузиб, тасдиқлайдилар.

3. Корхоналар фаолиятини контрол рақамлар, узоқ муддатли барқарор иқтисодий нормативлар, давлат буюртмалари ва лимитлар асосида планлаштиришнинг иқтисодий методларига ўтиш қайта қуришнинг энг муҳим босқичидир.

Контрол рақамлар корхона ишлаб чиқарадиган маҳсулотга ижтимоий эҳтиёжларни, ишлаб чиқариш самарадорлигининг минимал даражаларини акс эттириши керак. Бу рақамлар директив тусда бўлмаслиги, меҳнат коллективини планни ишлаб чиқиш чоғида қисиб қўймаслиги, хўжалик шартномаларини тузишда қарорлар ва шерикларни танлаш учун кенг имконият бериши керак, буюртмалар ва шартномаларнинг бажарилиши корхоналар фаолиятига баҳо беришда ҳамда меҳнат коллективини моддий рағбатлантиришда энг асосий мезон бўлиб қолиши лозим.

Контрол рақамлар маҳсулот ишлаб чиқариш, шартномалар тузиш учун киймат ифодасида (ҳисоб-китобда) ишлар ва хизматлар кўрсаткичини, даромад (фойда)ни, валюта тушумини, фан-техника тараққиётининг ниҳоятда муҳим умумий кўрсаткичлари ва социал соҳани ривожлантириш кўрсаткичларини ўз ичига олиши керак.

Янги хўжалик механизмини ўзлаштириш ва тўла хўжалик ҳисобига ўз харажатларини ўзи қоплаш ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ўтишни ниҳоясига етказиш даврида меҳнат унумдорлиги ва материал сарфи кўрсаткичларидан фойдаланиш мумкин.

Узоқ муддатли барқарор иқтисодий нормативлар бюджет билан ўзаро муносабатларни меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ва иқтисодий рағбатлантириш фондлари тузилишини белгилайди ҳамда нархлар, кредит учун процентлар билан бир қаторда планли ишнинг асосий қуроли, план органларининг корхоналарга таъсир ўтказувчи уларни жамият манфаатлари йўлида ишлашга, планнинг мақсадни кўзловчи кўрсатмаларига эришишга сафарбар қилувчи асосий воситасидир.

Давлат буюртмалари энг муҳим ижтимоий — талаб-эҳтиёжларни қондиришни гарантиялайди, корхоналарга марказлаштирилган давлат капитал маблағлари ҳисобига ишлаб чиқариш қувватлари ва социал соҳа объектларини ишга тушириш учун, шунингдек энг аввало, умумдавлат, социал вазифаларни ҳал қилиш, фан-техника программаларини бажариш ва мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган маҳсулотларнинг айрим турларини етказиб бериш, умумиттифоқ ва республика фондларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш мақсадида давлат буюртмалари берилади.

Давлат буюртмалари корхонага юқори органлар томонидан берилади ва конкурс асосида жойлаштирилиши мумкин, бу буюртмаларни планга киритиш мажбурий. Давлат буюртмаларини топшириш вақтида томонларнинг — ижрочи ва буюртмачининг ўзаро жавобгарлиги кўзда тутилиши керак.

Корхоналарга ажратиладиган **лимитлар** тармоқлараро ишлаб чиқаришларни ривожлантириш, давлат планига киритиладиган объектлар, қурилиш-монтаж ва пудрат ишлари ҳажмлари, марказлаштирилган тартибда тақсимланадиган материал ресурслар рўйхатига мувофиқ янги қурилиш ва айниқса муҳим вазифаларни ҳал этиш учун марказлаштирилган давлат капитал маблағлари энг кўп миқдорини белгилайди.

4. Мамлакатда барча планлаштириш ишларини қайта қуриш умумий вазифаларидан келиб чиқиб, **СССР Госплани ва бошқа марказий иқтисодий идораларнинг фаолияти тубдан қайта қурилсин.** СССР Госплани мамлакатнинг кундалик хўжалик масалаларидан ҳоли қилинган чинакам илмий-иқтисодий штабига айлантирилсин. Бу штаб куч-ғайратларини иқтисодий ва социал ривожланишга планли раҳбарликнинг стратегик йўналишларига муҳим халқ хўжалиги пропорцияларини шакллантиришга фан-техника асосий ютуқларини амалга оширишга, структура ва инвестиция сиёсатини такомиллаштиришга, халқ хўжалиги мутаносиблигини таъминлашга қаратиши керак. Ана шуни ҳисобга олиб, СССР Госплани аппарати ва бошқа план органлари структураси қайта тузилсин, уларнинг йиғма, социал-иқтисодий, илмий-техникавий ва территориал бўлинмалари мустаҳкамлансин.

Хўжалик механизмини мунтазам созлаб туриш, корхоналарнинг самарали ишлаши учун иктисодий заминлар яратиш, илмий жиҳатдан асосланган узоқ муддатли барқарор иктисодий нормативлар ишлаб чиқиш СССР Госплани фаолиятида биринчи даражали иш бўлиб қолиши керак.

Беш йиллик даврга мўлжалланган молиявий планларни, узоқ муддатли барқарор иқтисодий нормативларни, нарх системаларини молия-кредит воситаларини, меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни рағбатлантириш принципларини баҳамжиҳат ишлаб чиқиш ғоят муҳим аҳамиятга эга бўладиган шароитда СССР Госпланига марказий иқтисодий органлар фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаси юклатилиши лозим.

Бутун план ишини шу тарзда ташкил этиш кераккки, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва уни иқтисодий ўсишнинг асосий манбаига айлантириш иши амалда таъминлансин. Бутун халқ хўжалигида бўлгани сингари фан-техника тараққиётини бошқаришда маъмурий-идоравий методлардан қатъиян воз кечиш ва иқтисодий раҳбарлик методларига ўтиш керак. Узоқ муддатли барқарор иқтисодий нормативлар, нарх, молия ва кредит, давлат буюртмалари фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга қаратилиши зарур. Шунга мувофиқ **СССР Фан ва техника давлат комитетининг** фаолиятини ҳам қайта қуриш даркор. Мазкур комитетга фан-техникага оид давлат программаларини ишлаб чиқиш, фан ва техникани ривожлантиришга оид давлат буюртмаларини ишлаб чиқиш, жойлаштириш ва унинг ижроси устидан контроллик ўрнатиш, тармоклараро илмий техника комплексларига раҳбарлик қилиш вазифаси юклатилсин. Фан-техника, жумладан фундаментал тадқиқотлар соҳасида конкурсли шартнома асосларини кенг жорий этиш таъминлансин. Илмий тадқиқотлар ва ечимлар хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш, илмий ечимлардан фойдаланиш самарадорлигига қараб уларга буюртмачилар томонидан ҳақ тўлаш принциплари асосида амалга оширилсин.

Моддий-техника таъминоти

КПСС Марказий Комитети хўжалик юритишнинг янги шароитида моддий-техника таъминотини тубдан қайта қуриш талаб этилаётганини уқтириб ўтади.

1. **Моддий ресурсларни марказлаштирилган тарзда фонд билан таъминлашдан ва истеъмолчиларни маҳсулот етказиб берувчиларга бириктириб қўйишдан ишлаб чиқариш воситалари билан улгуржи савдога** қатъиян **ўтиш** қайта қуришга асос қилиб олиниши керак.

Улгуржи савдодан истеъмолчининг маҳсулот ишлаб чиқарувчига таъсирини кучайтиришга, талаб билан таклиф ўртасида муттасил мувофиқликка эришиш, моддий ресурслар тақчиллигини бартараф этишга имкон берадиган восита сифатида фойдаланиш; ҳар бир корхонага ўз молиявий маблағлари даражасида ўзининг ривожланиш эхтиёжлари ва планларига мос келадиган моддий-техника ресурсларини харид қилиш реал имкониятини ва шу билан тўла хўжалик ҳисоби ҳамда ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашнинг моддий шароитларини таъминлаш керак. Улгуржи савдо маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасида бевосита шартномалар, воситачи ташкилотлар ва аввало территориал таъминот — савдо органлари корхоналари билан ҳамда фирма магазинлари орқали эркин савдо-сотиқ формасида ишлаб чиқариш воситалари билан амалга оширилсин.

Ишлаб чиқариш воситаларини улгуржи савдо тартибида реализация қилишга ўтиш тўрт-беш йил давомида ниҳоясига етказилиши керак. Фақат алоҳида тақчил ишлаб чиқариш воситаларини лимитлар асосида реализация қилиш мақсадга мувофиқдир.

Яқин йиллар ичида энг аввало истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалигини, қурилиш ва машинасозликни таъминлаш учун, шунингдек кооперацияни, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини ривожлантириш учун зарур бўлган айрим товар группалари бўйича ишлаб чиқариш воситалари билан савдо қилишга ўтилсин.

2. **Давлат буюртмаларини ижро этиш ва таъминлаш системаси ташкил этилсин.** Давлат буюртмалари составини СССР Госплани, министрликлар ва идораларнинг давлат буюртмаларини эса уларнинг ўзлари СССР Госплани билан биргаликда белгилайдилар. Республика министрликлари ва идораларининг корхоналари, шунингдек халқ истеъмол моллари ва пуллик хизмат бўйича (СССР Госплани, СССР министрликлари ва идораларининг давлат буюртмаларидан ташқари) давлат буюртмаларининг составини иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари тасдиқлайди.

Хўжалик бошқарув органлари корхоналар (бирлашмалар)га давлат буюртмалари берадилар ва зарур бўлиб қолганда ана шу буюртмалар асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулотни харид қилиш ҳуқуқи бериладиган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар рўйхатини маълум қиладилар.

3. Корхоналар билан биргаликда регионда материал-техника таъминотининг пухта ва самарали системасини ташкил этиш, маҳсулот етказиб берувчилар билан истеъмолчилар ўртасида барқарор оқилона алоқалар ўрнатиш, маҳсулот етказиб бериш устидан контролни амалга ошириш ва корхоналарни моддий ресурслар билан таъминлашда уларга амалий ёрдам бериш **СССР Госснаби** территориал органларининг асосий вазифаси деб ҳисоблансин. СССР Госснаби ва унинг органлари хўжалик ҳисоби асосида ишлаб чиқариш воситалари билан кўп томонлама савдо-сотиқни ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланишга иқтисодий раҳбарликни йўлга қўйишлари керак.

Таъминот-реализация ташкилотлари маҳсулотни сотишнинг, уни комиссион асосларда реализация қилишнинг энг оқилона вариантларини танлаб олиш соҳасида, эҳтимол тутилган таъминот манбаларини аниқлаш соҳасида, майда ишлаб чқарувчилар ва истеъмолчиларга хизмат қилиш соҳасида, маҳсулотни сақлаш ва қўшимча ишлов бериш соҳасида, иккиламчи ресурслардан фойдаланиш соҳасида пулли хизмат кўрсатиш ва бошқа хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи мустақил хўжалик ҳисобидаги корхоналар бўлиб қолиши керак. Материал-техника таъминоти органлари ва корхоналари ўзларининг шартномавий мажбуриятларига риоя қилмаган тақдирда мулкий жавобгар бўладилар ва етказилган зарар учун белгиланган тартибда товон тўлайдилар.

Нархнинг белгиланиши

КПСС Марказий Комитети нарх белгиланишини тубдан ислоҳ қилиш экономикани бошқаришни қайта қуришнинг энг муҳим таркибий қисми бўлиб қолиши керак, деб ҳисоблайди. Хўжалик юритишнинг янги шароитларида нарх белгиланишининг халқ хўжалигини бошқаришдаги ролига етарли баҳо бермасликка кескин чек қўйиш, нархларни ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг, бошқарув иқтисодий методларини ривожлантиришнинг, хўжалик ҳисобини ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашни чуқурлаштиришнинг таъсирчан воситасига айлантириш зарур.

1. Нархлар системасини қисман такомиллаштириб қолмай, **балки нарх механизми — улгуржи, харид, чакана нархлар ва тарифларни бир-бирига боғлиқ равишда қайта қуриш зарур.** Нарх белгиланишини ислоҳ қилиш халқ хўжалигидаги вазиятни соғломлаштиришга, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўлида курашиш учун энг яхши шароитларни яратишга олиб келиши лозим. Нархлар ва тарифлар системасини қайта қуриш соҳасидаги иш жуда қисқа муддатларда амалга оширилиши керак, токи навбатдаги беш йиллик план янги нархларда тузиладиган бўлсин. Бу ишга зудлик билан киришиш зарур.

2. Нарх белгиланишини тубдан ислоҳ қилиш пайтида **нархлар ва тарифларнинг ҳамма турлари комплекс равишда қайта кўриб чиқилиши,** улгуржи, харид, чакана нархлар ва тарифлар ўртасида узвий алоқа таъминланиши **керак.** Уларда маҳсулотни ишлаб чиқариш ва реализация қилишга ижтимоий зарур харажатлар, унинг истеъмол хусусиятлари, сифати ва тўлов қобилиятига эга бўлган талаб изчиллик билан акс эттирилиши зарур. Нархларда ишлаб чиқариш фондлари, меҳнат ва табиат ресурслари учун тўланадиган ҳақ, шунингдек атроф-муҳитни муҳофаза қилиш харажатлари эътиборга олинсин. Нархларга камхаржлик йўналишини бахш этиш, уларнинг фан-техника тараққиётини жадаллашти-

ришдаги ва маҳсулот сифатини яхшилашдаги, ресурсларни тежашдаги рағбатлантирувчилик ролини ошириш лозим. Нархларнинг янги системаси асоссиз қайта тақсимлаш жараёнларини ва дотацияларни қисқартиришни таъминлаши ва халқ хўжалигининг барча тармоқларида тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ўтиш учун иқтисодий асосланган шарт-шароитларни яратиб бериши лозим.

Нархларнинг янги системасида **саноатнинг хом ашё ва ишлама тармоқлари маҳсулоти улгуржи нархларининг нисбатини яхшилаш** керак. Тегишли тармоқларнинг рентабеллиги нормал даражасини таъминлаш, ёқилғи-хом ашё ресурслари тежалишини рағбатлантириш мақсадида хом ашё ва ёқилғининг нархлари оширилсин. Машинасозлик маҳсулотининг, янги техниканинг нархларида машина ва ускуналарнинг реал самарадорлиги эътиборга олинсин, юқори сифатли маҳсулот, чет эллардаги энг яхши намуналарга мувофиқ келадиган ёки улардан устун бўлган принципиал янги техникани ишлаб чиқариш ва ўзлаштириш рағбатлантирилсин. Фан-техника ишланмаларининг шартномавий нархлари улардан фойдаланиш туфайли олинадиган самарага мувофиқ белгилансин.

Қурилишда **тайёр объектларнинг ва бошқа тугал қурилиш маҳсулотининг шартномавий нархларини** кенг қўлланиш учун шарт-шароит яратиш зарур.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархлари уни етиштиришни асосий товар зоналарида марказлаштириш, ихтисослаштириш ва оқилона жойлаштириш учун, колхозлар ва совхозларнинг рентабел ишлаши, меҳнат унумдорлигининг ўсиши ва маҳсулот сифатининг яхшиланиши, харажатларни камайтириш учун шароит яратиши лозим. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига тегишли пировард маҳсулот улгуржи ва чакана нархларига қараб ва шу нархлар доирасида белгиланадиган шартнома ва расчет нархларига босқичма-босқич ўтиш юзасидан иш олиб борилсин.

Чакана нархларнинг ўзгариши меҳнаткашларнинг турмуш шароити ёмонлашувига олиб бормаслиги керак, аксинча, меҳнаткашлар муайян категориялари турмуш даражасининг ўсишига, социал адолат янада тўлароқ амалга оширилишига олиб бориши лозим.

Нарх белгилашни ислоҳ қилишнинг муҳимлиги ва мураккаблиги сабабли унга тайёргарлик кўришга жуда катта масъулият билан ёндашмоқ лозим. Нарх белгилашни ислоҳ қилишнинг сиёсий ва социал аҳамияти ҳисобга олиниб, у мамлакатда кенг муҳокама қилиниши керак.

Планлаштирилаётган даврда халқ хўжалигини ривожлантириш вазифалари ва шароитларини нархларда янада тўлароқ акс эттириш мақсадида нархлар ва тарифларни планлаштириш беш йиллик планларнинг таркибий қисми бўлмоғи керак.

3. **СССР Нархлар давлат комитети** ва унинг органлари ўз фаолиятини нарх белгилашни тубдан ислоҳ қилишга тайёргарлик ва уни ўтказишга, нархларнинг партия социал сиёсати талабларига ҳамда маҳсулотнинг халқ хўжалиги жиҳатидан самарадорлигига мос келишини таъминлашга, нархларнинг умумий даражаси, структураси ва динамикасини контрол қилишга қаратсинлар. Маҳсулотлар ва хизматларнинг конкрет турларига нархни белгилаш иқтисодий методлардан кенг фойдаланишга ва айни пайтда нарх белгилаш бутун жараёнини бошқаришда марказлаштирилган асосларни кучайтиришга таяниши лозим. Нархни белгилашда истеъмолчилар ролини жиддий даражада ошириш, лимит ва шартнома нархлари белгилаш практикасини кенгайтириш, барқарорлик ва ўзгарувчанликни бирбирига қўшиб олиб бориш, нарх белгилаш тартибини соддалаштириш, марказлаштириладиган тартибда белгиланадиган нархлар салмоғини кескин камайтириб, бу нархларни умумдавлат планларини ишлаб чиқиш билан бирга белгилаш керак.

Нархларни назорат қилишнинг ягона умумдавлат системасини барпо этиш зарур. Корхоналарнинг ўзаро беллашувини ривожлантириш, камёбликни ҳамда монополизмнинг ҳар қандай турларини, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш шароитида ўзи ишлаб топган маблағларни сарфлашни чеклашга мажбур бўлган истеъмолчининг маҳсулот ишлаб чиқарувчига тазйиқини тугатиш негизида нархларнинг ўсиб бориши тенденцияси бартараф этилсин.

Молия-кредит механизми

КПСС Марказий Комитети хўжалик юритишнинг янги шароитларига муваффақиятли ўтиш учун **молия-кредит системасини тубдан қайта қуриш** зарур, деб ҳисоблайди.

1. Молия ва кредитни товар-пул муомаласини экономикани планли бошқариш, унинг самарадорлигини ошириш механизмига уйғун равишда жалб этишни таъминлайдиган энг муҳим воситалардан бирига айлантириш зарур.

Янги иқтисодий механизм ишга тушиб ўз кучини кўрсатиши учун молиявий вазиятни ҳам яхшилаш керак. Шу мақсадда **халқ хўжалигини молиявий жиҳатдан соғломлаштиришнинг махсус программаси** ишлаб чиқилсин, пул обороти материал ресурслар оборотига мувофиқлаштирилсин. Ишлаб чиқаришда маблағларнинг ҳар қандай сарф-харажатини ишлаб топилган маблағ ҳисобидан амалга ошириш, ўтказиладиган тадбирлар самарадорлигини мувофиқлаштириш керак.

2. **Беш йиллик молиявий планлар иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат планларининг ажралмас қисми бўлиб қолиши лозим.**

Корхоналар билан бюджет муносабатлари норматив негизларга ўтказилсин, маблағларнинг бефойда ҳаракатлари мумкин қадар камайтирилсин, пировард товарларни реализация қилмай туриб, даромад олишнинг ҳамма имкониятлари тўсиб қўйилсин.

Давлат бюджети даромад қисмининг барқарорлиги оширилсин. Корхоналарнинг фойдаланаётган ресурслар учун тўловлари социалистик корхоналардан бюджет даромадларининг асосий манбаига айлантирилсин.

3. **СССР Молия министрлиги ва унинг жойлардаги** органлари давлат ва корхоналар манфаатларини қўшиб олиб боришга асосланган принципиал янги молиявий сиёсатни амалга оширишга қатъият билан ўтишлари зарур. Хўжалик юритиш самарадорлиги сўм билан чинакам контрол қилиниши таъминлансин. Молия органларининг жамғармачилик — қайта тақсимлаш фаолияти, майда-чуйдаларга аралашуви, ҳамма нарсани батафсил олдиндан белгилаб қўйиши, тайёрга айёрлиги бартараф этилсин. Кооператив ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятини молиявий кредит жиҳатидан тартибга солишнинг комплекс тадбирлари белгилансин, аҳоли даромадларидан солиқ олиш тартибга солинсин. Иш услуби, методлари ва формалари хўжалик юритишнинг янги методларига мувофиқлаштирилсин.

4. **Бюджет ташкилотлари фаолиятини маблағ билан таъминлаш системаси ўзгартирилсин.** Бу система фаолиятнинг пировард натижаларини кўзда тутувчи узоқ муддатли барқарор иқтисодий нормативлар ва молиявий нормалар асосида қурилсин. Иш сифатини ва ажратилаётган маблағлардан омилкорлик билан фойдаланишни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш методлари кенг қўлланилсин. Ўз ишида белгиланган кўрсаткичларга эришган бюджет ташкилотларига тежаб қолинган маблағларни ўзларининг социал ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларига сарфлаш ҳуқуқи берилсин. Улар тежаб қолган маблағларни қайтариб олиш ҳамда келгуси планли давр учун маблағларни ана шу сумма миқдорида камайтириш практикаси тўхтатилсин.

5. **Кредитни бошқаришда туб ўзгаришни** амалга ошириш зарур: қарз беришнинг асосий принциплари тиклансин, бюджет ва кредит ресурслари ажратиб қўйилсин, қарз бериш учун эмиссиядан фойдаланишга чек қўйилсин, кредит совет сўмини мустаҳкамлаш қуролига айлантирилсин.

Халқ хўжалиги комплексларининг ўзига хос хусусиятларини ҳамда аҳолининг кредит-расчет хизматига эҳтиёжларини янада тўлароқ қондиришни ҳисобга олиб ихтисослаштирилган банклар тузиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблансин, кредит системаси корхоналар ва ташкилотларнинг юқори малакали, ишончли ва манфаатдор шеригига айлантирилсин.

СССР Давлат банки амалда мамлакатнинг асосий банки, халқ хўжалигидаги барча кредит ва расчет муносабатларининг ташкилотчиси ва мувофиқлаштирувчиси бўлиб қолиши лозим. Ягона эмиссия ва касса маркази бўлган СССР Давлат банкининг роли оширилсин. Кредит ресурсларини ҳосил қилиш манбалари ва

улардан фойдаланиш йўналишлари юзасидан кредит ресурсларини аниқ белгилаб қўйиш, ихтисослаштирилган банклар фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаси СССР Давлат банки зиммасига юклансин. Капитал қурилишни бюджет ҳисобидан қайтариб олмаслик шарти билан маблағ билан таъминлашни камайтириш ва капитал қурилиш учун узоқ муддатли кредитлардан фойдаланишни кенгайтириш мақсадга мувофиқдир. Банклар системаси фаолиятини тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш принципига ўтказиш керак.

6. **Мамлакатда страхование ва омонат тўплаш ишларини ташкил этишни** сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш зарур. Бунинг учун давлат страхование органлари фаолиятида тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш принципларидан фойдаланиш, страхованиенинг янги турларини жорий этиш, унинг тезкорлиги ва пухталигини ошириш ҳамда омонат кассалари ва страхование органлари аҳолига кўрсатадиган хизмат турларини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш лозим.

7. **Молия-кредит механизмининг ташқи иқтисодий алоқаларнинг кенгайишига ва самарадорлигининг ортишига таъсирини кучайтириш** лозим бўлади. Валюта-молия ҳамда савдо-иқтисодий муносабатлар ўзаро манфаатли асосларда ривожлантирилсин. Молия-кредит механизми экспорт ва импорт структурасини такомиллаштириш, сарфланган валюталар ўзини қоплаши ва маблағ билан ўзини-ўзи таъминлаш, актив таможня сиёсатини ўтказиш учун иқтисодий шароитлар яратиб бериши лозим. Сўмнинг харид кувватини оширишга, биринчи навбатда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида унинг ўзгарувчанлигини босқичма-босқич таъминлашга алоҳида эътибор берилиши керак.

III. БОШҚАРУВНИНГ ТАШКИЛИЙ СТРУКТУРАЛАРИ ҚАЙТА ҚУРИЛСИН

Экономикага иқтисодий манфаатлардан фойдаланиш йўли билан эмас, балки батафсил ва оператив фармойишлар бериш ҳамда икир-чикир контроллик ёрдамида раҳбарлик қилишга уринувчи бесўнақай ва узлуксиз кенгайиб бораётган аппарат бошқарувнинг вужудга келган структураси ва методлари учун характерлидир. Натижада бошқарув системаси тобора самарасиз бўлиб бормокда.

КПСС Марказий Комитети экономикадаги ҳамма ташкилий структураларни — асосий бўғиндан тортиб, тармоқлар, регионлар ва халқ хўжалигигача қайта қуриш зарур, деб ҳисоблайди.

1. **Асосий бўғин — корхона (бирлашма)ларнинг ташкилий структуралари шаклланиши ва ривожланишини** таъминлаш, бу соҳада ишлаб чиқаришни умумлаштириш, уни концентрациялаш, ихтисослаштириш ва комбинациялашга, экономикада, айникса горизонтал бўйича хилма-хил интеграция жараёнлари ривожланишига халақит берадиган тор идоравий ва маҳаллий тўсиқларни бартараф этиш зарур.

Корхоналарни тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказиш уларга қўшма негизларда умумий ишлаб чиқаришларни барпо этиш;

кооперация ва технология алоқалари пировард маҳсулотни самарали равишда олиш манфаатлари тақозо этган тақдирда бирлашиш, ҳатто тўла-тўкис қўшилиб кетиш ҳуқуқларини бериш билан қўшиб олиб борилиши керак.

Истиқболда иттифоқ бошқарув органлари қарамоғида «илмий тадқиқотлар ва ишланмалар — инвестиция — ишлаб чиқариш — реализация — хизмат кўрсатиш»нинг бутун циклини мустақил амалга оширишга қодир бўлган бир неча минг йирик илмий-ишлаб чиқариш, тармоқ, тармоқлараро ва территориал-тармоқ бирлашмалари бўлиши йўлини ўтказиш керак.

Маҳаллий бозорни таъминлашга хизмат қиладиган ўрта ва майда корхоналар, шу жумладан кооператив корхоналар республика ва маҳаллий бошқарув органларига бўйсундирилиши лозим.

Шу иш давомида корхона (бирлашма)ларнинг иқтисодий мусобақаси учун ташкилий шароитларни яратиш зарурлигига асосланиб иш тутиш, ишлаб

чиқарувчининг ишлаб чиқаришни монополия қилиб олишига ва истеъмолчини ўз измига юргизадиган бўлишига йўл қўймаслик керак.

2. **Министрликлар тармоқларнинг фан-техника ва план-иқтисодий штаблари бўлишлари лозим.**

Министрликларнинг фаолиятини тубдан яхшилаш учун уларни корхоналарни оператив бошқариш вазифаларидан халос этиш зарур. Улар тармоқ маҳсулотига бўлган эҳтиёжнинг қондирилиши учун мамлакат олдида масъул бўлишлари, номутаносибликнинг олдини олишлари, ишлаб чиқариш технологияси ва маҳсулот сифати жиҳатидан жаҳон даражасига чиқиб олинишини таъминлашлари, тармоқлараро фан-техника программаларининг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этишлари лозим. Уларнинг вазифаси — ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялаш, унинг ташкил этилиши ва структурасини такомиллаштириш соҳасидаги ишни самарали олиб боришдан иборат. Министрликларнинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишдаги активлигини кучайтириш муҳимдир.

Министрликларнинг янги вазифалари ва функциялари уларнинг составига аниқлик киритишни, аппарат структурасини қисқартириш ва соддалаштиришни, унинг фан-техника ва план-иқтисод бўлинмаларини мустаҳкамлашни, аппаратнинг оператив-хўжалик вазифалари билан шуғулланувчи қисмини тугатишни талаб қилади. Аппарат ходимлари раҳбарликнинг иқтисодий усулларини эгаллаб олишлари, иш услубини демократлаштиришга ва ошкораликни оширишга эришишлари лозим.

3. **СССР Министрлар Совети доимий ишловчи органларининг** фаолиятини яхшилаш, уни экономикани бошқаришни тубдан ислоҳ қилиш вазифаларига бўйсундириш керак. Ҳукуматнинг доимий органларини ўз комплексларини ривожлантириш учун жавоб берадиган яшаш қобилиятига эга бўлган ташкилотларга айлантириш йўлини давом эттириш лозим. Буларнинг ишини тармоқлараро фан-техника проблемаларини ҳал этишга, тармоқлараро кооперацияни ривожлантиришга, экспорт базасини ҳамда халқаро фан-техника ва иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратиш зарур.

4. **Контрол аппаратининг** фаолиятини қисқартириш ва тартибга солиш юзасидан қатъий чора-тадбирлар кўрилсин, унинг фаолияти умудавлат, умумхалқ манфаатларига бўйсундирилсин. Халқ контроли етилган масалаларни аниқлашнинг таъсирчан воситаси бўлиб, оммани давлат ва жамият ишларини ўзи бошқариши жараёнига жалб қилишнинг энг муҳим усулларидан бири бўлиб қолиши керак. СССР Халқ контроли комитети негизида бутун мамлакат территориясида кенг ваколатларга эга бўлган, ўз фаолиятини умумхалқ позицияларида туриб комплекс олиб борадиган, ишда энг кўп ошкораликка таянадиган ягона яхлит контрол системаси вужудга келтирилсин.

5. **Статистика** тубдан қайта қурилсин. Унинг ишида сифат кўрсаткичлари сари кескин бурилиш, регионал ва социал ривожланиш масалаларига оид ахборотни кенгайтириш, танлаб ўтказиладиган турли тадқиқотларни амалга ошириш таъминлансин. Статистикадан ошкораликнинг, социал-иқтисодий таҳлил қилишнинг, иқтисодий ва социал муаммоларни ҳал қилишдаги билимдонликни оширишнинг муҳим қуроли сифатида фойдаланилсин. Статистика маълумотининг оперативлиги ва тўғрилиги оширилсин, ҳисобот қисқартирилсин ва соддалаштирилсин, кўзбўямачилик ва қўшиб ёзишга қарши кураш кучайтирилсин. Статистика материалларининг эълон қилиниш чегаралари кенгайтирилсин.

IV. ЭКОНОМИКАНИ ТАРМОҚ ВА ТЕРРИТОРИАЛ БОШҚАРИШНИНГ ЭНГ МАҚБУЛ ТАРЗДА БИРГА ҚЎШИЛИШИ ТАЪМИНЛАНСИН

1. КПСС Марказий Комитети ишлаб чиқарувчи кучларни ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида **планлаштиришдаги территориал жиҳатни кучайтириш ҳамда иттифоқдош ва автоном республикалар, ўлкалар, областлар ва йирик шаҳарларни иқтисодий ва социал ривожлантириш планлари комплекслилигини ошириш зарур,** деб ҳисоблайди.

Территориал ривожланиш концепцияси сифатида ўн беш йиллик даврда ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштиришнинг бош схемаси ишлаб чиқилсин. Иқтисодий ва социал ривожланишнинг регионал планларини ишлаб чиқишда қайси идорага бўйсунишидан қатъи назар, тегишли территорияда жойлашган барча корхона ва ташкилотларнинг фаолияти эътиборга олинсин. Планларда ишлаб чиқариш ва социал инфраструктурани, территорияни комплекс ривожлантириш учун зарур бўлган тармоқлараро ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилсин.

Республика хўжалигини ривожлантириш учун зарур капитал маблағ ва қурилиш-монтаж ишлари лимитлари умуман республика бўйича белгилансин. Янги қурилиш районларида регионал ишлаб чиқариш ва социал инфраструктурасини ривожлантириш ҳамда табиий муҳитни муҳофаза қилиш маблағлари тармоқ йўли билан ажратиладиган бўлсин. Истиқболли районларда жойлаштирилаётган корхоналар учун иқтисодий имтиёзлар системаси қўлланилсин.

2. **Республика территориясидаги иқтисодий ва социал вазифаларнинг комплекс ҳал этилиши учун иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг масъулияти оширилсин.** Шу мақсадда уларнинг зиммасига:

— бутун социал-маданий қурилишга раҳбарлик қилиш ва республика территориясида ишлаб турган иттифоқ, иттифоқ-республика ва республика қарамоғидаги органлар, корхона (бирлашма) ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириб туриш;

— маҳаллий имкониятлардан иложи борича яхшироқ фойдаланиш ҳисобига аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш, умумиттифоқ ва республика фондларига озиқ-овқат маҳсулотларини тўла ҳажмда етказиб бериш топшириқларини бажариш;

— халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг фаолиятини мувофиқлаштириб туриш ҳамда хизмат соҳасини ривожлантириш, шу моллар ва хизматларнинг етишмаслигини тугатиш, аҳолининг тўлов қобилияти мол ишлаб чиқариш ҳажмлари ва хизмат кўрсатиш билан умуман мувозанатли бўлиши учун жавобгарлик вазифаларини юклатиш мақсадга мувофиқдир.

Иттифоқдош республикалар ва айрим регионларнинг социал ривожланишига сарфланадиган ресурсларнинг ҳажми билан республика территориясида жойлашган корхоналар иқтисодий фаолиятининг натижалари бир-бирига боғлиқлиги кучайтирилсин.

3. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ва иттифоқдош республикаларнинг иқтисодий базасини мустаҳкамлаш ҳамда уни тегишли территорияда жойлашган барча корхоналарнинг хўжалик фаолияти натижалари билан боғлаш мақсадида республика ва маҳаллий бюджетларни тузиш **норматив принципларда қайта қурилиши зарур.**

Бунинг учун нархларнинг янги системаси шароитида маҳаллий бюджетларга узоқ муддатли барқарор иқтисодий нормативларга мувофиқ фойдаланилаётган меҳнат ва табиат ресурслари учун тўланадиган ҳақнинг бир қисмини, шунингдек атроф муҳитни булғатганлик учун тўланадиган жарималарнинг ҳаммасини киритиш кўзда тутилиши лозим. Қайси идорага қарашли эканлигидан қатъи назар корхона (бирлашма) ҳисобидаги фойдаси (даромади)дан нормативга мувофиқ маҳаллий бюджетларга тўлов жорий этилсин. Халқ депутатлари Советларининг халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва уларни аҳолига сотишни кўпайтиришдан манфаатдорлиги кучайтирилиб, территорияда ундириб олинадиган солиқлардан ажратмаларнинг беш йилликка мўлжалланган барқарор нормативлари белгилаб қўйилсин.

Айни вақтда регионларни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг халқ депутатлари маҳаллий Советлари ўз бюджетлари ҳисобидан ҳал этадиган вазифалари составини анча кенгайтириш, маҳаллий идоралар қарамоғидаги янги корхоналар қурилишини пул билан таъминлаш, регионал ишлаб чиқариш ва социал инфраструктурани ривожлантириш масалаларини ва регионал аҳамиятга эга бўлган бошқа масалаларни ҳал этишни уларнинг ихтиёрига топшириш лозим. Маҳаллий бюджетлар ҳисобидан маҳаллий аҳамиятга эга бўлган йўллар қурилиши, шунингдек маҳаллий бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш кенгайтирилсин.

4. **Иттифоқдош республикаларда экономикани бошқаришни ташкил этишни қайта қуриш,** республикаларда иттифоқ бошқарув органларининг, жойларда эса республика бошқарув органларининг состави ҳамда структурасидан механик тарзда нусха кўчиришга йўл қўймаслик зарур.

Оғир саноат корхоналари (бирлашмалари)га ва геология-қидирув ишларига раҳбарлик қилиш асосан иттифоқ бошқарув органларида марказлаштирилсин, маҳаллий бозор учун ишлайдиган корхоналарга раҳбарлик эса республика ва маҳаллий бошқарув органларига топширилсин.

Ўлка ва областларда халқ хўжалигига амалий раҳбарлик қилиш учун **халқ депутатлари Советлари ижроия комитетларининг бош ишлаб чиқариш-иқтисодий бошқармаларини** тузиш мақсадга мувофиқдир. Маҳаллий партия, совет ва хўжалик органларининг корхоналар фаолиятига баҳо беришидаги мезонлар янги хўжалик механизмига мувофиқ ҳолга келтирилсин.

V. БОШҚАРУВНИНГ СОЦИАЛ ЙЎНАЛИШИ КУЧАЙТИРИЛСИН

1. КПСС Марказий Комитети ҳисоблайдики, **инсон омилининг ролини ошириш, барча ходимларни умумий бахт-саодат йўлида самарали меҳнат қилишга ундайдиган сабаблар ва рағбатлантирувчи омилларнинг қудратли системасини вужудга келтириш — энг муҳим снёсий, иқтисодий ва социал вазифадир.** Шу асосда ишлаб чиқариш халқ фаровонлигининг сифат жиҳатдан янги даражасига эришишга, ҳар бир совет кишисининг ҳар томонлама камол топишига қаратилсин.

2. Манфаатларни бошқариш учун ва манфаатлар орқали шахснинг моддий манфаатларини коллектив ва жамият манфаатлари билан бирга қўшиш учун:

Меҳнат ҳақи ва социал ривожланиш учун **коллективларнинг ишлаб маблағ топиши** йўли изчиллик билан ўтказилсин, шу маблағлардан тўла-тўкис фойдаланиш имконияти таъминлансин. Ҳамма жойда коллективларнинг меҳнат ҳақи фондларини улар фаолияти пировард натижаларига бевосита тарзда норматив шаклда ривожлантиришга ўтилсин.

Меҳнатнинг самарадорлиги ва сифатини кескин ошириш, меҳнаткашларнинг кам ишчи кучи билан иш бажаришдан манфаатдорлигини кучайтириш вазифаларига асосланиб, **меҳнатга ҳақ тўлаш системаси** қайта қурилсин. Тенгчиликка йўл қўйилмасин. Меҳнатга ҳақ тўлашда асосли табақалаштириш таъминлансин, у бирон-бир максимал даража билан чеклаб қўйилмасин;

Меҳнатнинг ташкил этилиши фан-техника тараққиёти талабларига мувофиқ бўлиши учун унга сифат жиҳатдан янгича ёндашув амалга оширилсин, унинг илғор усуллари кенг жорий этилсин;

Коллектив пудратдан оммавий фойдаланиш учун шароит яратилсин.

Бригадалар, участкалар, цехлар, корхоналар пудрат шароитларига ўтишига кўмаклашилсин, айни вақтда раҳбар ва инженер-техник ходимлар хўжалик ҳисоби коллективларига киритилсин. Пудрат қоида тариқасида, маъмурият билан пудратчи коллектив ўртасидаги шартнома асосида, унга зарур мулкни бириктириб қўйиш йўли билан ҳамда пировард иш натижаларига қараб стабил нормативларга мувофиқ меҳнат ҳақи фондини вужудга келтириш асосида ташкил этилсин.

Ички завод планлаштирилиши ва материал-техника таъминоти қайта қурилсин, йириклаштирилган нормалашга ўтилсин, ички завод ҳисоб-китобларининг янги усуллари жорий қилинсин.

3. Бошқарувда **илмий асосланган социал нормативлардан** кенг қўлланилиши таъминлансин, бу нормативлар социал соҳа тараққиётини планлаштиришга асос қилиб олинсин. Янги техника ва технологияни яратишда, янги корхоналарни ва ишлаб чиқаришларни лойиҳалаш ҳамда ишлаб турганларини реконструкция қилишда, меҳнатнинг ташкил этилишини ва унинг шароитларини яхшилашда, шунингдек атроф муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишда социал нормативларни қўлланиш мажбурий деб ҳисоблансин.

4. **Аҳолининг иш билан самарали равишда таъминланишини шакллантириш системаси** яратилсин. Хўжалик юритишнинг янги шароитларида меҳнат ресурсларидан фойдаланишни, кадрларни танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва ишга жойлаштиришни тубдан яхшилаш зарур.

Иш билан таъминлашнинг умумдавлат сиёсатини амалга ошириш учун **СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети** ҳамда унинг жойлардаги органларининг фаолияти қайта қурилсин, уларнинг зиммасига бўшатиб олинаётган ходимларни ва ишламаётган меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан тўла-тўкис таъминлаш, ишга жойлаштириш, тайёрлаш ва уларга бошқа касбларни ўргатиш, корхоналарнинг кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун маъсулият юклатилсин.

Аҳолини ишга жойлаштириш ва унга касб-кор ўргатиш билан шуғулланувчи хўжалик ҳисобидаги марказлар (бюролар) тармоғи вужудга келтирилсин.

5. КПСС Марказий Қомитети бошқаришни тубдан қайта қуришга доир чора-тадбирларнинг ўзаро боғлиқ системасини амалга ошириш **истеъмол молларига ва ҳақли хизматларга бўлган талаб ва таклифнинг мувозанатли** бўлишини таъминлаш вазифаларини ҳал этиш билан чамбарчас боғлиқ, деб таъкидлайди. Бунинг учун:

Истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ва хизматларни жадал ривожлантириш ҳамда уни аҳолининг талаб-эҳтиёжларига бўйсундириш йўлини давом эттириш; кооператив ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантириш;

Аввало, айниқса уй-жой-коммунал хўжалигида, дам олиш ва туризм, маданий-маиший хизматлар соҳасида ҳақли хизматлар соҳасини ривожлантиришни анча жадаллаштириш асосида аҳолининг харажатлари структураси шакллари ўзгаришини бартараф қилиш;

Кооператив ва якка тартибдаги уй-жой қурилиши жадал ривожлантирилсин. Айниқса қишлоқ жойларида шундай уйлар қуришни кенгайтириш учун аҳоли маблағларидан янада активроқ фойдаланиш зарур.

6. **Социал-маданий комплекснинг материал-техника базасини ривожлантириш ва ундан фойдаланишни бошқариш такомиллаштирилсин.** Барча даражалардаги планларни тузиш чоғида уй-жой проблемасини тезроқ ҳал этишга маблағларни биринчи галда ажратиш, одамлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг маданий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш кўзда тутилсин. Меҳнаткашлар турмушининг социал-маиший шароитларини яхшилашда корхоналар маблағларининг роли анча оширилсин. Ишлаб чиқариш объектларини барпо этиш чоғида тежалган капитал маблағлар социал-маданий соҳанинг материал-техника базасини ривожлантиришга сарфлансин.

Колхозчилар, ишчилар ва хизматчиларнинг шахсий жамғармалари колхозлар, корхоналар ва халқ депутатлари маҳаллий Советлари кафолати остида заём асосида социал-маданий объектлар қурилишини маблағ билан таъминлашга жалб этилсин.

Социал-маданий комплекс: маориф, маданият, соғлиқни сақлаш, физкультура ва спортни йўлга қўйишнинг хўжалик механизмини қайта қуриш зарурати етилди. Мазкур соҳа корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларини пул билан таъминлашнинг хўжалик формалари уларнинг пировард иш натижалари билан мустаҳкам боғлиқ тарзда жорий этилсин.

VI. ЭКОНОМИКАНИ БОШҚАРИШНИ ҚАЙТА ҚУРИШ АНИҚ-ПУХТА ТАШКИЛ ЭТИЛСИН

КПСС Марказий Қомитетининг Пленуми ишларни пухта ташкил этиш ва вақтни баҳамжиҳат белгилаш хўжалик бошқарувини тубдан ислоҳ қилишни муваффақиятли ўтказишнинг ғоят муҳим шарти эканлигини таъкидлайди. Пухта ташкилий таъминот йўқлиги, сусткашлик ва баҳамжиҳат иш олиб борилмаслигига йўл қўйиб бўлмайди. Маълумки, ўтмишда бу хўжалик бошқарувини тубдан ислоҳ қилишни чўзиб юборишга ва тўла амалга оширилмаслигига олиб келди. Хўжалик бошқарувини ислоҳ қилишни оғишмай ва изчил амалга ошириш — партия комитетлари ва ташкилотларининг, халқ депутатлари Советларининг, хўжалик бошқаруви, касаба союзлар ва комсомол органларининг энг муҳим вазифасидир.

1. 1987 йилнинг охиригача давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонунини кучга киритишга пухта тайёргарлик кўрилсин ва 1988—1989 йилларда мазкур Қонун барча корхоналарда жорий этилсин ҳамда улар тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказилсин.

Планлаштириш, нарх белгилаш системасини, молия ва кредит, материал-техника таъминоти системасини қайта қуриш ўн учинчи беш йилликда янги хўжалик механизмини жорий этишни кўзда тутиб амалга оширилсин. Айни вақтда бошқарувнинг марказий иқтисодий, тармоқ, республика органларининг иши қайта қурилсин.

1990 йилгача истеъмол бозоридаги аҳволни нормаллаштиришга, товарлар ва пуллик хизматларга бўлган талаб ва таклифларни мувофиқлаштиришни анча яхшилашга қаратилган тадбирлар программаси ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши зарур.

Бошқарув янги системаси талабларини назарда тутиб, ўн учинчи беш йиллик плани ишлаб чиқилсин ва план беш йиллик бошларигача қабул қилинсин.

2. **КПСС Марказий Комитети мамлакат экономикасини бошқаришни қайта қуришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш зарурлигини алоҳида таъкидлайди.**

Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонунга, планлаштириш, нарх белгилаш, молия ва кредит, материал-техника таъминоти, меҳнат ва социал жараёнларни бошқариш соҳасидаги янги қоидаларга зид бўлган барча норматив актлар, шу жумладан министрликлар ва идораларнинг йўл-йўриқлари қайта кўриб чиқилсин ва бекор қилинсин.

Қонунларни қўлланишда корхонага қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай иқтисодий фаолиятга рухсат берилиши назарда тутилсин. Қонунлар одатда бевосита ҳаракат актлари бўлиши ва бевосита меҳнат коллективларига, давлат ва жамоат органларига, мансабдор шахслар ва гражданларга қаратилган бўлиши зарур.

Янги қонунлар асосида хўжалик қарорлари қабул қилишнинг ҳуқуқий тартиблари ишлаб чиқилсин, хўжалик системасининг барча даражаларида волюнтаризмга йўл қўйилиши имкониятига барҳам берилсин.

Хўжалик қонунчилиги системалаштирилсин ва кодификация қилинсин, идоравий норматив актлар ишлаб чиқиш ва уларни қўлланиш тартиби тўғрисида умумиттифоқ актини тайёрлаш жадаллаштирилсин, идоравий норматив актлар қонунчиликка мувофиқ бўлиши устидан контролни кучайтиришга оид чоралар кўрилсин.

3. **Демократия ва кенг ошкоралик шароитида кадрларнинг иқтисодий билимини ошириш, иқтисодий методларни бошқариш маҳорати бошқарувни муваффақиятли қайта қуришнинг зарур шартидир.**

Ҳамма жойда экономикани бошқаришнинг янги системасини ўрганиш, барча меҳнат коллективларида ва бошқарув органларида уни тушунтириш ва пухта муҳокамадан ўтказиш йўлга қўйилсин. Партия, совет, хўжалик ва касаба союз кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш системаси қайта қурилсин. Хўжалик юритишнинг замонавий методларини амалий жиҳатдан эгаллаш ўқитиш асосига қўйилсин. Ўқитишнинг моддий базасини мустаҳкамлашга, уни бошқарувнинг замонавий техникаси билан таъминлашга оид тадбирлар ишлаб чиқилсин ва амалга оширилсин.

Барча даражалардаги раҳбарларнинг тажриба алмашиши кенг жорий этилсин, корхоналар директорларининг амалий клублари ташкил этилсин. Экономика олий ўқув юртларида ва экономика факультетларида ўқитиш, халқ хўжалиги барча тармоқларининг мутахассисларини иқтисодий жиҳатдан тайёрлаш тубдан яхшилансин.

Яқин вақтлар ичида олий ўқув юртлари ҳамда кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш учун, энг аввало хўжалик бошқарувининг янги системасини ўрганиш учун экономикага оид янги дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратилсин. Оммавий профессионал ўқув иқтисодий ўқув билан бирлаштирилсин, иқтисодий ўқув кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг давлат системасига киритилсин.

4. **Жамиятда демократик негизларни кенг ривожлантириш** хўжалик бошқару-

вини тубдан ислоҳ қилишни муваффақиятли амалга ошириш ва янги хўжалик механизми самарали ишлашининг зарур шартидир.

Бошқарув органларининг хўжалик ва социал-маданий қурилишдаги фаолиятини ошкоралик, жамоатчиликни энг муҳим қарорлар ишлаб чиқишга кенг жалб этиш шароитида амалга ошириш зарур.

Кенг кўламли илмий-техникавий, иқтисодий, социал ва экологик проблемалар ҳамда уларни ҳал этиш лойиҳалари умумхалқ муҳокамасига қўйилсин. Республика, ўлка, область, округ, шаҳар, район манфаатларига тааллуқли социал-иқтисодий ривожланиш масалалари аҳоли ўртасида кенг муҳокама қилинсин, энг муҳим социал-иқтисодий проблемалар юзасидан аҳоли орасида савол-жавоб мунтазам ўтказиб турилсин.

Социал-иқтисодий турмушнинг энг муҳим масалаларига оид планлар, бюджетлар, қонунлар ва қарорлар лойиҳаларини муҳокама қилишда жамоатчилик иштирок этиши учун шароит яратилсин. Ҳукумат ва идоралар, маҳаллий органлар қабул қиладиган қарорлар тўғрисида ҳамда қабул қилинган планлар ва қарорлар қандай бажарилаётгани ҳақида кенг маълум қилинсин. Мамлакат, иттифоқ ва автоном республикалар, регионлар, ўлкалар, областлар, округлар, шаҳарлар ва районларнинг социал-иқтисодий ривожланиши тўғрисидаги статистика ахборотини эълон қилиш кенгайтирилсин.

Бошқарув органлари вакилларининг халқ депутатлари Советлари, меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари аҳоли олдида мунтазам ҳисоб бериб туришлари, шунингдек матбуотда чиқиш, матбуот конференциялари ўтказиш ҳамда меҳнаткашлар ва уларнинг вакиллари билан муносабатнинг бошқа формалари орқали мунтазам ҳисоб беришлари таъминлансин.

* *
*

Мамлакат экономикасини бошқаришни тубдан қайта қуришни амалга ошириш чинакам революцион жараёндир. Бугунги кунда экономика — қайта қуришнинг зарбдор фронтидир. Экономикани бошқаришда туб ўзгаришларни амалга ошириш муҳим зарурат бўлиб қолди. Совет жамиятининг социал-иқтисодий тараққиётига янги омил бағишлаш — бошқарувни қайта қуришнинг асосий вазифасидир.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми бутун Коммунистик партия номидан Совет Иттифоқи меҳнаткашларини — ишчилар, колхозчилар ва зиёлиларни КПССнинг хўжалик бошқарувини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган стратегик йўлини қўллаб-қувватлашга, бу йўлни амалга оширишга актив қўшилишга, бошқарувнинг иқтисодий методларини эгаллашга, тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш, демократлаштириш ва ўзини-ўзи бошқариш, кенг ошкоралик шароитида яшаш ва ижодий меҳнат қилишга ўрганишга даъват этади.

Биз мана шу йўлдан дадил ва оғишмай олға томон боргандагина, барча совет кишиларининг турмуш шароитини сифат жиҳатидан яхшилашга, социализмни чинакам янгилашга, Улуғ Октябрь Ватани бўлган Совет мамлакатимизнинг обрў ва эътиборини қарор топтиришга эришишимиз мумкин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

ПАРТИЯГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ПАРТИЯ САФЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ БОРАСИДА ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ИШИДАГИ ЖИДДИЙ КАМЧИЛИКЛАР ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети қабул қилинган қарорда шуни қайд этдики, Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети КПСС XXVII съездининг, Марказий Комитет 1987 йил январь Пленумининг йўл-йўриқларига амал қилиб, партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини қайта қуриш, ўтмишда йўл қўйилган жиддий бузилишлар ва суиистеъмолчиликларни бартараф этиш, ошкоралик, танқид ва ўз-ўзини танқид вазиятини, ишга масъулиятли муносабатни қарор топтириш соҳасида баъзи ишларни амалга оширмоқда.

Шу билан бирга кўрилаётган чоралар ярим-ёрти тусда бўлиб, етарлича изчил эмас, бу эса тўпланиб қолган проблемаларнинг мураккаблиги ва ўткирлигига мувофиқ келмаяпти, маънавий муҳитни соғломлаштиришга, областни иқтисодий ва социал ривожлантириш самарадорлигини оширишга етарлича таъсир ўтказмаяпти. 1986 йилда саноат корхоналарининг учдан бир қисми маҳсулот етказиб беришни ҳисобга олганда маҳсулотни реализация қилиш, бешдан бир қисми эса меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириқларини уддалай олмади. Давлат қабули шароитида ишлаётган коллективларнинг кўпчилиги бу йил шартнома мажбуриятларини барбод этмоқда. Ишлаб чиқариш қувватларини, уй-жойларни, мактабгача тарбия муассасаларини, касалхоналар ва поликлиникаларни ишга тушириш топшириқлари бажарилмаяпти. Аграр сектор қониқарсиз ривожланмоқда, мева ва пахта ҳосилдорлиги 70-йилларнинг бошларидаги даражада қолмоқда.

Область партия комитети областда йўл қўйилган кўпгина камчиликлар, кадрлар сиёсати соҳасидаги хатолар аввало партия ташкилотлари принципиал позицияларда қола олмаганликларининг оқибати эканлигини амалий ишида ҳисобга олмаяпти. Бу эса партия сафларини шакллантириш практикасидаги бузилишлар, партия сафлари сифатининг ёмонлашуви билан бевосита боғланган. Умуман республикада бўлгани каби областда ҳам узоқ вақт мобайнида партияга қабул қилишни тезлаштириш йўли ўйламай-нетмай ўтказиб келинди. Партия ташкилотлари ўз составини етарлича чиниқмаган, беқарор ва ҳатто ёт унсурлар билан тўлдириб юборди. Кўпчиликни ташкил этган ҳалол, партия ишига астойдил содиқ коммунистлар билан бир қаторда ана шу партия ташкилотларида хусусий мулкчилик психологияси, амалпарастлик иллатига мубтало бўлган, хушомадгўйликка ва совға-саломларга ўч, ичкиликбоз кимсалар ҳам кўпайиб қолди.

Кўпгина партия ташкилотлари маъмурият фаолиятини ва аппаратнинг ишини амалда назорат қилмай қўйдилар, кадрларни танлаш ва тарбиялашдан четлашиб қолдилар. Баъзи коллективларда, ҳатто областда доимо ўрнак қилиб келинган «Политотдел» колхозида, Охунбобоев номли совхозда, «Ташавтоматика» заводида, 1-пойабзал фабрикасида ҳар қандай ишдан тап тортмаслик ва ҳамма бирбирини қўллаб-қувватлаб, қинғир ишларни яширадиган вазият юзага келди, бу эса раҳбар ходимларнинг ўз мавқеини суиистеъмол қилишларига, маънавий жиҳатдан юзтубан кетишларига сабаб бўлди.

Область партия комитети, шаҳар ва район партия комитетлари партия сафларини шакллантириш чоғида йўл қўйилган шошмашошарлик ва одамларни фарқ қила билмасликнинг хатарли оқибатларини тўла даражада англаб олганлари йўқ ва ҳозирги вақтда ҳам бу ишни кўп жиҳатдан эскичасига олиб бормоқдалар. Тошкент, Олмалиқ, Янгийўл шаҳар, Оққўрғон, Пискент, Коммунистик ҳамда бошқа кўпгина район ташкилотларида кандидатликка қабул қилиш чоғида амалда ҳеч ким қайтарилмаяпти, аммо оқибатда эса уларнинг баъзилари партиядан ўчирилмоқда ёки чиқиб кетмоқда.

Янги аъзолар партия кучларига бўлган реал эҳтиёжларни, сафларни ўстиришнинг мавжуд базасини ва партияга кирувчиларнинг тайёргарлик даражасини ҳисобга олмай танланмоқда. Партия сафлари кўпинча жиддий меҳнат ва ҳаёт мактабидан ўтмаган кишилар ҳисобига шакллантирилмоқда. Ҳар қандай, ҳатто унча катта бўлмаган раҳбарлик лавозимида ҳам партия аъзолариға эга бўлиш мақсадида хизматчиларни янги лавозимга «кўтариш» арафасида партияга қабул қилиш кенг тарқалганлиги амалпарастлик муддаоларини кучайтиради. КПССга аъзоларни танлаб олиш чоғида область аҳолисининг кўп миллатли структураси етарлича ҳисобга олинмаяпти, туб миллат бўлмаган илғор меҳнатчиларни қабул қилишга тегишлича эътибор берилмаяпти.

Партия аъзолигига кандидатлар билан ишлаш, уларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан чиниқтириш системаси йўқ.

Партия ишининг шу соҳасида вужудга келган аҳвол — область партия ташкилоти, унинг раҳбар органлари бу соҳага жиддий равишда етарли баҳо бермаганликларининг натижасидир. Кўпгина партия комитетларининг биринчи секретарлари партия сафларини шакллантиришга доир ишни қандай ташкил этиш тўғрисида аниқ тасаввурга эга эмаслар, ўзлари ўқишмайди ва бунга активларни ҳам ўқитиб-ўргатишмайди. Шаҳар, район комитетлари ҳузуридаги партия комиссиялари, оммавий ахборот воситалари партия ташкилотларининг составини яхшилаш борасидаги ишга дуруст жалб этилмаган.

КПСС Марказий Комитети Тошкент область партия комитетининг, обком бюросининг, шахсан биринчи секретарь ўрток Т. А. Алимовнинг эътиборини КПССга қабул қилиш ва область партия ташкилотини мустаҳкамлаш, бу ишдаги жиддий бузилишларни бартараф этиш соҳасидаги ишнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилганига янада қатъий барҳам бериш зарурлигига қаратди. Бу ерда аъзоларни танлаб олишни қатъий тарзда, кўр-кўрона тартибга солишдан, шаҳар, район комитетларига, бошланғич ташкилотларга партия қатламининг сунъий равишда кўпайишига олиб борувчи контрол топшириқлар белгилашдан иборат таркиб топган практика қораланди.

Партия составида ишчиларнинг устунлик мавқеини таъминлаш, уни энг яхши колхозчилар ва зиёлиларнинг намояндалари билан тўлдириш, ёш коммунистларни тарбиялаш соҳасидаги барча ишларни КПСС XXVII съездининг йўл-йўриқларига, Программа ва Устав талабларига қатъий мувофиқ равишда, КПССга аъзолик ленинча принциплари асосида олиб бориш керак.

Партияга қабул қилиш партия ташкилотларини ғоявий ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлашнинг, қайта қуришнинг боришига улар таъсирини кучайтиришнинг, иқтисодий ва ижтимоий турмушнинг барча томонларини янгилашнинг самарали воситаси бўлиши лозим.

Область партия комитети, шаҳар ва район партия комитетлари партия сафларини тўлдирувчиларнинг сифат составини тубдан яхшилашни амалда таъминлашлари, шу ишнинг йўлга қўйилиши учун бошланғич ташкилотларнинг масъулиятини оширишлари шарт.

КПСС Марказий Комитети партияга танлаб олишнинг барча босқичларида якка-якка ёндашувга сўзсиз риоя этилишини, ўз тақдирини ғоявий ва ташкилий жиҳатдан партия билан боғлаш истагини билдирган кишиларнинг сиёсий, амалий ҳамда ахлоқий фазилатлари чуқур ва ҳар томонлама ўрганилишини айниқса муҳим, деб ҳисоблайди. Партия сафларининг софлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш, амалпарастлардан, ғоявий ва маънавий жиҳатдан бекарор кишилардан партия сафларини ҳимоя қилиш — ҳар бир бошланғич ташкилотнинг, КПСС ҳар бир аъзосининг энг биринчи бурчи ва ғоят муҳим вазифасидир. Яхши тайёрланган ўсиш базасини яратишга энг асосий эътибор берилсин. Кандидатликка қабул

қилиш тўғрисидаги аризаларни партия группалари ҳамда цех партия ташкилотларида олдиндан муҳокама этиш практика қилинсин. Ана шу масалаларнинг кўриб чиқилиши ҳақида меҳнат коллективлари олдиндан хабардор қилинсин. Уларни муҳокама қилишда мазкур партия ташкилотидаги ҳамма коммунистлар, шунингдек партияга кирувчиларни яхши биладиган партиясиз ўртоқлар фаол иштирок этишларига эришилсин. Одамларни партияга қабул қилишни уларни кейин раҳбарлик лавозимларига тайинлаш билан боғлиқ қилиб қўйишга уринишларга чек қўйилсин, раҳбарликка партиясиз ходимлар дадиллик билан кўтарилсин.

Тавсиянома беришга виждонан муносабатда бўлмаган, расмиятчилик қилган КПСС аъзоларидан жиддий жавобгарлик талаб қилинсин, кандидатларнинг шахсий ишларини кўриб чиқиш чоғида тавсиянома берувчиларнинг жавобгарлик масаласи муҳокама қилинсин. Партияга тавсия этиш сифати учун комсомол комитетларига нисбатан талабчанлик оширилсин. Ҳар бир партия ташкилотида ёш коммунистлар учун ишлаб чиқариш ва ижтимоий характердаги конкрет топшириқлар белгилаб қўйилсин. Уставда белгилаб берилган ҳуқуқларини амалда қўлланишга ва бурчларини бажаришга ўргатилсин, кандидатлик стажларини ўтишлари хусусида кандидатларнинг ҳисоботлари мунтазам тинглаб борилсин.

КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидатларга партия қурилиши асосларини ўргатишни яхшилаш чоралари кўрилсин.

Шаҳар, район партия комитетлари КПССга қабул қилиш тўғрисидаги қарорларни тасдиқлашга янада талабчанлик билан ёндашишлари зарур. Партия комитетларининг пленумларида ва бюроларида партия ташкилотларининг ёш ўринбосарлар билан ишлаш тўғрисидаги ҳисоботи мунтазам кўриб борилсин. Партия комиссияларининг фаолияти шунга қаратилсинки, улар партияга қабул қилиш тўғрисидаги масалаларни ва коммунистларнинг шахсий ишларини жойларга бориб ўргансинлар.

Коммунистларни, энг аввало ёш коммунистларни ғоявий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш тўғрисида партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари алоҳида ғамхўрлик қилишлари лозим. Бу ишда КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидатларда коммунистик этиқодни, партия йўлини амалга оширишда актив позицияни шакллантириш, юксак маънавий фазилатларни, социалистик интернационализм ва совет ватанпарварлиги туйғуларини тарбиялаш биринчи ўринга қўйилсин. Коммунистларнинг авангардлик роли конкрет хулқ-атворида, амалий ишларида, ижтимоий бурчини ҳалол бажаришида намоён бўлишига қатъият билан эришилсин.

КПСС Марказий Комитети область партия комитети, областдаги шаҳар ва район партия комитетлари зиммасига партия ташкилотларини соғломлаштириш, уларни бузилган, амалпараст унсурлардан — партия билетидан наф чиқаришни кўзлаб партияга кириб олган барча шахслардан қатъий тозалаш ишларини фаолроқ олиб бориш вазифасини юклади. Коммунистларнинг, энг аввало жиддий эътирозлар билдирилаётган коммунистларнинг ҳисоботларини очиқ йиғилишларда кўриб чиқиш, бу йиғилишларда уларга берилган характеристикаларни тасдиқлаш, агар талаб қилинса уларнинг партия сафида қолиш-қолмаслиги масаласини ҳал этиш практикаси кенг қўлланилсин. Суҳбатлашиш ва яккама-якка иш олиб боришнинг бошқа шаклларидан кўпроқ фойдаланилсин. Порахўрлик, ўғрилик, қўшиб ёзиш учун партия сафидан ўчирилган кишилар партия сафига тикланишига ёки қайтадан қабул қилинишига йўл қўйилмасин.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларига, марказий ва маҳаллий партия газеталари ҳамда журналлари редакцияларига, СССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетига партия қурилиши назарияси ва практикасининг актуал прблемаларини, айниқса партия аъзолиги проблемаларини, партия ташкилотларининг КПСС сафларини тўлдириш учун одамларни танлаш ва уларни тарбиялаш ишларини ёритишни яхшилаш таклиф қилинди. «Партийная жизнь» журнали саҳифаларида ёш коммунистларнинг сиртқи мактаби ташкил этилсин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аниқланган камчиликларни бартараф этишда Тошкент область партия ташкилотига самарали ёрдам кўрсатиши ҳамда республикада КПСС сафига қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасидаги ҳамма ишларни қайта қуриш учун зарур хулоса

чиқариб олиши лозим. КПСС XXVII съездида ва КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленумида республика партия ташкилоти шаънига айтилган танқидий мулоҳазаларни амалга оширишга эришиш учун янада зўр ғайрат ва изчиллик билан ҳаракат қилинсин.

КПСС Марказий Комитети иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка, область партия комитетларига КПСС турмуши ва фаолиятининг, совет жамиятини ривожлантиришнинг янги босқичида партия сафларини тўлдириш борасидаги барча ишларга раҳбарлик даражасини оширишни тавсия қилди.

Партиянинг ҳозирги ҳолати ва келажаги бугун Ленин партиясига кимлар аъзо бўлиб кираётганлигига боғлиқ. Одамларнинг қайта қуришга, ошкораликка, танқид ва ўз-ўзини танқидга, демократияни чуқурлаштириш жараёнига муносабати, буларни рўёбга чиқаришда амалий иштирок этиши партия сафларига киришнинг энг муҳим мезони бўлиши керак. Партия сафларини ҳозир тўлдираётган кишиларда улар революцион ижтимоий ўзгартишларнинг олдинги сафида бораётган коммунистларнинг синалган отрядига қўшилаётганлигидан алоҳида фахрланиш туйғуси тарбиялансин.

КПСС сафига қабул қилиш учун одамларни танлаш, КПСС составини мустаҳкамлаш практикаси ҳар томонлама такомиллаштирилсин, партия сафига қабул қилишда илғор ишчиларга кенг йўл берилсин. Бир қанча партия ташкилотларида давом этиб келаётган партияга қабул қилишни тезлаштириш, партия таъсирини кучайтириш ҳақидаги ғамхўрликни коммунистлар қатламини оширишга айлантириб юборилганлиги йўл қўйиб бўлмайдиган ҳол, деб ҳисоблансин.

КПСС Марказий Комитети сўнгги вақтларда кўпгина партия комитетлари партия қуйи бўғинларини четлаб ўтиб, коммунист-раҳбарларнинг шахсий ишларини кўриб чиқаётганлигидан ва ҳатто қандай жазо берилганлиги тўғрисида бошланғич ташкилотларга маълум қилинмаётганлигидан ташвиш билдирди. Коммунистнинг ўз ножўя хатти-ҳаракатлари учун аввало бошланғич партия ташкилоти олдидаги жавобгарлиги хусусидаги Устав талаби бажарилиши қаттиқ назорат остига олинсин.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАШИНАСОЗЛИК КОМПЛЕКСИ: АҲВОЛИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Г. ДАНИЛОВ,
иктисод фанлари кандидати

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ўн иккинчи беш йиллик ва узоқ муддатли истиқболни мўлжаллаб қўйган вазифаларни ҳал этишда хилма-хил ишлаб чиқаришлар комплекси бўлган машинасозлик алоҳида роль ўйнайдики, халқ хўжалигининг барча тармоқларидаги фан-техника тараққиёти, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши ҳамда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги кўп даражада унинг ривожланишига боғлиқдир. Совет ҳокимияти йилларида бунёд этилган Ўзбекистон ССРнинг кўп тармоқли машинасозлик ва металлга ишлов бериш саноати бу ишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Бугунги кунда, Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги арафасида унинг қарор топиши тарихини эсга олиш ўринлидир.

Ўзбекистон машинасозлиги аввалига район ички аҳамиятига эга тармоқ сифатида шаклландики, у асосан халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг эҳтиёжларига хизмат қиларди ва машина ҳамда асбоб-ускуналар ремонтини амалга оширарди. Урушдан аввалги беш йилликлар мобайнида республикада Ўзбекистоннинг тўнғич йирик машинасозлик корхонаси бўлган «Ташсельмаш»да пахтачилик учун қишлоқ хўжалик машиналари ва пахта тозалаш саноати учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ривожланиб бораётган индустриянинг ҳамда қишлоқ хўжалигининг эҳтиёжларини қондириш учун республикада: Тошкентда Ильич номидаги ремонт-механика ва ремонт-экскаватор (ҳозирги экскаватор) заводлари, Самаркандда «Деҳқон» (қишлоқ хўжалик машиналари ремонти), Андижонда «Коммунар» (пахта тозалаш ва тўкимачилик саноати учун асбоб-ускуналар), Қўқонда «Большевик» (нефть қазиб чиқариш учун асбоб-ускуналар) заводлари қурилди. Транспортга хизмат қилиш учун Тошкентда йирик паровоз ремонт заводи (ҳозирги Октябрь революцияси номидаги завод) ва бир нечта авторемонт заводлари барпо қилинди. Шунингдек ҳунармандчилик кооперациясининг металлга ишлов бериш артеллари тармоғи ҳамда ремонт устахоналари ҳам ривожланди.

СССРдаги ҳар бир республиканинг индустриялашуви бутун мамлакатнинг саноат тараққиёти йўлидан борган бўлса-да, лекин иқтисодий, табиий ва миллий хусусиятларга мувофиқ ўзига хос жиҳатларга эга эди. Ўзбекистон халқ хўжалигининг ўзига хос хусусияти бу ерда пахтачилик учун машиналар ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш жамланишини олдиндан белгилаб берди. Шундай қилиб, Ўзбекистон ССРнинг машинасозлик саноати қишлоқ хўжалик машинасозлиги сифатида вужудга келди ва урушдан аввалги беш йилликлар даврида ривож топди.

Улуғ Ватан уруши йилларида тармоқ структурасида жиддий силжишлар юз берди, ўша вақтда мамлакатнинг ғарбий районларидан 20 га яқин йирик машинасозлик корхоналари кўчириб келтирилди. Урушдан кейинги даврда тинч давр шароитларига мослаб у корхоналарнинг профилини ва ихтисослашувини ўзгартириш юзасидан катта иш қилинди.

1961—1985 йиллар мобайнида Ўзбекистон машинасозлигида муҳим миқдорий ва сифат ўзгаришлари рўй берди. Турли машиналар ишлаб чиқаришни кўпайти-

риш ҳамда уларнинг янги турларини жадал ўзлаштириш вазифаларининг планли тарзда ҳал этилиши асбобсозлик, электр техника, авиация, радио ва электрон саноати, трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги, химия, насос-компрессор, қурилиш-йўл асбоб-ускуналари каби ва баъзи бошқа ишлаб чиқаришларни бунёд этишни ва жадал ривожлантиришни шарт қилиб қўйди.

Ўсишнинг юксак суръатлари, структуранинг такомиллаштирилиши ҳамда мураккаб турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ўзлаштирилиши Ўзбекистон машинасозлигига Ўрта Осиё иқтисодий районида, маҳсулотларнинг айрим турлари бўйича эса мамлакатда етакчи ўринни таъминлади. Республикада машинасозлик ва металлга ишлов беришнинг ривожланиши кейинги ўн йилликда саноатнинг бошқа тармоқларига нисбатан юксакроқ суръатлар билан характерланади. Чунончи, агар 1985 йилда Ўзбекистон ССР индустрияси ялпи маҳсулотининг ҳажми 1970 йилдаги даражадан 2,25 баравар ортиқ бўлган бўлса, машинасозлик билан металлга ишлов бериш — 2,66 баравар, шу жумладан машинасозлик — қарийб 3 баравар ортиқ бўлди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ССРнинг кўп тармоқли машинасозлик комплекси салкам 300 та металлга ишлов бериш корхонасига эга бўлиб, шулардан 70 нафари 16 та тармоқ иттифоқ министрликлари системасига кирадиган машинасозлик корхоналаридир. Тармоқда банд кишиларнинг миқдори республика индустриясида ишловчи ҳамма кишиларнинг 40 процентидан ортиб кетади. Бу ерда ялпи маҳсулотнинг 16 проценти яратилиб, Ўзбекистон саноати асосий фондларининг анчагина қисми жамлангандир. Республикада 14 та давлат конструкторлик-технологик бюро ишлайди, улар пахтачилик, пахта тозалаш саноати, ирригация ва мелиорация, асбобсозлик ва бошқа тармоқлар учун машиналар ясайди, шунингдек машинасозлик билан боғлиқ 10 дан зиёд илмий-тадқиқот, лойиҳалаш институтлари ишламоқда.

Пахта комплекси учун республика ва бутун иттифоқнинг машиналар ва асбоб-ускуналарга бўлган эҳтиёжини таъминловчи трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги ҳамда электр техника саноати Ўзбекистон машинасозлигининг етакчи тармоқчаларидир. Енгил индустрия, қурилиш-йўл ва коммунал, авиация ва электрон саноати учун ҳам анча миқдорда маҳсулот чиқарилади, металл конструкциялар ва буюмлар ишлаб чиқариш, шунингдек ремонт ишлаб чиқариши кенг ривож топган.

Ўнинчи ва ўн биринчи беш йилликлар даврида Ўзбекистон ССРда ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва янги корхоналар қуриш бўйича катта иш қилинди. Жиззахда ишқорли аккумуляторлар ишлаб чиқариш заводи ишга туширилди, Тошкент трактор заводи реконструкция қилинди, Тошкент мотор заводи қувватлари ўзлаштирилмоқда, республиканинг бир қатор кичик шаҳарларида электротехника саноати, трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналарининг филиаллари барпо қилинди. «Средазкабель» ва «Средазэлектроаппарат» бирлашмалари корхоналари, Андижондаги «Электродвигатель» заводи ва кўпгина бошқа корхоналар реконструкция қилинди ва техникавий жиҳатдан қайта қуроллантирилди.

Буларнинг бари машинасозлик маҳсулотини анча кўп ишлаб чиқаришни таъминлади. Бироқ тарихан таркиб топган шарт-шароитлар ва регионал хусусиятлар туфайли Ўзбекистон ССР машинасозлиги ўз ривожланишида умумиттифоқдагига қараганда ҳозирча орқада қолмоқда.

Чунончи, агар СССРда умуман машинасозлик билан металлга ишлов бериш саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида 26 процентга тенг бўлса, Ўзбекистонда — 16 процентга тенгдир, меҳнат унумдорлиги эса республика тармоғида умумиттифоқдагига нисбатан салкам 90 процентни ташкил қилади. Мелиоратив техника, қурилиш-йўл машиналари, юқори вольтли аппаратуралар, озиқ-овқат саноати учун асбоб-ускуналар, автомобиллар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган, уларни ишлаб чиқариш фақат республика эҳтиёжларини қондирибгина қолмай, шунингдек транспортда юк ташишни камайтирган ҳам бўлур эди. Кейинги йилларда Ўзбекистон машинасозлик комплексида предмет бўйича ҳам, шунингдек технология, деталлар бўйича ҳам ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришда жиддий силжишлар бўлгани йўқ.

КПСС XXVII съезди машинасозлик комплексини биринчи навбатда тубдан

реконструкция қилиш ва илдам ривожлантиришни таъминлашни оғир саноатни ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири деб кўрсатди. Бизнинг республикамизда бу йўналишнинг амалга оширилиши қуйидаги йирик проблемаларни ҳал қилишни талаб этади:

— металга ишлов беришни қисқартириш ҳисобига ишлаб чиқаришни марказлаштиришни;

— предмет, деталлар бўйича ва технологик ихтисослаштиришни жиддий тарзда чуқурлаштириш билан боғлиқ бўлган тубдан техникавий, технологик ва ташкилий қайта қуришни;

— умуммашинасозликда қўлланиладиган маҳсулот ишлаб чиқаришни концентрациялаш ва ихтисослаштиришни;

— реконструкциялаш, кенгайтириш ва техникавий жиҳатдан қайта қуроллантириш, шунингдек янги корхоналар қурилишининг кенг миқёсли программасини амалга оширишни.

Истиқболда республиканинг машинасозлик комплексини ривожлантиришдан фан-техника тараққиётининг асосий йўналишлари Ўрта Осиёнинг регионал шарт-шароитларига мувофиқ келадиган принципиал жиҳатдан янги машиналар яратиш зарурлигидан келиб чиқиб белгиланиши керак. Бу аввало пахтачилик, пиллачиликни, ирригация ва мелиорация ишларини, дон экинлари етиштиришни, боғдорчилик ва узумчилик, чорвачиликни комплекс механизациялашни таъминлаш учун техника, шунингдек пахта тозалаш, ипакчилик, консерва, сут ва бошқа саноат тармоқлари учун технология асбоб-ускуналаридир.

Ўзбекистон машинасозлигининг ўсиш суръатларини жадаллаштириш пахтачиликни янада ривожлантириш, унинг моддий базасини мустаҳкамлаш вазифаси билан боғлиқдир. Шу муносабат билан мамлакатнинг пахта комплекси эҳтиёжларини таъминлаши лозим бўлган тармоқларга,— трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлигига, енгил ва озиқ-овқат саноати учун технология асбоб-ускуналари ишлаб чиқаришга, ирригация машинасозлиги ва асбобсозликка алоҳида роль ажратилади. Хусусан агросаноат комплекси эҳтиёжларини таъминлайдиган машинасозлик тармоқларининг салмоғи ҳали ҳам паст — машинасозлик маҳсулоти умумий ҳажмининг салкам 25 процентини ташкил қилади.

Ғўзани парвариш қилиш ва пахтани йиғиб-териб олиш жараёнларини комплекс механизациялаш учун юқори унумли ва тежамли техника ишлаб чиқариш — республиканинг трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлигининг энг муҳим вазифасидир. Бу вазифа қандай ҳал этиляпти? Ана шу маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажми 1970 йилдагига нисбатан икки баравардан зиёд кўпайди, шу давр ичида 20 дан ортиқ номда янги техника ишлаб чиқилди ва 8 номдаги машиналар тубдан модернизациялаштирилди. Тармоқ корхоналари пахтачиликни комплекс механизациялаш учун машиналарнинг амалда барча асосий турларини ишлаб чиқарадиган бўлди. Технология асбоб-ускуналарини харид қилиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва реконструкция қилиш ҳамда янги қурилиш учун талайгина миқдорда капитал маблағлар ўзлаштирилди.

Шу билан бирга республиканинг трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлигида ҳал қилинмаган проблемалар ҳам бор. Масалан, юқори энергияли тракторларнинг етарлича чиқарилмаслиги кенг қамровли агрегатлар самарадорлигини пасайтиради, ғўзага ишлов беришда юқорироқ тезликдан фойдаланиш имкониятини чеклаб қўяди. Бир ўтишда бир неча операцияни бажарадиган универсал пахта териш машиналари яратиш, ёрдамчи операцияларда қўл меҳнати (чигит ва заҳарли химикатлар ортиш, бункер ва тележкаларда пахта зичлаш, уларни тушириш ва шу кабилар) сарфини камайтириш самарадорлиги асослаб берилмаган. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янги техника билан тўлдириш жараёни қишлоқ хўжалик машиналари, трактор ва автомобилларнинг техникавий-иқтисодий параметрларидан максимал даражада фойдаланишни ташкил этиш, ремонт-ёрдамчи ишларни такомиллаштириш, техникани сақлашни яхшилаш соҳасидаги самарали тадбирлар билан мустаҳкамланмаётир. Тармоқ корхоналарида асосий ишлаб чиқариш фондлари ўсиш суръатларининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатларидан барқарор равишда ошиб бориш тенденцияси кўзга ташланмоқдаки, бу ҳол фонд сарфини кўпайтириб, фонд самарадорлигини камайтиради. Масалан, ўн биринчи беш

йилликда асосий ишлаб чиқариш фондлари 80 процент кўпайгани ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши атиги 18 процентни ва меҳнат унумдорлиги эса 11 процентни ташкил қилди.

Ўн иккинчи беш йилликда трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги маҳсулоти ишлаб чиқаришни 1985 йилдагига нисбатан 35—38 процент кўпайтириш режалаштирилмоқда, айни вақтда пахтачиликнинг эътирозлари ҳисобга олинган ҳолда машиналар комплекси сифат жиҳатдан тубдан янгиланиши керак. Юқори энергияли тракторлар, техника экинларини йиғиб-териб оладиган ва кейинчалик қайта ишлайдиган машиналар, ўсимликларни химиявий ҳимоя қилиш ва ғўза дефолиацияси учун, сабзавотчилик ва боғдорчиликни механизациялаш, тоғлар, тоғ этаклари, саҳролар ва ярим саҳроларни ўзлаштириш ва шу кабилар учун юқори унумли машиналар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга алоҳида эътибор берилади.

Пахтачилик техникасини қандай ҳажмда ишлаб чиқаришни унга илмий асосланган эҳтиёж билан боғлаш, ғўзани парвариш қилиш ҳамда пахта хом ашёсини қайта ишлаш жараёнларини, уларни комплекс механизациялашга, сўнгра эса автоматлаштиришга ўтилишини ҳисобга олиш зарур. Шу нарса сир эмаски, ватан пахтачилигида анъанавий таркиб топган хом ашёни йиғиб-териб олиш ва қайта ишлаш технологияси ҳар бир ҳосилдан олинадиган тола миқдорини кўпайтиришни таъминламайди. Ҳолбуки пахтачилик учун машиналар, асбоб-ускуналар ва приборларни тадқиқ этиш, лойиҳалаш ва ясаш билан эса ўнларча тарқоқ идоралар, ташкилотлар ва илмий бўлинмалар шуғулланади. Илмий ва тажриба-конструкторлик ишламаларининг тарқоқлиги, тажриба-экспериментал базалар қуввати ва жиҳозланишининг етишмаслиги жаҳон стандартларига мос келадиган юқори самарали техника яратилишига тўсиқ бўлиб келмоқда. Ғўзани парвариш қилишдан тортиб, хом ашёни саноатда қайта ишлашгача бўлган ҳамма жараёнларни ўз ичига оладиган ягона машиналар системасининг ҳалига қадар йўқлиги бежиз эмас. Ахир 1985 йилнинг декабридаёқ КПСС МК билан СССР Министрлар Совети тармоқлараро илмий-техника комплекслари яратиш ва уларнинг фаолиятини таъминлаш тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилган ва шунга биноан пахтани парвариш қилиш, йиғиб-териб олиш, ташиш, сақлаш, хом ашёни саноат йўли билан навларга ажратиш ва қайта ишлаш учун самарадор машиналар системасини ишлаб чиқиш мақсадида республикада пахта регионининг илмий-ишлаб чиқариш потенциалини жамлайдиган комплексни ташкил этиш учун зарур шарт-шароитлар тайёрланди. Ҳозирча эса пахта териш машиналари яратиш юзасидан тармоқлараро илмий-техника маркази (ТИТМ) тузилди.

Кейинги йилларда республика машинасозлиги енгил ва озиқ-овқат индустрияси учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдорини кўпайтириб бормоқда. Пахта тозалаш саноати учун технологик асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилаётгани ўринлидир. Зеро у ҳануз етишмайди. Бунинг натижасида пахта тайёрлаш пунктларида айрим турдаги ишларга (масалан, ғарамлар уйганда) қўл меҳнати анча сарф бўлмоқда. Етказиб берилаётган техниканинг сифатига ҳам эътирозлар бор. Аҳволни тузатишнинг йўли ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва техникавий жиҳатдан қайта қуроллантиришдир. Бунда мослашувчан автоматик ишлаб чиқаришлар ва автоматлаштирилган линиялар яратишни (рақамли бошқариш программалари бўлган мавжуд асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда) кўзда тутиш зарур.

Оддий деталлар ва буюмлар ишлаб чиқариш учун роторли ва ротор-конвейерли линиялар ўрнини ҳеч нарса босмайди. Ишлаб чиқаришни комплекс автоматлаштиришнинг бу йўналишлари реконструкция қилишда ва техникавий жиҳатдан қайта қуроллантиришда устунлик қила боради. Мослашувчан роботлаштирилган комплекслар пайвандлаш, йиғиш ва бўяш операцияларини автоматлаштиради, роторли линиялар валлар, дискалар, шкивлар (узатма тасмасини ҳаракатга келтирувчи ғилдираклар) ва бошқа оммавий деталлар ясашни ўз зиммасига олади. Буларнинг бари ишлаб чиқариш самарадорлигини анча оширади.

Ўн иккинчи беш йилликда ва узоқ муддатли истиқболда Ўзбекистон машинасозлиги умумиттифоқ эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб беришни муттасил кўпайтириб бориб, фан-техника тараққиёти суръатларини жадаллашти-

ришга кўмаклашиб, республика халқ хўжалиги эҳтиёжларини қондириш учун машина ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни ҳам кенгайтириши керак. Бу нарса машинасозлик ишлаб чиқариш аппаратини тубдан қайта қуришни ва капитал маблағлар структурасини такомиллаштириш негизида инвестиция сиёсатини қайта кўриб чиқишни, шунингдек ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш базасида тармоқни техникавий жиҳатдан қайта қуроллантириш вазифасини тезроқ ҳал этишни зарур қилиб қўяди.

Республика машинасозлигини ривожлантиришга ажратиладиган катта миқдордаги капитал маблағларни ўзлаштириш ишлаб чиқаришни янги машиналар, асбоб-ускуналар, жиҳозлар билан таъминлашга ёрдам берадики, бу халқ хўжалик тармоқлари учун, биринчи навбатда агросаноат комплекси учун янада самарали техника ишлаб чиқариш имконини беради. Бу тармоқнинг социал инфраструктурасини ҳам анча яхшилайди.

Ўзбекистон ССР машинасозлиги ривожланиши билан бирга ундаги асосий ишлаб чиқариш фондлари ҳам тез ўсиб бормоқда. Шуни таъкидлаш лозимки, халқ хўжалигини механизациялаш ва автоматлаштириш воситалари билан таъминловчи тармоқларда уларнинг ўсиши умуман машинасозликдагига нисбатан юқорироқ суръатлар билан боради. Машинасозликнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари структурасида бинолар, иншоотлар, узатиш қурилмалари ва транспорт воситалари салмоғининг пасайиши кўзда тутилган, бу асосий фондларнинг актив ва пассив қисмлари орасидаги нисбатнинг яхшиланишига, ишлаб чиқариш майдонларининг машина ва асбоб-ускуналар билан кўпроқ таъминланишига, меҳнатнинг фонд ва механизмлар билан кўпроқ қуролланишига ёрдамлашади. 2000 йилга бориб республика машинасозлигининг ишлаб чиқариш аппарати бутунлай янгиланиши керак, кейинчалик эса у ҳар ўн йилликда янгиланиб туради.

Машинасозлик корхоналарининг аксар кўпчилиги ҳозирча Тошкент, Самарқанд ва Андижон областларида тўпланган. Келгусида республиканинг бошқа областларида завод ва филиаллар қурилиши кўзда тутилади. Уларда сермеҳнат буюмлар ясашни йўлга қўйиб, бунинг ҳисобига ишлаб чиқариш майдонларини бош корхоналарда мураккаброқ маҳсулотлар чиқаришни ташкил этиш учун бўшатиб бериш мумкин. Бундан ташқари, кичик шаҳарлар ва район марказларидаги машинасозлик заводларининг филиаллари ўша ерларнинг саноат потенциалини анча оширади, региондаги кўпгина корхоналарнинг техника даражасига ижобий таъсир кўрсатади, тармоқ учун кадрлар тайёрлашга ёрдам беради.

Электр техника саноати, алоқа воситалари, подшипниклар ишлаб чиқариш ва шу кабиларда анча миқдорда филиаллар барпо қилиш мўлжалланмоқда. Металл кам сарфланадиган ана шу тармоқларни ривожлантириш республикалараро материаллар етказиб берилишини камайтиришга, шунингдек ишлаб чиқаришни деталлар бўйича ихтисослаштиришни ташкил этишга кўмаклашади, бу эса ходимларнинг юксак малакасини талаб қилмайди ва маҳсулотнинг юқори сифатли бўлишини таъминлайди.

Республикада машинасозлик ишлаб чиқаришини интенсивлаш ресурсларни тежаш ишининг кучайтирилишига ёрдам беради. Ўн иккинчи беш йилликдаёқ тармоқнинг ёқилғи, энергия, хом ашё ва материалларга бўлган эҳтиёжининг 75—80 проценти ресурсларни тежаш технологиясининг жорий этилиши негизида шунинг ҳисобига қондирилади.

Ўзбекистон ССРда машинасозлик маҳсулоти ишлаб чиқариш ва металлга ишлов беришнинг жами харажатларида материаллар салмоғи 62 процентдан кўпроқни ташкил этади, айрим кичик тармоқларда эса у анча юқоридир. Уларнинг умумий балансида металлар етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Республикамиз шароитида маҳсулотга металл сарфини 1 процентга камайтириш 30 минг тоннадан кўпроқ метални тежаш билан баравардир.

Ўзбекистонда машинасозлик маҳсулотининг умумий материал сарфини камайтириш проблемаси икки йўналишда: материаллардан (асосан металлардан) фойдаланиш коэффициентини ошириш ҳамда машиналар конструкциясини, технология жараёнларини такомиллаштириш, металл ўрнида бошқа нарсалардан фойдаланиш ва шу каби йўллар билан маҳсулотга материал сарфини камайтириш орқали ҳал қилинади. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, кам чиқитли ва чиқитсиз технологияни жорий этиш бошқа тадбирлар билан бир қаторда металлдан

фойдаланиш коэффициентини 0,08—0,85 процентгача кўпайтириш ва унинг чиқиндиларини 25—30 процент камайтириш имконини берадики, бу йилига 300 минг тоннадан зиёд металнинг тежалишини таъминлайди.

Машинасозликда полимерлар ва синтетик материаллар (пластмассалар, синтетик смолалар, химиявий толалар ва бошқалар)ни кенг қўлланиш катта иқтисодий наф келтиради. Пластмассалар металнинг ўрнида ишлатиладиган конструкцион материал сифатида энг катта аҳамиятга эга, машиналар ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришда уларни қўлланиш ҳажми доимо кўпайиб бормоқда. Истиқболда машинасозлик комплекси уларнинг энг йирик истеъмолчиларидан бири бўлиб қолиши керак.

Умуммашинасозликда қўлланиладиган маҳсулот ишлаб чиқаришнинг, жумладан тайёрлаш ишлаб чиқаришининг қолоқлиги ва айниқса техникавий даражасининг пастлиги республикада машинасозликнинг ривожланиш суръатларига салбий таъсир қиладиган омиллардан биридир. Бир қатор кичик тармоқларда, гарчанд ихтисослаштирилган ишлаб чиқаришга нисбатан меҳнат унумдорлиги 2—3 баравар паст, таннархи эса — 4—5 баравар юқори бўлса-да, уни ишлаб чиқариш юзасидан ўз қувватларини ошириб бориш давом этмоқда. Бундан ташқари, умуммашинасозликда қўлланиладиган маҳсулотни идоравий принципга кўра тайёрлаш, норационал кооперациялаштирилган алоқалар уёқдан буёққа юк ташилишига, транспорт харажатларининг кўпайиб кетишига сабаб бўлади. Хуллас, Ўзбекистон машинасозлиги комплексини янада ривожлантириш тайёрлаш ишлаб чиқаришини яхшилаш йўналишларини ишлаб чиқишни ҳам тақозо этадики, бу идоравий, тармоқ ва территориал нуқтаи назардан «ишлаб чиқариш — истеъмол» баланс расчетларига асосланади. Бу заготовкалардаги истиқболда кутилган камомадни белгилаш имконини беради, буни қоплаш учун республикада чўян, пўлат, рангдор қуймалар ва темирчилик заготовкалари ишлаб чиқариш комплексини вужудга келтириш зарур.

Истиқболда республиканинг машинасозлик корхоналарида маданий-маиший ва хўжалик буюмлари ишлаб чиқариш ҳажмини анча кўпайтириш мўлжалланади. Бу буюмларга бўлган эҳтиёж ҳозирча тўла қондирилаётгани йўқ.

Ўзбекистон ССР машинасозлик комплекси ривожланишининг илдам суръатлари республика иқтисодий потенциалини янада ошириб бориш борасидаги бир қатор йирик проблемаларни ҳал этиш билан боғлиқдир. Ўзбекистонда машинасозлик маҳсулоти ишлаб чиқаришни максимал даражада кўпайтириш умумиттифоқ меҳнат тақсимотида унинг роли ошишига ёрдам беради.

Бу жуда масъулиятли вазифадир. Бинобарин, уни ҳал этиш осон бўлмайди. Айниқса, Ўзбекистон Компартияси МК V пленуми (1987 йил март) қарорида қайд қилинганидек, машинасозликни жадал ривожлантириш тўғрисидаги талаб бажарилмаётир, корхоналарни икки-уч сменали иш режимига ўтказишдек катта резерв суст ишга солинмоқда; бир қатор корхоналарда давлат қабулини жорий этишга етарлича тайёргарлик кўрилмагани тўхтаб қолишлар ва маромнинг бузилишига, хўжалик юритишнинг янгича шароитларида ишлай олмасликка олиб келди; маҳсулот сифатини оширишда сезиларли силжишлар юз бермади.

Проблемалар кўп. Ўрток М. С. Горбачев КПСС МК 1987 йил июнь Пленумида таъкидлаганидек, «бутун машинасозлик комплексини тубдан қайта қуриш тўғрисида гап бормоқда». Бинобарин, Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги арафасида аввалги даврларда қилинган ишлар хусусида гапирилар экан, бугунги кунда олдимизда турган вазифаларни қандай қилиб яхширок ҳал этиш тўғрисида ўйлаш керак.

ШОНЛИ ЛЕНИНЧИ-РЕВОЛЮЦИОНЕР

Я. Э. РУДЗУТАК ТУҒИЛГАН КУННИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

Р. РАЖАБОВА,
тарих фанлари доктори

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ Улуғ Октябрь социалистик революциясининг яқинлашиб келаётган 70 йиллиги муносабати билан Совет халқига Мурожаатномасида шундай таъкидланади: «Ўзини социализм улуғ ишига бағишлаган барча кишилар ҳам бугунги кунда биз билан биргадирлар. Большевизмнинг қаҳрамонона анъаналарини бошлаб берган ҳамда коммунистик идеалларга астойдил содиқликни барча азоб-уқубатлар ва синовлардан олиб ўтган ленинчи-революционерларни, Ильич сафдошларини совет кишилари абадий миннатдорчилик билан ёдда сақлайдилар».

Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби, латиш халқининг содиқ фарзанди, матонатли профессионал революционер, истеъдодли сиёсий йўлбошчи, омма ташкилотчисининг ёркин ҳаёт йўлини босиб ўтган Ян Эрнестович Рудзутак (1887—1938 йиллар) ҳам ана шундай ленинчи-революционерлар плеядасига мансубдир. У пролетар революцияси ғалабаси, социализм қурилиши учун бўлган машаққатли кураш шароитида Ленин партиясининг масъулиятли топшириқларини бажариб, янги жамият бунёд қилиш ишига катта ҳисса қўшди.

* *
*

Батракнинг ўғли, болалигидан эрксиз меҳнат азобини тортган Я. Э. Рудзутак 16 ёшида қишлоқдан шаҳарга кетади. Пролетар ҳаёти бошланади, бу ҳаёт унинг характерини тоблади. У биринчи рус революциясида фаол иштирок этди.

Бу йилларда большевиклар таъсири анча ошди, улар озодлик курашининг боришига жиддий таъсир ўтказишарди. Кўплаб инқилобий руҳдаги ёшлар, илғор ишчилар, меҳнаткашлар бошқа табақаларининг энг яхши вакиллари Ленин партияси сафига кирдилар, улардан кейинчалик партия ва Совет давлатининг атоқли арбоблари етишиб чиқди. Улар орасида 1905 йилда большевиклар партиясига аъзо бўлган Ян Эрнестович Рудзутак хам бор эди. Кўп ўтмай у чор ҳукумати томонидан революцион фаолияти учун қамоққа олинди ва 10 йилга ҳукм қилинди. Чор казематларида бошдан кечирилган узоқ йиллик азоб-уқубатлар унинг саломатлигига путур етказди, лекин революционер иродасини бука олмади. Бу ерда у марксистик адабиётларни ўрганишни давом эттиради, ўзининг назарий қарашларини чуқурлаштиради, сиёсий эътиқодларини чархлайди.

Чоризм ағдариб ташланганидан сўнг москвалик ишчилар ва солдатлар 1917 йилнинг 1 мартида турмаларнинг эшикларини очиб юборишди. Ана шу куни озодликка чиққан сиёсий маҳбуслар орасида Я. Э. Рудзутак ҳам бор эди.

Большевиклар партияси очиқ ишлай бошлаган дастлабки кунларидан бошлабоқ куч тўплашга, ўз сафларини мустаҳкамлашга, омма орасида сиёсий

ишларни авж олдиришга киришди. Я. Э. Рудзутак Москва Советининг, кейинчалик эса Советнинг Москва область бюросининг инструктори сифатида Марказий саноат райони тўқимачилари ўртасида актив иш олиб борди. У партия топшириғига биноан тўқимачиларни Советлар теварагида жипслаштирди, касаба союзга бирлаштирди. Я. Э. Рудзутак соғлом, практик ақли, қатъий характери, масаланинг моҳиятини икир-чикирларга кўмилиб қолмасдан дарҳол илғай олиш қобилияти, қуруқ сафсаталарга нафрати, ноёб ташкилотчилиги ва ишбилармонлиги билан ишчилар ўртасида чуқур ҳурмат ва обрў-эътибор қозонди. У бир овоздан Москва область тўқимачилари касаба союзи правлениесининг секретари, кейинчалик эса тўқимачилар касаба союзи мувaққат Бутун Россия Марказий Советининг секретари қилиб сайланади. Я. Э. Рудзутак 1917 йилнинг октябрида Москвада қуролли қўзғолонда ва Совет ҳокимиятининг ўрнатилишида иштирок этади.

Ян Эрнестович Рудзутакнинг касаба союзларда намоён қилган мисли кўрилмаган ташкилотчилик қобилияти партия ва Совет ҳукуматига Октябрь революциясининг дастлабки кунлариданоқ ундан бутунлай хўжалик ишида фойдаланишга имкон берди. У тўқимачилик корхоналарида ишчи назоратини ташкил қилиш, маҳсулот ишлаб чиқаришни қайта тиклаш ва йўлга қўйиш билан шуғулланади. Кўп ўтмай уни Бутун Россия тўқимачилар союзининг раиси ва ВЦСПС аъзоси қилиб сайлашади.

1918 йилнинг майида партия Я. Э. Рудзутакни Олий халқ хўжалик кенгашига (ОХХК) ишга юборади, у бу ерда тўқимачилик саноати бўлимини бошқаради, ОХХК Президиуми аъзоси ва айни бир пайтда сув транспорти Бош бошқармаси олий коллегияси раиси бўлади. Бу ерда Я. Э. Рудзутакнинг социалистик экономика ташкилотчиси сифатидаги чинакам истеъдоди намоён бўлди. Унинг ишлаб чиқаришга тааллуқли қарашлари, баҳолари тобора чуқурлашиб, етилиб, янада асослироқ бўла борди. В. И. Ленин у тўғрида бежиз «Биз ҳаммамиз, кўп йиллардан буён касабачилик ҳаракатида ишлаб кўрмаган марказкомчилар ўрт. Рудзутакдан таълим олишимиз керак» демаган эди (Тўла асарлар тўплами, 42-том, 264-бет).

Я. Э. Рудзутакнинг Центротекстилга раҳбарлик қилиш муносабати билан Туркистон экономикасини, унинг асосий пахтачилик тармоғини яхши билардн, ОХХК уни 1919 йил октябрида ташкил этилган БМИК ва РСФСР ХКСнинг Туркистон ишлари бўйича Комиссияси составига киритишда буни ҳисобга олди. ОХХК Ян Эрнестович номзодини тавсия қилар экан, ундан «тўғри алоқалар ўрнатиш ва РСФСР билан Туркистон республикаси иқтисодий органларининг хўжалик сиёсатини мувофиқлаштириш»да фойдаланишни таклиф қилган эди. Турккомиссия аъзолари ўртасида вазифалар тақсимланганда ҳам бу ҳисобга олинди: унга Туркистоннинг барча иқтисодий органларига раҳбарлик қилишни юклашди.

Гражданлар уруши ва узоқ муддатли қамал Туркистон халқ хўжалигини бутунлай издан чиқарган эди. Ана шу шароитда Туркистон ўлкаси иқтисодий ҳаётини қайта тиклаш ва нормаллаштиришнинг мумкин бўлган ягона йўлини қидириб топиш учун қунт билан ишлаш лозим эди. Бу ерда Я. Э. Рудзутакнинг хўжалик ишининг моҳир ташкилотчиси, партия иқтисодий сиёсатининг ишончли тарқатувчиси сифатидаги энг яхши хусусиятлари тўла намоён бўлди. У Туркистондаги иқтисодий аппаратни қайта ташкил этишга, ўлка экономикасини қайта тиклашга ўзига хос ғайрат-шижоат билан киришди. Я. Э. Рудзутак Марказнинг иқтисодий сиёсатни амалга оширишдаги ижобий тажрибаси билан республика партия-хўжалик активини, иложи борича кенгроқ таништиришга интилиб мажлислар ва конференцияларда мунтазам равишда докладлар билан чиқади. У шу билан бир пайтда республика хўжалигини, бу ерда қарор топган иқтисодий муносабатларни чуқур ўрганади. Я. Э. Рудзутак ўлкага келганидан икки ойдан сўнг 1920 йилнинг январида Туркистон Компартиясининг V ўлка конференциясида «Иқтисодий сиёсат ва Туркистондаги аҳвол» деган темада доклад қилади, унда Туркистон республикасининг иқтисодий қайта тикланишининг бир бутун ва кенг программаси баён қилиб берилган эди.

Меҳнаткашлар оммасининг очарчиликка ва хўжаликдаги вайронгарчиликка қарши муваффақиятли курашишига ва ўлканинг барча ресурсларини фронт эҳтиёжлари учун сафарбар қилишга ёрдам берган Туркистон АССРдаги туб

иқтисодий ўзгартиришларни ғоят оғир шароитда амалга оширишга тўғри келди, у социал-сиёсий ҳамда миллий муносабатларнинг мураккаблиги билан характерланарди. Шу туфайли Турккомиссиянинг ва бевосита Я. Э. Рудзутакнинг ҳунармандчилик саноатини қайта тиклашга, ерларни деҳқонларга қайтариб беришга, маҳаллий аҳолига нисбатан шовинистик сиёсат олиб борган мустамлакачи унсурларни хўжалик органларидан қувиб чиқаришга, туб миллатларга мансуб меҳнаткашларни совет ва хўжалик қурилишига кенг жалб қилишга қаратилган фаолияти ҳал қилувчи аҳамият касб этаборди. Бу иш нафақат иқтисодий юксалишга кўмаклашди, шу билан бирга миллий муносабатларни соғломлаштириш, ўлка халқлари ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва дўстликни мустаҳкамлаш учун ишончли негизлар яратди.

Я. Э. Рудзутак миллий оғмачилар билан бўлган кескин тўқнашувларда ўзини содиқ марксчи-ленинчи, йирик партия ва давлат арбоби сифатида намоён қилди, бундай миллий оғмачилар буюк давлатчилик шовинизмига қарши бошланган курашдан фойдаланиб, партиянинг миллий масаладаги бош йўлини ревизия қилишга уринган эдилар. Турккомиссия аъзолари, аввало М. В. Фрунзе ва Я. Э. Рудзутак тутган қатъий позиция, уларнинг миллий оғмачилар хатти-ҳаракатларининг миллатчилик моҳиятини тушунтириш юзасидан актив иш олиб боришганлиги йўл қўйилган хатоларни бартараф қилишга ва партия ҳамда миллий-давлат қурилиши соҳасида ленинча принципларни қарор топтиришга ёрдам берди. Я. Э. Рудзутак ва Турккомиссия бошқа аъзоларининг Туркистондаги сиёсий ва хўжалик вазиятига беришган баҳоси, уларнинг ўлкада бундан кейинги партиявий ва совет иши олиб боришнинг йўллари, форма ва методлари тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари «РКП(б)нинг Туркистондаги асосий вазифалари тўғрисида»ги қарорни тайёрлаш чоғида РКП(б) МК томонидан ҳисобга олинди, бу тайёргарлик ишида В. И. Ленин ҳам бевосита иштирок этган эди.

1920 йилнинг бошига келиб гражданлар уруши фронтларида қўлга киритилган ғалабалардан сўнг мамлакат халқ хўжалигини тиклаш йўлига ўтди. Қасаба союзларини қайта қуриш масалалари хўжалик қурилиши практикасининг кечиктириб бўлмайдиган вазифаси сифатида илгари сурилган янги шароитда партиянинг IX съездида РКП(б) МК аъзоси қилиб сайланган Я. Э. Рудзутак яна ВЦСПСдаги ишга қайтади. Қасаба союз аппаратини қайта ташкил қилиш, бу аппаратнинг ўзгарган шароитдаги иш йўллари, форма ва методларини излаб топиш унинг диққат марказида бўлади. Қасаба союзларининг V Бутун Россия конференцияси Я. Э. Рудзутак ишлаб чиққан «Қасаба союзларининг ишлаб чиқариш соҳасидаги вазифалари тўғрисида»ги тезисларни маъқуллади ва тасдиқлади, бу тезисларга касаба союзларни демократиялаштириш тўғрисидаги ленинча ғоя асос қилиб олинган эди. В. И. Ленин оппозицион платформаларнинг партияга қарши, фракцион характерини фош қилар экан бу тезисларга бир неча марта мурожаат килган, уларга юксак баҳо берган эди (ТАТ, 42-том, 264-бетга қаралсин).

1921 йилнинг майида Я. Э. Рудзутак ВЦСПСнинг масъул секретари, сал кейинроқ эса — темирйўлчилар касаба союзи МҚ раиси қилиб сайланади.

Бутун мамлакатда бўлгани каби Туркистонда ҳам бошланган янги иқтисодий сиёсатга ўтиш маҳаллий коммунистлар олдига қатор кечиктириб бўлмайдиган проблемаларни кўндаланг қилиб қўйди, бу проблемалар РКП(б) X съезди қабул қилган миллий масалага доир резолюция муносабати билан яна ҳам кескинлашган эди. Бу резолюцияда тарихий аҳамиятга эга вазифалар қўйилган эди: турмушнинг барча соҳаларида миллий нотенглик қолдиқларини тугатиш ва барча халқларнинг амалдаги тенглигига эришиш; илгари эзилган миллатларнинг ўзининг орасидаги патриархал-феодал муносабатларга барҳам бериш ва уларни социализм қурилишига иштирок эттириш; чет ўлкаларда партия сафларидаги буюк давлатчилик шовинизмига ва буржуа миллатчилигига томон оғишларни бартараф қилиш ва у жойларда мустаҳкам ҳамда омма билан боғланган ҳақиқий коммунистик ташкилотларни барпо қилиш (КПСС съездлар, конференциялар ва МҚ пленумлари резолюциялари ва қарорларида (1898—1986). 2-том, 1917—1922, 9-нашри, тўлдирилган ва тузатилган. М., Политиздат, 1983, 360—370-бетларга қаралсин).

Бу мақсадларга эришиш Туркистон Компартиясининг бундан кейин ҳам

ғоявий-ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланишини, унинг омма орасидаги ишларининг кучайтирилишини астойдил тақозо этарди.

Бу шунинг учун ҳам айниқса муҳим эдики, касаба союзлари тўғрисидаги мунозара муносабати билан бу ерда буюк давлатчилик шовинистлари ва буржуа миллатчилари томонидан партия йўлига қарши хужумлар кучайган эди. 1921 йилнинг мартида РКП(б) МК Сиёсий бюроси мажлисларида партиянинг Туркистондаги сиёсати билан боғлиқ масалалар беш марта муҳокама қилинган эди. Марказий Комитет Турккомиссия ва Туркбюрога миллий масалада, турли хил миллий оғмачиларга қарши курашда партия йўлини қатъий ўтказишни топширди. Ўлкада партиявий-сиёсий раҳбарликни мустаҳкамлаш учун РКП(б) МК Ян Эрнестович Рудзутакни Турккомиссиянинг ва РКП(б) МК Туркбюросининг раиси қилиб тасдиқлади.

Я. Э. Рудзутак ўз тажрибаси, билимлари билан муҳим партиявий тадбирларнинг амалга оширилишига катта таъсир кўрсатди. Ер-сув ислоҳоти ўлканинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги йирик воқеалардан бири бўлиб, Я. Э. Рудзутак унда бевосита иштирок этган эди. У В. И. Ленинга хатида бу ислоҳот халқлар дўстлигини мустаҳкамлади, ўлкадаги чоризм, мустамлакачилик меросини аста-секин сиқиб чиқаришга ёрдам берди, деб қайд қилган эди.

Ян Эрнестович Рудзутак Туркистонга иккинчи марта қисқа муддатга келган бўлса-да, у Ўрта Осиёнинг кўп жойларида бўлди, туб аҳоли меҳнаткаш оммасининг кайфияти билан, уларнинг эҳтиёжлари ва орзу-умидлари билан танишди. У РКП(б) МК Туркбюроси раиси сифатида ёш Бухоро ва Хоразм халқ совет республикалари билан, уларнинг коммунистик партия ташкилотлари билан дўстона муносабатларни йўлга қўйишда ва интернационал алоқаларни мустаҳкамлашда катта роль ўйнади.

1921 йилнинг майида РКП(б) МК Пленуми Я. Э. Рудзутакни ВЦСПС секретариатига тавсия қилди. Кўп ўтмай у ВЦСПС бош секретари бўлади. 1921 йилнинг августида РКП(б) МК Пленумида Я. Э. Рудзутакни партия МК ташкилий бюросининг аъзоси қилиб сайлашади.

Ян Эрнестович Рудзутак ўзини бутунлай партия ишига бағишлайди. Унинг бутун вақти партия ва хўжалик қурилишининг, мамлакат ички сиёсий ҳаётининг ташкилий масалаларига сарф бўлар эди. 1922 йилнинг апрелида у Совет делегациясининг бошқа аъзолари билан бирга Генуяга иқтисодий ва молиявий масалаларга бағишланган халқаро конференцияга кетади. РКП(б) МК Пленуми (1922 йил май) Генуя конференцияси тугамасидан олдинроқ Москвага қайтиб келган Я. Э. Рудзутакнинг докладини тинглаб, совет делегациясининг тадбиркор сиёсатини юксак баҳолади.

Ян Эрнестович Рудзутак қаерда бўлмасин, қандай иш билан шуғулланмасин Туркистон халқлари тақдири билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсани ўзига жуда яқин олар, уларга ҳар доим эътибор берар эди. РКП(б) МК, шахсан В. И. Ленин унинг Ўрта Осиёни билишини юксак қадрлашар, Туркистонга оид масалалар юзасидан унинг компетентли фикр-мулоҳазаларига чуқур ҳурмат билан қарашар, партия ва ҳукуматнинг Туркистонга доир муҳим қарорларини ишлаб чиқишга уни ҳамиша жалб қилишар, ёш республика ҳаёти учун энг масъулиятли дамларда эса уни бу ерга юборишар эди.

Мамлакатнинг, шу жумладан Туркистоннинг иқтисодий ҳаётида кескин бурилиш йили бўлган 1922 йилда ҳам шундай бўлган эди. Янги иқтисодий сиёсат дастлабки ижобий самаралар бера бошлади. Саноатни, қишлоқ хўжалигини қайта тиклашдаги ютуқлар қувонарли эди. Бироқ ўлкадаги ҳарбий-сиёсий вазият ҳали ҳам кескин бўлиб қолмоқда эди. Янги иқтисодий сиёсат шароитида ғимирлаб қолган қулоқ-бой унсурлар томонидан қўллаб-қувватланаётган босмачилар бош кўтара бошлади.

РКП(б) МК юзага келган вазиятнинг жиддийлигини ҳисобга олиб, Туркистон АССР партия ташкилотига, шунингдек 1922 йилда РКП(б) составига кирган Бухоро ва Хоразмнинг ёш компартияларига ёрдамни кучайтирди. Ўрта Осиёдаги ана шу учта компартия фаолиятини мувофиқлаштириб туриш ва уларга раҳбарликни яхшилаш мақсадида РКП(б) МК Туркистон бюросини Ўрта Осиё бюроси қилиб қайта ташкил этди ва Я. Э. Рудзутакни бюро раиси қилиб тайинлади.

ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси маҳаллий партия ташкилотлари фаолиятини

активлаштириш юзасидан ишни авж олдириб юборди. Шу жиҳатдан Туркистон Компартиясининг VII конференцияси муайян роль ўйнади, уни тайёрлашда Я. Э. Рудзутак иштирок этган эди. У конференция очилишидан сал илгари Туркистонга оид масалаларни муҳокама қилиш учун Москвада В. И. Ленин билан учрашган эди.

1922 йил 16 октябрда Я. Э. Рудзутак Туркистон Компартиясининг VII конференциясида «Коммунистик партия ва Совет ҳокимиятининг Туркистон республикасидаги навбатдаги вазифалари» деган темада доклад қилади. Докладдаги Туркистондаги вазиятга ва унинг партия ташкилоти фаолиятига берилган баҳо, долзарб проблемаларни ҳал этишга конкрет ёндашув конференция ишига ишчанлик руҳи бахш этди, конференция партия қурилиши соҳасида кенг программани белгилади. Туркистон Компартиясининг 1923 йил мартида бўлиб ўтган VII съездидаёқ Я. Э. Рудзутак мамнуният билан шундай деган эди: «бизнинг партиямиз Туркистонда беморлик тўшагидан партиявий ишнинг мутлақо соғлом йўлига тушиб олди. Менимча, айни шу ҳол бизнинг партиявий турмушимизнинг энг қимматли ютуғидир». Туркистон, Бухоро ва Хоразм коммунистик ташкилотларининг ғоявий-ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланиши Ўрта Осиё халқларининг хўжалик, социал ва маданий соҳаларда муваффақиятли ривожланишини таъминлади.

РКП(б) МК ана шуни ҳисобга олиб, шунингдек ўлка меҳнаткашларининг ўз тақдирини ўзи белгилашга бўлган интилишидан келиб чиқиб 1924 йилда Ўрта Осиёда миллий-давлат чегараланишини ўтказишни зарур деб топди. РКП(б) МК Ташкилий бюроси бу масалани муҳокама қилиб, Ўрта Осиё бюроси раиси Я. Э. Рудзутакка шарт-шароитларни ва маҳаллий партия ҳамда совет органларининг бу ишни амалга ошириш имкониятлари ва унинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги таклифларини ўрганишни топширди.

РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси махсус комиссиясининг бу масалага доир хулосалари РКП(б) МК Сиёсий бюросининг Ўрта Осиё республикаларининг миллий-давлат чегараланиши тўғрисидаги қарорига асос бўлди. 1924 йил октябрда РКП(б) МК Пленумида Ян Эрнестович Рудзутак миллий-давлат чегараланишининг Ўрта Осиёда яшовчи халқларнинг равнақ топиши учун катта аҳамиятга эгалигини таъкидлади.

Шу йили Я. Э. Рудзутак янги лавозимга тайинланиши муносабати билан РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси раиси вазифасидан озод қилинди. Бироқ кейинчалик ҳам у қандай лавозимда бўлмасин — алоқа йўллари халқ комиссари, СССР ХКС ҳамда Меҳнат ва мудофаа кенгаши раисининг ўринбосари, Марказий контрол комиссияси ва Ишчи-деҳқон инспекцияси раиси лавозимларида ишлаганида ҳам ҳар доим муҳим воқеалар марказида бўлди, мамлакатни индустриялаштиришда, қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришда бевосита иштирок этди, партиянинг оппортунизмга қарши курашида ленинча йўлни изчил ҳимоя қилди. Ян Эрнестович Рудзутак революцион матонати, коммунистик эътиқоди, партия ишига чексиз садоқати билан меҳнаткашларнинг чуқур ҳурматига сазовор бўлди. Унинг номи совет халқи хотирасида абадий сақланиб қолади.

Партия ленинизм руҳини иложи борича тўлароқ қайта тиклашга, кадрларга нисбатан ленинча талабларни қарор топтиришга интилаётган ҳозирги шароитда шонли ленинчи-революционер Ян Эрнестович Рудзутак ҳаёти коммунистик идеалларга фидокорона хизмат қилишнинг маънавий намунаси ҳисобланади.

МОДДИЙ-ТЕХНИКА РЕСУРСЛАРИ УЗЛУКСИЗ ЕТКАЗИБ БЕРИЛСИН

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ҳозирги миқёслари, унинг юксак даражада ихтисослашуви ва кенг кооперациялашуви шароитида корхона ва ташкилотларнинг белгиланган ҳажм ва номенклатурадаги маҳсулотларни етказиб бериш топшириқларини қатъий бажаришлари халқ хўжалиги барча бўғинларининг аниқ ишлашини таъминловчи муҳим таркибий қисмдир.

Партия ва ҳукуматимизнинг сўнгги йилларда қабул қилган қатор қарорларида моддий-техника ресурсларини мукаммал етказиб бериш зарурлиги қайд қилинган. Лекин умуман мамлакатда ва бизнинг республикамизда ҳам халқ хўжалигининг бу участкасидаги ишлар ҳозирча кўнгилдагидек эмас. Ўзбекистон Компартияси МКнинг V пленумида (1987 йил май) қайд қилинганидек, республикадаги корхоналарнинг ҳар тўрттасидан бири шартнома мажбуриятларига амал қилмаяпти.

Практиканинг кўрсатишича, корхоналарда сменалар ичидаги бекор туриб қолишларнинг анчагина қисмига материалларнинг етишмаслиги сабаб бўляпти. Бунда бир қарашда хом ашёнинг иккинчи даражали бўлиб кўринган бир турининг йўқлиги туфайли ҳам ишлаб чиқариш жараёни тўхтаб қолиши ёки унинг нормал суръати бузилиши мумкин.

Маълумки, маҳсулот етказиб бериш интизомини мустаҳкамлаш мақсадида, «шартномаларга мувофиқ маҳсулот етказиб бериш ҳажми» деган баҳо кўрсаткичи жорий этилган эди. Шундан кейин СССР Госснабининг территориал органларида, шу жумладан Ўзбекистон ССРда ҳам маҳсулот етказиб бериш бошқармалари ва бўлимларини кучайтириш ҳамда истеъмолчиларни моддий-техника ресурслари билан таъминлашда уларнинг ролини ошириш юзасидан ташкилий ўзгаришлар қилинди. Бу мутлақо табиий ҳол эди: чунки ҳар бир корхона маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома мажбуриятларини ҳам номенклатура, ҳам уларни етказиб бериш муддатлари бўйича қатъий бажарган тақдирдагина хом ашё ва материаллар билан нормал таъминлашни йўлга қўйиш мумкин.

Таъминот органлари ва саноат корхоналари учун янги баҳо кўрсаткичининг жорий этилиши муайян ижобий натижалар берди. 1986 йилда маҳсулот етказиб бериш 1985 йилдагига нисбатан сезиларли яхшиланди.

Шу билан бирга республикага моддий-техника ресурсларининг баъзи танқчил турларини етказиб бериш планлари бажарилмаганлиги оқибатида бир қанча корхоналар ишни бир меъёрда ташкил этишда катта қийинчиликларга дуч келдилар. Масалан, 1986 йилда қора металлар прокати етказиб бериш плани 97,5 процент, чўян ва ферросплав етказиб бериш плани 90,7 процент, иморатбоп ёғоч етказиб бериш плани 74,2 процент, ёғоч-тахта етказиб бериш плани 81,8 процент бажарилди. Натижада Ўзбекистон корхоналари 30 минг тоннадан зиёд қора металлар прокатини, 800 тонна чўян ва ферросплавларни, 600 минг куб метрга яқин иморатбоп ёғочни, 400 минг куб метрдан зиёд ёғоч-тахта ва шу сингариларни кам олди.

Маҳсулот етказиб берувчиларнинг шартнома мажбуриятларини бажармаслиги натижасида 1986 йилда республикадаги 130 дан зиёд саноат корхонаси (улар умумий сонининг 10 процентга яқини) маҳсулот реализация қилиш ва етказиб бериш топшириқларини бажармади. Маҳсулот етказиб берувчилардан баъзиларининг шартнома мажбуриятларини бузиши одатда бошқаларининг шу мажбуриятларни бажармаслигига олиб келадики, бу оқибат натижада умуман Ўзбекистон ССРни социал-иқтисодий ривожлантириш планларини бажаришни қийинлаштиради.

Шуни айтиш керакки, КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг маҳсулот етказиб беришга доир шартнома мажбуриятларига риоя этиш ҳамда бу ишда министрликлар, идоралар ва корхоналар масъулиятини ошириш тўғрисидаги қарори (1983 йил апрель) қабул қилинганидан кейин республикамизда бу соҳада муайян ижобий силжиш рўй берди. Ички завод планлаштириши, шартнома интизомига риоя этилишини ҳисобга олиш ва назорат қилишни уюштириш яхшиланди, реализация бўлимлари мустаҳкамланди, уларнинг таъминот бўлимлари ва ишлаб чиқаришнинг бошқа участкалари билан ўзаро алоқалари кучайтирилди. Буларнинг ҳаммаси маҳсулот етказиб бериш интизомини, бинобарин, тузилган шартномаларни ва ижро учун қабул қилинган нарядларни (буюртмалар-

ни) эътиборга олиб маҳсулот реализация қилиш планини кўнгилдагидек бажариш учун муайян гарантиялар яратди. 1984 йилда бу кўрсаткич 95,6 процент, 1985 йилда — 96,3, 1986 йилда эса —98,6 процент бажарилди.

Бироқ шартнома интизомини мустаҳкамлашда ҳали туб бурилишга эришилганича йўқ. Маҳсулотнинг турли хилларини етказиб бериш топшириқларини бажармаётган корхоналар сони ҳали ҳам жуда кўп (1987 йил биринчи ярми якунларига кўра ҳар уч корхонадан бири). Жами реализация ҳажмида шартнома мажбуриятларига риоя этмасликдан иборат салбий тенденция давом этиб келмоқда, бу Ўзбекистон халқ хўжалигининг етакчи тармоқлари учун айниқса характерлидир.

КПСС МК апрель (1985 йил) Пленумида хом ашё, ёқилғи, комплектлаш буюмлари ва бошқа материалларни ўз вақтида, сифатли етказиб бериш масъулият ва интизом тўғрисидаги масаланинг муҳим жиҳати эканлиги қайд қилинди. Ҳар қандай объектив шароитлардан қатъи назар шартнома мажбуриятлари бажарилиши учун талабчанлик муттасил ошириб борилиши керак деб таъкидланди. Мамлакатнинг моддий-техника таъминоти системаси КПСС XXVII съезди кўрсатмасига мувофиқ халқ хўжалигининг бир маромда ва барқарор ишлашига ёрдам берадиган пишиқ иқтисодий механизмга айланиши лозим. Лекин республиканинг қатор корхоналари учун ҳали ҳам ишдаги ритмсизлик характерлидир.

Моддий ресурсларни узлуксиз етказиб бериш кўп жиҳатдан ишлаб чиқариш-техника маҳсулотларини тайёрловчидан истеъмолчига етказишда қандай формалар қўлланилишига боғлиқ. Бунда турли моддий ресурслар учун бу формалар ҳар хил бўлиши мумкинлигини назарда тутиш лозим. Ҳозирги пайтда маҳсулот етказиб беришнинг омбор орқали ва транзит каби анъанавий формалари билан бир қаторда узоқ муддатли бевосита хўжалик алоқалари, гарантияланган комплекс таъминот, улгуржи савдо ва бошқа прогрессив формалари мавжуд. Улар ўртасидаги энг оптимал нисбатга эришиш — мураккаб ва ғоят актуал проблемадир. Бу проблемани ҳал этишда маҳсулотни тайёрловчидан истеъмолчига етказишдаги муомала чиқимларини жуда камайтириш, етказиб бериладиган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш эҳтиёжларига ниҳоятда тўлиқ мувофиқлиги, маҳсулот тайёрловчи корхоналар қувватларини иш билан рационал банд қилиш, моддий ресурсларнинг энг оптимал йиғинди запаслари, маҳсулот етказиб беришга оид ҳужжатларнинг қамроқ айланиши сингари омиллар эътиборга олиниши керак.

Ҳозирги пайтда транзит формасидан омбор формасига нисбатан кўпроқ фойдаланилаётганини қайд этиш керак. Лекин бундай нисбат корхоналар эҳтиёжларига мос эмас. Ундан ташқари, омбор формасининг етарли қўлланилмаслиги гарантияланган комплекс таъминот, маҳсулотни марказлаштирилган усулда етказиб бериш, буюртмаларга мувофиқ таъминлаш ва бошқа илғор формаларнинг ривожланишига кўп жиҳатдан тўсқинлик қилади.

Ҳозирги шароитда омбор орқали маҳсулот етказиб бериш ҳажмларини кўпайтириш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Фикримизча, транзит нормадан кам маҳсулот оладиган ҳамма истеъмолчиларни омборлардан маҳсулот олишга ўтказиш керак. Шунда маҳсулот етказиб берувчи кўпгина ташкилотлар таъминот-реализация ташкилотлари номига маҳсулот жўнатилишини йириклаштира оладилар. Шу тариқа майда истеъмолчиларни таъминлаш яхшиланади, норационал юк ташиш қисқаради. Омбор орқали маҳсулот етказиб бериш корхоналарнинг бир меъёрда ишлаши учун гарантия яратади, нормативдан ортиқча моддий запасларни кўп жиҳатдан камайтириш ва оборот маблағларининг оборотини жадаллаштиришга имкон беради.

Бироқ маҳсулот етказиб беришнинг омбор формасини интенсив ривожлантиришга асоссиз тўсқинлик қилинмоқда. Баъзи иттифоқ таъминот-реализация органлари, жумладан Союзглавметалл майда буюртмаларни нарядлар билан таъминламайди, моддий-техника ресурслари истеъмолчиларини маҳсулот етказиб берувчиларга бириктириб қўйишни кўпинча пайсалга солади, маҳсулот етказиб бериш муддатларини территориал органлар билан келишмай орқага суриб қўяди ва ҳатто уларнинг ҳажмини камайтиради. Шу сабабли республикада кенг номенклатурадаги маҳсулотнинг зарур запасини ғамлаб қўйиш имконияти ҳамиша ҳам топилавермайди.

Кейинги пайтда Ўзбекистонда маҳсулот етказиб берувчилар билан истеъмолчиларнинг бевосита узоқ муддатли хўжалик алоқалари сингари илғор форма анчагина ривож топди. Одатда бу алоқалар оммавий ва кўп серияли ишлаб чиқариш учун хом ашё ҳамда материаллар, шунингдек пировард маҳсулот тайёрлаш технологияси туфайли корхоналарни бир-бири билан боғлаб турган ярим фабрикатлар етказиб беришга тааллуқлидир.

Бевосита хўжалик алоқалари шароитида истеъмолчилар маҳсулотнинг ассортименти, сифати, етказиб бериш муддатлари, шартномаларга мувофиқ ҳисоб-китоб шартлари хусусидаги ҳамма масалаларни маҳсулот етказиб берувчилар билан бевосита келишиб оладилар. Бундай ўзаро алоқалар, шубҳасиз, маҳсулот етказиб бериш интизомини мустаҳкамлайди. КПСС XXVII съезди СССР Госснаби олдига маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасида бевосита узоқ муддатли хўжалик алоқа-

лари ўрнатилишига фаол ёрдам бериш вазифасини қўйганлиги бежиз эмас.

Бизнинг республикамизда бевосита узоқ муддатли хўжалик алоқалари бўйича маҳсулот етказиб бериш ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Масалан, 1981—1985 йилларда бу кўрсаткич асосан металлар прокати, машинасозлик маҳсулоти, химикатлар ва бошқа моддий ресурслар етказиб беришнинг кўпайиши ҳисобига 31 процент ошди. 1986 йили бевосита узоқ муддатли хўжалик алоқалари бўйича маҳсулот етказиб бериш ҳажми қарийб 660 миллион сўмни ташкил этди. Агросаноат комплекси корхоналарини ва хўжалик юритишнинг янги шароитларига ўтган корхоналарнинг кўпчилигини бевосита узоқ муддатли хўжалик алоқалари усулига ўтказиш тугалланди.

Бевосита узоқ муддатли хўжалик алоқаларининг самарадорлигини белгилашда қуйидаги омиллар: энг оптимал миқдорда материал олиш ҳисобига моддий чиқимларни камайтириш, оқилона бичиш туфайли материалларга ишлов беришга кетадиган меҳнат сарфини камайтириш, материалларни алмаштиришни қисқартириш ҳисобига материал ва меҳнат сарфини камайтириш, етказиб бериладиган маҳсулотнинг сифат хоссаларини аниқлаш натижасида чиқимларни камайтириш, материалларни ташиш вақтини қисқартириш ва ишлаб чиқариш запаслари даражасини камайтириш йўли билан оборот маблағларининг оборотини жадаллаштириш, материаллар билан ўз вақтида таъминлаш туфайли асбоб-ускуналарнинг пландан ортиқча бекор туриб қолишини камайтириш ҳисобига товар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши, юқори сифатли маҳсулот реализация қилиш ҳажмини кўпайтириш ва шу кабиларни эътиборга олиш керак. Афсуски, амалда узоқ муддатли бевосита хўжалик алоқаларининг самарадорлигига ҳамиша ҳам юқорида кўрсатилган омиллар асосида эришилмайди.

Кейинги ўн йилда маҳсулот етказиб беришнинг бошқа илғор формаси — гарантияланган комплекс таъминот кенгроқ оммалаша бошлади. Унинг моҳияти шундаки, территориал таъминот-реализация органлари таъминотчиларга ажратилган фондларни ҳам умумдавлат системаси база ва омборларидан ҳам келишиб олинган графикларга мувофиқ маҳсулот истеъмол қилинадиган жойга транзит усулида етказиб бериш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар. Таъминотнинг шу формаси шароитида корхоналар моддий ресурслар етказиб берилишига оид ҳамма масалаларни бевосита территориал таъминот органлари билан ҳал этадилар.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда йигирмадан зиёд министрлик ва идорага қарашли, шу жумладан станок асбобсозлиги, электротехника, химия, газ саноати, тракторсозлик ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги тармоқларига оид 110 ишлаб чиқариш бирлашмаси ва корхонаси гарантияланган комплекс таъминотига ўтказилган. 1986 йилда гарантияланган комплекс усулда маҳсулот етказиб бериш ҳажми 179 миллион сўмни ташкил этди ва умуман Ўзбекистон ССР Госснабининг таъминот-реализация ташкилотлари истеъмолчиларни комплекс таъминлаш юзасидан олган шартнома мажбуриятларини бажарди. Истеъмолчиларда ишлаб чиқариш запасларини қисқартириш, моддий ресурслар оборотини жадаллаштириш, таъминот органлари кўрсатадиган хизматларни кенгайтириш ҳисобига гарантияланган комплекс етказиб беришнинг самарадорлигига эришилади.

КПСС МК июнь (1987 йил) Пленуми қарорлари асосида ишлаб чиқариш-техника маҳсулотининг улгуржи савдо сингари маҳсулот етказиб бериш формасининг роли биринчи даражали аҳамият касб этмоқда. 1986 йилда шу форма ёрдамида республикадаги истеъмолчиларга 280 миллион сўмликдан зиёд хилма-хил моллар реализация қилинди. Шу йилнинг ўзида Ўзбекистон ССР Госснаби системасида илмий ташкилотларни буюртмаларга мувофиқ улгуржи савдо ёрдамида таъминлашни яхшилаш иши ўтказилди. Бундай форма истеъмолчиларнинг эхтиёжларини қондириш муддатларини маҳсулот етиб келадиган даврга яқинлаштириш, моддий ресурслар оборотини жадаллаштириш, уларнинг ҳаракатчанлигини ошириш ҳамда дастлабки буюртма олишнинг мураккаб, серманҳат ва кам самарали системасидан воз кечиш имконини беради. «Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқ улгуржи савдо кенгайиши ва корхоналарни моддий-техника жиҳатдан таъминлашнинг асосий формаси бўлиб қолиши керак.

Ишлаб чиқариш-техника маҳсулотини истеъмолчиларга етказишнинг илғор формаларини янада ривожлантириш моддий ресурслар етказиб бериш интизомини мустаҳкамлаш ва умуман Ўзбекистон ССРда моддий-техника таъминоти системасининг самарадорлигини оширишга имкон беради, бу КПСС XXVII съезди қарорлари асосида республика олдида турган масъулиятли социал-иқтисодий вазифаларни бажаришга ижобий таъсир кўрсатади.

З. ПОТАПОВА,
иқтисод фанлари кандидати.

ИМПЕРИАЛИЗМНИНГ ФОРС ҚЎЛТИҒИ ЗОНАСИ АРАБ МАМЛАКАТЛАРИДАГИ СИЁСАТИ

Т. САТТОРОВ,
тарих фанлари доктори

ИМПЕРИАЛИЗМНИНГ мустамлакачилик системаси барбод бўлганлиги, унинг вайроналари ўрнида ўнлаб мустақил давлатлар вужудга келганлиги миллий-озодлик революцияларининг тарихий ғалабаси бўлиб, улар дунёдаги кучлар нисбатига катта таъсир кўрсатди. Мустақиллик йиллари мобайнида уларнинг кўплари хўжалик ва маданий қурилишда, миллий давлатчиликни мустаҳкамлашда, халқаро майдонда ўз ҳуқуқлари учун курашда сезиларли муваффақиятларга эришдилар. «Бироқ,— деб қайд қилинади КПСС Программасида,— тажриба уларнинг сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий ва социал янгиланиш йўлини мустамлака ва ярим мустамлака ўтмишининг мероси, империализмнинг хатти-ҳаракатлари жиддий мушкуллаштиришини кўрсатди».

Форс қўлтиғи зонасида жойлашган, халқаро, биринчи навбатда Америка империализмининг алоҳида «мурувватидан» фойдаланувчи — Саудия Арабистони, Қувайт, Қатар, Баҳрайн, Уммон ва Бирлашган Араб Амирликлари (БАА) каби давлатлар бунга ёркин мисол бўла олади. Бундай «мурувват»нинг сабаби нимада?

Маълумки, Ер шарининг чўлсимон районларидан бирида жойлашган Қувайт, Қатар, Баҳрайн, Уммон ва БАА территориялари ва аҳолисининг сони жиҳатидан «жуда кичкина» давлатлар типига киради. Масалан, 70-йиллар охирига келиб Уммон ва Қувайтнинг ҳар бирида тахминан 500 минг кишидан, БАА да 200 минг, Баҳрайнда — 220 мингга яқин ва Қатарда — 70 минг кишидан иборат туб аҳоли яшар эди. Территорияси жиҳатдан Араб Шарқидаги энг йирик мамлакат бўлган Саудия Арабистонида ҳам туб аҳоли сони 80-йиллар ўрталарига келиб беш миллион кишидан сал ошар эди.

Форс қўлтиғи зонасига Ғарбнинг жиддий эътиборини тортадиган сабаб ва шароитлар анчагина. Уларнинг энг муҳимлари қуйидагилардан иборат.

Бу региондаги араб мамлакатлари Форс қўлтиғининг Ҳинд океанига ва Қизил денгизга чиқиш йўлига эга соҳилида жойлашган. Уларнинг Совет Иттифоқи чегараларига яқин жойлашганлиги халқаро, аввало Америка империализми учун алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, буржуа идеологларининг Саудия Арабистони, Қувайт, Қатар, Баҳрайн, Уммон ва БААни «мўътадил» давлатлар деб аталадиган давлатлар жумласига киритишлари бежиз эмас, уларнинг ҳукмрон доиралари Яқин ва Ўрта Шарқдаги миллий-озодлик революцияларидан қўрққанидан империалистик мамлакатлар, биринчи навбатда АҚШ билан антикоммунизм, қатор ҳолларда эса антисоветизм негизидаги алоқаларни мустаҳкамлашга уриндилар.

Ва, ниҳоят,— Арабистон ярим оролининг табиий бойликлари, улардан энг асосийси бўлган — нефть. Ҳозирги пайтда етакчи капиталистик ва ривожланаётган мамлакатлардаги исботланган нефть запаслари салкам 80 миллиард тоннани ташкил қилади, улардан фақат Саудия Арабистонига 22,5 миллиард тонна, Қувайтга — 8,9 миллиард, Бирлашган Араб Амирликларига — 4,2 миллиард тонна тўғри келади.

Арабларнинг нефтини «жуда арзон», «энг фойдали», «серҳосил», «сердаромад» нефть дейишади, бу мутлако тўғри. 70-йилларда биргина кудук АҚШдагига караганда 330 баравар, Венесуэладагига караганда 12 баравар кўпрок нефть берган эди, айтмокчи, бу кудукларнинг ҳаммаси фонтан типидаги кудуклардир.

Якин Шарк мамлакатлари иш кучининг арзонлиги билан ҳам монополияларни ўзига жалб килар эди. Чунончи, 60-йиллар охирида нефть конларида ишлайдиган арабларга АҚШдаги нефтчи-ишчиларга караганда 7—8 баравар кам ҳак тўланар эди. Буларнинг ҳаммаси Арабистон яриморолидаги нефть конларини казишга кетадиган сарф-харажатларни анча кискартирган эди.

Натижада 70-йиллар ўрталаригача араб мамлакатларининг нефть саноатида ҳукмронлик килган, «етти опа-сингил» деб аталадиган — Американинг «Стандарт ойл компани оф Нью-Джерси», «Стандард ойл компани оф Калифорния», «Техас инкорпорейтед», «Галф ойл» ва «Мобил ойл», шунингдек Англиянинг «Бритиш петролеум компани» ва Англия-Голландиянинг «Ройял-Датч шелл групп» деган йирик нефть казиш монополиялари бу ерда, масалан, Америка монополияларининг ўз мамлакатидаги нефть саноатига сарфлаган маблағларидан олган фойдасига нисбатан ниҳоятда юкори фойда олган эдилар. Ана шу монополияларнинг араб мамлакатларида олган ўртача йиллик фойдаси 60-йилларда 66 процентни, 70-йиллар бошига келиб эса 100 процент ва ундан ҳам кўпрокни ташкил этди. Ана шундай кўрсаткич, масалан, АҚШда 10 процентдан ошмаган эди.

Якин Шарк капиталистик дунё учун энг йирик нефть манбаи бўлиб колди. Ўз вактида Ғарбий Европа ўзига зарур нефтнинг 70 процентини, Япония эса — 85 процентини араб мамлакатларидан импорт килган эдилар. АҚШ 1967 йилдан бошлаб Якин Шарк нефтини импорт килишни кўпайтира борди, бундай нефть микдори 80-йиллар бошига келиб мамлакат истеъмоли умумий ҳажмининг 30 процентдан кўпроғини ташкил этди. Бунда нафакат Ер шаридаги нефтга энг бой давлатлардан бири, шу билан бирга дунёдаги энг йирик нефть экспортчиси бўлган Саудия Арабистони Америка Қўшма Штатларига «кора олтин» етказиб берувчи асосий мамлакат бўлиб колди.

Шундай килиб, Якин Шарк мамлакатларининг социал-иктисодий ва стратегик аҳволи халкаро империализмнинг мазкур регионидаги сиёсатини белгилайди. Капиталистик давлатлар ўртасида бу регион учун кураш тинмаяпти. Бунинг устига, Америка Қўшма Штатлари ҳукмрон доиралари сўнгги йилларда Форс кўлтиғини АҚШнинг алоҳида ҳаётий манфаатлари зонаси деб эълон килди ва шунга мувофик сиёсат олиб боришмокдаки, у маккорона ва авантюрадан иборат хатти-ҳаракатларни ҳам истисно килмайди.

Қатор давлатларнинг (Жазоир Халк Демократик Республикаси, Сурия Араб Республикаси ва Яман Халк Демократик Республикаси) социалистик йўлни танлаганлиги регионидаги миллий-озодлик революцияларининг катта ғалабаси бўлди. Форс кўлтиғи зонасидаги монархиялар ҳам озодлик революцияларидан четда колмади. Айни шу 60-йилларда ва 70-йиллар бошида — империализмга карши кураш авж олган даврда — улардан кўпчилиги — 1961 йилда — Қувайт, 1971 йилда — Баҳрайн, Қатар ва Бирлашган Араб Амирликлари сиёсий мустакилликка эга бўлдилар.

Бу мамлакатларнинг иктисодий ҳаётида, айникса валютага оид киримларнинг асосий манбаи бўлган нефть билан боғлик соҳаларида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Чунончи, Форс кўлтиғидаги араб мамлакатлари Нефтни экспорт килувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК) доирасида нефтга бозор баҳоларининг жиддий оширилишига эришдилар. Масалан, Саудия Арабистонида казиб олинадиган бир баррель нефть 1970 йилда ўртача 2 долларга сотилган бўлса, 1980 йилда 34 долларга сотиладиган бўлди. Ундан ташкари, Баҳрайнда, Қатарда, Қувайтда, Уммонда, БААда ва Саудия Арабистонида нефть саноатида миллий давлат назорати ўрнатилди, бу халкаро, айникса Америка капиталининг бу мамлакатларнинг сиёсий ва иктисодий ҳаётига таъсирини сезиларли тарзда камайтирди.

Бундай чора-тадбирлар нефтга бой давлатлар хукмрон доираларига фойдаларини бирмунча ошириш имконини берди. Масалан, 1970 йилда нефтдан олинадиган даромадлар Саудия Арабистонида 1,2 миллиард долларни, Қувайтда — 897 миллион ва БААда — 200 миллион долларни ташкил этди. Ўн йилдан сўнг халкаро бозорда нефтни реализация килишдан олинган тушумлар Саудия

Арабистонида 105,7 миллиард долларга, Қувайтда — 28,1 миллиард ва БААда 11,7 миллиард долларга етди.

АҚШда ва Ғарбий Европа мамлакатларида 70-йилларда ва 80-йиллар бошида гўё Араб Шарқи мамлакатлари экономикасига юксак даражадаги тараққиёт келтирган аллақандай «цивилизаторлик миссияси» хусусида кўп ёзишди. Бу айни шу ғарбий нефть монополияларининг хизматидир, деб исботламоқчи бўлишди. Неоколониализм маддоҳлари Америка Қўшма Штатларининг ёрдами натижасида Саудия Арабистонининг «мисли кўрилмаган» равнақи таъминланди, дея оғиз кўпиртиришди. Англиянинг «Бритиш петролеум компани» ва Англия-Голландиянинг «Ройял-Датч шелл групп» компаниялари адвокатлари ҳам ўз хўжайинларининг Қувайтдаги, Бирлашган Араб Амирликларидаги ва Форс қўлтиғи зонаси бошқа мамлакатларидаги фаолиятини шу руҳда тасвирлашга уриндилар. Аслида эса бу мамлакатлар эришган ютуқлар улар халқлари ҳаётидаги социал-иқтисодий туб ўзгартиришларнинг қонуний жараёнидан далолат беради.

Регион давлатларида саноат потенциали ўсиб бормоқда. Арзон табиий газни ёқишдан олинадиган электр энергиясидан фойдаланиш асосида Баҳрайнда ва Бирлашган Араб Амирликларида алюминий эритиш заводлари, Саудия Арабистонида — қора ва рангли металлургия корхоналари қурилган, нефть ва химия саноати корхоналари ишга туширилмоқда. Бу мамлакатлар ҳозирги кунда капитал қурилиш миқёсларига кўра ривожланаётган мамлакатлар орасида пешқадамлик қилмоқда. Форс қўлтиғи зонаси 90-йилларда бу регионнинг энг йирик саноат районларидан бири бўлиб қолиши мумкин деб ҳисоблашга ҳамма асос бор.

Бу зонадаги давлатларнинг муваффақиятлари, биринчи навбатда чет эл монополияларининг маҳаллий экономиканинг асосий тармоғи — нефть қазиб олиш соҳасидаги узоқ йиллик зўравонлигининг тугатилганлиги капитализм умумий кризисининг янада чуқурлашиши ва дунёдаги кучлар нисбатининг социализм фойдасига ўзгариши, бу мамлакатларнинг Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатлар билан алоқаларининг кенгайиши, Осиё, Африка ва Лотин Америкасида миллий-озодлик ҳаракатининг ўсиши туфайли содир бўлди.

Бироқ шу кунгача ҳам ғарбий нефть монополиялари Форс қўлтиғи зонасида асосий неоколониализм сиёсатини ўтказувчилардан бири бўлиб қолишмоқда. Бу монополияларнинг хўжайинлари ва халқаро империализм стратегларининг мақсадлари ва вазифалари айнан бир хилдир. В. И. Ленин буржуазия идеологларини фош қилиб, улар «...*миллий* озодлик ҳақида ёзиб, *иқтисодий* озодликни четда қолдирмоқдалар. Амалда эса, бу ерда иқтисодий озодлик асосий масаладир», деб таъкидлаган эди (Тўла асарлар тўплами, 22-том, 211-бет). Миллий-озодлик ҳаракати жиддий муваффақиятларга эришган бугунги кунда ҳам, дейилади КПСС МКнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида, «капитализм сиёсий найранг ишлатиш, ёлғон ваъдалар бериш ва сотиб олиш, ҳарбий дўқ-пўписа ва шантаж қилиш, кўпинча эса озодликка чиққан мамлакатларнинг ички ишларига ҳатто бевосита аралашиш йўли билан илгари вужудга келган иқтисодий қарамлик муносабатларини кўп жиҳатдан сақлаб қола олди».

Чунончи, Баҳрайн, Қатар, Қувайт, Уммон, БАА ва Саудия Арабистони 70-йилларда жуда катта капитал маблағлар сарфлаганига қарамасдан асосан экономикасининг тармоқларга оид структурасининг яққол расволиги туфайли 80-йиллар бошига келиб ҳам нисбатан паст ривожланган давлатлар бўлиб қолаверди. Юқорида қайд қилинган сабабларга кўра бу мамлакатларда амалда бир товарли ихтисослаштириш қарор топди. Ишлов берилмаган нефтнинг ташқи бозордаги умумий сотилиш воситаларидаги салмоғи 80-йиллар бошида Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликларида 95—96 процентга, Қатар ва Уммонда — 100 процентга етди.

Иқтисодий ривожланишнинг бундай бир томонлама характери бу давлатларни жаҳон капиталистик хўжалигига маҳкам боғлаб, уларни етакчи капитал мамлакатларига қарам қилиб қўйди. Масалан, Ғарб империалистик доираларининг «куч-ғайратлари туфайли» бир баррель нефть учун бозор баҳолари ўртача 1985 йил декабридаги 34 доллардан 1986 йил мартига келиб 14 долларга туширилганида Саудия Арабистонининг «қора олтин»дан оладиган даромадлари 5 баравардан зиёд камайди.

Сўнгги йилларда техника-иктисодий ва ҳарбий ёрдам Ғарб мамлакатларининг Арабистон яриморолидаги янги мустамлакачилик сиёсатида муҳим ўрин эгаллади. Чунончи, халкаро монополистик капитал бу ердаги саноат тараккиётини ўзига маъкул йўлга йўналтиришга уринмокда. Бунда шу хилдаги «меҳнат таксимоти» назарда тутилмокдаки, унга кўра саноатнинг асосан технологик нуктаи назардан энг замонавий бўлган, кўп капитал талаб киладиган ва малакали ишчи кучига муҳтож тармоклари ривожланган капиталистик мамлакатларда тўпланадию, ривожланаётган мамлакатлар эса уларнинг «тайёрловчи цехлари» бўлиб колади.

Форс кўлтиғи курол-яроғлар ва бошка товарлар чикариб сотиладиган ниҳоятда фойдали бозор ҳисобланади. Шуни айтиш кифояки, Америка монополиялари биргина Саудия Арабистонига ҳарбий техникани сотиш натижасида 1979—1980 йилларда 11 миллиард доллар фойда олдилар. Айтмокчи, ғарбий монополистик капиталга таяниш ва куролланиш пойгаси Баҳрайн, Катар, Кувайт, Уммон, БАА ва Саудия Арабистонининг ғарбий давлатларга карамлигини кучайтирмокда ва уларни кўпинча Осиё ва Африканинг озодликка эришган мамлакатларининг антиимпериалистик сиёсатига карши турадиган куч сифатида майдонга чикишга мажбур килмокда.

Худди кутилганидек, Форс кўлтиғи зонасидаги араб давлатлари, айникса Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликлари империализмнинг куч-ғайрат кўрсатиши туфайли жамғармалардан ўзи учун самарасиз тарзда чет элларда фойдаланишни кўллай бошлашди, бу нарса, шубҳасиз, АКШга, Японияга, Ғарбий Европанинг саноати ривожланган мамлакатларига катта фойда келтирмокда. Масалан, 1981 йилда Форс кўлтиғи давлатларининг кўрсатилган мамлакатлардаги умумий соф активлари ҳажми 375 миллиард долларни ташкил этди.

Империализм ўзининг экспансионистик режаларини амалга ошира олмай колган ҳолларда анъанавий методлари: тўғридан-тўғри зўравонлик, интервенциядан ҳам кайтмайди. Озодликка чиккан давлатлар ўртасида низоларни, гражданлар урушларини авж олдириш бу сиёсатда муҳим ўрин тутади. Эрон билан Ирок ўртасидаги уруш бунга яккол мисолдир, бу уруш Ер шарининг ушбу районидаги сиёсий вазиятнинг стабиллигига путур етказаётган омил бўлмокда.

Жаҳон империализми ўзининг регионадаги сиёсий, иктисодий ва стратегик позицияларини саклаб колиш учун идеологик ҳужумни активлаштирмокда. У социалистик мамлакатлар билан Форс кўлтиғи зонасидаги давлатлар ўртасидаги алокаларнинг ривожланишига, шунингдек Якин Шарк проблемаларини ҳал килиш учун уларнинг биргаликдаги чикишларига тўскинлик килиш максадида «коммунистик хавф» билан чўчитиб, мумкин бўлган ҳамма ишни килмокда.

Форс кўлтиғи зонасидаги араб мамлакатлари халклари миллий мустакиллигини мустаҳкамлаш, экономикани кўтариш, социал вазифаларни ҳал этиш учун курашда муайян муваффакиятларга эришдилар. Лекин шунга карамай АКШ ва капиталистик дунёнинг бошка ривожланган мамлакатлари нефтга бой ва стратегик жиҳатдан муҳим бўлган бу регионда ўз позицияларини йўкотишни хоҳламайдилар ва максадларига эришиш учун ҳеч нарсадан тоймайдилар. Шу сабабли ҳаётнинг ўзи арабларни социал тараккиёт йўлидан муваффакиятли ривожланиш учун империализмга карамликни бутунлай тугатиш ва антифеодал ҳамда антикапиталистик характердаги туб социал-иктисодий ўзгартишларни амалга ошириш зарурлигига тобора кўпрок ишонтирмокда.

ИЛМИЙ БИЛИШ МАСАЛАЛАРИ ВА ФАН - ТЕХНИКА РЕВОЛЮЦИЯСИ

XXVII съезд қабул қилган янги таҳрирдаги КПСС Программасида шундай таъкидланади: «Диалектик-материалистик методология табиий-илмий ва социал билишнинг принципиал, синалган негизи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Уни бундан буён ҳам ижодий ривожлантириш, тадқиқотчилик ишида ва ижтимоий практикада оқилона қўлланиш керак».

Ўзбекистон ва Москва олимлари томонидан асосан табиий ва аниқ фанлар материалларига асосланиб ёзилган тақриз қилинаётган китобда* ҳозирги илмий билим методологиясининг энг мураккаб ва актуал фалсафий масалалари кўриб чиқилган. Бу асар проблематикаси анча кенг. Бунинг ўзига хос ижобий жиҳати бор: материалистик диалектиканинг актуал проблемалари билан қизиқадиган илмий ходимлар ва бошқа мутахассисларга мўлжалланган бу китоб китобхонни системали равишда ва нисбатан қисқа шаклда илмий билиш методологиясининг кўпгина проблемаларига доир фойдали маълумотлар билан таништиради. Лекин, афсуски, китобнинг тиражи ғоят камлиги туфайли ундан шу тарзда фойдаланиш имкониятлари чеклангандир.

Бошқа томондан эса, мазкур асар кўп проблемалилигининг муқаррар оқибати шуки, ундаги айрим темалар наридан-бери ва саёз баён қилинган. Масалан, физикадаги ва табиатшуносликнинг бошқа соҳаларидаги реалликнинг жуда мураккаб ва мунозарали проблемаларига, шунингдек илмий фактни ва уни билиш методини изоҳлаш билан боғлиқ масалаларнинг ҳар бирига бор йўғи 4 саҳифадан бағишланган (170—174, 264—268-бетлар). Бошқа айрим масалаларни ёритишда ҳам аҳвол шундай.

Авторлар тақриз қилинаётган китоб мазмунини белгилайдиган кўпгина масалалар юзасидан диққатга сазовор фикр-мулоҳазаларни ўртага ташлайдилар. Жумладан, китобда концептуал ва операцион воситалар бирлиги сифатида келтирилган илмий методни тушунишни аниқлаш учун жиддий уриниб кўринган бу воситаларни танлаш ва ташкил қилиш билишга оид вазифанинг ва мазкур метод қўлланиладиган конкрет билишга оид вазиятнинг характерига боғлиқдир.

Диалектик-материалистик инъикос принципидан воқеликнинг икки соҳасининг хилма-хиллиги ва шунга мувофиқ равишда борлиқни акс эттирадиган категорияларнинг ҳамда субъектнинг борлиқни амалий ва назарий жиҳатдан ўзлаштиришга доир фаолиятини белгилайдиган категорияларнинг гетерогенлиги (турли-туманлиги, бир-бирига ўхшаш эмаслиги) келиб чиқади. Диалектик материализм категориялари системасида қуйидагилар ажратиб кўрсатилади: табиат, жамият ва тафаккур соҳаларини қамраб оладиган умумфалсафий (умумдиалектик) категориялар ва қонунларнинг кичик системаси, материя, ҳаракат, ўзаро таъсир, сабабият ва шу сингарилар ана шундай категориялар ва қонунлардир; субъектнинг билишга оид фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирадиган мантиқий-гносеологик категориялар кичик системаси (билиш субъекти ва объекти, инъикос, ҳақиқат, метод ва ҳоказо). Материалистик диалектиканинг умумий назарияси биринчи кичик системага, хусусий, тор маънодаги билиш назарияси — иккинчи кичик системага мос келади.

Китоб авторларининг фикрича, фаннинг фалсафий методологияси фақат умумийлик даражага эга ва умумий илмий ҳамда регионал назариялардан, илмий фанлар ва улар тушунчаларидан фойдаланмасдан алоҳидалик даражасига ўтиш мумкин эмас. Бинобарин, конкрет вазифаларни ҳал этишда фалсафий (умумфалсафий ва махсус-гносеологик) категорияларни бевосита қўлланиш тўғри бўлмайди. Шу сабабли философиянинг ва илмий тадқиқот фалсафий методологияси умумий категорияларининг асослилиги ва синтетиклиги бавосита ва потенциал характерга эга бўлади, яъни фан ва илмий назарияларнинг иерархияга асосланган даражалари орқали намоён бўлади (18—24-бетларга қаралсин).

Китобда билиш методлари иерархиясини таърифлашга уриниб кўрилган. Диалектик-материалистик метод умумий метод ва методология, билиш методлари тўғрисидаги фан сифатида ажратиб кўрсатилади (69—71-бетларга қаралсин). Бунда мавҳумликдан конкретликка кўтарилишни тақозо қиладиган диалектик методнинг фақат конкретликдан иборат бўлиб қолмаслиги тўғри қайд қилинади. Монография авторлари

---

* Методология и методы научного познания в условиях научно-технической революции. Ташкент, «Фан», 1986, 287 с.

билишнинг умумий, алоҳида ва хусусий (айрим) методларини махсус ажратиб кўрсатишган. Чунончи, улар фикрига кўра, эмпириклик ва мантиқийлик, анализ ва синтез бирлиги, шунингдек таққослаш билишнинг умумий методларига; моделлаштириш, математик, кибернетик, экспериментал ва комплекс методлар алоҳида методларга тааллуқлидир. Авторлар билишнинг хусусий (айрим) методларини материя ҳаракатининг турли формалари ва фаннинг уларга мос келадиган тармоқлари учун специфик методлар сифатида характерлашади. Улар физик, химиявий, биологик методларни шундай методлар деб ҳисоблайдилар. Бундай классификациялаш мунозаралидир, чунки, бизнинг фикримизча, анализ ва синтезнинг, эмпириклик ва назарийликнинг бирлиги — диалектик методга хос хусусиятлардир. Бинобарин, уларни диалектикадан четга олиб чиқиш ва уларни умумий методлар сифатида таққослаш билан бирлаштириш тўғри эмас. Қолаверса китобда ҳатто тилга олинмаган системали-структуравий ёндашувни таклиф қилинаётган классификациянинг қаерига киритиш номаълум бўлиб қолган.

Илмий тадқиқотларда математиканинг роли ва ўрни китобда мазмунли ва шу билан бирга кенг китобхонлар доираси учун етарли даражада тушунарли кўрсатилган. Авторлар ҳозирги математикани абстракт математик структуралар тўғрисидаги фан сифатида таърифлаб, ҳозирги илмий билимнинг математикалаштирилишига эътиборни жалб қиладилар. Улар, жумладан, шуни қайд қилишадики, математиканинг абстрактлилиги унинг афзалликларидан бири бўлиб, шу билан бир вақтда унинг амалий заифлигини ҳам англатади. Шу сабабли айрим олимларнинг реал дунёни соф математик моҳиятлардан иборат қилиб кўрсатишга уринишлари асоссиз бўлиб чиқди. Математика воқеликни бевосита тадқиқ қилишни моддий объектларнинг амал қилиши ва ривожланиши қонунларини билишнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қиладиган баъзи бир абстракт схемани ўрганиш билан алмаштиради, бироқ математик методлар реал жараёнларни ниҳоятда жўнлаштиради, ўрганилаётган ҳодисаларни қўполлаштиради.

Математика билан хусусий фанлар ўртасида самарали диалектик ўзаро алоқадорлик мавжуд. Биз ўрганилаётган жараёнларнинг сифат жиҳатдан ўзига хослигини қанчалик яхши билсак, бу жараёнлар ўртасидаги миқдорий ўзаро алоқаларни ҳам шунчалик осон билиб олишимиз мумкин. Бунда тобора чуқурроқ миқдорий анализ бу жараёнларнинг сифат жиҳатдан ўзига хослигини янада тўлароқ билиб олишни осонлаштиради. Шу муносабат билан китобда назарий математикадаги революцион кашфиётларнинг табиатшунослик ва техника учун катта аҳамиятга эгалиги, ана шу тармоқларни ривожлантириш жараёнида вужудга келадиган янги назариялар ва вазифалар эса математиканинг бундан кейинги тараққиётини рағбатлантириши таъкидланади (98-бетга қаралсин).

Ҳозирги шароитда назарий ва амалий математика билан компьютер техникасининг ўзаро нисбати тўғрисидаги масала жуда актуалдир. Амалий математика ягона ва ривожланаётган математика фанининг зарурий ва муҳим қисми бўлиб қолди, усиз бошқарув техникасини янада такомиллаштириш мумкин эмас. ЭҲМ билан боғлиқ математик методлар математиканинг соф назарий бўлимларига ҳам кира бошлади. Бироқ, деб таъкидлайди авторлар, математикани муваффақиятли тарзда ривожлантириш учун мавжуд назарий билимларнинг ҳажми ҳозир ўзаро боғлиқ фанлар ва техниканинг амалий вазифаларини бажариш чоғида биз фойдаланаётган билимлар ҳажмига нисбатан анча бой бўлиши лозим.

Китобда диалектика билан тадқиқотчилик системали методнинг ўзаро нисбати тўғрисидаги муҳим ва кўп жиҳатдан мунозарали масалага анча эътибор берилган, бу масала илмий билимни интеграциялашга бўлган яққол ифодаланган тенденцияга эга ҳозирги илмий-техник революция шароитида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Диалектиканинг реал дунё ҳодисаларининг умумий алоқадорлиги ва ўзаро боғлиқлиги принципи каби жиҳати ўзаро таъсир қилувчи элементлар комплекси сифатидаги система тушунчасида ўзининг конкрет ифодасини топади. Системали метод ўрганилаётган соҳа тўғрисида бир бутун, интегратив тасаввур беради ва шу билан соф аналитик ва редукционистик ёндашувларнинг чекланганлигини кўрсатади.

Китоб авторларининг фикрича, аввало ижтимоий ишлаб чиқаришнинг, техниканинг, фаннинг ривожланиши, айни шу системали ёндашувни талаб қиладиган фанлараро негиздаги изланишларга тобора кўпроқ ундовчи авж олиб кетган фантехника революцияси системали тадқиқотларнинг юзага келишига сабаб бўлган (127-бетга қаралсин).

Илмий адабиётда системали ёндашув одатда диалектиканинг энг муҳим томонларидан бири, диалектика принципларининг, айниқса умумий алоқадорлик принципининг конкретлаштирилиши сифатида кўриб чиқилади. Тақриз қилинаётган китобда бундай нуқтаи назар далиллар асосида танқид қилинади. Масалан, бундай қараш умумий методология сифатидаги диалектика билан системадан иборат бўлган объектларни тадқиқ қилишнинг анча кенг, лекин барибир махсус методологияси сифатидаги системали ёндашув ўртасидаги ҳақиқий ўзаро нисбатни очиб беришга ёрдам бермайди, чунки философия ўз методини бошқа фанлардан ўзлаштириб ола олмайди, деб

таъкидланади (131-бетга қаралсин). Китоб авторларининг шу масалага доир ижобий нуқтаи назари эса системаларнинг ривожланишидаги ички зиддиятларни ҳисобга оладиган қисмлар ва бир бутуннинг ўзаро боғлиқлиги диалектикаси системаларнинг яхлит, интегратив хусусиятлари ва қонуниятларининг вужудга келишини тадқиқ қилишга ва тушунтиришга ягона тўғри фалсафий ёндашувдир деб уқитириш билан чекланади (136-бетга қаралсин). Умуман олганда, авторлар фикрича, диалектиканинг тадқиқотчиликнинг системали методларини тўғри қўллаш ва тушуниш учун умумий методология сифатидаги аҳамияти ва роли унинг тахминан бошқа махсус методлар, масалан, эҳтимоллик-статистик, семиотик, назарий моделлаштириш ва шу сингари методлар учун ўйнайдиган роли ва аҳамияти кабидир. Ҳатто юқорида айтилганлардан ҳам кўриниб турибдики, фанда системали-структуравий ёндашувнинг статуси тўғрисидаги масала муайян муносабатларда ҳали ҳам мунозарали бўлиб қолмоқда. Шуни қайд қилиш керакки, қатор совет олимлари системали-структуравий ёндашув тушунчаларининг фалсафий категориялар сифатида изоҳланишини асосламоқдалар. Бироқ китоб авторлари бу нуқтаи назарга эътибор беришмаган.

Ҳозирги фан идеаллаштириш ва фикрий эксперимент методларини кенг қўлланмоқда. Шу муносабат билан китобда идеаллаштириш — бу абстрактлаштириш процедурасининг бирмунча юқорироқ даражасидир, бундай процедурада «идеаллаштирилган объект» деган тушунча ҳосил қилинадики, моддий дунёда унинг тимсолини принципиал тарзда амалга ошириш мумкин бўлмайди, деган мулоҳаза билдирилади. Фикрий эксперимент эса фикрий экспериментал ҳолатларни система билимидан, тадқиқ қилинаётган объектнинг ва фикрий тарзда экспериментал ҳолатни ташкил этадиган объектларнинг ҳаракат қилиши ва ривожланишининг асосий қонунларидан фойдаланиш асосида назарий таҳлил қиладиган специфик умумилмий метод сифатида изоҳланади.

Китобда ҳозирги физиканинг ривожланишида симметрия принципининг ўсиб бораётган аҳамияти кўп сонли фактлар асосида кўрсатилади, бунда симметрия формаларида кудратли инсоний билимнинг гўзаллиги намоён бўлиши таъкидланади. Шу муносабат билан «симметрия» ва «гўзаллик» тушунчаларининг ўзаро нисбати тўғрисидаги масала ўртага қўйилади. Китоб авторларининг фикрича, симметрияни ҳатто жуда кенг тарзда талқин қилганда ҳам «гўзаллик» тушунчаси фақат ундангина иборат бўлиб қолмайди, балки у тартибсизлик элементини ҳам ўз ичига олади. Гарчи авторлар нафақат фан, инсоннинг камолоти ва унинг эҳтиёжлари эстетиканинг бундан кейинги тараққиётини рағбатлантиради, шу билан бирга эстетика ҳам ўз навбатида табиатшуносликни реалликни билишга илҳомлантиради деб таъкидлашсада, афсуски, бу тема етарлича ёритиб берилмаган (210-бетга қаралсин). Фурсатдан фойдаланиб шуни қайд қилмоқчимизки, симметрия билан гўзалликнинг ўзаро нисбати тўғрисидаги масала ҳозирча жуда кам ўрганилган, шу туфайли ҳам тақриз қилинаётган китобдан улар муносабатларининг сабаблари тўғрисида маълумот олиш қизиқарли ва фойдали бўлган бўлур эди.

Авторлар билиш методларининг интеграцияси масалаларини, биосоциал ҳодисаларни билишда комплекс ёндашувнинг ўзига хос хусусиятлари, социал жараёнларни билишда комплекс ёндашувнинг роли, биосферани ўрганишда фан методлари баҳамжиҳат ҳаракатининг зарурлиги, билишдаги умумилмий методлар, экологик проблемаларни конкрет-илмий методлар билан ҳал этишни лозимича батафсил ёритишган, экологик тадқиқотларда дунёнинг бирлиги принципини амалга оширишнинг турли аспектларини муҳокама қилишади, шу жумладан онтологик, реглятив-методологик йўналишларни таърифлашади ва экологик тадқиқотларнинг бу томонларининг синтезига оид йўналиш ҳақидаги ўз мулоҳазаларини келтиришади. Бу проблемаларни ёритиш қатор фойдали жиҳатларга эга. Бироқ авторларнинг уларни ажратилган ҳолда, амалда умумий алоқадорликдан ташқарида кўриб чиқиши улар тўғрисида янада тўлароқ тасаввур олишга халал беради.

Китобнинг алоҳида боби редукция методига бағишланган. Унда тўғри қайд қилинганидек, ҳозирги фан элементар қисмлар суммасидан иборат бўлмаган бир бутун билимни ўрганишга интилишига қарамай, умумий энг содда хусусиятлар ва элементларни юзага чиқаришнинг умумилмий методи сифатида редукция методидан кенг фойдаланади. Редукцион база турлари жуда кўп хил бўлиши мумкин ва редукция ҳеч қачон то охиригача амалга ошмайди. Шунинг учун, авторлар тўғри қайд қилишганидек, редукция методини абсолютлаштириш мумкин эмас, редукция методини билишни фақат энг содда қисмларни, бир бутуннинг хусусиятларини топишдан иборат деб биладиган ва бир бутунни ана шундай хусусиятларнинг оддий бир йиғиндиси сифатида талқин қиладиган редукционизмдан фарқлаш зарур.

Китобда фан структураси, асослари ва тарихи, фаннинг ҳозирги буржуача методологияси нуқтаи назарлари масалалари юзасидан непозитивизм ва постпозитивизм қоидалари кўриб чиқилган, илмий билимнинг ривожланиш жараёнини биологик эволюция назарияси ва унга хос бўлган «ўзгарувчанлик» ҳамда «танлаш» тушунчалари нуқтаи назаридан талқин қилишга уринаётган

айрим буржуа философлари —«эволюцион эпистемология» тарафдорларининг (К. Поппер, С. Тулмин ва бошқалар) карашлари анализ қилинади.

Китоб авторлари хорижий олимларнинг бундай фаолиятига баҳо берар экан, тадқиқотчиликнинг турли соҳаларида ҳосил қилинадиган бошқа кўплаб умумий тушунчалар каби бу тушунчалар ҳам айрим ривожланаётган объектларнинг, шу жумладан фаннинг баъзи бир қонуниятларини аниқлашга хизмат қилиши мумкин, бироқ абсолютлаштирилиши ва фетишлаштирилиши ҳам мумкин, деган фикрни асослаб беришади. Бундай пайтда бу тушунчалар фаннинг спецификасини ва унинг ривожланиш йўлларини билиш йўлида тўсиққа айланади, «эволюцион эпистемология»да шундай бўлган эди. Ана шу қизиқарли ва сермазмун бўлимда бир параграфнинг «Телеологизмни танқид ниқоби остида инъикос принципидан воз кечиш» деб номланиши ачинарли хато бўлган, бу параграфда хорижий методологларнинг ривожланишни телеологик изоҳлаш фанини танқид қилиши тўғрисида гап боради, бироқ унда инъикос тўғрисида ҳеч нарса дейилмайди.

Объектларни кўриб чиқишнинг системалилиги, бир бутунлиги тўғрисидаги китобнинг кўпгина бўлимларида тарқоқ жойлашган айрим қоидаларни, бизнинг назаримизда, махсус бўлимда умумлаштирилган шаклда тадқиқ қилиш лозим эди.

Тақриз қилинаётган асар ҳозирги шароитда философияни ривожлантириш проблемаларининг асосий йўлидан ўрин олган. Унинг босилиб чиқиши — марказдаги философ олимларнинг Ўзбекистондаги ҳамкасблари билан тадқиқ қилишни ҳаёт талаблари тақозо этаётган фундаментал ва актуал назарий проблемаларни ишлаб чиқишга қаратилган илмий ҳамкорлигидаги муайян қадамдир.

Л. ГАРБЕР,
философия фанлари доктори.

М. ҲАСАНОВ,
философия фанлари доктори.

МИЛЛИЙ МАДАНИЯТЛАР ЎЗАРО ТАЪСИРИНИНГ ДИАЛЕКТИКАСИ

МАДАНИЯТ СОЦИАЛ тараққиётнинг салмоқли омилидир, у совет турмуш тарзини такомиллаштиришда, халқлар дўстлигини мустаҳкамлашда катта роль ўйнайди. Маданият проблемаларини, унинг ҳозирги шароитда шахснинг камол топишига таъсирини тадқиқ қилишни кучайтириш зарурлиги шу билан белгиланади. Шу сабабли тақриз қилинаётган китоб* катта эътиборга моликдир, унда миллий маданиятлар ўзаро таъсирининг кам ишланган жиҳатлари ёритилади.

Китобда тўғри таъкидланганидек, бизнинг мамлакатимизда Улуғ Октябрь ғалабаси туфайли миллий маданиятларнинг нафақат мазмунида ва шаклида, шу билан бирга уларнинг амал қилиш характерида ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди. Уларнинг социал йўналиши янада мураккаб ва кенг микёсли бўлиб қолди. Айрим миллатлар маданиятининг прогрессив ютуқлари орқали мамлакатнинг умумий, интернационал маданий бойлигини яратиш ва шу билан совет халқи маънавий турмушининг бирлигини шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш — КПСС миллий сиёсатининг ва СССРда миллий жараёнлар ривожланишининг асосий тенденцияларидан биридир. Бундай ўзаро таъсир кўрсатиш, ўз навбатида, ҳар бир халқнинг маданиятини бойитади.

Автор социализмни такомиллаштириш шароитида маданиятларнинг ўзаро таъсири даражасини таҳлил қилар экан, шунингдек интенсивлаштириш тенденциясини ҳам қайд қилади. Бироқ, маънавий соҳадаги жадаллаштириш масалаларига бағишланган бошқа кўпгина тадқиқотларда бўлгани сингари тақриз қилинаётган китобда ҳам маданиятларнинг ўзаро таъсири проблемаларига татбиқан «интенсивлаштириш» тушунчасининг ўзига таъриф берилмайди. Бизнинг фикримизча, бу жараён миллий маданиятларнинг ўзаро бир-бирини бойитиш йўлларининг сифат жиҳатдан ўзгариши, бинобарин, уларнинг янада интернационаллашувидир.

Бу жараёнга камида иккита асосий омил асос бўлади. Аввало, ижтимоий тузум сифатидаги социализм, у миллий маданиятлар равнақи учун барча имкониятларни яратади ва тенг ҳуқуқли халқлар маданиятларининг интернационал бирлигини қарор топтиради. Иккинчидан, ҳозирги фан-техника тараққиёти, у маданиятларнинг ўзаро таъсирида тобора ўсиб борувчи роль ўйнамоқда. Унинг таъсири остида, жумладан, миллатлар ва элатлар ўртасида маданий қадриятларнинг жадал алмашинувига кўмаклашадиган оммавий коммуникациянинг техник воситалари тез суръатлар билан ривожланмоқда.

---

* Г. Ширматова. Взаимодействие национальных культур и духовное формирование личности. Ташкент, «Фан», 1986, 147 с.

Бунинг табиий оқибати сифатида миллий маданиятлар ўзаро бойишининг суръатлари ва кишилар онгининг интернационаллашуви жадаллашди. Бошқа миллатлар маданиятидан баҳраманд бўлиш, улар ютуқларини ижодий ўзлаштириш жараёнида маънавий дастурлар, эстетик дидлар, маънавий тасаввурлар ривожланиши, интернационаллашуви, инсоннинг миллий характери ўзгариши сабабли ҳар томонлама камол топган шахсни тарбиялашда турли миллий маданиятлар ютуқларидан фойдаланиш барча социалистик миллатлар маданиятининг янада равнақ топишига кўмаклашади (38-бетга қаралсин).

Автор миллий маданиятлар қадриятларини идрок этиш ва ўзлаштириш объектлари сифатида кўриб чиқар экан, бу жараёнларнинг индивиднинг илм-маърифат даражаси ва амалий фаолияти билан алоқасини кўрсатади, идрок этиш ва ўзлаштириш мезонларини эса у ёки бу миллий маданиятнинг янгилиги билан белгилайди.

Автор шахс томонидан бошқа миллатга мансуб маданий қадриятларнинг ўзлаштирилишини кўриб чиқар экан, қизиқарли хулосалар чиқаради, унинг фикрича, бундай ўзлаштириш мураккаб диалектик жараён бўлиб, у идрок этувчи субъектнинг муайян тарздаги эмоционал, интеллектуал активлигини, бу қадриятлар мазмуни тўғрисидаги билимларнинг мунтазам тўпланишини тақозо этади. Бунда миллий маънавий дастурлар системаси муҳим роль ўйнайди (48-бетга қаралсин). Шуни қайд қилиш керакки, бундай система кишилар онгида миллатчиликнинг ривожланишига олиб бормайди. Аксинча, социализм шароитида интернационалистик онгнинг шаклланиши нафақат бошқа миллатга мансуб нарсалардан баҳраманд қилиш орқали, шу билан бирга миллий жиҳатларни ривожлантириш орқали ҳам рўй беради, чунки интернационаллик «номиллийлик» эмас. СССР халқларининг маънавий турмушида интернационализмни ривожлантиришнинг диалектикаси ана шундай.

Ҳозирги шароитда совет кишиларининг маънавий қадриятлардан баҳраманд бўлишга эҳтиёжи ошиб бормоқда. Бу жамиятимизнинг, унинг маънавий маданиятининг жўшқинлиги, шунингдек ҳар бир кишининг турли миллат ва элатларнинг маънавий қадриятлари билан танишиш учун кенг имкониятга эгалиги билан боғлиқдир. Бу шахсни тарбиялаш системасининг ўзини такомиллаштиришни талаб қилади.

Шахснинг маданий қадриятларни ўзлаштириш жараёнида, унинг маънавий дунёсининг бойишида идрок этишнинг эстетик, бадиий ва маданий турлари катта роль ўйнайди. Идрок этишнинг маданий турлари миллий чекланганликни, диндорликни бартараф қилиш, интернационалистик онгни шакллантириш учун алоҳида аҳамият касб этади. Шу муносабат билан автор революциядан олдинги Туркистонда ўлка халқларининг айрим вакилларида миллатчилик намоён бўлишининг гносеологик ва психологик, шунингдек диний негизларини кўрсатишга ҳаракат қилади. «Революциядан олдинги даврда, — дейилади китобда, — миллий маҳдудлик, кишиларнинг ётсираши, миллатлараро-маданий ўзаро таъсирнинг чекланганлиги, шахснинг умумий маданий камолоти даражасининг пастлиги, миллий ва диний бидъатлар бошқа миллатлар маданиятини идрок этишни қийинлаштирар эди» (61-бет). Социалистик қурилиш тажрибаси кўрсатганидек, ана шу тўсқинлик қилувчи омилларнинг йўқ қилиниши, маданий қадриятлар билан алмашишнинг кенгайганлиги нафақат бошқа халқларнинг маънавий бойликларига ҳурмат билан муносабатда бўлишга кўмаклашади ва улардан энг қимматли нарсаларни қабул қилиб олишга интилишни активлаштиради, шу билан бирга умуман шахснинг маънавий баркамоллигига ҳам катта таъсир кўрсатади.

Лекин, китобда тўғри қайд қилинганидек, бизнинг давримизда ҳам ҳозирча муайян даражада сақланиб келаётган исломнинг айрим кишилар онгига таъсири ва маҳаллийчилик туйғуси нафақат миллатларнинг ва улар маданиятларининг равнақига, шу билан бирга умуман совет жамиятининг тараққиётига ҳам халақит бермоқда. Шу сабабли ҳам меҳнаткашларнинг атеистик ва интернационал тарбиясини кучайтириш, уни олиб боришнинг янги форма ва методларини илмий жиҳатдан ишлаб чиқиш талаб қилинмоқда.

Китобда, шунингдек маданиятларнинг ўзаро таъсири жараёнидаги шахснинг социал-психологик характеристикалари масалалари ҳам кўриб чиқилган. Автор айрим кишилар онгида миллатчилик психологиясининг барқарорлиги, ислом сарқитларининг сақланиб қолишининг сабабларини, Ўрта Осиё халқларининг турмуш тарзидаги, маиший турмушидаги, анъаналаридаги баъзи ўзига хос хусусиятларни таҳлил қилар экан, регионда тарбиявий ишни табақалаштирилган ҳолда олиб боришни таклиф қилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, янги типдаги шахс СССР халқлари миллий маданиятларининг ютуқларини, шу жумладан уларнинг фольклорини ўзлаштириш жараёнида ҳам камол топади. Автор шуни қайд қилиб, кўпгина авлодлар томонидан яратилган халқ оғзаки ижодининг ўлмас ёдгорликлари совет кишиларининг буюк мулки бўлиб қолди, деб ёзади.

Шу ўринда, бизнинг назаримизда, маданий меросдан фойдаланиш даражасининг совет кишиларининг бугунги кундаги эҳтиёжларига мувофиқлигини анализ қилиш зарур эди. Шу жиҳатдан Ўзбекистонда ҳар доим ҳам оқилона мувофиқликка эри-

шилмаяпти. Саҳна ва музика санъатига оид кўплаб замонавий асарларнинг оммалашмасдан изсиз йўқолиб бораётганлиги — уларда миллий маданиятнинг бой анъаналаридан айни шундай ношудлик билан фойдаланиш натижасидир. Бошқа томондан олганда, бу анъаналарга нотанқидий муносабатда бўлиш, ўтмишнинг идеаллаштирилиши миллатчилик кўринишларига ёрдам бериши мумкин. Шу сабабли, маданий меросдан олинаётган ҳамма нарса партиявий, синфий нуқтаи назардан баҳоланиши лозим. Асарда миллий маданиятларнинг ўзаро таъсири ва ўзаро бойишида микдорий кўрсаткичлар (афсуски, баъзан шундай ёндашув ҳам учраб қолади) эмас, балки совет кишисининг маънавий жиҳатдан камол топиши учун тарбиявий аҳамиятга эгалик уларнинг ҳар қайсиси учун муҳим мезон бўлиши таъкидланади.

Г. Шерматова миллий маданиятларнинг ривожланиш тенденциялари тўғрисидаги марксча-ленинча қоидага таяниб, буржуа сохталаштирувчиларининг гўёки қарийб ҳамма иттифоқдош республикаларда миллий маданиятларнинг «ҳалок бўлаётганлиги», «миллий маданиятлар ўзининг бетакрор қиёфасини йўқотаётганлиги» тўғрисидаги даъволарининг асоссизлигини кўрсатади. «Маданиятдаги миллий ўзига хосликни бутун миллий маданият билан айнан бир хил нарса» деб ҳисоблаш бундай сафсаталарга «асос бўлган», деб ёзади у.

Китоб автори интенсивлаштириш, моддий ва маънавий қадриятлар билан миллатлараро алмашув шароитида маданиятнинг шахснинг онгига, психологияси ва характерига таъсири ҳам кучая боради, деб таъкидлайди. Бу ўринда шуни қайд қилиш зарур эдики, Ўзбекистонда ана шундай таъсир самарадорлигини социологик жиҳатдан ўрганиш ҳозирча жуда ҳам паст даражада дир. Бу иш ҳозирги талабларни ҳисобга олган ҳолда кишиларни интернационал жиҳатдан тарбиялашни яхшилаш учун муҳим аҳамият касб этган бўлур эди.

Г. Шерматова қўйилган барча масалаларни изчиллик билан ва мазмундор таҳлил қилишга ҳаракат қилган. Лекин, назаримизда, бу масалаларни социал ва шахсга оид жиҳатлардан кўриб чиқиш мустақил социологик тадқиқотларни талаб этади. Автор томонидан фойдаланилган бошқа асарлардан олинган маълумотлар эса асосан эскиргандир, бу ҳол китобда қаламга олинган айрим проблемаларнинг актуаллиги тўғрисида муайян хулосалар чиқаришни қийинлаштиради. Янги социологик материал, шубҳасиз, китоб мазмунини бойитган, миллий маданиятларнинг ўзаро таъсири жараёнида шахсни тарбиялашнинг янги форма ва методларини ишлаб чиқишга кўмаклашган бўлур эди. Бироқ ана шундай материал йўқлиги туфайли одатдаги онг, унинг миллий хурофотларнинг, маҳаллийчиликнинг, миллий ифтихорни сохта тушунишнинг намоён бўлишига таъсири тўғрисидаги масала авторнинг эътиборидан четда қолган. Ундан ташқари, автор қатор ҳолларда мазкур проблеманинг бошқа тадқиқотчилари билан лозимича дадил мунозара юрита олмаган.

Умуман, тақриз қилинаётган китоб миллий маданиятларнинг ўзаро таъсири шароитида шахснинг маънавий дунёсини камол топтиришга оид масалаларни ишлаб чиқишга муайян ҳисса қўшади.

Х. РАСУЛЕВ,
С. ОТАМУРОТОВ,
философия фанлари кандидатлари.

Редакция адреси: 700000, Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.
Телефонлар: бош редактор — 32-58-01; 32-78-87; бош редактор ўринбосари — 32-58-02; 32-78-93; масъул секретарь — 32-58-03; 33-60-42; масъул секретарь ўринбосари — 32-58-63; 33-60-42; бўлимлар: марксча-ленинча назарияни пропаганда қилиш — 32-58-65; экономика — 32-58-71; партия ва совет қурилиши — 32-58-68; фан ва маданият - 32-58-66; халқаро ҳаёт — 32-58-69; танқид ва библиография — 32-58-70.

Корректорлар: **М. Комилов, Ҳ. Каримов.** Техредактор **Э. А. Кушнарь.**

Теришга берилди 10.07.1987 й. Босишга рухсат этилди 11.08.1987 й. Формат 70×108 1/16.
Фотонабор. Офсет усули. Шартли босма листи 8,4. Нашриёт ҳисоб листи 9,6
Тиражи 28281. Нашр В-56. Заказ № 1490.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг
Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Тошкент шаҳри, Ленин кўчаси, 41.

ISSN 0134—2193
Индекс 75399

Баҳоси 25 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ
НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ» — «КОММУНИСТ УЗБЕКИСТАНА»га

1988 йил учун

ОБУНА БОШЛАНДИ

Журнал партия ва халқнинг КПСС XXVII съезди, унинг Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини, ўн иккинчи беш йиллик планини амалга ошириш, социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш, совет жамияти ҳаётининг барча соҳаларида қайта қуриш учун кураши тўғрисидаги материалларни босади. Журнал саҳифаларида Ўзбекистон халқ хўжалигининг актуал проблемалари ёритилади.

Журнал илгаридек марксизм-ленинизм классикларининг ғоявий меросини пропаганда қилишга, социализмни takомиллаштириш, социалистик турмуш тарзини ривожлантириш проблемаларига доимо эътибор беради. Ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси тўғрисидаги мақолалар катта ўрин олади.

Журналхонлар партия ва совет қурилиши, идеология иши назарияси ва практикасига доир, социалистик демократияни янада ривожлантириш, Советлар, касаба союзлари, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги мақолаларни ўқийдилар. Сиёсий ва иқтисодий таълим системасининг пропагандистлари ва тингловчилари ўрганилаётган курсларнинг турли мавзуларига доир методик маслаҳатлар ва консультациялар оладилар.

Журнал маданий қурилиш, фан, адабиёт ва санъатни ривожлантириш проблемаларини ёритишни давом эттиради.

КПСС ва Совет давлатининг ленинча ташқи сиёсати тўғрисидаги, қардош социализм мамлакатларининг муваффақиятлари ҳақидаги, жаҳон коммунистик, ишчилар ва миллий-озодлик ҳаракати тўғрисидаги, буржуа идеологияси ва капиталистик турмуш тарзини фош этувчи мақолалар мунтазам эълон қилиниб борилади.

Журналда муҳим саналар ва воқеалар тўғрисидаги мақолалар, актуал мавзулардаги корреспонденция ва очерклар, журналхонларнинг саволларига жавоблар, янги китоблар тўғрисидаги тақризлар, вақтли матбуотнинг обзорлари, библиография материаллари босилиб турилади.

Журнал ойда бир марта ўзбек ва рус тилларида чиқади.

Обуна «Союзпечать» бўлимлари ва бошқа алоқа муассасалари, корхона ва қурилишлар, колхоз ва совхозлар, илмий муассасалар ва ўқув юртларидаги, меҳнаткашларнинг истиқомат жойларидаги матбуот тарқатувчилар томонидан қабул қилинади.

ОБУНА БАҲОСИ:

Бир йилга — 3 сўм.
Олти ойга — 1 сўм 50 тийин.
Уч ойга — 75 тийин.

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

9

СЕНТЯБРЬ

1987

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

№ 9
СЕНТЯБРЬ
1987 йил

1920 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбек ва рус тилларида чиқади

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

...Иқтисодий бошқаришни, умуман хўжалик механизмини қайта қуриш ҳозир бутун жадаллаштириш стратегиясининг муваффақиятини белгилаб берувчи энг асосий вазифадир. Уни амалга ошириш — ғоят муҳим умумпартия, умумхалқ иши, мамлакатнинг бутун турмушини янгилаш жараёнининг ажралмас таркибий қисми, Октябрь ишининг бевосита давомидир.

КПСС МК 1987 йил июнь Пленумининг «Партиянинг экономикани бошқаришни тубдан қайта қуриш соҳасидаги вазифалари тўғрисида»ги қароридан.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЕТИ

Тошкент

МУНДАРИЖА

СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ПРОБЛЕМАЛАРИ

УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ЛЕНИНИЗМ — БИЗНИНГ БАЙРОҒИМИЗ ВА ҚУРОЛИМИЗ

ИДЕОЛОГИЯ ИШИ

ФАН: ИЗЛАНИШ САМАРАЛАРИ

ФИКРЛАР ЧОРРАҲАСИДА

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС Марказий Комитети «Қозоғистон республика партия ташкилотининг меҳнаткашларни интернационал ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги иши тўғрисида» қарор қабул қилди

Қарорда таъкидланадики, Совет ҳокимияти йилларида Қозоғистон ССР барча қардош халқларнинг ҳар тарафлама ёрдами туфайли иқтисодий, социал ва маънавий юксалиш соҳасида бирмунча ютуқларга эришди. Эндиликда республика йирик индустриал-аграр регион ҳисобланади. Чинакам маданий революция юз берди, илмий ва ижодий интеллигенция вояга етди. Кўп миллатли аҳоли орасида социалистик интернационализм ва туб манфаатлар муштараклиги негизларида тенг ҳуқуқлилик, ишонч ва ўзаро ҳурмат муносабатлари қарор топди. Қозоғистон меҳнаткашлари социалистик қурилишнинг барча босқичларида юксак совет ватанпарварлигини, интернационализм ва халқлар дўстлигининг ленинча принципларига содиқликни намойиш қилиб келдилар.

Шу билан бирга Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ раҳбарлиги, республиканинг кўпгина партия комитетлари миллий сиёсатни амалга оширишда жиддий хатоларга йўл қўйдилар, меҳнаткашларни интернационал ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасидаги ишларни анчагина сусайтириб юбордилар. Миллий онгнинг тезлик билан ўсиб бориши ҳисобга олинмади, юзага чиқаётган проблемалар ўз вақтида ва тўғри ҳал этилмасдан келди. Маълум бир босқичга келиб партия ташкилотлари иқтисодий, маданий ва маънавий жабҳаларда шовинизм, миллатчилик ва маҳаллийчилик кўринишларига қарши курашни амалда тўхтатиб қўйдилар. Бу эса республиканинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожланишига салбий таъсир кўрсатди.

70—80-йилларга келиб Қозоғистоннинг мамлакат ягона халқ хўжалик комплексидаги ҳиссаси унинг ўсиб бораётган иқтисодий ва илмий потенциалига тобора номутаносиб бўлиб қолди. Турғунлик ҳолати халқ хўжалигининг барча тармоқлари ва ижтимоий-сиёсий ҳаёт соҳаларини қамраб олди. Ишлаб чиқариш суръатлари кескин камайиб, экономикани ривожлантиришнинг сифат кўрсаткичлари пасайиб кетди. Кейинги икки беш йиллик мобайнида бу ерда миллий даромадни ва меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатлари мамлакат бўйича энг паст даражада бўлди. Алоҳидалик ва тайёрга айёрлик кўринишлари кучая бошлади. Умумиттифоқ фондига, бошқа республикалардаги истеъмолчиларга саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кўпгина турлари мунтазам равишда кам етказиб бериларди.

Социал-маданий қурилиш планлари муттасил бажарилмасди. Аҳолининг озиқ-овқат таъминоти ёмонлашиб кетди. Социал адолат принциплари бузилди. Социалистик мулкни ўғирлаш, қўшиб ёзиш, порахўрлик анча кенг кўлам касб этди. Ичкиликбозлик ва наркомания тарқала бошлади. Буларнинг ҳаммаси носоғлом ахлоқий-маънавий вазиятни вужудга келтирди, миллатлараро муносабатларда кўнгилсиз ҳодисаларни келтириб чиқарди, коммунистларда, барча софдил меҳнаткашларда ташвиш, англашилмовчилик ва нафрат уйғотди.

КПСС Марказий Комитетининг қарорларида Қозоғистон партия комитетларининг диққат-эътибори экономикани ривожлантиришдаги жиддий камчиликларга, партия ва давлат интизомининг пастлигига, ғоявий-сиёсий ишдаги нуқсонларга бир неча марта қаратилган эди. Лекин республикада бундан тегишли хулоса чиқариб олинмади. Дабдабабозлик ва мадҳиябозлик аввалгидек авж олаверди, ютуқлар ошириб кўрсатилиб, натижаларга танқидий баҳо берилмади, ўпирилишлар ва камчиликлар ошкор қилинмади. Шу зайл ишларнинг аҳволи ҳақида нотўғри тасаввур ҳосил бўлган, кадрларнинг бир қисмида миллий худбинлик ва мағрурлик туйғулари пайдо бўлган эди.

Республиканинг раҳбар органлари интернационализм ғояларининг асосий соҳиблари ва тарғиботчилари бўлган ишчилар синфининг миллий кадрларини собитқадамлик билан шакллантиришдан ўзларини четга олдилар. Саноатдаги, айниқса кўмир саноати ва металлургия тармоқларидаги ишчилар орасида қозоқлар салмоғи камайиб кетди. Индустриянинг етакчи тармоқлари учун кадрлар тайёрлайдиган ҳунар-техника билим юртларига ва ўрта махсус ўқув юртларига қозоқ миллатига мансуб ёшлар кам келишаётир, айни пайтда олий ўқув юртлари ва уларнинг филиаллари тармоқлари етарлича асос бўлмагани ҳолда кенгайтира борилди. Олий ўқув юртларига киришда қозоқ миллатидан бўлган ёшларга имтиёзли шароитлар яратиб қўйилди, ошна-оғайнигарчилик авж олди, қабулнинг амалдаги қоидалари бузилди, баҳолар ошириб қўйилди. Мутахассисларни тайёрлашда реал эҳтиёжлар ҳисобга олинмаётир. Натижада олий ва ўрта махсус билим талаб қилинмайдиган лавозимларнинг кўпчилигини дипломли ходимлар эгаллаб турибди.

Кадрлар сиёсатидаги қўпол хатолар меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялаш ишига катта зиён етказди. Раҳбарлик ишларига танлаш ва кўтаришда кўпинча сиёсий, ишчанлик ва ахлоқий фазилатлар эмас, балки миллий мансублик, уруғчилик ва юртдошлик алоқалари, шахсий садоқат ҳал қилувчи омиллардан бўлиб келди. Гуруҳбозлик ва бир-бирини қўллаб юбориш вазиятида партия, давлат ва хўжалик органларидаги, илмий муассасалар ва ўқув юртларидаги кўпгина асосий лавозимларни мансабпараст, мунофиқ ва лаганбардор кишилар эгаллаб олдилар. Кадрларнинг бир қисми маънавий жиҳатдан айниб кетди.

Республикада яшовчи миллатлар ва элатларнинг ижтимоий-сиёсий структуранинг барча бўғинларида тегишлича вакиллиги таъминланмади. Партия ва давлат аппарати, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фан ва маданият муассасаларини шакллантириш, ижодий союзларни тўлдириб бориш, партияга қабул қилиш, давлат мукофотларига тақдим этишда миллатга ёнбосиш юз берди. Қайд этилган бузилишлар, шунингдек баъзи бир миллий группаларнинг талаб ва эҳтиёжларига нисбатан эътиборсизлик оқибатда аҳолининг бир қисми республикадан, айниқса Гурьев, Жезқозғон, Қизил Ўрда, Семипалатинск, Целиноград областларидан кўчиб кетишига олиб келди.

Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети, область, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари интернационал тарбия масалаларини йиллаб муҳокама қилмасдан келдилар, юз бераётган жараёнлар чуқур таҳлил қилинмади. Илмий ишларда, адабиёт ва санъат асарларида қозоқ халқининг ўтмиши кўпинча идеаллаштириб кўрсатилар, буржуа миллатчиларини оқлашга уринишлар қилинарди.

Айни чоғда Қозоғистон халқларининг революцион ўтмиши, уларнинг Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва социализм учун кураши ҳақида аслини олганда ҳеч нарса дейилмасди. Халқлар дўстлиги умуман олганда бор-йўғи шиорлигича қолиб келар, совет Қозоғистонининг тикланиши ва ривожлантирилишидаги қардошларча ёрдам ҳақида фақат юбилей тантаналари чоғидагина эслатиб ўтиларди. Миллий маҳдудлик сари тенденция кучая бориб, қардош республикалар билан алоқалар қисқариб ва баландпарвоз тадбирлардангина иборат бўлиб қолган эди, ишчанлик билан тажриба айирбошлаш, таъсирчан мусобақа амалда мавжуд эмасди.

Республикада бой-феодалларча урф-одатлар, патриархал-уруғчилик расм-русмларига қарши кураш умуман йиғиштириб қўйилган эди. Исломнинг реакцион моҳиятини, унинг умри тугаган анъаналари ва тасаввурларини сақлаб қолишга,

миллий алоҳидаликни мустаҳкамлашга уринишларни фош этиш борасида фаол иш олиб борилмаётир. Кўпгина районларда диний фаолиятнинг жонланиши юз бермоқда, аҳоли ҳаёти ва турмушининг турли соҳаларига руҳонийларнинг таъсири кучаймоқда. Партия ташкилотлари диний маросимларда иштирок этаётган раҳбар ходимларга ва коммунистларга нисбатан муросасозлик қилмоқдалар, бунга маҳаллий ўзига хослик тусини беришга уринмоқдалар.

Ёшларни тарбиялашда расмиятчилик, қуруқ насиҳатгўйлик маҳкам ўрнашиб қолган. Комсомол ташкилотларига партиявий раҳбарлик сусайиб кетган. Ёшлар орасида, айниқса студентлар коллективларида юз бераётган жараёнлар чуқур таҳлил қилинмасди, Бутуниттифоқ зарбдор қурилишларига бораётган ёшлар сони камайиб кетганди. Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси ўз holiга ташлаб қўйилган.

Республика партия комитетлари ишидаги жиддий хато ва нуқсонлар миллатчилик кўринишларининг кўпайишига олиб келди, уларнинг ўз вақтида олди олинмади, бунинг устига улар ҳақида ошкора гапирилмади ёки шунчаки, оддий безорилик деб кўрсатилди. Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети ҳатто 1979 йилда Целиноградда юз берган миллатчилик чиқишларига қатъий сиёсий баҳо бермади. Ўтган йили декабрь ойида Олмаота шаҳрида юз берган тартибсизликлар ҳам қозоқ миллатчилигининг кўринишларидан ҳисобланади.

Республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида, шунингдек миллий муносабатлар соҳасида носоғлом вазият вужудга келиши кўп жиҳатдан Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг принципсиз позицияси, Марказкомнинг собиқ биринчи секретари Д. А. Кунаев партиявий раҳбарлик нормалари ва принципларини қўпол равишда бузганлиги оқибатидир. Унинг иш услубида субъективизм мавжуд эди, коллегиаллик бузилар, лаганбардорлик ва хушомадгўйлик рағбатлантириларди. Уруғ-аймоқчиликка берилиб кетилган, унинг теварагида хизмат мавқеини ғаразли мақсадларда суиистеъмол қилувчи кўпгина шахслар йиғилиб қолган эди.

КПСС Марказий Комитети Қозоғистонда партия турмуши нормаларидан чекинишга, миллий сиёсатнинг ленинча принциплари бузилишига йўл қўйилганлигини тоқат қилиб бўлмайдиган бир аҳвол деб ҳисоблайди. Миллий муносабатлар соҳасида вужудга келаётган проблемаларнинг ўз вақтида ҳал этилиши революцион янгиланиш жараёнлари жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олаётган бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шовинизм ва миллатчиликнинг, миллий маҳдудлик ва такаббурликнинг ҳар қандай кўриниши социализмнинг буюк ғалабаларига — халқларнинг қардошларча дўстлигига, совет жамиятининг интернационал бирлигига ҳамла деб қаралмоғи керак.

Қарорда қайд этиладики, кейинги пайтда республикада вазиятни соғломлаштириш ва тартиб ўрнатишга қаратилган ишлар олиб борилмоқда. Лекин бу ҳали тегишлича миқёс ва теранлик касб этгани йўқ, унга республика партия ташкилотининг барча бўғинлари фаол киришган эмас. Давлат органлари, касаба союзлари ва комсомол, ижодий ташкилотлар ва муассасалар ўз ишларини суст қайта қурмоқдалар.

Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети, область, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари меҳнаткашларни интернационализм ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий муносабатларни такомиллаштириш ва янада ривожлантириш борасидаги камчиликларни тугатиш юзасидан ғоят қатъий чора-тадбирлар кўриши лозим, деб топилди.

КПСС Марказий Комитети интернационализм оғизда эмас, балки амалда, энг аввало Қозоғистоннинг мамлакат ягона халқ хўжалик комплексига қўшадиган ҳиссасини кўпайтиришда, республикада барпо этилган илмий-ишлаб чиқариш потенциалининг самарасини тўхтовсиз ошира боришда, умумхалқ вазифаларини ҳал этишда фаол қатнашишда намоён бўлиши керак, деб таъкидлади.

Республика Компартияси Марказий Комитети ва Министрлар Совети экономикадаги турғунлик ҳолатларини яқин йиллар ичида бартараф этиш, Озиқ-овқат программасини сўзсиз бажариш, сифат кўрсаткичлари кескин оширилишига, умумиттифоқ фондига маҳсулот етказиб бериш соҳасидаги қарзларни узишга эришиш юзасидан конкрет чора-тадбирлар ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари зарур. Маҳаллийчилик кўринишлари, тайёрга айёрлик кайфиятлари

катъиян бархам топтирилиши керак. Шартномаларга, айникса республикалараро шартномаларга биноан махсулот етказиб бериш топширикларини катъиян бажариш хар бир ишлаб чикариш коллективи фаолияти учун коида бўлиб колмоғи лозим.

Меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш таъминлансин. Ишчилар синфининг, аввало саноатнинг етакчи тармоқларидаги ишчилар синфининг миллий кадрларини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилиши керак. Республикалараро кадрлар айирбошлаш, янги районларни ўзлаштиришда ишчилар ва мутахассисларнинг иштироки кенгайтирилсин. Қардош республикалардаги меҳнат коллективлари, шаҳарлар, районлар ва областлар билан таъсирчан мусобақа ва тажриба алмашиш йўлга қўйилсин.

Социал-маданий соҳанинг собитқадамлик ва сабот билан ривожлантирилишига эришилсин. Партия комитетлари, совет ва касаба союз органларининг, хўжалик раҳбарларининг зарур меҳнат ва турмуш шароитлари яратилиши учун, уй-жой ва маданий-маиший қурилиш программаси амалга оширилиши, аҳолига озиқ-овқат таъминоти, медицина ёрдами яхшиланиши учун жавобгарлиги оширилсин.

Қозоғистон партия комитетларига КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленуми қарорларига амал қила бориб, кадрлар билан ишлашнинг бутун системасини тубдан қайта қуриш, унга чинакам демократик характер бахш этиш тавсия қилинди. Ҳар бир партия ташкилоти кадрлар масаласини ҳал этишда Уставдаги ҳуқуқидан тўла-тўкис фойдалана олиши таъминлансин. Ошкоралик ҳар томонлама ривожлантирилсин, раҳбарларни кўтаришда меҳнат коллективларининг фикри тўларок ҳисобга олинсин, сайлов асослари кенгайтирилсин. Протекционизмга, ходимларни уруғ-аймоқчилик, юртдошлик ва ошна-оғайнигарчилик белгиларига биноан танлашга қатъиян барҳам берилсин.

Раҳбар органларда, партия ва совет аппаратида, жамоат ташкилотларида республикада яшовчи барча миллат ва элатлар тегишлича вакилликка эга бўлсинлар. Бу ишга шошмашошарлик билан ва енгил-елпи ёндошилмаслиги керак. Раҳбар партия, совет, касаба союз, комсомол ходимларининг, хўжалик раҳбарларининг, идеология кадрларининг миллатлар ва миллий муносабатлар тўғрисидаги марксча-ленинча таълимот, КПССнинг миллий сиёсати соҳасидаги тайёргарлиги яхшилансин. Бу проблемаларни сиёсий ўқув ва иқтисодий таълимнинг, семинарлар ва курсларда кадрларни қайта тайёрлашнинг барча бўғинларида ўрганиш уюштирилсин. Ҳар бир раҳбар, коммунист ленинча миллий сиёсатни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиши, интернационал ва ватанпарварлик бурчини бажаришда ибрат бўлиши керак.

Партия Марказий Комитети қатъий интернационалистик эътиқод ва ватанпарварлик туйғуларини тарбиялашни омма ўртасида олиб бориладиган ташкилотчилик ва сиёсий ишнинг бош йўналишларидан бири деб ҳисоблайди. Бу фаолиятга мунтазамлик характерини бахш этиш, унинг илмий асосларини такомиллаштириш жуда муҳимдир. Миллий муносабатлар соҳасида юз бераётган жараёнлар ва тенденциялар чуқур таҳлил этилиб, вазиятга реал баҳо берилсин, аҳоли турли категориялари ва группаларининг хусусиятлари ҳисобга олинсин. Миллий масалани ҳал этиш борасида эришилган тарихий ютуқлар, интернационал қардошликнинг қозоқ халқи тақдиридаги, совет Қозоғистонининг ривожланишидаги роли пропаганда ва оммавий-сиёсий ишнинг барча воситалари ёрдамида конкрет мисоллар билан аниқ-равшан ва чуқур кўрсатиб берилсин. Ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳалари интернационаллашувининг чуқурлашиш жараёнлари объектив характерга эга эканлигини ишонарли тарзда тушунтириб берилсин. Барча миллат ва элатларнинг маданий ва маиший эҳтиёжларини қондириш тўғрисида ҳамиша ғамхўрлик қилинсин, юзага келаётган проблемалар ўз вақтида ҳал этилсин. Миллий-рус икки тиллиликни янада ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилсин.

Илмий ва ижодий интеллигенция ўртасида, ёшлар орасида интернационал ва ватанпарварлик тарбиясини ташкил этишга алоҳида эътибор бериш зарур экани уқтирилди. Миллатлараро юксак муносабатлар маданиятини, қардош халқлар тарихига, тили ва урф-одатларига ҳурматни тарбиялаш зарур. Миллатчиликнинг

ҳар қандай кўринишларига синфий позициядан ёндашиш қобилияти ривожлантирилсин. Миллатчилик кайфиятларига, бой-феодалларча урф-одатларга, уруғ-аймоқчилик анъаналарига, миллий онгга салбий таъсир кўрсатаётган диний ақидаларга қарши актив, ҳужумкор кураш олиб борилсин. КПССнинг миллий сиёсати душманлар томонидан бузиб кўрсатилаётгани, буржуа пропагандасининг миллатлар ва элатлар орасига нифоқ солишга уринишлари далил-исботлар билан фош этилсин.

Марказий Комитет республика партия ва совет органларига Қозоғистоннинг социал-иқтисодий тараққиёти истиқболларини ҳисобга олган ҳолда мутахассислар тайёрлаш, тақсимлаш ва фойдаланишни яхшилашга эришиш вазифасини юклади. Ўқув юртларини янада пухтароқ ихтисослаштириш, уларнинг тармоқларини тартибга солиш, малакали илмий, педагог кадрларга ва зарур моддий базага эга бўлмаган филиаллари, факультетлари, кафедралари ва лабораторияларини тугатиш чоралари амалга оширилсин. Олий ўқув юртларига қабул қилишда ошна-оғайнигарчилик, порахўрлик ва бошқа салбий ҳодисаларга барҳам берилсин.

Олий ўқув юртларида, техникумлар, билим юртлари, умумий таълим мактабларида ёшларнинг илмий дунёқарашини шакллантириш, уларнинг ғоявий-ахлоқий, гражданлик камолоти борасида ўқув-тарбия жараёнининг роли оширилсин. Ижтимоий фанларни ўқитиш савияси яхшилансин. Кўп миллатли студентлар коллективларида дўстлик ва ўзаро ёрдам муҳити қарор топтирилсин. Ўқишни, ижтимоий фойдали меҳнатни, бўш вақт ва маиший ҳаётни ташкил этишга оид барча масалаларни ҳал қилишда студент ёшларнинг ташаббускорлиги ва ижодкорлиги авж олдирилсин. Раҳбар партия ва совет ходимларининг профессор-ўқитувчилар состави билан, мактаб ўқитувчилари, студентлар, ўқувчилар билан доимий учрашувлари ўтказиб турилсин.

Комсомолга партия раҳбарлиги кучайтирилсин. Барча миллатларнинг ёшлари беш йилликнинг Бутуниттифоқ қурилишларида кенг иштирок этишига кўмаклашилсин. Туризм, бошқа республикалар билан маданий ва спорт алоқалари ривожлантирилсин.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг республика халқ хўжалиги олдида турган амалий вазифаларини ҳал этишда Қозоғистон ССР Фанлар академиясининг роли оширилсин.

Миллатчилик ва бошқа салбий кўринишларга қарши курашнинг актуал проблемаларини ишлаб чиқишда, партия, совет, хўжалик органлари учун конкрет тавсияномалар тайёрлашда жамиятшуносларнинг янада фаол иштирок этишлари таъминлансин. Миллий муносабатлар проблематикаси бўйича тадқиқотларни мамлакатдаги илмий муассасалар билан уйғунлаштириш яхшилансин. Қозоғистон ССРнинг, рус-қозоқ муносабатларининг тарихини ўрганиш изчил маркача-ленинча позициялардан туриб олиб борилсин. Ўтмиш воқеаларини, тарихий шахсларни объектив тарзда ёритиш мақсадида республика тарихи бўйича мактаблар ва олий ўқув юртлари учун чиқарилган дарсликлар қайта кўриб чиқилсин.

Ижодий ташкилотлар ва союзларга партия раҳбарлигини яхшилаш тавсия қилинди. Ижодий союзларнинг бошланғич партия ташкилотлари бадиий интеллигенциянинг истеъдодли ва ижтимоий фаол вакиллари ҳисобига мустаҳкамлансин. Адабиёт ва санъат арбобларига ленинча миллий сиёсатнинг моҳияти ва мазмунини, қозоқ халқининг бугунги куни ва ўтмиши воқеалари ва ҳодисаларини синфий, партиявий позициялардан туриб ёритадиган, СССР халқлари дўстлигини мустаҳкамлашга кўмаклашадиган янги салмоқли асарлар яратишда ҳар тарафлама ёрдам кўрсатилсин. Миллий маданиятларнинг ўзаро бир-бирини бойитиши жараёнини чуқурлаштиришга алоҳида эътибор берилсин. Шу мақсадда иттифоқдош ва автоном республикаларнинг спектакллари, концерт программалари, бадиий кўргазмалари намойиши, кинофильмлар фестивали доимий равишда ўтказиб турилсин. Профессионал ва бадиий ҳаваскорлик коллективларининг репертуарлари қаҳрамонлик, ватанпарварлик тематикаси билан, қардош республикалар авторларининг асарлари билан тўлдириб борилсин. Совет халқларининг социализм учун умумий курашда бирлашганлигини пропаганда қилишда музейларнинг роли оширилсин.

Республика ҳаётининг турли соҳаларида ҳуқуқ-тартиботни, интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш юзасидан таъсирчан чоралар кўрилсин. Партиявий-сиёсий таъсир ва маъмурий чораларнинг барча воситалари ёрдамида қаллоблик ва тамагирликка қатъиян барҳам берилишига эришилсин. Ўғирлик ва қўшиб ёзишларга, ичкиликбозлик ва алкоголизмга, гиёҳвандликка қарши курашда меҳнат коллективларининг роли оширилсин. Маъмурий органлар кадрлар билан мустаҳкамлансин, уларнинг қонунларга, гражданларнинг ҳуқуқларига, социал адолат принципларига қатъиян риоя этилишини таъминлаш борасидаги фаолияти активлаштирилсин.

Иттифоқдош республикалар компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка, область партия комитетларига миллий муносабатлар соҳасида КПСС XXVII съездининг, КПСС Марказий Комитети 1987 йил январь Пленумининг кўрсатмаларини амалга ошириш борасидаги ишларнинг аҳволини чуқур таҳлил этиш, аҳоли турли группаларини интернационализм ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашни кучайтириш юзасидан самарали чора-тадбирлар белгилаш ва амалга ошириш тавсия қилинди. Ана шу мақсадларда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги ва СССР ташкил этилганлигининг 65 йиллигига тайёргарлик жараёнидан фаол фойдаланилсин.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

10 август куни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг VI пленуми бўлди. «КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил июнь Пленуми қарорлари асосида экономиканн бошқаришни тубдан қайта қурншни таъмннлаш соҳасида республика партня ташкилотларнинг вазифаларн тўғрнсида» Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетнининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев доклад қилди.

Доклад юзасидан музокараларда Ўзбекнстон ССР Министрлар Советнннинг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, Қорақалпоғистон область партия комитетнининг бирнничн секретари К. Саликов, Сурхондарё область Гагарин районидаги «Искра» совхозининг директори П. Худоёров, «Узбекшахтострой» трестнининг Тошкент областидаги 6-Ангрен қурилиш бошқармаси бригадири Д. А. Зазулин, Ўзбекистон ССР маориф министри О. С. Аббосова, Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мирқосимов, Наманган область ижроия комитетнининг раиси Б. Д. Ҳакимов, «Главташкентстрой» бошлиғи К. П. Дудин, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретарн Б. Ф. Сатин, Қўқондаги Й. Охунбобоев номли тикувчилик фабрикасининг директори С. Н. Раҳмонова, Андижон область Москва район партия комитетнининг биринчи секретарн Х. И. Исмонов, Сирдарё область Боёвут районидаги А. С. Пушкин номли совхоз директори С. Абдуқодиров, Жиззах область партия комитетининг биринчи секретарн И. С. Умаров, Тошкент областидаги 2-Янгиобод руда бошқармаси директори Г. Х. Сидаков, Бухоро областидаги «Узбекбургаз» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бригадири В. Ф. Стрельцов ўртоқлар сўзга чиқдилар.

«Республика партия ташкилотининг КПСС Марказий Комитетининг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия комитетининг ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган вазифалари» масаласи юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Тошкент область партия комитетнининг биринчи секретари Т. А. Алимов, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи снёсий бошқармасининг бошлиғи — Ҳарбий Кенгаш аъзоси Г. А. Стефановский, Фарғона область партия комитети партиявий-ташкилий ишлар бўлимининг мудири В. И. Балала, Сирдарё область партия комитетнининг иккинчи секретари Б. Алламуродов, «Совет Ўзбекистони» газетасининг редактори Л. Қаюмов, Самарқанд область партия комитетнининг иккинчи секретари Ю. С. Васильев, Қашқадарё область Шаҳрисабз шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ш. О. Мансурова ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленум муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Пленум ташкилий масалаларни кўриб чиқди. Г. М. Писулин Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Енгил саноат ва халқ истеъмол моллари бўлими мудири этиб тасдиқланди.

Пленум ишдаги жиддий камчиликлари учун Бухоро область ижроия комитетининг собиқ раиси ўрток Н. Нарзуллаевни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигидан, Ўзбекистон ССР ўрмон хўжалиги собиқ министри ўрток П. Ю. Юсуповни Марказий Комитет аъзолигига кандидатликдан чиқарди.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари И. Е. Пономарев, В. Н. Куликов ўртоқлар қатнашдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми шу билан ўз ишини тугаллади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ 1987 ЙИЛ ИЮНЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА ЭКОНОМИКАНИ БОШҚАРИШНИ ТУБДАН ҚАЙТА ҚУРИШНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДА РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси МК биринчи секретари И. Б. УСМОНХЎЖАЕВнинг Ўзбекистон Компартияси МК пленумида 1987 йил 10 августда қилган доклади

Ўртоқлар!

КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил июнь Пленуми партия билан халк ҳаётида алоҳида ўрин тутади. Бу Пленум қайта қуришнинг яхлит концепциясини ишлаб чиқишни қиёмига етказдики, мазкур ғоя 1985 йил апрелида олға сурилган, партия XXVII съезди ҳужжатларида, Марказий Комитетнинг январь Пленуми қарорларида ишлаб чиқилган эди. Совет жамиятини революцион янгилаш ва унинг тараққиётини жадаллаштириш иши марксизм-ленинизм назарияси негизида яна бир бор чуқур асослаб берилди, амалий ишларга кўчирилди. Бу революцион янгиланиш ва жадаллаштириш ҳал қилувчи ижтимоий соҳада — халқ турмушининг негизига дахлдор бўлган иқтисодий соҳада амалга оширилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев докладида ва Пленум қабул қилган қарорларда хўжалик механизмини тубдан ислоҳ қилишнинг йўналишлари ва йўллари белгилаб берилди. Пленум «Экономикани бошқаришни тубдан қайта қуришнинг Асосий қоидалари»ни тасдиқлади; умумхалқ муҳокамасини ҳисобга олган ҳолда узил-кесил ишлаб чиқилган давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисида СССР Қонуни лойиҳасини маъқуллади (бу Қонунни СССР Олий Советининг сессияси қабул қилган), бошқаришнинг марказий, республика ва маҳаллий органлари фаолиятини, халқ хўжалигини планлаштириш ва ташкил этиш системасини қайта тузиш принципларини белгилаб берди.

Пленумнинг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XIX Бутуниттифоқ конференциясини келгуси йил июнида чақириш тўғрисидаги қарори принципиал аҳамиятга эгадир, унда КПСС XXVII съезди қарорлари қандай амалга оширилаётганлиги, ўн иккинчи беш йиллик биринчи ярмининг асосий якунлари ва партия ташкилотларининг қайта қуриш жараёнини чуқурлаштириш борасидаги вазифалари, партия ва жамият турмушини янада демократиялаштириш чоралари тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилиш кўзда тутилган.

Марказий Комитет Пленуми барча мураккаблик ва қийинчиликларга қарамай, қайта қуриш ғоявий ва маънавий ғалаба қозонди, эндиликда кенгайиб ва чуқурлашиб бормоқда, деган хулосага келди. Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, зиёлилар — бутун совет халқи қайта қуришни якдиллик билан қўллаб-қувватламоқда, бу эса янгиланиш иши муваффақияти учун ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Мамлакатимизнинг ҳамма жойида бўлгани каби Ўзбекистон коммунистлари, меҳнаткашлари партиямизнинг социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш, экономикани бошқаришни тубдан қайта қуриш, жамият турмушининг ҳамма жиҳатларини демократиялаштириш йўлини якдиллик билан маъқулламоқдалар.

I. ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ ДАСТЛАБКИ ЯКУНЛАРИ ВА ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

Ўртоқлар! Республика халқ хўжалиги тубдан соғломлаштиришга муҳтож эканлигини исбот қилиб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак, деб ўйлайман. КПСС Марказий Комитетининг Пленумида таъкидлаб ўтилганидек, агар мамлакатимиз экономикаси кризисолди ҳолатида бўлса, тўла асос билан айтиш мумкинки, Ўзбекистонда турғунлик ҳодисалари ғоят ўткир намоён бўлди, республикамиз жамият ва давлат олдида катта қарздор бўлиб қолди.

Республика партия ташкилоти салбий ҳодисаларнинг оқибатларини бутунлай тугатиш, турмушимизнинг ҳамма соҳаларини соғломлаштириш учун қизғин кураш олиб бормоқда. Бу ғоят мураккаб ишда биз КПСС Марказий Комитетининг, Иттифоқ ҳукуматининг эътибори ва мададини муттасил сезиб турибмиз. Кадрлар масаласида, ишлаб чиқарувчи кучларни жадал ривожлантиришда, социал проблемаларни ҳал қилишда бизга ҳар томонлама чинакам интернационал ёрдам берилмоқда.

Кўриб турибсизларки, ўртоқлар, КПСС Марказий Комитети катта камчиликларимиз учун бизни партиявий принципиаллик билан танқид қилиб, айни пайтда Ўзбекистон экономикаси ва маданиятини юксалтиришда ғамхўрлик қилмоқда. Бундай шароитда қайта қуришни хоҳлаганлар ишга киришиб кетди, хоҳламаганлар эса эскиликка ёпишиб олиб амалда қайта қуришга тўсқинлик қилмоқда, воқеаларнинг ортида судралиб бормоқда.

Шу сабабли коммунистларнинг масъулиятини ошириш, авангардлик ролини таъминлаш масаласи жуда кескин бўлиб турибди. Партия комитетлари ва ташкилотларида қайта қуриш иқтисодий, социал, маънавий жараёнлардан орқада қолишига йўл қўйиб бўлмайди.

Шу жиҳатдан қараганда, КПСС Марказий Комитетининг «Ўзбекистон Компартияси Тошкент область ташкилотида партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида» яқинда қабул қилган қарори ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Мана шу жуда муҳим умумпартия ҳужжатидан келиб чиқадиган вазифалар, қоидалар ва хулосалар бутун республика партия ташкилоти учун актуал ҳисобланади. Бу масала ҳам пленумимиз муҳокамасига киритилмоқда.

Ҳозир республика партия ташкилотининг ижтимоий-сиёсий практикасида ижобий ўзгаришлар бўлмоқда, деб айтиш мумкин. Танқид ва ошкоралик кўпроқ бўлиб қолди. Халқ депутатлари маҳаллий Советларига, шу жумладан кўп мандатли округлардаги сайлов янада кенг демократия, ўз фикрини эркин ифодалаш вазиятида ўтди. Партия, совет, хўжалик раҳбарларини бир неча номзодни ошкора муҳокама қилиш йўли билан сайлаш практикага кириб келмоқда.

Тошкент, Наманган, Сирдарё, Хоразм областларидаги бир қанча партия комитетлари ва ташкилотлари ишида кўпгина социал-иқтисодий проблемаларни ҳал этишга имкон бераётган янгича самарали ёндашувлар, иш форма ва методлари кенгайиб бормоқда.

Республикамизда партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, кадрлар масъулиятини ошириш юзасидан олиб борилаётган ишлар натижа бера бошлади. Ишлаб чиқариш ҳажмининг муайян даражада кўпайишига, халқ хўжалиги бир қанча тармоқларида ўсиш суръатларининг ортишига эришилди. 1983—1984 йилларда саноат маҳсулоти ўсишининг йиллик ўртача суръати 3,5 процентни ташкил этган бўлса, сўнгги икки йилда 6,5 процентни ташкил этди; саноатда меҳнат унумдорлигининг ўсиши 0,3 процентдан 4 процентга етди.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш барқарор ўсиб бормоқда. Аҳолини газлама, пойабзал, бошқа товарлар билан таъминлаш бирмунча яхшиланди, тўловли ва маиший хизмат кўпроқ кўрсатилмоқда. Молиявий аҳволда баъзи ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда, хўжалик фаолиятининг барча турларидан олинган фойда деярли 20 процент кўпайди.

Партия томонидан қораланган социал соҳани ривожлантиришга «қолдиқ ёндашуви» аста-секин бартараф этилмоқда. 1985—1986 йилларда ҳамма манбалар

ҳисобига 600 минг квадрат метр уй-жой, 60 минг ўринли мактаб, 16 минг ўринли болалар боғча ва яслилари, 2 минг ўринли касалхоналар олдинги икки йилдагига нисбатан кўпроқ ишга туширилди.

Шу билан бирга ана шу ҳамма ўзгаришлар ҳали узил-кесил тусда эмаслигини, республика тараққиётидаги асосий бурилиш тенденцияларини белгилаб бермаслигини тушуниб турибмиз. Шу сабабли КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми йўл-йўриқлари ва янги иқтисодийислоҳот талаблари асосида мана шу дастлабки силжишлар қаерда, қандай қилиб ва нималар ҳисобига бўлганлигини, кўп соҳалардаги турғунлик сабаблари нимада эканлигини кўриб чиқиш жуда муҳимдир. Илғор коллективларнинг тажрибаси хўжалик механизмини қайта қуришга асос қилиб олиниши керак.

Мисол учун Олмалиқ кон-металлургия комбинатини олиб кўрайлик. Бу ерда 76 та хўжалик ҳисобидаги бригадада уч мингдан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. Бу бригадалар юксак меҳнат унумдорлигини, хом ашё, материаллар, электр энергия кўплаб тежалишини таъминламоқда. Партия комитети, цех партия ташкилотлари, партия группалари ташаббускорлик билан ишламоқда, кадрларни танлашнинг демократик принциплари нормага айланиб қолди, кўпгина ишлаб чиқариш бўлинмаларининг раҳбарлари меҳнат коллективлари томонидан сайлаб қўйилган. Натижада товар маҳсулот ишлаб чиқариш етти ойлик плани ошириб бажарилди, коллектив шартнома асосида маҳсулот етказиб бериш топшириқларини тўла бажарди. Маҳсулотнинг ҳаммаси биринчи тақдимдаёқ давлат қабулига топширилмоқда.

Пудрат, хўжалик ҳисоби принциплари ҳамма тармоқларда, айниқса қишлоқда юксак самарадорликни таъминлайди. КПСС Марказий Комитетининг Пленумида Жиззах область Пахтакор районидаги Кичанов номли совхоз тажрибаси таъкидлаб ўтилди. Бу совхозда коллектив ва оила пудратини моҳирлик билан қўлланиш, харажатларни ҳисобга олишнинг чек системасини жорий этиш ҳисобига қолоқлик қисқа вақт ичида бартараф этилди, юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига ва иқтисодий кўрсаткичларга эришилди. Шу областдаги Бахмал районининг «Партия XXIII съезди» совхозида ва Наманган область Норин районидаги «Коммунизм» колхозида ҳам ана шундай тажриба бор. Хоразм областидаги Хонқа районида 4 мингга яқин оилавий звено тузилган бўлиб, улар пахта ҳосилдорлигини гектарига 41 центнерга етказдилар. Навоий областидаги Октябрь 50 йиллиги номли совхозда ўрток Шохурова звеноси чўчқаларни боқиш ва семиртиришни оила пудратига олди. Шохурова ва унинг ўғлига минг бош чўчқа бириктиб қўйилган, бир центнер гўштнинг таннархи салкам 220 сўм бўлмоқда, таққослаш учун шуни айтиш мумкинки, шу областдаги Хатирчи районида бир центнер гўштнинг таннархи ўртача 336 сўмни ташкил этмоқда. Ходимларнинг даромадлари ҳам ишига мувофиқ тақсимланмоқда.

Аммо булар қайта қуришда қандай катта резервлар мавжудлигини кўрсатувчи мисоллар, холос. Айни пайтда булар ана шу имкониятлардан журъатсизлик билан фойдаланаётган кишилар учун қаттиқ таъна ҳамдир.

КПСС Марказий Комитетининг Пленумида таъкидлаганганидек, бир томондан янгиланиш талаблари, ижодкорлик, бунёдкорлик ташаббуслари билан, иккинчи томондан консерватизм, сусткашлик, турғунлик ўртасидаги қарама-қаршиликлар тобора яққол кўзга ташланмоқда. Қайта қуриш ҳали кўп жойга етиб боргани йўқ. Бир қанча партия комитетларининг жамиятда авж олиб бораётган янги жараёнлар ва ҳодисалардан орқада қолишидек ташвишли тенденция мавжудлиги аниқланди. Баъзи бировлар қайта қуришнинг узоқ муддатга мўлжалланган ва истиқболни кўзловчи характерини кўп куч-ғайрат сарфламай, шошилмай ишлаш мумкин, деб тушунмоқдалар. Социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришга оид кўпгина тадбирлар секинлик билан, чала бажарилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси Бухоро, Андижон, Қорақалпоғистон область партия комитетларининг ҳисоботларини муҳокама қилиш чоғида ана шу жиддий камчиликларни таъкидлади Қабул қилинган қарорлар Марказий Комитет аъзоларига маълум. Биз область партия комитетларининг бюроларидан ва шахсан биринчи скератарлари И. Ж. Жабборов, М. М. Орипжонов, Қ. С. Саликов ўртоқлардан бу қарорлар активлик билан рўёбга чиқарилишини кутмоқдамиз.

Самарқанд областидаги ишларнинг аҳволи катта ташвиш туғдирмоқда. Бу ерда КПСС XXVII съезди қарорлари бажарилиши қониқарли таъминланмаяпти. Ташкилотчилик ва сиёсий ишлар бўшаштириб юборилганлиги, қайта қуришдаги сусткашлик, раҳбарлик услуби ва методларидаги консерватизм натижасида хўжалик ва маданий қурилишнинг кўп соҳаларида турғунлик ҳоллари авж олиб кетмоқда. Халқ хўжалигида иқтисодий кўрсаткичлар йилдан-йилга ёмонлашмоқда.

Мафкуравий, тарбиявий ишларда қўпол хатолар ва нуқсонларга йўл қўйилди. Кадрларга нисбатан талабчанлик сусайиб кетди, одамларнинг сиёсий, ишчанлик ҳамда ахлоқий-маънавий фазилатларини чуқур ўрганмай туриб, уларни раҳбарлик лавозимларига кўтаришга йўл қўйилмоқда, ўз обрўсини тўкиб қўйган шахсларни бир раҳбарлик лавозимидан иккинчи лавозимга кўчириш давом этмоқда.

Область партия комитетининг бюроси ва унинг биринчи секретари ўртоқ Р. С. Ашуралиев қайта қуришга кўниколмади. Область ҳаётига партиявий раҳбарлик қилишнинг форма ва методларини янгилай олмади. Ижро интизоми пастлигича қолмоқда, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, совет, хўжалик органлари, касаба союз ва комсомол ишида жиддий ўзгариш бўлмаяпти. Партия директивалари ва ўз қарорларини бажаришни контрол қилиш бўшаштириб юборилган. Масалан, область партия комитетида капитал қурилиш масалалари 1985 йилда бюро мажлисларида 18 марта, 1986 йилда 11 марта кўриб чиқилган. Бироқ капитал қурилиши планлари барбод этилди.

Ишлаб чиқариш ва ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида қайта қуришдаги имиллашга тоқат қилиб бўлмайди. КПСС Марказий Комитети январь ва июнь Пленумларининг қарорларида жадаллаштиришнинг қудратли сиёсий ва иқтисодий механизми жамланиб, ишга солинди. Эндиликда бу механизмнинг тўла куч билан ишлаши сиз билан бизга боғлиқ, ўртоқлар.

Ҳолбуки, холисона таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, бир қанча жойларда қайта қуриш ташкилий ва идеологик жиҳатдан пухта таъминланмаяпти. Область, шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари меҳнат коллективлари сиёсий ва ишлаб чиқариш ҳаётининг боришини жиддий ўзгартиришга эриша олмаяптилар.

Етти ойлик иш якунлари ҳам шундан далолат бермоқда. Ана шу даврда саноатда ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати амалда 1,2 процентни ташкил этди. Ҳолбуки, ўтган йилнинг шу даврида ўсиш суръати 7,6 процент даражасида эди.

Кооперация асосида маҳсулот етказиб бериш ҳамон барбод бўлмоқда, 296 корхона ёки ҳар уч корхонадан бири шартнома бўйича маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларини уддалай олмади.

Умуман саноатда меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг январь — июль ойларидагига нисбатан 1,3 процент камайиб кетди.

Айниқса, Андижон областида катта қолоқликка йўл қўйилди, бу ерда маҳсулот етказиб бериш плани 94,1 процент бажарилди, холос. Бухоро областида халқ истеъмоли товарлари пландагига нисбатан 6,5 миллион сўмлик кам ишлаб чиқарилди, меҳнат унумдорлиги 1986 йилдагига нисбатан 9 процент камайиб кетди.

Капитал қурилишдаги аҳвол ҳам ташвишли. Асосий фондларни ишга тушириш йиллик плани атиги 32 процент, уй-жойларни ишга тушириш плани 46 процент, мактабларни ишга тушириш плани 72 процент, мактабгача тарбия болалар муассасаларини фойдаланишга топшириш плани 30 процент, ҳунар-техника билим юртларини фойдаланишга топшириш 53 процент, касалхоналар ва поликлиникаларни фойдаланишга топшириш йиллик плани 32 процент бажарилди. Бу кўрсаткичларнинг деярли ҳаммаси ўтган йилнинг етти ойи натижаларига нисбатан анча камдир. Коллектив пудрати заминидаги катта имкониятлардан жуда ёмон фойдаланилмоқда.

Транспортда юк ташишни ташкил этиш яхшиланмаяпти. Бу ерда чиқим механизми ҳамон амал қилмоқда, иқтисодий омиллардан ёмон фойдаланилмоқда, шартномаларнинг бажарилиши барбод этилмоқда. Натижада пассажирлар ва юкларни ўз вақтида манзилга етказиш таъминланмаяпти.

Автотранспортдан фойдаланишни марказлаштириш — унинг самарадорлигини ошириш йўлидир. Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, машиналарнинг атиги 18 проценти жамланган ихтисослаштирилган автохўжаликларда идораларга қарашли автохўжаликлардагига нисбатан меҳнат унумдорлиги 84 процент юқори, юк ташиш таннархи эса 26 процент арзон бўлмоқда.

Хўжалик раҳбарларининг эътиборини янгича шароитда бундай исрофгарчиликка йўл қўйиб бўлмаслигига ҳамда бундай исрофгарчилик учун меҳнат коллективлари маблағи ҳисобидан тўлашга тўғри келаётганлигига қаратишни истар эдим.

Агросаноат комплекси тармоқларининг иши бизни қониқтирмаяпти. Андижон ва Қашқадарё областларида чорва мол ва парранда харид қилиш, Қашқадарё областида сут харид қилиш, Қорақалпоғистон АССРда, Бухоро, Жиззах ва Навоий областларида тухум харид қилиш планлари бажарилмади. Бир қанча областларда ғўза парваришида, ем-хашак тайёрлашда, иттифоқ-республика фондига сабзавот ва мева етказиб беришда қолоқликка йўл қўйилмоқда. Хўжаликларда ва улар билан боғлиқ бўлган корхоналарда бригада пудрати ва айниқса оила пудрати имкониятларидан жуда кам фойдаланилмоқда, техниканинг туриб қолишига, агротехника тадбирларининг ўз вақтида амалга оширилмаслигига йўл қўйилмоқда.

Чакана товар обороти ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш плани барбод этилди, йил бошидан буён 530 миллион сўм пул кам тушди, натижада пул муомаласида кескин аҳвол юз бермоқда. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш маданияти ҳали ҳам пастлигича қолмоқда, тўловли хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш имкониятларидан фойдаланилмаяпти.

Биз экономикада туб сифат ўзгаришлари даврига қадам қўймоқдамиз. Шу сабабли кундалик ишларга ҳам, истиқболдаги вазифаларга ҳам янги позициялардан туриб, қайта қуришнинг янги мезонлари асосида ёндашмоқ керак.

Ўртоқлар! КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми биринчи галда ҳал этилиши лозим бўлган проблемаларни аниқ белгилаб берди, улар жадаллаштириш жараёнининг асосий бўғинларидир. Бой резервларимиздан тўлароқ фойдаланган ҳолда бу проблемаларни сира кечиктирмай ҳал этиш керак.

Озиқ-овқат программасини олиб кўрайлик. Ҳозир уни амалга ошириш учун янги катта имкониятлар вужудга келмоқда. КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати республика халқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг муҳим муаммоларига эътибор бериб, катта ғамхўрлик қилмоқдалар. Бу билан деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш учун, умуман қишлоқда иқтисодий вазиятни ўзгартириш учун объектив имкониятлар яратилмоқда.

Бироқ бу ғамхўрлик ва ёрдамни ишдаги тиғизликни камайтириш, бутун агросаноат комплекси фаолиятининг пировард натижалари учун масъулиятни пасайтириш, деб ҳисоблаш жуда катта хато бўлур эди.

Аксинча, гап пахта толаси сифатини тубдан яхшилаш, ҳар юз гектар ҳайдаладиган ер ҳисобига ҳамма турдаги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари олишни кўпайтириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш ва ҳосилдорликни ошириш ҳақида, ҳар бир хўжалик даромад келтирадиган рентабел хўжаликка айланиши тўғрисида бормоқда. Аммо кўпгина партия, совет ва хўжалик раҳбарлари бу вазифанинг муҳимлигини тушуниб етмаётирлар. Бу эса аввало, план интизоми бузилишида кўзга ташланмоқда.

КПСС Марказий Комитети қишлоқ хўжалиги муттасил орқада қолаётганлиги учун бизни қаттиқ танқид қилди. Бу ҳаққоний танқиддир. Ўтган йили 810 та хўжалик ёки хўжаликларнинг ярмидан кўпроғи пахта тайёрлаш планини, 567 та хўжалик сабзавот тайёрлаш планини, деярли шунча хўжалик сут ва гўшт тайёрлаш планини уддалай олмади. Шу сабабли республика 830 миллион сўмлик маҳсулотни ололмай қолди.

Айникса, Қашқадарё, Жиззах областларида ва Қорақалпоғистон АССРда қолоқ хўжаликлар кўп. Айни мана шу регионларда жуда кўп қийинчиликлар ва мураккабликлар юз берганлигини тушунамиз. Аммо холисона айтиш керакки, область, район партия комитетлари, жойлардаги агросаноат комплекси раҳбарлари жиддийроқ ишлашмаяпти. Ҳар бир хўжаликда, регионда, областда суғориладиган

ган ерлар самарадорлигини ошириш, асосий бойлигимиз бўлган ердан фойдаланишни тубдан яхшилаш учун реал имкониятлар бор. Ўтмишдаги қийинчиликларни баҳона қилмай, ана шу имкониятларнинг ҳаммасидан фойдаланиш учун кадрлар ҳозир тўла жавоб беришлари керак.

Яқинда биз КПСС Марказий Комитетининг «Ўзбекистон ССР, Тожикистон ССР ва Туркманистон ССРда агросаноат комплексининг табиий-иқтисодий потенциалидан қониқарсиз фойдаланилаётганлиги тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан вазифаларимизни батафсил муҳокама қилдик.

Шу сабабли баъзи масалаларгагина тўхталиб ўтаман. Ҳозир мелиорациядаги инвестиция сиёсати тубдан қайта қурилмоқда, капитал маблағларнинг 70 процентидан кўпроғи суғориладиган ерларни реконструкциялаш ва унумдорлигини оширишга сарфланмоқда. 600 минг гектар ерни яхшилаш учун шошилинч ишларни амалга ошириш лозим. Биз беш йилликнинг қолган даврида 15 минг километр ёпиқ зовур қуришимиз, 200 минг гектардан ортиқ ерни яхшилаб текислашимиз, деярли 3 минг километр каналга бетон ётқизишимиз, 1,5 минг километр магистрал ва ташлама коллекторларни реконструкциялашимиз ва қуришимиз, 370 минг гектар ерда суғоришнинг янги техникасини жорий этишимиз керак. Уч ярим йил ичида ёпиқ зовур қурилишида бутун урушдан кейинги йиллар давомида бажарилганининг ярми миқдорда иш қилишимиз лозим.

Шунга қарамай, сув хўжалиги ташкилотлари (Қ. Сапоев, Э. Турсунов ўртоқлар) ўз ишларини жуда секинлик билан қайта қурмоқдалар. Ўтган йили атиги 310 километр каналга бетон ётқизилди, салкам 1000 километр ёпиқ дренаж қурилди. Башарти, биз бундан буён ҳам шундай суръат билан ишлайдиган бўлсак, белгиланган программани аср охиригача ҳам бажара олмаймиз. Шу сабабли олдимизда шу йилнинг ўзидаёқ мелиорация ишлари ҳажмини уч баравар ошириш вазифаси турибди. Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, «Главсредазирсовхозстрой» ерларни мелиорациялашга чинакамига киришишлари, партия ва совет органлари эса бу ишни қаттиқ назорат қилиб боришлари керак.

Озиқ-овқат программасини рўёбга чиқариш мақсадида экин ва боғ майдонларини кенгайтириш учун вужудга келган имкониятлардан мумкин қадар самаралироқ фойдаланиш жуда муҳимдир. Пахта майдонларини ҳозирги 74 процентдан 67 процентга тушириб, пахтакор хўжаликларда бедапояларни кенгайтиришимиз, ихтисослаштирилган мева-сабзавотчилик колхозлари ва совхозларида пахта етиштиришдан воз кечишимиз, бинобарин, бундай колхоз ва совхозларда сабзавот-полиз экинлари ва картошка майдонларини тегишли даражада кўпайтиришимиз мумкин бўлади. Шу тариқа пахтачиликни илмий асосга ўтказиш учунгина эмас, шу билан бирга чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, озиқ-овқат тармоқларини ривожлантириш учун ҳам имкониятлар вужудга келтирилади.

Ана шундай шароитда партия комитетларининг ташкилотчилик ва сиёсий ишлари илғор технологияларни, хўжалик ҳисобини, коллектив ва оила пудратини жорий этиш негизида ерлардан фойдаланишда юксак самарадорликни таъминлашга қаратилиши керак.

Бу соҳада энг муҳими хўжалик ҳисоби ғоясининг ўзини обрўсизлантирадиган расмиятчиликка йўл қўймасликдир. Масалан, ўтган йили Ғалаба районидаги «Коммунизм» совхозида бешта оилавий звено «тузилди», бу звенолар планни бажармади. Агар шартнома тузилмаган, оилавий звенолар маҳсулот етиштириш юзасидан ўз зиммаларига ҳеч қандай мажбурият олмаган бўлса, совхоз дирекцияси эса уларга ҳеч қандай амалий ёрдам қилмаган бўлса, қандай пудрат ҳақида гап бўлиши мумкин? Пудрат усулига ўтган оилалар пировард натижага қараб қандай даромад олишларини тасаввур ҳам қилмаганлар. Бу йил совхозда на бирорта бригада, на бирорта звено, на бирорта оила пудрат усулига ўтиш истагини билдирмаганлиги табиийдир. Совхоз директори А. Ҳасанов эса ҳеч қандай далил-исботсиз бизнинг шароитимиз бошқача, коллектив пудрат бизнинг шароитимизга тўғри келмайди, демоқда.

Область, республика ташкилотларининг баъзи раҳбарлари ҳам бундай фикрга қўшилмоқдалар. Шуни айтиш кифояки, Қорақалпоғистон АССРда, Бухоро областида харажатларнинг чек системасини жорий этган бирорта ҳам хўжалик

йўқ, Навоий, Қашқадарё областларида эса бирорта ҳам хўжалик бошқаришнинг цех структурасига ўтмаган.

Қишлоқда бригада пудрати ғоясига ҳаммамиз ўз муносабатимизни ўзгартиришимиз керак. Бу айниқса, Қашқадарё, Жиззах, Сирдарё областларидаги кўрик массивларга тааллуқлидир. Бир қанча йиллардан буён Фарғона водийсидаги аҳолининг бир қисмини бу ерга кўчириш юзасидан иш олиб борилмоқда. Яхши уй-жой, рўзғор шароитлари билан таъминланмаган, моддий манфаатдорликдан маҳрум этилган одамлар янги жойларда муқим ўрнашиб қолмаяптилар.

Область партия комитетлари, область ижроия комитетлари, Давлат агросаноат комитети, Давлат меҳнат комитети бу масалалардаги сусткашликка ниҳоят барҳам беришлари, ишга чинакам киришишлари керак. Чунки биз ўз харажатларини ўзи қоплаш ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ўтиш муносабати билан кенг кўламли ишларни амалга оширар эканмиз, бунда республика меҳнат коллективларида биз таяна оладиган бригада пудрати ва хўжалик ҳисоби бўлиши лозим.

Маҳсулотни сақлаш, сотиш ва қайта ишлаш масалалари тобора кескин бўлиб бормоқда. КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумида бизда одамларнинг кундалик эҳтиёжларини қондириш учун бой ички имкониятлардан омилкорлик билан фойдаланилмаётганлиги, ҳатто кондитер маҳсулотлари мамлакатимизнинг бошқа регионларидан келтирилаётганлиги учун республикамиз шаънига жиддий эътирозлар билдирилди. Озиқ-овқат маҳсулотларининг жуда кўп турлари етишмаётган бир пайтда Давлат агросаноат комитети ишлаб чиқариш қувватларининг 80 процентдан ҳам камроғидан фойдаланмоқда.

Маҳсулот сифати пастлигича қолмоқда. Энг асосий ризқ-рўзимиз — нонга ҳам бепарволик билан қаралмоқда. Саноатнинг озиқ-овқат тармоқларида маҳсулотнинг сақланиши ва сифати учун ходимларга нисбатан талабчанлик анча бўшаштириб юборилган.

Ўртоқлар, қачонгача қўл чўзиб юрамиз. Маҳсулотлар нобуд ва исроф бўлишининг олдини олиш, уни қайта ишлаш даражасини ошириш — бу асосий резерв бўлиб, аҳолини таъминлашни яхшилаш учун аввало ана шу резервдан фойдаланиш керак. Давлат агросаноат комитети, область партия комитетлари ва область ижроия комитетлари айниқса маҳсулот етиштирилаётган жойларда мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошкани сақлайдиган омборлар қуриш ва реконструкциялашни тезроқ тугаллаш, савдо точкалари, дўконлар ва магазинлар тармоғини кенгайтириш, озиқ-овқат саноатини қайта ташкил этиш учун қўшимча ресурсларни қидириб топишлари лозим.

Умумиттифоқ фондига, айниқса Москва ва Ленинградга мева-сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш планларини сўзсиз бажариш, Тошкент, республиканинг область ва саноат марказлари аҳолисини сабзавот ва мева билан таъминлашни яхшилаш ҳозирги пайтда сира кечиктирмай ҳал этиладиган вазифадир. Бу ишда хўжаликларга бериб қўйилган престандаги маҳсулот етказиб бериш ҳажмининг 30 процентини келишилган нархлар билан сотиш ҳуқуқидан кенг фойдаланиш лозим.

Яна бир муҳим масала. Беда майдонлари кенгайтирилиши билан оқсилга бой ем-хашак етиштириш ҳажмини кўпайтириш учун, «Ем-хашак» тармоқ программасини амалга ошириш, шу асосда бошқа программаларни — «Гўшт», «Сут», «Парранда» программаларини рўёбга чиқариш учун қулай имкониятлар вужудга келтирилмоқда. Бу программаларнинг асосий кўрсаткичлари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг йиллик планларида акс эттирилиши ва сўзсиз бажарилиши керак.

Ва ниҳоят, қишлоқ ёрдамчи хўжаликларига эътиборни бир дақиқа ҳам бўшаштирмаслик керак. Биз бу муҳим ишни йўққа чиқараётган корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари позициясини тушунмаяпмиз, партия комитетлари ва ташкилотлари эса уларга нисбатан тегишли талабчанлик қилмаяптилар. Шу йилнинг ўзидаёқ республикамизда ёрдамчи хўжаликлар сони 13 процент, масалан, Қашқадарё областида ярмидан кўпроғи, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё областида тўртдан бир қисми камайиб кетди. Бундай боқимандаликка қатъий барҳам бериш керак.

Хўжаликларнинг раҳбарлари қишлоқ меҳнатчиларининг якка тартибдаги ёрдамчи хўжаликларини ривожлантиришга мадад ва эътибор беришлари, партия ташкилотлари, қишлоқ ва овул Советлари эса бу ишни уюштиришлари ва қаттиқ назорат қилиб боришлари зарур.

Республика агросаноат комплексини янада самарали ривожлантириш муаммоларининг ўткирлиги ва аҳамиятини ҳисобга олиб, бу масалаларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг навбатдаги пленумида кўриб чиқишга қарор қилинди.

КПСС Марказий Комитетининг Пленумида **уй-жой проблемаси**га алоҳида эътибор берилди. Бу проблемани КПСС XXVII съезди талабларига мувофиқ ҳал этишимиз учун 2000 йилгача мавжуд уй-жой фондини икки баравар кўпайтиришимиз лозим. Бу умумхалқ ишига айланиши, пудратчи ташкилотлар, хўжалик усули, кооперативлар, якка тартибда уй қурувчилар энг аввало ана шунга сафарбар этилиши керак.

Илғор коллективларнинг тажрибаси бу ишда қандай катта имкониятлар борлигини кўрсатиб турибди. Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети сўнгги вақтда В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида коллектив ишлаб топган маблағ ҳисобига уй-жой қуриш юзасидан бошланган ишни маъқуллади. Бу ерда горькийликлардан намуна олиб, уй-жой қуришнинг катта программаси белгиланди. Бу программага мувофиқ, икки беш йилликда хўжалик усули билангина 270 минг квадрат метр уй-жой қурилади, бу эса корхона меҳнатчиларини квартира билан таъминлаш муаммосини тўла ҳал қилиш имконини беради. Республиканинг барча партия ва совет органлари бу ташаббусни ўрганишлари ва ундан фойдаланишлари керак.

Уй-жой қурилишини ривожлантириш бинокорлик материаллари проблемасига бориб тақалмоқда. Маҳаллий ресурслар ҳисобига бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришнинг тармоқ программаси зарур. Бу программанинг асосий йўналишлари ҳозироқ равшан бўлиб қолди. Бу йўналишлар — маҳаллий хом ашёдан янги самарали материаллар ишлаб чиқариш, хўжаликларда ва район марказларида ғишт заводлари қуриш, тақчил материалларни бутун чоралар билан тежаш ва уларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришдан иборатдир. Хоразм областидаги Нариманов номли колхоз ва бошқа хўжаликларнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ўрмон хўжаликларига ўз вакилларини вақтинча ишга юбориш йўли билан ҳатто ёғоч проблемасини ҳам муваффақиятли ҳал қилиш мумкин.

Пленумдаги докладда республикамиз уйсозлик комбинатлари қувватларидан ёмон фойдаланаётганлиги учун танқид қилинди. Масалан, Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигида бу қувватларнинг атиги 70 процентидан, Қурилиш министрлигида 79 процентидан фойдаланилаётган экан, буни нормал ҳол, деб бўладими? Уйсозлик комбинатлари қувватларининг Қорақалпоғистонда 66 процентидан, Жиззах областида 69 процентидан, Хоразм ва Сирдарё областларида 46 процентидан, Сурхондарё областида 35 процентидан фойдаланилмоқда ва ҳоказо. Айни пайтда бу ерларда уй-жой ҳамда социал-маданий-маиший объектлар қурилиши планлари мунтазам барбод қилинмоқда.

Агар биз уйсозлик комбинатлари қувватларидан фойдаланишни лойиҳадаги даражага етказсак, ҳар йили қўшимча 10 минг квартира қуришимиз мумкин. Биз шундай қилишимиз шарт. Шу билан бирга ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, уй-жой программасини амалга ошириш учун биз уйсозлик қувватларини бундан буён яна анча ҳажмда оширишимиз керак бўлади, бироқ бу иш билан яхши шуғулланмаяпмиз.

Айниқса, пойтахт области ва Тошкент шаҳрида танг аҳвол юз бермоқда. «Главташкентстрой»га қарашли 2- ва 3-уйсозлик комбинатлари нормадаги 3 йил ўрнига 5 йилдан буён реконструкция қилинмоқда. Қурилиш индустрияси корхоналари имкониятларидан тўла фойдаланилмаяпти.

Республика Министрлар Совети, Давлат агросаноат комитети якка тартибда уй-жой қуришни ривожлантириш учун дарҳол узил-кесил чораларни кўришлари керак. Советларнинг ижроия комитетлари пайчилик асосида қурилишда иштирок этаётган меҳнат коллективларига уй-жой ажратишда қаттиқ тартиб ўрнатишлари зарур.

Шу билан бирга, ўртоқлар, янги қурилишни авж олдиришгина эмас, мавжуд

уй-жойларни авайлаб-асраш ва улардан омилкорлик билан фойдаланиш ҳам муҳимдир. Бу соҳада уй-жой-коммунал хизматларнинг роли катта. Лекин уларнинг ривожланиш даражаси замонавий талаблардан орқада қолмоқда. Ҳозир шаҳар уй-жой фонди марказлаштирилган сув таъминоти билан 62 процент, иссиқлик билан 55 процент, канализация билан 52 процент, иссиқ сув билан атиги 40 процент таъминланган. Қишлоқда бу муаммо тағин ҳам жиддийроқдир.

Уй-жой қурувчи министрликлар ва идораларнинг пайчилик асосидаги иштироки коммунал хўжалигини ривожлантириш учун асосий маблағ манбаи бўлиб қолмоғи керак. Ҳозир бу имкониятдан жуда ёмон фойдаланилмоқда. Келгуси йил плани лойиҳасида яна буюртмачилардан коммунал хўжалигини ривожлантириш учун 50 миллион сўмдан кўпроқ маблағ кам олинган. Айникса Қашқадарё (ўрток А. Г. Қадин), Бухоро (ўрток А. Х. Тошкенбоев) областларида ва Қорақалпоғистон АССРда (ўрток Д. С. Ёдгоров) катта қолоқликка йўл қўйилган. Уй-жой-коммунал хўжалиги министрлиги (ўрток В. Қ. Михайлов) бу масалаларда тегишлича ташаббускорлик ва эпчиллик кўрсатмаяпти. Ҳолбуки, уй-жойларнинг сақланиши ва обод этилиши учун биринчи навбатда айнан шу министрлик жавобгардир.

Уй-жой проблемасини ҳал этиш билан боғлиқ бўлган масалаларнинг бутун комплексини яқин вақт ичида республика Олий Советининг сессиясида кўриб чиқиш тўғри бўлур эди.

КПСС Марказий Комитетининг Пленумида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга ва аҳолининг шу молларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга алоҳида эътибор берилди. Жуда катта имкониятларга эга бўлган республикамизда ноозик-овқат молларни аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш иттифоқдаги ўртача кўрсаткичдан 2,5 баравар орқада қолмоқда.

Аҳвол шундай бўлишига қарамай, енгил, маҳаллий, мебель саноати, агросаноат комплекси, маиший хизмат корхоналари истеъмол моллари ишлаб чиқариш планларининг бажарилишини мунтазам равишда таъмин этмаяптилар. 89 та саноат корхонасида, умуман халқ хўжалиги барча тармоқларининг 246 та корхонасида истеъмол моллари ишлаб чиқариш ташкил этилмаган.

Кейинги икки йил мобайнида биз бу масалаларни бир неча бор кўриб чиқдик, улар юзасидан Марказий Комитет билан Министрлар Советининг бир талай қарорлари қабул этилди, активларнинг йиғилишлари ва кенгашлари ўтказилди.

Иш эса тузукроқ ўнгланмаётганлигини кўриб турибсизлар. Бунинг маъноси шуки, Марказий Комитетнинг бўлимлари, область, шаҳар, район партия комитетлари зарур назоратни таъминламаяптилар.

Молларнинг сифати соҳасидаги ишларнинг аҳволи яхшиланмаяпти. Маҳсулот турларининг янгиланиши кўпинча расмият учунгина ўтказилмоқда. Москвадаги Бутуниттифоқ ярмаркасида бизнинг кўпгина молларимизга бошқа республикалар эҳтиёж билдирмадилар. Бу бежиз эмас. Жумладан, улар 60 миллион сўмлик шойи ва ипгазламани харид қилишдан бош тортдилар. Республика Енгил саноат министрлигининг маҳсулотлари сифатига харидор мана шундай объектив баҳо бермоқда.

Халқ учун моллар ишлаб чиқариш ва аҳолига пулли хизмат кўрсатишни ривожлантириш масалаларида икки хил фикр бўлиши мумкин эмас. Партия органлари оммавий равишда талаб қилинадиган буюмларнинг миқдори учун ҳам, сифати учун ҳам корхоналарнинг раҳбарларига талабчанликни камайтирмасликлари керак.

Савдо ва аҳолига маиший хизмат ташкилотлари одамларнинг кундалик талаб ва эҳтиёжларини қондириш устида ҳали ҳам дуруст ишламаяптилар. Бу тармоқлар яқинда хўжалик юритишнинг янги шароитларига ўтказилди, бу эса уларнинг зиммасига ўз фаолиятини мавжуд молларни сотиш билан чекламаслик, балки тегишли коммерция фаолиятини ривожлантириш, янги ёндашувлар ва янги усулларни топиш мажбуриятини юклайди.

Шу йўлдан дадил бораётган кишилар моллар етишмай турган ҳозирги шароитда ҳам муваффақиятга эришмоқдалар. Масалан, Наманган областининг партия, совет, хўжалик органлари ташаббус кўрсатиб ва ишга ижодий ёндашиб, аҳолига савдо ва маиший хизматни яхшилашнинг қўшимча имкониятларини топдилар. Бу эса савдо-сотиқ ва маиший хизмат кўрсаткичларини анчагина

кўтариш имконини берди, ҳар бир киши 30 сўмлик маиший хизматдан баҳраманд бўлмоқда, бу эса республикадаги ўртача кўрсаткичдан 16 процент кўпдир. Буни ибрат олса арзийдиган тажриба, деса бўлади. Шу тажриба ҳамма жойда оммалаштиришга лойиқдир.

Бироқ область ижроия комитетлари, савдо, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлари, Ўзбекбирлашув правлениесининг раиси ўз куч-ғайратларини иш барбод бўлганлигининг «объектив» сабабларини қидиришга сарфламоқдалар, қайта қуриш туфайли очилаётган янги имкониятлардан суст фойдаланмоқдалар.

Кооперативларнинг ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятининг ривожланиши пулли хизмат соҳасини кенгайтиришга кўмаклашмоғи лозим. Бироқ хизмат кўрсатишнинг ва аҳолини ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этишнинг бу усулларидан ҳам республикада суст фойдаланилмоқда.

Салкам 11 минг киши якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланмоқда ва 4 мингга яқин киши 238 та кооперативга бирлашган. Уларнинг маҳсулотини сотишдан ва улар кўрсатган хизматдан олинган жами маблағ 19 миллион сўмни ташкил этади. Жиззах, Навоий, Сирдарё, Хоразм областлари ва Қорақалпоғистон АССР маҳаллий ҳокимият органлари кооперативлар тузиш ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятини ривожлантириш соҳасида қилаётган ишлар мутлақо етарли эмас.

Хуллас, ўртоқлар, партия, совет, хўжалик органлари қайта қуришнинг самарали натижаларини меҳнаткашлар ҳозирнинг ўзидаёқ сезиб олишлари учун ҳамма ишни қилишлари керак.

II. ХЎЖАЛИК МЕХАНИЗМИНИ ТУБДАН ИСЛОҲ ҚИЛИШ ВА РЕСПУБЛИКАНИ СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ПРОБЛЕМАЛАРИ

Ўртоқлар! КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми хўжалик механизмини тубдан ислоҳ қилиш юзасидан белгилаган тадбирлар партия, совет, хўжалик органларидан республикани социал-иқтисодий ривожлантириш актуал проблемаларини сифат жиҳатдан янги асосда ҳал қилиш йўлидаги куч-ғайратларни кўпроқ оширишни талаб қилади.

Кейинги йилларда биз хўжалик ва маданий қурилишдаги, ташкилотчилик ва идеология соҳасидаги ишларнинг аҳволини бир неча бор танқидий таҳлил этдик. Ҳозир биз халқ хўжалигидаги ва унинг етакчи тармоқларидаги ҳақиқий вазиятни яхши билиб турибмиз. Буни билиш бизни сергаклантиради ва шу билан бирга маънавий жиҳатдан покланишга олиб боради, бу эса барча кадрларимиздан иқтисодий реаллик заминига ўтишни, волюнтаризмга, тайёрга айёрликка, масъулиятсизликка, қўшиб ёзиш ва алдамчиликка чек қўйишни талаб қилади.

Мана шундай шароитда партиянинг ўтиш даврини қисқартириш, экономикани бошқаришнинг сифат жиҳатдан янги системасини вужудга келтиришни жадаллаштириш тўғрисидаги талаби биз учун беҳисоб аҳамиятга эгадир. Бошқарувнинг маъмурий-ҳайбаракаллачилик усулларидан асосан иқтисодий усулларига қисқа муддатларда ўтибгина қолмай, шу билан бирга ва кўп жиҳатдан шу туфайли ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин ошириш ҳам зарур.

Аввало гап халқ хўжалигини ривожлантириш ва вужудга келтирилган ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланиш даражасининг пировард кўрсаткичи бўлмиш ҳосил қилинган миллий даромаднинг энг муҳим иқтисодий категориялари тўғрисида бормоқда. Кейинги уч беш йиллик мобайнида миллий даромаднинг ўсиш суръатлари кескин пасайди. Ўн биринчи беш йилликда бу кўрсаткичлар ўнинчи беш йилликдаги 32 процент ўрнига атиги 18 процентни ташкил этди.

Бу аҳвол асосан шунинг оқибатида вужудга келдики, ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланиш йил сайин ёмонлашди, фондларнинг самараси пасайди, ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланилмади, ижтимоий меҳнат унумдор-

лиги ҳаддан ташқари суст ўсди, қишлоқ хўжалигида эса у ҳатто камайиб кетди. Шу йиллар мобайнида фондлар самараси камайиши сабабли ишлаб чиқариш аппаратининг ўсиши миллий даромаднинг ўсишидан 1,6 баравар илгарилаб кетди. Агар кейинги беш йил мобайнида биз фондлар самараси пасайишини тўхтатиб қолишга муваффақ бўлганимизда, шунинг ўзи ҳисобигагина республика қўшимча равишда 5 миллиард сўмлик миллий даромад олган бўлур эди.

Мана шу салбий ҳодисаларнинг сабаблари ҳақида биз Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида, Марказий Комитетнинг кейинги Пленумларида батафсил гапирдик. Бу ҳодисаларнинг моҳияти республикада 1975—1983 йилларда ўтказилган волюнтаристлик сиёсати, тайёрга айёрлик кайфиятларининг рағбатлантирилиши, самара ҳақида ўйламай, давлатдан кўпроқ ундириб олишга интилиш замирида яшириниб ётибди. Кўпинча қувватларнинг ишга туширилиши ва капитал маблағларнинг ўзлаштирилиши планлари пудратчи қурилиш ташкилотларининг имкониятларидан анча ошириб юборилар эди.

Шу кайфиятлар ҳамон бартараф этилгани йўқ. Бу кайфиятлар, жумладан, олинаётган капитал маблағларни энг муҳим объектларни тезроқ қуриб битказиш ва пировард натижадан самара олиш мақсадида шу объектларга марказлаштирилмай, балки бундан кейин ҳам қўшимча маблағ сўраб олиш мақсадида уларни кўпдан-кўп янги қурилишларга сочиб юборишда намоён бўлмоқда.

Ўтган йилнинг ўзидагина Енгил саноат министрлигида (ўртоқ Э. А. Таймазов) ишлаб чиқариш капитал маблағларининг ўсиши 12 процентни, ишлаб чиқаришнинг ўсиши эса бор-йўғи 5 процентни ташкил этди, яъни харажатларнинг ўсиши тайёр маҳсулот ҳажми кўпайишидан 2,4 баравар ўзиб кетди. Маҳаллий саноат министрлигида ҳам (ўртоқ У. Қ. Исмоилов) аҳвол мана шундай, бу министрликда капитал маблағларнинг ўсиши маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кўпайишидан 6,7 баравар, «Узглавстройдревпром»да (ўртоқ Э. М. Йўлдошев) 6,2 баравар, Бинокорлик материаллари саноати министрлигида (ўртоқ Г. Г. Исаев) 12 баравар илгарилаб кетди. Бу жойларда самарадорлик ва хўжалик ҳисоби ҳақида қандай гапириш мумкин? Чунки муайян концентрациялашув шароитидагина «миқдор» «сифат»га айланади, яъни сарфланган маблағ самара беради. Фондларнинг самарасини ошириш масалалари ҳақида алоҳида гапирмоқ керак, бу масалалар республикада жуда ўткир бўлиб турибди. Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш соҳасидаги саботли ишлар туфайли «Союзузбекгазпром» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг корхоналарида фондлар самараси 1986 йилда 13 процент, химия саноати корхоналарида 10 процент кўпайди.

Шу билан бирга биз бу соҳада бурилишга эришмадик. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлигида фондларнинг самараси 21 процент, Дон маҳсулотлари министрлигида 8 процент, қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналарида 7 процент камайди. Бошқа бир қанча тармоқларда фондларнинг самараси ҳамон пасайиб бормоқда. Умуман республикада бу кўрсаткич ўтган бир ярим йил мобайнида қарийб 2 процент камайди. Бу эса 2 миллиард сўмлик йиғинди ижтимоий маҳсулотдан ва 1,1 миллиард сўмлик ҳосил қилинган миллий даромаддан маҳрум бўлиш демакдир.

Корхоналарнинг иш сменаларини ошириш — фондлар самарасини ўстиришнинг муҳим резервидир. Ўтган йилдан бошлаб республиканинг уч юзга яқин корхонаси сменалари оширилган режимга ўтди. Бу эса қўшимча равишда 13 минг кишини ишлаб чиқаришга жалб этиш, беш мингтага яқин эскирган станокларни корхоналарда ишлатишдан воз кечиш, қўшимча 30 миллион сўмлик маҳсулот олиш имконини берди.

Самарадорликни ошириш вазифаларини ҳал этишда кўп нарса партия комитетининг позициясига боғлиқ экани Қўқон мисолида яққол кўриниб турибди. Шаҳар партия комитети бошланғич партия ташкилотларини, оддий коммунистларни корхоналар иш сменаларини оширишга сафарбар эта билди. Проблема комплекс равишда ҳал этилди, жамоат транспорти, савдо, маиший хизмат муассасалари ўз ишини янги режимга мувофиқ равишда қурди, болалар боғча ва яслиларининг иш графиги ўзгарди. Шаҳарда 1100 киши ишга жойлаштирилди. Корхоналар иш сменасининг коэффициенти қарийб 2,0 даражага етди, қўшимча равишда 3,7 миллион сўмлик маҳсулот олинди.

Шу билан бирга бу сохада қилинаётган ишларни етарли деб бўлмайди. Умуман кўп сменали иш режимига ўтиш самарадорлиги анча юқори бўлиши мумкин. Чунончи, Тошкент ва Самарқанд областларидаги корхоналарнинг ярмисида смена коэффициенти 1—1,2 га тенг. Тошкент шаҳрида смена коэффициенти уч йилдан буён ўсмаяпти ва 1,3 ни ташкил этиб турибди.

Биронта министрлик ва идора келгуси йил планини тайёрлаш пайтида тиғиз иш режимида қувватларни иш билан таъминлаш учун моддий-техника ресурсларини кўпайтиришни план ва таъминот органларидан талаб қилгани йўқ.

Саноатнинг кўпгина тармокларида — химия, электрон саноатида, енгил саноат ва бошқа тармокларда ишлаб чиқариш жараёни тугал, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш билан эмас, балки чала тайёр маҳсулотлар, концентратлар, дастлабки ишлов берилган хом ашё маҳсулотлар билан якунланаётганлиги ҳам миллий даромадни ҳосил қилишга салбий таъсир ўтказмоқда.

Халқ истеъмоли моллари тугал маҳсулотининг улуши умумий маҳсулот ҳажмининг 25 процентини ташкил қилади, ҳолбуки, баъзи республикаларда бу улуш 40 процентдан кам эмас. Республикамизда кейинги йилларда қурилган тўқимачилик корхоналарида эса оҳорлаш фабрикалари йўқ, улар ҳақиқатда чала тайёр маҳсулот ишлаб чиқармоқда, бу чала маҳсулотни узил-кесил қиёмига етказиш учун мамлакатнинг марказий областларига ташиб боришга тўғри келмоқда. Мамлакатимиздаги масофа эътиборга олинадиган бўлса, бунинг учун қанчадан-қанча чиқим қилинаётганлиги равшан бўлади.

Ўзбекистондаги электрон саноати корхоналари кенг тармоқлидир. Аммо улар телевизор, видеомагнитофон ёки бошқа рўзғор техникаси тарзидаги тайёр маҳсулотни ишлаб чиқармайди.

Госплан, Фанлар академияси ҳузуридаги ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш кенгаши мана шу проблемаларнинг ҳаммасини чуқур таҳлил этишлари керак. Ўн учинчи беш йилликданоқ тайёр маҳсулот ташиб келтиришни анча қисқартириш ва бинобарин, миллий даромад структурасини ижобий тарзда ўзгартириш учун экономиканинг структурасини такомиллаштиришга қаратилган тадбирлар комплексини кўзда тутиш лозим.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни янгилаш ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг, меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг бош йўлидир. Замонавий техника сиёсатининг амалга оширилиши аввало, ишлаб чиқаришнинг етакчи тармоғи — машинасозликка боғлиқ. Республиканинг машинасозлик комплексидаги ишларнинг аҳволи ҳаддан ташқари қониқарсиздир.

Қишлоқ хўжалик машинасозлигида, Енгил ва озик-овқат саноати машинасозлиги министрлигининг корхоналарида жами асбоб-ускуналарнинг чорак қисми 20 йилдан кўпроқ вақтдан бери ишлатилмоқда. «Андижангидромаш» бирлашмаси 40 йилдан буён ҳали ҳам «С-245» насосларини ва 20 йилдан ортиқ вақтдан бери «Т-62» дизелларини ишлаб чиқармоқда. Завод директори ўртоқ А. Н. Аникин, партком секретари ўртоқ Абдураҳмонов техника тараққиёти масалаларидаги турғунликка кўникиб қолганлар, бепарво кузатувчилар позициясида турибдилар. Умуман олганда, машинасозликда янгиланган маҳсулотнинг салмоғи йилига 5 процентдан ошмаяпти. Наманган машинасозлик, Янгийўл қишлоқ хўжалик машиналари деталлари тажриба-экспериментал заводлари, «Уйчисельмаш» заводи маҳсулотни узоқ вақтдан буён янгиламай келмоқдалар.

Биз янги қудратли трактор, юксак самарали пахта териш техникаси ҳақида кўп гапиряпмиз, бироқ ҳозирча бундай техника йўқ. Гарчи кейинги ўн йил ичида «Ташсельмаш» ва трактор заводларини ривожлантиришга 350 миллион сўм маблағ сарфланган бўлса ҳам, иш эски нусхалардаги машина ва тракторларни сал-пал модернизациялаш билан чекланмоқда. Янги қудратли тракторларни ишлаб чиқарувчи комплексни барпо этиш соҳасидаги ҳамма ишларни тўла-тўкис тугаллаш учун бу маблағ етарли эмас, албатта. Бироқ ишга оқилона ёндашилган тақдирда ундан кўра самаралироқ натижаларга эришиш мумкин бўлур эди.

«Главмашхлопководства» (бошлиғи ўртоқ Ҳ. Ҳ. Ғуломов), «Трактор заводи» (директори ўртоқ И. Х. Мусин) бирлашмаларининг, «Ташсельмаш» заводининг (директори ўртоқ В. Д. Карлов) ишида тузукроқ ўзгаришлар рўй бермаётганлиги,

янги иктисодий ёндашувлар намоён бўлмаётганлиги бизни жуда ташвишга солмокда.

КПСС Марказий Комитетининг якинда бўлиб ўтган кенгашида таъкидланганидек, машинасозлик корхоналарининг иши, уларни модернизациялаш, янги юкори сифатли техника ишлаб чикаришни тезрок ўзлаштириш ва ишлаб чикара бошлаш хакида партия комитетлари ва ташкилотлари алохида ғамхўрлик килиб, бу масалага эътибор беришлари лозим. Республиканинг барча машинасозлик корхоналари ишини жуда синчиклаб ўрганиб чикиш, уларни модернизациялашнинг муфассал программасига эга бўлиш, уларни илғор техникавий марраларга чикаришни таъминлайдиган биринчи галдаги ва истикболга оид тадбирлари комплексини белгилаш зарур.

Кайта куришда республика илмий муассасаларининг иштирокига алохида эътиборингизни каратмокчиман. Фанлар академиясининг кўпгина фундаментал ва амалий тадкикотлари хозирги замон талабларига жавоб бермайди, бу тадкикотларнинг даражаси эса Умумиттифок ва жахон стандартларига мос келмайди. Тугал ишлаб чикилиб, жорий килиш учун топширилган ишларнинг 40 процентга якини амалий ахамиятга эга бўлмаган инструкциялардан, методик йўл-йўриклардан иборат.

Хеч бир дурустрок натижа келтирмаётган ва йиллар бўйи самара бермаётган илмий муассасалар бор. Фанлар академияси такдим этган 27 та ишланмадан атиги олтитаси бу йилги иктисодий ва социал ривожланиш давлат планига киритилди. Энергетика ва автоматика, геология ва геофизика, физиология институтлари сингари йирик коллективлар кейинги уч йил мобайнида республиканинг халк хўжалик планига киритиш учун биронта таклиф бермаганлиги ташвиш туғдирмокда.

Ғўза биотехнологияси ва генетикаси, ирригация ва мелиорация, иккиламчи ресурслардан ва ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланиш, атроф мухитни мухофаза килишнинг регионал, илмий-техникавий проблемаларини ишлаб чикишдаги колоклик ташвишлидир.

Республиканинг илмий ташкилотлари мамлакатда барпо этилган тармоклараро илмий-техникавий комплексларнинг ишида катнашаётганлари йўк, халкаро илмий программаларда суст иштирок этмокдалар. Бу сохада биз Фанлар академияси президиумининг, тармок институтлари ва олий ўкув юртлари партия ташкилотларининг катта камчиликларини кўриб турибмиз.

Олимларнинг кўпгина кимматли ишланмалари ва ихтиролари ишлаб чикариш ходимларининг консерватизми окибатида кўлланилмай колаётганлиги хакида хам гапирмок керак. Химия институтининг бир группа олимлари кўп йиллар мукаддам сирти актив моддаларни ишлаб чиккан эдилар. Бунинг учун авторлик гувохномалари олинибгина колмай, бир канча чет мамлакатлар 13 та патент хам харид килдилар. Аммо бизнинг республикамизда бу моддаларни ишлаб чикариш шу пайтгача йўлга кўйилмаган.

Илмий коллективларнинг фаолиятидаги кўпгина камчиликлар фан-техника тараккиётини бошкариш сохасида вужудга келган системанинг, бу ишдаги хўжалик механизмининг мукаммал эмаслиги билан боғликдир. Илмий-тадкикот институтлари тематикасини тузиш, уни пул билан таъминлаш кўп жихатдан «кайтариб бермаслик» характерига эга бўлиб, министрликлар, идораларнинг талаблари, халк хўжалигининг эхтиёжлари билан чамбарчас боғланмаган.

Бу ахволдан кутулишнинг битта иложи бор, у хам бўлса — илмий тадкикот институтларини хўжалик хисобига ва шартнома негизларига кўчиришдир. Партия ташкилотлари бу вазифани хал этиш ташаббускори бўлишлари керак. Илм-фаннинг завод сектори фаолиятидагина эмас, шу билан бирга олий ўкув юртлари ва академия секторлари фаолиятида хам ўз харажатларини ўзи коплаш ва ўзини-ўзи пул билан таъминлаш принциплари устунлик килиши керак.

Ташки иктисодий алокалар ижтимоий ишлаб чикариш самарадорлигини оширишнинг мухим резервидир. Республика экспортнинг умумий хажми жихатидан мамлакатда учинчи ўринда турибди. Бирок республикада машина ва асбоб-ускуналар экспорт килиш хажми йил сайин пасайиб бораётганлигини кайд этиш лозим. Чунончи, 1986 йилда машина-техника махсулотларининг улуши 1985 йилга нисбатан 7,6 процент камайди.

Давлат агросаноат комитетига карашли Тошкент тажриба-ремонт заводининг каноп ўриш комбайнлари, «Андижанирмаш» заводининг гидроцилиндрларига эхтиёж бўлмай колди. «Узбектекстильмаш», «Средазкабель», «Узбекхлопкомаш», «Электрохимпром» ишлаб чикариш бирлашмалари, Тошкент экскаватор заводи ва бошка корхоналар чет эллик буюртмачилар олдидаги шартномавий мажбуриятларни бажармай, шу тарика халкаро бозордаги шерик сифатида ўз обрўларига путур етказмокдалар.

Енгил саноат министрлиги рахбарларининг экспорт масалаларидаги позицияси ташвишли ва тахликалидир. Кўп йиллар мобайнида биринчи марта республика экспорт учун кўп хажмда ип газлама етказиб бериш имкониятини олди, бу махсулот эркин валютага сотилди. Бирок кўпгина, бир карашда икир-чикир масалалар пухта ўйлаб кўрилмаганлиги окибатида экспортга газлама етказиб бериш барбод бўлмокда.

Хозирги вактда директив хужжатларга мувофик, республика министрликлари, идоралари, бирлашмалари, корхоналари ташки иктисодий алокаларни ривожлантириш учун катта имкониятга эга бўлдилар. «Узбитпластик» илмий ишлаб чикариш бирлашмаси негизида итальян фирмаси билан кўшма корхона барпо этишга киришилди. Бошка кўпгина корхоналарнинг чет эллик шериклар билан бевосита алокаларини кенг ривожлантириш учун асос бор.

Афғонистон Демократик Республикаси ва Хитой Халк Республикаси билан чегара атрофи савдосига ва бошка чет мамлакатлар билан товар айирбошлаш операцияларига жуда зўр эътибор бермок керак.

Бу ишда корхоналарга бериб кўйилган хукуклардан кенг фойдаланиш, тузилаётган «Узбекинторг» республика хўжалик хисобидаги ташки савдо бирлашмаси оркали ташки бозорда сотиш учун барча экспорт ресурсларини актив ишга солиш лозим.

Халк хўжалигини ривожлантиришнинг яна бир программаси хакида бугун гапирмок керак. Бу — республика регионлари социал-иктисодий ривожланишининг нотекислигидир. Жиззах, Сурхондарё, Хоразм облстлари ва Коракалпоғистон АССР ижтимоий ишлаб чикаришнинг барча сифат кўрсаткичлари жихатидан анча оркада колмокдалар. Бу жойларда ахоли жон бошига тўғри келадиган саноат ишлаб чикаришининг ўртача хажми, айтайлик, Тошкент ва Фарғона областларига нисбатан 3—4 баравар кам. Социал соха даражаларида катта тафовутлар бор.

Областларнинг иктисодий ва социал ривожланишини бараварлаштириб олишни таъминлаш, колок областларни илғорлар даражасига етказиш, ахолининг турмуш даражасини бир-бирига якинлаштириш республика Министрлар Советининг, Госпланнинг, Советлар ижроия комитетларининг хеч кечиктириб бўлмайдиган вазифасидир. Махаллий партия ва совет органлари айни шу сохада ташаббус кўрсатишлари керак. Улар, Хоразм область партия ташкилотида килинаётганидек, юкоридан бериладиган ёрдамга умид килиб ўтирмай, ички резервларни сафарбар этишлари, амалий омилкорлик кўрсатишлари керак. XII беш йилликнинг колган даврига ва XIII беш йилликка мўлжалланган планлар иктисодий ва социал ривожланишни якинлаштириш жараёнини амалда турмушга татбик этиладиган тарзда тузилиши зарур.

III. ХАЛК ХЎЖАЛИГИНИ БОШКАРИШНИ КАЙТА КУРИШНИ ЧУКУРЛАШТИРАЙЛИК

Ўртоклар! КПСС Марказий Комитети 1987 йил июнь Пленумининг карорида таъкидланишича, экономикани бошкаришни тубдан ислох килиш кайта куришнинг энг мухим вазифасидир, социал-иктисодий тараккиётни жадаллаштиришнинг энг мухим шартидир.

Иктисодий ислохотнинг характери ва мазмуни, унинг асосий принциплари КПСС Марказий Комитети Пленуми ва СССР Олий Совети сессиясининг хужжатларида батафсил баён этилган. Бугун бошкарувни тубдан ислох килиш билан боғлик бўлган баъзи жуда мухим йўналишларга тўхталиб ўтмокчиман.

Хўжалик механизмини тубдан ўзгартириш экономиканинг асосий бўғинидан бошланганлиги ғоят қонунийдир. Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонун меҳнат коллективларининг хўжалик соҳасидаги мустақиллиги намоён бўлиши учун кенг имконият очади. Кенг халқ оммасининг ишлаб чиқаришни бошқаришдаги реал иштирокини таъминлаш — бош вазифадир. Меҳнат коллективларининг ташаббуси ва масъулиятини ошириш керак. Бу коллективлардаги бошланғич партия ташкилотлари хўжалик юритишни қайта қуришнинг бутун ишига бошчилик қилишлари, одамларни уюштиришлари, истиқболни кўрсатиб беришлари ва мақсадга эришишни таъминлашлари керак. Уларнинг раҳбарлигида ҳар бир корхона, ташкилот ва хўжаликда бошқарувнинг илғор усулларига ўтишнинг аниқ-равшан программаси ишлаб чиқилиб, амалга оширилиши керак. Бу ишни ҳозир, шу бугуноқ авж олдириш лозим. Давлат корхонаси тўғрисидаги қонун келгуси йилдан расмий равишда амал қила бошлайди, бироқ уни жорий этишга тайёргарлик кўриш шу куннинг ишидир. Бу соҳада имиллашга мутлако вақт йўқ.

Қадрларимиз, партия ташкилотлари бу ишга тайёрми, мавжуд тажриба нимани кўрсатмоқда?

Йил бошидан бери республикамизда 86 та саноат корхонаси ўз харажатларини ўзи қоплаш ва ўзини-ўзи пул билан таъминлаш шароитида ишламоқда. Гарчи кўп муддат ўтмаган бўлса ҳам, хўжалик ҳисобидаги иш усулларини жорий этишга тайёргарлик кўрилган жойларда яхши натижаларга эришилди, дейиш мумкин. Аммо ҳамма жойда ҳам мана шундай ишлаётганлари йўқ. Чунончи, Қарши тикувчилик бирлашмасида ярим йил мобайнида планга мувофиқ 2,1 миллион сўм фойда олиш ўрнига 580 минг сўм зарар кўрилди. Шу бирлашмада ва бир қанча корхоналарда иқтисодий иш қайта қурилгани йўқ. Хўжалик ҳисоби усуллари қуйи бўғинларга етказилмади, моддий рағбатлантириш юксак пировард натижаларга эришиш мақсадини кўзлаб ўтказилмаяпти. Бошланғич партия ташкилотлари ана шу жуда муҳим ишдан четда қолдилар.

КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қарорларига мувофиқ, келгуси йилдаёқ саноат корхоналарининг учдан икки қисми тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи пул билан таъминлаш шароитларига ўтказилади. Моддий ишлаб чиқариш соҳасининг барча тармоқларини шундай шароитларга ўтказишни 1989 йилда ниҳоясига етказиш керак.

Шу муносабат билан меҳнат коллективларининг молиявий аҳволида қатъий тартиб ўрнатиш алоҳида аҳамият касб этади. Умуман, республикада 300 та саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа корхонаси зарар кўриб ишламоқда. Бундан ташқари, 1986 йил якунларига кўра, 446 та колхоз ва совхоз 326 миллион сўм зиён кўрди, бу эса 1985 йилга нисбатан 44 миллион сўмлик кўпдир. Министрлик ва идоралар, меҳнат коллективларининг ўзлари ҳар бир корхона ва хўжалик экономикасини соғломлаштириш юзасидан аниқ-равшан чора-тадбирларини белгилаб, амалга оширишлари зарур. Нарх белгилашни такомиллаштириш йўли билан қатор масалалар ҳал этилади, албатта, бироқ корхоналар ва хўжаликларнинг ўзидаги хўжасизликни бартараф этишга, ишлаб чиқаришни интенсивлашга, ресурсларни тежашга, фондларнинг самарасини оширишга асосий эътибор қаратилиши керак.

Филиаллардаги ишларнинг аҳволини чуқур ўрганиш зарур, кейинги ўн йил ичида республикадаги филиаллар 532 тага етди. Уларда ҳар йили қарийб 1,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Бу маҳсулотнинг тўртдан уч қисми халқ истеъмоли молларидир. Филиалларнинг барпо этилиши 80 мингдан кўпроқ кишини ижтимоий меҳнатга жалб қилиш имконини берди.

Шу билан бирга кўпгина филиалларда меҳнат қилиш учун энг оддий шароитлар яратилмаган, эски асбоб-ускуналар ўрнатилган, кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш борасида тузукроқ иш қилинмаяпти. Натижада бу корхоналарнинг анчагина қисмидан жуда ёмон фойдаланилмоқда, улар зарар келтирмоқда. Филиалларни ички ишлаб чиқариш хўжалик ҳисобига ўтказиш, уларда ишлаб чиқариш ва социал ободонлаштиришнинг кенг программасини амалга ошириш, уларнинг баъзилари профилини ўзгартириш зарур. Маҳаллий партия ва совет органлари бу ишни ўз назорати остига олишлари керак.

КПСС Марказий Комитетининг таъкидлашича, давлат корхонаси (бирлашма-

си) тўғрисидаги СССР Қонунини амалда рўёбга чиқаришга оид норматив ҳужжатлар қабул этиш чоғида шу қонуннинг қоидаларига риоя этилиши учун давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари масъулдирлар ва ўзларининг корхоналар билан муносабатларини мазкур Қонунга қатъий мувофиқ қуришга мажбурдирлар. Мана шундай вазиятда ўз корхоналарининг учдан икки қисмини янги шароитларга ўтказган Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги иш ҳақи фондини ўстириш нормативини шу йилнинг январида, молия планини фақат февралнинг охирида корхоналарга маълум қилганлиги, планнинг моддий ресурслар билан тўла мутаносиб бўлишини таъминламаганлиги йўл қўйиб бўлмайдиган бир ҳолдир. Натижада ҳар уч корхонанинг бири планни бажармапти, хизмат турларининг қарийб ярми бўйича топшириқлар барбод бўлди. Маҳаллий саноат министрлиги, Автотранспорт министрлиги, бошқа баъзи министрликлар бир қанча нормативларни ўз корхоналарига етказиб беришда анчагина кечикдилар.

Айрим бошқарув органлари янги шароитларда корхоналарнинг мустақиллигини ҳали ҳам камситаётганликлари, ёмон ишлаётган корхоналар етказган зиён ва чиқимларни қоплаш учун фойданинг анчагина қисмини бошқа корхоналардан тортиб олаётганликлари ташвишли ҳолдир. Чунончи, бултур Енгил саноат министрлиги Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик бирлашмаси ҳосил қилган фойданинг 64 процентини тортиб олди. Ҳозир ҳам шу практика давом этмоқда. Тошкент тўқимачилик комбинатининг коллективи шу йилнинг ўзида олган 5 миллион сўм фойдадан министрликнинг «ёрдами» билан коллектив ихтиёрида иқтисодий рағбатлантириш фонди тарзида атиги 14 минг сўм қолдирилди.

Ўзбошимчалик билан қабул қилинган қарорлар асосида илғор коллективларнинг фойдасини тортиб олиб, уларнинг ҳисобига ўзини эплай олмаётганларни қўшимча равишда боқадиган замонлар ўтиб кетди. Министрлик комбинатга 1,2 миллион сўмни қайтариб беришга мажбур бўлди. Бундай фактлар якка-ёлғиз эмас. Бундай практика ислоҳотга зид бўлиб тушади, хўжалик юритишнинг иқтисодий усулларига мос келмайди.

Асосий ишлаб чиқариш бўғини, бирлашма ва корхоналарни тубдан қайта қуриш экономикани марказлаштирилган тартибда бошқариш органларнинг фаолиятига нисбатан сифат жиҳатдан янги талаблар қўяди. Қайта қуриш комплекс тарзда: ҳам юқоридан, ҳам қуйидан амалга оширилиши, ижтимоий турмушнинг ҳамма жабҳаларини қамраб олиши принципиал жиҳатдан муҳимдир.

Давлат планлаштнруви принципиал бошқача хусуснят касб этади. У аввало перспектив стратегияни ишлаб чиқишга, экономикани ривожлантиришнинг асосий устун жиҳатларини белгилашга қаратилган. Бунинг учун эса план органлари ҳозирнинг ўзидаёқ ўз ишини қайта қуриши, ўтмишдаги сийқа усуллар ва практикадан батамом воз кечишлари керак.

Аммо планларга тузатиш киритиш, уларнинг номувозанатлиги, номутаносиблиги давом этмоқда. Шу йилнинг ўзидаёқ Давлат агросаноат комитети, Енгил саноат министрлиги бўйича белгиланган топшириқлар камайтирилди. Бунинг устига Госплан ана шу етишмовчиликни нима билан тўлдириш масаласини ишлаб чиқмади.

Янглишишлардан сабоқлар чиқариб олиш, 1988 йилги планларнинг лойиҳасини узил-кесил ишлаб чиқиш чоғида давлат корхонаси тўғрисидаги Қонуннинг, янги хўжалик механизмининг, планлаштириш янги принципларининг талабларига асосланиб иш тутиш муҳимдир.

Ҳозирнинг ўзидаёқ XIII беш йиллик планлари ва 2005 йилгача социал-иқтисодий ривожланиш концепцияси устидаги ишни бошлаш зарур. Шу ҳужжатларни ишлаб чиқиш пайтида республика Госплани, ҳукумати КПСС Марказий Комитети 1987 йил июнь Пленумининг қарорларига, республика халқ хўжалиги пахтачиликка янада ихтисослаштирилишига, Қорақалпоғистон АССР ва областларнинг иқтисодий ҳамда социал даражасини бараварлаштириб олиш, миллий даромад структурасини ўзгартириб, Ўзбекистоннинг мамлакат яхлит халқ хўжалик комплексига қўшадиган ҳиссасини доимо кўпайтириш заруратига амал қилишлари керак.

Ишнинг мана шу энг муҳим йўналишлари планлаштирувчи органлар

фаолиятининг мазмуни ва йўналишини тубдан қайта қуришни талаб қилади. Госплан бўлинмаларининг структурасини ўзгартириш, йиғма, социал-иқтисодий ва территориал бўлинмаларни мустаҳкамлаш лозим. Унинг ишидаги тор тармоқ йўналишидан қатъиян воз кечиш пайти келди. Госпланнинг янги раҳбарлари (ўрток И. Искандаров) республика иқтисодий штабининг ишини замон талабларига мувофиқ қайта қуришга муваффақ бўлади, деб ўйлайман.

Янги хўжалик механизми халқ хўжалиги **моддий-техника таъминоти системасини** ислоҳ этишни талаб қилади. Маҳсулот етказиб берувчилар билан истеъмолчиларнинг тўғридан-тўғри шартномалари асосида ҳам, шунингдек хўжалик ҳисобидаги улгуржи базалар орқали ҳам ишлаб чиқариш воситалари билан улгуржи савдо қилишга ўтилиши лозим. Шу йилнинг 1 январидан бошлаб ҳозиргача республиканинг 400 тадан кўпроқ корхона ва ташкилоти улгуржи савдо йўли билан таъминлашга ўтказилди, Андижон машинасозлик, Самарқанд лифтсозлик, Тошкент экскаватор заводлари ва бошқа корхоналар шулар жумласига киради.

Бироқ ҳамма иш ҳам сип-силлиқ бораётгани йўқ. Узоқ вақт одат бўлиб келган жамғармачилик психологияси шароитида бир қанча раҳбарлар ўз запасларини тинимсиз кўпайтирмоқдалар.

«Главсредазирсовхозстрой», Қурилиш министрлиги, «Главташкентстрой» корхоналари ва ташкилотларида нормативдан ортиқча камёб ресурслар — металл, ёғоч материаллар, томга ёпиладиган юмшоқ материал ва шифер даҳмаза юк бўлиб ётибди. Бу масалада тартиб ўрнатиши лозим бўлган республика Госснаби эса ўзи беҳуда запас ғамламоқда. Масалан, Госснабнинг Тошкент бошқармаси омборларида 1400 тадан кўпроқ нормативдан ташқари аккумулятор, 32 минг квадрат метр линолеум, 4272 та трансформатор мавжуд. Бошқа территориал бошқармаларда ҳам ресурсларнинг нормативдан ортиқча анчагина запаслари бор.

Госснаб ишидаги катта камчиликлар оқибатида кооперативларни таъминлаш масалалари суст ҳал этилмоқда, ресурсларни тежаш программаси ишлаб чиқилмаган. Партия бюроси, унинг секретари ўрток А. И. Ануфриев шу камчиликларга муросасозлик қилиб келмоқда, аппарат коммунистларига нисбатан у муносиб талабчанлик қилмаяпти. Марказий Комитет Госснаб партия бюросидан, коллегиясидан, ўрток Т. Я. Шариповдан ишни тубдан қайта қуришни, республиканинг эҳтиёжларига чинакам эътибор беришни кутади. Зеро, реализация қилинадиган жами маҳсулот ҳажмида улгуржи савдонинг улуши 1990 йилга борганда 60 процентни ташкил қилиши керак.

Хўжалик юритишнинг, ўзини-ўзи пул билан таъминлашнинг янги принципларини жорий қилиш **нарх-наво системасини тубдан қайта қуриш** билан боғлиқ.

Республиканинг нарх белгиловчи органлари олдида катта вазифалар турибди. Министрликлар ва идоралар билан биргаликда жуда қисқа муддатларда ҳамма улгуржи нархларни қайта кўриб чиқиш, янги прейскурантларни тасдиқлаб, нашр этиш ҳамда уларни республика министрликлари, идораларига маълум қилиш керак, токи янги беш йиллик планлари янги иқтисодий жиҳатдан асосланган, ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва самарадорлигини рағбатлантирадиган нархларда ҳисоблаб чиқиладиган бўлсин. Бунда ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги нархларни ошириш йўли билан эмас, балки чиқимларни камайтириш ҳисобига таъминланиши кераклигини узил-кесил уқиб олиш зарур. Ҳолбуки, текшириб кўрилган ҳар икки саноат корхонасининг бирида, савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат корхоналарининг бешдан бирида ва коммунал хизмат корхоналарининг тўртдан бирида бунга хилоф иш тутилаётганлиги маълум бўлди. Кейинги икки ярим йил мобайнида нарх белгилаш органлари ўтказган текширишларнинг натижаларига кўра 12 миллион сўмдан кўпроқ маблағ давлат бюджети даромадлари фойдасига тортиб олинди. Бундан ташқари, хўжаликларга у хизмат қиладиган, уларнинг маҳсулотини қайта ишлаш ва сотиш учун қабул этадиган ташкилотлар томонидан ортиқча олинган 8 миллион сўм пул колхоз ва совхозларга қайтариб олиб берилди.

Давлат нархлар комитети (ўрток Қ. А. Аҳмедов) ва унинг жойлардаги органлари бундай ҳодисаларнинг қатъиян пайини қирқиши, нарх-наво интизомига қатъий риоя этилиши устидан контролликни кучайтириши зарур.

Молия-кредит системаси жиддий равишда қайта қурилади, ҳозирги вақтда бу система ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни рағбатлантираётгани йўқ.

Кейинги вақтга қадар қарз олинган маблағдан зарарни ва хўжасизликни қоплаш учун кенг миқёсда фойдаланиб келинди. Характерли мисолларни айтиб бермоқчиман. Андижон ип газлама комбинатида асосий фондларнинг жами қиймати 114 миллион сўм бўла туриб, кўрилган зарар юз миллион сўмдан ошиб кетди. Республика Қурилиш министрлигининг «Джизакстрой» тресты йилига 8 миллион сўмликка яқин иш бажаради, шунга қарамай у 15 миллион сўмни сарфлаб юборган.

Бундай практика шу қадар кучли эдики, уни корхоналар ва хўжаликларнинг раҳбарларини банклар ссудалардан фойдаланганлик учун босиб қолаётган ҳатто жуда катта процент ставкаси ҳам тўхтатмади. Масалан, республика ўтган йили муддати ўтказиб юборилган қарзни узиш учун тўловлар ҳолида 150 миллион сўмдан маҳрум бўлди, ваҳолонки, банкка тўловлар секинлик билан камаймоқда ва у ҳозир 1,5 миллиард сўмни ташкил этади. Кўриб турибсизларки, бизда ҳали «туйнуклар» кўп бўлиб, халқ пуллари, ресурслар, одамларнинг кучи ва меҳнати ўша «туйнуклар»да беҳуда ғойиб бўлиб кетмоқда, исроф қилинмоқда.

Банк системаси структурасини ҳам қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди, бу система хизмат кўрсатилаётган корхоналар ва хўжаликларнинг айни бир вақтда давлат корхонаси тўғрисидаги Қонунда кўзда тутилганидек, молиявий масалаларда ташаббускорлигини кенгайтирган ҳолда, уларнинг фаолияти устидан сўм билан контролликни кучайтириш лозим. Айни вақтда хўжалик раҳбарларини боқимандалик кайфиятларидан, кредит интизомининг бузилишидан огоҳлантириш керак. Янги хўжалик механизмида буларга ўрин йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Молия-кредит системасини шундай қайта қуриш зарурки, бу органлар амалда корхоналар ва ташкилотларнинг ишончли ҳамда манфаатдор шериклари, рўёбга чиқарилаётган иқтисодий ислоҳотнинг фаол қатнашчилари бўлиб қолсинлар.

Давлат меҳнат комитети ҳамда унинг жойлардаги органлари иши тубдан қайта қуришни тақозо этади. Аввало меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш проблемаларини ҳал этишга комплекс ёндашишни таъминлаш зарур. Бу масала республика учун ниҳоятда ўткир иқтисодий, социал ва сиёсий характерга эгадир. Ўтган йили барча омиллар ҳисобидан 150 минг киши ижтимоий меҳнатга жалб этилди, бу эса 1985 йилга нисбатан бир ярим баравар кўпдир. Шунга қарамай, бу етарли бўлмади, ишламаётганлар сони камайиши бир ёқда турсин, балки аҳолининг ўсиши ҳисобига кўпайди.

Республика Компартияси Марказий Комитети ва Министрлар Совети яқинда меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасида ўн иккинчи беш йилликка мўлжалланган тармоқ комплекс программасини тасдиқладилар. Партия комитетлари программа топшириқларининг бажарилишини қатъий назорат остига олишлари, унинг рўёбга чиқарилишига эришиш учун сабот билан ҳаракат қилишлари керак.

Иш билан таъминлаш ягона давлат сиёсатини амалга ошириш учун Давлат меҳнат комитети билан унинг жойлардаги органлари фаолиятини қайта қуриб, тўла бандликни таъминлаш, ишга жойлаштириш, қўли бўшатилган ходимларни ва иш билан банд бўлмаган меҳнатга қобилиятли аҳолини тайёрлаш ҳамда касбкорга йўналтириш, корхоналарнинг кадрларга бўлган талаб-эҳтиёжларини қондириш учун жавобгарликни уларнинг зиммасига юклаш кўзда тутилади. Иш ҳақини такомиллаштириш, меҳнатга ҳақ тўлашда текисчиликка барҳам бериш ҳамда ҳар бир ходимнинг иш ҳақини унинг пировард натижага қўшган шахсий ҳиссасига чамбарчас боғлиқ қилиб қўйиш масалалари алоҳида ўрин олиши керак. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев «Раменский» агросаноат комплекси хўжаликларининг раҳбарлари, бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари, ходимлари билан учрашувда айни мана шунга диққат-эътиборни қаратди.

Булар катта ва масъулиятли вазифалардир, зотан Меҳнат давлат комитети (ўртоқ Ҳ. Н. Тожиев) бу вазифаларни ҳал этишга яна ҳам кўпроқ ташаббускорлик билан киришиши лозим.

Хўжалик юритиш янги шароитида **тармоқ бошқариш органларининг роли** тубдан ўзгартирилмоқда. Министрликлар ва идоралар майда-чуйда ишларга

аралашишдан ҳамда оператив раҳбарликнинг буйруқбозлик методларидан тармоқларнинг илмий-техникавий ва план-иқтисодий штаблари вазифаларини бажаришга ўтишлари лозим. Халқ хўжалигининг муайян маҳсулотларга бўлган талаб-эҳтиёжларини тўла ва самарали таъминлаш, номутаносибликларнинг олдини олиш, ишлаб чиқариш технологияси ва сифат соҳасида жаҳондаги даражага эришиш, тармоқ программаларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга оширишни ташкил қилиш, ягона тармоқ фан-техника сиёсатини ўтказиш уларнинг бош вазифасига айланмоқда.

Демак, министрликларимиз ва идораларимизнинг структурасини ҳам, иш услубини ҳам ўзгартириш, бошқариш аппарати сонини кескин камайтириш керак.

Кейинги вақтларда бу соҳада муайян ишлар қилинмоқда. Республика халқ хўжалигида кейинги икки йил мобайнида бошқариш ходимларидан жами 10 минг киши қисқартирилди, уларни сақлаш харажатлари 27 миллион сўмлик камайтирилди.

Бироқ республикадаги министрликлар ва идоралар сони ҳамон асоссиз равишда кўп бўлиб, уларнинг аппарати ҳаддан ташқари ошириб юборилган. Ҳозирги вақтда бизда Иттифоқ, Иттифоқ-республика, республика бўйсунувидаги 83 та министрлик, идора ва муассаса ҳамда 26 та жамоат ташкилоти ишлаб турибди. Уларнинг бошқариш аппаратида 720 мингдан кўпроқ киши бор, уларнинг салмоғи умуман 14,5 процентни ташкил этади, бу эса мамлакатдагига қараганда 0,6 банд юқоридир.

Шу жиҳатдан республика Давлат агросаноат комитетининг намунаси характерлидир, у ташкил этилаётган пайтда тугатилган министрликлар ва идораларнинг аппаратини анча — 40 процентдан кўпроқ қисқартириш кўзда тутилган эди. Лекин орадан бир йилдан сал кўпроқ вақт ўтиши билан Давлат агросаноат комитетидаги идора ходимлари сони яна ошиб кета бошлади ва ҳозир дастлабкисига қараганда 150 киши кўпайди, бу эса бутун бир министрликнинг штатидир. Шу боисдан, бу ерда кўпдан-кўп қоғозбозлик, кўпдан-кўп мажлисбозлик қилинаётганлиги тасодифий эмас.

Давлат агросаноат комитети ташкил этилгандан кейин ўтган вақт ичида у тармоқларда тартиб ўрнатиш учун кўп иш қилди, албатта. Лекин агросаноат комплексини янада ривожлантиришга оид кўпгина муҳим истиқболли масалалар ҳаддан ташқари секинлик билан ҳал қилинаётганлигини ҳам кўрмаслик мумкин эмас. Ўртоқ И. Ҳ. Жўрабеков комитет раҳбари сифатида ташаббус ва ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Бироқ айни вақтда кўп масалаларни ўз зиммасига олишга, ҳар бир мутахассиснинг қобилиятидан мумкин қадар фойдаланиш ўрнига кўпинча ўз ўринбосарларининг ҳам, аппаратнинг ҳам ўрнини босишга ҳаракат қилади. Бу ҳолда эҳтимол шу мутахассислар миқдори анча камроқ талаб қилинган бўлармиди.

Министрликлар ва идораларни қайта қуриш тўғрисидаги гапларни ниҳоясига етказа туриб, вазифа — ишлаб чиқаришнинг асосий бўғинларини мустаҳкамлаб, бошқариш аппаратини анча қисқартиришдан иборат эканлигини таъкидлаб ўтиш зарур. Республика Молия министрлиги шу иш устидан қаттиқ назорат ўрнатиши керак.

Ёқилғи-энергетика, қурилиш, кончилик саноати, химия-технология каби ҳамда бошқа катта-катта тармоқлараро регионал комплексларни бошқаришни ташкил этишга ўтиш пайти келди. Масалан, ҳозир бизнинг республикада турли Иттифоқ бош бошқармаларига бўйсундирилган тўртта трест энергетика объектлари қурилиши билан шуғулланмоқда. Улар ўртасида айни бир ишни такрорлаш ҳоллари ва низолар кўп. Афтидан мавжуд трестлар негизида ишлаб чиқариш базаси умумий бўлган ягона бирлашмани тузиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш зарур бўлса керак. Мана шу масалаларнинг ҳаммасини республика Министрлар Совети дарҳол ишлаб чиқиб, Иттифоқ органларига тақдим этиши лозим.

Умумий қурилиш ташкилотларини тубдан қайта ташкил этиш тўғрисидаги масала яна ҳам ўткирроқ бўлиб турибди. Идоравий тарқоқлик сабабли республикада 204 та қурилиш тресті ва 1800 га яқин бошланғич қурилиш бўлинмалари ишлаб турибди. Битта трестнинг ўртача иш билан таъминланиши 16 миллион сўмликни, қурилиш-монтаж бошқармаси ва кўчма механизациялашган колонна-

нинг таъминланиши эса 1,5 миллион сўмликдан камроқни ташкил этади, бу эса нормативга нисбатан 3—4 баравар камдир. Ҳар бир областга ўрта ҳисобда 15 та қурилиш тресги ва 130 тадан зиёд бошқа бўлинмалар тўғри келади. Маҳкамачилик ғовлари уйсозлик комбинатларининг қувватларидан, қурилиш индустрияси базасидан ва республикада етишмаётган механизациялаш воситаларидан тўла-тўкис фойдаланишга тўсқинлик қилмоқда. Темир йўлнинг ўзидагина 4 миллион куб метр темир-бетон конструкциялар норационал ташилмоқда, бунинг учун 160 мингта вагондан фойдаланилмоқда.

Бундай тарқоқ ҳолдаги системани самарали бошқариб бўлмаслиги мутлақо равшан. Марказий Комитет ва ҳукумат республика қурилиш комплексини бошқариш структурасини қайта қуриш юзасидан таклифларни ишлаб чиқишди, бу таклифлар бошқариш ходимлари сонини 40 процент камайтириш ва қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини қўшимча харажатларсиз 30 процент ошириш имконини беради. Аммо бу масалани келишиб олиш жойларда ҳам, марказда ҳам ҳаддан ташқари чўзилиб кетди. Бироқ, бу масала кун тартибидан олинмайди.

Министрликлар, корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларнинг хўжалик фаолиятида тегишли тартиб ўрнатиш учун мавжуд **контрол системасини** қайта кўриб чиқиш талаб этилади. Контрол қилувчи 80 та орган ва уларнинг структуравий бўлинмаларида 10,5 минг киши банд. Структура шу қадар катталашиб кетганига қарамай, идора хизматлари кўпгина ревизияларни сифатсиз ўтказмоқда, натижада мавжуд қоидабузарлик ва суиистеъмолчиликлар фош этилмай қолмоқда ва уларнинг пайи қирқилмаяпти. Масалан, Фарғона агросаноат бирлашмасининг идора ревизорлари Давлат агросаноат комитетининг Қувасой хўжалик. ҳисобидаги савдо корхонасида ҳатто алоҳида йирик миқдорлардаги (қарийб 950 минг сўмлик) ўғирликларни ҳам аниқламадилар.

1986 йил мобайнида Савдо министрлиги системасида асосий кўрсаткич — товар обороти маълумотларининг ишончлилиги 157 ташкилотда 195 марта текширилди. Жиддий бузилишлар аниқлангани йўқ. Статистика органлари эса шу йилнинг ўзидаёқ текширилган ҳар икки ташкилотнинг бирида 752 минг сўмлик қўшиб ёзиш ҳамда товар оборотини ошириб кўрсатиш ҳолларини аниқладилар.

Республика Марказий статистика бошқармасининг маълумотларига кўра, ўтган йили растраталар, камомад ва ўғирликлар жами салкам 150 миллион сўмликни ташкил этган. Кўрилаётган қаттиқ чораларга қарамай, биз кадрлар хўжасизлиги ва масъулиятсизлигининг қўшиб ёзиш каби ҳолларидан сира халос бўла олмаяпмиз. Гарчи қўшиб ёзишнинг умумий миқдори анча камайган бўлса-да, унинг салмоғи ҳамон юқори бўлиб қолмоқда.

Шу йилнинг ўзида Андижон, Қашқадарё, Самарқанд областларида қўшиб ёзишлар кўпайди. Қорақалпоғистон АССРда, Бухоро областида қўшиб ёзиш ҳоллари ҳамон кўп.

Ана шуларнинг ҳаммаси контроллик ишини тубдан қайта қуришни талаб этади, биз республика Халқ контроли комитети (ўртоқ В. А. Хайдуров)дан конкрет таклифларни кутамиз.

Экономикани бошқаришни қайта қуриш **халқ депутатлари маҳаллий Советларининг** роли анча оширилишини кўзда тутади. Маҳаллий Советлар ўз территориясининг комплекс иқтисодий ва социал ривожлантирилишини таъминлашлари, қайси идорага бўйсунишидан қатъи назар бу ерда жойлашган барча корхоналар ва ташкилотларни мазкур вазифаларни ҳал этишга жалб қилишлари, тармоқлараро корхоналар, бирлашмаларни ва хўжалик ҳисобидаги татбиқ этувчи ташкилотларни барпо этишга кўмаклашишлари керак.

Жойларда халқ хўжалигига амалий раҳбарлик қилиш учун КПСС Марказий Комитети Пленуми область ижроия комитетлари ҳузурида Бош ишлаб чиқариш-иқтисодий бошқармаларини ташкил этишни мақсадга мувофиқ, деб топди. Уларнинг вазифаси ўз территориясидаги бирлашмалар, корхоналар, ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасидаги ишларни активлик билан олиб боришдан, ишлаб чиқариш қувватларини иш билан самарали таъминлаш, материал-техника ресурсларидан, шунингдек ишлаб чиқариш чиқитлари ва маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш, транспорт, социал, ишлаб чиқариш инфраструктурасини ривожлантириш масалаларини ташаббускорлик билан ҳал этишдан иборатдир. Территориал бирлашмаларни ташкил этиш асосида тармоқлараро

проблемаларни ҳал қилиш тажрибасидан кенгроқ фойдаланиш лозим. Термизда шундай бирлашма ишлаб турибди. Унинг тажрибасини ўрганиш, йирик истиқболли шаҳарларда шунга ўхшаш бирлашмаларни ташкил қилиш масаласини кўриб чиқиш зарур.

Экономикани бошқаришни қайта қуриш муваффақияти кўп жиҳатдан **Ўзбекистон ССР Министрлар Советига боғлиқ.** Янги шароитда унинг вазифалари анча кенгаймоқда.

Партиянинг иқтисодий стратегиясини, раҳбарликнинг ленинча принциплари ва жамиятни ҳар томонлама демократиялаштириш асосида бутун бошқариш системасини қайта қуришга қаратилган революцион йўлни муттасил рўёбга чиқара бориш — ҳозир республика ҳукумати фаолиятининг бош вазифасидир. Яхлит бошқариш системасининг принциплари ва қоидаларини ишлаб чиқиб, уларни қатъият билан амалга ошириш, ишлаб чиқаришнинг объектив шарт-шароитларига, ишлаб чиқарувчи кучларнинг эришилган даражасига мувофиқ шу система муттасил такомиллаштирилишини таъминлаш зарур.

Министрлар Совети қайта қуриш диалектикаси юзага келтирган янги вазифаларни тўла-тўкис ўз зиммасига олиши керак. Министрлар Советининг Президиуми шу йилнинг охиригача республика халқ хўжалигини бошқариш бош схемасини ишлаб чиқиши, янги хўжалик механизмининг аниқ мақсад йўлидаги собитқадам ишини авж олдириб юбориши зарур. Ҳозир бошқаришни қайта қуриш — асосан иқтисодий раҳбарлик методларига ва замонавий бошқариш ташкилий структураларига ўтиш биринчи навбатдаги социал-сиёсий ва хўжалик вазифаси, деб қаралмоқда. Янги беш йилликка созланган хўжалик механизми билан кириб бориш учун қайта қуришни асосан 1988 йилда ниҳоясига етказиш зарур.

IV. ҚАЙТА ҚУРИШНИ ПАРТИЯВИЙ-СИЁСИЙ ЖИҲАТДАН ТАЪМИНЛАШ

Ўртоқлар! Экономикани қатъий равишда ислоҳ қилиш, халқ хўжалиги барча бўғинларининг ишини тубдан қайта қуриш, Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонунни амалда рўёбга чиқариш партия комитетлари ҳамда бошланғич ташкилотларнинг роли ва вазифаларини янгича намоён қилмоқда. Айни партия комитетлари ва бошланғич ташкилотлари, амалга оширилаётган барча ўзгаришларнинг авангардида бўлишлари, хўжалик механизмимизнинг барча босқичларида рўёбга чиқарилаётган ислоҳотга нисбатан сиёсий умумдавлат нуқтаи назарида ёндашувни таъминлашлари зарур. Шу мақсадда ташкилотчилик ва сиёсий ишлар практикаси кейинги вақтларда бойиб қолган янгича ёндашувлар, формалар ва методларнинг жами йиғиндисидан фойдаланиши лозим. Бизнинг вазифамиз экономикадаги қайта қуриш чинакамига ғоят муҳим умумпартиявий иш бўлиб қолиши учун зиммамизга қандай масъулият тушаётганлигини ҳар бир коммунистга етказишдан иборатдир.

Навоий, Хоразм, Наманган область партия комитетларининг, Тошкент ва Чирчиқ шаҳар партия комитетларининг, Паркент, Бувайда район партия комитетларининг пленумларида, бир қанча бошланғич партия ташкилотларида ушбу масалани муҳокама қилиш чоғида амалга оширилаётган ишлар чуқур ва талабчанлик билан анализ қилинди, социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришга оид ўткир масалалар кўтарилди, ташкилотчилик ҳамда сиёсий ишларни кучайтириш, хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлик қилиш юзасидан танқидий мулоҳазалар, конкрет таклифлар айтилди. Гарчи масалани муҳокама қилиш чоғида ҳамма жойда ҳам расмиятчилик ва сафсатабозликка барҳам беришга муваффақ бўлинмаган бўлса-да, барча амалий фикр-мулоҳазалар инобатга олиниши, партия комитетлари ва ташкилотларининг, совет, хўжалик органларининг планларига киритилиши ҳамда рўёбга чиқарилиши лозим.

Бутун ташкилий-сиёсий механизмимизни, айниқса унинг **ошкоралик ва демократия** каби янги ривожланиб бораётган формаларини экономикани қайта қуришга қаратиш зарур. Ҳозирча эса коммунистларнинг, барча меҳнаткашлар-

нинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратини авж олдиришнинг мана шу кудратли воситаларидан янги иқтисодий проблемаларни ҳал этиш учун суст фойдаланилмоқда. Партия ташкилотларининг ва ишлаб чиқариш коллективларининг йиғилишларида, меҳнаткашларнинг хатларида ва матбуот мақолаларида ўтмишдаги салбий ҳодисаларни танқид қилишда муайян оғиш ҳоллари намоён бўлмоқда ва ҳозирги вақтдаги ишларнинг етарли эмаслиги хаспўшланмоқда. Ҳали ҳамма партия ташкилотлари ҳам меҳнат коллективларининг сиёсий ўзаги сифатидаги авангардлик ролини таъминламаяпти, уларни жорий ҳамда истиқболдаги вазифаларни ҳал қилишга сафарбар этаётганлари йўқ.

Ишлаб чиқариш ҳаётининг янги демократик формалари ҳам самарадорликни оширишга ҳамиша моҳирона амалий равишда йўналтириляпти, деб бўлмайди. Бир томондан, партия комитетларининг иш услубида ҳам расмиятчилик ва маъмурий тазйиқ ўтказиш методларига ҳали барҳам берилмаган. Иккинчи томондан эса масалаларни ҳал этишда, жумладан раҳбарларни сайлаш тўғрисидаги масалани ҳал этишда партиявий-сиёсий воситалардан фойдалана билмаслик таъсир қилмоқда. Республикада турли даражалардаги 15 мингдан зиёд раҳбар очиқ-ойдин, ошкора муҳокама қилиш ва овоз бериш йўли билан сайланди. Одатда, булар коллективнинг ишончига сазовор бўлган серғайрат, ташаббускор кишилардир. Улар орасида масъулиятни ўткир ҳис этадиган, ишбилармон кишилар оз эмас, улар қайта қуришга дадиллик билан новаторларча киришмоқдалар. Шу билан бирга масалан, «Средазсельхозмаш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасидаги каби ҳоллар ҳам оз эмас. Бу ерда овоз бериш йўли билан сайланган раҳбар келгандан кейин коллективдаги ишларнинг аҳволи яхшиланиши бир ёқда турсин, балки аксинча ёмонлашмоқда. Обрўсини тўкиб қўйиган шахслар сайланаётган, гуруҳбозлик намоён бўлаётган, юртдошлик ва қариндош-уруғчилик алоқалари таъсир ўтказаётган ҳоллар мавжуд. Бунга йўл қўйиш мумкин эмас.

Экономикани бошқаришни қайта қуриш **кадрларга нисбатан** янги, яна ҳам юксакроқ талаблар қўймоқда. Гап, аввало уларни конкрет экономика билимлари ва иқтисодий бошқариш методлари билан қуроллантириш тўғрисида боряпти. Бунинг учун барча мавжуд имкониятлардан фойдаланиш, олий партия мактабимизнинг, республикалараро курсларнинг ишига, семинарлар системасига муҳим тузатишлар киритиш зарур.

Малака ошириш институтлари, факультетлари ва курсларида кадрларни қайта тайёрлашни ташкил этиш қатъиян қайта қуришни тақозо этади. Бундай институтлар, факультетлар ва курслар республикада 130 тадан кўпроқ бўлиб, улар ҳар йили 3 мингга қадар кишини қамраб олади. Бироқ кўпгина министрликлар, идоралар, жумладан, Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги, Агропромстрой тингловчилар юбориш планларини мунтазам суратда барбод этиб келмоқдалар. Қолаверса, республика Министрлар Совети ҳузуридаги малака ошириш институтидан бошлаб таълим беришнинг ўзи ҳам тубдан яхшиланиши зарурдир.

Министрликлар, идораларнинг, корхоналар ва хўжаликларнинг иқтисодий хизматларини мустаҳкамлашга кўпроқ эътибор бериш керак. Уларнинг кўпчилиги мутахассислар билан тўлиқ таъминланмаган, олий ва ўрта махсус маълумотли 11 мингдан зиёд иқтисодчи эса ўз мутахассислиги бўйича ишламаяпти. КПСС Марказий Комитети Пленумида таъкидлаб ўтилганидек, кадрлар составини барқарор ҳолга келтириш, айникса хўжаликларнинг раҳбарлари ўртасида кадрларнинг тез-тез алмаштириб турилишини тўхтатиш зарур.

Мактабларда, ҳунар-техника билим юртларида, техникумларда, олий ўқув юртларида таълимни яхшилаш ниҳоятда зарур бўлиб қолди. Тўғрисини айтсак, уларни битириб чиққан кўп кишиларнинг билим ва амалий малака савияси етарли эмаслиги яққол кўриниб турибди. Республика Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги жуда қисқа муддат ичида инженер-техник, иқтисодчи ҳамда бошқа мутахассисларнинг ўқув программаларини тўғрилаб чиқиши, битирувчи курсларнинг студентлари учун экономикани бошқаришни қайта қуриш проблемалари юзасидан факультативлар, лекциялар туркумини ташкил этиши зарур.

Оператив чора-тадбирлар билан бир қаторда таълимни такомиллаштиришнинг туб йўлларини излаш керак. Шу жиҳатдан, Фарғона политехника

институтининг, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг дастлабки қадамлари эътиборга сазовордир. Ана шу институтлар ишлаб чиқариш билан ҳам, мактаб билан ҳам алоқаларни мустаҳкамлаб, мутахассислар тайёрлаш шартнома системаси элементларини жорий қилмоқдалар. Партия комитетлари ана шу фойдали ташаббусларни эътибор билан таҳлил қилиб, қўллаб-қувватлашлари, хўжалик раҳбарларидан ўрта, ҳунар мактаби ва олий мактабни ислоҳ қилишга бутун чоралар билан кўмаклашишларини талаб этишлари лозим.

Масала, аслида **ялпи иқтисодий таълим** тўғрисида боряпти. Хўжалик ҳисоби, ўзини-ўзи қоплаш ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш шароитида министрдан то ишчигача ҳар бир ходим халқнинг ҳар бир тийинини ҳисоблай ва қадрлай билиши керак. Партия комитетлари ва министрликлар шу мақсадда партия ўқиши ва иқтисодий таълим системасидан, «Билим» жамиятидан, малака ошириш барча формаларидан тўла-тўкис фойдаланишлари зарур. Бутун системанинг асосий ва марказий бўғини — ишлаб чиқариш коллективининг турмуши ҳамда фаолиятини регламентга солувчи асосий ҳужжат сифатида Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисида СССР Қонунини тушунтиришга алоҳида эътибор бериш зарур.

Амалга оширилаётган ислоҳотнинг моҳияти ва характерини барча меҳнаткашларнинг чуқур онгига сингдириш, уларнинг ҳар бирида ана шу революцион жараёнда фаол қатнашишдан иборат манфаатдорлик иштиёқини уйғотиш, қайта қуришда ўз ўрнини аниқ белгилаб олишда ва унинг натижалари учун ўзининг шахсий масъулиятини аниқ-пухта белгилаб олишда ҳар бир кишига ёрдам бериш ҳозирги энг муҳим вазифадир.

Аввало, КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг ва СССР Олий Совети еттинчи сессиясининг материалларини кенг кўламда ишонарли тушунтиришни ташкил этиш керак. Бу ишни кампания деб билиш ярамайди, бу — барча партия комитетлари ва ташкилотлари фаолиятининг стратегик йўналишидир. Бу ишга идеология активларини, олимларни, айниқса жамиятшуносларни, иқтисодчиларни, хўжалик раҳбарларини, мутахассисларни, оммавий ахборот воситаларини кенг жалб этиш лозим. Барча область, шаҳар, район партия комитетларида, министрликлар ва идораларда, катта корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар ва хўжаликларда пропаганда группаларини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлиб, уларнинг составига бўлимларнинг, бошқармаларнинг, хизматларнинг раҳбарлари, етакчи мутахассислар киритилган бўлур эди. Бу группаларнинг вазифаси умумий қоидаларни тушунтиришдангина эмас, шу билан бирга ҳар бир конкрет меҳнат коллективининг шароитларига татбиқан хўжалик юритиш янги принципларининг моҳиятини яққол кўрсатиб беришдан ҳам иборатдир.

Бу ишда **оммавий ахборот ва пропаганда органлари** муҳим роль ўйнайди. Афсуски, журналистлар корпусимиз ишларини секинлик билан қайта қурмоқда, уларнинг ҳаракатларида ҳали ҳужумкорлик, ишчанлик, оперативлик, конкретлилик, экономика проблемаларига янгича танқидий назар ва айниқса шуниси ташвишлики, билимдонлик етишмайди. Баъзида бирон бир проблемани конкрет таҳлил этиш ва уни ҳал қилиш йўлларини ишонарли тарзда кўрсатиб бериш ўрнига журналистлар шов-шувга сабаб бўлган фактлардан завқланиб, уларни такрорлаш билан шуғулланмоқдалар.

М. С. Горбачев таъкидлаганидек, матбуот янги иқтисодий қурилишнинг муҳим воситаси бўлиб қолиши, илғор тажрибани, янгича ёндашувлар ва ечимларнинг самарадорлигини конкрет мисолларда кўрсатиб бериши, тафаккурдаги сусткашликка қарши, коллективлар ва шахснинг ташаббусини бўғаётган эскиликка, қолоқликка қарши курашиши керак.

Биз ҳаммамиз янги шароитларда ишлашни ўрганишимиз, **янги услуб в методларни** дадиллик билан ўзлаштириб олишимиз, иш натижаларига танқиди баҳо беришимиз, муваффақиятлардан ҳам, муваффақиятсизликлардан ҳам сиёси ва амалий хулосалар чиқариб олишимиз лозим. Бунда М. С. Горбачев Пленумда сўзлаган якунловчи нутқида таъкидлаб ўтганидек, хато қилишдан чўчиб, мустақил қарорлар қабул қилишда сира ҳам журъатсизлик қилиш керак эмас. Масъулиятдан қочиш, юқоридан бериладиган кўрсатмаларни кутиш — қайта қуришга халақит қилиши мумкин бўлган энг ёмон нарсалардир. Барча кадрларимизни шу руҳда тарбиялаш, уларга ташаббускорликни, омилкорликни, зиммага масъулият

олиш, зарур ҳолларда иш манфаатларини кўзлаб ўзини оқлайдиган таваккалчилик қилиш маҳоратини сингдириш керак. Энг муҳими эса, қийинчиликлар ва қаршиликларни бартараф эта бориб, партиянинг новаторларча йўл-йўриқларини қатъият ва изчиллик билан амалга ошира бериш керак, албатта.

Афтидан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси, секретариати, бўлимларининг фаолиятига, сайлаб қўйиладиган партия органлари ҳар бир аъзосининг қайта қуришга қўшадиган шахсий ҳиссасига мана шу нуқтаи назардан баҳо бериш зарур. Кейинги вақтларда бизнинг ишимизда республикани иқтисодий ва социал ривожлантириш актуал проблемаларига кўпроқ танқидий ва амалий ёндашилмоқда, муҳим қарорлар қабул қилинмоқда. Белгиланган режаларнинг бажарилишини ташкил этиш ва контрол қилиш эса ҳозирча дуруст йўлга қўйилмаган.

Партия қарорлари амалда ҳар бир фаолият соҳаси учун янги режалар, янги босқичлар белгилаётган ҳозирги шароитда уларни амалга ошириш устидан контроллик алоҳида аҳамият касб этмоқда, аслини олганда қайта қуриш тақдирини ҳал этмоқда.

Партия активлари ва аппарати ўз ишларини бевосита меҳнат коллективларига, бошланғич партия ташкилотларига қаратишлари лозим. Омма орасига дадиллик билан кириб бориш, ҳамма нарса тўғрисида одамларга рўй-рост гапириш, улар билан маслаҳатлашиш, меҳнаткашларнинг куч-ғайратларини партиянинг новаторлик режаларини амалда рўёбга чиқаришга қаратиш керак.

Хуллас, ўртоқлар, барча соҳалар ва йўналишларда қайта қуришни кескин жадаллаштириш зарур. Шу мақсадда партиявий-сиёсий ишларда партия ташкилотларида бошланаётган ҳисобот-сайлов кампаниясидан тўла-тўкис фойдаланиш лозим. Ҳамма жойда шундай вазиятни, шундай маънавий, сиёсий ва амалий муҳитни вужудга келтириш зарурки, қайта қуришни ёқлаётган, унга ўзининг кучи, тажрибасини сарфлашга, бу ишга қалбини бағишлашга интилаётган кишиларнинг ҳаммаси партия комитетлари ва ташкилотларининг мадади ҳамда эътиборидан баҳраманд бўлсин. Омманинг ишлаб чиқариш, иқтисодий ижодкорлигига кенг имконият очиш — турмушимизнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий-сиёсий соҳасидаги самарали ўзгартишларига катта йўлни очиш демакдир.

Бутун қайта қуришда бўлгани каби экономикани ислоҳ қилишда ҳам сафсатабозликка, қуруқ гап-сўзларга, асоссиз ишонтиришлар ва ваъдаларга йўл қўйиб бўлмайди. Конкрет социал-иқтисодий проблемаларни ҳал этишда ишчанлик, амалийлик, қатъият ҳамма жойда кундалик норма бўлиб қолиши керак. Бошланғич партия ташкилотлари бюросидан бошлаб, Компартия Марказий Комитетигача хаммамиз йил охирида партия XXVII съездининг, КПСС Марказий Комитети январь ва июнь Пленумларининг қайта қуришга раҳбарлик тўғрисидаги қарорларини амалга ошириш борасидаги ишлар ҳақида ҳисоб беришимиз лозимлигини назарда тутиш керак. Конкрет ишлар ва конкрет натижалар билан ҳисоб беришимиз лозим. Ўйлаб ўтириш учун вақтимиз йўқ.

Шунда биз сиёсий ва амалий етуклик бош имтиҳонидан ўтамиз. Шу йил якунларига, Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига қабул қилинган планлар ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилиш натижаларига қараб дастлабки, кўп ҳолларда эса узил-кесил баҳо қўйилади.

Бизнинг барча партия ва хўжалик активларимиз, кадрларимиз, коммунистлар, кенг меҳнаткашлар оммаси партиянинг революцион режаларини рўёбга чиқаришга шахсан дахлдорликларини, ундан астойдил манфаатдор ва жавобгар эканликларини англаб оладилар, бу режаларнинг амалга оширилишини таъминлайдилар, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсиз. Мана шу қийин, аммо зарур ишда ҳаммангизга муваффақиятлар тилайман.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МК VI ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ 1987 ЙИЛ ИЮНЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА ЭКОНОМИКАНИ БОШҚАРИШНИ ТУБДАН ҚАЙТА ҚУРИШНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДА РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми қайта қуришнинг дастлабки сиёсий якунлари чиқарилган ва ҳозирги босқичда уни ривожлантиришнинг биринчи галдаги вазифалари белгилаб берилган КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил июнь Пленуми қарорларини муҳокама қилиб, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачевнинг ўзгартишлар чуқур таҳлил этилган доклади, «Экономикани бошқаришни тубдан қайта қуришнинг Асосий қоидалари», давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонун республиканинг ҳар бир коммунисти, меҳнаткаши қалбида КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми бошлаган, партиянинг XXVII съезди давом эттирган жараён муқаррарлигига қатъий ишонч уйғотганлигини ва уларни умумхалқ ишига ўз муносиб ҳиссаларини қўшишга астойдил отлантирганлигини таъкидлайди.

КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил июнь Пленуми қоидалари ва хулосалари социалистик қурилиш назарияси ва практикасини ривожлантиришга қўшилган катта ҳисса бўлди.

Пленум қарорлари мамлакатнинг халқ хўжалиги қатъиян соғломлаштиришга муҳтож эканлигини яққол кўрсатди. Бу айниқса Ўзбекистон учун ғоят муҳимдир.

Пленум Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми ва республика Компартиясининг XXI съезди очиб ташлаган ва қоралаган салбий ҳолатларга принципиал баҳо бериш, уларни келтириб чиқарган сабабларни чуқур англаш зарурлиги кенг тушуниб етилганлиги республикада қайта қуришнинг дастлабки ижобий якуни бўлди, деб ҳисоблайди. Бундай аччиқ ҳақиқат республика партия ташкилотини янада мусаффо ва қудратли қилиб, метиндек мустаҳкамлайди, қайта қуриш учун курашда қардош халқларнинг умумий оиласида муносиб ўринни эгаллашга интилаётган барча меҳнаткашларни ўз атрофида жипслаштиришига имкон беради.

Буларнинг ҳаммаси республика турмушига ижобий таъсир кўрсатмоқда. План, молия ва меҳнат интизоми бирмунча мустаҳкамланди, кадрларнинг топширилган иш учун масъулияти ошди. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш проблемаларини ҳал этишда, ишлаб чиқаришни реконструкциялашда дастлабки умидбахш қадамлар қўйилди, вужудга келтирилган ишлаб чиқариш потенциалидан тўлароқ фойдаланиладиган бўлиб қолди. Агар 1983—1984 йилларда саноат маҳсулоти ўсишининг ўртача йиллик суръатлари 3,5 процентни ташкил этган бўлса, кейинги икки йил давомида 6,5 процентни, меҳнат унумдорлиги 1983—1984 йилларда 0,3 ташкил этган бўлса, кейинги икки йилда 4 процентни ташкил этди. Хўжалик фаолиятидан олинадиган фойда 20 процент кўпайди. Социал соҳада силжишлар рўй берди. 1985—1986 йилларда ундан олдинги икки йилга нисбатан 600 минг квадрат метр кўп уй-жой, 60 мингдан кўпроқ ўринли мактаб, 16 минг ўринли болалар боғчаси ва яслиси фойдаланишга топширилди. Аҳолига гўшт, сут, тухум кўпроқ сотиладиган бўлиб қолди. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларидаги ўсиш суръатлари ортди.

Бироқ пленум республикада вужудга келтирилган қудратли халқ хўжалик потенциалидан ҳамон жуда қониқарсиз фойдаланиляпти, эришилган натижалар эса мавжуд имкониятлар даражасида эмас, деб ҳисоблайди.

X ва XI беш йилликлар салбий тенденцияларининг оқибатлари ҳамон бартараф этилмаган. Миллий даромадни ўстириш суръатлари пасайиб, фонд самарадорлиги камаймоқда, экономикани ривожлантиришнинг кўп чиқимли принципи бартараф этилмаган. Ўтган йили Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигида (ўртоқ Э. А. Таймазов) ишлаб чиқаришга сарфланадиган капитал маблағларни кўпайтириш 12 процентни, ишлаб чиқаришни ошириш эса атиги 5 процентни, Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлигида (ўртоқ Ў. Қ. Исмоилов капитал маблағнинг кўпайиши ишлаб чиқаришни ўстиришдан 6,7 баравар, Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигида (ўртоқ Г. Г. Исаев) 12 баравар ошди.

Социал соҳада ҳамон сусткашликка йўл қўйилмоқда. Чакана товар обороти ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш (А. П. Антонов, О. Маҳмудов, Б. И. Бугров ўртоқлар) планлари бажарилмади.

Молиявий аҳвол ғоят кескин бўлиб қолмоқда. Халқ хўжалигида муддати кечиктирилган қарзлар кўпайди.

Ўзини ўзи қоплаш ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтказилган корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликларнинг талай қисми зарар кўриб ишламоқда. Министрликлар ва идоралар, Госплан (ўртоқ И. Искандаров), Ўзбекистон ССР Молия министрлиги (ўртоқ И. И. Маматисаев) ана шу корхоналар самарали ишлаши учун зарур бўлган нормал шароитларни яратиб бермадилар.

Партия ташкилотлари иш ҳақи меҳнат коллективининг ўзи ишлаб топган маблағ ҳисобига оширилишининг ўзига хос хусусиятларини меҳнаткашлар тушуниб етишларига эришмадилар.

КПСС Марказий Комитетининг қарорида айтиб ўтилганидек, Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети табиий-иқтисодий потенциалдан қониқарсиз фойдаланмоқда, бошқарувнинг иқтисодий методларини зарур даражада қатъият билан ўзлаштирмаяпти, маъмуриятчиликка берилишдан, хўжаликларнинг майда-чуйда ишларига аралашишдан халос бўлмаган.

Пленум республика партия ташкилотлари қайта қуриш, жамиятни демократиялаштириш ва ўзгараётган хўжалик механизми вазифаларига тўла ҳамоҳанг бўлган ижтимоий жараёнларни ривожлантиришга раҳбарлик қилишнинг самарали форма ва методларини ҳамон қидириб топмаганлиги сусткашликка, волюнтаризм руҳидаги ёндашувга, энг муҳим халқ хўжалик планларини бажаришни барбод этишга, кўпгина раҳбарларнинг социал соҳага эътибор бермаслигига кўп даражада сабаб бўлаётганлигини таъкидлайди.

Расмиятчилик, ташаббуссизлик ва қолоқ фикрлаш, партия ташкилотларининг исрофгарчилик ва хўжасизликка нисбатан муросасозлиги қайта қуриш йўлида жиддий тўсиқ бўлмоқда. Қайта қуришга бундай умрини яшаб бўлган, эскича ёндашувлар Бухоро (ўртоқ И. Жабборов), Андижон (ўртоқ М. М. Орипжонов), Қорақалпоғистон (ўртоқ Қ. Саликов) ва Самарқанд (ўртоқ Р. Ашуралиев) область партия комитетларининг ишида содир бўлмоқда. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, республика Компартияси Марказий Комитетининг бўлимлари, маҳаллий партия ва совет органлари қайта қуриш талабларини амалий ишлар билан ҳамон суст боғлаб олиб бормоқдалар, иқтисодий ва социал соҳани ривожлантиришнинг кўпгина туб масалаларини ҳал этиш ечимларини ва уни ташкил этишни ўз вақтида таъминламадилар. Республиканинг ишлаб чиқарувчи кучлари конкрет районларнинг имкониятларини, мавжуд хом ашё ва меҳнат ресурсларини ҳисобга олган ҳолда баб-баравар ривожлантирилмаяпти. Республика ҳаёти учун принципиал жиҳатдан муҳим бўлган ва энг аввало, аҳолининг озиқ-овқат, уй-жой, халқ истеъмоли моллари ва пулли хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондиришнинг бир қанча жуда катта масалалари йўл қўйиб бўлмайдиган тарзда суст ҳал этилмоқда.

Пленум кўпгина шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари турғун ҳолатларга қарши курашда принципиал ҳужумкор позицияни эгалламаганликларини таъкидлайди.

Улар танқидни тўғри ривожлантириб, камчиликларни бартараф этиш

юзасидан ўз вақтида амалий чоралар кўрмаяптилар, ташаббусни, кенг демократия принципларига асосланган раҳбарликни ҳамиша ҳам қўллаб-қувватламаяптилар, ишнинг буйруқбозлик ва тазйиқ ўтказиш услубини афзал кўрмоқдалар.

Бир қанча область ижроия комитетлари, министрликлар ва идоралар, кўпгина корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликларнинг раҳбарлари қайта қуриш ва жадаллаштириш вазифаларини ҳал этишга ўзларининг қодир эканликларини амалда тасдиқламаяптилар, фаолиятсизликка ва сусткашликка йўл қўйиб, рўй бераётган ўзгаришларнинг чуқур моҳияти ва кўламининг муқаррарлигини ҳамон тушуниб етмаяптилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми қарор қилади:

1. КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил июнь Пленуми қарорлари бутунлай ва тўла-тўкис маъқуллансин.

Пленум КПСС Марказий Комитети белгилаб берган ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачевнинг докладида баён этилган экономикани бошқаришни тубдан ислоҳ қилиш партиянинг КПСС XXVII съезди эълон қилган қайта қуриш йўлининг давоми, жамиятимизни ўз ривожининг, социализмнинг афзалликларидан фойдаланишнинг янги, илгари мисли кўрилмаган имкониятларини очиб берадиган сифат жиҳатдан янги даражасига олиб чиқишнинг яққол исботи бўлиб қолди, деб ҳисоблайди ва қуйидаги топшириқларни беради:

партия комитетларининг мажлисларида, бошланғич партия ташкилотлари йиғилишларида, сиёсий ва иқтисодий ўқув системасида Пленум қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар чуқур ва атрофлича муҳокама қилинсин;

партиянинг иш услубини такомиллаштиришга, раҳбарликнинг сиёсий методларини қарор топтиришга, ишларнинг ҳақиқий аҳволига тўғри ва принципиал баҳо бера олишга қаратилган йўли изчил, дадил ва қатъият билан новаторона усуллар билан амалга оширилсин;

барча кадрлардан янгича ишлаш, принципиал янги вазифаларни эскирган методлар билан ҳал этишга интилишдан ҳамма жойда воз кечиш талаб қилинсин. Пленум йўл-йўриқларини амалий жиҳатдан рўёбга чиқариш учун барча даража ва лавозимдаги коммунистлар, раҳбарлар, айниқса марказий республика иқтисодий органлари, министрликлар ва идоралар, бирлашмалар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар коммунистлари, раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан конкрет чоралар кўрилсин;

XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига тайёргарлик кенг авж олдирилсин; шу муносабат билан ўтказилаётган барча ташкилий ва сиёсий ишлар ҳар бир бошланғич партия ташкилоти, меҳнат коллективи, коммунист учун қайта қуришга қодирлик ва қайта қуришга интилишнинг конкрет имтиҳони бўлиши керак. Бошланғич партия ташкилотларида бўладиган ҳисобот ва сайлов ҳам худди ана шунга бағишланиши керак.

2. Пленум шуни таъкидлайдики, бошқарувнинг ҳам янги, ҳам эски методлари айни бир вақтда амал қиладиган ўтиш даври шароитларида партия ташкилотлари, совет ва хўжалик органларининг қайта қуришнинг бутун йўналиши учун жавобгарлигини ошириш, иқтисодий ишда содир бўлиши мумкин бўлган узилишларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймаслик принципиал жиҳатдан муҳимдир.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, область партия комитетлари, область ижроия комитетлари, министрликлар ва идоралар шу йилнинг охирига қадар ҳар бир область, корхона, хўжалик ва муассаса бўйича давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонуннинг тез жорий этилишини таъминлаш, 1988—1989 йилларда барча моддий ишлаб чиқаришни тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказиш, планлаштириш, нарх белгилаш, молия-кредит системаси, моддий-техника таъминоти, меҳнат ва социал ривожланишни бошқаришни қайта қуришни амалга ошириш юзасидан пухта тайёргарлик кўрсинлар ва комплекс тадбирларни ишлаб чиқсинлар. Республика халқ хўжалигини бошқариш барча бўғинларининг пухталиги ва ҳамжиҳатлиги, хўжалик ҳисобини жорий этиш учун барқарор иқтисодий замин яратиш, аналитик ва ташкилий ишни кучайтириш масалалари алоҳида диққат-эътиборга лойиқ бўлиши лозим. Шу йилнинг охирига қадар республика халқ хўжалигини бошқа-

ришнинг бош схемаси лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига тақдим этилсин.

3. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Министрлар Совети шу йил халқ хўжалигини бошқаришнинг принципиал янги формаларига ўтиш шароитларида регионларнинг уйғун ва комплекс тараққиёти учун халқ депутатлари маҳаллий Советларининг роли ва масъулиятини ошириш юзасидан конкрет тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар. Социал инфраструктуранинг устун даражада ривожланишига эришилсин, шу мақсадда корхоналар ва халқ хўжалик тармоқлари маблағлари активроқ жалб этилсин ва улардан самаралироқ фойдаланилсин. Уй-жой ва социал-маданий-маиший муаммоларни илдамроқ ҳал этмасдан туриб янги ишлаб чиқаришлар қурилишига йўл қўйилмасин.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, халқ депутатлари область Советлари ва Тошкент шаҳар Совети ҳузурида бош ишлаб чиқариш-иқтисодий бошқармалар тузилсин.

4. Пленум Ўзбекистон ССР Госплани, Давлат агросаноат комитети, Фанлар академияси, республика иқтисодий идоралари зиммасига планлаштиришнинг иқтисодий методларига, узоқ муддатга мўлжалланган барқарор иқтисодий нормативларга, давлат буюртмалари ва лимитларига ўтилишини ҳисобга олиб, республикани 1988 йилда ва ўн учинчи беш йилликда социал ва иқтисодий ривожлантириш планларининг илмий жиҳатдан асосланган батафсил тадбирларини кўриш вазифасини юклади. Халқ хўжалигининг оптимал структураси, унинг тараққиёти суръатлари ва пропорциялари белгилансин, давлат манфаатларининг регионлар, тармоқлар ва корхоналар манфаатлари билан узвий боғланиши шарт қилиб қўйилиб, ўсишнинг мувозанати таъминлансин.

Конкрет район, тармоқ, корхонанинг хусусияти, уларнинг иш шароити ва имкониятлари ҳисобга олиниб, бошқариш, планлаштириш ва рағбатлантиришнинг янги системасига қатъият билан ва айни вақтда пухта ўйлаб ўтилсин.

Ўзбекистон ССР Госснаби шу йилнинг охиригача моддий ресурслар билан марказлаштирилган тартибда таъминлашдан ишлаб чиқариш орқали маҳсулот етказиб берувчилар билан бевосита алоқа боғлашни ҳамда хўжалик ҳисобидаги улгуржи базалар орқали улгуржи савдога қатъий ўтишни таъминлайдиган конкрет тадбирларни ишлаб чиқсин, республика Министрлар Совети ана шу тадбирларни кўриб чиқиб, тасдиқласин. Тўрт-беш йил ичида таъминотнинг ана шу формаларига ўтиш ниҳоясига етказилсин. Яқин орада истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги ва машинасозлик, кооперация, якка тартибдаги меҳнат фаолияти ривожини таъминлаш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш воситалари савдоси йўлга қўйилсин.

5. Илмий-тадқиқотларни республика иқтисодий ва социал тараққиёти проблемаларига қаратишда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ўтказилаётган барча илмий тадқиқотларни мувофиқлаштирувчи роли оширилсин. Илмий изланишни бошқаришни такомиллаштириш ва ташкил этиш юзасидан конкрет, самарали тадбирлар кўрилсин. Фанлар академияси уч ой муҳлат ичида Госплан билан биргаликда тегишли таклифлар ишлаб чиқиб, республика Министрлар Советининг кўриб чиқмоғи учун тақдим этсин. Бу таклифларда илмий муассасаларнинг (фундаментал тадқиқотлар бундан мустасно) хўжалик ҳисобига ва мавзу бўйича маблағ билан таъминлашга ўтиши, тармоқлараро илмий-техника ва инженерлик марказлари тузилиши, республика экономикаси учун актуал бўлган вазифаларни ҳал этиш мақсадида вақтинчалик илмий коллективлар ташкил этиш, техникавий ечимларни ишлаб чиқаришга жорий этишнинг таъсирчан системасини тузиш назарда тутилсин.

6. Ўзбекистон ССР Молия министрлиги, СССР Давлат банки ва қурилиш банкининг Ўзбекистон республика конторалари, Ўзбекистон ССР Давлат нархлар комитети 1987 йилнинг охирига қадар халқ хўжалигидаги молиявий аҳволни ҳар жиҳатдан соғломлаштириш, давлатнинг корхоналар ва ташкилотлар билан бўладиган муносабатларини норматив негизга ўтказишни таъминлаш, нархларни ижтимоий зарур харажатлар билан кўп даражада мувофиқлаштириш, ишлаб чиқаришнинг пировард натижаларига алоқасиз тарзда даромадлар олиниши имкониятларини мустасно этиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиб, амалга оширсинлар.

7. Пленум умумдавлат топшириқлари ва планларини бажариш билан бир қаторда қайта қуриш шароитларида республика халқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаси аҳолининг озиқ-овқат асосий маҳсулотларига, халқ истеъмоли товарларига талаб ва эҳтиёжларини яна ҳам тўлароқ таъминлашдан, уй-жой, маиший хизмат муаммоларини ҳал этишдан, маданий ва маънавий тараққиётнинг ҳар томонлама ривожланиши учун шарт-шароитлар яратишдан, барча ходимлар жамият манфаатлари йўлида бутун куч-ғайратларини сарфлаб ишлашлари учун зарур рағбатлантириш системасини жорий этишдан иборат, деб ҳисоблайди. Фақат ана шу йўл билан қайта қуришнинг энг муҳим сиёсий, иқтисодий ва социал вазифаси — инсон омили ролини ошириш вазифасини муваффақиятли ҳал этиш мумкин.

Озиқ-овқат, уй-жой программалари ҳамда аҳоли учун товарлар ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатиш Комплекс программасининг бажарилиши учун масъул бўлган Давлат агросаноат комитети, Енгил саноат министрлиги, Маҳаллий саноат министрлиги, Қурилиш министрлиги, «Главташкентстрой», бошқа министрликлар ва идоралар қайта қуриш талабларини ва бошқарувнинг янги формаларини инобатга олиб, ана шу программаларнинг бажарилишини таҳлил қилиб чиқсинлар, зарур бўлиб қолганида мазкур программаларнинг сўзсиз бажарилишига қаратилган қўшимча чораларни белгиласинлар.

8. Пленум меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлигини ошириш проблемасини республиканинг партия, совет ва хўжалик органлари олдида турган энг асосий сиёсий, иқтисодий ва социал вазифалардан бири, деб қарайди. Бу муаммонинг ҳал этилиши ўн иккинчи беш йилликда меҳнат ресурсларидан рационал фойдаланиш бўйича тузилган республика комплекс программасида кўзда тутилган самарали ва шошилинч тадбирларнинг сўзсиз амалга оширилишини талаб қилади.

Ўзбекистон ССР министрликлари ва идоралари, Госплани ва Давлат меҳнат комитети, область ижроия комитетлари мазкур программалардаги топшириқларни белгиланган муддатда бажаришни таъминласинлар.

Пленум мутахассис кадрлар экономика ислоҳотини амалга оширишда бажарадиган муҳим ролни инобатга олиб, Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, Маориф министрлиги, Ҳунар-техника таълими давлат комитети зиммасига ҳамда қарамоғида ўқув юртлари бўлган министрлик ва идоралар зиммасига мутахассислар тайёрлашнинг умумназарий ва профессионал тайёрлиги даражасини оширишни, бўлажак мутахассислар қайта қуриш моҳиятини, унинг зарурлигини чуқур тушуниб олишларига эришишни ҳамда бу мутахассислар ишлаб чиқаришда меҳнат қила бошлаган биринчи кундан бошлабоқ қайта қуришда актив ва ижодий иштирок этишига эришиш мажбуриятини юклади.

Давлат меҳнат комитети, министрликлар ва идоралар уч ой муҳлат ичида халқ хўжалигининг барча тармоқларини ва ҳамма даражадаги ишловчиларни қамраб олиб, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш системасини яратиш бўйича таклифларни ишлаб чиқсинлар, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети эса бу таклифларни кўриб чиқсин. Бу ишда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги малака ошириш институти, олий ўқув юртлари ва техникумларнинг роли оширилсин.

9. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, министрликлар ва идоралар республиканинг чет мамлакатлар билан иқтисодий ва илмий-техникавий алоқаларини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини белгиласинлар, аввало, социалистик мамлакатлар билан ҳамкорликнинг самарали формаларини қидириб топиб амалда жорий этсинлар. Республиканинг партия комитетлари, министрликлари, идоралари, корхоналари ва ташкилотлари чет эллик шериклар билан алоқа боғлаб турган органлар ишини қайта кўриб чиқсинлар, мазкур органлар малакали кадрлар билан мустаҳкамлансин, чет эл фирмалари билан алоқаларнинг самарадорлиги тубдан оширилишига эришилсин.

10. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлимлари, область, шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил июнь Пленуми қарорларини ҳар бир коммунист, ҳар бир киши онгига етказсинлар. Экономикани бошқариш тубдан ислоҳ

этилаётганлиги ўзининг моҳияти жиҳатидан революцион руҳда эканлиги бутун куч-ғайратни сарфлашни, ижодий ва изчил ишни талаб этаётганлиги собитқадамлик билан пухта тушунтирилсин.

Пленум ташкилотчилик ва ғоявий-сиёсий ишдаги асосий вазифа — жамият социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришдан, жамият барча муассасаларини демократиялаштиришдан иборат, деб ҳисоблайди. Ҳар бир коммунистнинг, партия ташкилотининг куч-ғайрати қайта қуришни чуқурлаштиришга, унинг ижобий тенденцияларини мустаҳкамлашга, турғун ҳолатлардан қатъий холи бўлишга имкон берадиган барча омилларни барқарор қилиш ва ривожлантиришга қаратилиши керак.

Партия ташкилотлари ва комитетлари раҳбарликнинг сиёсий методларини қарор топтириш йўлига оғишмай амал қилишлари, ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган жараёнларни доимо диққат-эътиборда тутишлари, ишнинг аҳволига объектив баҳо беришлари, кадрларни янгича ишлашга ўргатишлари шарт. Хўжалик механизмини такомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар қаттиқ назорат қилинсин, бу масалаларнинг ҳал этилиши учун кадрларнинг масъулияти оширилсин, бошқарувнинг демократик принципларини жорий этишда меҳнат коллективларининг ташаббуси авж олдирилсин, хўжалик юритишнинг янги шароитларидаги энг яхши иш тажрибалари оперативлик ва қунт билан кенг ёйилсин.

* *
*

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми республиканинг партия ташкилотлари, коммунистлари, меҳнаткашлари қайта қуриш иши учун юксак бурч ва гражданлик масъулиятини чуқур ҳис этиб, жамиятимизни революцион тарзда ўзгартириш, Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини, XIX Бутуниттифоқ партия конференциясини муносиб кутиб олиш, беш йиллик плани ва бу йилги вазифаларни сўзсиз бажариш учун умумхалқ ҳаракатига қўшиладилар, деб қатъий ишонч билдиради.

РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ «ПАРТИЯГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ПАРТИЯ САФЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ БОРАСИДА ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ИШИДАГИ ЖИДДИЙ КАМЧИЛИКЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ҚАРОРИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ВАЗИФАЛАРИ

Ўзбекистон Компартияси МК иккинчи секретари В. П. АНИШЧЕВнинг Ўзбекистон Компартияси МК Пленумида 1987 йил 10 августда қилган доклади

Ўртоқлар!

Ҳозиргина биз КПСС Марказий Комитети 1987 йил июнь Пленуми якунларини муҳокама қилдик, бу Пленум қарорларини бажариш юзасидан партия ташкилотлари олдида жуда катта вазифалар турибди.

Марказий Комитет Пленуми халқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштиришнинг асосий масалаларини белгилаб берди. Энди гап уларни амалга оширишда қолмоқда. Партия ўртага қўйган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун ҳар бир раҳбар, ҳар бир коммунист қайси лавозимда ишлашидан қатъи назар, ўзига ишониб топширилган иш участкасида шахсан жавобгар эканлигини бугун таъкидлаб ўтиш лозим.

Бошланғич партия ташкилотлари жуда фаол қатнашган тақдирдагина партия XXVII съезди, КПСС Марказий Комитети январь ва июнь Пленумларининг ижтимоий турмушнинг ҳамма жиҳатларини қайта қуриш, жадаллаштириш ва янгилашга қаратилган йўлини амалга ошириш мумкин бўлади. Бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлиги, меҳнат коллективларининг сиёсий негизи сифатидаги роли кўп жиҳатдан уларнинг сифат составини билан белгиланади.

Шу муносабат билан КПСС Марказий Комитетининг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилотининг ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қарори жуда катта аҳамиятга эга.

Барча эски, умри тугаган нарсаларни бартараф этиш, ҳаётимизда тобора фаол қарор топаётган кенг демократия ва ошкоралик шароитида партия аъзолиги ленинча принциплари янги, янада чуқур мазмун билан бойиб бормоқда. Бундай шароитда ҳар бир коммунист сиёсий жангчи, омманинг ташкилотчиси бўлиши керак.

В. И. Ленин партия составини тўғрисидаги масала партия қурилишининг туб масаласи эканлигини, ташкилотнинг характери, партиянинг сиёсий йўли ва ўз мақсадлари ҳамда вазифаларини амалга оширишга қобилияти кўп жиҳатдан шу масаланинг ҳал этилишига боғлиқ эканлигини муттасил таъкидлар эди.

КПСС Марказий Комитети Тошкент область партия ташкилотининг ишини айни шу нуқтаи назардан қараб чиқди. КПСС Марказий Комитетининг қарорида ишларнинг аҳволи чуқур таҳлил этилиб, мавжуд камчиликлар ва нуқсонлар холисона, талабчанлик билан очиб ташланган.

КПСС Марказий Комитетининг қарори бутун республика партия ташкилоти учун ғоят муҳим принципиал аҳамиятга эга бўлиб, у диққат-эътиборимизни партияга қабул қилиш ишларини тубдан қайта қуриш, партия сафлари софлиги учун курашни кучайтириш, коммунистларнинг ташаббускорлиги ва фаоллигини ошириш зарурлигига қаратади.

Шу кунгача қарордаги қоидалар ва хулосаларни амалга ошириш вазифалари

барча область, шаҳар, район партия комитетларининг пленумларида, бошланғич партия ташкилотларида батафсил кўриб чиқилди.

Йиллар давомида тўпланиб қолган нуқсонлар партия сафларини тўлдиришга салбий таъсир қилди. КПСС Марказий Комитетининг Тошкент область партия ташкилоти иши ҳақидаги қарорида кўрсатиб ўтилган расмиятчилик, таниш-билишлик, қариндош-уруғчилик, ҳамюртлик алоқалари, бошқа камчиликлар республикадаги кўпгина партия ташкилотларига хос бўлиб, улар қайта қуришда жиддий ғовга айланди.

Маълумки, партия XXVII съездида, КПСС Марказий Комитетининг январь Пленумида Ўзбекистон салбий жараёнлар энг хунук шаклда намоён бўлган регионлар қаторида тилга олиб ўтилди. Кадрлар сиёсатидаги бузилишлар, экономика ва социал соҳадаги турғунлик, ижтимоий лоқайдлик кўринишлари амалда партия сафларини тўлдиришдаги хатолар, унинг сифат составы ёмонлашуви билан бевосита боғлиқдир.

Партияга қабул қилишни асоссиз равишда тезлаштириш, бу жараённи тартибга солишга ялпи ёндашиш, партия аъзолигига ленинча принциплар ҳамда якка-якка танлаб олиш нормалари менсилмаганлиги партия сафларига лоқайд, беқарор, баъзан эса ёт унсурлар кириб қолишига, кўпгина партия ташкилотлари жанговарлигининг йўқолишига, уларнинг маъмурият фаолиятини контрол қилиши бўшашиб кетишига, кадрларни танлаш ва тарбиялашда принципиал позициялардан чекинишга олиб келди.

Биз партия комитетлари ўтмишнинг аччиқ сабоқларидан ҳали ҳам тегишли хулоса чиқариб олмаганликлари ва ишларнинг аҳволига тегишлича баҳо бермаётганликларини ғоят ташвишланиб қайд этишга мажбур бўляпмиз. Кўпчилик партия ташкилотлари фаолиятини қайта қуриш жуда суст бормоқда. Сўнгги вақтгача қайта қуриш аслида одамларни партия сафига танлаш практикасини такомиллаштириш масалаларига етиб келмади.

КПСС Марказий Комитетининг қарорида партия сафлари партия кучларидаги реал эҳтиёжларни, партия сафига кирувчиларнинг ўсиши базаси ва тайёргарлик даражасини ҳисобга олмай, амалга оширилаётганлиги ҳақли равишда таъкидлаб ўтилди. Ўн йил ичида Тошкент область партия ташкилоти 27 процент, Хоразм область партия ташкилоти 32 процент, Сурхондарё область партия ташкилоти 34 процент, Сирдарё ва Наманган областлари партия ташкилотлари деярли 36 процент ўсди. Бу — халқ хўжалигида банд бўлган одамларнинг ўсиш суръатидан анча илдамдир.

Партия сафига қабул қилишни жадаллаштириш — кўпгина партия ходимлари онгига ўрнашиб қолган партия қатламини кўпайтириш партия таъсирини кучайтириш воситаси, деган фикрнинг оқибатидан бошқа нарса эмас, ҳаёт эса бундай эмаслигини кўрсатмоқда.

Масалан, қишлоқ хўжалик машинасозлигида 1980 йилдан буён коммунистлар сони 20 процентдан зиёдроқ кўпайди. Бироқ тармоқ корхоналарининг иши уларнинг олдига қўйилаётган ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқарилаётган машина ва механизмлар сифатини яхшилаш талабларини қондирмаяпти. Тўқимачилик тармоғида коммунистлар сони учдан бир ҳисса кўпайди. Шунга қарамай, меҳнат коллективлари фаолиятида сезиларли ўзгариш бўлмаяпти.

Партия комитетлари партия сафига қабул қилишни тезлаштириб, коммунистларни экономика ва социал соҳанинг энг муҳим участкаларига қўйиш ишларини яхшилаш, партия ташкилотлари структурасини такомиллаштириш каби самарали тадбирларни унутиб қўйдилар. Саноатда ҳам, халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам минглаб бригада ва участкаларда бирорта ҳам коммунист йўқ.

Одамларни партия сафига қабул қилишга танлашни тартибга солишга расмиятчилик билан, бюрократларча ёндашиш шунга олиб келдики, сўнгги вақтгача, ҳатто ҳозир ҳам иш билан банд бўлган аҳоли структурасини ва меҳнат коллективларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмай, партияга қабул қилинувчиларнинг турли категориялари юзасидан область партия комитетлари шаҳар ва район партия комитетларига, шаҳар ва район партия комитетлари эса ўз навбатида бошланғич партия ташкилотларига қаттиқ «лимитлар», «разнарядкалар», ҳамма учун бир хил «процентлар»ни белгилаб бермоқдалар.

Деҳқонобод, Ильич районларида, Фарғона шаҳрида иш билан банд бўлган аҳоли орасида ишчиларнинг салмоғи 40—60 процентни ташкил этгани ҳолда КПСС сафига қабул қилинганлар орасида 70 процентдан ошиб кетганлиги тўғрими ахир?!

Биз, биринчидан, партия сафига қабул қилишни тезлаштиришдан, партия ташкилотлари сонини асоссиз равишда кўпайтиришдан қатъий воз кечишимиз керак. Иккинчидан, партия сафига танлашни қаттиқ, механик тарзда тартибга солиш практикасига, партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларига контрол топшириқ белгилаб қўйиш каби қораланган практикага чек қўйишимиз лозим. Марказий Комитетнинг ташкилий-партиявий ишлар бўлими, область партия комитетлари КПСС Марказий Комитетининг ана шу кўрсатмаларига ҳамма жойда оғишмай риоя этилишини таъминлашлари, улардан чекиниш учун қаттиқ жавобгарликни талаб қилишлари зарур.

Бироқ масалани шу тарзда қўйиш партияга қабул қилиш иши ўз ҳолига ташлаб қўйилади, деган маънони билдирмайди. Аксинча, партия комитетларининг, бошланғич партия ташкилотларининг вазифалари жуда мураккаблашади. Бу вазифалар партия сафларини тўлдиришга аниқ системали ёндашувни ишлаб чиқишни, чуқур таҳлилий ишларни, мунтазам контролни талаб қилади. Шу муносабат билан партия сафларини тўлдириш учун шаҳар ва район партия комитетлари биринчи секретарларининг масъулияти янада ортади.

Аввал бўлгани каби, партия составида ишчиларнинг устун ҳолатини таъминлаш, уни энг яхши колхозчилар ва зиёлиларнинг вакиллари билан тўлдириш, ёш коммунистларни тарбиялашга оид бутун ишларни партия комитетлари партия XXVII съезди йўл-йўриқларига, КПСС Программаси ва Устави талабларига қатъий мувофиқ равишда, партия аъзолиги ленинча принципи асосида олиб боришлари керак. Асосий эътибор партия ташкилотлари сафини сунъий равишда кўпайтириш эмас, балки КПСС Марказий Комитетининг қарорида кўрсатиб ўтилганидек, уларни ғоявий ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлашга, коммунистларни жой-жойига қўйишни яхшилашга, сифат состави ва структурасини такомиллаштиришга, қайта қуришнинг боришига партиявий таъсирни кучайтиришга қаратилиши лозим.

Ҳозирги пайтда партияга қабул қилинувчилар сифат составини тубдан яхшилаш партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларининг асосий иши бўлиши лозим.

Марказий Комитет диққат-эътиборимизни шунга қаратдики, сўнгги вақтгача партия сафлари кўпинча жиддий меҳнат ва ҳаёт мактабидан ўтмаган, қатъий ғоявий ва маънавий негизга эга бўлмаган кишилар ҳисобига тўлдирилди. Амалпарастлар ва мосланувчилар, партияга суқулиб кирувчилар, бундан наф чиқаришга уринувчилар учун партия сафига кириш йўли беркитиб қўйилмади. Ҳаётнинг ўзи ана шу ёт унсурларни ва «ортиқча юк»ни улоқтириб ташламоқда.

Партияга нолойиқ одамларнинг суқулиб кириши давом этмоқда, партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари уларнинг йўлига мустаҳкам ғов солганлари йўқ, фақат иккита фактни келтириб ўтаман. 1986 йилда Янгиер шаҳар партия комитети (биринчи секретари ўртоқ Л. А. Долганова) «Голодностепирмонтаж» тресси бош инженери А. Очиловни КПСС сафига қабул қилди. А. Очилов илгари партия аъзолигига кандидат бўлган ва ўз обрўсига путур етказганлиги учун кандидатликдан чиқиб кетган эди. У меҳнат фаолиятининг 14 йили давомида иш жойини ўн икки марта ўзгартирган. «Иккинчи» кандидатлик муддати даврида унга муштлашгани учун ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилинди ва жазо олиб ташланди.

Томди район партия комитети (биринчи секретари ўртоқ М. Б. Сулаймонов) шу йилнинг январь ойида Калинин номли совхоз киномеханиги Д. У. Туллиевни — унча етук бўлмаган, интизомни бузувчи кишини партияга қабул қилди. Уч ойдан кейин у маст ҳолда жиноятга қўл урди.

Бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари ҳам, шаҳар, район партия комитетлари ҳам партия сафларини тўлдириш учун одамларни танлашга масъулиятсизлик билан, лоқайдлик билан муносабатда бўлаётганлигини кўрсатувчи бошқа мисолларни ҳам кўплаб келтириш мумкин. Бу партия сафларини булғашдан бошқа нарса эмас.

«Номига партия аъзолари биз учун текинга ҳам керак эмас, — деб уқтирган эди В. И. Ленин. — Бизга партиянинг янги аъзолари реклама учун эмас, балки жиддий иш учун зарур», — деб таъкидлаган эди у.

Ҳозирги босқичда бу талабнинг аҳамияти беқиёс ортмоқда. Ҳозирги пайтда одамларнинг қайта қуришга, ошкораликка, танқид ва ўз-ўзини танқидга, демократияни чуқурлаштириш жараёнига муносабати партия сафига кириш учун энг асосий мезон бўлиб қолиши керак.

КПСС Марказий Комитетининг қарорида КПССга аъзоликка яхши ишлаб чиқариш ва ҳаёт мактабидан ўтган, меҳнат коллективларида чиниққан ишчи кадрларни танлаб олишга кўпроқ эътибор бериш лозимлиги ҳақли равишда таъкидланган. Сўнгги йилларда Жиззах, Самарқанд, Сирдарё область партия ташкилотларида партияга қабул қилинган ишчилар орасида уларнинг деярли учдан икки қисми 18 дан 25 ёшгача бўлган кишилар эканлигини фақат процент ва умумий кўрсаткич орқасидан қувиш билан изоҳлаш мумкин. Кўп жиҳатдан шу сабабга кўра, партия комитетлари асосий касблардан бошқа касбларда ишлаётган ишчиларни партияга қабул қилишга берилиб кетдилар. Масалан, Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида, Уйчи пиллакашлик фабрикасида асосий ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчилар орасида партия қатлами умуман корхонадагига нисбатан икки баравар кам.

Регламент чегараларининг қатъий белгилаб қўйилиши, партия ишчи негизини шакллантиришга механик тарзда ёндашув, партия ташкилотларининг мансабпарастлик интилишларига йўл қўйиб беришлари шунга олиб келдики, баъзи бировлар инженер-техник лавозимларидан ва бошқа лавозимлардан ишчи ўринларига ўтиб ишлаб, амалда алдаш йўли билан партияга кириб олдилар. Мана, бир мисол, политехника институтини битирган А. Иноятов деган одам Олмалиқ пиво заводида технолог бўлиб ишларди. 1984 йил ноябрида у пиво пиширувчи бўлиб ишга ўтди ва ишчи сифатида КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилинди, шундан сўнг у цех бошлиғи қилиб тайинланди. Сирдарё областидаги Ильич райони автобазаси, Андижондаги 13-мактаб-интернат, Нишон районидаги С. Альенде номли совхоз, Қашқадарё область «Каршистрой» бошқармаси партия ташкилотларида, Фарғона область Охунбобоев район партия комитетида ҳам шундай фактлар аниқланди. Бу — партиянинг социал составини сохталаштириш, алдаш, партия интизомини қўпол равишда бузишдир.

Кўпгина колхоз партия ташкилотлари ўз сафларини пала-партишлик билан тўлдирмоқдалар. «Колхозчи» сўзи билан фақат ҳисоботдаги жой тўлдирилаётган экан, бу ибтидоий ёндашувнинг кўринишидир. Иккинчи даражали участкаларда ишлаётган, моддий ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлмаган кишиларни партияга кўплаб қабул қилиш давом этмоқда. Бундай фактлар Бекобод, Хўжайли, Ёзёвон, Пахтачи районларида ва бошқа бир қанча районларда кўп учрамоқда.

Бухоро районидаги «Правда» колхози правлениесининг цех партия ташкилоти сафи йил сайин кенгайиб бормоқда, бу ерда ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар икки кишининг бири коммунистдир. Деярли барча ҳисоб ходимлари партияга қабул қилинган. Ҳолбуки, бешта ишлаб чиқариш бригадасида бирорта ҳам партия аъзоси йўқ.

Қишлоқ партия комитетлари партия сафларини тўлдириш учун одамларни танлар эканлар, қолоқ участкаларни мустаҳкамлаш, коммунистларни энг қийин жойларга юбориш талабларига амал қилмаяптилар. Бухоро области пахтани машинада териб олиш юзасидан бир неча йиллардан буён республика маълумотларида энг охирги ўринда бормоқда, кадрлар орасида антимеханизаторлик кайфиятлари илдиз отган. Область, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ўз кучларини ана шу вазифани ҳал этишга қаратиш ўрнига, механизатор кадрлар тўғрисида ғамхўрлик қилмаяптилар, уларнинг орасида коммунистлар сони камайиб кетмоқда.

Биз чорвачиликни ривожлантиришда партиявий таъсирни кучайтириш зарурлиги тўғрисида кўп ва тез-тез гапирамиз, лекин иш гапдан нарига ўтмаяпти. 460 та фермада коммунистлар йўқ, фермаларнинг учдан бир қисмида 1—2 партия аъзоси ишламоқда. Қашқадарё, Андижон ва Сурхондарё областлари, Пешку, Янгиқўрғон ва Оҳангарон районларида чорвачиликда ишлаётган коммунистлар сони камайиб кетди.

КПСС Марказий Комитетининг қарорида жуда тўғри кўрсатиб ўтилганидек,

партия ташкилотларида хизматчиларни партия сафига қабул қилишга пухта, табақалаштирилган ёндашув йўқ. Етакчи олимларни, конструкторларни, участка мастерлари ва бошлиқларини, соғлиқни сақлаш, олий мактаб, маориф ва бошқа идеология муассасалари ходимларини партия сафига қабул қилиш учун танлаб олиш тўғрисида етарли ғамхўрлик қилинмаяпти.

Фан-техника тараққиёти жадаллаштирилаётган, фан бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланаётган, идеология кураши кескинлашиб, инсон омили роли ортиб бораётган ҳозирги шароитда ана шу соҳаларнинг ходимларидан партия сафига танлаб олиш масалаларига янгича ёндашмоғимиз керак. Партияга, аввало, кимни қабул қилиш керак — етакчи олим ёки лаборантними, конструктор ёки администраторними, етакчи актёр ёки саҳнани ёритувчиними, бунга биз бефарқ қарай олмаймиз.

КПСС Марказий Комитетининг қарорида хизматчиларни партия сафига қабул қилишни уларни кейинчалик раҳбарлик лавозимига кўтариш билан боғлиқ қилиб қўйишдек нотўғри практика жиддий танқид қилинди. Бундай практика кадрлар сиёсатига катта путур етказмоқда. Бунда партия билети раҳбарлик лавозимига кўтарилиш учун ўзига хос йўлланмага айланиб қолмоқда. Одатда бундай масалалар шошма-шошарлик билан, коллектив фикрини ҳисобга олмай, партия комитетларининг секретарлари кабинетларида ҳал қилинар эди.

Шу муносабат билан партия комитетлари ҳозир ҳам раҳбарлик лавозимларига нима учун партиясиз ўртоқларни журъатсизлик билан кўтараётганликларини тушуниш осон. Корхоналар, қурилишлар, колхоз ва совхозлар раҳбарлари орасида партиясиз ўртоқлар бармоқ билан санарлидир. Ҳамма жойда партия сафлари софлиги йўли ўтказилаётган ҳозирги пайтда партияга қабул қилишда таниш-билишликка, қариндош-уруғчилик, юртдошлик алоқаларидан фойдаланишга йўл қўйиб бўлмайди. Риштон район партия комитети ташкилий ишлар бўлимининг мудири Б. Мустафоқулов ўзининг дўсти — А. Б. Халиловни КПСС аъзолигига кандидатликка ўтказган экан, талабчанлик, поклик ҳақида қандай гап бўлиши мумкин. Кейин маълум бўлишича, уни қабул қилиш учун партия йиғилиши ўтказилмаган экан. Коммунистларнинг тавсияномалари ҳам сохта бўлиб чиқди. Фарғона область партия комитети Мустафоқуловни ишдан бўшатиб тўғри иш қилди.

Ёки бошқа бир фактни олайлик. Самарқанд область ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Н. И. Иброҳимов ўз яқин кишисини партия аъзолигига кандидатликка ўтказиш учун кўп куч-ғайрат сарфлади. Ҳатто Боғишамол район партия комитетига ва қуйингки, область партия комитетига ҳам шахсан мурожаат қилди. Шуниси қувончлики, район партия комитети принципиаллик кўрсатди. Иброҳимовнинг режаси амалга ошмай қолди.

КПСС Марказий Комитети хотин-қизларни партия сафига танлашдаги жиддий нуқсонларга эътиборимизни қаратди. Партия ташкилотлари ўз тақдирини партия тақдири билан боғлашни истаган кишилар билан якка-якка, сабот билан иш олиб бориш ўрнига, уларни кўндириш, тазйиқ ўтказишдан ҳали ҳам воз кечмаганликлари ҳақли равишда кўрсатиб ўтилди. Бундай аҳвол кўпинча шунга олиб келмоқдаки, айрим хотин-қизлар турмушга чиққанларидан сўнг қариндош-уруғларининг тақиқлаб қўйишлари ёки бошқа сабабларга кўра, партия билан алоқани узмоқдалар.

Бунда кўпинча чўнтагида партия билетини олиб юрган шахслар ана шундай бой-феодалларча муносабатда бўлмоқдалар. Партия ташкилотлари эса бунга лоқайдлик билан, панжа орасидан қарамоқдалар.

ВЛКСМ аъзоларини партияга қабул қилишга янгича ёндашмоғимиз керак. Сўнгги йилларда бир қолипдаги иш таркиб топди, яъни бунда 70 процентдан кўпроқ киши комсомол орқали партияга қабул қилинди. Партия комитетларининг ёшларни партияга танлаб олишни сира бўшаштирмаслик ҳақидаги йўл-йўриқлари ҳозир ҳам эшитилиб турибди. Қарши, Бойсун, Мўйноқ, Қонимех район партия комитетлари биринчи ярим йилликда 80 процентга яқин комсомолни партияга қабул қилди. Ҳолбуки, ишловчилар составида уларнинг сони анча кам. Партияга қабул қилинган йигит ва қизларнинг кўпи меҳнат коллективларида бир йилдан сал кўпроқ ишлаганлар, ҳали ўзларини кўрсатишга, ўз ҳаётий позицияларини белгилаб олишга улгурмаганлар. Масалан, йиғилиш бўлиб ўтган кунда 18 ёшга

тўлган колхозчи қизни КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилган Балиқчи район партия комитети (биринчи секретари ўрток В. А. Мўминов)нинг ишини тушуниш қийин.

Студентлар ва ўкувчиларни партияга қабул қилишга оид масалалар ҳам кўп. Самарқанд медицина институтида партияга қабул қилишга муносиб студентлар жуда кўп, бир ярим минг нафардан ортиқ студент ишлаб чиқариш стажига эга ёки армияда чиниқиб қайтган. Бироқ институт партия комитети ва Сиёб район партия комитети сўнгги икки йил ичида 12 студентни партияга қабул қилди. Шундан 11 таси мактаб партасидан институтга келган.

Биз Лениннинг «Яна ҳам қаттиқроқ шартлар қўйиш ва партияга қабул қилинаётган комсомол аъзоларининг, биринчидан, ҳақиқатан ҳам жиддий суратда ўқиб-ўрганаётганликларини ва баъзи нарсаларни ўрганганликларини ва, иккинчидан, улар узоқ муддат давомида жиддий амалий иш (хўжалик, маданий ва бошқа ишлар) қилганликларини текширишни жорий этиш лозим» деган кўрсатмасига амал қилишимиз керак.

Партия ташкилотларининг интернационал составига қатъий риоя этиш масалалари бизнинг республикамиз учун айниқса муҳимдир. КПСС Марказий Комитети бу ишдаги жиддий хатоларни мутлако тўғри кўрсатиб ўтди. Юздан кўпроқ миллат ва элатларнинг намояндалари истиқомат қилаётган Ўзбекистонда партияга кўпинча меҳнат коллективларининг миллий стурктурасини ҳисобга олмай қабул қилинади. Иш билан банд аҳоли ўртасида туб миллат вакиллари 65 процентдан ошмагани ҳолда ўтган йили КПСС аъзолигига кандидат этиб қабул қилинганлар орасида улар 71 процентдан кўпроқни ташкил этди. Бошқа миллатларга мансуб кишиларни партияга қабул қилиш учун танлашда асоссиз камайиш содир бўлмоқда. Андижон, Жиззах, Сурхондарё, Фарғона партия ташкилотлари миллий составидаги номутаносибликлар айниқса сезиларлидир. Масалан, Самарқанд шойи тўқиш фабрикасини олиб кўрайлик. Бу ерда 12 миллат намояндалари меҳнат қилади. Кейинги бир ярим йил ичида партия аъзолигига кандидат этиб қабул қилинган 29 киши орасида туб миллатдан бошқа миллатга мансуб биронта ҳам одам йўқ.

Область, шаҳар, район партия комитетларининг секретарлари бу масалани ғоят қатъий равишда ўрганиб чиқишлари, уни алоҳида назорат остига олишлари зарур.

Бу жараёнларга юзаки, арифметик жиҳатдан ёндашувга ҳам йўл қўйилмаслиги керак. Раҳбар органларда барча миллат ва элатларга мансуб шахсларнинг муносиб равишда вакиллари бўлишини таъминлай туриб, бунда аввало уларнинг сиёсий, амалий, маънавий фазилатларини эътиборга олиш зарур.

Ўртоқлар! Партияга қабул қилишда қаттиқ регламентга солишни батамом йўқотиш тўғрисида келишиб олинган ҳозирги пайтда партияга қабул қилинувчиларнинг сифати учун ҳамда умуман шу соҳадаги ишлар учун бошланғич партия ташкилотлари зиммасига катта масъулият юкланади. Область, шаҳар, район партия комитетларига янги форма ва методларни ўзлаштириб олишда тезроқ ёрдам бериш керак.

То сўнгги вақтгача кўпгина партия ташкилотларида КПССга қабул қилиш учун номзодлар тўғрисидаги масала одатда бир одамнинг иродаси билан, шахсан партия ташкилотларининг секретарлари ва хўжалик раҳбарлари, кўпгина юқори партия комитетларининг ходимлари томонидан ҳал этиб келинди. Партияга қабул қилишни юзаки тартибга солиш шунга олиб келдики, партия ташкилотлари ўз мустақиллигидан, ташаббускорлигидан маҳрум бўлиб қолдилар, бу ишда лоқайдлик ва пассивлик қила бошладилар. Улар аслида ўсиш базасини вужудга келтириш билан шуғулланмадилар.

КПСС Марказий Комитети бизни бу йўналишдаги ёндашувларни тубдан ўзгартиришга йўналтирмоқда. Гап, аввало, ҳар бир партия ташкилотида партия резерви билан ишлаш аниқ системаси созланган бўлиши тўғрисида боряпти. Бу система якка-якка танлаб олишга асосланиши, шошма-шошарликка йўл қўймаслиги, ўз ҳаётини партия билан боғлаш истагини билдирган кишиларнинг сиёсий, ишчанлик ва маънавий фазилатларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганишга ёрдам бериши лозим.

Партияга қабул қилиш учун кўрсатилган номзодларни партия группаларида

ва цех партия ташкилотларида албатта олдиндан муҳокама қилишни жорий этиш керак, сўнгги вақтларгача бунга аҳамият берилмай келган эди. Партия йиғилишларининг ролини ошириш зарур. Бундай йиғилишларда эркин ва амалий муҳокама, партиянинг бўлажак аъзоларига нисбатан юксак принципиаллик ва талабчанлик вазияти вужудга келтирилиши керак.

Эндиликда партия ташкилотларининг кўпчилиги партияга қабул қилишни очиқ йиғилишларда кўриб чиқиш тўғрисидаги кўрсатмаларга юзаки амал қилмоқда. Бироқ меҳнат коллективлари шундай йиғилишлар тўғрисида барвақт хабардор қилинмаяпти, партиясизлар йиғилишда қатнашганлари тақдирда ҳам асосан лом-мим дейишмайди, ишдаги ўртоқлари тўғрисида ўз фикрини билдиришмайди. Бахмал район партия ташкилотларида эса партияга қабул қилиш масалаларининг ярмига яқини ҳамон ёпиқ йиғилишларда кўриб чиқилмоқда. Афтидан, Устав қоидалари райкомнинг биринчи секретари ўртоқ А. Ҳакимовга ҳали етиб бормаган кўринади.

Партияга қабул қилиш масалаларига бағишланган йиғилишлар кўпинча суст, зерикарли ўтади. Суҳбатларда ёш коммунистлар бундай йиғилишлар бизда ҳеч қандай чуқур из қолдирмади, деб тўппа-тўғри айтмоқдалар.

КПСС аъзолари партияга кириш учун тавсияномалар бериш чоғида кўпинча расмиятчиликка йўл қўймоқдалар. Тавсияномаларнинг кўпчилиги бир қолипда, тавсия этилаётган киши тўғрисида умумий сийқа гаплардан, қуруқ маълумотлардан иборат бўлиб, уларнинг заиф томонлари кўрсатиб берилмайди. Тавсияномалар беришга масъулиятсизлик билан муносабатда бўлинганлиги учун коммунистларга нисбатан талабчанлик қилинмаяпти. Шу муносабат билан, эҳтимол, бир марта учраган воқеани айтиб ўтаман. Ғиждувон район партия комитети объектив тавсияномалар бермаганлиги учун уч нафар коммунистга қаттиқ виговор эълон қилди. Шулардан бири — партия ветерани У. Юсупов: «Мен кўп йиллардан буён партия аъзосиман, аммо тавсиянома берган кишиларни жазолашганини биринчи марта кўриб турибман», — деди.

Тавсиянома беришга юзаки муносабатни партия тақдирига нисбатан лоқайдлик, деб баҳолаш керак. Партия ташкилотлари кандидатларнинг шахсий ишларини кўриб чиқиш чоғида тавсиянома берувчиларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги масалани албатта муҳокама қилишлари керак.

Комсомол комитетларининг тавсияномалар беришида ҳам тартиб ўрнатиш керак. Комсомол тавсияномалари кўп ҳолларда цех ташкилотлари ва комсомол группаларини, кўпинча эса бошланғич ташкилотларни ҳам четлаб ўтиб, дарҳол комитетларнинг ўзида тасдиқлана бошлайди.

Бундай юзаки ёндашиш билан партия ўринбосарларини, қолаверса, барча ёшларни ҳам тарбиялаш ишига зиён етказилади. Ёш инсон ҳаётидаги ажойиб воқеа — партияга қабул қилиш уни ғоявий эътиқод, партия ишига садоқат руҳида, қайта қуриш ва жадаллаштиришни фидокорона меҳнат билан рўёбга чиқаришга тайёрлик руҳида тарбиялаш учун фойдаланилиши лозим.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети (биринчи секретари ўртоқ А. Н. Носиров) ишни тубдан қайта қуриши, тавсияномалар беришда комсомол комитетларининг масъулиятини ошириши керак. Ёшларни КПСС сафига кириш учун тайёрлашни яхшилаш бош вазифадир.

Хуллас, ўртоқлар, партияга қабул қилиш масалаларида шу пайтгача партия комитетларининг талабчанлик қилмаётганликлари кўриниб турибди. Шаҳар ва район партия комитетлари КПССга қабул қилиш тўғрисидаги қарорларни тасдиқлаш чоғида пала-партишлик ва йўл қўйиб бўлмайдиган шошма-шошарлик қилмоқдалар.

Умуман шуни эътироф этиш керакки, партия комитетининг партияга қабул қилишни рад қилиш ҳоллари жуда камдан-кам бўлиб қолди. Натижада КПСС аъзолигига кандидатларнинг кўпчилиги етуклик синовига бардош беролмаяптилар.

Район, шаҳар партия комитетлари ҳузуридаги партия комиссиялари ҳам етук бўлмаган, номуносиб кишиларнинг партияга суқилиб кириш йўлида мустаҳкам ғов бўлиб қолгани йўқ. Кўпинча бу комиссиялар сусткашлик билан ишламоқдалар, коммунист бўлишга номуносиб кимсаларга нисбатан кўнгилчанлик, муросасозлик қилмоқдалар.

Шаҳар, район партия комитетлари партия комиссияларининг иши қайта қурилишини таъминлашлари керак. Улар учун фақат бир ёндашув бўлиши мумкин, у ҳам бўлса КПСС аъзолигига кирувчининг ҳақиқатан ҳам тайёрлигини, унинг Ленин партияси аъзоларига нисбатан қўйилаётган энг юксак талабларга мувофиқлигини ҳар томонлама текширишдан иборат. Бунинг учун партияга қабул қилиш тўғрисидаги масалаларни ва коммунистларнинг шахсий ишларини партия комиссияларининг аъзолари албатта жойларга бориб ўрганишларини қоида қилиб қўйиш керак.

Ёш коммунистларнинг кандидатлик стажини ўташига, уларда актив ҳаётий позицияни шакллантиришга нисбатан бошланғич партия ташкилотлари ҳамда партия комитетларининг лоқайд ва бефарқ муносабатда бўлиш ҳоллари ҳали кўп. КПСС аъзолигига кандидат бўлган ҳар беш кишининг биригина партия йиғилишларида ёки партия комитетларининг, партия бюроларининг мажлисларида ҳисобот берди. Кўпгина ёш коммунистлар доимий топшириққа эга эмас, фақат вақти-вақти билангина жамоат ишига жалб этиладилар.

Партия ташкилотларининг фаолиятини анализ қила туриб, биз шунга тобора кўпроқ ишонч ҳосил қиляпмизки, ўтмишда республикада мавжуд бўлган салбий ҳодисаларнинг оқибатлари коммунистлар талайгина қисмининг ташаббуси ва активлигига салбий таъсир қилди, бир қанча бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлиги пасайишига, айрим ҳолларда эса барҳам топишига олиб келди. Коммунистларнинг авангардлик роли амалий ишларда намоён бўлмаётган кўпдан-кўп фактлар ҳозир ҳам учраб турибди. Уларнинг талайгина қисми планни бажармаяпти, камчиликларга, интизом ва жамоат тартибини бузишга, қўшиб ёзишларга, кўзбўямачиликка, ўғриликларга, ичкиликбозликка тоқат қилиб келмоқда, партия турмуши ва ахлоқи нормаларидан, КПСС Устави талабларидан чекинишларга йўл қўймоқда. Одат бўлиб қолган мансабдорга бўйсуниш, лавозими юқори ва ёши катталарга итоатгўйлик ҳамда уларнинг иродасини бўйин эгиб бажариш каби одатларни тарк этиш кўпчиликка ҳали ҳам қийин бўлмоқда.

Партия сафларини тозалашда зарур даражада қатъият ва сабот-матонат кўрсатилмаяпти. Масалан, партия ташкилотларининг динга қарши курашга муносабатини олиб кўрайлик. Бунинг устига, умуман, республикада вазият яхшилик томон сезиларли равишда ўзгармаяпти, бир қанча регионларда эса у яна ҳам кучайди. Ҳолбуки, ислом дини таъсирига қарши кураш соҳасида амалга оширилаётган тадбирларда ҳамма нарса кўнгилдагидек қилиб кўрсатилмоқда. Кейинги бир ярим йил ичида республикада диний маросимларни ташкил этганлик ва унда қатнашганлик учун 53 киши партиядан ўчирилди. Шуни тўппа-тўғри айтиш керакки, бу рақам ишларнинг ҳақиқий аҳволини асло акс эттирмайди ва кўпгина бошланғич партия ташкилотларининг принципсизлиги, масала ё дин ёки партия деб дангал кўндаланг қилиб қўйилишини четлаб ўтишга интилаётганлиги тўғрисидаги фикрга олиб келади.

Ёки шундай бир фактни олайлик. Кўпгина коммунистлар ҳозирги пайтгача ҳам аъзолик бадалини ўз вақтида тўлаш каби Устав бурчини назар-писанд қилмаётганлигига тоқат қилиш мумкинми, ахир. Чунончи, КПСС аъзоларидан 240 киши уч ва ундан ҳам кўпроқ ой учун қарздор бўлиб қолган.

Коммунистларнинг ножўя ҳаракатларига баҳо беришда кўнгилчанлик ва принципсизлик кўпгина бошланғич партия ташкилотларига хосдир. Область, шаҳар ва район партия комитетлари коммунистларнинг, айниқса раҳбарларнинг шахсий ишларини ҳамон қуйи партия бўғинларини четлаб ўтиб кўриб чиқаётганликлари ва кўрилган жазо чоралари тўғрисида улар ҳамиша ҳам хабардор қилинмаётганлиги оқибатида шундай бўлмоқда. Тошкент, Сирдарё, Қашқадарё областларида коммунист раҳбарларнинг 55 процентидан 70 процентига қадари бошланғич партия ташкилотларини четлаб ўтиб жазоланмоқда. Партия аъзоларининг жиноий жазоланмайдиган ножўя ҳаракатлари учун улардан кўпинча талаб ҳам қилинмайди.

Партиявий жазо чораларининг роли ниҳоятда тушириб юборилган, бундай чоралар кўпинча ўзининг тарбиявий вазифасини бажармаяпти, бир йил ўтиши билан деярли ўз-ўзидан олиб ташланмоқда.

Область, шаҳар ва район партия комитетлари партия ташкилотларини соғломлаштириш, уларни айниган, партияга суқилиб кирган, ўз обрўсини тўкиб

қўйган шахслардан қатъиян халос этиш соҳасидаги ишларни яна ҳам активроқ олиб боришлари зарур. Жазо олган коммунистлар ўз хатолари ва камчиликларини амалда тузатишларини таъминлаш керак.

Шу мақсадда якка-якка ишлашнинг жамики воситаларидан фойдаланиш, ҳар қандай расмиятчилик элементларини истисно қилиш зарур. Барча партия ташкилотларида яккама-якка суҳбатларда коммунистлар, аввало жиддий эътирозлар билдирилаётган коммунистлар ҳисоботларини очиқ йиғилишларда муҳокама қилишдан актив фойдаланиш кераклиги тўғрисида гап боряпти.

Биз илгари сизлар билан керакли ишни — бошланғич партия ташкилотлари жанговарлиги кўригини ўтказа бошлаган эдик. Аммо ишнинг бошланишидаёқ расмиятчилик уни бўғиб қўйди. Ҳозирги шароитда коммунистлар активлигини оширишнинг бундай формаси ниҳоятда зарур, деб ўйлаймиз ва биз уни қайта тиклашимиз лозим. Ишни жиддий негизга қўйиш, шошма-шошарликка ва ўйламай-нетмай маъмуриятчилик қилишга йўл қўймаслик, партия активларини ишни тўғри ташкил этишга ишонтириш ва ўргатиш асосий шартдир.

Партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини, коммунистларнинг авангардлик ролини кучайтириш бошқа формаларини ҳам излаб топиш керак. Шу муносабат билан Тошкент областидаги партия ташкилотларида коммунистларни аттестациядан ўтказиш юзасидан бошланган иш эътиборга лойиқдир. Аттестацияни ўтказиш чоғида ҳар бир партия аъзосининг ҳаётий позициясига, маънавий-сиёсий фазилатларига баҳо бериш, унинг ҳақиқий қиёфасини, умумий ишга қўшаётган ҳиссасини аниқлаш кўзда тутилади. Аттестация биринчи навбатда энг нохуш вазият вужудга келган, талабчанлик, интизом ва масъулият бўшаштириб юборилган коллективларда бошланди. Ҳозирча бирон-бир хулоса чиқаришга вақт эрта. Аммо бошқа партия комитетлари ҳам аттестациядан партия ташкилотлари жанговарлиги кўригининг муҳим элементи сифатида фойдаланишлари мумкин бўлур эди.

Яна тошкентликларни мисол қилиб келтираман. Кейинги вақтларда партия ташкилотларида партияга кирувчиларга нисбатан талабчанлик сезиларли равишда кучайди. Партияга қабул қилишни рад қилиш ҳоллари кўпайди.

Хуллас, ўртоқлар, ҳозир вақтни бой бермаслик, КПСС Марказий Комитетининг йўл-йўриқлари асосида барча йўналишлардаги ишларни авж олдириб юбориш, барча янгиликларни, энг яхши тажрибани дадилроқ жорий этиш муҳимдир.

Ҳозирги вақтда республика партия ташкилотларида ҳисобот ва сайловлар ўтказилмоқда. Ҳисобот-сайлов кампаниясидан барча партия ташкилотлари ишида яхшилик томон жиддий бурилиш ясаш учун фойдаланиш керак. Йиғилишларда хусусан ички партия турмуши масалаларида мавжуд камчиликлар ва уларни бартараф этиш йўллари тўғрисида, партия аъзосининг соф ва ҳалол қиёфаси ҳақида ишчанлик билан рўй-рост гаплашиб олиш керак.

Ўртоқлар! КПСС Марказий Комитетининг қарорида партияга қабул қилинаётганларнинг ғоявий-сиёсий ва маънавий чиниқишини яхшилаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилади. Бу ишда КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидатларида коммунистик эътиқодни, партия йўлини амалга оширишда фаол позицияни, социалистик интернационализм ва совет ватанпарварлиги туйғусини шакллантириш биринчи ўринга чиқариб қўйилиши лозим. Ҳозир партия сафига кираётганларни улар қайта қуриш ва жадаллаштириш, совет жамиятини революцион тарзда ўзгартириш даврида партия сафларига қўшилаётганликлари учун алоҳида ифтихор руҳида тарбиялашга айниқса аҳамият бериш керак.

Бунда ёш коммунистлар мактаблари, партия ўқуви ва иқтисодий таълим системаси муҳим роль ўйнаши лозим. Бироқ таълим ва тарбиянинг шу формаларига ҳам расмиятчилик юққан. Ғаллаорол, Свердлов, Шеробод районлари ҳамда бошқа бир қанча районларда мактаблар ишламаяпти, уларнинг кўпчилиги эскича ишлашни давом эттиряпти, машғулотлар асосан лекциялар ва рефератларни ўқишдан иборат бўлиб қолган. Ёш коммунистлар мактабларини умуман тугатиб юборган Сурхондарё область ва Қорақалпоғистон АССР партия комитетларининг позициясини тушуниб бўлмайди.

КПСС аъзолигига кандидатларнинг амалда учдан бир қисми, кўпгина ёш партия аъзолари ҳеч қаерда шуғулланмадилар. Шу боисдан улар КПСС

Программаси ва Устави асосий қоидаларини, қайта қуриш моҳиятини яхши билмасликлари ажабланарли эмас.

Биз бу ишни жиддий равишда ўнглаб олишимиз керак. Шундай қилишимиз лозимки, ҳар бир ёш коммунист партия қурилиши асосларини ўзлаштириб, партиянинг ҳозирги босқичдаги сиёсатини билиб олсин.

Область партия комитетлари Тошкент Олий партия мактаби ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти билан биргаликда 1987—1988 йилларда партияга янги қабул қилинганларни ғоявий-сиёсий ва маънавий тарбиялаш проблемаларига бағишланган илмий-амалий конференцияларни ўтказишлари тўғри бўлур эди. «Партия турмуши» — «Партийная жизнь» журнали саҳифаларида ёш коммунист сиртқи мактаби ташкил қилинсин.

КПСС Марказий Комитетининг қарорида қайд этиб ўтилган мавжуд жиддий камчиликлар, партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида таркиб топган аҳвол Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретариати, ташкилий-партиявий ишлар бўлими, область, шаҳар ва район партия комитетлари бу соҳадаги ишнинг сиёсий аҳамиятига етарли баҳо бермаганликларидан ва бу ишни замонавий талаблар руҳида қайта қурмаётганликларидан далолат беради. Кўпгина район ва шаҳар партия комитетларининг биринчи секретарлари партия сафларини шакллантириш масалаларини чуқур ўрганмаяптилар, бу ишдан амалда четлашиб қолдилар, ўзлари ўқиб-ўрганмаяптилар ва активларни ҳам ўқитиб-ўргатишмаяпти.

Республика ва маҳаллий газеталар материалларининг кўпчилигига, телевидение кўрсатувлари ва радиоэшиттиришларига долзарблик, мавзуни очишда теранлик, партияга қабул қилиш ҳамда партия сафларини мустаҳкамлаш борасида тўпланиб қолган проблемаларга баҳо беришда ўткирлик етишмаётганлиги яққол кўриниб турибди, қолаверса бундай материаллар ниҳоятда кам чиқмоқда.

Ўртоқлар! Кўриб турибсизларки, биз жиддий вазифаларни ҳал этишимиз лозим бўлади. Ҳозирдаёқ жойларда иш олиб борилмоқда, аммо ҳали ҳамма жойда ҳам суръатлар етарли даражада, деб бўлмайди. Бир қанча партия комитетларининг иш намунаси биз талайгина имкониятларга эга эканлигимизни кўрсатмоқда.

Ҳозир Ўзбекистон Компартияси ўз сафларида салкам 660 минг коммунистни бирлаштириб турибди. Бу — катта куч. У мураккаб ва масъулиятли вазифаларни ҳал эта олади. КПСС Марказий Комитетининг зўр мадади билан республикада соғломлаштириш жараёни давом этмоқда, маънавий-сиёсий вазият нормаллашмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг қарори республика партия ташкилотини ташкилий ҳамда сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлашда унга катта ёрдам бермоқда.

Партияга қабул қилиш практикасини такомиллаштириш, партия ташкилотларини янада мустаҳкамлаш, иқтисодий ҳамда ижтимоий турмушнинг барча томонларини янгилашда уларнинг роли ва жанговарлигини ошириш КПСС XXVII съезди қарорларини бажариш юзасидан республика партия ташкилоти ишидаги муҳим босқич бўлиб қолади, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚАЙТА ҚУРИШНИ БОШҚАРИШ МАСАЛАСИГА ДОИР

А. САМОЙЛОВ,
иқтисод фанлари кандидати

БОШЛАНГАН қайта қуриш жараёнида жамиятимиз ҳаётининг ҳамма соҳаларини такомиллаштириш — бу узоқ муддатга мўлжалланган ҳаракат программаси бўлиб, бу программани бажариш тегишли бошқарувни талаб этади. КПСС XXVII съезди тасдиқлаган қайта қуриш концепцияси, — бунга партия Марказий Комитетининг 1987 йил июнь Пленуми ҳам эътиборни қаратган эди, — иттифоқдош республика бўйича деталлаштиришга муҳтождир. Бунда республикалараро меҳнат тақсимотида унинг роли ва ўрнини ҳисобга олган ҳолда мақсадлар ва вазифаларни фақат конкретлаштиришгина эмас, балки қайта қуришни амалга оширишнинг энг таъсирчан воситаларини аниқлаш, республика бошқарув органлари фаолиятидаги муҳим жиҳатларни белгилаб чиқиш ҳам ғоят муҳимдир.

КПСС XXVII съездидан кейин ўтган вақтда халқ хўжалиги барча бўғинларининг фаолияти жуда активлашди. Корхоналар ва ташкилотларда съезд қарорларини амалга ошириш тадбирлари планлари тузилди. Улар юқори бошқарув органларига юборилиб, у ерда қиёмига етказилди, сўнгра эса тегишли ҳужжатларга киритилди. Кейинги вақтларда республикамизда ишлаб чиқилган ёки ишлаб чиқилаётган комплекс материалларнинг рўйхати жуда катта таассурот қолдиради: Ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштириш схемаси, Ўзбекистон ССР ривожини интенсивлаштиришнинг мақсадли комплекс программаси, Фан-техника тараққиёти комплекс программаси ва бошқалар. Лекин биз ана шу муҳим ҳужжатларни қабул қилиб, республика ҳаётининг турли соҳаларида социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришнинг ҳамда сифат ўзгаришларига эришишнинг йўллари ва методларини тўла-тўкис асослаб олдик, деб ҳисоблаш мумкинми? Ҳозирча ана шу саволга ҳа деб жавоб беришнинг иложи йўқ. Ҳали съезднинг ишлаб чиқилган планлар ва программаларда ҳисобга олинмаган у ёки бу қоидаси юзасидан шошилинч равишда тадбирлар ишлаб чиқишга тўғри келмоқда (чунончи, республикада кооперацияни ривожлантиришга ёндашишларни белгилаш ҳисобга олинмаган экан).

Ўзбекистонда бошқаришни ва хўжалик юритишни такомиллаштириш практикаси, одатда, иттифоқ даражасида таърифлаб берилган у ёки бу норматив актлар, тадбирларни республика шароитига мослаштиришга асосланади. Маҳаллий аҳамиятга молик тадбирларни ишлаб чиқиш борасидаги бошқарув фаолиятининг каттагина қисми ҳам юқоридан белгилаб қўйилган нормаларга асосланади. Бу ҳол, шубҳасиз, шунда ўзини кўрсатмоқдаки, бошқарувни ва хўжалик юритишни такомиллаштиришда бошқа республикалар кўтариб чиқаётган йирик-йирик новаторларча ва самарадор ташаббуслар, афсуски, ҳозирча бизнинг республикамизда кўзга ташланмаётир.

Ўзбекистондаги бундай аҳволга чидаб туриб бўлмайди. Зеро халқ хўжалигининг самарадорлиги асосий кўрсаткичлари бўйича Ўзбекистон ССР иттифоқдош республикалар орасида охирги ўринлардан бирида турибди. Бизда озиқ-овқат проблемаси кескинроқ, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифат даражаси пастдир. Бундай ҳолларни, афсуски, яна санаб кўрсатавериш мумкин. Бинобарин, ҳозирги моментда Ўзбекистон ССР экономикасидаги қийинчиликлар ғоят жиддий бўлганлиги сабабли бизда қайта қуришни жадаллаштиришга бўлган эҳтиёж

объектив жиҳатдан олганда бошқа жойлардагига қараганда жуда каттадир. Қайта қуришни жадаллаштириш йўлига ўтмаслик — фақат иттифоқ бўйича ўртача социал-иқтисодий кўрсаткичларга эришмасликкина эмас, балки республикани муттасил қолоқликка маҳкум этиш ҳам демакдир. Бошқарувни такомиллаштиришга эътиборни кучайтирмасдан туриб қайта қуришни жадаллаштириб бўлмайди. Хўжалик юритишда янги методлар ва ёндашишларни излаш бошқа ҳамма проблемалар орасида устун бўлиб қолмоғи лозим. Уларни апробация қилишга жуда катта аҳамият бермоқ керак, улар орасида энг самаралиларини тез ва кенг кўламда жорий этиш эса барча бошқарув органларининг асосий фаолияти бўлиб қолмоғи лозим.

Фикримизча, КПСС XXVII съездининг барча директив қоидаларини рўёбга чиқариш юзасидан республика учун аниқ ҳаракат программасини ишлаб чиқиш зарур. Уларни классификациялаш ва жой-жойига қўйиш ана шу ишнинг бошланиши бўлиши мумкин. Энг аввало, менинг назаримда, иттифоқ даражасида қонунлар ва нормативлар билан таъминлаш негизидагина ҳал қилинадиган проблемалар ва вазифаларни алоҳида аниқлаб олиш керак.

Съезднинг бундан бошқа бир группа қоидалари ўз кучларимиз томонидан янада чуқурроқ илмий таҳлил этилиши мумкин. Бунда деталлаштириш даражаси шундай бўлиши керакки, у мазкур қоидаларни муваффақиятли тарзда республика миқёсида амалга оширишни таъминлаш, шунингдек, жумладан, халқ хўжалигининг турли соҳаларида кооперациянинг ривожланишини ўрганиш мақсадида экспериментлар ўтказиш ҳақида таклифлар кўтариб чиқиш имкониятини берсин. Ана шу вариантни батафсилроқ кўриб чиқамиз.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда кооператив корхоналарни самарали ривожлантириш зарурлиги мутлақо шубҳасиздир. Айниқса шунинг учунки, бунда ватанимиздаги тажрибага ҳам, ЎИЕҚ аъзолари бўлган мамлакатлар тажрибасига ҳам таяниш мумкин. Дарвоқе, социалистик давлатларда кооператив корхоналарни барпо этишда СССРнинг нэп давридаги ва ундан кейинги даврдаги тегишли тажрибасини ўрганишга таянилган. Масалан, 1965 йилги ислоҳотга асос бўлган ғоялар ҳисобга олинди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқилаётган қарорлар ва норматив актлар социалистик давлатларда илгари пайдо бўлган ва у ерда муваффақиятли тарзда апробациядан ўтган қоидаларга кўп жиҳатдан ўхшаш бўлган қоидаларни ўз ичига олади. Шу тариқа қардош мамлакатлар халқ хўжалигини такомиллаштириш йўллари бир-бирини бойитиб боради. Бундай ёндашишнинг тўғри эканлигини тушуниш иттифоқ директиваларини Ўзбекистонга татбиқан сифат жиҳатдан кўпроқ конкретлаштиришгагина эмас, балки республиканинг ўзининг ташаббуслари билан чиқишга ҳам имкон беради.

ЎИЕҚ аъзолари бўлган мамлакатларда кооператив корхоналарнинг ривожланиши бир қатор босқичлардан ўтди. Ҳар бир босқичнинг ўзига мувофиқ норматив актлари бўлиб, улар молиявий-хўжалик ҳаётининг ҳамма жиҳатларини қамраб олади. Ана шу босқичларни яхши билиш билан бирга ўз тажрибасидан фойдаланиш Ўзбекистонда жуда кам даражада таваккал қилган ҳолда ҳамда анча жадал суръатлар билан кооператив корхоналарни ривожлантириш имконини беради. Кооператив корхоналар, маълумки, давлат, кооператив ва оила (индивидуал) мулки негизида ташкил этилиши мумкин. Уларнинг барпо этилиши майда ва ўрта корхоналарни ривожлантириш билан маҳкам боғланиши лозим.

Дастлабки босқичда, бизнинг фикримизча, биринчидан, республиканинг майда ва ўрта корхоналарининг ўн биринчи беш йиллик мобайнидаги фаолиятини ҳамда илгари ишлаб келган артелларнинг кейинги 3—5 йил ичидаги фаолиятини анализ қилиш;

иккинчидан, йирик ишлаб чиқариш-хўжалик комплекслари (бирлашмалар), турли тармоқлар ва бутун халқ хўжалиги доирасида майда ва ўрта корхоналарнинг роли ва ўрнини белгилаб олиш;

учинчидан, ресурсларнинг ҳамма турларидан янада тўлароқ фойдаланиш, фан-техника тараққиёти ютуқларини ўзлаштиришни жадаллаштириш, йўлдош, қўшимча, турдош ва ёрдамчи ишлаб чиқаришларни ривожлантириш, территорияларнинг энг зарур товарлар билан ўз эҳтиёжларини ўзлари таъминлашлари, тақчил маҳсулотни, айниқса модабоп бўлиб қолган буюмларни чиқаришни тез

ташкил этиш, четдан келтирилган буюмлар истеъмолини қисқартиш ҳамда экспорт ресурсларини кўпайтириш нуқтаи назаридан кооператив корхоналар барпо этишнинг самарадорлигини кўриб чиқиш;

тўртинчидан, мамлакатимизда артеллар ишлаб келаётган кейинги 3—5 йил мобайнида қонунларнинг ва норматив актларнинг бузилиши ҳақидаги маълумотларни, шунингдек ЎИЕҚ мамлакатлари бўйича худди шундай маълумотларни анализ қилиб чиқиш;

бешинчидан, кооператив корхоналарнинг мустақиллиги чегараларини, ўзини ўзи маблағ билан ва кредит билан таъминлаши шартларини аниқ белгилаб олиш;

олтинчидан, кооператив корхоналарни материал-техника билан таъминлаш тадбирларини ишлаб чиқиш, шу жумладан бошқа корхоналарда ишлаб чиқаришни рационаллаштириш натижасида бўшаб қолган асбоб-ускуналарни, шунингдек хом ашё ва материалларнинг нормативдан ортиқ запасларини кооператив корхоналарга сотиш тартибини белгилаб қўйиш лозим.

Қўйилган масалаларни ҳал этиш — Госплан, нарх-наво бўйича, моддий-техника таъминоти, меҳнат бўйича давлат комитетлари, молия, юстиция министрликлари каби республика идораларининг, шунингдек Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетларининг биргаликда қиладиган ишидир. Юқорида кўрсатиб ўтилган саволларга жавоблар амалий ҳаракат программасини ишлаб чиқишга кўмаклашган бўлур эдики, бу программада халқ хўжалик тармоқларида ва айрим областларда эксперимент йўли билан текширишни, сўнгра эса уни кенг миқёсда жорий этишни ҳам кўзда тутиш лозим. Кооперациянинг ривожланишини контрол қилиш бўйича чора-тадбирлар ҳақида ҳамда амалда ўзини оқламаган тадбирларни қиёмига етказиш тўғрисида пухта ўйлаб кўриш ҳам жуда муҳимдир.

Аслида Ўзбекистонда кооперацияни ривожлантиришга ана шундай дастлабки тайёргарликсиз 1987 йилда киришилди. Бордию бу иш билан КПСС XXVII съездидан кейин дарҳол шуғулланилганда эди, ақалли 1986 йилдаёқ ўнлаб кооперативларга эга бўлиш мумкин эди. Бироқ, республикада кооператив корхоналарни барпо этишга ёндашиш масалаларини ишлаб чиқиш ҳақидаги топшириқ фақат 1986 йилнинг сентябрдагина берилди. Икки кун ичида концепция ишлаб чиқилди ҳамда уни танқидий баҳолаш ва ҳаракат программасига айлантириш учун олимлар ва мутахассисларнинг состави таклиф этилди. Мабодо ушбу иш директив органларда ҳал этилмай қолиб кетмаганда эди, кооперативларни ташкил этишга 1,5—2 ойдан кейин киришиш мумкин бўлур эди. Дарвоқе, Болтиқбўйи ва Грузияда бу ишни КПСС XXVII съездигача қилишган эди ва ўтган вақт мобайнида бу ерда муайян амалий тажриба тўпландики, бу тажриба кооперацияни республикамиздагига қараганда анча дадилроқ ривожлантиришни таъминламоқда. Чунончи, Арманистон ССРда 1986 йилда ташкил этилган 10 та кооперативда бир йил ичида ҳар бир ишловчи ҳисобига 25 минг сўмликдан зиёд иш унумига эришилди. Таққослаб кўрайлик: Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлигининг ишлаб чиқариш спецификаси жиҳатдан Арманистоннинг юқорида тилга олинган кооперативларига жуда ҳам яқин бўлган корхоналарида ушбу кўрсаткич 15 минг сўмдан ошмайди.

КПСС XXVII съезди илгари сурган қоидалардан фақат биттасини рўёбга чиқаришдаги ношудлик туфайли Ўзбекистон халқ хўжалиги қанча зиён кўришини ҳисоблаб чиқиш қийин эмас. Ваҳоланки, бундай қоидалар съезд материалларида бир неча ўнлаб бўлиб, уларнинг ҳар бирига алоҳида ёндошмоқ, аммо уларнинг жами халқ хўжалигининг жонли организмида бир-бири билан чамбарчас боғланган бўлиши лозимлигини унутмаслик керак.

Равшанки, ҳозирги тасаввурлар даражасида туриб съезднинг барча қоидаларини бажариш масаласини қисқа муддат ичида узил-кесил ҳал қилиб бўлмайди. Аммо концепция даражасида ҳал қилиб бўладигина эмас, балки ҳал қилиш лозим ҳам (бу юқорида кооперацияни ривожлантиришга оид мисол билан кўрсатиб берилган). Ҳаммасини жамлаганда масалаларнинг бундай ҳал этилиши, фикримизча, республика халқ хўжалигини такомиллаштириш йўллари ҳақида комплекс тасаввур беради. Ана шуларнинг ўзи у ёки бу ишлаб чиқилган, ёхуд эндигина ишлаб чиқилаётган материалларда қайта қуриш йўналишларини тўлиқ

ҳисобга олишни баҳолаш имконини беради. Ана шуларга қараб барча бошқарув органларининг муайян вақт ичида қайта қуришга қўшган ҳиссаси ҳақида ҳам фикр юритиш мумкин бўлади, бу эса ўз навбатида қайта қуришда тўғаноқ тушишидан ва ҳатто уни йўққа чиқаришдан қочишга ёрдам беради (1965 йилги реформалар шу тариқа йўққа чиққан эди). Келажак сари ҳаракат қилганда ўтмишнинг салбий тажрибасини унутиб қўймаслик керак.

Аммо яна бошқарув органларига қайтайлик. Маълумки, ҳозирги вақтда уларнинг ишлари сифати олдига қўйиладиган талаблар кескин тарзда ошмоқда. Бу тушунарли, албатта. Бошқарувнинг эски методларига таяниб қайта қуриш билан баб-баравар қадам ташлаб бориш, эски мезонларга кўра пухта ҳисобланган тажриба энди ҳал этилишида иш бермаётган кўпдан-кўп вазифаларнинг тобора ортиб бораётган оқимида ғарқ бўлиб кетмаслик мумкинми? Мана бундай саволлар бериш пайти келмадими: республиканинг энг муҳим бошқарув органлари ходимларининг меҳнати қандай ташкил этилган? Мазкур органларнинг ички структураси ҳозирги кун вазифалари ва мақсадларига монандми ва бу структура яқин келажакда қандай бўлиши лозим?

Гап халқ хўжалигини самарали бошқариш учун қандай қилиб энг яхши шарт-шароитлар яратиш ҳақида боради. Масаланинг шу тарзда қўйилиши тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилиш қийин эмас. Раҳбар органлардаги кабинетлардан бирида муайян вақт давомида кузатиб, кабинетнинг эгаси ҳақиқатан ҳам муҳим давлат ишлари билан бир қаторда «кундалик ишлар» деб аталувчи бир қанча майда-чуйда масалалар билан шуғулланганлигини кузатиш мумкин. Анча қуйи лавозим эгалари ҳал қилиши мумкин бўлган ана шу майда масалалар билан ҳалиги юқори лавозимдаги раҳбар компетенциясига кирувчи масалалар ўртасидаги нисбат қандай эканлигини ҳеч ким билмайди. Бошқаришни ҳамда ишлаб чиқаришда меҳнатни илмий ташкил этишни такомиллаштириш зарурлиги ҳақида гапириш бизга одат бўлиб қолган. Аммо, ўйлаймизки, бошқарув органлари учун бундай зарурат янада каттароқ аҳамиятга эга. Зеро бу органларда у — бутун халқ хўжалигини қайта қуришнинг самарадорлиги деган маънони билдиради.

Компьютерлардан фойдаланиш жуда катта имкониятлар яратиб бериши мумкин. Бу борада Ўзбекистон ССР Госпланида бирмунча ижобий тажриба тўпланган. Уни бошқа ташкилотларга ҳам ёйиш муҳим. Бошқарув фаолиятини автоматлаштириш соҳасидаги мутахассислар мини-ЭҲМ негизида раҳбар (бошлиқ)нинг автоматлаштирилган иш жойини ишлаб чиқдилар. Бу иш жойи замонавий методлар ва воситалар билан ҳисоблаш техникасидан шахсан фойдаланишни таъминлайдики, бу бошқарув ходимларининг меҳнат унумдорлигини ва активлигини оширади, улар фаолияти соҳасининг кенгайишига имкон беради, чунки керакли ахборотни системага солиш имкониятини яратади, ахборот-справка хизматини, ишни планлаштириш ва унинг бажарилишини текширишни, ижрочилик интизомини контрол қилишни, ташкилий-фармойишли ҳужжатларни тузишни, персонал архив фондини комплектлашни яхшилайди.

Шу билан бирга бошқарувнинг директив органи ҳар бир ходимининг фаолияти характерини ва спецификасини пухта ўрганиш негизидагина ҳисоблаш техникасидан самарали фойдаланиш мумкин. Бу иш вақтини суратга олиш деб аталувчи нарса билан, яъни кабинетда анча узоқ муддат давомида бошқарув фаолиятини илмий ташкил этиш бўйича мутахассисларнинг кузатиши билан боғлиқдир. Бу ҳамма раҳбарларга ҳам ёқавермайди, лекин бошқача йўл билан ижобий натижаларга ҳам эришиб бўлмайди.

Бошқа бир проблема — юқори даражадаги бошқарув ходимларининг, жумладан министрликлар ва идоралар раҳбарлари ҳамда мутахассисларининг моддий манфаатдорлигидир. Юз минглаб ва ҳатто миллионлаб кишиларнинг фаолияти, кўплаб миллиард сўмлик асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш ана шу раҳбарлар қабул қиладиган қарорларнинг сифатига боғлиқдир. Бироқ, бу тоифадаги мутахассислар ўзларига қарашли корхоналар ходимларига қараганда кўпинча иш ҳақини камроқ оладилар. Ваҳоланки, раҳбарнинг меҳнати мураккабдир, социализмда оддий ва мураккаб меҳнат ўртасидаги фарқни, шунингдек меҳнатга яраша тақсимлаш қонунининг талабларини ҳеч ким бекор қилмаган. Бизнинг фикримизча, меҳнатга ҳақ тўлашнинг

социалистик принципларини бундай бузиш якин ўтмишда ҳокимиятни суиистеъмол қилишнинг кенг ёйилиши каби ҳодисанинг сабабларидан бири бўлиб қолди.

Шу муносабат билан тарихимиздан олинган қуйидаги факт қизиқарли бўлса керак. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида транспорт деярли батамом вайрон бўлган бир вазиятда темир йўллар халқ комиссари қилиб тайинланган Ф. Э. Дзержинский мазкур системанинг у ёки бу иш участкаси учун масъул бўлган ходимлари меҳнатига тўланадиган ҳақни кескин тарзда ошириш ҳақида қарор қабул қилди (эслатиб қўяйликки, молиявий аҳвол ғоят оғир бўлган бир шароитда шундай қилди). Бу тадбир самарали бўлиб чиқди — бир ярим йил ичида темир йўл транспортининг иши йўлга қўйилди.

Министрларнинг, директив органлар бошқа масъул ходимларининг окладлари, бизнинг фикримизча, қуйи бўғин раҳбарлари ёки мутахассисларникига қараганда анча кўпроқ бўлиши мумкин эди. Бу нарса ҳеч кимни қўрқитмаслиги керак — зеро бизнинг умумий фаровонлигимиз халк хўжалигини бошқариш юқори органидаги ишнинг сифатига анчагина боғлиқдир. Тўғри, юқори бўғин раҳбар ходимлари меҳнатига тўланадиган ҳақнинг етарли эмаслигини уларнинг айрим социал неъматларни олиб туриши — яхшироқ ташкил этилган медицина хизмати, тақчил саноат моллари, озиқ-овқатлар ва ҳоказолар билан махсус таъминлаб турилишидан иборат юзага келган система муайян миқдорда қоплайди. Бунда социал адолат мезонлари бузилишини КПСС МК Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари Б. Н. Ельцин кўрсатиб ўтди. Ноўрин тарзда неъматлар олишни бекор қилиш, шубҳасиз, социал-сиёсий иқлимга яхши таъсир кўрсатади. Бироқ, бизнинг фикримизча, юзаки тушуниладиган бараварлаш адолатини деб бу борада фақат тақиқлов чоралари билангина чекланиш ярамайди. Уларни раҳбарлар мазкур категорияси иш ҳақини тартибга солиш билан боғлаб ҳал қилиш лозим. Ушбу даражадаги ходимлар юксак малакали ва ғоят масъулиятли меҳнатларига яраша иш ҳақи олган ҳолда социал неъматларнинг тегишли даражасига ҳам эга бўлишлари мумкин. Улардан фойдалана олиш имкони эса жамиятимизнинг барча аъзолари учун бир хилда бўлиши керак.

Корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларининг меҳнатига тўланадиган ҳақ борасида ҳам худди шундай аҳволни кўрамиз. Шуни қайд қилиш керакки, халк хўжалиги ишлаб чиқариш тармоқлари ходимларининг меҳнатига тўланадиган ҳақни такомиллаштиришга қаратилган яқинда қабул қилинган қарорлар оддий ва мураккаб меҳнатни рағбатлантиришда сезиларли дифференциялашни таъминламайди. Бундан ташқари, раҳбарнинг иш ҳақи у бошчилик қилаётган корхона ёки бирлашма ишининг самарадорлигига яхши боғлиқ эмас. Шуни қайд этиш кифояки, йирик бирлашманинг бош директори 480—520 сўм лавозим окладига эга. Конструктор ёки технологда эса иш ҳақининг тариф қисми 390 сўмни ташкил этиши мумкин. Кўриб турибмизки, бунда фарқ кам, лекин корхона фаолиятининг натижалари директор ишининг савиясига жуда ҳам боғлиқдир. Зиён кўриб ишлаётган корхона янги раҳбар келиши билан миллионлаб фойда бера бошлаганлигини кўрсатувчи анча-мунча мисоллар келтириш мумкин. Шундай бўлишига қарамай, бундай ҳол раҳбар меҳнатига тўланадиган ҳаққа кам таъсир кўрсатади.

Бундай аҳволни ўзгартирмоқ керак. Бунинг иложи бор. Ҳозир меҳнатга тўланадиган ҳақ умумий фондида раҳбарлар иш ҳақининг салмоғи жуда оз ва, агар у анча ошириладиган бўлса, бу тадбир, модомики гап корхонага самарали раҳбарлик қилиш туфайли қўшимча равишда каттагина фойда олиниши мумкинлиги ҳақида борар экан, меҳнат ҳақи фондининг структурасига жиддий таъсир кўрсатмайди.

Қайта қуриш билан бошқарув самарадорлигини оширишга олиб борувчи йўллар орасида халқ хўжалигининг структурасини соддалаштириш каби йўл ҳам бор. Бунда мамлакатнинг марказий раҳбар органлари намуна кўрсатмоқдалар. Кўп министрлиқлар ва идоралар ўрнига битта агросаноат комплексининг барпо этилиши бошқарув объектларини йириклаштиришга қаратилган йўлдан далолат бериб турибди. Қурилишда ҳам худди шундай тадбир кўрилди. Бошқа тармоқларда ҳам бўғинлар сони қисқартирилмоқда. Бундай ёндашиш раҳбарлик самарадорлигини анча ошириш имконини беради. Бошқарув объектлари сонини 2 баравар

қисқартиш бошқарув системасининг мураккаблигини 4 баравар камайтириши ҳисоблаб чиқилган.

Ўзбекистон шароитида бундай ёндашувни, фикримизча, халқ хўжалигининг территориал ташкил этилишини такомиллаштиришда рўёбга чиқариш мумкин. Гап шундаки, у урушдан кейинги даврда муттасил мураккаблашиб борди. Республикада областлар сони 1941 йилдан то шу кунгача 5 дан 12 гача кўпайди, районлар сони эса фақат 1970—1986 йиллар мобайнида 115 дан 155 га етди.

Ўзбекистон территориясини муайян даражада қисмларга бўлиб юбориш орқали ўрта ҳисобда бир областга тўғри келадиган саноат корхоналарининг сони бирмунча камайди, умумий миқдори республикада анча кўпайган ҳамма типдаги қишлоқ хўжалик корхоналари эса ўрта ҳисобда бир районга атиги 13—14 тадан тўғри келади. Дарвоқе, ўнтадан камроқ хўжаликлари бўлган районлар ҳам бор.

Янги маъмурий бирликларни барпо этиш тўғрисидаги қарорлар янги ерларни ўзлаштириш, айрим регионлар ривожининг комплекслилигини кучайтириш зарурати каби бошланғич шарт-шароитларга асосланди. Бироқ, бундай шарт-шароитларни шу хилдаги қарорлар учун асосли деб бўлмайди, асло. Зеро Ғарбий Сибирда гигант ҳажмдаги нефть-газ комплекси барпо бўлаётган бир пайтда ҳеч ким, масалан, РСФСРда янги область тузиш ҳақидаги масалани қўяётгани йўқ-ку.

Ўзбекистондаги областлар ва районларнинг РСФСР, Украина ССР ва Белоруссия ССРдагига қараганда анча кичиклиги ва кам қувватлилиги ҳам фактлигича қолмоқда. Чунончи, Ростов областида корхоналар Ўзбекистоннинг кўп областларидагига қараганда 4—6 баравар кўпроқ, у ерда саноат ва қишлоқ хўжалиги эса анчагина самаралироқдир.

РСФСР, Украина ССР ва Белоруссия ССРда ўрта ҳисобда бир областга 19 тадан 21 тагача, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистонда эса, деярли икки баравар камроқ район тўғри келади. Худди ана шу Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистонда халқ хўжалигини бошқаришда алоҳида қийинчиликлар мавжудлиги кўзга ташланиб турибди.

Ўзбекистон областлари аҳолининг сони жиҳатдан ҳам энг йирик областлар группасига кирмайди. Шуни кўрсатиб ўтиш кифояки, 2 миллиондан кўпроқ аҳоли яшаётган Тошкент области ана шу кўрсаткич бўйича мамлакатнинг бошқа областлари орасида фақат 26-ўринни эгаллаб турибди. Чунончи, СССРда 12 та область 3—6,5 миллион аҳолига эга.

Юқорида айтилганлардан, биринчидан, мамлакатнинг самарали ишлаётган областлари ва районларини бошқариш тажрибасини яхшироқ ўрганиш зарурлиги ҳақида хулоса чиқариш талаб этилади. Иккинчидан, мана бундай савол туғилади: республикамизнинг баъзи бир маъмурий бирликларини йириклаштириш вазифасини кун тартибига қўйиш лозим эмасмикан? Бу вазифани ҳал этишга Ўзбекистоннинг иқтисодий кичик районлари ҳақидаги мулоҳазаларни асос қилиб олиш мумкин бўлур эди. Бу тадбирни амалга ошириш раҳбар кадрларга бўлган эҳтиёжни камайтирар ва объектив тарзда бошқарув аппаратини энг малакали ходимлар билан мустаҳкамлаш имконини берардики, бу, ўз навбатида, қайта қуришга яхши таъсир кўрсатади.

Аммо фақат халқ хўжалигининг бошқарув структурасини ўзгартиш ҳисобидангина ижобий натижалар олишга умид боғлаш соддалик бўлур эди. Бу соҳада таклиф қилинаётган тадбирлар планлаштиришни такомиллаштириш, бозорнинг товар-пул муносабатларини ҳисобга олиш, бошқарувнинг иқтисодий методларини интенсив тарзда кенг ёйиш, давлат ва кооператив ташкилотларининг мустақиллигини ҳамда ўз фаолияти натижаларидан манфаатдорлигини кучайтириш, жамиятимиз ҳаётининг барча жиҳатларини демократиялаштиришни янада ривожлантириш билан чамбарчас боғлаб амалга оширилиши лозим. Бу соҳадаги ҳаракат программасини КПСС МҚ 1987 йил июнь Пленуми белгилаб берди, энди асосий нарса — уни изчиллик билан турмушга оширишдир.

Мана бундай вазиятга ҳам эътиборни қаратишни истар эдик. Қайта қуриш соҳасида жуда кўп вазифалар турганлигини ва уларни чуқур комплексларда ишлаб чиқиш зарурлигини, шунингдек уларни амалга ошириш устидан муттасил контрол қилиб бориш зарурлигини ҳисобга олиб, назаримизда, директив бошқарув органлари қошида етарли даражада кучли бўлган идорадан ташқари ишчи органи барпо этиш асосли бўлур эди. Унинг вазифаси — КПСС XXVII съезди қўйган

вазифаларни ҳал қилишда барча идораларнинг ўзаро алоқаларини ташкил этиш борасидаги илмий ва техникавий ишнинг асосий қисмини бажаришдир. Бу борада республикани бошқаришни такомиллаштириш тадбирлари ишлаб чиқилиши, қуйи бошқарув органларининг директив органларга тақдим этадиган материалларини экспертиза қилиш, директив қарорларнинг амалга оширилиши юзасидан кўрилган тадбирларни контрол қилиб бориш мумкин бўлур эди. Ана шуларнинг ҳаммаси директив органлар ходимларининг ишини бирмунча енгиллаштиришга ҳамда улар томонидан энг муҳим проблемалар бўйича қарорлар қабул қилиниши учун яхши шароит яратишга кўмаклашади.

Биз сўз юритаётган органга бошқарув ва хўжалик механизмининг илмий-тадқиқот институти статуси берилиши мумкин. Бу нарса республикамизда ҳанузгача фақат бошқарув масалалари билангина шуғулланувчи илмий ташкилот йўқлиги учун ҳам жуда тўғридир. Бундай институтда мутахассисларнинг куч-ғайратини Ўзбекистонда концептуал даражада ҳаракат программасини ишлаб чиқишга, директив органлар кўраётган тадбирларни қонун ва нормативлар билан таъминлаш борасидаги ишни ташкил этишга, бошқарувни ва хўжалик юритишни такомиллаштириш, бу ишда бошқа мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш юзасидан республикада олиб борилаётган илмий тадқиқотларни координация-лашга қаратиш мумкин бўлур эди. Шу билан бир вақтда Ўзбекистоннинг бир қатор илмий-тадқиқот муассасаларида мавжуд бўлган бошқарув масалалари билан шуғулланувчи бўлинмаларни кучайтириш ҳамда уларнинг диққат-эътиборини халқ хўжалигининг муайян соҳалари ва тармоқларидаги бошқарувни уларнинг ҳар бирининг спецификасини қатъий ҳисобга олган ҳолда такомиллаштиришга қаратиш лозим бўлади.

Мазкур бошқарув институтини барпо этиш учун моддий ва молиявий ресурсларни фанга сарфланаётган маблағларни қайта тақсимлаш йўли билан топиш мумкин. Сир эмаски, республикада амалда ҳеч нарса бермаган ҳолда давлат маблағларини «еб ётган» илмий муассасалар йўқ эмас. Қайта қуриш талаб қилаётганидек, ана шу хилдаги текинтомоқлардан қатъиян холи бўлиб олиш ва ишда янги, истиқболли йўналишларни ривожлантириш пайти келмадимикан?

Бу таклиф, дастлабки қарашда, Госплан зиммасига марказий иқтисодий органлар фаолиятини уйғунлаштириш вазифасини юклайдиган қарорга зиддек туюлади. Аммо бу ўринда 1965 йилги ислоҳотни амалга оширишдаги вазиятни эсга олса бўлади, ўша пайтда Госплан қайта қуришда етакчи бўғин вазифасини уддалай олмаган эди. Ўйлаймизки, қайта қуришни бошқаришда ўзига хос бир илмий рақобатчининг бўлиши альтернатив нуқтаи назарни ишлаб чиқишга хизмат қилади ва халқ хўжалиги ривожини жадаллаштиришнинг яхлит проблемаларини янада асосли тарзда ҳал этиш имконини беради.

Ўзбекистонда бошқарув ва хўжалик юритишни такомиллаштириш соҳасидаги олимлар ва мутахассислар масаласида ҳам аҳвол унчалик яхши эмас. Қайта қуриш микёслари нуқтаи назаридан уларнинг етишмаслиги кўриниб турибди. Бундай аҳволни тузатиш учун партия ва ҳукумат кўп иш қилмоқдалар. Бинобарин, бу борада энг асосий йўллардан бири — ишларни активлаштиришдир, зеро, реал иш мутахассисларни вужудга келтиради ҳам, чиниқтиради ҳам.

Бутун мамлакатдаги каби Ўзбекистонда ҳам қайта қуриш авж олиб, тобора жадаллашиб бормоқда. Шундай экан, биз унга қанчалик чуқур кириб борсак, унинг кўламдорлиги, мураккаблиги ва аҳамияти шунчалик равшанлашиб боради. Тобора янги-янги проблемалар пайдо бўлади. Уларни ҳал этиш — бизнинг умумий вазифамиздир.

УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

В. И. ЛЕНИН ВА СОВЕТ ШАРҚИ ХАЛҚЛАРИ АДАБИЁТИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ

И. СУЛТОНОВ,
ЎзССР Фанлар академиясининг
мухбир-аъзоси

ШУ ҚУНЛАРДА мамлакатимиз томонидан сўнгги етмиш йил ичида ўтилган йўлнинг якунларини сарҳисоб қилар эканмиз, биз яшаётган йигирманчи асрнинг нимадан бошланганини эслаш муҳимдир. Бу аср биринчи рус революцияси билан, — Улуғ Октябрнинг «репетицияси» бўлмиш тарихий воқеа билан, ленинчи партия атрофига жипслашган Россия пролетариатининг тарих саҳнасига чиқиши билан бошланди.

Шу асрнинг бошида В. И. Лениннинг «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» номли гениал асари пайдо бўлиб, адабиётнинг ва адабиёт ҳақидаги илмнинг пролетар революцияси шароитида қандай йўллар билан тараққий этишини тайинлаб берди. Бу асарда адабий фаолият дунёни қайта қуриш юзасидан олиб бориладиган умумпролетар ишининг ажралмас қисми тариқасида баҳоланди. В. И. Ленин бу асарида пролетар революциялари ва социализм қурилиши шароитида пайдо бўладиган ва шаклланадиган адабиётнинг бош хусусиятларини бундай белгилаб берди: «Бу адабиёт эркин адабиёт бўлади, чунки унинг сафларига тобора янги кучларни тортувчи нарса манфаатпарастлик ва мансабпарастлик бўлмай, балки социализм ғояси ва меҳнаткашларга хайрихоҳлик бўлади. Бу эркин адабиёт бўлади, чунки бу адабиёт айш-ишрат кўнглига урган хонимларга, тўқликка шўхлик қилиб, семизликни кўтаролмай қолган «ўн мингтача зодагонларга» хизмат қилмайди, балки мамлакатнинг гули, мамлакат куч-қуввати ва истиқболининг эгаси бўлган миллионлаб ва ўн миллионлаб меҳнаткашларга хизмат қилади. Бу адабиёт бутун инсониятнинг революцион фикрининг энг сўнгги ижодини социалистик пролетариатнинг тажрибаси ва жонли иши билан бойитиб, унга ҳаёт бахш этадиган, ўтмиш тажрибаси (ибтидоий, хаёлий формадаги социализм ривожини охирига етказган илмий социализм) билан ҳозирги замон тажрибаси (ишчи ўртоқларнинг ҳозирги курашлари)ни доим бир-бирига боғлайдиган адабиёт бўлади» (Тўла асарлар тўплами, 12-том, 111—112-бетлар). В. И. Ленин ўзининг бу асарида адабиёт ва санъат арбобларини ўз фаолиятини чинакам илғор ва изчил революцион синф, яъни пролетариатнинг ҳаракати билан чамбарчас боғлашга чақирди.

Ленин ғоялари кўп миллатли совет адабиётининг ривож йўлини конкрет мазмун билан тўлдирди. Улуғ Октябрь шарофати билан совет адабиёти ўзининг бутун жаҳон томонидан тан олинган ютуқларига эришди, бу адабиёт жаҳон адабиёти тараққиётининг қудратли фактори бўлиб қолди. Бунга, қисман, СССРнинг кўп ёзувчилари асарларининг чет элларда миллион-миллион нусхаларда босилаётгани далилдир. Шулар қаторида Совет Шарқи вакилларининг асарлари ҳам фахрли ўрин тутади. Озарбайжон, бошқирд, қозоқ, қорақалпоқ, тожик, татар, туркман, ўзбек адабиётлари ўзларининг энг яхши намуналари туфайли Бутуниттифоқ микёсидагина эмас, жаҳонда ҳам шуҳрат қозонди.

Шуни алоҳида қайд этиш мароқлики, совет сўз санъати усталарининг энг соз асарлари социалистик тараққиёт йўлига ўтиб олган мамлакатларда алоҳида шуҳратга эга бўлди, улар янги, озод ва одил жамият яратиш йўлида ўзига хос дарслик ўрнини тутмоқда. Бу мамлакатларда, масалан, Михаил Шолохов,

Николай Островский, Чингиз Айтматов, Абдулла Қодирий, Ойбек, Одил Ёқубов ва бошқа кўп совет ёзувчиларининг асарлари ўзларига муносиб қадр топдилар.

Ленин башорат этганидек, Октябрь революциясидан сўнг халқ оммасининг социализм ва коммунизм учун кураши кўп миллатли совет адабиётининг бош мазмуни бўлиб қолди. Адабиётнинг бош қаҳрамони масаласига келсак, меҳнаткаш халқ жаҳон санъати тарихида биринчи мартаба ўлароқ унинг бош қаҳрамонига айланди. Ваҳоланки, меҳнаткаш халқ ҳеч қачон ёки деярлик ҳеч қачон (агар фольклорни истисно этсак) бадиий ижодда ўзига муносиб ўринни эгалламаган эди.

Бундан ташқари, янги, совет адабиёти ва санъатининг бош, ижобий қаҳрамонининг актив характерга эга эканини алоҳида қайд этмоқ зарур. Совет Шарқи халқларининг революциядан аввалги адабиётида биз бундай қаҳрамонни учратмаймиз. Унда ижобий қаҳрамон кўпинча социал адолатсизликнинг жабрини тортаётган, аммо ўз озодлигига эришиш йўлларини билмайдиган шахс сифатида тасвир этилар эди. Социалистик реализм адабиётида ижобий қаҳрамон фаол шахс сифатида майдонга чиқиб, дунёни қайта қуриш учун курашади. Бу эса Ўрта Осиёда бадиий ижод соҳасида олға босилган катта қадамдир. Шуни ҳам қайд этмоқ керакки, янги замонда ижтимоий ҳаётнинг муҳим фактори сифатида майдонга чиққан халқ оммасининг бунёдкорлик фаолияти Ўрта Осиё ёзувчилари томонидан тўла англанилмаган бўлса ҳам, маълум даражада сезилган эди. Масалан, Абдулла Қодирий Туркистонда инқилобий ўзгаришлар бошланган ҳамоно бу ҳақда махсус мақола ёзган эди.

Шуниси ҳам муҳимки, марказий ижобий қаҳрамоннинг актив характерини тушуниш революциядан аввалги ҳаёт қаҳрамонининг тасвирига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Абдулла Қодирий, Мухтор Авезов, Берди Кербобоев, Садриддин Айний ва бошқа ёзувчиларнинг тарихий асарларидаги илк персонажлар революциядан аввалги ҳаётнинг тасвирига бағишланган асарларда қаҳрамоннинг янгича тасвирига асос солдилар.

Ленин тасаввурида совет замонининг адабиёти меҳнаткаш халққа изчил равишда хизмат этиши лозим. Бу адабиёт коммунистик ғоявийликдан ташқари бадиий фазилатларга эга бўлиши керак, бу эса адабиёт ва санъат асарларининг оммабоп бўлишини рад этмайди, балки худди шундай оммабопликни шарт этиб қўяди. Советлар Мамлакатининг сўз усталари халққа тушунарли адабиёт яратдилар. Бу ишда ёзувчиларнинг ўз халқининг тилига мурожаат этиши, уни ривожлантиришга ва бойитишга интилиши катта ижобий роль ўйнади. Совет Шарқи халқларининг янги адабиёти халқ тилининг ва халқ поэтик ижодининг энг яхши анъаналари асосида камолга етди.

Шундай қилиб, халқнинг ижтимоий ҳаётни социалистик асосларда қайта қуришга қаратилган фаолияти Ўрта Осиё адабиётларида муҳим ўринни эгаллади. Халқ ўзи, унинг энг яхши фазилатларининг ёрқин мужассами бўлган кишилар адабий асарларнинг қаҳрамонлари бўлиб қолдилар, бундай асарлар эса фақат мазмуни билангина эмас, балки шакли билан ҳам ҳақиқий халқчил асарлардир.

Ҳозирги замон адабиёти ривожининг асосини ташкил этувчи бу факторларнинг ҳар бирининг қадр-қиммати чексиздир. Шу билан бирга бу фазилатлар халқларимиз бадиий тафаккурининг келажакдаги беқиёс тараққиётининг куртакларидир.

Айниқса Совет Шарқи халқлари маданий хазинасида реалистик адабиётнинг майдонга келгани факти ўзи беҳад қимматга эгадир. Чунки революциядан аввалги ўтмишда бу халқлар илғор реалистик санъатнинг чўққиларига кўтарилишга улгурмаган эдилар. Бугун бу адабиётда ҳамма адабий жанрлар ва турларнинг — проза, драматургия, поэзия, болалар адабиёти, адабий танқид, адабиётшуносликнинг энг яхши намуналари мавжуддир.

Владимир Ильич Ленин ўзининг Туркистон коммунистларига йўллаган машҳур хатида Туркистон халқлари танлаган социалистик тараққиёт йўли бу ўлкани бутун Шарқ халқлари учун намунага айлантиради, деб комил ишонч билан ёзган эди. Бу башорат бизнинг халқларимизнинг совет давридаги бутун иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёти билан тасдиқ бўлди.

Мамлакатимиз республикаларининг оламшумул ютуқлари шубҳасиздир. Аммо бундан, совет адабиёти, шу жумладан унинг миллий отрядлари доимо муваффақиятли ривожланди, доимо муваффақиятдан муваффақиятга бораверди,

деган маъно чиқмайди, албатта. Бизнинг (шартли ифода билан айтганда) адабий хўжалигимизнинг камчиликлари ўзимизга яхши аёндир. Бу камчиликлар айниқса сўнгги йилларда кўзга ташланиб қолди. Бугун биз ҳаётимизда бўлиб ўтган ва бўлаётган ҳодисаларни танқидий идрок этишга ўрганар эканмиз, аниқ тушунамизки, адабиётимизнинг бугунги ривожи савияси совет халқининг талабларига жавоб беролмай қолди.

Бир нарсага эътиборни жалб этишни лозим кўрар эдик: адабиётимизнинг ҳозирги аҳволи фақат китобхонлар, адабиётшунослар ва танқидчиларнигина эмас, балки ёзувчиларнинг ўзларини ҳам қаноатлантирмаётир. Бунинг бир далили сифатида Валентин Катаевнинг саксон ёшга кирган кунида «ёзганларимнинг мазаси йўқ («плохо писал»)», деб иқрор бўлганини эсга олиш мумкин. Ёзувчининг ўз ижодига бундай танқидий баҳосини тўппа-тўғри тушунавериш адолатдан эмас, албатта. Аммо шу билан бирга бу гапни фақат ёзувчининг шахсий камтаринлиги оқибати деб билиш ҳам тўғри бўлмас. Сўнгги йилларда ўқувчиларнинг ва ёзувчиларнинг чиқишларида адабиётимизга оммавий ўқувчининг қизиқиши камайгани қайд этилмоқдаки, бу ҳол ҳам бизни ташвишга солмай қўймайди.

КПСС XXVII съездида ижодий союзларнинг бизнинг мамлакатимизда юз бераётган жуда муҳим жараёнларни теран ва ёрқин акс эттирувчи асарларни яратиш юзасидан қилаётган ишларининг сустлигини қайд этиш билангина чекланилгани йўқ. Совет жамияти ҳаётида 70-йилларнинг охири ва 80-йилларнинг бошларида юз берган турғунлик ҳодисалари ёзувчиларнинг ишларига ҳам ёмон таъсир кўрсатган. Партия ижодий интеллигенциянинг диққатини мамлакатимизда бераётган революцион ўзгаришларни кўрсатиб берувчи бадиий забардаст асарлар яратиш зарурлигига тортди. Бу вазифани бажариш йўли ҳам жуда аниқ кўрсатиб берилди: на халқ, на партия тантанавор ваъзбозликка ва маиший майдакашликка, конъюнктуршина (замонасозлик) ва корчалонликка муҳтож эмас. Жамиятимиз ёзувчидан бадиий кашфиётлар умид қилади, доимо чинакам санъатнинг моҳиятини ташкил этувчи ҳаётий ҳақиқатни акс эттиришни кутади.

Зўр тарихий аҳамиятга эга бу вазифани шараф билан адо этиш учун нима қилмоқ керак?

Бунда тайёр андазалар бўлиши мумкин эмас. Ҳар вақтдагидек бундай мураккаб ҳолатда тўхтовсиз изланишлар йўли билан бориш керак.

Ўйлайманки, биз, ёзувчилар, биринчи навбатда ўзига бино қўйиш, хотиржамлик, манманлик кайфиятларидан халос бўлишимиз керак. Бизда кенг тарқалган графоманлик (фақат ҳавасга асосланган бемаза тўхтовсиз «ижодкорлик»)дан воз кечиш керак. Бизда кўп-кўп асарлар «шартта-шартта» ёзилаверилади, аммо улар орасида «пичоққа илинадиганлари», яъни ўқувчининг қалбини мафтун этиб, бутун умр эсида қоладиганлари жуда оз. Магазинларда ва савдо базаларида ортиқча саховат кўрсатган нашриётларнинг жуда кўплаб маҳсулоти неча-неча йиллаб пўпанак босиб ётмоқда. Бунга сабаб фақат битта: бизда ижодчи ходимлар учун халқимиз, партиямиз ва ҳукуматимиз томонидан яратилган катта қулай моддий ва маънавий шароитни суиистеъмол этиш ҳодисаси мавжуд, ўз-ўзига талаб сусайган. Чиқитлиги аниқ бўлган асарларга адабий танқидда керакли зарба берилмаётганига ҳам ана шу масъулият ҳиссининг пасайгани сабаб.

Адабиётимизда барҳам берилиши лозим бўлган энг катта камчилик нимадан иборат? Бизнингча, бу камчилик адабиётнинг ҳаётий ҳодисаларни асосан қайд этиш билан чекланаётганидир. Тавсифлик, воқеаларни «ойнадагидек тўппа-тўғри акс эттириш» ҳатто энг яхши ёзувчиларимизнинг ҳам асарларида учрайдиган нуқсондир. Владимир Ильич Лениннинг Демьян Бедний ижоди муносабати билан айтган гапини қайта-қайта эсга олиш ва маҳкам хотирада тутиш керак: «Ўқувчига эргашади, ваҳоланки, бир оз олдинда бориш керак» (М. Горький. Ўттиз томлик асарлар тўплами, 1952, 17-том, 45-бет). Фақат замонасидан олдинда борадиган, ҳаётдаги келажакнинг куртакларини кўрадиган ва уларни бўрттириб, ёрқин тасвир эта биладиган адабиётгина ҳақиқий санъат ҳисобланиши мумкин. Бундай қилиш санъаткорнинг манманлиги натижаси эмас. Доимо ўқувчидан олдинда юриш — буюк санъатнинг хусусияти ва бурчидир.

Ўрта Осиё халқлари ўз маданиятлари тарихини ўрганишда катта ютуқларга эришди. Аммо шуниси ҳам аниқки, шу халқлар адабиётининг бундан кейинги ютуқлари учун ҳам бу халқларнинг маданий ва адабий меросларини янада

чуқурроқ ўрганишнинг аҳамияти каттадир. Сўз санъати усталари ҳозирги авлодининг шаклланиши кўп жиҳатдан шу халқларнинг адабий меросидан узилган ҳолда содир бўлаётирки, биз бу фактдан кўз юма олмаймиз, бунга ҳаққимиз йўқ. Ёш ёзувчиларнинг ижодида биз революциядан аввалги миллий адабиётнинг ютуқлари билан алоқадан кўра рус ва жаҳон адабиётининг эстетик тажрибаси билан алоқа ортиқроқ эканини кўрамиз. Бу ҳодисанинг салбий оқибатлари, қисман, шунда кўринадики, бугун жаҳон ва совет адабиётшунослигида, масалан, ҳозирги замон Лотин Америкаси адабиётида сиёсий романнинг пайдо бўлишида «айёрлар романи» («плутовский роман»)нинг ижобий роли ҳақида ёзилган асарларга дуч келиш мумкин, аммо тожиклар, қирғизлар, ўзбеклар, туркманлар ҳамда Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг бошқа халқларининг революциядан аввалги адабиётида қиссахонлик жанри соҳасида йиғилган катта тажрибанинг қадри ҳақида ҳатто битта ҳам мақола топилмайди.

Бу факт ачинарли бир ҳолатни акс эттиради: жаҳон адабиётининг эстетик тажрибасини ўрганишда ёш ёзувчиларимизнинг диққати бошлича бошқа халқларнинг маданияти томонига қаратилган. Буюк рус ва жаҳон адабиётининг қадрига етмасликка йўл қўймаслик билан бир қаторда, биз ёш сўз санъаткорларига яхши уқтиришимиз кераки, улардан биттаси ҳам, инсоният томонидан ўтмишда жамғарилган ижобий тажрибадан фойдаланганда, ўз миллий адабиётининг ва фолькорининг эстетик тажрибасини чуқур ўзлаштирмасдан муваффақиятли ижод этолмайди. Социалистик реализмнинг КПСС Программасида қайд этилган ажойиб бир хусусиятини яхши тушуниб олиш керак: «Социалистик реализм санъати халқчиллик ва партиявийлик принципларига асослангандир. У ҳаётни ҳаққоний бадиий акс эттиришдаги дадил новаторликни Ватан ва жаҳон маданиятининг барча илғор анъаналаридан фойдаланиш ва бу анъаналарни ривожлантириш билан бирга қўшиб олиб боради».

Совет адабиётининг ва унинг миллий отрядларининг катта ютуғи — уларда тарихий ва тарихий-биографик жанрнинг туғилгани ва ривож топганидир. Бизнингча, бу жанрнинг бугунги камчилиги — тарихий арбоблар тасвирига ортиқча берилиб кетиб, халқ ҳаётининг кенг манзараларини ва унинг порлоқ келажак учун олиб борган курашини тасвирлашнинг сусайиб кетганидир. Тарихий шахслар тасвирининг ўзида ҳам тантанаворлик ва санамсозлик (шахсни худди авлиёдек бир ёқлама, идеаллаштириб тасвирлаш) каби камчилик мавжуд. Бу камчиликлар шахсга сиғиниш даврининг сарқитларидир. Бу камчиликлар йўқотилиши зарур. Ҳаққонийлик, халқчиллик ва партиявийлик бунда ҳам чин санъатнинг мезони бўлиб қолади.

Сўнгги йилларда совет адабиётидаги тарихий жанр олдида янги, жуда муҳим вазифалар турибди. Халқимиз ҳаётининг нормаси бўлиб қолган ошкоралик ёзувчиларимиз олдига совет жамиятининг узоқ ва яқин ўтмиши ҳақидаги ҳақиқатни бутун тўлалиги билан айтиш вазифасини қўяди. Шуни алоҳида уқтириб ўтишни истар эдикки, тарихий асар яратишга қўл урган санъаткор, агар унинг бутун эътибори негатив (салбий) ҳодисаларга қаратилса, унинг асарида бутун ҳаёт ҳақиқати ўз аксини тополмаслигини яхши тушуниб олиши лозим. Чунки, энг катта ва энг изчил ҳақиқат шундан иборатки, масалан, совет жамияти тарихида хатолар ва қинғайишлар рўй берганига қарамасдан даврнинг бош хусусияти — бизнинг мамлакатимизда, социалистик ҳамдўстликнинг бошқа мамлакатларида социализмнинг тасдиқ топганидир. Янги жамият қуриш соҳасидаги тарихий ғалабаларни тушунган ҳолдагина бизнинг буюк йўлимизда учраган чекинишларга тўғри баҳо бериш ва уларни ҳаққоний равишда тасвир этиш мумкин; бу чекинишлар бизнинг доимий равишда олға боришимизни ўзгартира олмас эдилар ва ўзгартира олган эмас ҳам.

Аввал бўлганидек, одамларнинг интернационал тарбиясига ўз ҳиссасини қўшуви лозим бўлган тарихий жанр бугунги шароитда алоҳида бир аҳамият касб этмоқда. Фикримизча, идеология, фан ва маданият соҳасида Совет-Польша ҳамкорлиги ҳақидаги Декларацияда айтилган қуйидаги фикр тарихий жанр соҳасида ишловчилар учун муҳимдир:

«КПСС билан ПБИП мамлакатларимиз, партиялар ва халқларимиз ўртасидаги муносабатлар тарихини биргаликда тадқиқ этишга катта аҳамият берадилар. Унда «оқ доғлар» бўлиши мумкин эмас. Польша билан Россия

халқларининг асрий алоқалари чуқур баҳолашни талаб қилади. Барча воқеалар, шу жумладан драматик воқеалар ҳам билимнинг ҳозирги ҳолатига мувофиқ келадиган марксизм-ленинизм позициясидан туриб объектив ва аниқ талқин қилиниши керак. Аввало **партияларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаган нарсалар муносиб равишда қадрланиши ва унга зарар етказган нарсалар қораланиши зарур** (таъкид бизники. — **И. С.**).

Тарих идеологик ғаразгўйлик учун мавзу ва миллатчилик ҳирсларини қўзғатиш учун баҳона бўлмаслиги керак. Биз масалани шу тарзда қўяр эканмиз, келажак учун, қардош Совет-Польша муносабатларини янада ривожлантириш учун умумий масъулиятга амал қиламиз.

Поляклар ва совет кишилари бўлғуси авлодларининг ҳамкорлиги ва дўстлигига ҳеч нима соя солмаслиги лозим. Биз болаларимиз ва невараларимизга ҳал қилинмаган муаммолар қолдирмаймиз».

Демак, биродар халқларнинг ўтмишини тасвир этганда ёзувчининг эътибори бугун кишилар орасидаги коммунистик муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат этувчи томонларга қаратилиши лозим. Бу миллатларнинг коммунизм учун баҳамжиҳатлик билан кураши шароитида В. И. Ленин васиятларини бундан кейин ҳам амалга ошириш йўлида қўйилган қадам бўлади.

Жамиятимиз тараққиётининг янги босқичида кўп миллатли совет адабиётининг янги ютуқларга эришуви социалистик реализм назариясининг чуқур ишланишига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бу соҳада кўп ишлар қилган назариячиларимиз кейинги ўн йилликлар ичида беузр ижодий пассивликка йўл қўйдилар, десак муболаға бўлмас. Социалистик реализм методининг ҳамма ижодий изланишлар учун очиқ система экани, ягона метод доирасида услублар ва усуллар хилма-хиллиги зарурлиги, социалистик реализм методидаги танқидий йўлнинг конструктив (ижобий, яратувчилик) характерига эга экани ҳақидаги назарий қоидалар олтмишинчи йилларда бизнинг назария соҳасидаги катта ғалабаларимиз эди. Аммо бу соҳада бугун қўлга киритган ютуқларимизни новаторларча янгилик характерига эга ва йирик ютуқлар деб аташ қийин бўлса керак. Аслини олганда, сўнгги чорак аср давомида совет адабиётининг эстетик тажрибаси идрок этилгани йўқ.

Бу мақоланинг мавзуи — кўп қиррали, чуқур ва аслида туганмасдир. Биз бу мавзунинг фақат баъзи томонларигагина бир даража тўхталиб ўтдик. Аммо ўйлаймизки, шу айтилганлардан ҳам бир нарсага иқрор бўлиш мумкин: маданият, санъат ва адабиёт ҳақидаги ленинча таълимот, Коммунистик партия томонидан амалий ишда изчил равишда рўёбга чиқарилиб ва унинг энг муҳим назарий ҳужжатларида тўхтовсиз ривожлантирилиб, бизнинг маданий тараққиётимиз йўлидаги йўлчи юлдуз ҳамда совет адабиёти ва санъатининг янги ютуқларининг қудратли омили бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади.

ЛЕНИНИЗМ — БИЗНИНГ БАЙРОҒИМИЗ ВА ҚУРОЛИМИЗ

ИЖОДИЙ МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМНИНГ БУЮК АСАРИ

В. И. ЛЕНИННИНГ «ДАВЛАТ ВА РЕВОЛЮЦИЯ» НОМЛИ КИТОБИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА

Ш. ЎРАЗАЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси

СОВЕТ КИШИЛАРИ, қардош социализм мамлакатларининг халқлари, бутун прогрессив инсоният XX асрнинг асосий воқеаси — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини кутиб олиш тараддудини кўрмоқда. Революция марксизмнинг гениал назариётчиси, революцион диалектиканинг ғоят буюк билимдони, халқ оммасининг донишманд устоди В. И. Ленин бош бўлган большевиклар партиясининг раҳбарлиги остида ғалаба қилди.

В. И. Ленин ўз асарларида ишчилар синфининг жаҳоншумул-тарихий роли ҳақидаги, капитализмнинг ҳалокати ва социализмнинг ғалаба қилиши муқаррар эканлиги тўғрисидагн марксча таълимотни ривожлантирди ва бойитди. «Давлат ва революция» унинг асарлари орасида алоҳида ўрин тутади. Ҳамма мамлакатлар революционерлари учун энг зарур бўлган бу доно китобда пролетариатнинг кураш тажрибаси ижодий умумлаштирилган ва социалистик революция ҳамда социалистик давлат тўғрисидаги марксистик назария янада ривожлантирилган. В. И. Ленин К. Маркснинг II Интернационал оппортунистлари унутиб юборган ва баҳридан ўтган давлат тўғрисидаги назарий қоидаларини қайта тиклади, бу қоидаларни ревизионистларнинг бузиб кўрсатишларидан тозалади, уларни янги тарихий вазиятга мувофиқ равишда янада ривожлантирди ва миллионлаб меҳнаткашлар учун равшан ва тушунарли шаклда баён қилиб берди.

* * *

Янги шароитда ҳақиқий марксистларнинг социалистик революцияга ва давлатга муносабати тўғрисидаги масалани оммага тушунтириб бериш, революция ва давлат тўғрисидаги марксча таълимотни оппортунистик бузиб талқин қилишлардан ҳимоя этиш, пролетариатни социалистик революция ғалабаси учун курашнинг аниқ ва конкрет программаси билан қуроллантириш зарур эди. Ана шу улкан тарихий, назарий, амалий, сиёсий, илмий ва халқаро аҳамиятга эга вазифани В. И. Ленин 1917 йилнинг август — сентябрида ёзилган «Давлат ва революция» китобида ажойиб тарзда, мукаммал ва тўла-тўкис бажарди. В. И. Лениннинг бу асари давлат назариясини ёритиш бўйича теранлиги ва кўп қирралилиги жиҳатидан энг мукаммал китоб, марксизм душманларига қарши курашда партиявийликнинг ёрқин намунасидир.

В. И. Лениннинг ниятига кўра, бу асар етти бобдан иборат бўлиши керак эди, лекин «1905 ва 1917 йиллардаги рус революцияларининг тажрибаси» деган сўнгги еттинчи боб ёзилмади. В. И. Ленин 1917 йил 30 ноябрда «Давлат ва революция» китобининг биринчи нашрига ёзган сўнг сўзда еттинчи бобнинг плани ва сарлавҳасидан бошқа, бир сатр ҳам ёзишга улгура олмаганини, Россияда бошланиб кетган социалистик революциянинг «халақит бергани»ни қайд қилган эди. «Бундай «халақит» учун фақат хурсанд бўлиш мумкин, — деб ёзган эди В. И. Ленин, — ...«революция тажрибаси» тўғрисида ёзишдан кўра бу тажрибани амалда қилиш ёқимлироқ ва фойдалироқдир» (Тўла асарлар тўплами, 33-том, 141-бет).

В. И. Ленин «Давлат ва революция» асарида **давлат тўғрисидаги масала — марксизмнинг туб масалаларидан бири эканлигини** кўрсатиб берди. Давлат тўғрисидаги марксистик таълимот жамият тўғрисидаги таълимотнинг ажралмас қисми сифатида ривожлантирилди. Марксизм вужудга келиши билан ишчилар синфи, унинг революцион авангарди давлат тўғрисидаги метафизик тасаввурларга қарши курашда қудратли ғоявий қуролга эга бўлди. Марксизмнинг давлат тўғрисидаги асосий қоидалари — гениал фаразлар эмас, балки ҳаётий тажрибанинг моҳирона умумлаштирилиши, бу фанда революцион бурилиш эди.

Давлат инсоният тарихида кўплаб асрлар давомида амал қилиб келди. Ана шу вақт ичида турли даврлар ва мамлакатларнинг мутафаккирлари ва олимлари давлат тўғрисида кўплаб концепцияларни яратдилар. Гарчи бу соҳада катта материал тўпланган, кейинчалик юридик тилдан мустаҳкам ўрин олган кўпгина тушунчалар ишлаб чиқилган бўлса-да, К. Маркс ва Ф. Энгельсгача ҳеч ким давлатнинг ўзи нима, у қандай пайдо бўлди, унинг моҳияти, вазифаси, табиати, жамият ҳаётидаги роли ва ўрни қандай деган саволларга илмий жавоб бера олмаган эди. Бу саволларга тўғри жавоб бериш учун нафақат кенг билимларни тўплаш, шу билан бирга янгича синфий ёндашув ҳам талаб қилинар эди. В. И. Ленин «давлат масаласи энг мураккаб, энг қийин ва буржуа олимлари, ёзувчилари, философлари жуда ҳам чалкаштириб юборган масалалардан биридир», деб кўрсатган эди (ТАТ, 39-том, 74-бет).

К. Марксгача бўлган даврда давлат тўғрисидаги масалалар идеалистик ёки метафизик йўсинда талқин қилинарди. Давлатга аллақандай бир илоҳий, синфлардан юқори турадиган ҳодиса сифатида қарашар эди. Халқ оммасига давлатга нисбатан қадрланиши, сақланиши ва ҳимоя қилиниши зарур бўлган, унга қарши асло бош кўтариш мумкин бўлмаган азалий қудрат сифатида қараш сингдириларди.

Давлат синфларнинг манфаатларига ғоят тўғридан-тўғри тарзда дахлдор бўлганлиги сабабли, табиийки, ҳар бир синф давлатга ўз нуқтаи назаридан, ўзининг синфий манфаатларини ҳисобга олиб муносабатда бўлади. Қулдорлик тузуми ва феодализм яшаб турган даврда давлатга нисбатан ҳақиқий илмий ёндашувнинг бўлиши мумкин эмас эди. Тарих майдонида дунёда энг илғор синф бўлган, В. И. Ленин ибораси билан айтганда, ҳозирги бутун илғор шаҳар, саноат маданиятини ўзида мужассамлаштирган пролетариат пайдо бўлиши билангина давлатнинг келиб чиқишини, моҳиятини, вазифасини, жамиятдаги ролини чинакамига илмий тарзда изоҳлаш учун имконият вужудга келди.

Ишчилар синфи давлатга синфлар манфаатларига қиёс қилган ҳолда қарайди. Унинг қарашлари, муносабати, унинг давлатга оид масалаларга ёндашуви инсониятнинг кўпчилик қисмининг қарашларини, моддий неъматлар ва маданий қадриятларнинг бунёдкорлари, тарихнинг ҳақиқий ижодкорлари бўлган барча меҳнаткашларнинг қарашларини акс эттириши туфайли энг тўғри қарашлардир. Буржуазия вакиллари, эксплуататорлар синфларининг идеологлари бундай қарашларга кўника олишмайди. Шу туфайли ҳам буржуа юристлари, экономистлари, философлари, социологлари, тарихчилари давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги марксча-ленинча таълимотга қаттиқ ҳужум қилиб келадилар.

В. И. Ленин китоб бошида К. Маркс билан Ф. Энгельснинг давлат тўғрисидаги таълимотини кўриб чиқади. У К. Маркс ва Ф. Энгельс асарларига таяниб, давлатнинг келиб чиқишининг тарихан шартланганлигини, унинг моҳияти ва аҳамиятини батафсил таҳлил қилади.

В. И. Ленин марксизм нафақат давлатнинг роли ва аҳамиятини, шу билан бирга давлат — синфий зиддиятлар **муросасизлигининг** маҳсули ва намоён бўлиши эканлигини ҳам очиб берганлигини кўрсатади. Владимир Ильич бунда «муросасизлик» сўзига урғу беради. Давлат синфий зиддиятларни муросага келтира олмайди — у ўзининг мавжудлиги билан буни тасдиқлаб турибди. Буржуа идеологлари, улардан сўнг эсерлар айни шу жиҳатдан К. Марксни бир оз тузатмоқчи бўлиб, давлат синфий зиддиятларни муросага келтириш органи деб таъкидлаган эдилар. В. И. Ленин давлат, К. Маркснинг нуқтаи назарича, синфий ҳукмронлик, синфий эзиш органи эканлигини ишонарли тарзда кўрсатади. Ф. Энгельснинг фикрича, эски уруғчилик ташкилотидан давлат шу билан фарқ қиладики, биринчидан, давлат фуқаролари территорияга қараб бўлинади,

иккинчидан, давлатнинг пайдо бўлиши билан энди аҳолига бевосита монанд бўлмаган, балки қуролланган кншилардан ва уларнинг турмалар, армия, полиция ва бошқа мажбур этувчи муассасалари сингари қўшимчалардан иборат ижтимоий ҳокимият вужудга келади. Қуролланган кишиларнинг ана шу алоҳида отрядлари давлатнинг қудратини ташкил этади. Улар ўзини жамиятдан юқори қўяди ва ундан четлаша боради. В. И. Ленин К. Маркс ва Ф. Энгельснинг буржуа оппонентларини уларнинг алоҳида қуролланган отрядларнинг пайдо бўлишини синфий зиддиятларнинг муросасизлиги билан эмас, балки ижтимоий ҳаётнинг мураккаблашиши билан изоҳлашларн учун танқид қилади.

Жамиятнинг муросасиз душман синфларга бўлиниши давлатнинг келиб чиқишини тушунишга имкон берадиган энг асосий жиҳатдир. Давлат ичидаги синфий зиддиятларнинг кескинлаша бориши билан ижтимоий ҳокимият, унинг қуролли отрядлари кучая боради.

Шундай қилиб, давлат синфларнинг қарама-қаршилигини «тутиб туриш»га бўлган эҳтиёж туфайли вужудга келади ва у энг қудратли, иқтисодий жиҳатдан ҳукмрон бўлган синфнинг қуроли ҳисобланади, бу синф давлат ёрдамида шунингдек сиёсий жиҳатдан ҳам ҳукмрон бўлиб олади. Бу синф учун давлат мазлум синфни бостириб туриш ва эксплуатация қилиш воситаси, қуроли, аппарати, машинаси бўлиб хизмат қилади.

Тарихда шундай даврлар ҳам маълумки, унда курашувчи сннфлар кучларнинг шундай бараварлигига эришадики, бунда давлат ҳокимияти гўёки бир синф манфаатларининг ифодаловчиси эмас, балки улар ўртасидаги воситачи каби бу синфларга нисбатан вақтинча муайян мустақилликка эга бўлади. Ф. Энгельс сўзлари билан айтганда, XVII ва XVIII асрлардаги абсолют монархия, Франциядаги биринчи ва иккинчи империя бонапартизми, Германиядаги Бисмарк даври ана шундай даврлар эди. В. И. Ленин 1917 йил февралдан сўнгги Россиядаги Керенский ҳукуматини уларга қўшимча сифатида келтиради, бу пайтда Советларга майда буржуа демократлари раҳбарлик қилгани туфайли кучсизланиб қолган, буржуазия эса Советларни тарқатиб юбориш учун ҳали етарли даражада кучли эмас эди. Синфий кучлар нисбатан баравар бўлган бундай даврлар, одатда, қисқа бўлади ва узоққа чўзилмайди, чунки давлат курашаётган синфлардан бирининг синфий ҳукмронлик қуролидир.

Ф. Энгельс «Анти-Дюринг» асарида мабодо давлат ниҳоят бутун жамиятнинг вакилига айланадиган бўлса, унда у ўзини ўзи ортиқча қилиб қўяди, деб кўрсатади. Агар ҳеч нарсани бостириш керак бўлмаса, унда бундай мақсаддаги алоҳида кучга эҳтиёж ҳам бўлмайди.

К. Маркс билан Ф. Энгельс социалистик революция бир вақтнинг ўзида бутун дунёда ёки жуда бўлмаганда капиталистик мамлакатларнинг кўпчилигида ғалаба қилади деб фараз қилган эдилар. Шу сабабли улар давлат тақдирини асосан у ёки бошқа мамлакатнинг ички ривожланиши билан боғлашган эди.

Янги шароитда, капитализмнинг иқтисодий ва сиёсий ривожланишининг нотекислигидан иборат объектив қонун таъсири айниқса яққол намоён бўла борган империализм даврида В. И. Ленин социалистик революциянинг даставвал ҳатто алоҳида олинган бир мамлакатда ҳам ғалаба қилиши мумкинлиги тўғрисидаги хулосага келади. В. И. Лениннинг бу назарий қоидаси ишчилар синфи, бутун меҳнаткашлар учун катта аҳамиятга эга бўлди, уларда қўшни мамлакатларда ҳали социалистик революция бошланмаган бир шароитда ҳам конкрет мамлакатда бундай революциянинг муваффақият қозониши мумкинлигига ишонч ҳосил қилди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси Ленин башоратининг тўғрилигини тасдиқлади.

В. И. Ленин давлатнинг ўткинчи характерга эгалигини ҳар томонлама асослаб берди. У жамият тараққиётининг муайян босқичида давлат ўзининг тарихий вазифасини бажариб бўлиб, барҳам топади — бекор қилинмайди, йўқ қилинмайди, балки айнан барҳам топади, деб уқтирди. Юқорида айтиб ўтилганидек, эксплуатация қилинадиган синфларни уларни бостириб туриш шароитида зўрлик билан тутиб туриш давлатнинг тарихий вазифасидир. Давлат расмий жиҳатдан бутун жамиятнинг вакили сифатида майдонга чиқади, аслида эса у — иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ҳукмрон бўлган бир синфнинг давлатидир. Синфий ҳукмрон-

лик йўқолган, ҳеч нарсани бостириш керак бўлмаган пайтда «бостириш мақсадидаги алоҳида куч»га (Ф. Энгельс) ҳам эҳтиёж қолмайди.

Ф. Энгельснинг давлатга бостириш учун хизмат қиладиган алоҳида куч деб берган таърифини В. И. Ленин ажойиб ва ниҳоят даражада теран таъриф, деб атаган эди. Социалистик революция жараёнида буржуазиянинг пролетариатни «бостириши учун хизмат қиладиган алоҳида куч» пролетариатнинг буржуазияни «бостириш учун хизмат қиладиган алоҳида куч» (пролетариат диктатураси) билан алмаштирилиши «давлатнинг давлатлигини йўқ қилиш»дир (ТАТ, 33-том, 21-бет). Бинобарин, буржуа давлати барҳам топмайди, балки йўқ қилинади. Давлатнинг «барҳам топиши» ва «сўниши» тўғрисида фақат социалистик революция ғалабасидан сўнггина гапириш мумкин. «Давлат барҳам топади» деган ибора моҳиятни жуда тўғри акс эттиради. У бу жараённинг секин-аста ва стихияли равишда рўй беришини кўрсатади. В. И. Ленин анархистлар ва оппортунистларнинг зўрлик билан қилинадиган революция тўғрисидаги қарашларини фош этиб, шундай хулоса қилган эди: «Буржуа давлатини зўрлик билан қилинадиган революциясиз пролетар давлати билан алмаштириб бўлмайди. Пролетар давлатининг, яъни ҳар қандай давлатнинг «барҳам топиш»дан бошқача йўл билан йўқ бўлиши мумкин эмас» (ў ш а ж о й д а, 26-бет).

Қ. Маркс ва Ф. Энгельснинг фикрича, фақат коммунизмда, ҳеч кимни бостириш керак бўлмаган пайтдагина давлатга бўлган эҳтиёж бутунлай йўқолади. Агар айрим шахслар тартибни бузса ва уларни бостиришга зарурат туғилса, унда бунинг учун бостиришнинг алоҳида машинаси, алоҳида аппарати умуман зарур эмас. Буни халқнинг ўзи енгил ва осонгина, худди ҳозирги жамиятда урушаётган кишиларни ажратган каби ҳал қилади қўяди.

В. И. Ленин марксизмнинг ҳар қандай эски жамият янги жамиятга ҳомиладор бўлган чоқда бундай жамиятнинг дояси бўладиган зўрликнинг революцион роли тўғрисидаги оппортунистлар томонидан унутилган қоидани қайта тиклайди. Зўрлик билан қилинадиган революциянинг муқаррарлиги ҳақидаги таълимот қуллар ва крепостной деҳқонлар революцияларига, ҳозирги дунёда эса — буржуа давлатига тааллуқли эди, бироқ у асло ўз-ўзидан барҳам топадиган социалистик давлатга тааллуқли эмас.

Қ. Маркс ва Ф. Энгельс «Коммунистик партия манифести»да социалистик революциядаги биринчи қадам — пролетариатнинг ҳукмрон синфга айланиши, демократияга эришмоқдир, деб кўрсатган эдилар. «Пролетариат ўз сиёсий ҳукмронлигидан буржуазия қўлидаги ҳамма капиталнни бирин-кетин тортиб олиш учун, барча ишлаб чиқариш қуролларини давлат қўлида, яъни ҳукмрон синф бўлиб уюшган пролетариат қўлида марказлаштириш учун... фойдаланади» (Қ. М а р к с ва Ф. Э н г е л ь с. Уч томлик танланган асарлар. 1-том, «Ўзбекистон», 1980 йил, 126-бет). Гарчи «пролетариат диктатураси» деган ибора ишлатилмаса-да, ана шу сўзларда унинг ғояси аниқ ифодаланган.

Оппортунистлар, социал-шовинистлар ва каутскийчилар. Қ. Маркснинг пролетариатга биринчидан, фақат барҳам топа оладиган қилиб қурилган давлат кераклиги, иккинчидан эса, ҳукмрон синф бўлиб уюшган пролетариат давлати кераклиги тўғрисидаги таълимотини унутдилар. Пролетариатга давлат буржуазиянинг қаршилигини бостириш, ҳар қандай эксплуатацияни бутунлай йўқ қилиш учун, меҳнаткашларнинг пролетар бўлмаган табақаларига (деҳқонлар, майда буржуазия, ярим пролетарларга) раҳбарлик қилиш, халқнинг жуда кўпчилигининг манфаатларини ҳимоя қилмоқ учун керак. Бирдан-бир охиригача революцион синф бўлган пролетариатгина буржуазияга қарши курашда барча меҳнаткашларни ва эксплуатация қилинувчиларни бирлаштиришга, уларнинг етакчиси бўлишга қобилдир.

Қ. Маркс бутун капиталистик дунёга хос бўлган ривожланиш жараёнларини жамланган формада кўрсатиб берган Франциядаги 1848—1851 йиллар революцияси якунларини ўрганиш асосида социалистик революция жараёнида буржуа давлат машинасини бузиш, синдириб ташлаш зарурлиги тўғрисидаги хулосага келган эди. У «ҳамма тўнтаришлар бу машинани бузиб ташлаш ўрнига, уни мукаммаллаштирди», деб ёзган эди (Қ. М а р к с ва Ф. Э н г е л ь с. Уч томлик танланган асарлар, 1-том, 525-бет). Бу хулосани В. И. Ленин марксизмнинг давлат тўғрисидаги таълимотидаги энг муҳим нарса деб атаган эди. Бунда Қ. Маркс ўз

хулосасини Европа китъасигагина тааллукли килиб чеклаб кўйган эди. «Энди, — деб ёзган эди В. И. Ленин, — 1917 йилда... Маркснинг бу чеклаши тушиб колади. Ҳарбийчилик ва бюрократизмнинг йўклиги маъносидаги... Англня ҳам, Америка ҳам ҳамма нарсани ўзига итоат килдираётган, ҳамма нарсани эзиб ташлаётган ва бутун Европага хос бўлган бюрократик-ҳарбий муассасаларнинг ифлос, конли боткоғига батамом ботиб колди» (ТАТ, 33-том, 44-бет). Шуни кайд килиш керакки, ўшанда К. Маркс йўк килиб ташланадиган буржуа давлат машинасини нима билан алмаштириш масаласини ўртага кўймаган эди. Тажриба ҳали бундай масалани кўйиш учун материал бермаган эди. Янги типдаги давлат — пролетариат диктатураси давлати бўлган Париж коммунаси бу саволга жавоб берди.

В. И. Ленин «Давлат ва революция» асарида К. Маркснинг 1852 йил 5 мартда И. Вейдемейерга ёзган хатини келтиради, унда давлат тўғрисидаги марксистик таълимотнинг моҳияти баён килинган. К. Маркс хатда синфий курашни очиш унинг хизмати эмаслигини кайд килади, у киритган янгилик куйидагиларни исбот этишдан иборат бўлди: «1) синфларнинг бўлиши ишлаб чикаришнинг ривожланишидаги муайян тарихий фазаларгагина боғликдир..., 2) синфий кураш албатта пролетариат диктатурасига олиб боради, 3) бу диктатуранинг ўзи ҳар кандай синфларни йўк килишга ва синфсиз жамиятга ўтишдангина иборат бўлади...» (ў ш а ж о й д а, 39-бет). В. И. Ленин марксизмни синфлар кураши тўғрисидаги таълимотдангина иборат килиб кўйиш — марксизмни торайтириш, уни бузиш, уни буржуазия учун макбул бўлган нарсага айлантириш демакдир, деб уктиради. «Синфлар курашини тан олиш билан бирга, — деб ёзади В. И. Ленин, — *пролетариат диктатурасини* ҳам тан олган кишигина марксистдир» (ў ш а ж о й д а, 40-бет).

К. Маркс капиталистик жамият билан коммунистик жамият ўртасида улардан биринчисини революцион тарзда иккинчисига айлантиришдан иборат давр бўлади, деб аник таърифлаб берган эди. Бу даврга сиёсий ўтиш даври мувофик келади ва бу даврдаги давлат пролетариатнинг революцион диктатурасидан бошкача давлат бўлиши мумкин эмас. В. И. Ленин К. Маркснинг ана шу коидасини ривожлантириб, шундай таъкидлаган эди: «Капитализмдан коммунизмга ўтишда, албатта, жуда ҳам кўп ва ҳар хил сиёсий формалар бўлмасдан иложи йўк, лекин буларнинг моҳияти мукаррар равишда битта — *пролетариат диктатураси* бўлади» (ў ш а ж о й д а, 41-бет). В. И. Ленин ўша пайтда таркалган монополистик ёки давлат-монополистик капитализми энди капитализм эмас, уни ҳозирнинг ўзидаёк «давлат социализми» деб аташ мумкин, деган буржуача-реформистик карашларни кескин коралади.

К. Маркснинг буржуа парламентаризмини танкиди ҳам оппортунистлар унутган марксистик коидалардан бири эди. К. Маркс ибораси билан айтганда, бундай парламентаризмнинг моҳияти ҳукмрон синфнинг кайси аъзоси парламентда халкнинг вакили бўлиши ва халкни бостириши лозим, деган масалани уч йилда ёки олти йилда бир марта ҳал килишдан иборатдир. К. Марксдан сўнг В. И. Ленин ҳам парламентаризмдан кутулиш йўли ваколатли муассасаларни йўк килишдан эмас, балки ваколатли муассасаларни курук сафсатабозлик муассасаларидан «ишловчи» муассасаларга айлантиришдан иборат, деб билган эди. В. И. Лениннинг куйидаги сўзлари бугунги кунда ҳам актуал янграйди: «Американдан тортиб Швейцариягача, Франциядан тортиб Англия, Норвегия ва бошкаларгача ҳар бир парламентчи мамлакатни олиб кўрингиз: ҳакикий «давлат» ишини яширин равишда киладилар ва департаментлар, маҳкамалар, штаблар бажаради. Парламентларда «оддий халкни» атайин алдаш максадида факат сафсатабозлик киладилар, холос» (ў ш а ж о й д а, 54-бет).

Давлат тўғрисидаги марксистик таълимот яратилганидан буён буржуа философияси, тарихи, ҳукуки, сиёсий иктисоди вакиллари К. Маркснинг буюк кашфиётлари билан келиша олишмади ва давлат тўғрисидаги масалани онгли равишда чалкаштиришни давом эттирдилар. Оппортунистлар улар билан бир сафда туриб буржуа давлатини революцион тарзда пролетар давлати билан алмаштиришга карши чикдилар, социализмнинг тинч равишда капитализмнинг ичига ўсиб кириши, пролетариатнинг буржуа давлат машинасини синдириб ташламасдан сиёсий ҳокимиятни кўлга киритиши тўғрисидаги назарияни ҳимоя килдилар. Улар пролетариатнинг синфий кураши ва социалистик революциянинг

зарурлигини инкор қилдилар ва капитализмдан социализмга фақат майда-чуйда ислоҳотлар, жамиятни аста-секин ўзгартириш йўли билангина ўтиш мумкин, деб исботлашга уриндилар. В. И. Ленин буни «бориб турган оппортунистик йўналиш» деб таърифлаган эди.

Қ. Маркс билан Ф. Энгельснинг вафотидан сўнг буржуазия ва ишчилар ҳаракатининг ичидаги оппортунистлар давлат тўғрисидаги марксистик таълимотга зўр нафрат билан ҳужум қилдилар, бунда ҳар қандай ёлғон ва туҳматлардан тап тортишмади. Ҳеч қандай ниқобсиз кураш ижодий марксизмни революцион мазмунидан маҳрум этилган безиён иконаларга айлантиришга бўлган хунук уринишлар билан чатишиб кетди. Шу туфайли, В. И. Ленин Қ. Маркснинг давлат тўғрисидаги таълимотини қайта тиклар экан, унинг айрим фикр-мулоҳазаларини эмас, балки Қ. Маркс асарларидаги барча ҳал қилувчи ўринларни илмий виждон билан ва асосли қилиб имкони борича тўла ҳолида келтиради.

В. И. Ленин ўзининг «Давлат ва революция» номли буюк асарини ёзган вақтдан бери 70 йил ўтди. Лекин ленинча давлат назарияси, В. И. Лениннинг марксистик таълимотни ҳимоя қилиб айтган гаплари ҳозир ҳам актуалдир.

Давлат, унинг келиб чиқиши, моҳияти ва аҳамияти тўғрисидаги масала ҳозир ҳам ғоят кескин идеологик кураш объекти бўлиб қолмоқда. Империализмнинг ғоявий ҳимоячилари буржуа давлатининг эксплуататорлик табиатини оммадан яшириш, меҳнаткашлар оммасини капиталистик тузумга қарши курашдан чалғитиш мақсадида кўпдан-кўп назарияларни илгари сурмоқдалар, бу назарияларда империалистик давлатнинг синфий моҳияти хаспўшланади, бу давлат гўёки бир синфнинг эмас, балки жамият барча табақаларининг манфаатларини ифодалайдиган, монополистлар давлати эмас, балки «умумий фаровонлик» давлати бўлиб қолган, синфлардан юқори турадиган ҳодиса сифатида тасвирланади. В. И. Лениннинг «Давлат ва революция» китоби давлат ва революция масалаларига синфий, партиявий ёндашувнинг ажойиб намунасидир, у коммунистларни, барча меҳнаткашларни идеология масалаларида ҳушёр бўлиб туришга, марксизм-ленинизмнинг софлиги учун оппортунистлар, догматиклар ва ревизионистларнинг ҳар қандай кирдикорларига қарши тинмай курашишга ўргатади.

КПСС МҚ Бош секретари М. С. Горбачев партия Марказий Комитетининг июнь (1987 йил) Пленумида қилган докладида «Ҳозирги босқичда совет халқи, партия Ленин таълимотига амал қилиб, уни ижодий ривожлантириб, қайта қуриш орқали революция ишини, жамият ҳаётининг барча соҳаларини янгилашни давом эттирмоқдалар», деб таъкидлади. Бугунги кунда, Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги арафасида ҳам ленинизмга, ленинча анъаналарга содиқ бўлган КПСС коммунистик қурилишнинг актуал вазифаларини дадил қўймоқда ва ҳал этмоқда. Партиямиз Программасида шундай қайд қилинган: «Пролетариат диктатураси ўз тарихий вазифасини бажариб, барча меҳнаткашларнинг сиёсий ҳокимиятига, пролетар давлати эса умумхалқ давлатига айланди». Ҳозирги пайтда совет социалистик давлатини ҳар тарафлама ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, унинг демократик характерини ва бунёдкорлик ролини тобора тўлароқ очиш партия сиёсатининг асосий масаласидир.

Партия XXVII съезди, партия Марказий Комитетининг апрель (1985 йил), январь ва июнь (1987 йил) Пленумлари омманинг меҳнат ва социал активлигига қудратли омил бағишлади. Улар совет жамияти социал-иқтисодий тараққиётининг етилган проблемаларини ҳал этишда халқ ташаббускорлиги учун кенг имконият яратди. Партия ва халқнинг социализмни такомиллаштириш йўлидан олға қўяётган ҳар бир қадамида В. И. Ленин таълимотига садоқат, Ленин йўлидан изчиллик билан олға томон боришга, ўз ҳаракатларини ҳар доим марксизм-ленинизм билан қиёслашга бўлган қатъият намоён бўлмоқда.

ЛЕКЦИЯ ПРОПАГАНДАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

И. МУХАМЕДОВ

КПСС XXVII съездида қайд қилинганидек, барча формалардаги ғоявий-сиёсий иш бугунги куннинг асосий вазифаси — мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш вазифаси билан максимал даражада бирга қўшиб олиб борилиши лозим. Янгиланиш ғояларининг омма учун чинакамига қизиқарли бўлиб бораётганлигида партия ташкилотлари, пропагандист кадрларнинг ҳам катта хизмати бор. Лекин бу ишни кўп йўналишлар бўйлаб, шу жумладан оммага идеологик таъсир ўтказишнинг муҳим воситаси бўлган лекция пропагандаси йўли билан ҳам янада авж олдириш лозим. Лекция пропагандаси одамлар билан коммунистик қурилиш ва жаҳон тараққиётининг энг мураккаб проблемалари тўғрисида бевосита эътимодли суҳбат олиб бора олиш имконияти, меҳнаткашларни қизиқтираётган саволларга тезда жавоб бериш, аҳоли турли тоифаларининг ўзига хос хусусиятларини максимал равишда ҳисобга олиш каби хусусиятларга эгалиги билан ажралиб туради.

Бугунги кунда совет кишиларида мустаҳкам илмий дунёқарашни, принципиалликни, юксак сиёсий маданиятни, ҳар қандай участкада ишга масъулият билан ёндашишни шакллантириш айниқса муҳим. Шу муносабат билан КПСС МК январь (1987 йил) Пленуми партия ташкилотлари олдига иккита ўзаро бир-бири билан боғлиқ вазифани қўйди: бир томондан, ғоявий-тарбиявий ишга бутун партия активи, барча коммунистларни жалб қилиш, бошқа томондан — идеология участкаларини юқори малакали, яхши тайёргарлик кўрган, партия сиёсатини самарали пропаганда қилишга, одамларни ишонтириш ва ташкил этишга қодир бўлган кадрлар билан мустаҳкамлаш. Бу ғоят муҳим ва ўз вақтида берилган кўрсатмадир. Чунки экономикани, ҳуқуқ фанлари, философияни, социологияни, адабиёт ва санъатни яхши биладиган, XXVII съезд қабул қилган қарорларнинг, қайта қуриш йўлининг ҳаётий зарурлигига ишончи комил бўлган кишиларгина одамларнинг онгини, психологиясини қайта қуришга доир мураккаб ишни юргиза олишлари мумкин.

Бухоро область партия комитети, шунингдек шаҳар ва район партия комитетлари ўзининг идеологик фаолиятида мана шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олишга ҳаракат қилмоқда. Лекция пропагандасининг сифатини ва мазмунини такомиллаштиришга ижодий ёндашиш унинг ғоявий-назарий савиясини оширишга имкон берди. У янада кескинроқ, таъсирчанроқ бўлиб қолди, ижтимоий турмушдаги ҳодисаларни баҳолашга синфий ёндашув кучайди. Лекция ўқиш фаолиятида янги форма ва методлар ғайрат билан жорий қилинмоқда. Биз лекция ташкилотчилари, партия комитетларининг, бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари, «Билим» жамияти ходимлари учун лекция ишини бошқаришнинг янги структураси билан боғлиқ кенг масалалар доираси юзасидан махсус ўтказаётган семинарлар, инструктив кенгашлар ана шунга кўмаклашмоқда. Ҳозир мана шу йўналишда партия XXVII съезди, КПСС МК январь ва июнь (1987 йил) Пленумлари, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди, республика Компартияси МК пленумларининг қарорлари ва материалларини пропаганда қилиш кенг авж олдириб юборилган.

Қайта қуриш идеологик ишнинг кўпгина етилган проблемаларига алоҳида кескинлик бахш этди. Биринчидан, жадаллаштиришнинг ўзининг кўлами ижтимоий муҳитни, унинг характери ва ўзига хос хусусиятларини акс эттиради. Иккинчидан, социал-иқтисодий тараққиётнинг секинлашуви нафақат хўжаликка раҳбарлик қилиш соҳасидаги, шу билан бирга идеологик фаолиятдаги жиддий хатолар оқибатида рўй берди. Бунда мазкур масалаларга лозимича эътибор берилмади деб бўлмайди. Бироқ амалиётда собитқадам тарбиявий иш кўпинча пропагандани ишларнинг ҳақиқий аҳволидан узоқлаштирадиган ўйлаб топилган кампаниялар билан алмаштирилди. Кўпинча ҳаётий зиддиятларнинг кескинлигига эътибор берилмади, экономиканинг, бошқа соҳаларнинг ҳақиқий аҳволига баҳо беришда реализм етишмас эди.

Ўзбекистон Компартияси МҚ биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаевнинг Марказий Комитетнинг III пленумида (1986 йил октябрь) қилган «КПСС XXVII съезди талаблари асосида идеология ишининг самарадорлигини янада ошириш юзасидан республика партия ташкилотларининг вазифалари» тўғрисидаги докладида экономикага раҳбарлик қилишдаги бузилишлар, оммавий қўшиб ёзишлар, порахўрлик, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишга оид ленинча принципларнинг бузилиши идеологик, тарбиявий ишдаги жиддий ўпирилишлар билан бевосита боғлиқ эканлиги таъкидланди. Ўтмишдан сабоқлар чиқариб олиб, жойларда идеологик фаолиятни қайта қуриш ҳамда такомиллаштиришнинг йўллари ва йўналишларини белгилаш учун республикада салбий ҳодисалар тарқалишининг сабабларини анализ қилиш зарурати етилди.

Биз «Билим» жамиятининг республикалардаги съездларида, биринчи навбатда Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти съездида қилинган хулосаларни ғоят жиддий равишда ҳисобга олишимиз керак. Ана шундай энг муҳим хулосалардан бири шуки, ҳозирча меҳнаткашлар онгини қайта қуриш руҳида шакллантириш, инсон омилини активлаштириш учун лекция пропагандасидан суст фойдаланилмоқда. Илмий билимларни оммалаштиришни регионлар ва конкрет меҳнат коллективларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқаришдаги танг жойларга ва ҳал этилмаган проблемаларга қаратиш лозим. Иқтисодий жиҳатдан заиф ва қолоқ корхоналар ҳамда хўжаликлар ана шундай лекция билан ёрдамлашишга айникса муҳтождир.

Бизнинг вазифамиз — лекция фаолиятидаги илғор тажрибадан яхшироқ, оперативроқ фойдаланишдир. Масалан, қишлоқ хўжалигидаги меҳнатни ташкил этишнинг илғор формалари ва интенсив технологияларни табақалаштирилган ҳолда пропаганда қилиш катта фойда келтириши мумкин.

Буларнинг ҳаммасини муваффақиятли тарзда амалга ошириш учун актив ташкилотчилик иши талаб қилинди. Биз нимадан бошладик? Лекция тинглайдиган аудиторияларни паспортлаштиришдан. Бу ҳар бир меҳнат коллективининг қанча миқдордаги лекцияга муҳтожлигини белгилашга, шунингдек бундай лекцияларнинг ўтказилишини назорат қилишни яхшилашга имкон беради. 2048 аудитория паспортлаштирилди. Лектор кадрларнинг аттестацияси нафақат амалда қанча кадрнинг мавжудлигини, уларнинг тайёргарлик даражасини аниқлади, шу билан бирга тематик йўналишни ҳисобга олган ҳолда қанча лекторга эҳтиёж борлигини белгилашга имкон берди. Ана шу тадбир натижасида бошланғич ва район бўғинларида бир ярим минг киши «Билим» жамияти аъзолигидан чиқарилди, бу улар умумий сонининг олтидан бир қисми демакдир. Ҳозирги пайтда бизда область бўғинида —190, район бўғинида —1709, бошланғич бўғинда —2,5 мингдан зиёд лектор бор.

Методик ишни активлаштириш айникса муҳим аҳамият касб этади. 1986 йилнинг май ойида партия комитетларининг штатсиз лекторлари ва «Билим» жамияти аъзолари учун «КПСС XXVII съезди ва ҳозирги даврнинг актуал проблемалари» деган темада икки кунлик семинар ўтказилди. 300 киши иштирок этди, 4 та секция: иқтисодчи лекторлар, халқаро аҳвол бўйича мутахассис лекторлар, коммунистик тарбия масалалари бўйича лекция ўқувчи лекторлар, лекция ташкилотчилари секциялари иш олиб борди. Вобкент районида «Билим» жамияти шаҳар ва район ташкилотларининг масъул секретарлари, район партия комитетларининг лекция пропагандасини назорат қилувчи инструкторлари ва лекция ташкилотчиларининг кўчма мажлиси ўтказилди. Семинар иштирокчилари

партия ҳужжатларини пропаганда қилишни яхшилаш, партия XXVII съезди қарорлари асосида лекция ишининг барча форма ва методларини қайта қуришнинг энг муҳим проблемалари юзасидан фикр-мулоҳазаларни ўртоқлашишди.

Лекторларга ёрдам тариқасида «КПСС XXVII съезди ҳужжатларида марксизм-ленинизмнинг ижодий ривожлантирилиши», «КПСС XXVII съезди жамиятни янада демократлаштириш, социалистик ўз-ўзини бошқарувни чуқурлаштириш тўғрисида», «Атеистик пропаганданинг форма ва методлари», «Муқаддас» деб аталадиган жойларнинг сири» каби энг актуал темалар юзасидан қатор методик тавсияномалар ишлаб чиқилди.

Областдаги партия ташкилотлари лекция пропагандасининг лекциялар цикллари, семинарлар, тематик кечалар, савол-жавоб кечалари, халқ университетлари сингари хилма-хил формаларини практикага жорий қилмоқдалар. Масалан, бизда Бутуниттифоқ «Билим» жамияти йўли билан «Халқаро тинчлик ва ҳуқуқий тартиб» ҳамда «КПСС ва Совет давлатининг ташқи сиёсий фаолияти ва халқаро муносабатлар» деган темаларда 2 та лекциялар цикллари ўқилади. Республика «Билим» жамияти томонидан ташкил этилган «Лекторлик маҳорати», «Дин ва ҳозирги замон» деган лекциялар цикллари муваффақиятли ишламоқда. Улар жами 10 мингга яқин тингловчига эга 57 аудиторияни қамраб олган. Область районларида «КПСС XXVII съезди қарорлари — ҳаётга!» деган 14 та лекторий ишлаб турибди. Бухоро тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида, трикотаж ва зардўзлик фабрикаларида, тўқимачилик комбинатида, бошқа қатор корхоналарда, хўжаликларда КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди, КПСС МК январь ва июнь (1987 йил) Пленумлари, республика Компартияси МК пленумлари қарорларини пропаганда қилувчи радиолекторийлар ташкил қилинган. Область радиосида КПСС ташқи сиёсатининг, халқаро аҳволнинг актуал масалаларини ёритадиган «Планетанинг томир уриши» лекторийси муваффақиятли ишлаб турибди.

Партия XXVII съезди материаллари юзасидан 15 минг лекция, шу жумладан қарийб 2 минг лекция фан-техника тараққиёти проблемалари, 2 мингдан зиёд лекция — маънавий тарбия, 4700 лекция — КПСС ва Совет давлатининг ташқи ва ички сиёсатига доир масалалар юзасидан ўқилди. Ҳозир биз ана шу темалардаги лекцияларга кўпроқ конкретлилик бахш этишга, уларни шу лекциялар ўқиладиган меҳнат коллективлари практикасига яқинлаштиришга ҳаракат қиляпмиз.

Илмий-атеистик билимларни пропаганда қилиш, меҳнаткашларда қатъий атеистик эътиқодни шакллантириш бизнинг республикамиз учун алоҳида аҳамият касб этади. Ўтган йили шу тематика бўйича 1680 лекция ўқилди, 53 тадбир ўтказилди.

Агар рақамларга қараб фикр юритилса, аҳвол ёмон эмас. Бироқ иккита жиҳат борки, область партия комитети уларни ҳар доим назарда тутиб бориши зарур. Биринчидан, ҳозирча жойлардан аслида ўқилмаган лекциялар ҳақида орттириб кўрсатилган ҳисоботлар юборилишига бутунлай барҳам берилмаган. Суҳбатлар ҳақидаги маълумотлар ҳам ана шу ҳисоботга киритилади. Хуллас, ишнинг бу участкаси ҳам қандайдир миқдорда қўшиб ёзиш каби иллат билан зарарланган бўлиб чиқди. Иккинчидан, лекциялар сифати кўп ҳолларда давр талабларига мос эмас.

Афсуски, лекция пропагандасини ташкил этишда расмиятчилик шунчалик чуқур илдиз отганки, унга қарши курашиш ғоят қийин бўлмоқда. У кўп йиллар давомида узлуксиз мураккаблашиб борган структурадан бошланади, бунинг натижасида кўплаб бошқарувга оид бўлинмалар (советлар, секциялар, комиссиялар, бюролар ва шу сингарилар) вужудга келган. Ўз составига кўра бесўнақайлашган бундай бўлинмалар ҳозир бевосита лекция пропагандасини ўтказишда тўсиқ бўлмоқда. Улар ишини мажлисбозлик ва қоғозбозлик бўғиб қўйган. Тез-тез бўладиган кенгашларда кўп сонли, йилдан-йилга бир-бирини такрорлайдиган қарорлар қабул қилинадики, уларнинг бажарилишини назорат қилиш ҳам мушкул. Кўпгина ходимлар лекциялар сонини оширишга ҳаракат қилиб, айни бир пайтда совет кишиларининг маълумоти ошганини, хабардорлик, маданиятлилик даражасини ҳисобга олишмайди.

Лекция пропагандасини ташкил этишдаги ўзибўларчилик каби нуқсоннинг

таъсири бугунги кунда ҳам сезилиб турибди. Бу иш кўпинча меҳнат коллективларининг ҳақиқий манфаатларини, тингловчилар талабларини ҳисобга олмасдан ташкил қилинарди. Тематик йўналиш кўп ҳолларда стихияли равишда шаклланарди. Амалиётда бу шунга олиб келдики, гарчи меҳнат коллективларида жуда хилма-хил темаларда лекциялар ўқилса-да, уларнинг танланиши айни шу жойда ва айни шу пайтда зарур бўлиб турган мавзуга мос бўлмас эди.

«Билим» жамияти съездларида лекция пропагандасининг мазмунига ва таъсирчанлигига салбий таъсир ўтказган умумий сабаблардан бири кўрсатиб ўтилди, бу — қатор ижтимоий фанларнинг ҳаётдан орқада қолиши, узилиб қолиши эди. Яна бошқа сабаблар ҳам бор. Партия комитетларининг идеология ишининг бу участкасига ҳар доим ҳам лозимича эътибор беришмагани, «Билим» жамияти ташкилотлари фаолиятини яхши синчиклаб ўрганишмагани, кўпинча эса меҳнат коллективларида лекциялар ўтказиш учун бутун масъулиятни улар зиммасига юклаб қўйишгани — ана шундай сабаблардан биридир.

Лекция пропагандасини қайта қуриш юзасидан кескин чоралар кўришни ҳаётнинг ўзи тақозо этди. Областдаги партия ташкилотлари олдида шундай вазифа кўндаланг бўлди: лекциялар сифатини жиддий оширишга, амалда тингловчиларнинг турли тоифаларига, меҳнаткашлар коллективларига табақалаштирилган тарзда ёндашишни, улар талабларини, қизиқишларини, тайёргарлик ва хабардорлик даражасини аниқ ҳисобга олишни таъминлашга имкон берадиган механизмни излаб топиш ва тажрибада текшириб кўриш.

Лекция пропагандасидан нафақат фактларни қайд қилиш, нафақат партия сиёсатини қўллаб-қувватлашга даъват қилиш, балки аввало кишиларни ишонтира билиш, уларда ўз ишига нисбатан актив, ижодий муносабатни камол топтириш маҳорати талаб қилинади. Лекция пропагандасининг сифатини, таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириши лозим бўлган йўллар ва воситаларни излаш ҳам ана шу йўналишдан бориши керак. Бунинг учун аввало ана шу иш участкасига партиявий раҳбарликни кучайтириш, партия комитетларининг ишни ташкил қилиш, лекциялар сифати ва тематик йўналиши учун масъулиятини ошириш, барча даражаларда лекцияларни планлаштиришнинг пухта системасини жорий қилиш лозим.

Лекция пропагандаси меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий билимини ошириш ишига ўз ҳиссасини қўшиши лозим, бу ана шу ғоят муҳим соҳада бошланган қайта қуришнинг вазифасидир. Бу ишнинг КПСС МҚ ишлаб чиққан асосий йўналишлари, шунингдек «Билим» жамияти фаолиятини такомиллаштириш учун ҳам ориентир бўлиб хизмат қилади.

Область партия ташкилотида лекция пропагандасига оид тажриба ўрганилди, шаҳар ва район партия комитетлари, «Билим» жамияти бўлинмалари, лекторлар активининг таклифлари тўпланди ва анализ қилинди. Ана шу асосда, республика ва мамлакатдаги илғор тажрибани ҳисобга олиб, лекция пропагандасини қайта қуриш программаси ишлаб чиқилди, уни амалга ошириш воситалари белгиланди, барча структуравий қисмларнинг вазифалари аниқ таърифлаб берилди. Лекторларни аттестация қилиш, лекция пропагандаси ташкилотчилари тўғрисидаги низомлар, янги ҳисобот формаси, лекция аудиториялари паспортларининг намуналари, лектор фаолиятининг учёт карточкалари, лекция ўқиш типовой план-графиклари тайёрланди.

Қайта қуриш программасини ишлаб чиқиш ва уни бажаришда КПСС МҚ Пропаганда бўлими, Ўзбекистон Компартияси МҚ пропаганда ва агитация бўлими,. Бутуниттифоқ «Билим» жамияти, унинг республика бўлими область партия ташкилотига катта ёрдам беришди. Белгиланган программани ҳаётга тўла-тўкис татбиқ қилиш учун лекция пропагандасига дахлдор бўлганларнинг ҳаммасидан юксак масъулият, ташаббускорлик, қабул қилинаётган чора-тадбирлар моҳиятини теран партиявий тушуниш талаб қилинади. Шу туфайли Бухоро области партия комитетлари партия, совет, касаба союз активи, область ва район идеология муассасалари, «Билим» жамияти ташкилотлари ходимлари, хўжалик раҳбарлари билан кенг тушунтириш иши олиб боришди. Буларнинг ҳаммаси ўзгаришлар қилиш учун умумий кайфиятни юзага келтирди, кишиларга қўйилган вазифаларнинг ҳал қилинишига кўпроқ ишонч бахш этди. Область партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлими партия комитетларига,

бошланғич партия ташкилотларига ёрдам тариқасида қайта қуришнинг тадбирларни амалга оширишнинг конкрет муддатлари кўрсатилган тахминий иш планларини тайёрлади.

Партия ходимлари «Билим» жамияти, халқ университетлари советлари, лекция пропагандасини координация қилиш советлари фаолиятида актив иштирок этишади. Ана шу соҳа учун кадрлар танлаш муҳим аҳамият касб этади. Партия комитетлари ҳозир бу йўналишда тегишли иш олиб боришмоқда. «Билим» жамияти область, район ва шаҳар ташкилотлари правлениелари штатли аппаратининг состави яхшиланди, кадрлар қўнимсизлиги камайди. Жамият шаҳар, район ташкилотлари масъул секретарлари состави ҳам стабиллашди. лекция пропагандасини йўлга қўйиш ва такомиллаштиришга доир куч-ғайратларнинг катта қисми ана шу кадрлар зиммасига тушади. Уларнинг бари коммунистлар, олий маълумотлидир.

Ҳозир практикада идеологик кадрларнинг янги ва жуда муҳим тоифаси — меҳнат коллективларида лекция ташкил қилувчилар пайдо бўлди. Областда улар жами 1590 кишидан иборат. Уларни партия комитетлари бюролари танлашган ва тасдиқлашган. Лекция ташкилотчилари омма орасидаги сиёсий ишни яхшилашга қаратилган йўлни изчиллик билан ўтказишда катта роль ўйнашади.

Ўзбекистон Компартияси МК V пленумида (1987 йил март) идеология иши партия учун ҳар доим зарбдор фронт бўлиб келди деб таъкидланди. Ҳозирги кунда, жамиятимизнинг кескин бурилиш даврида бу ленинча анъана алоҳида аҳамият касб этади. Бироқ, биз ҳозирча областдаги барча партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари меҳнаткашлар тарбиясини, ғоявий чиниқишини лозим даражада амалга оширишмоқда, дея олмаймиз. Пленумда бизнинг область партия ташкилотимиз шаънига ҳам танқидий мулоҳазалар айтилди. Лекция пропагандаси соҳасида меҳнат қилаётган кишилар ҳам бундан жиддий хулосалар чиқариб олиши лозим. Область партия комитетининг биринчи секретаридан тортиб ҳамма раҳбарларни бу ишга жалб қилиш — уларнинг вазифасидир. Пленумда партия комитетларининг секретарлари, бошқа раҳбарлар ҳозирча коммунистлар, меҳнаткашлар олдида ижтимоий-сиёсий темалардаги лекциялар ва суҳбатлар билан кам чиқишаётгани, иш ва истиқомат жойларида кишилар билан учрашиш, уларни безовта қилаётган нарсаларни сўраб-суриштириш, фикр-мулоҳазалар билан ўртоқлашиш, жуда кенг доирадаги масалалар юзасидан маслаҳатлашиш учун ҳар қандай имкониятдан фойдаланишмаётгани кўрсатиб ўтилди.

Қайта қуриш жараёнида областдаги партия комитетлари, шунингдек партия комитетларининг штатли ва штатсиз лекторлар группаларининг ишини яхшилашга, уларнинг лекция пропагандасининг умумий ҳолатига йўналтирувчилик таъсирини кучайтиришга ҳам катта аҳамият беришмоқда. Партия ташкилотлари уларни малакали лекторлар билан мустаҳкамлаш тўғрисида ғамхўрлик қилишди. Бу группалар одоб-андиша билан кишилар психологиясини билишини, суҳбатлаша олиш қобилиятини намоён этиб, атеистик тарбия билан шуғулланиш борасида ибрат кўрсатишлари лозим. Афсуски, бизда бу участкада ҳали ҳам жиддий силжиш йўқ.

Ҳозир Бухоро областида область партия комитетида уч кишидан иборат битта штатли лекторлар группаси, Бухоро шаҳар партия комитетида бир лектор ва 11 та штатсиз лекторлар группаси мавжуд. Уларнинг аъзолари — партия ходимлари, философлар, иктисодчилар, тарихчилар, юристлардир. Улар иши амалда қандай ташкил қилинади? Мисол учун Бухоро шаҳар партия комитетининг 30 кишидан иборат штатсиз лекторлар группаси фаолияти тўғрисида ҳикоя қиламиз. Даставвал план тузилади, ҳамма лекторлар уни муҳокама қилишда қатнашишади. Бунда асосий эътибор актуал тематикани ишлаб чиқишга ва янги лекциялар текстларини тайёрлашга қаратилади, бу чиқишлар мазмунини ҳар доим янгилаб туришга, уларни мамлакат ҳаёти ва район меҳнат коллективлари олдида турган вазифалар билан чамбарчас боғлашга, халқаро вазиятдаги ўзгаришларга оперативроқ муносабат билдиришга имкон беради. Лекторлар группаси оғзаки пропаганда формаларини такомиллаштиришга ҳаракат қилмоқда. Масалан, лектор кунларидан актив фойдаланилмоқда. Одатда улар ҳар ойнинг пайшанба кунларида табақалаштирилган тарзда, тингловчилар категориясини, меҳнат коллективларидаги ишлар аҳволини ҳисобга олиб ўтказилади. «Давра столи»

атрофидаги суҳбатлар, очиқ мунозаралар, тематик кечалар катта қизиқиш уйғотмоқда, бундай тадбирлар жараёнида одамлар жуда турли-туман саволларга жавоб олиш имкониятига эга бўлишади.

Партия комитетлари қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида лекция пропагандасини ташкил этишга алоҳида эътибор беришмоқда. Масалан, Вобкент район партия комитетининг лекторлар группаси ҳар йили райондаги хўжаликларга асосан қишлоқ хўжалик ходимлари ва мактаб ўқитувчиларидан иборат пропагандистлар группаларини юборади. Уларнинг чиқишлари актуаллиги, проблемаларнинг кескин қўйилиши билан тингловчилар эътиборини тортмоқда. Қатор лекция ва суҳбатлар буржуа миллатчилигини танқид қилишга, атеизм, идеологик кураш масалаларига бағишланган. Бу райондаги партия комитетлари қошидаги қарши пропаганда советларига штатсиз лекторлар, «Билим» жамияти ташкилотларининг раҳбарлари киритилган.

Лекцияларни план-графиклар бўйича ўтказишга ўтиш партия комитетларига тематикани нафақат ҳар томонлама анализ қилишга, шу билан бирга зарур бўлганида ўзгартиришга ҳам имкон беради. Албатта, амалда бу осон иш эмас. Чунки планлаштирилаётган лекциялар тематикаси шу пайтдаги сиёсий вазиятнинг ўзига хос хусусиятларини, область олдида турган конкрет социал-иқтисодий вазифаларни, коллективлар талабларини, тингловчиларнинг қизиқишларини ҳисобга олиши керак.

Шуни айтиш керакки, лекторлар ишини қайта қуриш идеологик актив бошқа категориялари фаолиятининг услубига ижобий таъсир кўрсатмоқда, ишчанликни оширмоқда, меҳнаткашлар коммунистик тарбиясининг янги форма ва методларини излашга рағбатлантирмоқда. Шу билан бирга область партия ташкилотлари ҳозирча лекцияларни ташкил этиш ва улар сифатини оширишнинг қатор масалаларини бутунлай ҳал қила олганларича йўқ. Планлаштириш механизмини янада такомиллаштириш талаб қилинади. Бу механизмга пропаганданинг системали формаларини киритиш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш муҳим проблема бўлиб қолмоқда. «Билим» жамияти секциялари ишидаги камчиликлар ҳам бутунлай тугатилмаган. Улардан баъзилари, айниқса район бўғини даражасидагилар ҳозирча жанговар ижодий уюшмаларга айланмаяпти, ўз сафларига халқ хўжалик мутахассислари, ёшлар ҳисобидан лекторларни суст жалб қилишаяпти. Меҳнат коллективларида лекция пропагандаси ташкилотчилари фаолиятини чуқурроқ ўрганиш, мазкур идеологик участкага раҳбарлик қилиш системасида улар ўрнини белгилаш керак бўлади. «Билим» жамиятининг бошқарув аппарати ва жамоатчилик асосидаги бўғинлари структурасини тартибга келтириш талаб қилинмоқда, жамиятнинг структуравий бўлинмалари ва унинг штатли ходимларининг лавозимга оид вазифалари тўғрисида типовой низомлар ишлаб чиқиш зарур. Лекторлар фаолиятини маънавий ва моддий рағбатлантиришнинг янада мукаммал системасини яратиш лекция пропагандаси сифатини оширишнинг муҳим омилидир. Хуллас, олдинда катта ишлар турибди.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎТМИШИ ВА БУГУНГИ КУНИНИ ЎРГАНИШНИНГ АҲВОЛИ, БУ СОҲАДАГИ ВАЗИФАЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР

Б. ЛУНИН,
тарих фанлари доктори

ПАРТИЯ эълон қилган мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга ва ҳар томонлама қайта қуришга, совет жамияти турмушининг барча соҳаларидаги янгиланишга ва унинг сифат жиҳатдан янгича ҳолатга эришишга қаратилган стратегик йўл келажакка дадил назар ташлашни, янгича йўлларни ғайрат-шижоат билан ижодий қидиришни, хотиржамлик, қолоқлик ва лоқайдликни кескин бартараф этишни қатъий талаб қилмоқда. Бу умуман фанга ва ижтимоий фанлар соҳасига бирдай тааллуқлидир.

Бунинг устига партия шуни тинмай таъкидлайдики, КПСС XXVII съездида, партия МК апрель (1985 йил), январь ва июнь (1987 йил) Пленумларида ҳар томонлама ва чуқур ишлаб чиқилган кенг, ўз моҳиятига кўра революцион жадаллаштириш ва қайта қуриш программасини амалга ошириш марксча-ленинча назарияни муваффақиятли ривожлантириш ва уни социализмни такомиллаштиришнинг жонли практикаси асосида идрок қилиш, ижтимоий фанлар, шу жумладан тарих фанининг ҳам ҳаёт билан баравар қадам ташлай олиш, жамиятда содир бўлаётган ўзгаришларга аниқ жавоб қайтариш, янги проблемаларни ҳамиша назарда тутиш ва қўйиш, тадқиқотчилик ва ғоявий-тарбиявий иш сифатини ва реал самарасини ошириш қобилияти билан узвий боғлиқдир. М. С. Горбачев ижтимоий фанлар кафедралари мудирларининг Бутуниттифоқ кенгашида сўзлаган нутқида қайд қилганидек, инсонда ва жамиятдаги руҳий, маънавий негизни янгилаш ва бойитиш жараёнининг ўзи, назария соҳасидаги олға томон ҳаракат «ижтимоий фанлар бутун системасига ғоят масъулиятли социал вазифани юклайди».

Лекин партиянинг ана шу юксак талаблари нуқтаи назаридан қаралса, жамиятшунос олимлар фаолиятидаги жиддий камчиликлар ва нуқсонлар айниқса яққол кўзга ташланади, буни республикамиздаги тарих фани соҳасидаги ишлар аҳволи аниқ тасдиқлаб турибди.

Бу соҳада эришилган ютуқларни ҳам инкор қилиб бўлмайди, албатта. Масалан, Ўзбекистон тарихчиларининг партиянинг XXIV съездидан XXVII съездгача бўлган даврдаги, яъни кейинги 15 йил ичидаги фаолиятини олиб кўрайлик. Чунончи, археологлар томонидан бизнинг Ўрта Осиё регионининг узоқ ўтмиши, бундан юз минглаб йиллар илгариги даврлар тўғрисидаги тасаввурларимизни жиддий бойитадиган қатор йирик илмий кашфиётлар қилинган. Санъат тарихчилари ўзбек ва Ўрта Осиёдаги бошқа халқлар ҳамда улар аждодларининг ажойиб маданий меросини ўрганиш ва оммалаштириш борасида анча ишлар қилишди. Республика олимлари совет жамиятининг Октябрь революцияси ғалабасидан то бизнинг кунларимизгача бўлган тарихи юзасидан ҳам кўп сонли (сифат жиҳатидан гарчи турлича бўлса-да) асарлар эълон қилишди. Илмий ва кенг жамоатчилик тарихчиларимизнинг уч томлик «Ўзбекистон ССР Совет Иттифоқининг Улуғ Ватан уруши йилларида», «Буюк дўстлик самаралари», «Ўрта Осиё ва Қозоғистонда 1905—1907 йиллардаги революция» сингари ва бошқа асарларини мамнуният билан кутиб олди.

Ўзбекистон тарихчилари томонидан, шунингдек улар иштирокида ёзилган миллий масалага доир бир қанча асарлар («Торжество ленинских идей пролетарского интернационализма», «Национальные отношения в СССР на современном этапе») Москвада СССР Фанлар академияси томонидан нашр қилинди. Историография ва манбашунослик соҳасидаги тадқиқотлар жонланди, тарихчиларимизнинг марказий нашрлар (Москва, Ленинград) саҳифаларида ва чет эл илмий матбуотида босилаётган мақолалари сони кўпайди.

Сўнгги йилларда улар томонидан кўплаб қимматли ҳужжатли тўпламлар нашр қилинди. Масалан, «В. И. Ленин Ўрта Осиё ва Қозоғистон тўғрисида», «Ўзбекистон тарихи манбаларда», «Ўзбекистонда 1905—1907 йиллар революцияси», «Хоразм ва Бухоро Халқ Совет Республикалари тарихи», «Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг Туркистонда пахтачиликни қайта тиклаш ва ривожлантиришга доир фаолияти», «Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ялпи коллективлаштириш», «Ўзбекистон Коммунистик партияси ва республика хотин-қизлари ўртасидаги ишлар», «Ленинград ва Ўзбекистон меҳнаткашларининг дўстлиги ва ҳамкорлиги тўғрисида» ва бошқа асарлар шулар жумласидандир.

Ҳозир олимлар куч-ғайрати янги муҳим асарларни беш томлик «Ўзбекистон археологияси»ни, саккиз томлик «Ўзбекистон ССР тарихи»ни, уч томлик «Ўзбекистон Коммунистик партияси тарихи»ни нашрга тайёрлашга қаратилган.

Булар ҳаммаси яхши. Лекин шу нарса ҳам ҳақиқатки, тарихчилар ҳозирча партия ва халқ олдида жуда қарздор, чунки ҳаёт жадал олға бормоқда ва совет жамияти тараққиётининг ҳозирги бурилиш характеридан келиб чиқадиган катта янги проблемаларни илгари сурмоқда. Шунинг учун ҳам эришилган ютуқлар билан ғурурланиш нафақат нотўғри, балки зарарли ҳамдир.

Бунинг устига, сир эмаски, мамлакатда ва бизнинг республикамизда бутун жамиятшунослик ишини қайта қуриш гарчи бошланган бўлса-да, лекин ҳозирча секин боряпти. Бунинг ажабланарли жойи йўқ, чунки йиллар давомида тўпланиб, қаттиқ ўрнашиб қолган, яқин-яқингача расм бўлиб келган хотиржамлик, ҳамма гуноҳлардан кечиш, мақтанчоқлик, юзаки фаровонлик, камчиликларга муросасоз муносабатда бўлиш муҳитида юзага келган қусурлар юкини дарров бартараф қилиш осон иш эмас. Ҳозир республика тарихчиларининг кучини ишда янги нарсаларни қатъият билан қидиришга, ҳеч кечиктирмасдан қўйиш ва ҳал қилиш лозим бўлган асосий вазифаларни аниқ белгилашга қаратиш айниқса муҳимдир. Бунда ишнинг заиф жойларини ҳам кескин бартараф қилиш керак.

Бундай заиф жойларга ҳали ҳам барҳам берилмаган.

Масалан, айрим олимларнинг ўша вақтдаги Темур сингари тарихий шахслар «хизматлари»ни нотўғри ва бир томонлама баҳолашга бўлган ғоявий зарарли уринишларига кескин зарба берилди. Бу ҳукмдорнинг олов, қилич ишлатиб ва қон тўкиб ўз паноҳида йирик марказлашган давлат тузишга бўлган уринишини сиёсий донолик, зукколик, фаолиятининг прогрессив йўналиши деб кўрсатмоқчи бўлишди. Шу билан бирга тарихнинг мудҳиш ва қонли саҳифаларидан жой олган Темурнинг даҳшатли ёвузликлари, лашкарларининг талончилик юришлари, Шарқнинг кўпгина мамлакатларида яшайдиган юз минглаб ҳеч айбсиз одамларнинг шафқатсизларча қириб ташланганлиги йўл-йўлакай, гап орасидагина тилга олинар, бунинг билан гўёки бу қилмишлар оқланарди.

Бунга ўхшаган асарларнинг аҳолини, айниқса ёшларни ғоявий тарбиялашга зарар кўрсатиши шубҳасиздир. Тарихий ўтмишнинг бундай саҳифаларини идеаллаштириш, воқеалар ва тарихий шахсларга баҳо беришда синфий позициядан чекиниш миллий ифтихор моҳиятини нотўғри тушунишга олиб келади. Тўғри қайд қилинганидек, «ўз» князлари, феодаллари, шоҳларининг хизматларини мадҳ қилиш сира ҳам ватанпарварлик тарбиясига хизмат қилмайди, балки, аксинча «миллатчилик хурофотларининг жонланиши учун таянч нуқтаси бўлиши мумкин» (А. Н. Яковлев. Против антиисторизма. Литературная газета. 1972 йил, 15 ноябрь). Сўнгги пайтда совет жамияти тарихига доир «Ташкент в период развитого социализма», «Басмачество. Социально-политическая сущность» каби ва бошқа бир неча асарлар ўзидаги ноаниқликлар ва хатолари учун қаттиқ танқид қилинди.

Бу ерда шуни эслатиб ўтиш ўринлики, ҳозирда республикадаги илмий муассасалар, олий ўқув юртлари, музейларда 600 дан зиёд тарих фанлари

кандидати ва 70 дан зиёд тарих фанлари доктори ишлайди. Бу олимларнинг йирик, самарали меҳнат қилишга қодир отрядидир, у ҳали кўплаб резервларга эга. Тарихчилар нашрлари ҳам микдорий жиҳатдан анча салмоқли. Сўнгги ўн йилда улар 400 китоб нашр этди, 200 таси совет жамияти тарихига оид. Рақамлар ёмон эмас. Бироқ ишнинг ҳал қилувчи томони — сифат жиҳати — ҳали кўнгилдагидек эмас. Афсуски, совет Ўзбекистони тарихига бағишланган ишларнинг кўпчилигига у ёки бу даражада баённинг сийқалиги, қуруқ баёнчилик хос, авторнинг мустақил хулосалари ва кузатувлари ўрнига ҳаммага маълум қоидалар ҳикоя қилиб берилади ва улардан цитаталар келтирилади.

«Иллюстратив метод» деб номланган метод ҳам кенг тарқалди, бу методга кўра умумий қоидалар айрим мисоллар, рақамлар билан мустаҳкамлаб ўтилаверади, бунда манбалар солиштириб кўрилмайди ва танқид қилинмайди. материалларнинг ҳаммаси ўрганилмайди ва умумлаштирилмайди, улар танқидий идрок этилмайди. Реал воқеликни «пардозлаб кўрсатиш», олға томон ҳаракат қийинчиликларини камайтириб кўрсатишга ҳам берилиб кетилди. Республикада 70-йилларда ва 80-йиллар бошида юзага келган шароит тақозосига кўра олимлар ўрганилаётган қатор масалалар юзасидан етарлича кенг ва объектив фактик ахборотга эга бўлмаганлиги бу аҳволни янада чуқурлаштирди, ҳозир маълум бўлишича, баъзи статистик ва бошқа маълумотлар ҳар доим ҳам ҳақиқий бўлмаган экан.

КПСС МК январь (1987 йил) Пленумида мамлакатдаги қатор жамиятшунослар асарларида социалистик ишлаб чиқариш муносабатларининг қотиб қолган қиёфаси вужудга келган, уларнинг ишлаб чиқарувчи кучлар билан диалектик ўзаро боғланишига етарли баҳо берилмаган эди, деб кўрсатиб ўтилди. Жамиятнинг социал структураси ундаги турли қатламлар ва группалар хилма-хил манфаатларининг зиддиятлари ва динамизмидан холи бўлган схематик тарзда тасвирланар эди. Лениннинг социализм тўғрисидаги қоидаларини жўн тарзда талқин этишларга, кўпинча бу қоидаларнинг назарий чуқурлиги ва моҳиятини саёзлаштириб юборишларга, коммунизм тўғрисидаги енгил-елпи тасаввурларга ҳам ўрин берилган эди. Бу ҳол ижтимоий мулк, синфий ва миллатлараро муносабатлар, халқ ҳокимияти ва ўз-ўзини бошқариш сингари ва бошқа кўплаб энг муҳим проблемаларга ҳам тааллуқли эди. Камчиликларга дадил, танқидий муносабатда бўлиш, миллий муносабатлар соҳасидаги маҳаллийчилик, миллий маҳдудлик тенденциялари, миллий кибрланиш кайфиятлари, пролетар, социалистик интернационализми идеологиясига зид бўлган миллатчиликнинг ёмон таъсири каби салбий ҳодисалар келтирадиган зарарни идрок этиш етишмайди.

Албатта, ҳаёт талабларидан, партия ва халқнинг етилган эҳтиёжларидан орқада қолганлиги учун жамиятшунос олимлар номига билдирилган партиявий танқид тарихчиларга ҳам бевосита тааллуқлидир. М. С. Горбачевнинг КПСС МК январь (1987 йил) Пленумида қилган докладида айтиб ўтилган қуйидагича аҳвол учун масъулият ҳам улар зиммасига юкланади: «Социализм тўғрисидаги назарий тасаввурлар кўп жиҳатдан 30—40-йиллар даражасида қолди, ҳолбуки ўша йилларда жамият мутлақо бошқача вазифаларни ҳал этган эди. Ривожланиб бораётган социализм, унинг ҳаракатлантирувчи кучлари ва зиддиятлари диалектикаси. жамиятнинг реал ҳолати чуқур илмий тадқиқ қилинмади». Бунга жонли мунозара ва ижодий фикрнинг жамиятшунослик назарияси ва практикасидан чиқариб юборилганлиги, социализм ва унинг ривожланиш истиқболлари тўғрисида қотиб қолган тасаввурларнинг мавжудлиги, холисона илмий таҳлил қилишга ўрин қолдирмайдиган ақидаларга содиқлик ёрдам берган эди.

Масалан, бизнинг республикамиз воқелигини олайлик. Бу ерда ўтмиш ва шу куннинг етарлича ўрганилмаган проблемалари юзасидан ўртоқларча, принципиал илмий мунозара қилиш каби яхши анъаналар деярли унутилиб кетди. 50-йиллардаги Ўрта Осиё халқларининг октябргача ва октябрдан сўнгги тарихига, уни даврларга бўлишга, қатор масалаларни тўғри ёритишга, уларни ўрганиш методикаси ва методологиясига бағишланган мунозаралар ҳақидаги яхши хотиралар катта авлод олимлари ёдида ҳозиргача сақланиб қолган. Баъзан эрталабдан то кечгача қизғин, кўпинча кескин, лекин самарали баҳслар бўлар эди.

Ана шундай мунозаралар қаёқда қолди? Улар илмий-назарий ва илмий-амалий конференциялар деб аталадиган конференциялар билан алмаштирилган,

буларнинг кўпчилиги ҳақиқатан ҳам фойдали ва, шубҳасиз, уларни бундан сўнг ҳам ўтказиб туриш керак. Лекин шуниси ҳам сир эмаски, уларнинг баъзилари ҳисобот учун «хўжакўрсинга» ўтказиладиган принципга кўра асосан расмиятчилик характерига эга эди. Бунда кимнингдир аралашуви билан бундай конференцияларнинг кун тартибига кўпинча 2—3 та ва ундан ҳам кўпроқ докладлар ва уларга қўшимча равишда яна 10 тагача ва ундан ҳам кўпроқ турли темалар ва темачаларга оид нутқлар киритилади. Асосий докладларга доир жонли, ижодий фикр алмашувлар ҳақида умуман гап ҳам бўлмайди. «Ҳақиқатни излашга турли нуқтаи назарларни қиёслаш, мунозара ва муҳокама қилиш, бир қолипдаги эски тушунчалардан воз кечиш йўлидан бориш лозим», — деб таъкидлаган эди М. С. Горбачев ижтимоий фанлар кафедралари мудирларининг Бутуниттифоқ кенгашида 1986 йил 1 октябрда сўзлаган нутқида.

Бизда ўтмишнинг ва шу куннинг энг долзарб проблемалари юзасидан йирик коллектив монографиялар яратишнинг фойдаси ва зарурлиги тўғрисида кўп йиллардан бери гап боради. Лекин бу борада ҳали ҳам ҳеч иш қилингани йўқ. Иш онда-сонда механик равишда бир муқова остида бирлаштирилган мақолалар тўпламларини чиқариш билан чекланмоқда, коллектив монографиялар эса ҳали ҳам йўқ. Фанлар академияси, олий ўқув юртлари, бошқа илмий муассасалар тарихчилари илмий тадқиқотларининг ўн иккинчи беш йилликка ва ундан кейинги муддатга мўлжалланган етакчи тематикасини аниқ белгилаш вақти етди, бу тадқиқотлар узоқ ўтмишдан то шу бугунги кунгача — социализмни такомиллаштириш, совет жамиятининг сифат жиҳатидан янги ҳолатига эришишгача бўлган даврни қамраб олиши керак. Ҳозирча бундай тематик, жамловчи, ўзаро келишиб олинган план йўқ.

Ўз вақтида ЎзССР ФА Тарих институти республикадаги тарих фанининг штаби ва малакали кадрлар ўчоғи деган ҳақли номга эга эди. Ўзбекистон тарихига оид дастлабки фундаментал жамловчи асарларни, қадимги, ўрта асрлар, янги ва энг янги тарихга доир кўплаб муҳим асарларни, ёш олимлар мақолалари тўпламларини тайёрлаш ва нашр этиш шу институт фаолияти билан боғлиқ эди. Институт Ўрта Осиё қардош республикалари ва Қозоғистон, Москва ва Ленинград олимлари иштирокида асосий илмий проблемалар (масалан, октябргача бўлган даврдаги Ўрта Осиё ва Қозоғистон тарихига доир ва бошқалар) юзасидан йирик илмий сессиялар ва конференциялар чақириш тўғрисидаги ташаббус билан чиққан эди. Институт аспирантлари ва илмий ходимлари орасидан кўплаб малакали олимлар етишиб чиқди, улар кўпгина илмий муассасалар ва олий ўқув юртларида тарих фани соҳасида иш олиб боришади.

Афсуски, сўнгги йилларда қатор сабабларга кўра институтнинг бу позицияларидан баъзилари сезиларли даражада заифлашди, олимларнинг Ўзбекистон Компартияси МК III пленуми қарорлари асосидаги вазифалари ҳақида гап борган Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг 1986 йил 10 ноябрдаги умумий мажлисида бу қайд қилиб ўтилди.

Тарихчилар оммани атеистик руҳда тарбиялаш ишига ҳали ҳам жуда кам ҳисса қўшмоқдалар. Айниқса ҳозир, республикада, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида ва республика Компартияси МКнинг кейинги пленумларида қайд қилинганидек, айниқса исломда диний хуруж юз бераётган, кишиларнинг бир қисми дин билан маънавий муросага бораётган, хориждаги советларга қарши пропаганда эса диний-миллатчилик кайфиятларини авж олдиришга ва Советлар Мамлакати халқлари дўстлигига путур етказишга зўр бериб уринаётган бир пайтда бу яққол кўзга ташланади.

Социологик тадқиқотлар нафақат тарихчилар ва этнографлар, балки республикадаги барча жамиятшунослар ишидаги энг бўш бўғинлардан биридир, бу тадқиқотларнинг ҳаёт талабларидан орқада қолиши ижтимоий тараққиётга тўсқинлик қиладиган омиллардан бири бўлиб қолмоқда. Баъзан дабдаба билан социологик тадқиқотлар деб эълон қилинадиган тадбирларнинг (олимлар кичик-кичик группаларининг бир-икки-уч районга, колхозларга, заводларга боришлари назарда тутилмоқда) савияси эса зарур ва чинакам тадқиқотлар даражасидан ғоят узоқ. Республикада ўтказилаётган кўпгина социологик тадқиқотларнинг профессионал даражаси паст.

Ўзбекистон тарихига доир оммавий илмий-оммабоп адабиётларни нашр этиш

ишини ҳам жойидан силжитиш, бу ғоят муҳим ишдаги кустарчилик ва ўзи бўларчиликка барҳам бериш лозим. Ҳолбуки, бу ишда тарихчиларнинг иштирок этиши омма олдига, кенг китобхонлар даврасига ўзига хос чиқиш бўлади, бутун ғоявий-тарбиявий ишда энг муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бунда гап фақат миқдорий эмас, шунингдек сифат ўзгариши ҳақида ҳам бормоқда, чунки айримларини истисно қилганда илмий-оммабоп брошюраларимиз асосан тарихга доир катта-катта, кўпинча сийқа ва жонсиз тилда ёзилган, тексти қуруқ, ҳатто мутахассисларнинг ўқиши учун ҳам зерикарли бўлган асарларнинг қисқача баёнидан иборатдир.

Ҳолбуки илмий-оммабоп адабиёт кейинги пайтда партия қатъий даъват қилаётган тарих воситасида тарбиялаш ишининг ажралмас таркибий қисмидир, чунки ўтмишни чуқур билиш — бугун ва келажак учун бебаҳо ёрдамдир. Шуни очиқ айтиш керакки, республикамизда олиб борилаётган тарихий билимларни пропаганда қилиш, меҳнаткашларни тарих воситасида тарбиялаш кўп жиҳатдан номукаммал бўлиб, совет кишиларининг ўтмиш тажрибаси ва сабоқларига, СССР халқларининг бой, ранг-баранг, ибратли тарихига тобора ўсиб бораётган қизиқишларига мувофиқ эмас. Шуни ҳам унутмаслик керакки, илмий-оммабоп адабиёт ўқувчининг билимларини бойитиб ва умумий маданий даражасини ошириш билан уни маърифатли қилибгина қолмай, шунингдек унда ўтмиш ва шу кун воқеаларига баҳо беришга тўғри ёндашувни тарбиялаши лозим.

Сўнгги пайтда аҳолининг деярли барча табақаларида ўтмишга ва унинг сабоқларига, даврларнинг узлуксиз алоқасини англаб етишга ва шу туфайли бадиий-тарихий адабиётга чуқур қизиқишнинг ортиб бораётганлиги Ўзбекистон ёзувчиларини шу жанрда романлар ва қиссалар яратишга ундамоқда. Бу хилдаги асарларнинг айримлари кейинчалик фақат бадиий жиҳатлари учун эмас, шунингдек айрим тарихий фактлар ҳаддан зиёд эркин талқин қилингани, ҳатто баъзан улар бузиб кўрсатилгани учун танқид қилинади. Бунда авторларга тарихий билимларининг етарли эмаслиги, дунёқарашга оид позицияларининг аниқ эмаслиги учун ҳаққоний равишда танбеҳ беришади. Афсуски, ёзувчилар олимлар билан жуда кам ижодий алоқа қилишади ва улар тарихчилардан компетентли консультация олиш имкониятидан деярли фойдаланишмайди.

Республикада тарихчи кадрлар масаласи анча кескинлашиб қолди. Тарихчи кадрларнинг катта ва кичик авлодлари ўртасидаги нисбат борасида йўл қўйилган англашилмовчиликнинг салбий оқибатлари айни шу кунларда анча сезилиб қолмоқда. Иш манфаатларини кўзлаб катта ҳаётий ва илмий тажрибага эга эътиборли олимларнинг энг яхши қисмини сақлаб қолиш ва фойдаланишга бўлган қонуний интилиш ҳар доим ҳам кадрларни катта авлод ўрнига келаётган қобилиятли ва ўсадиган илмий ёшлар ҳисобига тўлдириш билан қўшиб олиб борилмади. Тарихий этнография ва ўрта асрлар тарихи соҳасида вужудга келган салбий муҳит мисолида буни яққол кўриш мумкин. Бир неча йирик мутахассис олимларнинг вафоти малакали этнографлар ва ўрта асрлар тарихчилари танқислигини янада чуқурлаштирди. Кризисли ҳолат вужудга келди. Ҳозир ана шу ихтисосликларга дахлдор кадрларни олий ўқув юртлари битирувчилари ҳисобига зудлик билан тўлдириш учун чора-тадбирлар кўрилмоқда, лекин уларни тадқиқотчилик ишига (масалан, ўрта асрларга оид манбалар устида ишлашга) тайёрлаш анча вақт талаб қилади. Тарихчиларнинг катта ва кичик авлодлари ўртасидаги узилиш кўп жиҳатдан бошқа илм тармоқлари учун ҳам характерлидир.

Юқорида айтилган нарсалар республика тарихчи олимлари фаолиятида қайта қуриш нақадар муҳимлигини кўрсатиб турибди. Ҳозирдаёқ ана шундай қайта қуришга доир бир қанча конкрет чора-тадбирлар амалга оширилди. Чунончи, ЎзССР ФА Тарих институти йиллар давомида амал қилиб келган эскирган структурадан воз кечди ва янги, йирик проблемали структурага ўтди. Тарих фанига доир координацион советлар республикадаги илмий муассасалар ва олий ўқув юртлари тарихчиларининг куч-ғайратларини республика ўтмиши ва бугунги куннинг асосий проблемаларини ўрганиш, улар томонидан коллектив асарларнинг тайёрланиши учун жамлашга, уларни узоқ муддатли умумиттифоқ ва регионал комплекс проблемаларни амалга оширишда иштирок қилишга, ҳақиқий ижодий илмий конференциялар, кенгашлар, симпозиумлар, мунозараларни ташкил қилишга жалб этишга қаратилган ишни активлаштирмоқдалар.

Албатта, буларнинг ҳаммаси тарих фанини ривожлантиришнинг партия XXVII съезди ва КПСС МК Пленумлари, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди ва республика Компартияси МК пленумлари белгилаб берган йўналишлардаги дастлабки қадамлар, холос. Тарихчиларнинг янги асарларига баҳо беришда илмий оборотга киритилаётган фактик материалнинг янгилиги, унинг аниқ синфий позицияларда чуқур анализ қилиниши, олимларнинг методологик ва дунёқарашга оид қуролланиши, уларнинг тарихий жараённинг бутун ранг-баранглигида даврларнинг узвий алоқасини идрок қила билиш қобилияти каби кўрсаткичлар асосий ўрин тутади. Партиянинг жамиятшунослик фанлари (улар қаторида тарихий фанлар ҳам) бутун идеологик ишимизнинг фундаментал негизини ташкил этади деган кўрсатмаси нафақат Ленин партиясининг жамиятшунос олимлар ишига берган ниҳоятда юксак баҳосини таъкидлаб кўрсатади, шу билан бирга бундай баҳо олимлар олдига катта вазифалар қўяди. Ҳозирги пайтда партия ва халқнинг «жиддий фалсафий умумлашмаларга асосланган иқтисодий ва социал прогнозларга, *чуқур тарихий тадқиқотларга* жиддий эҳтиёж сезиб» турганлиги КПСС XXVII съезди минбаридан алоҳида таъкидлаб ўтилди (курсив бизники — **Б. Л.**). Бундай тарихий тадқиқотларга республикамизда эҳтиёж ҳали ҳам жуда каттадир.

Ўзбекистон халқлари ва улар аждодларининг этногенези ва этник тарихини ўрганиш ишида турли ихтисосдаги олимлар куч-ғайратларини бирлаштириш керак. Ўрта асрлар тарихида манбаларни ўрганиш йўли билан фан учун деярли номаълум бўлган V—VIII ва XII—XIV асрлар даврларини кенгроқ ёритиш, Самарқанд, айниқса Тошкент тарихига доир шарқий қўлёзмалар ахборотлар мажмуини янги тадқиқотлар билан тўлдириш лозим. Янги тарих соҳасида Туркистонда миллий-озодлик ва революцион ҳаракат тарихини, шу жумладан Россиядаги 1905—1907 йиллардаги биринчи халқ революцияси воқеаларининг ўлка қишлоқ аҳолиси турмуши ва тақдирига таъсири масаласини ўрганишдаги қолоқликка барҳам бериш керак бўлади. Октябрь, гражданлар уруши, социалистик қурилишнинг дастлабки босқичлари тарихчилари ҳозиргача тадқиқотчиларнинг диққат эътиборидан четда қолиб келган мамлакатимизнинг порлоқ истиқболи учун актив курашган кишиларнинг ҳаёти ва фаолиятини муносиб ёритишлари лозим. М. С. Горбачев КПСС МКда оммавий ахборот ва пропаганда воситалари раҳбарлари билан бўлган учрашувда сўзлаган нутқида қайд қилганидек, «революцияни амалга оширган кишилар бир чеккага суриб қўйилмаслиги керак. Одамларни революция ва социализм учун жонини фидо этган кишилар мисолида тарбиялаш зарур». Бу, шубҳасиз, социалистик қурилишнинг дастлабки босқичлари қатнашчилари, Улуғ Ватан урушининг унутилмас йилларидаги фронт ва фронт орқаси қаҳрамонларининг хотирасини абадийлаштиришга ҳам тааллуқлидир.

Ўзбек халқининг капитализмни четлаб феодализмдан социализмга ўтиш босқичидаги социал-иқтисодий турмушидаги ўзгаришларнинг конкрет «механика»сини ўрганиш жараёнида ҳам тарихчилар барча зарур ишларни қилишганича йўқ, бу нарса хорижий Шарқдаги социалистик йўлни кўзлаётган мамлакатларнинг илғор жамоатчилигини айниқса кўп қизиқтиради. Бунга қўшимча қилиб шуни айтиш керакки, Хоразм ва Бухоро Халқ Совет Республикалари тарихига доир кенг ва умуман анча қимматли адабиётлар мавжудлигига қарамай, тарихчилар бу республикаларнинг социализмга томон кўп жиҳатдан ноёб, мураккаб ва ўзига хос бўлган йўлини унинг барча қийинчиликлари, зиддиятлари, хато ва янглишишлари, асрлардан бери келаётган мутаассиблик ва қолоқликка қарши курашда янгиликни жўшқин излашлари билан янада муфассалроқ тадқиқ қилишлари керак. Ана шу нуқтаи назардан БХСР ва ХХСР тарихига доир янги катта жамловчи асар яратишга киришиш керак.

Шунингдек республикамизни ривожлантиришдаги урушдан кейинги давр — социализм қурилишини якунлаш даври тарихига доир билимларимизнинг етарли бўлмаган жойларини ҳам тўлдириш лозим. Тарихчиларнинг республика тараққиётининг 70-йиллар ва 80-йиллар бошлари мобайнидаги реал жараёнларини тадқиқ қилувчи асарлари ғоят зарур бўлиб қолди, чунки шу мавзудаги асарларда мавжуд аҳвол бўяб кўрсатилган, бир томонлама ва ҳаққоний фактик материалларга асосланмасдан, балки дабдаба-пафосли ахборотлар амал қилиб ёритилган эди.

Республиканинг социализмни такомиллаштириш босқичидаги харакатига бағишланган асарлар алоҳида актуаллик касб этади. Жамоатчилик тарихчилардан Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳаётидаги чуқур жараёнлар ва янги ходисаларни аналитик ёритишни, инсон омилини ўрганиш, социал адолатни амалга ошириш соҳасидаги тадқиқотларни кутмоқда.

Тарихий-партиявий фан олдида жиддий проблемалар турибди. «Кейинги вақтда партия тарихчиларини ҳақиқат олдида йўл қўяётган гуноҳлари учун танқид қилиш кучаймоқда. Тарихий принципни бузиш, тарихий жараённи эгасизлантириш, бутун бир даврларда ўрганилмай «оқ бўлиб» қолган жойлар, схематизм ва баённинг сийқалиги — булар билдирилаётган ҳаққоний таъналарнинг айримлари, холос.

Партия тарихининг кўпгина муҳим ва мураккаб даврларини ёритишга қайтадан ёндашиш керак бўлади, бунда уларнинг ҳар биридан зарур сабоқлар чиқариб, тарихийлик принципига, ҳаққонийлик принципига қатъий риоя қилиш лозим» (А. Яковлев. Совет жамиятининг сифат жиҳатидан янги ҳолатига эришиш ва ижтимоий фанлар. «Ўзбекистон коммунисти», 1987, 7-сон).

Ўзбекистон Компартияси МК III пленумида (1986 йил октябрь) ҳозирча тарихий-партиявий тадқиқотларнинг Ўзбекистон Компартиясининг МК XVI пленумидан сўнгги фаолияти билан кам боғланганлиги ва аслини олганда республика партия ташкилотининг партия турмушининг ленинча принциплари ва нормаларини қўпол бузишларга қарши кураши, салбий ҳодисаларнинг сабаблари ва уларни бартараф қилиш йўллари, қайта қуриш жараёнидаги партиявий иш формалари ва методлари тўғрисидаги асарларнинг йўқлиги қайд қилиб ўтилди.

Жамиятшуносларнинг республика кенгашида (1987 йил январь) шу нарса ҳаққоний гапириб ўтилдики, Ўзбекистон Компартиясининг ҳозирги шароитдаги фаолиятини шарҳлашда ҳозирча партия хужжатларини энг умумий изоҳлар, ўзича танланган, асосан ижобий статистика билан ва баландпарвоз декларациялар. кўплаб кўчирмалар, сафсатабозлик ҳисобига кескин жиҳатларни юмшатишга интилиб, ишларнинг ҳақиқий аҳволини очиб бермасдан қайта ҳикоя қилиб беришдан нарига ўтилмаяпти. Бунинг маъноси шуки, тарихий-партиявий фан вакиллари шаҳар ва қишлоқ бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини илгаригидан кенгроқ ва чуқурроқ ўрганишлари, умумлаштиришлари ва ёритишлари керак, республиканинг барча тарихчилари эса қайта қуриш ва жадаллаштириш ҳамда социалистик демократияни кенгайтириш, меҳнаткашлар ташаббусини ошириш шароитида совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ишини такомиллаштириш жараёнларини ҳар доим тадқиқотчилик ишининг эътибор доирасида тутишлари лозим.

Шу нарса неча-неча бор уктириб ўтилганки, тарихчилар совет ижтимоий тузуми шароитида кўп миллатли муносабатларнинг тузилиши ва ривожланиши жараёнини ўрганишга ҳақли суратда кўп эътибор беришлари билан бирга улар бу борада асосан Ўзбекистон мисолида партиянинг ленинча миллий сиёсатининг ҳаммага маълум ва шубҳасиз муваффақиятларини қайд қилиш билан чекланишган, миллий маҳдудлик, кеккайганлик, миллий маданиятларнинг ўзаро таъсири ва яқинлашишидан иборат объектив жараёндан четлашишга ва идеологиямизга, социалистик турмуш тарзига, илмий дунёқарашга зид реакцион-миллатчилик ва диний сарқитларни фароғатли тусда тасаввур қилишга уринишлар сингари эскиликдан қолган, салбий, давр руҳига мос келмайдиган ҳодисаларнинг манбалари ва сабабларини аниқлаш масаласини эътибордан четда қолдириб келишган. Яна, шубҳасиз, тарихчилар ва этнографлар нима учун айни бизнинг шароитимизда диндорлик рецидивлари, аҳоли бир қисмининг турмушида давр руҳига зид патриархал урф-одатлар ва маросимларнинг қайта тикланиши ҳодисаларининг мумкин бўлганлигини, меҳнаткашлар ҳаётида чинакам халқ анъаналари, шу жумладан янги анъаналарнинг секин жорий қилинишини илмий изоҳлаб бериш борасида бой берилган фурсатнинг ўрнини қоплашлари зарур.

Ўзбекистон фабрикалари ва заводлари тарихини ўрганиш ишидаги рўйирост қолоқликка ҳам барҳам бериш керак, бу республиканинг индустриал ривожланиши, унинг ишчилар синфининг шаклланиши ва ўсиши, саноат қурилишига партиявий раҳбарлик, социалистик мусобақанинг авж олдирилиши тарихини ва шу сингариларни билиб олиш учун жуда муҳимдир. Аслини олганда, социализмни

такомиллаштириш босқичида транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари меҳнаткашларининг кенг контингенти томонидан қўшилаётган ҳиссани ўрганиш ҳам тарихчилар диққат-эътиборидан четда қолган.

Тарихчиларимиз ва бошқа жамиятшунослар асарларида техника тараққиётини белгилайдиган саноат ишлаб чиқаришига туб миллат кишиларининг етарлича жалб қилинмаганлиги, республика шаҳарларида ишчи қўлларининг кескин етишмаслиги сабабларининг чуқур аналитик изоҳларини топиш ҳам амримаҳол. Ўзбекистон деҳқонларининг катта жамловчи тарихини яратиш иши ҳам жонлантириб юборилиши керак.

Ўзбек ва бошқа Совет Шарқи халқларининг ўтмиши ва бугунги кунини ўтакетган даражада бузиб кўрсатувчи буржуа «советшунослари»нинг ғайриилмий ва халқ манфаатларига зид концепцияларини фош этишга бағишланган бир неча мақолалар тўпламлари ва айрим асарларнинг босилиб чиққани бизни қаноатлантириши керак эмас. Ҳозирча бундай тўпламлар ва асарлар кам. Бунинг устига, кўп ҳолларда авторларнинг тарихни сохталаштирувчиларнинг ўн йиллар илгари ва ундан ҳам бурун босилган асарларига мурожаат қилиши бундай тўпламлар ва асарларнинг умумий камчилигидир, бу эса идеология жабҳасидаги курашимизнинг оперативлиги ва долзарблигига бутунлай зиддир. Хорижий (кўпинча ўзича яхши тайёрланган) «советшунос»лар билан далиллар асосида, назарий жиҳатдан кескин, илмлар ва фактлар билан тўла қуролланиб баҳс юритиш ўрнига уларнинг фақат баъзи бир, Ўзбекистон тарихидан олинган алоҳида воқеалар ва фактлар юзасидан билдирган иккинчи даражали фикр-мулоҳазаларини рад қилиш билан чекланишади, ишга бундай жўн ёндашишга ҳали ҳам барҳам берилмаган, зеро бундай ёндашувнинг сохталаштирувчилар ва уларнинг ҳомийларига, таъбир жоиз бўлса, оғири ҳам, енгили ҳам йўқ.

Тарихчиларнинг тарих фанининг методологик проблемаларини ишлаб чиқишга эътибор бермаслиги улар фаолиятидаги катта нуқсондир, ҳолбуки «тарих ўзи билан бирга янги фактларни ва тадқиқотнинг янги усулларини олиб келади, бу тадқиқотнинг янги усуллари назариянинг янада ривожлантирилишини талаб этади» (В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 4-том, 236-бет). Тарихчилар ўзларининг тадқиқотчилик ишларида ЭҲМ ва бошқа техника воситаларидан фойдаланиши ҳам келажакда бўладиган ишдир. Лекин ҳозирча ҳеч ким ана шу мақсадда зарур кадрларни тайёрлаш тўғрисида жиддий бош қотирмаяпти.

Кўриниб турибдики, республика тарихчилари вазифалари ва тадқиқотчилик иши мавзуларининг ҳатто унча тўла бўлмаган, шунчаки тахминий рўйхати ҳам уларга билдирилаётган умидларни оқлаш учун ҳали кўп ишлар қилишлари кераклигидан далолат беради.

Албатта, аввало, сиртдан қараганда гўё тарих фани соҳасида қайта қуриш кетаётганини кўрсатувчи конъюктура характеридаги хом-хатала, юзаки асарларнинг босилишига чек қўйиш, тарихчиларнинг фаннинг энг сўнгги ютуқларига жавоб берадиган ва манбаларни, фактик материалларни уларни тўғри изоҳлаган ҳолда пухта ва ҳар томонлама ўрганишдан иборат ишончли негизга асосланадиган фундаментал асарлар устида янада самарали иш олиб боришлари учун шарт-шароитлар яратиш лозим. Бу ерда В. И. Лениннинг алоҳида бир кичик фактни юлиб олишдан, мисоллар билан чалғитишдан ҳам кўра асоссизроқ усул бўлмаслиги тўғрисидаги огоҳлантириши янгича куч билан жаранглайди. «Фактлар, — деб ёзган эди В. И. Ленин, — агар улар *бутунлигича,* бир-бирига *боғлаб* олинса, «ўжар нарсагина» эмас, балки шубҳасиз далил ҳам бўла оладиган нарсадир. Кичик фактлар, агар улар бутун ҳолича, бир-бирига боғлаб олинмаса, агар улар бўлак-бўлак ва ўринсиз бўлса, худди фақат ўйинчоқ ёки ундан ҳам баттар бир нарса бўлади» (ТАТ, 30-том, 404-бет).

Лекин шунга қарамай айрим фактларга ўйламасдан эргашиш, уларни текширмасдан, ўйлаб кўрмасдан ва аналитик умумлаштирмасдан рўйхатга олиш замонавий мавзуларда ёзадиган кўпгина авторлар учун хос бўлиб қолган эди, афсуски, улар В. И. Лениннинг ўтмишни эслаб туриб келажак ҳақида ўйламоқ лозим, марксистик фан масалаларни «фақат ўтмишни изоҳ қилиш маъносидагина эмас, балки келажакни қўрқмасдан олдиндан кўриш ва уни амалга ошириш

йўлида дадил амалий фаолият кўрсатиш маъносида ҳам» (ТАТ, 26-том, 83-бет) қўйиши лозимлиги тўғрисидаги кўрсатмаларини унутган эдилар.

Тарихчилар зудлик билан бундай юксак талабларга мувофиқ келадиган фундаментал асарлар яратишади, деб ўйлаш нотўғри. Тафаккурни қайта қурмасдан, тадқиқотчилик иши методикаси ва методологиясини такомиллаштирмасдан бундай асарлар яратиб бўлмайди. Лекин вақт кутиб турмайди, у фаолиятсизликка, бир жойда туришга тоқат қилмайди, бутун куч-ғайратни янги нарсаларни қидириб топишга, Ўзбекистоннинг ва Совет Шарқи бошқа республикаларининг ҳозирги тарихига оид йирик асарларни тайёрлаш учун қулай шароитларни яратишга йўналтиришни тақозо этади.

Шу жиҳатдан Ўзбекистон ССР ФА Тарих институти, Ўзбекистон Компартияси МҚ ҳузуридаги Партия тарихи институти ва В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети составида иш олиб борадиган диссертацияларни ҳимоя қилишга доир ихтисослашган советлар фаолияти эътиборга лойиқдир. Бу совет фаолиятида диссертантларга талабчанликни янада юксак даражага кўтариш, бўш, ноактуал ва кам аҳамиятли, майда темаларда ёзилган, тарих фанига сезиларли ҳисса қўшмайдиган, фан манфаатларини кўзлаб эмас, балки қўшимча моддий ва маънавий неъматларга эришиш мақсадида қилинадиган ишларга сира ҳам йўл қўймаслик керак. Шу маънода Тошкентда тарихий-партиявий темаларда ҳимоя қилинган бир неча докторлик диссертацияларининг Бутуниттифоқ аттестация комиссияси томонидан қайтариб юборилганлиги ташвишли ҳолдир.

Республика археологлари, тарихчилари, шарқшунослари томонидан ўрганилаётган проблемаларнинг бир-бирига яқинлигига қарамасдан, улар ўртасида мустаҳкам алоқаларнинг йўқлиги улар ишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бунинг устига Фанлар академияси системасида ва олий ўқув юртларида ишлайдиган тарихчилар ўртасидаги ижодий алоқалар ҳам кўнгилдагидай эмас.

Сўнгги йилларда тарихчилар билан архивчилар ўртасидаги ижодий ҳамкорлик ҳам анча бўшашди. «Правда» газетасида билдирилган қуйидаги кўрсатма (1987 йил 6 март) бизнинг республикамизга ҳам тўла тааллуқлидир: «Ҳозирча академия, олий ўқув юртлари ва тармоқларга оид фанларни аниқ координациялаш, аниқ, техникавий ва ижтимоий фанларнинг куч-ғайратларини интеграциялаш, олиб борилаётган тадқиқотларнинг комплекслилиги, фундаментал проблемаларни чуқур қилиб қўйиш каби масалалар кўп жиҳатдан ҳали ҳам ҳал қилинганича йўқ».

Тарих фани айрим вакилларининг тарихчилар замонавийликка, улар тадқиқотларининг актуал тематикасига, айниқса ва, биринчи навбатда, социалистик қурилишнинг ҳозирги жараёнларини акс эттирадиган тематикага томон бурилиш зарурлиги тўғрисидаги партиянинг аниқ йўл-йўриқларини жўн ва дангал талқин қилишларига чек қўйиш керак, бундай ёндашув тарих фанига анча зарар етказди. Партия шу кунни ва келажакни тушуниш учун ўтмиш сабоқлари нимаси билан қимматли эканлигини тўғри идрок қила билиш учун олимда ҳам тарихчи, ҳам замондош хислатлари қўшилиб кетиши зарур деб ҳисоблар эди ва шундай ҳисоблайди. КПСС МКнинг «Коммунист» журнали ҳақидаги қарорида қайд қилинганидек, «ҳозирги кунни ва келажакни мўлжаллаб ўтмиш тажрибасини анализ қилиш — бу назариянинг зарур элементи ҳам, янги назарий хулосаларни ишлаб чиқишда ёрдам берадиган метод ҳамдир. Ана шу йўналишдан бориб, ўтмишни тадқиқ этиш вазифаларини ҳозирги даврни мушоҳада этиш ва келажакни идрок қилиш вазифалари билан узвий тарзда қўшишга эришиш... лозим». Масаланинг бундай қонуний, жуда ҳаққоний ва ҳеч қачон ўз кучини йўқотмайдиган тарзда қўйилиши хронологик жиҳатдан замонавийликдан узоқ бўлган тадқиқотларни «ноактуал» тадқиқотлар разрядига киритиш учун ҳеч ҳам асос бўлолмайди. Айрим кишилар иш моҳиятини айни шу тарзда, догматикларча ва сохталаштириб талқин қилишга мойил эди, улар жумладан республикамизда тарих фани соҳасида ўрта асрлар ва янги давр тарихи, тарихий этнография, Ўрта Осиё халқларининг этник тарихи проблемалари, миллий-озодлик ҳаракати тарихи ва шу сингариларни ўрганишнинг сусайганлигига эътибор бермай қўйишган эди.

Умуман Ўзбекистон тарихчилари ҳам совет жамияти тарихини ўрганиш соҳасидаги тадқиқотчилик ишларининг кескин бурилиш босқичида турибдилар, дейиш муболаға бўлмайди. Реал воқеликнинг кўпгина томонларини ёритмаслик

кўп йиллар давомида мажбур қилиб келинганди, энди бунга чек қўйилди. Шу туфайли олимларнинг реал воқелик фактларини тезроқ тарихий фактларга айлантиришга, жамиятшуносликка «ҳақиқатни дадил излашга оид ленинча руҳ»ни («Правда» газетаси, 1987 йил 19 апрель) қайтаришга бўлган хоҳишлари табиийдир.

Бу муҳим, етилган, оғир вазифадир, у хом-хатала, шошилинч тайёрланган, ҳаёт саволларига ленинча тарихийлик принципларини қўлланиб чинакам илмий жавобларни ҳақиқий революцион тарзда излашга зид келадиган асарларнинг пайдо бўлиши имкониятини истисно қилади. Бу ўринда ҳар бир тарихчидан юксак масъулият, реалистик ёндашув, ҳушёрлик ва одоб, партия ва халқ босиб ўтган йўлни бутун тўла-тўкислиги ва диалектик қарама-қаршиликлари билан объектив, илмий кўра олиш қобилияти талаб қилинади.

Бу ўринда ВЛКСМ XX съездида Михаил Сергеевич Горбачев методлари ва мазмуни жиҳатидан илмий, оммабоп баён этилган, ёрқин услубдаги Ватан тарихи курсини тайёрлаш зарурлиги ҳақида билдирган фикр амалий иш учун қўлланма бўлиши мумкин. «Бу, — деган эди у, — мамлакатимиз ва партиямизнинг босиб ўтган қаҳрамонона йўлини – кашшофлар йўлини бутун улуғворлиги билан очиб берадиган ҳалол, мард, қизиқарли китоб бўлиши керак... У бўш саҳифалари бўлмаган, субъектив афзалликлар ҳамда ёқтирмай қарашлар ва конъюнктура ўзгаришларига боғлиқ қадриятлар бўлмайдиган, воқеалар драматизмини ҳамда инсон тақдирини четлаб ўтмайдиган китоб бўлиши керак» («Ўзбекистон коммунисти», 1987, 6-сон, 16-бет). Республикамиз олимлари ҳам бу борада, яъни Ўзбекистон ССР тарихини тадқиқ қилиш борасида актив иш кўришлари керак.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон тарихчилари олдида улкан, кўп жиҳатдан янги вазифалар турибди, уларни ҳал этиш учун ижодий ёндашув ва коллектив куч-ғайрат талаб қилинади. Шу муносабат билан улар тадқиқотчилик ишининг аҳволини ва истиқболларини муҳокама қилиш учун тарихчиларнинг республика кенгашини чақириш зарур бўлиб қолди.

Москвалик бир группа обрў-эътиборли олимлар мамлакатда тарих соҳасидаги илмий ходимлар, олий ўқув юртлари ўқитувчилари, музейлар ходимлари, ўқитувчиларни бирлаштирадиган Тарихчилар жамиятини ташкил қилиш ҳақидаги таклиф билан чиқдилар («Известия» газетасининг 1986 йил 16 декабрь сонига қаралсин). Ўзбекистон тарихчилари бу ташаббусни қизғин қўллаб-қувватлайдилар.

КПСС МҚ Бош секретари М. С. Горбачев партия Марказий Қомитетининг июнь (1987 йил) Пленумида қилган докладида шундай қайд қилди: «Ҳозир маънавий фаоллик қулф уриб бораётганини қайта қуриш ютуқлари жумласига қўшмоқ керак. Жамоатчиликнинг илм-фан, адабиёт ва санъат соҳасида содир бўлаётган жараёнларга, матбуот, радио, телевидениенинг чиқишларига қизиқиши ошди. Одамлар мамлакатнинг ўтмиши, ҳозирги куни ва келажаги ҳақида кўпроқ билишни хоҳлайдилар, жамоат ва давлат ишларига, дунёқараш ва ахлоқ-одоб муаммоларига зўр эътибор билан қарала бошланди». Совет кишиларининг ана шу қизиқишлари ва талабларига давримизга муносиб янги асарлар билан жавоб бериш — ижтимоий фанлар арбоблари, шу жумладан тарихчиларнинг кечиктириб бўлмайдиган бевосита бурчидир.

Ўзбекистон тарихчилари ҳам бутун мамлакатда бораётган қайта қуриш жараёнидан четда қолмасликка интилмоқдаларки, буни улар ишидаги камчиликларни бартараф қилиш ва уни партия ва халқ ижтимоий фанлар арбоблари олдига қўяётган юксак талаблар даражасига кўтариш гарови деб биламиз.

АСКНИ БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ РЕЗЕРВЛАРИ

Д. Зокирхўжаевнинг «Ўзбекистон коммунисти» журналининг 1986 йил 11-сонида босилган «Ўзбекистон агросаноат комплексини бошқаришнинг такомиллаштирилиши» сарлавҳали мақоласида республика АСКни бошқариш структурасини ривожлантиришнинг асосий натижалари умумлаштирилган, уни янада яхшилашнинг, шу жумладан бошқарув аппаратини қисқартириш ҳисобига яхшилашнинг баъзи резервлари кўрсатилган.

Шуни қайд этиб ўтиш муҳимки, бошқарув ходимларини бундай қисқартириш агросаноат комплексини бошқариш сифатига зарар етказилмаган ҳолда амалга оширилди. Бизнинг фикримизча, энг муҳими шуки, АСКни шакллантириш жараёнида ягона планлаштириш, кредит бериш, маблағ ва моддий-техника билан таъминлаш, кадрларни тайёрлаш ва жой-жойига қўйиш учун шарт-шароит вужудга келди. Ана шу шарт-шароитларни амалга ошириш жараёнида фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш, ер-сув ресурсларидан, асосий ва оборот фондларидан, меҳнат ва молиявий ресурслардан фойдаланиш масалалари янада муваффақиятлироқ ҳал этилмоқда, барча даражадаги ходимларнинг ишлаб чиқаришни ўстириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш ва етказиб бериш планларини бажариш, маҳсулотларни янада чуқур ва комплекс қайта ишлаш, уларнинг бут сақланиши, озиқ-овқат моллари ассортименти ва сифатини яхшилаш ва шу асосда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан, саноатни эса хом ашё билан янада барқарорроқ таъминлаш, керакли давлат резервларини, экспорт ресурсларини вужудга келтириш учун масъулияти ошмоқда.

Бироқ, Давлат агросаноати ташкил этилиши халқ хўжалигининг шу соҳасини бошқариш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган барча проблемаларни ўз-ўзидан ҳал этолгани йўқ. Унинг эпчил, сезгирлик билан ишлашини таъминлаш учун бошқариш аппарати структурасини албатта такомиллаштириш, ортиқча бўғинларни тугатиш талаб этилади. Қолаверса, маълумки, республикада маъмурий-бошқарув органларининг ҳаддан ташқари катталашиб кетишига йўл қўйилган, шу жумладан Госагропром системасида ҳам. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VI пленумида қайд қилинганидек, Госагропром ташкил этилган пайтда тугатилган министрлик ва идоралар аппаратини 40 процентдан кўпроқ қисқартириш кўзда тутилган эди. Лекин бир йилдан сал кўпроқ вақт ўтди, Госагропромидаги идора ходимлари сони эса яна орта бошлади ва ҳозирги кунда дастлабки пайтдагига нисбатан 150 кишига кўпайди.

КПСС МК 1987 йил июнь Пленуми иттифоқдош республикаларда экономикани бошқаришни ташкил этишни қайта қуришда иттифоқ бошқарув органларининг состави ва структурасидан механик равишда андаза олишга йўл қўйилмаслиги керак, деб кўрсатди. Шу муносабат билан Д. Зокирхўжаевнинг Ўзбекистон ССР АСҚ составига республика Ўрмончилик хўжалиги министрлигини ҳамда Балиқчилик хўжалиги давлат комитетини, шунингдек Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг эксплуатация хизматини киритиш тўғрисидаги тавсияларини турмушга жорий этиш ўринли деб ҳисоблаймиз, чунки бу бошқарувнинг янада

яхшиланишига ҳамда агросаноат комплекси бўйича бошқарув харажатларининг анча камайишига ёрдам беради.

Шу билан бирга, Д. Зокирхўжаевнинг мақоласида қишлоқ хўжалик корхоналари ва бирлашмалари микёсида бошқарув самарадорлигини ошириш масалалари акс эттирилмаган. Ҳолбуки, агросаноат комплексининг барча тармоқларини ривожлантириш суръатларини жадаллаштириш уларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, барча ишлаб чиқариш бўғинларининг социал-иқтисодий шароитларини тенглаштириш проблемалари айни шу жойда ҳал этилади. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладида КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачев қайд қилганидек, «оқибат натижада биз бошқариш ва планлаштиришни такомиллаштириш, ташкилий структураларни қайта қуриш юзасидан қилаётган ҳамма ишлар **хўжалик системасининг асосий бўғини — бирлашмалар, корхоналар самарали ишлаши** учун шароит яратишга қаратилгандир». КПСС МК 1987 йил июнь Пленуми масаланинг шу тахлитда қўйилишини алоҳида куч билан таъкидлади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида бошқарувнинг уч ва ҳатто тўрт босқичли структураси умумишлаб чиқариш ва умумхўжалик ходимлари штатининг ва шунга мувофиқ уларни таъминлаш учун харажатларнинг кескин кўпайишига олиб келди. Масалан, республика колхозларида эгри меҳнат сарфлари вақт ҳисобида (киши-куни) ўрта ҳисобда барча меҳнат сарфининг 14 процентини, совхозларда эса янада кўпроқни ташкил этади.

Бесўнақай бошқарув аппаратининг мавжудлиги бевосита ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларнинг манфаатларига катта иқтисодий зиён етказади, маҳсулот таннархини оширади, бинобарин, қишлоқ хўжалик корхонасининг хўжалик ҳисобидаги рентабеллигини пасайтиради, бундан ташқари, бошқарувнинг кўп босқичли структураси унинг оперативлигини, мутахассислар ва бошқа малакали ходимлардан фойдаланишни ёмонлаштиради, чунки бундай структурада улар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан, аксари ҳолларда эса бригадалар, фермалар, ремонт устахоналари ва бошқа бўлинмаларнинг коллективлари билан яхши боғланмаган бўладилар.

Шундай қилиб, бошқарув самарадорлигини ошириш ва идора харажатларини қисқартириш учун бошқарувнинг икки босқичли структураси тезроқ жорий қилиниши керак. Сибирь, Узоқ Шарқ ва мамлакатнинг иш кучи, айниқса малакали мутахассислар етишмайдиган бошқа регионларида бу структура кўпдан бери кенг қўллаб келинмоқда ва яхши пировард натижалар бермоқда. Афсуски, республикамизда бошқарувнинг ушбу прогрессив формасини ўрганиш ва қўлланиш ҳозирги кун талабларига асло жавоб бермайди. Натижада, масалан, Сурхондарё областида 1984—1987 йилларда алмашлаб экиш массиви бўйича агроучасткалар ташкил этилди ва оқибатда улар бошқарувнинг ортиқча бўғини бўлиб чиқди. КПСС XXVII съезди қарорларини ҳисобга олиб, областдаги барча агроучасткалар тугатилди, айни вақтда деҳқончилик ва бошқа бригадалар йириклаштирилди, бу эса бошқарув штатларининг қисқаришига ва қишлоқ хўжалиги мутахассисларидан фойдаланишнинг яхшиланишига олиб келди. Масалан, Ангор районидаги «Коммунизм» колхозида агроучастка тугатилиши туфайли бошқарув штатлари 20 кишига қисқарди ва иш ҳақи фондидан 30 минг сўм микдоридаги эгри харажатлар тежаб қолинди. 1986 йилда у ерда ҳар бирининг пахта майдони ва пахта-беда алмашлаб экишнинг бошқа майдонлари 130 гектарга қадар бўлган 24 та деҳқончилик бригадаси ташкил этилди.

Диспетчерлик методини қўлланиб, идора ходимларининг ва айниқса экономика хизмати ходимларининг меҳнатини замонавий электрон-ҳисоблаш машиналари билан таъминлаш, ҳисоб-китоб ва контролнинг прогрессив формаларини (ҳисоб-китобнинг журнал-ордерли системасини, ўзаро ҳисоб-китобларнинг чекли системасини) жорий қилиш, маъмурий идора ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашни ишлаб чиқаришнинг пировард натижалари билан боғлаш бошқарув самарадорлигини оширишнинг муҳим резервидир.

Афсуски, республика хўжаликларида, агросаноат муассасалари ва корхоналарида юқорида тилга олиб ўтилган ва бошқарувнинг бошқа прогрессив иқтисодий методлари секинлик билан ўзига йўл очмоқда. Шу ўринда партия

ташкилотларининг бу ишдаги ролини таъкидлаб ўтишни муҳим деб ҳисоблаймиз. Бошқарув системасини такомиллаштириш, агросаноат комплексини изчиллик билан ҳақиқий хўжалик ҳисобига ўтказа бориш вазифалари фақат улкан иқтисодий аҳамиятга эмас, балки жуда катта социал-сиёсий аҳамиятга ҳам молик экани туфайли бу вазифаларни ҳал этиш партия ташкилотларининг доимий назорати остида бўлмоғи лозим.

М. ҲУСАНОВ,
Самарқанд қишлоқ хўжалик институти қишлоқ хўжалик экономикаси кафедрасининг мудири.

А. ИСМОИЛОВ,
Самарқанд қишлоқ хўжалик институти қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқариш ва совет ҳуқуқи кафедрасининг мудири.

РЕДАКЦИЯДАН

Агросаноат комплексининг ишини такомиллаштириш — мамлакатда кенг қулоч ёйиб бораётган қайта қуришнинг бош йўналишларидан биридир. Зотан аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан ва халқ хўжалигини хом ашё билан таъминлаш, бинобарин, янада олға қараб ҳаракат қилишимиз суръатлари ана шу соҳадаги ишларнинг аҳволига бевосита боғлиқдир.

Редакция иқтисод фанлари кандидати Д. Зокирхўжаевнинг «Ўзбекистон агросаноат комплексини бошқаришнинг такомиллаштирилиши» мақоласини эълон қилар экан («Ўзбекистон коммунисти», 1986, № 11), журналхонларни мақолада кўтарилган масалаларни муҳокама қилишда қатнашишга таклиф қилган эди. Республиканинг аграр секторида вужудга келтирилган потенциалдан фойдаланиш самарадорлиги паст эканидан ташвишланган олим бир қатор таклифларни ўртага ташлаганки, уларнинг амалга оширилиши, олимнинг фикрича, аҳволни тузатишга ёрдам берган бўлур эди. Бу таклифлар асосан Ўзбекистон ССР Давлат агросаноатининг партия ва ҳукуматнинг СССР Давлат агросаноатини тузиш тўғрисидаги ҳужжатларига мувофиқ республикада қабул қилинган ташкилий структурасидаги баъзи бир ўзгартишларга тааллуқлидир.

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноати раисининг биринчи ўринбосари В. И. Антоновнинг Д. Зокирхўжаев мақоласи хусусида билдирган фикрида яна бир қанча министрлик ва идораларни республика агросаноати ихтиёрига ўтказиш, шунингдек унга қўшимча функцияларни юклаш тўғрисидаги таклифни муҳокама қилиш мақсадга номувофиқ деб топилган, аммо АСКнинг хўжалик механизмини қайта қуришга тааллуқли барча масалаларни кўриб чиқишда қатнашишга тайёр эканлик изҳор қилинган.

Редакция ушбу фикрни ҳисобга олиб, муҳокама этиладиган проблемалар доирасини кенгайтирди ва олимлар ҳамда мутахассисларни КПСС Марказий Комитетида 1987 йил 23 январда бўлган экономиканинг аграр секторида меҳнат унумдорлигини оширишга бағишланган кенгашда КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачев таърифлаб берган: «Эътиборни нималарга қаратиш керак? Нималарни қурол қилиб олиш керак? Нималардан қатъиян воз кечиш ва нималарни енгиб ўтиш керак?» деган саволларга жавоб топишда қатнашишга таклиф қилди.

Ярим йил мобайнида редакцияга хат ва мақолалар шаклида келган (журналимизда босилган ва босилмаган) жавобларнинг муаллифларини республикамиз экономикасининг аграр секторидаги ишларнинг аҳволи носозлигидан ташвишланиш, партиянинг ушбу соҳада кескин бурилиш ясаш йўлини қўллаб-қувватлаш, конструктив позицияда туриш бирлаштиради. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими С. Р. Мушеев, Самарқанд кооператив

институти сиёсий иқтисод кафедрасининг мудири У. Рашидов, АСКни бошқариш Республика олий мактабининг доценти Л. Б. Мирҳайдаров, иқтисод фанлари докторлари Қ. Ҳасанжонов билан А. Қодиров ҳамда ўртага қўйилган масалаларни муҳокама қилишда қатнашган бошқа олимлар ва мутахассислар аграр секторнинг жиддий қолоқлиги, ҳозирча унга хос бўлган салбий жиҳатларнинг сабабларини таҳлил қиладилар ва уларни бартараф қилиш йўлларини тавсия этадилар. Жумладан, С. Р. Мушеевнинг тавсиялари совхозларнинг идоравий тарқоқлигини тугатиш, янги хўжаликлар қурилиши суръатларини жадаллаштириш ва сифатини ошириш, агросаноат комплексини ривожлантиришни илмий жиҳатдан таъминлашни яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик билан йўғрилгандир. Билдирилган фикрларда, шунингдек АСКнинг хўжалик механизмини маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштиришга, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишга, агросаноат тузилмаларида моддий рағбатлантиришни, АСКда товар муомаласини яхшилашга қаратилган ва бошқа конкрет таклифлар ҳам бор.

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети раисининг биринчи ўринбосари В. И. Антоновнинг редакцияга келган, журналнинг 1987 йилги 4-сонида босилганига нисбатан батафсилроқ жавобида шундай дейилади:

«Республика АСКни бошқариш системасини қайта қуришнинг асосий проблемаси, бизнингча, хўжалик юритишнинг иқтисодий механизмини такомиллаштиришдан иборат, яъни:

— агросаноат комплексининг барча ишлаб чиқариш коллективларини пудрат ва хўжалик ҳисоби шароитларига ўтказиш. Бунда пудрат меҳнат коллективларининг ва ҳар бир меҳнатчининг меҳнат ва моддий ресурсларни энг кам сарфлаган ҳолда пировард маҳсулотни ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқаришдан энг кўп моддий манфаатдорлигини ва айни вақтда масъулиятини таъминламоғи лозим;

— табиий-хўжалик шароитларини ва вужудга келтирилган ишлаб чиқариш потенциалини ҳисобга олган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ва ресурслар сарфланишининг узоқ муддатли нормативларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш. Нормативлар системаси бир хил тиғизликдаги хўжалик ҳисоби топшириқларининг меҳнат коллективларига етказилишини таъминлайдиган бўлиши керак;

— иқтисодий воситаларни, шу жумладан маҳсулотларнинг мувофиқлашувчан нархларини, меҳнатга ҳақ тўлашни ва фойданинг тақсимланишини такомиллаштириш;

— ҳозирги замон типидаги, яъни ўзлари бошчилик қилаётган меҳнат коллективларининг хўжалик фаолияти учун бутун масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёр бўлган раҳбар кадрларни танлаш, тайёрлаш ва жой-жойига қўйиш ишини яхшилаш;

— ишлаб чиқариш бўлинмаларининг ишлаб туришига тўсқинлик қиладиган ва самарали меҳнат қилиш учун энг қулай шароитларни таъминламайдиган ортиқча бошқарув бўғинларини қисқартириш.

АСКни бошқариш барча бўғинларининг Давлат агросаноатининг ўз доираси ичида ҳам ва бутун Давлат агросаноат комитети доираси ичида ҳам ўзаро ҳамжиҳат ҳаракат қилишини яхшилаш зарур. Бундай ўзаро ҳамжиҳатлик фаолиятнинг такрорланишини энг кўп бартараф қилиши, қарорлар қабул қилиш ва уларнинг ижроси устидан контрол қилиш процедурасини рационаллаштириши, кераксиз қоғозбозликка барҳам бериши, ҳар бир бўғиннинг ҳуқуқлари, масъулияти ва вазифаларини конкретлаштириши лозим.

АСКни бошқариш механизмини такомиллаштириш фан-техника тараққиёти ютуқларини тезроқ жорий этишни ҳам ўз ичига олиши керак. Бу иш фанни ишлаб чиқариш билан интеграциялаш йўли билан, шунингдек илмий ташкилотларни маблағ билан таъминлаш ва уларнинг ютуқларини жорий қилишдан олинадиган конкрет самарага қараб рағбатлантириш йўли билан амалга оширилиши керак.

Мен С. Р. Мушеевнинг АСКни илмий жиҳатдан таъминлашни такомиллаштириш мақсадида республика агросаноат комплексига хизмат кўрсатувчи барча илмий-тадқиқот муассасалари Ўзбекистон ССР Давлат агросаноати ихтиёрига ўтказилиши керак, деган фикрини («Ўзбекистон коммунисти» 1987, № 4) тўла қўллаб-қувватлайман.

Д. Зокирхўжаевнинг таклифлари хусусида шуни айтмоқчиманки, Ўзбекистон

ССР Давлат агросаноатини тузиш пайтида республика Госкомптицепроми аввал мустақил комитет сифатида сақланиб қолган эди. Ҳозирги вақтда у тугатилиб, мамлакатдаги барча агросаноат комитетларида қилингани каби, саноат бирлашмаси ҳуқуқи асосида Ўзбекистон ССР Давлат агросаноати ихтиёрига ўтказилган.

Д. Зокирхўжаев тугатишни ва функцияларини Ўзбекистон ССР агросаноатига ўтказишни таклиф қилган бошқа министрлик ва идораларга келсак, агросаноат комплекси ривожланишининг ҳозирги босқичида улар ўз статусини сақлаб қолиши ва республика Давлат агросаноати билан АСК бўйича шериклар сифатида Давлат агросаноат комитети тўғрисида Низомга тўла мувофиқ равишда иш олиб боришлари керак».

В. И. Антонов, шунингдек, агросаноат комплексини бошқаришни takoмиллаштириш проблемаларини тадқиқ қилувчи олимлар асосий эътиборни хўжалик юритишнинг иқтисодий механизмига, уни қандай, масалан, бутун агросаноат комплексининг асоси ва унинг қуйи ячейкаси бўлган РАПО даражасида яхшилашга қаратишлари керак, деган фикрни олдинга суради. Зотан РАПОлар амалда ўз составига кирувчи хўжаликлар, ташкилотлар ва корхоналарни ҳали ягона яхлит система сифатида бошқараётганлари йўқ ва ҳозирча қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини қайта ишлаш саноати билан чинакам интеграциялаш содир бўлгани йўқ, бошқача қилиб айтганда, РАПОлар собиқ район қишлоқ хўжалик бошқармалари доирасидан ҳаддан ташқари секинлик билан ташқарига чиқмоқдалар.

Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг кафедра мудирлари М. Ҳусанов ва Исмоилов ўртоқларнинг журналимизнинг шу сонида эълон қилинаётган фикрлари мазкур олимлар В. И. Антоновнинг нуқтаи назарини қувватлаётганликларидан далолат беради. Улар республика агросаноат комплексини унинг қуйи бўғинлари даражасида бошқариш самарадорлигини оширишга қаратилган бир қатор конкрет таклифлар киритганлар.

Ҳозирги давримизнинг журнал саҳифаларида олиб борилган мунозарада ҳам акс этган характерли белгиси — жамоатчилик фикрларининг партия қарорларига мос бўлиб тушаётганлигидир. Масалан, Д. Зокирхўжаевнинг мақоласига фикр билдирган муаллифлар кўтарган кўпгина масалалар КПСС Марказий Комитетининг экономикани бошқаришни тубдан қайта қуриш борасида партиянинг вазифаларини кўриб чиққан 1987 йил июнь Пленумида ҳам ёритилди ва ҳал этилди. М. С. Горбачев Пленумда қилган докладида қишлоқда хўжалик ҳаёти жонланаётганлигини қайд қилиб, ҳозирги босқичда қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни кўпайтиришда ўзига хос сакраш юз бериши учун барча объектив шароитлар вужудга келди, деб таъкидлади.

Шу йил 11 июлда Тошкентда бўлган республика партия-хўжалик активи йиғилишида ана шу шароитлар республикамиз агросаноат комплексига татбиқан ҳам конкретлаштириб берилди. Йиғилишда партия, совет органлари, агросаноат комитетлари ва бирлашмалар, колхоз ва совхозларнинг КПСС Марказий Комитетининг «Ўзбекистон ССР, Тожикистон ССР ва Туркманистон ССРда агросаноат комплексининг табиий-иқтисодий потенциалидан қониқарсиз фойдаланилаётгани тўғрисида»ги қарорини бажариш соҳасидаги вазифалари принципиал муҳокама қилинди.

Йиғилиш қатнашчилари қабул қилган резолюцияда Ўзбекистон агросаноат комплексининг ривожланишидаги қолоқликни тугатишнинг долзарб тадбирлари белгиланди, республиканинг барча меҳнаткашларига мурожаатномада эса: деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда, КПСС XXVII съезди ва партия Марказий Комитетининг 1987 йил июнь Пленуми қарорларини турмушга татбиқ этиш борасидаги бутун ишда шу йилнинг ўзида ижобий силжишларга эришиш вазифаси қўйилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1987 йил августда бўлган VI пленуми ана шу ишга раҳбарлик қилиши ва қайта қуришни амалий ишлар соҳасига кўчириш талабларини таъминлаши лозим бўлган республика партия ташкилотларининг вазифаларини белгилаб берди.

Бутун мамлакат экономикаси каби республика экономикаси ҳам туб сифат ўзгартишлари даврига қадам қўймоқда. Шунинг учун, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев мазкур пленумда қилган докладида таъкидлаганидек, ҳозирги ишларга ҳам, истиқболдаги вазифаларга ҳам

янги позициялардан, қайта қуришнинг янги мезонлари билан ёндашмоқ керак.

КПСС МК ва Совет ҳукуматининг республикамиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг долзарб проблемалари тўғрисида қилаётган ғамхўрлиги туфайли деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ўстириш ва сифатини яхшилаш, умуман қишлоқдаги иқтисодий вазиятни ўзгартириш учун объектив имкониятлар вужудга келмоқда. Аммо бу республика агросаноат комплекси фаолиятининг пировард натижалари учун масъулиятни асло камайтирмайди. Пахта толасининг сифати оширилиши, ҳар 100 гектар экинзор ҳисобига олинадиган ҳамма турдаги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари миқдори кўпайтирилиши, ерларнинг мелиоратив ҳолати ва унумдорлиги тубдан яхшиланиши, барча хўжаликлар даромадли бўлишига эришилиши зарур.

Тиғиз иш программаси қабул қилинди. Бошқа ҳар қандай социал программа каби, бу программанинг амалга оширилишига ҳам бу соҳадаги барча мавжуд проблемаларни илмий идрок этиш ва демократик асосда муҳокама қилиш, шубҳасиз, ёрдам беради. Шунинг учун редакция Ўзбекистон агросаноат комплекси фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашишда қатнашган барча ўртоқларга миннатдорчилик изҳор қилади.

Ҳозирги вақтда амалга оширилаётган АСК хўжалик механизмини қайта қуриш унинг барча бўғинлари ва ҳамма даражаларига тааллуқлидир. Ушбу механизмни тартибга солиш жараёни силлиққина эмас, айрим жойларда ғоят қийинлик билан бормоқда. Бу ишда талайгина тўсқинлик қилувчи омиллар бор. Ушбу механизмни керакли ҳолатга етказиш учун, В. И. Ленин ибораси билан айтганда, у соат каби аниқ ишлаши учун вақт ва партия, совет, хўжалик органлари, олимлар ва амалиётчи ходимларнинг жуда кўп куч-ғайрат сарфлашлари, кадрларда янгича психологияни, иқтисодий тафаккурни шакллантириш талаб этилади. Республика агросаноат комплексини янада самарали ривожлантириш проблемалари кескин ва аҳамиятга молик проблемалар эканини ҳисобга олиб, уларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг навбатдаги пленумида кўриб чиқишга қарор қилинди. Шубҳасизки, ушбу проблемалар журнал саҳифаларида бундан буён ҳам — республика АСКнинг турли соҳаларида уларни амалда қандай ҳал этиш ва истиқболларини белгилаб олиш нуқтаи назаридан ёритилаверади.

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ

БАРИ ПАХТАЧИЛИК ХУСУСИДА

Мамлакатимиз халқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири бўлган пахтачилик бир қатор иттифоқдош республикалар экономикасида етакчи ўринни ишғол қилади. СССРда етиштириладиган пахтанинг қарийб учдан икки қисми Ўзбекистон улушига тўғри келади.

Бу хом ашёнинг индустрия учун аҳамияти бебаҳодир. Шу билан бирга пахтачилик — мураккаб структурали энг сермеҳнат, фондталаб ва фанга муҳтож тармоқдир. Шу муносабат билан бу соҳада изоҳлашни талаб қиладиган кўпдан-кўп масалалар келиб чиқади. Шундай ҳолда биринчи марта нашр этилган «Пахтачилик энциклопедияси»* қимматли қўлланма бўлиши мумкинки, ундан ватан ва жаҳон пахтачилиги, унинг ривожланиш истиқболлари тўғрисида 3 мингга яқин мақола ўрин олган.

Совет ҳокимиятининг дастлабки кунларидаёқ В. И. Ленин пахтачиликни тиклаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор берганлиги маълум. Партия ва Совет ҳукуматининг доимий ғамхўрлиги шарофати билан мамлакатимиз тарихан қисқа муддат ичида пахта мустақиллигига эришди, четдан пахта сотиб олувчидан қимматли хом ашёнинг йирик етиштирувчисига айланди. Пахтачилик тарихига доир мақолаларда шу тўғрисида ҳикоя қилинади. Масалан, Советлар Мамлакатида пахтачиликни ривожлантириш программаси бўлиб қолган В. И. Ленин имзо чеккан РСФСР ХКСнинг «Туркистонда суғориш ишларига 50 миллион сўм ажратиш ва шу ишларни ташкил этиш тўғрисида»ги (1918 йил) ҳамда «Туркистон ва Озарбайжон социалистик совет республикаларида пахта экинини тиклаш тўғрисида»ги (1920 йил) декретлари баёни катта қизиқиш туғдиради.

«Партиянинг аграр сиёсати», «Қишлоқ хўжалигини социалистик асосда тубдан ўзгартириш», «Бош пахта комитети», «Средазхлопком», «Ўзбекистон пахта комитети», «СССРнинг пахта мустақиллиги», «Пахтачилик» ва бошқа мақолалар экономиканинг ана шу тармоғи асосий йўналишларини тўғри акс эттиради. «Қишлоқ хўжалигини социалистик асосда тубдан қайта қуриш» мақоласини алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим, унда Ўрта Осиё билан Қозоғистонда ерларни национализация қилишнинг ўзига хос жиҳатлари, 1920—1921 йилларда бу ерда ўтказилган, қишлоқда ижтимоий муносабатларни ўзгартиришда муҳим роль ўйнаган ер-сувислоҳоти, шунингдек КПСС ва Совет давлатининг қишлоқни социалистик асосда тубдан ўзгартириш соҳасидаги фаолиятининг асосий йўналишлари кўрсатиб берилган.

Пахта етиштиришнинг турли жиҳатларига, жумладан, уни парваришлашнинг замонавий технологиясига, ана шу техника экинининг биологияси ва уруғчилигига, унинг юздан зиёд навларининг хусусиятлари, тармоқ учун машиналар характеристикасига бағишланган мақолалар катта илмий ва амалий аҳамиятга моликдир.

Энциклопедияда пахтачилик экономикасига, пахта хом ашёсини қайта ишлаш процессларига катта эътибор берилган.

Агрометеорология муфассал ёритилган. Бу фаннинг бир қатор терминлари, масалан, «иқлим бонитети», «тупроқнинг маҳсулдор нами», «фотосинтетик актив радиация» каби ва бошқа терминлар энциклопедик нашрга илк бор киритилди.

Жаҳон ва ватан пахта минтақаси тўғрисидаги маълумотлар, мамлакатимизда пахтачиликнинг равнақ топишига кўмаклашган машҳур пахтакорлар ва йирик олимларнинг таржимаи ҳолига оид мақолалар катта маърифий аҳамиятга эга. Масалан, Е. Л. Навроцкийга бағишланган мақолани ана шу йирик селекционер олимнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш йўлидаги дастлабки қадамлардан бири сифатида баҳолаш лозим. У яратган ғўза навлари мамлакатнинг пахта мустақиллигига эришишда фавкулодда роль ўйнаганига қарамай, унинг номи яқин вақтларгача унутилиб келинган эди.

Энциклопедия яхши иллюстрациялаштирилган, тушунтирувчи жадваллар ва хариталар билан таъминланган, кўпчилик мақолаларга библиографик ва тематик алфавит кўрсаткичлари берилганки, бу ундан фойдаланишни анча осонлаштиради. «Пахтачилик энциклопедияси»нинг биринчи нашри рус тилида чиққан, бу ҳол уни мамлакатнинг пахтакор республикалари халқлари тилларига таржима қили-

---

* Энциклопедия хлопководства. В двух томах (гл. редактор С. М. Мирахмедов). Ташкент, Главная редакция Узбекской Советской Энциклопедии, 1985, том I — 554 с., т. II —536 с. и цветные иллюстрации; приложение — карта на 25 с.

ишини енгиллаштиради. Бу соҳадаги иш бошлаб юборилганлиги учун унинг камчиликлари тўғрисида батафсил тўхтаб ўтиш лозимки, уларни бартараф этиш энциклопедиянинг кейинги нашрлари мукаммалроқ бўлишини таъминлайди.

Аввало совет пахтачилигининг тарихи хусусида. Владимир Ильич Ленин тўғрисидаги мақола юксак илмий савияда ёзилган. Унда нафақат биографик тартибдаги маълумотлар, шу билан бирга Маркснинг аграр масалага доир таълимотини ривожлантиришга В. И. Ленин қўшган ҳиссанинг таърифи ҳам бор. Айни вақтда мазкур мақола пахтакорларнинг миллий эзилишига ва асоратга солинишига чек қўйган совет пахтачилигининг яратилишига қўшилган ана шу ҳиссани конкретлаштирадиган ҳужжатли маълумотлар билан тўлдирилиши керак. Масалан, 1917 йил декабридан 1922 йил ноябри орасида В. И. Ленин пахта, пахтачилик ҳамда у билан боғлиқ ирригация проблемаларига салкам 160 дафъа мурожаат қилган эди, бу эса Владимир Ильичнинг тармоқни ривожлантиришга зўр эътибор берганлигидан ёрқин далолатдир.

Энциклопедияда К. Маркс билан Ф. Энгельс тўғрисида материаллар йўқ. Ҳолбуки улардан фойдаланиш зарурлигини нафақат мантиқий тусдаги мулоҳазалар, шу билан бирга умуман аграр сиёсатни, жумладан пахтачилик проблемаларини ишлаб чиқишга илмий коммунизм асосчилари қўшган реал ҳиссанинг кўламлари ҳам тақозо этади. Масалан, К. Маркс «Капитал»нинг иккинчи қисмида «Мелиорация» категориясига мукаммал таъриф берган, унинг «Ҳиндистонда Британия ҳукмронлиги» асарида Шарқ халқлари ҳаётида суғоришнинг аҳамияти баҳоланади, Ф. Энгельснинг «Пахта ва темир» деган мақоласида жамият экономикасида пахтанинг роли кўрсатиб берилган. Илмий коммунизм асосчиларининг энциклопедияда ёритилган проблемаларга мурожаат қилганликларининг бу чала рўйхати уларнинг назарий меросини ҳисобга олмай туриб нашр мукаммал бўлмаслигини кўрсатади.

Энциклопедиянинг янги нашри совет экономикасининг, жумладан пахтачиликнинг В. П. Ногин, Г. К. Оржоникидзе, С. М. Киров, И. Е. Любимов, А. Икромов, Ф. Хўжаев, Д. Буниёдзода, М. Д. Орахелашвили каби йирик ташкилотчилари, Г. К. Ризенкампф ва Б. К. Лодигин каби ирригатор олимлар тўғрисидаги мақолалар билан бойитилиши керак.

Энциклопедияда большевиклардан В. С. Смирнов ва Н. И. Сундатов бошчилик қилган Туркистонда ирригация ишлари бошқармаси, Центротекстиль экспедицияси тўғрисида, РСФСР ВСНХ (БХХК) ҳамда Давлат иншоотлари бош комитетининг Туркистон иқтисодий комиссияси тўғрисида материаллар бўлиши зарурлигини ҳам таъкидлаш керак.

«Пахтачилик» мақоласида айтилишича, 1918 йил 8 апрелда Ленин декрети асосида тўқимачилик саноатини пахта билан таъминламоқ учун 502,4 миллион сўм кредит ажратилган. Аслида бу декрет 1918 йил 9 апрель санаси билан чиқарилган. Сўнгра, шу мақолада «1920 йил ноябрда «Туркистон ва Озарбайжон социалистик совет республикаларида пахта экинини тиклаш тўғрисида» махсус декрет қабул қилинди», деб қайд қилинади (1-том, 426-бет). Бироқ бу ерда шу нарсани унутмаслик лозимки, ўша ойда В. И. Ленин раислигида Халқ Комиссарлари Совети мажлисларида иккита декрет қабул қилинган эди. 27 ноябрь деб сана қўйилган иккинчи декрет «Туркистон ва Озарбайжон социалистик совет республикаларида пахтачиликни тиклаш тадбирлари тўғрисида Халқ Комиссарлари Советининг декрети» деб аталади.

«Кооперация» деган мақолада Туркистон Компартиясининг III съезди қарори асосида 1919 йилда пахта кооперативларини тузиш бошланди, деб кўрсатилади. Съезд ҳақиқатан тегишли резолюция қабул қилган ва у эълон қилинган эди. Бироқ янги ҳужжатлар пахта кооперативлари анча олдинроқ — 1918 йил баҳоридан эътиборан пайдо бўла бошлаганидан далолат беради («Деятельность Коммунистической партии и Советского правительства по восстановлению и развитию хлопководства в Туркестане (1917—1926 гг.). Документы и материалы». Ташкент, «Узбекистан», 1986. 26—27-бетларга қаралсин).

«Пахтакорларнинг Бутуниттифоқ кенгаши» деган мақола нима учун фақат 1958 йилда ўтказилган кенгашгагина бағишланганлиги китобхонларга тушунарли бўлмаса керак, чунки кенгашлар кўп маротаба ўтказилган бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзича муҳим аҳамиятга эга бўлган. Шуни эслаш кифояки, фақат 1924 йилнинг ўзида пахтакорларнинг иккита кенгаши бўлиб ўтган эди. Шунга кўра келгуси нашрга «Пахтачилик юзасидан Бутуниттифоқ кенгашлари» деб аталган муфассалроқ материал киритиш мақсадга мувофиқ.

Энциклопедияни пахта монополияси тўғрисидаги мақола билан тўлдириш принципиал жиҳатдан муҳимдир. Маълумки, у мамлакатимизда 1918 йил 12 январда белгиланган бўлиб, ватан пахтачилигини барпо қилиш ва ривожлантиришда муайян роль ўйнади. Шунга мувофиқ мамлакатнинг бутун пахта сотиш системаси ва пахта запаслари национализация қилинди. «Ер тўғрисида»ги декрет, Совет ҳукуматининг «Ерни социализациялаш тўғрисида»ги қонуни билан бир қаторда пахтанинг давлат монополияси партия ва давлатимиз аграр сиёсатининг туб принципи бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Энциклопедия умуман бир тармоққа — пахтачиликка бағишланган. Шунга мувофиқ ундаги кишилар номи тармоқнинг бар-

ча проблемаларини тадқиқ қилиш билан шуғулланадиганларни ҳам ўз ичига олиши керак. Ушбу нашрда етакчи биологлар, селекционерлар, ирригаторлар, пахтачилик учун машинасозликнинг йирик мутахассислари ва ҳоказолар тўғрисидаги материалларга кенг ўрин берилган, лекин тармоқнинг ривожланиши масалаларини ўрганган ва шу соҳада тадқиқотни давом эттираётган тарихчи олимлар тўғрисида бирорта мақола йўқ. Ахир бугунги кунда бошқаришнинг маъмурий методларидан иқтисодий методларга ўтилаётган ҳозирги шароитларда улардан кўпларининг асарлари алоҳида актуаллик касб этмоқда, чунки пахтачилик тарихи аввало мавжуд тажрибадан ҳозирда ва келажакда фойдаланиш учун керак. Мисол учун, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, тарих фанлари доктори Р. Х. Аминованинг «Совет давлатининг янги иқтисодий сиёсатга ўтиш йилларида Ўзбекистонда аграр ўзгартишлар» монографиясини (1965 йил) ва унинг шундан кейинги асарларини эслатиб ўтамиз, улар фақат бу ерда аграр масаланинг ҳал этилиши тарихини илмий билишдагина олға қўйилган қадам бўлиб қолмай, шу билан бирга амалий аҳамиятга ҳам эга эканлиги бугунги кунда маълум бўлиб қолди. Уларда бошқаришнинг маъмурий методларидан иқтисодий методларга ўтишнинг асосий принциплари, механизмлари ва йўналишлари муфассал таҳлил қилинади, яъни ўз вақтида сезиларли натижалар берган ва ҳозирги хўжалик юритиш практикасида асқотадиган пахтачиликни қайта қуриш борасидаги ноёб тажриба ёритилади.

Экономикага ва пахта етиштиришни ташкил этишга доир кўпгина мақолаларни қиёмига етказиш зарурлиги маълум бўлиб қолди. Буни шу нарса тақозо этадики, КПСС XXVII съездининг ва партия МКнинг кейинги Пленумларининг экономикани интенсив ривожланиш йўлига ўтказиш, бошқаришни ва хўжалик механизмини такомиллаштириш, озиқ-овқат солиғи принципларидан кенг фойдаланиш тўғрисидаги, инсон омилини активлаштириш ҳақидаги ҳамда бошқа масалаларга доир йўл-йўриқлари муносабати билан иқтисодий бошқариш, меҳнатни ташкил қилиш ва унга ҳақ тўлаш, планлаштиришнинг мукаммалроқ методлари ишлаб чиқилди ва жорий этилмоқда. Мақолаларда КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг «Мамлакатнинг агросаноат комплексида хўжалик юритишнинг иқтисодий механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги (1986 йил) ҳамда КПСС МКнинг «Қишлоқ хўжалигида уни ташкил этишнинг рационал формалари ва хўжалик ҳисобини жорий этиш негизида меҳнат унумдорлигини оширишнинг кечиктириб бўлмайдиган тадбирлари тўғрисида»ги (1986 йил), «Ўзбекистон ССР, Тожикистон ССР ва Туркманистон ССРда агросаноат комплексининг табиий-иқтисодий потенциалидан қониқарсиз фойдаланилаётгани тўғрисида»ги (1987 йил) қарорларининг қоидалари ва хулосалари акс эттирилиши керак.

Актуал иқтисодий тушунчалар юзасидан баъзи мулоҳазалар бор. Чунончи, бизнинг назаримизда, «Агросаноат интеграцияси» мақоласини (1-том, 22—23-бетлар) Ўзбекистонда ва бошқа республикаларда пахтани реализация қилишга ва тола чиқишига қараб ҳисоб-китоб қилишга ўтилгани тўғрисидаги материаллар билан тўлдириш лозим: бу тадбир интеграциянинг муҳим жараёнини характерлайди. «Агросаноат бирлашмаси» мақоласида эса (1-том, 23-бет) Ўзбекистон Компартияси МКнинг ҳар бир областда уруғчилик агросаноат комплекси тузиш тўғрисидаги қарорини (1981 йил) далил келтирмаслик керак, чунки мазкур бирлашмалар ҳаётий бўлиб чиқмади ва амалда тузилиб улгурмасданоқ тарқалиб кетди.

Пахтачиликда меҳнатни ташкил қилишга доир («Ишлаб чиқариш бригадаси» (1-том, 129-бет), «Бригада участкаси» (ў ш а ж о й д а), «Меҳнатни ташкил қилиш» (2-том, 56—57-бетлар) мақолаларига қаралсин) терминлар жиддий аниқлаштирилиши керак, уларда пахта экиладиган кўпгина зоналарнинг хусусиятлари ҳисобга олинмай, бир қолипда тор қаторлаб экилган майдонларда 140—150 гектар ҳамда кенг қаторлаб экилган майдонларда 160—180 гектар ерга эга бўлган доимий ишловчи 40—50 кишидан, шу жумладан 6—8 механизатордан иборат бригадалар ташкил қилиш тавсия этилади.

Агар меҳнат ресурслари танқис бўлган зоналарда бундай ер майдонларини тавсия этилаётган миқдордаги ходимлар билан таъминлаш имконияти бўлмаса, меҳнат қилувчилар ортиқча бўлган зоналарда эса аксинча, бригада аъзоларига таклиф этилаётган майдонни ажратиш мураккабдир. Умуман, бизнинг назаримизда, бригадалар тузишда уларнинг жуда катта бўлишига берилиб кетмаслик керак: практика шуни кўрсатмоқдаки, турли техника билан кўпроқ таъминланган шароитда, бригада ёки звенолар қанчалик кам сонли бўлса, кишиларга раҳбарлик қилиш, уларнинг психологик жиҳатдан уйғунлигини, уюшқоқлигини, онгли ва сифатли ишлашини таъминлаш шунчалик осон бўлади. Энциклопедияда пудрат усулида ишлайдиган бригадаларда, бригадалар ичида звеноларда ёки оилавий бўлинмаларда меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг моҳияти ва афзалликларини ёритишга эътибор бериш керак. Пудрат меҳнат унумдорлигини оширишнинг жуда муҳим омили эканлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Бундай мақолани тайёрлаш қийин эмас: Ўзбекистонда меҳнатни ташкил этишнинг пудрат

формалари юзасидан тегишли тавсиялар аллакачон ишлаб чикилган.

«Коллектив шартнома» (1-том, 291-бет), «Хўжалик шартномаси» (1-том, 292-бет) маколалари мазмунини колхоз ва совхозлар рахбарларининг пудрат асосидаги бригадалар ва звенолар билан тузадиган хамда ресурслар билан таъминлаш принципларини, моддий рағбатлантиришни, шартлашувчи томонларнинг вазифалари ва масъулиятини характерлайдиган шартноманинг мохиятини баён килиш билан тўлдириш лозим.

Энциклопедияда ишларнинг тарификациясига, мехнатга хак тўлашга ва эришилган натижалар учун моддий рағбатлантиришга кўпрок эътибор берилган. Бу масалалар шундай маколаларда акс эттирилганки, уларнинг мазмунини кейинги директив хужжатлар асосида яна бир карра аниклаштириб олиш максадга мувофикдир. Жумладан, шуни кўрсатиб ўтиш зарурки, иш хаки фондини хосил килиш эндиликда 100 сўмлик реализация килинган (ялпи) махсулот ёки ялпи даромад учун беш йилга белгиланган нормативлар асосида хўжаликларнинг ўзи томонидан амалга оширилади; КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг «Мамлакатнинг агросаноат комплексида хўжалик юритишнинг иктисодий механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги карорида кўзда тутилган моддий рағбатлантириш, кўшимча хак тўлаш ва мукофот беришда хўжалик рахбарларининг мустакиллигини кенгайтиришнинг (конкрет шароитларга караб) янги принципларини баён килиш лозим. Илмий муассасалар ва Агросаноат давлат комитети хозирдаёк бу хусусда тегишли тавсияномалар ишлаб чиккан бўлиб, маколалар тайёрлаганда улардан фойдаланиш мумкин.

Фойдани таксимлаш ва ундан фойдаланиш принципи, бюджетга тўловлар системаси тубдан ўзгараётган бир пайтда хўжалик юритиш механизмини такомиллаштиришга кўйилаётган хозирги талабларни хисобга олиб «Совхоз фойдаси» (2-том, 145-бет), «Фойдадан ажратмалар» (2-том, 73-бет) материалларининг мазмунини хам кайта ишлаш лозим. Маколаларнинг янги тахририда давлат кишлок хўжалик корхоналари ва совхозлар бюджетга тўловларни фойда хисобидан олишларини, колхозлар эса даромад солиғини ернинг иктисодий бахоланишини, асосий фондлар ва мехнат ресурслари билан таъминланишини назарда тутиб, белгиланган беш йилликнинг йиллари бўйича доимий нормативлар асосида тўлашларини кайд килиш зарур. Совхозлар ва бошка кишлок хўжалик давлат корхоналарига фойдани (бюджетга тўловлардан кейин ва СССР давлат банкига ссудалар бўйича процентлар тўлаб бўлингач) ўз хохишича таксимлаш, ундан кредитларни узиш, ишлаб чикаришни кенгайтириш, корхонанинг иктисодий рағбатлантириш фондларини, резерв фондини хосил килиш учун фойдаланиш хукуки хам берилган. Моддий рағбатлантириш фондига ажратмаларнинг кўламлари кенгайтирилган. Совхозларнинг ўтган йиллардан колиб келган ўз маблағлари тортиб олинмайди. Шу муносабат билан «Ишлаб чикариш фондлари учун тўлов» маколасини (2-том, 102-бет) энциклопедиядан сокит килиш максадга мувофикдир.

«Социалистик мулк» (2-том, 270-бет) маколаси жиддий равишда кайта кўриб чикишга мухтождирки, унда социалистик жамиятда мулкнинг уч хил формаси мавжуд деган хато фикр таъкидланади. Хўжалик хисоби, бахо хосил бўлиши, ишлаб чикариш харажатларига, интенсивлаштиришга бағишланган маколаларда терминларнинг хозирги талаблар нуктаи назаридан эскириб колган ёки киёмига етказилмаган таърифлари учраб колади, уларда кейинги вактларда экономика тараккиёти экстенсив формасининг характерли хусусияти сифатида коралланган хўжалик юритишнинг чикимдор принципи кўздан кечирилади.

Энциклопедиянинг амалий ахамиятини ошириш учун унинг иллюстрация кисмини кенгайтириш лозим. Гап шундаки, кишлок механизаторлари учун жамики янги, рационал нарсаларнинг тасвирини кўрмай туриб, уларни тушуниб олиш, шунингдек улардан фойдаланиш мушкулдир. Шуни хисобга олиб, масалан, тупрокка асосий ишлов бериш олдидан тупрок юзасига минерал ўғитларни ёки уларнинг аралашмаларини сочиш системасини, СП-15, С-114, С-18А шатаги билан 2—4 сеялкалардан агрегатлар тузишни иллюстратив тарзда кўрсатиш зарур. Китобда, масалан, чигитни квадрат-уялаб, доналаб ва аралаш усулда экиш, тупрок харитаси, тупрок съемкаси тўғрисидаги маколалар ва бошка бўлимларга оид схемалар жуда кам. Ана шу терминларнинг мазмунини сўзлар билан тушунтириш анча кийин, энциклопедиядаги маколалар мухтасарлигидан баъзан бунинг умуман иложи бўлмайди.

Биология, экология, ғўза генетикаси ва селекциясига доир материалларни хусусий инженерия, унинг пахтачиликдаги истикболлари тўғрисидаги махсус бўлим хисобига кенгайтириш лозим.

Маълумки, кемирувчилар (сичконлар, каламушлар, кумсичконлар ва бошкалар) ғўзани 3 процентгача зарарлантиради. Уларга карши кураш (дератизация) — пахта хосилдорлигини оширишнинг кўшимча резервидир. Ушбу энциклопедияда эса дератизация хатто эсланмайди, ғўзага, гидроиншоотларга, суғориш арматураларига зарар етказадиган кемирувчилар тўғрисида хам маълумотлар йўк.

Ушбу нашрда тупрокнинг унумдорлигини ошириш, эрозиянинг олдини олиш, энергия

ресурсларини тежаш мақсадида унга ишлов беришни минималлаштириш масаласи ёритилмаган. Бу технологик циклнинг бир нечта операцияни биттага бирлаштириш ҳисобига трактор агрегатларининг далада юришини камайтиришга асосланади. Озарбайжон пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг мазкур республика хўжаликларида кенг синаб кўрилган кўп йиллик экспериментал материали шуни кўрсатдики, ана шу технология ҳисобига трактор агрегатларининг далада юриши 14 мартадан 6 мартагача қисқаради, ёнилғи-мойлаш материалларида 38,3 процент тежалади, техникадан фойдаланганлик учун амортизацияга ажратиладиган чиқимлар 33,1 процент, тракторчилар ва ёрдамчи ишчиларнинг меҳнат ҳақига тўланадиган чиқим 36 процент камаяди. Ишлов бериш қисқариб, ер зичланишининг олдини олиш, бутун вегетация давомида тупроқнинг сув-табиий хусусиятлари ҳолати мўътадил сақланиши туфайли пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 3,5—4 центнерга ошади. Ўрта Осиё олимлари ҳам шу хилдаги фактларга эгадирлар. Бинобарин, ана шу илғор метод тўғрисидаги муфассал материал энциклопедияда ўз ўрнини олиши лозим.

Китобда Озарбайжон ССРдаги йирик пахта регионларидан бири — Сальян чўли ва АЗНИХИнинг ўша жойдаги Сальян тажриба-ишлаб чиқариш станцияси тўғрисида маълумот йўқ. «Озарбайжон пахтачилик илмий-тадқиқот институти» мақоласида Озарбайжон ССРда пахтачиликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган Г. А. Алиев, А. С. Белоусов, Д. М. Гусейнов, Р. К. Гусейнов, Х. О. Гулаҳмедов, Ф. М. Мауер, С. Н. Московец, Г. М. Оганов, А. К. Оруджев, Т. А. Эльзенгр каби йирик олимларнинг фамилиялари кўрсатилмаган. Озарбайжон ССРда 1968 йилдан буён нашр этилаётган «Вестник сельскохозяйственной науки» журнали тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган, ваҳоланки унда ҳам пахтачилик тўғрисида материаллар босилиб туради.

Энциклопедияда коллектив пудратнинг моҳиятини, ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари ривожининг ҳозирги даражасида меҳнатни ташкил қилиш асосларини баён қилиш учун ҳам ўрин топилмабди. «Тупроқнинг солиштирма массаси» тушунчаси тўғрисида мақола йўқ. Деҳқончиликнинг партов системаси ҳақида ҳеч нарса дейилмаган (ҳолбуки қўрик система эса баён қилинган).

Тегишли мақолаларда Ўзбекистон ва Ўрта Осиёдаги бошқа республикалар мисолида пахта монокультураси, тармоқнинг экстенсив ривожланишининг, илмий асосланган алмашлаб экишга эътибор берилмаганлигининг салбий оқибатлари албатта акс эттирилиши керак. Энциклопедияни областлар ва республикалар доирасида пахта етиштириш тўғрисидаги янги статистика маълумотлари билан тўлдириш зарур.

Туркманистондаги объектларга, жумладан В. И. Ленин номидаги Қорақум канали ҳамда сув омборларига доир иллюстрацияларни иложи борича кенгайтириш керак.

Энциклопедияда бир хил авторларнинг, шу жумладан бегона ўтларнинг ҳар бир турига оид мақолалари кўп. Уларда аслида авторнинг ўзи қилган иши сезилмайди — асосан бошқа манбалардан кўчирилган. Хорижий мамлакатлардаги пахтачилик ва бошқа масалалар тўғрисида ҳам шуни айтиш мумкин.

В. ЗАЙЦЕВ,
қишлоқ хўжалик фанлари доктори,
Озарбайжон ССР Кировобод шаҳри.

О. РЕЖЕПОВ, А. ҚУДРАТУЛЛАЕВ,
қишлоқ хўжалик фанлари
кандидатлари,
Ашхобод шаҳри.

Ф. ҚАЮМОВ,
иқтисод фанлари доктори,
Тошкент шаҳри.

С. МУХАММАДХОНОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари доктори,
Тошкент шаҳри.

Ф. КОМИЛОВА,
биология фанлари доктори,
Тошкент шаҳри.

Э. ОСИПОВА,
иқтисод фанлари кандидати,
Тошкент шаҳри.

А. ЛЕСНЯК,
биология фанлари кандидати,
Тошкент шаҳри.

М. ҲАСАНОВ,
тарих фанлари кандидати,
Тошкент шаҳри.

А. БЕЗБОРОДОВ,
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини мелиорациялаш инженерлари институти илмий-тадқиқот сектори жорий этиш группасининг раҳбари.

ЯНГИ КИТОБЛАР ВА БРОШЮРАЛАР

Абдуллаев Н. **Санъат тарихи.** 1-том, «Ўқитувчи», 1987, 272 бет ва рангли фотосуратлар.

Китоб архитектура, ранг-тасвир, амалий-декоратив санъатнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тўғрисидаги бугунги кунгача бўлган материалларни ўз ичига олган. Санъат турлари эволюциясининг асосий босқичлари, уларда турли жанрлар ва мактабларнинг қарор топиш йўллари кўриб чиқилади, жаҳон маданияти хазинасидан ўрин олган асарларнинг қиёсий таҳлили берилади. Миллий маданиятларнинг ўзаро таъсири ва бир-бирини бойитиши проблемаларига муҳим ўрин ажратилган.

Актуальные вопросы экономики сельского хозяйства. Сборник тезисов к лекциям в помощь пропагандистам экспериментальных школ социалистической экономики. «Мехнат», 1987, 250 с.

Китобда мамлакат социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш шароитида партия аграр сиёсатининг моҳияти баён қилинган. Фан-техника тараққиёти асосида қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришга, ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини оширишга катта аҳамият берилади. Хўжалик механизмини такомиллаштириш, инсон омилини активлаштиришнинг асосий масалалари, аграр меҳнатнинг ғоявий-этик жиҳатлари кўриб чиқилади.

Бекметов Э. **Интенсификация колхозного производства.** «Мехнат», 1987, 176 с.

Китобда кўриб чиқилган проблема Ўзбекистон колхозларидаги фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, колхоз ишлаб чиқаришини умумлаштириш даражасини оширишга доир ишларнинг ҳозирги аҳволини ҳар томонлама анализ қилиш орқали очиб берилади. Инсон омилини активлаштиришнинг форма ва методлари — социалистик мусобақа, илғор тажрибани оммалаштириш, коллектив пудратга алоҳида эътибор берилган. Бу масалаларнинг ҳаммаси партиянинг социал сиёсатини ҳаётга актив татбиқ қилиш билан боғланади.

Женщины Советского Узбекистана (Краткий статистический сборник). «Узбекистан», 1987, 62 с.

«Ҳужум» ҳаракатининг 60 йиллигига бағишланган бу тўпламда Ўзбекистон хотин-қизларининг республиканинг сиёсий, хўжалик, маданий ва ижтимоий турмушидаги улкан ролини, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг улар тўғрисида кўрсатаётган доимий ғамхўрлигини очиб берадиган турли хил материаллар тўпланган.

Зокиров А., Жўраев А. **Фан-техника тараққиёти ва пахтачилик.** «Меҳнат», 1987, 86 бет.

Брошюра авторлари фан-техника тараққиётининг социал-иқтисодий моҳиятини ёритишар экан, унинг пахтакорлар меҳнатининг характерини ўзгартиришдаги, тармоқ самарадорлигини оширишдаги ролини кўрсатишади. Фан-техника революцияси қишлоқ хўжалик фондларидан, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг муҳим омили сифатида кўриб чиқилади.

Муксимов А., Назаров К. **Студент-ёшларнинг ижтимоий активлиги.** «Ўқитувчи», 1987, 40 бет.

Брошюрада студентлар ижтимоий активлигининг моҳияти ва асосий кўрсаткичлари анализ қилинади. Авторлар меҳнат ва ижтимоий-сиёсий фаолиятни алоҳида ажратиб кўрсатиб, уни янада ривожлантиришнинг энг муҳим омилларини ёритишади.

В. И. Ленин, КПСС о строительстве социализма и коммунизма (тезисы к лекциям в помощь пропагандистам экспериментальных школ основ марксизма-ленинизма), ч. 1, «Узбекистан», 1987, 261 с.

Авторлар социалистик революциянинг марксча-ленинча назарияси ва уни амалда татбиқ қилиш, КПССнинг раҳбарлик ва раҳнамолик фаолияти, социализм ва коммунизм қуришнинг назарий ва амалий асослари, шунингдек партиянинг мамлакат социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш юзасидан бир мақсадни кўзлаб берган йўл-йўриқлари билан боғлиқ масалаларни ёритишган.

Мандральская Н. В. **Запечатленные образы войны** (фото- и фоноисточники об Узбекистане в годы Великой Отечественной войны). «Узбекистан», 1987, 222 с.

Китобда ҳозирги кунда агитация-пропаганда, илмий тадқиқот, ўқитувчилик ва оммавий-сиёсий ишда кенг қўлланилаётган фото ва фоноҳужжатларни ўрганишнинг асосий жиҳатлари кўриб чиқилади. Бу ҳужжатларни анъанавий, шунингдек автор томонидан ишлаб чиқилган методика асосида манбашунослик нуқтаи назаридан таҳлил этишга ҳаракат қилинган.

Ш. Мирaлимов. **Қамарбасталик.** «Ўзбекистон», 1987, 119 бет.

Китобда пролетар, большевистик матбуот манбалари, К. Маркс, Ф. Энгельс ва В. И. Лениннинг журналистик фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади. Журналистика мактабининг турлари, оммавий ахборот ва пропаганда воситалари учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг самарадор-

лиги фактик материаллар асосида ёритилган.

Мирзаев Т., Раскин Л. **Использование трудовых ресурсов в условиях агропромышленной интеграции.** «Меҳнат», 1987, 123 с.

Агросаноат интеграцияси меҳнат ресурсларининг бандлиги, уларни қайта тақсимлаш, малакали кадрлар тайёрлаш, инсон омилини активлаштириш масалаларини оптимал ҳал қилиш йўли билан ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаш бўйича катта ва мураккаб вазифаларни қўяди. Китобда уларни ҳал этишнинг регионал хусусиятлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Социалистические обряды в жизнь. Составители: А. Т. Қаюмов, О. П. Умурзакова, Г. Гафуров, А. С. Агаронян, Ю. В. Лемжин. «Узбекистан», 1987, 222 с.

Китобда бизнинг республикамизда жамиятимиз тараққиётининг бугунги даражасига мос келадиган маросимлар ва байрамларни меҳнаткашлар турмушига татбиқ қилиш борасидаги ишлар тўғрисида оммабоп формада ҳикоя қилиш учун биринчи марта жиддий ҳаракат қилинган. Унда ўша маросимлар ва байрамларнинг деярли ҳар бирига оид оқ-қора ва рангли иллюстрациялар бор. Китобда шунингдек турли байрамлар, маросимлар ва одатлар, оилавий маиший тантаналарнинг намунавий сценарийлари берилган, уларни ташкил қилиш ва ўтказиш методикаси кўриб чиқилган.

Шадиметов Ю. **Научно-технический прогресс, образ жизни и здоровье.** «Узбекистан», 1987, 182 с.

Китобда меҳнаткашлар оммасининг уйғун, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тўлақонли, актив дам олишини ташкил этиш, турмуш маданиятини ошириш масалалари ёритилган. Инсон саломатлиги ижтимоий категория сифатида фан-техника тараққиёти ва турмуш тарзи билан узвий боғлиқ ҳолда кўриб чиқилган.

Ғафуров Ғ., Ўтаев Ў. **Телевидение ва коммунистик тарбия.** «Ўқитувчи», 1987, 152 бет.

Олий ўқув юртларининг журналистика факультетлари студентларига мўлжалланган бу китобда меҳнаткашларда илмий дунёқарашни шакллантириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, социалистик мусобақани ривожлантириш, меҳнатга коммунистик муносабатни тарбиялашда телевидениенинг роли ҳақида ҳикоя қилинади. Журналист маҳорати, унинг кўп миллионли телетомошабинлар билан экран орқали мулоқоти тўғрисида профессионал гап боради. Китоб идеология ходимлари активи учун ҳам фойдалидир.

Редакция адреси: 700000. Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.
Телефонлар: бош редактор — 32-58-01; 32-78-87; бош редактор ўринбосари — 32-58-02; 32-78-93; масъул секретарь — 32-58-03, 33-60-42; масъул секретарь ўринбосари — 32-58-63; 33-60-42; бўлимлар: марксча-ленинча назарияни пропаганда қилиш — 32-58-65; партия ва совет қурилиши — 32-58-68; экономика — 32-58-71; фан ва маданият — 32-58-66; халқаро ҳаёт — 32-58-69; танқид ва библиография — 32-58-70.

Корректорлар: **М. Қомилов, Ҳ. Каримов.** Техредактор **Э. А. Кушнарь.**

Теришга берилди 12.08.1987 й. Босишга рухсат этилди 2.09.1987 й. Формати 70×108[1]/16. Фотонабор Офсет босма усули. Шартли босма листи 8,4. Нашриёт ҳисоб листи 9, 6.
Тиражи 28281. Нашр В—57. Заказ № 1586.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Тошкент шаҳри, Ленин кўчаси, 41.

ISSN 0134—2193
Баҳоси 25 тийин
Индекс 75399

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ
НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ» — «КОММУНИСТ УЗБЕКИСТАНА»га

1988 йил учун

ОБУНА ДАВОМ ЭТАДИ

Журнал партия ва халқнинг КПСС XXVII съезди, унинг Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини, ўн иккинчи беш йиллик планини амалга ошириш, социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш, совет жамияти ҳаётининг барча соҳаларида қайта қуриш учун кураши тўғрисидаги материалларни босади. Журнал саҳифаларида Ўзбекистон халқ хўжалигининг актуал проблемалари ёритилади.

Журнал илгаридек марксизм-ленинизм классикларининг ғоявий меросини пропаганда қилишга, социализмни такомиллаштириш, социалистик турмуш тарзини ривожлантириш проблемаларига доимо эътибор беради. Ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси тўғрисидаги мақолалар катта ўрин олади.

Журналхонлар партия ва совет қурилиши, идеология иши назарияси ва практикасига доир, социалистик демократияни янада ривожлантириш, Советлар, касаба союзлари, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги мақолаларни ўқийдилар. Сиёсий ва иқтисодий таълим системасининг пропагандистлари ва тингловчилари ўрганилаётган курсларнинг турли мавзуларига доир методик маслаҳатлар ва консультациялар оладилар.

Журнал маданий қурилиш, фан, адабиёт ва санъатни ривожлантириш проблемаларини ёритишни давом эттиради.

КПСС ва Совет давлатининг ленинча ташқи сиёсати тўғрисидаги, қардош социализм мамлакатларининг муваффақиятлари ҳақидаги, жаҳон коммунистик, ишчилар ва миллий-озодлик ҳаракати тўғрисидаги, буржуа идеологияси ва капиталистик турмуш тарзини фош этувчи мақолалар мунтазам эълон қилиниб борилади.

Журналда муҳим саналар ва воқеалар тўғрисидаги мақолалар, актуал мавзулардаги корреспонденция ва очерклар, журналхонларнинг саволларига жавоблар, янги китоблар тўғрисидаги тақризлар, вақтли матбуотнинг обзорлари, библиография материаллари босилиб турилади.

Журнал ойда бир марта ўзбек ва рус тилларида чиқади.

Обуна «Союзпечать» бўлимлари ва бошқа алоқа муассасалари, корхона ва қурилишлар, колхоз ва совхозлар, илмий муассасалар ва ўқув юртларидаги, меҳнаткашларнинг истиқомат жойларидаги матбуот тарқатувчилар томонидан қабул қилинади.

ОБУНА БАҲОСИ:

Бир йилга — 3 сўм.
Олти ойга — 1 сўм 50 тийин.
Уч ойга — 75 тийин.

Rup Afr ME

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ



10

ОКТЯБРЬ

1987

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

№ 10
ОКТЯБРЬ
1987 йил

1920 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбек ва рус тилларида чиқади

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

Октябрнинг идеаллари совет халқининг фаровонлиги, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, социализм ва тинчлик йўлида меҳнат қилишга даъват этади. Ақл-заковатимизни, хоҳиш-иродамизни, куч-ғайратларимизни яхлит қилиб бирлаштирайлик. Ана шу енгилмас кучни олдимизда турган янги-янги вазифаларни ҳал этишга қаратайлик. Режалаштирилган ҳамма ишларни бажарайлик. Октябрнинг революцион ишини муносиб давом эттирайлик!

Улуғ Октябрнинг яқинлашиб келаётган 70 йиллиги муносабати билан КПСС МКнинг совет халқига Мурожаатномасидан.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЁТИ

Тошкент

МУНДАРИЖА

ХАЛҚ БИЛАН ПАРТИЯ БИРЛИГИ

СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИ шонли сана — инсоният тарихида капитализмнинг янги коммунистик ижтимоий-иқтисодий формация билан алмашишидан иборат муқаррар жараёнга асос солган янги давр бошланганлигидан дарак берган XX асрнинг энг буюк воқеаси бўлмиш Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги бўсағасида турибди.

1917 йилининг унутилмас куз кунларидан бизни ажратиб турган давр Улуғ Октябрь революциясининг боқий аҳамиятини тўлиқ кўрсатиб берди, социализмнинг беқиёс улкан имкониятларини намойиш қилди. Унинг ғоялари биринчи марта бизнинг мамлакатимизда амалда рўёбга чиқарилди, синфий ва миллий антагонизмлар тугатилди, кишилар социалистик турмушининг тарихий негизлари: сиёсатда — меҳнаткашлар ҳокимияти, экономикада — ишлаб чиқариш воситаларига ижтимоий мулкчилик, инсоний муносабатларда — коллективизм ва ўртоқларча ўзаро ёрдам барқарор бўлди.

* *
*

Совет халқининг социалистик ва коммунистик қурилишдаги тарихий ютуқлари КПССнинг ўзгартирувчилик фаолияти, омма билан алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш соҳасидаги собитқадам фидокорона иши билан чамбарчас боғлиқдирки, шу туфайли партия билан халқнинг синфий жанглар ва бунёдкор меҳнат синовларида тобланган монолит бирлиги бунёд бўлди.

Советлар Мамлакати босиб ўтган бутун қаҳрамонона йўл коммунистлар партияси билан боғлиқдир. Совет халқи ҳамма нарсага Ленин партияси туфайли эришди, партия ўзини халқдан четда тасаввур қила олмайди, халқ эса партияни ўзининг ишончли авангарди, манфаатларини изчил ифода этувчи устози ва йўлбошчиси деб билади. У ўз тажрибасидан, тарихи сабоқларидан фақат коммунистлар билан биргаликда, Ленин ташкил қилган партия раҳбарлигидагина чинакам социал тараққиётга эришиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилди. Партиянинг ғоявий-сиёсий ва ташкилий бирлиги, унинг халқ билан чамбарчас боғлиқлиги — социализм мустаҳкамлигининг манбаи, барча ғалабаларимизнинг гаровидир.

Илмий коммунизм асосчилари пролетариатнинг синфий курашида революцион партиянинг раҳбарлик роли тўғрисидаги қоидани илгари суриб ва илмий жиҳатдан асослаб берган эдилар. К. Маркс ва Ф. Энгельс фақат мустақил революцион сиёсий партиягина собитқадам синфий сиёсат юргизиб, ишчилар синфининг туб манфаатлари ва яқин мақсадларини ҳимоя қила олишини уқтиргандилар. Коммунистларнинг «умуман бутун пролетариат манфаатларидан бошқа ҳеч қандай алоҳида манфаатлари йўқ»— деб ёзганди улар «Коммунистик партия манифестида» (К. М а р к с ва Ф. Э н г е л ь с. Уч томлик танланган асарлар, «Ўзбекистон» нашриёти, 1980, 1-том, 119-бет).

К. Маркс ва Ф. Энгельснинг пролетариатнинг буржуазия ҳокимиятини ағдариш ва янги жамиятни тузишда революцион партиянинг етакчилик роли хусусидаги хулосаси В. И. Ленин асарларида бойитилди ва ривожлантирилди. «Бошқариш учун чиниққан революционер-коммунистлар армиясига эга бўлиш керак, бундай армия бор, бу армия партия деб аталади»— деган эди Владимир Ильич (Тўла асарлар тўплами, 42-том, 301-бет). Тарих марксизм-ленинизм классиклари кўрсатмаларининг ҳаққонийлигини тўлиқ исботлади.

Партиянинг жамиятдаги раҳбарлик роли декрет билан ўрнатилмайди, у конкрет ишлар билан қозонилиши ва омма томонидан эътироф қилиниши лозим. В. И. Ленин бунёд этган революцион партия ташкил топган кунидан бошлаб халққа йўлбошчилик ролини ўз зиммасига олишга тайёр эди. Бироқ тайёр бўлишининг ўзигина камлик қиларди. Меҳнаткашлар оммаси ҳам ишчилар синфи революцион авангардининг сиёсати пировардида уларнинг эҳтиёжлари ва эзгу ниятларини ифодалашига, унинг сиймосида халқни қайси йўлга ва қай йўсинда бошлаб боришни биладиган чинакам раҳнамога эга бўлишига ишонч ҳосил қилиши керак. Ленин партияси айни шундай партия эканлигини амалда исботлади.

Партия билан халқнинг бузилмас бирлиги халқ оммаси, унинг революцион ижоди, куч-ғайрати, ташаббуси тарихнинг ҳақиқий ижодкоридир деган энг муҳим марксча-ленинча қоидалардан бирига асосланади.

Партия раҳбарлигининг куч-қудрати — омма билан алоқададир, зеро бирорта социал-иқтисодий проблемани меҳнаткашлар иштирокисиз, уларнинг ҳар томонлама мададига таянмасдан ҳал қилиб бўлмайди. Марксча-ленинча назария таълим берганидек ва тарихий тажриба тасдиқлаганидек, қандай кучли бўлмасин, сиёсий партиянинг ўзи жамиятни ўз идеалларига мос равишда қайта қура олмайди. К. Маркс «ҳеч бир революцияни партия амалга ошира олмайди, уни фақат халқ амалга оширади», деб уқтирган эди (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 45-том, 475-бет). К. Маркснинг бу фикрини ривожлантириб, Владимир Ильич шундай деб кўрсатган эди: «Коммунистик жамиятни коммунистларнинг қўли билан қуриш, бу — болалик, бутунлай болалик фикридир. Коммунистлар денгиздан бир томчи, халқ денгизидан бир томчидир... ва биз халқнинг кўнглидагини тўғри ифода қилсаккина идора қила биламиз. Бусиз коммунистлар партияси пролетариатни етаклаб олиб бора олмайди, пролетариат эса оммани ўзига эргаштира олмайди ва бутун машина вайрон бўлади» (ТАТ, 45-том, 114, 131-бетлар).

В. И. Ленин партияга, барча коммунистларга доимо омма орасида бўлишни, унга қулоқ солишни, унинг кайфиятини пайқаб туришни ва унинг орзу-ниятларини амалий ишда акс эттиришни васият қилган эди.

Шунинг билан бирга ишчилар синфи янги жамиятни бунёд этишдан иборат тарихий миссиясини бажариш учун марксча-ленинча назария билан қуролланган ўз революцион авангардига эга бўлиши лозим. Бу авангард ана шу назарияга амал қилган ҳолда халқ оммасини уюштиради ва жипслаштиради, унинг революцион куч-ғайратини капиталистик тузумни ағдариб, социалистик жамият қуришга сафарбар этади. «Шундай бир нарса келиб чиқадики,— деган эди В. И. Ленин,— партия, айтайлик, пролетариатнинг авангардини ўз ичига олади ва бу авангард пролетариат диктатурасини амалга оширади... Синфнинг революцион куч-ғайратини ўзига тўплаган авангардгина диктатурани амалга ошира олади» (ТАТ, 42-том, 239, 240-бетлар).

Шундай қилиб, марксчи-ленинчи партия билан унинг раҳбарлигидаги ишчилар синфи ва бутун халқ бирлиги объектив зарурият, жамиятни социалистик асосда қайта қуриш ва коммунизм қурилишининг умумий қонунияти ва муқаррар шартидир. Ленин партияси куч-ғайратининг манбаи мана шунда. Партия билан халқ бирлиги барча коммунистлар, бутун совет халқи мақсадлари ва хатти-ҳаракатларининг муштараклигини билдиради.

Бу бирлик ишчилар синфи, мамлакатимиздаги барча миллат ва элатлар меҳнаткашлари кенг оммасининг Ленин партияси раҳбарлигида чор самодержавиесини ағдариш, капиталистик тузумни тугатиб, пролетариат диктатурасини ўрнатиш учун олиб борган кураши давомида аста-секин вужудга кела борди. Сўнгра бу бирлик гражданлар уруши йилларида чет эл интервентларининг бирлашган кучлари ва ички контрреволюцияга қарши, Улуғ Октябрь революциясининг буюк ғалабаларини ҳимоя қилиш учун олиб борилган аёвсиз жанглар синовида тобланди. Коммунистлар Қизил Армия жангчилари сафларини мустаҳкамладилар, барча фронтларда юксак қаҳрамонлик ва жасорат кўрсатдилар. Октябрнинг буюк ғалабаларини ҳимоя қилиш учун жангларда 50 минг коммунист қурбон бўлди.

Партия билан халқ бирлиги индустриялашни, қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришни, маданий революцияни амалга ошириш учун курашда ривожланди ва

мустаҳкамланди. Айни Коммунистик партия, унинг доҳийси бўлган улуғ Ленин мамлакатимиз ҳаётининг иқтисодий, социал ва маънавий соҳаларида чуқур туб социал ўзгартишларнинг ташаббускорлари ва раҳбарлари бўлдиларки, шу туфайли Ватанимиз қудратли социалистик давлатга айланди. Ленин ғоясига кўра совет республикаларининг ССР Иттифоқига бирлашиши мамлакатимиз халқларининг янги жамиятни бунёд этишдаги куч-ғайратлари ва имкониятларини ошириб юборди. Шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари кенг оммасининг қўли билан инсоният тарихида биринчи социалистик давлат бунёд этилдики, бу ишга оммани Ленин партияси бошлаб борди.

Тўғри, бу йўлда хатолар, янглишишларга ҳам йўл қўйилди, улар кўп жиҳатдан Совет Иттифоқи биринчи бўлиб социализм йўлини очаётганлиги сабабли келиб чиқди. Шахсга сиғиниш ишимизга айниқса катта зарар етказди. Янги жамиятни қуриш ленинча принциплари ва методларидан чекинишлар, социалистик қонунчиликнинг, партия ҳамда жамиятда демократик нормаларнинг бузилиши бизга жуда қимматга тушди. Партия Лениннинг: «Иллатга қарши қаттиқроқ курашиш учун, курашни қайта-қайта янгидан бошлаш учун иллатни дадиллик билан эътироф қила билмоқ керак» (ТАТ, 43-том, 262-бет),— деган васиятига амал қилиб, ўзининг XX съездида шахсга сиғинишни очиқдан-очиқ қоралади ва съезд қабул қилган қарорлар асосида кўп минглаб совет кишиларидан душманлик тамғасини олиб ташлаб, социалистик қонунчиликни тиклади. Хорижда ва ҳатто ўз мамлакатимизда ҳам баъзилар бутун социализм қурилиши йўлини қоралашга, уни нуқул хатолардан иборат деб кўрсатиб, тарихан қисқа муддатларда қудратли социалистик давлатни бунёд қилиб, 30-йилларда саноат соҳасида дунёда иккинчи ўринга чиқиб олган халқ жасоратини асоссиз репрессиялар фактлари билан хиралаштиришга ҳаракат қилмоқдалар.

«Биз 1937—1938 йилларда содир бўлган воқеаларни кечира олмаймиз ёки оқлай олмаймиз,— деди М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетида оммавий ахборот воситалари ва ижодий союзларнинг раҳбарлари билан бўлган учрашувда сўзлаган нутқида.— Бунинг учун ўша пайтда ҳокимият тепасида турган кишилар жавобгардирлар. Аммо бу, ўртоқлар, биз бугунги кунда эга бўлган, партия, халқ ана шу синовлардан ўтиб амалга оширган барча ютуқларимиз обрўйини пасайтирмайди... Шунинг учун революциямизнинг 70 йиллиги тўғрисида, улуғ халқимиз, унинг тарихи, унинг жасоратидан фахрланиб гапиришимиз лозим».

Улуғ Ватан уруши партия билан халқ бирлигига жиддий синов бўлди. Ҳар доим бўлганидек, Коммунистик партия совет халқининг немис-фашист босқинчиларига қарши курашининг авангардида борди. Халқ, давлат ва идора қилувчи партия манфаатларини Совет Иттифоқининг Улуғ Ватан урушидагидек шу қадар бирлаштириб юборган урушлар ҳеч қачон бўлмаган. Ниҳоятда оғир шароитларда партия совет халқини фашист босқинчиларига қарши муқаддас урушга отлантиришга, ҳарбий ҳаракатларнинг дастлабки давридаги вақтинчалик муваффақиятсизликларга қарамасдан, урушнинг боришида туб бурилиш ясашга ва уни ғолибона якунлашга муваффақ бўлди. Коммунистлар ўзларининг шахсий намунаси, қаҳрамонлиги ва мардлиги билан омманинг жанговар руҳини кўтардилар, уни жасоратларга бошлаб бордилар, душман устидан тўлиқ ғалаба қозонилишига катъий ишонч туғдирдилар. Барча Совет Иттифоқи Қаҳрамонларининг қарийб тўртдан уч қисми ВКП(б) аъзолари ва аъзолигига кандидатлар эди.

Коммунистик партия совет халқининг фашист агрессорларига қарши курашини ташкил этиб, ўзи қуролли курашнинг олдинги маррасида бўлди — унинг составининг 60 проценти армия ва Ҳарбий-Денгиз Флотида эди. Уруш йилларида уч миллионга яқин коммунист — партиянинг 1941 йил ёзигача бўлган составининг ярмидан кўпроғи душман устидан ғалаба қозониш йўлида қурбон бўлди. Бироқ Совет мамлакати учун ниҳоятда машаққатли бўлган даврда партия заифлашмади, совет халқининг энг сара ўғил ва қизлари унинг сафларига келиб қўшилдилар. Улуғ Ватан уруши даврида 5 миллиондан кўпроқ киши партияга қабул қилинди.

Ишчилар синфининг, барча меҳнаткашларнинг буржуа-помешчиклик тузумини яксон қилиш учун курашида, янги дунёни бунёд этишида, унинг Ватанни қўлга қурол олиб ҳимоя қилишида эришган муваффақиятларини Ленин партиясининг жамият ҳаётидаги роли ошиб бориши билан, унинг меҳнаткашларнинг тобора кенгроқ қатламларига социалистик онгни сингдириши, уларни ишчилар синфи

томонга жалб килиши билан чамбарчас боғликдир. Мамлакатнинг энг нуфузли ижтимоий кучи бўлмасдан туриб партия ўзига ҳокимиятни, социализм ва коммунизм такдирини ишониб топширган халкнинг жуда катта кўпчилигига йўлбошчилик кила билмасди.

Улуғ Ватан уруши даврида ниҳоятда ёркин намоён бўлган партия билан халкнинг бузилмас бирлиги уруш туфайли вайрон бўлган халк хўжалигини тиклаш, социалистик жамиятни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш йилларида бойиб, мустаҳкамланди. 1940 йилдан 1985 йилгача ялпи ижтимоий махсулот 16,1 баравар, миллий даромад — 16,8, саноат махсулоти ишлаб чикариш —25, кишлок хўжалик махсулотлари етиштириш —2,7 баравар ўсди, аҳоли жон бошига реал даромадлар 6,5 баравар кўпайди, ўрта умумий таълимга ўтиш амалга оширилди ва ҳоказо.

Кўлга киритилган ютукларни муносиб баҳолаш билан бирга партия ўзининг XXVII съездида сиёсий ва амалий фаолиятда йўл кўйилган нуксонлар, экономикада ҳамда социал-маънавий хаётдаги нохуш тенденциялар ҳакида, 70-йилларда ва 80-йилларнинг бошида иктисодий юксалиш суръатларининг анча пасайиб кетишини, таксимот муносабатларида салбий процессларни юзага келтирган ана шундай холатларнинг объектив ва субъектив сабаблари ва ҳоказолар тўғрисида рўйирост ва очикчасига халкка айтди. Партия жамият хаётининг кўпгина соҳаларида вужудга келган салбий ҳолатлар кўп жиҳатдан партия ва давлат органлари фаолиятидаги жиддий камчиликлар, тафаккурдаги догматизм, амалий ишлардаги сусткашлик оқибатида юз берганлигини дангал ва ошкора баён килди.

КПСС, унинг Марказий Комитети камчиликларнинг сабабларини дадил очар экан, чинакамига ленинча рухда, большевизмнинг энг яхши анъаналари асосида иш кўрмокда. Советлар Республикаси акл бовар килмайдиган оғир шароитда социализм сари дастлабки кадамлар кўяётган пайтда В. И. Ленин катъий ишонч билан шундай деб ёзган эди: «Бу аҳволдан чикамиз, чунки биз ўз аҳволимизни бўяб кўрсатмаймиз. Ҳамма кийинчиликларни биламиз. *Ҳамма* касал томонларни кўриб турибмиз. Бу касал томонларни, ваҳимага тушмасдан, мунтазам суратда, каттик туриб даволаяпмиз» (ТАТ, 44-том, 92-бет). В. И. Ленин, канчалик аччик бўлмасин, халкка ҳар доим ҳакикатни айтишни, ундан камчилик ва хатоларни яширмасликни партияга васият килган эди. Ишчилар синфи, меҳнаткашлар кенг оммаси ҳамиша тўғри тушунадилар ва кийинчиликларни енгиб ўтишга ҳамда партия ва халк олдида турган вазифаларни амалда хал килишга ёрдам берадилар, деб таъкидлаган эди Владимир Ильич.

КПСС XXVII съезди тарихий, оламшумул аҳамиятга эга вокеа бўлди. Муболағасиз айтиш мумкинки, совет коммунистларининг анжумани стратегик карорлар съезди бўлди, уларни рўёбга чикариш совет жамиятининг пишиб етилган иктисодий, социал ва маданий вазифалари амалга оширилишини таъминлайди ва мамлакатни сифат жиҳатидан янги марраларга олиб чикади. Хозирги кунларда ишлаб чикарувчи кучларни ривожлантириш ва ишлаб чикариш муносабатларини такомиллаштириш, совет кишиларининг турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилашдан иборат туб, етилган вазифаларнинг дадиллик билан, ҳакикий революциончасига кўйилиши ҳамда изчил, собиткадамлик билан амалга оширилишида бутун халк партияси бўлиб колган КПССнинг Лениннинг буюк меросига, Октябрь анъаналарига катъий садокати намоён бўлмокда.

Совет халкининг куч-кудрати, акл-заковати, таланти, меҳнатсеварлигига ишонч, оммага таяниш партия фаолиятининг ажралмас хусусияти, асосий принципидир. У мамлакатимиз ҳаётининг энг масъулиятли даврларида, чукур ўзгаришлар ва тарихий синовлар пайтида рўйирост ва очикчасига халкка мурожаат килиб, унга бажарилиши керак бўлган вазифаларнинг хаётий аҳамиятини очиб берар ва ҳамиша унинг тўлик кўллаб-кувватлашига сазовор бўларди. КПСС XXVII съезди ҳужжатларида халкнинг туб манфаатларини ифодаловчи ва халк томонидан кўллаб-кувватланган партиянинг жамият хаётининг асосий томонларини янгилашга каратилган йўли меҳнаткашлар партия теварагида янада маҳкамрок жипслашиб, съезд карорларига амалий ишлари билан жавоб берсаларгина муваффакиятли амалга оширилиши мумкинлиги тўғрисидаги фикр таъкидланди. Партия йўлини амалга ошириш учун зарур бўлган энг муҳим нарса, деб кўрсатилди КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий докладида,— «ғайрат

билан ишлаш, партия ва халқ бирлиги, барча меҳнаткашлар ҳаракатларининг жипслигидир».

КПСС XXVII съездининг совет кишиларига карата: «бутун кучлари, билимлари, кобилиятлари, ижодий ғайратларини коммунистик бунёдкорликнинг буюк максадларига сарфлашга, Лениннинг ғолибона революцион ишини, Октябрь ишини муносиб давом эттиришга» чакириғига меҳнаткашлар съезд карорларини турмушга татбик килиш, XII беш йиллик топширикларини муваффакиятли бажариш, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобакани кенг авж олдириш билан жавоб бердилар.

Меҳнаткашлар кенг оммаси съезднинг «Эндиликда энг муҳими — ўй-фикр ва режалар энергиясини конкрет ҳаракатлар энергиясига айлантиришдан иборатдир»,— деган кўрсатмасига жавобан XII беш йиллик топширикларини бажаришга кўшаётган ҳиссаларини кўпайтирмокдалар. Ишга кўпрок ижодий ёндашиладиган бўлди, тартиб ва интизом анча мустаҳкамланди. Бутун ҳаётимиздаги ўзгаришлар тобора кўпрок кўзга ташланмокда. Омманинг меҳнат ва сиёсий активлиги жўш урганлиги, янгичасига ишлашга, теран резервларни юзага чикаришга интилиши ортганлиги ана шундай ўзгаришлардан биридир. КПСС Марказий Комитети 1987 йил январь ва июнь Пленумларининг совет жамияти ҳамма томонларини янада демократиялаштиришга, инсон омилини активлаштиришга каратилган карорлари халкнинг меҳнат соҳасидаги ғайрат-ташаббусига янги куч бағишлади. Меҳнаткашларнинг КПСС XXVII съезди, МК Пленумлари йўлини кенг кўллаб-кувватлаётганликлари ва уни амалга ошириш учун фидокорона кураш олиб бораётганликлари партия билан халк бузилмас бирлигининг ёркин исботи, съезд режалари муваффакиятли бажарилишининг гаровидир.

Ҳозирги шароитда мамлакатимиздаги барча меҳнаткашлар манфаатлари ва иродасининг ифодачиси, бутун халк партияси бўлиб колган КПСС айни пайтда ўз синфий характерини йўкотмайди, ўз синфий моҳияти, идеологияси жиҳатдан ишчилар синфи партияси бўлиб колаверади.

Омма ижодий активлигини ривожлантириш ва йўналтириб туриш кобилияти — Ленин партияси ғалабаларининг битмас-туганмас манбаидир. КПСС меҳнаткашлар кенг оммасини актив ижодий фаолиятга, барча жамоатчилик ишларини бошкаришга жалб килади. кайта куриш энг аввало айни жамиятни янада демократиялаштиришга, халкнинг социалистик ўзлигини англаб етишини ривожлантиришга каратилгандир.

Коммунистик партия омма билан алокани мустаҳкамлаб ва чукурлаштириб бориш лозимлиги тўғрисидаги ленинча талабга доимо амал килиб келмокда. «Оммага хизмат кўрсатиш ва *унинг* тўғри англаб олган манфаатларини ифода килиш учун,— деб таълим берган эди В. И. Ленин,— илғор отряд, ташкилот, ўзининг бутун фаолиятини омма орасида олиб бориши, унинг орасидаги энг яхши кучларнинг беистисно ҳаммасини жалб килиши, омма билан алока килиняптими, бу алока узилиб колган-колмаганлигини ҳар кадамда, пухта ва объектив суръатда текшириб туриши лозим. Илғор отряд ана шундай ва *факат* ана шундай йўл билангина оммани тарбиялайди ва маърифатли килади, *унинг* манфаатларини ифода килади, уни уюшишга ўргатади, омманинг *бутун* фаолиятини онгли синфий сиёсат йўлига солиб туради» (ТАТ, 24-том, 43—44-бетлар).

Партия ана шу васиятга амал килиб, дастлаб совет халкининг кўпчилиги, сўнгра эса мамлакатимиздаги барча миллат ва элатларнинг меҳнаткашлари томонидан жанговар авангард деб тан олинишига муваффак бўлди.

Шу билан бирга КПСС ўзининг халк билан бирлиги мустаҳкамлигини ниҳоясига етган, ҳамишаликка карор топган ва янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаб боришни талаб килмайдиган нарса деб карамайди. Партия ишчилар синфи, колхозчи деҳконлар, зиёлилар, кўп миллатли социалистик Ватанимиздаги барча социал катламлар ва группаларнинг туб манфаатларига тўлик жавоб берадиган сиёсий йўлини ўтказиб, халк ишончини кайта-кайта козона бориши керак. КПСС омма овозига диккат билан кулок солади, унинг кайфиятини сезгирлик билан пайкаб туради.

Меҳнаткашлар билан доимий алока шундай бир муҳим воситадирки, унинг ёрдамида партия оммага таъсир ўтказади, унинг социал ижодини тарбиялайди,

активлаштиради, мамлакат олдида турган вазифаларни ҳал этишга сафарбар қилади. Партия кўплаб воситалар орқали совет кишиларининг ташвишлари, ўй-хаёллари, эзгу-ниятлари билан боғланган. Очиқ партия йиғилишлари, коммунистларнинг меҳнаткашлар олдида чиқишлари, партия ва давлатнинг энг муҳим ҳужжатларини халқ муҳокама қилиши ва меҳнаткашларнинг партия комитетларига тушадиган хатлари шундай воситалар жумласидандир. Кейинги пайтларда партия ва ҳукумат, республика ҳамда маҳаллий партия ва совет органлари раҳбарларининг меҳнат коллективлари билан учрашувлари кенг таомилга кирмоқда.

Кишилар турмушини, уларнинг қувонч-ташвишларини яхши билиш партияга уларнинг талабларига ўз вақтида муносабат билдириб туриш имконини беради. Халқ турмуши мисоли бир ҳаётбахш чашмадирки, партия ундан янги фикр ва тажриба тўплаб, сўнгра уларни ўз сиёсатида мужассам қилади ва амалий фаолиятида гавдалантиради. Партиянинг омма билан жипс ва узилмас алоқалари, уларнинг ҳар томонлама мустаҳкамлаб борилиши партиявий ишда ленинча услубнинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири, бу иш самарадорлиги ва сифатининг қудратли омилидир.

Меҳнаткашларнинг ўз жанговар авангарди бўлган Ленин партияси теварагидаги монолит бирлиги ва мустаҳкам жипслиги энг аввало коммунистларнинг мустаҳкам бирлиги ҳамда жипслиги билан таъминланади. В. И. Ленин шу муносабат билан уқтирган эдики, ишчилар синфи бирлиги «бу — даставвал ва асосан — унинг сиёсий ташкилотининг бирлигидир. Фақат *ана шундай* бирликгина... ишчилар синфининг бутун курашининг... ҳақиқий бирлигини таъминлаши мумкин» (ТАТ, 24-том, 293-бет).

Социализмни такомиллаштиришга, совет жамиятининг коммунизм сари тобора илгарилаб боришига доир партия билан халқ ҳал этадиган йирик ва кўламдор вазифалар КПССнинг раҳбарлик роли ошиб боришини тақозо этади, унинг сиёсий, ташкилотчилик ва идеологик фаолиятига нисбатан янада юксакроқ талаблар қўяди.

Бироқ совет жамиятида КПССнинг раҳбарлик роли фақат ҳозирги даврга келиб ошди, деб ўйлаш хато бўлур эди. Партиянинг роли тобора ошиб бориши унинг фаолиятининг барча босқичларида амал қиладиган қонуниятдир. Бу тобора юксалиб борадиган ва ишчилар синфи, меҳнаткашлар оммасининг пролетар революцияси ғалабаси учун, социализм ва коммунизм қуриш учун курашининг ҳамма босқичларини қамраб олувчи ягона, яхлит жараёндир. Лекин ленинчи партиянинг раҳбарлик роли ҳозирги босқичда айниқса ошиб бормоқдаки, бу социализмни планли ва ҳар томонлама такомиллаштиришнинг, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш негизида совет жамиятини олға томон янада силжитишнинг қонуниятини ва ҳал қилувчи шарт-шароитини ташкил этади.

Ижтимоий-сиёсий ташкилотнинг олий формаси, сиёсий системанинг ўзаги, совет жамиятининг раҳбар ва йўналтириб турувчи кучи бўлган КПСС мамлакатни ривожлантиришнинг бош йўлини белгилаб беради, халқнинг бунёдкорлик фаолиятига илмий раҳбарликни таъминлайди, унинг коммунизм ғалабасидан иборат пировард мақсадга эришиш учун курашига уюшқоқлик, планли ва собитқадамлик характерини бағишлайди.

Социал-иқтисодий жадаллаштиришнинг, қайта қуришнинг стратегик вазифалари КПСС сафларини ғоявий-ташкилий жиҳатдан тобора мустаҳкамлаш, коммунистларнинг сиёсий ҳамда меҳнат активлиги ва масъулиятини муттасил ошириб бориш, партия ички демократиясини ривожлантириш, партиявий иш форма ва методларини тубдан яхшилаш ҳамда такомиллаштириш заруриятини тақозо этади. Ленин партияси ҳозир айни шу йўналишда иш олиб боряпти. КПССнинг тарихий XXVII съездининг бутун иши ана шу революцион, большевистик руҳ билан суғорилган, Марказий Қўмитетнинг съезддан кейинги Пленумларининг, айниқса январь (1987 йил) Пленумининг қарорлари унинг ғоявий бойлигини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қаратилди.

Партиявий ишни қайта қуришнинг моҳияти шундан иборатки, ҳар бир партия ташкилоти омма томон бурилиши, уларга таяниб, КПСС XXVII съездининг бош йўлини турмушга татбиқ қилиш учун актив кураш олиб бориши, изланиш, ўз

ишининг форма ва методларини янгилаш вазиятида яшаши лозим. Қайта қуриш шароитида партиянинг асосий потенциалини ташкил қилувчи бошланғич партия ташкилотлари зиммасига айникса катта масъулият юкланади. Бевосита омма орасида иш олиб борадиган айни шу бошланғич ташкилотларда партия сиёсати реал ишларда ўз ифодасини топади. Социал-иктисодий жадаллаштириш, қайта қуриш муваффакияти ҳал қилувчи даражада уларнинг қандай иш тутишларига, ташкилотчилик иши билан сиёсий ишни қанчалик қўшиб олиб боришларига, коммунистларнинг авангардлик ролини нечоғлик ошира олишларига, омма билан алоқани нечоғлик мустаҳкамлай олишларига боғлиқдир.

Шуни қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VI пленумида таъкидланганидек, Ўзбекистон Компартияси, жумладан унинг бошланғич партия ташкилотларининг ижтимоий-сиёсий практикасида ижобий силжишлар юз бермокда. Бирок партия ташкилотларининг анчагина қисми қайта қуриш, демократиялаштириш, ўзгараётган хўжалик механизмини такомиллаштириш вазифалари билан тўлик ҳамоҳанг бўла оладиган ижтимоий процессларнинг ривожланишига раҳбарлик қилишнинг самарали форма ва методларини топганларича йўқ. КПСС Марказий Комитетининг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилотининг ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қарорида ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VI пленуми материалларида республика партия ташкилотлари ишини қайта қуришнинг бориши, бу борадаги нуксонлар ва ҳал этилмаган проблемалар ҳамда уларни бартараф этиш йўллари чуқур таҳлил қилиб берилди.

Жамиятда авангардлик ролини амалга ошириш учун партия ўз аъзоларининг маънавий-сиёсий даражасини ва активлигини тобора юксалтириб бориши керак. Мамлакатимиз олдида турган вазифалар мураккаблашиб, экономикани ривожлантиришда интенсив, сифат факторлари кучая борган сари коммунистлар шахсий намунасининг, уларнинг ўз коллективларидаги ташкилотчилик ва сафарбар қилувчилик ролининг аҳамияти ҳам тобора кўпрок оша боради. КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий докладида: **«Коммунистнинг авангардлик роли умумий гап эмас, бу нарса амалий ишларда ифодаланади»**,— деб таъкидланди. Коммунистларнинг юксак меҳнат ва ижтимоий активлиги, уларнинг партия билан халк олдидаги ўз бурчларини чуқур англаб етишлари, ижодий ташаббуслари — партия ташкилотлари ҳаётимизнинг барча соҳаларига партиявий таъсирни муттасил кучайтириб бориш учун эга бўлган ва доимий равишда бойитиб боришлари лозим бўлган асосий ва битмас-туганмас маънавий-сиёсий резервдир.

Афсуски, ҳамма коммунистлар ўз авангардлик ролини бажармоқдалар, турмушда ва меҳнатда намуна бўлмоқдалар, деб бўлмайди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VI пленумида (1987 йил август) қайд этилганидек, амалий ишларда коммунистларнинг авангардлик роли намоён бўлмаётган фактлар кўплаб учрайди. КПСС аъзоларининг талайгина қисми планларини бажармайдилар, камчиликлар, интизом ва жамоат тартиби бузилишлари, қўшиб ёзишлар, кўзбўямачилик, ўғрлик, ичкиликбозлик билан муроса қилмоқдалар, партиявий турмуш ва ахлок нормалари, КПСС Устави талабларидан чекинишга йўл қўймоқдалар. Кўпларга ҳали ҳам мансабдор кишиларга таъзим қилиш, вазифаси ва ёши катталарга муте бўлиб улар иродасини сўзсиз бажо келтириш одатини тарк этиш қийин бўляпти.

Қайта қуриш коммунист раҳбарларга нисбатан айникса катта талаблар қўяди. М. С. Горбачевнинг «Қайта қуриш ва партиянинг кадрлар сиёсати тўғрисида»ги докладини муҳокама қилган КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленумида бу масалага катта эътибор берилди. В. И. Ленин раҳбар ходимларга уларнинг сўзига қараб эмас, амалий ишларига қараб баҳо бериш лозим, раҳбар зўр бериб ишлаши, принципиаллиги, ўзига ва атрофидагиларга талабчанлиги билан обрў топади, деб таъкидлашдан толмас эди. КПСС МК 1987 йил январь Пленумида қайта қуришнинг муваффақияти кадрларимиз ўзгаришлар ясаш зарурлигини қанчалик тез ва теран қабул қила олишларига, партия йўлини ҳаётга нақадар ижодий ва собитқадамлик билан амалга оширишларига ҳал қилувчи даражада боғлиқ эканлиги қайд этилди. Бирок, МК Пленумида уктириб ўтилганидек, барча кадрлар қайта қуриш синовига бардош

беряпти, деб бўлмайди, партия ходимлари кишилар ташаббуси ва фаоллигини ўзларига оғир оладиган, уларга ҳатто сал бўлмаса табиий офат деб қарайдиган ҳоллар ҳам оз эмас. Ҳолбуки омма ижодкорлигига бош-қош бўлиш, камчиликларни тезроқ тугатишда кишиларга ёрдам бериш, ишни чинакамига йўлга қўйиш партия комитетларининг қайта қуриш шароитидаги энг биринчи бурчидир.

* *
*

КПСС МК 1987 йил июнь Пленумида таъкидланганидек, «ҳамма чигалликларга, қийинчиликларга ва тўсиқларга қарамай, қайта қуриш ғоявий ва маънавий ғалаба қозонди... Қайта қуриш ҳам кенгайиб, ҳам чуқурлашиб бормоқда...

Партия омманинг активлигини уйғотди. Бизнинг бурчимиз эса жўшқинлик сўнишига йўл қўймай, балки уни ривожлантиришдан, тўла куч билан намоён бўлишига имконият яратиб беришдан иборат».

Совет халқининг фидокорона меҳнати ижобий натижалар бермоқда. Бу ўринда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, интенсивлаштириш, ишлаб чиқариш структурасини яхшилаш, инвестиция процессини қайта қуриш, маҳсулот сифатини яхшилаш, ресурсларни тежашни такомиллаштириш сингари юксалишнинг узоқ муддатга мўлжалланган стратегик факторлари тўлиқроқ ишга солина бошлаганлигини қайд этиш муҳимдир. Натижада халқ хўжалигининг динамик ривожланиши кучайди. Миллий даромад ва саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши жиҳатидан 80-йиллардаги энг юксак кўрсаткичга эришилди. Экономикамизнинг социал самараси ўсиб боряпти.

Совет халқи ўз авангарди бошчилигида кураш ва ғалабаларнинг катта ва шонли йўлини босиб ўтиб, мамлакат қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. 1913 йилдан 1987 йилгача ижтимоий маҳсулот 86 баравар кўпайди, миллий даромад —94, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш — 205, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти —4, миллий бойлик —50, шаҳар аҳолисининг реал даромадлари —12 ва қишлоқ аҳолисининг реал даромадлари 19 баравар ошди.

Советлар Мамлакатининг коммунистик қурилишда қўлга киритган буюк ғалабалари КПСС омма билан алоқасини доимо мустаҳкамлаб ва ривожлантириб, Улуғ Октябрь ишини изчил давом эттираётганлигидан, Ленин йўлидан ишонч билан бораётганлигидан, ишчилар синфи, бутун совет халқининг сиёсий йўлбошчиси ролини муносиб бажараётганлигидан гувоҳлик беради.

«Энди гўё партиясиз иш кўриш мумкин, деган фикрга қўшиладиган, одам топилмаса керак, деб ўйлайман,— деб таъкидлади М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетида оммавий ахборот воситалари ва ижодий союзлар раҳбарлари билан бўлган учрашувда.— 70 йил ортимизда қолди ва биз бу хусусда бир хил хулосаларни чиқара оламиз. Айникса, ҳозир, ғоят катта давлатимизда улкан ўзгаришлар содир бўлаётган, биз демократиялаш, мунозаралар, изланишлар жараёнларини авж олдираётган босқичда шундай хулосалар чиқара оламиз ва шу билан бирга биз йўл-йўлакай қайта қуришни таъминлашимиз, олға боришимиз керак. Тегишли сиёсатни, амалий вазифаларни ҳал этиш стратегиясини илмий идрок этиб, таклиф қилишга қодир бўлган партиясиз буни амалга ошириб бўлмайди».

КПСС босиб ўтган карийб 85 йиллик қаҳрамонона йўл унга партия «давримизнинг ақл-идроки, шон-шарафи ва виждони» (ТАТ, 34-том, 108-бет) деб бундан 70 йил муқаддам Ленин берган баҳонинг тарихий ҳаққонийлигини исботлади ва исботламоқда. КПСС раҳбарлиги — совет халқининг коммунистик қурилишдаги муваффақиятлари гаровидир.

Г. СМИРНОВ

РИВОЖЛАНАЁТГАН СОЦИАЛИЗМНИНГ ИЖОДИЙ НАЗАРИЯСИ

М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ УЧ ТОМЛИК «ТАНЛАНГАН НУТҚЛАР ВА МАҚОЛАЛАР» КИТОБИНИНГ БОСИЛИБ ЧИҚИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Мамлакатимизда ҳозир содир бўлаётган воқеалар социализм ва дунё тақдирида чуқур ва улкан из қолдиради. Янгиланиш жараёнлари ҳар бир совет кишисига дахлдордир, улар мамлакатимиз хорижида ҳам чинакам қизиқиш уйғотмоқда, совет кишиларида содир бўлаётган воқеаларнинг тагига етиш истагини туғдирмоқда. Турли хил мулоҳазалар, қизғин баҳсларни тез-тез эшитиш мумкин. Экономикага оид масалалар, ижтимоий-сиёсий ва социал проблемалар, жадаллаштириш ва қайта қуриш ғоялари жамоатчилик диққат-эътибори марказидадир.

Шу муносабат билан КПСС МК ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институти ва Сиёсий адабиёт нашриёти томонидан нашрга тайёрланган М. С. Горбачевнинг уч томлик танланган нутқлар ва мақолаларининг босилиб чиққанлиги катта эътиборга сазовордир. Уларда партиянинг интенсив назарий ва амалий иши, совет жамияти олдида турган проблемаларни излаб топиш ва ҳал этиш акс этган. Уларда, таъбир жоиз бўлса, қайта қуриш тўғрисидаги ҳамма нарса — дастлабки режалардан тортиб то аниқ ифодаланган концепция ва уни амалга оширишнинг конкрет йўлларигача бўлган ҳамма нарса мужассамлашган. Уч томликка 1967 йил ноябридан 1986 йил июлигача бўлган қарийб йигирма йиллик даврни қамраб олувчи асарлар кирган (*М. С. Горбачев.* Избранные речи и статьи. Тт 1—3. М., Политиздат, 1987. Бундан буён ана шу нашрнинг фақат томи ва бетлари кўрсатилади).

Дастлабки мақолалардан бошлаб ва бутун нашр давомида партиявий раҳбарликнинг сиёсий методларини такомиллаштириш, илғор техника ва технологиядан фойдаланиш, хўжалик юритишнинг иқтисодий самарадорлиги, меҳнат коллективлари, шаҳар ва қишлоқнинг социал турмушига, интернационалистик ва ватанпарварлик онгини тарбиялашга оид проблемалар авторнинг асосий эътиборини жалб қилади. Кескин, ҳал қилинмаган масалаларга алоҳида қизиқиш кўзга яққол ташланиб туради. Нашр қилинган материаллар энг зарур ижтимоий эхтиёжлар таъсирида мамлакат тараққиётини жадаллаштириш ғояларининг қандай пайдо бўлганлиги ва етилганлигини, кескин ўзгаришлар, иқтисодий, социал, сиёсий ва маънавий ҳаётни тубдан қайта қуриш зарурлигининг идрок қилинганлигини кузатишга имкон беради.

Эълон қилинган асарлар ижтимоий аҳамиятга молик проблемаларнинг кенг доирасини қамраб олади, уларда социализм назарияси ва практикасининг, тарихнинг энг жиддий ва масъулиятли босқичларидан биридаги, инсоният ҳаётининг кескин бурилиш босқичидаги жаҳон тараққиётининг асосий масалаларига жавоблар мужассамлашган. КПСС МК апрель (1985 йил) Пленуми материаллари, КПСС МКнинг партия XXVII съездига Сиёсий доклади — шулар жумласидандир. Марказий Комитетнинг январь ва июнь (1987 йил) Пленумларидаги докладларда ана шу комплексдаги ғоялар янада ривожлантирилди, улар иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётни қайта қуриш ҳамда янгилашдан иборат яхлит бир концепция сифатида таърифлаб берилди. Китобхон ички ва халқаро

СМИРНОВ Георгий Лукич, СССР ФА мухбир аъзоси, КПСС МК ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институти директори.

ҳаётнинг чуқур ва ҳар томонлама анализ қилинишига: социализм тарихий муваффақиятларининг кенг қамровли характеристикасига, воқеликнинг реалистик таҳлилига, тормозланиш жараёнлари, турғунлик ҳолатларига берилган муросасиз баҳога; социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш концепциясини ва жамиятнинг сифат жиҳатидан янги ҳолатига эришиш вазифаларини ишлаб чиқиш жараёнининг; тинчликни сақлаб қолиш ва халқаро хавфсизлик ишига янгича ёндашувлар, янги тинчлик фалсафасининг илгари сурилиши анализ қилинишига гувоҳ бўлади.

Мазкур мақолада асосан социализм назариясининг революцион янгиланиш босқичидаги баъзи бир масалалари устида тўхталишга ҳаракат қилинди. Партиянинг назарий фаолияти социалистик ва коммунистик қурилишнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучларидан бири, қайта қуришнинг ғоят муҳим воситаси бўлиб бораётганлиги сабабли бу иш айникса асослидир.

Ягона асосий мавзу — ўзаро мустаҳкам, чамбарчас боғланишдаги социализм **ва тинчлик тақдири — учала томнинг мазмунини ташкил этади. Жадаллаштириш** ва қайта қуриш, меҳнаткашларнинг ҳаётий манфаатларини рўёбга чиқаришнинг асосий йўли — айни шу социализм йўлларида амалга ошади. Ҳозирги вақтда инсоният фақат тинчлик шароитидагина прогрессив равишда тараққий этиши мумкин — тарих бизга бошқача йўл қолдирмади. Ниҳоятда қисқа муддат ичида ҳозирги борлиқнинг янги реалликлари идрок қилинди; асосланган дадил умумлашмалар асосида новаторлик ёндашувлари ишлаб чиқилди. Улар ўзининг ана шу яхлит ҳолида янгича тафаккурнинг пойдеворини ташкил этади, ҳозир социализм бундай тафаккурга ғоят муҳтож, бутун жаҳон учун бундай тафаккур ғоят зарур. Совет коммунистларининг сиёсий ҳаракат программаси кўп жиҳатдан — партиянинг коллектив ижоди, коллектив тафаккурининг натижасидир, албатта. Шу билан бирга китоб авторининг бу фаолиятга қўшган ҳиссаси салмоқли, ҳар томонлама ва ёркин даражада индивидуалдир.

1

Революцион назарияга, В. И. Лениннинг ижодий меросига ва методига мурожаат қилиш — фикрловчи коммунистнинг бурчидир. Лекин Ленин асарларини **яхшилаб ёд олиб, эслаб қолиб, улардан ҳар доим цитаталар келтириб туриб ҳам** ўзгариб турувчи реаллик олдида ожиз бўлиб қолиш мумкин. М. С. Горбачевнинг Ленин асарларига мурожаат қилиши ҳар доим аниқ мақсадга қаратилган ижодий характер касб этади — автор мамлакатда, жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни ленинча методология нуқтаи назаридан идрок этишга, вужудга келаётган вазифалар моҳиятини, уларни ҳал этиш йўлларини белгилашга ҳаракат қилади.

Ленинчасига ишлаш нима? — деган савол диққат марказида туради. Аввало бу — умумдавлат, умумхалқ манфаатларини биринчи ўринга қўйиш, тартибли, ишчан ва собитқадам бўлиш, истиқболни ҳисобга олиб ҳаракат қилиш, фанга ва тўғри ҳисоб-китобга таяниш, қабул қилинаётган қарорларнинг оқибатларини олдиндан назарда тутишдан иборат (1-том, 393, 394-бетларга *қаралсин*). Автор бошқарувнинг иқтисодий ва маъмурий методларини қўлланиш чегаралари қаердалигини, манфаатларнинг бутун ранг-баранглигини қандай қилиб энг яхши тарзда ҳисобга олиш ва улардан умумий мақсадларда фойдаланишни ленинча идрок этишни тадқиқ қилади. В. И. Лениннинг назарий ва сиёсий мероси билан доимий мулоқотда бўлиш бугунги воқеликни ижодий тушуниб етишга, новаторлик йўлларини топишга имкон берадиган анализ методларини, ностандарт ёндашувларни ишлаб чиқишга кўмаклашади.

Партия ҳозирги назарий фаолиятининг нашр этилган материалларда ўз аксини топган методологик ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат? Бу аввало ҳаётнинг ҳозирги диалектикасини билиш талаби — ҳаётий жараёнларни чуқур реалистик баҳолай олиш, дунёни ривожланишда кўриш, ҳеч нарсани идеаллаштирмасдан аслида мавжуд нарсани очиқчасига тан олишга журъат қила билиш, бинобарин, ҳар қандай ижтимоий аҳамиятга эга жараёнда қарама-қаршиликлар курашини доимо тадқиқ қилиш, зиддиятларни хаспўшламасдан,

уларга тараккиётнинг манбаи, ҳаракатлантирувчи кучи сифатида карашга тайёр туриш демакдир. «Афсуски, етилиб келаётган зиддиятларни ҳамиша хам ўз вактида аниклаб, бартараф этишнинг иложи бўлмайди. Баъзан сусткашлик, тафаккурнинг консервативлиги, ишнинг вужудга келган формаларини ўзгартира билмаслик ёки ўзгартиришни истамаслик ҳамда жамики янгиликларга имконият очадиган, ҳам бугунги, ҳам эртанги кун эҳтиёжларига мос бўлиб тушадиган янги методларга ўта билмаслик ёки ўтишни истамаслик бизга халакит бермокда» (2-том, 81-бет). Кескин бурилиш даврида ғоят яккол намоён бўладиган турли манфаатларнинг тўкнашуви билан боғлик мураккаб ва зиддиятли жараён сифатидаги жамиятни зарурий тарзда кайта куришнинг анализи назария ва практика учун алоҳида кимматга эгадир.

Жараёнларнинг теран мазмунини уларнинг намоён бўлиш формалари ва усулларидан, муҳим, асосий нарсаларни номуҳим, иккинчи даражали, ўткинчи нарсалардан фарклай билиш — диалектик-материалистик анализнинг энг муҳим талабидир. Социализмни халкнинг жонли ижодкорлиги сифатида тушуниш, социалистик курилишда омма активлигининг ҳал килувчи ролини идрок этиш, уларнинг хилма-хил манфаатларига ҳамиша эътибор бериш, бу манфаатларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш — автор оғишмай амал киладиган катъий методологик коидалардан биридир. Тажрибани ўрганиш, билишнинг олий мезони сифатида практикага мурожаат килиш — ана шу ленинча талаб ҳар доим назарий ва сиёсий фаолиятнинг зарурий шарти сифатида илгари сурилади. Чоп этилган асарларнинг методологик мазмуни, албатта, шундангина иборат эмас, лекин айтиб ўтилган нарсаларнинг ўзиёк уларда вокеликни ижодий ўзлаштиришнинг зарурий таркибий кисмлари — назарий анализ, илмий ёндашувлар ва сиёсий санъатнинг диалектик бирикувидан далолат беради.

2

Реал социализм, унинг муваффакиятлари ва проблемалари, унинг назарияси ва практикаси ҳозиргача ҳеч качон 1985 йил апрелдан кейинги даврда КПСС томонидан тадкик килинганидек батафсил, чукур ва интенсив тадкик этилмаган эди. Тўпланиб колган проблемаларни ҳал этишга кескин эҳтиёж вужудга келганлиги ва партия ичида ғоят бой тажрибани чукур ўрганиш ва ундан самарали фойдаланишга, хаёт талаб килаётган энг муҳим туб ўзгартиришларни дадил амалга оширишга кодир кучлар етилганлиги сабабли ҳам шундай килинди.

Социалистик ривожланиш характерини, етилган проблемаларни назарий идрок этишга интилиш умуман уч томликдаги барча асарлар учун хосдир. Лекин КПСС МК апрель Пленумидаги доклад кескин бурилиш нуктаси ҳисобланади. Апрель Пленуми партия ва халк хаётидаги назарий ва сиёсий жиҳатлардан энг масъулиятли ва энг бой даврлардан бирини очиб берди. Айтиш мумкинки, апрель Пленуми социализмнинг марксча-ленинча назариясининг роли ва максадини шундай тушунишга асос солдики, бунда ҳар томонлама изланиш, вокеликни батафсил анализ килиш, янги энг муҳим проблемаларни ижодий ҳал этиш антидогматик йўналиш, сийка андозалардан ва эскирган шаблонлардан кескин воз кечиш шу куннинг асосий вазифаси бўлиб колди.

Партиянинг назарий-сиёсий ишидаги ижодий, новаторлик ёндашуви марксизм-ленинизмнинг тарихнинг турли боскичларида вужудга келадиган социализмнинг у ёки бошка модификацияларини унинг энг муҳим, фундаментал характеристикалари билан бир хил деб карамаслик кераклиги тўғрисидаги асосий методологик талаби билан бевосита боғликдир. Факат ана шу нуктаи назардан туриб тараккиётнинг самарали йўллари ва усулларини дадил, бетиним излаш мумкин. Якин ўтмишда эса бир вактлар яратилган, ўткинчи формалар социализмнинг моҳияти деб кабул килинган ёки шундай деб кўрсатилган эди, шу сабабли сиёсий хаётда: «ҳеч нарсани ўзгартирмасдан ишни кандай килиб яхшиласа бўларкан» деган ўзига хос психология устунлик килди, назарияда эса ташвишга солаётган фактлар ва тартибсизликлар туғдирадиган нохуш туйғуларни камайтиришга кодир турли цитаталарни йиғишга бўлган кўрсатма ана шундай тасалли берувчилик ролини ўйнаган эди.

Шу аснода тарихий ривожланишнинг янги палласи ўрнашиб колган

практикани ва шу билан бир вактда назарий ва сиёсий тафаккур услубини хам ўзгартиришни талаб килди. Агар хар бир даврни характерлайдиган илмий кашфиёт килиниши билан материализм янги формалар касб эта боради деган коида тўғри бўладиган бўлса, унда тарихнинг хар бир кескин бурилиш боскичида социализм назарияси хам жиддий тарзда ўзгармай колмайди деган коида хам шунчалик тўғридир. М. С. Горбачев социализмнинг оламшумул-тарихий ғалабаларининг ғоят мухим ахамиятини хамиша таъкидлаш билан бирга шундай кайд килган эди: «Ўз-ўзидан равшанки, биз социализмнинг рохат-фароғатга кўмилган образини тасвирлашдан йирокмиз. Унинг тараккиётидаги хар бир янги палла ўз вазифалари ва проблемаларини илгари сурмокда, ўз зиддиятларини вужудга келтирмокда» (2-том, 70-бет). Масалани бундай диалектик тарзда кўйиш аввало социализмнинг иктисодий формалари тўғрисидаги тасаввурларни янгилаш, ишлаб чикарувчи кучларни жадал ривожлантириш учун кенг имконият яратадиган хўжалик механизмини тубдан кайта куриш зарурагини, мехнаткашлар активлигини кенг авж олдириш, улар турмушини яхшилаш максадларида социал ва сиёсий структураларни кескин янгилаш зарурагини нихоятда актуал килиб кўяди. Масала тарихнинг объектив жараёни томонидан шу тарзда кўйилди, тарихнинг бугунги даъватини факат шу тахлитда тушуниш мумкин!

Лекин жамият олға томон харакат кила борган сайин хар кандай тарихий ижтимоий форманинг мукаррар суратда эскириши ва унинг секин-аста янгиси билан алмаштирилиши кераклиги тўғрисидаги хакикатни хис килиш билан бирга айни *ниманинг* эскирганлиги, уни *нима билан* алмаштириш мумкинлиги ва буни *қандай йўл* билан амалга ошириш мумкин бўлишини аник белгилаб олиш зарур эди. В. И. Ленин хар доим такрорлаганидек, хакикат хамиша конкрет бўлади. 1985 йил апрелдан бошлаб бутун назарий изланувчанлик иши ана шу йўналишда авж олиб кетди. Социализмнинг тарихий такдири социал-иктисодий тараккиётни жадаллаштириш стратегияси билан мустахкам боғлаб кўйилди. Бунда масала нафакат ўсиш суръатларини жадаллаштиришдан, балки социалистик жамиятни сифат жихатидан янги марраларга олиб чикишдан иборат килиб кўйилди. «Партия хозирги йўлининг мохиятини ифодаловчи формула — мамлакатни социал-иктисодий ривожлантиришни жадаллаштириш оркали — совет жамиятининг сифат жихатидан янги холатига эришишга интилишдан иборат» (3-том, 7–8-бет).

КПСС МК апрель Пленумида таърифлаб берилган ва партия XXVII съездида хар тарафлама бойитилган социал-иктисодий жадаллаштириш, шу асосда совет жамиятининг сифат жихатидан янги холатига эришиш концепцияси социализм назариясини чукурлаштиришда принципиал кадам бўлди, иктисодий, сиёсий, социал ва ғоявий-тарбиявий вазифаларни реал хаётий негизга кўйди.

Шу муносабат билан яна бир марта «ривожланган социализм» тўғрисидаги масалага кайтиш зарур. Биз бу тема юзасидан нихоятда хушёр ва аник фикр юритишимиз лозим. Масала «ривожланган социализм» тушунчасини кандайдир йўллар билан четлаб ўтиш, ундан халос бўлишдан иборат эмас, албатта. Коммунистик формациянинг биринчи боскичи бўлган социализм эртами ёки кечми лекин барибир коммунизм сари йўлда ўзининг энг етук боскичидан *муқаррар суратда* ўтиши керак. Маълумки, В. И. Ленин бу боскични олдиндан кўрган ва унинг келажакда мукаррарлигини кўрсатган эди (Тўла асарлар тўплами, 40-том, 119-бет; 36-том, 159-бетга *қаралсин*). Лекин гап бу тушунчадан максимал тарзда илмий аниклик билан, совет жамиятининг ана шу йўлдан илгари боришининг реал даражасини ошириб юбормасдан фойдаланиш хакида бормокда. Шунингдек диккат-эътиборни эришилган ютукларни тасвирлашдан ривожланиш палласига, доим янгиланадиган ижтимоий система динамикасига кўчириш мухимдир.

КПСС МКнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида масала худди шу тарзда кўйилди. Докладда мамлакатимизнинг ривожланган социализм тарихий боскичига кадам кўйганлиги таъкидланади, бундай хулоса янги тахрирдаги КПСС Программасида хам кайд килинган. Бунда ривожланган социализмни бунёд килиш вазифасининг катор социалистик мамлакатлар кардош партияларининг программавий хужжатларида хам кўйилганлиги хисобга олинди. Шу билан бирга ўз вактида коммунистик курилиш вазифаларини хал килиш йўллари ва муддатлари хакидаги бирмунча енгил тасаввурларга зид равишда илгари сурилган

ривожланган социализм ҳақидаги тезисдан кейинчалик анчайин бир ёқлама фойдаланилганига ҳам эътиборни жалб қилинди. Иш кўпинча муваффақиятларни қайд этишдангина иборат бўлиб қолди. Ваҳоланки, экономикани интенсивлаштириш изига кўчириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, аҳоли таъминотини яхшилаш, салбий ҳодисаларни тугатиш билан боғлиқ кўпгина ҳаётий проблемалар четлаб ўтилди, уларга етарли эътибор берилмади. Исталдими ёки йўқми, бу — етилган вазифаларни ҳал қилишдаги сусткашликни ўзига хос тарзда оқлашга хизмат қилди (3-том, 276-бетга *қаралсин*). Ана шу кўринишдаги ривожланган социализм концепцияси нафақат воқеа-ҳодисаларнинг ҳақиқий аҳволини акс эттирмади, шу билан бирга уни бузиб кўрсатди, амалий сиёсатни чалғитди.

Вужудга келган шароит назарий ва сиёсий тафаккурни аввало воқеликни жиддий ўрганишга, ҳаётнинг турли соҳаларидаги сифат ўзгаришлари боғлиқ бўлган социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришнинг йўллари ва методларини асослашга қаратишни тақозо этди.

МКнинг апрель Пленуми, партия XXVII съезди, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалалари юзасидан ўтказилган кенгаш (1985 йил июнь), МКнинг январь ва июнь Пленумлари — булар қайта қуришнинг яхлит бир концепциясини яратиш йўлидаги йирик босқичлардир, бу концепция ўз ичига танқидни ҳам, экономика, социал, ғоявий-сиёсий иш, ташқи сиёсат соҳаларида янги сиёсатни шакллантиришни ҳам қамраб олган.

Янги социал-иқтисодий стратегияни шакллантиришнинг ўзи совет жамиятининг олға томон ҳаракатининг сусайишига, ғоят турли-туман салбий жараёнларнинг кўпайишига олиб келган турғунлик, танглик арафасидаги ҳодисаларнинг сабабларини муфассал тарзда назарий тадқиқ қилиш негизидагина мумкин бўлди. Тормозлаш омиллари орасида технократик фикрлаш, маҳкамачилик, эгоистик манфаатлар, социал-маданий соҳани планлаштиришдаги қолдиқчилик методлари, социал адолат талабларига етарлича баҳо бермаслик, демократик тартиботларни ривожлантиришдаги, идеология ишидаги камчиликлар, назарий тафаккурнинг ижтимоий практика эҳтиёжларидан очиқдан-очиқ орқада қолишлиги кўзга ташланади.

Бундай ҳодисаларнинг бари «тормозлаш механизми» тушунчасида умумлашган ҳолда ифодаланди, бу тушунча илмий социализм назариясида принципиал янги тушунчадир, чунки биз бундан илгари, одатда, буни ўтмиш сарқитлари, онгнинг турмушдан орқада қолиш деб, уларга ишлаб чиқариш муносабатларининг эскириб борувчи формалари деб изоҳлаб ўзимизга тасалли берар эдик. «Тормозлаш механизми» — анча кенг, ҳаётнинг турли соҳаларига, шу жумладан сиёсий соҳага ҳам оид, лекин аллақандай бир консерватив бирлик, тараққиётга зид ҳаракат қиладиган аллақандай бир яхлитлик ичида ўзаро боғланган турли-туман ҳодисаларни бирлаштирувчи тушунчадир. Қабул қилинган тушунчанинг самарадорлиги яна шундаки, у ўзининг «муҳолифи»ни — *«жадаллаштириш механизми»* тушунчасини ҳам тақозо этади, бу тушунча ўз мазмунида турғунликни бартараф қилишга, бизнинг олға томон ҳаракатимизни кескин жадаллаштиришга қаратилган турли формалар ва методларни комплекс тарзда бирлаштирган ҳолда синтез қилувчилик ролини ўйнаши лозим бўлади.

Шуни таъкидлаш муҳимки, М. С. Горбачев асарларида салбий ва ижобий жараёнлар анализи ҳеч қачон мавҳум, айниқса номаълум характерда бўлмайди. Ғоят кенг миқёсдаги умумлашмалар замирида ҳам ҳар доим муайян манфаатларни кўзлаб ҳаракат қилаётган, муайян қарашларга эга одам ёки одамлар группаси туради. Автор у ёки бу конкрет проблемалар ечими, илғор тажриба анализи муносабати билан конкрет шахслар (ишлаб чиқариш илғорлари, кўзга кўринган ташкилотчилар)нинг номларини ёки жиддий тенденцияларни ифодалайдиган умумлашма образлар, социал типларни тилга олади. Социал типиклаштириш проблемалар, жараёнлар характеристикасини ниҳоятда ойдинлаштиришга, кўриб чиқилаётган ҳодисалар моҳияти ва аҳамиятини чуқур очишга имкон беради.

Партия бугунги кунда масъулиятини ўз зиммасига олаётган салбий жараёнлар, камчиликларнинг характеристикаси асосида КПСС XXVII съездида жиддий ва аччиқ сабоқлар чиқарилди. Партия аъзоси бўлган ҳар бир раҳбар учун, ҳар бир коммунист учун уларнинг аҳамияти бебаҳодир. Улар ҳақиқат сабоқларидир. Ўтмишни масъулият билан таҳлил этиш келажак йўлини тозалаб беради.

ўткир жиҳатларни тортинчоқлик билан четлаб ўтадиган чала ҳақиқат эса реал сиёсатни ишлаб чиқишга ва уни амалга оширишга тўсқинлик қилади. Бу амалий хатти-ҳаракатлардаги собитқадамликка ва қатъиятга бўлган заруратдир. Туб ўзгартиришларни бошлаб қўйиб чала-чулпа тадбирлар билан чекланиш ярамайди, энг дадил қадамлар қўйишдан тўхтамай изчиллик ва ғайрат билан иш кўрмоқ лозим. Яна бир асосий сабоқ: ҳар қандай ишнинг муваффақияти омманинг унда нақадар актив ва онгли равишда қатнашиши билан ҳал қилувчи даражада белгиланади. Кенг меҳнаткашлар оммасини танлаб олинган йўлнинг тўғрилигига ишонтириш, уларни маънавий ва моддий жиҳатдан қизиқтириш, кадрларнинг психологиясини қайта қуриш — тараққиётимизни жадаллаштиришнинг энг муҳим шартларидир. Интизом ва уюшқоқлик, ҳар бир кишининг топширилган иш, унинг натижалари учун масъулияти нақадар юксак бўлса, олға томон ҳаракатимиз шу қадар тезлашади (3-том, 201, 202-бетларга *қаралсин*).

Бу сабоқлар ахлоқий талаблар сифатида эшитилади, лекин шу билан бирга улар муваффақиятнинг сиёсий йўли ва шартларидирки, фақат уларга оғишмай амал қилишгина қўйилган мақсадларга эришишни гарантиялаши мумкин. Дарҳақиқат, ана шу талабларни яқин ўтмишдаги раҳбарлик фаолиятининг услуби билан солиштирилса, бизнинг ҳаммамиз қайта қуриш жараёнида қандай оғир юкдан халос бўлишимизга тўғри келиши аён бўлади. Фақат ана шу сабоқлардан тўғри хулосалар чиқариб олишгина сусткашликдан, қотиб қолганликдан, бебурдликдан, сўз билан иш ўртасидаги узилишдан, собитқадамлик, қатъият ва мардлик танқислигидан халос қилиши мумкин (қадамба-қадам халос қилмоқда ҳам). Қайта қуришнинг муҳим қирраларидан бири ана шундадир.

КПСС МК июнь (1987 йил) Пленуми турғунлик вазиятининг сабабларини тадқиқ қилишга алоҳида ҳисса қўшди. Пленумда қилинган докладда 70—80-йиллар оралиғидаги танглик арафасидаги ҳолатлар кескинлашувининг сабаблари назарий жиҳатдан чуқур ва объектив анализ қилинди. Партия бундай кескин баҳоларнинг зарурлигига, туб ўзгартишлар учун астойдил эхтиёж борлигига шубҳа билан қарашлар мавжудлигини ҳисобга олиб, бу тўғрида яна бир марта бутунлай очиқчасига гапиришни зарур деб топди. «Мен ўйлайманки, бундай кайфиятлар устун келиб, ҳозирги сиёсат шулар асосида ишлаб чиқиладиган бўлса, бу нарса мамлакат учун, халқ учун ўта оғир оқибатларга олиб келган бўлур эди», — деб таъкидлади Пленумда М. С. Горбачев.

3

Табиийки, экономика партия назарий ва амалий фаолиятининг марказида турибди. Бу жамиятнинг ҳаётий негизи бўлгани учун ҳам шундай. Бу ерда энг кучли тормозланиш омиллари вужудга келгани учун ҳам шундай. Проблемалар характери принципиал янги иқтисодий стратегияни, мутлақо бошқача ёндашувларни ишлаб чиқишни тақозо этди, чунки бундан олдинги тадбирлар ярим-ёрти характерга эга эди ва, колаверса, изчиллик билан амалга оширилмаган эди. КПСС МКда 1985 йил июнда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалалари юзасидан ўтказилган кенгаш, КПСС XXVII съезди янги иқтисодий стратегияни белгилашда муҳим роль ўйнади. Шу жиҳатдан экономикани бошқаришни тубдан ислоҳ қилишнинг яхлит бир концепциясини илгари сурган КПСС МК июнь (1987 йил) Пленуми алоҳида ўрин тутади.

Уч томлик материаллари иқтисодий туб ўзгартиришларнинг вазифалари ва характери тўғрисидаги назарий тасаввурларнинг вужудга келиши ва ривожланишини кузатишга имкон беради. 30—40-йилларда таркиб топган экономикани бошқариш системаси қатъий централизм, батафсил регламентга солиш, юқоридан туриб номма-ном топшириқлар берилиши билан характерланар эди. Гарчи хато ёндашувларга йўл қўйилган, субъективистик типдаги қарорлар қабул қилинган бўлса-да, мамлакат аҳволи ва эҳтиёжлари муайян маънода шуни объектив тақозо этарди. Бу система қисқа тарихий муддатда мамлакатнинг техникавий-иқтисодий қолоқлигига барҳам беришни, социализмни қуришнинг стратегик вазифаларини ҳал этишни, мудофаани мустаҳкамлашни таъминлади. Лекин у ҳозирги босқичда иқтисодий тараққиётнинг шарт-шароитлари ва эҳтиёжларига кескин зид келиб қолди.

Партия ҳозирги реалликларни чуқур анализ қилиш асосида иқтисодий сиёсатнинг, халқ хўжалигини фан-техника тараққиёти негизида реконструкция қилишнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқди, машинасозликни олдинги ўринга суриш, халқ хўжалигининг бошқа барча тармоқлари юзасидан энг муҳим вазифаларни белгилаш билан структуравий ва инвестиция сиёсатини тубдан ўзгартирди. Лекин хўжалик юритишнинг эскирган иқтисодий формалари ва усулларидан воз кечган тақдирдагина бу вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш мумкин. Ҳаёт талабларидан келиб чиқиб, деди М. С. Горбачев партия XXVII съездида, айрим назарий тасаввурлар ва концепцияларга янгича назар ташлаш керак (3-том, 217-бетга *қаралсин*).

Аввало ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатлари диалектикасига тўхталамиз. Практика социализм шароитида амалдаги ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқарувчи кучлар характерига мувофиқлиги гўё ўз-ўзидан таъминланади деган тасаввурларнинг асоссизлигини кўрсатди. Ҳаётда ҳамма нарса мураккаброқдир. Чунончи, ишлаб чиқариш муносабатларининг ҳозиргача сақланиб келаётган формалари, хўжалик юритиш ва бошқарув системаси асосан экономикани экстенсив йўл билан ривожлантириш даврида, экстремал шароитлар ва вазифаларнинг кучли таъсири остида шаклланган эди. Кейинчалик шароитлар ва вазифалар кескин ўзгарди, бу формалар секин-аста эскириб, рағбатлантирувчи аҳамиятга эга бўлмай қолди, халқ хўжалигини янада юксалтириш йўлида тўсиққа айланди. Ҳозир биз хўжалик механизмининг йўналишини ўзгартиришга, унинг чиқимдорлик характерини бартараф этишга, сифат ва самарадорликни ошириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, инсон омили ролини юксалтиришга интилмоқдамиз. Бу амалда социалистик ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштиришни англатади ва ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш учун янги уфқлар очиб беради (3-том, 218-бетга *қаралсин*).

Ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатларининг ўзаро таъсирини мураккаб, ўз-ўзидан рўй бермайдиган диалектик алоқа сифатида талқин қилиш ишлаб чиқариш муносабатларининг амалдаги формаларини уларнинг ишлаб чиқариш, жамият, меҳнаткашлар коллективлари манфаатларига мувофиқ келиши нуқтаи назаридан илмий анализ қилиш ва баҳолаш учун катта имкониятларни очиб беради. Бу социализмнинг иқтисодий муносабатларини кескин янгилаш, революцион тарзда қайта қуриш учун мустаҳкам асос яратади.

Автор мулкчилик муносабатларига алоҳида эътибор беради. Бу муносабатларнинг мураккаб комплекси доимо ҳаракатда ва улар ана шундай доимий идрок этишни талаб қилади. Хўжайинлик туйғусини қуруқ сўз билан тарбиялаш мумкин, деб ўйлаш гўллик бўлур эди, уни кундалик практикада амалга ошира бориш лозим. Ўз заводи ёки колхозида, цехи ёки фермасида ҳақиқий хўжайин бўлмай туриб, мамлакатнинг хўжайини бўлиш мумкин эмас. М. С. Горбачев мулкка муносабат аввало инсон яшаётган реал шароит, унинг ишлаб чиқаришни ташкил этишга, меҳнат натижаларини тақсимлаш ва ундан фойдаланишга таъсир кўрсатиш имкониятлари билан шакллантирилишига эътиборни жалб қилади. Шундай қилиб, проблема экономикада социалистик ўз-ўзини бошқаришни янада чуқурлаштиришдан иборатдир. Ижтимоий мулкдан фойдаланишда меҳнат коллективларининг ролини кескин ошириш лозим. Корхона ва бирлашма ўз ишининг самарали бўлиши учун тўла-тўкис жавобгар бўлиши принципини оғишмай амалга ошириш муҳим. Хўжалик ҳисобининг моҳияти худди шундан иборат. Меҳнат коллективи ҳамма нарса учун жавобгар бўлиши, ижтимоий бойликни кўпайтириш ҳақида ғамхўрлик қилиши керак. Бу мулкнинг кўпайтирилиши ҳам, нобуд қилиниши ҳам коллектив ҳар бир аъзосининг даромад даражасига таъсир кўрсатиши керак.

Хўжалик ҳисобининг иқтисодий муносабатлар принципи сифатида қабул қилиниши меҳнат коллективи бойликларни ишлаб чиқариш процессида яратиб ва ўзини халқнинг бир қисми сифатида намоён қилиш билан амалда давлат мулкининг эгаларидан бири сифатида иш кўришини англатади. Лекин бундан аввалги хўжалик ҳисобининг тўлиқ эмаслиги шунга олиб келдики, коллектив ўзига топшириб қўйилган мулкка юқори орган рухсатисиз хўжайинлик қилиш учун юридик ҳуқуққа эга эмас эди. Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги янги

СССР Қонунига кўра меҳнат коллективи умумхалқ мулкидан хўжайин сифатида фойдаланади, корхона эса унинг алоҳида бир қисмига эга бўлади. Корхонада тўла ҳуқуқли хўжайин бўлган меҳнат коллективи ишлаб чиқариш ва социал ривожлантиришнинг ҳамма масалаларини мустақил ҳал қилади. Коллектив хўжалик ҳисоби асосидаги ўз олган даромадидан мустақил равишда фойдаланади, уни ҳеч ким тортиб ола олмайди. Давлат корхона мажбуриятлари юзасидан жавобгар эмас, корхона эса давлат, шунингдек бошқа корхоналар, ташкилотлар, муассасалар мажбуриятлари юзасидан жавобгар эмас.

Кооператив мулки ҳуқуқлари қайта тикланди. Бу мулк социалистик ишлаб чиқаришда, одамларнинг эхтиёжларини яхшироқ қондиришда ўз имкониятларини ҳали тўла ишга солиб бўлгани йўқ. Кооперацияни ҳар тарафлама ривожлантириш йўли билан ва якка тартибдаги меҳнат фаолияти воситасида товарлар ишлаб чиқаришни ва хизмат кўрсатишни кенгайтириш учун реал имконият борлигини тажриба кўрсатмоқда. Зеро бу марксизмнинг алифбосидир: ҳеч қандай иқтисодий форма ўз имкониятларини батамом тугатмагунича майдондан чиқиб кетмайди. Биз эса ўз вақтида бу ҳикматга эътибор бермадик ва бу билан ўзимизга ғоят катта зарар етказдик.

М. С. Горбачев ана шундай таассубларни, шу жумладан товар-пул муносабатларига етарли баҳо бермасликни назарда тутиб, партия XXVII съездида хўжалик механизмидаги ҳар қандай ўзгаришни социализм принципларидан чекиниш, деб қарашдек тенденцияга қарши огоҳлантирди ва шу муносабат билан бундай деб таъкидлади: «...Социалистик ишлаб чиқариш муносабатларининг бутун системаси сингари бошқаришни такомиллаштиришнинг ҳам энг юқори мезони — социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, социализмни амалда мустаҳкамлаш бўлиб қолиши керак» (3-том, 218-бет).

Июнь Пленуми ишлаб чиққан бошқарувни қайта қуриш концепцияси иқтисодий ўсишни оралиқ натижалардан пировард, социал аҳамиятга эга натижаларга, ижтимоий эхтиёжларни қондиришга, инсонни ҳар томонлама камол топтиришга томон қайта йўналтиришни, фан-техника тараққиётини иқтисодий ўсишнинг бош омилига айлантиришни, пухта ишлайдиган кам чиқимли механизм яратишни ўзига мақсад қилиб қўйган. Натижада социалистик тарзда хўжалик юритишнинг мутлақо янги иқтисодий формалари пайдо бўлиши керак. Бу билан чуқур революцион туб ўзгартиришлар амалга оширилади. Партия планлаштириш ва бошқарув формаларини кескин қайта қуришни таклиф қилмоқдаки, бу формалар мулкчилик ва тақсимот муносабатларини жиддий ўзгартиради (албатта, социалистик мулкчилик ва социализмнинг «Ҳар кимдан — қобилиятига яраша, ҳар кимга — меҳнатига яраша» деган асосий принципи доирасида). Буларнинг ҳаммаси *тадрижийликнинг узилишини, эволюциядаги ёриб ўтишни, прогрессив сифат ўзгаришини* англатади. Кўп жиҳатдан бу тадбирлар социалистик практикада ленинча ўткир ғоялар ва башоратларнинг тантана қилганлигини билдиради ва ўзининг социал табиатига кўра 1917 йил Октябрда бошланган ишни давом эттиради, *буюк революциянинг давоми ҳисобланади.*

4

Нашр этилган асарларда социал муносабатлар назариясига, социал сиёсатга оид масалалар ноанъанавий тарзда, теран новаторлик билан ҳал қилинади. Шуни айтиш керакки, ўтмишда турли ҳужжатларда сиёсатнинг социал аспектлари кўп марталаб тилга олинганига қарамасдан улар назарий жиҳатдан бўш ишлаб чиқилган, практикада эса янада ёмонроқ даражада амалга оширилган эди. Социал-маданий соҳани маблағ билан таъминлашда қолдиқчилик методларининг амалда кенг қўлланилганлиги, контролнинг сусайиши натижасида социализм асосий принципи талабларининг, социал адолат нормаларининг бузилиши, ўғриликлар, порахўрликнинг ривожланганлиги ва шу сингарилар ана шундан далолат беради.

Партия XXVII съездидаги докладда социал муносабатлар мазмуни кенг миқёсда таърифлаб берилган, шунингдек уларнинг ижтимоий системадаги ўрни кўриб чиқилган. «Социал соҳа синфлар ва социал группаларнинг, миллат ва

элатларнинг манфаатларини, жамият билан шахснинг муносабатларини, меҳнат ва турмуш шароитларини, сиҳат-саломатлик ва бўш вақтни ўтказишни ўз ичига олади. Айнан ана шу соҳада меҳнаткашларнинг ҳаётий манфаатларига дахлдор бўлган иқтисодий фаолиятнинг натижалари рўёбга чиқади, социализмнинг юксак мақсадлари амалга ошади. **Айнан шу ерда социалистик тузумнинг инсонпарварлик табиати, унинг капитализмдан сифат жиҳатдан ажралиб туриши жуда кенг кўламда ва яққол намоён бўлади»** (3-том, 223—224-бетлар). Ривожланишда эришилган даража, янги куч-ғайратларнинг микёслари ва вазифаларнинг равшан таърифи партия ва давлатга жамият ҳаётининг ҳамма томонларини қамраб олувчи узоққа мўлжалланган, чуқур ўйлаб чиқилган, яхлит, кучли социал сиёсатни амалга оширишга имкон беради.

Социал адолат ғояси социалистик ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш соҳасига сингиб кетгандир. У реал халқ ҳокимиятида, миллатларнинг амалдаги тенг ҳуқуқлилигида, шахсни ҳар томонлама камол топтириш учун тобора кенгайиб борувчи шарт-шароитларни яратишда намоён бўлади. Бу кенг социал гарантиялар ҳамдир: меҳнат қилиш ҳуқуқи, билим олиш, маданиятдан баҳраманд бўлиш, медицина хизматидан ва уй-жойдан фойдаланиш имконияти, кексалар, оналар ва болалар ҳақида ғамхўрликдир. Хуллас, инсоннинг социал жиҳатдан доимий равишда муҳофаза қилинишини билдирадиган ҳамма нарса социал адолат ғоясига киради. Социализмгача ҳеч қачон ва ҳеч қаерда бундай бўлмаган эди. Социализм амалга ошираётган ҳамма нарсани социализм мустаҳкамлаши ва ривожлантириши лозим.

Социализмда социал адолат моҳияти унинг «Ҳар кимдан — қобилиятига яраша, ҳар кимга — меҳнатига яраша» деган асосий принципида жо бўлгандир. Меҳнатга қараб тақсимлаш — социал адолат тимсоли, ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатлари ривожининг ҳозирги даражаси тақозо этадиган, жамият ва жамият аъзоларининг манфаатларига мос келадиган талабдир. Бу принципни бузиш, бараварлаштирувчилик тенденцияси ёки меҳнатсиз даромадлар — адолатдан чекинишдир.

Ана шу принципнинг ўзи қолаверади, у мустаҳкамдир, чунки социалистик муносабатларнинг энг муҳим томонини ифодалайди. Лекин меҳнатга ҳақ тўлашнинг меҳнатнинг пировард натижаларига боғлиқ бўлмаган практикасининг қарор топганлиги алоҳида ходим манфаатларини коллектив манфаатларидан ажратиб қўйди: коллективдаги ишлар қандай боришидан қатъи назар киши «ўзига тегишлиси»ни олиши керак. Бу — меҳнатга ҳақ тўлашнинг бир марта қабул қилинган ва унчалик ривожлантирилмаган формасини (айни ҳолда — якка тартибдаги «ишбай асосида ишлаш»ни) фетишлаштиришнинг ажиб намунасидир. Туюлма моҳият деб қабул қилинади. Ишбай асосидаги иш — меҳнатга қараб ҳақ тўлаш, деб тасаввур қилинади. Бироқ социалистик жамиятда алоҳида ходим меҳнатининг миқдори ва сифати коллективдаги ишлар аҳволи билан боғлиқ бўлмаслиги мумкин эмас. Партия XXVII съезди айни шундай ёндашувни тасдиқлади (3-том, 226-бетга *қаралсин*).

Қайта қуришнинг моҳияти пировард оқибатда манфаатларни ҳисобга олиш, манфаатларга таъсир кўрсатиш, уларни бошқариш ва улар орқали бошқаришдан иборатдир. Социал-синфий муносабатларни анализ қилишда манфаатлар хилма-хиллигининг бутун мажмуини кўриб чиқиш асосий вазифа ҳисобланади. Коммунистик партия ўз сиёсатида социал манфаатларнинг муштараклигини ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини пухта ҳисобга олиб, жамиятнинг мустаҳкам бирлигини, унинг энг муҳим ва мураккаб вазифаларини муваффақиятли ҳал этишни таъминламоқда (3-том, 230—231-бетларга *қаралсин*).

Совет давлатининг бутун етмиш йиллик тарихи давомида вужудга келган социалистик жамиятнинг бирлиги асло ижтимоий ҳаётнинг текислаштирилганлигини англатмайди. Аксинча, социализм кишиларнинг жамики хилма-хил манфаатлари, эҳтиёжлари, лаёқатларини ривожлантиради, ана шу хилма-хилликни ифодаловчи жамоат ташкилотларининг ва уюшмаларининг ташаббускорлигини фаол қўллаб-қувватлайди. Қолаверса, социализм шундай хилма-хилликка муҳтож, уни одамларнинг ижодий активлигини, ташаббусини, билимдон ва истеъдодли кишилар мусобақасини янада кучайтиришнинг зарур шарти деб

билади, бусиз умуман социалистик турмуш тарзини, олға ҳаракат қилишни тасаввур этиб бўлмайди.

Ана шундай ижодий, диалектик ёндашув ривожланаётган социализм миллий муносабатларининг анализига ҳам хосдир. Демократия ва ўз-ўзини бошқариш кенгайтирилаётган, барча миллат ва элатларнинг миллий ўзлигини англаши тез ўсиб бораётган, интернационаллашув жараёнлари чуқурлашаётган ҳозирги пайтда вужудга келаётган масалаларни имкони бўлган бирдан-бир негизда — ҳар бир миллат ва элатнинг равнақ топиши манфаатларини кўзлаб, уларнинг ўзаро яқинлашуви манфаатларини, бутун жамиятнинг манфаатларини кўзлаб, ўз вақтида ва одилона ҳал қилиш алоҳида аҳамият касб этади.

«Миллий сиёсатга тааллуқли, ҳар бир миллат ва элатнинг манфаатларига, кишиларнинг миллий туйғуларига дахлдор бўлган ҳамма ишларда айниқса хушёр ва сергак бўлиш ва айни чоғда, қандай либос кийиб олганлигидан қатъи назар, миллий чекланганлик ва манманлик, миллатчилик ва шовинизм кўринишларига қарши принципиал курашиш — партиямизнинг Ленин бошлаб берган анъанасидир. Биз, коммунистлар, Лениннинг доно васиятларига оғишмай амал қилишимиз, бу васиятларни янги шароитда ижодий қўлланишимиз, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқидаги барча халқлар қардошларча дўстлигини янада мустаҳкамлаш йўлида миллий муносабатлар соҳасида ғоят зийрак ва принципиал бўлишимиз лозим!» (3-том, 234-бет).

5

Социалистик демократияни, халқнинг ўз-ўзини бошқарувини авж олдириш — қайта қуришнинг энг муҳим ғоясидир. Бу ғоя омма активлигини, шахснинг онгига эркинлик бахш этишни ўстириш, инсон омили ролининг ўсиб бораётганлиги билан узвий боғлангандир. Жамиятни демократиялаштириш — қайта қуриш муваффақиятининг гарови ва зарурий шартидир.

М. С. Горбачевнинг «кўпроқ демократия, кўпроқ социализм бўлсин!» деган сўзлари ўзига хос бир шиорга, қайта қуришнинг чақириқ сигналларига айландики, бугунги кунда ҳар бир коммунист, ҳар бир совет кишиси уларни тушуниши, уларга бўлган садоқати орқали синовдан ўтмоқда.

Шу муносабат билан иккита ғоят жиддий мулоҳаза пайдо бўлади. Модомики кўпроқ демократия керак экан, унда у бизда етарли бўлмаган экан. Дарҳақиқат, шундай. Бизнинг демократик тартиботларимиз 70—80-йиллардаги танглик арафаси вазиятида лозим даражада ишламади. Танқид овози, жамоатчилик фикри, албатта, бор эди, лекин жуда заиф эди, улар фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, экономиканинг, хўжаликни интенсив ривожланиш йўлига ўтказишнинг самарадорлигини ошириш масалалари юзасидан, тақсимот соҳасида амалий контролни таъминлаш, экологик проблемалар ва шу сингарилар юзасидан ўз вақтида таъсирчан қарорлар қабул қилишга таъсир ўтказадиган даражада кучли ва обрў-эътиборга эга эмас эди.

Бошқа жиҳат шундан иборатки, социализмда демократиянинг ўсиши социализмнинг ўсиши билан монанддир. Ижтимоий тузум сифатида социализмнинг табиати шундайки, агар омманинг ўзи актив ҳаракат қилса, ҳамма ишга онгли равишда қадам қўйсагина у муваффақиятли равишда такомиллашиши мумкин. Омманинг активлигига оид бу ленинча фалсафа нашр этилган асарларда социализмнинг ҳозирги босқичига мувофиқ равишда ҳар томонлама ривожлантирилади. Уларда «халқнинг ўзи ўз ишларини реал тарзда бошқариб борган, миллион-миллион кишилар сиёсий ҳаётда иштирок этган вақтдагина социалистик тузум муваффақият билан ривожланиб бориши мумкин. Ана шу нарса Ленин тушунган маънодаги меҳнаткашларнинг ўз-ўзини бошқаруви бўлиб, у Совет ҳокимиятининг моҳиятини ташкил этади», деб таъкидланади (3-том, 235-бет).

Социал ижодкорлик ва салбий, эскирган, консерватив ҳодисалар ва жараёнларнинг олдини олиш фақат демократия шароитидагина мумкин. Шу муносабат билан ошкоралик, танқид ва ўз-ўзини танқид каби демократиянинг зарурий белгиларини янада очишга тааллуқли назарий ва амалий характердаги дадил қарорлар алоҳида қиммат касб этади. Ошкоралик — ижтимоий ҳаётни активлаштиришнинг зарурий шартидир. У «ўн миллионлаб ишчилар, колхозчилар,

зиёлиларнинг ишга давлат нуқтаи назаридан, масъулият туйғуси нуқтаи назаридан қарашининг гаровидир, кадрларимиз психологиясини қайта қуришнинг бошланғич нуқтасидир» (3-том, 241-бет). Лекин ошкоралик — бу оддий бир хоҳиш ва шу билан бирга социализмнинг ўз-ўзидан амал қиладиган тартиботи эмас. Уни амалга ошириш устида ишлаш керак, у сиёсатнинг бир қисми бўлиши, ҳуқуқий гарантияларга эга бўлиши лозим. Ошкоралик — ишларнинг аҳволи, бошқарувга оид қарорлар тўғрисида хабардор қилиш воситаси ҳам. Уни меҳнаткашларнинг ана шу ахборот муносабати билан билдираётган фикри, ишларнинг аҳволи ҳақидаги баҳоси билан тўлдириш зарур. Буни танқид ва ўз-ўзини танқид орқали амалга ошириш мумкин. «Бизда оппозиция йўқ, шу сабабли танқид ва ўз-ўзини танқидга кўпроқ эътибор беришимиз, танқидга тўғри муносабат билдира олишимиз, уни ривожлантиришимиз ва қўллаб-қувватлашимиз лозим. Танқид ва ўз-ўзини танқид бизга ҳаво каби зарур», — деб таъкидлайди автор (3-том, 17-бет).

Демократия шароитида яшаш ва ишлашни билиш кераклиги сингари танқиддан ҳам фойдалана билиш лозим. Демократия шароитида яшашни ўрганишга бўлган чақириқ Апрелдан илгари сал бўлмаса куфрлик бўлиб туюлиши мумкин эди: биз болалигимиздан бери шундоқ ҳам демократия муҳитида яшаётган бўлсак, унда яна «ўрганиш» нимаси... Ҳа, бизнинг жамиятимиз ўз негизига кўра демократик жамият, албатта. Лекин айнан шу демократик тартиботларнинг заифлиги, вужудга келаётган проблемаларни амалда демократик ҳал қила билмаслигимиз сабабли ҳам кўпинча биз демократия шароитида ишлашни эплай олмаймиз. Ҳали ҳам биз кўпинча бошқалар фикрини ҳурмат қилмаймиз, оппонентлар келтирган далилларга қулоқ солмаймиз, танқидга нотўғри, баъзан ҳатто оғриниб муносабатда бўламиз. Айни шу кўпчиликнинг ривожланиб бораётган демократия шароитида яшаш ва ишлашни эплай олмаслиги тўғрисидаги ташвиш ҳам ўз моҳиятига кўра конкрет ва дадил — «демократияни ўрганиш!» деган чақириқни кун тартибига қўйди.

Социализмдаги демократизм меҳнат коллективи ҳаётини демократиялаштирмасдан туриб изчил бўла олмайди. «Вазифа ҳар бир меҳнат коллективини амалда халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқарувининг ячейкасига айлантиришдан иборат» (3-том, 414-бет). Меҳнат коллективидаги ўз-ўзини бошқариш ҳақидаги масаланинг қўйилиши — бу амалда социализм шароитидаги демократия проблемаларига янгича ёндашувдир.

Албатта, фабрика ёки заводда касаба союзи ва партия органлари бор. Лекин барибир улар ўзларининг алоҳида функцияларини бажарадиган специфик ташкилотлардир. Ҳозирги меҳнат коллективи Советлари — ўз табиатига кўра меҳнаткашлар депутатлари Советларига яқин бўлган халқ органларидир. Улар меҳнаткашлар депутатлари Советларини тўлдиради ва халқ Советларининг ягона системасини, халқ ҳокимияти системасини ташкил этади. Албатта, улар ўртасида жиддий тафовутларни топиш мумкин, лекин бу тафовутлар ҳақидаги масаладир. Биз эса ўхшашлик, умумийлик ҳақида гапирмоқдамизки, бунинг ҳам катта аҳамияти бор. Бу социалистик демократизмни кенгайтириш йўллари тўғрисидаги назарий тасаввурларни бойитадиган йирик сиёсий қадамдир.

Табиийки, қандай масалалар кўриб чиқилиши ва ҳал қилинишидан қатъи назар партия ҳаёти, унинг янги шароитдаги роли, унинг фаолиятини демократиялаштириш вазифалари авторнинг диққат марказида туради. «Ленин партияси, коммунистлар партияси ҳар доим халқнинг авангардида борди ва бормоқда. Бугунги кунда у мамлакатнинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш учун умумхалқ ҳаракатига бошчилик қилишга даъват этилган» (2-том, 162-бет).

Айни шу партия вазиятни тўғри, танқидий нуқтаи назардан баҳолаш, сиёсатда, экономикада, социал ва маънавий соҳаларда туб ўзгартишлар қилиш зарурлигини тан олиш, мамлакатни туб ўзгартиришлар йўлига буриб юбориш ва оммани ўз орқасидан эргаштириш учун ўзида куч ва жасорат топа олди. Шу муносабат билан партия ички демократиясини авж олдириш масалалари кўндаланг бўлди. Партиянинг омма билан доимий ва кенг алоқалари, унинг фаолиятининг форма ва методларини такомиллаштириш, идеология, тарбия проблемалари, партияга аъзоларни талабчанлик билан танлаш, коммунистларни юксак ленинча талаблар руҳида шакллантириш, партия аъзосининг ҳалол ва соф

қиёфасини қарор топтириш — ана шу катта ижтимоий аҳамиятга эга темаларнинг ҳаммаси нашр қилинган асарларда кенг тақдим этилган.

Партия ташкилотларининг раҳбарлик сиёсий методларини ўзлаштириши — биринчи даражали аҳамиятга эга масаладир. Бу экономикани бошқаришни тубдан ислоҳ қилиш муносабати билан айникса зарур. Лекин партия органларининг бошқарув функцияларини ўз зиммасига олишга бўлган интилиши сусаймаяпти, одат бўлиб қолган методларга мойиллик давом этмоқда. Илгари эҳтимол эҳтиёжга кўра, хўжалик механизмидаги нуқсонларнинг ўрнини қоплаш учун шундай қилинар эди. Ҳозир бундай практика икки баравар зарар келтиради. Диспетчерлик функцияларидан дадилроқ воз кечиш керак. Меҳнат коллективи, одамлар тўғрисида ўйлаш — партия ходимининг асосий юмушидир, унинг фаолиятининг асосий соҳаси эса — ижтимоий ҳодисаларнинг сиёсий анализи, социал-иқтисодий вазифалар, фан-техника проблемалари, инсон омили замиридаги имкониятларни очиб беришдир.

Жамиятда юз бераётган ўзгаришлар маданият проблемаларига ҳам дахлдордир, бу ўзгаришлар, табиийки, маданиятга ижобий таъсир қилмоқда: ҳозир совет жамиятининг маънавий ҳаётида активликнинг жўш уриб кетганлиги ҳақида тўла асос билан гапириш мумкин. Партия маданиятни ривожлантиришни энг муҳим вазифалардан бири деб билади. Шу билан бир вақтда бу жараёнларга партиявий раҳбарлик — назокатни, ижодкорлик табиатини тушунишни ва талантга нисбатан сўзсиз ҳурматни талаб қиладиган мураккаб ишдир.

6

М. С. Горбачевнинг нутқлари ва мақолаларида ташқи сиёсатнинг янги концепцияси ҳам ишлаб чиқилган ва чуқур асослаб берилган. Тинчлик ва халқаро хавфсизлик, қуролсизланиш ва бутун дунёда термоядро урушининг олдини олиш масалалари бугунги кунда «янги сиёсий тафаккур» деб ном олган ҳақиқий диалектик мантиқ билан у ёки бу даражада боғлангандир.

Икки жаҳон системасининг тинч-тотув яшаши тўғрисидаги ленинча қоида асосида автор давлатлараро сиёсий ва иқтисодий зиддиятларни, мафкуравий низоларни бартараф этиш воситаси сифатида урушни ҳеч сўзсиз рад этади. Қуролсиз ва зўравонликсиз дунё, ҳар бир халқ ўз ривожланиш йўлини, ўз турмуш тарзини эркин танлаб оладиган дунё — бизнинг олий мақсадимиздир. Бу — коммунистик идеология инсонпарварлигининг, унинг маънавий қадриятларининг ифодасидир (3-том, 244-бетга *қаралсин*).

Ҳалокатли термоядро қуроли мавжуд экан, умуминсоний ижтимоий манфаатлар давлатлар, синфлар, миллатлар ва идеологияларнинг манфаатларидан шубҳасиз устунлик қилиши ҳақидаги аниқ ва чуқур ватанпарварлик ғояси янги сиёсий тафаккурнинг негизини ташкил этади. Ҳозирги дунё зўравонлик сиёсати учун ниҳоятда кичик ва мўрт бўлиб қолди. Асрлар мобайнида урушлар ва қуролли тўқнашувларнинг мумкинлиги ғоясига асосланиб қурилган фикрлаш ва ҳаракат қилиш тарзига кескин ва қатъий барҳам бермасдан туриб бу дунёни асраш ва сақлаб қолиш мумкин эмас. Тафаккурнинг сустлиги, унинг кўз ўнгимизда кескин ўзгариб бораётган дунёдан орқада қолганлиги — қатъий қуролсизланиш йўлидаги реал тўсиқлардан биридир. Эҳтимол, ўттиз, йигирма ва, ҳатто, ўн йил илгари тўғри бўлган кўпгина одатий эътиқодлар ва анъанавий тасаввурлар эндиликда бутунлай эскириб қолди. Ядро асрида тиш-тирноғигача қуролланган ва қуролланишда давом этаётган дунёда ҳатто ҳеч ким истамаган тақдирда ҳам ядро урушининг бошланиб кетиш хавфи мавжуддир (3-том, 149-бетга *қаралсин*). Истисносиз барча мамлакатлар ва халқлар олдида таг-заминли вазифа: социал, сиёсий ва мафкуравий зиддиятлардан кўз юммай, халқаро майдонда ўзини вазмин ва эҳтиёткор тутиш, маданий яшаш, яъни боадаблик билан халқаро алоқа ва ҳамкорлик талабларига мувофиқ яшаш илми ва маҳоратини эгаллаб олиш вазифаси турибди (3-том, 246-бетга *қаралсин*).

КПСС МКнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида таърифлаб берилган халқаро хавфсизликнинг кенг қамровли системаси асослари тинчлик тўғрисидаги совет фалсафасининг конкрет ифодаси бўлди. КПСС МК Бош секретарининг 1986 йил 15 январдаги Баёнотида космосни ҳарбийлаштиришга йўл қўймаган

ҳолда шу аср охирига бориб ядро куролини ва бошка оммавий қирғин воситаларини йўқ қилиб ташлаш плани мавжуддир. Бу ҳужжатлар, шунингдек бошқа совет таклифларининг бутун комплекси дунёдаги вазиятни тубдан ўзгартирди ва агар музокарадошларимиз, оппонентларимиз ўз навбатида бизнинг таклифларимизни ва халкларнинг хоҳиш-истакларини ҳисобга олса, унда битимларга эришиш учун кулай шароит яратади.

Бу яна шунинг учун ҳам ғоят муҳимки, бутун дунё халклари олдида факат биргалашиб ва албатта гарантияланган, баркарор тинчлик шароитида ҳал килиш мумкин бўлган кўпдан-кўп ниҳоятда мураккаб масалалар вужудга келди. Булар экология, энергетика проблемаларидир. Бир тўда юкори даражада ривожланган капиталистик мамлакатлар билан кашшоклик, очлик, чорасизлик қисмати бўлиб колган ривожланаётган мамлакатлар (улар жуда кўпчилик!) ўртасидаги ўсиб бораётган фарқ ҳам ўзида ларзалар хавфини яширин ҳолда сақлаб турибди. Агар ҳозир инсониятнинг барча куч-кудрати ва ақл-заковати бирлаштирилса, у бу проблемаларнинг ҳаммасини ҳал қилиши мумкин. Ўшанда цивилизация тараккиётидаги янги чўққилар ҳам ҳаммабоп бўлиб колади (3-том, 108-бетга *қаралсин*).

Бутун дунё микёсида давлатлар ва халкларнинг биргаликдаги амалий, бунёдкорона ҳаракатини йўлга қўйишни тарихнинг бориши, ижтимоий тараққиёт жараёни тобора катъий талаб килмокда. Талаб қилибгина колмай, шу билан бирга бунинг учун зарур сиёсий ва социал, моддий ва маънавий шарт-шароитларни яратиб ҳам бермокда.

Кескинлашиб бораётган умумбашарий проблемаларни, биринчи навбатда инсон зотининг омон қолиши проблемасини ҳамма давлатлар манфаатлари йўлида биргаликда ҳал қилишга бўлган кескин эҳтиёж вужудга келди. Икки системанинг мусобакаси, ўзаро кураши билан жаҳон ҳамжамияти давлатларининг ўзаро боғликлиги сари кучайиб борувчи тенденциянинг бирга қўшилиши — ҳозирги тарих реал диалектикасидир. Айни шундай беллашув, карама-каршиликлар кураши оркали зиддиятли, лекин ўзаро боғлик, кўп жиҳатдан яхлит дунё кийинчилик билан, тусмолланиб таркиб топиб бормокда.

М. С. Горбачевнинг танланган нутклари ва маколалари муҳим хулоса чикариш учун асос беради. Бу хулоса шундан иборатки, совет социалистик жамияти — бу бугунги кунда тез ўзгариб бораётган, интенсив ривожланаётган жамиятдир. Янги тарихий боскичда социализм марксизм-ленинизмнинг мустаҳкам негизига асосланиб социализм ривожланишининг йўналишлари, йўллари ва формалари тўғрисида замонавий тасаввур берадиган янги назарий карашлар системасига муҳтож. Бу назарий система реалликнинг ўзи сингари, бизнинг бугунги борлиғимиз сингари янги бўлиши лозим. У бизнинг эртамизни ва янада олисрок истикболимизни ёритиб туриши керак.

Социализм тўғрисидаги ана шу янги қарашлар системасига асос солинди,бу бинонинг кўпгина муҳим элементлари тикланди, лекин ҳали яна кўп ишларни қилиш лозим бўлади. Жиддий куч-ғайратлар зарур, назарий жабҳада ёриб ўтиш, кудратли, амалий ишлар мазмунини ёритадиган ва янги истикболларни очадиган, янги жамият бунёдкорларини актив социал ижодкорликка илҳомлантирадиган ёриб ўтиш зарур. Зеро келажакни, социалистик турмушнинг янги формаларини ҳис этиш, реалистик идрок килиш — инсоннинг иродаси, онги ва ҳис-туйғусини, унинг феъл-атвори ва фаолиятини ҳаракатга келтирадиган омиллар ичида энг кудратли, энг жозибадор омилдир.

(КПСС Марказий Комитети журнали «КОММУНИСТ»нинг 1987 йил 12-сони).

СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ПРОБЛЕМАЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МЕҲНАТ ПОТЕНЦИАЛИДАН ЯХШИРОҚ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Р. УБАЙДУЛЛАЕВА,
иктисод фанлари доктори

ЭКОНОМИКА ва социал сохани ривожлантиришнинг стратегик мухим йўналишларида олға силжиш суръатлари меҳнаткашларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда катнашувининг микёсларига, уларнинг самарасига, яъни инсон омилига жуда кўп даражада боғликдир. КПСС Программасида кайд килинганидек, «тарихий мақсадлар кўлами канчалик кенг бўлса, миллионларнинг уларга эришишида хўжайинларча манфаатдорлик, масъулият билан, онглилик билан фаол иштирок этиши шунчалик мухимдир». Бу вазифанинг актуаллиги ва аҳамияти КПСС МКнинг 1987 йил январь ва июнь Пленумларида ҳам таъкидлаб ўтилди.

КПСС ишлаб чиккан социал-иктисодий тараккиётни жадаллаштириш концепцияси вазифалар комплексини хал этишни талаб килади. Шулардан бири — айрим регионлар, иттифокдош республикаларнинг ўзига хос хусусиятларини хисобга олган ҳолда меҳнат потенциалидан самаралирок фойдаланишдир.

Ўзбекистон ССР талайгина меҳнат ресурсларига эга. Ўсишнинг юкори суръатлари, туб ерли кишиларнинг территориал ва социал харакатчанлигининг сустлиги, уларнинг кишлок жойларда яшашга ва кишлок хўжалик меҳнатига интилиши, ёшларнинг профессионал тайёргарлигининг нисбатан паст даражада эканлиги ва бир катор бошка жиҳатлар — уларнинг характерли хусусиятидир.

Ана шу хусусиятлардан энг турғуни — ўсишнинг юкори суръатларда эканлигидир. Илмий ташкилотларнинг прогнозларига караганда, якин йиллар ичида мамлакат аҳолиси ўсишининг тахминан чорак кисми Ўзбекистон улушига тўғри келади. Бу хол, бир томондан, халк хўжалигини иш кучи билан таъминлаш учун кулай замин яратади, иккинчи томондан, меҳнатга лаёкатли бутун аҳолининг самарали банд бўлишини таъминлаш зарурияти муносабати билан ривожланиш суръатларига, микёсларига ҳамда ижтимоий ишлаб чикариш структурасига юкори талаблар кўяди.

Ўзбекистонда меҳнат потенциалидан фойдаланишни яхшилаш учун кўп иш килинмокда. Факат ўнинчи ва ўн биринчи беш йилликлар даврининг ўзида 570 дан зиёд йирик ишлаб чикаришлар, корхоналарнинг филиаллари ва цехлар ишга туширилди, хар йили 80—100 минг гектарлаб янги ерлар ўзлаштирилмокда, социал инфраструктура объектлари курилди. Шуларнинг ҳаммаси Ўзбекистон ССР халк хўжалигида банд ишчи ва хизматчилар микдорини 1,5 миллион кишига кўпайтириш имконини берди.

Шу билан бирга республика меҳнат потенциалининг анчагина кисми уй-рўзғор ва шахсий ёрдамчи хўжалик сохасини тўлдирди. Шуни айтиш кифояки, унда Ўзбекистон аҳолисининг бандлик даражаси ва бокимлик коэффициенти ишловчи бир кишига хисоблаганда ўртача иттифок кўрсаткичидан 2 баравардан зиёд ортикдир. Бу хол, шубхасиз, республика экономикасини ривожлантириш суръатларига, аҳолининг турмуш даражаси ошишига тўғонок бўлмаслиги мумкин эмас ҳамда иктисодий ва социал характердаги бир катор бошка салбий окибатларни келтириб чикаради.

Ҳозирги вактда Ўзбекистонда ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли кишиларни аниқлаш иши ниҳоясига етказилмоқда. Бунинг дастлабки натижалари аҳоли шу группасининг миқдори анча кўплигини кўрсатмоқда. Унинг 80 процентдан кўпроғини хотин-қизлар, ярмига яқинини — 16—29 ёшдаги ёшлар ташкил этади.

Шу беш йилликда Ўзбекистон ССРда нафақат меҳнат ресурсларининг кутилаётган бутун ўсишини, шу билан бирга ҳозир уй-рўзғорда ва шахсий ёрдамчи хўжаликда банд бўлган меҳнатга лаёқатли аҳолининг ҳаракатдаги қисмини ҳам ижтимоий ишлаб чиқаришга ва ўқув соҳасига жалб қилиш зарур. Ана шу муҳим вазифани муваффақиятли ҳал этмоқ учун, бизнинг назаримизда, бир қатор тадбирларни амалга ошириш талаб қилинади. Ана шуларнинг энг муҳимларидан бири — **мавжуд меҳнат потенциалидан фойдаланишда структуравий қайта қуришдир.**

Гап шундаки, кўп омиллар таъсири остида таркиб топган Ўзбекистон аҳолисининг бандлик структураси унчалик такомиллашмаган. Унда қишлоқ хўжалигида бандлик устун бўлиб (ишлайдиган бутун аҳолининг тахминан 1/3 қисми), нисбатан озгина, қарийб икки баравар кам улуши саноатда банддир.

Республика халқ хўжалигининг меҳнат ресурслари билан таъминланиши ҳамда улардан фойдаланиш даражасини территориал жиҳатдан анчагина дифференциялаш муҳим хусусиятдир. Аҳолининг зичлиги бир квадрат километрга 370 кишига етадиган районлар билан бир қаторда иш кучи жуда танқис бўлган жуда катта территориялар ва айрим тармоқлар мавжуд.

Эскидан суғориб келинган зонада Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнат қилувчиларнинг кўплиги билан фарқ қилишлиги ва тараққиётининг чекланганлиги сабабли бу ерда энг сермеҳнат саноатни ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Унда иш ўринларини кўпайтириш жараёни янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга солиш йўли билан ҳам, шунингдек мавжуд қувватлардан тўлароқ фойдаланиш, корхоналар ишининг сменалилигини ошириш ҳисобига ҳам юз бериши мумкин. Бунинг учун шароит бор. Республика тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги сермеҳнат ишлаб чиқаришларни бунёд этиш учун зарур бўлган минерал ва ўсимлик хом ашёсининг анчагина запасларига эга. Бу, одамларнинг иш билан бандлигини оширишдан ташқари, Ўзбекистон экономикасининг ихтисослашувини сақлаб қолган ҳолда, унинг умумиттифоқ вазифаларини ҳал этишга қўшадиган ҳиссасини кўпайтириш имконини беради ва айни вақтда республиканинг миллий даромадини ҳамда аҳолининг турмуш даражасини оширади.

СССР билан Ўзбекистон ССР бўйича маҳсулотга амалдаги меҳнат сарфининг анализи бизда саноат ишлаб чиқариши мамлакатдаги ўртача ҳолатдан тахминан 2 баравар камроқ меҳнат талаб қилишлигини кўрсатди. Қолаверса, республика саноатининг меҳнат сарфи даражаси кейинги 20 йил ичида қарийб 1,5 баравар пасайди. Бу ҳам шу беш йилликда Ўзбекистонда машинасозлик, асбобсозлик, электр техникаси, радиотехникаси ва бошқалар сингари сермеҳнат тармоқларни илдам суръатлар билан ривожлантириш учун жуда жиддий сабаб бўла олади. Демографик хусусиятларни ҳамда аҳолини жойлаштиришнинг таркиб топган системасини ҳисобга олиб, бизнинг назаримизда, йирик шаҳарларда янги корхоналар қурилишини ёки ишлаб турган корхоналарни кенгайтиришни чеклаб, уларни Ўзбекистоннинг янги ўзлаштирилаётган районларида, кичик ва ўртача шаҳарларда, ишчилар посёлкаларида жойлаштиришни кўзда тутиш зарур.

Республика айрим областларининг индустриал тараққиётини олдингиларга етказиб олиш талаб қилинади. Кейинги йилларда Жиззах, Сирдарё, Навоий, Қашқадарё областларида юз берган саноат ўсишини келгусида ҳам сақлаб қолиш керак. Шу билан бирга Сурхондарё, Хоразм, Бухоро областлари ва Қорақалпоғистон АССРда индустрияни ривожлантиришни жадаллаштириш зарур. Шу муносабат билан Ўзбекистон областлари, кичик ва ўртача шаҳарлари, қишлоқ районлари марказлари ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш ва жойлаштиришнинг узоқ муддатга мўлжалланган программасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Саноат корхоналари, шу жумладан бир қатор иттифоқ министрликлари корхоналари филиалларини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш[illegible]

керак. Тадкикотлар шуни кўрсатмокдаки, бу ишга жиддий эътибор берилса, улар ғоятда самарали ишлаши мумкин.

Янги иш ўринларини вужудга келтириш, шунингдек мавжуд иш ўринларини реконструкция қилиш ва техникавий қайта куроллантириш жуда кўп давлат маблағларини ўзлаштириш билан боғликдир. Дастлабки ҳисобларга кўра, республикада уларнинг умумий микдори якин 20 йил учун салкам 200 миллиард сўмни ташкил қилади. Шулардан 80 миллиардини ишлаб турган ишлаб чикаришларни реконструкция қилишга ва техникавий қайта куроллантиришга ҳамда 120 миллиардини — ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янги корхоналар қурилишига сарфлаш мўлжалланмокда. Агар ана шу маблағларнинг бир қисми (тахминан 18 проценти) уй-жой ва маданий-маиший қурилишга сарфланиши ҳисобга олинса, янги иш ўринларини зарур микдорда вужудга келтириш учун бунга ажратиладиган капитал маблағларни ўзлаштириш билан бир қаторда республика аҳолисининг банд бўлишини таъминлашнинг тежамлирок йўлларини танлаш керак бўлади.

Ички ишлаб чиқариш резервларидан максимал фойдаланиш, меҳнатни ташкил қилишнинг самарали формаларини кенг жорий этиш тўғрисида гап бормокда. Аввало сменалилик коэффициентини ошириш, ишлаб турган корхоналарни кадрлар билан тўлик бутлаш, реконструкция қилиниши ёки тугатилиши лозим бўлган иш ўринларини аниклаш кўзда тутилади. Маълумки, сменалилик коэффициентининг оширилиши нисбатан чекланган инвестициялари бўлган ишлаб чиқаришда банд кишилар сонини анча-мунча кўпайтириш имконини беради. Ҳозирги вактда Ўзбекистон корхоналари ишининг сменалилик коэффициенти 1,4 дан ортмаслиги факти бу кўшимча иш кучини жалб этишнинг катта потенциал имкониятлари мавжудлигидан далолат беради. Бизнинг ҳисоб-китобларимизга кўра, бу коэффициентнинг 2,0 гача етказилиши (унинг транспорт, алока, курилишда, уй-жой-коммунал хўжаликда, маиший хизмат кўрсатишда тегишлича ошишини ҳисобга олиб) республиканинг ижтимоий ишлаб чиқаришида банд бўлган кишилар сонини 400—500 мингтага кўпайтириш имконини беради.

1987 йилнинг бошига келиб Ўзбекистонда 278 нафар корхона ишнинг оширилган сменалилигига ўтдики, бу 12 мингга якин кишини кўшимча банд қилиш имконини берди. Афсуски, республика корхоналари ва ташкилотларини икки-уч сменали режимга ўтказиш кўламлари ва суръатлари ҳали кўнгилдагидек эмас. Хом ашё фондлари, иш ҳакининг ўз вактида ўзгартирилмаслиги, иккинчи ва учинчи сменалардаги ишчиларнинг транспорт билан таъминланмагани, хизмат кўрсатувчи муассасаларнинг кулай иш графикларининг йўклиги бу ўринда тўғанок бўладиган асосий сабаблардир. Буларнинг бари — министрликлар, идоралар, планлаштирувчи органлар, маҳаллий Советларнинг ижрокомлари ҳамда айрим корхоналар ўртасидаги ҳамжиҳатлик етарли эмаслиги натижасидирки, бу ҳолдан мумкин кадар тезрок кутулиш керак.

Ҳозиргача республикада кенг ёйилмаган касаначилик меҳнатини ташкил этишга муносабат ҳам тубдан қайта кўриб чиқилиши керак. Шуни айтиш кифояки, ҳозирги вактда бизда касаначилар бор-йўғи 20 мингга якин кишини ёки Ўзбекистон халк хўжалигида банд бўлган ишчи ва хизматчиларнинг 0,5 процентидан ҳам камни ташкил қилади. Ҳолбуки, тадкикотларнинг кўрсатишича, ўн минглаб ёш болали аёллар, шунингдек меҳнатга лаёкатли пенсионерлар ва инвалидлар уйда ишлашлари мумкин эди. Бизнинг мўлжалларимизга кўра, республикада ўн иккинчи беш йиллик мобайнида касаначиларни тахминан 3 баравар кўпайтириш мумкин. Бунинг учун Ўзбекистонда ҳамма шарт-шароитлар мавжуд. Ҳар ҳолда зарур хом ашёнинг борлиги ва аҳолининг кўникмалари касаначиларга тўкилган миллий либослар, кулолчилик буюмлари, эсдалик совғалари, ўраш-жойлаш буюмлари ва шу каби харидоргир маҳсулотларни бемалол ясаш имконини беради.

Республикада келгусида касаначиликни ривожлантиришга аввало уй шароитларида ишлаш учун махсус асбоб-ускуналар ва жиҳозларнинг, хом ашё олиб келиш ва тайёр маҳсулотни олиб кетиш учун транспортнинг етишмаслиги халакит қилади. Бундан ташқари, корхоналарнинг анчагина раҳбарлари, зарур шарт-шароитларга эга бўлган ҳолда, бу ишни авж олдириб юборишга шошилишмайди, чунки у кўшимча ташвишлар билан боғликдир. Масалан, Ўзбекистон ССР енгил

саноат корхоналарида касаначиларнинг меҳнатидан ниҳоятда кам фойдаланилмоқда.

Касаначиликка бундай муносабатда бўлишга тамомила барҳам бериш керак. Буни шундан бошламоқ лозимки, иш ўринларини аттестациядан ўтказиш давомида (ишлаб чиқариш жараёнларининг характери бунга йўл қўйган жойларда) касаначилик тартибида ишлаш учун лимитлар ажратиш кўзда тутилиши керак.

Уй бекаларини, пенсионерлар ва аҳолининг бошқа категорияларини ижтимоий-фойдали ишга жалб қилишда меҳнатнинг кооператив формасини бутун чоралар билан ривожлантириш муҳим роль ўйнаши керак. Партия ва ҳукумат кейинги вақтда тегишли қарорлар қабул қилди, бинобарин, бу ишга асос солинди. Ҳозир энг муҳими — уни қўллаб-қувватлаш, унинг сусайиб қолишига йўл қўймасликдир. Агросаноат давлат комитети, Давлат банки, Маҳаллий саноат министрлиги, Маиший хизмат министрлиги каби республика ташкилотлари ташкил этилаётган кооперативларни фондлар, асбоб-ускуналар — барча зарур нарсалар билан ўз вақтида таъминламоқ учун оператив иш кўришлари лозим.

Ўзбекистоннинг меҳнат потенциалидан тўлароқ фойдаланиш мақсадида, шунингдек, **аҳолининг ҳаракатчанлигини ошириш ва шу асосда меҳнат ресурсларини тармоқлар ва территориялар бўйича қайта тақсимлаш миқёсларини кўпайтириш** ҳам лозим бўлади.

Ижтимоий ишлаб чиқаришни қайта қуриш, жумладан унинг территориал чегараларини кенгайтириш аҳолининг профессионал, социал, территориал ҳаракатчанлигини тегишлича оширишни тақозо этади. Ўзбекистон ССРда шу муносабат билан суғориладиган эски зонадаги қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидан иш кучини халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига ҳамда кадрлар етишмайдиган районларга олиб қайта тақсимлаш масалалари ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Бунда қишлоқ мактаблари ўқувчиларининг индустриал ва қишлоқ хўжалигидан бўлак ихтисосларни танлашини кучайтириш ҳал қилувчи омиллардан бирига айланади. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Экономика институти олимлари ўтказган (аҳоли зич яшайдиган Наманган ва меҳнат қилувчилар етишмайдиган Жиззах областларида) социологик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, туб ерли миллатга мансуб кишилардан 8- ва 10-синф ўқувчиларининг атиги 3 процентигина мактабни тугатганидан кейин саноатда ишлашни, салкам 5 проценти — қурилишда, 10,4 проценти — транспорт ва алоқада меҳнат қилишни мўлжаллайди. Шундан кўриниб турибдики, туб ерли миллат ёшлари қишлоқ хўжалигидан бўлак меҳнатга тоблари йўқ, шу сабабли бу соҳада кўп иш қилишга тўғри келади. Бу ўринда республикадаги қишлоқ мактабларида рус тилининг ўқитилишини яхшилаш ҳам муҳим аҳамиятга моликдир.

Ҳунар-техника таълими системаси ва олий мактаб зиммасига масъулиятли вазифалар юкланади. Ўқув юртларини ихтисослаштириш ва уларни оқилона жойлаштириш масалалари катта актуаллик касб этади. Бизнинг назаримизда, республикада кадрлар кўпроқ етишмаётган индустрия тармоқлари ва хизмат кўрсатиш соҳаси учун малакали ишчилар тайёрлайдиган ҳунар-техника билим юртлари кўпроқ ривожлантирилиши керак. Лекин вазифа фақат билим юртлари тармоқларини кенгайтиришдангина иборат эмас, уларни, хусусан қишлоқдаги билим юртларини универсал касбдаги ишчиларни тайёрлашга мослаштириш талаб қилинади. Бундай билим юртларини битириб чиқувчилардан аграр, шунингдек саноат тармоқларида, транспортда ва қишлоқ жойлардаги халқ хўжалигининг бошқа бўлинмаларида фойдаланиш мумкин бўлур эди.

Амалиётнинг кўрсатишича, республикамиздан борган кишиларнинг мамлакатнинг марказий ва ғарбий районларидаги ҳунар-техника билим юртларида таълим олиши ҳам ёшларнинг ҳаракатчанлигини оширишга кўмаклашади. Ўзбекистонлик ёшларнинг бир қисми ўқишни тугатгач, таълим олган жойларининг ўзида стажировкада қоладилар, бир қисми умумиттифоқ янги қурилишларига, Нокоратупроқ ерлари ўзлаштирилаётган районларга, Сибирга жўнаб кетадилар, бир қисми эса юртларига қайтиб келадилар. Бинобарин, бундай практика икки ёқлама — мамлакатнинг иш кучи танқис бўлган районларига амалий ёрдам тарзида ҳам, шунингдек республикамизнинг корхоналари ва қурилишларини

малакали ишчилар билан тўларок таъминлаш имконияти тарзида ҳам ўзини оқлайди. 1986 йилда РСФСР, Украина ва Белоруссиядаги ҳунар-техника билим юртларига Ўзбекистондан 3,1 минг нафар йигит ва қизлар юборилди. Бизнинг назаримизда бу сира ҳам етарли эмас, шунга кўра кадрларни бу хилда тайёрлаш кўламлари шу яқин йиллардаёқ анча кенгайтирилиши керак. Улар фақат ҳунар-техника билим юртларида эмас, шу билан бирга техникумлар ва олий ўқув юртларида ҳам тайёрланиши лозим.

Мамлакатнинг бошқа районларидаги табиий бойликларни ўзлаштиришда Ўзбекистон иштирокининг ўсиб бораётгани иш кучини территориялар бўйича қайта тақсимлашни шунга яраша кучайтиришни талаб қилади. Қурилиш ташкилотлари, ташкилий равишда ишчилар ёллаш, жамоатчилик асосида ёшларни чақириш, оилаларни қишлоқ хўжалиги соҳасига кўчириш йўли билан ҳар йили республиканинг минг-минглаб вакиллари Ноқоратупроқ, Ғарбий Сибирь, Узоқ Шарқдаги турли объектларга ва хўжаликларга жўнаб кетишади.

Ўзбекистон бир қатор областларининг РСФСРнинг Приморье ва Хабаровск ўлкалари билан кўп томонлама иқтисодий ва маданий алоқалари бағоят ижобий аҳамиятга эга. Республикамизнинг Андижон, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона ва Хоразм областлари аҳолиси ҳамдўстлик доирасида ана шу ўлкаларга ёғоч-тахта тайёрлашга, қишлоқ хўжалик объектлари қурилишига, саноат корхоналарига мавсумий ишлаш учун, шунингдек ҳунар-техника билим юртлари, техникумлар ва олий ўқув юртларига ўқигани боришади. Бундай ўзаро алоқалар, шубҳасиз, самарали бўлиб, уларни кенгайтириш лозим.

Шу билан бирга Ўзбекистондан ташқарида иш кучини қайта тақсимлашнинг иқтисодий шарт-шароитлари қулайроқ бўлиши тўғрисида қайғуриш лозим. Бу айниқса мамлакатнинг меҳнат қилувчилар етишмайдиган бир қатор районларидаги иш ҳақи даражасига тааллуқли бўлиб, у ҳозирча республика ичидаги даражадан кам фарқ қилади. Ўрта Осиё республикаларидан Сибирь ҳамда Узоқ Шарққа ишлагани борадиган кишиларга қўшимча имтиёзлар белгилаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистоннинг ичида ҳам меҳнат ресурсларини территориялар бўйича қайта тақсимлаш зарурати бор. Бу аввало Жиззах, Қарши чўллари, Сурхон-Шеробод водийси, Бухоро-Қизилқум массивини кенг кўламда комплекс ўзлаштириш, янги хўжаликлар барпо қилиш, ундирувчи ва қайта ишловчи саноатни ривожлантириш билан боғлиқ бўлиб, катта контингентда иш кучи жалб этишни талаб қилади. Унга бўлган талаб қисман оилаларни областнинг ўз ичида кўчириш ҳисобига, қисман — областлараро кўчириш ҳисобига қондирилади. Чунончи, аҳоли зич яшайдиган Андижон, Наманган ва Фарғона областлари Жиззах, Қашқадарё ва Сурхондарё областларининг кўриқ районларига иш кучи билан таъминлашда оталиқ ёрдами кўрсатмоқдалар. Масалан, кейинги икки йил ичида маҳаллий Советлар меҳнат органлари воситачилигида бу ерларга 4224 оилани кўчирди.

Кўп йиллик практика шуни кўрсатмоқдаки, хўжаликлар раҳбарларининг аксарияти ижроия комитетлари ва меҳнат органлари ходимларининг доимий назорати билан, масаланинг муҳимлигини тушуниб, кўчиб келган оилаларнинг муқим ўрнашиб қолишига қулайлик туғдирадиган шароит яратиш тадбирларини кўрмоқдалар. Бироқ шундай хўжаликлар ҳам борки, улар кўчиб келаётганларни қабул қилишга дуруст тайёргарлик кўрмайдилар, натижада улар ўша ерда кўникиб кетолмайдилар. Қашқадарё областида аҳвол айниқса чатоқ. Уй-жойлар ўз вақтида ишга туширилмаганлиги оқибатида, масалан, Наманган областидан кўчиб келганларнинг кўпи у ердан ўзларининг аввалги жойларига қайтиб кетишди. Афтидан, кўчиб келувчилар учун уй-жойларни ўз вақтида ишга туширишга жавобгар бўлган ташкилотлардан, шунингдек бу ишда қолоқликка йўл қўйган маҳаллий Советларнинг ижрокомларидан талабни ошириш лозим.

Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлигини ошириш кўп жиҳатдан **социал вазифаларнинг** ҳал этилишига ҳам боғлиқ. Жумладан, мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар, умумий овқатланиш корхоналари, уй-жой-коммунал хўжаликлар, медицина муассасаларининг хизмат кўрсатувчи ходимларини нормативгача етказиш билан боғлиқ масалалар кескин бўлиб турибди. Республиканинг хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларини ривожлантиришдаги қолоқлигини бартараф этиш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиш керак:

1985 йилда аҳолига маиший хизмат ҳажми бир киши ҳисобига мамлакат бўйича ўртача 35 сўм бўлгани ҳолда Ўзбекистон ССРда 30 сўмни ташкил қилди. Мактабгача тарбия муассасалари билан таъминланиш республикада фақат 35 процентга етган, Қорақалпоғистон АССР, Қашқадарё ва Жиззах областларида атиги 20—25 процент бўлгани ҳолда ҳар йили ана шу мақсадларга ажратилаётган капитал маблағлар тўла ҳажмда ўзлаштирилмаётир. Ўзбекистон Компартияси МКнинг VI пленуми (1987 йил август) халқ хўжалигининг бу участкасида ишлар ташвишли аҳволда эканлигини яна бир бор кўрсатиб ўтди.

Аҳолига хизмат тармоқларини янада ривожлантириш нафақат меҳнатга лаёқатли аҳолини ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш учун, шу билан бирга янги иш ўринлари яратиш учун ҳам ёрдам беради. Тўғри, Ўзбекистонда хизмат соҳасида бандлик даражаси мамлакатдаги ўртача даража билан деярли тенглашади. Ўзбекистон ССРда бу соҳада ишловчиларнинг 25 проценти, умуман СССРда — 26 проценти меҳнат қилади. Бироқ хизмат соҳасининг тараққиёт даражаси бизда кўпгина бошқа иттифоқдош республикалардагига қараганда анча пастдир. Ана шу факт, шунингдек Ўзбекистоннинг демографик хусусиятлари (туғилишнинг кўплиги, кўп болалилик ва бошқалар) бу ерда тармоқни жадалроқ ривожлантириш заруриятини тақозо этади. Хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш аҳолининг бандлиги структурасини такомиллаштириш учун ҳам катта аҳамиятга молик. Бу соҳадаги иш ўринларига капитал сарфининг пастлиги меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий, шунингдек социал масалаларини самарали ҳал этиш имконини беради. Жумладан, уй-рўзғор ва шахсий ёрдамчи хўжаликларда банд бўлган хотин-қизларни, шунингдек ишлашни хоҳлаган пенсионерларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этишга кўмаклашади.

Бизнинг фикримизча, республиканинг ўзига хос шароитини ҳисобга олган ҳолда партиянинг демографик сиёсати тадбирларини ишлаб чиқишни давом эттириб, ёш болали аёлларнинг ҳақ тўланадиган отпускасини кўпайтириб бориш: 1990 йилда — 2 йилгача, 2000 йилда — 3 йилгача чўзиш керак. Бу нарса, бир томондан, ижтимоий ишлаб чиқаришда меҳнат ресурслари бандлиги проблемасининг кескинлигини юмшатади, иккинчи томондан — болаларни уйда боқиш ва уларни тарбиялаш имконини беради, демак мактабгача тарбия муассасалари проблемасини ҳал этишга ёрдамлашади.

Ўзбекистон Компартияси МКнинг V пленуми (1987 йил апрель) республикамиз ҳаётида иқтисодчилар, философлар, социологлар назаридан четда қолган салбий ҳолатларнинг сабаблари ва характерини очиб, ижтимоий ишлаб чиқаришга тортилмаган меҳнатга лаёқатли аҳолининг анча кўпайиб бораётганини, миграция жараёнларининг сустлиги, меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг бошқа томонларини кўрсатиб ўтди. Вужудга келган етишмовчиликларни тўлдириш ва бу билан ҳаракатимизнинг қайта қуриш йўлидан боришини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшиш — олимларимизнинг бурчидир.

БУХОРОДА ХАЛҚ РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ ҒАЛАБАСИ

М. ҚОСИМОВА,
тарих фанлари кандидати

Петрограддаги 1917 йилги октябрь куролли кўзғолони Россия империясининг миллий чекка ўлкалари, шу жумладан Туркистон ўлкасидаги озодлик харакатига кучли туртки бўлди. Бу ерда яшаган ўзбеклар, тожиклар, туркманлар, киргизлар, козокларнинг мехнаткаш оммаси Коммунистик партия рахбарлиги остида рус ва Россиядаги бошка халкларнинг кардошларча ёрдами билан рус капиталистлари ва махаллий феодаллар хукмронлигини ағдариб ташлашди, Совет хокимиятини ўрнатишди ва дастлабки социалистик туб ўзгартиришларни муваффакиятли амалга ошира бошлашди. Бухоро амирлиги ва Хива хонлигининг ахолиси эса хали хам эксплуататорлар зулми остида колаверган эди.

Бухоро хам Хива каби революциягача чор Россиясининг протекторати остидаги феодал-мустабид давлат эди. Амирлик ахолисининг 90 процентдан кўпроғи кишлок жойларда яшар ва асосан дехкончилик, чорвачилик ва турли хунарлар билан шуғулланар эди.

Чоризм Бухоро амирлигига бутун Ўрта Осиёга бўлгани каби мустамлака, капиталистик метрополия товарларини реализация киладиган бозор, саноат учун арзон хом ашё манбаи сифатида карар эди. «...Россиянинг кўлида, — деб ёзган эди В. И. Ленин, — Хива билан Бухоро бор, булар хам мустамлакага ўхшаган бир нарсадир...» (Тўла асарлар тўплами, 32-том, 312-бет). Бухорода таъсис килинган Россия императорлик сиёсий агентлиги амир фаолиятини бутунлай назорат киларди. Чор маъмурияти амирликнинг иктисодий ва маданий колоклигини, халк оммасининг нодонлигию жахолатда сакланишини дахлсиз колдиришга харакат киларди.

Маълумки, Ўрта Осиё халкларининг Россияга кўшилиши объектив суратда катта прогрессив ахамиятга эга бўлди: куллик ва кулфурушлик йўкотилди, Россия давлати билан мустахкам иктисодий ва маданий алокалар ўрнатилди, бу феодализмнинг ичдан бузилиши ва капиталистик муносабатларнинг ривожланиш жараёнини жадаллаштирди. Илғор рус маданияти ва революцион ғояларнинг Ўрта Осиёга кириб келиши бу ўлка халкларининг рус пролетариатининг чоризмга, помешчикларга, капиталистларга ва бошка эксплуататорларга карши курашига жалб килинишига кўмаклашди. Ўрта Осиё мехнаткаш оммасининг Россия революцион пролетариати билан интернационал бирлашуви вужудга кела бошлади.

XIX аср охирида Закаспий темир йўлини куриш ва эксплуатация килиш муносабати билан Бухоро амирлиги территориясида пайдо бўлган Бухоронинг рус манзилгохлари (Янги Бухоро, Чоржўй, Керки, Термиз ва бошкалар) бу давлатнинг сиёсий ва иктисодий хаётига катта таъсир ўтказди. Масалан, бу ерда биринчи жахон уруши арафасида мавжуд бўлган элликдан зиёд саноат корхонаси ва 3,5 минг ишчининг аксарият кўпчилиги айни шу ахоли пунктларида тўпланган эди. Пролетариат шаклланa бориши билан бир каторда асосан савдо-судхўрлик буржуазияси бўлган миллий буржуазия хам вужудга кела бошлади, у Россия савдо-саноат фирмаларининг воситачиси ролини ўйнар, Россиянинг тўкимачилик

ва кўнчилик фабрикалари учун пахта, жун, тери, қоракўл сотиб олиш ва етказиб бериш билан шуғулланар эди.

Халқ оммасининг биринчи чиқишлари рус манзилгоҳларида авж олиб кетди (бу манзилгоҳлар, дарҳақиқат, амир ҳокимиятининг юрисдикциясидан четда эди). 1917 йилнинг 1 (14) ноябрида Термизда Совет ҳокимияти эълон қилинди, бундан бир неча кун илгари, 29 октябрь (11 ноябрь) да Янги Бухорода революцион комитет тўла ҳокимиятни ўз қўлига олди. 1917 йилнинг 2 (15)—7 (20) декабрида бўлиб ўтган Бухоро рус манзилгоҳлари ишчи ва солдат депутатлари Советларининг область съезди ана шу барча манзилгоҳлар территориясида Совет ҳокимиятини эълон қилди.

Россиядаги пролетар революциясининг ғалабаси, Совет ҳокимиятининг социал ва миллий зулмни йўқ қилиш соҳасидаги тадбирлари амирлик деҳқонлари ва ҳунармандларига революционлаштирувчи таъсир кўрсатди. «Октябрь революцияси барча мазлум ва эксплуатация қилинаётган инсониятга зулмни ва эксплуатацияни йўқ қилиш учун курашга даъват бўлиб момақалдироқдай гулдираб эшитилди, — деб ёзган эди Файзулла Хўжаев. — Россия билан шундай яқин қўшни бўлиб яшаётган Бухоронинг меҳнаткаш оммаси Октябрнинг бундай таъсирини, Октябрь революцияси ижодкорларининг бу даъватини биринчи бўлиб ҳис қилдилар... Айни шунинг учун ҳам биз Бухоронинг ишчилари, ҳунармандлари ва деҳқонларининг энг илғор табақалари ўртасида Октябрь революциясидан кейиноқ революцион активликнинг кўтарилиши ва мислсиз тўлқин отганининг гувоҳи бўлган эдик».

Бухородаги бутун реакция Совет ҳокимиятига қарши чиқди. Амир Саид Олимхон 1917 йилнинг ноябридан 1918 йилнинг мартигача сафарбарлик ўтказиб, ўз қўшинлари сонини 30 минг кишига етказди. У Советлар мамлакатига қарши урушга тайёрланиб, атаман Дутов, буржуа-миллатчилик ташкилоти «Қўқон мухторияти» раҳбарлари, сўнгроқ оқгвардиячиларнинг «Большевизмга қарши курашувчи Туркистон иттифоқи» билан алоқа ўрнатди. Британия ҳукуматининг кўрсатмасига биноан Эрондаги инглиз қўшинлари қўмондони полковник Данстервиль Саид Олимхонга кучли моддий ва ҳарбий ёрдам кўрсатиб турди. Амирлик хавфли контрреволюцион марказга ва Ўрта Осиё территориясидаги советларга қарши плацдармга айланди. Ёш бухороликлар партияси вакилларининг илтимосига биноан Совет Туркистони ҳукумати 1918 йилнинг февралида Бухоро ҳокимларига Бухородаги давлат бошқарувини ва ижтимоий ҳаётни демократлаштиришга қаратилган қатор талаблар қўйди. Амир уларни бажаришдан бош тортди.

1918 йилнинг мартида амир ҳокимиятига қарши қўзғолон кўтаришга бўлган уриниш мағлубиятга учради. Ўша даврда Бухоро жамиятидаги энг революцион оқим бўлган ёш бухороликлар жазодан қутулиш учун Туркистонга эмиграция қилишга мажбур бўлдилар. 1918 йил мартидаги воқеалар амирликда бу пайтда ҳали революцион вазият етилмаганлигини кўрсатди.

1918 йилнинг 20 апрелида бухоролик муҳожирларнинг умумий йиғилишида улар уч группага бўлиниб кетди: эски жадидлар ёки «Шўрои-Исломия» буржуа-миллатчилик контрреволюцион партиясига қўшилган «ўнг» ёш бухороликлар, бухоролик сўл эсерлар ёки «центрист»лар ва большевиклар партияси билан биргаликда ҳаракат қилишни хоҳлаган революцион кайфиятдаги муҳожирлар группаси. Узоқ ва қизғин баҳслардан сўнг «ўнг»лар ва «центрист»лар йиғилишдан чиқиб кетишди. Қолганлар РКП(б) Программасини тан олиш асосида Бухоро коммунистик партиясини таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилдилар, ташаббускор группани туздилар, унинг составига А. Абдусамадов, Я. Абдураҳимов, А. Акчурин, Х. Алиев, Х. Иброҳимов, У. Қурбонов, Н. Хусаинов, А. Ёқубов ва бошқалар кирди, бу группа революцион-демократик кучларни жипслаштириш юзасидан ишларни авж олдириб юборди.

1918 йил ноябрида Тошкентда Бухоро компартиясининг I съезди бўлиб ўтди. Азимжон Ёқубов МК раиси, 1917 йилдан РКП(б) аъзоси Нажиб Хусаинов раис ўринбосари бўлди. Съезд жойларда партия ташкилотларини тузишга қарор қилди. Тез орада Бухоро компартиясининг программаси ишлаб чиқилди, унда РКП(б) билан тўла бирдамлик эълон қилинди, амир ҳокимиятини ағдариб ташлаш ва халқ совет республикасини ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Бухоро Коммунистик партиясининг ташкил топиши амирликдаги озодлик ҳаракатининг сифат жиҳатдан янги босқичи бўлди. БКП феодал-мустабид тузумга қарши турган барча кучларни жипслаштирди ва уларни ана шу тузумни ағдариб ташлашга қаратди.

Пролетар интернационализми принципларига содиқ бўлган Туркистон коммунистлари Бухоро Компартиясини расмийлаштиришда ва ғоявий-ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлашда амалий ёрдам кўрсатдилар. Бунда Янги Бухоро, Чоржўй, Керки ва Термизнинг партия ташкилотлари катта роль ўйнади.

1919 йил июнда БКПнинг II съездида меҳнаткашлар оммаси чиқишларининг кучайиши муносабати билан ҳамма революцион ишни амирлик территориясига кўчиришга қарор қилинди, бу ерда Бухоро Компартиясининг 37 та махфий ячейкаси ва ташкилоти, шу жумладан 24 таси — ишчилар, косиблар ва деҳқонлар ўртасида ва 13 таси — амир армиясида ташкил қилинган эди. Бухоро воқелигининг ўзига хос шароитида (ишчилар синфининг камсонлилиги ва заифлиги, деҳқонларнинг қолоқлиги, феодал-клерикал унсурлар ва ислом ақидаларининг халққа таъсирининг кучлилиги ва ҳоказо) тузумдан норози партиялар, группалар ва аҳоли табақаларини амир билан қатъий олишув учун жипслаштириш, музаффар инқилоб манфаатларини кўзлаб амирликдаги барча революцион ва демократик кучларнинг ягона фронтини яратиш зарур эди.

БКПнинг 1919 йил декабрда Тошкентда бўлиб ўтган III съезди қарорлари ҳам Бухородаги халқ оммасини амирлик тузумини ағдариб ташлашга тайёрлаш мақсадида партиянинг улар орасидаги ишини янада кучайтиришга қаратилди. Съезд қарорига кўра Коғонда БКП МК органлари — «Тонг» журнали, кейинчалик — 1920 йил июндан «Қутулиш» газетаси чиқа бошлади. Халқ революцияси бошланадиган пайтга келиб Бухоро Компартияси сафларида 5 мингга яқин аъзо бор эди.

Улуғ Октябрь таъсири остида ёш бухороликлар партиясида муайян силжишлар юз берди. Ёш бухороликларнинг Файзулла Хўжаев бошчилигидаги илғор қисми ислоҳотчилик-маданиятчилик фаолиятининг самарасизлигига ишонч ҳосил қилиб, революцион кураш йўлига ўтди. Бу ташкилотнинг Ф. Хўжаев томонидан ишлаб чиқилган ва 1918 йил ноябрида ёш бухороликлар комитетининг мажлисида қабул қилинган «Инструкция»сида фақат «жаҳон империализмига қарши илғор курашчи бўлган Россия социалистик революциясигина Бухорони қулликдан халос қилиши мумкин...»лиги, амирга ва унинг яқин кишиларига қарши қаратилган халқ қўзғолонини тайёрлаш ва унга раҳбарлик қилиш ёш бухороликлар комитетининг энг муҳим вазифаси эканлиги қайд қилинган эди.

1919 йилнинг охирида ёш бухороликлар партиясидан сўл қанот ажралиб чиқди, у 1920 йил бошида революцион ёш бухороликлар деб аталадиган мустақил ташкилот тузди, унга революцион ёш бухороликлар партиясининг марказий Туркистон бюроси раҳбарлик қиларди. Шуни қайд қилиш кераки, дастлабки пайтда БКП МК революцион ёш бухороликлар билан иттифоққа қарши чиққан эди. Уларга нисбатан тўғри тактикани ишлаб чиқишда Бухоро Компартиясига РКП(б) МК катта ёрдам кўрсатди. 1920 йилнинг июлида РКП(б) МК Ташкилий бюроси В. И. Ленин топшириғига кўра ёш бухоролик революционерлар тўғрисидаги масалани кўриб чиқди ва уларга амирлик тузумига қарши курашда ёрдам кўрсатиш ҳақида қарор қабул қилди.

Туркистонда ўтказилаётган социалистик туб ўзгартиришлар амирлик меҳнаткашларига фақат феодал-мустабид тузумни ағдариб ташлабгина ҳақиқий озодликка эришиш мумкинлигини яққол кўрсатди. «Совет Туркистонининг қўшнилиги, — деб ёзган эди шу муносабат билан В. В. Куйбишев 1920 йилнинг июнида, — Бухоро ичидаги революцион кучларни вояга етказиб, амирнинг обрўси ва тахтига муттасил путур етказиб туради».

1919 йилнинг баҳори ва ёзида Қарши, Зиёвуддин ва Ғиждувон бекликларида, 1920 йилнинг июлида эса Чоржўй беклигида деҳқонлар қўзғолонлари бошланиб кетди, амирлик марказида чиқишлар авж ола бошлади. Оммавий ғалаёнлар амир армиясини ҳам қамраб олди. Репрессиялар ва қонли жазолар энди революцион-озодлик ҳаракатини тўхтата олмасди. БКПнинг 1920 йил августи ўртасида бўлиб ўтган IV съезди шу воқеалар муносабати билан қуролли қўзғолонни амир ҳокимиятини ағдариб ташлашнинг асосий воситаси деб қарайдиган резолюцияни

қабул қилди. Съезд революцион ёш бухороликлар партияси билан вақтинчалик иттифоқ тузиш мумкин деб ҳисоблади.

Туркистон республикаси территориясида революциянинг қуролли кучларини шакллантириш бўйича жадал иш олиб борилди. Чоржўйлик коммунистлар Сакар районида коммунист Бешим сардор қўмондонлигидаги 520 кишилик туркман революцион отлиқ полкини, шаҳарда эса — 500 пиёда аскардан иборат коммунистик дружинани ташкил қилишди. Ана шундай дружиналар Янги Бухорода, Каттақўрғонда, Керкида, Термизда ҳам ташкил қилинди, уларда жами 970 киши бор эди. Самарқандда амир армиясидан қочиб ўтган аскарлардан шарқий мусулмонлар полки ташкил қилинди, унда ўзбеклар, туркманлар, тожиклар ва бошқа миллатлар вакилларидан иборат 3 мингга яқин жангчи бор эди. Асхободда Бухоро революцион армияси учун командирлар составини тайёрлаш бўйича курслар очилди, уларда 400 киши ўқирди. Туркистон Компартияси МК партия ташкилотини мустаҳкамлаш ва амирлик аҳолиси орасида ҳамда революцион армияда сиёсий ишни кучайтириш учун туб ерли миллатлар вакиллари бўлган 500 коммунистни Бухоро Компартияси ихтиёрига юборди.

1920 йил 23 августда Бешим сардорнинг туркман революцион полки Сакарни эгаллади ва у ерда Совет ҳокимиятини эълон қилди. 29 августда кўнгиллилар отрядлари қўзғолон кўтарган аҳоли билан биргаликда эски Чоржўйни эгаллади, Бешим сардор, Абдураҳим Юсупов ва Ҳасан Алиевдан иборат революцион комитет тузилди. Чоржўй ревкоми умумий қўзғолоннинг бошланганлигини эълон қилди, қўзғолон бир пайтнинг ўзида Қарманада, Шаҳрисабзда ва бошқа аҳоли пунктларида бошланиб кетди. Ревком Турккомиссияга ва у орқали РСФСР ҳукуматига Бухоро халқини қўллаб-қувватлашни илтимос қилиб, мурожаат этди. «Бухоро Ревкоми биздан ёрдам сўраб илтимос қилганида, — деб хотирлаган эди В. В. Куйбишев, — биз унинг нима учун курашаётганини билганимиз сабабли унга ёрдам бермасликка ҳаққимиз йўқ эди, бизнинг қизил қўшинларимиз Бухородаги революцион оға-иниларимизни Бухоро буржуазияси зулмидан халос этиш учун ёрдамга юборилди».

1920 йилнинг 25 августида Турккомиссиянинг РКП(б) МК Туркистон бюроси ва Туркистон фронти Революцион ҳарбий совети билан биргаликдаги мажлисида Бухоро коммунистик партияси МК ва ёш бухоролик революционерларнинг Марказий бюроси вакиллари иштирокида қўзғолонга раҳбарлик қилиш бўйича партиявий марказ ташкил қилинди, унга Турккомиссия ва РКП(б) МК Туркистон бюросидан В. В. Куйбишев, Бухоро Компартияси МКдан Нажиб Ҳусаинов, ёш бухоролик революционерлар Марказий бюросидан Файзулла Хўжаев аъзо бўлиб кирди.

Совет ҳукумати Бухоро амирлигининг қўзғолон кўтарган халқига ёрдам бериш учун М. В. Фрунзе бошчилигидаги Қизил Армия қисмларини юборди, бу қисмлар революцион Бухоро қўзғолончилар отрядлари билан биргаликда 1920 йил 28 августдан 29 августга ўтар кечаси амир қўшинларига қарши ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юборди. Бу операцияда қуйидаги ҳарбий қўшилмалар иштирок этишди: Чоржўй группаси қўшилмалари, унинг составида коммунистлар А. Абдусаидов ва Н. Ҳусаинов раҳбарлигидаги Бухоро пиёда аскарлар отряди бор эди; иккита татар ўқчилар полкидан ва Самарқандда амир қўшинларини ташлаб келган солдатлардан, шунингдек маҳаллий аҳоли орасидан чиққан кўнгиллилардан тузилган 1-алоҳида шарқий мусулмонлар полки (унга Мавлудов раҳбарлик қиларди)дан иборат Когон группаси қўшилмалари; интернационал отлиқ аскарлар полкидан ва Булатов қўмондонлигидаги Бухоро қизил отлиқ аскарлар отрядидан иборат Каттақўрғон группаси қўшилмалари; амирликнинг шарқий бекликларини озод қилишга мўлжалланган Қарши ва Самарқанд группалари қўшилмалари.

1 сентябргача Эски Чоржўй, Қарши, Китоб, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарлар эгалланди. Эртаси куни Бухоро амирлигининг истеҳкоми — Эски Бухородаги амирнинг Регистон саройи таслим бўлди. Амирнинг ўзи Шарқий Бухорога қочди. 1920 йилнинг 2 сентябрида М. В. Фрунзе В. И. Ленинга шундай телеграмма юборди: «Бугун қизил бухороликлар ва бизнинг қисмларимиз қўшма кучларининг ҳужуми билан Эски Бухоро қалъаси қўлга олинди. Бухоро жаҳолатпарастлиги ва қорагуруҳчилигининг сўнгги таянчи таслим бўлди. Регистон устида жаҳон революциясининг Қизил байроғи музаффарона ҳилпираб турибди...»

1920 йил 14 сентябрда Эски Бухорода БКП МК, Бутун Бухоро ревкоми ва Халқ Нозирлари Советининг РСФСР мухтор вакили ва РКП(б) МК билан Коминтернинг Бухородаги вакили В. В. Куйбишев билан биргаликдаги қўшма мажлиси бўлди. Бу ерда партиянинг ва Бухоро ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсат соҳасидаги асосий вазифалари белгиланди ва Бутун Бухоро ревкоми ва Халқ Нозирлари Советининг составлари ташкил қилинди, уларга коммунистлар ва революцион ёш бухороликлар аъзо бўлиб киришди. Бухоро революциясининг раҳбарларидан бири, кўзга кўринган сиёсий арбоб Файзулла Хўжаев Халқ Нозирлари Советининг раиси қилиб сайланди. 1918 йилдан партия аъзоси Абдуқодир Муҳитдинов Бутун Бухоро ревкомининг раиси бўлди.

Янги ҳукуматнинг Бухоро территориясида яшаб келган барча халқлар ва миллатларнинг юридик ва иқтисодий тенг ҳуқуқлилигини амалга оширишга қаратилган дастлабки декретлари ва тадбирлариёқ амалга ошган революциянинг демократик характеридан, янги ҳокимиятнинг халқчил моҳиятидан далолат берган эди.

1920 йилнинг 6 октябрида Эски Бухорода халқ вакилларининг I Бутун Бухоро қурултойи очилди, у тарихий қарор қабул қилди. Бу қарорда шундай дейилган эди: «Бухоро Халқ Совет Республикаси деб эълон қилинади, унда ҳокимият мамлакат аҳолисининг кўпчилигини ташкил қиладиган ишчилар билан деҳқонларникидир, бу ҳокимият очиқ овоз бериш йўли билан сайланадиган маҳаллий ва марказий Советлар орқали бошқарилади».

Россиянинг собиқ қолоқ мустамлака чекка ўлкалари — Бухоро ва Хоразмда Совет ҳокимиятининг ўрнатилганлигини В. И. Ленин табриклаган эди. «Бу республикалар, — деган эди у 1920 йилнинг декабрида Советларнинг VIII Бутун Россия съездида, — Совет ҳокимияти ғоялари ва принциплари фақат саноат жиҳатидан ривожланган мамлакатлардагина эмас, фақат пролетариат сингари социал таянчи бўлган мамлакатлардагина эмас, балки шу билан бирга деҳқонлар сингари асоси бўлган мамлакатларда ҳам тушунарли ва тезлик билан амалга оширилиши мумкин эканлигини кўрсатадиган ва тасдиқлаб берадиган далилдир... Сиёсатимизнинг амалий натижалари деҳқон-совет республикаларининг Россия социалистик республикаси билан дўстона муносабатларини ҳозирдаёқ мустаҳкамлади» (ТАТ, 42-том, 154—155-бетлар).

ЛЕНИНИЗМ—БИЗНИНГ БАЙРОҒИМИЗ ВА ҚУРОЛИМИЗ

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ БУЮК ҒОЯВИЙ ХАЗИНАСИ

А. АБДУНАБИЕВ,
тарих фанлари доктори

ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ ЛЕНИН илмий коммунизмнинг буюк асосчилари — К. Маркс билан Ф. Энгельсга бўлган чуқур, самимий ҳурмат-эҳтиромини бутун умри давомида сақлаб келди. Владимир Ильич Маркс ва Энгельс асарларига қайта-қайта мурожаат қилар экан, уларни янги иқтисодий ва сиёсий ҳодисалар, конкрет вазиятга боғлиқ равишда яна кўриб чиқар, марксизмнинг назарий қоидаларини янги тарихий шароитларга татбиқан янада бойитар ва ривожлантирарди. Мураккаб проблемалар, кескин вазиятлар пайдо бўлган пайтларда Ленин: Маркс билан маслаҳатлашиш керак, деган гапни такрор-такрор айтишни яхши кўрарди.

Н. К. Крупская 1924 йилнинг сентябрида комсомол Марказий Комитетининг пленумида «Ленинчиларни тарбиялаш» деган мавзуда қилган докладида шундай деган эди: «Ленин марксист эди. У Маркснинг шогирди эди. Маркс билан Энгельснинг барча асарларини чуқур ўрганар, уларга доим қайта-қайта мурожаат қиларди, шунчаки бир марта ўқиб қўя қолмасдан, Маркс ва Энгельс асарларини муттасил мутолаа қиларди, улардан ҳаётга ёндашишнинг доимо янги-янги йўлларини топарди, ҳар бир сўз устида чуқур ўйларди» (Н. К. Крупская. Ленин тўғрисида. Мақолалар ва хотиралар тўплами. 5-нашри, М., 1983, 308-бет).

В. И. Ленин диалектик-материалистик метод ижтимоий процессларни ўрганишнинг бирдан-бир тўғри йўли деб доимо таъкидларди ва уни ўзининг илк асарларидаёқ қўллана бошлади. Диалектик-материалистик метод, тарихийлик ва партиявийлик принциплари ҳақиқатнинг тагига етишда илмий қурол, ижтимоий ҳаёт ҳодисалари, воқеаларини тўғри баҳолашда калит. Ленин Маркс методи — бу «диалектика *методи* ва материализм дунёқараши» деб такрорлашдан чарчамас эди (Тўла асарлар тўплами, 18-том, 390-бет). Бу қоидани изоҳлар экан, Владимир Ильич «Философия дафтарлари»да ҳар қандай процессни ўрганишда практикада олинган натижаларнинг ҳар томонламалилигини, ривожини, ўзаро алоқасини, уларнинг албатта текширилишини қатъий ҳисобга олиш, абстракт ҳақиқат йўқлигини, ҳақиқат ҳамиша конкрет бўлишини тушуниш зарурлигини кўрсатган эди.

КПСС Программасида ҳам: «Диалектик-материалистик методология табиий-илмий ва социал билишнинг принципиал, синалган негизи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Уни бундан буён ҳам ижодий ривожлантириш, тадқиқотчилик ишида ва ижтимоий практикада оқилона қўллаш керак», деб ёзиб қўйилгани ҳам тамомила қонунийдир.

В. И. Ленин: марксизмнинг у ёки бу конкрет қоидаларини янги тарихий шароитларни ҳисобга олган ҳолда қабул қилиш зарур, бунда Маркс таълимоти ақида эмас, балки ҳаракат учун қўлланма эканлигини унутмаслик керак, деган қоидага қатъий амал қилган. Владимир Ильич, марксизмга ижодий ёндашиш керак, конкрет вазиятни ўрганиш зарур ва ижтимоий тараққиёт қўяётган янги масалаларни Маркс методидан фойдаланиб ҳал этиш керак деб бир неча бор уқтирган эди.

Айни вақтда В. И. Ленин илмий коммунизм асосчиларининг ҳар бир тезисига, фикрига чуқур мулоҳаза, эҳтиёткорлик билан муносабатда бўларди. Н. К. Крупская «Маркс билан маслаҳатлашиш керак» деган ленинча иборанинг моҳиятини очиб берар экан, юқорида тилга олинган тўпламда шундай деб ёзган эди: «Маркснинг *айни ўхшаш вазиятлар* таҳлилига бағишланган асарларини олиб, уларни батафсил анализ қилиш, бошдан кечираётган момент билан таққослаш, улар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш — Лениннинг методи ана шундай эди».

В. И. Ленинга доимо ниҳоятда илмий ҳалоллик хос эди. У Маркс ва Энгельснинг у ёки бу қоидасини ҳеч қачон янги қоида билан алмаштирмасди, мабодо бунга зарурат бўлса, сабабини ишонарли қилиб тушунтириб берарди. Ишчилар синфи ҳаракати манфаатлари шуни талаб қилган ҳоллардагина Владимир Ильич марксча таълимотни ўз ғоялари билан тўлдириб, уни янада ривожлантирарди ва бойитарди. Бундай пайтларда устозлар ҳурматини жуда ўрнига қўйиб, марксизм руҳига ҳамиша содиқ қоларди. Революцион назарияга мана шундай эҳтиётлик билан муносабатда бўлишни Ленин бошқалардан ҳам талаб қиларди.

В. И. Ленин марксистик назарияни ўрганар экан, унинг пировард хулосаларига катта аҳамият берарди, зеро бу назария қоидалари революцион кураш давомида аниқланиб, конкретлашиб, ривожланиб боради. У марксистик фикр ривожининг ўзини чуқур ўйлаб анализ қилар, турли тарихий даврларда чиқарилган хулосалар ўртасидаги алоқа ва фарқларни, илмий социализм назарияси энг муҳим қоидаларининг бир-бирини тақозо этишини аниқларди. Масалан, К. Маркс ва Ф. Энгельснинг «Коммунистик партия манифести»да баён этилган тезислардан бирини қандай талқин этиш юзасидан ўзи билан И. Ф. Арманд ўртасида келиб чиққан мунозара муносабати билан унга ёзган хати (1916 йил ноябрь) бунга ёрқин далилдир. Владимир Ильич шундай хулосага келадики, марксизмнинг бутун мазмуни, унинг бутун системаси ҳар бир қоида фақат тарихий нуқтаи назардан, фақат бошқа ҳодисалар билан боғлиқ ҳолда ва фақат тарихнинг конкрет тажрибаси билан боғлиқ равишда қараб чиқилишини талаб этади (ТАТ. 49-том, 381-бетга қаралсин).

Бундай ёндашиш В. И. Ленинга илмий коммунизм асосчиларининг кўп фундаментал қоидаларининг асл мазмунини аниқлаш имконини берди. Юқорида айтилганларни ажратиб кўрсатиш яна шунинг учун ҳам кераккки, кўп сонли буржуа «марксшунослари» ва «ленинишунослари», турли руҳдаги ревизионистлар билан оппортунистлар бугунги кунда ҳам К. Маркс ва Ф. Энгельс фикрларида қандайдир «зиддиятларни» топишга, бузиб талқин қилиш ва сохталаштириш йўли билан марксча-ленинча таълимотнинг планетамиздаги миллион-миллион кишилар ақли ва қалбига кўрсатаётган жуда катта таъсирининг аҳамиятини пасайтиришга беҳуда уринмоқдалар.

В. И. Ленин ўз асарларида марксизмнинг шаклланиш ва ривожланиш процессини ҳар томонлама анализ қилиб, чуқур очиб берди. Маркс ва Энгельс меросининг ленинча тадқиқоти ўз аҳамияти ва кўламига кўра тенги йўқ тадқиқот бўлиб, у жуда катта сиёсий, назарий ва методологик аҳамиятга эга, у биринчи навбатда умумлашмаларининг теранлиги, реализми, дадил революционлилиги ва гуманизми билан ажралиб туради. Владимир Ильич марксизмнинг доимий аҳамиятини таъкидлаб, ёзган эдики, Маркс таълимоти — бу ғоят мукаммал ва мунтазам илмий назариядир, унинг енгиб бўлмас жозиба кучи шундаки, у жиддий ва юксак илмийликни революционлик билан бирлаштиради (ТАТ, 23-том, 49-бет; 1-том. 380-бетга қаралсин). Марксизмнинг пайдо бўлиши ўтган асрда Европада юз берган жуда улкан социал-иқтисодий ўзгаришларнинг илмий ифодаси бўлди. Шу билан бирга марксизм шундай бир фан бўлиб қолдики, усиз фақат тарихий ўтмишни эмас, балки бугунги кунни ва келажакни ҳам тушуниш, баҳолаш мумкин эмас.

Маркснинг гениаллиги шундаки, деб кўрсатган эди В. И. Ленин, у инсониятнинг илғор тафаккури аллақачон ўртага қўйган масалаларга жавоб берди. Маркс таълимоти жуда кучли таълимот, чунки у тўғри, у тўла-тўкис ва изчил, кишиларни барқарор дунёқараш билан қуроллантиради. Марксизм ишчилар ҳаракати тажрибасини умумлаштириб, эксплуатацияни тугатиш, коммунистик

жамият қуриш учун кураш программасини илгари суради.

В. И. Лениннинг сўнмас ғоялари, унинг ижодий лабораторияси, бутун кўп қиррали назарий ва жўшқин сиёсий фаолияти унинг марксизмга мангу садоқатидан гувоҳлик беради. Лениннинг изчиллиги ва унинг илмий коммунизм асосчилари назарий меросига ижодий ёндашуви, Маркс-Энгельс таълимотини Ленин таълимотидан ажратиб юборишга, ҳатто уларни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйишга беҳуда уринаётган марксизмнинг буржуа, реформистик ва ревизионистик сохталаштирувчиларини фош қилади. Владимир Ильич Маркс ва Энгельснинг содиқ издоши бўлганлиги ҳамма томонидан эътироф этилган; у марксизмни янги, юқори босқичга кўтарди. Шунинг учун ҳам Ленин номини Маркс номидан ажратиб бўлмайди.

Янги вазият ва проблемаларни ўрганиш, илгари маълум бўлмаган конкрет ҳодисаларни, марксистик назарияга асосланиб турли мамлакатлардаги революцион кураш тажрибасини анализ қила билиш маҳорати В. И. Лениннинг ўзига хос хусусиятларидан эди. Бу хислат унинг амалий фаолиятида ҳам, ўлмас асарларида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Бизгача етиб келган социал-иқтисодий, назарий асарларидан биринчисини В. И. Ленин 23 ёшида ёзган эди. Кейинги ўттиз йил ичида у юзлаб йирик асарлар ва айрим брошюралар, минглаб мақолалар, жуда кўп қайдлар ҳамда бошқа материаллар ёзди. Лениннинг эллик беш томдан иборат Тўла асарлар тўплами ва қирқ томни ташкил этувчи Ленин тўпламлари чиндан ҳам жуда катта, бебаҳо назарий меросни ўз ичига олган.

В. И. Ленин ўз асарларида марксизмни турли хил оппортунист ва ревизионистлар ҳужумидан ҳимоя қилди, уни замон тарихий шароитларида ижодий ривожлантирди. Владимир Ильич марксистик таълимотни пролетариатнинг тарихий вазифаси, унинг деҳқонлар ва меҳнаткашларнинг бошқа табақалари билан иттифоқи, пролетариат диктатураси ва унинг формалари, пролетар давлатининг демократик моҳияти тўғрисидаги янги хулосалар ҳамда қоидалар билан бойитди, аграр ва миллий масалалар назариясини ишлаб чиқди. Ленин томонидан ишлаб чиқилган социалистик революция назарияси билан социализм ва коммунизм қурилиши йўллари тўғрисидаги масала марксизмга қўшилган жуда муҳим ҳисса бўлди. Янги типдаги пролетар партиясини — большевистик партияни барпо этиш, унинг кенг меҳнаткашлар оммасининг доҳийси ва йўлбошчиси сифатидаги тарихий ролини асослаб бериш, унинг назарий, идеологик ва ташкилий асосларини, партия турмуши принциплари ва нормаларини ишлаб чиқиш — Владимир Ильичнинг хизматидир. Ленин Советлар тимсолида пролетариат диктатурасининг янги формасини кашф этди, дунёда биринчи социалистик давлатни барпо қилди.

Ленинизм — бу чинданам марксистик таълимот ривожида бурилиш босқичи, ҳозирги давр марксизми, илмий коммунизм принциплари асосида ҳаётда, халқаро практикада текшириб кўрилган воқеликни революцион тарзда қайта ўзгартириш назарияси ва методидир.

Ленинизм марксизм, ишчилар ҳаракатининг кўп сонли душманларига қарши курашда туғилди, ўсди ва чиниқди. В. И. Ленин улар билан бўлган мунозарани ғоявий курашнинг тенги йўқ қуроли, Маркс-Энгельс буюк таълимотини пропаганда ва унинг софлигини ҳимоя қилиш воситаси деб биларди. Ленин асарларини ўрганиш доҳий мантиқининг қудратли кучини англаш, марксизмнинг туб қоидаларини турли хил оппортунист ва ревизионистлардан қанчалик моҳирона ҳимоя қилганига ишонч ҳосил қилиш имконини беради. Лениннинг марксизмни ижодий бойитишдаги ҳар бир қадами буржуа идеологларини, шунингдек революцион таълимотдан қайтган турли муртадларни, ишчилар ҳаракатидаги оппортунистларни илмий асосда кескин танқид қилиш билан боғлиқдир.

В. И. Ленин ҳам Маркс ва Энгельсга ўхшаб, ўз революцион эътиқоди, принципиал илмий ва сиёсий қарашларга дахлдор ҳамма нарсада сира ён бермасди ва мустаҳкам турарди. Аслини олганда унинг ҳамма асарлари мунозарали характерга эга. У шундай деган эди: «Мунозара қилмасдан туриб, янги қарашларни ривожлантириб бўлмайди» (ТАТ, 22-том, 77-бет). Лекин унинг ғоявий душманлар ва янглишганлар билан бўлган баҳсларда қандайдир иззатталаблик, кибр-ҳаволик белгилари бўлмасди. Ғоявий курашда ор-номус қонунлари Ленин

учун ҳамиша мажбурий нарса эди. Партиямиз асосчисининг асарларига жанговар, ҳужумкор, ҳатто шафқатсиз ҳужумкор услуб хос. Айни бир вақтда ўртоқлари билан бўлган муносабатда у ҳамиша меҳрибонлиги, хушмуомалалиги, ҳатто ғоявий душманларига нисбатан ҳам боадаблиги билан ажралиб турарди. Лекин битта-яримта Маркс таълимотини онгли равишда, атайлаб бузиб талқин қилишга, революцион назарияни сохталаштиришга, фактларни қасддан инкор этишга уринса ленинча ўткир киноя, қатъий, муросасиз, қақшатқич танқид ишга тушарди.

Лениннинг яна бир ажойиб фазилати маълум. Бу — фикр-мулоҳазаларининг рад қилиб бўлмайдиган мантиқ кучи, ҳар бир қоидани асослаш маҳорати, илгари сурилаётган тезисларнинг чуқур далилланиши. В. И. Лениннинг Тўла асарлар тўпламида цитаталар келтирилган ва тилга олинган адабий асарлар ва манбалар кўрсаткичида салкам 16 минг асар бор. У ўқиб чиққан жуда кўп китобларнинг қанчадан-қанчаси айтилмаган. Бу нақадар ишчанлик, ижодий жўшқинлик, қандайин улкан, тинимсиз меҳнат! Ҳа, буларнинг бари ҳақиқатнинг тагига етиш, бирдан-бир тўғри хулосага, марксистик таълимотни ҳимоя қилиш, уни бойитиш ва янада ривожлантириш деб аталмиш умумий бир махражга келиш учун қилинарди.

В. И. Лениннинг ҳар бир хулосани фактлар билан асослашга интилиши унинг илк асарларидаёқ яққол кўрина бошлайди. Фактларсиз бирон бир ғояни чинакамига тушуниб ва ўзлаштириб бўлмаслигига Владимир Ильич қаттиқ ишонарди. У фактларни, конкрет материалларни танлаш, анализ қилиш ва системалаштиришга жуда катта эътибор берарди. «Фактлар, — деб ёзган эди В. И. Ленин, — агар улар *бутунлигича,* бир-бирига боғлаб олинса, «ўжар нарсагина» эмас, балки шубҳасиз далил ҳам бўла оладиган нарсадир» (ТАТ, 30-том, 404-бет). У айрим, тасодифий фактлардан фойдаланмасдан (чунки уларни ўз ихтиёрича танлаб олиш мумкин эмас), балки кўрилаётган масалага дахли бор ҳамма фактларни, битта ҳам истисносиз, биргаликда олишни маслаҳат берарди.

Лениннинг фикрича, муваффақиятнинг асоси — бу меҳнатсеварлик, қунт, фидойилик. Чарчашдан қўрқмаган, дангасаликка берилмайдиган, илмнинг машаққатли сўқмоқларидан доимо тиришиб-тирмашиб борадиган, оғир меҳнатдан маънавий қониқиш оладиган, ҳар бир нарсани чуқур ўйлаб кўрадиган, тушуниб етадиган, чуқур анализ қила оладиган, хуллас, тўла куч-ғайрат билан, берилиб ишлайдиган одамгина ўзининг эзгу ниятига эришади, ленинча метод бунга ҳар бир кишини ишонтира олади.

Ленин асарларининг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, уларни ўқир ва қайта ўқир экансан, ҳар гал гениал фикрнинг янги-янги қирраларини топасан, революцион фан улуғ арбоби ўлмас ғояларини тобора чуқурроқ идрок этасан. Марксизм-ленинизм классиклари асарларини ўқиб-ўрганиш коммунистларни, барча манфаатдор кишиларни ғоявий ва маънавий бойитади, юксак идеаллар тантанасига уларда янада кўпроқ ишонч туғдиради. Марксча-ленинча таълимотга садоқат КПСС назарий ва амалий фаолиятининг қонуни эди ва шундай бўлиб қолади.

В. И. Ленин асарлари доимо омма онгини активлаштириб боради, олға чорлайди. Ленин ғояларининг жуда катта таъсири даставвал шу билан изоҳланадики, ижтимоий ҳаётнинг хилма-хил ҳодисаларида улар энг муҳим, энг асосий нарсаларни очиб кўрсатди. Лениннинг буюк асарларини ўрганар экансан, доҳийнинг кундалик ҳаётда учраб турадиган оддий кичик бир масаланинг, бир қарашда аҳамиятсиз кўринган ҳодиса, воқеаларнинг сиёсий томонини очиб, бўрттириб кўрсата олиш маҳорати кишини ҳайратга солади. Владимир Ильич ҳаётий мисоллардан моҳирона фойдаланади, ҳолбуки уларга одамлар кўпинча лозимича эътибор ҳам беришмайди, кўрмагандай ўтиб кетишади. Ҳар бир ҳодисанинг нозик, энг муҳим томонини топа олиш, ундан революция иши манфаатлари йўлида фойдалана олиш ҳам назариётчи Лениннинг муҳим хислати эди.

В. И. Ленин асарлари, унинг номи билан боғлиқ ҳужжатлар ва материаллар ижтимоий тараққиётнинг энг мураккаб масалаларини анализ қилишнинг ленинча методини тушунишда бизнинг кунларда ҳам катта қизиқиш уйғотади. «Биз ленинча методни чуқур англаб олиш учун, — деб таъкидлади М. С. Горбачев «Унита» газетаси редакциясининг саволларига берган жавобларида, — Ленин асарларини қайта-қайта ўқиб, уларни қайтадан идрок этяпмиз. Ана шу методни

тушуниш бизга жиддий ишларимизда ёрдам беради. Бунда қуруқ цитата келтириш билан иш битмайди. Чунки, агар биз Ленининнинг ижодий методини эгаллаб олмасак, ҳозирги замонни таҳлил эта олмаймиз, тўғри қарорларни ишлаб чиқа олмаймиз».

Планета коммунистлари бугунги кунда ленинча таълимотни Ленин ўз вақтида марксизмни таърифлаган сўзлар билан таърифламоқдалар, яъни Ленин таълимоти кучли, чунки у тўғри таълимот, демоқдалар. Марксча-ленинча назария, ҳар бир мамлакатнинг конкрет шароитида уни ижодий қўлланиш жаҳон революцион ҳаракатининг турли отрядлари олдида кўндаланг тураётган масалаларга илмий жавоблар ишлаб чиқиш имконини беради.

Марксизм, В. И. Ленин сўзлари билан айтганда «инсон тафаккури ва маданиятининг икки минг йилдан ортиқроқ вақт мобайнида ривожланиши натижасида вужудга келган қимматли нарсаларнинг ҳаммасини ўзлаштирди ва қайтадан ишлади» (ТАТ, 41-том, 376-бет). Бу хулоса ленинизмга ҳам бевосита тааллуқлидир. Марксча-ленинча назариянинг илмийлиги — бу бир тасодиф, унинг асосчиларининг омадли фарази эмас, балки табиат ва жамият қонунларини билишга онгли равишда интилиш, меҳнаткашлар манфаатлари учун курашда доимо билимлар кучига таяниш натижасидир. Дарҳақиқат, марксизм-ленинизм инсоният даҳосининг барча ютуқларини ўзида мужассам этган. КПСС МКнинг Бош секретари М. С. Горбачев ижтимоий фанлар кафедралари мудирларининг Бутуниттифоқ кенгашида шуни жуда ўринли таъкидладики, марксча-ленинча таълимот меҳнат аҳлининг бутун донишмандлиги ва қайғу-аламини, ғоят катта тажрибасини, уларнинг энг яхши келажак тўғрисидаги орзу-умидларини ўз ичига олган инсоният ҳаяжонли тафаккурининг чўққиси ва мужассам йиғиндисидир.

Ҳар қандай фаннинг мезони амалиёт бўлиб, у воқелик назарий талқинининг ҳаққонийлигини, назариянинг истиқболни кўра олиш қобилиятини аниқлашга, уларга самарали таъсир кўрсатишни таъминлашга имкон беради. Кишилик тарихида янги даврни бошлаб берган Улуғ Октябрь социалистик революцияси марксча-ленинча назариянинг тантанаси бўлди, бу йил барча меҳнаткашлар, Ер юзидаги ҳамма яхши ниятли кишилар унинг етмиш йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўрмоқда. Социалистик революция Европа, Осиё, Лотин Америкасининг бир қатор давлатларида ғалаба қилиши натижасида социализм бир мамлакат доирасидан чиқиб, жаҳон системасига айланди, халқаро коммунистик ҳаракат эса жуда катта нуфузли куч бўлиб қолди. Меҳнаткашлар қўли билан бунёд этилган социализм иқтисодий кризисларни, ишсизликни, қашшоқликни бир умрга тугатиб, ўзининг капитализм олдидаги ҳал қилувчи афзалликларини намойиш қилди. Реал социализм ҳозирги замоннинг энг инсонпарвар жамиятидир.

Революцион таълимот туғилганидан буён орадан салкам бир юз эллик йил ўтди. Шу давр мобайнида марксизм-ленинизм давр синовидан шараф билан ўтди. Асосий белгиларда, туб масалаларда К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин берган таҳлил бирдан-бир тўғри таҳлил бўлди.

Бутун дунёда меҳнат аҳлининг социализмга, унинг назарияси ва бунёдкорлик практикасига бўлган интилиши тобора ортиб бормоқда. Ҳа, бу табиийдир. Ф. Энгельс ўша вақтдаёқ кўрсатиб ўтганидек, «шуни доимо назарда тутиш керакки, социализм фан бўлган вақтидан буён, у ўзига фанга муомала қилгандай муомала қилишни, яъни уни ўрганишни талаб этади» (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 18-том, 499-бет).

«Марксизмни жиддий ўрганиш керак» — В. И. Ленин бу сўзларни тез-тез такрорларди. У революцион назария устида чуқур фикр юритиш ва уни мустақил ўзлаштиришга даъват этган эди. Бунда унинг айрим қоидаларини кўр-кўрона ёдлаш эмас, балки уларнинг ҳар бирини онгли равишда, чуқур ўйлаб ўзлаштириш керак. Фақат шундагина билим эътиқодга айланади, иш билан мустаҳкамланади, шахсда у ёки бу ҳодиса, воқеаларга мустақил, тўғри қараш қарор топади. Партия ҳаққоний тарзда марксча-ленинча эътиқод жиддий ўй-мулоҳазалар, изланишлар, кашфиётлар натижаси бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Ана шундагина улар чуқур англанган, машаққатлар билан эришилган илмий дунёқарашга асос бўла олади, бинобарин, инсоннинг тўлақонли хаёт кечириши ва меҳнат қилишига ёрдам берадиган чинакам мустаҳкам эътиқод бўлади. Зеро, билим, эътиқод ва амалий ишлар бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлиб, бири иккинчисидан келиб чиқади. Шу

маънода коммунистик ғоявийлик билим, эътикод ва амалий хатти-ҳаракатнинг бир-бирига қўшилиб кетишидир.

Марксизм-ленинизм классикларининг назарий мероси ер юзидаги меҳнаткашларнинг жуда катта ғоявий хазинасидир. У КПСС, жаҳон коммунистларининг бебаҳо бойлиги бўлиб, у кишилик тараққиётига хизмат қилган, хизмат қиляпти ва бундан буён ҳам хизмат қилаверади. Революцион назария мангу навқиронлигининг сири шундаки, Маркс, Энгельс, Ленин идеаллари илмий жиҳатдан тўғри, улар миллион-миллион кишиларга яқин ва тушунарли, ҳар бир авлод ўзларини тўлқинлантирган масалаларга улардан аниқ жавоблар олади.

«Марксизм-ленинизм — буюк революцион дунёқарашдир, — деб кўрсатилади партия МКнинг Сиёсий докладида. — У инсоният ҳали хеч қачон ўз олдига қўймаган энг инсоний мақсадни — Ер юзида адолатли социал тузумни барпо этиш мақсадини асослаб берди. У ижтимоий тараққиёт жараёнини қонуний тарздаги, ғоят кенг кўламдаги кўп қирралилиги ва зиддиятлилиги билан яхлит ҳолда илмий асосда ўрганиш йўлини кўрсатиб беради, иқтисодий ва сиёсий кучларнинг характери ва ўзаро муносабатларини тўғри англаб олишга, курашнинг тўғри йўналишлари, формалари ва методларини танлаб олишга, кескин тарихий бурилишларда ўзини дадил ҳис этишга ўргатади».

Инсониятнинг қимматбаҳо маънавий бойлиги — гениал мутафаккир ва революционерлар Маркс, Энгельс, Ленининнинг ғоявий меросини тарихнинг ўзи коммунистларга ишониб топшириб қўйибди. Совет кишилари марксизм-ленинизм ҳозирги дунёда бажараётган буюк вазифа билан қонуний равишда фахрланадилар. Мангу барҳаёт марксча-ленинча таълимот партия илгари сураётган мақсадларнинг аниқ-равшанлилигини, уларга эришиш воситаларининг таъсирчанлигини таъминлайди. У КПСС фаолиятида реаллик ва истиқболни ҳис этишнинг ишончли манбаидир.

КПСС XXVII съезди ҳужжатлари революцион назарияни ривожлантиришга қўшилган йирик ҳиссадир. Партия Марказий Комитетининг Сиёсий докладида шундай деб таъкидланади: «КПСС ўзининг бутун фаолиятида шунга амал қиладики, марксизм-ленинизм таълимотига садоқат уни тўпланган тажриба негизида ижодий ривожлантиришдадир». КПСС МК Сиёсий докладида, партия Программасида, съезднинг бошқа ҳужжатларида марксча-ленинча назария янада ривожлантирилди ва бойитилди. КПСС XXVII съездининг назарияга қўшган ижодий ҳиссаси шунда кўриндики, биринчидан, ҳозирги даврнинг асосий, туб масалалари аниқ, илмий жиҳатдан тўғри белгилаб берилди, нега энди айни шу масалаларнинг бугун биринчи ўринга қўйилаётганлиги ишонарли равишда исботлаб берилди, улар ўртасида ички алоқалар ўрнатилди, асосий масалаларни ҳал этишнинг энг мақбул йўллари, восита ва методлари аниқланди. Бу тарихнинг ҳозирги мураккаб ва зиддиятли босқичида партия бош йўлининг концептуал негизини мустаҳкам назарий пойдевор асосига қуришга имкон берди. Иккинчидан, партиянинг ижодий коллектив фикри тараққиётнинг ҳозирги босқичидаги янги шарт-шароитлар ва ўзига хос хусусиятларга мувофиқ равишда тафаккур ва ҳаракатда назарий ҳамда сиёсий ўзгаришларни амалга оширди. Съезд фан-техника тараққиёти асосида мамлакатни иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришда социал-маданий соҳанинг жуда катта аҳамиятини, инсон омилининг ролини аниқ белгилаб берди.

Партия Программасида «Социализм совет жамиятининг маънавий ҳаётида илмий дунёқараш ҳукмронлигини таъминлади. Унинг негизини фалсафий, иқтисодий ва социал-сиёсий қарашларнинг яхлит ва мукаммал системаси бўлмиш марксизм-ленинизм ташкил этади» деб хулоса чиқарди.

Партия XXVII съезди мамлакатдаги аҳволни марксча-ленинча таҳлил қилиш асосида КПСС МКнинг апрель (1985 йил) Пленуми илгари сурган совет жамиятини социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш концепциясини илмий асослаб янада ривожлантирди, партия ва совет органлари, жамоат ташкилотлари ишини, бутун ижтимоий ҳаётни қайта қуриш зарурлигини асослаб берди.

Прогрессив инсоният ҳозирги замон марксча-ленинча тафаккурнинг энг йирик ютуғи деб баҳолаган КПСС XXVII съезди ҳужжатларида назарий умумлашмалар ва хулосаларнинг новаторлиги ҳам, давомийлиги ҳам ёрқин намоён бўлди («Коммунист» журналининг 1986 йил 6-сони 4-бетига қаралсин).

КПСС Марказий Комитети съезддан кейинги бир қатор ҳужжатларида шуни таъкидладики, жадаллаштириш, қайта қуриш йўлини амалга ошириш янгичасига фикрлаш ва ҳаракат қилишни тақозо этади. Бугунги процессларни эски формулаларга мослаштириш мумкин эмас. Партия жамиятшунослар ва табиатшунослар, ҳаётнинг ҳамма соҳаларида ишлаётган амалиётчиларни диалектик фикрлашни эгаллашга, диалектикага таянишга даъват этадики, диалектика, Маркс сўзларига кўра, ҳеч нима қаршисида бош эгмайди ва ўз моҳиятига кўра танқидий ва революцион руҳдадир.

Раҳбар кадрларнинг марксизм-ленинизмни чуқур билиши айниқса муҳимдир, бу ҳақда КПСС МҚнинг январь (1987 йил) Пленумида яна бир бор таъкидлаб ўтилди. М. С. Горбачев Пленумда қилган докладида таъкидладики, ҳозир фақат йўл қўйилган хатоларни тан олиш билангина чекланиш ярамайди. Келгусида бундай янглишишларга йўл қўймаслик учун биз ўтмишдан сабоқ олишга мажбурмиз. Ана шундай сабоқлардан бири шундан иборатки, деб кўрсатди М. С. Горбачев, «биз кадрларнинг сиёсий ва назарий тайёргарлиги, уларни ғоявий-ахлоқий жиҳатдан чиниқтириш ишига етарли баҳо берилмаслигига йўл қўймаслигимиз керак. Акс ҳолда, бу нарса сиёсий раҳбарлик органлари бўлмиш партия комитетларининг фаолиятида жуда жиддий қусурларга айланиб кетади».

МҚнинг январь (1987 йил) Пленуми ҳужжатларида, партия Марказий Комитетининг «Коммунист» журнали тўғрисида»ги қарорида, КПСС МҚнинг «Меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқуви системасини қайта қуришнинг асосий йўналишлари» лойиҳасида, ижтимоий фанлар кафедралари мудирларининг Бутуниттифоқ кенгаши материалларида революцион назарияни даставвал биринчи манбалар асосида ўрганишнинг муҳимлиги таъкидлаб ўтилди. Турли авлодларга мансуб минг-минглаб коммунистлар Маркс, Энгельс, Ленин асарларидан муҳим ҳаётий масалаларга жавоб топганлар ва топмоқдалар. Марксча-ленинча методология бугун ҳам КПССнинг ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қайта қуриш ва янгилаш йўли билан боғлиқ бугунги кун масалаларига жавоб топишда бизга ёрдам бермоқда. Шунинг учун ҳам партия марксча-ленинча назарияни пропаганда қилишга, совет кишиларида илмий дунёқарашни шакллантиришга катта эътибор бераяпти.

Совет кишилари инсоният даҳоларининг дадил фикрлаш ва ижтимоий ижодиётга ундайдиган мангу барҳаёт асарларига ҳамиша мурожаат қиладилар, марксизм-ленинизмнинг бой хазинасидан баҳраманд бўлиб, руҳий куч-қудрат, аниқ ҳаётий позиция, коммунистик идеалларга ишонч ҳосил қиладилар. Буларнинг ҳаммаси буюк мақсад йўлидаги қийинчиликларни енгишга, бунёдкорлик меҳнатида муваффақиятларга эришишга, Ленин партияси XXVII съезди қарорларини тўлароқ бажаришга ёрдам беради.

ИДЕОЛОГИК, ТАШКИЛОТЧИЛИК ВА ХЎЖАЛИК ИШИНИНГ БИРЛИГИГА ЭРИШАЙЛИК

Ҳ. УМАРОВ,
Ўзбекистон Компартияси Фарғона область комитетининг биринчи секретари

Жадаллаштириш, инсон омили, янгичасига ишлаш зарурати, психологик қайта қуриш... Бу сўзлар бугунги кунда нафақат совет кишиларининг оғзидан тушмаяпти, балки уларнинг онгига ҳам чуқур сингиб бормоқда. КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачевнинг Марказий Комитетнинг июнь (1987 йил) Пленумида қилган докладида таъкидланганидек, ҳаёт партия ишлаб чиққан йўлнинг тўғрилигини тасдиқлади, жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида янгиланиш бошланди.

Совет кишилари КПСС XXVII съезди қарорларига амал қилиб, мамлакатда авж олиб бораётган кенг миқёсли туб ўзгартиришларга тобора активроқ қўшилмоқдалар. Ҳозир биз қайта қуришнинг энг қийин ва масъулиятли босқичи — амалий ишлар босқичига қадам қўйган чоқда ҳар бир коммунистдан, ҳар бир меҳнаткашдан катта, қизғин, тўла самара билан ишлаш талаб қилинади. КПСС МК июнь Пленумининг «Партиянинг экономикани бошқаришни тубдан қайта қуриш соҳасидаги вазифалари тўғрисида»ги қарорида «ҳозир қайта қуришнинг барча йўналишларида партия таъсирини кучайтириш, ижтимоий жараёнларга моҳирона раҳбарликни, партиявий ишда янги ижодий ёндашувлар ишлаб чиқилишини таъминлаш айниқса муҳим бўлиб, уларни кучайтириш зарур» деб таъкидланди.

Ҳаётнинг барча соҳаларида сифат жиҳатдан чуқур ўзгаришларнинг муқаррарлиги идеологик, ташкилотчилик ва хўжалик фаолиятининг бирлигини мустаҳкам қарор топтириш вазифасини қўйди. Жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида одамларни нафақат шунчаки ижрочи қилиб, балки ижодкор, омилкорларча манфаатдор, масъулият билан, онгли ва актив ҳаракат қилувчилар қилиб тарбиялаш муҳимдир. Ана шу сабабли ҳам мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришдан иборат асосий концепция билан бир қаторда у билан ўзаро боғлиқ бўлган инсон омилининг — белгиланган планларни бажариш учун шахснинг юксак масъулиятини таъминлайдиган ана шу битмас-туганмас резервнинг ўсиб борувчи роли тўғрисидаги қоида ҳам илгари сурилди. Бутун тарбиявий ишни қайта қуриш — экономикани интенсивлаштириш вазифаларини амалга оширишнинг энг самарали йўлларидан бири эканлигига бизнинг ишончимиз комил.

Фарғона область партия комитети, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ишнинг ана шу йўналишига ғоят жиддий эътибор беришмоқда. Бу ўринда биз партия XXVII съездининг КПСС МКнинг Сиёсий доклади юзасидан Резолюциясига амал қиламиз, унда «меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий тарбиялаш ишини, унинг мазмуни, форма ва методларини ички ва халқаро ҳаёт воқеликларига мувофиқ равишда олиб бориш, унинг ташкилий ва хўжалик фаолияти билан боғланган бўлишини таъминлаш лозим»лиги таъкидланади.

Область партия ташкилоти партиявий ишни қайта қуришнинг илдам характерини таъминлашни, белгиланган йўлни янада кўпроқ изчиллик, фидокорлик билан амалга оширишни, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва социал-маданий турмушнинг ҳамма жабҳаларида янгича ёндашувларни, новаторлик ечимларини

активроқ излаб топишни, меҳнат коллективларининг, ҳар бир ходимнинг ташаббускорлигини ривожлантиришни, уларни камчиликларга муросасиз бўлиш, барча янги, илғор нарсаларни қўллаб-қувватлаш руҳида тарбиялашни ўзининг асосий вазифаси деб билади.

Фарғона области — республиканинг энг йирик саноат регионларидан биридир. Машинасозлик, нефть, химия ва енгил саноат, қурилиш индустрияси тараққий этган. Агросаноат комплекси ҳам экономикада муҳим роль ўйнамоқда.

Бизнинг беш йиллик планимизда корхоналарни техника жиҳатдан қайта қуроллантириш, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш, кам самарали иш ўринларини замонавийлаштиришнинг муддатлари ва микёслари аниқ белгиланган. Меҳнат унумдорлигини ошириш, барча турдаги ресурсларни иқтисод қилиш, маҳсулот сифатини яхшилашга доир кўрсаткичлар аниқланган. Социал проблемаларни ҳал этиш, область аҳолиси турмушининг моддий ва маънавий даражасини ошириш юзасидан чора-тадбирлар комплекси кўзда тутилган.

Фан-техника тараққиётига доир тадбирларни амалга ошириш жараёнида 20 корхонани, ишлаб чиқаришларни, цехлар ва участкаларни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш, 115 та механизациялашган поток ва автомат линияларни, 2 мингга яқин автоматик ускунани, қурилма ва агрегатларни, 25 та саноат роботини, 62 миллион сўмликдан зиёд иқтисодий самара берадиган 30 мингдан ортиқ рационализаторлик таклифини жорий қилиш планлаштирилмоқда. Планлар тиғиз. Шу сабабли ҳам область партия ташкилотлари мунтазам равишда уларни амалга оширишнинг энг самарали йўлларини изламоқдалар.

Ишлаб чиқаришларни техник жиҳатдан янгилаш — ана шундай йўллардан биридир. Ишдан чиққан, эскирган техникадан қутулиш ва уни янги, илғор техника билан алмашлаш соф хўжалик вазифасидек туюлади. Лекин жиддий тарбиявий ишсиз, реконструкциялаш ва техника жиҳатдан қайта қуроллантиришнинг аввало меҳнаткашларнинг ўзлари учун ва, албатта бутун жамият учун афзалликларини кўрсатмасдан туриб ана шу жараёнга нисбатан кишиларнинг муносабатида психологик жиҳатдан кескин бурилиш ясаш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам корхоналаримиз ва хўжаликларимиз кўпчилигининг раҳбарлари техникани янгилаш ишларига коллективларни олдиндан тайёрлашмоқда.

Мисол учун, «Қўқондтекстильмаш» заводини олайлик. Бу областнинг давр билан баравар қадам ташлаётган корхоналаридан биридир. Бу ерда тайёрланаётган йигириш-чийратиш, ҳалқалаш-йигириш ва хом ип ясайдиган машиналар учун тортувчи асбоблар бугунги кунда жаҳондаги намуналардан қолишмайди. Бироқ, бу — бугунги ишлар. Заводнинг партия ташкилоти, раҳбарлари, меҳнат коллективи эртанги кун тўғрисидаги ўйлар билан яшамоқда. Мослашувчан автоматлаштирилган ишлаб чиқаришга эга корпусни яратиш ва ишга тушириш режаси — навбатдаги беш йиллик планларидан ўрин олган. Лекин коллектив энг янги техникани қўлланишга ҳозирданоқ тайёрланмоқда. Инженерлар ва ишчилар робот-манипуляторларни, рақамли программавий бошқарувли станокларни бошқаришни ўрганишяпти, дисплейларнинг «алфавитлари»ни ўзлаштириб, перфо- ва магнит ленталарга ишчи программаларини териш малакасини эгаллашмоқда. Шу билан янги техника олдидаги психологик ғов бартараф этилади, зарур билимлар ва кўникмалар ҳосил қилинади, онг-билим доираси кенгайтирилади. Ҳозир заводда ноёб пресс, қатор сонли программавий бошқарувли станоклар ва учта саноат роботи ишлаб турибди. Бу техникани асосан ёшлар бошқаради.

Албатта, бу корхонада ҳам ҳал этилмаган проблемалар ва камчиликлар бор, лекин партия ташкилоти энг муҳим натижани қўлга киритган — одамларда янгичасига ишлаш кайфияти хукмрон, улар жадаллаштириш йўлидаги ҳамма тўсиқларни четга суриб ташлашга интилишмоқда. «Коммунист, устав бўйича яшаяпсанми?» деган мавзуда ўтказилган партия йиғилишидаги ўзаро талабчан суҳбат уларнинг қайта қуриш муваффақиятидан манфаатдорлигини кўрсатади. Йиғилишда ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаолиятдаги хатоларга айбдор бўлган кишилар тўппа-тўғри, кескин ва адолатли танқид қилинди. Ҳозироқ ишонч билан айтиш мумкинки, бу танқиддан тўғри, умумий иш учун фойдали хулосалар чиқариб олинади.

Область партия, совет, хўжалик органлари ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш йўлини амалга оширишда кўп сменали иш режимига ўтишга катта умид боғлашмоқда. Қатор корхоналар ҳозирдаёқ шундай иш режимига ўтишган. Ҳар қандай янги иш сингари бу ҳам катта ташкилотчилик куч-ғайратларини, тарбиявий, агитацион ва бошқа тадбирлар ўтказилишини тақозо этди. Илғорларнинг шахсий намунасидан, пропагандист сўзидан, ташкилий чора-тадбирлардан фойдаланиш, айрим технологик алоқаларни ўзгартириш зарур бўлди. Корхоналарни хом ашё, материаллар ва усуналар билан қўшимча равишда таъминлаш, кишиларни ишлаб чиқаришга ва уйларига элтиб қўйиш, маиший шарт-шароитларни яхшилаш, овқатлантиришни ва болалар муассасаларида тунги навбатчиликни ташкил этиш масалаларини ҳал этиш талаб қилинар эди. Энг муҳими — маҳсулот сифатининг пасайишига йўл қўймаслик керак эди.

Бу ўринда Қўқон шаҳар партия комитети ва шаҳар ижрокоми ибрат бўлишди. Ҳозир шаҳардаги 29 корхонадан 22 таси икки-уч сменада ишлаяпти. Ишчилар кўпроқ уюшган машинасозлик корхоналари — «Большевик», «Электромаш», «Текстильмаш» заводларида кўп сменалиликнинг афзалликлари яққол намоён бўлмоқда. Пойабзал ва тикувчилик фабрикаларида ҳамда қатор бошқа корхоналарда бундай иш режимини жорий қилиш қийинроқ кечмоқда. Лекин уларда ҳам муайян муваффақиятларга эришилган. Ўтган йили ускуналар ва станок паркининг сменада иш билан таъминланиш коэффициентини ошириш ҳисобига планга қўшимча равишда 103 минг жуфт пойабзал, 1,2 миллион сўмлик тикувчилик ва 700 минг сўмлик чулки-пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 19 миллион сўмлик кўпайди. Қўшимча равишда 1100 киши ишга жойлаштирилди, ускуналар сменалилиги коэффициенти 1,94 гача кўтарилди. Қўқонликлар тажрибаси областдаги бошқа корхоналарда ҳам оммалашмоқда.

Сут-товар фермаларидаги икки сменали иш тобора кенгроқ тарқалмоқда. Бу иш ҳам қийин кечмоқда, ходимларнинг кўпчилигига мақбул бўладиган ташкилий формалар тезда топила қолмайди.

Масалан, Анвар Тожибоев раҳбарлик қиладиган ферма чорвадорлари (Риштон районидаги «Коммунизм» колхози) ҳар хил иш режимларини синаб кўришиб, ниҳоят суткалик навбатчиликни қабул қилишди. Бундай форма ҳаммага маъқул бўлди. «Энди дам олишга ҳам, рўзғор ишлари билан шуғулланишга ҳам, болаларга қарашга ва қариндош-уруғлардан хабар олиб туришга ҳам вақт етаяпти», — дейди сут соғувчи Малика Маманазарова.

Колхоз маъмурияти ва партия ташкилоти бу ўринда ҳам ферма ходимларига ўз фикрини зўрлаб ўтказишгани йўқ, икки сменали иш режимида дастлабки узилишлар бўлиши билан кишилар ҳузурига келишди, уларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглаб, икки сменали режимни янгича йўлга ўтказишди. Ишлар анча юришиб кетди ва одамлар ҳам бундан мамнун бўлишди.

Колхозда чорвадорлар учун нормал маиший шарт-шароитлар яратиш тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилишади. Бу ерда яхши жиҳозланган дам олиш хоналари, душхона, медицина хонаси, сиёсий ўқув учун чоғроқ зал мавжуд. Буларнинг ҳаммаси янада самарали меҳнат қилишга кўмаклашади. Бошқача ўзгаришлар ҳам: Белоруссиядан зотли соғин сигирлар сотиб олиш, янги чорвачилик комплекси қуриш мўлжалланмоқда.

Ферма ходимлари аттестациядан ўтказилди. Биринчи категория бўйича аттестация қилинганлар эндиликда маошларига 20 процент қўшимча ҳақ олишмоқда, бу, шубҳасиз, меҳнат унумдорлигини ошириш учун яхши омилдир.

Янги иш формаси Тошлоқ ва Қува районларининг қатор хўжаликларидаги фермаларда ҳам яхши натижалар берди. Ҳозир областдаги 208 та сут-товар фермасидан 112 таси икки сменали режимда ишламоқда.

Биз йириклаштирилган комплекс хўжалик ҳисобидаги бригадаларни ташкил қилишни, коллектив пудрат принципларини бирлашмалар ва корхоналар фаолиятига ҳам ёйишни катта сиёсий аҳамиятга эга иш деб биламиз. Кейинги йилларда меҳнат коллективларида партия ташкилотларининг раҳбарлиги остида бу борада анча иш қилинди. Масалан, саноатда ишчиларнинг 70 процентдан кўпроғи, қурилишда — 50 проценти меҳнатнинг бригада формаси билан қамраб олинган. Улар юқори натижаларга эришишмоқда. Қишлоқ хўжалигида экин

майдонларининг 90,8 процентига коллектив пудрат асосида ишлов берилади.

Аввало маъмурият партия ва касаба союз ташкилотлари билан биргаликда тайёргарлик олиб борган жойларда ана шу илғор формага ўтиш яхши самара бермоқда. Лекин тўғрисини айтишим керак: ҳозирча бу иш бизда ҳамма жойда ҳам лозим даражада эмас. Бригадаларни тузиш ва уларнинг ишлашидаги расмиятчиликка барҳам бериш, сифатга путур етказиб ишнинг миқдорий томонига берилиб кетишга қарши курашиш, кишиларнинг хўжалик ҳисоби, пудрат элементларини чуқур ўзлаштириб олишларига ёрдам бериш керак бўлади. Партия ташкилотлари бирлашмалар ва корхоналар фаолиятини синчиклаб билиб олишлари, бригадаларнинг юқори сифатли ва унумли ишлашлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш, механизациялаш ва автоматлаштириш воситаларини, илғор техника ва технологияни жорий этиш асосида қўл меҳнатининг ҳиссасини камайтириш учун хўжалик раҳбарларининг масъулиятини ошира боришлари лозим. Бунда диққат-эътибор аввало меҳнат коллективларидаги ташкилотчилик ва ғоявий-тарбиявий ишлар савиясини оширишга, бригадаларда партиявий таъсирни кучайтиришга, мумкин бўлган жойларда партия группаларини тузишга, уларнинг фаолиятини соғлом маънавий-психологик муҳит яратиш, меҳнат ва ижтимоий активликни ошириш, одамларда план топшириқлари ва қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажариш учун юксак масъулиятни ҳосил қилишга қаратилиши керак.

Ишлаб чиқаришни ва бошқарув методларини такомиллаштиришдан асосий мақсад — ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини кескин ошириш, уни жаҳондаги энг яхши намуналар даражасига етказишдир. Давлат қабули ҳам ана шу мақсадда жорий қилинди. Бизнинг областда давлат қабули Янги Қўқон химия заводида амал қиляпти.

Давлат қабулини жорий этишга тайёргарлик даврида раҳбарлар ва мутахассисларни жадал психологик қайта қуриш, сменалар ва бригадалар коллективларида оммавий-сиёсий ишлар таъсирчанлигини ошириш тўғрисидаги масала алоҳида кескин қилиб қўйилди. Ишчилар ва партия йиғилишларида, агитаторлар суҳбатларида, сиёсий ахборотларда, лекцияларда давлат қабулининг аҳамиятини тушунтириб бериш катта роль ўйнади. Кўргазмали агитацияни яхшилаш ҳам яхши натижалар берди.

Ҳар қалай, давлат қабули шароитида ишлашнинг дастлабки ойлари шуни кўрсатдики, қўлни ковуштириб ўтириш мумкин эмас, чунки бошланган қайта қуриш ишлаб чиқариш, коллектив ҳар бир аъзосининг манфаатларига жуда сезиларли равишда таъсир қилади.

Ҳозирги пайтда областдаги яна 11 корхона давлат қабулига ўтишга тайёрланмоқда. Қувасой чинни заводи, Ўзбекистон пахта тозалаш, Қўқондаги «Большевик» ва «Электромаш» заводлари, Фарғона мебель фабрикаси ва бошқалар шулар жумласидандир. Иш комплекс тарзда олиб борилмоқда. Бу ерда ташкилий-техникавий тадбирларни амалга ошириш билан бир қаторда марксча-ленинча ўқув системасининг барча бўғинларида — илмий коммунизм, марксизм-ленинизм асослари, конкрет экономика, коммунистик меҳнат мактабларида «КПСС XXVII съезди экономикани интенсивлаштиришнинг муҳим омили сифатида маҳсулот сифатини яхшилаш тўғрисида» мавзуида машғулотлар бўлиб ўтди. Пропагандистлар бу омилнинг аҳамияти тўғрисида, мазкур коллектив давлат қабули шароитида ишлар экан барқарор равишда юқори сифатли маҳсулот чиқариш учун нима қилиши мумкинлиги ҳақида ҳикоя қилдилар. «Маҳсулот сифатини ошириш — умумдавлат иши» мавзуида ягона сиёсий кун ўтказилди.

Бошланғич партия ташкилотлари, партия комитетлари қайта қуришда қандай роль ўйнаши кераклиги маълум. Ҳаётимизнинг барча томонларини сифат жиҳатдан туб ўзгартириш ана шу ташкилот ва комитетларнинг ўз ишига баҳо беришда қанчалик принципиаллигига, ишчанлигига, ташаббускорлигига, фидокорлигига ҳал қилувчи даражада боғлиқдир. Партия группалари — бошланғич партия ташкилотларининг асосий потенциалидир. Улар жадаллаштириш учун курашнинг карвонбошиларидир, қайта қуриш муваффақияти кўп жиҳатдан уларнинг жанговарлигига, принципиаллигига, меҳнат коллективларини биринчи

даражали вазифаларни ҳал этишга сафарбар қила олиш, кишиларнинг ижодий активлигини ўстира олиш қобилиятига боғлиқдир.

Фарғона қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати арматура ва металл буюмлар цехлари партия группаси ташкилотчиси Минниса Семеновна Пронько буларнинг ҳаммасини жуда яхши тушунади. У ўз ишини яхши биладиган, ташаббускор, принципиал, ҳаётни, коллектив аъзоларининг эҳтиёж ва манфаатларини тушунадиган, одамларни ўз орқасидан эргаштира оладиган киши. У — Фарғона шаҳар партия комитетининг аъзоси.

М. С. Пронькониинг фаолият доираси кенг. Бу — меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, меҳнатни ташкил қилишни яхшилаш, бажарилаётган ишларни механизациялаш, коммунистларнинг қайта қуришга шахсий ҳиссасини ошириш тўғрисида ғамхўрлик кўрсатиш, ресурсларни тежаш мақсадлари ва йўлларини тушунтириш, меҳнатда иштирок этиш коэффициентини аниқлашни амалий контрол қилиш, мураббийларнинг тарбиявий фаолияти, коллективда яхши маънавий-психологик муҳитни қарор топтиришдир.

Унинг кишиларга ўзининг меҳнатдаги ва ижтимоий бурчларига масъулият билан муносабатда бўлиш кайфиятини сингдира олиш қобилияти яхши самаралар бермоқда. Цех коллективи планларни муваффақиятли уддаламоқда, икки йиллик топшириқни Октябрь революциясининг 70 йиллигигача бажариш мажбуриятини олган.

Ана шундай ишга новаторларча ёндашиш, хўжалик механизмини такомиллаштириш йўлларини излаш, партиявий ишни қайта қуришнинг жадал характерда бўлишини таъминлаш, омманинг ижодий потенциалини ривожлантириш намуналарини кўплаб келтириш мумкин.

Экономикани интенсивлаштиришни кенг миқёсда идеологик таъминлаш учун партия, касаба союз ва комсомол ходимлари, хўжалик раҳбарларининг, область партия комитетининг Сиёсий маориф уйи ва «Билим» жамияти бўлимлари, маданият бўлимлари ва спорт комитетлари, илмий атеизм уйи ва оммавий ахборот воситаларининг куч-ғайратларини мувофиқлаштириш зарур бўлди.

Партия ташкилотлари ва комитетлари идеологик фаолиятининг асосий вазифаси — кишиларнинг онгини шакллантириш, уларда коммунистик эътиқодни мустаҳкамлаш, психология ва тафаккурни қайта қуриш руҳида ўзгартиришдан иборат. Бунда сиёсий ва иқтисодий ўқув системаси муҳим роль ўйнайди.

Ўтган ўқув йили экспериментал бўлди — машғулотларни ўтказишнинг янги формалари изланди, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг илғор методларини ўргатиш тематикаси аниқланди, тингловчилар активлигини ошириш йўллари белгиланди.

Пропагандистлар составининг бу ишни малакали тарзда олиб бориши ва уларнинг ўзлари хўжалик механизмини қайта қуриш моҳияти ва мақсадларини яхши тушуниб олишлари учун биз кадрлар ўқувига ғоят жиддий эътибор бердик. Область партия комитетининг Сиёсий маориф уйи қошида назарий семинарларнинг 3 мингга яқин, конкрет экономика мактабларининг 1 мингдан зиёд пропагандисти таълим олишди.

Сиёсий ва иқтисодий ўқувнинг бориши газеталар саҳифаларида ва область радиоси орқали мунтазам ёритилиб турди. Пропагандистларга ёрдам тариқасида методик материаллар эълон қилинди.

«Коммуна» газетаси редакциясидаги «Давра суҳбати»да областнинг энг яхши пропагандистлари — Бувайда РАСБ(РАПО) раиси В. Абдуллаев, Бағдод районидаги «Пахтакор» колхози раиси А. Абдусаматов, Ёзёвон районидаги «Ёзёвон» совхози экономисти А. Холматов ва бошқалар ўз тажрибалари билан ўртоқлашишди.

Олтиариқ районидаги «Комсомол» колхози пропагандисти, бош бухгалтер Қ. Муллабоев иқтисодий таълим имкониятларидан самарали фойдаланиш соҳасида бой тажриба тўплади. У республика телевидениесининг шу йил февраль ойидаги «Партиянинг ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш йўли» деган кўрсатувида социалистик экономика экспериментал мактабидаги машғулотларга ўзининг қандай тайёргарлик кўриши тўғрисида гапириб берди.

Кадрлар сиёсатини ҳар тарафлама такомиллаштириш партия комитетларининг идеологик, ташкилотчилик ва хўжалик фаолиятининг бирлигини амалга

оширишнинг, унинг самарадорлигини юксалтиришнинг зарурий шартларидан биридир. Бу ўринда ленинча принципларга амал қилиш, маълумки, катта аҳамиятга эга. КПСС МК январь (1987 йил) Пленуми талаблари асосида бу иш областдаги партия комитетлари бутун куч-ғайратларининг негизи бўлиб қолди. Шаҳар ёки район партия комитети хўжалик ҳаётининг қандай проблемасини кўриб чиқмасин уларнинг кадрлар билан, кадрларнинг топширилган иш учун масъулияти билан боғлиқларини асосий қилиб қўяди. Барча даражалардаги ва ҳамма бўғинлардаги кадрларни тарбиялашни яхшилаш экономикадаги ютуқларнинг негизи бўлиб қолди, меҳнат коллективларидаги вазиятни соғломлаштиришга, меҳнаткашларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳадаги активлигини ўстиришга кўмаклашмоқда.

Сўнгги икки йил ичида халқ хўжалигининг деярли ҳамма тармоқларида кадрлар состави янгиланди. Ходимларнинг, аввало раҳбар кадрларнинг муайян қисми билан уларнинг компетентли эмаслиги, ишдаги жиддий камчиликлар сабабли «хайр-хўш» қилишга тўғри келди.

Ҳаёт шуни кўрсатдики, кимнидир лавозимга тайинлаш ёки ишдан олиш, раҳбарни рағбатлантириш ёки жазолаш фактининг ўзи муҳим тарбия воситаси бўлиб қолмоқда. Биз учун лавозимдан олиб ташлаш фақат жазолаш чораси эмас, балки бошқалар учун тарбиявий сабоқ ҳамдир. Бировни рағбатлантириш бошқаларнинг ҳам яхшироқ ишлай бошлашига, жазолаш — шу хилдаги камчиликларни бартараф этишга ёрдам беради. Бўш ходимни лавозимидан бўшатиш ва бошқа, муносиброқ кишини тайинлаш билан биз аввало коллектив кайфиятида кескин бурилиш ясашга, меҳнат қилиш учун қулай вазият яратишга ҳаракат қиляпмиз. Хуллас, биз кадрлар сиёсатига белгиланган марраларга эришиш ишида меҳнаткашларнинг юксак социал активлигини шакллантиришнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида қарамоқдамиз.

Хўжалик вазифаларини идеологик таъминлаш танқид ва ўз-ўзини танқиднинг юксак савияда бўлишини талаб қилади. Область партия комитети партия ташкилотларининг раҳбарлар фаолиятини танқидий, принципиал нуқтаи назардан баҳолай олиш қобилиятини ошириш учун ҳамма ишни қилмоқда. Акс ҳолда экономикани интенсивлаштириш йўлига ўтказишни амалга ошириш, фан-техника тараққиёти ютуқларидан кенг миқёсда фойдаланишга эришиш мушкул. Ҳолбуки, бу омма ўртасида ташкилотчилик ва сиёсий ишлар олиб боришнинг негизи ҳамдир. Партия комитетлари фаолиятидаги демократик асослар тобора ривожлантирилмоқда.

Фарғона шаҳрида ўтказилган бошланғич партия ташкилоти секретари кунларидан бирида «Биз шаҳар партия комитетининг ишини қай тарзда кўришни хоҳлар эдик?» деган савол ўртага ташланди. Муҳокама мунозара шаклида ўтди, сўзга чиқувчилар конкрет ва амалий таклифлар билдиришди. Шаҳар партия комитети аппарати ўз шаънига кўплаб танқидий мулоҳазалар эшитди, бу мулоҳазалар аввало иш услуби ва методларига тааллуқли эди. Барча таклифларнинг бажарилиши назорат остига олинди.

Таклифларнинг бир қисми ҳозирдаёқ амалга оширилган. Масъул ходимлар бошланғич партия ташкилотларида тез-тез бўлишмоқда, оддий коммунистлар, партиясизлар, меҳнаткашлар билан учрашишмоқда, жойларда методик ва амалий ёрдам кўрсатишмоқда. Эндиликда очиқ хатлар кунлари, ягона сиёсий кунлар ва партия ходимларининг меҳнаткашлар билан бошқа учрашувлари кўпроқ самарали тарзда ўтмоқда.

1987 йил июнда бўлиб ўтган маҳаллий Советларга сайловларнинг якунлари шаҳарликларнинг социал активлиги ошганлигидан далолат беради. Бўлғуси депутатларга наказлар, таклифлар ва танқидий мулоҳазалар илгаригидан анча кўп миқдорда билдирилди. Номзодларни кўрсатиш ҳам кўпроқ манфаатдорлик ва талабчанлик билан ўтди: таклиф қилинган 79 номзод муҳокама жараёнида қўллаб-қувватланмади.

Область партия ташкилотлари олиб борган тарбиявий иш, кишиларнинг жўшқин меҳнати экономикада айрим силжишларга эришишга имкон берди. 1986 йилда саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиши 1985 йилдагига нисбатан 7 процентни ташкил этди — бу планлаштирилганига нисбатан қарийб бир ярим баравар кўпдир. Меҳнат унумдорлиги 4,3 процент ошди, ишлаб чиқариш ҳажми

ўсишининг 60 процентдан зиёдига ана шу кўрсаткич эвазига эришилди. Фойда олиш плани 4 миллион сўм ошириб бажарилди.

Область бир неча йил давомида пахта тайёрлаш планининг бажарилиши тўғрисида республикада биринчи бўлиб рапорт беради. Давлатга дон, сабзавот, картошка, чорвачилик маҳсулотларини топширишга доир топшириқлар ҳам уддаланмоқда.

Лекин область партия ташкилоти олдида ҳал этилмаган вазифалар ҳали анчагина. Қатор корхоналар маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш планларини уддаламаётир. Шартнома асосида маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларига амал қилинмайди. Атиги 10 корхона олий категориядаги сифатли маҳсулот ишлаб чиқаради. Ишлаб чиқаришни техника жиҳатдан қайта қуроллантириш жараёни секин бормоқда, хўжалик юритишнинг илғор методларига ўтиш пайсалга солинмоқда. Капитал қурилишда проблемалар кўп, топширилаётган объектлар сифати яхши эмас.

Агросаноат комплексида интенсивлаштириш вазифаларини ҳал этиш ҳозирги кун талабларидан орқада қолмоқда. Кўпгина хўжаликлардаги пахта, сабзавотлар ҳосилдорлиги, чорвачилик маҳсулдорлиги областдаги ўртача кўрсаткичдан анча паст.

Буларнинг ҳаммаси ҳозирча барча партия ташкилотлари ҳам кишиларда янги тафаккурни шакллантириш ишини йўлга қўяолмаганлиги, айрим партия комитетларининг раҳбарлик услубида эса ҳали ҳам кўплаб эскирган, формал, бюрократик жиҳатлар мавжудлигининг натижасидир.

Кўпгина партия ташкилотлари раҳбарлар, мутахассисларни психологик жиҳатдан қайта қуриш масалалари билан етарли шуғулланишмайди, ҳали ҳам кам ташуббус кўрсатадиган, юқоридан кўрсатмалар кутишни афзал деб биладиган, ишлаб чиқаришни илмий асосда ташкил этишга етарлича тайёрланмаган ходимлар борлигига муросасозлик қилишади. Кадрларни танлашга талабчанлик билан ёндашилмаслиги ана шундай аҳволнинг сабабларидан биридир. Ходимларни уларнинг ишчанлик, сиёсий ва маънавий хислатларини чуқур ўрганмасдан кўтариш фактларига ҳали ҳам йўл қўйилмоқда. Раҳбар лавозимларга етарлича ташкилотчилик қобилиятлари йўқ, компетентсиз, баъзан эса маънавий нопок кишилар тайинланмоқда. Бундай одамлар кўпинча расмиятчилик туфайли масъул лавозимларга чиқиб қолишади, юқори ишга кўтариш учун резервни ташкил этишда бундай иллатга ҳозирча бутунлай барҳам берилмаган. Бошқа бир сабаб — профессионал ўстириш, сиёсий жиҳатдан чиниктириш, партия ва давлат интизомига риоя қилиш, кадрларнинг топширилган иш учун масъулиятини ошириш тўғрисида лозимича ғамхўрлик кўрсатилмаслигидадир.

Биз шуни яхши тушунамизки, мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва олға томон жадал ҳаракат қилиш кўп жиҳатдан идеологик, ташкилотчилик ва хўжалик ишининг бирлигини янада кучайтиришга боғлиқ. Бугунги кунда бутун бу иш партия XXVII съезди ва КПСС МКнинг съезддан кейинги Пленумлари қарорлари асосида экономикадаги ва ижтимоий ҳаётдаги қайта қуришни актив амалга оширишга, шу йилги, умуман ўн иккинчи беш йиллик планларини муваффақиятли бажаришга, Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини муносиб кутиб олишга қаратилган.

ЎТМИШ САБОҚЛАРИ ВА БУГУНГИ КУН ТАШВИШЛАРИ

О. ГАЙДАНОВ,
Ўзбекистон ССР прокурорининг ўринбосари

РЕСПУБЛИКАДА кейинги йилларда содир бўлган қонунчиликни назар-писанд қилмаслик фактлари, Совет Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган қонунларни, социал адолат принципларини менсимаган айрим министрликлар ва идоралар, корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари, бошқа мансабдор шахсларнинг ўз хоҳишига кўра қабул қилган қарорлари сиёсий ва маънавий характердаги жиддий нуқсонларга сабаб бўлди, экономика аҳволига салбий таъсир қилди, қўшиб ёзишлар, ўғирликлар, порахўрликнинг кенг тарқалишига, бошқа жиноятларга имконият яратди. 70-йиллар охири — 80-йиллар бошида жиддий хатолар натижасида Ўзбекистонни социал-иқтисодий ривожлантириш суръатлари сусая бошлагани тўғрисида атайин индамай келинди, ишларнинг ҳақиқий аҳволи кўзбўямачилик воситасида ҳар хил йўллар билан бузиб кўрсатилди. Чунончи, пахтачилик соҳасида ҳар йили катта экин майдонлари ҳисоб-китобдан бекитилди, тайёрланган хом ашё ҳажмлари юз минглаб тонналарга ошириб кўрсатилди.

Республика прокуратураси чигитли пахтани тайёрлаш ва қайта ишлаш чоғида хизмат вазифаси ва хўжалик билан боғлиқ жиноятлар тўғрисидаги жиноий ишларни текширар экан, бу жиноятлар нафақат уларнинг олди олинмаганлиги учун, шу билан бирга улар баъзан раҳбарлар, шу жумладан кўпинча совет ва партия ходимлари томонидан рағбатлантирилгани учун ҳам содир бўлганлигини аниқлади. Бу аксарият ҳолларда ғаразли манфаатларни кўзлаб қилинган. Ўз раҳбарларининг ташаббусига кўра жинояткорона тил бириктирган хўжаликларнинг бригадирлари, бўлим бошқарувчилари, бухгалтерлар йирик пулларни ўғирлаш мақсадида қалбаки ҳужжатларни расмийлаштиришда қатнашганлар. Шу тариқа пахта пунктлари ва пахта заводлари ходимларини сотиб олиш учун маблағлар тўпланган, бу ходимлар порани олиб хўжаликлардан етиштирилмаган ҳосилни қабул қилиб олганлик тўғрисида сохта квитанциялар беришган. Қўшиб ёзишлар натижасида камомадлар юзага келиши уларни ташвишга солмаган. Бироқ пахта заводлари ҳам занжирдаги охирги бўғинлар эмас эди. Ҳосилни қайта ишлагандан сўнг асосий маҳсулот турлари — тола, линт, уруғлик, улюк етишмагач, енгил саноат корхоналарида, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш системаларида жиноий алоқалар излашган. Бу ерда ҳам яна шу йирик миқдордаги поралар эвазига заводлардан пахта толаси ўрнига қўшимча маҳсулот қабул қилиб олишган. Баъзан ишни умуман соддалаштиришган: пулни олишгану зарур ҳужжатларни бераверишган. Жиноий занжир бу билан ҳам тугамаган: янги ва янги ҳийла-найранглар ишлатиб, хом ашё, тайёр маҳсулотнинг етишмаслигини ҳисоботдан бекитишган.

Айтиш мумкинки, жиноятчилар қатор республика министрликлари ва идоралари (улардан айримлари эндиликда тугатилган) аппаратининг масъул ходимларининг кўзи ўнгида иш юритишган. Ўз-ўзидан равшанки, пахтачилик соҳасидаги салбий ҳодисаларга барҳам бериш учун қандай чоралар кўриш кераклигини улар яхши билишган. Бироқ бирлашмалар ва корхоналарнинг молия-

хўжалик фаолиятини ревизия қилиш ва текширишлар юзаки ўтказилган, ишларнинг ҳақиқий аҳволи аниқланмаган. Бунинг устига, ўзининг фаолият турига кўра социалистик мулкка тажовуз қилинишига қарши туриши керак бўлган баъзи бир мансабдор шахсларнинг ўзлари хўжалик соҳасидаги жиноятларнинг актив иштирокчиларига айланган. «Пахтага оид» ишлар деб аталган ишларни текшириш натижаларидан фойдаланиб собиқ пахта тозалаш саноати министрлигининг статистик маълумотлари асосида ўтказилган план-иқтисодий экспертиза шуни кўрсатдики, чигитли пахтанинг бевосита камомадлари, нормативдан ортиқча чиқиндилар ва тола чиқитлари 6 йил ичида жами бир неча юз миллион сўмлик миқдордаги бир миллион тоннадан зиёд пахтани ташкил этган. Аслида топширилмаган ҳосил учун тўланган иш ҳақи миллионлаб сўмлардан иборат бўлган.

Ҳозирги кунда «пахтага оид» юзлаб жиноий ишларнинг тергови тугади. Тергов группалари улар бўйича 60 миллион сўмликка яқин зарарнинг копланишини таъминладилар. Ўзбекистон пахтачилигида ана шундай жиноятларнинг олдини олиш юзасидан катта иш қилинди. Масалан, меҳнат коллективларида тушунтириш суҳбатлари ўтказилди, тергов материалларидан фойдаланиш пропагандистик тадбирлар самарадорлигини оширди. Шуниси ғоят муҳимки, ҳамма ҳолларда ўшанчалик йирик микёслардаги жиноятларнинг содир бўлишига ёрдам берган сабаблар ва шарт-шароитлар аниқланди.

Жиноий ишларни текшириш натижалари ва иқтисодий кўрсаткичлар анализи мана бундай умумий хулосага олиб келди: 1978 йилдан бошлаб 1 сўмлик товар маҳсулоти учун кетган сарф-харажатлар анча ошган, рентабеллик камайган. 1981 йилдан бошлаб эса республикада пахта толаси ишлаб чиқариш зарарли бўлиб қолган. Хўжакўрсинга ишни жойида деб кўрсатиб, ҳақиқий аҳволни яширишга уринишган. Масалан, пахта тайёрлаш пунктларида ГОСТларга амал қилинмас эди, бу қабул қилиб олинаётган ҳосилни нотўғри баҳолашда, унинг намлиги ва ифлослигига оид фактик кўрсаткичларни пасайтиришда, сортлиликни оширишда, кондицион вазнни нотўғри белгилашда ифодаланди.

СССР Енгил саноат министрлигининг пахта маҳсулотини ишлаб чиқариш планларини уни етказиб бериш планлари билан мувофиқлаштириш тартиби ва методикасини белгилайдиган норматив актларни ишлаб чиқмаганлиги ҳам ҳийла-найрангларга ёрдам берди. Бу Ўзбекистонда белгиланган тартибда тақсимланмаган катта ҳажмдаги пахта маҳсулотининг пайдо бўлишига имконият яратди, бу маҳсулот кейинчалик поралар эвазига нарядларсиз жўнатилар эди. Терговда аниқланишича, бу ҳолда ҳужжатларда кўрсатилган пахта толаси ўрнига бошқа, анча арзон пахта маҳсулоти жўнатилган.

Ҳозир узоқ вақт давомида чуқурлашиб кетган илдизларни йўқотиш осон эмас. Ўтмиш яшовчандир. 1985—1986 йилларда республика тергов органлари томонидан қишлоқ хўжалигида, озиқ-овқат саноатида ва бошқа тармоқларда кўзбўямачи ва ўғриларнинг катта группалари яна фош қилинди. Айрим хўжалик раҳбарлари қайта қурилишмади ёки қайта қурилишни исташмади, бошқаларни ўз орқаларидан эргаштириб яна эски сирпанчиқ йўлдан боришди. Қўшиб ёзишлар ва ўғирликларда айбланиб ҳибсга олинган совхоз директорлари устидан қўзғалган жиноий ишлар ҳали тугалланмасдан туриб, уларнинг ўрнига тайинланган янги раҳбарлар Қорақалпоғистон АССРда, Жиззах ва Сурхондарё областларида тайёрланган пахтага қўшиб ёзишлар қилдилар.

Текширишларнинг кўрсатишича, колхозчилар ва совхоз ишчиларига иш ҳақи ёзишда ошкораликнинг йўқлиги Ўзбекистонда пахтачилик соҳасида ўғирликлар ёйилишининг асосий сабабларидан бири бўлган, бу харажатга оид ҳужжатларга (ведомостларга) аслида ишламайдиган шахсларни қўшиш учун шароит яратган. Сўнгра бу ноқонуний ёзилган пул маблағлари поралар бериш учун тортиб олинган ёки ўзлаштирилган.

«Пахтага оид» ишлар тергов группаларига Ўзбекистон халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам ана шунга ўхшаш жиноятларни очишда ёрдам берди. Савдо, ипакчилик, чорвачилик системаларини ҳам том маъноси билан хўжасизлик, қўшиб ёзишлар, ўғирликлар ва порахўрлик босиб кетган экан. Бу жиноятлардан кўпчилиги йиллар давомида, меҳнат коллективлари аъзолари, жамоатчилик, назорат қилиш органларининг кўзи ўнгида содир қилинган. Гарчи улар давлат

манфаатларини ҳимоя қилишлари керак бўлса-да, лом-мим дейишмаган. Нима учун уларнинг баъзи бирларигина ўз вақтида бу ҳақда огоҳлантирганлар?

Бунга мансабдорга бўйсуниш ва сўзсиз итоат қилиш одати, яхшилик ва ёмонлик тушунчаларининг, ижтимоий қадриятлар ва мақсадларнинг қоришиб кетганлиги, суиистеъмол қилишларнинг кенг ёйилганлиги муайян жиҳатдан жавоб бўлади. Бутун-бутун идоралар ва ҳатто айрим партия комитетларининг, халқ депутатлари область ва район Советлари ижрокомларининг раҳбарлари бойиш дардига мубтало эди. Поралар ўринсиз эҳтиромларга йўл очар, танқид ва текширишлардан асрар, ички ишлар органлари, прокуратура, суд, контрол ходимларининг баъзан ҳатто совет қонунларининг очиқдан-очиқ бузилишларига ҳам кўз юмишларига ёрдам берар эди.

Шу сабабли у ер-бу ерда айтилаётган гўёки Ўзбекистонда алоҳида шарт-шароитлар мавжуд эди ва, бинобарин, содир бўлган суиистеъмол қилишлар учун жиноий жавобгарликка тортиш керак эмас қабилидаги гап-сўзлар ғоят хавфли ва ўз моҳиятига кўра зарарлидир. Масалан, суиистеъмол қилишлар тўғрисидаги хабар беришларга қандай муносабатда бўлинди? Улар кўпинча текширилмас эди, қатор ҳолларда эса порахўрлик ва қўшиб ёзишлар тўғрисида хабар берган ҳалол гражданлар таъқиб қилинди ва ҳатто «туҳмат» учун жиноий жавобгарликка тортилди. Масалан, қашқадарёлик ўқитувчи Дилмуродовнинг принципиал позицияси учун қандай қувғин қилинганлиги «Литературная газета»да босилган мақоладан маълум. Қорақалпоғистонлик журналист Тахимбетов ҳам худди шундай қувғинга учради, у автоном республикада қўшиб ёзишлар, суиистеъмол қилишлар билан шуғулланган, ошна-оғайнигарчилик ва қариндошлик асосидаги протекционизмни жорий қилган масъул мансабдор шахсларни танқид қилганлиги учун партиядан ўчирилди, жиноий жавобгарликка тортилди ва кесиб юборилди.

Дилмуродов, Тахимбетов ва бошқа таъқиб этилган кишиларга нисбатан қонунни бузишларга барҳам берилиб, уларнинг покиза номлари қайта тикланди. Бунда айбдор бўлган прокуратура, ички ишлар органлари ва суд ходимлари қатъий жавобгарликка тортилди. Қонунчиликни бузиш фактлари бўйича ҳозир қатор жиноий ишлар қўзғатилган.

Қўшиб ёзишлар, ўғирликлар, порахўрликнинг кенг тарқалганлиги кадрлар бир қисмининг маънавий бузилиши ва айнишига олиб келди. Бухоро, Навоий, Хоразм, Қорақалпоғистон область партия комитетларининг раҳбарлари жиноий жавобгарликка тортилди. Суиистеъмол қилишлар кўпчилик совхозлар ва пахта заводлари директорлари, колхозлар раисларининг кесилишига сабаб бўлди.

Республикада қўшиб ёзишлар, чигитли пахтани тайёрлаш ва қайта ишлаш тўғрисидаги сохта ҳужжатларни тузиш билан боғлиқ бўлган ҳамма киши жиноий жавобгарликка тортилаяпти деган фикр тарқалган. Бу тўғри эмас. Ўзбекистоннинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари бу тоифадаги ишларни текшириш ва судда кўриб чиқиш чоғида табақалаштирилган тарзда ёндашишмоқда, қилинган жиноятнинг ҳамма ҳолатларини албатта ҳисобга олишмоқда. Натижада фақат жиноятларнинг ташкилотчилари ва актив иштирокчиларигина жиноий жавобгарликка тортилди. Раҳбарлар тазйиқи остида ноқонуний ҳаракатларга йўл қўйган ва ўғирланган суммаларни ўз мулкига айлантирмаган хўжалик мутахассислари, бригадирлар, тайёрловчилар, ҳисобчилар, бошқа ходимлар жиноий жавобгарликдан озод қилинди. Уларга нисбатан жамоатчилик, интизомий, моддий ва партиявий таъсир кўрсатиш чоралари билан чекланишга қарор қилинди.

Қонунчиликни бузишлар шунга олиб келдики, республика бўйлаб ҳамма жойда қилинган жиноят учун жазо олиш муқаррарлиги тўғрисидаги принцип таъминланмаган. Натижада шу нарса мумкин бўлдики, Жиззах областидаги Учтепа пахта заводининг директори бўлиб ишлаган Мўминов (тинтув пайтида унинг уйидан 1,5 миллион сўмликдан зиёд миқдорда бойликлар тортиб олинди), Бухоро шаҳар саноат моллари торги директори бўлиб ишлаган Қудратов (ундан 4 миллион сўмликдан зиёд миқдорда бойликлар тортиб олинди) сингари ўғирликлар ва порахўрлик билан шуғулланган шахслар узоқ вақт мобайнида фош қилинмай келди. Бизнинг турмуш тарзимизга бутунлай ёт бўлган бундай тенденциялар Ўзбекистоннинг кўпчилик областларида содир бўлди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг муайян қисми ғаразли, хусусий мулкчилик ниятларига берилганлиги ҳам бунга кўмаклашди. Улар социалистик

мулкни талон-тарож килувчиларнинг жиноий фаолиятининг олдини олиш ўрнига пора эвазига уларни бекитдилар, «эпчил одамлар» деб аталган бундай давлат бойлигини таловчи кишилар билан тил бириктирдилар. СССР Олий Суди томонидан порахўрлик учун жазога хукм этилган биргина Бухоро ички ишлар бошкармаси социалистик мулкни талон-тарож килувчиларга карши кураш бўлимининг собик бошлиғи Музаффаровнинг уйида ўтказилган тинтув пайтида карийб 2 миллион сўмлик микдордаги пул ва бойликлар тортиб олинди.

Бугунги кунда тергов практикаси бизни оддий юлғичлар ва олғирлар, порахўрлар ва ўғрилар билан эмас, балки якиндагина алохида хурмат ва эхтиромда бўлган, фаолиятлари танкиддан четда колиб келган шахслар билан дуч келтиряпти. Тошкент областидаги «Политотдел» колхозининг собик рахбарларини хам шулар жумласига киритиш мумкин. Улар область ва республиканинг катор масъул шахслари билан жиноий алокаларидан фойдаланиб, коллектив хўжаликка хам отамерос мулк сингари карашар эди. Терговда аникланишича, колхозда кўшиб ёзишлар, ўғирликлар содир килинган, фойдаланилаётган ерлар хисоботдан яшириб келинган. Собик рахбарлар фаолияти колхозга келтирган умумий зарар бир миллион сўмдан зиёдни ташкил этди.

Навоий область ижрокоми раиси Асадов узок вакт давомида кўл остидагилардан нохак йиғимлар олиб турган. У олган пораларнинг умумий микдори 100 минг сўмга якинни ташкил этди. Унинг жиноий фаолияти натижасида Навоий областига жиддий зарар етказилган.

Тошкент область Коммунистик ва Ғалаба райони партия комитетларининг собик рахбарлари Мирзакулов ва Хадралиевнинг, Кашкадарё область Шахрисабз район партия комитетининг собик рахбари Холиковнинг хатти-харакатлари билан хўжаликларга анча зарар етказилган. Улар ва бошка катор партия ташкилотларининг рахбарлари жиноий жавобгарликка тортилди ва кесиб юборилди.

Бундай ахвол умуман хукукий тартиб ахволига таъсир килмай колиши мумкин эмасди. Республикада жиноятчилик йилдан-йилга ўса борди, бунда биринчи навбатда оғир жиноятлар кўпайиб кетди. Бундай ахволга юкорида кайд килинганлардан ташкари ахоли бир кисмининг ижтимоий фойдали мехнатдан бош тортиши ва турли йўллар билан мехнатсиз даромадлар олиш, ичкиликбозлик, гиёхвандликнинг кенг таркалганлиги асосий сабаб бўлди. Бу ходисаларга карши кураш хукукни мухофаза килиш органларидан, жамоатчиликдан, мехнат коллективларидан ғоят каттик ғайрат-шижоат кўрсатишни такозо этди.

Ана шундай шароитда СССР Прокуратураси, бошка иттифокдош республикалар прокуратураларининг кундалик ёрдамига таяниб, Ўзбекистонда хукукий тартиб ва конунчиликни мустахкамлаш, социал адолат нормалари ва принципларини кайта тиклаш чоралари кўрилди.

Аввало прокуратура органлари ўз обрўсини тўкиб кўйган прокурорлик-тергов ходимларидан, профессионал жихатдан ожиз кадрларга нисбатан талабчанлик кескин ошган бир шароитда мехнат килишга нокобил кишилардан тозаланди; юкоридан куйигача барча участкалар принципиал, халол ходимлар билан мустахкамланди. Республика Ички ишлар министрлиги хам шундай чоралар кўрди.

Хозирги пайтда КПСС XXVII съезди, партия МК январь (1987 йил) Пленуми карорларига, шунингдек КПСС МКнинг «Социалистик конунчилик ва хукукий тартибни мустахкамлашда прокурор назоратининг ролини ошириш тадбирлари тўғрисида»ги карорига мувофик равишда прокуратура органлари фаолияти тубдан кайта курилмокда. Асосий куч хўжалик сохасида конунчиликни мустахкамлашга, махаллийчилик, махкамачиликка карши курашга, социал адолат принципининг амалга оширилишини таъминлашга каратилган. Иш услуби ва методлари такомиллаштирилмокда, хар бир прокурор давлат манфаатларининг саботли химоячиси бўлиши, топширилган участкада ташаббус кўрсатиб, тўла самара билан ишлаши учун прокуратура органларида юксак талабчанлик мухити карор топтирилмокда. Прокуратура тергов аппаратининг асосий куч-ғайрати хозир ўғирликларни, порахўрликни, бошка мансабга оид жиноятларни, шунингдек шахсга карши оғир жиноятларни текширишга каратилган.

Прокуратура умумий назорат фаолиятида конунда мустахкамлаб кўйилган хўжалик юритишнинг социалистик принципларига риоя килиш учун катъий

масъуллик ва бунинг учун конкрет талаб қилиш муҳитини яратишга катта эътибор бермоқда. Қонунлар ва бутун ҳуқуқни татбиқ қилиш практикаси бошқарувнинг иқтисодий методларини жорий қилишга, ташаббускорликни ва социалистик омилкорликни ривожлантиришга, маҳсулот сифатини оширишга, фан-техника тараққиётига тўсқинлик қиладиган бюрократик тўсиқларни бартараф қилишга, яъни КПСС МҚ июнь (1987 йил) Пленуми қарорларида мустаҳкамланган ҳамма нарсага актив ёрдамлашиши лозим.

Прокуратура ва ички ишлар органларининг ҳар бир терговчиси юксак сиёсий ва касбий маданият соҳасида ибрат кўрсатиши, ҳалоллик, принципиаллик, сотилмаслик намунаси бўлиши вазифаси қўйилган. Унинг ҳар бир хатти-ҳаракати қонунга нисбатан ҳурматни тарбиялаши, маънавий жиҳатдан бенуқсон бўлиши зарур.

Прокуратура органлари ходимларига уларнинг кўпинча салбий ҳодисалар тўғрисида лом-мим дейишмаганлиги, анчадан бери миш-мишлар юрган ишларни яшириб келганлиги учун ҳаққоний равишда таъналар қилишарди. Бу эса баъзан воқеликни қўпол равишда бузиб кўрсатадиган ҳар турли ёлғон-яшиқ гаплар, уйдирмаларнинг тарқалиши учун қулай асос эди.

Шу сабабли кейинги пайтда бизнинг ишимизда ошкоралик анча кўпайди, республика ва мамлакат аҳолисини Ўзбекистонда қонунчиликни мустаҳкамлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида хабардор қилиб туриш яхшиланди. Бунда шов-шув бўлишига, ҳуқуққа оид ахборотнинг реал ижтимоий ва ҳуқуқий тартибот практикасидан узилиб қолишига йўл қўймасдан республикада юз бераётган жараёнлар тўғрисида тўғри тасаввурлар ҳосил қилинишига алоҳида эътибор берилмоқда.

Ҳозир аҳолини жиноятчиликнинг ва қонунчиликка риоя қилишнинг аҳволи тўғрисида кўпроқ хабардор қилиш зарур бўлган вақт келди. Шунингдек тергов аппарати, умуман ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ишини яхшироқ ёритиш зарур. Ошкоралик ҳуқуқни бузишларга қарши курашни анча фаоллаштиради.

Ўтган йили «Правда Востока» газетаси саҳифаларида Ўзбекистон ССР прокуратураси томонидан тайёрланган «Муқаррарлик» деган сарлавҳали мақола босилди. Унда конкрет мисоллар асосида республикада ўғирликлар, қўшиб ёзишлар, порахўрликнинг тарқалиши сабаблари анализ қилинган. Редакция икки ойдан кейин «Акс садо» рубрикаси остида ана шу мақолага келган газетхонлар фикрларини тўплаб эълон қилди. Хатлардан бирида меҳнат ветерани Э. Омонов шундай ёзади: «Рўйиростлик — бу мақоладаги асосий нарсадир. Унга худди шундай рўйиростлик билан жавоб бергинг келади. «Муқаррарлик» мақоласида ёритилган фактлар ҳақида биз қаердан билган эдик? Навбатдаги шивир-шивирдан, дастурхон атрофидаги вақиллашлардан. Буларнинг қай бири ҳақиқат, қай бири уйдирма, машъум бўҳтон эканлигини билиб бўлмасди». Газетхонлар мақолага келган откликларда мақолани маъқуллаб, унда кўтарилган масалаларга шахсий муносабатлари, гражданлик позицияси ҳақида фикр юритишган.

Бугунги кунда партия мамлакатда йўл қўйилган хатолар, янглишишлар ва нуқсонларни яшираётгани йўқ, ишларнинг аҳволи тўғрисида виждонан ва очиқчасига гапирмоқда. Агар биз кечаги кун тўғрисидаги, ишларнинг бугун қандай бораётганлиги ҳақидаги бор ҳақиқатни айтмасак, барча нуқсонларни анализ қилиб чиқмасак, тўғри хулосалар чиқармасак, хатоларнинг такрорланиши муқаррардир.

Гражданларга юридик нормаларни кун сайин тушунтириб туриш, уларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш уларда қонун билан бирдамлик туйғусини, яъни қонун талабларини бажаришга қалбан тайёрликни шакллантиради. Ўзбекистон ССР прокуратураси ва унинг жойлардаги органлари журналистлар билан алоқаларни мустаҳкамлашга, совет қонунларини тушунтириш юзасидан газета чиқишлари, теле- ва радиоэшиттиришларнинг самарадорлигини оширишга ҳаракат қилишмоқда; кейинги пайтда ҳужжатли киноэкран имкониятларидан дадилроқ фойдаланилмоқда. «Правда Востока» газетаси редакцияси қошида ҳуқуқий билимларни пропаганда қилиш бўйича жамоатчилик совети ташкил этилган, унинг составига матбуот ходимларидан ташқари прокуратура, Ички ишлар министрлиги, Олий суд, Юстиция министрлиги вакиллари кирган.

Натижада социалистик конунчилик ва ҳукукий тартибни мустаҳкамлаш, давлат ва меҳнат интизомини бузишларга, текинхўрликка, хўжасизликка карши кураш масалаларига доир прокурор ходимлар томонидан журналистлар билан биргаликда тайёрланган маколалар тез-тез босила бошлади.

Кўпчилик шаҳарлар ва районларда редакциялар билан биргаликда прокуратура органлари ходимларининг матбуотда, телевидение ва радиода чикишларининг ягона тематик планлари тузилмокда. Ҳукукий пропаганда, ҳукукни бузишларнинг олдини олиш масалаларига тааллукли, жамоатчиликнинг социалистик мулкни ҳимоя килишдаги, меҳнатсиз даромадларга карши курашдаги иштироки тўгрисида ҳикоя киладиган газета маколалари, теле- ва радиоэшиттиришлар анализ килинади. Бу маколалар ва эшиттиришларнинг амалий тусда бўлиши ва сифатининг ошишига ёрдам беради, улар конкрет социал-иктисодий вазифалар билан яхширок богланади.

Партия комитетлари билан келишувга мувофик катор область, шаҳар ва район газеталарида ҳукукий темалардаги материалларга вакти-вакти билан бутун саҳифалар ажратилиб туради. Уларда умумий назоратга оид текширишлар якунлари, конунчиликнинг аҳволи, энг долзарб жиноий ишларни терграш ва судда кўриб чикиш натижалари изоҳланади. Гражданлик, меҳнат, оила ҳукукининг актуал масалалари юзасидан прокурорлик назорати материаллари асосидаги маколалар газетхонларда катта кизикиш уйготмокда. Прокуратура органларининг ходимлари заводлар ва олий ўкув юртларининг кўп тиражли газеталаридан кенг фойдалана бошладилар. Энг муҳим ҳукукий проблемалар юзасидан турли семинарлар, матбуот конференциялари, давра столи атрофидаги учрашувлар ўтказилмокда.

Республика прокуратурасининг Ўзбекистон Компартияси МК маъкуллаган карорига биноан аҳоли ўртасида салбий ҳодисаларга карши курашнинг бориши тўгрисида тушунтириш суҳбатлари ўтказилди. Прокуратура-тергов ходимларининг саноат корхоналари, курилиш, транспорт, алока, колхозлар ва совхозларнинг меҳнат коллективлари билан учрашувлари бўлди. Уларда прокурорлар ичкиликбозликни, хўжасизликни, порахўрликни, кўшиб ёзишларни ва бошка конунчиликни бузишларни бартараф килиш максадида кўрилган конкрет чора-тадбирлар ҳакида ахборот беришди. Кўп жойларда «очик хатлар кунлари», савол-жавоб кечалари ўтказилди, уларда долзарб ва энг муҳим масалалар тўгрисида батафсил ва очикчасига гаплашиб олинди. Ҳукукни муҳофаза килиш органлари ходимлари меҳнаткашларни кизиктирган саволларга жавоб бердилар, амалдаги конунларнинг коидаларини тушунтирдилар.

КПСС МКнинг апрель (1985 йил) ва ундан кейинги Пленумлари гоявий-тарбиявий ишни жиддий яхшилашни талаб килди. Бу ишда расмиятчилик ва панд-насиҳат ўкишлар — асосий камчилик эканлиги кайд килинди. Бунда кўпинча сафсатабозлик, кишилар билан ҳакикат тилида гаплаша билмаслик ишга зарар етказади. Кўпинча шундай ҳам бўлади: одамнинг эшитган гапи бошка, амалда кўраётгани бошка бўлади. Бу гоят жиддий, нафакат тарбиявий, шу билан бирга сиёсий масала ҳамдир.

Конунчиликни турлича бузишлар, ҳукукни муҳофаза килиш органлари айрим ходимларининг фаолиятсизлиги жамоатчилик фикрига гоят салбий таъсир килган, кишиларнинг бир кисмида конунлар ва адолатнинг тантана килишига ишончсизлик тугдирган бизнинг республикамиз ҳаёти учун бундай хулосалар ниҳоятда муҳимдир.

Албатта, ҳозирча тергов килинган жиноий ишлардан ҳамма тегишли хулосалар ва сабоклар чикариб олди деб бўлмайди. Аҳвол айникса экономика соҳасидаги конунчилик бузишларининг пайини киркиш соҳасидаги куч-гайратни оширишни, республикада конунчиликни мустаҳкамлашни, социал адолат нормалари ва принципларини кайта тиклашни таъминлайдиган чора-тадбирларни излашни давом эттиришни такозо этмокда.

КПСС МКнинг назоратни жиддий кучайтириш, бутун прокурорлик фаолиятини доимий такомиллаштириш ҳакидаги талаблари нафакат катта сафарбар килувчилик аҳамиятига эга. Ўзбекистонда содир бўлган ҳодисалар ҳисобга олинса, бу талабларнинг гоятда зарурлиги маълум бўлади, чунки кейинги вактгача республиканинг кўпгина областларида прокурорлик назорати ролини камайти-

ришга уринишлар юз бериб турди. Конкрет жиноий ишлар терговига аралашишлар бўлди, қаерда текшириш ўтказиш керагу, қаерда бундай қилишнинг керакмаслиги, кимни қонунларни бузгани учун жавобгарликка тортиш керагу, кимга шунчаки танбеҳ бериб қўйилса баслиги хусусида «тавсиялар» бериларди.

Айрим прокурорларнинг мустақил хатти-ҳаракатларига, уларнинг қонунларни бузишга кескин муносабат билдиришларига кўпинча партиявий назоратдан четга чиқиш сифатида қарашга уринишарди. Буларнинг ҳаммаси шунга олиб келдики, айрим прокурор ходимлар принципиаллик ва мустақиллигини йўқотишди, бутунлай маҳаллий кайфиятлар ва таъсирларга боғлиқ бўлиб қолишди. Ҳозир аҳвол кескин ўзгармоқда. Лекин барибир ўтмишнинг рецидивлари баъзан куртак ёзяпти, лекин олдингидай масъул мансабларда ўтирган кишилар қаршисида сажда қилишлар йўқ. Масалан, Қорақалпоғистон АССР Беруний райони прокурори Х. А. Қозоқов планнинг бажарилишига кўшиб ёзган район матлубот жамияти раисини жиноий жавобгарликка тортиш масаласи кўндаланг бўлганида район партия комитетининг биринчи секретари Қурбонниёзовнинг «тавсияномаси»ни бажаришдан бош тортди. Бундай «тавсиянома» тўғрисида область партия комитети хабардор қилинди, мазкур факт бюро мажлисида кўриб чиқилди. Район матлубот жамияти раисининг жавобгарлиги масаласини ҳал қилишга аралашганлиги учун Қурбонниёзов вазифасидан бўшатилди, унга учёт карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор берилди.

Прокурорлар бутун мамлакатимизда, ҳар бир шаҳар ва районда юзага келаётган қулай вазиятга таяниб, камчиликлар ва нуқсонлардан ўз-ўзини танқид қилиш асосида хулосалар чиқариб, СССР Конституциясининг 168-моддасидаги прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай маҳаллий органлардан мустақил равишда, фақат СССР Бош прокурорига бўйсуниб амалга оширадилар деган қоидага амал қилиб ўз ишини янги талабларга мувофиқ равишда кескин қайта қура бошладилар. Жойларда халқ депутатлари Советларининг ижрокомлари, назорат қилувчи органлар билан интизом ва қонунчиликни мустаҳкамлаш юзасидан баҳамжиҳат ҳаракат анча яхшиланди.

Министрликлар ва идораларда ўтказилган прокурорлик текширишларининг натижалари уларнинг кенгайтирилган коллегияларида прокурорларни таклиф қилиб кўриб чиқилмоқда. Ўзбекистон министрликлари ва идоралари раҳбарларининг республика прокуратураси коллегияси, координация кенгашлари ишида иштирок қилиши одат тусига кирмоқда, бу ерда зарур бўлганида айрим министрларнинг изоҳлари тингланади, улар қонунларни бузишга йўл қўйиш мумкин эмаслиги тўғрисида расмий огоҳлантирилади. Бу тўғрида Ўзбекистон Компартияси МК, республика Министрлар Совети ва Олий Совет Президиуми хабардор қилинади.

Шуни айтиш керакки, министрликлар фаолиятидаги давлат интизомини мустаҳкамлаш, ўғирликларнинг олдини олиш соҳасидаги камчиликлар ҳақидаги прокурорлик текширишларининг натижалари республика Министрлар Совети мажлисида ва Олий Совет Президиумида муҳокама қилинди. Қатор раҳбар ходимлар вазифаларидан четлатилди.

Ҳозирги шароитда социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш зарурлиги прокуратура органлари фаолиятида икки йўналишни белгилайди: биринчидан, гражданлар ҳуқуқларини қатъий муҳофаза қилиш, социалистик қонунчиликнинг, шу жумладан мансабдор шахслар томонидан ҳеч қандай бузилишига йўл қўймаслик; иккинчидан, ҳамма гражданларнинг совет қонунларига, жамоатчилик тартиби қоидаларига қатъий риоя қилиши. Бу иккала йўналиш ўзаро боғлиқдир. Давлат муассасалари, мансабдор шахслар қаттиқ риоя қилиб турадиган қонунчилик режими гражданларнинг феъл-атворига ниҳоятда ижобий таъсир қилади.

Ўзбекистон прокуратураси 1984 йилнинг ўрталаридан бери ўтказиб келаётган ва партия, совет ҳамда давлат органлари томонидан қўллаб-қувватланаётган қатъий ва изчил йўл давлат чўнтагидан ўғирлаб юрган, ўзига пуч обрў яратиб олган кишиларнинг кўзини очди, ҳалол меҳнаткашларни амалидан, мансабидан, мартабасидан қатъи назар жавобгарликнинг муқаррар эканлигига ишонтирди, ҳалол меҳнатнинг обрўсини қайта тиклашга кўмаклашди.

Гражданлар прокуратура органларига мурожаат қилиб ишни қандай

яхшилаш тўғрисидаги ўз мулоҳазалари, таклифлари ва маслаҳатларини эркин айта бошладилар, ўғирлик, кўшиб ёзиш, суиистеъмол қилиш фактларини очиб ташламоқдалар. Прокуратура органлари кўплаб ана шундай фактлар юзасидан зудлик билан чоралар кўришди.

Амалга оширилган иш республикада вазиятни соғломлаштиришга ёрдам берди. Шуни қайд қилиш керакки, оғир жиноят турлари анча камайди. Атайин қилинган қотилликлар, зўрлашлар, безорилик ҳаракатлари, босқинчилик ва талончиликлар сонининг камаяётганлиги қайд қилинмоқда.

Шу билан бирга шуни ҳам қайд қилиш керакки, кўп йиллар давомида қонунни, социал адолат принципларини жазосиз равишда қўпол бузиб келган ўғрилар ва порахўрларга қарши олиб борилаётган кескин, муросасиз кураш ана шундай кимсаларни узоқ муддат мобайнида ҳимоя қилиб келган кишилар томонидан ўсиб борувчи қаршиликка учрамоқда. Ҳозир улар ошкораликнинг кенгайганлигидан фойдаланиб, танқидни ривожлантириш тўғрисидаги тезисларни ниқоб қилиб ички ишлар ва прокуратура органлари тергов аппаратининг ишида қонунчиликнинг бузилишлари ҳақидаги миш-мишлар ва уйдирмаларни тарқатмоқдалар. Улар ўз аризалари ва имзосиз хатларида баён қиладиган ёлғон ва бўҳтон орқали (дарвоқе, бундай ариза ва хатларни текшириш учун қанчадан-қанча кучлар сарфланмоқда) биринчи навбатда салбий ҳодисаларга қарши курашга энг кўп ҳисса қўшган ходимларни обрўсизлантиришга ҳаракат қиладилар.

Ҳозир биз кучимизни биринчи даражали аҳамиятга эга вазифаларни бажаришга қаратишга интиляпмиз. Масалан, ҳозирча экономика соҳасида қонунлар ижросининг прокурорлик назорати даражаси етарли эмас. КПСС МК июнь (1987 йил) Пленуми қарорлари асосида фаолиятимизнинг бу жиҳати янада кўпроқ аҳамият касб этмоқда. Бунда биз жойлардаги прокурорларнинг СССР Олий Совети томонидан прокуратура органларига берилган қўшимча ваколатлардан кенг фойдаланишларига эришмоқдамиз.

Прокуратура органлари салбий ҳодисаларга қарши олиб бораётган улкан ишнинг огоҳлантирувчи характерини кучайтириш зарур. Ўғирликлар, қўшиб ёзишлар, порахўрлик каби жиноятларнинг ҳали ҳам кенг тарқалганлиги бизни ана шунга мажбур қилмоқда.

Судларда жиноий ишларни кўриб чиқишдаги сансалорлик ҳам катта иллат бўлиб қолмоқда. Бу ишлар у ерда кўп йиллар давомида туриб қолиб, актуаллигини йўқотмоқда. Қатъий прокурорлик назорати бундай аҳволни ўзгартириши мумкин.

Прокуратура органлари ишининг такомиллашуви республикада содир бўлаётган покланиш жараёнига ёрдам беради.

СОВЕТ ДЕМОКРАТИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ

З. ИСЛОМОВ

МАМЛАКАТИМИЗДА ижтимоий тараққиётнинг асосий йўналишларидан бири — сиёсий тартиботларни тағин ҳам активлаштириш, совет демократиясини такомиллаштириш, халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқарувини тобора тўла амалга оширишдир.

КПСС XXVII съезди материалларида «совет сиёсий системаси» тушунчасининг мазмуни очиб берилди, жадаллаштириш негизида социализмни такомиллаштириш даврида уни ривожлантиришнинг йўналишлари кўрсатиб ўтилди. Чунончи, янги таҳрирдаги КПСС Программаси сиёсий система динамизмини кўриб чиқар экан, халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқаруви ленинча ғоясини ҳозирги бурилиш даврига татбиқан бойитади. Ушбу қоида КПСС МҚнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида ҳам ҳар тарафлама акс эттирилган. Халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқарувини тобора тўла амалга ошириб бориш партия Программасига мувофиқ совет жамиятининг ҳозирги сиёсий системасини ривожлантириш жараёнининг умумий характеристикасини ташкил этади, ана шу жараённинг мақсадлари ва натижаси шаклида намоён бўлади. Шуниси ҳам борки, «сиёсий система», «социалистик демократия» ва «халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқаруви» тушунчалари ўртасидаги узвий алоқанинг шубҳасизлиги фақат назарий маънодагина эмас. Бу тушунчалар бизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг реалликлари сифатида ҳам бир бутун тарзда намоён бўлади.

Социалистик ўз-ўзини бошқариш совет жамиятининг сиёсий системасини изчил ва ҳар тарафлама ривожлантириш жараёни сифатида амалга ошириладики, бу система совет жамиятида ташкил топган сиёсий муносабатларнинг ҳамда унга мувофиқ бўлган давлат ва жамоат ташкилотлари ва улар нормаларининг КПСС бирлаштириб турган ва раҳбарлик қилаётган комплексидан иборатдир. У сиёсий системанинг ўзига хос бир сифатидир. Гарчанд маркса-ленинча мерос таркибида меҳнаткашларнинг ўз-ўзини бошқаруви ғояси аллақачондан буён ўзига муносиб ўринни эгаллаган бўлса-да, фақат мамлакатимизнинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш шароитидагина у жамиятни такомиллаштиришнинг амалий вазифаси сифатида ҳамда бундан буён ҳам чуқур анализ қилиниши ва ҳал этилиши лозим бўлган назарий проблема сифатида тўла-тўкис намоён бўлди. Чунончи, юридик адабиётда ўз-ўзини бошқаришнинг умумий назариясини ишлаб чиқиш зарурлигига эътибор қаратилдики, бу назария ижтимоий ҳаёт турли соҳаларига ўз-ўзини бошқариш асосларини жорий этишга ёндашишларни белгилаб бериши, ўз-ўзини бошқариш системасини ривожлантиришнинг қонуниятлари ва тенденцияларини аниқлаб бериши керак. Биз ушбу проблемани ҳал этиш учун бошланғич, таянч бўлиб хизмат этувчи қоидаларни КПСС XXVII съездининг материалларидан топамиз. Жумладан, КПСС МК Сиёсий доклади бўйича съезд Резолюцияси жамиятшунос олимлар зиммасига «ижтимоий фанларнинг ҳаёт эҳтиёжларига оператив тарзда жавоб беришни, практика учун асосланган прогнозларни ва конструктив тавсияларни ишлаб чиқиш»ни таъминлаш вазифасини юклади.

КПСС МКнинг 1987 йил январь Пленуми материалларида халкнинг ўз-ўзини бошкаруви ғояси назарий жиҳатдан чуқур ёритилди. Пленум қарорида янги ижтимоий тузум бўлган социализмнинг жуда катта имкониятларини тобора тўларок очиш ва ишга солиш, унинг экономикасини такомиллаштириш, социалистик демократизмни ҳар тарафлама авж олдириш, халкнинг ўз-ўзини бошқарувини чуқурлаштириш мамлакатни социал-иктисодий ривожлантиришни жадаллаштиришнинг шартидир, деб таъкидланади. Фақат ана шундай негиздагина омманинг жонли ижодиёти чинакам кенг-кўлам касб этиши мумкин. Пленум шунингдек мазкур йўналишдаги бир қатор конкрет тадбирларни ҳам маъқуллади. У эътиборни совет сиёсий системасини янада ривожлантиришга қаратди, партия, давлат органларининг, жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективларининг иши чуқур демократик мазмун билан тўлдирилишининг, кадрларни танлашга ва уларнинг ишини контрол қилиб туришга меҳнаткашлар кўрсатадиган таъсирни анча кучайтириш учун шарт-шароит таъминланишининг муҳимлиги ва зарурлигини кўрсатиб берди.

Бутун жамият микёсида халкнинг ўз-ўзини бошкарувининг ягона системаси Совет давлати учун характерлидир. Ўз-ўзини бошкарув меҳнаткашлар турли табақаларининг хоҳиш-ирода ва манфаатларини аниклаш ҳамда рўёбга чиқаришни, уларнинг давлат ва жамоат ишларини ҳамда ишлаб чиқаришни бошқаришда актив қатнашишини таъминловчи сиёсий система оркали ташкил этилади. Социалистик демократия ўзи хукмронлик қилаётган ва ўзини ўзи бошқараётган совет халқи суверенитетининг ифодасидир. Шу маънода социализмда К. Маркс ишчилар синфининг революцион ҳокимиятини «халкнинг ўзи оркали халкни бошқариш» (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 17-том, 350-бет) сифатида тавсифлаганда назарда тутган вазият вужудга келади.

Халкнинг ўз-ўзини бошқаруви — бу марксизмнинг программ ғоясидир. К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Лениннинг коммунистик жамият ҳакидаги ғоят бой назарий меросида у янги ижтимоий-иқтисодий формациянинг энг муҳим сифат характеристикаси сифатида намоён бўлади. В. И. Ленин меҳнаткашларнинг ўз-ўзини бошкарувини буржуа ва тобуржуа ўз-ўзини бошкарувнинг тарихда маълум бўлган жуда хилма-хил формаларига қарама қарши кўяр экан, «ҳақиқатан халкнинг ҳақиқатан ўзини ўзи идора қилишини ҳақиқий ташкил этиш» давлат ҳокимиятини революцион тарзда ўзгартишнинггина натижаси бўлиши мумкин, деб таъкидлаган эди (Тўла асарлар тўплами, 11-том, 199-бетга қаралсин). Худди шу социализм, деб таълим берган эди В. И. Ленин, ижтимоий ва шахсий ҳаётнинг барча соҳаларида тезлик билан, ҳақиқий, чинакам, оммавий суратда кўпчилик аҳолининг, сўнгра эса бутун аҳолининг иштироки билан олға қараб борадиган ҳаракатни бошлаб беради (ТАТ, 33-том, 116-бетга қаралсин). Демак, пролетариатнинг ва унинг иттифокчиларининг революцияси «халкни ўзини ўзи идора қилишни ўргатиш йўли»ни очади (ТАТ, 34-том, 370-бет). Бизнинг мақсадимиз, деб уктирган эди Владимир Ильич, *«ҳар бир* меҳнаткашнинг ишлаб чиқариш ишида 8 соатлик «топширикни» ўтаб бўлганидан кейин давлат ишларини *бепул* бажаришидир: бу йўлга ўтиш айникса қийин, лекин шундай қилганимиздагина социализм узил-кесил мустаҳкамланмоғи мумкин» (ТАТ, 36-том, 232-бет).

КПСС XXVII съездининг, партия МКнинг 1987 йил январь ва июнь Пленумларининг материаллари халкнинг социалистик ўз-ўзини бошқаруви деб аталувчи феноменнинг икки қисмдан иборат ягона мазмунини очишга кўмаклашади. Биринчидан, бу социализм сиёсий системасини қуриш ва унинг ишлашининг принципи бўлиб, у социал бошқарувнинг барча тартиботлари ва воситалари — «соф» давлат, давлат-ижтимоий, ижтимоий-мустақил воситаларининг мазмунига сингиб кетгандир. Иккинчидан, бу бошқарув тартиботларининг муайян даражаси (категорияси, тури) бўлиб, улар асосан ёки ҳатто фақат мустақил, айтиш мумкин, индивидуал асослар негизига қурилгандир.

Ўз-ўзини бошқарув мукаммаллигининг асосий мезони бевосита унумли меҳнат бошқарув соҳасидаги меҳнат билан қай даражада қўшилганлигидан иборатдир. Бошкача қилиб айтганда, бир субъектда (ташкилот, коллектив, шахсда) ишлаб чиқариш ва бошқариш функциялари қанчалик чамбарчас қўшиб олиб борилса, ўз-ўзини бошқариш даражаси шунчалик юқори бўлади.

Ўз-ўзини бошқариш принципини ўз-ўзини бошқариш тартиботига қарама-карши қўйишга ҳам, шунингдек уларни айнан бир нарса деб тушунишга ҳам йўл қўйиб бўлмайди, албатта. Бошқарувчиларнинг профессионал ҳақ олиб ишлайдиган штати мавжуд бўлган жойда тўла ўз-ўзини бошқариш бўлиши мумкин эмас. Бироқ, ўз-ўзини бошқариш асослари «аппарат орқали бошқариш»га ҳам аста-секин кириб боради, у билан қўшилишиб кетади, чунки гап социалистик типдаги давлат ҳақида боради. Меҳнаткашларнинг мамлакат сиёсий ҳаётидаги иштирокининг хилма-хил формалари, турли ташкилотларнинг биргаликда ишлаши, демократик контрол бошқаришдаги соф давлат билан ижтимоий, «аппарат орқали-профессионал» билан ихтиёрий, ҳақ тўланадиган билан ташаббускор асослар ўртасидаги чегарани йўқотиб боради. Шу билан бирга бу чегара сақланиб қолади ҳамда социалистик ижтимоий муносабатларнинг табиати ва ривожланиш даражаси жамият ҳаёти ва фаолиятини идора этишга профессионал ва ўз-ўзини бошқариш тарзида ёндашишни оқилона қўшиб олиб боришни (асло аралаш-қуралаш қилиб юборишни эмас) талаб қилар экан, мавжуд бўлаверади.

Шундай қилиб, халқнинг ўз-ўзини бошқаруви ҳозирги босқичда мамлакатимизда ташкил топган шаклида совет сиёсий системасининг ҳамма бўғинлари орқали амалга оширилади ва ҳам давлат, ҳам жамоат формаларида майдонга чиқади. Биз социал тараққиёт ҳолатининг мазмун жиҳатдан ғоят бой ва форма жиҳатдан хилма-хил шаклини кўриб турибмиз. Унинг йўли меҳнаткашлар тобора катта қисмининг бошқарувда — ҳам кичик, ҳам йирик социал-иқтисодий, сиёсий қарорларни ишлаб чиқиш, муҳокама этиш, қабул қилиш ва амалга оширишда реал, амалий иштирок этишини таъминлашдан иборатдир.

Бутун совет сиёсий системаси, яхлитлигича олинганда, халқнинг ўз-ўзини бошқарувини ифодалаши асло унинг ҳар бир қисми ёки айрим элементи албатта ўз-ўзини бошқарувчи ассоциациядир деган маънони билдирмайди. Аксинча, ўз-ўзини бошқариш асоси сиёсий системанинг турли бўғинларида нотекис тарзда мавжуд эканлигини қайд этиш мумкин. Агар давлат ҳақида гапириладиган бўлса, ўз-ўзини бошқариш принципи унинг сиёсий негизига — халқ депутатлари Советларига жо қилинган. Давлатнинг бошқариш, планлаштириш, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза этиш ва ҳоказо органларининг бўлак қисмлари марказлаштирилган ва айни чоқда профессионал бошқарув асосларида ташкил этилган ва иш олиб бормоқда.

Халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқарувининг бунёдкор кучи ишчилар, деҳқонлар ва зиёлиларнинг 2,3 миллиондан зиёд вакилларини ўз ичига олган халқ депутатлари Советларининг кучайиб бораётган активлигида, шунингдек касаба союз, комсомолнинг, меҳнат коллективлари, халқ контроли органларининг, бошқа оммавий жамоат ва ташаббускор ташкилотларнинг фаолиятида яққол намоён бўлмоқда. Социалистик демократия ва халқнинг ўз-ўзини бошқаруви бўғинларининг роли социализм такомиллаша борган сари оғишмай ошиб боради.

Халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқарувининг илҳомчиси, ташкилотчиси ва етакчи кучи Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидир. Унинг ўзи ўзини ўзи бошқарувчи ижтимоий-сиёсий ташкилотнинг юқори формасидир. «Бунинг маъноси, — деб уқтирган эди В. И. Ленин, — партиянинг ҳамма ишларини партиянинг ҳамма аъзолари тенг ҳуқуқ асосида ва ҳеч қандай истисносиз бевосита ёки вакиллар орқали олиб борадилар... демакдир» (ТАТ, 14-том, 280-бет). Партия ички демократиясини авж олдириб, давлат ва жамоат ташкилотларида ишлаётган коммунистларнинг масъулияти ва активлигини ошириб, ҳаётимизда ана шу ташкилотларнинг ролини кўтариб, ўз фаолиятининг услуб ва методларини бетўхтов такомиллаштира бориб, партия жамиятга раҳбарликни таъминлайди, мамлакатнинг бутун сиёсий ҳаётини тўғри йўлга солиб туради, халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқарувини кенгайтириб ва чуқурлаштириб боради.

Партия группалари — партиянинг Советлар ишига таъсир кўрсатишида синалган воситадир. Улар жанговарлик билан иш олиб боришлари, коммунист депутатларга нисбатан контрол функциясини тўлароқ амалга оширишлари, уларнинг масъулиятини кучайтиришга ва ташаббусини ривожлантиришга кўмаклашишлари, совет аппарати бошланғич партия ташкилотлари билан мустаҳкам алоқада бўлишлари лозим. КПСС МКнинг «Халқ депутатлари

Советларига партиявий раҳбарликни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги (1986 йил июль) қарори коммунистлар эътиборини ана шунга қаратади.

Халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқарувини тобора тўла амалга ошира бориш, деб кўрсатилади КПСС Программасида, ҳозирги босқичда жамиятимизнинг бутун сиёсий системасини ривожлантиришнинг стратегик йўлидир. У совет давлатчилигидан ташқарида эмас, энг аввало унинг ичида содир бўлади. Шуниси ҳам борки, ўз-ўзини бошқарувнинг чуқурлашуви социалистик давлатни мустаҳкамлаш вазифаларига асло зид келмайди. Қолаверса, давлатдан ташқарида олинганда у ҳозирги шароитда ўзининг реал аҳамиятини тўғридан тўғри йўқотиб қўйган бўлур эди. Совет умумхалқ давлати социализмни такомиллаштиришнинг, жамиятни жадал ривожлантиришнинг асосий воситаси, халқаро майдонда социалистик ғалабаларни ҳимоя қилиш қуролидир. Айни чоқда у омманинг ҳамма соҳаларни қамраб олувчи ташкилоти бўлиб, унинг демократик, умумхалк характери йилдан йилга тобора тўла ва эркин тарзда намоён бўлмоқда. Советлар бирлаштирган халқ давлатни бошқаришда тобора кенг ва чуқур иштирок этмоқда. КПСС МҚ, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг ўша 1986 йилнинг июль ойида қабул қилинган «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида халқ депутатлари Советларининг социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришдаги ролини янада ошириш ва масъулиятини кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам мазкур йўлни оғишмай ривожлантиришга хизмат қилади.

Коммунистик партия ҳамма даражалардаги 52 мингдан зиёд Советларнинг ишини яхшилаш борасидаги тадбирларнинг кенг комплексини белгилаб чиқди ва амалга оширмоқда. КПСС Программасида қайд этилганидек, СССР Олий Совети, республикаларнинг Олий Советлари қонунчиликни изчил такомиллаштиришларига, ички ва ташқи сиёсатнинг асосий проблемаларини самарали ҳал этишларига, қуйи Советларнинг фаолиятига актив раҳбарлик қилишларига, ўзларига ҳисоб бериб турувчи органларни текширишларига партия муттасил кўмаклашади. Ўзларига қарашли территорияларни комплекс иқтисодий ва социал ривожлантиришни таъминлашда маҳаллий Советлар роли ва масъулиятининг ошиб бориши социалистик давлатчиликни такомиллаштириш учун жуда муҳим аҳамиятга молик.

Ҳокимият органлари фаолиятида ўзгаришлар содир бўлмоқда, аммо, КПСС МҚ январь Пленумида қайд этилганидек, ҳозирча Советлар чинакамига, замон руҳида ишлай бошлаганларича йўқ. Меҳнаткашларнинг туб манфаатларига дахлдор бир қатор масалалар борки, уларни Советлар учун бошқа хеч қандай ташкилотлар ҳал қилиб бермайди. Бу масалалар энг аввало социал сиёсат, аҳолига хизмат кўрсатиш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, соғлиқни сақлаш проблемаларидир. Бу борада силжиш кам, Советлар ҳозирча ана шу жуда муҳим соҳаларга жавоб берувчилар олдига тегишлича қатъий талаблар қўяётганлари йўқ. Советлар ролининг ошишига янада кўпроқ кўмаклашиш ниятида КПСС МҚ январь Пленуми уларнинг ишига аоссиз тарзда аралашишга йўл қўйиб бўлмаслигини яна таъкидлади, улар ишида демократик асосларни кучайтиришнинг муҳимлигини уқтирди. Бу аввало сессиялар, доимий комиссиялар ва депутатлар фаолиятига тааллуқлидир. Лавозимли шахсларнинг ҳокимият органлари олдида мунтазам ҳисоб бериб туришларининг, депутатлар сўров киритишлари практикасининг таъсирчанлигини ошириш лозим.

Партия совет сайлов системасини такомиллаштиришни ижтимоий ҳаётни демократиялаштиришнинг, кадрлар сиёсатининг асосий йўналишларидан бири деб билади. Январь Пленумида Советлар депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни муҳокама қилиш практикасини формализм элементларидан холи этиш, сайловчига кўп миқдордаги номзодларга ўз муносабатини билдириш, сайлов жараёнининг ҳамма босқичларида самарали иштирок этиш имконини бериб қўйиш зарурлиги ҳақидаги масала қўйилди.

Яқинда бўлиб ўтган маҳаллий Советлар депутатларини ва район (шаҳар) халқ судлари халқ судьяларини сайлаш кераксиз тарзда «режиссёрлик қилиш»нинг бартараф этилиши кишиларнинг социал активлигини кучайтиришга, мавжуд аҳволга, планларни аниқлашга бўлган турли нуқтаи назарларни аниқлашга кўмаклашганини кўрсатди.

Меҳнат коллективлари олдида ўз-ўзини бошқаришни чуқурлаштириш учун кенг майдон очилмоқда. Улар, партия ўз Программасида белгилаб берганидек, халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқарувининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ишига оид масалаларни ҳал этишда меҳнаткашларнинг кундалик ва реал иштирокининг таъсирчан социал ячейкаси бўлиб қолишлари керак. КПСС МК январь Пленумида бу масалага катта эътибор берилди. Чунки ишлаб чиқаришда демократияни ривожлантириш — бутун социалистик демократияни чуқурлаштириш ва кенгайтиришдаги энг муҳим йўналишдир. Партия ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг ҳар бир меҳнаткашга ўзини ўз корхонасининг чинакам хўжайини деб ҳис этишига имкон берадиган формаларини жорий этиш ва бунинг учун шароит яратиш вазифасини қўйди. Бевосита демократиядан самарали фойдаланишга қаратилган йўл давлат корхонаси (бирлашмаси) ҳақидаги Қонунда гавдалантирилдики, унинг лойиҳаси бутун халқ муҳокамасига қўйилди. Қонунда, жумладан умумий йиғилишларга ва меҳнат коллективлари кенгашларига ишлаб чиқариш, социал ва кадрларга оид ишлар билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этишда ваколатлар бериш кўзда тутилган.

КПСС МК 1987 йил июнь Пленуми ишлаб чиққан тадбирлар ҳам Меҳнат коллективлари ҳақидаги қонунда мустаҳкамланган демократик принциплар ва формаларни амалга ошириш механизмини тубдан яхшилашга хизмат қилади.

Гражданлар халқ контроли органлари орқали ҳам жамоат ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этадиларки, бу контрол давлат бошқарувининг тармоқ органлари, корхоналар ва муассасалар маъмуриятига нисбатан ҳам қўлланилади. Халқ контроли органлари фаолиятида 10 миллион нафар активист-жамоатчилар иштирок этмоқдалар.

КПСС МК январь Пленумида контрол жамиятни демократлаштиришнинг, ўз-ўзини бошқариш асосларини ривожлантиришнинг энг муҳим воситаларидан бири деб топилди. Пленумнинг ҳар бир раҳбар, ҳар бир лавозимли шахс муттасил ўз масъулиятини ҳамда сайловчиларга, меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотларига, партия ва бутун халққа боғлиқ эканлигини сезиб туриши учун «қуйидан бўладиган» контролнинг савияси ва самарадорлигини ошириш зарурлиги ҳақидаги кўрсатмаси алоҳида аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда меҳнат аҳли томонидан қилинадиган контролнинг ҳамма формаларини мустаҳкамламоқ керак. Социалистик ўз-ўзини бошқарувни ривожлантириш учун бу жуда муҳим масаладир.

Бевосита демократиянинг формалари ҳақида ҳам худди шу гапларни айтиш мумкин. Қонунларнинг ва бошқа давлат қарорларининг лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасига қўйиш — бизнинг сиёсий ҳаётимизнинг мустаҳкам анъанасидир. Чунончи, Меҳнат коллективлари ҳақидаги СССР Қонунининг лойиҳаси (1983 йил) ҳақида 110 миллиондан зиёд, умумий таълим ва ҳунар мактабларининг ислоҳоти лойиҳаси ҳақида (1984 йил) қарийб 120 миллион гражданлар ўз фикрларини айтдилар. КПССнинг съездолди ҳужжатлари лойиҳалари ҳам шу қадар кенг кўламда муҳокама этилди. Меҳнаткашларнинг хатлари — ижтимоий ҳаётимизни янада демократлаштириш учун кудратли стимулдир. Сайловчиларнинг наказларини, гражданларнинг аризалари ва таклифларини умумлаштириш ва амалга ошириш системаси муттасил такомиллаштирилмоқда, жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш тобора катта аҳамият касб этмоқда. Ҳозир кўп кишиларнинг муҳим қарорларнинг, айниқса социал проблемаларга оид муҳим қарорларнинг лойиҳалари фақат умумиттифоқ эмас, балки республикалар миқёсида, шунингдек маҳаллий миқёсда муҳокама қилиниши ҳақидаги истаклари ҳисобга олинди. Эндиликда аҳолини шаҳар ва посёлкалар қурилиши лойиҳаларини, транспорт, маиший, медицина, маданий хизмат кўрсатиш ва ҳоказо масалаларни муҳокама этишга кенгроқ кўламда жалб этмоқ лозим.

Кенг кўламдаги ошкоралик социалистик ўз-ўзини бошқаришни ривожлантиришнинг гарантиясидир. Аммо ҳали ҳамма маҳаллий органлар ҳам аҳолини ўз ишлари, қабул қилинаётган қарорлар, уларнинг бажарилиш натижалари ҳақида мунтазам хабардор қилиб тураётганларича йўқ. Баъзан шаҳар ва район аҳолиси мамлакатдаги ёки чет эллардаги воқеалар ҳақида қўшни кўчада нималар бўлаётганига, маҳаллий ташкилотлар нималар ташвишида эканлиги, қандай муаммоларни ҳал қилаётганлигига қараганда яхшироқ биладилар.

Социалистик давлат ўз олдида турган вазифаларни муваффақиятли бажариши учун унинг жамоат ташкилотлари билан ўзаро алоқалари тобора катта аҳамият касб этмоқда. Жаҳон социализми мамлакатларининг коллектив тажрибаси тасдиқлаган бу хулоса улар ҳаётида жамоат ташкилотларининг роли ортиб бораётганлигини акс эттиради. Ҳозирги вақтда, практика кўрсатиб турганидек, социалистик ва коммунистик қурилишнинг биронта масаласини ҳам жамоат ташкилотларига мурожаат қилмасдан туриб ҳал этиб бўлмайди.

Бу ташкилотларнинг хилма-хил турлари ҳақида, яъни қуйидагилар ҳақида гапириш мумкин: очиқ, аъзолардан иборат, уставли бирлашмалар (касаба союзлари, комсомол, кооператив ташкилотлари ва бошқалар), буларнинг статусини СССР Конституцияси белгилаб қўйган; жамоатчилик ташаббускор органлари (уй ва кўча комитетлари, ота-оналар комитетлари, ўртоқлик судлари ва бошқалар), булар ҳақида СССР Конституциясининг 48-моддасида айтилган: оммавий жамоатчилик ҳаракати органлари (Хотин-қизлар совет комитети, Тинчликни ҳимоя қилиш совет комитети, СССР ёшлар ташкилотлари комитетлари ва бошқалар); жамоатчилик муассасалари (Авторлик ҳуқуқлари бўйича Бутуниттифоқ агентлиги, «Новости» матбуот агентлиги, Совет тинчлик фонди ва бошқалар).

Ҳозир мамлакатда аъзоларининг сони тахминан уч миллион киши бўлган қарийб 530 мингта кўча, квартал, уй, қишлоқ ва посёлка комитетлари ишлаб турибди; 500 мингдан зиёд мактаблардаги ота-оналар комитетлари, маданий-маърифий ва медицина муассасалари қошидаги кенгашлар иш олиб бормоқда, уларда 4 миллион активист қатнашмоқда; 650 мингдан зиёд кўнгилли халқ дружиналари, ўртоқлик судлари, кўнгилли ўт ўчириш дружиналари бўлиб, улар қарийб 14 миллион кишини ўз ичига олган. Бизда анча-мунча қизиқишлар бўйича ихлосмандлар клублари, давлат бошқаруви органлари структурасида жамоатчилик тузилмалари (халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижрокомларининг штатдан ташқари бўлимлари ва бошқармалари, министрликлар ва идораларнинг фан-техника кенгашлари ва бошқалар) бор. Улар меҳнаткашларнинг маънавий эхтиёжларини қондиришда катта роль ўйнайдилар. Кейинги етти йил ичида, масалан, қизиқишлар бўйича клублар сони тахминан икки баравар кўпайди ва ҳамон ортиб бормоқдаки, бу маданий-маърифий ишнинг ушбу формасининг оммавийлигидан далолат бериб турибди. Аслида жамоатчилик ташкилотларининг жами бутун катта ёшдаги аҳолини қамраб олган

КПСС жамоатчилик ташкилотлари ролини оширишга жуда катта аҳамият бермоқда. Бу ўз навбатида, совет кишилари хилма-хил манфаатларининг янада тўлароқ ифодаланишини таъминлайди, бошқарув ишларига янги-янги миллионлаб гражданларни жалб этиш имконини беради, давлат органлари фаолиятини яхшилашда қўшимча имкониятлар яратади, бизнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётимизни тағин ҳам демократиялаштиришнинг яна бир стимулидир. «Давр мамлакатни бошқариш ишига **жамоат ташкилотлари** тобора активроқ жалб этилишини тақозо этмоқда», — деб уқтирилди КПСС МКнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида.

Жамоат ташкилотларига бирлашиш ҳуқуқи — СССР гражданларининг энг муҳим сиёсий ҳуқуқларидан биридир. В. И. Ленин бу ҳуқуқни ишчилар синфи назарида энг муҳим, энг аҳамиятли ҳуқуқ деб билган (ТАТ, 21-том, 403-бетга қаралсин). Жамоат ташкилотлари гражданларнинг ихтиёрий аъзо бўлишларига, ўз-ўзини бошқариш ва ташаббускорликка асосланган бўлиб, ўз моддий базасига эга ва ўзлари қабул қиладиган уставларга мувофиқ иш олиб борадилар. Улар — социалистик халқ ҳокимиятининг мустақил субъектлари, партия ва давлат сиёсатини шакллантириш ва турмушга оширишнинг фаол иштирокчиларидирлар. СССР Конституциясининг 51-моддасига мувофиқ уларнинг фаолияти совет гражданларининг сиёсий активлигини ва ташаббускорлигини ривожлантиришга ҳамда уларнинг хилма-хил қизиқишларини қондиришга қаратилгандир.

Шуни айтиш керакки, «қизиқиш» категорияси жамоат ташкилотларининг моҳиятини тушуниш учун ғоят муҳимдир. Аввало шуни қайд этиш керакки, қизиқишлар — шахсий ва коллектив қизиқишлар — ғоят хилма-хил бўлиши мумкин: сиёсий ва маънавий эхтиёжлар билан боғланган, иқтисодий ва истеъмолчилик қизиқишлари бўлиши мумкин. Жамоат ташкилотлари кишиларга у ёки

бу вазифаларни бажариш учун фақат бирлашишгина эмас, балки ўз қизиқишлари ва майлларини тўла-тўкис рўёбга чиқаришларига ҳам имкон беради. Бунда шуни таъкидлаш муҳимки, жамоат тузилмалари, бир томондан, муайян коллектив, группа қизиқишларини ифодаловчи бўлиб хизмат қилади ва ўз ички вазифаларини ҳал этади, иккинчи томондан эса — давлат органлари билан ҳамкорлик қилиб, уларга ҳар тарафлама кўмаклашиб ва улардан хилма-хил ёрдам ва мадад олиб, улар олий умумхалқ, умумдавлат манфаатларига хизмат қиладилар. Уларнинг мақсади бошқарув аппаратини жамоат контроли остида тутиш, меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини муҳофаза этиш, меҳнат интизомини таъминлаш, давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш, жамоат тартибини қўриқлашга кўмаклашиш, сиёсий-тарбиявий иш олиб бориш, социалистик мусобақага раҳбарлик қилиш, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш учун курашиш ва бошқа кўп масалалардир.

Коммунистик қурилишнинг турли соҳаларида мазкур ташкилотларнинг ҳуқуқларини кенгайтирган бир қанча қонун актларининг қабул қилиниши жамоат ташкилотларини янада ривожлантиришга, уларнинг обрў-эътиборини мустаҳкамлашга кўмаклашади. КПСС XXVII съездида хотин-қизлар, кекса авлод вакиллари каби аҳоли катта группаларининг манфаатларини ифодаловчи янги жамоат ташкилотларини тузиш ҳақидаги масала қўйилди ва ана шу таклифлар ҳозирдаёқ амалга оширилди. Чунончи, 1986 йил декабрида уруш ва меҳнат ветеранлари Бутуниттифоқ ташкилотининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Маълумки, ветеранлар ҳаракати совет жамиятининг нуфузли кучи бўлиб қолди. Ветеранларнинг мамлакат иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштирокининг кўп формалари амалда ўзини оқлади. Янги Бутуниттифоқ ташкилотининг тузилиши ана шу ҳаракат олдида янада кенг истиқболлар очиб бериши лозим.

1986 йил декабрида шу хилдаги яна бир бошқа воқеа бўлди — СССР театр жамиятлари союзининг таъсис съезди бўлиб ўтди. Бу янги ташкилот, жумладан, янги эксперимент ўтказишга кўмаклашиши лозимки, бу эксперимент театрларнинг максимал даражада ўз-ўзини бошқарувига — репертуарни шакллантиришдаги мустақиллик, авторлар билан алоқалар ўрнатиш, труппаларнинг составй ва динамикасини белгилаш, ўз молия ресурсларини тасарруф этиш ва шу кабиларга қаратилгандир.

Меҳнат коллективларида ва истиқомат жойларида хотин-қизлар кенгашларини қайта тиклаш муҳим аҳамиятга молик. Жами хотин-қизлар жамоат ташкилотлари хотин-қизларнинг ижодий активлигини ривожлантиришга, уларнинг онгини қайта қуриш учун курашга даъват этилган. Бунинг учун кўп йўллар, форма ва воситалар мавжуд. Масалан, хотин-қизлар орасида ишлаш бўйича Республика комиссияси, 150 дан зиёд қишлоқ район, ўнлаб шаҳар комиссиялари, Ўзбекистон корхона ва хўжаликларида қарийб 21 минг комиссиялар иш олиб бормоқда. Хотин-қизлар кенгашлари ўзларининг барча имкониятларини тўла-тўкис кўрсатганларича йўқ, зеро улар хотин-қизларга жуда яқин бўлиб, уларнинг эҳтиёж ва талабларини яхши биладилар. Уларнинг вазифаси — меҳнаткаш аёлларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб қилишга ҳар тарафлама кўмаклашиш, улар учун энг яхши меҳнат ва турмуш, ўқиш ва дам олиш шароитларини яратишга эришиш, оналик ва болаликни муҳофаза этишга, оилавий муносабатларни тартибга солишга кўмаклашишдир. Хотин-қизлар кенгашлари социал актив хотин-қизларни тарбиялашда партия комитетларининг биринчи ёрдамчилари бўлиб қолишлари керак. Хотин-қизлар активлари қанчалик катта бўлса, у кенг фронтда — корхоналар, хўжаликлар, қурилишларда, маиший хизматда, истиқомат жойларида қанчалик яхши ишласа, жамиятимизнинг иқтисодий ва маънавий тараққиёти шунчалик кучли ва чуқур бўлади.

Ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларида жамоат ташкилотлари ролининг ошиб бориши — объектив қонуниятдир. Буни совет халқи амалга ошираётган иқтисодий ва социал вазифаларнинг кўламдорлиги, коммунистик қурилишда тобора кўп меҳнаткашларнинг фаол иштирок этиши, кенг оммани давлат ва жамоат ишларини муҳокама қилиш ва ҳал этишга жалб қилиш зарурати тақозо этади. Бу ҳол Лениннинг «тарихий ҳаракатларнинг кўлами қанча кенг бўлса, бунда давра қанча кенг олинса, бу ҳаракатларда қатнашувчи кишиларнинг сони шунчалик кўп бўлади...» (ТАТ, 42-том, 164—165-бетлар) деган қоидасига мувофиқдир.

Жамоат ташкилотларида миллион-миллион совет гражданлари бошқарув мактабини ўтадилар. Чунончи, касаба союзларининг сайлаб қўйиладиган органларида 15 миллиондан зиёд киши, комсомолникида — 9,5 миллион йигит ва қизлар, колхоз ишлаб чиқаришини бошқаришда — 5 миллиондан зиёд киши ишламоқда.

КПСС XXVII съездида қайд этилдики, совет касаба союзлари — ҳозирги кунда қарийб 140 миллион меҳнаткашларни бирлаштирган жуда оммавий ташкилот бўлсаларда, уларга аниқ мақсадни кўзлаб ишлашда жанговарлик ва матонат ҳамма вақт ҳам етишмайди; Меҳнат коллективлари ҳақидаги қонун замиридаги демократик принциплар ва нормалар ҳали ҳам тўла-тўкис уларнинг кундалик иши практикасига кириб борганича йўқ.

Ҳозирги шароитда Лениннинг касаба союзлари коммунизм мактаби деган тарихий қоидаси янада катта аҳамият касб этмоқда. КПСС МҚ январь Пленумида, СССР Қасаба союзларининг XVIII съездида қайд қилиб ўтилганидек, ҳозир, қайта қуриш шароитида касаба союзлари ўз имкониятлари ва ҳуқуқларини янгидан баҳолашлари ва бу билан социал-иқтисодий жадаллаштириш умумхалқ ишига қўшадиган ҳиссаларини кўпайтиришлари керак. Қайта қуришнинг асосий бўғини — меҳнат коллективлари бўлиб, худди ана шу коллективларда касаба союзлари биринчи галда ўз имкониятларини кўрсатишлари лозим. Уларнинг асосий ишларидан бири, КПСС МҚ Бош секретари М. С. Горбачев СССР касаба союзларининг XVIII съездидаги нутқида айтганидек, шундан иборатки, улар умумдавлат микёсида ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал қилиш билан социал соҳани ривожлантириш вазифаларини ҳал қилиш ўртасида узилишга йўл қўймаслик учун актив курашчи бўлиб майдонга чиқишлари лозим.

Ўз сафларида 42 миллиондан зиёд йигит ва қизларни бирлаштирган Ленин комсомоли бизнинг ижтимоий ҳаётимизни янада демократиялаштиришда катта роль ўйнайди. КПСС XXVII съезди комсомолнинг вазифаларини белгилаб, ёш авлодни, социализмга содиқ, жасорат кўрсатиш ва ўзини қурбон қилишга шай авлодни Улуғ Октябрь қолдирган адолат ва эркинлик идеаллари руҳида тарбиялаш борасида муттасил ва қунт билан куч-ғайрат кўрсатиш унинг учун асосий ишдир, деб алоҳида таъкидлади. Партия съездида ва ВЛКСМ XX съездида комсомол зиммасига юкланган масъулият ва қўйилган вазифаларнинг теранлиги ҳар бир комсомол ташкилоти зиммасига ўзининг бутун фаолияти, иш услуби, форма ва методлари мазмунига очиқ-ошкора ва талабчанлик билан ёндашиш вазифасини юклайди.

Экономиканинг ривожланишига, халқ турмуш даражасининг юксалишига ва бошқа ижодий жараёнларга жамоатчилик таъсирининг самарадорлиги ошиб бормоқда, бу эса жамоат ташкилотлари фаолиятидаги камчиликларни бартараф этишни талаб қилади. Шу муносабат билан КПСС МҚнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида қайд этилдики, «уларнинг кўпларида ташаббускорлик етишмайди. Бир қанча ҳолларда улар оммага етарли даражада таянмай, энг аввало аппаратлардаги штатлар кучи билан бюрократларча ҳаракат қилишга уринадилар. Бошқача қилиб айтганда, жамоат ташкилотларининг халқчил, ижодий, ташаббускорлик табиати ҳали тўла рўёбга чиқмаяпти».

Бир хил ташкилотларнинг бошқа хил ташкилотлар ишини такрорлаши элементлари, амалда ҳеч қандай иш олиб бормайдиган кўпдан-кўп «аъзолар»нинг ана шу ташкилотлар баъзи бирлари томонидан қоғозда «қамраб олиниши» шаклидаги формализм ҳали барҳам топмаган (масалан, Қизил Крест ва Қизил Яримой жамиятлари союзида). Халқ контроли постлари ва группаларининг иши ҳамма вақт ҳам етарлича жанговар, қатъий бўлавермайди. Ортиқча ташкилотчиликка берилиб кетиш, ваколатларни алмаштириш, бюрократик бузишлар сиёсий тартиботларнинг ривожланишига тўғаноқ солади, социалистик ўз-ўзини бошқаришнинг ривожини сусайтиради, инсон омилининг активлашувига тўсқинлик қилади.

Жамоат ташкилотлари фаолиятидаги параллелизм ва такрорлашларни бартараф этиш учун уларнинг иш услубини яхшилаш муҳим аҳамиятга молик. Штатдаги аппаратнинг жуда катта бўлиши оммавий тузилмаларнинг табиатига зиддир. Меҳнаткашларнинг ташаббускорлиги, аввало бошланғич ташкилотлардаги — жуда хилма-хил масалалар бевосита ҳал этиладиган қуйи ячейкалардаги

ташаббускорлиги уларнинг ҳаётига замин бўлиб хизмат қилади. Партия ҳар бир жамоат ташкилотининг ўзига хос бўлган функцияларни максимал даражада тўла ва самарали бажаришини, у бирлаштирган меҳнаткашлар манфаатларининг турмушга оширилишини, совет кишилари гражданлик ташаббуси ва масъулиятининг кучайтирилишини энг муҳим вазифа деб билади. Бу борада эса резервлар жуда катта. Фактлар шундан далолат берадики, жамоат ташкилотларининг баъзилари Уставдаги ўз ҳуқуқларининг анчагина қисмини рўёбга чиқармайдилар, хўжакўрсинга тадбирлар ўтказишга берилиб кетадилар.

Совет сиёсий системасининг ўзаги бўлган КПСС уни ривожлантириш йўлидаги нуқсонларни қатъият билан бартараф этади, қийинчиликларни енгиб боради, социалистик демократизм механизмини бетўхтов такомиллаштиради. Айрим партия органларининг совет, хўжалик, жамоат ташкилотлари ишини бажаришлари ва уларнинг майда-чуйда ишларига ҳам аралашавериш практикаси қораланди. «Партия ташкилотлари совет, касаба союз, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотлари ўрнини олмайдилар. Партия органлари ва бошқа органларнинг функциялари аралаштириб юборилишига йўл қўймайдилар», — дейилади КПСС Уставида.

Партия Марказий Комитети халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқаруви системасида касаба союзлар ва комсомолнинг, ижодий союзлар ва кўнгилли жамиятларнинг ролини ошириш борасида янги тадбирлар кўришни мақсадга мувофиқ деб топди. Жумладан, давлат органлари тегишли касаба союз, комсомол, хотин-қизлар ташкилотларининг иштирокида ёки улар билан даставвал келишиб олган ҳолда ҳал қилишлари мумкин бўлган масалалар доирасини кенгайтириш, бир қатор ҳолларда ана шу ташкилотларга бошқарув қарорларини амалга оширишни тўхтатиб қўйиш ҳуқуқини бериш мўлжалланмоқда. КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачев Краснодар ўлкаси партия активи билан учрашув пайтида таъкидладики, жамоат ташкилотларининг ҳуқуқларини кенгайтириш йўлидан бормоқ, жумладан, ишни корхонада ҳеч қандай масала комсомолсиз, ёшларсиз ҳал бўлмайдиган қилиб ташкил этиш зарур. Давлат қарорларини тайёрлаш, қабул қилиш ва амалга оширишда ҳамда уларнинг бажарилишини контрол қилишда жамоат ташкилотларининг иштироки кенгайтирилиши эътиборга олиниб, юридик фаннинг практика эҳтиёжларига қаратилган ўз-ўзини бошқариш жамоат формалари концепциясини ишлаб чиқишига тўғри келади.

Шундай қилиб, партиянинг фақат давлат доирасидагина эмас, балки жамоат ташкилотлари доирасида ҳам халқнинг ўз-ўзини бошқарувининг янги, янада таъсирчан формаларини ривожлантиришга муттасил интилаётганлиги кўриниб турибди. Бу формалар бир-бири билан чамбарчас боғланган ҳамда бир-бирини тақозо этади. Коммунизм сари ҳаракатни энг аввало давлат функцияларини жамоат ташкилотларига топшириш йўли билан давлат тартиботларини сиқиб чиқариш деб тушуниш асоссиз эканлигини кейинги ўн йилликлар тажрибаси яққол кўрсатиб берди. Бунда асосий нарса давлат ва жамоат функцияларини қайта тақсимлашдан иборат эмас, балки биринчи навбатда уларнинг реал мазмунини бойитишдан ҳамда ҳар бир давлат органи ва ҳар бир жамоат ташкилотининг уларни максимал даражада амалга оширишидан иборатдир. Советлар ва бошқа давлат органларининг ҳам, барча оммавий кўнгилли бирлашмаларнинг ҳам ролини ошириш ва активлигини кучайтиришнинг асосий резерви айнан ана шундадир. КПСС XXVII съезди тасдиқлаган партия Программаси, унинг Устави ҳам эътиборни ана шунга қаратади.

Совет жамиятининг сиёсий системасини ва унинг асосий бўғинларини анализ қилиш халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқаруви узлуксиз чуқурлашиб бораётганлиги ҳақида хулоса чиқариш имконини беради. Бу тарихан узоққа чўзиладиган ҳамда жамиятнинг иқтисодий, социал ва маданий етуклиги билан боғлиқ бўлган жараён мамлакатнинг социал-иқтисодий ривожланиш босқичида сиёсий системага кирувчи ҳар бир давлат ва жамоат ташкилотини максимал такомиллаштиришни ва унинг имкониятларини ишга солишни, улар фаолиятини аниқ-пухта уйғунлаштириб туришни тақозо этади.

«ҚАЙТА ҚУРИШНИ АМАЛИЙ ИШЛАР БИЛАН ЧУҚУРЛАШТИРАЙЛИК» ТЕМАСИ БЎЙИЧА МЕТОДИК МАСЛАҲАТЛАР

Мамлакатимизнинг ривожланишида КПСС МК 1985 йил апрель Пленуми ва партия XXVII съезди бошлаб берган тарихий босқичнинг ўзига хос белгиси совет жамияти ҳаётининг ҳамма жиҳатларини қайта қуришдир. У СССРни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш учун шарт-шароитни таъминлаши лозим.

1987/88 ўқув йилида марксча-ленинча таълим системасидаги биринчи машғулот Коммунистик партия ишлаб чиққан қайта қуриш концепциясининг назарий ва амалий қоидаларини ўрганишга бағишланади. Машғулот мақсади — қайта қуришнинг мазмунини, унинг ҳозирги босқичи хусусиятлари ва вазифаларини чуқурроқ тушунишда тингловчиларга ёрдам бериш, совет жамиятининг авж олиб бораётган янгиланиши жараёнида ўз ўрнини топиш, партия планлари ва кўрсатмаларини рўёбга чиқаришга амалий иш билан ҳисса қўшиш, қайта қуришнинг чинакам жангчиси бўлишдир.

Темани ўрганишнинг қуйидаги плани тавсия этилади:

1. Қайта қуришнинг революцион характери ва унинг ҳозирги босқичи хусусиятлари.
2. Меҳнат коллективи — қайта қуришнинг муҳим бўғини.
3. Ҳар бир совет кишисининг самарали меҳнати, бошқаришда реал иштирок этиши — қайта қуриш муваффақиятининг ҳал қилувчи шартидир.

ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ РЕВОЛЮЦИОН ХАРАКТЕРИ ВА УНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Теманинг ушбу бўлимини кўриб чиқишни қайта қуриш нима деган саволга жавобдан бошлаш тавсия этилади. Тингловчилар орасида қайта қуриш фақат 70—80-йиллар бошларида юзага келган салбий ҳодисалар ва тенденцияларни бартараф этишдир деган тасаввур ҳали ҳам тез-тез учраб туради. Аммо бу қайта қуриш вазифасининг фақат бир қисмидир. Ўтмиш хатоларини тузатиш зарур, муҳимдир ва у **социалистик жамиятни сифат жиҳатдан, аслида революцион тарзда тубдан ўзгартишлар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу ўзгартишлар уни тарихий тараққиётнинг янги босқичига кўтаради.** 2000 йилга қадар Совет ҳокимиятининг бундан олдинги жами йиллари мобайнида тўпланган иқтисодий потенциалга тахминан баравар бўлган потенциални яратиш мўлжалланганлиги мазкур туб ўзгартишларнинг бекиёс миқёсидан далолат беради.

Қайта қуриш, деб таъкидлайди пропагандист, бу энг аввало мамлакатни ривожлантириш объектив эҳтиёжидир. Муболағасиз айтиш мумкинки, қайта қуришни бутун жамият эҳтиёжи вужудга келтирди. Жамиятнинг ҳар бир ячейкасида, ҳар қандай даражада эскичасига яшаш мумкин эмаслигини, ижтимоий ҳаётнинг эскирган формаларини бартараф этиш, социализмни янгилаш зарурлигини тушуниш аста-секин кучайиб ва мустаҳкамланиб борди. Аммо бу объектив зарурат субъектив омилнинг актив роли — кишилар, меҳнат коллективлари, давлат органлари, сиёсий ва жамоат ташкилотларининг фаолияти туфайлигина рўёбга чиқарилиши мумкин. **Қайта қуришнинг ҳал қилувчи ташкилотчи кучи — партиядир. Моҳият эътиборила революцион бўлган туб ўзгартишлар унинг ташаббуси билан ва унинг раҳбарлигида олиб борилмоқда.**

Қайта қуриш — у совет коммунистлари ҳозирги авлодининг, бутун халқимизнинг ишчилар синфи оламшумул-тарихий миссиясини бажаришга — янги жамият барпо этишга қўшадиган ҳиссасидир. Бу Улуғ Октябрь ишининг давомидир. КПСС МК 1985 йил апрель Пленумидан бошлаб партия **қайта қуриш концепциясини** изчил равишда ишлаб чиқмоқда, чуқурлаштирмоқда, конкретлаштирмоқда. КПСС XXVII съезди жамиятни ҳар тарафлама тубдан ўзгартишга қаратилган йўлни белгилади, ижтимоий ҳаётнинг бир-бири билан ўзаро боғлиқ сифат ўзгаришлари комплексини аниқлаб чиқди. 1986 йил давомида партия қарорларида, КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачев нутқларида бир вақтнинг ўзида

жамият ҳаётининг ҳамма асосий соҳаларида содир бўлаётган революцион туб ўзгартишларнинг ҳамма жабҳаларни қамраб олувчи жараёни сифатида қайта қуриш ҳақидаги тасаввур чуқурлаштирилиб борди. Марказий Комитетнинг 1987 йил январь Пленуми ушбу концепцияга принцип жиҳатдан муҳим бўлган қоидани киритди — **жамиятни янада демократиялаштириш, халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқарувини ривожлантириш қайта қуришнинг моҳиятини ташкил этади,** деб таъкидлади. Пленум қайта қуриш амалий ишлар томон бурилганлигини нишонлади, ҳар бир совет кишиси, ҳар бир меҳнат коллективи, ҳар бир партия ташкилотининг қайта қуришдаги вазифаларини белгилаб берди. Ниҳоят, КПСС МК 1987 йил июнь Пленуми экономикани бошқаришни тубдан ислоҳ этиш масалаларини ҳал қилди, хўжалик механизми системасидаги сифат ўзгаришларини белгилаб бердики, бу ўзгаришлар социалистик тузум афзалликларидан фойдаланишнинг янги-янги имкониятларини очиб бериши лозим.

КПСС МК июнь Пленуми, деб таъкидлайди пропагандист, қайта қуришнинг яхлит концепциясини ишлаб чиқишни, **унинг амалий мазмунини белгилашни, жадаллаштиришнинг ташкилий-сиёсий пойдеворини барпо этишни** тугалладики, бу жонли ишлар томон бурилиши учун зарурдир.

Мазкур ишлар, уларнинг пировард натижалари ҳозирги кунда сиёсий характер касб этмоқда. Совет кишилари ҳам, бизнинг дўстларимиз ҳам, чет эллардаги душманларимиз ҳам қайта қуриш қандай бораётганлигига, унинг якунларига қараб социализм имкониятлари ҳақида, жамиятимиз социал жиҳатдан қанчалик самарали эканлиги ҳақида фикр юритадилар. Амалий ишларнинг муваффақияти эса ҳар бир совет кишисининг, ҳар бир партия ташкилоти, ҳар бир меҳнат коллективининг ижодий активлигига боғлиқ. В. И. Ленин таъкидлаганидек, оддий меҳнаткашлар меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳақида, ўз фаолиятларининг жамият учун натижалари ҳақида ўйлаётганликлари коммунизм томон ҳаракат қилиш учун характерлидир (Тўла асарлар тўплами, 39-том, 25-бетга қаралсин).

Жамиятда содир бўлаётган маънавий юксалиш, социал активликнинг кучайиши — бу қайта қуриш бошланғич босқичининг ижобий якуни ва уни янада чуқурлаштириш ҳамда кучайтириб боришнинг шарт-шароитидир. КПСС МК июнь Пленумида таъкидланганидек, ҳозирги кундаги вазифа секинлатиш механизмининг асосий бўғинини ташкил этувчи зиддиятларни бартараф қилиш, бу билан тобора жадаллашиб бораётган ривожланиш учун кенг майдон очиб беришдир. Янгиланиш билан консерватизм ўртасидаги, омма активлиги билан фаолиятнинг бюрократик услуби ўртасидаги, кишилар турли группаларининг манфаатлари ўртасидаги зиддиятлар алоҳида эътиборга моликдир. Партия ташкилотлари, меҳнат коллективлари мазкур зиддиятларни бартараф этишда ҳал қилувчи роль ўйнайди, зеро уларда ҳамма ишлар шундоққина кўриниб туради ва, бинобарин, қолоқ фикрли кишиларга жонли таъсир кўрсатишнинг реал имкониятлари бор.

Янгиланиш жараёнининг амалий натижалари кўп жиҳатдан партия, унинг ҳар бир ташкилоти ўз ишини қандай қайта қураётганлигига, коммунистлар қандай позицияни эгаллаётганлигига боғлиқ. **Ҳозирги кунда амалий ишларга раҳбарлик қилишда коммунистларнинг, партия ташкилотларининг авангардлик роли айниқса муҳимдир,** чунки қайта қуриш ҳозирги босқичининг социал-сиёсий моҳияти ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларидаги жонли бунёдкорлик ишидадир. У — жўшқин ва изчил фаолиятда, резервларни излашда, камчиликларни танқид қилиш ҳамда жами фойдали, прогрессив ташаббусларни қўллаб-қувватлашда, активликни, ташаббускорликни ривожлантиришда, демократияни ошкораликни чуқурлаштиришда, ишнинг янги-янги формаларидан фойдаланишдадир. КПСС МК июнь Пленуми ишларнинг аҳволи учун, биринчи навбатдаги вазифаларни реал тарзда ҳал этиш учун коммунистлар, партия, совет, хўжалик органлари раҳбарларининг масъулиятини ошириш тўғрисидаги масалани қўйди. Пропагандист бу вазифаларни тингловчиларга тушунтиради.

Биринчидан, бу **қайта қуришда эришилган даражани сақлаб қолиш, унинг ижобий тенденцияларини мустаҳкамлаш ҳамда ана шу даражадан** туриб барча мавжуд резервлардан, тўпланган бутун потенциалдан фойдаланган ҳолда олға томон **ҳаракат қилиш** зарурятидир. Афсуски, ҳамма ерда ҳам шундай бўлаётгани йўқ, КПСС МК июнь Пленумида эришилган даражадан чекинганлиги, бир ерда депсиниб тураверганлиги, қайта қуришни амалга оширишда сусткашлик қилганлиги учун бир қатор идоралар, тармоқлар, партия ташкилотлари танқид қилинди. Айрим жойларда қайта қуриш — узоққа мўлжалланган сиёсат эканлиги, унинг вазифаларини ҳал этиш жамиятнинг ривожланишида муайян босқични ишғол қилиши ҳақидаги тезисдан нотўғри хулоса чиқаришди ва, аслини олганда, бу борада шошилишмаяпти. Бундай кайфиятларга энди чек қўйиш керак: мамлакат шундай ҳам кўп йиллар ва ўн йилликларни қўлдан бой берди, бинобарин, агар ишни бугун жадаллаштирмайдиган бўлсак, КПСС МК июнь Пленуми таъкидлаганидек, «ажойиб эртанги кун» келмаслиги мумкин.

Иккинчидан, бу шундай вазифаларки, уларни ҳал этиш совет кишилари ҳаётининг шароитлари ва даражасини ўзгартиришни — **уларни озиқ-овқат, уй-жой, халқ истеъмоли** [illegible] **лозим.**

КПСС Марказий Қомитети қўлга киритилган натижаларга баҳо бериб, мазкур соҳаларда бир мунча яхшиланиш ҳоллари кўзга ташланмоқда, деб қайд этди. Аммо ҳозирча қатъий бурилишга эришилмади, мазкур жараён муқаррар бўлиб қолмади. Бунга эскирган ёндашишлар инерцияси, илғор тажриба ва технологияни кенг ёйишдаги сусткашлик, бошқаришнинг эски методларига ўрганиб қолганлик тўсқинлик қилмоқда.

Бу ўринда тингловчиларга Ўзбекистон Компартияси МКнинг шу йил 10 августда бўлиб ўтган пленумида ҳам бу ҳақда гап борганлигини эслатиш тавсия этиладики, ушбу пленумда «КПСС Марказий Қомитетининг 1987 йил июнь Пленуми қарорлари асосида экономикани бошқаришни тубдан қайта қуришни таъминлаш соҳасида республика партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди. Ўзбекистон Компартияси МК биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаевнинг докладида ва пленумнинг шу масала юзасидан қабул қилган қарорида қайд этилдики, республика партия ташкилоти ҳаётнинг ҳамма соҳаларини соғломлаштириш учун қизғин кураш олиб бормоқда. Ўзбекистон Компартияси МК XVI пленуми ва XXI съезди очиб ташлаган ва қоралаган салбий ҳодисаларга принципиал баҳо бериш зарурлигини кенг жамоатчиликнинг тушунганлиги, уларни келтириб чиқарган сабабларни чуқур англаш қайта қуришнинг дастлабки ижобий якуни бўлди. Ана шу бешафқат ҳақиқат республика партия ташкилотини янада мусаффо ва кучлироқ, монолитроқ қилади, қайта қуриш учун курашда СССР қардош халқлари оиласида муносиб ўринни эгаллашга баҳамжиҳат интилиш негизида ўз теварагида барча меҳнаткашларни жипслаштириш имконини беради.

Ана шуларнинг ҳаммаси муайян яхши натижаларга олиб келди. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш проблемаларини ҳал этишда дастлабки умидбахш қадамлар ташланди, ишлаб чиқариш потенциалидан тўлароқ фойдаланила бошланди. 1983—1984 йилларда саноат маҳсулотининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари 3,5 процентни ташкил этган бўлса, 1985—1986 йилларда — 6,5 процент, индустрияда меҳнат унумдорлиги — тегишли тартибда 0,3 ва 4 процент бўлди. Хўжалик фаолиятидан олинган фойда 20 процент кўпайди. Социал соҳада ҳам ўзгаришлар бўлди: 1985—1986 йилларда ундан олдинги икки йилдагига қараганда уй-жойлар 600 минг квадрат метр, мактаблар 60 минг ўқувчи ўрни, болалар боғча ва яслилари 16 минг ўрин, касалхоналар 2 минг койка кўпроқ миқдорда ишга туширилди.

Шу билан бирга, деб қайд қилади пропагандист, умуман олганда республика халқ хўжалигида аҳвол мураккаблигича қолмоқда, бу соҳада туб ўзгаришлар бўлмади. Шу йилнинг биринчи ярми планининг бажарилиш якунлари далолат бериб турганидек, бир қатор жабҳаларда ишнинг аҳволи яхшиланиши уёқда турсин, балки илгари қўлга киритилган позициялар бой берилмоқда. Ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари планлаштирилганига қараганда анча пастдир. Маҳсулот етказиб бериш плани 2,4 процент кам бажарилди, истеъмолчиларга буюмлар ва хом ашё 216 миллион сўмлик кам берилди. Бутун саноатда меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг худди шу давридагига нисбатан 1,9 процент пасайди. Асосий фондларни ишга тушириш бўйича ярим йиллик топшириқ атиги 72 процент бажарилди. Ўз харажатларини қоплашга, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказилган корхоналарнинг анчагина қисми зарар кўриб ишламоқда.

Қурилаётган чора-тадбирларга қарамай, умуман олганда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда аҳволни тубдан яхшилашга эришилмади. Оғир индустрия корхоналари бундай моллар чиқаришга чинакамига жалб этилмади, улардан юзтадан кўпроғи бу ишдан четда турибди.

Халқ учун чиқариладиган моллар сифати проблемаси аввалгидек долзарблигича қолмоқда. Масалан, Ўзбекистон енгил саноатида сифатнинг пастлиги хусусидаги рекламациялар сони беш йиллик бошидагига нисбатан ип газламалар бўйича уч баравар, пойабзал, кўйлаклар, шимлар ва курткалар бўйича икки баравар кўпайди. Сифати яхшиланган «Н» индексли буюмларнинг салмоғи атиги 17,7 процентни ташкил этади. Худди аввалларидагидек кўпгина маданий-маиший молларга бўлган эҳтиёж асосан уларни мамлакатнинг бошқа регионларидан келтириш ҳисобига қондирилмоқда.

Савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизматлар соҳасидаги аҳвол ҳозирги талабларга жавоб бермайди, бунда хизмат кўрсатиш маданияти ҳали ҳам паст. Транспортда юк ташишни ташкил этиш яхшиланаётгани йўқ.

Партия халқ хўжалигини ривожлантиришда туб бурилиш ясаш зарур деб ҳисоблайди. Бу борада ҳам экономикани бошқаришни тубдан ислоҳ қилишга катта умид боғланмоқда. Бу ислоҳот иқтисодий ўсишни ўрталиқ натижалардан пировард натижаларга, жамият, коллектив ва ҳар бир ходим манфаатларини узвий тарзда уйғунлаштиришга, фан-техника тараққиётини экономикани ривожлантиришнинг бош омилига айлантиришга, хўжалик алоқаларида истеъмолчини афзал кўришга, харажатларни камайтирувчи самарали механизмни яратишга қаратади.

Бироқ, ана шу чора-тадбирларнинг жамида фақат иқтисодий мазмуннигина кўриш масалани жўнлаштириш бўлур эди. **Экономикани тубдан қайта қуришга қаратилган йўл,**

аслини олганда, фақат ишлаб чиқаришнигина эмас, балки бутун ижтимоий ҳаётни ҳам **янада демократиялаштиришга қаратилган йўл билан туташиб кетади.** Экономика билан социалистик демократизм тараққиётини бир-биридан ажратиб бўлмайди. Бу ҳақда бундан кейинги «Демократиялаштириш — қайта қуришнинг ҳал қилувчи шарти» темасини ўрганиш вақтида сўз юритамиз.

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВИ — ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ

Пропагандист теманинг ушбу бўлимини кўриб чиқишга киришар экан шуни таъкидлайдики, совет жамияти ҳаётининг барча соҳаларини революцион тарзда янгилаш жараёнида партия қайта қуриш, иқтисодий ўсишни ва социал тараққиётни жадаллаштириш вазифаларини ҳал этишнинг энг муҳим бўғини сифатида меҳнат коллективига алоҳида аҳамият беради. Бу меҳнат коллективи, аввало ишлаб чиқариш коллективининг социалистик жамиятда ўйнаётган объектив роли билан изоҳланади, чунки у инсон фаолиятининг асосий соҳасида ишлайди. Кишиларни коллективда бирлаштирадиган асосий нарса — бу уларнинг биргаликда қиладиган меҳнати бўлиб, бу меҳнат жамоат бойлигининг, Ватан иқтисодий қудратининг, моддий ва маънавий тараққиётининг манбаидир. У шунингдек корхона хўжалик ва социал тараққиётининг, ҳар бир ходим шахсий фаровонлигининг зарур шарти сифатида майдонга чиқади. Бундан ташқари, меҳнат коллективида кўпгина муҳим социал эҳтиёжлар қондирилади, кишиларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти кечади, бунда улар ишлаб чиқаришни ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этадилар. Унда кишилар ўртасида муайян маънавий муносабатлар, конкрет психологик муҳит вужудга келади. Меҳнат коллективларининг ижтимоий ҳаётини бошланғич партия ташкилотлари йўлга солиб турадиларки, улар бу коллективнинг сиёсий ўзагидирлар. Бу ерда касаба союзлар, комсомол, бошқа жамоат ташкилотлари иш олиб борадилар.

Ана шуларнинг ҳаммаси меҳнат коллективини қайта қуриш ва жамиятни янгилаш учун курашнинг энг муҳим бўғинига айлантиради. Унда ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, меҳнаткаш зиёлиларнинг реал кучлари жамланганки, уларнинг ижтимоий ҳаракати бизнинг янги сифат ҳолати сари ҳаракатимизнинг жараёни ва муваффақиятларини белгилаб беради. Ана шу кучларни жамиятни революцион янгилашга хизмат қилдириш учун **ҳар бир меҳнат коллективини ва унинг аъзоларини социалистик ишлаб чиқаришнинг чинакам хўжайинларига айлантирмоқ зарур.** Бу марказий проблемадир, чунки агар бевосита ишлаб чиқарувчи бўлган меҳнат коллективи хўжайинликнинг у ёки бу ҳуқуқларидан маҳрум этилган бўлса, мулкнинг социалистик умумхалқ ва колхоз-кооператив формалари ўз потенциалидан тўла-тўкис фойдалана олмайди, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши учун зарур майдон очиб бера олмайди. Бундан ҳам ёмони шуки, улардан фойдаланишнинг бошқарувнинг ҳозирги системаси каби эскирган формалари секинлатиш механизмининг бир қисмига айланади.

Равшанки, деб уқтиради пропагандист, социалистик жамият меҳнатчисини ишлаб чиқаришнинг чинакам хўжайинига айлантириш проблемасини фақат меҳнат коллективининг ўзи ҳал қила олмайди. Энг аввало жамиятда экономикани бошқаришнинг яхлит, самарали ва ихчам системасини яратиш талаб этилади. Бу партия билан халқнинг кечиктириб бўлмайдиган биринчи навбатдаги вазифасидир. Лекин уни меҳнат коллективидан ташқарида ва унинг иштирокисиз ҳал қилиб бўлмайди. Бунинг устига-устак, КПСС МК июнь Пленуми илгари сурган концепцияга мувофиқ **айнан ана шу корхона (бирлашма) билан унинг меҳнат коллективи мамлакат хўжалик механизмини оқилона тубдан ўзгартиришнинг,** бошқарувнинг маъмурий-зўракилик методларидан асосан иқтисодий методларига ўтишнинг **бошланғич нуқтасидир.** Айни чоқда бундай ўтиш ўз-ўзидан, силлиқ ва тез содир бўлиши мумкин деб ўйлаш ғоят зарарли, ҳатто хавфлидир. Бу ўтишни синчковлик билан тайёрлаш, унинг учун курашиш лозим.

Шу ерда мана бундай савол қўйиш ўринлидир: Давлат корхонаси (бирлашма) ҳақидаги Қонунни жорий этишга иқтисодий, ташкилий, психологик, маънавий жиҳатдан шай бўлиш учун **Пленум йўл-йўриқларини турмушга шу бугуноқ,ҳозироқ амалга ошириш борасида амалда нима қилмоқ керак?**

Бу саволга жавоб, ҳатто халқ хўжалиги бир тармоғининг турли меҳнат коллективлари учун ҳам бир хилда бўлиши мумкин эмас. Шу боисдан ижобий изланиш, тўпланган тажрибани умумлаштириш зарур. Хўжалик механизмини қайта қуришда илғор коллективлар тажрибаси ҳам ёрдам бериши мумкин. Ўзбекистон Компартияси МК пленумида (1987 йил август) мисол тариқасида Олмалиқ кон-металлургия комбинати тилга олинди. Комбинатда уч мингдан зиёд киши 26 та хўжалик ҳисоби бригадаси составида меҳнат қилади. Улар юксак унум билан ишлайдилар, хом ашё, электр энергиянинг анча-мунча тежалишини таъминлайдилар. Партия комитети, цех партия ташкилотлари, партия группалари белгиланган тадбирларни амалга оширишда ташаббускорлик ва қатъият

кўрсатмокдалар. Кадрларни танлашнинг демократик принципларидан кенг фойдаланилмокда — кўпгина ишлаб чикариш бўлинмалари раҳбарларини меҳнат коллективлари сайлашган. Натижада товар маҳсулот чикариш бўйича етти ойлик план ошириб бажарилди, комбинат шартнома бўйича маҳсулот етказиб беришда карздан тўла-тўкис узилди, бутун маҳсулот дастлабки кўрсатишдаёқ давлат кабулига топширилмокда.

Химия машинасозлиги, приборсозлик ва автоматлаштириш воситалари, нефть химияси, автомобиль, енгил саноат иттифок министрликларининг бирлашмалари ва корхоналари, шунингдек бошка тармокларнинг 37 та йирик бирлашма ва корхоналари 1987 йилдан эътиборан тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш шароитида ишламокдалар. Улар индустрия маҳсулоти умумий ҳажмининг 20 процентдан кўпроғини чикармокдалар, уларда 6 миллион киши ёки саноат ходимлари умумий сонининг 16 проценти ишламокда.

Ўзбекистонда 86 та саноат корхонаси ўз харажатларини коплаш ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш шароитида ишламокда. Уларнинг кўпида яхши натижаларга эришилди. Аммо, юкорида айтиб ўтилганидек, ҳамма ерда ҳам аҳвол шундай эмас. Масалан, — бу ҳакда республикамиз Компартияси МК пленумида ҳам гапириб ўтилди, — Карши тикувчилик бирлашмасида шу йилнинг олти ойи мобайнида планлаштирилган 2,1 миллион сўм фойда ўрнига 580 минг сўм зарар кўрилди. Ана шу ва бошка бир катор корхоналарда хўжалик ҳисоби методлари куйи бўғинларга етказилмаган, моддий рағбатлантириш юксак пировард натижаларга эришишга хизмат килмайди. Ана шу жуда муҳим ишга бошланғич партия ташкилотлари яхши аҳамият бермаяптилар.

Келаси йили мамлакат саноат корхоналарининг учдан икки кисми, 1989 йилда эса — моддий ишлаб чикаришнинг ҳамма тармоклари тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтадилар. Шу боисдан меҳнат коллективларининг молиявий аҳволида катъий тартиб бўлиши ғоят муҳимдир. Ваҳоланки, республикамизда ҳозир 300 та саноат, курилиш, транспорт ва алока корхоналари зарар кўриб ишламокдалар. Бундан ташкари, 1986 йил якунларига кўра 446 та колхоз ва совхоз 326 миллион сўмлик зарар кўрди. Бу микдор 1985 йилдагига нисбатан 44 миллион сўм кўпрокдир. Ўзбекистон Компартияси МК пленуми министрликлар ва идоралар, меҳнат коллективлари олдига ҳар бир корхона ва хўжалик экономикасини соғломлаштириш борасида конкрет чора-тадбирлар белгилаш ва амалга ошириш вазифасини куйди. Гарчанд бир катор масалалар баҳо ҳосил килишни такомиллаштириш йўли билан ҳал килинса-да, энг асосийси — бу ўз ишидаги хўжасизликни бартараф этиш, ишлаб чикаришни интенсивлашни, ресурсларни тежашни таъминлаш, фондлар унумини оширишдир.

Пропагандист тингловчиларга шуни эслатадики, бошкарув янги механизмининг энг принципиал хусусияти — корхоналар ҳукукларини, уларнинг ишлаб чикариш ва социал фаолиятга оид барча масалаларни ҳал килишдаги мустакиллигини анча кенгайтиришдир. Хўжалик ишининг самарадорлиги учун корхоналар масъулияти ҳам ортади. **Ўзига ажратилган ижтимоий ишлаб чиқариш воситаларининг чинакам, реал хўжайини сифатида меҳнат коллективининг мавқеи таъминланади.** Аммо хўжайинлик ҳукукини олиш билан амалда тежамкор, моҳир, ташаббускор, миришкор хўжайин бўлиш асло бир хил нарса эмас. Министрликлар, Госплан, Госснаб майда-чуйда ишларда ҳам васийлик килмайдиган, ўз идораси ҳожатбарор молиявий субсидиялар бериб турмайдиган демократия ва ўз-ўзини бошкариш, тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш шароитида ишланадиган бир пайтда коллективга ва унинг раҳбарларига чинакам хўжайин бўлиб колишлари учун ҳали кўп нарсани ўрганишга тўғри келади. Шу муносабат билан машғулот пайтида **корхона, цех, участка коллективларининг мустақил иш тутишга тайёрлик даражасини** чукур ва дадил **анализ қилиб чиқиш** лозим бўлади.

Бригада ва коллектив пудратини жорий этиш ва кўлланишдаги аҳвол — анализ учун энг актуал темалардан биридир. Зеро меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳак тўлашнинг бундай формаси — ишларни мустакил олиб боришнинг энг яхши мактабидир.

Пудрат, хўжалик ҳисоби принциплари ҳамма тармокларда, айникса кишлокда юксак самарадорликни таъминлайди. КПСС МК июнь Пленумида М. С. Горбачев Жиззах область Пахтакор районидаги Кичанов номли совхоз коллективининг иш тажрибаси ҳакида гапирди. Совхознинг жами бригадалари коллектив пудрат, хўжалик ҳисоби принципига ўтказилган, бошкарувнинг цех структураси жорий этилган, бригаданинг маъмурият билан ўзаро ҳисоб-китоби чек системаси ёрдамида олиб борилади, маҳсулот бирлигига ва кишлок хўжалик ишлари турларига материал ва меҳнат сарфининг лимитлари, шунингдек меҳнатга ҳак тўлашнинг катъий нормативлари ишлаб чикилган. Натижада илгари катта зарар кўриб ишлаган совхоз киска вакт ичида ишлаб чикариш самарадорлигини анча оширишга эришди, хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга тўла-тўкис ўтиш учун имкониятни таъминлади.

Жиззах область Бахмал районидаги XXIII партия съезди номли боғдорчилик-узумчилик совхози ҳамда Наманган область Норин районидаги «Коммунизм» колхозининг иш тажрибаси ҳам меҳнатни ташкил этишнинг коллектив формалари, айникса оила пудрати

юксак натижалар беришини тасдиклаб турибди. Бу тажриба Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан маъкулланди.

Хоразм областининг Хонка районида факат пахтачиликдагина эмас, балки дон, сабзавот, полиз маҳсулотлари, картошка, ем-хашак етиштиришда ҳам оила пудрати жуда кенг ёйилди. Районда карийб 4 минг оила звеноси ишламокда.

Ўзбекистонда меҳнатни ташкил этишнинг оилавий формаларини янада кенгрок жорий этиш учун ҳамма ерда имкониятлар бор. Аммо улардан етарлича фойдаланилмаётир. Баъзи бир хўжалик раҳбарлари ва мутахассислар пудратга ўтишдаги кийинчиликлардан кўркмокдалар. Ваҳоланки, бошланиб кетган жараённи ҳар тарафлама кувватлаш жуда ҳам муҳимдир. Энг муҳими, ташаббус кўпрок пастдан бўлсин, меҳнатни ташкил этишнинг пудрат формаларини колхозчилар ва совхоз ишчиларининг ўзлари ёклаб чиксинлар.

Айни чокда эски тажриба билан чекланиб колиш ярамайди, келажакка ҳам назар ташлаш лозим. М. С. Горбачев якинда Москва якинидаги «Раменский» агросаноат комбинатини бориб кўрган пайтда кишлок меҳнатчилари билан олиб борган суҳбатларининг бирида мана бундай муаммо устида ўйлаб кўришни тавсия этди: «Хўш, пудратни янада ривожлантирсак, яъни сизларга ерни ҳам, асосий фондларни ҳам ижарага берсак, кандай бўларкин? Ер ҳам, техника ҳам сизники бўлади. Ҳозир сизлар картошкани парвариш килаяпсизлар, сўнгра жўхорини ҳайдаш бошланади, ундан кейин ўт-пичанни йиғиб оласизлар. Ҳамма гап сизларга ажратилган ернинг чинакам хўжайинлари бўлишингиздадир» (Правда, 1987, 6 август). Бу масалани кишлок семинари ёки мактабида батафсил муҳокама килиш максадга мувофикдир.

Меҳнат унумдорлиги билан меҳнатга тўланадиган ҳакнинг ўсиш суръатлари ўртасидаги нисбатни, иш ҳаки ва моддий рағбатлантиришнинг кўлланилаётган системалари самарадорлигини анализ килиш вактида кизикарли ва амалий жиҳатдан кимматли натижалар олиш мумкин. Бу натижаларга караб иш ҳаки ва мукофот канчалик ҳакли тарзда олинганлиги, текисловчилик ва зўрма-зўраки якунлашни кандай конкрет усуллар ва йўллар билан йўкотиш мумкинлиги ҳакида фикр юритиш мумкин бўлади.

Пропагандист, табиийки тингловчилар диккатини хўжалик механизмини тубдан ислох килиш кўзда тутган ишлаб чикариш воситалари билан бемалол савдо килишга ўтиш ҳар бир меҳнат коллективини социалистик ишлаб чикариш муносабатлари моҳиятига адекват бўлган шароитга кўйишига каратади. Эндиликда «нима беришса», шуни олиш учун ҳожат колмайди, маҳсулот етказиб берувчи тикиштирадиган ярокcиз ва брак нарсалардан воз кечиш имконияти пайдо бўлади. Шартнома ва буюртма корхоналар ўртасидаги муносабатларнинг асосий формаси бўлиб колиб, у маҳсулот етказиб берувчининг буйруғини йўк килади ва истеъмол килувчи заводга реал ҳукуклар беради. Бу ўринда эса муҳокама пайтида нимага эътибор беришни тўғри белгилаш муҳимдир. Зеро, муайян коллективда юксак социал аҳамиятга молик пировард натижага мўлжалланган маҳсулот чикариш имконини берувчи иктисодий шароит юзага келади, бу эса туб хўжалик ислоҳотининг моҳиятини ташкил этади. Хўш, янги ҳукуклардан фойдаланиб, бундай шароитда кандай килиб ўз вазифаларини жуда яхши бажариш мумкин? Жумладан, меҳнат унумдорлигини кескин юксалтиришга, маҳсулот сифатини яхшилашга, шартномалар бўйича маҳсулот етказиб беришни юз процент бажаришга кандай эришиш мумкин? Суҳбат ана шундай тус олиши лозим.

Хўжалик юритишнинг янги методларини ўзлаштириш учун планлаштириш, ички хўжалик ҳисобини ташкил этиш ҳакидаги корхонада амал килиб турган барча коидаларни ўз вактида кайта кўриб чикиш муҳим, албатта. Зарар кўрмасдан, рентабел ишлаш, таннархни пасайтириш, ҳар кандай нобудгарчиликларни ва унумсиз харажатларни бартараф этиш масалалари алоҳида эътибор берилишини талаб этади.

Давлат корхонаси (бирлашмаси) ҳакидаги конунни жорий этишга, ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш шароитида ишлашга ўтишга тайёргарлик **шу йилги план топширикларини муваффакиятли бажаришга, социалистик мусобакани ривожлантиришга** кўмаклашиши керак. КПСС МК июнь Пленуми мусобака иштирокчилари ўртасидаги реал иктисодий беллашувни кучайтириш зарурлигини уктирдики, мусобака ғолиблари иктисодий фойда кўраётганликларини сезишлари керак. Машғулот вактида кабул килинган социалистик мажбуриятлар кандай бажарилаётганлигини таҳлил этиш, белгиланган марраларга эришишни кандай таъминлаш ҳакида фикр алмашиш максадга мувофикдир.

Коллективдаги маънавий ва психологик муҳит ҳакида алоҳида тарзда сўз юритмок лозим. Шунинг учунки, корхона, муассасанинг меҳнат ва ижтимоий ҳаётида ахлок проблемалари ғоят жиддий аҳамият касб этди. Сўз билан иш ўртасидаги фарк, социал адолатнинг турли формаларда бузилиши коллектив ҳаётига салбий таъсир кўрсатиб, ахлокнинг издан чикишига, нафакат оддий, балки группа худбинлиги деган нарсанинг ёйилишига олиб келади. Ахлоксизлик ва гуруҳбозлик кишанларидан кутулмасдан туриб кайта куриш, жамиятни янги сифат ҳолатига ўтказиш вазифаларини муваффакиятли ҳал этиб бўлмайди. Шу муносабат билан пропагандист тингловчилар олдига: «Коллектив ҳамма вакт ҳак, деган фикрни аксиома деб ҳисоблаш мумкинми?» деган савол кўйиши мумкин.

«Ишлаб чиқаришнинг хўжайини» деган сўзлар коллектив ва унинг аъзолари учун шунчаки тасалли берувчи шиор бўлганлигига, уларнинг асл маъноси йўқолиб кетганлигига кўп йиллар мобайнида ўрганиб қолган кишилар онгидаги бурилишни жадаллаштириш муҳимдир. Ушбу ва бошқа ҳамма машғулотларда меҳнат коллективи — корхона ишларини бошқариш бўйича юксак демократик ваколатлари бўлган тўла ҳуқуқли ҳокимдир, деган тушунчани ҳар бир тингловчига қадам-бақадам сингдириб бориш лозим бўлади. Бусиз хўжалик юритишнинг янги системасига ўтиш албатта анча кам самара беради.

ҲАР БИР СОВЕТ КИШИСИНИНГ САМАРАЛИ МЕҲНАТИ, БОШҚАРИШДА РЕАЛ ИШТИРОК ЭТИШИ — ҚАЙТА ҚУРИШ МУВАФФАҚИЯТИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ШАРТИДИР

Пропагандист уктирадики, партия раҳбарлигида халқ амалга ошираётган совет жамияти сиёсий ва социал ҳаётининг ҳамма жиҳатларини қайта қуриш жараёни ўзининг мақсади сифатида ҳам, асосий ижрочи сифатида ҳам инсонни назарда тутади. Партиянинг жамиятимиз социал-иқтисодий ривожини жадаллаштиришга қаратилган йўлини амалга ошириш **инсон омилини рўёбга чиқариш орқали социализмнинг жами имкониятларидан тўлароқ фойдаланишни** талаб этади. Қайта қуришни юқоридан туриб, буйруқ билан амалга ошириб бўлмайди, у ҳар бир кишининг ақл заковати, қалби орқали ўтиши лозим.

Ҳозирги пайтда жамиятимизнинг барча соғлом кучлари етилган проблемаларни кечиктирмай ҳал этиш, турғунлик ва консерватизмни сўзсиз бартараф қилиш керак деб қатъий фикр билдирмоқдалар. Ўзгаришларнинг объектив заруратини оммавий тарзда англаш — партия ташкилотлари изчил тарбиявий иши натижасидир. Мазкур иш қанчалик муҳим бўлмасин (ва у давом эттирилади) бу фақат оммани қайта қуриш жараёнига жалб этишнинг дастлабки, бошланғич босқичи эканлигини аниқ тасаввур этиш лозим. Вазифа **фақат кишиларни ишонтириш эмас, балки уларнинг ҳар бирини қайта қуришда мустақил, аниқ мақсадни кўзлаб иштирок этишга йўналтиришдир.**

Бу оддий вазифа эмас. Унинг мураккаблиги турғунлик йиллари кўп кишилар онгида салбий асорат қолдирганлиги билан боғлиқдир. Иш ҳақи гарантияланган бир ҳолда ортиқча уринмасдан меҳнат қилиш одати, меҳнатга ҳақ тўлашда баъзи бир кишиларни қониқтирадиган текисчилик — кенг ёйилган ана шу ҳолатлар ходимларнинг бир қисмида меҳнат ва социал пассивликни туғдирди ва туғдирмоқда, тайёрга айёрлик кайфиятини келтириб чиқармоқда.

Энди эскичасига яшаш ва ишлаш мумкинми? деган савол ҳақида ҳар бир киши ўйлаб кўриши керак. Одатда кишилар бу саволга жавобни ўз тажрибаларидан, коллектив бошқа аъзоларининг хатти-ҳаракатини кузатишдан излашга ҳаракат қиладилар. Мабодо бирон бир киши ўзича одат бўлиб қолганидек, «ҳамма ишга аралашавермасдан» яшаш осонроқ, бехавотирроқ, қулайроқ, деб ўйласа, бу хилдаги ҳаёт тарзининг қадр-қиммати ҳақида ўйлаб кўриш ҳам зарар қилмайди. Зеро шахсий жиҳатдан олганда бундай одам кўп нарсадан маҳрум бўлади. У камол топмай, профессионал жиҳатдан ўсмай, билим ва малакасини оширмай бир жойда қотиб қолади, ўзини тўла-тўкис кўрсатиш умидидан маҳрум бўлади. Жамият нуқтаи назаридан олганда, бу йўқотишлар унчалик катта эмас. Гап кишиларнинг лоқайдлиги туфайли у ёки бу моддий ва маънавий қадриятлар яратилмай қолишида ҳам эмас. «Бeташвиш» яшашни мўлжаллаш инсон учун пировард натижада ўзининг ижодий, бунёдкорлик имкониятларидан маҳрум бўлиш демакдир.

Қайта қуришни киши ўзидан, ўзига баҳо беришдан, ўз имкониятлари ва келтираётган реал нафига баҳо беришдан бошлаши кераклигини тобора кўп кишилар англамоқдалар. Ҳар қандай корхонада, ҳар қандай коллективда ишга новаторларча муносабатда бўлишда бош-қошлик қилаётган ходимлар бор. Машғулот пайтида улар нималар ҳисобига устма-уст муваффақиятга эришаётганликларини таҳлил қилиб чиқиш фойдалидир.

Қайта қуришнинг инсон омилини ишга солиш учун кишилар ўз хатти-ҳаракатларида нималарга амал қилишларини билиш ҳамда уларнинг манфаатларига фаол таъсир кўрсатиш зарур. **Қайта қуришнинг маъноси,** деб қайд этилган КПСС МК июнь Пленумида, пировард натижада **манфаатларни ҳисобга олиш, уларга таъсир кўрсатиш, улар билан ва улар орқали бошқаришдан иборатдир.** Хўжалик юритишнинг янги механизми орқали ҳам, демократик тартиботлар орқали ҳам, сиёсат, идеология, маданият орқали ҳам манфаатларни тарбиялаш ва йўлга солиб туриш лозим.

Машғулотда шахсий моддий манфаатларни шакллантириш, меҳнатни рағбатлантириш проблемалари устида батафсил тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Тингловчилар олдига: хўжалик юритишнинг янги методларини жорий этиш меҳнаткашларнинг моддий аҳволига қандай таъсир кўрсатади, у уларга шахсан нима беради? деган савол қўйиш мумкин. Баъзи бир кишилар иш ҳақини камроқ олишлари мумкин-у, деб ҳадиксираб айтилган гап-сўзларни эътибордан четда қолдирмаслик керак. Зеро эндиликда иш ҳақини ошириш ёки камайтириш фақат кишининг қандай ишлаётганлигига қараб белгиланади.

Юкорида айтиб ўтилганидек, партия инсонни сўзда эмас, балки амалда ишлаб чикаришнинг, бутун иктисодий ҳаётнинг соҳиби килиш вазифасини куйди. Инсон манфаатларини умумий хўжалик механизмига киритиш айнан уни ўзини тўла хукукли хўжайин ҳис этишига имкон беради, уни ишлаб чикаришни ва ижтимоий муносабатларни такомиллаштиришда фаол катнашишга рағбатлантиради.

Ушбу жараённинг бошка мухим жиҳати — жамиятнинг бутун ҳаётини ва, жумладан ишлаб чикаришни бошкариш системасини демократлаштиришдир. Меҳнаткашларнинг умумий йиғилишларда коллективни ривожлантириш масалаларини мухокама килиш ва ҳал этишда янада активрок иштирок этишлари, раҳбарларни сайлаш практикасининг кенгайтирилиши, бевосита демократиянинг бошка формалари меҳнаткашларда хўжайинлик туйғусини тарбиялашга кўмаклашади. Агар ходим коллективдаги ишлардан хабардор бўлса, агар у билан маслаҳатлашиб турилса ва карорлар кабул килишда унинг фикрини эътиборга олишса, у энди ўзининг жамиятдаги ўрнига бошкача баҳо беради, ўзига, ўртокларига масъулиятлирок муносабатда бўла бошлайди.

Кайта куриш, деб таъкидлайди пропагандист, **ҳар бир кишининг ўз иш жойида умумий ишга кўшадиган ҳиссасини кўпайтиришини** назарда тутади. Ҳа, ҳар бир кишининг! Мамлакатимизни янада кудратлирок, кишилар ҳаётини эса янада бадавлатрок ва мароклирок килиш учун бизда бошка йўл, бошка усуллар йўк. Ҳар бир киши юксак онгли, эътикодли, уюшган, касб маҳоратини, масъулият туйғусини ошириб борган такдирдагина у кўшадиган ҳисса салмокли бўлиши мумкин. Ҳар бир кишининг меҳнат коллективи куч-ғайратига, кайта куришга кўшадиган ҳиссасининг кўпайиши ишлаб чикаришда тартиб ўрнатиш билан чамбарчас боғликдир. Онгли интизомсиз демократиянинг бўлиши мумкин эмас, усиз демократия беҳуда харакатдек туюлади. Муҳим масалаларни коллектив тарзда мухокама килиш, бахслашиш мумкин ва лозим. Аммо карор кабул килиндими, уни ўз вактида сўзсиз бажариш шарт. Ана шунинг ўзи амалдаги демократиядир.

Ҳозирги шароитда меҳнат самарадорлигини ошириш деган гап нимани билдиради. Бу факат ўз иш жойида иш унуми нормасини тўла ва ошириб бажаришгина эмас. Эндиликда корхона коллективи истеъмолчига керак маҳсулотни чикариш ҳакида жон куйдириши шарт бўлгани сингари ҳар бир ходим ҳам ишлаб чикаришнинг умумий технологик схемасида унинг меҳнати кандай ўринни ишғол килишини, ўз ўртокларининг меҳнатини мумкин кадар енгиллаштириш учун, давлат кабули органлари контроли остида бўлиш-бўлмаслигидан катъи назар корхонадан ташкарига юкори сифатли маҳсулот чикиб туриши учун нималар килиш лозимлигини аник тасаввур этиши керак. Демак, меҳнат самарадорлигини технология, ишлаб чикариш интизомига катъий риоя килишдан, касб маҳоратини оширишдан, юксак сифат учун курашдан ажратиб бўлмайди. Ҳар бир ходимнинг меҳнат ҳиссасини кўпайтириш ҳакидаги сўзлар конкрет характерда бўлиши керак. Бундай сухбат бригада, цех, фермада, корхона, колхоз, совхозда меҳнат самарадорлигини ошириш проблемаларини мухокама килишга олиб келиши керак.

Бу масалани мухокама килишни активлаштириш максадида машғулотдан олдин ёки унинг давомида тингловчиларнинг контрол мастер ёки давлат кабули вакили билан учрашувини ташкил килиш максадга мувофикдир. Бундай суҳбатдан брак ва интизомни бузиш ўзаро чамбарчас боғлик эканлиги ва бунда айбдор бўлган кишилар — коллективнинг конкрет аъзолари эканлиги равшан бўладики, бу ҳакда тингловчиларнинг ўзлари машғулотларда рўй-рост гапиришлари керак. Брак маҳсулот чикарувчилар коллективга ва жамиятга келтираётган зарарнинг микёсларини бригада, цех ишининг мисолларида кўрсатиб бериш маъкул бўлур эди. Шунингдек, тингловчилар кўрилаётган зарарни кискартишга кандай шахсий ҳисса кўшишлари мумкинлиги масаласини ҳам ўйлаб кўриш маъкулдир.

Ҳар кандай коллективда юксак меҳнат унумдорлигига, ишга чинакам хўжайинларча муносабатда намуна бўладиган коммунистлар, комсомоллар, партиясизлар бор. Уларнинг «сирларини» билиб олиш, уларга тенглашиш — умумий ишга кўшадиган ўз ҳиссасини реал тарзда кўпайтириш демакдир. Шу муносабат билан маҳаллий материални ўрганиш, бирга, ёнма-ён меҳнат киладиган ўртокларининг, ҳаммага яхши маълум бўлган кишиларнинг конкрет тажрибасини далил килиб келтириш фойдалидир.

Кайта куриш — бу факат иктисодий ва социал жараёнгина эмас, балки **жамиятнинг маънавий ҳолатини ўзгартиш ҳамдир.** Ҳозирги пайтда шахснинг ҳакгўйлик, ўз-ўзини танкид килиш, виждонлилик, ишончлилик, сўзининг устидан чикиш каби ахлокий хислатларининг кадри жуда ошди. Кишиларда ўз иши, ўз касбидан фахрланиш туйғусини тарбиялаш жуда катта аҳамиятга молик. Бу туйғу ҳар кандай контролерларнинг ўрнини босади, хафсаласизлик билан меҳнат килишга имкон бермайди, брак уёкда турсин, балки иш сифатини ҳар кандай пасайтиришга ҳам йўл кўймайди. Коммунистлар ва комсомоллар юксак ахлокий фазилатларини, меҳнатда намуна, ижтимоий ва шахсий ҳаётда ибрат кўрсатишлари лозим деган фикрни такрор-такрор эслатиш ўринлидир.

Машғулот вактида корхона коллективининг биринчи ярим йилликдаги ва йилнинг учинчи кварталидаги иш якунларини анализ килиб чикиш максадга мувофикдир. Нималар

билан фахрланса бўлади, коллектив қандай проблемалар ва қийинчиликларга дуч келди, ишдаги камчиликларни бартараф этиш учун нималар қилиш керак — ана шулар ҳақида манфаатдорлик билан сўз юритиш мумкин ва лозим.

ТЕМАГА ОИД АДАБИЕТ

В. И. Ленин. **Мусобақани қандай уюштириш керак.** — Тўла асарлар тўплами, 35-том, 215—226-бетлар.

В. И. Ленин. **Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари.** — Тўла асарлар тўплами, 36-том, 187—237-бетлар.

В. И. Ленин. **Буюк почин.** — Тўла асарлар тўплами, 39-том, 1—33-бетлар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездининг материаллари. — Т., «Ўзбекистон», 1986, 3—6, 24—71, 87—104-бетлар.

КПСС МК Пленумининг материаллари. 1985 йил, 22—23 апрель. — «Ўзбекистон коммунисти», 1985, № 6.

КПСС МК Пленумининг материаллари. 1987 йил, 27—28 январь. — «Ўзбекистон коммунисти», 1987, № 3.

КПСС МК Пленумининг материаллари. 1987 йил, 25—26 июнь. — «Ўзбекистон коммунисти», 1987, № 8.

Ўзбекистон Компартияси МК пленумининг материаллари. 1987 йил, 10 август. — «Ўзбекистон коммунисти», 1987, № 9.

Қайта қуришнинг моҳиятини яхши тушуниб олиш, муайян меҳнат коллективи, унинг партия ташкилотининг ишини такомиллаштиришнинг конкрет вазифаларини муҳокама қилиш мақсадида тингловчилар олдига қуйидаги саволларни қўйиш тавсия этилади:

— Меҳнат коллективи (бригада, участка, цех, ферма ва бошқалар), партия ташкилоти (группаси) ишини сифат жиҳатдан тубдан қайта қуриш нимадан иборат бўлмоғи керак? Бунинг учун қандай ўзгаришлар қилиш, қандай камчиликлар ва танг жойларни бартараф этиш лозим?

— Бригада, участка, цех, ферма ва бошқалар бутун корхона (колхоз, совхоз, мактаб, институт, ташкилот ва бошқалар) ишини қайта қуришга қандай ҳисса қўшиши мумкин? Айни чоқда қандай ишлаб чиқариш, социал, маданий-маиший масалалар ҳал қилиниши лозим?

— Коллектив, партия ташкилоти ишини қайта қуришда коммунистларнинг авангардлик роли конкрет тарзда нималарда ифодаланиши лозим?

— Коллективда психологияни қайта қуриш нимадан иборат бўлиши керак? Идеология ишида совет кишисининг қандай хислатларини тарбиялашга кўпроқ эътибор берилиши лозим.

— Давлат корхонаси (бирлашмаси) ҳақида қонун кучга кирилиши билан коллективда қандай янги шароитлар яратиб берилади? Қонун коллектив ҳаётига қандай янгиликлар олиб келади?

Шунингдек тайёргарлиги жуда яхши бўлган тингловчилардан, масалан, қуйидаги амалий вазифаларни бажаришни илтимос қилиш маъқул:

коллективда қайта қуришни жадаллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

корхонада тўла хўжалик ҳисоби жорий этилиши билан юзага келадиган энг муҳим проблемаларни анализ қилиш, коллективда ўз-ўзини бошқаришни ривожлантириш резервларини аниқлаш;

коллектив пудратни барқарор этиш ва такомиллаштириш, ишлаб чиқариш фаолиятининг пировард натижаларига коллективнинг таъсирини кучайтириш юзасидан баъзи бир тадбирларни белгилаш, социал соҳада биринчи навбатда турган вазифаларни ҳал этиш, ғоявий-тарбиявий ишни яхшилаш.

Кейинчалик ана шу топшириқларнинг бажарилиш якунларини муҳокама қилиш тавсия этилади.

Машғулотлар вақтида айтилган барча танқидий мулоҳазалар ва таклифларни пропагандист умумлаштиради ҳамда партия комитетлари, маъмурият, жамоат ташкилотларига маълум қилади. Улар юзасидан кўрилган чоралар ҳақида кейинги машғулотларда тингловчиларни хабардор қилиш лозим.

ХАЛҚ ҲАВАСКОРЛИГИ— КЛУБ ИШИНИНГ НЕГИЗИ БЎЛСИН

Мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш вазифаларини муваффақиятли ҳал этишни партия инсон омили ролини кучайтириш билан боғламоқда. КПСС Программасида қайд қилинганидек, «социалистик жамият ҳамма соҳаларда омманинг ижодий фаолиятини ривожлантиришнинг янги-янги йўлларини топмасдан туриб, самарали тарзда иш юрита олмайди».

Бу соҳада клуб иши муҳим ўрин тутади. Афсуски, у ҳозирча замон талабларига тўла мос эмас. КПСС МҚнинг «Клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни яхшилашга доир тадбирлар тўғрисида»ги қарори, шунингдек бу соҳада олиб борилган тадқиқотлар шуни тасдиқлаб турибди. Жумладан, уларда клуб иши форма ва методларининг ҳали ҳам камлиги, жамоатчилик негизларининг яхши ривожланмаганлиги, тадбирларни ташкил этишда шаблон ва расмиятчилик учраши қайд қилинган. Бизнинг республикамиздаги маданий-маърифий муассасалар, физкультура ташкилотларининг фаолияти қайта қуришга муҳтожлиги тўғрисида, шунингдек Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида, Марказий Комитетнинг III пленумида (1986 йил октябрь) ҳам гапирилган эди.

Ҳозирги клуб олдида турган вазифаларнинг мураккаблашиши билан бир қаторда унинг социал моҳиятига, табиати ва вазифасига, яъни оммавий халқ ҳаваскорлигини ташкил этиш ва ривожлантиришга етарлича эътибор берилмаётгани клуб иши оқсаётганлигининг жиддий сабабларидан биридир.

КПСС бунга катта аҳамият бермоқда. КПСС МҚнинг «Бадиий ҳаваскорлик ижодкорлигини янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори (1978 йил), Ўзбекистон Компартияси МҚнинг «Декоратив-амалий санъатни ривожлантириш тўғрисида»ги қарори (1977 йил) ва бошқа партиявий ҳужжатлар бунинг далилидир.

Ўзбекистон ССРда 300 дан зиёд анъанавий халқ ҳунармандчилиги муассасаси мавжуд бўлиб, улар ўн минглаб усталарни бирлаштиради, бу усталарнинг кўпчилиги ўзларининг ижодий йўлини ҳаваскорлик тўгаракларида ва студияларда бошлашган. Халқ усталари сопол буюмлар, дўппилар ясашади, ганч ва ёғоч ўймакорлиги, гилам тўқиш ва шойи тўқиш, зардўзлик, ўйма нақшкорлик, кулолчилик билан шуғулланишади. Андижон, Марғилон, Фарғона, Чуст, Ғиждувон, Бухорода ва республиканинг бошқа қатор шаҳарлари ва областларида бундай ҳаваскорлик айниқса кенг тарқалган.

Социалистик маданиятнинг ажралмас қисми бўлган халқ декоратив-амалий санъати бадиий дидни шакллантиришга актив таъсир кўрсатади, профессионал санъатни бойитади. Лекин шунга қарамай шундай муҳим иш баъзан ўзибўларчиликка ташлаб қўйилган. Бунинг турли сабаблари бор, ҳозирги клубнинг одатда санъатнинг декоратив-амалий турларига лозимича эътибор бермаслиги ана шундай сабаблардан биридир. Ўзбекистон Рассомлар союзининг бадиий фонди қошида халқ усталари бирлашмаси мавжуд, нега ўзининг фаолият турига кўра халқ усталари орасидаги ташаббускор кишиларни жалб қилиши зарур бўлган клублар қошида ҳам шундай бирлашмалар тузиш мумкин эмас?

Фикримизча, ҳозирги клубнинг моҳияти ва вазифасини аниқ белгилайдиган пайт етди. Чунки у инсон омилини активлаштиришда, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда меҳнаткашларнинг ташаббускорлигини ривожлантиришда баҳоли қудрат иштирок этиши лозим.

Шуни қайд қилиш кераккки, клублар ишини планлаштиришда бу ишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳар доим ҳам ҳисобга олинавермайди. Масалан, қуйидаги темалар бўйича методик ишланмалар чиқарилган: «Клубда ғоявий-сиёсий тарбия», «Клубда меҳнат тарбияси», «Клубда жисмоний тарбия», «Клубнинг болалар ва ўсмирлар билан иши» ва бошқалар. Лекин шу нарса яхши маълумки, меҳнат ва жисмоний тарбия билан биринчи навбатда меҳнат коллективлари, физкультура ва спорт ташкилотлари, болалар тарбияси билан эса мактаб, пионерлар саройлари шуғулланиши керак. Албатта, бундан клуб бундай проблемаларни четлаб ўтиши керак деган хулоса келиб чиқмайди, лекин бу проблемаларни таклиф қилинаётганидек ҳажмда ҳал қилиш учун ҳам унинг кучи етмайди. Шунинг учун клуб иши вазифаларини бундай кенг талқин қилмаслик керак. Акс ҳолда воқеликдан, унинг реал проблемаларидан

узилиш рўй бериши мумкинки, бу ўз навбатида тарбияни мавҳум маърифатчиликка дучор қилади. Кўпгина клуб муассасалари, айниқса қишлоқдаги муассасаларнинг штатлари лозим даражадаги малакали ходимлар билан тўла бутланмаганлиги ҳам мазкур ишни тўла ҳажмда ва сифатли бажаришга халакит беради.

Ҳозирги клуб халқ оммасининг ҳаваскорлик ижодкорлигини янада ривожлантиришнинг маркази бўлиши керак. У индивидуал шогирдликни йўлга қўйишда, устозлар тажрибасини ёш авлодга сингдиришда ёрдам кўрсатиши, кишиларни бадиий ижодкорлик тўгаракларига жалб қилиши, курслар ва семинарлар ўтказиши, тайёр буюмларнинг кўргазмалари ва кўрик-конкурсларини ташкил қилиши зарур.

Новаторлар ичидан чиққан ташаббускорлар, турли тармоқларнинг мутахассислари, ўқитувчилар, пенсионерлар бу ишда клубларга, маданият уйларига катта ёрдам беришлари мумкин. Масалан, инженер А. Мишкин бўш вақтларида ёғоч ҳайкалтарошлиги билан шуғулланади; у ўзи ишлаган эртак қаҳрамонларининг ёғоч ҳайкалчаларини болалар боғчасига совға қилди.

Кўриниб турибдики, халқ ташаббускорлиги ҳар доим ҳам юқоридан туртки кутиб турмайди ва унинг ўзи бўш вақтни ўтказишнинг қизиқарли ва сермазмун формаларини топади. Фақат уни қўллаб-қувватлаш ва зарур йўналишга солиб туриш керак. Ҳозир республикада 646 китобсеварлар клуби, 970 та техника ижодкорлиги тўгараги, юзлаб бошқа ҳаваскорлик уюшмалари, ташаббускорлик группалари, қизиқишлар бўйича клублар ишлаб турибди.

Ўн иккинчи беш йилликда халқ ҳаваскорлиги клуб ишида кўпроқ ўрин олиши керак. Унинг кўп йиллар давомида шаклланган ва қарор топган турлари янада ривожлантирилади.

Агитация-пропаганда фаолияти — ана шулардан бири. Одатда клубдаги кечаларни, байрамларни тайёрлаш, маросимлар ва оммавий сайиллар ўтказиш бўйича клуб комиссиялари ва ташаббускорлик группалари бундай фаолият билан шуғулланишади.

Бадиий ҳаваскорлик: хор, музика, драма, рақс ва бошқа ҳаваскорликлар оммавий тур ҳисобланади. Ҳозир Ўзбекистонда 10 мингдан зиёд бадиий ҳаваскорлик коллективи мавжуд бўлиб, улар 300 мингдан ортиқ кишини бирлаштиради.

Кўпгина клублар халқ университетлари, лекторийлар ва кинолекторийлар, санъат мухлислари клублари, маданият мактабларини ташкил этиш йўли билан меҳнаткашларнинг мустақил ўқиб билим орттиришларига ёрдам бермоқда. Кўпинча клублар қошида ишлаб чиқариш йўналишига эга ҳаваскорлик турлари, масалан, меҳнат ветеранлари клублари, амалий учрашувлар клублари иш олиб боришади. Айрим маданият ўчоқларида илмий-техникавий ижодкорликни ташкил этиш тажрибаси тўпланган, яъни улар қошида рационализаторлар ва ихтирочилар уюшмалари ва группалари, новаторлар клублари, илмий-техникавий клублар ва шу сингарилар иш олиб боради. Каштачилик, тўқувчилик, ёғоч ўймакорлиги, арра билан ясаш, куйдириб нақш солиш, кино ва фото ҳаваскорлиги, шунингдек спорт-клублар, туристлар клублари, турли физкультура ва спорт секциялари тобора кенг ёйилмоқда.

Ҳаттоки мана шу, халқ ҳаваскорлиги турларининг унча тўла бўлмаган рўйхати ҳам клуб ишининг миқёслари ва имкониятлари, унинг социал аҳамияти тўғрисида тасаввур ҳосил қилади.

Маълумки, касбларнинг ва тарихий қарор топган меҳнат кўникмаларининг ривожланишига ёрдам берадиган ижодий негиз халқ ҳаваскорлигига асос бўлади. Шу сабабли кишиларнинг қобилиятларини намоён этиш, уларни ижтимоий фойдали ишга жалб қилиш, бўш вақтни оқилона ўтказиш учун унинг имкониятларидан иложи борича кенг фойдаланиш лозим. Мазкур вазифани муваффақиятли ҳал этиш ҳамма жойда ҳаваскорлик уюшмаларининг тарқалишига, дам олишнинг мазмунли ва соғлом формаларини қарор топтиришга олиб келади, бу эса мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришнинг муҳим резервларидан бири, инсон омилини активлаштиришнинг зарур шартидир.

Пировардида шуни қайд қилмоқчи эдикки, ҳозирги шароитда, бизнинг назаримизда, «маданий-маърифий иш» деган термин эскирди, чунки 80-йиллардаги совет гражданлари — бу аксарияти маълумотли, маданий ва сиёсий етук кишилар бўлиб, улар кўп сонли босма нашрлар, радио, телевидение, кино туфайли бой ахборот олишади. Клуб иши эса маданий-маърифий фаолият доирасида қолар экан, оммавий ахборот воситалари билан рақобатлаша олмайди, уларнинг ўрнини ҳам ола олмайди, колаверса, бу воситалардан устунлик ҳам қила олмайди.

Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, ҳозирги босқичда халқ ҳаваскорлиги клуб ишининг асоси бўлиб қолиши керак. Бу, шубҳасиз, қўшимча равишда клуб ишининг малакали мутахассисларини тайёрлашни ва тегишли илмий тадқиқотларни кенгайтиришни тақозо этади.

М. НУРМУҲАМЕДОВА,
тарих фанлари кандидати.

В. МОСИН,
Тошкент давлат маданият институтининг катта ўқитувчиси.

ЎЗБЕКИСТОНДА РЕСУРСЛАРНИ ТЕЖАШ ВА ҚАРДОШ МАМЛАКАТЛАРНИНГ ТАЖРИБАСИ

Г. ХАЧИЕВ,
иктисод фанлари кандидати

КПСС ҚАРДОШ СОЦИАЛИЗМ мамлакатларининг илғор тажрибасидан ижодий фойдаланишни умумпартиявий, умумдавлат вазифаси даражасига кўтарди. КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачев партия XXVII съездида қилган Сиёсий докладида шундай таъкидлади: «Бир-бирининг тажрибасини авайлаб, унга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, уни амалда татбиқ этиш — социалистик дунёнинг жуда катта резервидир».

Мамлакатимизда амалга оширилаётган фан-техника тараққиёти негизида ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш шароитида қардош социализм мамлакатларининг ресурсларни тежаш соҳасидаги илғор тажрибаси мамлакат экономикаси, шу жумладан, ўз-ўзидан равшанки, бизнинг республикамиз учун ҳам алоҳида қимматлидир.

КПСС миллий даромад ҳосил қилишда материал, металл ва энергия сарфини тўхтовсиз камайтира бориш, ресурсларни тежашни халқ хўжалигининг ёқилғи, энергия, хом ашё ва материалларга бўлган эҳтиёжларини қондиришнинг ҳал қилувчи манбаига айлантириш вазифасини қўймоқда. Турган гапки, бу вазифани нафақат ўз мамлакатимиздаги илғор тажрибани (масалан, Украина партия, совет ва хўжалик органларининг КПСС Марказий Комитети томонидан ижобий баҳоланган ресурсларни иқтисод қилишни таъминлаш соҳасидаги иши), шу билан бирга хорижий тажрибани ҳам ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиш лозим. Жумладан, ГДР тажрибаси катта эътиборга лойиқдир, бу ерда сўнгги ўн беш йил ичида моддий ресурсларни иқтисод қилиш ўртача йиллик суръатлари икки баравардан зиёд ошди — 2,8 процентдан 6 процентга етди.

Ҳозир бутун мамлакатда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам ресурсларни тежашни бошқаришнинг янги, таъсирчан формаларини топиш юзасидан актив, аниқ мақсадга қаратилган изланишлар олиб борилаётган бир пайтда бу ишнинг натижадорлигини қардош социализм мамлакатлари ютуқлари билан танқидий таққослаб кўриш, уларнинг илғор тажрибасидан ижодий, бизнинг шароитларга мувофиқ равишда фойдаланиш зарур. Буларнинг ҳаммаси кўплаб резервларни очишга имкон беради, тезда, сезиларли самара келтиради.

Албатта, қардош социализм мамлакатларининг ресурсларни тежаш соҳасидаги тажрибасининг анчагина қисми тегишли масалалар умумиттифоқ даражасида жиддий ишлаб чиқилганидан ва компетентли умумиттифоқ органлари томонидан ҳал қилинганидан сўнггина Ўзбекистон ССРда фойдаланилиши мумкин. Шу билан бирга кўпгина хорижий янгиликлар бизнинг республикамизда моддий ресурсларни тежаш ва улардан оқилона фойдаланишга доир иш тажрибасига ташаббус тартибида жорий қилиниши мумкин.

Ёқилғи, энергия, хом ашёнинг хилма-хил турларини истеъмол қилишнинг доимо ўсиб бораётган ғоят катта миқёслари моддий ресурсларни тежашнинг халқ хўжалик аҳамиятини белгилайди. Шуни айтиш кифояки, Ўзбекистон ССРда йил давомида сарфланадиган моддий ресурслар қиймати 20 миллиард сўмдан ҳам ошади. Бу — тахминан 6 миллион тоннадан кўмир ва цемент, 2,2 миллион тонна металлар, 8,3 миллион кубометр ёғоч-тахта ва арраланган материаллар,

2 миллион тоннадан зиёд сульфат кислотаси, 1,6 миллион тонна автобензин, кўп микдордаги бошка ресурслардир. Уларни ҳатто озгинагина микдорда тежаш ҳам сезиларли самара келтириши турган гап.

1985 йилда Ўзбекистон ССРда бошка ресурслар билан бир каторда 33,4 минг тонна кора металл прокат ва 87 минг тонна цемент иктисод килинди, бу ана шу муҳим конструкцион материалларни истеъмол килиш ҳажмининг 2,4 ва 1,4 процентини ташкил этади. Ўша йили, масалан, ГДРда металл прокат иктисоди 4, цемент иктисоди — 2 процентни ташкил этди. Ресурсларни тежаш динамикасидаги фарк Ўзбекистон ССР халк хўжалигининг кўпгина бўғинларида хом ашё ва материалларни тежаб сарфлашнинг фойдаланилмаётган резервлари мавжудлигини кўрсатади.

Материалларни сарфлашнинг прогрессив норматив базасини ишлаб чикиш ва унга амал килиш, фан-техника тараккиёти ютукларини жорий этиш негизида уни доимо такомиллаштира бориш ана шундай резервлардан биридир. Бу ишда Ўзбекистон ССР Госплани ва Госснаби тобора активрок роль ўйнамокдалар. Сўнгги йилларда уларнинг сарф-харажат нормалари камайтирилишидан олинаётган самара уч баравар ошди. Бирок кўпгина корхоналарда нормалар моддий ресурсларнинг барча турлари ва сарф-харажат йўналишлари бўйича белгиланмаган. Сарф-харажат нормалари узок муддат давомида кайта кўрилмайдиган ҳоллар ҳам кўп учраб туради.

Ҳолбуки, ГДРда 80-йиллар бошидаёк саноат ва курилишдаги бутун материал истеъмолининг 90 процентдан кўпроғига, шу жумладан асосий материаллар истеъмолининг 100 процентига сарф-харажат нормалари белгиланган эди, бунда мазкур нормаларни ярим йил ёки узоғи билан бир йилдан сўнг кайта кўриб чикиш коида килиб кўйилган.

Моддий-техника таъминоти аҳволи ресурслардан окилона фойдаланиш учун муҳим аҳамият касб этади. Маҳсулотни тўла етказиб бермаслик, унинг ассортиментини бузиш материалларниноилож алмаштиришга, уларни ортикча сарфлашга олиб келади. Гарчи маҳсулот етказиб бериш интизоми сўнгги йилларда сезиларли даражада мустаҳкамланган бўлсада, ҳар ойда Ўзбекистоннинг ўнлаб корхоналари маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларини бажаришмайди. Агар маҳсулот етказиб беришнинг кечикиши тўғрисида истеъмолчи аввалрок албатта хабардор килинадиган бўлса, унда бундай узилишларнинг салбий окибатлари унчалик катта бўлмас эди, масалан, ГДРда шундай килинади — агар истеъмолчи хабардор килинмаса, унда маҳсулотни тўла етказиб бермаганлик учун тўланадиган жарима 25 процент оширилади.

Ишлаб чикарилаётган ва етказиб берилаётган маҳсулотнинг сифатини ошириш — ресурсларни тежашнинг ғоят муҳим резервидир. Яхши сифатли ва, бинобарин, ишончли, чидамли маҳсулотдан фойдаланиш тежамлирок бўлади. Ва, аксинча, маҳсулот сифатининг пастлиги буюмнинг муддатидан олдин ишдан чикишига, эҳтиёт кисмларнинг ортикча сарфланишига сабаб бўлади. Тузатиб бўлмайдиган брак буюм эса хом ашёнинг нафакат кам самарали, балки бутунлай беҳуда сарфланганлигини билдиради. Ҳолбуки, Ўзбекистонда брак ҳолида чикарилаётган мебель ва пойабзалнинг учдан бир кисмига сарфланган хом ашё «такдири» худди шундай бўлиб чикмокда.

Фан-техника тараккиёти шароитида материаллар билан ишлайдиган лойиҳа-конструкторлик, ишлаб чикариш, технологик, таъминот ва реализация хизматлари ходимлари материалларнинг катта ҳажмдаги, ҳар доим ўзгариб турадиган турларини аник ва оператив ҳисобга олиб боришлари керак. Чехословакия, Польша ва ГДРда материаллар тўғрисидаги махсус ахборот Марказлари бу вазифани муваффакиятли ҳал этишга хизмат килади. Бу ерда моддий ресурслар ва уларнинг ўрнини босувчи материаллар тўғрисида кўплаб маълумотлар тўпланган. Корхоналарнинг талабига биноан Марказлар берадиган ахборот энг тежамли материалларни ва уларга ишлов бериш технологияларини танлашга, кимматбаҳо танкис хом ашё ўрнида чикитлардан ва иккиламчи ресурслардан фойдаланишга ёрдам беради. Масалан, ГДРда ахборот Маркази ўзининг иш фаолияти давомида халк хўжалиги учун 200 миллион маркадан зиёд маблағни тежади. Ана шунга ўхшаш органни бизнинг республикада ҳам, масалан, Ўзбекистон ССР Госснаби қошида ташкил килиш максадга мувофикдир.

Маълумки, ёқилғи-энергетика ресурсларини ҳар тарафлама тежаш вазифаси ғоят кескин бўлиб турибди. Бироқ у лозимича актив ҳал қилинмаяпти. Масалан, 1985 йилда истеъмол қилиш нормаларига нисбатан қаттиққўл бўлинганига, бошқа ташкилий-техникавий тадбирларга қарамасдан Ўзбекистонда электр энергиясини ва автобензинни тежаш уларни истеъмол қилиш ҳажмининг 1 процентдан сал кўпроғини ташкил этди. Тўғрисини айтганда, бу даражалар ресурсларни жадал тежаш талабларига мутлақо мувофиқ эмас.

Шу муносабат билан ёқилғи-энергетика ресурсларини тажашнинг бизнинг республикамизда ҳам бемалол амалга ошириш мумкин бўлган ва ғоят кўп капитал сарфи талаб қилмайдиган қардош мамлакатларда қўлланилаётган баъзи бир имкониятлари ҳақида гапириб ўтиш ўринлидир.

Ўзбекистон территориясида кўплаб иссиққа ўч ўсимликлар ўсади. Фикримизча, улар орасидан Кубада, Вьетнамда ва бошқа қатор иссиқ иқлимли мамлакатларда унча мураккаб бўлмаган технология асосида спирт олинаётган ўсимликларга ўхшаганларини бемалол топса бўлади, бу спиртдан қимматбаҳо бензин ўрнида автомобиль ёқилғиси сифатида фойдаланилади. Яна бир мисол. Ҳар йили Ўзбекистон шаҳарларидан минг-минг тонналаб қуриган дарахт шохлари ва бутоқлари ахлатхоналарга чиқариб ташланади. Ҳолбуки, ГДР тажрибасини қўллаиб, кўп сарф-харажатлар қилмасдан уларни ишга солиш ва бундан анча фойда олиш мумкин бўлур эди, ГДРда оддий похолкирккич конструкцияси асосида шох ва бутоқларни ёқилғи брикетларига айлантирадиган махсус машина тайёрланган.

Ҳар бир автохўжаликда тўпланиб қоладиган қайта тиклашга ярамайдиган шиналардан фойдаланиш ҳам муҳим проблемадир, уни Венгрия, Чехословакия ва Монголияда бўлгани каби муваффақиятли тарзда ҳал этиш мумкин — у ерда цемент печларда технологик ёқилғининг анъанавий турлари ўрнида ана шундай шиналарни ёқишади. Ўзбекистондаги иссиқ иқлим шароитида Руминияда, Болгарияда ва бошқа қатор мамлакатларда ижобий баҳо олган ёнувчи газ олиш мақсадида маиший ва қишлоқ хўжалик чиқитларини биоферментациялаш тажрибасидан фойдаланиш ҳам жуда эътиборга лойиқдир. Масалан, Венгрияда ишлаб чиқилган ана шундай чиқитлардан фойдаланиш программаси шу йўл билан йилига тахминан 3 миллиард куб метр газ олишни кўзда тутади.

Турмушда ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмол қилишни рационаллаштириш — уларни тежашнинг муҳим манбаидир. ГДРда (ва бошқа кўпгина мамлакатларда ҳам) уйларнинг подъездларида релелар ўрнатилган бўлиб, улар чироқни ёққандан сўнг бир неча минут ўтгач уни автоматик тарзда ўчиради. Бундай приборлар бирмунча оддий бўлиб, электротехника ва электрон саноатига эга бўлган бизнинг республикада уларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш унчалик қийин эмас. Лекин бундай приборлар ўрнатилса, улар ҳар йили ҳозирча беҳуда сарфланаётган ўн миллионлаб киловатт-соат электр энергиясини тежар эди.

Ўзбекистон ССРда иккиламчи моддий ресурслардан фойдаланиш соҳасида ҳам катта резервлар мавжуд. 1985 йилда республикамизда бутунлай ёки қисман иккиламчи хом ашё ва чиқитлардан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳиссаси бутун саноат маҳсулоти қийматининг 1,8 процентини ташкил этди, умуман СССР бўйича, Венгрия ва Чехословакияда бу кўрсаткич 5—6 процентга, Украина ССР ва ГДРда эса — 12 процентга тенг бўлган эди. Шундай бўлса-да, Ўзбекистон ССР Госплани ишлаб чиққан халқ хўжалигида иккиламчи ресурслардан фойдаланишнинг 1985—2005 йилларга мўлжалланган Комплекс программаси бу қолоқликни бартараф этишни кўзда тутмаган. Ундаги топшириқлар шундайки, ҳатто уларни бажарган тақдирда ҳам 2000 йилга бориб иккиламчи хом ашё чиқитлардан умумий маҳсулотнинг жуда ҳам оз қисми ишлаб чиқарилади.

Агар бутун Ўзбекистон ССР саноатида иккиламчи ресурслар ҳиссаси фойдаланилаётган хом ашёнинг 2 процентга яқинининигина ташкил этса, унинг айрим тармоқларида бу кўрсаткич анча юқоридир. Технологияси бутунлай ёки асосан чиқитларга асосланадиган корхоналар сони ошиб бормоқда. В. И. Ленин номли Бекобод металлургия заводи, иккиламчи алюминий қотишмалари заводи, «Труд» фабрикаси, «Ўзбеккровля» комбинати ва бошқалар шулар жумласидандир.

Республиканинг кўпгина корхоналари ва ташкилотларида ҳали ҳам иккиламчи хом ашёдан фойдаланишга иккинчи даражали иш деб қарашга барҳам берилмаган. Қабул пунктлари учун бинолар, иккиламчи хом ашёга алмашлаб сотиш учун харидоргир молларга фондлар ажратишни асоссиз равишда рад қилиш, бундай хом ашёни жўнатишга вагонларни ўз вақтида бермаслик, ундан ишлаб чиқаришда фойдаланишдан бош тортиш ҳоллари тез-тез учраб туради. Ҳатто асосан иккиламчи ва маҳаллий хом ашё асосида ишлаши керак бўлган Ўзбекистон ССР маҳаллий саноатида ҳам иккиламчи хом ашёдан аҳолига товарлар ишлаб чиқариш республикада яшовчи ҳар бир киши бошига ҳисоблаганда йилига атиги 2 сўмни ташкил этади.

Кўпгина корхоналарда қимматбаҳо, кўпинча танқис, олисдан келтириладиган бирламчи хом ашё ўрнига чиқиндиларни ишлатиш сўзсиз фойдали эканлигини менсимай келишмоқда. Масалан, Тошкент қоғоз комбинати хом ашё композициясида бор-йўғи 30 процент макулатурадан фойдаланади, ҳолбуки ишлаб чиқариш профили жиҳатидан худди шунга ўхшаш Киев картон-қоғоз комбинатида эса бу кўрсаткич 85 процентга тенгдир.

Маҳсулот ишлаб чиқариш учун хом ашё таркибида иккиламчи ресурслар ҳиссасининг бунчалик камлигининг сабаби нимада? Аввало бундай ресурсларни тайёрлаш миқёсларининг камлигида. Аҳолисининг сони жиҳатидан тахминан ГДР аҳолиси сонига тенглашадиган Ўзбекистонда макулатура, латта-пўтталар, бир неча бошқа чиқитлар ГДРдагига нисбатан 8—10 баравар кам тайёрланади. Тўғри, иқтисодий потенциалларидаги, бирламчи материалларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш структурасидаги фарқлар туфайли чиқитларнинг пайдо бўлиш миқёслари бизнинг республикамизда ГДРдагига нисбатан анча кам. Бироқ бу нарса чиқитларни тайёрлаш миқёсларидаги 8—10 бараварлик фарқни изоҳлашга асос бўла олмайди.

Тайёрланаётган чиқитларнинг нафақат ҳажмларини, шу билан бирга номенклатурасини ҳам кенгайтириш Ўзбекистон саноатининг ресурслар базасини тўлдириш учун катта резервдир. Қатор социалистик ҳамдўстлик мамлакатларида бундай номенклатура аллақачон анъанавий ассортимент доирасидан кенгайиб кетди. Масалан, ГДРда аҳолидан макулатура, латта-пўтталар, эскирган шиналар ва аккумуляторлар, фойдаланиб бўлинган мой, бутун бир стандарт шиша идишлардан ташқари маиший металл парчалари, ишдан чиққан ва умуман ҳар қандай, шу жумладан аптекаларнинг ҳам шиша идишлари, алюминийдан ишланган аэрозол баллончалари, яроқсиз ҳолга келган пластмасса буюмлар, металл пробкалар, қопқоқлар ва кўплаб бошқа нарсалар бажонидил қабул қилинади.

Иш манфаатларини кўзлаб тайёрланаётган иккиламчи хом ашё номенклатурасини кескин кенгайтириш мумкин. Металл пробкалар ва қопқоқлар ҳақидаги масала айниқса диққатга сазовор. Шарбатлар, бошқа алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқаришнинг кескин кўпайганлиги, уларнинг шишалар ва банкаларга қуйилиши муносабати билан ҳозирча исроф қилинаётган пробкалар ва қопқоқлардан иборат минглаб тонналик танқис металлни қайтаришни ҳозирнинг ўзидаёқ ташкил этиш лозим.

Аҳолининг иккиламчи хом ашёни топшириши — уни тайёрлашнинг муҳим манбаидир. Масалан, ГДРда макулатуранинг 40 процентдан кўпроғини, рангли металл парчаларининг учдан бир қисмига яқинини аҳоли топширади. Бу соҳада Ўзбекистонда ҳам муайян натижаларга эришилган. Реклама-ахборот ишининг активлашганлиги, қабул пунктлари тармоғининг кенгайганлиги, топшириладиган маиший чиқитлар эвазига танқис молларни сотиш ва бадиий адабиёт учун талонлар беришнинг ривожланганлиги туфайли макулатуранинг 60 процентга яқини, иккиламчи тўқимачилик хом ашёсининг 40 процентдан кўпроғи республика аҳолисидан қабул қилиб олинмоқда. Бу кўрсаткичлар процент жиҳатидан олганда дуруст. Иккиламчи хом ашёни реал килограммлар билан ҳисоблаганда бу ишнинг аҳволи қандай? ГДРда ҳар бир киши қабул пунктига йилига ўртача 16 килограмм макулатура, 4 килограмм латта-пўтта топширади, бизнинг республикамизда эса бу кўрсаткичларнинг биринчиси 5 ва иккинчиси 2 баравар камдир.

Ёш авлод иккиламчи хом ашё тўплашда алоҳида активлик кўрсатиши керак. Ўзбекистонлик пионерлар ва мактаб ўқувчилари «Ватанга миллион тонна

макулатура топширамиз!» шиори остида макулатура тайёрлаш бўйича Бутунитти-фоқ мусобақасида бир неча йилдан бери иштирок этишади. ГДР ўқувчилари ўртасида ҳам иккиламчи хом ашё тўплашга оид ана шундай иш олиб борилади. Бу ишларнинг самарадорлиги қандай? 1985 йилда ёш тельманчи-пионерлар мамлакатнинг қабул пунктларига 50 минг тоннага яқин макулатура топширишди, бу Ўзбекистондаги умуман барча мактаб ўқувчилари топширган макулатурага нисбатан 15 баравар кўп демакдир.

Тайёрловчилик фаолиятининг муваффақияти кўп жиҳатдан қабул пунктларининг сертармоқлилигига ва улар ишининг пухталигига боғлиқ. Ҳозир «Узглаввторресурси» системасида асосан стационар тартибдаги 200 га яқин қабул пункти мавжуд, ҳолбуки ГДРдаги ўз фаолиятининг профили жиҳатидан ана шунга ўхшаш комбинат — «Зеро»да эса 10 минг пункт бўлиб, уларнинг кўпчилиги кўчма пунктлардир. Мамлакат бўйича ўртача бир қабул пунктига 1400 аҳоли тўғри келади, бизнинг республикамизда эса бир неча ўн минг кишига биттадан қабул пункти тўғри келади.

Тайёрлаш практикасини ривожлантиришда нафақат ГДРда ва Венгрияда, шу билан бирга бизнинг мамлакатимизнинг қатор районларида ҳам яхши баҳо олган «актив тарзда тўплаш» деб номланган принцип тобора кенг миқёсларда қарор топа бориши лозим. Бу принципнинг моҳияти — иккиламчи хом ашёни пассив тарзда кутиш эмас, балки уни актив тарзда, аниқ мақсадни кўзлаб қидиришдан иборат. Шу мақсадда махсус жиҳозланган автофургонлар ёрдамида тайёрлашнинг сайёр формаси, иккиламчи хом ашёни тўғридан-тўғри гражданларнинг квартираларида, уйларида, аҳоли учун энг қулай жойларга ўрнатиладиган контейнерларда қабул қилиш кенгайтирилмоқда.

Ресурсларни тежаш масалаларидаги қайта қуриш — бу нафақат прогрессив нормаларга, технология талабларига мувофиқ хом ашёни намунали тарзда сарфлаш, шу билан бирга ноанъанавий, принципиал янги ечимларни қидириб топиш ҳам демакдир. Қардош социализм мамлакатларидаги хўжалик юритиш практикаси буни яна бир бор тасдиқлайди. Бу тажрибанинг кўпчилик қисмидан бизнинг республикамизда ҳам тўла-тўкис фойдаланиш мумкин.

Жумладан, Ўзбекистоннинг регионал шароитида Вьетнамда йўлга қўйилган шоли шулхасидан прессланган пардевор блоклар ишлаб чиқариш технологияси истиқболли бўлиб, бундай блоклар бетон блокларга нисбатан икки баравар енгил ва арзондир. ГДРда қайта тиклашга яроқсиз резина шиналарнинг катта қисми тасмалаб кесилади, бу тасмалар қурилаётган шоссе, тротуарлар остига тўшалади ва устидан асфальт қуйилади. Бу нафақат уларни кўмиб ташлаш проблемасини ҳал этиб, битумни тежайди, шу билан бирга йўллар қопламаларини мустаҳкамлайди.

Ресурсларни тежаш масалаларидаги қайта қуриш ташкилий-техникавий жиҳатдан ҳам, шунингдек идеологик жиҳатлардан ҳам зарур. Шуни эслатиш мумкинки, ГДРда бу масалаларга нафақат хўжалик, шу билан бирга партия органлари, кенг жамоатчиликнинг ҳам жиддий эътибор берганлиги уларни муваффақиятли ҳал этишнинг асосий сабаби бўлди. Айни шу нарса республикада моддий ресурсларни тежаш ва улардан оқилона фойдаланишдан умумий манфаатдорлик муҳитини яратишга, меҳнаткашларда, барча гражданларда ресурсларни тежашнинг фойдалилигига ишончни, ишлаб чиқаришда ва турмушда иқтисод ва тежамкорлик учун масъулият ҳиссини аниқ мақсадни кўзлаб шакллантиришга ёрдам берди.

Маълумки, жамоатчилик ташаббускорлигини активлаштиришда оммавий ахборот органлари — матбуот, радио, телевидениенинг роли ғоят каттадир. Улар ресурсларни тежашнинг аҳамияти ва афзалликларини оммабоп формада тушунтиришлари, гражданларни бу ишда актив иштирок этишга чақиришлари, махсус кўриклар ва конкурслар ўтказиш ҳақидаги ташаббуслар билан чиқиб туришлари керак. Кўпгина газета ва журналларда бу масалалар махсус доимий рубрикалар остида ёритиб борилади, масалан, Куба коммунистларининг «Гранма» газетасида – «Нефтнинг ноль даражасидаги сарфи учун», «Озод Румыния» газетасида — таржимада «қайта тиклаш», «қайтариш», «такрорий фойдаланиш» (гап иккиламчи ресурслар устида бормоқда)ни англатадиган сўзларнинг биринчи ҳарфларидан тузилган номдаги — «РРР» рубрикалари мавжуд.

Республикамизда оммавий ахборот органлари ресурсларни тежаш масалаларини олдинги йиллардагига нисбатан каттарок хажмда ёритмокдаю, лекин бу хали хам етарли эмас. Шу масалалар юзасидан эълон килинадиган материаллар умумий тематик йўналиш бўйича бирлаштирилмаган, махсус рубрикага ажратилмаган. Республика телевидениеси оркали хам тегишли кўрсатувлар цикли олиб борилмайди.

Умуман, иктисод ва тежамкорликни пропаганда килишда кўпрок янгиликлар, топкирлик, ижодкорлик зарур. Масалан, кардош мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб иккиламчи хом ашё ролини пропаганда киладиган рангли безатилган буклетлар, проспектларни оммавий тиражларда чикариш ва ахоли ўртасида таркатиш, иккиламчи хом ашё топширувчилар ўртасида махсус, ютиш эхтимоли кўп лотерея ўйинлари ўтказиш, дарсликлар, блокнотлар, картон кутиларда уларнинг фалон гектар ўрмонни кесишдан асраган макулатурадан тайёрланганлигини билдирадиган текстларни босиш мумкин-ку, ахир?

Хуллас, республикамизда ёкилғи-энергетика, хом ашё, иккиламчи ва бошка моддий ресурсларни иктисод килиш, улардан окилона фойдаланиш бўйича эришилган кўрсаткичлар хозирча унчалик юкори эмас. Лекин биз республикамизни Москва, Ленинград, Украина, Болтикбўйи республикалари, Грузия билан бир каторда мамлакатнинг ресурсларни тежаш проблемалари энг муваффакиятли хал килинаётган регионларидан бирига айлантириш учун барча зарур нарсаларга эгамиз. Ўзбекистон ССР ресурсларни жиддий иктисод килишни таъминлайдиган кўплаб ишланмаларни ишлаб чиккан малакали инженер-техник ходимларга, иктисодий хизматларга, новатор ишчиларга эга. Бу ишланмалардан кўпчилиги нафакат мамлакатимизда, шу билан бирга хорижда, шу жумладан социализм мамлакатларида хам катта кизикиш билан ўрганилмокда.

Республикамизда ресурсларни тежашни активлаштириш, халк хўжалигида иктисод режимини кучайтиришга доир амалий чора-тадбирларни ишлаб чикиш ва амалга ошириш Ватанимиздаги ва чет эллардаги илғор тажрибага асосланиши керак. Кардош социализм мамлакатлари мехнаткашларининг коммунистик ва ишчи партиялар рахбарлиги остида ишлаб чикаришни интенсивлаштириш, шу жумладан моддий ресурслардан тежаб ва окилона фойдаланишни таъминлаш сохасида эришган ижобий натижаларини ғоят жиддий эътибор билан ўрганиш, оммалаштириш ва бизнинг хўжалик практикамизга амалий жорий этиш лозим

ЖУРНАЛХОНЛАРНИНГ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ

Жиззахлик Ф. Самадов редакцияга юборган хатида, жумладан, шундай ёзади: «Буржуа идеологларининг Октябрь революцияси ғалабаси сабабларини сохталаштиришга, Ленин партиясининг революциядаги раҳбарлик ролини камайтиришга, Улуғ Октябрнинг аҳамиятини йўққа чиқаришга бўлган уринишлари тўғрисида эшитишга тўғри келади. Шу тўғрида қисқача бўлса ҳам ўқисак қизиқарли бўлур эди».

ТАРИХ ҲАҚИҚАТИ СОХТАЛАШТИРУВЧИЛАРНИНГ УЙДИРМАЛАРИДАН КУЧЛИРОҚ

СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИ ҳозирги тарихнинг энг йирик вокеаси — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги арафасида турибди. В. И. Ленин Октябрь ролини таърифлаб, шундай таъкидлаган эди: «Капитализм ва унинг колдикларининг йўк килиниши, коммунистик тартиб асосларининг ўрнатилиши жаҳон тарихининг ҳозир бошланган янги даврининг мазмунини ташкил этади» (Тўла асарлар тўплами, 41-том, 479-бет).

То шу пайтгача бутун дунёда 1917 йил кузининг унутилмас кунларига кизикиш асло пасаймаяпти. Бизнинг синфий душманларимизда ҳам Октябрь вокеаларига «кизикиш» ортиб бормокда.

Буржуа идеологларининг маркса-ленинча социалистик революция назариясини, Улуғ Октябрь тажрибаси ва аҳамиятини бузиб кўрсатувчи «асарлари» совет олимлари асарларида кўп марталаб далиллар асосида танкид килинди. Уларнинг илмий жиҳатдан асоссизлиги кўрсатилди, тарихнинг улар томонидан тўғридан-тўғри сохталаштирилиши фош килинди. Журналхон илтимосини ана шу асосда кондиришга ҳаракат киламиз.

Совет ҳокимиятининг тез орада ҳалокатга учрашини башорат килган «пайғамбар»ларнинг сон-саноғи йўк. Американинг факат биргина «Нью-Йорк таймс» газетаси 1917 йилдан 1920 йилгача революция мағлубияти ёки унинг ҳалокати якинлашаётганлиги тўғрисида 91 марта хабар берган эди.

Улуғ Октябрни обрўсизлантиришга каратилган концепциялар доираси кенгайди. Уларнинг максади — социалистик революциянинг «зарурий эмаслиги»ни, унинг «юкори табакаларга мансублиги»ни, «ноҳалкчиллиги»ни, революция ўрнатган социал тузумнинг «нодемократиклиги»ни «исботлаш»дир. Бундай сохталаштириш йўллари — марксизм-ленинизмни, унинг социалистик революция тўғрисидаги назариясини ва СССРда социализм курилишини обрўсизлантиришга интилувчи антикоммунизм идеологиясининг муҳим бўғинларидир.

Улуғ Октябрдан сўнг сал ўтмай «советшунослик» пайдо бўлди, шармандаси чиккан рус сиёсатчилари — Милюков, Керенский, социализм ренегатлари — Каутский, Церетели, Сухановнинг китоблари, ўша пайтлардаги Буюк Британия бош министрлари Алойд Жорж, Черчилл, элчилар, разведкачилар, буржуа журналистларининг асарлари унинг асосий манбаи бўлиб колди. Октябрь тўғрисидаги иғволар билан йўғрилган бундай асарлар Троцкийнинг уйдирмалари билан бир каторда кўп йиллар давомида капиталистик мамлакатларнинг китоб бозорида харидоргир мол бўлиб турди.

Антикоммунистлар Октябрь тарихини ўрганар экан, социалистик революция очиб берган йўлдан бошкача йўл бўлганми ё йўклигини «аниклаб олиш»га уринишади. Тарих бу масалани узил-кесил ҳал килди, бирок буржуа идеологлари ўн йиллардан кейин ҳам жуда бўлмаганда коғозда Октябрь революциясини «бошкача ҳал килиш»га, контрреволюция фойдаланмаган ресурсларни очишга уринадилар.

Шу сабабли капиталистик жамиятнинг энг реакцион элементлари мамлакатимизнинг совет давридаги тарихи билан шуғулланишни факат ўз монополиясига айлантиришга уринадилар. Дарҳакикат, Ғарбнинг китоб бозорида калашиб ётган сохталаштирувчи асарлар орасида Октябрнинг ва СССРда социализм курилишининг ҳакикий тарихи тўғрисида объектив ҳикоя килувчи китобнинг пайдо бўлиши кийин. Масалан, Жон Риднинг «Дунёни титратган ўн кун» номли асарининг ўз вактида канчалик машаккат билан чикканлиги маълум.

В. И. Ленин 1914 йилдаёк шундай кайд килган эди: «Буржуа жамиятида профессорларнинг **ижтимоий** мавкеи шундайки, фанни капитал манфаатларига хизмат ки-

лиш учун сотадиган кишиларнигина, социалистларга карши асло куракда турмайдиган бемаъни гапларни, хеч кандай виждонга сиғмайдиган бехуда ва бўлмағур гапларни гапиришга рози бўладиган кишиларнигина профессорлик вазифасига кўядилар» (ТАТ, 24-том, 411—412-бетлар). Бу ленинча бахо хозирги капиталистик жамиятдаги «советшунослар»нинг ахволига хам тааллуклидир, бундай бахо улар бажарадиган социал вазифани яккол таърифлайди.

Реакцион буржуача историографияни социалистик революциянинг конунийлиги тўғрисидаги масала кўпрок кизиктиради. Октябрь революциясини конуний деб тан олиш — унинг у ёки бу формада дунёнинг бошка мамлакатларида такрорланишининг мукаррарлигига, капитализмнинг халокатга учраши ва бутун дунёда социализм, коммунизм ғалаба килишининг шубхасизлигига икрор бўлиш демакдир. Империалистик буржуазиянинг синфий манфаатлари бундай хулоса чикаришга имкон бермайди. Шунинг учун хам унинг идеологлари 1917 йил Октябрдаги ғалабанинг «тасодифий» характерга эгалиги тўғрисидаги таъбирни илгари сурдилар, унга кўра бу ғалаба гўёки «фалакнинг гардиши» ва бир тўда «революцион демократлар»нинг «ёвуз хохиш-иродаси» натижасида содир бўлган, бу идеологлар Совет хокимиятининг «оз муддатга», «омонат» ўрнатилганлиги хакидаги фикрлар билан ўзларини ва хўжайинларини овунтириб келдилар. Россиядаги социалистик революциянинг «тасодифийлиги» хакидаги тезис хозирги кунда хам буржуа сохталаштирувчиларининг истеъмолидадир.

Уларнинг фикрича, Россиядаги революциянинг муваффакияти чоризмнинг, буржуа-помешчиклар партиялари ва арбобларининг нотўғри сиёсати, Муваккат хукуматнинг тадбирсизлиги унинг Америка ва Англиядаги маслахатчиларининг компетенциясизлиги ва пассивлиги, Николай II ва Керенскийнинг нўноклиги, — хуллас, бир катор тасодифий холлар билан изохланадики, гўёки бунинг натижасида «хокимият кашшоклиги» юзага келган ва бундан «фитначи-большевиклар» фойдаланиб колганмиш. Масалан, Римдаги «Аврора» нашриёти рус тилида чикарган «1917 йил революцияси унинг рахбарларининг назарида» тўплами ана шундай изох беради. Бу «асар» асосан Улуғ Октябрнинг ёвуз душманлари — Деникин, Керенский, Милюков ва уларга ўхшаганлар хотираларидан хамда Троцкий асарларидан олинган парчалардан тузилгандир. Россиядаги революция, дейилади китобга берилган сўзбошида, «асосан тасодифлар, нотўғри бахолар ва англашилмовчиликлар натижаси», «бир неча ўн минг киши иштирок этган ва унда ишчилар хам, бутун ахоли хам катнашмаган яширин фитна» бўлди.

Буржуазия идеологлари «тасодифийлик» тўғрисидаги тезиси билан Октябрнинг оламшумул-тарихий ахамиятини йўкка чикармокчи бўладилар. «Россияда 1917 йил октябрида содир бўлган вокеа, — деб таъкидлайди француз социологи Ж. Ф. Ревель, — социалистик революциянинг бошланиши эмас эди ва бундай революция модели бўлиб хизмат кила олмайди».

Лекин бу ўринда тарихнинг ўзи эътирозга ўрин колдирмайдиган арбитр сифатида майдонга чикадики, у 1917 йил октябрига келиб Россиянинг социалистик революция учун етилганлигидан, В. И. Ленин иборасига кўра, революцияга «хомиладорлиги»дан далолат беради. Тарихий фактлар Октябрь революцияси хакидаги «тасодифий», «стихияли» портлаш сифатидаги мулохазаларни ишонарли тарзда инкор килади, революция Россиянинг шундан олдинги тарихий ривожланишининг натижаси ва империализм даврида амал киладиган объектив конуниятларнинг ифодаси эканлигини кўрсатади. В. И. Ленин 1917 йил октябрида шундай ёзган эди: «Социализм экономика жихатидан етилмаган экан, хеч кандай кўзғолон социализмни вужудга келтирмайди» (ТАТ, 34-том, 227-бет).

Куролли кўзғолоннинг ўзи «тасодифлар» каторида алохида ўрин тутади. Октябрь ойининг ўрталаригача, деб таъкидлайди америкалик тарихчи Р. Дэниелс, «кўзғолонга махсус тайёргарлик кўрилмаган эди.., план йўк эди... Кўшинлар ва ишчилар Советлар съездини «контрреволюция»дан химоя килишдан бошка хеч нарсага психологик жихатдан тайёр эмас эдилар». Дэниелс ўкувчи эътиборини партиянинг VI съездида «Бутун хокимият Советларга!» деган шиорни олиб ташлаш керакми ё йўклиги хакидаги масала юзасидан бўлган мунозарага каратиб, съезднинг куролли кўзғолондан иборат ленинча йўлни кабул килиш тўғрисидаги асосий карори хакида хеч нарса демайди, лекин у мазкур карорни «кўрмаслиги» мумкин эмасди: Октябрь революцияси тарихи тўғрисидаги хамма китобда бу тўғрида гапирилган.

Антикоммунистлар «асарлари»да кўпинча «озчиликдан иборат фитначилар», «элита» ва шу сингари сўзларни учратиш мумкин. Большевиклар партиясининг «сектантчилиги», «фитнаси» хакидаги тезис лоакал озгина бўлса-да ишонарли бўлиши учун хакикий тарихий фактлар тўғрисида лом-мим дейилмайди. Масалан, мана шулардан бири. Маълумки, 1917 йилги Февраль революцияси кунларида подпольедан чиккандан сўнг большевиклар партияси сафларида карийб 24 минг киши, 1917 йил Октябри арафасида эса — 350 минг киши бор эди. Шундай савол туғилади: «мах-

дуд секта», «элита» шундай жозиба кучига эга бўла олармиди? Албатта, йўк.

Тарихий фактлар сохталаштирувчиларнинг Россиядаги социалистик революция «кўпчиликнинг ҳаракати» эмас эди деган уйдирмаларини ҳам чиппакка чиқаради. В. И. Ленин Октябрь воқеалари олдидан синфий кучлар нисбатини анализ қилиб, шундай хулосага келган эди: «Революциянинг авангарди, халқнинг авангарди бўлган, оммани эргаштиришга қодир бўлган *синфнинг* кўпчилиги бизга тарафдор. Халқнинг *кўпчилиги* бизга тарафдор... Ўз йўлини қатъий билувчи партиямизнинг қулай вазиятда бўлганлиги бизга катта мададдир... Бизнинг *ғалаба қозонишимиз муқаррар...*» (ТАТ, 34-том, 287-288-бетлар).

Октябрь қуролли қўзғолони большевиклар «фитнаси»нинг эмас, балки умуммиллий кризис натижаси бўлдики, зеро миллионлаб ишчилар, солдатлар ва деҳқонлар капитал ҳокимиятига ортиқ чидаб бўлмаслигига қатъий ишонч ҳосил қилган эдилар. Ленин партияси қўзғолонни тайёрлашдаги фидокорона ишида ишчилар синфига, халқ оммасига таянди, улар ўлмас жасорат кўрсатиб, инсоният тарихида янги даврни очиб бердилар. Октябрь даврида большевиклар эмас, балки контрреволюционерлар фитначилар аҳволига тушдилар.

Шуниси характерлики, буржуа идеологлари Россия тарихий тараққиётининг ўзига хослигини, мана шу хослик Октябрь революциясини «типик рус феномени қилганини, у фақат ғарбий цивилизациянинг чекка ўлкаларидаги мамлакатларгагина хослигини» исботламоқчи бўладилар. Бу революция, уларнинг таъкидлашича, — «Россия иқлими ва географияси» таъсири остида ривожланган «рус характери ўзига хос хусусиятлари»нинг оқибатидир. Бундай даъволар ҳар қандай танқиддан тубандир.

Шуни ҳам қайд қилиш керакки, ҳозирги дунёни ялпи революцион янгилаш даврида тарихни сохталаштирувчилар социализмга қарши идеологик кураш усулларини тобора кўпроқ ўзгартиришга мажбур бўлмоқда. Эндиликда, юз миллионлаб кишилар Улуғ Октябрь эълон қилган шиорлар остида яшаётган бир пайтда шунчаки «давлат тўнтариши»дан, «махфий фитна»дан иборат бўлган Октябрь социалистик революциясининг «тасодифийлиги», «ноқонунийлиги» ҳақидаги фикрларга ишонувчи одамлар тобора камайиб кетмоқда. Ҳозирги «советшунослик»нинг ўзига хос хусусияти шундаки, у энди «революция» деган тушунчани инкор этаётгани йўқ.

Шунингдек Россияда пролетар революциясининг ғалабаси учун курашда Ленин партиясининг раҳбарлик ролини камситиш ҳам буржуа идеологларининг «асарлари» учун типик ҳолдир. Шу мақсадда ғирт ёлғондан ва энг қўпол сохталаштиришдан ҳам қайтишмайди.

Ҳаммага маълумки, меҳнаткашларнинг қаҳрамон авангарди — Россия ишчилар синфи синфий жангларда сиёсий жиҳатдан етилди ва чиниқди, у камбағал деҳқонлар кенг оммасини, миллионлаб солдат ва матросларни ўз атрофига тобора кўпроқ тортди. Ленин партияси революциянинг ана шу бутун улкан армиясини уюштирди, илҳомлантирди ва ғалаба сари бошлади, у курашнинг тинч ва нотинч, легал ва яширин формаларидан моҳирона фойдаланди ва уларни қўшиб олиб борди. Халқ большевиклар партиясининг программавий талаблари унинг энг муҳим эҳтиёжлари ва манфаатларини ифодалашига ўз тажрибасида ишонч ҳосил қилди. Ленин партияси пролетариатнинг социализм учун, деҳқонларнинг ер учун курашини, тинчлик учун умумдемократик курашни, халқларнинг миллий-озодлик ҳаракатини ягона қудратли революцион оқимга бирлаштиришга муваффақ бўлди. Октябрь қуролли қўзғолони айни шу В. И. Ленин, у ташкил этган партия раҳбарлигида ғалаба қозонди, социалистик революциянинг ғолибона юришига асос солди. Ана шу ғалаба туфайли янги типдаги давлат — кейинчалик умумхалқ давлатига айланган пролетариат диктатураси давлати дунёга келди. У меҳнаткашларни ҳар қандай зулмдан озод қилишнинг асосий қуроли, революция ғалабаларини ҳимоя қилиш, кенг оммани социализм ва коммунизм қуриш учун курашга жалб этиш қуроли бўлиб қолди. Совет давлати тараққиётининг бутун етмиш йиллик тарихи Ленин партияси сиёсатининг илмий асосланганлигини тасдиқлаб турибди.

Буржуа идеологлари Октябрь революцияси ғалабаси тарихини, совет халқининг Коммунистик партия раҳбарлиги остида босиб ўтган қаҳрамонона йўлини бузиб кўрсатиш, социалистик воқелик тўғрисида нотўғри тасаввур яратиш билан Улуғ Октябрнинг оламшумул-тарихий аҳамиятини пасайтиришга, СССРда социализм қурилиши тажрибасини капиталистик ва ривожланаётган мамлакатларнинг меҳнаткашлари назарида обрўсизлантиришга уринмоқдалар. Шунинг учун марксчи-ленинчилар империализмнинг идеологик тажовузларига ўз вақтида самарали зарба беришлари, совет жамияти тарихини, шу жумладан Улуғ Октябрь социалистик революцияси тарихини сохталаштирувчиларни фош қилишлари лозим.

И. НЕМИРОВСКИЙ,
тарих фанлари кандидати.
Б. БЕНЕНСОН,
Абу Райҳон Беруний номли Тошкент политехника институти КПСС тарихи кафедрасининг доценти.

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ

Ўтган йили Ўзбекистон ва Москва нашриётларида ўзбек муаллифларининг адабиётшунослик ва адабий танқидга доир қирқдан ортиқ китоби босилиб чиқди. Қуйида эълон қилинаётган мақолада мазкур асарлардан энг аҳамиятлиларининг ғоявий-назарий ҳамда профессионал савияси, мафкуравий ишнинг бу соҳасидаги қайта қуришнинг айрим муаммолари хусусида фикр юритилади.

ҚАЙТА ҚУРИШГА МАДАДКОР БЎЛАЙЛИК

Агар адабий танқид ва адабиётшуносликнинг асосий мезонларини бугунги вазифалардан келиб чиқиб белгилайдиган бўлсак, биринчи навбатда ҳар бир асарни баҳолашда талабчанлик ва масъулият, объективлик ва принципиаллик зарурлигини таъкидлаш керак бўлади. Афсуски, кейинги ўнлаб йиллар мобайнида бу муҳим принциплар ҳақида кўпроқ жар солинди-ю, аслида уларга кам амал қилинди. Оқибатда китоб дўконларининг пештахтлари ўртамиёна асарлар билан тўлиб кетди. Илгари асоссиз равишда кўтар-кўтар қилган баъзи китобларимиз бугун унут бўлди, айримларини эсласак, дилимизда ғашлик сезамиз. Аксинча вақтида юзага чиқиши қийин бўлган кўпчилик асарларни ўқувчилар қизғин қарши олмоқдалар. Гоҳо, шулар беш-ўн йил олдинроқ дунё юзини кўрганда, турмушимиздаги камчиликлар бу қадар кенг миқёс олмасмиди, деб афсус чекамиз.

Бугунги кунда, бир томондан, соғлом, хайрихоҳ танқидни одатий ҳол, адабий жараённинг зарурий элементи сифатида қабул қилишга эришиш, иккинчи томондан, ҳар қандай адабий-бадиий, адабий-танқидий фаолиятнинг жонли, ижодий характеридан келиб чиққан ҳолда бу соҳада баҳсли, бемалол муҳокама қилса бўладиган жиҳатлар ҳам чиқиб қолиши эҳтимолини кўзда тутиш лозим. Бунга, табиийки, мутахассисларнинг юксак профессионализмга эга бўлиши туфайлигина эришиш мумкинки, унга биринчи даражали аҳамият бермоғимиз лозим.

Адабий-бадиий танқид ҳамда адабиётшуносликнинг бугунги аҳволига шу нуқтаи назардан туриб қараладиган бўлса, унда муайян силжиш юз бераётганлигини пайқамаслик мумкин эмас. Чунончи, ҳозирда яхши асар ҳақида ноҳақ фикр ва аксинча бирорта бемаза асарни асоссиз равишда кўкларга кўтариб мақташ тобора мумкин бўлмай қоляпти. Холис бўлмаган ҳар қандай фикр турли ижодий ташкилотларнинг йиғинларида, матбуотда қизғин мунозараларга сабаб бўлмоқда. Неча йиллик турғунлик, мансаббардор кишиларнинг соясига салом беришлар ва айрим шахсларнинг фикрларини бирдан-бир ҳақиқат даражасига кўтаришлардан кейин бу ҳолнинг ўзиёқ чинакам ижодий иқлимни юзага келтиришда, республика адабий муҳитини демократлаштиришда муҳим омил бўлаётир.

Кейинги йилларда бой ва сермазмун халқ оғзаки ижодини ўрганиш, систематлаштириш ва нашр этиш сезиларли жонланди. «Ўзбек халқ оғзаки ижоди» сериясида 30 дан ортиқ китоб чоп этилди. Т. Мирзаев, М. Муродов. К. Имомов, О. Сафаров, Б. Саримсоқов каби фольклоршуносларимизнинг салмоқли тадқиқотлари майдонга келди ва улардан айримлари 1986 йилда босмадан чиқди.

Б. Саримсоқовнинг «Ўзбек маросим фольклори» («Фан» нашриёти) китобида қизиқарли ёритиб берилган мавзу бой халқ меросимизнинг қўл урилмаган соҳаси бўлиб келар эди. Муаллиф халқнинг турли маросимлари билан боғлиқ оғзаки ижод намуналарини тўплаб, уларнинг жанри, поэтик табиатини, генетик асосларини, маданий-оқартув функцияси ва ахлоқий-тарбиявий ролини ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Йил фасллари ва ой номларининг келиб чиқиши, «илоҳий рақамлар», ранглар ҳақида тўпланган бой ва қизиқарли материаллар Б. Саримсоқовга классик адабиётдаги айрим анъанавий тушунча ва образлар қадим аждодларимизнинг содда дунёқараши билан боғлиқ эканлигини ишонарли кўрсатишга имкон берди. Шу асосда у турли ирим-сиримлар билан боғлиқ айтимларнинг айрим мутахассислар томонидан диний фольклор деб қаралишига қарши чиқади ва уларнинг оилавий-маиший маросим фольклорига мансуб эканлигини атрофлича далиллайди. Муаллиф ҳақли равишда халқ оғзаки ижодининг мазкур жанри диндан алоҳида, мустақил, авлодларнинг орзу-армонларини ифодалаш воситаси сифатида майдонга келганини таъкидлайди. Фоль-

клор, шу жумладан маросим фольклори динга шу жиҳатдан алоқадорки, тараккиётнинг маълум боскичида дин уни ўз таъсирига олди ва ундан фойдалана бошлади. Б. Саримсоковнинг мазкур тадкикоти, биринчидан, турмушимизда ҳозирга кадар сакланиб келаётган диний акидаларнинг пучлигини исботлашга имкон туғдирса, иккинчидан, ўзбек классик шеъриятидаги айрим анъанавий поэтик санъатларни яхширок англаш ва улардан ижодий фойдаланишга ёрдам беради. У муҳим бир мавзуни юксак профессионал даражада ёритиб берган илк тадкикот сифатида катта илмий кимматга эга. Афсуски, О. Носиров ва О. Собировларнинг фольклор ва ёзма адабиётнинг ўзаро алокаларига доир тадкикотларини ўз ичига олган «Халқ оғзаки ижоди» (Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти; бундан кейин Ғ. Ғулом номидаги нашриёт, деб кўрсатилади) китоби ҳақида бундай дейиш қийин. Мавзу бир қадар ишланган. Н. Маллаевнинг «Алишер Навоий ва халқ ижодиёти» (Ғ. Ғулом номидаги нашриёт, 1974) ва «Навоий ижодиётининг халкчил негизи» («Ўкитувчи», 1980) монографияларини эслаш кифоя. Бинобарин, «Халқ оғзаки ижоди» муаллифлари мазкур проблемани ўрганишдаги мавжуд анъаналарга суянган ҳолда унга чуқуррок киришлари, фольклор ва ёзма адабиётнинг ўзаро боғланишларини конкрет ёзувчи ёки шоир ижоди мисолида умумийназарий планда очиб беришлари лозим эди. Бирок тадкикотчиларимиз масалани қайта кўзғашдан нарига ўтмаганлар.

Айрим адабиётшуносларимиз халқ оғзаки ижодидаги маҳорат, шеър техникаси масалаларига эътиборларини каратдилар. Ф. Райҳоновнинг халк оғзаки ижодида кофиядан фойдаланиш санъатига бағишланган «Шеър канотидаги юлдузлар» (Ғ. Ғулом номидаги нашриёт) рисоласи халқ ижодидаги бой анъаналарни ўзлаштиришда яхши кўмак бериши мумкин эди. Бирок кўп адабиётшунослик ишларимизга хос бўлган катта нарсани ваъда қилувчи сарлавҳалар қўйиб, уни таъмин этолмаслик касаллиги панд берди. Масалан, кофиянинг пайдо бўлиши ҳақидаги бобда «Кофия ҳам қўшиқ сингари эҳтиёж туфайли дунёга келган» (11-бет) дейилади. Сўнг муаллиф уни қўшчининг меҳнати, онанинг алласи билан боғлайди. Кофиянинг келиб чиқиши ҳақидаги бор гап — шу. Табиийки, бу ғоят умумий талкин ва унинг шу ҳолича илмга ҳеч бир дахли йўқ. Лекин нашриёт китобчага ёзилган аннотацияда ўкувчига «муаллиф халк оғзаки ижодида кофиянинг вазифаси, тузилишини ўрганар экан, уни ёзма адабиёт билан таккослайди, кофиянинг пайдо бўлишига оид фаразларини ўртага ташлайди» деб тушунтирмокчи бўлади. Рисолада «тадрижли ёки вокеабанд кофия» (47-бет), «ўрама кофия» (106-бет) каби англаниши кийин бўлган сунъий терминлар учраб туради. Муаллиф элементар этикага хилоф равишда ўзи бевосита фойдаланган С. Мирзаев, Х. Мирҳайдаров тадкикотларини тилга ҳам олмайди. Шу муносабат билан айтиш керакки, мазкур асарда ва адабиётшуносликка оид бошқа кўпгина илмий ишларимизда факт ва материал аниқлиги, яхши маънодаги академизм «урф»дан чиқиб кетмокда. Улар ўрнини аллақандай жимжимадор, чучмал баён услуби тобора кўпрок эгалламокдаки, бу ташвишлидир.

Айрим фольклорист олимларимизнинг самарали изланишларини камситмаган ҳолда айтиш керакки, фольклористиканинг илмийназарий савияси халкимизнинг бой ва мазмундор ижодий меросига ҳали ҳам муносиб эмас. Шу пайтга қадар халк оғзаки ижоди намуналарини нашр этиш принциплари ишлаб чиқилмаганлиги ҳам шундан далолатдир. Натижада ғоявий-бадиий жиҳатдан бўш материаллар ҳам чиқиб кетмокда, фольклористиканинг назарий ва амалий масалаларига енгил-елпи ёндашиш кўзга ташланмокда.

Адабий меросимизни нашр этиш, ўзбек классик адабиётини тадкик этиш ўтган йили ҳам давом этди. 30 жилдлик «Ўзбек адабиёти бўстони» сериясининг дастлабки икки китоби босмадан чиқиши, Навоий «Хамса»сининг бироз киска ўзбекча ва русча нашрлари, «Ўзбекистон ССР педагогик тафаккури антологияси» чоп этилиши республика маданий ҳаётида вокеа бўлди. Булардан ташқари С. Ғаниеванинг «Рубоий сеҳри» китоби, «Навоий замондошлари хотирасида» (тузувчи ва сўз боши муаллифи Б. Аҳмедов), «Шарқ тафаккури хазинасидан» (тузувчи А. Шаропов, сўз боши ёзувчи Ш. Шомуҳамедов), «Донишмандлар одоб-ахлоқ тўғрисида» (тўпловчилар: Ш. Зуннун ва Н. Зуннунов, сўз боши муаллифи Н. Маллаев) тўпламлари дунё юзини кўрди.

Қадим туркий битиклар билан шуғулланувчи мутахассисларимиз жуда оз. Шу сабаб маданиятимиз манбаларини, жумладан X асргача яратилган адабий ёдгорликларни кам биламиз. Ҳолбуки, уларни ўрганиш ёзма адабиётимиз сарҳадларини кенгайтиришга хизмат қилади, унинг тараккиёт йўлларини белгилашга ёрдам беради. Бу жиҳатдан Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти хайрли ишларни амалга оширяпти. Мазкур институт ходими Н. Раҳмонов ўзининг «Инсон руҳининг садоси» («Ўзбекистон» нашриёти) рисоласида XIX асрнинг охирида топилган, фанда деярли ёритилмаган VIII аср адабий ёдгорлиги «Ирк (фол) битиги (Таъбирнома)» билан ўкувчиларни таништирди. Муаллиф уни ҳақли равишда «туркийларнинг мусулмонлашгунига қадарли бўлган маданияти ҳақида тўликрок маълумот берувчи асар» (14-бет), деб баҳолайди. Ундаги айрим

образларга суяниб, туркий халқлар билан скифлар орасидаги алоқалар хусусида гап юритади. Турли халқларда учраб турувчи айрим адабий образларнинг келиб чиқиши ҳақида асосли баҳс очадики, бу ҳам маълум илмий қимматга эгадир.

Юқорида қайд этилганидек, Навоий «Хамса»сининг 500 йиллиги муносабати билан 1986 йилда унинг қайта нашри, афсуски, анча қисқартирилиб амалга оширилди. Бу, бизнингча, классикага юзаки ёндашишдан бошқа нарса эмас. Шунингдек, «Хамса» достонларининг насрий баёнини беришга мойиллик кучайиб кетмоқдаки, бу йўлнинг мақсадга мувофиқ эканлигига ишониб бўлмайди. Тўғри, классик адабиёт, хусусан Навоий асарлари тилини бугунги ўқувчи тушуниши қийин. Шу сабабли бундай методни ҳозирча «Хамса» достонлари мазмунидан кенг ўқувчилар оммасини баҳраманд қилиш истаги билан оқламоқдамиз. Лекин бу билан халқимиз маънавий ҳаётининг бой сарчашмаларини қашшоқлаштириб қўяётганлигимизни ҳисобга олмаётирмиз. Ахир ҳар қандай поэтик асарнинг насрий баёни, у ҳар қанча мукаммал бўлмасин, шоир кўзда тутган маъно ва фикрни ҳеч қачон тўла англата олмайди. «Хамса»дек мумтоз обидага хос бой, чуқур мазмун, сўз ва оҳанглар жилоси ўқувчи учун пинҳон қолаверади. Халқ маънавий маданиятининг асл бойликларини билмаслик эса уларни менсималикка олиб келади, оқибатда улар эстетик завқ ва илҳом манбаи сифатида қийматини йўқотиб, жамиятимиз ҳаётига оммавий маданият деб аталмиш маданият стереотиплари суқилиб кириши учун бўшлиқ қолдиради. Зарур чора-тадбирлар кўрилмас экан, янги-янги авлодларнинг ҳаётга кириб келиши билан бу бўшлиқ тобора кенгайиб бораверади. Шуни назарда тутган ҳолда классик меросимиз бойликларини таниб бўлмас даражада соддалаштириш йўлини эмас, аксинча авлодларимизда шу бойликларга нисбатан қизиқишни, меҳр-муҳаббатни тарбиялаш йўлини тутишимиз мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман. Бу ишни мактабларда она тили ва адабиётини ўқитишни жиддий яхшилашдан бошлаш керак. Ўқувчининг луғат бойлигини муттасил ошириб бориш, ўтмиш авлодлар яратган маънавий бойликларни эъзозлашга ўргатиш лозим. Иккинчи томондан, матбуот, радио ва телевидениеда классик адабиётнинг умумий насиҳатгўйлик маъносидаги эмас, профессионал пропагандасига эътиборни кучайтириш зарур.

Бу борада малакали тайёрланган луғат-йўлланмалар яхши мададкор бўла олади. Афсуски, ҳозир улар тақчил бўлиб турибди. Ўзбек классик адабиёти учун луғат тузилганига 30 йилча бўлди. Ўша асосда 1972 йилда дастлаб Навоий асарлари луғатининг бир томлиги, сўнгра тўрт томлиги нашр этилди. Лекин сўнгги нашр ҳам фақат кам нусхада чиқарилганлиги учунгина эмас, мазмун жиҳатидан ҳам ўқувчиларни қаноатлантирмай турибди. Бинобарин, уни мукаммаллаштириш билан бирга, оммавий нусхада нашр этиш устида ўйлаб кўриш керак, токи у ҳар бир ўзбек классик адабиёти мухлисининг қўлида бўлсин.

«Ўзбек адабиёти бўстони» туркумининг дастлабки икки жилди — «Мангу булоқлар» ва «Уч булбул гулшани» (Ғ. Ғулом номидаги нашриёт) Алишер Навоий даҳосининг майдонга келиши тасодиф бўлмай, теран конуниятга эга эканлигини, у ўзигача бўлган жуда катта маънавий маданият заминида вояга етганлигини кўрсатиб турибди. Навоий санъаткор сифатида Ибн Сино, Паҳлавон Маҳмуд, Собир Термизий, Дурбек, Сайфи Саройи, Қутб сингари кўплаб ажойиб олим, шоир, адиб ва таржимонларнинг анъаналаридан озиқ олдики, мазкур иккита китобга уларнинг асарларидан намуналар киритилган.

Агар бу жилдларга адабиётшунослар ўзбек классик адабиётини ўрганишга эндигина киришган йиллар нуқтаи назаридан эмас, балки ҳозирги юксак талаблар даражасидан ёндашадиган бўлсак, қониқиш билан бирга ташвиш ҳам ҳосил бўладики, бунинг сабаби қуйидагича: «Қиссаи Рабғузий»дан парча мўътабар манбалардан олинмай, мутахассислар эътиборсиз топган 1911 йилдаги тошбосма нусхасидан олинган. Бунинг устига илгари кенг маълум бўлган нусхадан анча фарқ қилувчи мазкур нусха китобга ҳеч бир изоҳсиз киритилганлиги ҳам ўқувчиларни ҳайрон қолдиради. Рабғузий тўпламда ўзининг (Носириддин) эмас, отасининг исми билан берилибди. Текстологик нуқсонлар Низомийнинг «Хусрав ва Ширин» достонида янада кўпайибди.

Тузувчилар Ибн Синонинг адабий-бадиий асарларини четда қолдириб, унинг шеърий-тиббий «Уржуза»сидан намуна киритадилар. Муаллифлар ҳақида қисқа, ихчам маълумот беришни кўзда тутувчи мақолаларда бир хиллик йўқ. Уларнинг аксарияти китобдаги конкрет асарларга дахли бўлмаган умумий фикр-мулоҳазалардан иборат.

«Уч булбул гулшани»да XIV асрнинг 40-йилларида Олтин Ўрда пойтахти Саройда амалга оширилган «Хусрав ва Ширин» достони таржимасининг муаллифи «Қутб Хоразмий» деб кўрсатилган. Ҳолбуки, кўпгина манбалардан биз уни шунчаки «Қутб» сифатида биламиз. Мазкур факт кўп жиҳатдан принципиал илмий аҳамиятга эга бўлганлигидан шу хусусда алоҳида тўхталиш лозим.

Мутахассисларга аёнки, XIV асрда Волга бўйидаги Сарой-Боту, Сарой-Берка шаҳарларида майдонга келган Олтин Ўрда маданияти барча туркий халқларга, шу жумладан ўша жойларда неча асрлардан буён ўтроқ ҳаёт кечираётган ва мазкур маданият ёдгорликларини бунёд қилишда

фаол иштирок этган татарларга хам дахлдордир. Аммо бу ёдгорлик намуналарини ажратиб олишга уриниш (Кутбга «Хоразмий» сўзи нисбат берилганда шу тенденция кўзга ташланади), улар кўпрок татарларга эмас, ўзбекларга дахлдор дейиш, шубхасиз ғайриилмий ёндашиш бўлиб, китобхонларни чалғитишга хизмат килади. Бундан ташкари шу пайтга кадар Кутбнинг Хоразмга бевосита боғликлигини кўрсатувчи бирор манба топилган эмас. Чамаси, бир миллий маданият доирасидан четга чикувчи асарларни ўрганиш ва нашр этиш масаласини барча манфаатдор республикаларнинг мутахассислари иштирокида ҳал этиш вакти етди. Бу илмий ҳакикатни рўёбга чикаришга, халкларимиз орасидаги дўстлик мустаҳкамланишига, маънавий турмушлари якинлашуви ва интернационаллашувига ёрдам беради.

Шуни таъкидлаш керакки, маданий ёдгорликларни ўрганиш даражаси матншуносликнинг ривожланиши билан чамбарчас боғлик. Бу соҳада эса ташвишли аҳвол юзага келган. Текстларни хилма-хил ўкиш, турлича хил талкин килиш ҳоллари тобора кўпайиб боряпти. Асосий сабаб — малакали кадрлар камлигида. Сал илгарирок Тошкент давлат университетида текстологлар тайёрлаш масаласи кўзғалган эди. Лекин унинг конкрет ҳал килиниши тўғрисида хозирча ҳеч нарса деб бўлмайди. Бирок, кандай бўлмасин ҳал этиш, иложи борича тезрок асарлардаги жузъий ноаникликлар йирик, тузатилиши кийин хатоларга айланмасдан бунга эришиш пайти аллакачон келган. Зеро, матншунослик биргина филология учун эмас, фаннинг бошка соҳалари учун ҳам зарурдир.

Москвадаги «Педагогика» нашриёти «Ўзбекистон ССР педагогик тафаккур антологияси»ни ўкувчиларга такдим этди. Китобда ёзувчи К. Яшиннинг ихчам сўз бошиси, С. Ражабов ва М. Хайруллаевнинг «Ўзбекистонда педагогик фикр ва мактаблар тарихидан» номли умумлаштирувчи маколаси, макол ва маталлар, алла ва эртаклар, халк эпоси намуналари, Ал-Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб каби олим ва адибларимиз меросидан тортиб замондошларимиз асарларигача мужассам этилган. Уларнинг ҳар бири ҳакида кискача маълумот, асарларига изоҳлар бор. Булар ҳаммаси китоб тузувчиларининг катта меҳнатидан гувоҳлик беради.

Лекин «Антология» кўплаб саволлар кўзғайди. Аввало, Ўзбекистон педагогик тафаккури тарихида муҳим давр бўлган 1905—1917 йиллар акс этмаганлиги эътиборни тортади. Ахир бу драматизмга, туғилиб келаётган янгиликнинг эскилик билан, фан ва маърифатнинг жаҳолат билан курашига тўла давр бўлган-ку. Ўкитишнинг Сандрасул Азизий кўтариб чиккан «ҳарф-товуш» усули худди шу даврда майдонга келди. Бу усул кўплаб инкилобчиларга тарбия ва савод берган янги типдаги мактабларга асос бўлди. С. Азизийнинг «Устози аввал» китоби Октябрь инкилобигача 17 марта нашр этилиб, Ғулжадан Тифлисгача, Бухородан Уфагача эътироф этилган эди. Мазкур дарсликдан парчалар ва у ҳакдаги маълумотлар бугунги ўкувчи учун ҳам фойдадан холи бўлмасди. «Антология»да XX аср бошидаги таникли маърифатпарварларимиз Ибрат ва Сўфизодани ҳам учратмаймиз.

Малаканинг етишмаслиги китобдаги материалларни танлашда ҳам кўзга ташланади. Чунончи, анча вакт Фуркатга нотўғри нисбат бериб келиниб, кейинчалик аникланган «Туф» шеъри «Антология»да яна унинг асари сифатида такдим килинади. Айрим ижодкорлар библиографияси бундан ўн-ўн беш йил олдинги ҳолида берилади. Масалан, Авлоний ҳакида бу ерда келтирилган адабиётларнинг энг кейингиси 1966 йилда нашрдан чиккан. Ҳолбуки, 1979 йилда унинг бир томлиги алоҳида адабий-педагогик портрети нашр этилди.

Китобда Мунаввар Кори каламига мансуб «Адиби аввал», «Адиби соний» дарсликларининг номи бузиб келтирилган. Фактик, грамматик хатолар кўп. Масалан, 1883 йилдан Бокчасаройда чика бошлаган «Таржимон» газетаси тўғрисида Козонда XX аср бошида турк тилида чоп этилган ягона (?) газета деб нотўғри изоҳ берилади. Ўзбекистонда совет ҳокимияти йилларидаги педагогик фикр тараккиётига бағишланган бўлимдаги Абдулкодир Шакурий, Абдулла Авлоний, Ҳамза, Исматулло Раҳматуллаев, Аваз Ўтар ўғли асарларидан берилган намуналарнинг бирортаси ҳам Совет ҳокимияти йилларида ёзилган ёхуд чоп этилган эмас. Аваз Ўтар ўғли эса Хоразмда Совет ҳокимияти ўрнатилишидан бир йилча илгари —1919 йилда оламдан ўтган.

Бу нуксонлар «Антология»нинг кадрини анча туширибгина колмай, ижтимоий фанларнинг у ёки бу соҳасини республикамиздагина эмас, ҳатто марказий нашриётларда ҳам муносиб равишда кўрсатишга имкон бермаётган камчиликларнинг характери, кўлами ва даражасини ҳам яккол намойиш килиб турибди.

Масалан, шу давргача республикада классик адабиёт бўйича мўътабар бир совет йўклигини кандай изоҳлаш мумкин? Ваҳоланки бундай орган эътиборли мутахассисларни жалб этиб, маданий меросга муносабатимизга доир кўпгина баҳсли масалаларни баҳамжиҳат ҳал килишда, у ёки бу асарнинг нашрга тайёрлигини малакали баҳолашда, юкорида санаб ўтилгани сингари хатоларнинг олдини олишда ёрдам бериши мумкин эди. Бундай совет бизнингча, Ғ. Ғулом номидаги ёки «Фан» нашриёти кошида, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг тил ва адабиёт, кўлёзмалар, шарк-

шунослик институтлари, Тошкент, Самарканд университетлари, Низомий номидаги педагогика институти базасида тузилиши мумкин. Хозирда Ғ. Ғулом нашриёти қошида «Ўзбек адабиёти бўстони» сериясининг чиқарилиши муносабати билан тузилган советнинг ишини қаноатланарли деб бўлмайди. Мисол тариқасида босилиб чиққан ҳар икки жилднинг биронтаси ҳам советда муҳокама қилинмаганини айтиш кифоя. Унинг қолган жилдларини, шунингдек Алишер Навоий асарларининг академик нашрини тайёрлашда тегишли советлар (ёхуд совет) шунчаки хўжакўрсинга тузилган органдан чинакам малакали ишчи органларга айланади деб умид қиламиз. Худди шу гапларни редакцион коллегиялар ҳақида ҳам айтиш мумкин. Ўзбекистон Ёзувчилар союзи танқид секцияси мазкур органлар ишига алоҳида эътибор бериши лозим.
Ўзбек адабиёти тарихига оид тадқиқотлардан Навоий «Хамса»сига доир ишларни, биринчи навбатда етакчи навоийшуносларимиз қатнашган мақолалар тўпламини («Фан» нашриёти) алоҳида қайд этиб кўрсатиш лозим. Унга кирган мақолалар қиймати бир хил эмас. Бироқ уларнинг кўпчилигида анчагина янги фактлар, шунингдек маълум нарсалар хусусида янги фикрлар ва талқинлар мавжуд. Умуман китоб навоийшунослигимиз ютуғи сифатида баҳоланишга арзигулик.

«Фан» нашриёти, шунингдек Т. Аҳмедовнинг «Хамса» қаҳрамонларининг характер жозибаси», Н. Ғаниxўжаеванинг «Хамса» ҳикоятлари», М. Ҳамидованинг «Хамса мавжлари» илмий-оммабоп рисолаларини нашр этди. Бу асарларнинг Навоий ижодини тарғиб қилишда маълум аҳамиятга эга эканлигини инкор қилиб бўлмайди. Лекин уларнинг аналитик, илмий-назарий савияси пастлигини ҳам айтиш керак. Уларда ҳатто ҳаммага маълум айрим фактларни бузиб талқин қилиш, образлар ва персонажларни чалкаштириб кўрсатиш ҳоллари учрайди. Масалан, Н. Ғаниxўжаева «Сабъаи сайёр»даги тўртинчи ва бешинчи ҳикоялар қаҳрамонларини аралаштириб юборади (34-бетга қаралсин). Т. Аҳмедов Мажнунни таърифлашда «Ҳайратул аброр»дан мисол келтиради. Бошқа бир ўринда Хусайн Бойқарони «ижобий шоҳ» деб баҳолайди (28-бетга қаралсин).

Кейинги йилларда ўзбек адабиётшунослигида адабиётимизнинг XIX аср охири ва XX аср бошларида яшаб ижод этган йирик намояндалари ижодини кенг ва ҳар томонлама ўрганиш тенденцияси кўзга ташланмоқда. Бу қизиқишнинг сабаби маълум. Социалистик реализм адабиёти, биринчи навбатда шу давр демократик адабиётдаги адабий-эстетик фикрдан озиқ олиб улғайган. Тўғри, адабиётимизнинг демократик босқичи, хусусан ундаги айрим масалалар, баъзи факт ва материаллар талқинида тамоман бир-бирини инкор этувчи фикр-мулоҳазалар ҳам ўртага тушди.

Ўзбек демократик адабиёти вакиллари қандай ижодий метод асосида иш кўрдилар? Бу масалани шеърият, хусусан анъанавий шеърият мисолида тадқиқ этишнинг ўз қийинчиликлари бор. Э. Каримов «Ўзбек демократик адабиётида реализм» («Фан» нашриёти) китобида Муқимий ва Фурқат лирикасини таҳлил қилиб, улар ижодини реализм сирасига киритади. Унинг фикрича, ўзбек адабиёти XIX асрнинг иккинчи ярмида танқидий, XX аср бошида эса — маърифатчилик характерига эга бўлган ва бу ўзбек реализми тараққиётининг тарихан ўзига хослиги билан изоҳланади. Бироқ муаллиф, бундай «ўзига хослик»ни етарли асослаб бермаган. Бунинг устига жаҳон адабиёти тараққиёти тарихидан маълумки, танқидий реализм нисбатан мукаммал босқич сифатида маърифатчиликдан сўнг келади. Ўзбек адабиёти ҳам, бизнингча, бундан мустасно эмас. Маърифатчилик ва унинг реализми ўзбек адабиётида XIX асрнинг 90-йилларидан Октябрь революциясига қадар давом этди. Бироқ XX асрнинг бошига келиб адабиётимизнинг етакчи методларидан бирига айланган танқидий реализм худди мана шу маърифатчилик заминида таркиб топа борди. Қолаверса, адабиётда, ҳатто бир ижодкорнинг ўзида хилма-хил методларни кузатиш мумкин. (Ҳамза ижоди бунга яққол мисол бўла олади). Шунга кўра, ўйлаймизки, Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг инқилоб арафасидаги адабиётига «танқидий реализмдаги маърифатчилик адабиёти» деб қаровчи мутахассислар ҳақдирлар.

XIX асрнинг охири XX аср бошлари ўзбек маърифатчилик адабиёти, шубҳасиз, Россия ижтимоий-адабий тафаккуридан озиқ олди. Лекин бу ҳали мазкур адабиёт «рус санъати билан фаол ўзаро ҳамкорликда» (Реализм узбекской демократической литературы. 10-бетга қаралсин) ривожланди, дегани эмас. Бундай хулоса чиқариш муҳим илмий проблемага юзаки ёндашиш бўлади. Бу жараёнда татар ва озарбайжон маданиятининг катта воситачилик ролини ҳам ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Агар тадқиқотчи ўзбек адабиётидаги реализмни мазкур халқлар адабиётлари билан типологик планда тадқиқ этса, масала янада равшанлашган бўлур эди. Шунингдек, муаллиф айрим поэтик образ ва ифодаларни нотўғри талқин қилади. Масалан, у Фурқат шеърларида учрайдиган анъанавий-дунёвий мазмундаги баъзи сатрлардан «куфрона» оҳанг излайди.

КПСС МК 1987 йил январь Пленуми амалда интернационалист бўлиш ҳақидаги ленинча талабга яна бир марта диққатни жалб этди. Уни амалга оширишда кўпмиллатли совет адабиёти ва у ҳақдаги илм катта ёрдам бериши мумкин. Бунинг учун халқларимизнинг бой меросидан уларни асрлар

давомида ҳамкору ҳамдастликка ундаган, ўзаро яқинлашишига ёрдам берган жиҳатларини танлаш ва уларни ҳар бир халқнинг миллий туйғусига, тил ва маданиятига, тарихига ҳурмат нуқтаи назаридан келиб чиқиб, юқори профессионал савияда таҳлил этмоқ лозим.

Ўтган йили бу долзарб мавзуга бағишланган қатор асарлар майдонга келди. Шулардан бири Ҳ. Ҳамидов қаламига мансуб бўлган «Боқий бўстон тароватн» (Ғ. Ғулом номидаги нашриёт) китоби бўлиб, у Фирдавсийнинг оламга машҳур «Шоҳнома» асарининг ўзбек адабиётига таъсиридан сўз очади. Масала унда кенг кўламда олинган: асардаги Фирдавсий тасвирлаган айрим воқеаларнинг ўлкамиз билан боғлиқлиги; унинг ёзма ва оғзаки адабиётимизга ўтган баъзи образ ва сюжетлари; ўзбек ижодкорларига кўрсатган умумий таъсири: республикамизда фирдавсийшунослик анъаналари; «Шоҳнома»нинг ўзбек тилига таржималари ва ҳоказо. Умуман, ўзбек ва тожик халқларининг қадим муштарак маънавий маданиятини англашда маълум аҳамиятга эга бўлган китоб юзага келган. Лекин, афсуски, унда яхлитлик етишмайди. Боблар ўзаро теран боғланмаган. Айрим боблар (масалан, I,IV боблар) таҳлили жуда саёз. Фирдавсийнинг ўзбек халқ оғзаки ижодига таъсири ҳақидаги II бобгина янги материалга эга. Монографияда кўпгина илмий асарларимизда бўлгани сингари адабий таъсирни кўпроқ ташқи, формал белгилардан излаш нуқсони кўзга ташланади. Масалан, Алпомишни шоир Рустамга ўхшатса шуни, албатта, «Шоҳнома»нинг таъсири (100-бет) деб қараш тўғри бўладими? Бу ерда, биринчидан, билвосита таъсир, иккинчидан, «Шоҳнома»нинг ўзи ҳам маълум даражада халқ оғзаки ижодига суяниши назардан соқит қилиняпти. Ахир бу ўринда аксинча таъсир ҳам бўлиши мумкин-ку!

Халқлар орасида кечадиган барча алоқалар сингари ҳар қандай адабий таъсир ва алоқа конкрет шаклда намоён бўлади. Китобда Фирдавсий ижодининг ўзбек адабиётига таъсирини кўрсатишда мана шу конкретлилик етишмайди. Масалан, муаллиф ҳеч нарсага суянмаган ҳолда «Мирмуҳсин «Меъмор» романида адолат ва маърифат билан разолат ва зулмат ўртасидаги зиддиятларни тасвирлашда улуғ Фирдавсий куйлаган ғоя ва образлардан баҳраманд бўлган» (192-бет) деган фикрни илгари сурадики, бундай йўл билан бориладиган бўлса, ҳеч қандай меъёр ва мезон қолмайди ва Фирдавсий таъсирини истисносиз ҳар бир ижодкордан «топиш» мумкин бўлади.

205-бетда «Шоҳнома»нинг 1510 йили хижрий-қамарийдаги таржимаси ҳақида гап кетади. Ҳолбуки, биз ҳозир мазкур йил ҳисоби билан 1408 йилда яшаяпмиз.

Айрим ўринларда умумий ишимизга катта зарар етказган эскича ёндашувлар, чунончи таниқли кишиларнинг, ҳамкасабаларимизнинг кичкина хизматларини ҳам ошириб-тошириб баҳолаш шундайгина сезилиб турибди. «Асарда олим Фирдавсий ижодини мукаммал таҳлил қилган, «Шоҳнома»нинг етакчи ғоявий йўналишини алоҳида бобларда батафсил ёритган, унинг халқчил моҳиятини аниқ кўрсатиб берган. Шу билан бирга Фирдавсий даҳосининг ўзбек классик адабиёти, халқ оғзаки ижодига баракали таъсирини ҳам ишонарли далиллар билан кўрсатган» (211 бет). Шуларнинг ҳаммаси Н. Маллаевнинг бор-йўғи 80 саҳифалик «Абулқосим Фирдавсий» (1962 й.) рисоласи ҳақида. Ҳ. Ҳамидов Н. Маллаевга шунчалик хизматларни нисбат бермоқдаки, бунча ишни ҳали барча фирдавсийшунослар бажариша олмаган ва, эҳтимолки, яқин ўртада ҳам бунинг уддасидан чиқолмаслар. Бу нарса адабиётшунослигимиз учун типик бўлмаса-да, учраб турадиган ҳодиса бўлганлиги афсусланарлидир. Модомики ўзбек адабиёти ва маданиятининг, адабий-бадиий танқидининг умумий аҳволи бизни чинакамига ташвишлантирар экан, ҳамма нарсадан аввал мана шундай муносабатга қарши курашмоғимиз керак.

Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги арафасида адабиётшунос олимларимиз ўзбек инқилобий адабиёти сарчашмалари тадқиқотига эътиборни қаратаётганликлари мароқлидир. Шу адабиёт асосчиси, Ўзбекистонда социалистик маданиятни бунёд этишда фаол иштирок этган Ҳамза ва унинг сафдошлари ижоди кенг ўрганилмоқда. Ҳамза асарларининг кейинги йилларда чоп этилган 4 томлиги бу йўлдаги жиддий қадам бўлди. У шоир ва драматург ҳақидаги тасаввуримизни тўлдиради, бойитади. Шунга қарамай, мазкур нашр кўпгина жиҳатлар — матннинг аниқ ва пухталиги, зарурий изоҳлар билан таъминланиши жиҳатидан мукаммалликдан йироқ. Асарлар тўпламида Ҳамзани замонавийлаштиришга, унинг дунёқарашидаги айрим даврий чекланганликни четлаб ўтишга уриниш сезилади. Бу эса инқилобчи шоир ва унинг сафдошлари шаънига путур етказиши мумкин бўлган сохталаштиришга йўл очиши билан хатарлидир. Шу сабабли бу соҳада қилинган ишларни тегишли мутахассислар иштирокида жиддий қайта кўриб чиқиш ва бундан шоир асарлари текстини унинг шарафли инқилобий ва ижодий фаолияти ҳақида энг ишончли маълумот берувчи ягона ва ҳақиқий манбага айлантириш учун керакли хулосалар чиқариб олиш лозим деб ўйлаймиз. Бунинг учун ҳамзашуносликнинг сўнгги ютуқларидан фойдаланган ҳолда шоирни аслича кўрсатишга уриниш лозим. Бу бутун ўзбек совет адабиётининг илк тараққиёт босқичларини объектив баҳолашга имкон беради.

Ҳамза ҳақида гап кетганда уни ижодкор

сифатида вояга етказган адабий-маданий муҳитни ўрганиш борасида кам иш қилинаётганини қайд этишни истардик. Тўғри, Қўшжоновнинг Ҳамза асарлари поэтикасини инқилобий давр динамикаси билан узвий боғлаб текширувчи «Ҳамза маҳоратидан лавҳалар» («Фан» нашриёти) рисоласи бу хусусда қимматли маълумотлар беради. Лекин бу соҳада ҳали жуда кўп ишлар қилиниши лозим. Чунончи, шоирнинг Абдулла Авлоний, Сидқий —Хондайлиқий, Анбар Отин, Сиддиқий — Ажзий, Нозимахоним каби замондошлари ижодини ўрганиш дастлабки босқичда турибди.

Партиянинг тарихни борлигича, рўйирост кўрсатиш зарурлиги ҳақидаги бугунги ленинча одилона талаби нуқтаи назаридан қараганда ўзбек совет адабиётидаги мураккаб фигуралар деб аталувчи ижодкорларнинг асарларини ҳар томонлама ва объектив баҳолаш энг актуал масалалардан.

Ижодларидаги барча зиддиятларга қарамай, бундай санъаткорларнинг айрим асарлари маданий ҳаётда муайян ҳодиса сифатида қабул қилиниб, адабий ҳаракатчилигимизга сезиларли таъсир кўрсатгани уларнинг замондошларига ва мутахассисларга яхши маълум. Бу адиб ва шоирларнинг ҳаёт ва ижод тақдирларидаги худди ўша мураккабликлар уларнинг асарлари ўрганилишига асосий ғов бўлиб келди. Шу тарика адабиётимиз тарихида «оқ доғлар» пайдо бўлдики, уларни ҳамон сукут сақлаб четлаб ўтмоқдамиз.

Республикамиз нашриётларида босилиб чиққан китоблар орасида бугунги адабиётимиз проблемаларига бағишланганлари ҳам талайгина, уларда кўтарилган ҳар хил масалалар ёритилиш савияси жиҳатидан ҳам бир-биридан ўзаро кескин фарқ қилади. Чунончи, Ж. Камолнинг «Лирик шеърият» («Фан» нашриёти), Н. Раҳимжоновнинг «Ўзбек совет адабиётида поэма» («Фан» нашриёти) монографиялари китобхонларга нисбатан кам ўрганилган мавзуларни таништиришади. Бироқ «Лирик шеърият»га (гарчи китобнинг номи тақозо этиб турган бўлса-да) кейинги 10—15 йиллик материаллар кирмай қолган. Шундай экан, бу ҳол қай йўсиндадир изоҳланиши ёки яхшиси ҳозирги адабий жараён ҳам қамраб олиниши лозим эди.

Ахир, унда шеърлари таҳлил қилинган ёшларнинг айримлари бугунги кунда етук ижодкорлар сифатида танилиб, ўзбек адабиётининг қиёфасини белгиловчи салмоқли асарлар яратдилар. Иккинчидан, оралиқ вақтда шеъриятимизга шундай бир талантли авлод кириб келдики, адабиётимиз тараққиётининг бирор жиҳатини улар ижодисиз тўлақонли тадқиқ қилиб бўлмайди.

А. Абдураҳмоновнинг «Поэзияда инсон тасвири» («Ўқитувчи» нашриёти) китобининг номиёқ муаллиф мақсадининг тайин эмаслигини, мавзунинг мавҳум — муаллақлигини кўрсатиб турибди. Адабиёт нимадан баҳс юритмасин, унинг марказида ҳар доим инсон туриши ҳаммага маълум. Бас, шундай экан, адабиётнинг бутун моҳиятини ташкил этувчи нарсани ундан қидиришда мантиқ борми?

А. Абдураҳмонов амалга оширган бадиий асар таҳлилининг ғалати «оригиналлиги», унинг ўз тадқиқоти манбаининг илмий-назарий асослари тўғрисидаги нотўғри тасаввури ҳам шундан эмасмикан? Монография сарлавҳасидаги нотайинлик унинг мундарижасида янада ривож топган. «Инсон образини поэтик гавдалантиришда ижодкор маҳорати» номли бутун бир боб инсон кечинмаларини тасвирлашда ижодкор жинсининг (шахсининг эмас) ролига қаратилган. «Инсон кечинмаларини очишда (?) ижодкор учун энг қийин ҳолатлардан бири жинс проблемаси (!) ҳисобланади», — деб масала қўяди муаллиф ва уни шундай тушунтиради: «Аёл ёки эркак ижодкор ўз жинсига тескари бўлган инсоннинг номидан гапиришга ҳеч қандай ҳаё белгисининг аломати йўқ ёки шундай бўлмоғига ҳам чек қўйилган эмас, албатта (стилистикага эътибор бериб боринг; 53-бет).

Буларнинг исботи сифатида А. Абдураҳмонов А. Умарий ота образига, Ҳ. Олимжон она образига, Уйғун қиз образига киргани устида тўхталиб, мазкур масалани «поэзияда инсон концепциясини белгилайдиган факторлардан бири» (68-бет) сифатида тақдим этади. Шунга кўра «ўзбек совет шоирлари эркак кишининг руҳий кечинмаларини унинг ўзидек поэтиклаштириш маҳоратини қониқарли даражада эгаллай олмаган»ликлари учун ҳозирги ўзбек поэзиясининг энг катта айби «жинс проблемаси (?)ни яратиш (?!)»да деб билади. Бу гаплардан жинсий масала тадқиқи адабиётнинг асосий масалаларидан бири экан-да деган таассурот ҳосил бўлади. А. Абдураҳмонов ўз «генетик тадқиқот»ини шундай «салмоқли» хулоса билан якунлайди: «Ўзбек совет поэзияси ҳам инсон образини поэтик гавдалантириш йўлида катта тажриба тўплади. Бироқ ҳали ўзбек совет поэзиясида жинс проблемаси (?)ни яратиш (?!), аллегорик образлардан фойдаланишда сезиларли камчиликлар мавжуд» (233-бет).

«Поэзияда давлат, партия ва ҳарбий арбоблар образини яратишда поэтик маҳорат» бобида 30 га яқин йирик тарихий шахснинг поэтик тасвири талқинига бор-йўғи 15 бетча жой ажратилган. Бу ерда маълум композицион мутаносиблик бузилишидан ташқари мавзу билан материалнинг ўзида номувофиқлик бор. Масаланинг қўйилишигина эмас, ифода ва талқинида ҳам автор позициясининг мавҳумлиги сезилиб турибди. Гоҳо авторнинг

нима демокчи эканлигини ҳам англай олмайсиз. Мана унинг ғоят масъулиятли мавзуга доир мулоҳазаси: «Ўзбек поэзияси Лениннинг тарихий ролини фалсафий хулосалар билан баҳолашда (?) партия XX съездидан кейинги йиллардагина юксак поғонага кўтарилди, дейиш мумкин, — деб ёзади А. Абдураҳмонов. — Шундай бўлса-да, ўзбек поэзияси Лениннинг тарихдаги буюк ва қаҳрамон инсон эканлигини унинг автобиографик (?) материаллари асосида тўла ёритиб бера олмади (?)» (235-бет).

Совет кишисининг меҳнат қаҳрамонлигини поэтик ифодалаш ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини эса муаллиф шундай хулосалайди: «Ўзбек совет поэзиясида меҳнатни эҳтиёж сифатида қарашдан қаҳрамонлик идеали сифатида ҳис этиш даражасига етган инсон образи юзага келди» (235-бет).

Марксизм, инсоният коммунизмга яқинлашиб боргани сари меҳнат яшаш воситасидан ҳар бир соғлом организмнинг эҳтиёжига айланиб боришини ўз идеали деб билади. Замонамиз марксизми саналмиш ленинизм, унинг назарий ривожи ва амалий тажассуми бўлган партиямиз сиёсати ана шу идеални рўёбга чиқариш соҳасидаги изчил курашдан ёрқин гувоҳликдир.

Бундай китоб барча'ни саводли қилишга, ёш авлодни тарбиялашга даъват этилган бир нашриётдан қандай қилиб чиқиб кетганига ҳайрон қолмаслик мумкин эмас. Ўз рецензиялари билан шу ғоявий ва илмий брак маҳсулотга «оқ йўл» тилаган таниқли адабиётшунос олимлар Н. Шукуров ва С. Мирзаевлар ҳақида нима дейиш мумкин? Унга «ўзбек совет адабиётида инсон концепцияси масаласи марксистик нуқтаи назардан» ёритилган, «ўзбек совет поэзиясида янги инсон образининг яратилиши эволюцияси уч нуқтаи назардан текширилган», «ўзбек совет поэзиясида интернационал инсон образи шаклланишига алоқадор уч асосий ҳолат» аниқланган, «муҳим», «актуал», «қимматли» сингари мақтовларга сахий Н. Норқулов ва унга ўрин берган «Шарқ юлдузи» журнали («Шарқ юлдузи» журнали, 1986 й., 12-сон, 200—201-бетларга қаралсин) позициясини қандай баҳолаш керак?

«Ёш гвардия» нашриёти «Ажойиб кишилар ҳаёти» сериясида Отаёрнинг Миртемир ҳақидаги эссесини босмадан чиқарди. Муаллиф шоир билан қилган ўз суҳбат-хотиралари ҳамда замондошларининг эсдалик ва мактубларидан кенг фойдаланган ҳолда халқимиз севимли куйчисининг ҳаёт ва ижод йўлини ёритиб бера олган. Бу йўл унга Миртемир илҳомининг манбаларини, бадиий сўзга меҳри ва талабини кўрсатиш, ижод машаққати, психологияси, устоз-шогирдлик, эътиқод ва ижод каби масалаларга ўқувчи диққатини жалб этиш имконини берган. Айни шу жиҳатлари билан китоб ёш ижодкорларга шубҳасиз фойдалидир.

Лекин эсседа шоирнинг ўз принципларига қандай содиқ қола олгани, қай тарзда чинакамига халқ шоири бўлиб етишганлиги ҳақидаги саволларга жавоб топа олмайсиз. Китоб тилида нуқсонлар учрайди. Айрим сўзлар ҳис қилинмасдан, ноўрин қўлланилади. Масалан, «камтарлик» шоирнинг шахсига ҳам, ижодига ҳам баравар ишлатилаверади. Ахир, киши «камтарона ижоди» билан қандай қилиб бутун эл-юрт меҳрини қозониши мумкин? Бу хил мисоллар оз эмас.

Китобнинг умумий қимматига путур етказувчи эпизодлар ҳам учрайди. Чунончи у қадар зарурат бўлмаган ҳолда 135-бетда батафсил тасвирланган халқ сайили шулар сирасига киради, бу хусусда жумладан шундай дейилади: «...қозонда атала илитилиб сўнг тилла ёки бирор тилла буюм ташланарди. Ким бош суқиб уни топиб чиқса, ўшанга қўй, пул мукофот ё ҳўкиз бериларди...» Муаллиф буни халқ удуми сифатида тақдим қилади. Эҳтимол бирор жойда шундай тўкликка шўхликлар бўлиб ўтгандир, лекин уни нонни ҳар нарсадан азиз билувчи халққа, айниқса ҳаёти ҳам, ижоди ҳам, хотираси ҳам ғоят халқона бўлган, нон қадрига етиб келган шоирга нисбатан ишлатиш ноўриндир.

Ўзбек адабиёти тарихий мавзунинг ишланиши жиҳатидан бой анъанага эга. 1980 йилда СССР Ёзувчилар союзининг махсус йиғинида ўзбек тарихий романлари муҳокама қилинганлиги бежиз эмас. Кейинги пайтларда тарихий роман тақдири ҳақидаги баҳслар жонланиб қолди. Шу жиҳатдан, А. Каттабековнинг тарихий прозамиз тараққиётига бағишланган «Тарих сабоқлари» (Ғ.Ғулом номидаги нашриёт) китоби алоҳида аҳамиятга эга. Муаллиф тарихий роман ҳақидаги баҳсларга тўхталар экан, «марказида буюк шахс турмаган романни тарихий деб ҳисобламаслик қанчалик нотўғри бўлса, ўтмишнинг буюк сиймолари образини яратишнинг ҳожати йўқлиги ҳақидаги фикрнинг ҳам шунчалик асоссизлиги» (149-бет)ни таъкидлайди ва буни миллий адабиётлар мисолида ишонарли далиллайди. Китобда ўзбек тарихий прозасининг шаклланиш ва тараққиёт босқичлари кўрсатилади, унинг етакчи тенденциялари ва камчиликлари умумсовет адабий жараёни контекстида акс эттирилади.

Партиямизнинг XXVII съезди адабий-бадиий танқиддаги камчиликларнинг энг каттасини «кўнгилчанлик ва амалга қараб баҳо бериш» деб атади. Маълум субъектив сабабларга кўра бу, айниқса Ўзбекистонда ғоят хунук ва хавфли шаклларда намоён бўлган эди. Ўн йиллар давомида томир отган иллатларнинг кенг демократия ва ошкоралик шароитига эндигина ўтган жамиятимиз ҳаётининг қисқа бир даврида

бутунлай барҳам топишига умид боғлаш нореал бўлур эди. Лекин қийинчилик билан бўлса-да бу соҳада ҳам маълум силжишлар юз бераётир. Бу 1986 йилги адабий маҳсулотимизда ҳам кўзга ташланади. «Ҳақиқат — ижод байроғи» (Ғ. Ғулом номидаги нашриёт) мақолалар тўплами бунга далил бўла олади. Тўпламда иштирок этган таниқли танқидчилар, ёзувчилар, ёш адабиётшунослар адабиётимизнинг деярли ҳамма жанрларидаги ютуқлар ва кўпроқ муаммолар ҳақида очиқ фикр юритадилар. Айниқса, ёш танқидчилар А. Отабоев, И. Ҳаққулов, Ғ. Ғафуров, А. Аъзам, М. Тенглашевларнинг камчиликларни юқори профессионал савияда кескин ва ошкор кўтариб чиқишлари, улардаги дадиллик ва қизғинлик, фикрлар рангинлиги кишини қувонтиради.

Ёш мунаққидларимиздан Ш. Алломов, Х. Болтабоев, Й. Солижонов, Ш. Мансуров, М. Абдураҳмоноваларнинг асарларини ўз ичига олган «Сўз маъсулияти» (Ғ. Ғулом номидаги нашриёт) тўпламидаги муаммолар турли муносабат билан қизғин муҳокама қилиниб турибди. Гарчи муаллифларнинг ишлари кенг ва чуқур кузатишларга, йирик умумлашмаларга даъвогарлик қилмаса-да, муаллифлар танлаган мавзуларини яхшигина эгаллаб, малакали талқин эта олишлари қўллаб-қувватлашга лойиқ бўлиб, адабиёт учун фойдадан холи эмас.

Адабий танқидчиларимиз У. Норматов (Қалб инқилоби. Ғ. Ғулом номидаги нашриёт) ва Н. Худойберганов (Ўз дунёси, ўз қиёфаси. «Ёш гвардия» нашриёти) ҳам мақолалар тўпламларини эълон қилдилар. Тўпламларнинг номлариданоқ уларнинг мазмуни ҳаётимизда кечаётган янгиланишга оҳангдошлиги англашилади. У. Норматов адабиётимизнинг бугунги намуналарини тадқиқ этар экан, социалистик реализм назария ва практикасининг ҳозирги актуал проблемаларини белгилашга уринади. Китобдаги Ғ. Ғулом, А. Мухтор, Ш. Шомуҳамедов, Х. Тўхтабоев портретларига чизгиларда қизиқарли кузатишлар учрайди. Адабиётимизнинг актуал масалалари ҳақида ижодий баҳс шаклида қурилган шоир Омон Матжон ва ёзувчи Ў. Ҳошимов билан суҳбатлари адабий-бадиий танқиднинг бу шакли жуда катта имкониятларга эга эканлигини кўрсатади.

Н. Худойберганов марказий ва республика матбуотидаги таҳлилий-проблематик мақолалари, кескин танқидий чиқишлари билан ҳар қандай қаламкаш ижодидаги барча камчиликлар ҳақида рўйирост айтувчи мутахассис сифатида танилган. У «Ўз дунёси, ўз қиёфаси» китобида ҳам бу принципга содиқ қолган.

Ғайриоддийлик, баҳслашишга мойиллик, адабий жараён таҳлилининг янги шакл ва имкониятларини излаш Б. Норбоевнинг «Ҳақиқат ва бадиият қудрати» (Ғ. Ғулом нашриёти) тўпламини бошқалардан фарқлантириб туради. Лекин у «Россия билан Туркистоннинг қўшилуви» (3-бет) деган ифодани ишлатиб хатога йўл қўйган. Негаки бундай ифодада, биринчидан, тенглик мазмуни бўлишидан ташқари Россиянинг мазкур тарихий ҳодисадаги ҳал қилувчи роли ҳисобга олинмайди. Иккинчидан, «Туркистон» конкрет тарихий-географик атама сифатида мазкур ҳодисадан кейин истеъмолга кирганлиги назардан соқит қилинади. Шу сабабли, ўйлаймизки, фанда мустаҳкам ўрнашиб, ўзлашиб қолган ва тилга олинган масаланинг барча жиҳатларини нисбатан тўла ҳамда аниқ ифода этувчи «Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олиниши» деган иборадан воз кечишга асос йўқ эди.

Ў. Ўтаев ўз рисоласи (Теледраматургия уфқлари. «Ўзбекистон» нашриёти) учун ўзбек адабиёти ва санъатидаги янги бир жанрни объект қилиб олди. Ф. Эшимовнинг «Қишлоқ ҳақидаги ўзбек романи» («Фан» нашриёти) монографияси кам ўрганилган масалага бағишланган.

Ўзбекистоннинг адабий-бадиий цехи ана шундай умумий манзарага эга. Бироқ масала моҳиятига кириб борганингиз сари бу манзара фонидаги умумий иллатни, масалан, фикр сустлигини пайқамаслик мумкин эмас. КПСС МҚнинг 1987 йил январь Пленумида маданият, адабиёт ва санъат соҳасидаги бу ҳодисага «бадиий ижодга баҳо беришда мезонларнинг қадри тушиб кетиши» деган аниқ баҳо берилдики, буни юқорида келтирилган китоб ва брошюралар мисолида ҳам бемалол исбот қилиш мумкин. Олайлик, танқидчи Н. Раҳимжонов Ж. Жабборовнинг ўртача поэма-трилогиясини баҳолаш учун «Шоҳнома»дан ташбиҳ қидирса (Ўзбек совет адабиётида поэма. 105-бетга қаралсин), буни нормал ҳол, камтаринлик деб бўладими? Ёки Фирдавсий асарлари таржимаси ҳақида тўхталганда хаяжон билан: «Деярли минг йил бурун битилган, чуқур инсоний дард билан йўғрилган, бугунги кунда ҳам китобхонни ларзага соладиган бу хил шоҳ сатрларни шу тарзда — оригинал колоритини сақлаган ҳолда ҳозирги ўзбек шеърий тилига кўчириш ҳазилакам иш эмас!» дея хитоб қилсак, ё бўлмаса Жомий асарларининг ўртамиёна таржимасини «чинакам бадиий кашфиёт даражасида» деб баҳоласак-чи?! (У. Норматов. Қалб инқилоби, 273—274-бетларга қаралсин).

Умуман биз ўзбек адабиётчилари, кейинги пайтларда «кашфиёт», «мўъжиза», «буюк» сингари сўзларни тўғри келадими-йўқми, асослими-асоссизми, ҳеч бир ўйламасдан бемалол ишлатаверадиган бўлиб қолдик. Шуниси ачинарлики, бу нуқсон энг талабчан, ўз соҳасининг нуфузли усталарида ҳам учрай бошлади. Масалан,

Н. Худойберганов бир томондан, «кашфиёт»нинг «ҳар куни туғилавермаслиги»ни, «баъзан беш-ўн йиллар мобайнида бир-икки янгилик яратилиши мумкин»лигини ўринли қайд этади. Иккинчи томондан, айрим асарларни улардан «катта поэтик кашфиёт даражасига кўтарилган етук поэтик ҳамда эпик образларни топиш қийин» (Ўз дунёси, ўз қиёфаси, 39-бет) бўлганлиги учун танқид қилади.

У. Норматов ўндан ортиқ ҳикояни «кичик мўъжизалар» деб баҳолайди. Мақола сўнгида уларни «адабиётимизда фавқулодда катта кашфиётлар деб бўлмайди, албатта», лекин «бу асарларни эл-юрт олдида кўз-кўз этиш учун баҳосини бироз ошириб «кичик мўъжизалар» деб атадик», — дейди. Бундай саховатли «аванс»лардан адабиёт наф кўрадими? — бу тўғрида жиддийроқ ўйлаб кўришимиз керак.

Шундай «мўъжиза»лардан бирида ота ўз ўғлини колхоз юғанини ўғирлагани учун қаттиқ савалайди. Танқидчи отанинг бу ишини «энг катта гуноҳ, андишасизлик, ахлоқсизлик» ҳисоблайди. «Ниҳоятда арзимас», «узрли» бир гуноҳи учун «ота гўё тандаги кичик сўгални қуйдираман деб соғлом танни бутунаси жизғанак қилади, боладаги соф инсоний туйғуларни таҳқирлайди...» деб баҳолайди. Шубҳасиз, бу ўринда бошқачароқ жазо ҳам қўлланилиши мумкин эди. Лекин бир умр ҳалол яшаган отанинг аҳволини ҳис этишга уриниб кўрайлик-чи. Иккинчидан, ўғирлик нинадан бошланади, деган халқ ҳикматини ҳам унутмаслик керак. Пора шаклида олинган, ўғирланган ўша юз минглаб сўм пулларга ҳам бир қарашда «арзимас»дек туюлган шундай ҳодисалар дебоча бўлганлиги шубҳасиздир. Масаланинг бу жиҳатини ҳам ҳамиша ёдда тутиш лозим. Қолаверса, жаҳон классикасида шундай мисоллар борки, ота ўз ўғлини шу хил «арзимас» иши учун отиб ташлайди. Масалан, Мерименинг «Маттео Фальконе» ҳикояси қаҳрамонлари тақдирини эслайлик.

Хуллас, биз, танқидчилар, шундай ҳолларда қатъий хулосалар чиқаришдан эҳтиёт бўлишимиз керак, токи ўқувчини чалғитиб, ижодкорни эса бекорга хафа қилиб қўймайлик. Акс ҳолда, масалан, Н. Худойберганов, юқорида тилга олинган китобида йўл қўйгани сингари ижодий жараёнга жўн ёндашишга йўл қўйишимиз ҳеч гап эмас. У ёзади: «Агар У. Азимов ё Ш. Раҳмон ёки М. Солиҳ қўлга қалам олишдан олдин: «Мен нега шеър ёзаман? Ўқувчиларга айтадиган салмоқли гапим борми? Замондошларимизнинг маънавий баркамоллигини таъминлашга кўмаклашадиган поэтик образлар ярата оламанми?» — деган саволлар устида бош қотирмаганда, ёзадиган шеърининг негизини ҳаётдан олмаганда, ҳар бир сўз, ибора, қофиянинг нимани ифодалаб, нимани ёритишга сафарбар этилишини кечаю-кундуз изланиб топмаганда, бизга завқ-шавқ, маънавий сабоқ бахш этадиган шеър ёзолмасди». Энди Пушкин «Мен сизни севардим...» шеърини, А. Орипов «Биринчи муҳаббатим»ни ёзишдан олдин ана шундай мушкул саволлар устида бош қотириб ўтиришини хаёлингизга келтириб кўринг-а. Йўқ, тасаввурга сиғмайди.

Булар шуни кўрсатадики, ўзбек адабий-бадиий тафаккурида қайта қуриш ҳали ўзининг тетапоя босқичида турибди. Бу жараёнга халақит бераётган стереотип ёндашувлар, эски, пасайтирилган мезонлар ҳали кўп. Танқид ва адабиётшунослик ижтимоий ҳаётнинг кенг демократлашуви ва қайта қуриш шароитидаги адабий жараённинг чинакам етакчи ва ҳаракатлантирувчи омили бўлиши учун мазкур камчиликларни янгича тафаккурни шакллантириш, тадқиқотларнинг илмий савиясини ошириш, тўлақонли профессионализмни эгаллаш орқали қатъий бартараф этмоғи лозим. Бу борада танқидчи ва адабиётшуносларимиз КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачев эътиборимизни қаратган яна бир муҳим нарсани ҳисобга олишлари керак: «демократлаштириш жараёни танқид қилувчилар ва танқид қилинаётганлар, текширувчилар ва текширилувчилар ўзаро муносабатларига жиддий тузатишлар киритмоқда.

Бу муносабатлар шериклар муносабати бўлиши, умумий манфаатдорлик негизига қурилиши керак. Бу борада мулоқот ўринлироқдир, қаттиқ койиш, панду насиҳат ва айникса, дўқ-пўписага сира йўл қўйиб бўлмайди... Ҳеч ким ўзини ҳақиқатнинг олий ижодкори, дейишга ҳаққи йўқ».

Б. ҚОСИМОВ,
филология фанлари доктори.

РЕДАКЦИЯДАН. Мақолада республикамизда адабиётшунослик ва адабий танқид даражасини юксалтиришнинг бир қатор масалалари кўтарилган, барча филолог олимлар, ёзувчилар ва шоирлар, ўқувчилар мақолада тилга олинган масалалар ҳақида, адабий-танқидий тафаккурнинг мамлакатимиз ҳаётининг барча томонларини қайта қуриш ва жадаллаштириш шароитида жамият маънавий тараққиётидаги аҳамияти тўғрисида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашадилар, деб умид қиламиз.

КПСС тарихи ва партия қурилиши соҳасидаги тадқиқотларни координациялаш республика совети тасдиқлаган кандидатлик диссертациялари темалари

АБУОВ А. (Тошкент). Ўзбекистон Компартиясининг социализмни такомиллаштириш шароитларида студент-ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги фаолияти.

АҚБАРОВ М. (Москва). Бошланғич партия ташкилотларининг агросаноат комплекси ходимларининг меҳнат активлигини ривожлантириш соҳасидаги фаолияти (Ўзбекистоннинг Андижон, Наманган ва Фарғона областлари материаллари асосида (1982—1990 йиллар).

ОРИФХЎЖАЕВ С. Т. (Тошкент). Ўзбекистон Компартиясининг алоқа инженер-техник кадрларини тайёрлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш соҳасидаги фаолияти (1961—1980 йиллар).

АШУРОВА Р. (Бухоро). Ўзбекистон Компартиясининг социализм қурилишидаги раҳбарлик роли историографияси (1925—1937 йиллар).

БАЛЛИЕВА Н. С. (Тошкент). Ўрта Осиё республикалари партия ташкилотларининг социализмни такомиллаштириш шароитида коммунистларнинг ишлаб чиқаришдаги ва ижтимоий-сиёсий активлигини ошириш соҳасидаги фаолияти.

ВАСИЛЬЕВ Б. Е. (Тошкент). Ўзбекистон комсомолининг мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш шароитида кадрларнинг сиёсий маданиятини ошириш соҳасидаги фаолияти (1985—1990 йиллар).

ҒУЛОМОВ Л. Я. (Тошкент). Ўзбекистон Компартиясининг Ўзбекистон ССР ёшлар ташкилотлари Комитетининг чет мамлакатлар ёшлари билан интернационал алоқаларни мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятига раҳбарлиги (1956—1986 йиллар).

ГИЗОВА В. А. (Тошкент). Ўзбекистон Компартиясининг ишчи кадрларни тайёрлашга раҳбарлиги (1946—1961 йиллар)*.

ҒАФФОРОВА Г. Х. (Тошкент). Ўзбекистон Компартиясининг маҳаллий миллатга мансуб ўқувчи ёшларнинг рус тилини ўрганишини яхшилаш соҳасидаги фаолияти (1975—1985 йиллар)*.

ҚОДИРОВА С. Х. (Тошкент). Коммунистик партиянинг миллий маданиятларни ривожлантириш ва уларни бир-бирига яқинлаштириш соҳасидаги фаолияти (1946—1961 йиллар).

КАМОЛОВА Х. Э. (Тошкент). Ўзбекистон Компартиясининг раҳбар партия ва совет кадрларини тайёрлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш соҳасидаги фаолияти (1946—1961 йиллар).

ҚУРБОНОВА С. Ф. (Бухоро). Партиянинг омма билан алоқасининг янада мустаҳкамланиши ва ривожланиши (1981—1985 йиллар), (Ўзбекистон Компартияси мисолида).

---

* Илгари тасдиқланган темани ўзгартириб.

Редакция адреси: 700000, Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.
Телефонлар: бош редактор — 32-58-01; 32-78-87; бош редактор ўринбосари — 32-58-02 32-78-93; масъул секретарь — 32-58-03; 33-60-42; масъул секретарь ўринбосари — 32-58-63; 33-60-42; бўлимлар: марксча-ленинча назарияни пропаганда қилиш — 32-58-65; партия ва совет қурилиши — 32-58-68; экономика — 32-58-71; фан ва маданият — 32-58-66; халқаро хаёт — 32-58-69; танқид ва библиография — 32-58-70.

Корректорлар: **М. Комилов, Ҳ. Каримов.** Техредактор **Э. А. Кушнарь.**

Теришга берилди 8.09.1987 й. Босишга рухсат этилди 5.10.1987 й. Формати 70×108¹/₁₆.
Фотонабор. Офсет босма усули. Шартли босма листи 8,4. Нашриёт ҳисоб листи 9,6.
Тиражи 28261. Нашр В-58. Заказ № 1870.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг
Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Тошкент шаҳри, Ленин кўчаси, 41.

ISSN 0134—2193
Баҳоси 25 тийин
Индекс 75399

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ
НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ» — «КОММУНИСТ УЗБЕКИСТАНА»га

1988 йил учун

ОБУНА ДАВОМ ЭТАДИ

Журнал партия ва халқнинг КПСС XXVII съезди, унинг Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини, ўн иккинчи беш йиллик планини амалга ошириш, социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш, совет жамияти ҳаётининг барча соҳаларида қайта қуриш учун кураши тўғрисидаги материалларни босади. Журнал саҳифаларида Ўзбекистон халқ хўжалигининг актуал проблемалари ёритилади.

Журнал илгаридек марксизм-ленинизм классикларининг ғоявий меросини пропаганда қилишга, социализмни такомиллаштириш, социалистик турмуш тарзини ривожлантириш проблемаларига доимо эътибор беради. Ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси тўғрисидаги мақолалар катта ўрин олади.

Журналхонлар партия ва совет қурилиши, идеология иши назарияси ва практикасига доир, социалистик демократияни янада ривожлантириш, Советлар, касаба союзлари, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги мақолаларни ўқийдилар. Сиёсий ва иқтисодий таълим системасининг пропагандистлари ва тингловчилари ўрганилаётган курсларнинг турли мавзуларига доир методик маслаҳатлар ва консультациялар оладилар.

Журнал маданий қурилиш, фан, адабиёт ва санъатни ривожлантириш проблемаларини ёритишни давом эттиради.

КПСС ва Совет давлатининг ленинча ташқи сиёсати тўғрисидаги, қардош социализм мамлакатларининг муваффақиятлари ҳақидаги, жаҳон коммунистик, ишчилар ва миллий-озодлик ҳаракати тўғрисидаги, буржуа идеологияси ва капиталистик турмуш тарзини фош этувчи мақолалар мунтазам эълон қилиниб борилади.

Журналда муҳим саналар ва воқеалар тўғрисидаги мақолалар, актуал мавзулардаги корреспонденция ва очерклар, журналхонларнинг саволларига жавоблар, янги китоблар тўғрисидаги тақризлар, вақтли матбуотнинг обзорлари, библиография материаллари босилиб турилади.

Журнал ойда бир марта ўзбек ва рус тилларида чиқади.

Обуна «Союзпечать» бўлимлари ва бошқа алоқа муассасалари, корхона ва қурилишлар, колхоз ва совхозлар, илмий муассасалар ва ўқув юртларидаги, меҳнаткашларнинг истиқомат жойларидаги матбуот тарқатувчилар томонидан қабул қилинади.

ОБУНА БАҲОСИ:

Бир йилга — 3 сўм.
Олти ойга — 1 сўм 50 тийин.
Уч ойга — 75 тийин.

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

УЛУҒ ОКТЯБРЬ 70 ЙИЛЛИГИ

11

НОЯБРЬ

1987

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

№ 11
НОЯБРЬ
1987 йил

1920 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ
ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

Ўзбек ва рус тилларида чиқади

Совет кишиларининг ҳар бир авлоди Октябрь ғалабаларини ривожлантиришга, мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилишга ўз ҳиссасини қўшди. Биз ўз тарихимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз, келажакка комил ишонч билан назар ташлаяпмиз.

КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачевнинг КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил июнь Пленумида қилган докладидан.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЕТИ

Тошкент

МУНДАРИЖА

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

1987 йил 21 октябрь куни КПСС Марказий Қомитетининг навбатдаги Пленуми бўлди. Пленум Улуғ Октябрь социалистик революциясннинг 70 йиллиги билан боғлиқ бўлган масалаларни ва баъзи жорий вазифаларни кўриб чиқди.

Шу масалалар юзасидан КПСС Марказий Қомитетининг Бош секретари М. С. Горбачев доклад қилди.

Пленумда КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари Б. Н. Ельцин, КПСС Марказий Қомитетининг секретари Е. Қ. Лигачев, СССР Халқ контроли комитетининг раиси С. И. Манякин, КПСС Астрахань область комитетининг биринчи секретари Л. А. Бородин, ВЦСПС раиси С. А. Шалаев, КПСС Тюмень область комитетининг биринчи секретари Г. П. Богомяков, Украина Компартияси Полтава область комитетининг биринчи секретари Ф. Т. Моргун, КПСС Москва область комитетининг биринчи секретари В. Қ. Месяц, КПСС Пермь область комитетининг биринчи секретари Б. В. Коноплев, СССР Фанлар академияси АҚШ ва Канада институтининг директори Г. А. Арбатов, СССРнинг Франция Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Я. И. Рябов, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков, халқ депутатлари Москва шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. Т. Сайкин, РСФСР Министрлар Советининг Раиси В. И. Воротников, Украина ССР «Краснодонуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Молодогвардейская» шахтаси кон ишчилари комплекс бригадаси бошлиғи А. Я. Колесников, СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси В. М. Чебриков, КПСС Марказий Қомитетининг секретари А. Н. Яковлев, СССР Фанлар академиясининг президенти Г. И. Марчук, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Давлат агросаноат комитетининг раиси В. С. Мураховский, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико, Украина Компартияси Марказий Қомитетининг биринчи секретари В. В. Шчербицкий, Латвия Компартияси Марказий Қомитетининг биринчи секретари Б. Қ. Пуго, ВЛКСМ Марказий Қомитетининг биринчи секретари В. И. Мироненко, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитетининг раиси М. С. Соломенцев, Қозоғистон Компартияси Марказий Қомитетининг биринчи секретари Г. В. Колбин, «Главмосстрой»нинг 1—«Мосстрой» тресги комплекс бригадасининг бошлиғи В. А. Затворницкий ўртоқлар сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Қомитетининг Бош секретари М. С. Горбачев якунловчи нутқ сўзлади.

Пленум М. С. Горбачев докладида баён қилинган асосий қоидалар ва хулосаларни маъқуллади ҳамда мазкур масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Пленум ташкилий масалани кўриб чиқди.

Пленум ўртоқ Г. А. Алиевнинг саломатлиги ёмонлашганлиги сабабли пенсияга чиқиши муносабати билан КПСС Марказий Қомитети Сиёсий бюроси аъзоси вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги илтимосини қондирди.

Шу билан КПСС Марказий Қомитетининг Пленуми ўз ишини тугаллади.

УЛУҒ ОКТЯБРЬ 70 ЙИЛЛИГИ

ОКТЯБРЬ ИШИНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДАМИЗ

И. УСМОНХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг
биринчи секретари

Совет ХАЛҚИ XX асрнинг инсоният тарихидаги янги даврнинг бошланишини билдирган энг буюк воқеаси — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг етмиш йиллигини жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларини чуқур қайта қуриш вазиятида кутиб олмоқда. В. И. Ленин башорат қилганидек, Улуғ Октябрь кунлари биздан нақадар узоқлаша боргани сайин Россиядаги пролетар революциясининг аҳамияти шу қадар ойдинлашиб бормоқда. «Биз ҳаммамиз Октябрь фарзандларимиз, бугунги жамиятимиз эса Октябрдан кейинги 70 йиллик ривожланиш натижасидир, — деб таъкидлаган эди КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачев оммавий ахборот воситалари ва ижодий союзларнинг раҳбарлари билан учрашувда. — ...Биз ўзимизнинг ўтган ҳар бир кунимиздан фахрланамиз. Шунинг учун ҳам ҳар бир кунимиз, ҳатто ғоят оғир бўлган ҳар бир кунимиз биз учун қимматлидир. Чунки бу бизнинг тарих мактабимиз, бизнинг тарихий сабоқларимиз бўлди».

Октябрь революцияси — бу омма тарихий ижодкорлигининг мисли кўрилмаган парвози, ижтимоий тараққиётнинг, монополистик капитализм шароитидаги синфий курашнинг қонуний натижасидир. Унинг ғалабаси туфайли муқаррар жараёнга — капиталистик тузумнинг янги, коммунистик ижтимоий-иқтисодий формация билан алмашинувига асос солинди. Ҳозиргача инсониятнинг учдан бир қисмидан кўпроғи ўзидан капитализм кишанларини улоқтириб ташлади. Социализм жаҳон системаси сифатида амал қилмоқда, ривожланмоқда, мустаҳкамланмоқда. Мустамлакачилик империяларининг харобалари ўрнида ўнлаб ёш мустақил давлатлар пайдо бўлди. Халқаро ишчилар ҳаракатининг кучлари ортди. Империализм келтирадиган энг даҳшатли офат — уруш, милитаризм ва сиёсий реакцияга қарши оммавий кураш кенг авж олиб бормоқда.

Ўтган ўн йилликлар мобайнида партия билан халқ курашлар ва ғалабаларнинг шонли йўлини босиб ўтди. Қудратли социалистик давлат, социал адолат ва ҳақиқий инсонпарварлик жамияти барпо этилди. Одамларнинг янги тарихий бирлиги — совет халқи таркиб топди. Кишиларнинг зўр ғайрат билан қилган меҳнати, экономикадаги, социал ва сиёсий соҳалардаги, фан ва маданиятдаги катта муваффақиятлар Совет Иттифоқини янги марраларга олиб чиқдики, бу марралар ривожланган социализм босқичини бошлаб берди.

Миллий масаланинг ҳал қилинганлиги тузумимизнинг ажойиб ютуғидир. Октябрь ғалабаси миллий зулмга ҳамда миллатлар ва элатларнинг ҳуқуқий тенгсизлигига абадий барҳам берди. Совет ҳокимияти йилларида халқларнинг тенглиги, уларнинг қардошларча ҳамкорлиги амалда қарор топди. Ҳамма республикаларнинг экономикаси ва маданияти юксалди. Совет Иттифоқи хўжалик, социал ва маданий жиҳатдан яхлит организм сифатида ривожланмоқда.

Совет Ўзбекистони партия ленинча миллий сиёсатининг қандай самаралар берганлиги ва бераётганлигининг яққол далилидир. Ўзбек халқининг Россия составида бошқа халқлар билан бирга нафақат илғор рус демократик маданиятидан баҳраманд бўлганлигини, шу билан бирга унинг ишчилар синфининг большевиклар партияси раҳбарлигидаги революцион ҳаракатига ҳам қўшилганлигини тарих ишонарли тарзда тасдиқлаб турибди.

Россия пролетариатининг Шарқ халқлари билан иттифоқини тузиш ва мустаҳкамлашда В. И. Ленин буюк роль ўйнади. У Маркс билан Энгельс таълимотини ривожлантириб, жаҳоншумул-тарихий тажрибани умумлаштириш асосида партиянинг миллий масала соҳасидаги программаси ва тактикасини ҳар томонлама ишлаб чиқди, озодликка ҳамда ижтимоий тараққиётга эришиш учун ишчилар синфининг курашини миллий-озодлик ҳаракати билан бирлаштиришнинг аҳамиятини очиб берди. Партия, деб уқтирган эди В. И. Ленин, тили ва миллати қандайлигидан қатъи назар, назарий ва амалий, тактика ва ташкилий масалаларни доимо биргалашиб, уюшиб ҳал қиладиган, бутун пролетариатга таянадиган марказлашган, бир бутун жанговар ташкилот бўлиши лозим (Тўла асарлар тўплами, 7-том, 137—138-бетлар).

Октябрь революцияси ленинча интернационализм байроғи остида Ўрта Осиёда ҳам ғалаба қилди. В. И. Ленин асарларида янги ҳаётни бунёд қилишга киришган омма ижодий фаолиятининг кўламлари ҳар томонлама кўрсатилган, партиянинг ўзгарган шароитдаги вазифалари белгилаб берилган. «Қолоқ мамлакатлар илғор мамлакатларнинг пролетариати ёрдами билан, капиталистик тараққиёт босқичини четлаб ўтиб, совет тузумига ва муайян тараққиёт босқичлари орқали коммунизмга ўтишлари мумкин» (ТАТ, 41-том, 274-бет) деган хулоса миллий-озодлик ҳаракати проблемаларининг ленинча анализининг мантиқий якуни бўлди.

Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси Ўрта Осиёдаги социалистик туб ўзгартишларга катта эътибор берди. В. И. Ленин раҳбарлигида 1919 йил февралида РСФСР ХКСнинг алоҳида (муваққат) комиссияси, 1919 йил октябрида — РКП(б) МК, БМИК ва РСФСР ХКСнинг Туркистон ишлари бўйича комиссияси (Туркомиссия) тузилди. В. И. Ленин ташаббусига кўра кўзга кўринган партия арбоблари, оташин революционерлар М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, Я. Э. Рудзутак, Г. К. Оржоникидзе, М. И. Калинин, С. И. Гусев, П. Н. Лепешинский ва бошқалар Туркистонга юборилди. Улар ташкилий-партиявий ва ғоявий-тарбиявий ишларни такомиллаштириш, партиянинг ишчилар синфи ва кенг меҳнаткашлар оммаси билан алоқаларини мустаҳкамлаш учун кўп иш қилдилар. 1918—1924 йилларда ўлкани сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожлантириш масаласи партия Марказий Комитетида 60 мартадан кўпроқ муҳокама қилинди. Фақат 1921 йил мартидан 1922 йил мартигача МКнинг ташкилий-инструкторлик бўлимига Туркистондан 2074 материал тушди. Туркомиссия, Туркистон бюроси, Туркистон Компартияси съездларининг ҳужжатлари бу органларнинг пролетар интернационализми принципларини оғишмай ҳаётга татбиқ қила борганликларини кўрсатади. Бухоро ва Хоразмдаги Улуғ Октябрнинг бевосита таъсири остида ғалаба қилган халқ революциялари ҳам В. И. Лениннинг назар-эътиборида бўлган эди.

В. И. Ленин қолоқ районлардаги коммунистик ташкилотларнинг ривожланиш йўлларини белгилар экан, улар давлат ва партия қурилишининг умумий қонуниятларини маҳаллий конкрет-тарихий шароитларни қатъий ҳисобга олган ҳолда қўллашлари керак деб уқтирган эди. У Шарқ халқлари коммунистик ташкилотларининг II Бутун Россия съезди делегатларига мурожаат қилиб, шуни қатъиян маслаҳат берган эди: «Сиз, Европа мамлакатларида бўлмаган алоҳида шароитга мувофиқ тарзда умумкоммунистик назарияга ва амалиётга таяниб, бу назария ва амалиётни асосий омма деҳқонлардан иборат бўлган шароитга, капиталга қарши кураш вазифасини эмас, балки ўрта асрчилик қолдиқларига қарши кураш вазифасини ҳал қилиши керак бўлган шароитга татбиқ эта билишингиз лозим» (ТАТ, 39-том, 380-бет).

Партия ташкилотлари ўзларининг амалий фаолиятида ана шу кўрсатмага қатъий риоя қилдилар. В. И. Ленин миллий республикаларнинг рус меҳнаткаш оммалари билан мустаҳкам алоқасини, рус ишчилар синфининг интернационал ёрдамини проблемаларни ҳал этиш калити деб билган эди. Партия социалистик қурилишнинг дастлабки кунларидан бошлабоқ орқада қолган халқларга давлат тузумини бунёд этишда, экономика ва маданиятни жадал ривожлантиришда ана шундай ёрдам кўрсатилишини ташкил этди.

Ўрта Осиёда миллий-давлат чегараланишининг ўтказилиши натижасида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ташкил этилганлиги ўзбек

халқи тарихида энг муҳим босқичлардан бири бўлди. Бу ғоянинг ўзи партиянинг миллий масала соҳасидаги программасидан, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи тўғрисидаги ленинча қоидадан келиб чиқар эди.

Биринчи беш йилликлардаги буюк ишлар, янги дунё бунёдкорларининг ғайрат-шижоати тарихдан абадий ўрин олди. Ўзбекистонда саноат марказларининг яратилиши, миллий ишчилар синфининг шаклланиши қардош халқларнинг биргаликдаги куч-ғайратларининг натижаси бўлди. Қатор енгил саноат корхоналари асбоб-ускуналари ва ишчи кадрлари билан бирга Марказий Россиядан бизнинг республикамизга кўчириб келинди. Москва, Ленинград, Иваново-Вознесенск ва бошқа шаҳарларнинг олий ўқув юртлари ва саноат корхоналари биз учун малакали кадрлар тайёрлашди. Умумиттифоқ саноатида Ўзбекистон салмоғи 1 процент бўлгани ҳолда у дастлабки беш йилликлар давомида СССР саноатига сарфланган барча капитал маблағларнинг 2,1 процентини, янги қурилишга ажратилган маблағларнинг 3,4 процентини олган эди.

Индустриянинг ривожланиши бутун халқ хўжалигини юксалтириш, саноат билан қишлоқ хўжалиги ўртасидаги хўжалик алоқаларини кенгайтириш учун база бўлди. Партия зарур моддий ва социал асосларни яратгач, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини кенг миқёсда коллективлаштиришга киришди. Бунда ҳам колхозларнинг моддий-техника базасини яратишда ва уларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлашда, синфий душманга қарши курашда ишчилар билан деҳқонларнинг интернационал иттифоқи, қардош халқлар кўрсатган ёрдам катта роль ўйнади. Россия Федерациясида эндигина қуриб битирилган қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводлари республикага тракторлар, асбоб-ускуналар юборди. Москва, Ленинград, Иваново-Вознесенскдан, мамлакатнинг бошқа шаҳарларидан келган мингдан зиёд коммунист-ишчилар Ўзбекистонда ва бошқа Ўрта Осиё республикаларида фаол меҳнат қилдилар.

Сув хўжалиги қурилиши кенг миқёсда олиб борилди. Урушдан олдинги йилларда ўн минглаб ва юз минглаб кишиларни улкан каналлар, тўғонлар, сўнгра эса заводлар, автомобиль йўллари, шаҳарлар қурилишига сафарбар қилган «ўзбекча ҳашар» бутун мамлакатга донг таратган эди. Катта Фарғона канали саноқли кунлар ичида бунёд қилинди, ўша давр нормаларига кўра бир неча йил мобайнида қурилиши лозим бўлган бу объектда ёшу кексалар қўшиқ ва музика садолари остида фидокорона меҳнат қилди.

Социалистик маданият бунёдкорлари кўплаб шонли ишларни амалга оширдилар. Меҳнаткашларнинг маданий қурилишдаги актив иштироки республикада маорифнинг янги, совет системасини ташкил этишга, ялпи мажбурий таълимга ўтишга ва қисқа муддат ичида аҳолининг ўтмишдаги саводсизлигини тугатишга имконият яратди. Олий ўқув юртлари тармоғи ривожлана бошлади.

Улуғ Ватан уруши йилларида халқлар дўстлиги янада жипслашди. Ўзбекистон Совет Армиясининг йирик жанговар аслаҳахоналаридан бирига айланди. Ўн минглаб эвакуация қилинган ишчилар, хизматчилар ва болалар республикада бошпана топди ва ишга эга бўлди. Юз минглаб ўзбекистонлик жангчилар Улуғ Ватан уруши фронтларида фидокорона жанг қилдилар. Улардан 120 мингдан кўпроқ киши орден ва медаллар билан тақдирланди, 278 жангчи Совет Иттифоқи Қаҳрамони юксак унвонига сазовор бўлди.

Кишиларнинг меҳнат жасорати урушдан кейинги йилларда янгича куч билан намоён бўлди. Ўзбекистон СССР халқларининг қардошлик оиласида қудратли электр станцияларига, қора ва рангли металлургия, химия, саноат ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги, самолётсозлик, электротехника ускуналари, қурилиш материаллари, минерал ўғитлар корхоналари ва бошқаларга эга ривожланган саноат ўлкасига айланди. Ҳозирги пайтда республикада 1300 дан зиёд йирик ишлаб чиқариш бирлашмаси ва корхонаси ишлаб турибди, бу ерда ҳар тўрт кунда революциядан илгари бутун бир йил давомида ишлаб чиқарилганига тенг электр энергияси ҳосил қилинмоқда. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш кўпаймоқда. Кўпгина фабрика ва заводлар ўз маҳсулотларини Европа, Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг 70 дан кўпроқ мамлакатига экспорт қилади.

Республика агросаноат комплексида етакчи ўрин тутадиган қишлоқ хўжалиги Совет ҳокимияти йилларида йирик механизациялашган тармоққа айланди. Умумиттифоқ ишлаб чиқаришида чигитли пахтанинг қарийб учдан икки қисми, тут

ипак куртининг 60 процентдан кўпроғи, қоракўл терисининг учдан бир қисмидан зиёди Ўзбекистон ССР ҳиссасига тўғри келади. Каноп, мева, узум, сабзавот ва полиз экинлари етиштириш умумиттифоқ аҳамиятига эгадир.

Ўзбекистон бугунги кунда йирик қурилиш майдонидир. Қурилиш комплексида юз минглаб кишилар ишлайди. Давлат капитал маблағлари ҳажми ўнинчи ва ўн биринчи беш йилликлар давомида 1,8 баравар ошди. Ўтган ўн йил мобайнида 150 дан зиёд йирик саноат корхонаси қурилди.

Маориф ва маданият соҳасида туб ўзгаришлар рўй берди. Халқ хўжалигида ишлаётган 1000 кишидан 916 киши олий ва ўрта (тўла ва тўлиқсиз) маълумотга эга. Минг кишилик аҳолига тўғри келадиган студентлар сони бўйича Ўзбекистон кўпгина ривожланган мамлакатлардан олдинда туради. Республикада 38 мингдан зиёд илмий ходим бор. Кўп миллатли совет маданиятининг самарали таъсири остида адабиёт ва санъат равнақ топмоқда.

Октябрнинг 70 йиллиги — нафақат улкан байрам, шу билан бирга у шундай бир марра ҳамки, партия ва халқимиз бу марра юксаклигидан туриб босиб ўтилган йўлнинг якунлари ва сабоқларини, дунёда юз бераётган ўзгаришларни, совет жамияти ривожланишининг ҳозирги ғоят муҳим босқичида унинг олдида турган янги вазифаларни идрок қиладилар. Мамлакатимизда бошланган қайта қуриш Октябрь ишининг бевосита давоми, унинг буюк ғояларининг конкрет тимсолидир. КПСС МК апрель (1985 йил) Пленуми ва партия XXVII съездидан сўнг совет жамияти ҳаракатга келди, янгича нафас ола бошлади.

Партия қайта қуриш йўлини тутар экан, бу ишни ўзини, ўзининг иш услуб ва методларини қайта қуришдан бошлади. Бунда коммунистлар қуйидаги ленинча талабга амал қиладилар: иш кўпроқ бўлсин, ҳал этилмаган проблемаларга кўпроқ эътибор берилсин, дабдабали гаплар ва хитоблар камроқ бўлсин.

Бу йўл-йўриқлар республика партия ташкилоти учун алоҳида аҳамиятга эга. КПСС XXVII съездида, партия МКнинг январь (1987 йил) Пленумида Ўзбекистон Компартиясининг фаолияти қаттиқ, лекин адолатли танқид қилинди. Яқин ўтмишда йўл қўйилган кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш соҳасидаги ленинча принципларни бузишларга алоҳида кескин, юзхотирсиз баҳо берилди. Бундай принципларнинг қариндош-уруғчилик, юртдошлик, шахсий садоқат белгилари, кўпинча эса ғаразли ниятлар билан алмаштирилганлиги раҳбар ходимларнинг анча қисми бузилиши ва айнишига, экономика, социал соҳа ва идеология ишидаги ўпирилишларга олиб келди. Республика партия ташкилоти Ўзбекистон Компартияси МКнинг XVI пленумида (1984 йил июнь) ва ўзининг XXI съездида ишлар аҳволини талабчанлик билан, ўз-ўзини танқид руҳида анализ қилди. КПСС МКнинг доимий улкан ёрдами билан салбий ҳодисаларга қарши изчил, муросасиз кураш бошланди.

Кадрлар масаласига биринчи даражали аҳамият берилмоқда. Кадрлар сиёсати партия қурилишининг ленинча принципларига тўла мувофиқ равишда белгиланди, унинг моҳиятини икки сўз билан шундай ифодалаш мумкин: поклаш ва янгилаш. Ўзбекистон Компартияси МК партия, совет, давлат ва хўжалик раҳбарлигининг, жамоат ташкилотларининг ҳамма бўғинларини ўз обрўсини тўкиб қўйган, қўли нопок шахслардан тозалашга қаратилган қатъий йўлни ишлаб чиқди ва уни изчиллик билан ҳаётга татбиқ қилмоқда. Уларнинг ўрнига муносиб, партия ишига содиқ ходимлар кўтарилмоқда. Уларнинг қайта қуришга муносабати, кишиларни сафарбар қила олиш қобилияти, ҳар доим янгилик сари интилиши, камчиликларга, турғунликка муросасизлиги, юксак маънавий фазилатлари раҳбарлик лавозимини эгаллаш қобилиятига баҳо беришдаги асосий мезон ҳисобланади. Олиб борилаётган ишлар характери ва миқёслари тўғрисида қуйидаги рақамларга қараб фикр юритиш мумкин. 1984 йилдан бери КПСС МК номенклатурасида турган кадрларнинг 90,4 проценти, Ўзбекистон Компартияси МК номенклатурасида турган кадрларнинг 76,6 проценти алмаштирилди. Республикалараро кадрлар алмашишнинг кучайганлиги — бу ишдаги янги принципиал жиҳатдир. Кадрлар масалаларини ҳал этишдаги ошна-оғайнигарчилик шунга олиб келган эдики, партия комитетларида амалда кадрларнинг амалий резерви йўқ эди. Ана шу шароитда КПСС Марказий Комитети иттифоқ органларидан, мамлакатнинг йирик партия ташкилотларидан уч юздан зиёд кишини Ўзбекистонга доимий ишга юбориш билан республика партия ташкилотига ғоят

катта, ҳақиқий интернационалистик ёрдам кўрсатди. Ана шу ташаббускор ва компетентли кишилар янгича ғайрат билан ишламоқдалар, мамлакатнинг бошқа регионларида мавжуд бўлган партия, совет, хўжалик иши соҳасидаги энг яхши тажрибани тўплашга ёрдам бермоқдалар. Ўзбекистон Компартияси МК қайта қуриш — бу аввало кишиларнинг ақли-заковати, онгини қайта қуриш эканлигини, бунда инсон омили бош омил эканлигини ҳисобга олиб, кадрлар билан ишлашни такомиллаштиришнинг комплекс программасини ишлаб чиқди, бу программа КПСС МК томонидан маъқулланди. Бир томондан, РСФСРнинг марказий областлари, Украина, Белоруссиядан ишлаб чиқаришда яхши чиниққан, зарур сиёсий ва интернационалистик хислатларга эга ходимларни доимий ишлаш учун Ўзбекистон ССРга юбориш практикаси давом этмоқда. Иккинчи томондан эса — ўзбекистонлик ўсадиган ва истиқболли ходимлар кейинчалик республикада фойдаланиш нияти билан КПСС МК аппаратига, СССР Олий Совети Президиумига ва СССР Министрлар Советига, ВЦСПС, ВЛКСМ МК, иттифоқ министрликлари ва идораларига юборилмоқда.

Шунингдек партия, совет ходимларининг бошқа регионлар партия комитетларида 1—2 йил мобайнида стажировкадан ўтиши ҳам бошлаб юборилди. Гап, шунингдек, корхоналар, ташкилотлар, хўжаликларнинг директорлари, бош мутахассислари, цех бошлиқларининг мамлакатнинг илғор корхоналарида стажировкадан ўтиши тўғрисида ҳам бормоқда. Ёш мутахассислар — Ўзбекистон ССР ва бошқа иттифоқдош республикалар олий ўқув юртларининг битирувчилари билан алмашиниш ҳам ўсиб бормоқда.

Қардош республикалар ёрдамида айниқса фан-техника тараққиётини жорий этиш билан боғлиқ ихтисослар бўйича маҳаллий миллатга мансуб индустриал ишчилар синфини тайёрлашга доир йирик миқёсли чора-тадбирлар катта сиёсий ва социал аҳамиятга эгадир. Ҳозир туб миллатга мансуб ишчилар ҳиссаси индустриал тармоқларда паст. «Ташсельмаш», Тошкент трактор заводларида, Олмалиқ кон-металлургия комбинатида ва бошқа йирик корхоналарда ўзбеклар салмоғи 20—25 процентдан ошмайди. Умуман мамлакат бўйича ўсмирлик ёшидаги ҳар 1000 кишидан 97 киши ҳунар-техника билим юртлари системасида тайёрланмоқда, бизда эса бу кўрсаткич атиги 56 кишидан иборат.

Шу туфайли, ишчилар синфи кадрларини тайёрлашни кенгайтириш — республикани социал-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг объектив талабидир. Шу мақсадда ҳозирги беш йилликда ўзбекистонлик 25 минг йигит ва қиз Россия Федерацияси, Украина ва Белоруссиянинг ҳунар-техника билим юртларида таълим олади. Ундан ташқари, ҳар йили саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалигининг 10 мингга яқин ишчиси стажировкага юборилади. Улар бу жойларда нафақат юксак малака ҳосил қилишади, шу билан бирга интернационал жиҳатдан чинакамига тобланадилар, илғор ишчилар синфининг коллективчилик онгини сингдирадилар.

Белгиланган чора-тадбирлар қуйидан юқоригача ҳамма бўғинларни, ҳақиқий интернационалистик принциплар асосида ҳал қилинаётган кадрлар проблемаларининг бутун системасини қамраб олади.

Хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларининг янгилиги ва мураккаблиги кадрларга нисбатан оширилган талаблар қўймоқда. Барча тоифадаги ходимларнинг сиёсий, амалий ва маънавий хислатларига оид мезонларнинг ўзи КПСС МК январь ва июнь Пленумларининг қарорлари асосида янгича мазмун касб этмоқда. Партия комитетлари ёш кадрларни тажрибали кадрлар билан тўғри қўшиб олиб бориш зарурлиги тўғрисидаги қоидага амал қилган ҳолда кадрларни ёшартиришга муваффақ бўлмоқда. Ҳозир партия ходимларининг қарийб ярми — 35 ёшгача бўлган кишилардир. Мутахассислар ўртасида бундай ёшдаги кишилар миқдори 56 процентгача кўпайди.

Кадрлар иши халқлар дўстлигини мустаҳкамлашга кўмаклашиши керак. Раҳбар кадрлар состави республиканинг миллий структурасини акс эттириши кераклигига қаратилган йўл изчиллик билан олиб борилмоқда. Сўнгги пайтда раҳбар ходимларнинг миллий состави кенгайди, партия комитетларининг номенклатураси 57 миллат вакилларини ўз ичига олади. Партия комитетларининг 70 процентида биринчи ва иккинчи секретарларнинг турли миллатларга мансуб шахслар эканлиги ҳам анча аҳамиятга эга фактдир.

Хотин-қиз кадрларни кўтариш масаласида ҳам силжишлар рўй берди. Область, шаҳар, район партия комитетлари секретарлари ўртасида хотин-қизлар сони 1981 йилдаги 24 процентдан ҳозир 32 процентгача ошди. 1984 йилда 23 хотин-қиз область партия комитетларининг секретарлари, шаҳар, район партия комитетларининг биринчи ва иккинчи секретарлари бўлиб ишлар эди, ҳозир эса 37 хотин-қиз ана шундай лавозимларда ишлашмоқда.

Кадрларнинг партиявий-сиёсий таълимига, улар малакасини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Республика Компартияси МҚ номенклатурасида олий партия ўқув юртларини тугаллаган ходимлар сони 21 процентни ташкил этади, 1990 йилга бориб улар сонини икки баравар ошириш белгиланган. Бу масалада ҳам КПСС МҚ бизга катта мадад кўрсатмоқда. Ҳозирги пайтда республикамизнинг беш юздан зиёд вакили КПСС МҚ ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясида, мамлакатнинг партия мактабларида таълим олмоқда.

Кадрлар сиёсатини қайта қуриш партия комитетлари ҳамда ташкилотларининг ташкилотчилик ва сиёсий ишининг услуб ва методларини қайта қуриш билан чамбарчас боғлиқдир. Бундай қайта қуриш коллектив тарздаги раҳбарликни ҳар тарафлама мустаҳкамлаш, қилинаётган иш натижаларини танқидий нуқтаи назардан анализ қилиш йўлидан бормоқда. Партия комитетларининг республика ҳаётининг ҳамма томонларига раҳбарлик қилишга доир фаолиятида асосий эътибор ишонтириш методларига, омма ташаббускорлигини ривожлантиришга қаратилмоқда. Партия ташкилотларида рўйиростлик, ошкоралик билан характерланадиган, ҳақиқий демократизм руҳи билан суғорилган ишчанлик муҳити қарор топмоқда. Ишчи секретариатларини ўтказиш МҚ, область партия комитетларининг иш тажрибасида расм бўлмоқда, уларда ҳамма жорий масалалар, шу жумладан кадрлар масалалари очиқдан-очиқ фикр алмашиш муҳитида муҳокама қилинади. Ишни коллектив бўлиб анализ қилиш ва унинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш учун йирик проблемалар юзасидан партия комитетлари аъзоларининг кенгашларини ўтказиш одат тусига кирмоқда.

Сайлаб қўйиладиган партия органлари фаолиятини планлаштириш қайта кўриб чиқилди ва такомиллаштирилди. МҚнинг 1986—1990 йилларга мўлжалланган КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди қарорларини бажаришга доир перспектив плани республика партия ташкилоти олдида турган асосий вазифаларнинг қисқача характеристикасини, уларни ҳал қилишнинг бош йўналишларини ўз ичига олган. МҚ бюросида кўриб чиқиш учун қўйиладиган масалалар миқдори анча қисқартирилди, секретариат мажлислари эса асосан партия директивалари ва МҚнинг илгари қабул қилинган қарорларининг бажарилишини контроль қилишга бағишланади. Шундай қилиб, қабул қилинаётган қарорлар, партия комитетларига юбориладиган ҳужжатлар сонини бирмунча қисқартиришга муваффақ бўлинди. Шундай бўлса-да, бу соҳада ҳали кўп ишларни қилиш керак бўлади.

Партия комитетлари ва ташкилотларида ўзаро талабчанлик муҳити яратилмоқда, кадрларнинг топширилган иш участкаси учун, барча партия аъзоларининг ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётда ўзларининг авангардлик ролини таъминлаши учун масъулияти оширилмоқда. Бунга коммунистларнинг, аввало раҳбарларнинг бошланғич партия ташкилотлари йиғилишларидаги ҳисоботлари анча ёрдам бермоқда. Бунда иккита бир бутун вазифа ҳал қилинади: қуйидан туриб назорат қилиш кучайтирилади ва бошланғич партия ташкилотининг роли, унинг жанговарлиги оширилади. Биргина ўтган йили 25 минг раҳбарнинг ҳисоботи тингланди, улардан 10 минг киши — биринчи шахслардир. Партия ички демократиясини ривожлантириш, партия интизомини мустаҳкамлаш, кадрлар масъулиятини ошириш формаси сифатидаги ҳисоботлар партия ташкилотлари ҳаётида тобора сезиларлироқ роль ўйнамоқда. Ҳисобот берувчиларга қарата айтиладиган таклиф ва мулоҳазалар кишиларни сафарбар қилади ва уларни илдамлаштиради, маънавий муҳитга самарали таъсир кўрсатади.

Ҳозирги пайтда область, шаҳар, район партия комитетларининг бюро йиғилишларида тез-тез ўтказилаётган партия, совет, хўжалик раҳбарларига улар фаолиятининг кучли ва заиф томонларини кўрсатиб, уларнинг ишини ҳозирги талабларга мувофиқ равишда қайта қуришнинг асосий йўналишлари аниқ белгилаб берилган муфассал характеристикаларнинг муҳокамалари ҳам ана шу

мақсадга — ўзаро талабчанликни оширишга, ўртоқларча танқидни ривожлантиришга хизмат қилади. Сурхондарё, Сирдарё, Андижон область партия комитетлари ва бошқа айрим партия комитетларининг тажрибаси кўрсатишича, бундай иш формаси кадрларни тарбиялашга яхши хизмат қилади.

Раҳбар партия, совет, хўжалик ишига кўтариш мўлжалланган номзодларни очиқ партия йиғилишларида кенг, ошкора муҳокама қилиш ҳам принципиал жиҳатдан муҳимдир. Бу иш қоида тусини олмоқда, у кадрларни кўтаришда хатолардан холи бўлишга ёрдам беради, ҳамма ходимларни ўзининг бошланғич партия ташкилоти, меҳнат коллективи олдида масъулиятли бўлиш руҳида тарбиялайди. Турли даражадаги 18 минг раҳбарни сайлашга оид дастлабки тажриба ҳам қизиқарли ва муҳим бўлди. Уларни сайлаш — ғоят жиддий демократик ҳодиса, меҳнаткашлар онгидаги ҳақиқий кескин бурилиш натижаси, қайта қуриш йўлининг амалий қўллаб-қувватланишидир.

Шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотларининг иш услуби ва методларини қайта қуришга алоҳида эътибор берилмоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзида МК ходимлари группалари тахминан 500 партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларида иш услуби ва методларини қайта қуришнинг боришини ўргандилар. Янгича ёндашувларнинг элементлари, ҳаётимизнинг турли томонларини такомиллаштириш йўлларини излаш улар фаолиятида тобора кўпроқ намоён бўлиб бормоқда. Масалан, Ўзбекистон Компартияси МК «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилотининг конструкторлар ва технологлар меҳнатини ташкил қилишнинг бригада методини жорий қилишга доир иш тажрибасини маъқуллади. Бу ерда 150 киши шартли равишда холи қилинган, ишланмалар муддатлари 25—30 процент қисқарди, ишларнинг ҳажмлари 1,7 баравар ошди, конструкторлар ва технологларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 24 процент кўпайди. «Навоиазот» бирлашмасида коммунистлар ташаббусига кўра ишлаб чиқаришни ва социал-маиший соҳани ривожлантиришнинг комплекс программаси бажарила бошланди. Коллектив иши стабиллашди, ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсиши асосий фондларнинг ўсишига нисбатан икки баравар ошди.

Шу билан бирга кўпгина бошланғич партия ташкилотларининг ишида ҳали ҳам қабул қилинаётган қарорларда юзакилик, амалий хатти-ҳаракатларда мантиқсизлик учраб туради. Бунда умумий кўрсатмалар билан чекланаётган, бошланғич ташкилотларга лозимича кўргазмали тарзда раҳбарлик қилмаётган партия комитетлари ҳам айбдордир. МК бюросида Андижон область партия комитетининг бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини КПСС МК январь (1987 йил) Пленуми талаблари асосида қайта қуришга доир ишининг муҳокама қилиниши ана шуни кўрсатди. Гарчи область партия комитети бошланғич партия ташкилотларига раҳбарлик даражасини бирмунча оширган бўлса-да, лекин ҳозирча бу ташкилотларнинг кўпчилиги фаолиятида КПСС МК Пленумининг йўл-йўриқлари ва қоидалари ҳаётга конкрет татбиқ қилинганича йўқ. Қайта қуришнинг кўпгина йўналишлари бўйича бутун бир қатор имкониятлар чинакамига ишга солинмаган.

Бу ва бошқа фактлар қайта қуриш — мураккаб ва кўплар учун оғир жараён эканлигидан далолат беради. Ҳозирги шароитда коммунистлар масъулиятини ошириш, уларнинг авангардлик ролини таъминлаш тўғрисидаги масала алоҳида кескин бўлиб бормоқда. Шу муносабат билан КПСС МКнинг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилотининг ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қарори алоҳида аҳамият касб этади. Ана шу ғоят муҳим умумпартиявий ҳужжатдан келиб чиқадиган қоидалар ва хулосалар бутун республика партия ташкилоти учун актуалдир. Қарор партия сафларининг софлиги тўғрисида доимо ғамхўрлик кўрсатиш, партияни тасодифий кишиларнинг суқилиб киришидан пухта ҳимоя қилиш, партияга кираётганларга талабчанликни оширишга йўналтиради. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Компартиясида 89 миллатга мансуб қарийб 660 минг коммунист бор. Унинг составининг 40 проценти — ишчилар, 24 проценти — колхозчилар, 36 проценти — хизматчилардир. Коммунистларнинг 73 проценти моддий ишлаб чиқариш соҳасида ишлайди.

Халқ хўжалигида юқори кўрсаткичларга эришиш, одамлар турмушини яхшилаш — ҳар бир партия ташкилоти, ҳар бир меҳнат коллективи ишига баҳо

беришда асосий мезондир. Республика ишчилари, колхозчилари, зиёлилари Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига, шу жумладан бутун беш йиллик учун юксак социалистик мажбуриятлар олдилар. Саноат ишлаб чиқаришини ва меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг ўртача йиллик суръатлари белгиланган топшириқлардагига нисбатан 10—15 процент ошиши керак. Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотининг ўртача, йиллик ҳажмини 16 процентга кўпайтириш планлаштирилмоқда. Меҳнат унумдорлигини оширишга доир беш йиллик топшириқларини ошириб бажариш ҳисобига қўшимча равишда камида 300 миллион сўмлик миқдорда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш мўлжалланган.

Республикада партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, кадрлар масъулиятини ошириш соҳасида бажарилаётган ишлар ўз натижаларини бермоқда. Ўзбекистон Компартияси МКнинг VI пленумида (1987 йил август) қайд қилинганидек, салбий ҳодисаларга принципиал баҳо бериш, уларни келтириб чиқарган сабабларни чуқур идрок қилиш зарурлигининг кенг миқёсда тушунилганлиги республикадаги қайта қуришнинг дастлабки ижобий якуни бўлди. Ана шу аччиқ ҳақиқат республика партия ташкилотини янада мусаффороқ ва кучлироқ, монолит қилади, унга барча меҳнаткашларни ўз теварагида халқлар дўстлиги оиласида, қайта қуриш учун курашда муносиб, ўзига лойиқ ўрин эгаллашга бўлган ягона интилиш билан жипслаштиришга имкон беради. План, молия ва меҳнат интизоми бирмунча мустаҳкамланди. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш проблемаларини ҳал этиш борасида дастлабки умидвор қадамлар ташланди, мавжуд ишлаб чиқариш потенциалидан тўлароқ фойдалана бошланди. Ишлаб чиқариш ҳажмларини муайян тарзда оширишга, халқ хўжалиги қатор тармоқларининг ўсиш суръатларини юксалтиришга муваффақ бўлинди. Агар 1983—1984 йилларда саноат маҳсулотини кўпайтиришнинг ўртача йиллик суръатлари 3,5 процент бўлган бўлса, унда бу кўрсаткич сўнгги икки йил давомида 6,5 процентни ташкил этди. Шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида товар маҳсулоти бўйича план 101,2 процент қилиб бажарилди. Планга қўшимча 178 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва тайёрлаш барқарорлик билан ўсмоқда. Аҳолини газлама, пойабзал, бошқа товарлар билан таъминлаш бирмунча яхшиланди, ҳақ тўланадиган ва маиший хизмат кўрсатиш кўпаймоқда. Молиявий аҳволда ҳам бир қанча ижобий ўзгаришлар юз берди, хўжалик фаолиятининг ҳамма турларидан олинаётган фойда қарийб 20 процент кўпайди.

Шу билан бирга республикада яхши томонга бўлган ўзгаришлар ниҳоятда секинлик билан амалга ошмоқда, қайта қуриш иши анча мураккаброқ бўлиб чиқди, тўпланиб қолган проблемаларнинг илдизлари эса олдин тасаввур қилганимиздагига нисбатан чуқурроқ экан. X ва XI беш йилликлардаги салбий тенденцияларнинг оқибатларига ҳозирча тўла барҳам берилмаган. Саноатда меҳнат унумдорлигини ошириш суръатлари паст. Шу йилнинг январь—сентябрь ойларида маҳсулот етказиб беришлар билан бирга ҳисоблаганда саноат маҳсулотини реализация қилиш плани 97,3 процент бажарилди. Маҳсулот сифати секинлик билан яхшиланмоқда, фан-техника тараққиёти ютуқлари лозим даражада тез жорий қилинмаяпти. Капитал қурилишда аҳвол танг. Кўпгина қурилишларда меҳнатнинг ташкил этилиши паст, қўл ишлари салмоғи юқори.

Бундай камчилик ва хатоларни бартараф қилиш экономикани бошқаришни тубдан қайта қуришни тақозо этмоқда. КПСС МК июнь (1987 йил) Пленуми хўжалик механизмини тубдан ислоҳ қилишни белгилади. Бу партия, совет ва хўжалик органлари олдига социал-иқтисодий ривожланишнинг актуал проблемаларини сифат жиҳатдан янги негизда ҳал этиш учун куч-ғайратларни бир неча бор кўпайтириш вазифасини қўяди. Ўн учинчи беш йилликка янги хўжалик механизми билан кириб бориш учун барча корхоналар ва бирлашмаларни тўла хўжалик ҳисобига ва маблағ билан ўзини ўзи таъминлашга ўтказиш керак бўлади. Ўзбекистонда 86 саноат корхонаси шу йил бошидан буён ўз харажатларини ўзи қоплаш ва маблағ билан ўзини ўзи таъминлаш шароитида ишламоқда. Гарчи оз муддат ўтган бўлса-да, хўжалик юритишнинг янги методларини жорий этишга пухта тайёрланган жойларда яхши натижаларга эришилди. Келгуси йилнинг ўзида саноат корхоналарининг учдан икки қисми тўла хўжалик ҳисоби ва маблағ билан ўзини ўзи таъминлаш шароитига ўтказилади, моддий ишлаб чиқариш

соҳаси барча тармоқларининг ана шу иш методларига ўтиши эса беш йиллик охиригача ниҳоясига етиши керак. Партия ташкилотлари ва комитетлари раҳбарликнинг сиёсий методларини қарор топтиришга қаратилган йўлни оғишмай амалга оширишлари, ижтимоий ҳаётда рўй бераётган жараёнларни доимий эътиборда тутишлари, ишлар аҳволини объектив баҳолашлари, кадрларни янгича ишлашга ўргатишлари, меҳнат коллективларининг бошқарувнинг демократик принципларини жорий этишга доир ташаббусини ривожлантиришлари, хўжалик юритишнинг янги шароитидаги энг яхши иш тажрибасини оператив тарзда умумлаштиришлари ва изчиллик билан оммалаштиришлари лозим.

Республика агросаноат комплекси қайта қуриш ва қарор топишдан иборат мураккаб даврни бошдан кечирмоқда. Ҳозирги пайтда асосий ишлаб чиқариш фондларининг 40 процентга яқини унинг ҳиссасига тўғри келади. Фақат ўн биринчи беш йиллик давомида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига қарийб 15 миллиард сўмлик маблағ сарфланди. Лекин асосий фондларнинг ҳар минг сўми ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш сўнгги йилларда нафақат ошмади, балки пасайишга бўлган тенденцияга эга бўлиб қолди. Республика қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги мамлакатдаги ўртача кўрсаткичга нисбатан деярли икки баравар кам, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари кўпгина турларининг таннархи эса ўртача даражадан анча юқоридир. Деҳқончилик ва чорвачилик маданияти бугунги талаблардан орқада қолмоқда. Гарчи йил бошидан бери гўшт тайёрлаш 6 процент, сут — 8, тухум тайёрлаш 10 процент кўпайган бўлса-да, бироқ аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш сезиларли даражада яхшиланганн йўқ.

1987 йил июлида республика партия-хўжалик активи КПСС МКнинг «Ўзбекистон ССР, Тожикистон ССР ва Туркманистон ССРда агросаноат комплексининг табиий-иқтисодий потенциалидан қониқарсиз фойдаланилаётганлиги тўғрисида»ги қарорини бажаришга доир вазифаларни батафсил муҳокама қилди. Агросаноат тармоқларини илмий негизга ўтказишга оид чора-тадбирлар белгиланди ва амалга оширилмоқда. Булар — ҳамма жойда бошқарувнинг иқтисодий методларини, алмашлаб экишни жорий этиш, экишдан то ҳосилни йиғиб-териб олишгача бўлган ҳамма операцияларда техникадан самарали фойдаланиш, уруғчиликда тартиб ўрнатиш, фан янгиликларини ишлаб чиқаришга жадал олиб киришдан иборатдир. Пахтачиликда пировард натижага — толанинг чиқиши ва сифатига қараб ҳақ тўлашга ўтилмоқда. Мелиорация соҳасидаги инвестиция сиёсати тубдан қайта қурилмоқда, капитал маблағларнинг 70 процентдан кўпроғи суғориладиган ерларни реконструкция қилиш ва уларнинг ҳосилдорлигини оширишга сарфланмоқда, чунки 600 минг гектар ер яхшилашга доир долзарб ишларни бажаришга ниҳоятда муҳтождир.

Пахта билан беданн алмашлаб экишни кенг жорий этиш натижасида пайдо бўлган имкониятлардан юқори самара билан фойдаланиш Озиқ-овқат программасини амалга ошириш учун ниҳоятда муҳимдир. Партия комитетларининг ташкилотчилик ва сиёсий иши бизнинг асосий бойлигимиз — ердан фойдаланишнинг юксак самарадорлигини таъминлашга, ҳар бир гектар суғориладиган ер, ҳар бир ферма келтирадиган самарани кўпайтиришга қаратилмоқда. Агросаноат комплексининг барча тармоқларида ҳамма жойда хўжалик юритишнинг янги методларига қатъият билан ўтиш, одамларнинг меҳнат активлигини кенг авж олдириш учун қулай шарт-шароитлар мавжуд. Янги хўжалик механизмига коллектив пудрат, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бошқа прогрессив формалари кўпроқ мос келади.

Масалан, Жиззах областининг М. Кичанов номли қўриқ совхозида ишлаб чиқаришга оид ва социал проблемалар хўжалик ҳисоби негизида муваффақиятли равишда ҳал қилинмоқда. Барча бўлинмалар пудратга ўтишди, бригадаларнинг маъмурият билан ўзаро ҳисоб-китоблари чеклар системаси орқали амалга оширилади. Маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга кетадиган чиқимлар учун лимитлар ва меҳнат ҳақининг қатъий нормативлари ишлаб чиқилган. Натижада қолоқликка барҳам берилиб, юқори кўрсаткичларга эришилди. Давр меҳнат коллективларининг хўжалик соҳасидаги мустақиллигини изчиллик билан ва дадил кенгайтиришни талаб этмоқда.

Республикада планлаштириш, нарх белгилаш, моддий-техника таъминоти, молия ва кредит системасини тубдан қайта қуриш бошланди. Бу ишнинг асосий

якуни бошқарув системасини соддалаштириш, аппаратни анча қисқартириш, экономиканинг асосий бўғини — корхона ва бирлашманинг самарадорлигини оширишдан иборат бўлиши керак. Биргина қурилиш комплексини бошқариш структурасини қайта қуриш бошқарув ходимлари сонини 40 процент камайтириш ва капитал маблағларни ўзлаштириш ҳажмларини 30 процент кўпайтириш учун имконият яратади. Ҳозир давлат корхонаси тўғрисидаги Қонунни амалда жорий этишга тайёргарлик кўрилмоқда. Партия ташкилотлари барча меҳнат коллективлари, ҳамма меҳнаткашлар ана шу ишга бош қўшишларига эришмоқдалар.

Ҳаётнинг ҳамма соҳаларидаги чуқур туб ўзгартиришлар актив социал сиёсат юритилишини тақозо этади. Ўз вақтида социал соҳага лозимича эътибор берилмаганлиги республика иқтисодий ривожланиши сусайишининг сабабларидан бири бўлди. Эндиликда бундай ёндашув оқибатларига секин-аста барҳам берилмоқда. Социал соҳада баъзи бир ижобий ўзгаришлар кўзга ташланиб қолди. 1985—1986 йилларда барча манбалар ҳисобига бундан олдинги икки йилдагига нисбатан 600 минг квадрат метр тураржой, 60 минг ўқувчи ўрнига эга мактаблар, 16 минг ўринли болалар боғчалари ва яслилари, 2 минг койкали касалхоналар кўпроқ фойдаланишга топширилди. Шу билан бирга кўплаб социал масалалар ҳали ҳам ниҳоятда секинлик билан ҳал қилинмоқда.

Уй-жой проблемаси кескинлигича қолиб келмоқда. Биз бу проблемани КПСС XXVII съезди талабларига мувофиқ равишда ҳал қилишимиз учун 2000 йилгача мавжуд тураржой фондини икки баравар кўпайтиришимиз керак. Вазифани бажариш учун резервларни ишга солиш лозим. Илғор коллективлар тажрибаси бу ишда қанчалик имкониятлар борлигидан далолат беради. Республика Компартияси МК В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида коллектив ишлаб топган маблағлар ҳисобига уй-жойлар қуриш борасида бошланган ишни маъқуллади. Бу ерда горькийликлар ибрати бўйича катта программа белгиланган бўлиб, ана шу программа доирасида икки беш йиллик давомида фақат хўжалик усули билан 270 минг квадрат метрлик тураржой қурилади, бу корхона меҳнатчиларини квартиралар билан таъминлаш проблемасини тўла ҳал қилишга имкон беради. Ҳозирги кунда республикадаги барча партия ва совет органлари бу ташаббусни ўрганмоқдалар ва ундан фойдаланмоқдалар. Уй-жой қурилиши — умумхалқ вазифаси. Якка тартибдаги ва кооператив уй-жойлар, ёшларнинг тураржой комплексларини қуришни авж олдириш, қурилишларда ва қурилиш индустрияси корхоналарида ишнинг кўп сменали тартибда ташкил қилинишига эришиш керак бўлади.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, соғлиқни сақлаш органлари ишини, хизмат кўрсатиш соҳасини тубдан яхшилаш учун кўп ишлар қилиш лозим. Биз бу соҳаларда кўпгина кўрсаткичлар бўйича кўпчилик республикалардан орқадамиз. Масала шу тарзда қўйилди: социал соҳани ривожлантиришда халқ депутатлари Советлари, саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, колхозлар ва совхозлар ниҳоятда актив равишда иштирок этишлари керак.

Иш билан банд бўлмаган аҳолини ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш республика партия ташкилоти олдида турган йирик проблемадир. «Меҳнат» комплекс тармоқ программаси ишлаб чиқилди, ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлмаган кишиларни бир пайтнинг ўзида ҳисобга олиш ва ишга жойлаштириш бошланди. Аниқланган ишламаётган шахслар ишга жойлаштирилмоқда. Ўтган йили ишчилар, хизматчилар ва колхозчилар сони 150 минг кишига кўпайди. Ҳозирча проблемани ҳал этишда илк қадамлар қўйилди. Партия комитетлари бу проблема билан ҳар доим шуғулланмоқдалар, янгича ёндашувларни излашмоқда.

Республика меҳнаткашларининг Ноқоратупроқ зонани ўзгартиришда ва Сибирь бойликларини ўзлаштиришдаги иштироки катта сиёсий аҳамиятга эга. Беш йиллик бошидан бери ўзбекистонлик 30 минг киши умумиттифоқ аҳамиятига эга қурилишларга жўнаб кетди. Бу йўналишдаги иш активлаштирилмоқда ва шу билан республикалараро кадрлар алмашиш кенгайтирилмоқда. Бу социалистик турмуш тарзини янада ривожлантиришга, унинг интернационалистик негизини кучайтиришга кўмаклашади.

Ўзбекистон Компартияси қайта қуриш жараёнида давлат ва жамоат ташкилотларининг кенг тармоқли системасига таянади. У ана шу ташкилотлар орқали меҳнаткашларни давлат ва жамоат ишларини бошқаришда актив иштирок

этишга жалб қилади, социалистик демократиянинг кенг миқёсда ривожлантирилишини таъминлайди.

Халқ депутатлари Советлари кенг қамровли, энг кўп ваколатли ташкилот ҳисобланади. Ўзбекистон ССР Олий Совети, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети ва республика маҳаллий Советларининг 104 мингдан зиёд депутати бор. Сўнгги пайтда совет органлари ишида жиддий ўзгаришлар юз бермоқда, уларни кадрлар билан мустаҳкамлаш учун кўп иш қилинди. Шундай бўлса ҳам, кўпгина совет ходимлари ҳар қандай масалада «юқори»га мурожаат қилиш одатидан қутилмаяптилар. Республика Компартияси ўз территорияларидаги хўжаликларни комплекс ривожланишни таъминлашда, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларини жадаллаштириш ва унинг самарадорлигини оширишда Советларнинг ролини кучайтира боришни ўзининг вазифаси деб билади. СССР Олий Совети Президиумининг «Қорақалпоғистон АССР халқ депутатлари Советларининг социалистик мулкнинг сақланишини таъминлаш соҳасидаги иши тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан олдимизда катта ишлар турибди.

Касаба союзлари — меҳнаткашларнинг энг оммавий ташкилотидир, улар республиканинг 6,5 миллион меҳнатчисини бирлаштиради. М. С. Горбачев СССР касаба союзларининг XVIII съездида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, бу жамоат ташкилотини барча ишлаб чиқаришга оид ва социал-маиший масалаларни ҳал этишнинг тўла ҳокимиятли ва масъул иштирокчисига айлантириш билан унинг ишини тубдан қайта қуриш керак бўлади. Касаба союзлар фаолияти ғоят кенг демократия, ўз-ўзини бошқариш негизида ташкил этилиши лозим, бу ерда меҳнат кишиси, ишчи асосий ҳал қилувчи роль ўйнаши керак.

Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи партия ташкилотининг ишончли ва жанговар резервидир, унинг сафларида 3 миллиондан зиёд йигит ва қиз бор. Бизнинг ёшларимиз саводли, ташаббускор, жанговар ёшлардир. Улар партиянинг даъватига биноан энг қийин жойларга биринчилардан бўлиб отланади. Қолоқлик, турғунлик, қотиб қолганлик уларнинг табиатига сира ўтиришмайди, республика комсомолининг яқинда бўлиб ўтган съезди делегатлари бу тўғрида очиқдан-очиқ гапирдилар. Ёшларга кўпроқ ишонч билдириш, уларга мустақил участкаларни кўпроқ топшириш, комсомол ташкилотларининг ишида кўпроқ демократия ва жўшқинлик бўлиши, уларнинг ишларига кўпроқ партиявий эътибор бериш — бугунги кунда партия комитетлари ва ташкилотларидан ана шулар талаб қилинади. Ёшларни партия билан халқнинг шонли революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялаш, уларни Ватанни мудофаа қилишга тайёрлаш айниқса муҳимдир.

Уруш ва меҳнат ветеранлари советлари ва хотин-қизлар советлари республика ижтимоий ҳаётида кўпроқ роль ўйнамоқда. Партия омма овозига зийраклик билан қулоқ тутади. Ҳамма меҳнаткашлар билан маслаҳатлашишдан иборат ленинча анъана партия кадрлари фаолиятида муҳим аҳамиятга эгадир.

Ишлаб чиқаришга оид ва социал вазифаларни ҳал этиш самарадорлиги ҳозир илгаригига нисбатан кўп жиҳатдан ходимнинг шахсий хислатларига, унинг характерининг индивидуал белгиларига, онги ва феъл-атворига боғлиқ бўлиб қолди. Бу эса бутун идеология ишини қайта қуришни талаб қилади. Республикада бу йўналишда муайян ишлар қилинмоқда. Ишнинг янги форма ва методлари изланяпти. Сиёсий кунлар мунтазам ўтказилмоқда. Матбуотда танқидий материаллар кўпайиб қолди. Ижодий союзлар фаолияти жонланди.

Ўзбекистон Компартияси меҳнаткашларни пролетар, социалистик интернационализм руҳида тарбиялашга катта эътибор бермоқда. Партия интернационал бирликнинг сақланиши ва мустаҳкамланишини Ватанни мудофаа қилишнинг энг муҳим масалаларидан бири деб билади ва ҳеч қачон ҳеч кимнинг халқларнинг буюк дўстлигига тажовуз қилишига йўл қўймайди. Ўзбекистоннинг ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, зиёлилари, ҳамма меҳнаткашлари — 100дан зиёд миллат ва элатларнинг вакиллари ягона халқ хўжалик комплексига максимал тарзда ҳисса қўшиш ўзларининг олий интернационал бурчи эканлигини чуқур тушунадилар. Партия комитетлари ҳар бир миллий маданиятдаги бутун ижобий нарсаларга бўлган соғлом қизиқишнинг қардош совет халқлари маданиятларининг ўзаро бир-бирига таъсир этиш ва яқинлашишдан иборат объектив жараёндан узоқлашишга бўлган уринишларга айланмаслигига эришадилар. Республика

меҳнаткашлари империалистик реакциянинг мамлакатимиз халқларининг интернационал бирлиги ва қардошларча дўстлигига путур етказишга қаратилган уринишларини ғазаб билан қораламоқдалар.

Миллатлараро алоқа воситаси сифатида рус тилини оммалаштириш билан бир пайтда миллий тилларнинг эркин ривожланиши — ленинча миллий сиёсатнинг энг муҳим омилидир. Ўзбекистон Компартияси МҚ томонидан яқинда тасдиқланган «Рус тили» комплекс программасининг республикада амалга оширилиши катта сиёсий аҳамиятга эгадир, унда аҳолининг турли категорияларига рус тилини ўқитиш ва ўргатишни такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар белгилаб берилган.

Шу билан бирга идеологик фаолиятда амалий вазифалардан ажралиб қолишликка барҳам берилмаган, расмиятчилик ва сафсатабозлик тугатилмаган. Эскича ёндашувлар орқага тортмоқда. Кўп йиллар давомида ижтимоий тараққиётнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинмаган, жиддий қийинчиликлар ва зиддиятларнинг мавжудлиги назар-писанд қилинмаган ўтмиш мероси оғир юк бўлиб турибди. Меҳнат тарбиясида нуқсонлар кўп. Ўрта ва олий мактаб ислоҳотини муваффақиятли амалга ошириш учун барча куч-ғайратларни ишга солиш лозим. Атеистик тарбия самарадорлигини анча ошириш керак бўлади. Вазифа идеология ишини ҳамма даражада ва меҳнаткашларнинг ҳамма категориялари ўртасида аниқ мақсадни кўзлаб, оператив тарзда ва сермазмун олиб боришдан иборат. Биз бу мақсадга эришиш учун одамларни нималар қизиқтириши ва ташвишлантираётганини, уларнинг реал талаблари ва эҳтиёжлари қандай эканлигини, одамларнинг онги ва хатти-ҳаракатларида изланишга, ижодкорликка бўлган доимий интилишни актив тарзда қарор топтириш, ҳар бир кишининг ўз билимлари ва қобилиятларини тўла намоён қилишига эришиш учун бутун тарбия системасини қай тарзда қуриш зарурлигини билишимиз лозим.

Хуллас, Ўзбекистонда қайта қуриш ҳам кенгайиб, ҳам чуқурлашиб бормоқда, қайта қуришни бутун масъулият билан қабул қилган, жамиятни янгилаш учун ҳалол, фидокорона меҳнат қилиб курашаётган кишилар сони тобора кўпайиб бормоқда. Ҳар доим оммага таяниш, демократияни кенгайтириш ва чуқурлаштириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш, салбий ҳодисаларга қарши аёвсиз кураш — буларнинг ҳаммаси одамларнинг партияга бўлган ишончини мустаҳкамламоқда. Шу билан бирга ҳамма иш ҳам бир текисда, енгил кўчаётгани йўқ, қилинаётган иш ҳамма жойда ҳам йиғилиб қолган проблемаларнинг миқёсларига ва кескинлигига мувофиқ эмас, социал-иқтисодий ривожланишни тормозлаш механизми секинлик билан бузилмоқда ва ўз позицияларини сустлик билан топширмоқда, консерватизм, эскирган тафаккур орқага тортмоқда.

Бугунги кунда, деб таъкидлади М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлисида қилган докладида, «вазиятга реалистик баҳо бериш, қийинчиликлар олдида чекинмаслик, ваҳима қилмаслик, муваффақиятлардан ҳам, муваффақиятсизликлардан ҳам ўзини йўқотиб қўймаслик,.. ҳар кун, ҳар соатда қизғин ва собитқадам меҳнат қилиш, ҳамма жойда ва ҳар бир ишда ҳаётни ўзи ўртага қўяётган энг мақбул ечимларни топиб, амалга ошира билиш» жуда муҳимдир.

Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги байрами кунларида халқимиз ўзининг умрини бахш этган ишлар моҳияти алоҳида куч билан идрок қилинади. Бу ишлар эса кўламдор, масъулиятли, ажойиб ишлардир. Улар фавқулодда куч-ғайратларни, янгича ёндашувларни, ишнинг кўзини билиб, виждонан ва зўр ғайрат билан ишлашни тақозо этади. Ўзбекистон коммунистлари, меҳнаткашлари ҳам барча совет кишилари каби Октябрь қаҳрамонларини Қишки саройни ҳужум қилишга отлантирган ишнинг давом этаётганлигини, бу ишнинг бизнинг ақл-идрокимиз ва қалбларимизда яшаётганлигини ўзларининг зарбдор меҳнати билан исботламоқдалар.

СОЦИАЛИЗМНИНГ ҚУДРАТЛИ КУЧИ

Т. ЕШИМБЕТОВА,
Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг Раиси

УЛУҒ ОКТЯБРЬ ҒАЛАБАСИ ленинча миллий сиёсатни изчиллик билан амалга ошириш, миллий зулмнинг барча формаларини йўқ қилиш ҳамда мамлакатимиздаги миллатлар ва элатлар ўртасида чинакам тенг ҳуқуқли ва самимий дўстлик муносабатлари ўрнатиш учун кенг имкониятлар яратди. Қорақалпоғистон автоном республикаси бунга ёрқин мисол бўла олади, унинг вужудга келиши ва равнақи Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасининг натижаси бўлди.

Етмиш йил тарих учун нисбатан катта муддат эмас. Лекин шу йиллар мобайнида қорақалпоқ диёрида турмушнинг ҳамма соҳаларида шундай туб ўзгартишлар содир бўлдики, бошқача шароитларда бунинг учун асрлар талаб қилинар эди. 1924 йилда халқимиз ўзининг миллий социалистик давлатига эга бўлди — Қорақалпоғистон автоном области ташкил этилди, у кейинчалик Қорақалпоғистон автоном Совет Социалистик Республикасига айлантирилди.

Ўрта Осиёдаги бошқа республикалар қатори Қорақалпоғистон экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда мамлакатдаги барча халқлар, аввало улуғ рус халқи улкан, бебаҳо ёрдам кўрсатди. Ўзбекистон, шунингдек Қорақалпоғистон меҳнаткашлари қалбида унга — оғамиз, дўстимиз, мураббийимизга нисбатан меҳр-муҳаббат ва миннатдорчилик туйғулари абадий яшайди.

Бугунги кунда барча оддий кишиларнинг энг буюк дўсти, инсоният доҳийси Владимир Ильичга қизғин, чексиз меҳр-муҳаббатни қалбимизда ардоқлаб келамиз, мамлакатимиз халқлари, шу жумладан қорақалпоқ халқининг ҳозирги бахтли тақдири унинг номи билан боғлиқдир. Биз ленинчи революционерларнинг номларини чуқур миннатдорчилик билан эсга оламиз, улар социал адолат иши учун, партия иши, социализм идеаллари учун курашга бошчилик қилдилар. Дастлабки беш йилликлар қаҳрамонлари, индустриялаш ва коллективлаштириш, маданий революция қатнашчилари туб ўзгартишлар эстафетасини давом эттирдилар. Фронтдаги жангчилар, мамлакат ичкарисидаги меҳнаткашлар, фашизм устидан ғалабани таъминлаган барча кишилар ўзларини сўнмас шон-шарафга қопладилар.

Ана шу меҳнат соҳасидаги ва жанговар зафарларга Қорақалпоғистон ўғил ва қизлари ўз ҳиссаларини қўшдилар. Бугунги кунда улар партиянинг мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини янада демократиялаштириш бобидаги бунёдкорлик режаларини амалга ошириш учун фидокорона ишламоқдалар.

Қорақалпоғистон автоном республикаси ярим асрдан буён Ўзбекистон ССР составидадир. Ўзбек ва қорақалпоқ халқларини тарихий тақдирларининг муштараклиги бирлаштириб туради. Октябрь ғалабаси билан кўп асрлик дўстлик ва қардошлик риштали равнақ топди, янгича, чинакам интернационал мазмун касб этди. Улар янги ҳаёт учун биргаликдаги кураш жараёнида, социалистик бунёдкорлик соҳасидаги кундалик меҳнатда мустаҳкамланди ва бойиб борди.

Қорақалпоғистонда социалистик жамиятнинг қурилганлиги совет халқлари ягона оиласидаги ана шу кураш ва фидокорона меҳнатнинг бош якуни бўлди. Қорақалпоқ халқи тарихан мисли кўрилмаган қисқа фурсат ичида патриархал-

феодал қолоқликдан энг прогрессив ижтимоий тузумга кўтарилди, ривожланган социалистик миллат бўлиб шаклланди, кишиларнинг янги тарихий бирлиги — совет халқининг ажралмас қисмига айланди.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон — ривожланган аграр-индустриал республикадир. Унинг экономикаси — СССР ягона халқ хўжалиги комплекси бўғинларидан биридир. Автоном республика партиянинг бунёдкорлик режаларини амалга оширишга, Ватаннинг иқтисодий ва мудофаа қувватини мустаҳкамлашга баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқда. Бизда энергетика, металлсозлик, пахта тозалаш, енгил, озиқ-овқат ва бошқа саноат тармоқлари барпо этилди. Бинокорлик материаллари ва конструкциялари ишлаб чиқариш катта қулоч ёйди. Автоном республика учун янги бўлган тўқимачилик тармоғи корхоналари комплекси қад кўтармоқда.

Қорақалпоғистон бугун саноат маҳсулотини ташиб келтирадиган ўлкадан мамлакат учун унинг кўпгина турларини етказиб берадиган регионга айланди. Тахиатош ГРЭСи электр қувватидан Хоразм, Бухоро ва Тошовуз областлари фойдаланмоқда. Устюртдан чиқаётган газ Москвага ва мамлакатнинг бошқа марказий районларига етказиб берилмоқда. Пахта толаси ССР Иттифоқининг кўпгина адресларига ва хорижий давлатларга жўнатилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида ҳам туб ўзгартишлар содир бўлди. Деҳқонлар замонавий техника билан қуролланганлар, фан ишлаб чиқаришга хизмат қилмоқда, самарали ўғитлар ҳамда илғор агротехника усуллари ёрдамида ернинг ҳосилдорлиги қайта тикланди. Республикада сув хўжалигининг йирик индустриал базаси барпо қилинди, ноёб гидромелиоратив иншоотлар, кучли насос станциялари қурилди. Илгари бўм-бўш ётган минг-минглаб гектар ерлар қишлоқ хўжалик оборотига киритилди. Пахтачилик ва чорвачилик билан бир қаторда шоликорлик интенсив ривож топди. Шуларнинг бари қишлоқ меҳнатчиларига СССР Озиқ-овқат программасини амалга оширишга ҳисса қўшиш имкониятини беради.

Коммунистик партия раҳбарлигида автоном республикада маданий революция амалга оширилди, бу революция кенг халқ оммасини замонавий фан чўққиларига олиб чиқди, миллий интеллигенциянинг, экономика барча соҳалари малакали мутахассисларининг шаклланишига ёрдам берди. Бундан 70 йил аввал саводли кишилар бармоқ билан санарли бўлган ўлка ҳозир халқ маорифини, фан-техникани, адабиёт ва санъатни ривожлантиришда юксак даражага эришди.

Қорақалпоғистон социалистик маданиятининг ривожланиши қардош халқлар, аввало рус халқи маданияти билан яқин ҳамжиҳатлик ва ўзаро таъсир кўрсатиш асосида содир бўлмоқда. Қорақалпоқ халқи иккинчи она тили бўлиб қолган рус тили орқали жаҳон маданияти хазиналаридан баҳраманд бўлиб, маънавий жиҳатдан ўсиб улғайди, ўз ижодий имкониятларини намоён этди.

Қорақалпоғистон меҳнаткашлари эришган муваффақиялар ўтмишдагига нисбатан буюк ва беқиёсдир. Лекин автоном республиканинг энг улкан, чинакам бебаҳо бойлиги унинг кишилари, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, халқ зиёлиларининг шонли вакилларидир. Уларнинг фидокорона ижодий меҳнати Ўзбекистоннинг, бутун мамлакатнинг бунёдкорона ишларига қўшилмоқда. Қудратли давлатимиз барча халқлари билан дўстлиги, ССР Иттифоқидаги барча миллат ва элатларнинг қардошларча ўзаро ёрдами уларнинг кучига куч қўшмоқда.

Автоном республика меҳнаткашларининг барча муваффақиятлари КПССнинг, Ўзбекистон Коммунистик партияси ва унинг жанговар отряди — Қорақалпоғистон область партия ташкилотининг сиёсий ва ташкилотчилик фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир.

КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг «Қорақалпоғистон АССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришни жадаллаштириш соҳасидаги тадбирлар тўғрисида»ги қарори партия ва мамлакат ҳукуматининг республикамиз тўғрисидаги ғамхўрлигининг янги бир кўринишидир. Бу қарорга кўра ўн иккинчи беш йилликда саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни 30—35 процент кўпайтириш кўзда тутилган. Шу мақсадда бир қатор янги корхоналар қуриш, ишлаб турган кўпгина корхоналарни кенгайтириш ва реконструкция қилиш белгиланади. Беш йиллик охирига қадар Манғитда чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш учун машиналар ясайдиган, Нукусда беда уруғини саралайдиган, Тўрткўл районида пахта тозалаш заводлари қурилади. Нукус шаҳри билан Тўрткўл районида ғишт заводлари,

Берунийда темир-бетон буюмлари заводи ҳамда қурилиш индустриясининг бир қатор бошқа янги корхоналари ишга туширилади. Нукусдаги консерва заводи. Берунийдаги ёғ, Мўйноқдаги балиқ консерваси заводлари, Хўжайлидаги момик фабрикаси ва бошқа саноат корхоналарини кенгайтириш ва ишлаб чиқаришни реконструкциялаш белгиланган.

Партия ва ҳукумат қарори билан ўн иккинчи беш йилликда нефть ва газ конлари, рангли ва нодир металлар конларини, бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш учун хом ашё, шунингдек халқ хўжалиги объектлари ва аҳолини сув билан таъминлаш учун сувости чучук сувларни излаш ишларини ўтказиш кўзда тутилган. Транспортнинг барча турлари янада ривож топади.

Агросаноат комплексининг ҳамма тармоқларини интенсив ривожлантириш мўлжалланмоқда. 1990 йилда дон етиштиришни 400—450 минг тоннага ва пахта етиштиришни 390—420 минг тоннага етказиш, чорвачилик маҳсулотларини ўн биринчи беш йилликдагига қараганда анча кўп етказиш, мева-сабзавот экинлари ҳосилини кўпайтириш лозим бўлади.

Сув хўжалиги ташкилотлари катта комплексдаги ишларни бажаришлари: беш йил ичида юз минг гектарга яқин янги суғорма ерларни ишга солишлари ҳамда 60 минг гектар экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилашлари керак.

Автоном республика аҳолиси турмушининг социал ва маданий-маиший шароитини янада яхшилашга муҳим аҳамият берилади. 2 миллион 700 минг квадрат метрдан зиёд уй-жой, 88 минг ўқувчи ўрнига эга мактаб, 2520 ўринли ҳунар-техника билим юрти, қарийб 17 минг ўринли мактабгача тарбия муассасалари, 2100 дан зиёд ўринли касалхона, 70 дан кўпроқ фельдшерлик-акушерлик пунктлари, қишлоқ маданият уйлари, клуб ва кутубхоналар, маиший хизмат уйлари, универмаглар, савдо пунктлари ва социал аҳамиятга эга бошқа объектларни ишга тушириш белгиланган.

КПСС МҚ ва СССР Министрлар Советининг юқоридаги қарорини амалга ошириш муносабати билан уни бажариш юзасидан ташкилий тадбирлар белгиланди.

Бугунги кунда автоном республикада КПСС XXVII съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш, қайта қуриш ва жадаллаштириш йўлидаги суръатни тезлатиш юзасидан ишлар авж олдириб юборилди.

Шу муносабат билан халқ депутатлари Советларининг белгиланган вазифаларни бажаришга оммани сафарбар этишдаги роли ошиб боради. КПСС МҚ, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш учун халқ депутатлари Советлари ролини янада ошириш ва масъулиятини кучайтириш соҳасидаги тадбирлар тўғрисида»ги қарорида (1986 йил июль) давлат ҳокимияти органларининг ўзларига қарашли территорияларда экономикани ва социал-маданий соҳани комплекс ривожлантириш юзасидан самарали ишлашини таъминлайдиган тадбирлар кўзда тутилган. Советларнинг ваколатларини анча кенгайтириш билан бир вақтда улар фаолиятидаги демократик асослар янада чуқурлаштирилади, улар ишининг метод ва услублари такомиллаштирилади. Шу йил июнь ойида сайловларга тайёргарлик ва уларни ўтказиш автоном республика халқ депутатлари Советлари фаолиятига тароватли янгилик киритди. Улар чинакам ошкоралик ва меҳнаткашларнинг тўла хоҳиш-истаги вазиятида ўтди. Автоном республика Советлари турмушимизни янгилашда, салбий тенденцияларни бартараф этишда фаол қатнашмоқда, бу тенденциялар шунда кўриндики, Қорақалпоғистон етмишинчи ва саксонинчи йиллар орасида ҳаракат суръатларини бой берди, қийинчиликлар ва ҳал этилмаган проблемалар йиғила бошлади, ижтимоий турмушда турғунлик ҳолатлари пайдо бўлди.

1984 йилнинг ўрталаригача амалда қўшиб ёзишлар, алдамчилик ва халқ бойлигини талон-тарож қилиш юз бермаган халқ хўжалигининг бирон тармоғи йўқ эди. Буларнинг бари минг-минглаб кишиларни маънавий мажруҳ қилди, автоном республикага катта иқтисодий зиён етказди, одамларнинг меҳнат ва ижтимоий пассивлигига, ишламай топилган даромадларнинг кўпайиб кетишига олиб келди.

Шуни қатъий айтиш лозимки, ҳозир ҳам халқ депутатлари Советлари фаолияти даражаси уларга қўйилаётган талабларга жавоб бермайди. Автоном

республикада хўжасизлик туфайли моддий ва пул маблағларининг нобуд бўлиши, камомадлар ва ўғирликлар, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш ҳали ҳам жуда кўп. Қорақалпоғистон қарийб ярим миллион гектар суғорма ерларга эга бўлгани ҳолда асосий озиқ-овқат маҳсулотлари учун ҳозирча давлатдан дотация олади. Ерларнинг имкониятидан амалда ярим-ёрти фойдаланилмоқда — ҳосилдорлик ҳали ҳам паст. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташиш ва сақлашда анча нобудгарчиликка йўл қўйилмоқда. Савдо-сотиқда, матлубот кооперациясида бузилишлар кўп.

Кўрилаётган чораларга қарамай, ҳатто бу йил ҳам кўшиб ёзишлар ва кўзбўямачиликлар давом этди. Демак, бузилишлар билан кураш етарлича изчил ва принципиал тарзда олиб борилмаяпти, бунинг учун автоном республика Советлари фаолияти 1987 йил 24 июлда СССР Олий Совети Президиуми мажлисида ҳаққоний танқид қилинди. Умуман вазият ҳозир ҳам танг аҳволда қолмоқда. Барча даражадаги Советлар ташаббуссиз, жуда ҳадиксираб иш кўрмоқда.

Умуман бизда проблемалар кўп. Биз кўпгина вазифаларни белгилаб олдик-у, лекин уларни ҳал этаётганимизча йўқ. Бунга кўп жиҳатдан республиканинг иқтисодий ва социал ривожланишидаги, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юритишдаги объектив қийинчиликлар тўсиқ бўлмоқда. Орол денгизининг қуриб бораётганлиги чинакам иқтисодий кулфатдир, бу турмушимизнинг кўп томонларига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу билан бирга биз ана шу қийинчиликларни баҳона қилиб, ўзимизни панага олмоқчи эмасмиз, чунки барча давлат ва жамоат ташкилотлари ишини қайта қуриш, активлаштириш иқтисодий, социал, маънавий-ахлоқий соҳалардаги ишларни катъиян яхшилашнинг асосий шарти эканлигини тушунамиз. Бундан келиб чиқадиган биринчи даражали вазифа — меҳнаткашлар онглилигини ошириш, ҳар бир кишида социалистик мулкка чинакам эгаларча муносабат ҳиссини, хўжасизликнинг ҳар қандай кўринишларига, халқ бойлигининг ўғирланишига муросасизлик туйғусини тарбиялашдан иборат.

Шуни айтиш керакки, кейинги йилларда меҳнат унумдорлиги пасайиб боришининг олди олинди. Маҳсулот сифатини яхшилаш сари бурилиш ясалмоқда. Агросаноат комплексида ҳам ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда, бу соҳада норентабеллик бартараф этилмоқда. Аҳолига медицина, савдо, транспорт хизмати кўрсатиш проблемалари эндиликда собитқадамлик билан ҳал этилмоқда.

Юбилей йили ва ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини бажариш умуман автоном республика меҳнатчиларидан максимал куч-ғайрат сарфлашни ва ижодий ташаббусни талаб қилади. Бу нарса область партия ташкилоти партия-хўжалик активининг шу йил 5 сентябрда бўлиб ўтган йиғилишида, йиғилиш қатнашчиларининг республика барча меҳнаткашларига қарата қабул қилган Мурожаатномасида яна бир карра қайд қилиб ўтилди.

Меҳнат коллективларида КПСС МК, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ МКнинг «Ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси тўғрисида»ги қарори, КПСС МКнинг ўн иккинчи беш йиллик планларини муваффақиятли бажариш ва ошириб бажариш учун бутун халқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисидаги меҳнаткашларга қарата чиқарган Мурожаатномаси ишчанлик, манфаатдорлик руҳида муҳокама қилинди. Бу ҳужжатларни муҳокама қилиш жараёнида оширилган мажбуриятлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Компартиясининг Қорақалпоғистон область комитети беш йилликнинг икки йили планини Улуғ Октябрь юбилейигача бажариш учун мусобақани авж олдириб юборган Нукус мебель фабрикаси, Тахиатош ГРЭС, Элликқалъа пахта заводи, Нукусдаги «Узградострой» уйсозлик комбинати, Шуманай районидаги Гагарин номли, Қўнғирот районидаги Чапаев номли совхозларнинг меҳнат коллективлари ташаббусини маъқуллади. Ўттиз беш минг илғор кишилар бу ташаббусни қўллаб-қувватладилар. 194 корхона ва ташкилот, 1500 бригада коллективлари ўз мажбуриятларини қайта кўриб чиқиб, янада оширдилар.

«Распадная» шахтасидаги Гвоздев бригадаси, «Воркутауголь» шахтасидаги Потапов бригадаси, «Сургутнефтегаз» бирлашмаси пармалаш ишлари бошқармасидаги Сидорейко бригадаси коллективлари ташаббуси автоном республикамизда

кизғин карши олинди. Бу бригадалар икки йиллик планларини Октябрь 70 йиллигигача бажариш ҳамда ўн иккинчи беш йиллик охиригача меҳнат унумдорлигини ўн биринчи беш йилликдагига нисбатан икки баравар ошириш мажбуриятини олганлар.

Нукусдаги 19-автобус паркида Қоракалпоғистон АССР Олий Совети депутати С. Сулаймонов, «Тахиаташ гидроэнергострой» бошкармасида Ж. Ражабов бригадаси, «Каракалпакводстрой» трестидаги 20-кўчма механизациялаштирилган колоннада А. Ф. Белоусов ва бошқаларнинг бригадалари бу ташаббусни биринчилардан бўлиб қўллаб-кувватлади, ана шу бригадалар коллективлари 1990 йил охирига бориб меҳнат унумдорлигини 60—70 процент оширишга аҳд қилдилар. 1200 дан зиёд ишчи ва колхозчи бугунги кунда ана шу шиор остида меҳнат килмокда.

18 цех, бўлим, участка, 76 бригада, 1500 га якин ишчи беш йилликнинг икки йили планини бажарди. 1987 йилнинг биринчи ярми якунларига кўра 56 корхона — уларнинг умумий микдорининг карийб 62 проценти — икки ёки уч сменали иш режимига ўтди.

Тўрткўл, Нукус, Беруний, Ленинобод районларининг баъзи корхоналари, колхоз ва совхозлари Улуғ Октябрь юбилейи шарафига социалистик мусобақани ташкил этишга янгича ёндашдилар. Масалан, Берунийдаги кўчма механизациялашган колонна ҳамда «Югкаракалпакводстрой» тресты КМК мусобақа натижалларини якунлашда янги системани жорий килди. Бу система саккиз кўрсаткични ўз ичига олган бўлиб, коллектив ҳар бир аъзосининг фаолияти шуларга караб баҳоланади. Ходим прогул қилганда йил охиригача мусобақадан чиқиб кетади. Мукофотлаш ҳар кварталда моддий рағбатлантириш фондидан амалга оширилади. Якка тартибдаги мусобақадан ташқари бригада мусобақаси, шунингдек участкалар бўйича мусобақа ташкил этилган.

В. И. Лениннинг таъбирича Октябрь йиллигини нишонлашнинг ҳал этилмаган проблемаларга диққат-эътиборни жамлашдан кўра энг яхши усули йўк. Бизда эса социалистик мусобақани ташкил этишда бундай проблемалар оз эмас. Биз ишимизда ҳали жиддий камчиликлар борлигини, қайта қуришнинг фақат бошланғич боскичида турганлигимизни тушунамиз.

Совет Иттифоки халкларининг кардошлик оиласида теппа-тенг коракалпок халқи улар билан бир сафда партия белгилаган йўлдан — революцион янгиланиш йўлидан бормокда.

ЎЗБЕКИСТОН ФАНИ ВА ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ

П. ҲАБИБУЛЛАЕВ,

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти

СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИ босиб ўтган 70 йиллик йўлга назар ташлар эканмиз, партия белгилаган фан-техника тараққиётини жадаллаштириш — Ленин ишининг буюк давоми эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Октябрдан кейиноқ, гражданлар уруши, интервенция ва қамал, очарчилик ва вайронгарчилик шароитида В. И. Ленин саводсизликни тугатиш, кўплаб янги институтларни барпо этиш, фанни амалда қайта тиклаш вазифасини қўйди. Мамлакатимизда яшайдиган ҳамма халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги, ҳамма жойда маориф, саноат, илмнинг турли соҳаларидаги тадқиқотларнинг ривожлантирилиши СССРни зўр фан-техника потенциалига эга қудратли индустриал давлатга айлантирди.

Октябрь революциясига қадар, маълумки, феодал-патриархал муносабатлар, мустамлакачилик тартиблари ҳукмрон бўлган, туб аҳолисининг атиги 2 процентигина ўқиш ва ёзишни билган ўлка — Ўзбекистонда фаннинг мисли кўрилмаган даражада парвоз этганлиги социалистик тузумнинг битмас-туганмас куч-қудратга ва афзалликларга эгалигининг яққол далилларидан бири, КПСС ленинча миллий сиёсати ва СССР халқларининг қардошларча дўстлигининг ажойиб самарасидир. Ҳозирги кунда бу ерда ўнлаб Академиянинг ва тармоқларга оид илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари, юзлаб конструкторлик бюролари, тажриба-экспериментал базалар, кўп сонли заводларнинг лабораториялари мавжуд. Уларда 40 мингга яқин киши ишлайди, улардан 1200 киши фан докторлари ва 15 мингдан зиёд киши фан кандидатларидир.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси олиб бораётган тадқиқотлар ҳозирги фаннинг деярли барча тармоқларини қамраб олади. Чунончи, бизнинг математикларимизнинг эҳтимоллар назарияси ва математик статистика, дифференциал ва интеграл тенгламалар, функционал анализ соҳалари, алгебра, сонлар назариясидаги ютуқлари республикамиздан олисда ҳам тан олинган. 1985 йилда Ядро физикаси институти олимларидан бир группасининг юқори температурали реакторлар учун янги материалларни ишлаб чиққанлиги учун БМТнинг интеллектуал мулк соҳасидаги жаҳон ташкилотининг олтин медали билан мукофотланганлиги ядро физикасига доир Ўзбекистон мактабининг дунёдаги обрў-эътиборининг ошиб бораётганлигидан далолат беради. Сўнгги йиллар мобайнида бу институтда СССР Фанлар академиясининг Умумий физика институти билан ҳамкорликда амалга оширилган тадқиқотлар қаттиқ жисмли лазерларнинг имкониятларини қайта кўриб чиқишга ва улардан қўлланиш соҳасини анча кенгайтиришга имкон берди.

Квант электроникаси ва чизиқсиз оптика соҳаларида интенсив изланиш бормоқда. Ташқи муҳит билан толасимон нур ўтказгичлар ўзаро таъсирининг эффектлари асосида қатор физикавий миқдорларнинг толасимон-оптик датчиклари ва оптик информацияга ишлов бериш қурилмаларининг лойиҳалари тузилди.

Физика-техника институтининг энергиянинг қайта тикланаётган манбаларига доир тадқиқотлари ёқилғи-энергетика базасини ривожлантириш проблемаларини ҳал этишда муҳим ўрин тутади. Бу ишлар жуда тоза, жуда қаттиқ, жуда мустаҳкам материаллар олиш учун, тураржой ва жамоат биноларини иссиқлик билан таъминлашда қўлланиладиган йирик гелиотехника қурилмаларини, шунингдек

қуёш энергиясидан фойдаланиш қурилмалари, қуёш нуридан фойдаланиб меваларни қуритиш комплекслари, тузсизлантиргичлар ва шу сингариларни яратишга қаратилган.

Ўзбекистон олимлари ер устидаги ва ер остидаги иншоотларнинг зилзилага бардош беришлигига доир назарияни, унга оид амалий тавсиялар ва норматив материалларни ишлаб чиқдилар. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги А. М. Акромхўжаев раҳбарлигидаги илмий ходимлар коллективи томонидан амалга оширилган кашфиёт нефть ва газ геологиясида катта ютуқ ҳисобланди, у нефть ва газ конларини излаш ва разведка қилиш зонасини бирмунча кенгайтиришга, улар запасларини белгилаш методикасини такомиллаштиришга имкон берди.

Биологлар, генетиклар, химикларнинг пахтанинг хўжалик жиҳатдан қимматли белгиларга эга, турли касалликларга чидамли янги навларини олишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш соҳасидаги тадқиқотлари кенг эътироф қилинди. Химиклар ва биологларнинг биргаликдаги куч-ғайратлари билан қатор юқори самарали кам заҳарли фунгицидлар, гербицидлар, ўсимликлар ўсишининг регуляторлари аниқланди. Олимларнинг ўсимликлардан олинадиган янги дориларни яратишга доир тадқиқотлари яхши маълум. Ҳозир 30 дан зиёд ана шундай препарат медицина практикасида қўлланилмоқда. Хорижий фармацевтик фирмаларнинг бундай ишланмаларга нисбатан катта қизиқиш билан қарашлари уларнинг юқори савиясидан далолат беради.

Соғлиқни сақлаш соҳасида муҳим натижалар қўлга киритилди. Республика Фанлар академиясининг академиги К. А. Зуфаров раҳбарлигидаги бир группа медиклар томонидан қилинган кашфиёт эрта болалик давридаги овқатни ҳазм қилиш тўғрисидаги тасаввурни тубдан ўзгартириб юборди. Касалликларни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш самарадорлигини назорат қилиш учун Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида қандли диабет, миокард инфаркти, ҳомиладорлик ва ракнинг бир неча турлари патологияси диагностикасига доир комплектлар ишлаб чиқилди ва уларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди; одам қонидаги «В» гепатити вирусининг маркерларини радиоиммунологик тарзда аниқлаш учун реактивларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Фанлар академиясининг жамиятшунослари социализмни такомиллаштириш шароитида жамиятнинг социал структурасининг ўзгариши масалалари, ғоявий-тарбиявий ишларни комплекс тарзда амалга ошириш, маънавий маданиятнинг юксалиши, нокапиталистик тараққиёт йўлининг назарияси ва практикаси, Ўрта Осиё халқларининг тарихи, тили ва адабиёти, қўлёзма меросининг актуал проблемаларини ўрганиш ва шу сингарилар билан боғлиқ муҳим тадқиқотларни бажардилар. Экономист олимлар олиб борган тадқиқотлар натижаларидан республикани ўн иккинчи беш йилликда ва 2000 йилгача бўлган даврда иқтисодий ва социал ривожлантириш планларини тузишда фойдаланилди.

Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон филиалида фан жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Бу ерда Амударё этакларидаги табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш ва шу зонадаги ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришнинг илмий асослари, Орол режими ўзгаришининг салбий таъсирининг олдини олиш проблемалари ўрганилмоқда.

Совет жамиятининг сифат жиқатдан янги ҳолатига, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш негизида юксак даражада ташкил топган экономикага ўтиш партия МК апрель (1985 йил) Пленуми, КПСС XXVII съезди, партия МКнинг съезддан кейинги Пленумларининг қарорларида белгилаб берилган социал-иқтисодий туб ўзгартишларнинг асосий мақсадидир. Олимлар, эҳтимол, бошқа ҳар қандай соҳа меҳнатчиларига нисбатан фан ва техникадаги илмий кашфиётлар, прогрессив технологиялар, инженерлик изланишининг илғор формалари ва бошқарувга оид оптимал қарорларга асосланадиган революцион силжишларнинг энг фаол иштирокчилари ҳисобланадилар.

Маълумки, ўнинчи ва ўн биринчи беш йилликларда республика халқ хўжалигига сарфланган катта капитал маблағлар фан-техника тараққиётига доир тадбирларни амалга ошириш юзасидан юксак самарадорликка эришишни таъминлай олмади. Натижада экономикага сарфланган маблағлар билан ишлаб чиқаришни юксалтириш ўртасида жиддий номутаносибликлар пайдо бўлди.

Чунончи, ўтган беш йилликда меҳнат унумдорлиги 99,4 процентдан 103 процент ўртасида ўзгариб турди. Бунда ялпи ижтимоий маҳсулот ўсишининг ярмидан камроғи меҳнат унумдорлигини ошириш эвазига олинди, амалда моддий ишлаб чиқаришнинг ҳамма тармоқларида фондлар самарадорлигининг пасайишига бўлган барқарор тенденция яққол намоён бўлди.

Ана шунинг учун ҳам бугунги кунда хўжалик юритишнинг интенсив методларини кўзловчи кескин йўл амалга оширилмоқда, бу методлар меҳнатни иқтисод қилишни, меҳнат унумдорлигини ва фондлар самарадорлигини ошириш, моддий ва инсон ресурсларидан тежаб фойдаланиш эвазига керакли миқдордаги ва юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлайди.

Регионал социал-иқтисодий, илмий-техникавий, экологик ва бошқа проблемаларнинг кўп қирралилиги ва мураккаблиги ҳар доим замонавий фан ва техника ютуқларига таянишни тақозо этмоқда. Бугунги кунда уларни совет жамияти ҳаётининг ҳамма томонларини қайта қуриш шароитида ҳал этишга тўғри келмоқда. Фаннинг имкониятлари қандай, у қанчалик самара бера олади, энг муҳими эса, у экономикани турғунлик даврининг мушкул аҳволидан тез вақт ичида халос қила оладими?

Таассуф билан шуни қайд қилишга тўғри келадики, илмий жамоатчилик ўзига бериб қўйилган экономикани ривожланишнинг интенсив йўлига ўтказишдаги етакчи бўғин, ҳал қилувчи омил бўлишлик ролини ҳозирча ўзлаштириб олганича йўқ. Фанни бошқаришни ташкил этишнинг мукаммал эмаслиги, олимлар меҳнати натижаларига лозим даражадаги талабчанликнинг йўқлиги шунга олиб келдики, бизда илмий тадқиқотлар самарадорлиги ҳали ҳам паст. Шунинг учун техника ва технологиянинг принципиал янги турларини яратиш ва жорий этишда илмий-техникавий ва ишлаб чиқаришга оид фаолиятнинг ташкилий формаларини ҳамда алоқа методларини такомиллаштириш бундай аҳволни ўзгартириш йўлидаги биринчи қадам бўлиши лозим.

Умумдавлат бошқарув органларининг роли аввало уларнинг асосий эътиборини энг муҳим проблемаларга жалб қилиш йўли билан жиддий тарзда оширилиши керак. Республикада амалга оширилаётган илмий-техникавий ишланмалар самарадорлигини назорат қилиш, илмий муассасаларни халқ хўжалигини ривожлантиришнинг долзарб вазифаларига ўз вақтида қайта ориентациялаш, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш механизмини такомиллаштириш ва бошқалар ана шундай асосий проблемалардандир.

Бугунги кунда фанга сарфланаётган харажатларни стабиллаштирган ҳолда унинг ўзини ривожланишнинг асосан интенсив йўлига ўтказиш зарур. Меҳнат коллективларини тўла хўжалик ҳисобига, ўз харажатларини ўзи қоплаш ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтказишда бунинг учун катта имкониятлар очилади. Шу билан корхоналар, министрликлар ва идораларнинг фан-техника ютуқларини жорий этишдан манфаатдорлигини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратилади. Бошқа томондан, илмий кучлар ва моддий ресурсларни фаннинг истиқболли йўналишларида тўплаш, ҳар бир илмий муассаса структурасини такомиллаштириш ва уларнинг ихтисослашувини чуқурлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ана шу мақсадда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг илмий ва ташкилотчилик фаолиятини КПСС XXVII съезди қарорлари асосида қайта қуриш юзасидан тадбирлар тасдиқланди. Уларни амалга ошириш ҳар бир институтда 2—3 та асосий йўналишнинг ишлаб чиқилишини таъминлашга, 80 га яқин кам самарали, профилланмаган ва бир-бирини такрорлайдиган лабораториялар, секторлар ва бошқа бўлинмаларни тугатишга ёки тубдан ўзгартиришга имконият яратди. Илмий тадқиқотларда планли негизни кучайтириш, улар йўналишларининг муҳимлигига ўз вақтида баҳо бериш учун қатор фундаментал проблемалар бўйича 40 прогноз тузилди. Аттестация якунларига кўра Академия ходимларининг сони қарийб 500 кишига қисқартирилди, 300 дан зиёд ходимнинг лавозими пасайтирилди. Илмий-тадқиқотчилик, лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари, ҳисоблаш марказларининг тармоғи тартибга келтирилди. Ҳозирги пайтда улардан бир қисмини изчил равишда тўла хўжалик ҳисобига ўтказиш программаси ишлаб чиқилмоқда.

Шу билан бир вақтда мазкур хўжалик ҳисоби принципларининг зарурлигини объектив тарзда анализ қилмасдан туриб, уларни жорий этиш, илмий ишланмаларнинг амалий йўналишини кучайтириш, бу принципларни бутун илмий изланиш соҳасига кенг ёйиш амалий тадқиқотларга салбий таъсир қилиши шубҳасиздир. Шуни унутмаслик керакки, академия фанининг асосий функцияси назарий тадқиқотлар ўтказиш, амалий соҳадаги бундан кейинги илмий изланишлар учун фундаментал база яратиш ва амалий натижаларни халқ хўжалигида фойдаланиш даражасига етказишдан иборатдир.

Академия фаолиятидаги кўпгина камчиликлар, фан-техника тараққиётининг етакчи йўналишларидаги орқада қолиш олимлар меҳнатини ташкил этишга доир новаторлик таклифларининг, фанни бошқаришнинг илғор формалари ва методларининг йўқлиги билан боғлиқдир. Биз ҳозирча республика миқёсидаги ва Академиянинг ўзидаги илмий-тадқиқотчилик ишларини планлаштириш ва координациялаш системасини тубдан қайта қура олганимизча йўқ. Ҳозирги пайтгача уларни тартибга солиш юзасидан қилинган тарқоқ чора-тадбирлар юзаки бўлиб, мамлакатда эришилган илмий-техник потенциал даражасига мос яхлит системани ташкил этмади. Ҳозирда мавжуд бўлган илмий ташкилотлар ва муассасалар ўзларининг оптимал эмаслиги сабабли кучларни чочиб юборияпти, узоқ йиллар давомида фақат бир хил проблемалар билан шуғулланишга тўғри келяпти. Натижада тематиканинг эскиришидан иборат хавотирли тенденция кўзга ташланмоқда. Айни шу сабабли фундаментал тадқиқотлар тўғрисидаги кўпгина илмий ҳисоботлар ва мақолалар кўпинча ўтмишдаги ютуқларни аниқловчи характерга эга натижаларни акс эттиради.

Ҳозир биз фанга ажратилаётган маблағларни дадил қайта тақсимлаш йўлидан боришимиз керак. Биринчи навбатда илмий изланишнинг истиқболли йўналишларини кўпайтириш ва уларни ресурслар билан таъминлаш керак бўлади, улар ғоят қисқа муддат ичида ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин оширишга, уни ривожланишнинг интенсив йўлига ўтказишни жадаллаштиришга имкон беради. Шу билан бир вақтда актуаллигини йўқотган ёки лозимича юксак даражада бажарилмаётган ишларни тугатиш лозим. Бу масалани принципиал курашсиз, партия комитетларининг мададисиз ҳал этиб бўлмаслиги тушунарлидир.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш вазифалари академия структурасини жиддий модернизациялашни, фаннинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашни, уни фундаментал ва амалий тадқиқотларни узвий бирлаштиришга қаратишни тақозо этмоқда. Қуйидаги маълумотлар мисолида бу проблеманинг мураккаблигини таъкидлаш мумкин. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида ўтказилган асосий фондлар инвентаризацияси бундай фондлар аксарият қисмининг маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскирганлигини кўрсатди. Ишга яроқли ускуналар 48 процентни ташкил этади. Бунда уларга бўлган эҳтиёж 63 процентга, умумзавод миқёсида эса — атиги 33 процентга қондирилмоқда. Бу ҳозирги кунда илмий тадқиқотлар натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий этилишини пайсалга солаётган асосий сабаблардан биридир.

Практиканинг кўрсатишича, тегишли тажриба-экспериментал база бор жойларда янгилик яратиш муддатлари 1,5—2 баравар, харажатлар эса —50—60 процент қисқарар экан. Олимлар меҳнатининг самарадорлиги бундай шароитда жиддий ошади.

Илмий кадрлар фан-техника тараққиётининг энг муҳим бўғинидир, уларсиз интенсивлаштиришнинг барча воситаларини ҳаракатга келтириш, энг илғор техникани эгаллаш ва уни социализм учун ишлашга мажбур қилиш мумкин эмас. Бугунги кунда республика фанидаги кадрлар сиёсатини, унинг давр руҳига ва партия XXVII съезди томонидан қўйилган мураккаб вазифаларга мувофиқлигини ҳозирча қониқарли даражада деб бўлмайди. Республика аҳолисининг умумий сонида илмий ходимлар ҳиссаси ғоят паст бўлиб қолмоқда. Чунончи, агар мамлакатда ҳар 10 минг кишига 54 илмий ходим, РСФСРда —71, Арманистонда — 64, Грузияда — 53, Белоруссияда — 42 илмий ходим тўғри келса, Ўзбекистонда атиги 1 илмий ходим тўғри келади.

Академияда кадрларнинг, айниқса юксак малакали кадрларнинг кўпчилиги кексайиб қолди. Фан кандидатлари ва докторларининг ўртача ёши ошди ва ҳозир

у 40 ва 60 ёшни ташкил этади, жамиятшунос академикларда бу кўрсаткич 66 ёшдан 76 ёшга, мухбир-аъзоларда эса —58 ёшдан 63 ёшга етди.

Кўзга ташланаётган салбий тенденциялар фан соҳасида янги, прогрессив кадрлар сиёсатини кескин тарзда юргизишни талаб этмоқда. Партия ва Совет ҳукумати томонидан бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар илмий-тадқиқотчилик муассасалари, лабораториялар, бўлимлар ва секторлар раҳбарликларининг юқори ёшини белгилаб қўйишга, академия институтлари коллективларини ҳар йили фанга янги кириб келаётган истеъдодли, истиқболли ёшлар ҳисобига тўлдириб туришга кўмаклашади.

Шу муносабат билан бўлғуси олимларда ёшликдаёқ ижодий потенциални ривожлантириш ғоят муҳимдир. Статистиканинг гувоҳлик беришича, 40 ёшгача бўлган ёш тадқиқотчилик фаолияти учун энг самарали давр ҳисобланади, энг йирик кашфиётларнинг асосий қисми эса 30 ёшгача бўлган даврда амалга оширилади. Мисол тариқасида шуни айтиш мумкинки, Нобель мукофоти лауреатларининг ўртача ёши 39 ёшни, шу жумладан физика соҳасида —36 ёшни ташкил этади.

Интенсивлаштириш шароитида истеъдодли олимлар фанда марказий ўрин тутиши лозим. Бу ерда бундай олимларни излаб топиш ва қўллаб-қувватлаш учун маблағлар сарфлаш бошқа ҳар қандай жойдагига нисбатан фойдалироқдир. Шуни тушуниш лозимки, баъзан бир истеъдодли олим бутун бир коллективнинг ўрнини босиши мумкин.

Партия XXVII съезди ва КПСС МҚнинг съезддан кейинги Пленумларининг ҳужжатларида таърифлаб берилган партия иқтисодий стратегияси бутун халқ томонидан қўллаб-қувватланди ва маъқулланди. Жамиятимиз ҳаётининг ҳамма соҳаларини қайта қуришга доир иш чуқурлашиб бораётган бугунги кунда бу стратегиянинг миқёслари янада аниқроқ ва аҳамиятлироқ бўлиб бормоқда. КПСС МҚ Бош секретари М. С. Горбачев партия МҚнинг январь (1987 йил) Пленумида қилган докладида шундай таъкидлади: «Қайта қуриш — илм-фан томон қатъий бурилиш, юксак пировард натижаларга эришиш мақсадида практиканинг у билан амалий ҳамкорлиги, ҳар қандай ташаббусни салмоқли илмий асосга қўя билиш, олимларнинг жамиятни янгилашга қаратилган партия йўлини актив қўллаб-қувватлашга тайёрлиги ва астойдил истаги демакдир; айни вақтда бу — илм-фанни ривожлантириш, унинг кадрларини ўстириш, ўзгартишлар жараёнида уларнинг актив иштирок этишлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш демакдир».

Бугунги кунда вазифа шу тарзда қўйилгандир. Бу вазифани ҳал этишга алоқадор бўлган ҳар бир киши партия иқтисодий стратегиясининг асосий йўналишини амалга оширишга — фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга тушунган ҳолда ва тўла масъулият билан ёндошмоғи лозим.

УЛУҒ ОКТЯБРЬ ҒАЛАБАСИНИ ТАЪМИНЛАГАН БОЛЬШЕВИСТИК ПРОҒРАММА

Ч. УГАЙ,
тарих фанлари кандидати

Улуғ Октябрь — совет кишиларининг энг олий миллий ифтихоридир. Революция экспуатация сиртмоғини улоктириб ташлаган музаффар халкнинг энг юксак чўққиси бўлди. Инсоният ижтимоий тараққиёт йўлида ҳар бир янги қадам ташлагани сайин бу революциянинг улуғворлиги ва тарихий аҳамияти янада чукуррок ва яққолрок намоён бўлмокда. У марксча-ленинча назариянинг туб ўзгартирувчилик ролини, унинг улуғ Ленин раҳбарлигидаги большевиклар партиясининг революцион практикаси билан бирлигини намойиш қилди.

* * *

Социалистик революция назариясини ҳар томонлама ишлаб чиқиш, революция жараёнида вужудга келадиган янгилиги жиҳатидан одатдан ташқари воқеалар ва фактларни илмий умумлаштириш айни В. И. Лениннинг тарихий хизматидир. Жаҳон пролетариатининг доҳийси Октябрь қуролли қўзғолонига тайёргарлик кунларида айниқса жуда қаттиқ ишлади, у революцион ҳаракат назарияси ва практикасининг энг долзарб масалаларига, ечими ҳокимият учун курашнинг, Россиянинг социалистик истикболлари тақдирига боғлиқ бўлган мураккаб вазифаларга бирдан-бир тўғри жавобларни қидириб топди.

Ўша даврда В. И. Ленин 60 дан зиёд макола ва хатлар ёзди, улар орасида «Хавф туғдираётган ҳалокат ва унга қарши қандай курашмоқ керак?», «Большевиклар ҳокимиятни олишлари керак», «Марксизм ва қўзғолон», «Кризис етилди» асарлари ажралиб туради. Уларда Россияда социалистик революциянинг тарихий жиҳатдан қонунийлиги ҳар томонлама асосланган, партиянинг иктисодий ва сиёсий программалари ҳамда бу программаларни амалга ошириш йўллари очиб берилган. Ленин даҳоси большевикларни янги назарий хулосалар ва конкрет йўл-йўриқлар билан қуроллантирдики, бу пролетариат авангардининг куч-кувватини ва унинг эксплуататорларга қарши шиддатини ошириб юборди ва Улуғ Октябрь ғалабасини ҳал қилувчи даражада олдиндан белгилаб берди.

1917 йил ёзидаги революцион воқеалар ривожи партиянинг VI съездида буржуазия диктатурасини тамомила йўқ қилиш кераклиги ва бу вазифани энг камбағал деҳқонлар қўллаб-кувватлаган такдирда пролетариатгина бажара олиши мумкинлиги ҳақидаги шиорнинг ҳозирги вактда энг тўғри шиор бўлиши тўғрисида чиқарилган хулосанинг ўз вақтида қилинган хулоса эканлигини тасдиқлади.

1917 йилнинг июль кунлари контрреволюциянинг режаларини яққол ошкор қилди. Уни энди Керенскийнинг бонапартчасига чап беришлари қаноатлантирмас, керенскийчиликнинг ўзи барҳам топиб бормокда эди. Рус буржуазияси ўзининг вақтинчалик ғалабасидан очиқдан-очиқ ҳарбий диктатура ўрнатиш учун фойдаланиб қолишга уринди. Давлат тўнтаришининг сиёсий мақсадлари, воситалари ва методлари контрреволюция штаби — кадетлар партияси МК томонидан ишлаб чиқилган эди. Бироқ революцион танланган ҳарбий қисмларни Петроградга қарши ташлаган Корнилов фитнасининг илҳомчилари ва ташкилотчилари янглишган эдилар. Ленин партияси раҳбарлигидаги омманинг кудратли

ғайрат-шижоати контрреволюциянинг очиқдан-очиқ қилган ҳужумини бир неча кун ичида барбод қилди. Халқ большевикларни революциянинг энг кескин пайтида моҳир ва довюрак раҳбарлар сифатида ҳаракатда кўрди, уларнинг обрў-эътибори ниҳоятда кўтарилди.

Корниловчиликка қарши кураш жараёнида ишчилар ва солдатларнинг Ленин партияси позициясига оммавий ўтиши бошланди, Советлар фаолияти анча жонланди. 31 августда Петроград, 5 сентябрда эса Москва Советлари Советларнинг ҳокимиятни қўлга олиши тўғрисидаги большевистик резолюцияни биринчилардан бўлиб қабул қилдилар. Кўп ўтмай Киев, Харьков, Қозон, Уфа, Минск, Самара, Тошкент ва бошқа кўплаб шаҳарларнинг Советлари ҳам ана шундай резолюцияларни қабул қилдилар. В. И. Ленин шу муносабат билан бундай таъкидлаган эди: «...яхшигина бўрон бўлишидан дарак берган корниловчиликдек «янги шамол эсиши» биланоқ Советларда димиқиб қолган нарсаларнинг ҳаммаси вақтинча ташқарига улоқтириб ташланди ва революцион омманинг ташаббуси ўзининг улуғ, қудратли, енгилмас бир нарса эканлигини кўрсата бошлади» (Тўла асарлар тўплами, 34-том, 239—240-бетлар).

Большевикларнинг Петроград ва Москвадаги ғалабаси тарихий аҳамиятга эга эди. У мамлакатда янги сиёсий вазиятни вужудга келтирди, В. И. Ленин бу вазиятни чуқур анализ қилиб, синфий кучлар ва сиёсий партиялар нисбатида кескин бурилиш пайдо бўлганлиги тўғрисида хулоса чиқарди. Владимир Ильич майда буржуа партиялари билан компромисс қилиш ва июлдан олдинги талабга: «Бутун ҳокимият Советларга!» талабига қайтиш мумкинлигини асослаб берди. Бу сиёсий актнинг моҳияти шундан иборат эдики, большевиклар эсер ва меньшевиклардан Советлар олдида масъул ҳукумат тузилишини қўллаб-қувватлашлари мумкин эди. Бу, деб таъкидлаган эди В. И. Ленин, революциянинг тинч йўл билан олға босиши учун ғоят катта имконият туғилишини таъминлаши мумкин.

Бироқ эсерлар ва меньшевикларнинг раҳбарлари большевиклар билан компромисс қилишдан кўра буржуазия билан революцияга қарши қаратилган сиёсий ҳийла-найрангларни ва тил бириктиришни афзал кўрди. Революция ривожининг бундан кейинги бутун жараёни буржуазия билан пролетариат ўртасида ғоят кескин гражданлар урушининг муқаррар эканлигини кўрсатиб турарди.

Россияда — ишлаб чиқарувчи кучлар паст даражада ривожланган, уруш ва вайронгарчилик шароитидаги мамлакатда — социалистик революциянинг ғалаба қилиши мумкинми деган саволга келишувчи партиялар салбий жавоб берган эдилар. Улар буржуа ҳукуматини ярим-ёрти ислоҳ қилишни вужудга келган мушкул аҳволдан чиқишнинг бирдан-бир йўли деб билар эдилар, бу гўёки омманинг ҳужумкор ҳамласини тийиб туришга ва «социал тотувлик»ка эришишга имкон берар эмиш.

Пролетариатни сиёсий ҳокимиятни қўлга киритишга амалий жиҳатдан тайёрлаш ана шу революция иши учун зарарли ғояларни фош қилиб ташлашни тақозо этарди, бу ишни ижтимоий ҳаётнинг чуқур жараёнларини фақат ижодий марксизм нуқтаи назаридан туриб ҳар томонлама анализ қилиш ва умумлаштириш асосидагина бажариш мумкин эди. Айни бир вақтда вазифа яна шундан иборат эдики, Россия пролетариатини ва унинг партиясини социалистик революциянинг пухта ва аниқ программаси билан қуроллантириш зарур эди.

В. И. Ленин марксизмнинг ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётининг зарурий даражаси тўғрисидаги машҳур қоидасини тарихий тажрибага мувофиқ равишда конкретлаштириб, «Хавф туғдираётган ҳалокат ва унга қарши қандай курашмоқ керак?» асарида мамлакатнинг қолоқлиги социализмга ўтиш йўлида енгиб бўлмайдиган тўсиқ эмаслигини, чунки Россия 1917 йилда саноатнинг етакчи тармоқлари ва банк ишини қамраб олган юксак ривожланган монополистик капиталга эга давлат эканлигини далиллар асосида исботлади. Уруш монополистик капитализмнинг давлат монополистик капитализмга айланишини тезлаштирди, бундай капитализм «социализмни *м о д д и й* жиҳатдан батамом тайёрлашдир, унинг *о с т о н а с и д и р,* тарихий нарвоннинг шундай босқичидирки, унинг бу (босқич) билан социализм деб аталадиган босқичи ўртасида *ҳеч қандай оралиқ босқич йўқ»* (ў ш а ж о й д а, 227-бет). В. И. Ленин республика ва демократизмни революцион йўл билан қўлга киритган XX аср Россиясида социализм сари бормай

туриб, социализм сари кадамлар қўймай туриб олға бориш мумкин эмас, деб таъкидлаган эди (ў ш а ж о й д а, 226-бетга каралсин).

Владимир Ильич бу асарда мамлакатда империалистик уруш, помешчиклар билан буржуазиянинг ваҳшийларча хўжалик юритиши туфайли содир бўлган хўжалик вайронгарчилигини чукур анализ килган. Факат большевиклар партиясигина якинлашиб келаётган ҳалокатга қарши курашнинг конкрет йўлларини таклиф кила олди. В. И. Лениннинг тарихий хизмати шундаки, у партияни Россияни муқаррар ҳалокатдан кутқариб қолишнинг революцион программаси билан куролллантирди, бу программани амалга ошириш нафакат экономиканинг ўпирилишининг олдини олиши, шу билан бирга унинг социалистик негизда қайта тикланишини ҳам таъминлаши керак эди. У давлат томонидан контрол қилиш, назорат қилиш, ҳисобга олиш, ишлаб чиқаришда иш кучини ва маҳсулотларни тўғри тақсимлашни бу программанинг ўзаги деб ҳисоблаган эди (ў ш а ж о й д а, 184-бетга қаралсин).

В. И. Ленин банкларни ва капиталистларнинг энг йирик монополистик бирлашмаларини национализация қилиш, саноатчиларни, савдогарларни ва умуман хўжайинларни мажбурий равишда синдикатлаштириш, коммерциянинг сир сакланишини бекор қилиш, аҳолини матлубот жамиятларига жалб қилиш, умумий меҳнат мажбуриятини жорий қилиш зарур деб ҳисоблар эди. Буларнинг ҳаммаси буржуа тузуми шароитида капиталистик мулкчилик муносабатлари моҳиятидаги ўзгаришларни англатмасдан, вайронгарчилик ва очарчиликка қарши амалий кураш олиб боришга, яқинлашиб келаётган иқтисодий ҳалокатни тўхтатиб қолишга имкон берган бўлур эди. Таклиф қилинган тадбирларнинг революцион-демократик йўл билан амалга оширилиши эса революцияни янада илгари сурган, жами бир бўлиб социализм сари қадамлар бўлган бўлур эди, социализм эса «шу энг янги капитализм базасида олға қараб босилган қадам бўлиб ҳар бир йирик тадбирдан бевосита, амалий равишда кўриниб турибди» (ў ш а ж о й д а, 227-бет).

В. И. Ленин назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг аҳамиятини тушунтирар экан, бутун жамият манфаатларини кўзлаб пролетариатнинг бевосита иштирокида ва унинг раҳбарлигида ана шу тадбирларнинг қабул қилинишигина, капиталистлар, ишлаб чиқариш воситаларининг эгалари устидан назоратнинг ўрнатилишигина иктисодий ҳалокатнинг олдини олиши мумкин деб кўрсатган эди. У бу фикрни янада ривожлантириб, шундай таъкидлаган эди: «...фақат тепасида большевиклар партияси турган пролетариатнинг ҳокимиятни қўлга олишигина Керенский ва шериклари қилаётган номаъқулчиликларга хотима бера олади ҳамда Керенский ва унинг ҳукумати *барбод бераётган* озиқ-овқат, таъминот ва шу каби демократик ташкилотларнинг ишларини *т и к л а й о л а д и*» (ў ш а ж о й д а, 219-бет).

Умумдемократик ва социал-иқтисодий чораларнинг ўзаро нисбати ва ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги масалага ленинча ёндашув ана шундан иборат эди, бу чораларни революцион тарзда ҳаётга татбиқ қилиш нафақат экономиканинг ўпирилишини тўхтатиб турган, балки шу билан бирга «барча эскиликни супуриб ташлаб, Россияни янгилаш ва хўжалик жиҳатдан қайтадан яратиш»га (ў ш а ж о й д а, 230-бет), социализмга ўтиш учун шароит туғдиришга имкон берган бўлур эди.

Революцияни тинч йўл билан ривожлантириш имкониятлари майда буржуа партияларининг айби билан рўёбга чиқарилмади. Большевиклар таклиф қилган компромисснинг рад қилинганлиги маълум бўлиши билан В. И. Ленин РСДРП(б) Марказий Комитетига, Петроград ва Москва комитетларига «Большевиклар ҳокимиятни олишлари керак» деган ва РСДРП(б) Марказий Комитетига «Марксизм ва қўзғолон» деган хатларни ёзади. Бу хатларда ички ва халқаро вазиятни чуқур ва ҳар томонлама анализ қилиш асосида партия олдига қуролли қўзғолонни ташкил қилиш масаласи кўндаланг қилиб қўйилади ва нима учун айни шу ҳозирги кунда большевикларнинг ҳокимиятни олишлари мумкинлиги ва кераклиги тўғрисидаги саволга ниҳоятда очиқ-равшан жавоб берилади. «Давлат ҳокимиятини ўз қўлларига ола оладилар,— деб ёзган эди В. И. Ленин,— чунки оммани ўзларига эргаштириб олиш, душманнинг қаршилигини енгиш, уни тор-мор келтириш, ҳокимиятни қўлга олиш ва уни саклаб қолиш учун ҳар иккала пойтахтда халқнинг кўпчилик актив революцион элементлари етарлидир» (ў ш а

ж о й д а, 281-бет). У яна шуни уқтирган эдики, рус буржуазияси ўз ҳокимиятини сақлаб қолиш ниятида ҳар қандай жиноятлар ва Ватанни сотишлардан, ҳатто Петроградни душманга топширишдан ҳам қайтмас эди. Инглиз ва француз империалистларининг Россия ҳисобига Германия билан сепарат сулҳ тузиш тўғрисида тил бириктирганликлари аҳволни янада оғирлаштирган эди (ў ш а ж о й д а, 282-бетга қаралсин). Шунинг учун ҳам қуролли қўзғолонни ташкил этиш, ҳокимиятни қўлга олиш, ҳукуматни ағдариб ташлаш вазифаси кун тартибига қўйилган эди.

В. И. Ленин қуролли қўзғолонга сиёсий курашнинг ўз қонунларига эга бўлган алоҳида бир тури сифатида қарашни талаб қилган эди, бу қонунларни ўрганиш ва революцион кучлар тактикасини шулар асосида ишга солиш зарур эди.

«Қўзғолон муваффақиятли бўлмоғи учун,— деб ёзган эди В. И. Ленин,— у тил бириктиришга эмас, партияга эмас, балки илғор синфга таянмоғи керак. Бу биринчидан. Қўзғолон *халқнинг революцион кўтарилишига* таянмоғи керак. Бу иккинчидан. Қўзғолон кучайиб келаётган революция тарихида шундай бир *бурилиш нуқтасига* таянмоғи керакки, бу пайтда халқнинг олдинги сафидаги активлик жуда ўсган бўлсин, душманлар орасида ҳамда *революциянинг кучсиз, тутуруқсиз, қатъиятсиз дўстлари орасида иккиланиш* жуда кучайган бўлсин. Бу учинчидан. *Марксизм* қўзғолон масаласини мана шу уч шарт билан қўйгани учун *бланкизмдан* фарқ қилади.

Мана шу шарт-шароитлар мавжуд бўлгани ҳолда, қўзғолонга бир санъат деб қарамаслик марксизмга ва революцияга хиёнат қилиш демакдир» (ў ш а ж о й д а, 285—286-бетлар).

Владимир Ильич революцион омма курашининг характери ва формаларини, солдат ва матросларнинг сиёсий кайфиятини, Советларнинг большевиклаштирилишини синчиклаб анализ қилиб, шундай ғоят муҳим хулоса чиқарди: «Революциянинг авангарди, халқнинг авангарди бўлган, оммани эргаштиришга қодир бўлган *синфнинг* кўпчилиги бизга тарафдор... Халқнинг *кўпчилиги* бизга тарафдор... Ўз йўлини қатъий билувчи партиямизнинг қулай вазиятда бўлганлиги бизга катта мададдир... Бизнинг *ғалаба қозонишимиз муқаррар...*» (ў ш а ж о й д а, 287—288-бетлар).

Қўзғолон бошлаш учун пайтни танлаш масаласи революцион кучлар курашига стратегик ва тактик жиҳатдан раҳбарлик қилишнинг энг мураккаб масалаларидан биридир. В. И. Ленин юқорида номлари тилга олинган хатларда партия ўз ҳаракатларини вазият билан мувофиқлаштирмасдан ҳозирнинг ўзидаёқ қуролли қўзғолонни бошлаши керак деб талаб қилгани йўқ. «Гап қўзғолоннинг тор маънодаги «куни» ва унинг «пайти» тўғрисида бораётгани йўқ. Буни ишчилар ва солдатлар билан, *омма* билан *яқиндан боғлиқ бўлган* кишиларнинг умумий овозигина ҳал қила олади» (ў ш а ж о й д а, 283-бет). Айни бир вақтда асосий зарба йўналишини танлаш революция тақдири учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга эди: «Ҳокимиятни ҳам Москвада, ҳам Питерда *бирданига* олсак (кимнинг бошлаб юбориши муҳим эмас; эҳтимол, ҳатто Москва бошлаб юбориши ҳам мумкин), биз *албатта* ва *муқаррар суратда* ғалаба қозонамиз» (ў ш а ж о й д а, 284-бет).

Буларнинг ҳаммаси, В. И. Ленин ибораси билан айтганда, гарчи қуролли қўзғолонга бир санъат деб қарамасдан туриб марксизмга содиқ бўлиб қолиш мумкин эмаслигини кўрсатиш учун мисол тариқасида айтилган фикрлар бўлса-да, ана шу тахминий план Петроград пролетариати қуролли қўзғолони асосий томонларининг гениал тарздаги хомаки плани эдики, унда социалистик революциянинг муваффақиятини таъминлайдиган барча асосий нарсалар кўзда тутилган эди.

В. И. Лениннинг «Большевиклар ҳокимиятни олишлари керак» ҳамда «Марксизм ва қўзғолон» деган хатлари Каменевнинг эътирозларига қарамасдан партия Марказий Комитети томонидан амалий ҳаракатлар учун қўлланма сифатида қабул қилинди. Бу хатлар билан Марказий Комитет аъзоларини, кейинчалик эса раҳбар партия ходимларини таништириш партиянинг қўзғолонни ҳарбий-техникавий жиҳатдан тайёрлаш, революция кучларини, унинг авангарди — пролетариатни активлаштириш соҳасидаги долзарб вазифаларини аниқлаб олишга кўмаклашди.

Шу билан бир пайтда 1917 йил сентябрининг иккинчи ярмида деҳқонларнинг ер учун кураши умуммиллий сиёсий аҳамиятга эга бўлди, бу кураш помешчикларга

қарши қўзғолонга айланиб кетди. Солдат оммалари узлуксиз тарзда большевиклаша борди, бу жараён ҳаракатдаги армияни ҳам қамраб олди. Буларнинг ҳаммаси революциянинг кескин бурилиш даврини бошдан кечираётганлигидан яққол далолат берарди. В. И. Ленин сентябрда ёзган «Кризис етилди» мақоласида большевикларнинг дарҳол ҳокимиятни олишларини қаттиқ туриб талаб қилди. «Кризис етилди,— деб таъкидлади у.— Рус революциясининг бутун тақдири бир ёқлик бўлиш олдида турибди. Гап большевиклар партиясининг бутун шон-шарафини сақлаб қолиш устида бораётир. Социализм учун курашувчи халқаро ишчилар революциясининг бутун келажаги бир ёқлик бўлиш олдида турибди» (ў ш а ж о й д а, 330-бет).

Мақолада большевикларнинг дарҳол ҳокимиятни олишлари кераклиги ҳақидаги умумий йўл-йўриқ билан бир қаторда қўзғолончилар ҳаракатларининг плани ва характери тўғрисида конкрет кўрсатмалар берилган, Каменев ва Зиновьевнинг революция ғалаба қилиши мумкинлигини инкор қилишлари ва Троцкийнинг қўзғолонни Советларнинг II Бутун Россия съезди чақирилгунига қадар тўхтатиб туришни талаб қилишининг бутун революция иши учун нақадар хавфли эканлиги, бунинг амалда қўзғолонни барбод қилиш эканлиги кўрсатилган. «Советлар съездини «кутиб туриш»— ўтакетган аҳмоқликдир,— деб ёзган эди Владимир Ильич,— чунки бу — *ҳ а ф т а л а р н и* ўтказиб юбориш демакдир. ҳозир эса ҳафталар ва ҳатто кунлар *ҳ а м м а н а р с а н и* ҳал қилмоқда» (ў ш а ж о й д а, 331-бет).

Ленин тактикасининг моҳияти шунда эдики, қўзғолонни тайёрлаш ҳақидаги талаб Советлар съездини чақириш ва унинг ҳокимиятни қўлга олишига қарама-қарши қилиб қўйилмаслиги керак эди. В. И. Ленин бу ҳар иккала вазифани диалектик бирликда илгари сурди: Советлар байроғи остида қўзғолон кўтариш, музаффар қуролли ҳужум жараёнида ҳокимиятни қўлга олиш, уни Советларнинг Бутун Россия съездига топшириш. Шу туфайли пайтнинг асосий шиори —«Бутун ҳокимият Советларга!» шиори сентябрнинг ўртасидан бошлаб қўзғолонга даъватдай бўлиб қолди. Владимир Ильич синфий кучларнинг ўзаро нисбатини синчиклаб анализ қилиш асосида ҳозир большевикларнинг қўзғолонда ғалаба қилиши таъмин этилганлигини, улар бунинг учун революциянинг кучли сиёсий армиясига, қулай вазиятга эга эканликларини, ҳозирги пайтни ҳар қандай қўлдан бой бериш революцияни барбод қилиши мумкинлигини тўла ишонч билан ёзган эди.

Ленинча йўл-йўриқлар ва батафсил ҳаракат плани билан қуролланган жойлардаги партия ташкилотлари асосий эътиборни революция қуролли кучларининг ҳарбий-техникавий ва ташкилий тайёргарлигига қаратдилар. В. И. Ленин бошчилигидаги партия озодлик кураши тарихига халқнинг чинакам ғолибона қўзғолонининг классик намунасини битди.

Октябрь арафасида ёзилган Ленин асарлари марксизмни ижодий ривожлантиришнинг, сиёсий кучларнинг ўзаро нисбатини анализ қилишга ва пролетар революциясининг иқтисодий ва сиёсий программасини ишлаб чиқишга конкрет-тарихий, ҳақиқий илмий ёндашувнинг ажойиб намунасидир. Улар ҳозирги кунда ҳам ғоят актуал бўлиб, жамиятни тубдан ўзгартиришга доир ленинча фаннинг куч-қудратини янада тўлароқ очмоқда, ҳозирги ижтимоий тараққиётнинг тенденциялари ва қонуниятларини тушунишга ёрдам бермоқда.

Бизнинг мамлакатимиз тақдирини ва жаҳон тарихининг боришини тубдан ўзгартирган, халқларга социал ва миллий озодлик йўлини очиб берган, Ер курраси узра тинчлик ва халқаро ҳамкорлик байроғини тиклаган Октябрь революциясининг иши — бу улкан, олижаноб ва машаққатли иш давом этмоқда. Совет халқининг партия раҳбарлигида мамлакатнинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш стратегиясини амалга ошириш соҳасида олиб бораётган улкан иши, ўз моҳиятига кўра революцион бўлган жамиятнинг ҳамма соҳаларидаги қайта қуриш бизнинг назарий тафаккуримиз ижодий юксакликда эканлигини, бунёдкорлик куч-қувватимиз муттасил ошиб бораётганлигини, сиёсий иродамиз эса меҳнаткашларни пролетар революциясига, янги жамиятни қуриш учун курашга бошлаб борган большевикларники сингари қатъий бўлиб қолаётганлигини яққол кўрсатиб турибди.

В. И. ЛЕНИН КАПИТАЛИЗМНИ ЧЕТЛАБ СОЦИАЛИЗМГА ЎТИШДА ИШЧИЛАР СИНФИНИНГ ЕТАКЧИ РОЛИ ТЎҒРИСИДА

В. ГЕНТШКЕ,
тарих фанлари кандидати

УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИ — инсоният ҳаётида янги даврнинг бошланганлигини билдирган XX асрнинг энг буюк воқеасидир. Унинг ғалабаси туфайли мамлакатимизда социализм қурилди. Революцион туб ўзгартишларда ишчилар синфи етакчи роль ўйнади.

Илмий коммунизм асосчилари пролетариатда нафақат ўзинигина халос қилишга қодир кучни кўрдилар. «...Пролетариатнинг буржуазия устидан ғалабаси айни бир вақтда барча мазлум миллатларни озод қилишга сигнал ҳамдир», — деб қайд қилган эди К. Маркс Лондонда 1847 йили халқаро митингда сўзлаган нутқида (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 4-том, 371-бет).

Пролетариат ўзининг жамиятдаги ўрни, тарихий вазифаси ва идеологияси туфайли қонуний равишда интернационализм соҳиби бўлиб қолади. Октябрь революциясининг ғалабаси Россия ишчилар синфи ва унинг авангарди — Коммунистик партия олдига тараққиётнинг токапиталистик босқичида турган мамлакат миллат ва элатларининг тақдири тўғрисидаги масалани қўйди.

Уларнинг капитализмни четлаб социализмга ўтиш имконияти ҳақидаги масала XIX аср ўрталаридаёқ рус революцион демократларини чуқур ҳаяжонлантирган эди. Улар крепостной ҳуқуқ ва феодал муносабатларни йўқотиш учун актив курашиш билан бирга мамлакат халқларига янги азоб-уқубатлар келтирадиган капиталистик ривожланишнинг ҳам тарафдорлари эмас эдилар, улар тўғридан-тўғри социализмга ўтишни амалга ошириш мумкинлигини назарий жиҳатдан асослашга ҳаракат қилдилар. Россия революцион-демократларининг кам сонли бир гуруҳининг етакчиси бўлган Н. Г. Чернишевский, масалан, крепостной ҳуқуқни йўқ қилиш натижасида ерга жамоа эгалигини сақлаб қолиш асосида шундай қилиш мумкин деб ҳисоблар эди. У крепостнойчиликка қарши ва антикапиталистик характер касб этадиган деҳқонлар революцияси жараёнида ерга жамоа эгалигидан иборат давлат мулкчилиги ўрнатилади ва жамоани йирик машина ишлаб чиқариши ҳамда фан ютуқлари билан бевосита бирлаштириш учун шарт-шароитлар вужудга келади деб фараз қилган эди.

К. Маркс билан Ф. Энгельс рус жамоасининг тарихий ривожланишини анализ қилар экан, рус революцион-демократларидан фарқли ўлароқ бундай жамоа «ўз-ўзидан умумий мулкчиликнинг олий формасини ишлаб чиқа» олмади, бунинг учун «Ғарбий Европа пролетариатининг буржуазия устидан» ғалабаси «ва шу билан боғлиқ бўлган капиталистик ишлаб чиқаришни жамият томонидан бошқариладиган ишлаб чиқариш билан алмашлаш» зарур бўлди деган хулосага келган эдилар (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 22-том, 443—444-бетлар). Ф. Энгельс 1894 йили шундай деб ёзган эди: «Капиталистик хўжалик ўз ватанида ҳамда у равнақ топган мамлакатларда бартараф этилган вақтдагина, қолоқ мамлакатлар ана шу мисолда «қандай қилиб амалга ошириш» кераклигини, замонавий саноатнинг ишлаб чиқарувчи кучларини жамият мулки сифатида қандай қилиб бутун жамият хизматига қўйиш кераклигини кўрган вақтларидагина, — фақат шундагина бу қолоқ мамлакатлар тараққиётнинг ана шундай қисқарган процесси (капитализмни четлаб. — **В. Г.**) йўлига тушиб олишлари мумкин. Ана шундагина

улар муваффакият қозонадилар. Бу фақатгина Россияга эмас, балки тараққиётнинг нокапиталистик босқичида турган барча мамлакатларга ҳам тегишлидир» (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч томлик танланган асарлар, 2-том, 455—456-бетлар, Т., «Ўзбекистон», 1981). К. Маркс билан Ф. Энгельс ривожланган капиталистик давлатларда социализм ғалаба қилмай туриб ва улар ишчилар синфининг ёрдамисиз тараққиётнинг нокапиталистик босқичида турган мамлакатларда социализмнинг вужудга келиши ва амал қилиши мумкин эмас деб ҳисоблаган эдилар.

В. И. Ленин ҳам революцион демократларнинг Россиянинг деҳқонлар жамоаси орқали социализмга ўтиши тўғрисидаги утопик ғоясини рад қилди. В. И. Ленин Н. Г. Чернишевскийнинг назарий қоидаларига баҳо бериб, 1911 йилда шундай деб ёзган эди: «Чернишевский социалист-утопист бўлиб, эски, ярим феодал деҳқонлар жамоаси орқали социализмга ўтишни орзу қилар эди, у капитализмнинг ва пролетариатнинг камолотигина социализмни амалга ошириш учун моддий шароит ва ижтимоий куч ярата олишини билмаган эди ва ўтган асрнинг 60-йилларида буни билиши мумкин ҳам эмас эди» (Тўла асарлар тўплами, 20-том, 200-бет).

В. И. Ленин суст ривожланган мамлакатларнинг нокапиталистик ривожланиш йўли проблемасини ишлаб чиқар экан, ҳали революциядан олдинги даврдаёк бунинг учун метрополиялар ишчилар синфи билан мустамлакалар деҳқонларининг иттифоқи ҳал қилувчи аҳамият касб этиши тўғрисидаги ғояни асослаб берди. У ҳокимиятни қўлга олган ишчилар синфида деҳқонларнинг нокапиталистик муносабатларни социалистик муносабатлар қилиб туб ўзгартиришига ёрдам беришга қодир буюк кучни кўрган эди. В. И. Ленин «Социалистик революция ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи» тезисларида кўп миллатли мамлакатлар пролетариатининг вазифаларини белгилар экан, кескинлашган миллий-озодлик кураши шароитида ана шу ҳуқуқни ҳимоя қилиш зарурлигини таъкидлаган эди. У бунда «эзувчи ва эзилувчи миллатлар ишчиларининг синфий курашини бирга қўшиш вазифаси» айниқса қийин ва айниқса муҳим вазифадир, деб таъкидлаган эди (ТАТ, 27-том, 302-бет).

Улуғ Октябрь ғалаба қилиши билан Россиянинг ишчилар синфи ва унинг революцион авангарди олдида жаҳон тарихида биринчи марта тараққиётнинг нокапиталистик босқичида турган халқларга тўғридан-тўғри социализмга ўтиш учун ёрдам бериш вазифаси турди. «Биз Маркс ёки марксистлар социализмга бориш йўлини ипидан-игнасигача биладилар, деб даъво қилмаймиз, — деб ёзган эди В. И. Ленин. — Бу бемаънигарчиликдир. Биз бу йўлнинг қай томонга боришини биламиз, биз қандай синфий кучлар социализмга олиб боришини биламиз, унинг конкрет, амалий томонини эса фақат миллионлар ишга тутинган вақтларида *шу миллионларнинг тажрибасигина* кўрсатиб беради» (ТАТ, 34-том, 134-бет).

Миллий зулм ва ҳуқуқий тенгсизликнинг йўқотилиши юқорида тилга олинган вазифани амалга оширишнинг муҳим шарти эди. «Россия халқларининг ҳуқуқлари ҳақидаги «Декларация» Совет ҳокимиятининг дастлабки декретларидан бири бўлиб, у миллатларни эзиш сиёсатига тамомила чек қўйилишини эълон қилди. Декларация Россиядаги ҳамма халқларнинг тенглиги ва мустақиллигини, уларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, ҳатто ажралиб чиқишгача бўлган ҳуқуқини жорий этди, барча ва ҳар қандай миллий ҳамда миллий-диний имтиёзлар ва чеклашларни бекор қилди. 1917 йил 22 ноябрь (5 декабрь)да қабул қилинган РСФСР ХҚСнинг «Россия ва Шарқнинг ҳамма мусулмон меҳнаткашларига» Мурожаатида мустамлака халқларнинг сиёсий жиҳатдан озод эканлиги яна бир бор таъкидланди, унда Россия мусулмонларининг эътиқодлари ва урф-одатлари, миллий ва маданий муассасалари эркин ва дахлсиз деб эълон қилиниши, мусулмон халқларнинг ҳуқуқлари мамлакатдаги бошқа халқлар ҳуқуқлари сингари революциянинг ва унинг органлари — ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советларининг бутун қудрати воситасида ҳимоя қилиниши уқтириб ўтилди. Мусулмон меҳнаткашлар ўзларининг миллий ҳаётини эркин ва қаршиликсиз ташкил этишга, социалистик революцияни қўллаб-қувватлашга даъват қилинди.

Шундай қилиб, Совет ҳукуматининг дастлабки ҳужжатларидаёқ мамлакатнинг илгари эзилиб келган ҳамма халқларининг сиёсий жиҳатдан эркин эканлиги эълон қилинди. Туркистон меҳнаткашлари ҳам собиқ чор Россиясининг

бошқа мустамлака чекка ўлкалари сингари Россия ишчилар синфи қўлидан сиёсий тенглик ва ўз тақдирини ўзи эркин белгилаш имкониятини олди. Бу Туркистон ўлкаси халқларига тараққиётнинг капиталистик босқичини четлаб социализмга ўтиш йўлида кўрсатилган биринчи ёрдам эди. Маҳаллий миллатларга мансуб меҳнаткашлар миллий-озодлик курашининг Россия пролетариатининг социалистик ҳаракати билан ягона оқимга бирикуви туфайли Туркистонда Совет ҳокимияти тезда ғалаба қилди, маҳаллий деҳқонлар кенг оммаларининг мамлакат саноат марказларининг ишчилари билан алоқалари мустаҳкамланди.

Туркистон ўлкасининг туб аҳолиси ўртасида революцион воқеалар таъсири остида тобора аниқроқ синфий табақаланиш рўй бера боради. Бир томондан, Туркистонни РСФСР составидаги социалистик республика деб эълон қилиш учун курашувчи «Иттифоқлар», профессионал ва бошқа ташкилотлар вужудга келади, бошқа томондан эса — феодал-буржуа тартибларининг сақланиб қолишини, ўлкани революцион Россиядан ажратиб олишни талаб қилувчи эксплуататор табақалар ва руҳонийларнинг «Шўрои Исломия», «Уламо» ва бошқа реакцион гуруҳлари тузилади.

1918 йилда Туркистон АССРнинг ташкил топиши ўлка меҳнаткашларининг социалистик ривожланиш йўлини танлаганлигини билдирди. Шу билан бирга Туркистон халқларининг бундай сиёсий жиҳатдан ўз тақдирини ўзи белгилаганлиги большевиклар партиясининг миллий масалада тутган йўлининг тўғрилигидан далолат берарди. «Миллатларни эзиш сиёсати — миллий *ажратиш* сиёсатидир, — деб ёзган эди В. И. Ленин. — Аммо ишчилар синфига *ажралиш эмас, балки бирлашиш керак»* (ТАТ, 25-том, 98—99-бетлар).

Владимир Ильич метрополия ишчилар синфини мазлум халқлар билан яқинлашишга чақирар экан, бунда ана шу халқларга уларнинг капитализмни четлаб социализмга томон олға боришида ёрдам кўрсатиш имконияти бўлишини назарда тутган эди. «Бизга қараганда кўпроқ орқада қолган ва кўпроқ эзилган бу халқларга... «беғараз маданий ёрдам» беришга, яъни уларга машиналар ишлатишга, меҳнатни енгиллаштиришга, демократияга, социализмга ўтишга ёрдам беришга ҳаракат қиламиз» (ТАТ, 30-том, 144-бет).

Чоризм ва рус буржуазиясининг мустамлакачилик сиёсати туфайли Туркистон ўлкасининг туб миллатларга мансуб меҳнаткашларида рус халқига нисбатан пайдо бўлган ишончсизлик ва ётсирашни бартараф қилиш жуда зарур эди.

Шу муносабат билан В. И. Ленин Туркистон коммунистларини ўлка халқлари билан ўртоқларча муносабатлар ўрнатишга, уларнинг тўла-тўкис ишончини қозонишга чақирди. «Туркистон халқлари билан тўғри муносабат боғлаш, — деб уқтирган эди у «Туркистондаги коммунист ўртоқларга» хатида, — эндиликда Россия Социалистик Федератив Совет Республикаси учун, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, жуда катта, жаҳоншумул-тарихий аҳамиятга эгадир» (ТАТ, 39-том, 349-бет). «...Великорус империализмининг изларини йўқотишни чин кўнгилдан истаганлигимизни» Туркистон халқларига иш билан исбот қилиш зарур эди (ў ш а ж о й д а). Партия, ишчилар синфи буюк давлатчилик шовинизмининг заррача кўринишларига қарши ҳам системали равишда кескин кураш олиб бориш орқалигина Туркистоннинг туб миллатларига мансуб меҳнаткашлар эътиборини қозонишга ва буржуа миллатчиларининг қаршилигига қарамасдан уларни социализм сари бошлаб боришга муваффақ бўлди.

Ўрта Осиё халқларининг мустамлакачилик давридан мерос бўлиб қолган экономика ва маданиятдаги чинакам қолоқлигини йўқотиш вазифаси кун тартибига қўйилди. РКП(б) XII съезди партия X съезди томонидан илгари сурилган илгари эзилиб келган миллатларнинг хўжалик соҳасидаги ва маданий тенгсизлигини бартараф қилиш тўғрисидаги ғояни ривожлантириб, бунга «рус пролетариатининг узоқ вақт давомида ҳақиқий ёрдам бериб туриши натижасидагина» эришиш мумкин, «бу ёрдам илгари эзилиб келган миллатларнинг республикаларида саноат корхоналари қуриш ва уларга маҳаллий аҳолидан жуда кўп кишилар жалб қилиш учун бир қанча амалий тадбирлар кўришдан иборат бўлмоғи лозим», деб таъкидлади («КПСС съездлари, конференциялари ва Марказий Комитет Пленумларининг резолюция ва қарорлари», 2-том, 459—460-бетлар, Т., «Ўзбекистон», 1981).

Шундай қилиб, партия мамлакатнинг миллий чека ўлкаларидаги халқларнинг токапиталистик муносабатлардан социализмга ўтиши назариясини ишлаб чиқар экан, бу назария қоидаларини практикада амалга оширадиган ҳал қилувчи куч ишчилар синфи эканлигини кўрган эди. Бунда гап, бир томондан, Россия ишчилар синфи тўғрисида (фақат унинг беғараз ёрдами туфайлигина миллатларнинг амалий тенгсизлигига чек қўйиш мумкин эди), бошқа томондан эса, янги республикалар саноатини ривожлантириш, у ерда туб миллатларга мансуб меҳнаткашлар ўртасидан ишчилар синфини шакллантириш ҳақида борар эди. Масаланинг бу тарзда қўйилиши қонуний равишда ишчилар синфининг туб ўзгартирувчилик роли тўғрисидаги марксча-ленинча таълимотдан келиб чиқар эди. Бу ерда шуни қайд қиламизки, партиянинг илгари эзилиб келган миллатларнинг амалий тенгсизлигини бартараф қилишга қаратилган йўли ВКП(б)нинг XIV—XVII съездлари қарорларида назарий жиҳатдан янада асослаб берилди, бу йўл дастлабки иккита беш йилликнинг (1928—1937 йиллар) халқ хўжалик планларини бажариш борасида практик жиҳатдан амалга оширилди.

В. И. Ленин социалистик қурилишнинг биринчи йиллари тажрибасини ва бу тажрибадан жаҳон практикасида фойдаланиш имкониятини умумлаштирар экан, 1920 йил 26 июлда Коминтернининг II конгрессида қилган докладида шундай таъкидлаган эди: «Илғор мамлакатларнинг пролетариати орқада қолган меҳнаткашларга ёрдам бера олиши ва ёрдам бериши лозимлиги тўғрисида, Совет республикаларининг ғолиб пролетариати бу оммага ёрдам қўлини чўзган ва уларга мадад бера олган тақдирда, қолоқ мамлакатларнинг тараққиёти ўзининг ҳозирги босқичидан чиқа олиши тўғрисида ҳеч қандай тортишув бўлиши мумкин эмас» (ТАТ, 41-том, 273—274-бетлар). Айни бир пайтда бундай ёрдам, В. И. Ленин фикрича, ички шарт-шароитлар билан, илгари эзилиб келган халқларнинг тараққиётнинг капиталистик босқичини четлаб социализмга ўтишга тайёрлиги билан узвий равишда қўшилиб кетиши керак. Бунинг учун уларда сиёсий жиҳатдан ўз-ўзини англашни ҳосил қилиш лозим. «Биз, — деган эди В. И. Ленин 1919 йилнинг ноябрида, — авангарднинг ёлғиз ўзи коммунизмга ўтиш ишини амалга ошира олмаслигини англамоғимиз керак. Вазифа — меҳнаткаш омманинг савияси қай даражада бўлишидан қатъи назар, бу оммада ташаббус кўрсатишга ва уюшишга қаратилган революцион активлик туғдиришдан, анча илғор мамлакатларнинг коммунистлари учун мўлжалланган чинакам коммунистик таълимотни ҳар бир халқ тилига таржима қилиб, улар ўртасида кенг ёйишдан, тезлик билан амалга оширилиши керак бўлган амалий вазифаларни амалга оширишдан ва умумий курашда бошқа мамлакатларнинг пролетарлари билан бирлашишдан иборатдир» (ТАТ, 39-том, 381-бет). В. И. Ленин Туркистондаги ва бошқа регионлардаги иш тажрибасини таърифлаб, шундай қайд қилган эди: «Бу мамлакатларда саноат пролетариати деярли йўқ. Шундай бўлишига қарамай, биз бу мамлакатларда ҳам раҳбарлик ролини ўз зиммамизга олдик ва олмоғимиз лозим... Ишимизнинг амалий натижалари... қийинчиликларга қарамай, пролетариат йўқ ҳисобида бўлган жойларда ҳам оммани мустақил сиёсий фикр қилишга ва мустақил сиёсий фаолият кўрсатиш учун интилишга қўзғатиш мумкин эканлигини ҳам кўрсатиб берди» (ТАТ, 41-том, 272-бет). Туб ўзгартишлар қилиш учун шарт-шароитлар ҳали етилмаган ҳолларда эса пролетариат сабр қилиши, мазкур халқ ривожланишининг муайян даражага етишини кутиб туриши керак. «Шу вақтгача ўз муллаларининг таъсири остида бўлган қирғизлар, ўзбеклар, тожиклар, туркманлар каби халқларга нисбатан биз нима қила оламиз? — деб қайд қилган эди В. И. Ленин. — Биз шу халқларга бориб: «Биз сизнинг эксплуататорларингизни ағдариб ташлаймиз» деб айта оламизми? Биз бундай қила олмаймиз... Бунда айни миллатнинг ривожланишини, пролетариатнинг буржуа элементларидан табақаланишини кутиш керак, бу табақаланишнинг бўлиши эса муқаррардир» (ТАТ, 38-том, 186—187-бетлар). Ана шундай вазиятлар туфайли Ўрта Осиёдаги социалистик туб ўзгартиришларни аста-секинлик билан олиб бориш керак эди.

Ўрта Осиё халқларининг қишлоқ хўжалигида (бу соҳа экономика негизини ташкил этарди) танҳо ҳукмрон бўлган қабила ва уруғдошлик, феодал ҳамда ярим феодал муносабатлардан тўғридан-тўғри социалистик муносабатларга ўтиши мумкин эмас эди. Социализмга ўтиш, деб ёзган эди В. И. Ленин 1916 йилдаёқ,

бутун бир даврдан иборат бўлади, бу давр илғор мамлакатлардаги соф пролетар ҳаракати билан бир қаторда «тараққий қилмаган, қолоқ ва мазлум миллатларнинг *бир қанча* демократик ва революцион ҳаракатлар билан, шу жумладан миллий-озодлик ҳаракатлари билан бирлаштирувчи давр шаклидан бошқача шаклда юз бериши мумкин эмас» (ТАТ, 30-том, 134-бет). У бу қоидани Октябрдан кейинги даврда янада ривожлантирди. В. И. Ленин мамлакатнинг миллий чекка ўлкаларидаги социалистик қурилиш тажрибасини умумлаштирар экан, у жойларда *«бир қанча ўтишлар, ўткинчи босқичлар»* бўлади деб (ТАТ, 37-том, 368-бет), уларнинг социализмга РСФСРдан фарқли ўлароқ анча секинлик, анча изчиллик билан ўтиши (ТАТ, 43-том, 225-бет) зарурлигини қайд қилган эди. Бу вазифани муваффақиятли тарзда ҳал қилиш учун пролетариат авангарди *«токапиталистик* муносабатларнинг социализмга ўтиши учун қандай *оралиқ йўллар,* усуллар, чоралар ва воситалар лозим эканлигини» билиши керак (ў ш а ж о й д а, 258—259-бетлар).

Советлар шундай бир кенг қамровли ташкилот эдики, партия, ишчилар синфи унинг ёрдамида мамлакатнинг, шу жумладан унинг миллий чека ўлкаларидаги деҳқонлар кенг оммаларини янги жамиятни бунёд қилишга жалб қилган эдилар. В. И. Лениннинг меҳнаткашларга қарата айтган уларнинг ўзларининг Советлари теварагида жипслашишлари, уларни мустаҳкамлашлари, уларнинг ўзлари қуйидан бошлаб ишга киришишлари тўғрисидаги чақириғига жавобан Ўрта Осиёнинг деҳқон оммалари Советлар ишида тобора активроқ қатнаша бошладилар.

Туркистоннинг кўпгина қишлоқлари ва овулларида деҳқонлар Советлари ташкил қилина бошлади. Ўлкадаги қирғиз кўчманчилар манзилларида кўчманчилик Советлари (яйлов-кенгашлари) вужудга келди, Бухоро ва Хоразмда деспотик тузумлар ағдариб ташланганидан сўнг деҳқонлар Советлари ташкил топди, бу Советлар революциянинг дастлабки босқичида пролетариат ва деҳқонлар революцион-демократик диктатураси вазифаларини амалга оширдилар ва Россия ишчилар синфининг Бухоро ҳамда Хоразм меҳнаткаш оммалари билан синфий иттифоқининг ғоят муҳим формаси бўлиб қолди. Ўрта Осиё тажрибаси В. И. Лениннинг Коминтернннинг II конгрессида бундай Советлар «фақат капиталистик мамлакатлар учунгина эмас, балки капитализмдан илгариги муносабатларга эга бўлган мамлакатлар учун ҳам ярайдиган восита»дир деб эълон қилишига имкон берган эди (ТАТ, 41-том, 273-бет). Бундан партиянинг миллий чекка ўлкалардаги деҳқонлар Советлари ғоясини пропаганда қилиш, у жойларда бундай Советларни ташкил қилиш вазифаси келиб чиқарди. Бу илгари эзилиб келган халқларга прогрессив тараққиёт йўлида ёрдам беришга, Советларни токапиталистик ижтимоий муносабатларнинг амал қилиш шароитига мослаштиришга даъват этилган ишчилар синфи ва унинг партияси фаолиятининг амалий соҳасини ташкил этар эди. В. И. Ленин ана шундан келиб чиқиб қуйидаги муҳим қоидани назарий жиҳатдан асослаб берди: «Қолоқ мамлакатлар илғор мамлакатларнинг пролетариати ёрдами билан, капиталистик тараққиёт босқичини четлаб ўтиб, совет тузумига ва муайян тараққиёт босқичлари орқали коммунизмга ўтишлари мумкин» (ўша жойда, 274-бет).

В. И. Ленин мазлум халқларни озод қилиш учун курашда пролетариатнинг етакчи роли тўғрисидаги ғояни Коммунистик Интернационалнинг II конгрессига тезисларда ҳам аниқ ифодалаб берди. У тезисларнинг феодал ёки патриархал муносабатлар устун бўлган мамлакатлар тўғрисида гап борадиган қисмида шундай деб қайд қилган эди: «Биринчи галда қолоқ миллатни мустамлака қилиб, ёки молия жиҳатдан ўзига қарам қилиб олган мамлакат ишчилари зиммасига энг актив ёрдам кўрсатиш вазифаси юкланади». У «бутун куч ва ғайратни капитализмдан олдинги муносабатлар ҳукм суриб турган мамлакатларда «Меҳнаткашлар советлари» ва шу кабилар тузиш йўли билан совет тузумининг асосий негизларини вужудга келтиришга қаратмоқ зарур»лигини таъкидлаган эди (ў ш а ж о й д а, 184—185-бетлар).

РКП(б) X съезди тараққиётнинг токапиталистик босқичида турган халқлар учун ҳам тушунарли ва мумкин бўлган давлат тузуми формаси сифатидаги Советлар тўғрисидаги ленинча таълимотни ривожлантириб ва конкретлаштириб, совет давлат тузумини Туркистон ва бошқа миллий чекка ўлкалар халқларининг

миллий-маиший шарт-шароитларига мувофиқ келадиган формаларда ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган қатор конкрет вазифаларни ўртага қўйди.

Синфий табақаланиш миллий тенгсизликнинг ҳамма турларини йўқ қилиб ташлаш, патриархал-феодал муносабатларга батамом чек қўйиш ва илгари эзилиб келган халқларни социалистик қурилишга жалб қилишнинг энг муҳим омили эди. РКП(б) X съезди бундай сиёсатнинг биринчи қадами «барча маҳаллий эксплуататор элементларнинг оммага таъсирини йўқотишдан, барча совет ўз-ўзини идора қилиш органларида уларга қарши кураш олиб боришдан, маҳаллий омманинг меҳнаткашлар Советларига уюшиши йўли билан эксплуататор элементларни синфий имтиёзлардан маҳрум қилишдан иборат бўлиши керак», деб таъкидлади («КПСС съездлари, конференциялари ва Марказий Комитет Пленумларининг резолюция ва қарорлари», 2-том, 261-бет).

Туркистонда Советларни ташкил этишга ва улар фаолиятига синфий ёндашув асрлар давомида қарор топган феодал жамияти психологиясини бартараф қилишда катта аҳамиятга эга бўлди. Шуни қайд қилиш керакки, омманинг синфий жиҳатдан ўз-ўзини англашини ҳосил қилиш жараёни мураккаб ва машаққатли жараён бўлди. Бу проблемани ҳал этиш йўлида маҳаллий меҳнаткаш аҳолининг ёппасига саводсиз эканлиги, дин, барқарор маиший нормалар ва шу сингарилар тўсиқ бўлиб турарди. Қатор шароитлар туфайли Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида миллий зиёлилар вакилларини, шу жумладан социалистик тузумга ёт бўлган, лекин туб меҳнаткаш аҳоли ўртасида ҳозирча маълум ишончга эга шахсларни ҳам Советлар аппаратидаги ишга жалб қилишга тўғри келган эди. Миллий-давлат чегараланиши ўтказилганидан сўнг аҳвол кескин ўзгарди, бу тадбир жараёнида Совет ҳокимияти органларини синфий жиҳатдан ёт унсурлардан тозалаш ва ишчиларни, айниқса туб миллатларга мансуб ишчиларни, батраклар ва деҳқонларни шу органлардаги ишга максимал тарзда жалб қилиш чоралари кўрилди.

Шундай қилиб, В. И. Ленин К. Маркс билан Ф. Энгельс назарий меросини ривожлантириб, мазлум ва қарам мамлакатларнинг тараққиётнинг капиталистик босқичини четлаб социализмга ўтишининг мумкинлиги ва йўллари тўғрисида изчил таълимот яратди. У бундай ўтишнинг ҳар қандай жиҳатларини кўриб чиқар экан, бунда пролетариатнинг асосий роль ўйнашини: метрополия ишчилар синфининг мазлум халқларга ёрдами ва маҳаллий пролетар элементларига таяниш зарурлигини ҳар доим таъкидлар эди.

Ишчилар синфи Советлар Мамлакати тарихининг турли босқичларида совет халқининг етакчи кучи сифатидаги тарихий вазифасини муваффақиятли бажариб келди. Бугун ҳам, ҳаётимизни революцион тарзда қайта қуриш тобора кенг авж олаётган ҳозирги кунда ҳам у ана шу қайта қуришни амалга ошириш учун курашувчиларнинг олдинги сафларида бормоқда. «Ишчилар синфининг сиёсий тажрибаси, — деб таъкидланади КПСС Программасида, — унинг юксак онглилиги, уюшқоқлиги ва иродаси жамиятимизни жипслаштирмоқда. Ишчилар синфининг умумий таълим, маданий ва профессионал савиясининг, меҳнат ғайрати ва ижтимоий-сиёсий активлигининг ўсиши унинг социализмни такомиллаштиришдаги, коммунистик қурилишдаги авангардлик ролини оширади».

СУЛҲ ТЎҒРИСИДА ЛЕНИНЧА ДЕКРЕТ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

Л. БАЛИН,
юридик фанлар кандидати

«...ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ бошланган кундан буён, — деб кўрсатган эди В. И. Ленин, — ташқи сиёсат ва халқаро муносабатлар масаласи бизнинг олдимизда энг асосий масала бўлиб турди» (Тўла асарлар тўплами, 37-том, 176-бет).

Россиянинг халқаро ва ички аҳволи революция вақтига келиб ниҳоятда оғирлашган эди. Тўрт йилдан бери жаҳон уруши давом этарди — Россия Антанта давлатлари (Англия, Франция) ва АҚШ билан иттифоқ тузиб марказий давлатлар коалицияси (Германия, Австро-Венгрия, Туркия, Болгария)га қарши уруш олиб борарди.

Империалистик уруш миллион-миллион одамларнинг ёстиғини қуритди, бу урушда ғарбий иттифоқчилар асосий оғирлик ва қурбонликларни Россия елкасига юклашга интилди. Урушнинг атиги дастлабки икки ярим йили ичида рус армиясига сал кам 14,4 миллион киши, яъни меҳнатга лаёқатли эркакларнинг 47,4 проценти чақирилди. Фронтда 3 миллион киши ҳалок бўлди, 5,7 миллион одам яраланди, 2,5 миллион киши асир тушди. Мамлакат ҳаммаси бўлиб 11 миллиондан ортиқ кишисини йўқотди, бу Россия иттифоқчиларининг ҳаммаси йўқотган кишилар сонидан кўпдир. Мамлакатимиз халқлари манфаатлари нуқтаи назаридан олиб қаралганда бу беҳудага берилган қурбонлар эди. Урушни давом эттиришнинг беҳудалиги солдатлар, мамлакат ичкарисидаги меҳнаткашларга тобора равшан бўлиб қолганди, бу тўғрида уруш бошиданоқ большевиклар такрор-такрор гапирган эдилар. «Иттифоқчилар урушни рус солдатининг сўнгги томчи қони қолгунча давом эттиришмоқчи» деган сўзлар армияда оғиздан-оғизга кўчиб юрарди.

Чор Россиясининг иқтисодий қолоқлиги, олий ҳарбий раҳбарларининг нўноқлиги, армиянинг қурол-яроғ, ўқ-дорилар билан таъминланмаганлиги фронтдаги жиддий муваффақиятсизликларга сабаб бўлди. Мамлакат ичкарисидаги вайроналик экономиканинг ҳамма соҳаларини қамраб олиб, мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучларини тўла таназзулга олиб келди. Ўн миллионлаб кишилар оч эди. Шунга қарамай чоризмни ағдариб ташлаган Февраль революциясидан кейин ҳокимият тепасига келган Вақтли ҳукумат урушни «ғалаба қилгунча» давом эттиришга аҳд қилди. Натижада мамлакат миллий ҳалокат ёқасига келиб қолди.

Фақат социалистик революциягина Россияни кризис ҳолатидан олиб чиқиши, урушни тугатиши ва тинч шароитда ривожланиш учун йўл очиб бериши мумкин эди. Большевиклар партияси РСДРПнинг VI съездида (1917 йилнинг 26 июли — 3 августи) ана шундай хулосага келдилар. Урушни тўхтатиш, сулҳ учун кураш революцион ҳаракатга миллион-миллион пролетар, солдат, деҳқон оммасини жалб этди. Бу революция тинчлик манфаатлари йўлида олиб борилаётган революция эканлиги Октябрнинг дастлабки кунлариданоқ маълум бўлган эди.

...Революцион Петроград, Смольний, 1917 йилнинг 26 октябри (8 ноябрь). Эрталаб соат тўртларда Советларнинг II Бутун Россия съезди — контрреволюциянинг сўнгги таянчи — Қишки саройнинг олинганлиги тўғрисидаги ахборотни

эшитди. Кечкурун эса съезд мажлисида революция доҳийси В. И. Ленин сулҳ тўғрисида доклад қилди. Владимир Ильич докладни шундай сўзлар билан бошлади: «Сулҳ ҳақидаги масала ҳозирги замоннинг энг муҳим масаласи, мушкул масаладир. У тўғрида кўп сўзланди, ёзилди ва сизларнинг ҳаммангиз, балки уни анчагина муҳокама ҳам қилган бўлсангиз керак. Шунинг учун сиз сайлайдиган ҳукумат нашр қилиб чиқариши лозим бўлган декларацияни ўқиб беришимга рухсат этгайсиз» (ТАТ, 35-том, 13-бет). Шундан кейин Ленин барча уришаётган мамлакатлар халқлари ва ҳукуматларига қарата ўзи тузиб чиққан мурожаатномани — сулҳ тўғрисидаги Декретни аввал эълон қилди, сўнгра изоҳлаб берди. Доклад юзасидан қизғин музокара бўлди, шундан кейин Декрет бир оғиздан қабул қилинди.

Сулҳ тўғрисидаги Декрет қабул қилинганидан кейин, деб ёзади Советларнинг II съездида иштирок этган америкалик ёзувчи коммунист Ж. Рид «Дунёни титратган 10 кун» китобида, кутилмаганда, ўз-ўзидан юз берган жўшқинлик ҳаммамизни оёққа турғиздию, биздаги бирдамлик ҳисси «Интернационал»нинг уйғун, ҳаяжонли садосига қўшилиб кетди. Сочига оқ оралаган, кекса бир солдат ёш боладек йиғлаб юборди... Қудратли гимн зални тўлдирди, дераза ва эшиклардан ёриб ўтиб, сокин осмон қўйнида таралларди».

Эндигина туғилган социалистик давлатнинг биринчи қабул қилган қонун акти, биринчи ташқи сиёсатга оид декларацияси халқлар ўртасидаги тинчликни ўз ташқи сиёсатининг бош принципи ва мақсади эканлигини эълон қилган ҳужжат бўлганлиги қонуний бир ҳол бўлиб, у чуқур рамзий маънога эгадир. Сулҳ тўғрисидаги Декретнинг икки жиҳати бор эди: у ўша даврнинг энг долзарб масаласи — империалистик урушни тўхтатиш, урушдан Россияни олиб чиқиш, барча халқларга тинчликни таъминлаш масаласини ҳал этишнинг стратегияси ва тактикасини белгилар экан, — унда айни бир вақтда социалистик давлат ташқи сиёсатининг, тинч-тотув ҳамкорлик қилиш асосида халқаро муносабатларнинг бутун системасини қайта қуришнинг узоқ муддатга мўлжалланган программаси берилган эди.

Сулҳ тўғрисидаги Декрет Совет ҳукуматининг «уруш олиб бораётган барча халқларга ва уларнинг ҳукуматларига адолатли демократик сулҳ тузиш ҳақида дарҳол музокара бошлаш» тўғрисидаги таклифи билан бошланади... Ҳукумат аннексиясиз (яъни бировларнинг ерини босиб олмасдан, бошқа халқларни зўрлик билан ўзига қўшиб олмасдан) ва контрибуциясиз дарҳол тузилган сулҳнигина адолатли ва демократик сулҳ деб ҳисоблайди» (В. И. Ленин. ТАТ, 35-том, 13-бет). Айни вақтда нотўғри талқин қилишларнинг олдини олиш учун (буржуа сиёсатдонлари бунга майл бўлишади) В. И. Ленин Декретда аннексиянинг аниқ ва пухта таърифини берди: «Ҳукумат аннексия ёки бировларнинг ерларини босиб олиш деб, умуман демократиянинг ва хусусан меҳнаткаш синфларнинг ҳуқуқий тушунчасига мувофиқ, халқнинг аниқ, равшан ва ўз ихтиёри билан билдирган розилиги ва истагисиз катта ёки кучли давлатга кичкина ёки кучсиз халқни ҳар қанақасига қўшиб олишни тушунадики, бунда зўрлик билан қўшиб олишнинг қачон содир бўлганлиги, шунингдек зўрлик билан қўшиб олинувчи ёки маълум давлат чегараси ичида зўрлик билан тутиб турилувчи миллатнинг нақадар тараққий қилганлиги ёки қолоқлиги роль ўйнамайди. Ниҳоят, бу миллатнинг Европада ёки океаннинг нариги ёғидаги узоқ мамлакатларда бўлиши ҳам роль ўйнамайди» (ў ш а ж о й д а, 14-бет).

Декретнинг чуқур интернационализм, барча халқларга, уларнинг озодлиги ва мустақиллигига ҳурмат ҳисси билан йўғрилган қоидаси миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан асослашга йўл очиб бердики, бу большевистик партиянинг доимо программ талаби бўлиб келган эди.

Декретда биринчи марта агрессив урушнинг жиноий характери таърифлаб берилди. «Кучли ва бой миллатлар босиб олган кучсиз халқларни ўзаро қандай тақсим қилиш учун олиб борилаётган бу урушни давом қилдиришни, — дейилганди Декретда, — ҳукумат инсониятга қарши жуда ҳам катта жиноят деб ҳисоблайди ва истисносиз ҳамма халқлар учун бирдай адолатли бўлган ва юқорида кўрсатилган шартлар асосида бу урушни тўхтатадиган сулҳ шартларига

дарҳол қўл қўйишга тайёр эканлигини тантанали равишда эълон қилади» (ў ш а ж о й д а, 14-бет).

Шуни таъкидлаш керакки, халқаро муносабатлар тарихи шу вақтгача ҳам ҳукуматларга, ҳам халқларга қаратилган ташқи сиёсатга оид ҳужжатни билмас эди. Сулҳ тўғрисидаги Декрет буни биринчи марта амалиётга олиб кирдики, бу Совет давлати ташқи сиёсатининг чинакам демократизми билан чамбарчас боғлиқ эди. Халқаро муносабатларда ошкоралик принципининг эълон қилиниши ҳам ана шундай демократизмнинг исботи эди. Сулҳ тўғрисидаги Декретда шундай дейилганди: «Ҳукумат махфий дипломатияни бекор қилади ва, ўз томонидан, ҳамма музокараларни бутун халқ олдида тамоман очиқ равишда олиб боришга қаттиқ ният қилганлигини билдиради». Шунга мувофиқ Вақтли ҳукумат томонидан тасдиқланган ёки у билан тузилган ҳамма махфий шартномалар эълон қилинади, ва ҳукумат «бу махфий шартномаларнинг бутун мазмуни... мутлақо ва дарҳол бекор деб эълон қилади» деб тушунтирилган эди (ў ш а ж о й д а, 15-бет).

Шундай қилиб Совет давлати бунёд бўлганининг биринчи куниданоқ империалистик дипломатиянинг риёкорлиги ва сохталигига «тўла ва очиқ ҳақиқатни» қарши қўйди (В. И. Л е н и н. ТАТ, 37-том, 88-бет).

В. И. Ленин сулҳ тўғрисидаги Декретни изоҳлар экан, айни вақтда бизнинг сулҳ хусусидаги таклифларимизнинг ультиматум тарзида бўлмаслигига, «талабларимиздан бироз қайтишимиз империалистик ҳукуматларнинг Советларнинг муросасизлиги туфайли сулҳ ҳақида музокара бошлаб бўлмади, дейишларига баҳона бўлмаслигига» катта аҳамият берган эди (ТАТ, 35-том, 19-бет).

Сулҳ тўғрисидаги Декретда В. И. Ленин томонидан ишлаб чиқилган социализмнинг ташқи сиёсатга оид стратегияси оламшумул тарихий аҳамиятга эга. Декретнинг биринчи сатридан охирги сатригача сингдириб юборилган социализм ташқи сиёсатининг асосий принциплари — пролетар, социалистик интернационализм ва икки системанинг тинч-тотув яшаш принциплари — КПСС ва Совет давлати халқаро фаолиятининг асоси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади, бошқа социалистик давлатлар ташқи сиёсатининг моҳиятини белгилайди.

Декрет ғоялари вақт ўтиши билан ўз актуаллигини йўқотмадигина эмас, балки, аксинча халқаро муносабатларнинг прогрессив ривожланишига тобора кўпроқ таъсир кўрсатмоқда.

Ҳолбуки сулҳ тўғрисидаги Декрет ғояларини обрўсизлантириш мақсадида Ғарбда унинг мазмунини бузиб кўрсатишга, аҳамиятини пасайтиришга кўп уринишган ва ҳозир ҳам уринишмоқда. Декрет империалистик ҳукуматларнинг агрессив сиёсатига қарши қаратилганлиги учун ҳам у ерда аввалига у ҳақда ломлим дейишмади, бунинг уддасидан чиқиша олмагач, уни пропагандистик ҳаракат деб эълон қилишди. Тинчликка қаратилган совет таклифларини «пропагандистлик ҳийла» деб эълон қилишдек машъум анъанага шу тариқа асос солинди, чунки бу таклифлар империалистларга ёқмасди: Ғарб ҳукмдор доираларининг совет тинчлик ташаббусларига, қуролсизланиш тўғрисидаги таклифларига бугун ҳам бир қолипда жавоб қилишларининг сабаби ҳам ана шунда.

Буржуа историографиясида, сулҳ тўғрисидаги Декретнинг ташқи сиёсатга оид программаси охирги дақиқада, уни тасдиқлаш олдидан ишлаб чиқилган ва у қисқа муддатли сиёсий фойда кўришга мўлжалланган тор прогматик характерга эга, деб даъво қилинади. Лекин фактлар шуни кўрсатадики, сулҳ тўғрисидаги Декрет асло сиёсий импровизация маҳсули бўлган эмас. Бу ҳужжат — большевистик партиянинг марксизмни империализм давридаги халқаро муносабатлар шароитига ижодий тадбиқ этиш асосида ишчилар синфининг мустақил ташқи сиёсатини ишлаб чиқиш юзасидан ўтган йиллар давомида олиб борган бутун ишининг натижасидир. Антикоммунистлар сулҳ тўғрисидаги Декрет асослаб берган социализм халқаро сиёсатининг туб принципларидан доимо ўз манфаатлари йўлида фойдаланмоқчи бўладилар ва уларга ҳужум қиладилар. Мана, 70 йилдирки, буржуа «танқидчилари» пролетар, социалистик интернационализм принциплари билан тинч-тотув яшаш принципларининг бир-бирига қандайдир «узвий равишда мувофиқ келмаслигини» исботламоқчи бўладилар. Улар бу принципларнинг биринчисига бўҳтон қилиб, уни «революцияни зўрлаб экспорт қилиш» тарзида талқин этишади, у ўз табиатига кўра иккинчи принцип билан чиқишолмайди, дейишади. Шунга асосланиб, тинч-тотув яшаш сиёсати комму-

низмнинг, совет ташқи сиёсатининг «доимий агрессивлигини» яширишни мақсад қилиб олган «тактик хийла-найрангдан» бўлак нарса эмас, деб провакацион хулоса чиқарилади. Империалистик пропаганданинг сийқаси чиққан, аллақачон рад этилган, лекин қайта-қайта тикланаётган «совет ҳарбий хавфи» тўғрисидаги бошдан-оёқ уйдирманинг асосини ҳам айни ўша идеологик диверсия ташкил этади.

Аслида эса пролетар интернационализми принципи, барча мамлакатлар ишчилари, меҳнаткашларининг тинчлик, демократия ва социализм учун курашдаги ҳамкорлигининг «революцияни экспорт қилиш» тўғрисидаги уйдирмага ҳеч қачон ҳеч қандай алоқаси бўлган эмас ва йўқ. «Революцияларни, — деган эди В. И. Ленин, — буюртма билан қилиб бўлмайди, уларни бирон-бир пайтга тўғрилаб қилиб бўлмайди, балки революциялар тарихий тараққиёт жараёнида етилади ва бир қатор ички ҳамда ташқи сабаблар комплекси тақозо қилган бир пайтда бошланиб кетади» (ТАТ, 36-том, 606-бет). В. И. Лениннинг қуйидаги сўзлари ҳозирги шароитда ҳам катта куч билан жаранглайди: «Албатта, ўзга мамлакатда революцияни буюртма билан, битимга келиш йўли билан қилиш мумкин деб ўйлайдиган одамлар бор. Бундай одамлар ё ақлсиз одамлар ёки иғвогарлардир» (ў ш а ж о й д а, 520-бет).

Социалистик давлат сиёсатидаги тинч-тотув яшаш принципи ҳам қандайдир конъюктурали фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб қабул қилинган эмас. У социалистик революция ва социализмнинг аввало бир ёки бир неча мамлакатларда қурилиши тўғрисидаги ленинча назариядан бевосита келиб чиқади, чунки узок муддат давомида «социалистик ва капиталистик давлатлар ёнма-ён яшаб» туришади (ТАТ, 39-том, 228-бет). Бинобарин тинч-тотув яшаш кишилик жамияти ривожида қонуний бир босқич ҳисобланади. Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, Октябрь революциясидан кейин кўп вақт ўтмасданоқ В. И. Ленин «сўл коммунистларнинг» ғоявий фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, буржуа мамлакатлари билан ҳеч қандай битимга келишмаслик ва муросага бормаслик керак, деган талабларига кескин қарши чиқди. «Бундай қарашларнинг нотўғрилиги, — деб ёзган эди В. И. Ленин, — кўзга яққол ташланиб турибди. Империалистик давлатлар ўртасидаги социалистик республика, бундай қарашлар нуктаи назаридан, ҳеч қандай иқтисодий шартномалар туза олмас эди, ойга учиб кетмасдан яшай ҳам олмас эди» (ТАТ, 35-том, 448-бет).

Модомики, сулҳ тўғрисидаги Декрет фақат ҳукуматларга эмас, шунингдек халқларга ҳам қаратилган экан, антикоммунистлар ишни шу хилда кўрсатадилар-ки, гўё Совет ҳукумати «ҳукуматни четлаб ўтиб, бевосита халқларга» мурожаат қилганмиш, илгарилари тузилган ҳамма шартномаларни бекор қилганмиш, бу билан халқаро муносабатларни «изидан чиқарганмиш». Аслида эса сулҳ тўғрисидаги Декрет руҳининг ҳам, ҳарфининг ҳам моҳияти унинг мавжуд ҳукуматларни инкор этишида эмас, балки унинг икки адресга эгалигида, яъни ҳам ҳукуматларга, ҳам халқларга қаратилганлигидадир. «Ҳамма ерда ҳукумат билан халқ ўзаро келиша олмайди, шунинг учун ҳам биз халқларга уруш ва сулҳ масалаларига аралашишларига ёрдамлашмоғимиз лозим», — В. И. Ленин бу тадбирнинг зарурлигини ана шундай далиллаган эди (ў ш а ж о й д а, 17-бет).

Бундан ташқари сулҳ тўғрисидаги Декрет ҳамма шартнома ва битимларни эмас, балки фақат халқлар ҳуқуқларини камситадиган, уларни қулликка соладиган, зўрликка асосланган шартнома ва битимларнигина бекор қилишга даъват этган эди. «Биз талончилик ва зўрлик қилиш тўғрисидаги ҳамма моддаларни рад қиламиз, — деди В. И. Ленин сулҳ тўғрисидаги доклад юзасидан гапирган якунловчи сўзида, — лекин тотувлик шартларини ва иқтисодий битимларни ўз ичига олган ҳамма моддаларни хурсандлик билан қабул қиламиз, биз уларни рад қила олмаймиз» (ў ш а ж о й д а, 21-бет).

Совет ҳукумати сулҳ тўғрисидаги Декретда илгари сурилган умумий тинчлик программасини амалга ошириш учун изчил курашди. Лекин, буржуа ҳукуматлари урушни тугатишни сира хоҳламаганлари учун бирдан-бир йўл — Совет республикасининг Германия ва унинг иттифоқчилари билан сепарат сулҳ тузиш йўли билан урушдан бир томонлама чиқиш қолганди. «Биз сепарат сулҳ тузиш билан, — деб уқтирган эди В. И. Ленин, — бир-бирига душман бўлган икки империалистик группанинг бизга қарши битим тузишини қийинлаштирадиган ўзаро душманлигидан ва урушдан фойдаланиб, бу икки империалистик группадан энг кўп даражада,

ҳозирги пайтда мумкин бўлган даражада қутилиб оламиз, — бундан социалистик революцияни давом эттириш ва мустаҳкамлаш йўлида бемалол ишлаш учун маълум бир фурсатга эга бўлиш мақсадида фойдаланамиз» (ў ш а ж о й д а, 276-бет).

1918 йилнинг 3 мартида Марказий блок мамлакатлари билан Брест сулҳини тузиш Совет Россияси учун қанчалик оғир бўлишига қарамай, энг муҳими шунда эдики, сулҳ тўғрисидаги Декрет йўли, урушдан зудлик билан чиқишнинг ленинча йўли ғалаба қилди, бу эса Улуғ Октябрнинг революцион ғалабаларини сақлаб қолишга имкон берди. 1918 йилнинг ноябрида Германияда революция юз берди ва Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети 13 ноябрда Брест шартномасини бекор қилди.

Сулҳ тўғрисидаги Декретнинг амалга оширилиши Совет давлатининг тинч ҳамкорлик қилишнинг саботли ҳимоячиси сифатида обрў-эътиборининг тез ўсишига ёрдам берди, халқаро империализм планларига панд берди, жаҳон урушининг тугашини тезлаштирди. Декрет ғоялари каттаю-кичик барча мамлакатлар халқларига бориб етди, урушга қарши, революцион кайфиятнинг кучайишига, октябрдан кейинги даврда миллий-озодлик ҳаракатининг авж олишига ёрдам берди.

Лекин сулҳ тўғрисидаги ленинча Декретнинг оламшумул-тарихий аҳамияти бу билан чекланмайди. Конкрет шарт-шароитлар тақозоси билан дунёга келган ва ўз даврининг пишиб етилган вазифаларини ҳал қилган мазкур ҳужжат шу билан бирга халқаро муносабатларда янги давр даракчиси бўлди. Сулҳ тўғрисидаги Декретнинг ўз аҳамиятига кўра методологик характерга эга бўлган, социалистик давлат ташқи сиёсатининг социал табиатини, асосий принципларини, шунингдек халқаро муносабатлар ривожининг объектив тенденцияларини очиб берувчи қоидалари тарихнинг бешафқат текширувидан ўтиб, бизнинг кунларда ҳам, узоқ келажак учун ҳам ўзининг ҳаётий кучини сақлаб қолмоқда.

Октябрь революциясидан кейин ўтган етмиш йил ичида унинг таъсири остида дунёда кескин ўзгаришлар юз берди. Инсониятнинг учдан бир қисмидан ортиғи капиталистик эксплуатация кишанларини ирғитиб ташлади — жаҳон социализм системаси қарор топди, у мустаҳкамланмоқда ва ривожланмоқда. Мустамлакачи империялар бошқа қолмади — ўнлаб ёш суверен давлатлар пайдо бўлди. Халқаро пролетариатнинг кучлари кўпайди, марксчи-ленинчи коммунистик ва ишчи партиялар унинг манфаатларини ифода қилади. Оммавий демократик, империализмга, урушга қарши ҳаракатлар ривожланмоқда. Капитализмнинг умумий кризиси чуқурлашмоқда.

Буларнинг ҳаммаси халқаро муносабатлар ривожида ўчмас из қолдирди. Октябрь революциясига қадар уларда «муштумзўрлар ҳуқуқи» — кучлилар ҳуқуқи ҳукмронлик қиларди. «Уруш қилиш ҳуқуқи» мавжуд бўлиб, унга мувофиқ бир давлат бошқа давлатга нисбатан, ўзи буни зарур деб ҳисоблаган пайтда, қуролли куч ишлатиши мумкин эди. Уруш халқаро низоларни ҳал қилишнинг тамомила қонуний усули деб ҳисобланарди.

Сулҳ тўғрисидаги Декрет биринчи марта ҳозирги замон халқаро ҳуқуқнинг энг асосий принципларидан бири — агрессив урушни тақиқлаш, уни қонундан ташқари деб эълон қилиш принципини таърифлаб берди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин бу принцип БМТ Уставида нуфузли равишда мустаҳкамлаб қўйилди, Устав халқаро муносабатларда куч ишлатиш ёки куч билан таҳдид қилишни тақиқлади. Бунинг учун инсоният социализмдан миннатдор бўлиши керак, зеро социализм урушни давлатлараро зиддиятлар, идеологик жанжалларни ҳал этиш воситаси сифатида рад этади. «Қуролсиз ва зўравонликсиз дунё, ҳар бир халқ ўз ривожланиш йўлини, ўз турмуш тарзини эркин танлаб оладиган дунё — бизнинг олий мақсадимиздир» — дейилади КПСС МКнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида.

Сулҳ тўғрисидаги Декрет таъсирида, Совет давлатининг унинг асосида олиб бораётган тинчликсевар ташқи сиёсати натижасида халқаро ҳуқуқнинг қуролсизланиш, халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, халқлар ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши, жумладан мустамлакачиликнинг барча форма ва кўринишларини тақиқлаш сингари янги, ҳозирги даврнинг асосий қонуниятларини ифодаловчи принциплари қарор топди. Давлатларнинг суверен

тенглиги, ички ишларга аралашмаслик, шартнома мажбуриятларига риоя қилиш принциплари янада ривожланди ва ҳоказо.

Икки системанинг мусобақаси, ўзаро кураши билан жаҳон ҳамжамияти давлатларининг ўзаро боғлиқлиги томон кучайиб борувчи тенденциянинг бирга қўшилиши — ҳозирги замон тараққиётининг реал диалектикасидир. Бу ривожланиш ҳозирги кунда бурилиш дамларини бошидан кечирмоқда, кескин бир маррага келиб қолди. В. И. Лениннинг 1918 йилда урушлар «кишилик жамиятининг яшаш шароитининг ўзига ҳам путур етказиши мумкинлиги», чунки «техниканинг эришган жуда қудратли ютуқлари тарихда биринчи марта миллионларча кишиларни оммавий тусда қириб юбориш учун шу қадар даҳшатли ва шу қадар зўр куч билан кенг кўламда ишга солинаётганлиги» (ТАТ, 36-том, 448-бет) тўғрисида айтган сўзлари ракета-ядро асрида ҳар қачонгидан ҳам актуал жарангламоқда.

Империализм томонидан яратилган термоядро уруши хавфи шундай бир вазиятга олиб келдики, бундай шароитда одамзотни омон сақлаб қолишни таъминлаш зарур ва айни бир вақтда СССР билан АҚШ, Варшава Шартномаси Ташкилоти билан НАТО ҳарбий-стратегик паритети шароитида реал амалга оширса бўладиган тадбир бўлиб, барча бошқа халқаро проблемаларни ҳал этиш учун замин бўлиб хизмат қилади.

Шу муносабат билан ижтимоий тараққиёт, умуминсоний бойликлар манфаатларининг у ёки бу синф манфаатларидан юқори туриши тўғрисидаги ленинча фикрнинг ғоят чуқур маъносини очиб берар экан, КПСС МК Бош секретари шундай деб таъкидлаган эди: «Бугунги кунда, ракета-ядро асрида бу фикрнинг аҳамиятини айниқса чуқур ҳис этасан... Цивилизациянинг қийинчиликлари ва зиддиятлари қанчалик кўп бўлмасин, уни ҳаёт учун, инсон учун сақлаб қолиш лозим. Инсоният яшаган тақдирда эса у зиддиятларни қандай қилиб бўлмасин бартараф этади».

Бир-бирига қарши икки ижтимоий система ўртасидаги зиддиятлар қанчалик чуқур ва антагонистик бўлмасин, ҳозирги шароитда ер юзида цивилизацияни сақлаб қолиш вазифаси олдида улар иккинчи ўринга сурилмоқда. Уруш билан тинчлик, инсониятнинг омон қолиши билан йўқ бўлиб кетиши ўртасидаги зиддият ҳаммасидан устун туради. Тинчликни сақлаб қолиш даврнинг қатъий императиви бўлиб қолди.

Табиийки, тинчликни, инсониятнинг яшаш ҳуқуқини таъминлаш проблемаларининг биринчи ўринга қўйилиши ҳеч ҳам ижтимоий тараққиёт, халқларнинг миллий ва социал озодлиги учун курашдан воз кечишни англатмайди, бундай курашни социал-сиёсий статус-кво билан алмаштиришни англатмайди. Аксинча, халқ оммасининг урушга қарши ҳаракатга кенг жалб этилиши унинг айни империализм бутун инсониятга таҳдид солаётган ҳалокатли хавфнинг манбаи эканлиги ҳақидаги шак-шубҳасиз ҳақиқатни чуқурроқ тушунишига ёрдам беради.

Ҳамма регионларда урушга қарши ҳаракатнинг биринчи сафларида коммунистлар бормоқда. Социал ва миллий зулмга қарши изчил курашчилар бўлган коммунистлар Ер юзида тинчликни сақлаб қолиш, кишиларнинг яшаш ҳуқуқи учун курашнинг ҳам олдинги сафларида бормоқдалар, улар урушга қарши ҳаракатга ҳисса қўшишга қодир бўлган барча кучлар билан ҳамкорлик қилишга интилмоқдалар.

КПСС XXVII съезди томонидан ишлаб чиқилган ташқи сиёсат стратегияси ўз мазмунига кўра сулҳ тўғрисидаги ленинча Декрет ғояларининг ҳозирги шароитга татбиқан давоми ва ривожи ҳисобланади.

«...Тинчликни сақлаш ва бутун кучни хўжаликни тиклашга сарфлаш учун, — деган эди В. И. Ленин, — тўла имкониятга эга бўлиш биз учун ҳар нарсадан ҳам қимматлидир» (ТАТ, 42-том, 371-бет). КПСС ва Совет давлати 70 йил давомида амалга ошириб келаётган бу ленинча бош йўл-йўриқ партия ташқи сиёсат стратегиясининг асосий мақсадини белгилайдики, бу совет халқига мустаҳкам тинчлик шароитида меҳнат қилиш имкониятини таъминлаб беришдан иборат.

КПСС XXVII съезди тинч-тотув яшаш сиёсатининг ўрнини боса оладиган бошқа йўл йўқлиги тўғрисидаги принципиал жиҳатдан янги қоидаларни таърифлаб берди, шундай объектив шарт-шароитлар вужудга келдики, бундай вазиятда капитализм билан социализмнинг ўзаро кураши фақат тинч мусобақала-

шиш шаклидагина бориши мумкин. Зеро тинч-тотув яшаш деганда фақат уруш бўлмаслиги тушунилмайди. «Бу шундай халқаро тартибки, бунда ҳарбий куч эмас, балки яхши қўшничилик ва ҳамкорлик ҳукмрон бўларди, фан ва техника, маданият бойликларини барча халқлар фойдаси учун кенг алмашиниш юз берарди» — дейилади КПСС Марказий Комитети Сиёсий доклади юзасидан КПСС XXVII съездининг Резолюциясида.

В. И. Ленин тинчлик учун конкрет ишлар билан курашишга даъват этиб шундай деган эди: «...Биз... умумий баёнотлар, тантанали ваъдалар, дабдабали формулаларнинг мумкин қадар камроқ бўлганини ва, уруш хавфини батамом тугатишга олиб бормаса-да, ҳақиқатан сулҳга олиб борадиган энг содда, энг равшан қарор ва тадбирларнинг мумкин қадар кўпроқ бўлганини кўришни истардик» (ТАТ, 45-том, 275-бет). Худди мана шундай, бугунги куннинг долзарб масалаларини ҳал қилишга юксак даражада реалистик, ишчанлик билан ёндашиш КПСС ва Совет давлати сиёсатига хосдир.

КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачевнинг 1986 йил 15 январидаги Баёнотида таърифлаб берилган 2000 йилгача термоядро ва бошқа оммавий қирғин қуролларини тугатиш программаси, партия XXVII съезди илгари сурган халқаро хавфсизликнинг кўп масалаларни ўз ичига олувчи система Асослари, шунингдек космосни милитаризациялашга йўл қўймаслик, химиёвий қуролни тақиқлаш ва йўқ қилиш, ядро қуролининг ҳамма синовларини тўхтатиш (СССРнинг мана шундай синовларни бир томонлама бир ярим йилдан кўпроқ вақт тўхтатиб туриши), Осиёда хавфсизликни мустаҳкамлаш, регионал низоларни тинч йўл билан ҳал этиш юзасидан кўриладиган тадбирлар — СССРнинг бу ва бошқа тинчликка қаратилган ташаббуслари бугунги реал воқелигимизга татбиқ қилинган сулҳ тўғрисидаги ленинча Декретнинг руҳи ва ғояларини ўзида мужассам этгандир.

Рейкьявикдаги Совет-Америка учрашувида (1986 йил октябрь) ядро қуролидан холи бўлган тинчликни қарор топтиришнинг принципиал имконияти борлиги намойиш этилди. Лекин бу йўналишда амалий тадбирларга ўтишга америка маъмурияти томонидан ғов солинди. Икки томонга маъқул бўладиган шартномага яна совет ташаббуси йўл очди — у Европа ва Осиёда ўртача олисликка учадиган совет ҳамда америка ракеталарини йўқотиш тўғрисида зудлик билан айрим битимлар тузишни, айни бир вақтда қисқа муддат ичида оператив-тактик ракеталарни ҳам бутунлай йўқотиш ҳақида келишиб олишни таклиф қилди.

Умумий хавфсизлик ва қуролсизланиш тўғрисидаги диалогга ёндошишда мамлакатимиз танҳо мен ҳақман деб туриб олмайди ва халқаро мулоқатларнинг бошқа иштирокчилари позицияси ҳамда манфаатларини ифода этувчи таклифларни ҳам ҳамиша ҳисобга олади.

М. С. Горбачев 1986 йилнинг февралида француз газетаси «Юманите»га берган интервьюсида ҳозирги халқаро вазиятни қараб чиқар экан, сулҳ тўғрисидаги Декрет қабул қилинган шароитга ўхшаш бир ҳолатга мурожаат қилди. «Ўша вақтдаги вазият билан ҳозирги вазият ўртасида, — деди у, — чуқур ўхшашлик бор. 1917 йилда, биринчи жаҳон уруши авжига чиққан пайтда империалистик ҳукуматлар халқлар бошига солган хунрезликни қандай қилиб тезроқ тугатиш энг асосий масала эди. В. И. Ленин, партия энг самарали йўл — фақат ҳукуматларга эмас, шу билан бирга халқларга ҳам мурожаат қилишдир, деган қарорга келдилар. Ҳозир жаҳон халқлари қуролланиш пойгасига, ядровий рақобатларга тортилдилар. Бу эса, янада даҳшатли уруш хавфини солмоқда. Табиийки, биз ана шу проблемаларни ҳал қилиш устида Ғарб ҳукуматлари билан ҳормай-толмай ишлар эканмиз, халқларга ҳам мунтазам равишда мурожаат қиламиз, ўз сиёсатимизни уларга йўллаймиз».

Фақат ҳукуматларга эмас, шунингдек уларнинг халқларига ҳам мурожаат қилиш совет ташқи сиёсатининг демократик анъанаси бўлиб қолди. Бу жиҳатдан КПСС МҚ, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг иккинчи жаҳон уруши тугаганлигининг 40 йиллиги муносабати билан «Барча мамлакатлар халқларига, парламентлари ва ҳукуматларига» Мурожаатини, КПСС МҚ Бош секретарининг 1986 йил 15 январдаги Баёноти, СССР Олий Советининг «Дунё парламентлари ва халқларига» Мурожаати (1986 йилнинг ноябри) сингари муҳим ҳужжатларни айтиб ўтишнинг ўзи кифоядир. Бу яна

шунинг учун ҳам муҳимки, 80-йиллардаги урушга қарши ҳаракат ўзининг мислсиз оммавийлиги, тобора ўсиб бораётган динамизми, кенгайиб бораётган географик доиралари билан характерланади. Агар 1981 йилда ривожланган капиталистик мамлакатларда урушга қарши ҳаракатда 5 миллион киши иштирок этган бўлса, орадан атиги икки йил ўтганидан кейин — 10 баравар кўп киши қатнашди. Турлича сиёсий йўналишдаги одамлар жамиятни ҳарбийлаштиришга, агрессия ва уруш сиёсатига чек қўйишни талаб қилмоқдалар. КПСС Программасида таъкидлаб ўтилганидек, урушга қарши оммавий ва бошқа демократик ҳаракатлар «объектив равишда империализм реакцион доираларининг сиёсатига қарши қаратилган бўлиб, тинчлик ва социал тараққиёт учун курашнинг умумий оқимига қўшилмоқда».

Шу йил февраль ойида Москвада бўлиб ўтган «Ядросиз дунё учун, инсониятнинг омон қолиши учун» халқаро анжуман урушга қарши қаратилган ҳаракат ривожида муҳим босқич бўлди. Бу анжуман хавф-хатарсиз дунё учун курашнинг йўлларини чуқур излаши жиҳатидан тарихда беназирдир. Унинг «давра суҳбати»да жаҳоннинг 80 дан ортиқ мамлакатидан келган жуда обрўли вакиллар — олимлар, врачлар, сиёсатшунослар, адабиёт ва санъат арбоблари, социологлар, экологлар, дин ҳомийлари ва бошқалар қатнашди. Анжуман иштирокчиларининг М. С. Горбачев билан учрашуви, унинг жаҳоншумул гуманистик мазмун билан йўғрилган нутқи бу анжуманнинг марказий воқеаси бўлди.

«...Бизнинг халқаро сиёсатимиз, — деди М. С. Горбачев, — ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ички сиёсат билан, ўз мамлакатимизни такомиллаштириш соҳасидаги бунёдкорлик ишига бутун диққат-эътиборни жамлашдан манфаатдорлигимиз билан белгиланади. Айни шунинг учун бизга мустаҳкам тинчлик керак, халқаро муносабатларнинг қай йўлдан боришини олдиндан билиш ва ижобий йўлга солиб юбориш керак».

Шундай қилиб, мамлакатимизда юз бераётган қайта қуриш билан Совет давлатининг халқаро муносабатларни қайта қуриш, уни давр талабига мослаштиришга қаратилган тинчлик йўлидаги кенг кўламдаги ишларининг ўртасида диалектик жиҳатдан ички алоқа мавжуд.

Октябрь революцияси ишининг бевосита давоми бўлмиш социализмни янгилаш процесси СССР халқаро обрў-эътиборининг ошиши, унинг жаҳон тараққиётига янада чуқур таъсир кўрсатиши учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади.

Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги арафасида Вашингтонда бўлиб ўтган Совет-Америка музокаралари натижасида ўртача олисликка учадиган ва оператив-тактик ракеталар масаласида принципиал келишиб олиндики, бу СССР ва АҚШдаги ядро қуролининг икки классини жисмоний йўқ қилиш учун истиқболлар очади. Ядровий қуролсизланиш ғояси тарихда биринчи марта амалга оширилай деб турибди.

М. С. Горбачевнинг 1987 йил 17 сентябрда эълон қилинган «Хавф-хатарсиз дунёнинг реаллиги ва гарантиялари» мақоласи Совет Иттифоқининг ҳозирги халқаро вазиятнинг барча проблемаларига ёндашувининг изчил ва мукаммал концепциясидирки, унда тинчлик ва халқаро хавфсизликнинг конкрет, практикада амалга ошириладиган йўллари янгича сиёсий тафаккур нуқтаи назаридан қараб чиқилади. Унда кўтарилган проблемалар БМТ Бош Ассамблеясининг 1987 йил сентябрида очилган 42-сессияси фаолиятининг асосий йўналишларига ижобий таъсир кўрсатди.

КПСС МК Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида сўзлаган нуткида шундай деди: «Сулҳ тўғрисидаги ленинча Декрет бугунги кунда адреси — бизнинг кунлар бўлган юксак ахлоқлилик номаси сифатида қабул қилинади. Махфий шартномалардан воз кечиш, халқаро ишларни очиқ ва ошкора олиб бориш, урушдан зудлик билан чиқиш, уни низоларни ҳал қилиш воситаси сифатида қабул қилмаслик 1917 йилда ҳам умумий бир эхтиёж бўлган эди, ҳозир у бутун жаҳон ҳамжамиятининг иродаси бўлиб қолди».

ТАРИХИЙ ФАКТЛАРГА ХИЛОФ РАВИШДА

УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ТАҚДИРИГА ТАЪСИРИНИ БУРЖУАЧА СОХТАЛАШТИРИШЛАРНИНГ АЙРИМЛАРИ ХУСУСИДА

М. БОБОХЎЖАЕВ,
тарих фанлари доктори,

Е. МЕНДЕЛЬСОН,
тарих фанлари кандидати

МАМЛАКАТИМИЗДА социалистик революция ғалаба қозонган дастлабки кунларданоқ Улуғ Октябрга, Коммунистик партия ва Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатига қарши империалистлар бошлаб юборган ёлғончилик ва туҳматчилик кампанияси ҳанузгача тўхтамаяпти. Ана шу кампания давомида Ўрта Осиё халқларининг Совет ҳокимияти йилларида қўлга киритган сиёсий, социал-иқтисодий ва маданий ютуқларини камситишга уриниб келинмоқда. Бундан мақсад равшан — шу халқларнинг социалистик тараққиёти намунасини озодликка чиққан мамлакатлар учун жозибасиз қилиб кўрсатиш, уларни социализм ва коммунизмдан айнитиш мақсади кўзланмоқда.

Улуғ Октябрь ва Ленин ғояларининг Ўрта Осиё халқлари тақдиридаги аҳамияти ва ролини доимий ерга уриб келиш тенденцияси бутун бир қатор буржуа тадқиқотларига хосдирки, уларда социалистик революциянинг Туркистонга ташқаридан олиб келинганлиги, унда — фақат «руслар» амалга оширган бу «ёт» ишда гўёки туб ерли аҳоли иштирок этмаганлиги тўғрисидаги тезислар марказий ўринни эгаллайди.

Масалан, Ўрта Осиёдаги Октябрь революцияси ва гражданлар уруши историографи, француз «советологи» Элен Каррер д'Анкосс Улуғ Октябрнинг ўлкадаги революцион-озодлик ҳаракатига таъсирини камситиш мақсадида революция арафаси ва даврида Туркистонда ҳукм сурган миллий мунсабатлар аҳволини бузиб кўрсатади. Масалан, унинг ёзишича, 1917 йил октябрга келиб гўё рус большевиклари билан туб ерли аҳоли ўртасида кескинлик ва бегоналарча муносабат мавжуд бўлиб, бу туб ерли аҳолига Октябрь революциясида иштирок этишга имкон бермаган, шўрои-исломчилар билан уламочилар унга руҳан яқинроқ бўлганки, Туркистон мухториятига эришиш ва уни Россиядан ажратиб олиш умиди ўшаларга боғланган.

Э. Каррер д'Анкосс гўё большевиклар Ўрта Осиё халқларига ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини беришлари тўғрисидаги дастлабки ваъдалари устидан чиқмай, уларнинг «орзу-умидларини пучга чиқарганликлари» хусусида фикр юритар экан, ўлка меҳнаткашлари Февраль революциясидан кейин буржуа-демократик революциясининг социалистик революцияга ўсиб ўтиши учун бошланган умумроссия курашига қўшилганлиги фактини эътиборга олмайди. Шўроисломчилар ҳамда уламочиларнинг ва улар ташкил этган буржуа-миллатчилик, халққа зид «Қўқон мухторияти»нинг қарши ҳаракатларига қарамасдан большевикларнинг тушунтириш ишлари давомида ўлка меҳнаткашлари онгида пролетар интернационализми тобора мустаҳкамлана борди.

Антикоммунистлар шўроисломчилар ва уламочилар қиёфасига кирган на феодал-бойлар ва на буржа-клерикал юқори доиралари Туркистон деҳқонлари, батраклари, чоракорлари ва шаҳар камбағалларини ўз мақсадларидан чалғитишга, уларни Октябрь революциясини ҳамда Совет ҳокимияти ўрнатилишини ҳамма ерда қўллаб-қувватлашдан қайтаришга муваффақ бўла олмаганликлари каби фактни тан олгилари келмаяпти. Халқ оммаси сулҳ ва ер тўғрисидаги дастлабки ленинча декретлардан, тенг ҳуқуқлилик, суверенлик, то ажралиб чиқишгача ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини, мамлакат халқларининг эркин

ривожланишини эълон қилган «Россия халқлари ҳуқуқлари декларацияси»да, шунингдек РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг «Россия ва Шарқнинг ҳамма мусулмон меҳнаткашларига» мурожаатидан илҳомланган эдилар.

Масалан, англиялик антисоветчи Хью Сетон-Уотсон большевикларни «устомон комбинаторлар» қилиб кўрсатиб, «ўз тақдирини ўзи белгилаш» шиори Ленин ва партияга Ўрта Осиё халқлари майлларини Октябрь революцияси томон оғдириб туриш учун зарур бўлган муваққат восита бўлиб, у кейинчалик собиқ Россия империясининг большевиклар бутун чоралар билан ўз ҳокимиятини сақлаб қолишга ҳаракат қилган миллий чекка ўлкаларини бир бутунликда ушлаб туришга халақит берувчи шиор сифатида улоқтириб ташланди, деган фикрни илгари сурди: Октябрда Ўрта Осиёда бўлиб ўтган синфий курашни социал эмас, балки большевистик, «руслар» ҳокимияти билан «Қўқон мухторияти» қиёфасидаги «миллий» ҳокимият ўртасидаги миллий тўқнашув деб тасвирлайди.

Юқорида тилга олинган буржуа авторлари ҳамда уларнинг большевикларнинг Ўрта Осиёга нисбатан «мустамлакачилик интилишларида» чоризм билан «ворислик» мавжуд эди, деган фикрини қўллаб-қувватловчи америкалик профессор Майкл Ривкин «Қўқон мухторияти» ҳукуматида халққа қарши ҳокимиятни тиклаш орзусида ёнган эксплуататорлар гурунг қурганларидан кўз юмади. Рус ишчилари билан туб ерли меҳнаткаш аҳолининг биргаликдаги куч-ғайратлари билан худди ана шу эксплуататорлар супуриб ташланди, бунинг учун эса қуролланган миллий тузилмалар ташкил этилдики, кейинчалик улар Қизил гвардия, анча ўтиб — Қизил Армия сафларига қўшилдилар.

Рад этиб бўлмайдиган фактлар Октябрь революцияси ҳақиқий интернационал воқеа бўлганлигидан гувоҳлик беради. Буни ҳатто ғарблик айрим тарихчилар ҳам тан олмоқдалар, чунки бу ҳолда улар ҳақиқатни яширишдан ожиздирлар. Улардан айримлари, масалан, Ўрта Осиёдаги Октябрь тарихининг «тадқиқотчиси» бўлган канадалик Ричард Пирс регион халқлари учун социализмнинг жозибадор кучини ҳар қандай йўл билан обрўсизлантирмоқчи ва буржуа-демократик революцияси социалистик революцияга ўсиб ўтиши учун улар олиб борган курашнинг аҳамиятини камситмоқчи бўлса, бошқалари (масалан, америкалик идеолог Хорис Б. Дэвис) ўлканинг туб ерли аҳолиси Октябрь революциясида қатнашганлигини ҳар қандай усталик билан яширишга уринсалар-да, Туркистондаги барча мазлум миллатлар ва элатлар қўллаб-қувватламаганларида революция ғалаба қозонолмаслигини эътироф этишга мажбурдирлар.

80-йилларда ашаддий антисоветчи М. Ривкин Ўрта Осиёдаги революция «мустамлакачиликка жуда ўхшаб кетарди» ва «бу ишларнинг барига мусулмонларнинг деярли ҳеч қандай алоқаси бўлмаган»лигидан у русларнинг иши бўлди, бу ерда ҳали революцион ҳаракатга раҳбарлик қилишга қодир «миллий» пролетариат бўлмаганлигидан ўлкада Совет ҳокимияти фақат руслар томонидан ўрнатилди, дейиш билан амалда ўз ҳамкасабалари фикрини такрорлади. Ривкинни француз советологлари (Ғарбда «исломшунослар» сифатида ҳам машҳур бўлган) Александр Беннигсен ва Мэри Броксап ҳам қўллаб-қувватлайдилар, улар ўзларининг «Совет давлатига ислом хавфи» деган китобида (М. Ривкиннинг «Мусулмонларнинг Москвага дағдағаси» асаридаги сингари) Ўрта Осиёдаги Октябрь кунлари воқеаларини социал заминдан миллий заминга кўчириб қараб чиқадилар, уларни руслар билан туб ерли миллатлар ўртасидаги конфликт сифатида кўрсатадилар. Шу ўринда «рус» большевиклари маҳаллий аҳолини «ўз тақдирини ўзи белгилашга» қўймай, унинг «ихлосини қайтарганлиги» оқибатида бу конфликт ечилмай қолди, деган фикрни билдиради. М. Ривкин ва унинг маслакдошлари революцияни «рус» большевикларининг регионадаги миллатлар устидан контроллик ўрнатишга уриниши сифатида тасвирлайдиларки, бунинг сабаби гўё шу миллатларнинг революцияни бошқаришга ва рус ишчилари «гегемонлигигига» «ўз гегемонлигини» қарши қўйишга қодир бўлган пролетариати бўлмаганлиги эмиш.

Умуман шу нарса кўриниб турибдики, буржуа сохтакорлари партияга, Ленинга «мустамлакачилик» интилишларини ёпиштирадилар, революцияни эса, уларнинг фикрича, большевиклар Ўрта Осиё устидан «рус» контроллигини ўрнатиш, парчаланган Россия империяси синиқларини бир бутун қилиб елимлаш мақсадида амалга оширган эмишлар. Улар атайдан чоризм билан Совет давлати

ўртасида бараварлик белгисини қўйиб, собиқ монархлар сиёсатини давом эттираётган янги «совет империяси», «совет империализми» ва «совет мустамлакачилиги» тўғрисида жар солмоқдалар.

Ўз-ўзидан маълумки, «советологлар»нинг ўлкадаги қолоқ деҳқонлар, нопролетар ва ярим пролетарлар оммаси ҳаракатига большевиклар раҳбарлигини «мустамлакачилик» деб кўрсатишга интилишларининг фанга ҳеч қандай алоқаси йўқ ва айникса В. И. Лениннинг ҳар қандай мазлум синфлар революцияси учун, агар бу синфлар ғолиб чиқишни хоҳласалар, пролетар раҳбарлиги зарурлигига доир кўрсатмалари (Тўла асарлар тўплами, 41-том, 346-бетга қаралсин) қаршисида асоссиз бўлиб кўринади.

Тарих жараёнининг ўзиёқ антикоммунистлар уйдирмаларига қарши гувоҳлик бериб турибди. Ўрта Осиё меҳнаткашлари ихтиёрий равишда Россия ишчилари билан муштарак йўлни — социалистик революция ғалабаси учун кураш йўлини танладилар, ўз зафарларини ички ва ташқи аксилинқилобчиларнинг кирдикорларидан ҳимоя қилиш учун улар билан биргаликда оёққа турдилар, В. И. Ленин таълим берганидек, большевиклар раҳбарлигида ўлкада социализм қурилишини ғалаба маррасигача олиб келдилар.

«Советологлар»нинг тарихий фактларни қўпол равишда бузиб кўрсатишлари уларнинг Ленин революциядан илгариёқ ишлаб чиққан миллатларнинг ўз тақдирини ўзлари белгилаши тўғрисидаги қоидани қоралашга интилишларидан келиб чиқади. В. И. Ленин ҳар бир халққа то ажралиб чиқишгача ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини бериш зарурлигини қайд этиб, шу билан бирга миллатларнинг ихтиёрий равишда яқинлашуви ва иттифоқ бўлиши муҳимлигини таъкидлаган эди. Пролетариат ҳокимиятни қўлга олиб, янги давлатда ҳар бир халққа ўз тақдирини мустақил равишда ҳал қилиш, шу жумладан давлатдан эркин чиқа олиш ҳуқуқини берганида ва шу билан максимал даражада демократияга эришиш учун зарур шароият яратганида, худди ана шу истаган йўлни танлашнинг максимал эркинлиги миллатларнинг ихтиёрий равишда яқинлашуви ва иттифоқига олиб келади. В. И. Ленин шундай деб ёзган эди: «Инсоният эзилган синф диктатурасининг ўтиш даври орқалигина синфларни йўқ қилишга эриша олгани каби, инсоният барча эзилган миллатларни тўла-тўкис озод қилишнинг ўтиш даври, яъни уларнинг ажралиб чиқиш эркинлигининг ўтиш даври орқалигина миллатларнинг муқаррар равишда қўшилишларига эриша олади» (ТАТ, 27-том, 297-бет).

Чор Россиясининг собиқ чекка ўлкаларида меҳнаткашлар ҳокимиятни ўз қўлларига олганлари, илгари эзилиб келган миллатлар ажралиб чиқишгача ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлганлари заҳотиёқ Ленин ғояларининг ҳаққонийлиги тасдиқланди. Оқ гвардиячилар ва чет эл интервенцияси қўллаб-қувватлаган ва хонлар, муллалар ва бойлар ҳокимиятини тиклашга ҳаракат қилган ички контрреволюция билан тўқнашув қишлоқ ва шаҳар камбағалларини рус ишчилари ва большевиклар партияси ёрдамида ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини рўёбга чиқариш мақсадида улар билан ихтиёрий иттифоққа киришишга отлантирди. Улуғ рус халқи ва мамлакатимиздаги бошқа халқлар ёрдамида амалга оширилган шундан кейинги социал-иқтисодий, маданий ва сиёсий-маъмурий соҳалардаги туб ўзгартишлар давомида Ўрта Осиёдаги барча совет республикалари сингари Ўзбекистон ҳам ривожланган суверен миллий давлатга айландики, у ҳозир бутун дунёга Совет Шарқида ленинча пролетар интернационализми ғоялари тантанасини намойиш этмоқда.

Ўрта Осиё халқлари тақдирида Улуғ Октябрь ўйнаган жуда катта ролни инкор этаётган «советологлар»нинг мақсади эса КПССнинг миллий сиёсатига шак келтиришдан, шу региондаги совет республикалари, жумладан Ўзбекистон ССР Совет ҳокимияти йилларида экономика, фан ва маданият соҳаларида қўлга киритган ютуқларни ёмонотлиқ қилишдан, хорижий Шарқдаги мустамлакачилик зулмидан халос бўлган ва миллий уйғониш ҳамда социал тараққиёт йўлига ўтган мамлакатларга социализм ғояларининг революционлаштурувчи таъсирига тўскинлик қилишдан иборатдир.

СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ПРОБЛЕМАЛАРИ

ПАХТАЧИЛИК КОМПЛЕКСИДА НАРХ БЕЛГИЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Қ. АХМЕДОВ,

Ўзбекистон ССР Нархлар давлат комитетининг раиси

ҲОЗИРГИ ПАЙТДА нарх белгилашга халқ хўжалигига раҳбарлик қилишнинг муҳим воситаларидан бири сифатида ғоят катта аҳамият берилмоқда. Бунинг устига, мавжуд нарх белгилаш системаси экономикани экстенсив ривожлантириш шароитида таркиб топган эди, унда нархлрнинг номутаносиблигига ва уларнинг роли пасайишига олиб келган кўпгина жиддий нуқсонлар бор. Жумладан, бу системани яхлит ҳолида бошқариш принципи бузилган, улгуржи, харид ва чакана нархлар даражасида жиддий номувофиқликларга йўл қўйилган эди. Шуни айтиш кифояки, маҳсулотлар ва хизматларнинг кўпгина турлари бўйича нархлар стабиллиги бюджетдан бериладиган дотациялар ёки фойданинг қайта тақсимланиши ҳисобига таъминланар эди, бундай қайта тақсимлашда айрим маҳсулотларнинг зарар келтириши бошқаларининг фойда келтириши ҳисобига қопланарди. Фақат ўтган йилнинг ўзида республика бюджетидан ана шундай мақсадларга ажратилган дотациялар миқдори 900 миллион сўмдан кўпроқни ташкил этди, бунда 740 миллион сўм қишлоқ хўжалигидаги харид ва чакана нархлар ўртасидаги фарқни қоплаш учун ажратилди. Бундай аҳвол корхоналарнинг ишлаб чиқаришни ривожлантиришдан манфаатдорлигига путур етказди. иқтисодий воситалар ва стимуллар бўшашди, улар маъмурий тазйиқ кўрсатиш билан алмаштирилди, бу қатор салбий ҳодисаларни юзага келтирди.

Аслини олганда, товар-пул муносабатларининг ҳамма категориялари ва воситалари — молия-кредит системаси, меҳнат ва иш ҳақи, хўжалик ҳисоби. таннарх, фойда, рентабеллик ва хўжалик механизмининг бошқа элементлари нархларга асосланади. Ўз-ўзидан маълумки, агар нарх белгилаш соҳасида тартиб ўрнатилмас экан, унда экономикани бошқаришни реал қайта қуриш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бу тўғрида КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачевнинг партия МКнинг июнь (1987 йил) Пленумида қилган докладида очиқдан-очиқ айтиб ўтилди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон ССР Нархлар давлат комитети партия XXVII съезди, КПСС МК июнь (1987 йил) Пленуми қарорларига ҳамда КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг «Янги хўжалик механизми шароитларида нарх белгилаш системасидаги қайта қуришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги қарорига амал қилиб республика халқ хўжалигининг барча тармоқларида нарх белгилашни такомиллаштириш юзасидан ишларни авж олдириб юборди. Бунда пахтачилик комплексининг Ўзбекистон экономикасида ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгалигини ҳисобга олиб ана шу соҳадаги нархларни қайта қуришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Тарихан вужудга келган хусусиятлар ва субъектив сабабларга кўра чигитли пахтага нарх белгилаш механизмида кўпгина проблемалар йиғилиб қолди. Пахта харид нархларининг зоналар бўйича табақалаштирилиши булар ичида айниқса кескин проблемадир, бундай табақалаштириш ҳозиргача пахта етиштиришнинг қатор йиллар давомида таркиб топган таннархи ва рентабеллиги асосида амалга ошириб келинди. Ўз-ўзидан равшанки, бундай методик ёндашув чоғида субъективлик элементининг учраши ҳеч гап эмас. Барқарор равишда яхши иқтисодий кўрсаткичларга эришиб келган хўжаликларнинг бир қисми паст харид нархлар

билан каноатланишга мажбур бўлиб, юкори чикимлар киладиган хўжаликлар эса юксак нархларга умид боғлашган эди.

1983 йилда амалга оширилган харид нархларининг табакалаштирилиши сезиларли натижалар бермади. Пахтачиликнинг асосий омили — ерларнинг сифати ролининг лозим даражада эътиборга олинмаганлиги бунинг бош сабабларидан биридир, холбуки ерларнинг сифати хатто бир район ичида хам кескин фарк килади. Бу тарздаги табакалаштиришда харид нархларининг умумий даражаси 700 миллион сўмга оширилганига, шунингдек 100 миллион сўм микдорида устама хак белгиланганига карамай зарар кўрадиган хўжаликлар сони хали хам кўп.

Шу туфайли пировард натижалар кайси жойда ерларнинг унумдорлиги, мелиоратив холатига, асосий фондлар ва мехнат ресурсларининг етарлилигига боғлик бўлган-у, кайси жойда ишларнинг ташкил этилиши ва самарадорлиги даражасига боғлик бўлганлигини объектив акс эттирадиган мезонлар ва кўрсаткичларни илмий асослаш бугунги кундаги энг мухим вазифадир. Факат шу йўл билангина чигитли пахта харид нархларининг илмий асосланган дифференциациясини амалга ошириш мумкин.

Хозир Нархлар давлат комитети томонидан Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети, Фанлар академияси ва ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими билан биргаликда харид нархларининг янги йириклаштирилган зонал табакалаштирилиши юзасидан таклифлар тайёрланмокда, бундай табакалаштириш хўжаликларнинг карор топган молия-иктисодий ахволини, шунингдек тупрокнинг бонитети хамда иктисодий бахосини хисобга олган холда тузилиши керак. Бунинг натижасида харид нархлари кам чикимлиликни таъминлайдиган бўлади, яъни бундай шароитда зарар кўришлик ёки рентабеллик сунъий бараварлаштиришга эмас, балки хўжалик юритиш даражасига боғлик бўлади.

Ана шу таклифларни тайёрлаш жараёнида яна катор проблемалар юзага келдики, улар хам илмий асосланган ечимни талаб этади. Масалан, Ўзбекистон кишлок ахолиси турмушининг социал-иктисодий шароитлари хали хам замонавий талабларга жавоб бермайди, унинг кўпгина кўрсаткичлари Иттифокдаги ўртача кўрсаткичлардан анча кам, бунинг устига ана шу фарк йилдан-йилга кўпайиб бормокда. Бунда чигитли пахтанинг харид нархлари билан пахтадан ишланган пировард махсулотнинг улгуржи нархлари ўртасидаги кайта таксимлаш жараёнларининг кучайганлиги ўзининг салбий ролини ўйнаганлиги шубхасиздир. Шуни кайд килиш кифояки, улгуржи ва харид нархлари даражаларининг ўзаро нисбати тўғри бўлса ва пахтачилик комплексидаги барча харажатлар хамда иш натижалари аник акс эттирилса, Ўзбекистоннинг ялпи ижтимоий махсулотида кишлок хўжалиги салмоғи 30 процентгача ўсган, республика миллий даромади эса 15 процентдан зиёд ошган бўлур эди.

Бу ўринда яна шуни хам кайд килиш керакки, сўнгги йилларда пахтазорларни жойлаштириш хам ёмонлашмокда. Чигитли пахта етиштиришнинг энг юксак самарадорлигига эришиладиган I ва II классдаги юкори даражада маданийлаштирилган эскидан суғориладиган ерлардаги экин майдонлари сўнгги олти йил ичида 150 минг гектарга камайиб кетди. Айни бир пайтда унумдорлиги паст тузилишли III ва IV класс шўрланган ва тошлок ерлардаги пахтазорлар хиссаси ортиб бормокда, бундай ерлардаги ғўза экин майдонлари 280 минг гектар кўпайди. Бундай тенденция шароитида чигитли пахта харид нархлари умумий даражасининг асосланган бўлиши тўғрисидаги масаланинг вужудга келиши ва тўловларнинг умумий микдорини кайта таксимлаш хисобига бу нархларни зонал табакалаштиришда кийинчиликлар пайдо бўлиши табиийдир.

Мехнатни рағбатлантириш ва унга хак тўлашда, пахтани машинада ва кўлда теришга белгиланган стандартлар системасида, табиатни мухофаза килиш тадбирларининг чикимларини хисобга олишда ва шу сингариларда хали кўплаб хал этилмаган проблемалар бор. Хуллас, чигитли пахтанинг ва пахтачилик комплекси бошка махсулотлари харид нархларининг янги, янада юксак даражасини асослаш юзасидан кенг доирадаги тадкикотларни амалга ошириш керак бўлади. Шунингдек, янги мураккаб вазифани — пахтачилик ва чигитли пахтага дастлабки кайта ишлов бериш машиналарига нархлар белгилаш вазифасини хал этиш максадида хам жиддий илмий изланишлар олиб бориш зарур.

Шундай килиб, нарх белгилаш системасини тубдан яхшилаш талаб килинади.

Лекин бу интенсивлаштириш, ишлаб чикариш самарадорлигини ошириш проблемаларини бутунлай нархлар механизмига боғлаб қуйиш керак деган гап эмас.

Мавжуд фактлар шуни курсатадики, купгина колхозлар ва совхозларда меҳнатни ташкил этишнинг коникарли эмаслиги, хужалик юргизиш даражасининг пастлиги натижасида пахта таннархи ҳали ҳам юкори, ҳосилдорлиги эса паст булиб колмокда. Шуни айтиш кифояки, 1986 йилда республикада бир тонна пахта таннархи уртача 614 сум булган ҳолда Қоракалпоғистон АССР хужаликларида у 641 сумни, Жиззах областида — 795, Қашқадарё областида —822, Главсредазирсовхозстрой системасида — 940 сумни ташкил этмокда. Бир тонна пахта таннархи Сирдарё областининг «Пахтакор» совхозида 1810 сумга, Қоракалпоғистон АССРнинг «Пахтаобод» совхозида — 1910 сумга, Қашкадарё областининг «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхозида — 1953 сумга етди, бунда пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 6,5—8 центнердан иборат булди.

Ўз-ўзидан равшанки, бу ҳолда ҳеч қандай нархлар аҳволни яхшилай олмайди. Лекин шу билан бирга ишларни тўғри ташкил этиш юксак натижаларга эришиш учун имконият яратади. Масалан, 1986 йилда бир тонна пахта таннархи Сирдарё областининг «Ленинград» совхозида 454 сумни, Тошкент областининг «Октябрь 40 йиллиги» совхозида — 416, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» номли совхозда — 365 ва «Малик» совхозида — 340 сумни ташкил этди, бунда ҳосилдорлик ҳар гектаридан 32—41 центнерга етди. Интенсивлаштириш ва юксак натижаларнинг резервлари мана қаерда! Фақат нарх белгилашни такомиллаштириш, моддий-техника базасидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишни яхшилаш ўртасида ўзаро алоқадорлик ўрнатиш асосидагина ҳамма хўжаликларнинг ўз харажатларини ўзи қоплашга ва маблағ билан ўз-ўзини таъминлашга ўтишига эришиш мумкин.

Хўжаликлар билан хом ашёни қайта ишлашнинг пировард маҳсулотлари учун ҳисоб-китоб қилишга ўтиш, яъни тола, линт, уруғлик ва шу сингарилар учун бевосита нархлар белгилаш пахтачилик комплексидаги нарх белгилашнинг актуал проблемаларидан биридир. Бундан мақсад хўжаликларнинг ана шу санаб ўтилган маҳсулотларнинг ҳосили ва сифати учун моддий манфаатдорлигини ва масъулиятини оширишдир.

1984 йилдан бошлаб Ўзбекистонда хўжаликлар билан топширилаётган чигитли пахта учун унинг сифати ва тола чиқишига қараб ҳисоб-китоб қилишнинг янги тартиби ва шартлари жорий этилди. Практиканинг кўрсатишича, бундай усул ўзини оқлайди, тола чиқиши кўпайди ва ҳозирги пайтда 31—32 процентни ташкил этмоқда.

Лекин, фикримизча, бу ижобий силжишларни фақат колхозлар ва совхозлар билан ўзаро ҳисоб-китоблар янги механизмининг натижаси деб ҳисоблаш унчалик тўғри бўлмайди. Бунда республика партия ташкилотининг пахтачиликда мавжуд бўлган салбий ҳодисаларни бартараф этиш юзасидан олиб бораётган улкан ишининг асосий омил бўлганлиги шубҳасиздир.

Шуни қайд қилиш кераки, хўжаликлар билан ўзаро ҳисоб-китобларнинг янги тартиби пахтачилик комплекси олдида турган стратегик вазифаларни тўла микёсда ҳал қила олмайди. У бутун пахтачилик маҳсулотининг сифатини яхшилашга хўжаликларни рағбатлантиролмайди. Бундан ташқари, пахта тозалаш корхоналарининг чигитли пахтани тайёрлаш ва сақлаш учун масъулияти сусайди, уларнинг чиқимлари анча ошди, қайта ишлаш муддатлари чўзилмоқда, меҳнат унумдорлиги пасайди, молия-кредит муносабатлари системаси чигаллашди. Айрим хўжаликлар тола чиқишини кўпайтириш изидан қувиб, пахтанинг тўқимачилик саноати талабларига жавоб берадиган селекция йўли билан чиқариладиган навларига лозимича эътибор беришмаяпти. Бошқа қатор проблемалар ҳам пайдо бўлди.

Тажриба пахтачиликка оид агросаноат корхоналари ва бирлашмаларини ташкил этиш зарурлигини кўрсатмоқда. Фақат ана шу асосда нархларни пировард натижаларга қараб тўғри белгилаш ва АСК барча бўғинларининг иқтисодий манфаатларини амалда бирлаштириш, улар ишини тола, уруғликлар, линт ва бошқа маҳсулотларнинг чиқишини кўпайтиришга ва сифатини оширишга қаратиш мумкин.

Ўзбекистонда бундай имкониятлар бор. «Малик», «Қизил равот» совхозлари ва бошқаларнинг иш тажрибасидан келиб чиқиб, биринчи босқичда территорияларида пахта тайёрлаш пунктлари бўлган йирик хўжаликларда тегишли пахта тозалаш қувватларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бундай йирик хўжаликлар амалда барча областларда ва Главсредазирсовхозстрой системасида мавжуд. Ана шу тайёрлов пунктларини реконструкция қилиш учун озгина капитал маблағлар талаб қилинадики, пахтачилик маҳсулоти ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳисобига бундай маблағлар тезда қопланади.

Бу вазифаларни бажариш учун кенг микёсдаги илмий тадқиқотларни, ташкилий-иқтисодий ва илмий-техникавий тадбирларни амалга ошириш керак, бунинг учун муайян вақт талаб қилинади. Лекин энг муҳими — пахтани қайта ишлашнинг пировард маҳсулотларига нарх белгилаш нарх-наво соҳасидаги ҳийла-найрангларга айлантирилмаслиги кераклигини, балки зарур иқтисодий базисга таяниши лозимлигини аниқ тушуниб олишдир. Фақат шу йўл билангина масалани шаклан — нархлар орқали эмас, балки моҳиятига кўра — пахтачилик комплексидаги ташкилий-иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш орқали ҳал этиш мумкин.

КПСС МК июнь (1987 йил) Пленумининг йўл-йўриқларига мувофиқ ҳозир баҳо белгилашни кескин ислоҳ қилишга ҳозирлик кўрилмоқда, ўн учинчи беш йиллик плани ана шу ислоҳот асосида тузилади. Шу муносабат билан пахтачилик комплексидаги ана шундай ислоҳот концепциясини асослаш юзасидан мақсадли программани ишлаб чиқиш лозим, бунинг учун республика Госагропроми, Фанлар академияси, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими ва олий ўқув юртларининг илмий кучларини бирлаштириш зарур. Бунда КПСС МК июнь (1987 йил) Пленумининг «бу ўринда янги, тараққиётнинг ҳозирги босқичига мувофиқ келадиган сиёсий-иқтисодий ёндашувлар намоён қилиниши керак»лиги тўғрисидаги стратегик қоидасига асосланиш лозим.

Ҳозирги пайтда бу соҳада нафақат илмий кадрлар, шу билан бирга мутахассислар ҳам ниҳоятда етишмаяпти, мазкур программада уларни тайёрлашни ҳам назарда тутиш зарур. Гап шундаки, баҳо белгилаш маҳсулот турларининг норматив-техникавий ҳужжатларидан, ишлаб чиқариш шароитларидан, таннархни анализ қилиш, ҳар бир ҳолда чиқимларни асослаш ва шу сингарилардан ажралмасдир. Малака ошириш курсларини, халқ хўжалиги тармоқларида тегишли мутахассисларни қайта тайёрлашни авж олдириш лозим. Ҳамма жойда нарх белгилаш бўлинмаларини ташкил этиш керак.

Нарх белгилаш процессининг демократиялаштирилиши министрликлар ва идораларга, корхоналар ва бирлашмаларга ўз маҳсулотларига мустақил равишда бирмунча кенг микёсдаги нархлар мажмуини белгилашга имкон беради. Бунинг учун тегишли бўлинмалар ишини кескин яхшилаш, уларни нарх белгилаш соҳасидаги малакали мутахассислар билан мустаҳкамлаш зарур.

Экономикамизнинг аниқ салмоғи, ҳар бир коллектив, ҳар бир меҳнаткашнинг унга қўшаётган ҳиссаси акс эттириладиган ва баҳоланадиган нархларнинг янги системаси ўн учинчи беш йиллик бошидан жорий қилиниши керак. Уни ишлаб чиқиш учун фурсат гўё етарлидай кўринади. Лекин қанча иш бажарилиши лозимлиги эътиборга олинса, бу вақт камлик қилади. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон нарх белгилаш органлари ходимларининг эътибори ана шу проблемаларни ҳал этишга қаратилган.

ИНСОН—ЖАМИЯТНИНГ АСОСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КУЧИ

ЖАДАЛЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ РЕЗЕРВИ

В. ПРОСКУРИН,
иктисод фанлари кандидати

КПСС XXVII СЪЕЗДИ мамлакатни социал-иктисодий ривожлантиришни жадаллаштириш, ижтимоий ҳаёт барча соҳаларини тубдан қайта қуришнинг стратегик йўлини белгилаб бериб, бу йўлни муваффақиятли амалга оширишда меҳнатчиларнинг активлиги ва онглилиги, уларнинг чинакам социалистик ташаббускорлиги ҳамда омилкорлиги ҳал қилувчи шарт-шароит бўлишини таъкидлади. Партия жадаллаштириш ва қайта қуриш жараёнини бошқарар ҳамда ташкил этар экан, бунда инсон омилини активлаштиришга, ҳар бир кишининг ўз жойида ҳалол ва астойдил ишлашига эришиш заруратидан келиб чиқади.

«Инсон омили» тушунчаси ўзида ижтимоий муносабатларнинг турли жиҳатларини жамлаган бўлиб, улар у ёки бу йўсинда кишилар амалий фаолияти билан боғлангандир. Уни юксак маданий-техник савия, профессионализм, ташаббускорлик, коллективизм, ўртокларча ўзаро ёрдам, бажарадиган иш учун масъулият ҳисси, жонли ва буюмлашган меҳнатни тежашдан шахсий манфаатдорлик сингари фазилатлар шакллантиради, шахсий манфаатдорлик меҳнатга қобилият, меҳнатни ташкил этиш ва бошқариш даражаси, коллективдаги микроиқлим билан қўшилиб кетиши керак. Партиямиз МКнинг Бош секретари М. С. Горбачев КПСС МКнинг июнь (1987 йил) Пленумида қилган докладида «барча ходимларни ўз қобилиятларини тўла-тўкис намоён этиб, унумли меҳнат қилишга, ишлаб чиқариш ресурсларидан жуда самарали фойдаланишга» ундовчи сабаблар ва омилларнинг кудратли системасини вужудга келтириш зарурлиги тўғрисида гапирди.

Ишлаб чиқаришни ривожлантиришда инсон омили ролининг кучайтирилиши унда банд бўлган ходимлар маданий-техник савиясининг ўсишида янада яққол кўзга ташланади. Билим даражаси, юксак профессионализм, умумий маданият аҳолининг тобора кенг қатламлари юқори унумли меҳнатининг энг муҳим омиллари бўлиб қолмоқда. Бу ҳолни В. И. Ленин ўз вақтида кўрсатиб ўтган эди. «Меҳнат унумдорлигини оширишнинг... шарти шуки, — деб ёзган эди В. И. Ленин, — биринчидан, халқ оммасининг билим ва маданиятини оширмоқ керак... Иккинчидан, ...меҳнаткашлар ўртасида интизом кучайиши, иш малакаси ортиши, меҳнат тобора самарали, интенсив бўлиб бориши, меҳнат яхши ташкил қилиниши лозим» (Тўла асарлар тўплами, 36-том, 213-бет).

Ходимлар билим даражасининг ошиши қонуний равишда улар малакасининг ортишига олиб борадики, улар буни иш ҳақи ошишининг, шунингдек коллектив ишига қўшган шахсий меҳнат улушининг жамоатчилик томонидан эътироф этилишининг шарти деб билишади. Бунда, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалалари юзасидан КПСС МКда ўтказилган кенгашда (1985 йил июнь) таъкидлаб ўтилганидек, биринчи навбатда фан ва техника ривожлана борган сари пайдо бўлаётган янги ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш иши алоҳида актуаллик касб этади.

Афсуски, Ўзбекистонда ишчи кадрларни тайёрлаш ва улар малакасини ошириш бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Ходимларнинг малака

даражаси ҳозирча умумиттифоқ кўрсаткичидан паст. Меҳнат ресурсларининг ижобий баланси шароитида кўп ихтисосликлар бўйича малакали ишчиларнинг жуда етишмаслиги кўзга ташланмоқда. Халқ хўжалиги соҳаларида қўл меҳнати улуши ҳам анчагина.

Республикадаги демографик вазият аҳоли ва меҳнат ресурслари ўсишининг нисбатан юксак ва барқарор суръатлари билан характерланадики, бу янги иш жойларини барпо этиш проблемасини илгари суради ва бинобарин, ишчи кадрларни тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш масаласининг актуаллигини камайтирмайди. Малакали ходимларнинг етишмаслиги, аҳоли ҳаракатчанлигининг пастлиги, қатор қишлоқ хўжалик районларида меҳнат ресурсларининг ортиқлиги регионга хос хусусиятлар бўлиб, ишчи кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, қайта тақсимлаш ва улардан фойдаланишни планлаштиришда ўша хусусиятларни ҳисобга олиш зарур.

Юқорида айтилганларни ҳисобга олганда иқтисодий ўсиш суръатлари кўп жиҳатдан профессионал-техника таълими системасидаги ишлар аҳволига боғлиқ бўлиб, у ишчи касбларига ўқитишни қўшиб олиб борган ҳолда умумий ўрта таълимни ошириш проблемасини ҳал этишга имкон беради. Бизнинг республикамизда бу системада малакали кадрларни тайёрлаш ўн биринчи беш йилликда ўнинчи беш йилликдагига нисбатан 1,4 баравар, тўққизинчи беш йилликдагига қараганда 2,6 марта ўсди.

Социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш учун кураш, жамият ҳаётининг ҳамма томонларини такомиллаштириш социалистик онглилик даражасини ошириш, совет кишиларининг ғоявий-сиёсий, меҳнатда ва ахлоқий чиниқишини кучайтириш билан чамбарчас боғлиқдир. Лекин КПСС XXVII съездидан олдин ва ундан кейин Ўзбекистонда бўлиб ўтган район, шаҳар, область партия конференциялари материалларининг кўрсатишича, айрим меҳнат коллективларида бу иш аслида ўзи бўларчиликка ташлаб қўйилган. Омманинг ғоявий-сиёсий тарбияси учун масъул раҳбарлар ишига лозимича принципиал баҳо берилмаган. Буларнинг ҳаммаси социал-иқтисодий ривожланиш суръатларига салбий таъсир кўрсатган, корхоналар ва ташкилотлар ишининг асосий кўрсаткичларини пасайтириб юборган. Ҳозирги вақтда республикадаги аҳволни соғломлаштириш кўпроқ идеологик ишни такомиллаштириш йўли билан амалга оширилмоқдаки, у меҳнат коллективлари аъзоларининг социалистик онгини шакллантиришга ёрдам бериши керак.

Меҳнатчиларда бундай онгнинг ўсиши уларнинг иқтисодий тайёргарлигига, иқтисодий тафаккур даражасига, социализм иқтисодий қонунларини, хўжалик ҳисоби принципларини, КПСС иқтисодий сиёсатининг назарий асосларини билишларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бугунги кунда чуқур иқтисодий билимларсиз ишлаб чиқариш фаолиятида муваффақиятга эришишга умид қилиб бўлмайди. Иқтисодий таълим ходимларда хўжалик проблемаларига қизиқиш уйғотар, уларнинг ижодий активлиги ўсишига кўмаклашар, ижтимоий мулкни эҳтиёт қилишга ўргатар экан, бу билан меҳнат сифатини оширишга ва уни янада самарали қилишга ёрдам беради. Бошқача қилиб айтганда, ижтимоий ишлаб чиқариш иштирокчиларининг иқтисодий билими қанчалик кучли бўлса, энг юқори ишлаб чиқариш натижаларига эришишда уларнинг роли шунчалик сезиларли бўлади. Бунда шуни айтиб ўтиш кераки, бундай натижаларга бир вақтда ўтказиладиган кампаниялар йўли билан эришиб бўлмайди. Кишилар психологиясини қайта қуриш маълум вақт талаб қиладики, бу вақт ичида конкрет социал-иқтисодий шарт-шароитлар яратиш ва биринчи навбатда малакасиз қўл меҳнатини машиналар зиммасига юклаш, унинг бир хилдаги, зерикарли ва жозибасиз турларини йўқотиш зарур, зеро улар олдиндан махсус назарий тайёргарликни талаб этмайди.

Агар киши фан-техника ижодкорлигига эҳтиёж сезмаса, шунингдек у ишлаб чиқариш ҳаётида фаол иштирок этмаса, инсон омили ролини ошириб бўлмайди. Ҳар бир меҳнат коллективида мақбул социал-психологик иқлимни яратиш ўша мақсадга эришиш учун курашнинг самарали қуролидир. Ҳамкасб ўртоқлар ўртасидаги ўзаро яхши муносабат, одатда, ҳар бирининг умумий иш натижаларидан манфаатдорлигини оширадики, бу ўз навбатида ишлаб чиқариш кўрсаткичларини сезиларли даражада яхшилайди.

Шундай бўлса-да практика кўрсатиб турибдики, мақбул социал-психологик иқлимни яратиш ва уни доимо кўнгилдагидай сақлаб туришга ҳамма жойда лозимича эътибор берилмаётир. Баъзи жойларда низоли вазиятлар пайдо бўладики, улар кўпинча у ёки бу раҳбарнинг одамлар кайфияти, уларнинг манфаатлари, қизиқишлари ва ўй-фикрлари билан ҳисоблаша олмаслиги (баъзида эса истамаслиги) натижасидир.

Ўзбекистон Компартияси МКнинг XVI пленумида (1984 йил июнь) республика матбуотида такаббурлик, манманлик, кўполлик, одамларни ҳақорат қилиш, улар билан ишлаёлмасликни намоён қилган айрим раҳбарларнинг партия турмуши ва коммунистик ахлоқ нормаларини қўпол равишда бузганликларини кўрсатувчи кўплаб фактлар келтирилди. Чиройли рақамлар, силлиқ ҳисоботлар, дабдабали унвон ва номлар баъзида айрим меҳнат коллективларида кишилар ўртасида таркиб топган нобоп муносабатларни беркитиб келди. Бу нарса, одатда, кадрлар қунимсизлигида, фиски-пасодлар, ғийбатчилик, юқори идораларга ёзилган имзосиз шикоят ва хатларда кўринди. Оқибат натижада булар республикада ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатди.

Шахс социал талаб-эҳтиёжларининг қай даражада қондирилиши инсон омили ролини кучайтиришга муайян таъсир кўрсатадики, улар орасида ходимларнинг ўз ишининг жамият учун муҳим аҳамиятини ҳис этишга интилиш муҳим ўрин тутади. Бу объектив эҳтиёжни ҳисобга олиш ва уни амалга ошириш учун тегишли шарт-шароитларни яратиб бериш керак, бунда шахс учун муҳим социал-иқтисодий ва техник вазифаларни ҳал этишда меҳнат коллективи аъзоларининг бурчларини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Бу муҳим ишдаги муваффақият албатта жойлардаги социал-психологик шароитни соғломлаштиришга олиб келади.

Яккабошчиликни коллегиаллик билан оқилона қўшиб олиб бориш — ишлаб чиқаришга оид масалаларни барча ходимлар томонидан эркин ва демократик тарзда муҳокама қилиниши ҳам катта аҳамиятга эга. Айрим меҳнат коллективларида омма фикр-мулоҳазаларини эътиборга олмаслик шунга олиб келдики, «ишлаб чиқариш кенгаши» деган тушунча ўзининг асл маъносини йўқотиб, у бир киши — фақат раҳбарнинг чиқишини англатадиган бўлиб қолди. Бу хилдаги «бир томонлама» кенгашларда танқид ва ўз-ўзини танқидга ўрин қолмайди, улар кишиларни самарали меҳнат қилишга рағбатлантиришга қодир эмас. Бундай шароитда совет маъмури учун номатлуб бўлган қўл остидагиларга нисбатан гердайиш, қўполлик, такаббурлик, шубҳаланиш, ўз-ўзини мақташ, волюнтаризм, принципсизлик ва бошқа негатив ҳодисалар шаклланади. Шуни унутмаслик кераки, ҳар бир меҳнатчига ишчилар мажлисида, ишлаб чиқариш кенгашида сўзлашга, матбуотда чиқишига имкон берилиши унинг ўзлигини ҳис этишига, ўз коллективи ҳаётида актив иштирок этишига, бинобарин, юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришишига ёрдам беради.

Инсон омили ролини ошириш кадрлар сиёсати билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у раҳбар кадрлар резервини яратиш, кадрларни танлаш, ўқитиш ва пастдан юқори кўтариш, уларни жой-жойига қўйиш ҳамда улардан профессионал тайёргарлиги, ташкилотчилик қобилияти, шахсий фазилатлари, партия йўлини ўтказа билиши, ўз шахсий манфаатларини ижтимоий манфаатларга бўйсиндириши, коллективда қулай социал-психологик иқлим яратиш ва уни тутиб тура олишига мувофиқ равишда фойдаланиш сингари проблемаларни ҳал этишни ўз ичига олади. Бунда маъмурият фаолиятининг ҳам юқори ташкилотлар, ҳам меҳнат коллективи аъзолари томонидан қатъий контрол қилинишини ўрнатиш жуда муҳим бўлиб, бу албатта раҳбарда масъулият ҳиссини оширади, коллективда ҳеч ҳадиксирамасдан амалий танқид қилиш вазиятини яратади, ходимлар ижодий имкониятларининг янада тўлароқ юзага чиқишига олиб келади, натижада уларнинг самарали, унумли меҳнатдан манфаатдорлиги яна ҳам ортади. Бунинг натижасида меҳнат интизоми мустаҳкамланади, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардаги социал-психологик иқлим яхшиланади.

Жадаллаштириш концепциясини амалга ошириш борасида бундай контролнинг ролини кучайтиришга 1983 йилда қабул қилинган Меҳнат коллективлари тўғрисидаги Қонун муайян таъсир кўрсатади. Мазкур қонуннинг тўла-тўкис қўлланилишига эришилишига ҳамма ерда ошкоралик, танқид ва ўз-ўзини танқид вазиятининг қарор топтирилиши ёрдам беради.

Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, танқид ва ўз-ўзини танқид раҳбарларнинг қўл остидаги одамларнинг унинг фармойишларини бажариши юзасидан талабчанлигини, шунингдек корхоналардаги ташкилий тартибни регламентга солиб турувчи инструкцияларни истисно қилмайди, КПСС МК январь (1987 йил) Пленуми буни яна бир бор кўрсатиб ўтди. Бундай вазиятда бошқаришнинг асосий ленинча принципларидан бири — демократик централизм аниқ ишлаши керак. У. В. И. Ленин сўзлари билан айтганда, меҳнаткашлар оммаси демократизмини «иш вақтида *темирдек* маҳкам интизомга риоя қилиш, иш вақтида бир кишининг, совет раҳбарининг иродасига *сўзсиз бўйсуниш* билан бирга» қўшиб олиб бориш билан характерланади (ТАТ, 36-том, 230-бет).

Шундай қилиб инсон омили ролини оширишни бошқаришнинг иқтисодий, ташкилий-идора қилиш ва социал-психологик методларининг ўзаро мустаҳкам алоқасисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шуни ҳеч қачон унутмаслик керакки, хўжалик ҳисоби, фойда, баҳо, моддий рағбатлантириш ва бошқа иқтисодий омиллар, агар, бир томондан, уларни қўлланиш хизматга оид аниқ инструкциялар, раҳбарларнинг буйруқ ва қарорлари билан мустаҳкамланса, иккинчи томондан, меҳнат коллективидаги муносабатлар яхши бўлса, шахс, коллектив ва жамият манфаатлари бир бўлиб қўшилиб кетсагина ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатишнинг самарали воситасига айланадики, худди шунингдек, агар иқтисодий ва ташкилий-идора қилиш методлари лозим даражада «ишламаса» бошқаришнинг социал-психологик методлари ҳам яхши самара бермайди.

Бошқаришнинг биз юқорида кўрсатиб ўтган методларининг бир-бирига самарали таъсир этиши, ўз навбатида, меҳнат коллективлари аъзоларининг ишлаб чиқариш ва ижтимоий активлигини ривожлантириш учун объектив ва субъектив шарт-шароитларни яратадики, бу албатта пировард халқ хўжалик натижаларига эришишда инсон омили ролининг ошишига олиб келади. Хуллас, бошқарув нечоғлик самарали олиб борилса, инсоннинг ижодий имкониятлари шу қадар тўла-тўкис очилади. КПСС МКнинг июнь (1987 йил) Пленумида бу тўғрида жуда ишонарли тарзда гапирилди.

Техника ижодиёти омма ишлаб чиқариш активлигининг ёрқин кўринишларидан бири бўлиб, унинг аҳамияти жуда бебаҳодир, чунки у фақат ишлаб чиқариш воситаларинигина эмас, шунингдек инсоннинг ўзини ҳам такомиллаштиришга қаратилгандир.

Партия бу масалани ҳал этишга биринчи даражали аҳамият беряпти. Жумладан, биз юқорида эслатиб ўтган фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалалари бўйича КПСС МКда ўтказилган кенгашда ихтирочи ва рационализаторлар билан ишлашни тубдан яхшилаш, янгиликларни танлаш формасини топиш ва уларнинг тезроқ жорий этилишини таъминлаш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Ихтирочилар ва рационализаторларнинг Бутуниттифоқ жамияти, иқтисодий анализ бюроси, техника ахбороти бюроси ва бошқа шу сингари жамоат ташкилотлари ходимлар ижодий активлигининг ривожланишини кучайтиради. Уларнинг фаолияти фан-техника тараққиётининг жадаллашувига ёрдам беради.

Инсон омилини активлаштириш ҳақида гапирар эканмиз, социалистик мусобақа тўғрисида гапирмаслик мумкин эмас. Айни шу социалистик мусобақа кишига ўз ижодий имкониятларини ишга солишга ёрдам беради, профессионал жиҳатдан ўсишга ундайди, бу оқибат натижада пировард ишлаб чиқариш натижаларига ижобий таъсир кўрсатади.

Жадаллаштиришнинг энг муҳим резерви сифатида инсон омилининг кўп қиррали проблема эканлиги равшандир. Шубҳасизки, у анча чуқур тадқиқотларни талаб қилади, чунки инсон омилининг имкониятлари, бинобарин, унинг социалистик қурилишга таъсир даражаси ниҳоятда буюкдир. КПСС XXVII съезди, МК кейинги Пленумлари қарорлари, ҳаётнинг ўзи ҳам шуни кўрсатиб турибди.

ҚАЙТА ҚУРИШ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИ

Э. ЧУДНОВСКИЙ,
юридик фанлар кандидати

ҲОЗИРГИ БОСҚИЧДА партия илгари сураётган новаторлик вазифаларининг ҳал этилиши жамиятнинг бутун кучларини қайта қуришга, жадаллаштиришга сафарбар этиш суръатлари ва микёсларига жуда ҳам боғлиқдир. Коммунистик партия кишиларнинг сиёсий ва социал активлигини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлар ва рағбатлантирар экан, нафақат меҳнаткашларнинг манфаатларини кўзлаб, шу билан бирга тобора кўпроқ уларнинг ўзи томонидан амалга оширилаётган бошқариш тўғрисидаги унинг программавий йўл-йўриқлари амалга ошиши учун қатъият билан интилмоқда.

Халқ депутатлари Советлари — социалистик ўз-ўзини бошқаришнинг асосий бўғинидир. Шу боисдан уларнинг ваколатларини янада кенгайтириш, масъулиятини ошириш, уларнинг фаолиятида демократик негизларни такомиллаштириш ҳозир ҳар қачонгидан кўра актуалдир. Советлар ишида ҳамма нарса муҳим, лекин унинг қайта қуриш, жадаллаштириш вазифаларини ҳал этишда алоҳида роль ўйнаши лозим бўлган йўналишларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Советларнинг амал қилишида узлуксизликни таъминлайдиган, халқ сайлаган кишиларни давлат ишларини бошқаришда, контролни амалга оширишда амалий иштирок этишига ёрдам берадиган доимий комиссияларнинг фаолияти шулар жумласидандир.

Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссиялари иш тажрибасини шу нуқтаи назардан анализ қилиш мароқлидир. Бу энг яхши нарсаларни саралаш, камчиликларни ҳисобга олиш, эътиборни ҳал этилмаган проблемаларга қаратиш имконини беради.

Ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабки йилиданоқ доимий комиссияларнинг иш плани КПСС XXVII съезди ҳужжатларида илгари сурилган муҳим проблемаларга қаратилди. Комиссиялар республика энергетика базасини янада ривожлантириш, халқ хўжалигининг турли тармоқларида техника жиҳатидан қайта қуроллантириш, инсон омилини активлаштириш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш каби ва бир қатор бошқа масалаларни ҳал этишга ўз ҳиссасини қўшишга интилмоқда. Масалан, фан ва техника бўйича комиссия Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг ўзига қарашли олий ўқув юртларида илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлиги соҳасидаги фаолиятини ҳар томонлама ўрганиб чиқди. Депутатлар олий ўқув юртларидаги фан КПСС XXVII съезди илгари сурган вазифаларни ҳали суст ҳал этмоқда, деган хулосага келишди. Олий ўқув юртлари олимлари, муаллимларининг анчагина қисми фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга қаратилган илмий изланишларда деярли қатнашмаётирлар. Уларнинг кўплари майда-чуйда темалар, кам аҳамиятли проблемаларни ишлаб чиқиш билан ўралашиб қолишди. Студент ёшлар фан ва техника тараққиётига ҳозирча жуда оз ҳисса қўшмоқдалар. Депутатлар министрликка, унга қарашли олий ўқув юртларига республикадаги университетлар ва институтларда жамланган катта илмий потенциалдан фойдаланишни жиддий яхшилашга ёрдам берадиган конкрет тадбирларни белгиладилар. Шу комиссиянинг ўзи саноат

корхоналарини замонавий техника билан таъминлаш масъулияти юкланган бир катор лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари фаолиятини ўрганиб чикди.

Фан-техника тараққиёти масалаларини бошқа комиссиялар ҳам ўрганиб боришди. Масалан, шулардан бирида — қурилиш ва қурилиш материаллари саноати бўйича комиссияда — Ўзбекистон ССР Госстройининг қурилиш ишлаб чиқаришида янги техника ва илғор технологияни жорий этиш соҳасидаги иши тўғрисидаги ҳисоботи муҳокама қилинди.

Олий Совет комиссиялари халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Комплекс программаси қандай бажарилаётганини доимо контрол қилиб бормокда. 1986 йилда улар асосий маҳсулот билан бир қаторда аҳоли учун моллар ишлаб чиқарадиган, иттифоққа бўйсунадиган баъзи корхоналар ҳамда ишлаб чиқариш бирлашмалари фаолиятини таҳлил этди. Масалан, саноат бўйича комиссия ана шу улкан, умумдавлат ишида сусткашлик, ташаббуссизлик ва масъулиятсизлик ҳали кўп, деган хулосага келди. Халқ учун моллар ишлаб чиқаришда қатнашишдан шунчаки бош тортаётган корхоналар оз эмас. Бошқалар эса, аҳоли эҳтиёжларига юзаки қараб, фақат белгиланган суммада «ялпи» маҳсулот беришнинг пайида бўлиб, йиллар бўйи ассортиментни янгиламайдилар, сифат тўғрисида қайғурмайдилар. Иш шунгача бориб етмоқдаки, жуда мураккаб асбоб-ускуналар, замонавий станоклар ва механизмлар ясайдиган «Союзмашхлопководство», «Электроаппарат», «Трансформатор» каби йирик ишлаб чиқариш бирлашмалари ҳамда баъзи бошқа корхоналар маиший техника ишлаб чиқаришни ўзлаштириш билан ўзларига ортикча ташвиш орттиргилари келмайди. Депутатлар аҳоли учун моллар ишлаб чиқарадиган корхона ва бирлашмалар ишини суст координациялаштираётган республика Госплани шаънига жиддий таъна билдирдилар. Ахир уларнинг баъзилари учун бугунги кунда ҳам, ўн беш йил аввал бўлганидек, белкурак, қозон, болта каби асбобларни ясашни «хуш кўришларини» нормал ҳол деб бўладими?! Ҳолбуки ўнларча номлардаги ҳақиқатан кундалик турмушда зарур бўлган моллар кўп йиллар давомида етишмай келмоқда, кўпгина жуда оддий буюмларни эса ўринсиз равишда республикага олисдан ташиб келишга тўғри келмоқда.

Доимий комиссияларнинг материаллари маиший хизматнинг кўпгина корхоналари ҳам аҳолининг эҳтиёжларига лозимича эътибор бермаётганлигини кўрсатмоқда. Савдо ва маиший хизмат бўйича комиссия қилган анализ бугунги кун талаблари асосида улар ишини қайта қуриш чўзилиб кетаётганини кўрсатмоқда. Аввалгича бу соҳада ялпи кўрсаткич ҳукм сурмоқда. Ялпи кўрсаткични деб бир қатор етакчи йўналишлар бўйича асосий хизмат гражданларга эмас, балки корхоналар ва ташкилотларга кўрсатилмоқда. Хизматларни аҳолига яқинлаштириш имкониятларидан суст фойдаланилмоқда. Айниқса колхоз, совхозларда комплекс қабул пунктлари тармоқлари секинлик билан кенгайтирилмоқда. Кир ювиш, химчистка, мебель, пойабзал ремонти каби хизмат турлари танқис бўлган шаҳарлар, саноат марказлари оз эмас. Баъзи қишлоқ районларида сартарошхоналар, ҳаммомлар кам. Бу соҳа қолоқлигининг сабабларидан бири Ўзбекистон ССР Маиший хизмат министрлиги бир неча йиллар мобайнида муваффақиятсиз ўтказиб келган экспериментда бўлиб, бу нарса хизмат кўрсатишга раҳбарликнинг ўринсиз равишда, ҳаддан ташқари марказлашувига, маҳаллий Советларнинг уни ривожлантиришга таъсир кўрсатиш, унинг ишига кун сайин раҳбарлик қилиш имкониятини бой беришига олиб келди. Савдо ва маиший хизмат бўйича комиссия республика ҳукуматига тегишли таклифлар киритди. Ҳозирги вақтда ўтмишдаги хатолар бартараф этилмоқда.

Партия XXVII съездидан кейин Ўзбекистон ССР Олий Советининг доимий комиссиялари социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш резервларини юзага чиқаришга катта эътибор бермоқдалар. Масалан, агросаноат комплекси бўйича комиссия Қашқадарё областида уни ривожлантиришдаги жиддий камчиликлар сабабларини ўрганишни мақсад қилиб қўйди. Хўжасизлик, агротехника, деҳқончилик маданияти талабларининг бузилиши, ер ва сув ресурсларидан норационал фойдаланишга доир кўпдан-кўп фактлар очилди. Бу областнинг кўпчилик хўжаликларида қишлоқ хўжалик техникаси, шу жумладан пахта териш техникасининг қадрига ҳали ҳам етишмайди. Главсредазирсовхоз-

строй бўлинмалари айби билан Қарши чўлининг бир қатор районларида янги ерларни ўзлаштириш паст савияда, нокомплекс ўтказилган. Натижада кўпгина янги совхозларда зарур ишлаб чиқариш ва социал инфраструктура яратилмаган, бу эса ҳосилга дастлабки ишлов беришни, одамларнинг бу жойларда муқим ўрнашиб қолишини қийинлаштиради. Мазкур масалани ўрганиб чиққан доимий комиссиялар Қашқадарё областининг маҳаллий Советларига ердан фойдаланишга чинакам эгаларча муносабатни қарор топтирадиган конкрет тадбирларни белгилаб олишни тавсия этди. Бунда ғўза ва бошқа экинларни парвариш қилишнинг интенсив технологиясини жорий этиш ва, албатта, қўриқ совхозлар ишчиларига зарур маданий-маиший шароитлар яратиш тўғрисида Советларнинг кўпроқ ғамхўрлик қилиши ҳал этувчи аҳамиятга молик бўлади.

Бошқа бир мисол. Сув хўжалиги бўйича комиссия суғоришнинг янги, илғор техникасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш (буни қўлланиш сувни анча тежайди) билан шуғулланадиган бир қатор илмий-тадқиқот ва сув хўжалиги ташкилотлари фаолиятини ўрганиб чиқди. Бу комиссия республика Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига мелиорация соҳасидаги ишни қатъиян кучайтириш зарурлиги муносабати билан тавсиянома тайёрлади. Гап шундаки, бир қатор областларда мелиорация тадбирларининг орқада қолаётгани сабабли унумдор ерларнинг талайгина майдонларини иккинчи дафъа шўр босмоқда, ботқоқланмоқда, бу эса анчагина ҳосилнинг йўқотилишига олиб келади, бир кун бориб бу ерлар ўз-ўзидан қишлоқ хўжалик оборотидан чиқиб қолади. Бунга айниқса йўл қўйиб бўлмайди, чунки ана шу сабабларга кўра экин майдонлари қайта ишлаш саноати, йўллари, социал-маиший муассасалари ривожланган обод районларда камайиб бормоқда.

Доимий комиссияларнинг материаллари шундан далолат бермоқдаки, республика саноати, қурилиши, қишлоқ хўжалигида қайта қуриш етарлича актив амалга оширилмаётир. Депутатлар бориб келган корхоналар, қурилишларда, колхоз ва совхозларда ҳатто шундоққина кўриниб турган, шу жумладан интизомни мустаҳкамлаш, материал ва энергия ресурсларини тежаш, маҳсулот сифатини яхшилаш билан боғлиқ бўлган резервлар тўла ишга солинмаган. Хўжалик раҳбарлари, кўпгина меҳнат коллективлари, маҳаллий Советларнинг депутатлари уларни сафарбар этишнинг таъсирчан йўлларини ҳали топганларича йўқ. Ҳар бир кишида ишлаб чиқаришнинг хўжайини бўлиш туйғусини тарбиялаш вазифаси етарлича самарали ҳал этилмаётир. КПСС МҚнинг 1987 йил июнь Пленуми ҳамда Ўзбекистон Компартияси МҚнинг VI пленуми (1987 йил август) қарорлари асосида ана шу барча проблемалар янада зўр эътиборни талаб қилади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг доимий комиссиялари партия XXVII съездининг қайта қуришни муваффақиятли амалга оширишда инсон омилининг ҳал қилувчи роли тўғрисидаги кўрсатмаларига амал қилиб, социал программаларнинг бажарилиши устидан контролга кўпроқ эътибор бера бошладилар. Ўтган йили комиссиялар Наманган оближрокомининг область Советларининг соғлиқни сақлашга раҳбарликни яхшилаш соҳасидаги иши тўғрисидаги ҳисоботни, республика Соғлиқни сақлаш министрлигининг медицина стационарларида беморларнинг овқатланишини яхшилаш юзасидан кўрилаётган тадбирлар тўғрисидаги, шунингдек Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг туғруққа ёрдам берувчи ва илк ёшдан болалар соғлиғини сақлаш хизматларига раҳбарлик қилиш тўғрисидаги докладларини муҳокама қилдилар.

Умумий таълим мактаби ислоҳотини амалга ошириш тадбирларини рўёбга чиқариш билан боғлиқ масалалар халқ маорифи ва маданият бўйича комиссия ҳамда ёшлар ишлари бўйича комиссиянинг доимий диққат эътиборида турибди. Комиссиялар бу соҳада ҳал этилмаган талай масалалар бор, деб ҳисоблайди. Бу масалаларнинг муҳимларидан бири — база корхоналари, бир қатор министрликлар ва ишлаб чиқариш бирлашмаларининг мактаб олдидаги ўз бурчларини бажаришга етарлича эътибор бермаслигидир. Кўпгина ўқувчилар учун ҳали ҳам цех ва бригадаларда иш ўринлари ажратилмаётир, ишлаб чиқариш таълими учун асбоб-ускуналар етишмайди. Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги, Ҳунар-техника таълими давлат комитети ўзига қарашли ўқув муассасаларининг ишини ислоҳот талаблари руҳида секинлик билан қайта қурмоқда, мавжуд ижобий тажрибани етарлича тарғиб қилмаётир.

Планлаштирувчи органларнинг диққат-эътибори истиқболни кўзлаб ўқув юртларини барча зарур нарсалар билан таъминлашни планлаштириш механизми ҳозирга қадар пухта ишлаб чиқилмаганлигига қаратилди. Аслини олганда министрликлар, идоралар, ишлаб чиқариш бирлашмалари бу масалалар билан шуғулланмаётирлар. Республика Госплани бўлинмаларида ҳам тегишли нуқтаи назар йўқ. Бу ҳол комиссияларни ташвишлантирмоқда, шунинг учун ҳам улар мактаблар ва ҳунар-техника билим юртларини «таъминлашнинг» бундай системасига барҳам бериш зарур деб ҳисоблайдилар, зеро бу системага кўра кўпинча ҳисобдан чиқарилган, яроқсиз асбоб-ускуналар мактаблар, билим юртларига оширилади, бу эса ўқувчиларга эртанги кун техникаси билан муомала қилиш кўникмаларини сингдириш имконини бермайди. Комиссиялар ишлаб чиққан тавсияномаларда ислоҳотнинг асосий қоидаларини турмушга ошириш юзасидан конкрет тадбирлар берилган.

Инсон омилини активлаштириш, социал-маиший соҳани такомиллаштириш бошқа доимий комиссияларнинг ҳам диққат марказида турибди. Масалан, шулардан бири — савдо ва маиший хизмат бўйича комиссия, — аҳолини мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашда лозимича ташаббус ва эпчиллик кўрсатмаётган республика Давлат агросаноатига, Ўзбекбирлашувга, маҳаллий Советлар ижроия комитетларига жиддий талаблар қўйди. Депутатларнинг фикрича, кооператорлар томорқаларда етиштирилган ортиқча маҳсулотларни харид қилишда сусткашлик кўрсатмоқдалар. Ўзбекистон ССР Давлат агросаноати бўлинмалари бозорларда сабзавот ва меваларнинг колхоз савдосини ривожлантириш учун кам иш қилмоқдалар. Гарчанд СССР ҳукуматининг қарори билан колхозларга етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотининг 30 процентгача қисмини давлатга сотиш плани ҳисобидан бозор нархларидан арзонроқ нархларда сотиш ҳуқуқи берилган бўлса-да, савдонинг бундай формаси, афсуски, бизнинг республикамизда кенг ёйилмади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ресурслари чекланган бир шароитда бозорларда нарх-навонинг пасаймаётганига ажабланмаса ҳам бўлади. Бундай позиция кескин танқид қилинди. Доимий комиссиялар 1987 йил учун республикани иқтисодий ва социал ривожлантириш плани лойиҳаси юзасидан ўз хулосасида ана шу нуқтаи назарни қувватлаш ва бир қатор министрликлар ва идораларга тегишли тавсияномалар ёзиб юборишни зарур деб топди.

Транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа бўйича комиссиянинг назар-эътиборида актуал проблемалар турибди. КПСС XXVII съездининг бир қатор саноат, қурилиш, транспорт корхоналари ва бошқа ташкилотларни икки ва уч сменали режимга ўтказишга доир қарорларига мувофиқ амалга оширилаётган тадбирларнинг катта иқтисодий ва сиёсий аҳамиятини ҳисобга олиб, комиссия Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигининг ана шу шароитларда шаҳар транспорти ишини қайта қуриш тўғрисидаги докладини эшитди.

Комиссия аъзолари Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги фаолиятини чуқур ва малакали ўрганиб чиқиб, у нима учун меҳнаткашларнинг бунчалик кўп норозиликларига сабаб бўлаётир, деган саволга жавоб топишга интилди. Бу корреспонденцияларнинг ўз вақтида етказиб берилмаслиги, почтада жўнатилган нарсалар ўғирланаётгани, телефон тармоғи айрим ходимларининг ўз вазифасини суиистеъмол қилишидир. Депутатларнинг фикрича, министрлик ва унинг коллегияси ўз ишини замон талаблари руҳида секинлик билан қайта қурмоқда. Аппарат аъзолари жойлардаги ишлар қай аҳволда эканидан кўпинча бехабарлар, зарур тадбирлар кўришдан ўзларини четга олиб қочадилар. Алоқачилар орасида бригада пудратини, меҳнатни ташкил қилишнинг бошқа самарали формаларини жорий этиш чўзилиб кетмоқда. Бу масаланинг ҳал этилишини комиссия аъзолари доимо контрол қилиб турибдилар.

Партия XXVII съезди, Марказий Комитетининг 1987 йил январь ва июнь Пленумлари демократияни янада кенгайтиришга, халқ депутатлари Советлари асосий бўғин бўлган социалистик ўз-ўзини бошқаришни ривожлантиришга муҳим ўрин ажратди. Шу сабабдан Ўзбекистон ССР Олий Совети комиссиялари, экономикани ривожлантириш планларининг бажарилиши ҳам, меҳнаткашлар социал эҳтиёжларининг қондирилиши ҳам маҳаллий ҳокимият органларининг активлигига, уларнинг ишлар аҳволини таҳлил эта билиш, камчиликларни оператив тарзда бартараф этиш қобилиятига, уларнинг оммага таяниш даражаси-

га кўп жиҳатдан боғлиқ эканини ҳисобга олиб, уларда қайта қуриш жараёнларини пухта кузатиб бормоқдалар.

Доимий комиссиялар маҳаллий Советларнинг экономикага раҳбарлигига доир тажрибани ўрганишга анча эътибор бермоқдалар. Улар ҳокимият органларининг саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотлари иш натижаларига таъсири тобора самарали бўлишига, ўзларига қарашли территориядаги хўжаликнинг комплекс ривожланишини таъминлашда Советлар роли ошиб боришига интилмоқдалар.

Саноат бўйича комиссиянинг Чирчиқ шаҳар ижроия комитетининг шаҳарни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш резервларини сафарбар этиш юзасидан халқ депутатлари шаҳар Советининг иши тўғрисидаги ҳисоботини тайёрлаш шу жиҳатдан муайян қизиқиш туғдиради. Бу ерда ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаш ҳамда аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш масалаларини ҳал этишга комплекс ёндашув борасида ижобий тажриба тўпланган. Шаҳар Совети шаҳар корхоналари ва ташкилотларининг қайси идорага бўйсунишидан қатъий назар уларнинг планларини тузишда қатнашади, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ва бошқа кўрсаткичлар юзасидан уларга бериладиган топшириқларни тасдиқлайди, уй-жой қурилиши юзасидан ягона буюртмачи сифатида иш кўради, социал-маданий муассасалар тармоқларини кенгайтириш, шаҳар хўжалигини ривожлантириш, микрорайонларни ободонлаштиришга ажратиладиган маблағларни ўз қўлида жамлайди.

Бироқ, ишларнинг аҳволи билан жойнинг ўзида танишар экан, саноат бўйича комиссия шаҳар Совети иқтисодий ва социал жараёнларнинг мазмуни ва боришига тағин ҳам самаралироқ таъсир қилиш учун ўз ваколатлари ва имкониятларидан тўлиқ фойдаланмаётир, деган хулосага келди. Депутатлар шаҳар ижрокоми юқорига бўйсунувчи корхоналарнинг ишини, хусусан ишлаб чиқариш ва социал инфраструктурани комплекс ривожлантириш масалаларига доир ишни координациялашда маълум даражада изчил эмаслигини, унда қатъият ва принципиаллик етишмаётганини танқид қилдилар. Шу билан бирга умумиттифоқка бўйсунувчи корхоналарнинг айрим раҳбарлари қайта қуришга, шаҳар эҳтиёжларига эътибор беришга, уй-жой проблемасини ҳал этишда, аҳоли учун моллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришда, маиший хизматни такомиллаштиришда шаҳар Совети билан фаол ҳамкорлик қилишга истаклари йўқлиги қайд қилинди. Жадаллаштиришнинг реал, лекин фойдаланилмаётган имкониятларининг анализи ва комиссиянинг пухта ўйланган тавсияномалари — шуларнинг бари партия XXVII съезди талаблари асосида улар ишини қайта қуришда Чирчиқ ва республикадаги бошқа Советлар учун яхшигина омил бўлиб хизмат қилди.

Саноат бўйича комиссия ҳамда фан ва техника бўйича комиссия Самарқанд шаҳар маҳаллий Советларининг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилашни контрол қилишда депутатлар ролини ошириш соҳасидаги фаолиятини ўрганиб чиқди. Бу ўринда депутатлар соф хўжалик масаласини Советларнинг ташкилий-оммавий ишини такомиллаштириш нуқтаи назаридан кўриб чиқишга ва уларга конкрет тавсияномалар беришга муваффақ бўлишди. План, давлат, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ишида, технология талабларига риоя қилиниши устидан контролни кучайтиришда, меҳнат унумдорлигини ўстириш резервларидан тўлароқ фойдаланиш, барча турдаги ресурсларни тежашда халқ сайлаган кишиларнинг роли алоҳида таъкидланди. Ана шу вазифаларни ҳал этишда Советлар доимий комиссияларининг, ишлаб чиқариш бўйича депутатлар группаларининг вазифалари белгиланди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссияларининг съезддан кейинги даврдаги иш практикаси, бизнинг назаримизда, баъзи хулосалар қилиш имконини беради.

Биринчидан, комиссияларнинг аналитик фаолияти анча активлашди, улар контрол функциясини яхшироқ бажарадиган бўлишди. Бу 1986—1990 йилларга мўлжалланган беш йиллик планни, шунингдек республиканинг 1987 йилги иқтисодий ва социал ривожланиш планини ҳамда Давлат бюджетини дастлабки кўриб чиқиш юзасидан бўлган иш жараёнида айникса яққол намоён бўлди. Шу мақсадларда 14 та тайёрлов комиссиялари тузилиб, улар составида 150 дан зиёд депутат, кўп миқдорда мутахассислар ишлади. Улар планларнинг тегишли

бўлимларини кўриб чиқишди, министрликлар ва идораларнинг 1986 йилги фаолияти тўғрисида уларнинг ҳисоботларини тинглашди. Комиссиялар планлардаги аниқланган номутаносибликлар, балансланмаганликни бартараф этиш юзасидан таклифлар киритди. Уй-жой ва маданий-маиший қурилишни яхшилаш, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг ассортиментини, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар ҳажмини кенгайтириш ҳамда сифатини яхшилаш учун имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш нуқтаи назаридан республикадаги умумиттифоққа бўйсунадиган корхоналар фаолияти анализ қилинди. Санаб ўтилган масалалар юзасидан уларга тавсияномалар берилди.

Иккинчидан, доимий комиссияларнинг координациялаштирувчилик функцияси янада ривож топмоқда. Уларнинг назар-эътиборидаги халқ хўжалигининг ҳар қандай проблемаси комплекс, тармоқлараро характерга эга бўлган ҳамда уларни ҳал қилиш кўпинча бир қатор министрлик ва идораларнинг баҳамжиҳат ҳаракатига боғлиқ бўлган бир шароитда комиссиялар идоравий тўсиқларни бартараф этишга, республика ташкилотлари куч-ҳаракатларини ягона программалар доирасида бирлаштиришга интилмоқдалар. Маҳаллий Советларга, уларнинг органларига КПСС XXVII съезди қўйган вазифаларни ҳал этишда ўз ўрнини топиб олишда ёрдам бериш комиссиялар фаолиятида энг муҳим масаладир.

Республикада ишлаб чиқарилаётган пахта комплексига оид қишлоқ хўжалик техникаси кўпгина турларининг сифати пастлиги сабабларини анализ қилар экан, саноат бўйича комиссия ҳамда фан ва техника бўйича комиссия бундай аҳволнинг сабабларидан бири лойиҳа-конструкторлик ва илмий-тадқиқот ташкилотлари ишидаги тарқоқликдир, деб кўрсатиб ўтди. Давлатга қимматга тушаётган куч ва маблағларнинг сочиб юборилаётганидан шу факт далолат берадики, масалан, пахта териш машиналарини такомиллаштириш устида гоҳо бир-бири билан боғланмаган ҳолда ўнларча турли-туман ташкилотлар банддир. Кўп ҳолларда уларнинг ишламалари назарий изланишлар билан мустаҳкамланмайди, агрономия талабларига мос келмайди, ярим кустарлик шароитларида ўтказилади.

Бу аҳволга тоқат қилиб бўлмаслигини ҳисобга олиб, комиссиялар бир қатор асосланган таклифларни республика Министрлар Советига киритдилар, жумладан, қишлоқ хўжалик техникасини тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқариш билан алоқадор бўлган барча ташкилотлар фаолиятини координация қилишни яхшилаш, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг тегишли бўлинмалари, бир қатор конструкторлик коллективлари, тармоқ муассасалари, олий ўқув юртлари фани базасида махсус илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси барпо қилиш зарурлигига эътиборни қаратди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ана шу таклифларни кўриб чиқиб, пахта териш техникаси бўйича тармоқлараро илмий-техника маркази тузишни зарур деб топди.

КПСС XXVII съездининг ҳозирги шароитларда табиатни муҳофаза қилиш ва унинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш айниқса муҳим эканлиги тўғрисидаги кўрсатмаларига амал қилиб, Олий Советнинг ана шу масалалар бўйича ихтисослашаётган комиссияси ўтган йили бир қатор область ижрокомларининг Сирдарё ҳавзасида Ўзбекистон ССРнинг табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлари талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги ҳисоботларини тинглади. Комиссия министрликлар, идоралар, халқ депутатлари Советлари кенг региондаги ҳаётнинг асоси бўлган дарё тақдирига лоқайдлиги ва бефарқ қараганлиги туфайли сўнгги йилларда унинг гидрологик режимида нохуш ўзгаришлар юз бермоқда, деган хулосага келди. Соҳиллар қақраб кетяпти, бир маҳаллар бой бўлган ўсимлик ва ҳайвонлар дунёси таназзулга юз тутмоқда.

Комиссия шу масала юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига тавсиянома киритди. Жумладан, Тошкент, Фарғона, Наманган, Жиззах, Андижон областлари Советларининг дарё ҳавзасидаги табиат комплексларини соғломлаштириш соҳасидаги ишини координациялашни яхшилаш, уни Давлат агросаноати, республика Сув хўжалиги министрлиги, Ички ишлар министрлиги, Узбекрыбвод, бошқа министрликлар ва идоралар бўлинмаларининг муайян мақсадга қаратилган куч-ҳаракатлари билан бирлаштиришни таклиф қилди.

Учинчидан, доимий комиссияларнинг кейинги вақтларда таркиб топган практикаси шундан далолат берадики, улар республика Олий Совети ишида **қонунчилик, контрол ва бошқарув бирлиги принципининг** қарор топишига ёрдам

беради. Бу нарса янги таҳрирдаги КПСС Программасининг нафақат қарорлар қабул қилувчи, шу билан бирга уларнинг турмушга оширилишини, ижронинг текширилишини ташкил этувчи органлар бўлган Советлар тўғрисидаги қоидасига тўла мос келади. Комиссиялар ўзининг бутун фаолияти билан Ўзбекистон ССР Олий Советига унга хос бўлган олий бошқарув функциясини амалга оширишда кўмаклашади, республика ҳукумати, министрликлар, идоралар, бутун бошқарув аппаратининг қабул қилинган қарорларни амалга оширишини контрол қилишни кучайтириш ана шу функциянинг мазмунини ташкил этади.

Бу ҳол комиссиялар обрўсининг ошишига, халқ хўжалиги, социал-маданий қурилишдаги ишлар аҳволига уларнинг таъсири кучайишига ёрдам беради. Министрликлар, идоралар, бирлашмалар, маҳаллий Советларнинг ижрокомлари ҳозир комиссияларнинг тавсияномаларини тўлароқ ҳисобга олмоқдалар. Одатда уларни бажариш юзасидан керакли тадбирлар кўрилмоқда. Бир нечтагина мисоллар келтирамиз.

Ўзбекистон ССР Қурилиш материаллари министрлигига қарашли корхоналар табиатни муҳофаза қилиш ва табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича комиссияда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар талабларининг бузилишига йўл қўйганлиги муносабати билан танқид қилинди. Министрлик коллегияси ифлосланиш манбаларини ҳаво тозалағич қурилмалар билан таъминлаш учун анчагина маблағлар ажратиш имкониятини излаб топди.

Уй-жой-коммунал хўжалик бўйича комиссия бир неча йилдан бери уй-жой фондини асраш ва ремонт қилишни яхшилаш масалалари билан шуғулланмоқда. Унинг контроли остида бир қатор областларда уй-жойларни Советларга топширишнинг министрликлар билан келишиб олинган перспектив планлари ишлаб чиқилмоқда.

Наманган область маҳаллий Советлари соғлиқни сақлаш ва социал таъминот бўйича комиссияда областда соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонунларнинг бажарилиши тўғрисида оближрокомнинг ҳисоботидан кейин жиддий ва ҳар тарафлама иш олиб бордилар. Бу ерда даволаш муассасаларининг моддий-техника базаси анча яхшиланди, хизмат кўрсатиш сифати учун медицина ходимларининг масъулияти оширилди. Бир қатор қишлоқларда сув таъминотини яхшилаш ва санитария тартибини кучайтиришга доир конкрет тадбирлар амалга оширилди. Буларнинг бари асосий натижага — аҳоли орасида касалланишни камайтиришга эришишга ёрдам берди.

Бунга ўхшаш фактлар оз эмас. Кўриладиган масалаларни анча пишиқ-пухта тайёрлаш, бунда депутатларнинг қатнашуви комиссиялар иши самарадорлигининг ошишига, уларнинг конкрет хўжалик натижаларига эришишига ёрдам беради. депутатларнинг кўплари учун навбатдаги мажлис олдидан ишларнинг аҳволи билан жойнинг ўзида танишиш, энг муҳим масалалар юзасидан сайловчилар билан маслаҳатлашиш қоида бўлиб қолди.

КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди минбаридан янграган ҳақиқатни айтишга, салбий ҳолатларни фош этишга, социал адолат принципига амал қилиб иш кўришга даъват халқ сайлаган барча кишилар каби республика Олий Совети доимий комиссиялари аъзоларига ҳам қанот бахш этади. Улар Олий Советга ҳисоб бериб турадиган органларнинг раҳбарларидан қайта қуришни амалга ошириш учун талабни кучайтирмоқдалар. Уларнинг мажлислари. одатда, ишчанлик, муросасизлик, юксак талабчанлик вазиятида ўтмоқда.

Бир қатор ҳолларда хўжалик юритиш принципларини бузишда, қонунни бажармасликда, бошқа хатоларда айбдор бўлган мансабдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш ёки уларнинг хизмат вазифасига унчалик мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масала қўйилдики, бу ҳам кейинги даврнинг хусусиятидир.

Тўртинчидан, ҳозирда кенг фойдаланилаётган баъзи янги ташкилий формалар ҳам доимий комиссиялар иш самарадорлигини оширишга ёрдам бермоқда. Масалан, 1986 йилда комиссияларнинг бир қатор мажлислари сайёр тартибда ўтказилди. Бу депутатларга ишларнинг аҳволи билан жойларнинг ўзида танишиш, қўйилган масалаларни муҳокама қилишда, тавсияномалар ишлаб чиқишда фаолроқ қатнашиш имконини беради. Сайёр мажлислар ошкораликни ривожлантиришга, тажриба алмашувга, олий ва маҳаллий Советлар комиссияларининг ўзаро келишиб ишлашини йўлга қўйишга ёрдам беради.

Қарорлар лойиҳалари, справка материали одатда комиссия аъзоларига олдиндан юборилиши туфайли улар бир қатор ҳолларда маълум бўлган камчиликларни мажлисдан аввал бартараф этиш юзасидан конкрет тадбирлар кўра оладилар.

Булар, шубҳасиз, комиссиялар фаолиятини қайта қуриш йўлидаги дастлабки қадамлардир. Уларнинг ишида ҳали камчиликлар кўп. Доимий комиссиялар фаолияти тобора мунтазам ва самарали бўлиб бориши керак. Республикани иқтисодий ва социал ривожлантириш планларини ишлаб чиқишга, ҳозирча бу жараёнда сақланиб келаётган, меҳнат коллективлари фаолияти натижаларига, ишлаб чиқариш ва бошқа масалаларнинг ҳал этилишига салбий таъсир кўрсатаётган мутаносибсизликни, ўзаро боғланмаганликни бартараф этишга улар қўшадиган ҳисса анча салмоқлироқ бўлиши мумкин. Ўйлаймизки, тасдиқланган планларга Олий Совет ва унинг доимий комиссиялари розилигисиз ўзгартиришлар киритилишини нормал ҳол деб бўлмайди.

Бизнинг фикримизча, доимий комиссияларнинг назоратчилик фаолиятини ҳам янада яхшилаш керак. Бу борада энг муҳими ўтказилаётган текширишлар ва қабул қилинаётган тавсияномаларнинг сифатини кескин оширишдир. Кўрилган ҳар бир масала чуқур из қолдириши, экономикада, социал-маданий соҳадаги, аҳолига хизмат кўрсатишни ташкил этиш борасидаги ишларнинг яхшиланишига реал ёрдам бериши керак. Бу ўрганилаётган проблемаларни, аввало белгиланган тадбирларни рўёбга чиқаришда доимий комиссиялар аъзоларининг мустасносиз ҳаммасини қатнаштириш йўли билан чуқур ишлаб чиқишни талаб қилади. Бу вазифани ҳал этиш, ўз навбатида, депутатларга ҳар тарафлама методик ва ташкилий ёрдам кўрсатишни, шунингдек депутатларнинг сифат состави янада яхшиланишини тақозо этади.

Шуни ҳам айтиш кераки, доимий комиссиялар практикасида Ўзбекистон ССР Олий Совети сессияларида қўшимча докладлар қилиш, давлат бошқарув органлари раҳбарларига сўровлар бериш, сайловчилар наказлари қандай бажарилаётганини контрол қилиш каби ўзини оқлаган иш формаларидан ҳали ҳам етарлича фойдаланилмаяпти.

Доимий комиссиялар ўз ишининг услуби ва методларидаги камчиликларни бартараф этиб, расмиятчилик ва тадбирбозликка, ташаббуссизлик ва сусткашлик кўринишларига чек қўйиб, Олий Советнинг республика давлат ҳокимияти олий органи сифатидаги ролини янада ошириш учун, унинг фаолиятида қонун чиқариш билан қонунларни турмушга оширишни, ижрони контрол қилишни тўла уйғунлаштириш учун ҳамма зарур ишларни қилишга интилмоқдалар.

ПРОФЕССИОНАЛ МУОМАЛАНИ ИНТЕРНАЦИОНАЛЛАШТИРИШ

К. ДИЕВА,
филология фанлари кандидати

К. МАРКС ВА Ф. ЭНГЕЛЬС ижтимоий ишлаб чиқаришнинг интернационал характерини ва унинг ижтимоий алоқалар ривожланишига боғлиқ эканлигини илмий жиҳатдан асослаб бердилар: «Турли миллатлар орасидаги ўзаро муносабатлар уларнинг ҳар бири ўз ишлаб чиқарувчи кучларини, меҳнат тақсимотлари ва ички муомалаларини нечоғлик ривожлантирганлигига боғлиқдир... Бир миллатнинг бошқа миллатларга муносабатигина эмас, балки муайян миллатнинг бутун ички тузилиши ҳам унинг ишлаб чиқариши ҳамда ички ва ташқи муомаласи қандай ривожланганлигига боғлиқдир» (Асарлар, 3-том, 19—20-бетлар). Янги тарихий шароитда, В. И. Ленин, ғалаба қилган социализм «инсоният ҳаётининг янги, олий формаларини ижод қиладики, бу вақтда *ҳар қандай* миллат меҳнаткаш оммасининг қонуний эҳтиёжлари ва прогрессив интилишлари, биринчи марта ўларок, ...интернационал бирликни туғдириш йўли билан қондирилади», деб ёзди (Тўла асарлар тўплами, 26-том, 42-бет).

Марксизм-ленинизм классикларининг ана шу методологик қоидаларида моҳиятан социал-иқтисодий тараққиётда профессионал муомаланинг интернационаллашувининг аҳамияти тўғрисида сўз боради.

Интернационаллаштириш диалектик материализмнинг ажралмас элементи сифатида дунёнинг бир бутунлиги ғоясидан, жамият ривожланишининг моддий негизини эътироф этишдан келиб чиқади. Бу — меҳнатни барча миллат меҳнаткашларини аввало моддий ишлаб чиқариш соҳасида бирлаштирувчи асосий жиҳат сифатида эътироф этишдан келиб чиқувчи идеология бўлиб, бундай ишлаб чиқариш профессионал таълим олган ходимлар ҳамда уларнинг профессионал муомаласисиз амал қилолмайди.

Ишлаб чиқариш техникавий базисининг узлуксиз янгиланиб бориши муқарар равишда кишининг профессионал жиҳатдан ихтисослашувида ва малака даражасида муайян ўзгаришларга олиб келади. Масалан, ҳозирнинг ўзидаёқ салкам 300 хил ишчи касбини эгаллаш учун ҳеч бўлмаганда умумий ёки ўрта махсус маълумотли бўлиш талаб этиляпти. Яъни ишлаб чиқаришнинг ўзи ишловчилар билимларини мунтазам тўлдириб бориш зарурлигини юзага келтиряпти. Шу вақтнинг ўзида профессионал таълим ва тарбия методлари практика билан қатъий мувофиқлаштириляпти. Шу сабабли социалистик жамият ҳар бир ходим малакасини ошириш тўғрисида доимо ғамхўрлик кўрсатяпти.

Профессионал муомала — социал эҳтиёжларнинг алоҳида тури бўлиб, жамиятнинг интеграл бирлиги сифатида ҳар бир кишининг функционал характерини ифодалайди. Кишилар маълум даражада биргаликда фаолият кўрсатиш ва ўз фаолиятларини ўзаро айирбошлаш учун, деб ёзган эди К. Маркс, бирлашмасдан туриб маҳсулот чиқара олмайдилар. Ижтимоий алоқалар ва муносабатларнинг ана шу жамланганлиги бўлмаганда эди, ишлаб чиқаришнинг ўзи ҳам бўлмас эди (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 6-том, 441-бетга қаралсин). Демак, кишининг ишлаб чиқариш жараёнига қўшилиши ва унинг ишлаб чиқариш

воситаларидан фойдаланиши унинг онгли хатти-ҳаракатларисиз юз бериши мумкин эмас, буларда билимларнинг, эътиқод, қараш, назарияларнинг ижодий, бунёдкорлик кудрати ҳам, шу жумладан, юксак ватанпарварлик ва интернационал туйғуси ҳам намоён бўлади.

Ўзини намоён этишнинг ҳамма соҳаларида ва аввало ишлаб чиқариш фаолиятида инсон ҳаётининг мақсад ва мазмуни, В. И. Ленин сўзлари билан айтганда, «ўзини амалга оширишга, ...объектив оламда ўзига ўзи орқали объективликни бахш этишдан ва ўзини амалга оширишдан (ижро этишдан) иборатдир» (ТАТ, 29-том, 203-бет). Бунга маънавий куч ва қобилиятлардан, жамғарилган илмий билимлар ва профессионал тажрибадан фойдаланиш орқали эришилади.

Ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаолиятда турли хил алоқалар ва муносабатлар пайдо бўлади ва ривожланади, улар киши нимани севиши, уни нималар қизиқтириши, ўзига жалб этиши, у кимни ва нималарни ҳурмат қилиши, нимани ўз бурчи деб билиши, нималарга масъулият билан ёндашиши, нималарга эътиқод қўйганлиги ёки, аксинча, нималарни рад этиши, севмаслиги, нималардан ўзини тортиши, нимадан ва кимлардан нафратланиши ва ҳоказоларни ифодалайди.

Профессионал муомалани чуқур интернационаллаштиришнинг зарурлиги ва мумкинлиги даставвал социализмнинг ўз моҳиятидан келиб чиқади, бу моҳият ижтимоий ишлаб чиқариш бутун кўп миллатли халқнинг мулкига айлангач, ана шу халқнинг манфаатларига бутунлай бўйсунишлигидан иборат. Демак, социализм ишлаб чиқариш янги усулининг — халқ фаровонлиги ва кишилар ўртасида социал тенгликка асосланган ишлаб чиқаришнинг тарихан биринчи туридир. Шу билан бир вақтда истъемолнинг унга эришилгач тўхтаб қолиш мумкин бўлган даражаси йўқ. Бу эса жамиятда эҳтиёжлар ошиб бориши умумий қонуни доимо амал қилиши билан изоҳланади. Унинг ҳаракат қилишига йўл очиб бераркан, социализм ҳозирги пайтда социал-иқтисодий тараққиётнинг ҳали тарих билмаган жуда қудратли тезлаткичини ишга солмоқда.

Буларнинг ҳаммаси социалистик профессионал муомаланинг асосий мазмунини, унинг амалиётда юксак малакали мутахассислар ўртасида фаолиятни жиддий ўзаро айирбошлашни тақозо этувчи чуқур интернационаллаштирилиши зарурлигини белгилашга имкон беради. Бунга, хусусан, рус тилини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш орқали эришиш мумкин. «...Ўз миллий тили билан бир қаторда совет кишилари миллатлараро алоқа воситаси сифатида ихтиёрий равишда қабул қилган рус тилини эгаллаб олиш, — дейилади КПСС Программасида, — фан-техника ютуқларидан, Ватан ва жаҳон маданиятидан баҳраманд бўлиш имкониятини кенгайтиради». Рус тили интернационал характерининг ёрқин ифодаланиши шунда кўринадики, унда эълон қилинувчи материалларнинг ҳаммаси оммабоп тилда баён этилиб, мамлакат аксарият аҳолиси учун тушунарлидир. Рус тилини ўрганиш Совет Қуролли Кучлари сафига чақирилувчи рус бўлмаган миллатлар йигитлари учун ҳам зарур, чунки бу тилни билиш уларга замонавий ҳарбий техникани тезроқ ва яхшироқ эгаллаб олиш имконини беради. Шу сабабли ҳам партия ва давлат мактаб ислоҳотини изчил амалга оширишда: «Рус тилида эркин сўзлаша олиш ўрта ўқув юртларини тугатувчи ёшлар учун норма бўлиб қолиши керак» деган вазифани биринчи даражали аҳамиятга молик вазифа сифатида таъкидлаб кўрсатяпти.

Маълумки, шахснинг маънавий ҳаёти — бир қадар даражада, унинг ижтимоий алоқалари ва муносабатларини ҳам ифодалайди. Мамлакатимиз халклари фаолиятининг турли томонларини интернационаллаштиришнинг объектив жараёни фақат ўз она тилини эгаллаш билан кифояланиб қололмайдиган кишилар миқдорини кўпайтирмоқда. Табиийки, СССР миллат ва элатларининг тиллари уларнинг интернационаллашуви натижасида узлуксиз ўзгариб ва ривожланиб бормоқда. Бу улар луғат составининг янгиланиши ва бойиб боришида, адабий тил услубларининг, унинг ифодалаш воситаларининг такомиллашувида намоён бўлмоқда.

Келиб чиқишидан қатъий назар, айниқса фан-техника революцияси шароитида бирорта миллат ҳам, бирорта халқ ҳам муштарак тилсиз яшай олмайди. Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигида банд бўлган кишиларнинг олтидан бир қисми техника билан, рус тилида берилувчи ягона умумиттифоқ техникавий ҳужжатлар

билан боғланган кишилардир. Улар, шундай қилиб, қишлоқдаги ишлаб чиқариш соҳасида рус тилини эгаллаган ва тарғиб қилувчи дастлабки кашшофлардир. Масалан, 1986 йилда Ўзбекистон ССРда салкам 260 минг тракторчи-машинист, тракторчи, комбайнчи ва автомобиль ҳайдовчи бор эди. Маълум бўлишича, агросаноат секторида машғул бўлган ўзбек механизатор ва мутахассисларининг қарийб 87 проценти ишлаб чиқариш муомаласида қайси миллатга мансублик масаласига аҳамият бермас экан.

Субъектив фаолиятнинг онгли элементи социалистик ишлаб чиқариш ривожланишининг объектив эҳтиёжларини илмий башорат қилиш ва унга объектив қонуниятларни билишга асосланган матлуб йўналишни бағишлаш натижасида ошиб боради. Бугунги кунда бирорта мутахассис ҳам умумилмий, илмий-техника адабиётини билмасдан туриб меҳнат қила олмайди. Лекин барча миллат ва элатлар тилларида ана шундай адабиётларни нашр этиш мамлакат ягона халқ хўжалик комплексининг талабларига жавоб бера олмас эди. Рус тилига асосланган ягона терминологияга таяниш бир-бирини тушунишга эришиш ишини бир қадар енгиллаштиради.

Терминология жиҳатдан саводлилик — илмий адабиётни ўрганувчига қўйиладиган муҳим талабдир. Терминларнинг, айниқса ижтимоий фанларга доир терминларнинг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш мантиқий тафаккурни шакллантириш, ривожлантириш ва тарбиялашга ёрдам беради. Терминларнинг келиб чиқишига қизиқиш уларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши диалектикасини тушунишга, энг асосийси эса, уларнинг маъносини аниқлашга, ўрганилаётган илмий-адабий материалга танқидий ёндашиш маҳоратини ҳосил қилишга ёрдам беради.

Субъектив омилнинг социализм шароитида ижтимоий тараққиётни жадаллаштиришга актив таъсир этиши ижтимоий онг ижтимоий турмушнинг ривожланиш қонуниятларини тобора тўлароқ ва ҳар томонлама акс эттираётганлиги билан изоҳланади. Марксизм-ленинизм асосчилари кўрсатиб ўтганларидек: «Коммунизм илгариги барча ишлаб чиқариш муносабатлари ва муомаласи негизининг ўзида тўнтариш қилаётганлиги билан олдинги барча ҳаракатлардан фарқ этади ҳамда стихияли равишда юзага келган барча шарт-шароитларни аввалги авлодлар ижоди сифатида илк бор онгли тарзда қараб чиқади, бу шарт-шароитларни стихиялиликдан маҳрум этиб, уларни бирлашган индивидлар ҳокимиятига бўйсундиради» (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 3-том, 70—71-бетлар).

Иттифоқдош республикалар аҳолиси кўп миллатлилигининг ўсиши совет халқи интернационал муштараклиги ривожланишида таъсирчан омил бўлмоқда. СССРда бирорта ягона миллатли республика йўқ, бу республикаларда туб ерли бўлмаган миллатлар салмоғи 10 процентдан 60 процентгача етади. Бу — ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида миллатлараро интеграцияга ижобий таъсир кўрсатувчи объектив интернационаллашиш жараёнларининг натижасидир.

Меҳнаткашларнинг маданий савияси ҳозир борган сари социал тараққиётнинг энг муҳим омилига айланиб бормоқда. В. И. Ленин экономика, маориф ва маданият вазифаларининг ўзаро узвий алоқадорлигини кўрсатиб, биринчидан, халқ оммасининг билим ва маданий савияси, иккинчидан, меҳнаткашлар ўртасида интизом кучайиши, меҳнат тобора самарали, яхши ташкил қилиниши меҳнат унумдорлигини оширишнинг шартидир деб таъкидлаган эди (ТАТ, 36-том, 213-бетга қаралсин). Бугунги кунда миллий даромаднинг салкам 30 проценти меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига яратилмоқда, унумдорлик эса, ўз навбатида, умумий ва махсус таълим таъминлаб берувчи малака даражаси билан бевосита боғлиқдир.

Профессионал муомалани чуқур интернационаллаштириш жамият олдига мамлакатдаги халқ маорифини такомиллаштиришга доир бир қатор проблемаларни қўймоқда.

Масалан, бу проблемаларнинг бири миллий мактаблардаги рус тили ва адабиёти ўқитувчилари билан боғлиқдир (улар кўпинча айни шу мактабларни битириб чиққан кишилардир). Улар рус тилини предмет сифатида ўқитиб қолмай, энг хилма-хил даражадаги талабаларни (мактаб, техникум, ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларини, олий ўқув юртлари студентларини) улар ҳозирги пайтда

ёки келажакда интернационал коллективда ўйнайдиган социал ролга мувофиқ равишда профессионал муомалага малакали тарзда ва изчиллик билан тайёрлаб боришлари ҳам керак. Бунга, хусусан, таълим бериш ва предметлараро алоқанинг профессионал йўналганлигини изчил амалга ошира бориб эришиш мумкин.

Проблемаларнинг бошқа бир қисми миллий мактабларни битирувчиларда уларни синфдан ташқи профессионал муомалага киришишга тайёрлашнинг зарурий шарти сифатида доимий равишда миллий ва рус тилларида бемалол сўзлаша оладиган қилишнинг йўлларини излашдир. Рус тилини ўқитишнинг ва, умуман, миллий мактабдаги таълим-тарбия жараёнининг мазмуни ва методикасини бойитишга методик ишни янада такомиллаштириш, таълимни политехникалаштириш, дарс жараёнида рус тилида сўзлашиш муҳитини яратиш ёрдам бериши мумкин.

Миллий мактабда рус тилини ўқитиш методикасини яхшилаш ҳар бир дарснинг аввало тилни сифатли ўқитишда, дарс пайтида ўқувчиларнинг ақлий фаоллигини оширишда, рус тили ёрдамида фикрни баён эта билишда ифодаланувчи мумкин қадар самарадорлигига эришишга боғлиқдир.

Масалан, таълимнинг техникавий воситалари (ТТВ) рус тилини ўқитишни интенсивлайди. Бугунги кунда у ёки бу техника воситаларига эга бўлмаган мактаб, техникум ёки олий ўқув юртини тасаввур қилиш қийин. Тўғри, компьютерлар етарли эмаслиги ҳақида шикоятлар эшитилиб туради. Лекин, практиканинг кўрсатишича, ҳатто таълимнинг мавжуд техникавий воситаларидан ҳам қониқарли фойдаланилмаяпти. Бунинг сабаблари турлича. Биринчидан, машғулотларда ТТВдан фойдаланиш ҳануз кўпчилик ўқитувчилар учун зарур одатга айланмаган (педагогика институтлари ҳам бу соҳада ўрнак бўла олмайдилар). Иккинчидан, техника воситаларидан фойдаланишга доир дидактик материални, программаларни аксари ҳолларда ўқитувчининг ўзи тайёрлайди ва, табиийки булар унинг дидини, назарий тайёргарлик ва профессионал маҳорати даражасини акс эттиради.

Менимча, мактабда ТТВ билан юзага келган аҳволни қуйидаги йўл билан ўзгартириш мумкин: Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги олим ва ўқитувчилардан ташаббускор группа тузиб, унга барча материалларни тўплаш ва ўрганишни ҳамда республикада таълимнинг техникавий воситаларидан фойдаланиш типовой программаларини тайёрлашга доир ишни ташкил этишни топшириши керак.

Таълимни политехникалаштириш амалга оширилиши ҳам маориф ходимлари олдига кўп проблемаларни қўймоқда. Ана шу мақсадда, биринчидан, ҳар бир ўқув предметининг ана шу жараёнда тутган ўрни ва ролини аниқ белгилаб олиш, иккинчидан, тармоқни ривожлантириш истиқболлари, таълимий ва тарбиявий вазифалар нуктаи назаридан ўқувчиларни иш жойлари билан таъминловчи базавий корхоналарни тўғри белгилаш, учинчидан, ўқувчилар банд қилган ҳар бир иш жойининг натижадорлиги устидан контролни кучайтириш лозим бўлади. Афсуски, ана шу вазифаларнинг ҳаммасини ёлғиз мактаб коллективлари кучи билан ҳал қилиш мумкин эмас.

Ҳозирги лингвометодикада тил (сўзлашув) муҳити тил ўргатишдаги самарадорликнинг энг муҳим ташқи омилларидан бири эканлиги таъкидланади. Ўзбекистонда рус тилининг амал қилиши ва ривожланиши билингвал муҳит — миллий ва рус тилларида сўзлашиш шароитида ўтмоқда, унинг даражаси турли шаҳар ва қишлоқ районларида ҳар хилдир. Республика мактабларининг учдан икки қисми қишлоқ жойларида бўлиб, уларда ўқиш асосан ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ ёки тожик тилларида олиб борилади, чунки бу ерлар аҳолиси миллий таркиби жиҳатидан кўпроқ бир хил бўлиб, рус тилини актив ишлатишга эҳтиёж сезмайди. Шу сабабли ўқувчилар рус тилига, фақат рус тили дарсида мурожаат қиладилар. Натижада ана шу мактабларни битириб чиққанларнинг рус тилини амалда эгаллаш даражаси социалистик профессионал муомаланинг ҳозирги эҳтиёжларига мос келмайди. Бундай тафовутга фақат дарслар, дарсдан ташқари ва мактабдан ташқари ишларни ташкил этиш орқалигина барҳам бериш мумкин, бу ҳол ўқувчиларнинг ўқитувчилар, дўстлар, бошқа кишилар билан рус тилида сўзлаша олишини кенгайтирган, уларни дарс вазиятидан ташқарига олиб чиққан бўлар эди. Миллий мактабда актив икки тиллилик муҳитини яратиш фақат рус

тили ўқитувчиларининг эмас, балки бутун педагогика коллективининг, район, колхоз, совхоз жамоатчилигининг, барча мутахассисларнинг ҳам вазифасидир.

Юқорида тилга олинган вазифаларни амалда ҳал этиш ўқитувчининг зиммасига тушади, у ҳозирги шароитда ўқувчиларга таълим-тарбия беришдаги анъанавий профессионал вазифалардан ташқари яна социалистик маданиятни, шу жумладан, русча сўзлашиш маданиятини тарғиб қилувчи ва кенг оммалаштирувчиликдек қўшимча вазифани ҳам бажармоқда. Ана шу барча вазифаларни муваффақиятли бажариш кўп жиҳатдан унинг профессионал муомала санъатига, унда янгича лингводидактик тафаккур шаклланган-шаклланмаганлигига боғлиқдир. Миллий мактабдаги рус тили ва адабиёти ўқитувчисининг юксак профессионализмини характерловчи асосий жиҳатлар — ғоявийлик ва мукаммалликдир. Айни шу жиҳатлар профессионал муомаланинг асосий вазифаларини муваффақиятли амалга оширишнинг зарурий шарти ва муҳим кафолоти ҳисобланади. Ғоявийлик сўз билан ишнинг бутунлай бир-бирига мувофиқ келишидир. Мукаммаллик эса ўқитувчи хулқ-атвори ва бутун кундалик фаолиятини ғоявий талабларга бўйсундиришни ифодалайди. Ана шуларнинг чамбарчас алоқада бўлишигина ўқитувчининг ички ва ташқи томондан бир бутун бўлишига имкон беради.

Лингвистика фани тарихини ўрганиш унга ҳозирги шароитда характерли бўлган тенденцияларни аниқлаш ва тушуниб етиш имконини беради. Лингвометодик ишни такомиллаштиришда рус тилининг категория ва қонунларидан онгли ҳамда собитқадам фойдаланиш таълим-тарбия жараёнини интенсивлаштириши, ақлий меҳнат самарадорлигини ошириш ҳисобига ўқитиш ва тарбия бериш сифатини ошириши керак.

Фанларнинг ҳаммаси учун ўқитишнинг ўрганилаётган предмет профессионал йўналиши билан алоқадорлиги амалиёт билан, замона билан алоқадорликни англатади. Лекин таълим-тарбия жараёнининг профессионал йўналиши методологик проблемалари доим ҳам малакали ҳал қилинмаяпти. Бунинг сабаби шундаки, ана шу феномен ҳақида ҳали ягона тушунча шаклланганича йўқ. Бизнинг фикримизча, профессионал йўналганлик жамият эҳтиёжларига мувофиқ ҳолда ҳар бир кишининг ҳаёт кечириш учун зарур муайян ихтисосни эгаллаши, танланган касбга қизиқишни шакллантиришга доир собитқадам таълим-тарбия системасидир. Бунда профессионал йўналганлик совет ёшларига таълим-тарбия бериш системасининг марказий бўғини бўлган таълим билан ишлаб чиқариш меҳнати бирга олиб борилишидек марксча-ленинча принципни амалга оширишга бўйсундирилиши керак.

Шу билан бирга профессионал йўналганлик предметлараро алоқа характерини белгилайди. Бу алоқалар эса, ўз навбатида, миллий мактабдаги рус тили ўқитувчисининг ғоявий-ахлоқий сифатларини юксалтириш воситаси ҳисобланади. Предметлараро алоқаларни жуда умумий тарзда бошқа фан предметлари билан ўзаро алоқадорликда лингвистикани эгаллашга эвристик (ижодий) ёндашишнинг диалектик формаси сифатида таърифлаш мумкин. Улар ўқитувчи учун зарур бўлган юксак идеаллар ва эстетик дидлар, қараш ва эътиқодларнинг ғоявийлиги каби хислатлар ривожланишига имкон беради.

Ўзбекистон ўқитувчиларининг VII съездида таълим ва тарбиянинг, шу жумладан, интернационал тарбиянинг ҳам сифатини янада яхшилаш билан боғлиқ кенг доирадаги масалалар муфассал муҳокама қилинди. Хусусан, педагогика ўқув юртларининг раҳбарларига миллий мактаб рус тили ўқитувчиларини профессионал-педагогик жиҳатдан тайёрлашни такомиллаштиришга алоҳида эътибор бериш таклиф этилди. СССР маориф министрининг биринчи ўринбосари А. А. Коробейниковнинг съезддаги нуткида, «рус миллатининг вакиллари, айниқса республикада яшаётган рус ўқитувчилар ўзбек тилини ва бошқа маҳаллий тилларни билишлари лозим... Социал адолат туйғуси худди шуни талаб қилади», деб таъкидланди.

Мақсадга элтадиган йўлнинг сермашаққатлилиги доимо фикрнинг актив ишлашига олиб келади. Янгилик билан эскилик ўртасида алоқа ўрнатишни тушуниб етиш, аввалдан қолган тажрибага таяниш билишнинг ана шу босқичини характерлайди. Шу муносабат билан рус ва ўзбек тиллари ўқитувчиларининг бир-бирига ёрдам бериши ҳамда профессионал муомаласига асосланган ўзаро тушуниш қарор топиши бутун таълим-тарбия жараёнини интернационаллаштириш

проблемаларини жадаллик билан ҳал этишга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Бунга рус ва она тили ўқитувчиларининг умумий тилшунослик актуал масалаларига бағишланган методик семинарларини, ўзбек тили ўқитувчилари иштирокида рус тилидан ва рус тили ўқитувчилари иштирокида ўзбек тилидан очиқ дарслар ўтказиш йўли билан эришиш мумкин. Бизнингча, икки тилда — рус ва ўзбек тилларида ўқитиш ишлари олиб бориладиган мактабларда миллатлараро муомалада сўзлашув тартибини татбиқ этиш имкониятини излаб топиш мақсадга мувофиқдир.

Шахс ижодий қобилиятларининг ва юксак ахлоқий-интернационал хислатларининг равнақи, ҳақиқий ва бир бутун инсоний моҳиятда шахснинг уйғун камол топиши — социалистик маданий революциянинг асосий мақсади ана шундайдир. Инсондаги ижодий потенциялларнинг ривожланиши ўзаро муомала — ишлаб чиқариш, профессионал, коллектив ва умуман жамият доирасидаги муомалалар негизида содир бўлади. Барча миллатлар меҳнаткашлари маданий-техникавий савиясининг янада оширилишида профессионал муомалани чуқур интернационаллаштиришнинг бош мазмуни ва мақсади мавжуддир. Айни вақтда СССР халқлари ҳаётини интернационаллиштириш антикоммунистлар доимо оғиз кўпиртириб келаётган «руслаштириш» билан ҳам, «мажбурий ассимиляция қилиш» билан ҳам, «денационализация» билан ҳам ҳеч қандай алоқадор эмас.

КПСС XXVII съезди мамлакатимизда миллий муносабатларни такомиллаштиришнинг янги вазифаларини белгилар экан, маҳаллийчилик, миллий маҳдудлик ва шовинизмнинг ҳар қандай кўринишларига қарши изчиллик билан курашиш ва бир вақтнинг ўзида умумхалқ вазифаларини ҳал этишда республикалар, автоном область ва округларнинг ҳиссасини ошириш, барча миллатлар меҳнаткашларининг ҳокимият ва бошқарув органлари ишида актив иштирок этиши тўғрисида мунтазам ғамхўрлик кўрсатиш зарурлигини уқтирди. Миллий муносабатлар ривожланишининг реал манзараси ва истиқболларини айни шу шароитлар билан боғлаш керак. «Демократия ва ўз-ўзини бошқариш кенгайтирилаётган, барча миллат ва элатларнинг миллий ўзлигини англаши тез ўсиб бораётган, интернационаллашув жараёнлари чуқурлашаётган ҳозирги пайтда, — деб таъкидлади КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев партия Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленумида, — вужудга келаётган масалаларни имкони бўлган бирдан-бир негизда, ҳар бир миллат ва элатнинг равнақ топиши манфаатларини кўзлаб, уларнинг ўзаро яқинлашуви манфаатларини, бутун жамиятнинг манфаатларини кўзлаб, ўз вақтида ва одилона ҳал қилиш алоҳида аҳамият касб этади». Миллатлараро алоқа воситаси сифатида рус тилини чуқур ўрганиш ва янада кенг тарғиб қилиш асосида профессионал муомалани чуқур интернационаллаштириш зарурлигини англаб етиш ҳам мамлакат социал-иқтисодий ривожланиши эҳтиёжларини қондиришнинг энг муҳим воситаларидан бири бўлади.

МАРКСЧА-ЛЕНИНЧА ТАЪЛИМ СИСТЕМАСИ УЧУН

«ДЕМОКРАТИЯЛАШТИРИШ — ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ШАРТИ» ТЕМАСИ БЎЙИЧА МЕТОДИК МАСЛАҲАТЛАР

Партиянинг жамиятимиз ҳаёти барча жиҳатларини демократиялаштиришга қаратилган йўлини ана шу жараённи чуқурлаштириш орқали, қайта қуриш орқали социал-иқтисодий ва маънавий тараққиётнинг янги юксакликларига кўтарилиш ҳақида ғамхўрлик қилиш тақозо этади. КПСС МК 1987 йил июнь Пленумида бу яна бир бор таъкидланди. Мамлакатда вужудга келтирилган ошкоралик ва рўй-ростлик вазиятини мустаҳкамламасдан туриб партия XXVII съезди қўйган вазифаларни амалга ошириб бўлмайди. Бу вазият эса, Пленумда уқтирилганидек, ҳар бир кишига ўз гражданлик позициясини намоён этиш, жамиятнинг ҳаётий муҳим муаммоларини муҳокама қилиш ва ҳал этишда фаол қатнашиш, шу йўналишдаги жараёнларни тезлаштириш имконини беради.

Темани ўрганишнинг қуйидаги плани тавсия этилади:

1. Меҳнаткашларнинг сиёсий ва ижтимоий активлиги ўсиб бораётган, демократия кенгаётган шароитда партия, совет ва хўжалик органларининг иши.

2. Социалистик контролнинг ленинча принципи, унинг янада ривожлантирилиши.

3. Барча партия ташкилотларини янада активлаштиришнинг муҳим босқичи.

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ СИЁСИЙ ВА ИЖТИМОИЙ АКТИВЛИГИ ЎСИБ БОРАЁТГАН, ДЕМОКРАТИЯ КЕНГАЯЁТГАН ШАРОИТДА ПАРТИЯ, СОВЕТ ВА ХЎЖАЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ ИШИ

Маълумки, КПСС МК 1985 йил апрель Пленумидан кейин мамлакатда меҳнаткашларнинг сиёсий ва ижтимоий активлиги юксала бошлади. Ўтган икки йил мобайнида жамиятда маънавий-сиёсий муҳит ўзгарди, эндиликда бу муҳит воқеликка реалистик баҳо бериш, турғунлик ва жаҳолатга қарши муросасиз курашиш, мамлакатда ҳаётнинг барча жиҳатларини такомиллаштиришнинг самарали восита ва методларини излаш, етилган проблемаларга ижодий ёндашиш билан характерланади. «Партия мамлакатни қўзғатиб, ҳаракатга келтирди, миллион-миллион кишиларни ўз ғояларига қизиқтирди, эргаштирди, жуда катта умидларни юзага келтирди», — деб уқтириб ўтди партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев КПСС МК 1987 йил июнь Пленумида қилган докладида.

Ана шу вақт мобайнида жамиятга, халққа зарур бўлган кўпдан-кўп ташаббуслар юзага келди! Миллионлаб меҳнаткашларнинг қайта қуриш ишига манфаатдорлик, масъулият ва ижодкорлик билан муносабатда бўлиши, уларнинг партия тутган жадаллаштириш, жамият бутун ҳаётини демократиялаштириш йўлини қўллаб-қувватлаши шу тарика ифодаланмоқда. Пропагандист халқнинг турли жойларда ва турли соҳаларда намоён бўлган, аммо умумий мақсадни — ишларни олиб боришни яхшилашни кўзлаган ташаббусларини кўрсатувчи мисоллар келтириши мумкин. Чунончи, ҳозирги кунда Ўзбекистон шаҳарларида корхоналарни сменалилик режими оширилган ҳолатга ўтказиш бўйича иш авж олиб кетди. Жумладан, Қўқон тажрибаси фонд унумини ўстиришнинг ана шу муҳим резервидан фойдаланишнинг самараларини кўрсатмоқда. Ўзбекистон Компартияси МКнинг VI пленумида (1987 йил август) қайд қилиб ўтилганидек, бу борада шаҳар партия комитетининг позицияси катта роль ўйнади. У бошланғич партия ташкилотларининг, оддий коммунистларнинг ғайрат-шижоатини мамлакатда ленинградликлар ва харьковликлар биринчи бўлиб бошлаб берган ташаббусни шаҳарда кенг ёйишга қарата олди. Комплекс ёндашиш ушбу вазифани муваффақиятли ҳал этишда кўмаклашди: болалар боғчалари ва яслиларининг иш графиги ўзгарди, жамоат транспорти, савдо, маиший хизмат корхоналари янги режимни ҳисобга олган ҳолда ишлай бошладилар. Қўқонда сменалилик коэффициенти деярлик иккига етди, ана шунинг ҳисобидан шаҳарда 1100 киши ишга жойлаштирилди, қўшимча равишда 3,7 миллион сўмлик маҳсулот олинди.

Экономиканинг интенсив, жадал ривожланиш изига ўтиб олиши учун катта аҳамиятга молик бўлган бошка баъзи бир ташаббуслар ҳакида ҳам ҳикоя килиш лозим. Булар орасида — коллектив пудратни, тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш принципларини, Белоруссия ва мамлакатнинг бошка баъзи бир темир йўлларида ўзлаштирилган хўжалик юритишнинг янги методларини жорий этиш учун оммавий ҳаракатни кўрамиз. Ҳозирги вактда ресурсларни тежашга алоҳида эътибор берилмокда, бу ишда ҳам Украинанинг бир канча областлари меҳнат коллективлари хўжаликда тадбиркорлик кўрсатдилар. Улар кўрсатган намунани ҳар тарафлама кўллаб-кувватласа ва кенг ёйса арзийди. Социал соҳани ривожлантириш, кишиларнинг маънавий талаб-эҳтиёжларини янада тўларок кондириш зарурлигини эътиборга олиб Горький, Свердловск, Липецк меҳнат коллективларининг уй-жой проблемасини, маданий-маиший шароитларини яхшилаш масалаларини ҳал этиш ва ҳоказолар соҳаси тажрибаси ҳакида машғулот вактида сўзлаб бериш макбулдир.

Маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларини ўз вактида ва сифатли килиб бажариш — мамлакатни социал-иктисодий ривожлантиришнинг ҳал килувчи масалаларидан биридир. Кўп меҳнат коллективлари ушбу вазифани катта масъулият ҳис килган ҳолда ҳал этмокдалар. Бундай коллективлар бизнинг республикамизда ҳам бор. Олмалик кон-металлургия комбинати шулар жумласига киради. Ўзбекистон Компартияси МК VI пленумида кайд этилганидек, комбинатда партия комитети, цех партия ташкилотлари, партия группалари ташаббускорлик билан иш тутмокдалар, кадрларни танлашнинг демократик принциплари нормага айланди, кўпгина ишлаб чикариш бўлинмаларининг раҳбарлари меҳнат коллективлари томонидан сайланган.

Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига бошланган мусобакада совет кишиларининг ижодий активлиги янада кудратли куч билан намоён бўлмокда. Юзлаб коллективлар, минглаб ходимлар 1987 йил 7 ноябригача илгари белгилаб олинган марралардан ўзиб кетдилар.

Муайян корхонада, хўжаликда, ташкилотда ишлар кандай аҳволда эканлигини дадил ташаббуслар, новаторларча изланишлар «юкоридан», раҳбарлар томонидан фаол кўллаб-кувватланаётганлиги ёки йўклигини ва, агар кувватланмаётган бўлса, бунинг сабаби нимада эканлигини, ташаббуссизликнинг боиси нималар эканлиги, уни бартараф этиш учун нима килиш кераклигини тингловчилар билан биргаликда муҳокама килиш фойдалидир.

Пропагандист уктирадики, бепарволик, чурк этмаслик вазиятида ташаббус сўнади, йўколиб кетади. Шунинг учун ҳам меҳнаткашларнинг факат ишлаб чикариш эмас, балки жамоат активлиги ҳам ғоят муҳимдир. Шу муносабат билан М. С. Горбачев оммавий ахборот воситалари ва ижодий союзлар раҳбарлари билан учрашув пайтида бундай деган эди: «Рўй-ростлик, ошкоралик, танкид муҳитини саклаб колмай, халкнинг эҳтиёжлари тўғрисида, давлат ва жамият такдири ҳакида ғамхўрлик билан тўлиб-тошган кенг, масъулиятли мунозараларсиз ҳеч кандай амалий иш бўлмайди, ҳеч кандай амалий боскич бошланмайди».

Ҳозир ҳар биримиз, деб таъкидлайди пропагандист, демократияга ўрганишимиз, жамият ва алоҳида шахс бахт-саодати учун ундан фойдалана билишимиз лозим. Бунинг учун бизнинг замонимизда жуда катта имкониятлар мавжуд. Аммо ушбу жараён стихияли жараён эмас. КПСС МК июнь Пленумида кайд этилганидек, кайта куриш партиянинг ташаббуси билан бошланди ва унинг раҳбарлигида амалга оширилмокда.

КПСС МК 1987 йил январь Пленумида социалистик демократизмни чукурлаштиришга, халкнинг ўз-ўзини бошкаришини ривожлантиришга каратилган бир катор таклифлар илгари сурилди. Уларнинг кўплари ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олди. Чунончи, халк хўжалигини бошкаришни кайта куришда Давлат корхонаси (бирлашмаси) ҳакидаги СССР конуни ҳал килувчи роль ўйнаши лозим. Пропагандист таъкидлайдики, ушбу конунда КПСС XXVII съездининг энг муҳим йўл-йўрикларидан бири — бевосита демократиядан самарали фойдаланишга каратилган йўл рўёбга чикарилди. Биз унинг амалга оширилиши натижаларини ҳозир ҳамма ерда сезиб турибмиз: меҳнат коллективлари ижодкор, ташаббускор кишиларни, ўз ихтиёридаги ходимлар ҳакида ғамхўрлик киладиган кишиларни раҳбар килиб сайлашга интилмокдаларки, бу ишнинг умумий аҳволига ижобий таъсир кўрсатмокда. Бирок бу нарса ишлаб чикариш ҳаётини демократиялаштиришнинг кирраларидан биридир, холос. Мазкур конуннинг халкни ўз-ўзини бошкаришини ривожлантиришга таъсири анча кенг ва чукуррокдир. СССР Олий Советининг ўн биринчи чакирик еттинчи сессиясида 1987 йил 30 июнда кабул килинган карорида айтилганидек, конуннинг вазифаси — «хўжалик юритишдаги шароитларнинг тубдан ўзгарганлигини, бошкарувнинг асосан иктисодий методларига ўтишни мустаҳкамлаш, корхоналарнинг мустакиллик чегараларини анча кенгайтириш ва масъулиятини ошириш, ижтимоий социалистик ишлаб чикаришда корхоналарнинг етакчилик ролидан келиб чикадиган ҳукукларни тўла-тўкис гарантиялаш, давлат бошкарув органлари фаолиятини кайта куришнинг асосий йўналишларини белгилашдир». Тингловчиларга ана шу коидаларнинг

ҳар бирининг аҳамиятини тушунтириб беришда пропагандистга КПСС МК 1987 йил июнь Пленумининг, Ўзбекистон Компартияси МК VI пленумининг (1987 йил август), ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети еттинчи сессиясининг материаллари ёрдам беради.

Меҳнаткаш кишининг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштироки ҳақидаги Конституция қоидалари ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети еттинчи сессиясида қабул қилинган давлат ҳаётига оид муҳим масалаларни бутун халқ томонидан муҳокама қилиниши ҳақидаги СССР Қонуни каби ҳужжатда ҳам ривожлантирилган. Бу аҳолининг ижтимоий-сиёсий активлигини янада рағбатлантириши лозим. Қонуннинг қабул қилинишининг ўзи шундан далолат берадики, КПСС МК Сиёсий бюроси ва Совет ҳукумати жамоатчилик фикрига ҳушёрлик билан қулоқ соладилар. Муҳим қарорларни халқ билан маслаҳатлашиб олгандан кейингина тасдиқлаш — бундан ҳам ортиқроқ демократия бўладими! Ушбу қонун ҳар бир кишига амалда давлат ва жамоат ташкилотларининг фаолиятига таъсир кўрсатиш имконини беради.

Пропагандист тингловчилар эътиборини демократик тартиботларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш нима учун муҳим эканлигига қаратади. КПСС МК Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико таъкидлаганидек, айнан шу ҳуқуқ, қонун ёрдамида демократия, халқнинг ўз-ўзини бошқариши, ошкораликнинг кенгайтирилиши, гражданиннинг статуси мустаҳкамланиши соҳасидаги кўпгина ҳал қилувчи сиёсий йўл-йўриқлар конкрет практика тилига кўчирилади, ҳамма учун мажбурий қилиб қўйилади. Ушбу ҳолда ҳам муҳим масалаларни бутун халқ муҳокамасидан ўтказиш тартибининг қонун доирасида мустаҳкамланиши граждaнларнинг давлат қарорларини тайёрлашда иштирок этиши учун ҳуқуқий гарантиялар яратади. Бу шунингдек, деб уқтиради пропагандист, мазкур ишда илгари мавжуд бўлган ортиқча тадбирлар кўришга берилиб кетиш, формализм, баъзан граждaнлар таклифлари ва мулоҳазаларини анализ қилмаслик каби жиддий камчиликларни бартараф этиш имконини беради. Республика қонун актларини тайёрлаш практикасига ҳам қатъиян ўзгартиш киритиш лозим. Бу Ўзбекистон ССРга ҳам тааллуқлидир. Зеро республикамизда 1978 йилдан буён, республика Конституцияси қабул қилингандан кейин бошқа ҳеч қандай қонун ёки кодекс халқ муҳокамасига қўйилгани йўқ.

Барча партия ҳужжатларида, шунингдек КПСС МК июнь Пленуми материалларида ҳам ошкораликка жамият демократизмини ривожлантиришнинг самарали воситаси деб қаралади. У сира бузилмай ишлайдиган система бўлиб қолиши лозим. Ошкораликни янада кенгайтиришни таъминловчи ҳуқуқий актларни қабул қилиш бунга кўмаклашадики, бу ҳақда КПСС МК 1987 йил январь Пленумида ҳам, ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг еттинчи сессиясида ҳам гапирилган эди. Давлат ҳаётига оид муҳим масалаларни бутун халқ муҳокамасидан ўтказиш тўғрисидаги қонун бундай актлар сирасида биринчисидир.

Пропагандист тингловчиларга шуни эслатадики, ахборот манбаларининг очиқлиги, ҳамма поғонада ҳокимият органлари фаолиятининг очиқлиги ошкораликнинг гарантиясидир. Камчиликлар, номаъқул ҳолатлар, қонунларнинг бузилиши ошкора қилиниши телекўрсатувларда, газета саҳифаларида, йиғилишлар ва мажлисларда ошкора қилиниши ҳар бир гражданинга боғлиқдир.

Шу билан бирга М. С. Горбачев оммавий ахборот воситалари ва ижодий союзлар раҳбарлари билан учрашган вақтида таъкидладики, ошкоралик — бу ҳамма нарсага эрк бериш мумкин деган гап эмас. «Ошкоралик, — деди у, — социализмни, одамларимиз руҳини мустаҳкамлаши, жамиятдаги ахлоқни, маънавий муҳитни мустаҳкамлаши керак. Ошкоралик — камчиликларни танқид қилиш ҳамдир. Аммо бу социализмга, социалистик қадриятимизга путур етказиш деган гап эмас».

Демократиялаштириш тажрибаси кўрсатадики, ана шу йўлда сиёсий системани ва бутун жамиятни такомиллаштиришнинг яхши истиқболлари пайдо бўлмоқда. КПСС МК 1987 йил июнь Пленуми қайта қуришда эришилган ютуқларга баҳо бериб, партия, совет, хўжалик органлари ўз фаолиятида албатта эътиборга олиши лозим бўлган бир қатор муҳим моментларни кўрсатиб ўтди. Бу энг аввало маънавий активликнинг авж олиб кетишидир. Кишилар мамлакат ўтмиши, ҳозирги куни ва келажаги ҳақида кўпроқ билишни истайдилар, уларнинг жамоат ва давлат ишларига, дунёқараш ва маънавий-этик проблемаларга эътибори кучайди. Жамоатчилик фикри ўзини тобора яққол кўрсатмоқда. Кишиларнинг меҳнатга, ишлаб чиқариш вазифаларини бажаришга ўзгариб бораётган муносабати қайта қуриш учун катта аҳамиятга эга. Бюрократизмга қарши ҳужум қилинмоқда, бошқарувнинг маъмурий-тазйиқ ўтказиш методлари аста-секин бартараф этилмоқда. Янги кучларнинг келиб туриши ҳисобига кадрлар состави янгиланмоқда, ходимларнинг масъулияти ошди, партия, совет, хўжалик органларининг ҳам иш услуби такомиллашиб бормоқда. Бу жараёнлар айникса КПСС МК 1987 йил январь Пленумидан кейин кучайди, зеро Пленум меҳнат ва социал активликнинг янада кучайишини ғоят рағбатлантириб юборди.

Шундай қилиб, таъкидлайди пропагандист, айтиш мумкинки, қайта қуришнинг янги босқичи, конкрет вазифаларни жамият ҳаётининг ҳамма йўналишлари ва ҳамма соҳаларида ҳал этиш босқичи бошланди. Қайта қуриш ғоявий ва маънавий ғалабани қўлга киритди,

кенгайиб ва чукурлашиб бормокда. Бинобарин, партия комитетлари, совет ва хўжалик органлари бу вазиятдан тўла-тўкис фойдаланишлари керак.

Айни чокда пропагандист КПСС МК июнь Пленумида айтилган: биз бегамликка йўл кўймаслигимиз керак, деган огохлантиришни эсга солиши лозим. Фактлар далолат бериб турганидек, жуда катта куч-гайрат сарфланишига карамай, кайта куриш хали кўп жойларга реал тарзда етиб боргани йўк. КПСС МК Сиёсий бюроси ахволни анализ килиб, **шундай хулосалар чикардики, уларни аввало рахбарлар, хар бир партия ташкилоти, совет ва хўжалик органлари ўз практикасида эътиборга олиши зарур. Улар куйидагилардир.**

Революцион туб ўзгартишлар, бир томондан, янгилаш, ижод килиш, ташаббус кўрсатиш талаблари билан, иккинчи томондан, консерватизм, инерция, гаразли манфаатлар ўртасидаги зиддиятни биринчи ўринга кўйди. Омманинг ортиб бораётган активлиги билан жуда хилма-хил сохалардаги хали яшовчан бўлган бюрократик иш услуби, кайта куришни тўхтатиб кўйишга уринишлар ўртасидаги номувофикликнинг сабаби ана шундадир. Ушбу зиддиятни бартараф этишда энг мухими — демократияни кенг ривожлантиришдир.

Шу ўринда пропагандист тингловчиларнинг диккатини КПСС МК июнь Пленумида кўтарилган ижтимоий ва шахсий манфаатларни уйгунлаштириш хакидаги масалага каратади. Жонли амалиётнинг вазифаси манфаатлар бутун комплексини — шахсий, коллектив, синфлар, миллатлар, элатлар, социал ва профессионал группалар манфаатларини, шунингдек улар ўзаро муносабатларининг диалектикасини хисобга олиш ва ана шу негизда жамиятнинг шитоб билан ривожланишини таъминлашдир. Кайта куришнинг маъноси хам айнан манфаатларни ана шундай хисобга олишдан, уларга таъсир кўрсата билишдан, уларни ва улар оркали бошкаришдан иборатдир.

Бир канча партия ташкилотлари, КПСС МК июнь Пленуми уктирганидек, хукмрон **кайфиятлардан оркада колишидан иборат ташвишли тенденцияга эътиборни каратмок** зарур. Бу ўринда хулоса катъий: «Партиядаги кайта куриш рўй бераётган иктисодий, социал ва маънавий жараёнлардан оркада колишига, одамларнинг турмушидаги, кайфиятларидаги ўзгаришлар партияда, айникса унинг рахбар органларида шу жараёнларни тушунишдан илгарилаб кетишига йўл кўйиб бўлмайди».

Ўзбекистон Компартияси МК VI пленумида шу хакда гап бўлди, чунки бу хилдаги тенденция республикамизда хам кўзга ташланмокда. Масалан, Бухоро, Андижон областларида, Коракалпогистон АССРда социал-иктисодий ривожлантиришни жадаллаштириш юзасидан кўпгина йирик карорлар сусткашлик билан чала-чулпа амалга оширилмокда. Ташкилотчилик ва сиёсий ишнинг бўшашиб кетиши, кайта куришдаги сусткашлик, рахбарлик услуби ва методларидаги консерватизм туфайли Самарканд областида хўжалик ва маданий **курилишнинг кўп участкаларида тургунлик холатлари чукурлашиб кетди.** Бу ва бошка фактлар область, шахар, район партия комитетлари фаолиятида анча-мунча камчиликлар борлигидан далолат бериб турибди.

Шундай килиб, якун ясайди пропагандист, махаллий партия, совет, хўжалик органларининг, барча рахбар кадрларнинг актив ишисиз мамлакатимизда туб ўзгартишларни амалга ошириб бўлмайди. Улар кайта куришнинг конкрет масалаларини амалда хал килиш учун жавобгардирлар. Омма активлигининг пасайишига йўл кўймаслик, у тўла-тўкис намоён бўлиши учун бутун куч-гайратни ишга солиш, кенгайиб бораётган демократия шароитида ишлашга кунт билан ўрганиш — хар бир партия ташкилотининг, хар бир давлат органининг бурчидир. Уларнинг вазифаси — жамоатчилик фикридаги хар бир ўзгаришни доимо сезиб туриш, кабул килинаётган карорлар ва ўз харакатларини у билан таккослашдир. Шуни ёдда тутиш керакки, жамиятнинг ошкора контроли остида бўлишдан кўркадиган кишилар демократиялаштиришдан норозидирлар.

СОЦИАЛИСТИК КОНТРОЛНИНГ ЛЕНИНЧА ПРИНЦИПИ, УНИНГ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ

Партия жамиятни янада демократиялаштиришнинг жами йўллари орасида контролга мухим ўрин ажратади. Бунда у етилган проблемаларни аниклашнинг таъсирчан воситаси хамда айни чокда оммани жамият ва давлат ишларини бошкаришга жалб этишнинг формаларидан бири бўлган контролнинг роли ва ахамиятини ленинча тушунишга таянади. Бунинг биринчиси хам, иккинчиси хам айникса хозир, кайта куриш шароитида, мамлакатнинг социал-иктисодий ривожланишини жадаллаштириш боскичида халкнинг юксак манфаатларига мосдир. Шу муносабат билан КПСС Программасида укдириладики, мехнаткашларнинг халк контроли органларидаги иши уларнинг сиёсий етуклигининг ва халк манфаатларини химоя килишдаги активлигининг ривожланишига, ишга давлат нуктаи назаридан ёндашишни, халк бойлигини авайлаб асрашни тарбиялашга кўмаклашади. Пропагандист КПСС МК июнь Пленумининг мухим йўл-йўрикларидан бирини — «гоят кенг демократизмни партиявий рахбарлик билан кўшиб олиб борадиган социалистик

контрол ленинча принципини тўлик эгаллаш» ҳақидаги йўл-йўриқни тингловчиларга эслатади.

Бу ўринда В. И. Лениннинг юқоридан то пастгача контролни ташкил этишга ва ижрони текширишга ёндашишини кўрсатиб ўтмоқ фойдалидир. Бу ишни йўлга қўйишнинг асосий принципларини Владимир Ильич партия XII съездига йўллаган «Ишчи-деҳқон назоратини қандай қилиб қайта ташкил этишимиз керак» ва «Оз бўлсин-у, соз бўлсин» деган асарларида баён этган. В. И. Ленин совет ишлари билан партиявий ишларни усталик билан бирлаштириш сиёсатимиз кучининг манбаидир деб ҳисоблаб, ўз фикрини қуйидаги сўзлар билан ифодалади: «...Бундай бирлашиш муваффақият билан иш олиб боришнинг бирдан бир гарови бўлади деб ўйлайман» (Тўла асарлар тўплами, 45-том, 446-бет).

Амалда бу нуқтаи назар партия XII съездининг (1923 йил апрель) махсус қарорида рўёбга чиқарилдики, шу қарорга мувофиқ Ишчи-деҳқон инспекцияси Халқ комиссарлиги бирлашган МКК — ИДИ органи қилиб Марказий Контрол Комиссияси билан қўшиб юборилди. Бу орган мамлакат ҳаётига оид муҳим масалаларни ҳал қилди. Партия В. И. Ленин кўрсатмаларига амал қилиб, унинг ишига катта эътибор бериб, ўзининг то XVII съездигача ҳамма съездларида унинг ҳисоботларини эшитиб келди.

Пропагандист таъкидлайдики, В. И. Ленин контролнинг вазифаларини партия сиёсатининг, унинг стратегияси ва тактикасининг асосий йўналишлари билан чамбарчас боғланган деб билар эди. Бунда Владимир Ильич шунга асосланар эдики, оммавий контролнинг роли хўжалик ҳаёти мураккаблаша борган, ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланган сайин орта боради.

Партия ҳозирги босқичда контрол ҳақидаги масалани айнан ана шундай ленинча позицияларда туриб қўймоқда. Қайта қуриш бу ишда янгича ёндашишни, эски қарашларни қайта кўриб чиқишни талаб қилдики, бу ҳақда КПСС МК 1987 йил январь Пленумида очиқ ва равшан қилиб айтилди.

Энг аввало «юқоридан» бўладиган контрол ишида сезиларли ўзгаришлар содир бўлди. Партия ўзининг XXVII съездида айтдики, партияда **«контролдан холи, танқид қилиб бўлмайдиган ташкилотлар йўқ ва бўлиши мумкин эмас, партиявий жавобгарликдан холи қилиб қўйиладиган раҳбарлар йўқ ва бўлиши мумкин эмас».**

Бу қоида КПСС Программасида ҳам мустаҳкамланган, унда кадрларга бўлган ишонч уларга нисбатан талабчанлик билан, уларнинг шахсий масъулиятини ошириш, раҳбарлар фаолиятининг омма томонидан контрол қилинишини кучайтириш билан қўшиб олиб борилиши зарурлиги ҳақида гапирилади. «Ҳар бир раҳбар, — деб ёзиб қўйилган ушбу ҳужжатда, — топширилган иш учун тўлиқ жавоб бериши, одамлар билан тўғри муносабатда бўлиши, шахсий намунаси билан уларни илҳомлантириши керак. **Бирорта партия ташкилоти, бирорта ходим контролдан четда қолмаслиги керак».**

Марказий Комитетнинг январь Пленумида ишни бундай ташкил этишга дастлабки якунлар ясалди. Қайд этилдики, КПСС МК Сиёсий бюроси ва Секретариати мажлисларида иттифоқдош республикалар компартиялари МК, ўлка ва область партия комитетларининг ҳисоботлари мунтазам равишда эшитилади. Партия ва жамият ҳаётига оид бошқа принципиал масалалар чуқур ва ҳар тарафлама муҳокама қилинади. СССР Министрлар Совети ва унинг Президиуми министрликлар ва идораларга, иттифоқдош республикалар Министрлар Советларига нисбатан кўпроқ талабчан бўлиб қолдилар. Ҳали бартараф этилмаган камчиликлар, шу жумладан бир масаланинг ўзига бир неча бор қайтиш каби камчилик ҳам кўрсатиб ўтилди. Бу шундан далолат берадики, ҳозирча кўп раҳбарлар ўз **вазифаларига тўла жавобгарлик билан муносабатда бўлишга, иш билан сўзнинг бирлиги принципига амал қилишга, интизомга қатъий риоя қилишга ўргана олганларича йўқ.**

Аммо январь Пленуми эътиборни қаратган асосий нарса — бу «пастдан» бўладиган контролнинг, меҳнат кишилари томонидан қилинадиган контролнинг савияси ва самарадорлигини ошириш зарурлиги бўлиб, бу контрол жамиятни демократиялаштиришнинг муҳим воситасидир. Ҳар бир раҳбар ўз масъулиятини ҳамда сайловчилар, меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотларига, партия ва бутун халққа боғлиқлигини муттасил ҳис этиб туриши керак.

Шу ўринда пропагандист тингловчилар эътиборини икки моментга қаратади. Биринчидан, контролни такомиллаштириш хилма-хил текширишлар ва инспекцияларни тартибга солишни кўзда тутади. Уларнинг корхоналар ва ташкилотлар устига ёпирилиб келадиган куюнга айланишига, юзлаб ва минглаб кишиларни ишдан чалғитиши ва баъзан фойдадан кўра кўпроқ зарар келтиришига йўл қўймаслик керак. Текширишларнинг сони эмас, балки сифати ҳақида кўпроқ жон куйдириш зарур. Шу муносабат билан Ўзбекистон Компартияси МК VI пленумида мавжуд контрол системасининг жуда қўпол структураси ҳақида гап бўлди. 80 та контрол қилувчи органлар ва уларнинг бўлинмаларида 10,5 минг киши банд. Идора бўлинмалари ўртасида ишлар келишиб олинмайди ва бунинг натижасида кўп ревизиялар сифатсиз ўтказилади, ҳатто катта-катта суиистеъмоллар ҳам очиб

ташланмайди ва олди олинмайди. Бу кадрларнинг кўшиб ёзиши каби хўжасизлик ва масъулиятсизлик ҳолатларидан ҳанузгача холи бўла олмаётганлигимизнинг сабабларидан биридир.

Иккинчи момент танқидга муносабат билан боғлиқдир, чунки контрол, одатда, танқид мавжуд бўлишини тақозо этади. Контрол органлари камчиликларни очиб ташлаш, уларни кўрсатиш ҳамда уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқишда ёрдамлашиш билангина ўз вазифасини адо этган бўлади. Мабодо уларнинг мулоҳазалари кимга қаратилган бўлса, уларга тегишлича таъсир этмаса, бу ҳол турғунлик жараёнларининг ривожланишига олиб келиши мумкинки, бу қайта қуришга киришган жамиятга зиддир. КПСС МК январь Пленумида: «Танқидга муносабат — инсоннинг қайта қуришга, жамиятимизда рўй бераётган ҳамма янгиликларга муносабатининг муҳим мезонидир» деб таъкидлангани тасодифий эмас.

Ваҳоланки, бунда ҳамма нарса жойида деб бўлмайди, асло. Ходимлар ўз шаънларига айтилган ҳатто унчалик арзирлик бўлмаган фикрни ҳам ўз обрў-эътиборларига қилинган тажовуз деб баҳолашлари ва бутун чоралар билан ўзларини ҳимоя қилишлари каби ҳоллар учраб туради. Бунинг аксича ҳам бўлиши мумкин — танқидни тан олишади ва ҳатто унинг учун миннатдорчилик билдиришадию, камчиликни бартараф этишга шошилишмайди. Кишиларда, биринчи навбатда ходимларда танқидга тўғри муносабатни қунт билан тарбиялаб бориш зарур. Буни бизнинг ахлокимиз, принципларимиз, жамиятни ривожлантириш вазифалари талаб этади.

Контролни такомиллаштириш билан биз, деб таъкидлайди пропагандист, ҳамма нарсага эрк бериш, масъулиятсизлик, анархияга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган социалистик демократияни мустаҳкамлаган бўламиз. Социалистик демократизмнинг асосий, ҳал қилувчи белгиси — демократия билан интизомни, лавозимли шахсларнинг, ҳар бир **гражданиннинг мустақиллиги билан масъулиятини, ҳуқуқлари билан вазифаларини узвий** тарзда қўшиб олиб боришдир.

КПСС МК 1987 йил июнь Пленуми жамиятни янада демократиялаштириш, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш вазифаларини ҳисобга олиб, контрол ҳақидаги масалага худди ана шундай позициялардан туриб ёндошди. У Халқ контроли комитети негизида яхлит ягона контрол системасини барпо этиш ҳақидаги таклифни илгари сурдики, бундай система мамлакат бутун территориясида кенг ваколатларга эга бўлиши, ишда максимал ошкораликка таяниши, ўзининг муҳим функцияларини комплекс тарзда, умумхалқ позицияларида туриб ва кенг социал-иқтисодий миқёсда бажариши лозим бўлади. Бу таклифни ҳозир ҳамма қувватламоқда.

Пропагандист қайд этадики, июнь Пленуми қарорлари, ғояларининг негизи КПСС МК январь Пленумининг йўлини давом эттиришдан иборатдир. М. С. Горбачев унинг моҳиятини мана бундай таърифлади: «Барча жараёнлар — иқтисодий ва ишлаб чиқариш жараёнларига инсонни қўшиш ҳамда уни ҳақиқий хўжайин қилиб, давлат манфаатлари билан шахснинг ўз манфаатларини, меҳнат коллективи манфаатларини қўшиб олиб бориш». Вазифа ниятларни турмушга оширишдан иборат. Бу ишга эса партия ташкилотлари бош бўлишлари лозим.

БАРЧА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ЯНАДА АКТИВЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Улар нималарга таянишлари лозим? Коммунистларнинг, барча меҳнаткашларнинг куч-ғайратини қаратиш лозим бўлган асосий моментлар М. С. Горбачевнинг КПСС МК Пленумида 1987 йил 25 июнда қилган докладида, «Экономикани бошқаришни тубдан қайта қуришнинг асосий қоидалари»да ва Пленумнинг ана шу масала юзасидан қарорида аниқ кўрсатиб берилган. Қандай ҳаракат қилиш керак? «...Зўр ғайрат ва собитқадамлик билан ҳаракат қилиш; резервларни излаш, хатолар, камчиликларни танқид қилиш ва шу билан бирга янги, ижобий ишларни қўллаб-қувватлаш; активликни, ташаббусни ривожлантириш, демократия ва ошкораликни чуқурлаштириш, яъни қайта қуриш муҳитини мустаҳкамлайдиган, социал-иқтисодий тараққиётимизни жадаллаштиришга кўмаклашадиган нарсаларни ривожлантириш ҳамда чуқурлаштириш; халқнинг, миллионлаб меҳнаткашларнинг тобора кенгроқ иштирокини ривожлантирадиган янги иш формаларини излаб топиш керак», — М. С. Горбачевнинг оммавий ахборот воситалари ва ижодий союзлар раҳбарларига қарата айтган бу сўзларидан қўйилган саволга жавоб топамиз.

КПСС МК июнь Пленумида қайд этилганидек, ҳозирги кунда қўлга киритилган муваффақиятлар анча-мунча даражада маҳаллий ташкилотларнинг иши билан боғлиқдир. Аммо бу иш ҳар ҳолда фақат энди авж олиб боряпти. Лекин ҳамма жойда ҳам бир хилда эмас. Ҳали ҳам сусткашлик, ташаббуссизлик «қўриқхоналари» мавжуд. Коммунистлар, совет ва хўжалик органлари уларни эътибордан четда қолдиришга ва уларга партиявий баҳо бермасликка ҳақлари йўқ. Шу билан бирга партия ташкилотлари бизнинг ғоявий-

сиёсий ривожланишимиздаги қийинчиликлар ва камчиликларни абсолютлаштирмасликлари, янги проблемалардан ҳам, янги кашфиётлардан ҳам қўркмасликлари керак. Уларнинг бурчи — мураккаб, диалектик зиддиятли қайта қуриш санъатини ўрганишдир.

Пропагандист Ўзбекистон Компартияси МК VI пленуми материалларига мурожаат қилиши ҳамда республикамизда қайта қуриш қандай бораётганлигини тушуниб олишда тингловчиларга кўмаклашиши лозим. Албатта, партия ташкилотлари баъзи бир ўзгаришлар қилишга, айрим нарсаларни яхшилашга муваффақ бўлдилар. Шу билан бирга VI пленум қарорида кўрсатиладики, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, республика Компартияси МК бўлимлари, маҳаллий партия ва совет органлари ҳали қайта қуриш талабларини амалий ишлар соҳасига сустлик билан кўчирмоқдалар, иқтисодий ва социал соҳани ривожлантиришга оид кўпгина туб масалаларни ўз вақтида ишлаб чиқишни ва ҳал қилишни таъминламадилар.

Қишлоқда бригада пудратини жорий этиш каби масалани олиб кўрайлик. Бу тадбир Қашқадарё, Жиззах, Сирдарё областларининг қўриқ массивлари учун айниқса қимматлидир. Бу ерларга мана бир неча йиллардирки Фарғона водийсидан ортиқча аҳоли кўчиб келмоқда, аммо уй-жой, маиший хизматлар билан яхши таъминланмаган, моддий манфаатдорликдан маҳрум бўлган бу кишилар янги жойларда ўрнашиб қолаётганлари йўқ. Область партия комитетлари, область ижроия комитетлари, Давлат агросаноат комитети ана шу муаммоларни ҳал қилишдаги сусткашликни бартараф этишлари керак, аммо улар ҳозирча кўп қатъият ва изчиллик кўрсатмаётирлар, ушбу ишга самарали ёндашиш йўлларини топмадилар.

Қайта қуришни партиявий-сиёсий жиҳатдан таъминлаш зарур. Ана шу мақсадда кейинги йилларда ташкилотчилик ва сиёсий иш практикаси тўплаган янги форма ва методларнинг жамини ишга солмоқ лозим. Ҳар бир коммунистнинг қайта қуришни амалга ошириш учун партия ташкилотлари зиммасида қандай масъулият ётганлигини тўла-тўкис англаб олишига кунт билан эришa бормоқ лозим. Бунга эса партия комитетлари ўз ходимларидан ҳам, бошланғич партия ташкилотларидан ҳам қўлга киритилган ютуқларга баҳо беришга, истиқболни кўра билишга пухта ўйлаб ва таҳлил этиб ёндашишни талаб қилган, сўз билан ишнинг бирлигига эришган, формализм ва сафсатабозликка қарши курашган тақдирдагина эришиш мумкин.

Ўзбекистон Компартияси МК VI пленумида қайд этилдики, ҳозирча омма сиёсий ва меҳнат активлигини ривожлантиришнинг қудратли воситалари — ошкоралик ва демократиядан янги-янги иқтисодий проблемаларни ҳал этиш учун сустлик билан фойдаланилмоқда. Бунга эса муайян даражада шу нарса сабаб бўлмоқдаки, ҳамма партия ташкилотлари ҳам сўзнинг том маъносида меҳнат коллективларининг авангарди, сиёсий ўзаги бўлиб қолди, деб бўлмайди асло. Партия комитетларининг иш услубида ҳам маъмурий, тазйиқ ўтказиш методларига барҳам берилмаган. Айни чоқда ҳамма ерда масалаларни ҳал этишнинг партиявий-сиёсий воситаларидан ношудлик билан фойдаланилаётганлиги сезилиб турибди. Бу воситаларни фаолроқ, дадилроқ эгаллаб олмоқ лозим.

Пропагандист тингловчиларнинг эътиборини қайта қуришнинг кадрларни конкрет экономикани ва иқтисодий бошқарув методларини билиш билан қуроллантириш каби жиҳатларига ҳам қаратади. Бунда таълимнинг ҳамма турларидан фойдаланмоқ муҳимдир. Шу муносабат билан Тошкент олий партия мактаби, республика курслари, семинарлар системаси ишига жиддий ўзгартишлар киритилмоқда, малака ошириш институтларида, факультетлари ва курсларида кадрларни қайта тайёрлашни ташкил этиш қайта қурилмоқда. Ана шу нуқтаи назардан мактабларда, ҳунар-техника билим юртларида, техникумларда, олий ўқув юртларида таълим беришни ҳам тубдан яхшилаш талаб этилади.

КПСС МК июнь Пленумининг ҳамда СССР Олий Совети еттинчи сессиясининг материалларини тушунтиришга келганда, бу — барча партия ташкилотлари ва комитетлари фаолиятининг стратегик йўналишидир. Ўзбекистон МК VI пленумида кўрсатиб ўтилдики, ана шу жуда муҳим ишга идеология активини, олимлар, хўжалик раҳбарлари, мутахассисларни, оммавий ахборот воситаларини кенг кўламда жалб этмоқ лозим. Ҳамма область, шаҳар, район партия комитетларида, министрликлар ва идораларда, йирик корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар ва хўжаликларда пропагандистлар группаларини тузиш таклиф қилинди. Уларнинг вазифаси — фақат умумий қоидаларни тушунтиришгина эмас, балки хўжалик юритишнинг янги принциплари моҳиятини ҳар бир меҳнат коллективи шароитларига татбиқан яққол очиб беришдан ҳам иборатдир.

Бу тадбирлар КПСС МКнинг «Меҳнаткашлар сиёсий ва иқтисодий ўқуви системасини қайта қуриш тўғрисида»ги (1987 йил сентябрь) қарори талабларига жавоб берадики, унда «1987/88 ўқув йилидан бошлаб ҳамма жойда иқтисодий умумий таълимни кенг миқёсда йўлга қўйиш тавсия этилди, бу таълим барча совет кишиларида замонавий иқтисодий тафаккурни шакллантиришни, меҳнаткашларнинг иқтисодий бошқарув методларини, тўла хўжалик ҳисоби, ишлаб чиқариш турмушини демократиялаштириш ва ўзини-ўзи бошқариш шароитларида иш кўникмаларини эгаллашларини таъминлаши лозим».

Хуллас, партия ташкилотлари фаолиятининг қайси жиҳатини олиб қарамайлик, ҳамма ишда кенг ва дадил тафаккур, янгича ёндашишлар, қўлга киритилган ютуқларга танқидий баҳо бериш, муваффақиятлардан ҳам, муваффақиятсизликлардан ҳам сиёсий ва амалий хулосалар чиқариш лозим бўлади. Бу эса албатта янги услубни, замонавий методни эгаллашни тақозо этади, акс ҳолда қайта қуришнинг орқасида қолиб кетиш мумкин.

Партия қуйи бўғинларидаги ҳисобот-сайлов кампанияси натижасида кўп принципиал кишилар, ижтимоий туб ўзгартишларнинг фаол тарафдорлари, бутун кучини қайта қуриш муваффақиятига сарфлашга шай кишилар уларга раҳбар бўлиб келдилар. Партия комитетлари уларни қўллаб-қувватлашлари, уларнинг ишларига ва фойдали ташаббусларига кўмаклашишлари лозим.

Пропагандист шуни эслатадики, ҳозирги босқич — КПСС МК июнь Пленуми кенг миқёсли амалий ишлар авж олаётган босқич деб атаган бу босқичда яна бир муҳим воқеа бўлди. Йил охирида иттифоқдош республикалар компартиялари Марказий Комитетларининг, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия комитетларининг пленумларини ўтказиш ҳамда уларда қайта қуришга раҳбарлик юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳақида тегишли комитетлар бюроларининг ҳисоботларини муҳокама қилиш мўлжалланган. Шу масала юзасидан бошланғич партия ташкилотларида бюро ва парткомларнинг ҳисоботлари тингланади, зеро, Уставга кўра, бу йил улар қайта сайланмайди.

Ана шуларнинг ҳаммаси партия органлари зиммасига қайта қуришда янада кўпроқ масъулият билан самарали натижаларга эришиш, ҳаётимизнинг ҳамма жабҳаларида кишиларнинг аҳволини яхшилаш вазифасини юклайди. Бу коммунистлар, партия ташкилотлари учун сиёсий ва амалий етуклик жиҳатдан асосий имтиҳон бўлади. «Шу йил якунларига, Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига қабул қилинган планлар ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилиш натижаларига қараб, — Ўзбекистон Компартияси МК VI пленумида қайд қилинганидек, — дастлабки, кўп ҳолларда эса узил-кесил баҳо қўйилади».

Пропагандист темани ўрганишни ниҳоясига етказар экан, тингловчиларга шуни эслатадики, 1988 йил 28 июнда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XIX Бутуниттифоқ конференцияси очилади. Уни чақириш ҳақида, маълумки, КПСС МК июнь Пленуми қарор қабул қилган эди. Конференцияда бошқа масалалар қаторида партия ва жамият ҳаётини янада демократиялаштириш тадбирлари тўғрисидаги масала ҳам муҳокама қилинади. Бу демократиялаштириш — КПССнинг стратегик йўли эканлигидан яна бир бор далолат бериб турибди.

ТЕМАГА ОИД АДАБИЁТ

В. И. Ленин. **Ишчи-деҳқон назоратини қандай қилиб қайта ташкил этишимиз керак.** — Тўла асарлар тўплами, 45-том, 428—433-бетлар.

В. И. Ленин. **Оз бўлсин-у, соз бўлсин.** — Тўла асарлар тўплами, 434—453-бетлар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездининг материаллари. Т., «Ўзбекистон», 1986, 88—96, 206—211-бетлар.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг материаллари. 1987 йил 27—28 январь. — Т., «Ўзбекистон», 1987.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг материаллари. 1987 йил 25—26 июнь. — Т., «Ўзбекистон», 1987.

КПСС МК Қарори. Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилотининг ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида. — Ўзбекистон коммунисти, 1987, № 8.

М. С. Горбачев. **Қайта қуришни амалий ишлар билан чуқурлаштирайлик.** Оммавий ахборот воситалари ва ижодий союзлар раҳбарлари билан учрашувда сўзланган нутқ. — «Совет Ўзбекистони», 1987 йил 16 июль.

М. С. Горбачев. **Революция партияси — қайта қуриш партияси.** Смольнийда партия ветеранлари, революцион воқеалар қатнашчилари, беш йилликлар зарбдорлари, Ленинград партия ташкилоти активлари билан учрашувдаги нутқ. — Совет Ўзбекистони, 1987 йил 15 октябрь.

М. С. Горбачев. **Октябрь ва қайта қуриш: революция давом этмоқда.** КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Улуғ Октябрь Социалистик Революциясининг 70 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлисидаги доклад. — Совет Ўзбекистони, 1987 йил, 3 ноябрь.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети VI пленумининг материаллари. 1987 йил 10 август. — Ўзбекистон коммунисти, 1987, № 9.

Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети еттинчи сессиясининг материаллари. — Совет Ўзбекистони, 1987, 30 июнь, 1, 2 июль.

КОММУНИСТИК ТАРБИЯДА СУБЪЕКТИВ ОМИЛ РОЛИНИНГ ЎСИБ БОРИШИ

Социализмни такомиллаштириш шароитида коммунистик тарбияни илмий бошқаришда субъектив омил роли ўса боради, бу эса мазкур жараённи янада чуқуррок ўрганишни тақозо этади. Бу қонуният КПСС XXVII съезди қарорларида ва у қабул қилган партия Программасида ҳар томонлама асослаб берилди. Ана шу проблемани тадқиқ қилиш коммунистик тарбия соҳасидаги ишларни яхшилашнинг энг самарали йўллари ва воситаларини аниқлашга имкон беради.

Маълумки, социализмда социал турмушнинг стихияли регуляторлари ўрнини жамият сиёсий системасининг илмий асосланган фаолияти эгаллайдики, жамият негизини Коммунистик партия ташкил этади. Бунда ана шу системанинг оммага таъсирининг кучи ва даражаси коммунистик тарбиянинг амал қилиши ҳамда ривожланиши қонуниятларини билиш ва бошқарув илми субъектини эгаллаш даражасига боғлиқ бўлади. Бинобарин, коммунистик тарбияни илмий бошқаришда субъектив омил ролининг ўсиб бориши аввало меҳнаткашларнинг КПСС раҳбарлигидаги онгли ва аниқ мақсадга қаратилган фаолиятининг активлашишида намоён бўлади.

Тошкентда республикамиз енгил саноатининг энг йирик корхоналарида: Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли ва «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаларида, «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида, пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасида ва 2-пойабзал фабрикасида ўтказилган социологик тадқиқотларнинг натижалари буни тасдиқлади. Бундай анализ учун мазкур тармоқ корхоналарини танлашга қуйидаги омиллар сабаб бўлди: биринчидан, бутун республика саноати ишлаб чиқарадиган маҳсулотнинг учдан бир қисмидан кўпроғи енгил саноат ҳиссасига тўғри келади; иккинчидан, бу тармоқда жиддий камчиликлар бор: бу ерда гарчи асосий фондлар анча ошган бўлса-да, фондлар самарадорлиги ўсмаяпти, истеъмол товарлари ҳар доим ҳам харидорлар талабларига жавоб бермайди, уларнинг нархи кўп марталаб туширилади, ассортиментни кенгайтиришга кам эътибор берилади, айрим корхоналар кўпинча омборларда ётиб қоладиган маҳсулот ишлаб чиқаришни давом эттирмоқдалар. Шу туфайли енгил саноатнинг ишлаб чиқариш коллективлари мисолида коммунистик тарбияни илмий бошқаришда субъектив омил ролининг ўсиб боришини ўрганиш актуал масаладир.

Социологлар бу проблемани тадқиқ қилишда ўз олдига қўйган мақсадлар қуйидагилардан иборат бўлди:

— сиёсий, иқтисодий ўқишнинг, комсомол маорифининг ишлаб чиқариш ходимлари дунёқарашини шакллантиришга ва меҳнат активлигини оширишга таъсир этиш даражасини белгилаш ҳамда улар меҳнати сифати турли даражаларининг ўқиш муддатига боғлиқлигини аниқлаш;

— ишчиларнинг иқтисодий ўқишнинг зарурлиги тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини ва уларнинг ўқиш жараёнида олган билимларни амалиётда қандай қўллашаётганини аниқлаш;

— ишчиларнинг ишлаб чиқаришдаги тарбиявий ишга қандай баҳо беришларини ва бундай тарбия уларнинг меҳнат фаолиятига қандай таъсир ўтказаётганини аниқлаш,

— ишчиларнинг корхонани социал-иқтисодий ривожлантириш плани билан қай даражада таништлигини ҳамда бу уларнинг меҳнат ва ижтимоий-сиёсий активлигига қандай таъсир қилишини белгилаш.

Социологик тадқиқотни ўтказишда ишчилар меҳнати сифатининг турли даражаларини баҳолайдиган уч босқичли шкаладан фойдаланилди. Ишчилар (920 киши) шартли равишда 3 группага бўлинди: меҳнат сифати аъло даражадаги ишчилар (304 киши), ўртача даражадаги (552 киши) ва паст даражадаги (64 киши) ишчилар.

Иш жараёнида шу нарса аниқландики, саволларга жавоб берган меҳнат сифати паст даражадаги жами ишчиларнинг атиги 2 проценти сиёсий ўқиш системасида системали равишда, 3,3 проценти — вақти-вақти билан шуғулланиб турар экан, 94,7 проценти эса умуман шуғулланмайди. Меҳнат сифати ўртача даражадаги ишчиларнинг 15,9 проценти ана шу ўқиш системасида системали равишда, 13,5 проценти вақти-вақти билан шуғулланиб, 70,6 проценти умуман шуғулланмас экан. Шунингдек, меҳнат сифати

аъло даражадаги ишчиларнинг 24,5 процентн системали равишда ўзларининг сиёсий билимларини ошириб бориши аникланди. Бу факт ўкишнинг мазкур формаси меҳнаткашларда юкори сифатли меҳнат килишга бўлган ички социал эҳтиёжни ривожлантиришга ёрдам беришини кўрсатади.

Иктисодий ўкиш аҳволини анализ килиш ҳам шунга ўхшаган манзарани ҳосил килади. Тадкикот жараёнида худди юкоридаги каби ишчилар меҳнати сифатининг даражаси билан уларнинг иктисодий билимларни эгаллаш даражаси ўртасида бевосита боғланиш борлиги аникланди. Масалан, меҳнат сифати аъло даражадаги ишчиларнинг 26,8 проценти, ўртача даражадаги ишчиларнинг 23,3 проценти ва паст даражадаги ишчиларнинг 2,1 проценти экономикани системали равишда ўрганишгани аникланди.

Бу иктисодий таълим меҳнаткашларнинг савиясини анча кенгайтириб, уларнинг касбий тайёргарлик даражасини оширишини, улар бажараётган ишлар сифатининг яхшиланишига ёрдам беришини кўрсатади. Умуман олганда, иктисодий ўкиш ишлаб чикариш вазифаларини ҳал этишга ижобий таъсир этади, меҳнаткашлар эътиборини иктисодий сиёсат ва практиканинг актуал проблемаларига каратишга ёрдам беради, уларда ижодий негизни ривожлантиради, асосланган карорлар кабул килишга ҳамда ишлаб чикаришни бошкаришда омма иштирокини кенгайтиришга кўмаклашади.

Шу билан бирга тадкикот натижалари сиёсий ва иктисодий ўкиш билан энг актив меҳнаткашлар, аввало КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидатлари камраб олинганлигини кўрсатди, улар одатда иштиёк билан ўкишади, машғулотларга системали равишда келишади ва, бундан ташкари, мустакил билим олиш билан шуғулланишади — газеталар ўкишади, радио тинглашади ва тегишли мавзулардаги телекўрсатувларни кўришади. Уларнинг кўпчилиги ишлаб чикариш экономикаси соҳасида махсус тайёргарликка эгадирлар. Шунинг учун ҳамма жойда ишчиларнинг пассив кисмини, хусусан кўпчилиги лозим даражада махсус тайёргарликка ва ҳаётий тажрибага эга бўлмаган ёшларни ижтимоий-сиёсий тадбирларга жалб килиш бошланғич партия ташкилотларининг вазифаларидан бири бўлиши лозим.

Социологлар тадкикотларни меҳнаткашларнинг сиёсий, иктисодий таълим ва комсомол маорифи системасидаги ўкиш стажини ҳисобга олиб ўтказдилар. Бу тадкикотлар сиёсий таълим системасида узок вакт мобайнида шуғулланган ишчиларнинг кунлик иш нормасини анча ошириб бажаришини, улар ишлаб чикарадиган маҳсулот сифатининг ҳозирги талабларга жавоб беришини аниклади. Чунончи, меҳнат сифати аъло даражадаги ишчилар 1—2 йил давомида ўкиётган ишчилар ўртасида 9,3 процентни, 10 йилдан зиёд вакт мобайнида шуғулланаётган ишчилар ўртасида эса — 39,5 процентни ташкил этади. Меҳнат сифати ўртача даражадаги ишчиларнинг 6 проценти сиёсий таълим системасида 1—2 йил давомида, 20,5 проценти — 3—5 йил, 38,5 проценти — 10 йилдан зиёд вакт мобайнида шуғулланаётган кишилардир. Сиёсий ўкиш системасида 10 йилдан зиёд вакт мобайнида шуғулланаётган ишчиларнинг атиги 0,3 процентга якинигина меҳнат сифати паст даражадаги шахслардир. Ўкиш стажи камая боргани сайин бу кўрсаткич оша боради: 3—5 йил стажлилар ичида 10,4 процент, 1—2 йил стажлилар ичида — 85,5 процент ишчининг меҳнат сифати пастдир ва ҳоказо.

Иктисодий ўкиш системасида ҳам шундай ўзаро нисбат кўзга ташланади. Бундай ўкишнинг турлича формалари билан камраб олинган меҳнаткашлар ишлаб чикаришни бошкаришда ва коллективнинг жамоатчилик ишларида активрок катнашадилар ҳамда асосан яхши сифатли маҳсулот тайёрлайдилар. Бу иктисодий таълимнинг самарадорлигини ва, бинобарин, уни системали равишда ташкил килиш зарурлигини кўрсатади, бу ўз навбатида меҳнат коллективида кулай маънавий-психологик муҳит яратишга, ходимларда юксак маънавий фазилатларни шакллантиришга, уларнинг ижтимоий-сиёсий ва меҳнат активлигини оширишга кўмаклашади.

Лекин бунга ҳамиша ҳам лозимича эътибор берилмайди. Чунончи, саволларга жавоб берган меҳнат сифати аъло даражадаги ишчиларнинг атиги 14,3 проценти, ўртача даражадаги ишчиларнинг 9,2 ва паст даражадаги ишчиларнинг 4 проценти ишлаб чикарилаётган маҳсулот сифатини ўзлари эгаллаган иктисодий билимлар ёрдамида оширишга ҳаракат киладилар. Меҳнат сифати аъло даражадаги ишчиларнинг 49, ўртача даражадаги ишчиларнинг 42,4 ва паст даражадаги ишчиларнинг 40,2 проценти бундай билимларини оз даражада кўлланадилар, меҳнат сифати аъло даражадаги ишчиларнинг 34 проценти, ўртача даражадаги ишчиларнинг 43,5 ва паст даражадаги ишчиларнинг 48,5 проценти эса умуман бундай килишмайди. Бундай аҳвол маълум даражада айрим меҳнаткашларнинг иктисодий таълимдан манфаатдор эмаслигига сабаб бўлади.

Бизнинг назаримизда куйидагича тегишли чора-тадбирлар кўриш оркали бундай аҳволни бартараф килиш мумкин: биринчидан, меҳнаткашларнинг иктисодий таълимини планлаштириш ишлаб чикариш планларини ишлаб чикиш билан чамбарчас боғлик ҳолда амалга оширилиши керак; иккинчидан, ишчиларнинг иктисодий билимларни амалиётда кўллашларига имкон берадиган шарт-шароитлар яратиш зарур; учинчидан, цехлар ва участкаларнинг бош-

ликлари, бригадирлар ва мастерлар ишчиларга бу ишда ёрдам беришлари лозим. Бу ерда катта имкониятлар бор, фақат улардан тўла-тўкис фойдаланишгина иқтисодий пропаганда ва иқтисодий тарбияни бутунича ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш эҳтиёжларига, замонавий иқтисодий тафаккурни ишлаб чиқишга бўйсундириш учун ёрдам беради.

Меҳнаткашларнинг мамлакатда содир бўлаётган воқеалардан хабардор бўлиши, халқаро аҳволни билишлари, фан ва техника ютуқлари, илғор тажрибадан воқиф бўлишлари, партия ва ҳукуматнинг энг муҳим ҳужжатларини муҳокама қилишда қатнашишлари ва шу сингарилар меҳнат коллективидаги ғоявий-тарбиявий ишнинг муҳим мақсадларидан биридир.

Социологик тадқиқот умуман олганда меҳнаткашларнинг яхшигина хабардорлигини кўрсатди. Саволларга жавоб берган меҳнат сифати аъло даражадаги ишчиларнинг 90,8 проценти, ўртача даражадаги ишчиларнинг 87,3 ва паст даражадаги ишчиларнинг 80,3 проценти халқаро вазиятни тўғри баҳолай олади. Меҳнат сифати аъло даражадаги ишчиларнинг 92,5 проценти, ўртача даражадаги ишчиларнинг 83,6 ва паст даражадаги ишчиларнинг 76,2 проценти партия ва ҳукуматнинг энг муҳим ҳужжатлари билан яхши таниш. Уларнинг мамлакатда содир бўлаётган воқеалардан, унинг иқтисодий ва социал-сиёсий ҳаётидан хабардорлик даражаси бирмунча паст, бу ишчиларнинг онглилигига ва меҳнат фаолиятига салбий таъсир қилади.

Илғор тажрибадан хабардорлик ҳам унчалик яхши эмас. Саволларга жавоб берган ишчилар (меҳнат сифати аъло даражадаги ишчиларнинг 74,1 проценти, ўртача даражадаги ишчиларнинг 66,2 ва паст даражадаги ишчиларнинг 59,6 проценти) фан ва техниканинг энг яхши ютуқлари ҳамда уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш йўллари ҳақида яхшигина тасаввурга эга бўлиш билан бирга, ўзларининг корхонасидаги илғор тажрибадан кам хабардор, тармоқдаги энг яхши кўрсаткичларни унчалик билишмайди. Чунончи, меҳнат сифати аъло даражадаги ишчиларнинг ярмига яқини, ўртача даражадаги ишчиларнинг бор-йўғи 40,3 ва паст даражадаги ишчиларнинг атиги 12,8 проценти бу тўғрида яхши тасаввурга эга. Бундай аҳвол қуйидаги сабаблар билан изоҳланади: бир томондан, ишлаб чиқариш ходимлари илғор тажрибадан лозим даражада хабардор эмас, иккинчи томондан эса — текшириш ўтказилган корхоналарда иқтисодий таълим ва социалистик мусобақа қониқарсиз ташкил этилган, бу ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатига ва ишчиларнинг ижтимоий-сиёсий активлигига салбий таъсир қилади.

Социологик тадқиқот лозим даражада олиб бориладиган идеология иши шахснинг юксак ғоявий-сиёсий ва маънавий хислатларини камол топтиришга ёрдам беришини, меҳнат коллективи аъзоларининг марксча-ленинча тайёргарлигини оширишини яна бир бор тасдиқлади. Табиийки, бу иш бугунги кун проблемалари билан чамбарчас боғлиқ бўлса, ҳозирги куннинг энг асосий вазифаси — мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш билан максимал тарзда уйғунлашиб кетган бўлсагина зарур самара бериши мумкин.

Лекин, барибир, бу йўналишда анчагина куч-ғайрат ишлатилаётганига қарамай, ғоявий-тарбиявий иш кўпинча ҳаётдан узилиб қолган бўлади, аввало унда у ёки бу коллективнинг конкрет шароитлари ҳар доим ҳам ҳисобга олинмаслиги сабабли шундай бўлади. Чунончи, социологик тадқиқот маълумотларига қараганда, саволларга жавоб берган меҳнат сифати аъло даражадаги ишчиларнинг атиги 72 проценти, ўртача даражадаги ишчиларнинг 57,8 ва паст даражадаги ишчиларнинг 43,2 проценти коллективда қўлланилаётган тарбиявий иш формалари ўзларининг меҳнат активлигига таъсир қилади деб ҳисоблайдилар.

Ишчиларнинг корхонани социал-иқтисодий ривожлантириш плани билан таништирилиши коммунистик тарбия муваффақиятига кўп жиҳатдан ёрдам беради. Бу уларни ана шу планни амалга оширишга кенг жалб қилиш учун имконият яратади. Бундай план ишлаб чиқаришни, кишиларнинг меҳнат ва ижтимоий-сиёсий активлигини ривожлантиришда бирликка эришишга кўмаклашади. КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачев КПСС МКнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида шундай таъкидлади: «Бизнинг партия Программамиз **бевосита демократиянинг,** давлат қарорлари ва бошқа қарорларни ишлаб чиқиш, қабул этиш ва бажаришда халқ оммаси бевосита иштирокининг барча шаклларидан энг самарали фойдаланишга қаратилган... Ишчилар ўз корхонаси планларидан хабарсиз қоладиган, уларнинг таклифлари тегишли эътиборсиз ва ҳисобга олинмай қолиб кетадиган фактлар ҳали ҳам учраб турганлигига тоқат қилиб бўлмайди».

Афсуски, текшириш ўтказилган корхоналарда саволларга жавоб берган меҳнат сифати аъло даражадаги ишчиларнинг фақат 24 проценти, ўртача даражадаги ишчиларнинг 16 ва паст даражадаги ишчиларнинг атиги 2,6 проценти шу корхоналарни социал-иқтисодий ривожлантириш планларидан хабардорлар. Меҳнат сифати аъло даражасидаги ишчиларнинг атиги 23,7 проценти, ўртача даражадаги ишчиларнинг 16,5 ва паст даражадаги ишчиларнинг 9,4 проценти план тўғрисида маълум даражадагина тасаввурга эгадир. Саволларга жавоб берган ишчиларнинг қолган қисми

бундай саволга тайёр эмас экан. Табиийки, бундай аҳвол ишчиларнинг ижтимоий-сиёсий ва меҳнат активлигини ўстиришга тўсқинлик қилади. Модомики, корхонани социал-иқтисодий ривожлантириш планидан хабардорликни иқтисодий билимларни амалиётда қўлланишга ва ишлаб чиқаришни бошқаришда қатнашишга қодир бўлган меҳнаткашлар эгаллаган иқтисодий билимлар мажмуи сифатида кўриб чиқиладиган бўлса, унда бу ерда ғоявий-тарбиявий ишни такомиллаштириш учун ҳали фойдаланилмаган резервлар мавжудлиги маълум бўлади.

Шундай қилиб, юқорида қайд этилганидек, меҳнаткашларнинг партия ташкилотлари раҳбарлигидаги онгли ва аниқ мақсадга қаратилган фаолиятида (ишлаб чиқариш коллективи мисолида) намоён бўладиган коммунистик тарбияни илмий бошқаришда субъектив омилнинг роли ўсиб бориши меҳнаткашларнинг социал ва сиёсий активлигига қўшимча стимул бахш этади.

Р. УМАРОВА,
Тошкент давлат медицина институти философия кафедрасининг ўқитувчиси.

ЗАВОД КАСАБА СОЮЗИ: ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ ДАСТЛАБКИ САМАРАЛАРИ

МЕҲНАТДАГИ яхши натижалар ҳамиша қувончлидир. Тошкент область Ғалаба районидаги Уяли канопни қайта ишлаш заводи коллективи ишида ҳам фахрланса арзийдиган натижалар бор: корхона 1986 йилда 200 минг сўмдан зиёд фойда кўрди. Бу 300 киши меҳнат қиладиган коллектив учун жуда ҳам юқори кўрсаткич эмас, албатта. Лекин корхонанинг яқин ўтмишда катта зарар кўриб ишлаганлигини эсга олсак, — масалан, фақат 1984 йилнинг ўзида бундай зарар 3,5 миллион сўмдан иборат бўлган эди, — мазкур натижа анча характерли бўлиб чиқади.

Меҳнат коллективи бундай муваффақиятга ички резервларни сафарбар қилиш орқали эришди. Ишлаб чиқариш рентабеллиги учун курашда касаба союз ташкилоти ҳам ўз ўрнини белгилаб олди. Касаба союз комитети раиси С. М. Юсупов завод меҳнатчиларининг партия Марказий Комитети апрель (1985 йил) Пленуми қарорларини кўтаринки руҳ билан қарши олганликларини, ишчиларнинг КПСС XXVII съезди материалларини қанчалик қизиқиш билан ўқиганликларини яхши эслайди. «Партия халқ олдига давр қатъий суратда талаб қилаётган улкан вазифаларни қўяётганлигини ҳамма тушунди, — дейди Собир Маматович. — Янгичасига яшаш ва ишлаш керак эканлигини биз ҳаммамиз бутун қалбимиз билан ҳис этдик».

Партиянинг тарихий қарорлари туфайли заводда бошланган дастлабки меҳнат тўлқини зарар кўришнинг муқаррарлиги тўғрисидаги аввалги тасаввурларни супуриб ташлади, 1985 йил якуни олдинги йил якунига нисбатан бирмунча дуруст бўлди: зарар 7 баравар камайди.

1986 йили канопни қайта ишлаш заводи коллективи қайта қуриш учун курашда ўзини актив отряд деб ҳис қилиб, партия ташкилоти раҳбарлигида корхонани зарар кўрмай ишлайдиган корхонага айлантириш вазифасини ҳал эта бориб, куч-ғайратини ошириб, топқирлик ва фидокорлик кўрсатди. Завод партия ташкилоти бюроси секретари Ғайбулла Анорқулович Мўминов коммунистлар йиғилишида қолоқликни бартараф қилиш йўллари батафсил муҳокама қилинганидан сўнг касаба союз комитети раисига шундай деди: «Ҳозир энг муҳими — вазифа ва мақсадларимизни ҳар бир ишчининг онгига етказиш, ундаги жўшқинлик ва ғайрат-иштиёқни авж олдириш, унинг фикри-зикри нима билан бандлигини, унинг барча имкониятларини ишга солиш учун нималар талаб қилинишини билиш лозим».

Шуни айтиш керакки, сўнгги вақтгача завод маъмурияти касаба союз комитетига санаторийлар ва дам олиш уйларига бериладиган йўлланмалар тақсимотчиси ва бунда ҳам ҳар доим ҳал қилувчи овозга эга бўлмаган орган сифатида қараб келар эди. Касаба союз комитети раҳбарлик олдига қўядиган коллектив учун ҳаётий муҳим масалаларга унчалик эътибор берилмас эди. Ҳозир бу соҳада яхши томонга ўзгаришлар рўй бермоқда. 1985 йил охирида ишга келган янги директор Рустам Мустапович Ботоев касаба союз комитети раиси билан суҳбатда интизомни мустаҳкамламасдан, таъсирчан социалистик мусобақани ташкил этмасдан, ишчилар учун зарур меҳнат ва маиший шароитларни яратмасдан туриб планни бажариш қийин бўлишини таъкидлади. «Бунда ҳам, ўртоқ касаба союз раҳбарлари, — деб мурожаат қилди у Собир Юсуповга, — кўп нарса сизга боғлиқ. Фақат ҳамма нарсани яхшилаб ўйлаб олиш, анализ қилиш, ўз таклифларингизни киритишингиз лозим, биз, маъмурият эса, доим меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя этамиз».

Завод ҳаётида ўшанда камчиликлар кўп эканлигини айтиб ўтирмаса ҳам бўлади. Масалан, ўтган йиллари ишлаб чиқаришда шикастланишлар бўлиб турар, уларнинг сабаблари ҳар доим ҳам текширилавермас, уларга бўлиши муқаррар воқеалар сифатида қаралар эди. Касаба союз ташкилоти меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошира бошлади: маънавий эскирган асбоб-ускуналар алмаштирилди, механизмларнинг айланма ва узатма қисмлари тўсиқлар билан ўраб қўйилди, ёнғинга қарши инвентарь харид қилиниб, завод ва цехлар территориясида ўрнатилди, санитария нормаларига қатъий риоя қилинадиган бўлди, ишлаб чиқариш эстетикаси жорий қилина бошлади. Натижалар тез орада кўзга ташланди-қолди: кейинги икки йил мобайнида ишлаб чиқаришда биронта ҳам шикастланиш ҳодисаси учрагани йўқ.

Канопни қайта ишлаш заводи цехларидаги иш тоза ишлардан эмас. Шунинг учун бу ерда ҳаммом ишламай қолса, бу фавқулодда ҳодиса сифатида баҳоланар эди. Касаба союз комитети завод дирекциясидан уни капитал ремонт қилиб беришни илтимос қилди. Эндиликда ишчилар сменадан сўнг ҳар доим ҳаммомда ювиниб олиш имкониятига эга.

Касаба союз комитети ошхона, чойхона, магазин ишини назорат остига олди. Чора-тадбирлар кўрилгач, таомлар хилма-хил бўлиб қолди, товарлар ассортименти кўпайди, тартиб йўлга қўйилди. Яқинда касаба союз комитети ташаббусига кўра янги новвойхона очилди.

Ишчи ғамхўрликка меҳнатда ғайрат кўрсатиш билан жавоб беради ҳамиша. Канопни қайта ишлаш заводи коллективи тўғрисида ҳам худди шундай дейиш мумкин — меҳнат унумдорлиги ошди, ғайрат-шижоат ва ташаббускорлик кўпроқ намоён бўла бошлади. Касаба союз комитети ҳозир мусобақа натижаларини ҳар куни якунлайди. Масалан, коммунистлар Фотима Мухторова, Раъно Қодирова, Ёшка Рубина энг яхши кўрсаткичларга эришмоқда. Учта ёшлар бригадасининг комсомоллари ҳам улардан қолишмайди.

Территориямизда «Қайта қуриш бизнинг ҳар биримиздан бошланади» деган плакат бежиз осиғлиқ тургани йўқ. Касаба союз группаларида жорий иш муҳокама қилинаётганида ҳар бир ишчи албатта ўз иши тўғрисида ҳикоя қилади, кейинчалик қандай ишлаш кераклиги, қайси ишни тўғрилаш керагу қандай тажрибадан фойдаланиш зарурлигини ўртоқлар айтиб беришади.

Завод Ҳурмат тахтаси донгдорлар расмига тўла, илғорлар сафи кенгаймоқда. Ивитиш цехидан Бердибек Тайсалов, агрегат цехидан Жумагул Сўфиева ва Лидия Сантоева, йўниш цехидан Серикбой Дусенов ва Қодир Ўтенбоев, электроцехдан Виктор Марченко, Тоғай Оқбердиев ва Федор Шингаревлар заводнинг машҳур кишилари бўлиб қолишди.

Ҳамма ишчиларнинг умум назарида эканлиги, ҳар бир кишининг ўз ишини билиши ва яхши иши учун мақтаб, ёмон иши учун қаттиқ талаб қиладиган ўртоқлари олдидаги масъулиятини ҳис этиши завод касаба союз ташкилотининг энг асосий ютуғидидир.

Маълумки, эришилган маррада тўхтаб қолмаслик, олға қараб яна қадам ташлаш зарур. Бу йил канопни қайта ишлаш заводи коллективи юксак мажбуриятлар олди: XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси шарафига ишлаб чиқариш планини муддатидан илгари бажаришга, 500 минг сўм фойда кўриш, маҳсулотнинг камида 50 процентини биринчи сортга топширишга (1986 йилда 35 процент бўлган эди) қарор қилинди.

Меҳнат коллективи ўзининг ҳақиқий хўжайинлигини, корхона муваффақиятлари унга боғлиқ эканлигини ҳис этиши ғоят муҳимдир. Ишчилар булар ҳозирча фақат ишнинг бошланиши эканлигини яхши тушунадилар. Кўплаб проблемалар ўз ечимини кутмоқда. Корхонани замонавийлаштириш ҳали ҳам секин бормоқда. Масалан, толаларни титадиган ва ювадиган АЛТ машинаси ўрнатилди. Техникавий шартларга кўра унда 8 киши ишлаши керак, амалда эса 16 ишчи хизмат қилмоқда. Бунинг сабаби шундаки, конструкциянинг ўзида хом ашё етказиб бериш механизми катта нуқсонга эга. Демак, бу механизмни такомиллаштириш керак, чунки у унумдорликни икки баравар камайтириб турибди. Бундай мисоллар оз эмас. Мутахассислар бутун саноат асбоб-ускуналари ишини синчиклаб ўрганиб чиқишлари, эскирган ёки аниқ нуқсонларга эга ускуналарни дадил алмаштиришлари лозим. Корхонада қўл меҳнатини камайтиришда ҳам аҳвол яхши эмас.

Коллективдаги умумий кўтарилишга қарамасдан ҳали талайгина ишчилар кўпгина сабабларга кўра тўла куч-ғайрат билан ишлашмаяпти. «Биз ҳар бир қолоқ ишчининг «сирлари»ни очишни, уларга ўртоқлари билан баравар қадам ташлашга халақит бераётган сабабни бартараф қилишга ёрдам беришни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйганмиз», — дейди Собир Маматович.

Социал соҳадаги ишлар беҳад мўл: кўплаб ишчилар уй-жойга муҳтож, мавжуд болалар боғчаси ҳозирнинг ўзидаёқ коллектив талабларини қондира олмайди, ошхонани кенгайтириш, медицина пунктини, янги чойхона биносини тўлиқ жиҳозлаш керак ва ҳоказо. Қайта қуришда дастлабки қадамлар ташлаётган канопни қайта ишлаш заводи касаба союз ташкилоти энди буларнинг ҳаммасига дахлдордир.

Г. ХОЛЛИЕВ,
тарих фанлари кандидати.

ОДАМЛАР ОРАСИДА

В. ПУРГИН

Иш устасини топар деганларидек, партия иши, айтиш мумкинки, унинг ўзини қидириб топди. Андижон пахтачилик институтининг кечаги талабаси, ёш агроном Носир Отахоновнинг одамлар билан ишлай билиш, уларда янги-янги ғоялар уйғота олиш ҳамда ўз фикр-ғояларини қизғин ҳимоя қила билишга ундашдек нодир қобилияти бунга сабаб бўлган бўлса эҳтимол.

Ёш мутахассис ҳаётий режаларининг бутунлай ўзгарган пайтидан буён орадан ўн йил ўтди. Коммунистлар хоҳиш-иродаси туфайли Отахонов янги ишга ўтди. Бу иш ўзи учун узоқ йиллар синов бўлиб қолишини билмасди. Бу борадаги синов Й. Охунбобоев номли колхознинг партком секретари бўлиб ишлаганидаёқ бошланган эди. Хўжалик ўша пайтлари жуда ўтириб қолганди. Худди шу ерда Н. Отахонов партия иши одамлар олдида, ўз виждони олдида муттасил, ҳар куни бир синовдан ўтадиган иш эканлигини тушуниб етди.

Эндиликда, Наманган район партия комитетининг биринчи секретарлигида буни жуда яхши ҳис этиб турибди.

Отахоновнинг кабинетига киришингиз билан ғўза тупига кўзингиз тушади. Пахтанинг оппоқ чаноғи шуурингизни қамраб олади. «Оқ олтин» диёрида оқ чаноқдан ҳам муқаддасроқ, кўркамроқ безак бўлмаса керак.

Пахта етиштириш асосий ишимиз, дейди Носир Отахонов, — мамлакатда «оқ олтин» қанча кўп бўлса, шунча яхши. Аммо пахта етиштириш айни чоғда инсонни камол топтириш демак. Бу ҳам бизнинг иш. Буларнинг ҳаммаси мен учун ҳам, райком учун ҳам асосий масаладир.

Наманган райони шаҳарга туташ бўлиб, унинг маркази Тошбулоқ Наманганнинг шундоққина биқинида жойлашган. Автобусда нари борса 15 минутлик йўл. 16 минг гектар ери бўлган район пахтадан ташқари мева, сабзавот, сут ва гўшт етиштириб ўзини ҳам, Наманганни ҳам таъминлаб туради.

Етмишинчи йилларда Наманган районини ўрта миёна районлар қаторида тилга олишарди. Энди бўлса, фахр, эҳтиром, аллақандай қизиқиш билан тилга оладилар. Бу бежиз эмас, албатта. Ўтган давр ичида озмунча иш қилинмади. Район кейинги йилларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари барча турларини етиштириш юзасидан топшириқларни тўла ва муқим бажариб келмоқда.

Ўн иккинчи беш йилликда деҳқонлар билан чорвадорлар экономикани юксалтиришни янада жадаллаштириш режаларини белгилаб олганлар. Пахта ҳосилдорлигини 40 центнерга, ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сут миқдорини камида 3000 килограммга етказишга қарор қилинган. Барча категориядаги хўжаликларда ҳар 100 гектар экинзор ҳисобига сут ва гўшт етиштириш 50 процент кўпаяди.

Бундай юксалиш режаларининг замини пишиқ. Илғор технология, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш формаларини такомиллаштириш асосида шунга эришилади. Ён дафтаридаги ёзувларга бир қараб олиб Отахонов тушунтира кетди: ғўза, беда, маккажўхорини пуштага экиш барқарор, ишончли ҳосил гаровидир. Иккинчидан эса, иш икки сменали ташкил этилади. Ҳозирнинг ўзидаёқ райондаги

фермаларнинг учдан икки қисми янгича режимда ишламоқда. Қолаверса, коллектив пудратга янада зўр берилади. Бутун деҳқончилик иши меҳнатни ташкил этишнинг ана шу илғор усулига ўтказилди. Яна бир янгилик — ҳисоб-китоб қилишнинг чек системасидир. Уни синаб кўрдик. Энди эса кенг жорий этмоқдамиз. Тўғри, янгиликнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши осон эмас. Оддий масалаларни ҳам одамлар билан олдиндан обдан гаплашмай туриб ҳал этиш мушкул. Негаки, бу нарсани амалга оширадиган, барча янгиликни амалиётда қўллайдиганлар ҳам шулар-ку, ахир.

Сут соғувчилар, масалан, яқин-яқингача икки сменали ишлашга мутлақо қарши эдилар. Айримлари буни очиқчасига айтса, бошқалар сиртида билдирмаса ҳам ичида қарши эди. Механизаторлар эса коллектив пудратдек фойдали ишга ишонқирамай қарардилар. Негаки, янги нарса ҳали одатланилмагани учун ҳам ўнғайсиз туюлади. Ана шунда райком одамларни эндиликда шубҳага ўрин қолмаган ҳақиқатларга ишонтиришга мажбур бўлди. Иш — одамлар психологиясини ўзгартиришнинг энг кучли омилидир.

Мен Отахоновнинг Я. М. Свердлов номли колхозда сут соғувчи Зоҳида Раҳматуллаева билан суҳбатига шоҳидман.

Секретарни кўриши билан у яйраб кетди: «Сиз айтгандек бўлди — икки сменали ишга ўтдигу кунимиз туғиб қолди». «Сизлар бўлса қўрқиб юрибсизлар», — деди кулимсираб Отахонов.

«Икки сменали иш ходимлар сонини кўпайтиришни тақозо этади. Сут соғувчиларга эса наряд билан ишлагани учун одам қанча кам бўлса, шунча фойдалидир. Аммо гап пулдагина эмас. Ҳар бир сигирнинг ўз инжиқликлари бор, уни бегонага ишониб бўлармишми». Отахонов унинг фикрига қўшилди, гапларини жиддий қабул қилди.

Фикр-мулоҳазаларига секретарнинг қизиқиб қараётганини кўриб Зоҳида бор сирни айтиб қўя қолди. Колхозчиларни зўрлашмади, ўйлаб кўришга фурсат беришди. «Бегона одамларни нима қиласиз, олтмишта сигир парваришини ўзларингиз олиб қўя қолинг-да», — дейишди. Бундай ташаббус ўз-ўзидан туғилмаганди: колхоз раҳбарлари билан ишлашга, улар зиммасига сут соғувчиларни механизациядан тортиб озуқагача — ҳамма-ҳаммаси билан таъминлаш вазифаси юклатилди. Ахир шунча сигир боқишнинг ўзи бўладими. Оқибати ёмон бўлмади, иш юришиб кетди, хуллас, ишларимиз «беш» деди сут соғувчи.

— ...Демак, айтганингиздек бўлибди-да, — деди Отахонов суҳбат бошларидаги гапга қайтиб.

— Йўғе, айтганимиздек бўлди — деб кулди Зоҳида Раҳматуллаева.

У ўз ютуқларидан беҳад шод эди.

Райком, унинг биринчи секретари Н. Отахонов одамларни нимаси билан ром этади? Колхоз раисларининг оқсоқоли М. Рафиқов билан шу ҳақда суҳбатлашаман.

— Отахонов билан ишлашнинг гашти бор деб ҳисоблайман. У узоқни кўра билади. Таваккалига иш тутишдан қўрқмайди, янгиликка ўч. Янги, илғор фикр, ташаббус билан чиққанларни дадил қўллаб-қувватлайди. Энг муҳими — одамларда ишга қизиқиш уйғота билади.

Бу гапда жон бор. Қолоқ хўжаликда партия ташкилотига бошчилик қилган кезларидаёқ шунга ўрганиб қолган. Ўша колхоз ветеранларидан бири Э. Раҳимовдан:

— Отахонов ишни нимадан бошлаган? — деб сўраганимда у шундай деди:

— Қўлбола паловдан.

— Ие, бу қанақаси?

Ўша кезлари колхозда одам етишмасди. Яқин бўлгани учун одамлар ишлагани шаҳарга кетишарди. Сабзавот-мевани йиғиштириб, пахтани сарамжомлаб олиш ҳар йили студентлар билан ўқувчилар чекига тушарди. Катталарни далага зўрлаб ҳам чиқара олмасдинг. Бу иш фойдали эмас, пули ҳам кам, деб ҳисоблашарди. Яхши ҳам оталиққа олганлар бор, шулар жонга оро кирарди. Носир Отахонов кексаларни маслаҳатга йиғди. Одатимизга кўра қўлбола ош қилинди. Дастурхон устида у кўнглидаги гапни ўртага ташлади: «Қачонгача бу ҳол билан муроса қиламиз? Наҳотки, ўз кучимиз билан хўжаликни оёққа турғиза олмасак?» Кўпни кўрган оқсоқоллар ўйланиб қолишди. Ёш секретарнинг гапи ўринли эди. Ана шунда уларнинг ҳар бири зиммага ўзига яраша ишни оладиган,

шунингдек ўғил-қизларни, куёв-келинларини ишга соладиган бўлди. Колхозда ишламайдиганларни қайтаришга ваъда қилишди. Шу-шу ҳосилни ўз кучлари билан йиғиштириб олишади.

— Шу десангиз, Носир Отахонов пухта йўл тутди, — деб хулоса қилди колхоз ветерани. — Одамларнинг дилига йўл топиб, вазиятни тушуниб, ҳаётга чуқурроқ назар ташлади.

Отахоновнинг партиявий кучи янгиликка беқиёс чанқоқлигида. Чорвадорлар уйини олинг. Бу унинг алоҳида диққат-эътиборида. Бир куни матбуотда Молдавиядаги бир қишлоқда шундай уйлар оммавий тарзда қурилаётганини ўқиб қолди. У ерга бориб кўришнинг имкони бўлмади. Аммо Отахонов хат ёзиб молдавиялик қардошлардан чизма ва планларни сўраб олди, тажрибаларини ҳам шу йўсин ўрганди. Қанчага тушишини ҳисоблаб кўрди. Сўнгра раисларни, партком секретарларини йиғди. Чорвадорлар уйини қуришга қарор қилишди.

Область партия комитети чорва қишлови бўйича кенгаш ўтказганида қатнашчиларни Наманган районига олиб келишди. Бу ерда чорвадорлар ўртасида сиёсий-тарбия ишлари олиб бориш масалалари муҳокама қилинди. Меҳмонлар кўпгина хўжаликларни бориб кўриб, таажжубланишди. Таажжубланишга эса аслида ўрин йўқ эди. Ҳамма ерда ҳам шундай бўлмаганига ажабланиш керак эди, аслида.

Район коммунистлари колхоз фермаси қишлоқ аҳолисини ўзига жалб этадиган маскан бўлиб қолиши устида кўп иш қилдилар. Ахир, фермадаги ишнинг унуми паст, қизиқтирадиган жойи кам эканлигини ким билмайди, дейсиз.

Бу ерда маданий-маиший комплексларга зўр беришди. Унда ишлаб чиқариш, сиҳат-саломатлик ва рўзғор ҳамда турмуш учун керакли ҳамма омиллар мужассам эди. Телевизор ва қулай мебеллари бўлган қизил бурчакда сут соғувчилар дам олиб иш ҳақида суҳбатлашишар, лекция тинглашарди. Даволаш кабинетлари ҳам шу ернинг ўзида. Кичикроқ дўкон ҳам бор, қанд-шакар, туз, гугурт, гуруч, конфет, хуллас, рўзғор учун керакли нарсаларни олиш учун бошқа ёққа бориб юришнинг ҳожати йўқ.

Бир куни райкомга шундай хат тушди. У ана шу комплекслар, аниқроғи медицина профилакторийси хусусида эди. Профилакторийда табиийки, медицина ҳамшираси ишлайди. Аммо шу ўринда бошқа бир гап чиқиб қолди. Маош фондида бу нарса ҳисобга олинмаган. Колхозлар медицина ходимларига ўз ставкаларини белгилаганлар. Ҳамонки, медицина ҳамшираси колхозчи ҳисобланар экан, у медицина ходими сифатида иш стажини йўқотади. Шу сабабли уларнинг кўпчилиги бўшаб кетмоқда. Хат авторлари райкомдан шу хусусда нима қилиш керак, деб сўрашганди.

— Нима қилиш керак? — Носир Отахонов хатни қайта-қайта ўқир экан шу ҳақда ўйланиб қолди. Область соғлиқни сақлаш бўлими эскириб қолган Низомни ўзгартиришга жазм этмайди. — Барибир бу масалани ҳал этмай қўймайман...

Қишлоқдаги янги қурилишлар, савдо марказлари, маиший хизмат кўрсатиш комплекс пунктлари район коммунистларининг фахри. Қишлоқларда янги турар жойлар тобора қад ростламоқда, бутун-бутун посёлка ва кўчалар барпо бўлмоқда.

Отахонов ҳам, райкомдагилар ҳам ишни пухта қилишмоқда. Одамларни қўзғата билиш, куч-ғайратини тўғри йўналтиришда гап кўп.

Қабул ишларини қандай олиб бориш ҳақида, масалан, аниқ йўл-йўриқ йўқ. Бўлмагани ҳам тузук. Ахир, ҳаётни ўзи эшик қоқиб турганида йўл-йўриқдан фойда кам. Ўзинг бош қотиришинг керак. Ахир, одамлар райкомга бораман деган сўзларининг замирида қанчадан-қанча орзу-умид ётганини унутиб бўладими?

Ўзларига шу хилда савол бериб ишни бошқача ташкил қиладиган бўлдилар. Аввало, доимий жой белгилашди. Биринчи қаватнинг ўзидан бўлгани учун зинадан чиқиб тушишга ҳожат қолмади. Райком кабинетининг ўзида аллақандай салобат бўлади. Бу ҳол келган кишига таъсир этиши мумкин. Шуни ҳисобга олиб, иккита хона ажратишди. Энди келган одам коридорда, ҳамманинг кўз ўнгида кутиб ўтирмайди.

Кутиш хонасида кирган одамнинг олдига чой қўйилади. Бир пиёла чой ичиб зимдан атрофга боқар экан девордаги плакатга кўзи тушади. Унда район қандай кўрсаткичлар учун кураш олиб бораётгани акс этган. Лекин кейинчалик бу

плакатни ҳам олиб ташлашди. Ҳаммаси ўз жойига тушгандек. Бир томондан плакатни агитация дейиш мумкин. Аммо чуқурроқ ўйлаб қаралса, гўё келган одамга биз қандай ишлар билан бандмиз-у, сен эса анчайин гаплар билан вақтимизни олаяпсан дегандек туюлиши мумкин. Деворга яхшиси донолларнинг ҳаёт синовларидан ўтган ҳикматли сўзларини осиб қўйган маъқулмасми? Бу нарса одамни очиқ суҳбатга тортмасмикин?

Шундай қилишди ҳам. Улар орасида Алишер Навоийнинг «Одами эрсанг демагил одами, анинг ким йўқ халқ ғамидин ғами» деган сўзлари ҳам бор. Эҳтиёткор ўртоқлардан бири бу ишга шубҳа билдирди: «Ўзимизга қийин бўлмасмикин? Келган одамнинг раъйини қайтарсам, таклифини рад этсам, у анави шиорни менга рўкач қилиб таъна қилмайдими, ахир?» Одамлар билан суҳбатлаша олмасак, уларнинг фикрини шартта бўлиб, ёрдам бериш қўлимдан келмайди десак, шундай қилса ҳақ. Наҳотки, иложи бўлмаса?!

Мана, қаршингизда кекса киши ўтирибди. «Ёрдам бермасанг бўлмайди, секретарь болам, машина сотиб олмоқчиман. Ўғлимга мендан совға бўлсин», — деб илтимос қилади. Очиғига кўчиб, ёрдам бера олмаслигингни айтасан. Аммо кейинги ўртоқни таклиф этишга ошиқма. Балки отахонга бошқа нарсада ёрдаминг тегар? Ахир, инсон кўнглини олишнинг йўллари кўп-ку.

— Машина жуда зарур эди. Ўғлимни турмуши чатоқ чоғи. Ўғил кўришни орзу қиларди, қиз туғилди. Қизига меҳр қўйди. Бирдан неварам касал бўлиб қолди. Докторлар уни ҳеч ким тузатолмайди дейишяпти.

— Шошманг, ота...

Ана энди, дилкаш суҳбат бошланади. Чол аслида бошқа масалада келган. Аммо унинг бу дардига ёрдам беришингиз мумкин. Машҳур мутахассисни маслаҳатга чақиртириш, кейинчалик қизчани область клиникасига ётқизишда кўмаклашасиз. Норасиданинг дардидан фориғ бўлиш қувончи олдида машина нима деган гап?!

Ҳа, ёрдам бера олмайман деган гапни айтишга шошилмаслик керак.

Суҳбат асносида мўйсафиднинг пойабзалига қарадингизми? Шундоққина чанг босиб ётибди. Демак, яёв келган, автобус яхши юрмаса керак. Ён дафтарчага дарҳол автобус ишини ўрганиш керак деб ёзиб қўйинг. Бу бутун қишлоққа ёрдам бўлади.

Райкомга одамлар маслаҳат сўраб, қувончини, шубҳаларини ўртоқлашгани келишади. Ҳақиқатни қарор топтиришда бу ердан мадад кутишади.

Катта-ю кичикка ниҳоятда эътиборли бўлиш, улар ишончини қозониш, дардига шерик бўлиш, камтарлик — Носир Отахонов ўз қўл остидагиларга шундай фазилатларни сингдиради. Эрта тонгда бозорда, магазинда, кечқурун алламаҳалда «Ширин» ёки «Нилуфар» район ёшлар барларидаги дискотекада кўриниб қолади. Уни кўпчилик яхши танийди, саломлашиб суҳбатлашишади. Ҳамиша одамлар орасида, самимий, дилдан гаплашади, овозини баландлатганини, буйруқнамо бақирганини ҳеч ким эшитмаган. Маслаҳат, истак, эслатиш — булар Отахоновни бошқалар билан боғлаб турган ришталардир.

Биринчи секретарнинг шахсий ибратида гап кўп. У ҳамиша воқеаларнинг энг қайноқ жойида бўлади. Иш кунини ҳам ана шундай режалаштиради. Механизаторлар, чорвадор ва қурувчилар, колхоз ва совхозлар раҳбарлари билан кўпроқ мулоқотда бўлиш, долзарб масалалар хусусида маслаҳатлашиб олиш, улардан кўпроқ нарса билишга ҳаракат қилади.

Эндиликда районда қолоқ хўжалик йўқ. Шу муносабат билан Отахоновдан кўпинча иқтисодий заиф хўжаликларни қандай қилиб оёққа турғиздингиз, бу ишда район партия комитетининг роли қандай, деб сўрашади. У одатда: меҳнат коллективларининг фикр-мулоҳазасига дадилроқ суяниш, қимматли ташаббусни қўллаб-қувватлаш керак деб жавоб беради.

Аммо баъзан бошқача ҳам бўлади. Башарти раҳбар ўжарроқ бўлса, ўз фикрида қаттиқ туриб олса, район миқёсидаги айрим ходимлар уни ёқтирмай қўйишади. «Энг катта камчилик мана шунда, — дейди Отахонов. Бизга ҳайбаракаллачилар, кўр-кўрона келишувчилар керак эмас. Раҳбарнинг ўз ижодий услуби бўлсин, танлаган йўлни амалга оширишда мустақиллик, принципиаллик ва қатъият кўрсата олсин. Районда ҳеч ким Д. Маллабоев, М. Умаров, М. Мадраҳимов сингари хўжалик раҳбарлари билан ишлаш осон деб айтолмайди. Улар сўзга

унамасликлари, ўзлариникини зўр бериб маъқуллашлари мумкин. Лекин улар тутган ишнинг энг яхши томони хўжаликни ҳалол йўл билан юритиб колхозга фойда келтиришдан иборатдир. Бунақа раис билан ишлаш осон бўлмаса ҳам жуда мароқлидир».

Наманган район партия комитети биринчи секретарининг кучи шундаки, у қишлоқ ҳаётининг ичида юради. Райком теварагига жипслаштиришга муваффақ бўлган партия ўзаги билан ҳамкорликда у ана шу қишлоқ ҳаётини янада юксалтиради. Юқорида номлари санаб ўтилган хўжалик раҳбарлари, А. Инъомов, З. Йўлдошев, Э. Петрова, Б. Мусаев сингари бошланғич партия ташкилотлари секретарлари сермашаққат деҳқончилик ишларида асосий таянчдир.

Носир Отахонов, район партия комитети кадрларни танлашга, улар таълими ва тарбиясига алоҳида аҳамият бермоқда. Кўпинча бир неча инстанция «кўригидан» ўтказилган айрим номзодларнинг маълум фурсатдан кейин ўша ишга чоғи келмаслиги аён бўлиб қолади. Ана шунда одамнинг ўзига эмас, у ҳақда тайёрланган қоғозларга қараб иш кўрилгани равшан бўлади.

Эндиликда юқорироқ лавозимга кўтарилувчи ҳар бир киши билан олдинроқ яхшилаб танишилади. Кабинетда эмас, ўша одам ишлаётган ва яшаётган жойда танишилади. Кадрлар резерви масаласида ҳам ошкоралик жорий этилди. Ҳар бир бўлинма бошлиғи, ҳар бир масъул киши зарурат туғилганда ўз ўрнини ким эгаллашини яхши билади. Шунчаки билибгина қолмай, унинг ўсишига ёрдам бериши керак. Ўрта бўғинга эътибор кучайди. Мабодо бригадир махсус билимга эга бўлмаса, олий ёки ўрта махсус ўқув юртини сиртдан ўқиб тугатсин деган вазифа қўйилди.

Очиғини айтганда эндиликда Тошбулоқ райондан четкароқ жойларга ҳам раҳбарлик лавозимларига кадр етказиб берувчи масканга — «кадрлар булоғи»га айланди. Носир Отахонов ҳар сафар район партия ташкилотлари етиштирган кадрлар билан юраги ачишиб хайрлашади. Гўё қалбининг бир бўлагидан ажралаётгандек бўлади.

Район хўжалиги юксалиб бормоқда. Аммо биринчи секретарни кўп нарса ташвишга солади. Чунончи, идеология жабҳаси бўшроқ бўғин бўлиб қолмоқда. Бу борадаги анъанавий иш форма ва методлари имкониятларидан асосан фойдаланиб бўлинди, янги форма ва методлар эса жуда секин юзага келмоқда. Эски рефлексларга ҳамма ҳам муросасиз бўляпгани йўқ.

Қуйидан бўладиган танқид суст ривожланмоқда. Ўтган йили райком бошланғич партия ташкилотлари қарорларининг 20 процентини муросасозликдан иборат жўн қарорлар сифатида бекор қилди. Демак, жойларда ҳамиша ҳам талабчанлик кўрсатилмаяпти.

Райкомнинг айрим аъзолари ташаббус кўрсатмаётгани ҳам ташвишлантиради. Баъзан уларнинг ўзидан ақллироқ фикр чиқмайди, бошқалар бир гап айтишини кутиб ўтиришади.

Ишга ҳалақит бераётган нарсалар нима? — деб сўраймиз райком секретаридан.

Турли-туман комиссиялар, текширишлар, — дейди Отахонов. Кейин қўшиб қўяди: — Ҳар хил қоғозлар.

Комиссиясиз иш битармиди, ахир, ҳамма жойда контрол керак-ку?! — деб ҳазил қилган бўламиз: — Зоғора балиқлар мудрамасин деб чўртан балиқ яратилган-да.

Аммо, Отахонов ҳазилга қўшилмади:

— Шундайликка шундайку-я, ишимиз хусусида тадбирлар сонига қараб, ялпи кўрсаткич бўйича ҳукм чиқарилмаганда бошқа гап эди. Мендан бир куни одамлар билан индивидуал иш планини, ким билан қачон суҳбат ўтказмоқчи эканлигимни сўрашди. Бу ўқитувчидан болалар билан учрашувни планлаштиришни сўрашдек гап.

...Отахонов билан бир неча кун мобайнида ферма ва далаларда, қурилиш майдонларида бирга юрдим — ҳамма ерда унинг одамлар билан ва одамлар учун бамаъни, машаққатли меҳнати гувоҳи бўлдик.

Наманган области.

Тошкентлик журналхон О. М. Сидорова Улуғ Октябрь 10 йиллиги муносабати билан 1927 йилда ўтказилган Коммунистик партияга оммавий чақириқ тўғрисида, у Ўзбекистонда қандай ўтганлиги ҳақида ҳикоя қилиб беришни сўраган.

ПАРТИЯ БИЛАН ХАЛҚ БИРЛИГИНИНГ ЁРҚИН НАМОЙИШИ

СССР МЕҲНАТКАШЛАРИ Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини жамиятимиз ҳаётида чуқур туб ўзгартиришлар амалга оширилаётган бир шароитда ижодий бунёдкорлик меҳнати билан кутиб олдилар. Улар ўзларининг ҳамма ютуқларини ҳақли суратда КПССнинг кўп қиррали фаолияти билан боғлайдилар. Партия сафларининг жипслиги, коммунистларнинг онгли интизоми — партия куч-қудратининг ва раҳбарлик қилишдаги муваффақиятларининг асосий манбаларидан биридир. «Бизнинг вазифамиз, — деб таъкидлаган эди В. И. Ленин, — партиямизнинг мустаҳкам, саботли бўлишини, софлигини сақлашдир. Биз партия аъзоси деган номни ва унинг аҳамиятини юқори, юқори ва янада юқори кўтаришга ҳаракат қилишимиз лозим...» (Тўла асарлар тўплами, 7-том, 330-бет).

ВКП(б)нинг мамлакатимиз тарихининг энг масъулиятли даврларидан бирида — социалистик индустриялаштириш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришга тайёрлаш даврида ўз сафларининг сифат составини яхшилаш соҳасидаги фаолияти партия ҳаётида ёрқин саҳифа бўлиб қолди. Оппортунистлар, биринчи навбатда троцкийчилар активлашиб қолган бир пайтда партиянинг бирлик ва жипслик йўлини амалга ошириши кўп жиҳатдан ана шу фаолиятга боғлиқ эди.

Партия сафларига оммавий чақириқлар партиянинг сифат составини тартибга солишдаги таъсирчан чора эди. Бундай чақириқлар турли вақтларда — гражданлар уруши даврида (1919 йилнинг октябрь-декабрь ойларида), В. И. Ленин вафот этган йили ўтказилган эди. Ишчилар синфининг илғор вакилларини ВКП(б)га жалб қилиш уларнинг умумий хусусияти бўлди. Ишчи ва деҳқонларнинг партиянинг ленинизм ғояларини ҳаётга татбиқ қилиш учун курашидаги энг масъулиятли дамларда коммунист бўлишга интилиши бундай чақириқларнинг бошқа бир ўзига хос хусусияти эди. 1927 йилда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 10 йиллиги муносабати билан партияга бўлган чақириқ катта аҳамиятга эга бўлди.

Мамлакатни социалистик индустриялаштириш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш йилларида иқтисодий қурилишнинг ғоят катта миқёслари, омма ижодий ташаббускорлиги ва активлигининг мисли кўрилмаган даражада ўсиб кетганлиги, социалистик туб ўзгартиришлар йўлидаги катта ички ва халқаро қийинчиликлар, синфий ва партия ички курашининг кескинлашганлиги Коммунистик партиянинг меҳнаткашлар раҳбари ва ташкил қилувчи кучи сифатидаги ролининг кучайтирилишини тақозо этди. Шу сабабли партиянинг бирлигини мустаҳкамлаш, унинг сифат составини яхшилаш масалалари ўша даврда коммунистлар олдида бутун кескинлиги билан кўндаланг бўлди. ВКП(б) XIV съездининг Марказий Комитет ҳисоботи юзасидан резолюциясида шундай дейилган эди: «*Партияни* мустаҳкамлаш ва қурилиш ишларимизнинг ҳамма соҳаларида партиянинг раҳбарлик ролини кучайтириш, ҳозирги мураккаб вазиятда ҳар қачонгидан ҳам зарурроқ бўлган раҳбарлик ролини бундай кучайтириш, — партиянинг составини тўғри тартибга солишга ҳам боғлиқдир. Съезд бу соҳада партия ташкилотларининг составини сифат жиҳатдан кўтаришга, партияга ишчиларни тобора кўпроқ тортишга ва партия пролетар ядросининг салмоғини доимо ошириб боришга қаратилган сиёсат юргизиш зарур, деб ҳисоблайди» («КПСС съездлари, конференциялари ва Марказий Комитет пленумларининг резолюция ва қарорлари». Т., «Ўзбекистон», 1983, 3-том, 267-бет).

Партия шу палладаги вазифаларнинг масъулиятини ҳисобга олиб, ўз сафларини ишчилар синфи, меҳнаткаш деҳқонлар, совет зиёлиларининг пролетариат позицияларида мустаҳкам турган энг илғор, юксак онгли, коммунизм ишига чексиз содиқ вакиллари ҳисобига тўлдириш учун ҳаракат қилди.

Октябрнинг 10 йиллигини байрам қилишга тайёргарлик, социалистик қурилишнинг ўн йили мобайнида эришилган сиёсий ва иқтисодий муваффақиятларни сарҳисоб қилиш жараёнида кенг халқ оммаси ўртасида улкан сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги юз

берди. Мамлакат меҳнаткашлари бу тарихий санани планларни муддатидан илгари бажариш, юксак унумли меҳнат қилиш, янги фабрикалар, заводлар, шахталарни ишга тушириш билан кутиб олдилар. Энг йирик саноат марказлари, биринчи навбатда Москва, Ленинград, Ростов, Бокунинг илғор ишчилари Улуғ Октябрь юбилейига бағишланган очиқ партия мажлислари ва умумий йиғилишларда бир овоздан большевиклар партиясига кириш тўғрисидаги истакларини якдиллик билан баён қилдилар. Бу ташаббус Ўзбекистон партия ташкилотида ҳам қизғин қарши олинди.

Совет ҳокимиятининг 10 йиллиги байрам қилиниши арафасида ВКП(б) МК «Октябрь революциясининг ўн йиллиги муносабати билан эркак ва аёл ишчиларни партияга кенг жалб қилиш тўғрисида» қарор қабул қилди. У партия ташкилотларининг асосий эътиборини партияга Советлар, касаба союзлари, ишлаб чиқариш кенгашлари, кооперация, маданий ташкилотлар, кўнгилли жамият ва ҳоказолар ишида қатнашаётган фаол эркак ва аёл ишчиларни, шу жумладан ишчи комсомолларни ҳам қабул қилишга қаратди («КПСС... резолюция ва қарорлари», 3-том, 582-бетга қаралсин). Октябрь чақириғини ўтказиш давомида умуман мамлакат бўйича партияга 108 мингдан зиёд киши қабул қилинди, уларнинг 82,4 проценти саноат ишчилари, 3,9 проценти — батраклар ва 4,5 проценти — ёлланган ишчилар эди.

Октябрь чақириғи Ўрта Осиёда улкан сиёсий кўтаринкилик билан ўтди. ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси, республикалар компартияларининг МКлари ва Қирғизистон область партия комитетининг қарорларига мувофиқ ВКП(б) МКнинг юқорида тилга олинган қарори шаҳарлар ва қишлоқлардаги кўп кишилик митингларда, партия комитетларининг пленумларида муҳокама қилинди. Тушган аризаларни оператив тарзда кўриб чиқиш ва тажрибали партия аъзоларидан қабул комиссияларини комплектлашга доир чора-тадбирлар махсус белгилаб чиқилди. Масалан, Тошкентда 1927 йилнинг 13 ноябрида райкомлар ва йирик ишлаб чиқариш ячейкалари секретарларининг кенгаши бўлди, унда кампанияни ўтказиш юзасидан директивалар ишлаб чиқилди, қабулга раҳбарлик қилиш комиссияси тузилди. Умуман, Октябрь чақириғи бутун мамлакатда бўлгани каби бизнинг республикамизда ҳам якка тартибда ўтказилди, партияга энг содиқ илғор ишчилар танлаб олинди, улар очиқ партия мажлисларида ВКП(б)га қабул қилинди.

Ўзбекистон партия ташкилотлари ВКП(б) МКнинг, ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг қарорларига ва циркуляр хатларига амал қилиб, 1927 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида айниқса саноати ривожланган округларда партияга энг яхши меҳнаткашларни қабул қилиш юзасидан оммавий кампания ўтказдилар. Ана шу даврда 2291 киши партияга киришга хоҳиш билдириб ариза берди, улардан 1481 киши, шу жумладан станок ёнида ишлайдиган 1118 ишчи ва 103 батрак партияга қабул қилинди. Шуниси характерлики, партияга янгидан қабул қилинганларнинг ярми туб ерли миллатларга мансуб кишилар, 75,5 проценти эса — фабрика ва завод ҳамда транспорт ишчилари эди. Натижада республика партия ташкилоти аъзоларининг сони 10,8 процент, шу жумладан ишчилар сони — 16,6, батраклар — 5,7, деҳқонлар — 9,3, хизматчилар ва бошқалар сони —9 процент кўпайди.

Ўзбекистон К(б)П МК Секретариати 1928 йилнинг мартида Октябрь чақириғига якун ясар экан, республика партия ташкилотининг социал базаси партияга содиқ кадр илғор ишчилар ҳисобига кучайганлигини ва сифат составининг яхшиланганлигини мамнуният билан қайд қилди ва партия ташкилотларига партияга янгидан қабул қилинган кишилар ўртасида ўқув-тарбиявий ишларни ўтказиш, уларни республика ҳамда мамлакатнинг партиявий ва ижтимоий ҳаётига жалб қилиш зарурлигини уқтириб ўтди. Октябрь чақириғи пайтида партияга кирган кишилар республика партия ташкилотининг сафларини, унинг пролетар ядросини мустаҳкамладилар, Ўзбекистон Компартиясининг троцкийчилар-зиновьевчилар блокига қарши курашдаги жанговарлик қобилиятини юксалтирдилар.

Ишчиларнинг оммавий тарзда партияга кириши уларнинг ВКП(б)нинг сиёсати билан тўла бирдам эканликларидан далолат берарди. «Биз партияга шунинг учун киряпмизки, — деб ёзган эди республика ишчилари, — биз ўн йил ичида фақат ВКП(б)гина ишчилар синфининг манфаатларини ғоят улкан қатъият билан ҳимоя қилишига етарлича аниқ ишонч ҳосил қилдик». «Правда Востока» газетасида ўша кунларда Октябрь чақириғи Ўзбекистон ишчилар синфи энг оғир дақиқада ўзининг шахсий иштироки билан Ленин партиясини қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигининг энг яхши далили бўлди, деб ёзилган эди.

Шуни қайд қилиш керакки, партияга Октябрь чақириғи Ўзбекистонда ўзига хос хусусиятларга эга бўлди, муайян қийинчиликларга дуч келди. Маълумки, маҳаллий партия ташкилотлари ўша даврда ташкилий ва сиёсий жиҳатдан заиф бўлиб, улкан синфий кураш тажрибасига эга эмас эди. Чунончи, ўша вақтда Ўзбекистон Компартияси составида ВКП(б)га 1925 йилдан сўнг аъзо бўлганлар сони 9884 киши (76,5 процент)дан иборат бўлган бир пайтда унда революциядан илгари партияга кирганлар бор-йўғи 53 кишини ёки 0,4 процентни, партияга 1920 йилгача кирганлар —31 кишини ёки 0,3 процентни ташкил этарди.

26819 коммунистдан 5383 киши на ўкишни ва на ёзишни билар, 8081 коммунист эса ўзи уйда олган маълумотга эга эди. Республика партия ташкилотининг социал составида ишчилар ниҳоятда озчилик —24,8 процент эди. Бу ўлкада ишчилар синфининг асосан Совет ҳокимияти йилларида шаклланганлиги билан изоҳланарди. Саноатнинг суст тараққий этганлиги партияга батраклар, мардикорлар ва камбағал деҳқонларни қабул қилишни тақозо этди.

Айрим округ партия ташкилотларида Октябрь чақириғини ўтказишда бузилишларга йўл қўйилди. Чунончи, уларда партияга қабул қилинганларнинг қарийб 17 проценти ўқувчилар, косиблар, ҳунармандлар ва бошқалардан иборат эди. Масалан, Андижон округида қатор корхоналарда қисқа митинглар бўлиб ўтди, уларда партияга қабул қилиш тавсияномаларсиз ва кандидатлик стажисиз ўтказилади деб эълон қилинди. Натижада бундан илгари партиядан ўчирилган хизматчилар, бойлар ва ҳатто руҳонийлар вакилларидан ҳам аризалар туша бошлади.

Бизнинг республикамиз шароитида коммунистларнинг ғоявий чиниқиши, уларнинг Ленин назарий мероси билан қуролланиши ўлка тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари ва Ўзбекистон Компартиясининг ички партиявий аҳволи муносабати билан айниқса муҳим аҳамият касб этар эди. Партия ташкилотларининг партияга янги қабул қилинганларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш тўғрисида доимий ғамхўрлик кўрсатиши, шунингдек Октябрь чақириғи коммунистларининг ўзларининг юксак активлиги туфайли бу коммунистларнинг аксар кўпчилиги назарий ва сиёсий билимларни пухта эгаллаб борди, сиёсий мактаблар ва тўгаракларидаги ўқишни муваффақиятли тугатди.

Совет ҳокимиятининг ўн йиллиги шарафига бўлиб ўтган Октябрь чақириғи илгари Россиянинг қолоқ ва мазлум чекка ўлкаси бўлган Ўзбекистонда социализм қуриш учун курашда партия билан халқ ғоявий-сиёсий бирлигининг қудратли намойиши, мамлакатни индустриялаштириш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш даврида партия сафларининг социал ва сифат составини янада яхшилашга қаратилган ғоят йирик ташкилий ва сиёсий тадбир бўлди. Қисқа муддат ичида нисбатан кўпчилик ишчилар билан батракларнинг ВКП(б) сафларига кирганлиги ўлка меҳнаткашларининг партия сиёсатини, унинг социализм қуриш йўлини қўллаб-қувватлашидан далолат берарди.

Партияга Октябрь чақириғидан бери 60 йил ўтди, лекин ҳозирги қайта қуриш ва социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш, жаҳон микёсида идеологик курашнинг ғоят кескинлашуви шароитида партия сафлари ғоявий ва ташкилий бирлигининг, уларнинг сифат составини яхшилашнинг аҳамияти ҳар қачонгидан кўра ҳам ортиб бормоқда. КПСС МҚнинг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилотининг ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қарорида (1987 йил) партия составини тўғри шакллантириш, унинг сафларини сифат жиҳатдан яхшилашнинг аҳамияти яна бир бор уктириб ўтилди. Қарорда жумладан шундай дейилади: «Партиянинг ҳозирги ҳолати ва келажаги бугун Ленин партиясига кимлар аъзо бўлиб кираётганлигига боғлиқ. Одамларнинг қайта қуришга, ошкораликка, танқид ва ўз-ўзини танқидга, демократияни чуқурлаштириш жараёнига муносабати, буларни рўёбга чиқаришда амалий иштирок этиши партия сафларига киришнинг энг муҳим мезони бўлиши керак. Партия сафларини ҳозир тўлдираётган кишиларда улар революцион ижтимоий ўзгартишларнинг олдинги сафида бораётган коммунистларнинг синалган отрядига қўшилаётганлигидан алоҳида фахрланиш туйғуси тарбиялансин».

Республика партия ташкилотининг КПСС МҚнинг ана шу қароридан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисидаги масала Ўзбекистон Компартияси МҚнинг VI пленумида (1987 йил август) муҳокама қилинди. Бу масала юзасидан қабул қилинган қарор салбий ҳолатларга қарши муросасиз кураш олиб боришга, партия сафларини ўз хатти-ҳаракатлари билан унинг обрў-эътиборига путур етказаётган кимсалардан тозалашга, партиявий интизомни мустаҳкамлашга, коммунистларнинг партияга қабул учун масъулиятини оширишга қаратилгандир.

Ҳозирги шароитда партияга оммавий чақириқлар ўтказиш зарурати йўқ. КПСС составини шакллантириш Устав нормаларига мувофиқ амалга оширилади. Айни бир вақтда партия ўз табиатига кўра ишчилар синфининг партияси бўлиб қолишни, унга таянишни, бутун меҳнаткаш халқ билан чуқур ва мустаҳкам алоқада бўлиш тўғрисида ғамхўрлик қилишни, унинг энг яхши вакиллари ҳисобига ўз сафларини тўлдириб боришни, партиянинг миқдорий ўсиши билан унинг составининг сифат даражаси ўртасидаги ўзаро боғлиқлик тўғрисидаги ленинча кўрсатмага доимо амал қилишни ўзи учун ғоят муҳим вазифа деб ҳисоблайди.

Х. ЙЎЛДОШЕВ.

Ўзбекистонда қарийб йигирма йиллик энциклопедиялар нашр этиш тажрибаси тўпланди. Бироқ у ҳозирча кенг кўламда ошкора ва принципиал анализ қилинганича йўқ. Ваҳоланки, ҳозир кўпгина энциклопедияларнинг такрорий нашри тайёрланмоқда. Шу муносабат билан редакция проблеманинг фақат айрим жиҳатларига тўхталган мазкур мақолани эълон қилар экан, журналхонлар журнал саҳифаларида кўп томлик «Ўзбек Совет Энциклопедияси», бир томлик «Ўзбекистон ССР» ва «Тошкент» каби оммавий нашрларининг ютуқ ва камчиликларини муҳокама қилишда актив иштирок этадилар деб умид қилади, бу нашрлар савиясини республика маънавий тараққиётининг ҳозирги даражасига етказиш учун хизмат қилиши мумкин.

ЭНЦИКЛОПЕДИЯЛАР ЎЗ ВАЗИФАСИГА КЎПРОҚ МОС БЎЛИШИ КЕРАК

КПСС МК апрель (1985 йил) Пленуми, партия XXVII съезди бошлаб берган совет жамиятидаги революцион қайта қуриш мамлакатимизда қатор объектив ва, аввало, субъектив характердаги сабабларга кўра қарор топган сусткашликни тубдан ўзгартиришга қаратилган. Ҳозир консерватизмга, социал лоқайдликка, ижтимоий бепарволикка, сиёсий масъулиятсизликка, хўжасизликка, расмиятчиликка, ошна-оғайнигарчиликка, қўшиб ёзишларга, кўзбўямачиликка, порахўрликка, социал ҳодисалар ва тарихий шахсларни баҳолашда синфий мезонлардан чекинишларга қарши кескин кураш олиб борилмоқда. КПСС МК январь (1987 йил) Пленумида қайд қилинганидек, ҳаётий проблемалар ва зиддиятларни, ижтимоий тенденциялар ва истиқболларни англаб олиш даражаси кўп жиҳатдан назарий фикрнинг ҳолатига ва ривожланишига, назарий жабҳадаги мавжуд муҳитга боғлиқ эди, авторитар фикр ва мулоҳазалар эса шак келтириб бўлмайдиган ва фақат шарҳланиши мумкин бўлган фикр ва мулоҳазаларга айланиб қолган эди.

КПСС XXVII съезди талаблари асосида идеология ишининг самарадорлигини янада ошириш юзасидан коммунистлар вазифаларини махсус муҳокама қилган Ўзбекистон Компартияси МКнинг III пленуми (1986 йил октябрь) республикада 70—80-йилларда кенг тарқалган хунук ҳодисалар «идеологик, сиёсий-тарбиявий ишдаги катта нуқсонлар билан бевосита боғлиқ эканлиги»ни қайд қилиб, шундай таъкидлади: «Кейинги йигирма йил мобайнида республикадаги ижтимоий фанларда, адабиёт ва санъатда, маънавий турмушнинг бошқа соҳаларида тарихий ўтмишни идеаллаштириш, баъзи тарихий воқеалар ва шахсларга баҳо беришда синфий позициялардан чекиниш тобора кенг қулоч ёзди. Бу ҳол, бир томондан, омманинг миллий ифтихор предмети хусусидаги қарашларини йўлдан оздирди, интернационал тарбия ишига сезиларли зиён етказди, иккинчи томондан эса, чўнтагида партия билети бўлган янги чиққан «корчалонлар ва бойваччалар» шаънига ҳамду сано ўқиш учун идеологик платформани яратди, кўпгина кадрлар орасида ғоявий бекарорликни келтириб чиқарди». Пленум республикада нашр қилинган қатор фундаментал илмий асарларни, шу жумладан энциклопедик нашрларни жиддий танқид қилди, зеро уларда юқорида кўрсатилган кўпгина камчиликлар мавжуд эди.

Энциклопедияларни нашр этиш, шубҳасиз, халқ ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлиб, унинг маънавий даражасини кўрсатади. Шу сабабли ўтмишда амалга оширилган ишларнинг кўпчилиги объектив тарзда анализ қилинаётган бугунги кунда, фикримизча, Ўзбекистон энциклопедик нашрларининг нафақат яхши томонлари тўғрисида, балки кўпроқ улардан фойдаланишда ҳадеб учрайдиган жиддий камчиликлар хусусида гаплашиш мақсадга мувофиқдир. Бунда гап аввало ана шу нашрларда дин ва атеизм, интернационализм, айрим тарихий шахслар фаолиятига оид масалаларнинг ёритилиши тўғрисида боради. I

Маълумки, энциклопедиялар совет кишиларида илмий-материалистик дунёқарашни, ватанпарварлик ва интернационализмни шакллантиришга кўмаклашиши лозим. Лекин, КПСС МК Сиёсий Бюросининг аъзоси, КПСС МК секретари А. Н. Яковлев 1987 йил апрелда Тожикистон Компартияси МК пленумида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, ҳозирги пайтда Ўрта Осиё шароитида «миллатчилик қарашларининг диний қарашлар билан чатишиб кетиши сингари тенденцияни» ҳам пайқамаслик мумкин эмас. Афсуски, 70—80-йилларда исломнинг қайта жонланиши, унинг миллатчилик билан қўшилиши масалалари кўриб чиқилаётган нашрларда* авторлар диққат-эътиборидан четда қолган. Улардаги мақолалар ўқувчида ислом ва унинг идеологияси бошқа нарсаю, мил-

* Ўзбек Совет Энциклопедияси. 14 томлик. Тошкент, ЎзСЭ Бош редакцияси. 1971—1980-йиллар (ўзбек тилида); Узбекская ССР. Энциклопедия в одном томе. Ташкент, Главная редакция УзСЭ, 1981, 560 с.; Ташкент. Энциклопедия. Ташкент, Главная редакция УзСЭ, 1984, 416 с.

лат ва миллатнинг ўз-ўзини англаши мутлақо бошқа нарса эканлиги тўғрисида аниқ тасаввур ҳосил қилмайди. Ваҳоланки, то шу кунгача Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларини «мусулмон халқлари» деб атаб келаётган буржуа сохталаштирувчилари айни ана шу миллийлик билан динийликнинг бирлигини махсус таъкидламоқдалар. Маълумки, улар ўзларининг уйдирмаларида пантуркистлар ва панисломистларнинг шиорларига таянадилар, уларга қарши партия 20-йиллардаёқ кураш олиб борган эди.

Ўрта Осиёдаги дин билан атеизм тарихига доир материалларнинг камлиги мазкур нашрларнинг йирик нуқсонидир. «Ибодатхонада ва Каъбада қуллик руҳи мужассамлиги» тўғрисида очиқчасига ёзган Умар Ҳайёмнинг эркин фикрлилиги, шунингдек Ўрта Осиёнинг Беруний, Ибн Сино, Сарахсий каби ва бошқа буюк мутафаккирлари ва олимларининг ислом ақидаларига қарши олиб борган яширин кураши тўғрисида хеч нарса дейилмаган. Бу мавзудаги мақолаларнинг илмий-назарий савияси паст. Уларнинг кўпчилигида фактлар ва воқеалар синфий жиҳатдан аниқ баҳоланмасдан қуруқ баён қилинади, уларнинг моҳияти очиб берилмайди. Чунончи, черковни давлатдан ажратиш ва мактабни черковдан ажратиш ҳақидаги ленинча декретнинг моҳияти нимадан иборат эди, деган саволга улардан жавоб топиш қийин. У ҳақда қисқача ҳикоя қилинади, бу декрет талабларини Ўрта Осиёда амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида ҳеч нарса дейилмайди. Гап шундаки, Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида мазкур декрет бу ерда асосан европалик аҳолига нисбатан қўлланилган эди, чунки ўша пайтда туб аҳолининг диндорлиги юксак даражада эканлиги сабабли ўлкада атеистик иш олиб бориш мумкин эмасди. Айрим жойларда хали тараққиётнинг феодал-патриархал босқичида турган халқлар онгининг синфий жиҳатдан етилишини кутиб туриш зарур эди. Партия ва Совет давлати айни шу нарсани ҳисобга олиб мусулмонларнинг хис-туйғуларига кўп жиҳатдан ён босган эди. В. И. Ленин РКП(б) VIII съездида сўзлаган нутқида шу муносабат билан бундай деган эди: «Биз шу халқларга бориб: «Биз сизнинг эксплуататорларингизни ағдариб ташлаймиз» деб айта оламизми? Биз бундай қила олмаймиз, чунки улар бутунлайин ўз муллаларига қарамдирлар. Бунда айни миллатнинг ривожланишини, пролетариатнинг буржуа элементларидан табақаланишини кутиш керак, бу табақаланишнинг бўлиши эса муқаррардир» (Тўла асарлар тўплами, 38-том, 187-бет).

Фикримизча, ана шу ҳол нима учун ҳатто ҳозирги кунда ҳам ўтмишда ислом динида бўлган бошқа халқлар сингари ўзбекларнинг бир қисми ўртасида динийлик билан миллийликни айнан бир хил нарса деб қарашликнинг кенг ёйилганлигини маълум даражада ойдинлаштиради. 70—80-йиллардаги деформациялар, конкрет атеистик ишнинг сусайганлиги шунга олиб келдики, анча кенг доирадаги кишилар, шу жумладан динга ишонмайдиган одамлар ижтимоий психологиясида бизнинг давримизда исломнинг айрим маросимлари ва анъаналари миллий маросимлар ва анъаналар сифатида қабул қилинмоқда ва амал қилинмоқда. Шунинг учун маросимлар ва анъаналар тўғрисида ҳикоя қилувчи материаллар аниқ атеистик позициялардан туриб ёзилиши керак эди, афсуски, «Ўзбек Совет Энциклопедияси»да бундай қилинмаган. Чунончи, «Хатна» мақоласида (12-том, 295-бет) шунга ўхшаган анъананинг дунёнинг бошқа халқларида ҳам мавжудлиги ҳақида гапирилади, шу халқлардан баъзиларида, шу жумладан яҳудийлар ва мусулмонларда у диний маросим шаклини олган, деб таъкидланади. Бироқ авторлар хатнанинг бутунлай диний мазмуни ва унинг Ўрта Осиёдаги ўзбек ва бошқа халқларнинг миллий анъаналарига ҳеч қандай алоқаси йўқлиги ҳақида лом-мим дейишмайди. «Хатна тўйи» (ўша жойда, 296-бет) ҳам шу нуқтаи назардан туриб тақдим қилинади, унинг диний характери тўғрисида ўтган замондагина эслатиб ўтиладию, унинг ҳозир ҳам ўз моҳиятини ўзгартирмаганлиги ва деярли ҳамма жойда ўтказилиши ҳақида эса умуман гапирилмайди.

«Фотиҳа» сўзи (159-бет) лозим даражада изоҳланмаган. Бу ерда гап қуръоннинг биринчи (бошланғич) сураси тўғрисида бормоқда, уни ўқиш инсоннинг ожизлигини, унинг тамоман Оллоҳ иродасига боғлиқ эканлигини тан олишни англатади. Лекин бунга авторлар эътибор беришмайди. Бунинг ўрнига мақолада фотиҳа ўқиш марҳумнинг оила аъзоларига билдирилган таъзия ифодаси ҳисобланган, деб таъкидланади. Кўриб турганимиздек, бу энди атеизм эмас, ислом ақидаларини тарғиб қилишдир.

«Шаҳид» (13-том, 15-бет), «Ўн икки имом» (ўша жойда, 555-бет) мақолалари, шунингдек 14-томдаги диний мавзудаги «Қибла» (61-бет), «Қиёмат» (61-бет), «Қурбонлик» (248-бет), «Қуръон» (263-бет), «Ҳайит» (355-бет) ва шу сингари мақолалар ҳам ана шу руҳда ёзилган. Уларда ислом табиатини танқид қилишдан кўра унинг атрибутикасига кўпроқ эътибор берилади. Ҳолбуки, энциклопедиядан жой олган бундай материаллар диний ақидаларни илмий жиҳатдан кенг миқёсда танқид қилиши, республикадаги реал диний вазиятни кўрсатиши лозим.

Арабларнинг Ўрта Осиё ва Қозоғистонни зўрлик билан мусулмонлаштирганлиги фактлари тўғрисида мутлақо асоссиз равишда лом-мим дейилмайди. Айрим мусулмон руҳонийларининг реакцион роли, фа-

натизми лозимича кўрсатилмаган. Дарвоқе, бу мақолаларда «мусулмон руҳонийлари» деган тушунча умуман йўқ. Унинг ўрнига «руҳонийлар» ибораси ишлатилади. Ваҳоланки, айни шу Ўзбекистон мисолида ислом айрим руҳоний мураббийларининг босмачилик ҳаракатидаги, халқнинг илғор вакилларини таъқиб этишни, жумладан революционер-шоир Ҳамзани ўлдиришни ташкил этишдаги иштирокини яққол кўрсатиб бериш мумкин эди.

Кўриб чиқилаётган масала юзасидан «Ўзбекистон ССР» энциклопедик бир томлиги мақолалари, айникса, ҳозирги Ўзбекистон территориясида феодал жамиятининг ривожланишига бағишланган мақолалар хусусида ҳам жиддий эътирозлар билдириш мумкин. Уларда Ўрта Осиё халқларининг исломгача бўлган даврдаги маданиятини — ёзма ёдгорликлари, илмий асарлари, тасвирий санъатини ва шу сингариларни йўқ қилиб ташлаган ислом динининг реакцион роли амалда кўрсатилмаган (85, 88-бетларга қаралсин). Кўриб чиқилаётган энциклопедияларнинг ҳеч бирида «Шўрои Уламо» ва «Шўрои Исломия» каби панисломистик, миллатчилик ташкилотларида актив ҳамкорлик қилган реакцион мусулмон руҳонийлари аксарият кўпчилигининг фаолиятига аниқ синфий баҳо берилмайди; уларнинг босмачиликдаги, хотин-қизларни озодликка чиқаришга қаратилган «Ҳужум» ҳаракатига қилинган қарши ҳаракатдаги иштироки кўрсатилмаган; ваҳоланки, бевосита руҳонийлар кўрсатмаси билан ўлдирилган юзлаб хотин-қизларни мисол қилиб келтириш мумкин эди.

Ана шу барча китоблардан Ўзбекистон Компартиясининг хотин-қизларга феодал-бойларча муносабатга ва бошқа диний сарқит кўринишларига қарши курашга доир конкрет чора-тадбирлари тўғрисида маълумот излаш бефойдадир. Ҳатто, «Дин», «Урф-одатлар ва маросимлар» деган мақолаларда ҳам («Узбекская ССР», 454—458-бетларга қаралсин) ҳозирги ўзбеклар, тожиклар, қорақалпоқлар турмушидаги ислом идеологиясининг сарқитлари, «муқаддас» деб аталадиган жойларда ва мозорларда дайдиб юрадиган саёқ муллалар фаолияти танқидий нуқтаи назардан анализ қилинмайди. Туб аҳоли маълум бир қисмининг «Қурбон ҳайити», «Рўза ҳайити»ни нишонлаши, «никоҳ», «жаноза» маросимларини ижро этиши, қалин бериши ҳақида лом-мим дейилмаган.

Бундай нуқсонлар «Тошкент» энциклопедиясига ҳам хос. Бу ерда ўқувчи «Баландмачит» (48-бет), «Барокхона мадрасаси» (50-бет), «Каффаль Аль-Шоший мақбараси» (160-бет), «Ҳазрати имом» (371-бет), «Хайробод эшон комплекси» (ў ш а ж о й д а), «Чорҳаким» (387-бет), «Шайхонтоҳур мақбараси» (399-бет), «Юнусхон мақбараси» (410-бет) тарихий ёдгорликлари тўғрисидаги мулоҳазаларни учратадию, лекин бу иншоотлар бахш этилган диний арбобларга берилган ҳеч қандай синфий, тарихий баҳоларни кўрмайди. Унинг ўрнига қуйидаги типдаги нейтрал таърифлар келтирилади: «Шайхга (Ҳовандий Тохурга — **Г. Т.**) сажда қилишни унинг авлоди, темурийлар давлатида руҳонийлар раҳбари бўлган Хўжа Аҳрор алоҳида ҳурмат-эҳтиром даражасига етказган...» (399-бет). Шу муносабат билан ана шу йирик ер эгаси, нақшбандийлар жамоасининг раҳбари, ўз фаолиятини Тошкентда бошлаб, сўнгра Самарқандга бориб олган, у ерда Улуғбекдек, сал кейинчалик — Алишер Навоийдек ажойиб вакиллари бўлган дунёвий ва шаҳар маданиятига қарши диний реакциянинг кутуришига бош бўлган бу реакционер ҳақида ҳеч қандай танқидий материалнинг берилмаганлиги кишини ҳам ҳайратга солади, ҳам афсуслантиради. Хўжа Аҳрорнинг кўрсатмасига биноан Улуғбек расадхонаси вайрон қилинди, олимнинг эса бошини танидан жудо қилишди, деган гаплар бор.

Китобда диний арбобларни тўғридан-тўғри идеаллаштириш, уларга ўзига хос равишда таҳсин ўқиш ҳам учрайди. Чунончи, 371-бетда шундай дейилади: «Ҳазрати имом, Хастимом (Ҳамза кўчаси). Архитектура комплекси. Ўз даврининг ўқимишли кишиларидан бири Муҳаммад Абу-Бакр Қаффаль-Шошийнинг қабри унга асос бўлган». Аслида эса X асрда яшаган бу шайх суннийлик диний-ҳуқуқ йўналишларидан бири — шафиъийлар ортодоксал мазҳабининг энг ашаддий тарғиботчиларидан бири бўлган.

Авторлар ўтмишда яшаб ўтган дин пешволарининг номи билан боғлиқ тарихий архитектура ёдгорликлари тўғрисида гапирар экан, ана шу биноларнинг айримларида ҳозирги кунда жойлашган дунёвий бўлмаган муассасалар, шу жумладан Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг фаолияти ҳақида китобхонларга ҳеч қандай маълумот беришмайди. Ана шу масалага бағишланган мақолада шунингдек СССРда мусулмон диндорларнинг зимдан таъқиб қилиниши ҳақидаги буржуача сохталаштиришларнинг асоссизлигини кўрсатиш, дин аҳлининг тинчлик ўрнатишга қаратилган фаолияти - уларнинг социал тараққиёт ва адолатли халқаро муносабатлар учун курашда иштироки тўғрисида ҳикоя қилиш мумкин эди.

Умуман айрим тарихий воқеаларга ва шахсларга баҳо беришдаги ғайритарихийлик, ғайрисинфийлик тақриз қилинаётган нашрларнинг жиддий камчилигидир. Чунончи, «Ўзбек Совет Энциклопедияси»да ғазовот шиорлари остида Россияга қарши курашган XIX асрдаги Доғистон ва Чечендаги феодал-теократик имомлик раҳбари Шомил (13-том, 94—95-бетларга

каралсин), Темурнинг ўғли Шоҳруҳ (ў ш а ж о й д а, 105—106-бетлар) каби тарихий зотлар ва бошқаларга аниқ синфий характеристика берилмаган. Мусулмон илоҳиятининг айрим арбоблари асоссиз равишда кўкларга кўтарилади. Масалан, Ҳусайн Кошифий (14-том, 473-бетга қаралсин) машҳур прозаик ва илмий асарлар муаллифи сифатида таърифланади. Ҳайдар Мирзо ҳақидаги (14-том, 351-бетга қаралсин), Бобурнинг вориси — Ҳумоюн тўғрисидаги (14-том, 470-бетга қаралсин) мақолалар объектив баҳодан йироқдир. Бобурнинг ўзига келганда эса, фикримизча, «Тошкент» энциклопедиясида у тўғрида мақола бериш мунозаралидир, чунки унинг фаолияти бу шаҳар билан ҳам, Тошкент воҳаси билан ҳам боғлиқ бўлмаган. Бу мақолада Бобурга феодал ҳукмдор сифатида лозим даражада тўла марксистик характеристика берилмайди.

«Узбекская ССР» бир томлик энциклопедиясида бундай камчиликлар айникса яққол кўзга ташланади. Тарихий маълумотлар унда анча батафсил баён қилинган. Ибтидоий жамоа ва қулдорлик тузумлари муфассал таҳлил этилган, Ўрта Осиё халқларининг ахоманийлар, юнон-македонияликлар истилосига қарши кураши, феодал муносабатларнинг шаклланиши, регионни арабларнинг босиб олиши (бунинг натижасида бу ерда ислом жорий қилинган эди) (78—85-бетларга қаралсин) ҳар томонлама кўрсатилган. Лекин Темурга берилган баҳолар жиддий эътирозлар туғдиради, у тўғридаги мақолада Темурнинг Хоразмга, Шимолий Кавказга ва бошқа районларга қилган қонли юришлари ҳақидаги маълумотлар тушириб қолдирилган. Буларнинг ҳаммаси КПСС МКнинг «Тошкент шаҳар партия ташкилотида раҳбар кадрларнинг марксча-ленинча ўқуви ва иқтисодий таълими тўғрисида»ги қарори босилиб чиққанидан сўнг (1972 йил) ёзилган, мазкур қарорда ана шу масала юзасидан жиддий танқид айтилган эди. Китобда шунингдек Қўқон хонларининг қирғиз халқига нисбатан олиб борган босқинчилик сиёсатига ҳам синфий баҳо берилмайди.

Китобда Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилиши билан боғлиқ воқеаларга катта эътибор берилган. Бу ҳаракатнинг прогрессив оқибатлари тўғри акс эттирилган бўлиб, улардан энг муҳими туб меҳнаткаш аҳолининг Россия халқларининг революцион курашидаги иштироки эди. Шу билан бирга авторлар Октябрь революцияси арафасида ва ундан кейин вужудга келган вазиятни ёритишда кўпчилик мусулмон руҳонийлар, клерикал-миллатчи партиялар фаолиятининг реакцион моҳиятини кўрсатишмаган. Ундан ташқари, халқаро авантюрист, пантуркист ва панисломист, босмачилар бошлиғи Анвар-пошшонинг кирдикорлари тўғрисида ҳеч қандай маълумот берилмаган, бу золимнинг бандалари Туркияда юз минглаб арманларни ва Ўрта Осиёда ўзбек, тожик, қозоқ, қирғиз деҳқонларини қириб ташлаган эди.

Туркистон АССРда халқ хўжалигини ривожлантириш проблемалари кўриб чиқилганида ер-сув ислоҳотини ўтказиш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Маданий революцияга, Ўрта Осиёда миллий-давлат чегараланишининг ўтказилишига ва бу тадбирнинг шаклланиш босқичида бўлган социалистик миллатларнинг Ўзбекистон ССР, Туркманистон ССР, Тожикистон ССР, Қорақалпоғистон автоном области составида ўз тақдирини ўзи белгилаши учун аҳамиятига анчагина ўрин ажратилган. Рус халқининг қардошларча ёрдами, социализм қурилишидаги умумий ва ўзига хос жиҳатлар яхши кўрсатилган.

Улуғ Ватан уруши ҳақидаги материал катта қизиқиш уйғотади. Уруш йилларидаги Ўзбекистоннинг ролини, республика меҳнаткашларининг фидокорона ишларини кўрсатувчи фактлар муфассал баён қилинган, ана шу йилларда республиканинг социал структураси жиддий ўзгарган, унинг ишчилар синфи составн эса асосан маҳаллий миллатга мансуб кишилардан таркиб топган эди.

Лекин авторлар урушдан кейинги халқ хўжалигини тиклашни ёритишда саноат ишлаб чиқариши билан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ўзаро алоқадорлиги каби омилга эътибор беришмаган, уларни умумиттифоқ жараёнлари билан боғлашмаган (120—124-бетларга қаралсин). Унинг устига бу давр социал-иқтисодий ва маънавий соҳаларда нуқул муваффақиятларга эришилган бир давр сифатида тақдим этилган. Ўзбекистон ССРни ривожлантиришнинг кейинги даври тўғрисидаги материаллар ҳам нуқул мақтовлардан иборат (124—129-бетларга қаралсин). Китобда мамлакатнинг ягона халқ хўжалик комплексида республика тутган ўрин акс эттирилмаган; Ўзбекистонни иқтисодий ривожлантиришда СССР халқлари интернационал ҳамкорлигининг роли тўғрисида деярли ҳеч нарса дейилмайди.

Социализмни такомиллаштириш шароитида партия ленинча миллий сиёсатининг амалга оширилиши яхши кўрсатилмаган. Лекин кўп миллатли мамлакатимизни ривожлантириш тажрибаси шуни кўрсатдики, бизга ўтмишдан мерос бўлиб қолган зиддиятлар, тенгсизлик ва миллий ишончсизлик бартараф қилинганидан кейин ҳам миллатлар ва элатларни, улар ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш улар олдига жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичига хос бўлган бутун бир проблемалар комплексини қўймоқда. Бироқ авторлар ана шу ўзига хос хусусиятларни ёритишмаган. Ўзбекистон ССРда яшайдиган руслар, украинлар, белоруслар, тожиклар, татар-

лар, корейслар, уйғурлар ва бошқа халқлар вакиллари тўғрисида материалларнинг йўқлиги бир томлик энциклопедиянинг даражасини жиддий пасайтиради.

Китобхон Ўзбекистон Компартияси тарихига бағишланган мақолаларга жиддий эътирозлар билдириши мумкин (132—145-бетларга қаралсин). Авторлар Туркистон большевикларининг социалистик революция ғалабасига, ўлкада Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлашга қўшган ҳиссасини кўриб чиқар экан, партия ташкилотларининг буржуа-миллатчилик клерикал партияларига, босмачиликка, панисломизм ва пантуркизмга қарши курашига доир жўшқин фаолиятини деярли ёритишмайди. Китобхоннинг республикамиз Компартиясининг ҳамма миллат ва элатларнинг амалий тенг ҳуқуқлилигини таъминлашга қаратилган сиёсатни амалга оширишга доир фаолиятининг моҳияти, рус халқининг Ўзбекистон меҳнаткашларига 20—30-йилларда кўрсатган ёрдами нимадан иборат эканлиги тўғрисида аниқ тасаввур олиши мушкул. Китобда шу масала юзасидан конкрет фактлар ўрнига республикани индустриал жиҳатдан ривожлантириш, бу ерда янги саноат корхоналарининг пайдо бўлиши ва шу сингарилар хусусида умумий гаплар айтилган (136-бетга қаралсин). Бунда совет халқи ҳаётидаги СССРнинг ташкил топиши сингари муҳим воқеа ҳақида маълумотларнинг йўқлиги ғалати ҳолдир.

Бир томликда Ўзбекистон Компартиясининг ҳозирги босқичда миллий муносабатларни такомиллаштиришдаги роли кўрсатилмаган. Унинг диний ва маиший сарқитларга қарши кураши ҳақида гапирилмаган.

Энциклопедияда халқ депутатлари Советларига, касаба союзларга, комсомолга анча ўрин ажратилган. Лекин ундан ана шу жамоат ташкилотларининг ислом динининг таъсирини бартараф қилишга, меҳнаткашларни ғоявий-эстетик жиҳатдан тарбиялашга доир иши ҳақида қандайдир маълумотлар топиш қийин. Ўзбекистон комсомоли ҳақидаги мақолада унинг республика ёшларини ватанпарварлик, интернационал ва атеистик руҳда тарбиялашга доир фаолияти умуман акс эттирилмаган.

1983 йилда Тошкентнинг 2000 йиллиги муносабати билан нашр қилинган ва 1984 йилда ҳеч қандай ўзгаришларсиз қайта нашр этилган «Тошкент» энциклопедиясига яна қайтамиз. У ўша пайтга келиб бошқа республикаларда ҳам чоп этилган «шаҳар» энциклопедиялари қаторидан муносиб ўрин олиши керак эди. Авторлар коллективи Ўзбекистон ССР пойтахти социал-сиёсий ва маданий ҳаётининг кўпгина томонларини акс эттирадиган ихчам асар яратиб, катта иш қилди. Шу билан бирга КПСС XXVII съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди, республика Компартияси МК XVI (1984 йил июнь) ва ундан кейинги пленумларида очиб ташланган республикамиздаги салбий ҳодисалар «Тошкент» энциклопедияси мазмунини анализ қилишга танқидий нуқтаи назардан ёндашишга имкон беради.

Нашрга кириш мақоласида мамлакатимизнинг энг қадимги шаҳарларидан ва бугунги кунда гуркираб ривожланаётган индустриал, илмий ва маданий марказларидан бири бўлган Тошкент тарихининг асосий даврлари ғоят схематик формада баён қилинади. Унда асосий тарихий воқеаларни жиддий анализ қилиш ўрнига археологик топилмалар ва архитектура ёдгорликлари билан боғлиқ фактлар наридан-бери ҳикоя қилинади. Шу билан бирга чор ҳукуматининг золим амалдорлари билан биргаликда ўз халқини эзган маҳаллий феодаллар, хонлар, бойлар, мусулмон руҳонийларининг реакцион роли тўғрисида мутлақо ҳеч нарса дейилмайди. «Чоризм ва буржуазия Ўрта Осиёда ўзларининг тор ғаразли мақсадларини кўзлаган эдилар, — дейилади мазкур мақолада, — бу ерда чор маъмурлари юргизган мустамлакачилик характерига эга сиёсат ана шу мақсадларга мос келарди, бу сиёсат ана шу улкан территориядаги туб аҳоли бошига тушаётган жабр-зулм ва ҳақсизликни янада кучайтирарди, бундай вазият Тошкент аҳолисининг аҳволига ҳам таъсир кўрсатган эди» (9-бет). Шундай қилиб, авторлар ўша пайтда Ўрта Осиёда мавжуд бўлган икки томонлама зулм характери тўғрисидаги ғоят муҳим ленинча қоида ҳақида лом-мим дейишмайди. Бу яна бир бошқа йирик нуқсонга олиб келган, яъни: бутун китобда бўлгани сингари мазкур мақолада ҳам бу ерда Октябрь даврида мустамлакачилик режимини ва маҳаллий эксплуататорларни уюшган тартибда улоқтириб ташлашга имкон берган умумхалқ ғазабига қандай социал манбалар асос бўлган эди деган саволга жавоб берилмаган.

Маълумки, Англия ва Америка разведкаси Туркистондаги ёш Совет ҳокимиятини йўқ қилиш учун кўп куч-ғайрат сарфлаган эди. Бироқ энциклопедияда ана шу кучларнинг душманлик фаолиятини ва уларнинг босмачилик ҳаракати, буржуа-миллатчилик, панисломистик партиялар билан алоқаларини очиб берадиган фактлар йўқ.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Тошкентни ривожлантиришда, шаҳарнинг социализмнинг Шарқдаги машъали сифатида равнақ топишида Россия Федерациясининг қардошлик ёрдами тўғрисидаги ишонарли маълумотларнинг йўқлиги — жиддий нуқсондир. Маданий ҳаётни ёритишда ҳам бундай жиҳатлар бўш акс эттирилган. Чунончи, китобда Ўзбекистон ижодий зиёлиларининг дастлабки отрядларини тайёрлаш тўғрисида маълумотлар йўқ. Ҳаттоки, М. Ашрафий (44-бет), С. Эшонтўраева (150-бет), Ҳ. Носирова (223-бет) ҳақидаги мақолаларда уларнинг Москвага

миллий студияларга ўқишга юборилганлиги айтиб ўтилмаган. Ҳолбуки, айни шу фактда партиянинг СССР ҳамма халқларининг ривожланиш даражаларини бараварлаштиришга қаратилган ленинча миллий сиёсатининг моҳияти ёрқин намоён бўлган эди.

Умуман, китобда интернационализм масалалари жуда бўш акс эттирилган. Масалан, Тошкентда ташкил этилган, контрреволюцияни тор-мор қилишда актив иштирок этган интернационал бригадалар фаолияти авторлар эътиборидан четда қолган. Маълумки, улар составида венгр, югослав, чех, хитой, турк, эрон, корейс, ҳинд интернационалистлари курашган эдилар. Тошкентга бошқа республикалардан келган «йигирма беш мингчилар» ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

«Кўп миллатли Тошкент» мавзуи очилмай қолган. Ишчилар синфи, шаҳар Совети депутатлари составн, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, олимлар, адабиёт ва санъат арбоблари тўғрсидаги мақолаларда ҳам бу тўғрида маълумотлар йўқ.

Тарихий-партиявий мавзудаги материаллар ўқувчиларни қониктирмайди. Шундай саволлар туғилади: редколлегия китобга Қ. Маркс, Ф. Энгельс тўғрисидаги мақолаларни қандай асосда киритмаган? Нега В. И. Лениннинг «Туркистонлик коммунист ўртоқларга» хати тўғрисида, шунингдек Туркистон АССР ва Туркистон Компартияси тўғрисида мақолалар йўқ? «ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси» мақоласида негадир шахсларнинг номлари бутунлай тушириб қолдирилган.

Кўзга кўринган партия ва давлат арбоблари, қатор тарихий шахсларнинг нафақат алоҳида хизматларини, шунингдек уларнинг мураккаб ҳаёт йўлини ҳар томонлама кўрсатиш тарихимизни объектив тарзда ёритишга имкон беради, ёш авлод учун катта тарбиявий аҳамият касб этади. Шу муносабат билан, жумладан, шуни қайд қилиш керакки, «Тошкент» энциклопедиясида Ф. Хўжаевнинг фақат хизматлари тўғрисида гапириладию (379-бетга қаралсин), унинг ўз вақтида миллий-оғмачилик хатоларига йўл қўйганлиги ҳақида ҳеч нарса дейилмайди. Бундай қилиш, бизнинг назаримизда, партиянинг ўзларининг вақтинчалик адашишларини бартараф этиб, Ленин иши учун курашган миллий коммунист кадрларни тарбиялашдаги ролини камайтириб кўрсатади.

Бундай камчиликлар ижтимоий фанларнинг бошқа кўплаб масалалари юзасидан ҳам учрайди. Ишонамизки, Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси коллективи илмий жамоатчиликнинг фаол ёрдамида ўз ишини давр руҳига мос равишда қайта қуради ва ўқувчиларни энциклопедияларнинг бундай нуқсонлардан холи бўлган янги нашрлари билан хурсанд қилади.

Г. ТРАПЕЗНИКОВ,
тарих фанлари кандидати.

Редакция адреси: 700000, Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.
Телефонлар: бош редактор — 32-58-01; 32-78-87; бош редактор ўринбосари — 32-58-02; 32-78-93; масъул секретарь — 32-58-03; 33-60-42; масъул секретарь ўринбосари — 32-58-63; 33-60-42; бўлимлар: марксча-ленинча назарияни пропаганда қилиш — 32-58-65; партия ва совет қурилиши — 32-58-68; экономика — 32-58-71, фан ва маданият — 32-58-66; халқаро ҳаёт — 32-58-69; танқид ва библиография — 32-58-70.

Корректорлар: **М. Комилов, Ҳ. Каримов.** Техредактор **Э. А. Кушнарь.**

Теришга берилди 13.10.1987 й. Босишга рухсат этилди 9.11.1987 й. Формати 70×108[1]/16.
Фотонабор. Офсет босма усули. Шартли босма листи 8,4. Нашриёт ҳисоб листи 9,6.
Тиражи 28251. Нашр В-59. Заказ № 2081.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг
Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Тошкент шаҳри, Ленин кўчаси, 41.

ISSN 0134—2193
Индекс 75399

Баҳоси 25 тийин

На узбекском языке
ежемесячный теоретический и политический
журнал ЦК Компартии Узбекистана

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»
«КОММУНИСТ УЗБЕКИСТАНА»

Ордена Трудового Красного Знамени
типография Издательства ЦК Компартии Узбекистана

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

12

ДЕКАБРЬ

1987

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

№ 12
ДЕКАБРЬ
1987 йил

1920 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

Ўзбек ва рус тилларида чиқади

...Қилинган ишларнинг миқёслари жиҳатидан мамлакатимиз Улуғ Октябрь ғалабасидан кейин босиб ўтгани каби давр тарихда ҳали бўлмаган эди. Модомики шундай экан, кашшофларнинг йўлидан боришдан ҳам, бутун куч, ғайрат, билим, қобилиятни Октябрь ғоялари ва мақсадлари тантанаси йўлида сарфлашдан кўра ҳам олий шараф йўқ!

КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачевнинг Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда қилган докладидан.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЁТИ

Тошкент

МУНДАРИЖА

Редакция адреси: 700000. Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.

Телефонлар: бош редактор — 32-58-01; 32-78-87; бош редактор ўринбосари — 32-58-02; 32-78-93; масъул секретарь — 32-58-03; 33-60-42; масъул секретарь ўринбосари — 32-58-63; 33-60-42; бўлимлар: марксча-ленинча назарияни пропаганда қилиш — 32-58-65; партия ва совет қурилиши — 32-58-68; экономика — 32-58-71; фан ва маданият — 32-58-66; халқаро ҳаёт — 32-58-69; танқид ва библиография — 32-58-70.

Корректорлар: **М. Комилов, Ҳ. Каримов.** Техредактор: **Э. А. Кушнарь**

Теришга берилди 11.11.1987 й. Босишга рухсат этилди 4.12.1987 й. Формати 70×108 1/16. Фотонабор Офсет босма усули. Шартли босма листи 8,4. Нашриёт ҳисоб листи 9,3. Тиражи 28251. Нашр В—60. Заказ № 2273

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг
Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Тошкент шаҳри, Ленин кўчаси, 41.

ОКТЯБРЬ ВА ҚАЙТА ҚУРИШ: РЕВОЛЮЦИЯ ДАВОМ ЭТМОҚДА

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлисида Кремлдаги Съездлар саройида 1987 йил 2 ноябрда КПСС МК Бош секретари М. С. ГОРБАЧЕВ доклади

Азиз ўртоқлар!

Муҳтарам чет эллик меҳмонлар!

1917 йил Октябрининг унутилмас кунларидан буён орадан етмиш йил ўтди. Бу ижтимоий тараққиётнинг, чинакам инсоний тарихнинг янги даврини бошлаб берган афсонавий кунлар бўлган эди. Октябрь — инсониятнинг ҳақиқатан ҳам юксак чўққиси, унинг тонготар лаҳзасидир. Октябрь революцияси — халқнинг революцияси ва халқ учун, инсон учун, уни озод қилиш ва камол топтириш учун қилинган революциядир.

Етмиш йил — жаҳон цивилизациясининг кўп асрлик юксалишида унчалик катта давр бўлмаса ҳам, аммо қилинган ишларнинг миқёслари жиҳатидан мамлакатимиз Улуғ Октябрь ғалабасидан кейин босиб ўтгани каби давр тарихда ҳали бўлмаган эди. Модомики шундай экан, кашшофларнинг йўлидан боришдан ҳам, бутун куч, ғайрат, билим, қобилиятни Октябрь ғоялари ва мақсадлари тантанаси йўлида сарфлашдан кўра ҳам олий шараф йўқ!

Юбилей — фахрланиш мавридидир. Қилинган ишлардан фахрланиш мавридидир. Бизнинг зиммамизга жуда оғир синовлар тушди. Биз бу синовларга шараф билан бардош бердик. Шунчаки бардош бериббгина қолмадик. Мамлакатни вайронагарчилик ва қолоқликдан чиқариб олдик, уни қудратли давлатга айлантирдик, турмушни қайта қурдик, инсоннинг маънавий дунёсини таниб бўлмайдиган даражада ўзгартириб юбордик. XX асрда мисли кўрилмаган бениҳоя шиддатли олишувларда ўз турмуш тарзимизга бўлган ҳуқуқни қаттиқ туриб сақлаб қолдик, ўз келажагимизни ҳимоя қилдик. Бизнинг революциямиз, меҳнатимиз ва курашимиз жаҳон тараққиётининг ҳамма соҳаларига — сиёсат ва экономикага, социал соҳага ва замондошларнинг онгига жуда чуқур таъсир ўтказиб келаётганлиги учун ҳам тўла асос билан фахрланамиз.

Юбилей — хотира мавридидир. Ҳар бири муштарак социалистик ғалабаларимизга ҳисса қўшган миллион-миллион кишиларни эсга оламиз. Пўлат қуйган, ғалла эккан, болаларга таълим берган, фан ва техникани олға силжитган, санъат чўққиларини забт этган кишиларни хотирлаймиз. Ватанни ҳимоя қилиш йўлидаги жангда ҳалок бўлган, жонидан кечиб жамиятнинг олға боришига имконият яратган кишиларни қайғу билан эсга оламиз. Бошдан кечирилган кунлар, босиб ўтилган йўлларнинг хотирадан ўчмайдиган онларини эслаймиз, чунки бугунги кунимиз мана шуларнинг шарофатидир.

Юбилей — фикрлаш мавридидир. Баъзан ишларимиз ва тақдиримиз мураккаб, чигал бўлганлиги ҳақида фикр юритамиз. Ҳар қандай ишлар — ҳам қаҳрамонона, ҳам фожиона ишлар, буюк зафарлар ва аччиқ муваффақиятсизликлар бўлди. Биз қизғин яратувчиликнинг етмиш йили ҳақида турмушни революцион ўзгартириш учун ўзининг бутун кучини, социализмнинг бутун буюк қудратини сафарбар этишга тайёр бўлиб турган халқ позицияларида туриб фикр юритамиз.

Юбилей — келажакка назар ташлаш мавриди ҳамдир. Биз улкан, салмоқли ва зўр аҳамиятли ютуқларга эришдик. Бу ютуқлар янги зафарлар учун, жамиятни янада ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор, негиздир. Айни социализмни ривожлантиришни, ленинизм билан Октябрь ғоялари ва практикасини давом эттиришни биз бугунги ишларимиз ва режаларимизнинг моҳияти деб, энг биринчи вазифамиз ва маънавий мажбуриятимиз деб биламиз. Бу эса Октябрнинг, Октябрдан кейин етмиш йил мобайнида қилинган ҳамма ишларнинг тарихий аҳамиятини жиддий ва обдон таҳлил қилиш заруратини тақозо этади.

I. ОКТЯБРЬ ЙЎЛИ— КАШШОФЛАР ЙЎЛИ

Ўртоқлар! Биз кашшофларга хос жуда катта ва мураккаб йўлни босиб ўтдик. Бу йўлни қисқача таҳлил билан қамраб олиб бўлмайди. Эски дунё моддий ва маънавий сарқитининг, биринчи жаҳон уруши ва гражданлар уруши, интервенция оқибатларининг оғирлигини ҳам; ўзгартиришларнинг янгилигини, одамларнинг шу ўзгартиришларга боғлаган умидларини, кўпинча орқага назар ташлаш, ўйлаб кўриш учун вақт қолдирмайдиган одатдан ташқари янгилик кириб келишининг суръатлари ва микёсларини ҳам; революцион бўронлар даврларида алоҳида роль ўйнайдиган субъектив омилларни ҳам; революцион даврнинг келажак ҳақидаги катта талаблари руҳи билан суғорилган ва кўпинча жўн, содда тасаввурларни ҳам; янги турмуш учун курашчиларнинг ҳамма ишни имкон борича тезроқ, яхшироқ, адолатлироқ қилишга беаёв, сидқидил интилишини ҳам назарда тутяпман.

Босиб ўтилган йўл — унинг қаҳрамонлиги ва мушкуллиги замондошларни тўлқинлантирмай қола олмайди. Бизнинг тарихимиз битта, у — муқаррар. У қандай ҳис-туйғуларни юзага келтирмасин, у бизнинг тарихимиз, у биз учун азиз. Бугун биз дунёни ларзага солган Октябрь кунларига назар ташлаймиз, у кунлардан метин маънавий таянч ҳам, ибратли сабоқлар ҳам излаймиз ва топамиз. Октябрь танлаб олган социалистик йўлнинг тўғрилигига қайта-қайта ишонч ҳосил қиламиз.

Инсоният тарихий тараққиёти объектив мантиқининг ўзи бизни шу маррага олиб келди. Цивилизация олға ҳаракатининг йўллари нақадар зиддиятли ва хилма-хил бўлмасин, Октябрь революцияси меҳнаткашларнинг озодлик ва тинчлик учун, социал адолат учун, синфий, миллий ва маънавий зулмга қарши кўп асрлик кураши ғоялари ва практикаси ривожининг қонуниятли натижаси бўлди.

1917 йил социализмни ёки капитализмни танлаб олиш давримизнинг асосий бирдан-бир тўғри социал йўли эканини, XX асрда социал ташкилотнинг юксакроқ формаси — социализм сари бормай туриб олға силжиш мумкин эмаслигини кўрсатди. Лениннинг мана шу таг-заминли хулосаси ҳозир шу хулоса чиқарилган пайтдагидек муҳим бўлиб турибди. Шитобли ижтимоий тараққиётнинг қонунияти мана шундай.

Россиядаги революция ўтмишнинг буюк гуманистларидан тортиб то XIX ва XX асрларнинг пролетар революционерларигача бўлган инсоният энг заковатли кишилари озодлик муддаоларининг чўққиси, орзу-умидларининг жонли мужассами бўлди.

1917 йил тарихимизга хос эркин ривожланиш ва мустақиллик учун халқ курашининг, илғор миллий ҳаракатларнинг, крепостнойликка қарши деҳқонлар қўзғолонлари ва урушларининг кудратини ўзига сингдирди. У XVIII аср маърифатпарварларининг, декабристлар ҳаракати қаҳрамонлари ва жафокашларининг, революцион демократия оташин нотиқларининг маънавий изланишларини, маданиятимиз буюк арбобларининг маънавий фидойилигини ўзида мужассамлаштирди.

XX аср тонгида Владимир Ильич Ленин маҳкам жипслашган маслакдошлар группасини Россияда янги типдаги пролетар партиясини тузиш йўлидан ўзига эргаштириб борган вақт мамлакатимиз тақдири учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга

бўлди. Лениннинг айни шу улуғ партияси халқни, унинг энг яхши, софдил кучларини эски дунёга қарши ҳужум бошлашга отлантирди.

1905—1907 йиллардаги биринчи Россия революцияси Октябрнинг муваффақияти пойдеворига тамал тошини қўйди. Тўққизинчи январнинг аччиқ сабоқлари ҳам, Москвадаги декабрь баррикадаларининг фидокорона қаҳрамонлиги ҳам, озодлик йўлидаги минг-минглаб номлари маълум ва номаълум курашчиларнинг жасорати ҳам, Совет ҳокимиятининг тимсоли — дастлабки ишчи Советларининг вужудга келиши ҳам шулар жумласига киради.

Улуғ Октябрнинг ғалабаси империализм даврининг биринчи музаффар халқ революцияси бўлган 1917 йил Февраль революциясининг ғалабаларидан ҳам келиб чиқди. Февраль ғалабасидан кейин революция мисли кўрилмаган даражада тез ривожланиб кетди. Солдат шинелини кийган ишчилар билан деҳқонлар бу революциянинг асосий қатнашчилари бўлдилар. 1917 йилнинг баҳори умумхалқ ҳаракатининг қудратини кўрсатди. Айни вақтда унинг чекланганлиги, шу босқичда революцион онгнинг зиддиятлилиги, тарихий инерциянинг кучи ҳам намоён бўлди, мана шуларнинг натижасида умри тугаб бораётган эксплуататор синфлар халқ ғалабасининг самараларидан вақтинча фойдаланиб қолишга муваффақ бўлдилар.

Февраль революцияси Октябрь қўлига асосий қуролни — қайта тикланган Советлар сиймосидаги ҳокимият ташкилотини берди. Февраль реал демократизмнинг, оммани амалда сиёсий тарбиялашнинг қўш ҳокимиятчилик ғоят мураккаб шароитларида орттирилган илк тажрибасидир. Февраль ҳокимиятни меҳнаткашлар қўлига тинч йўл билан ўтказиш имконияти жиҳатидан, афсуски, тарихий вазиятлар оқибатида воқеликка айланмаган имконият жиҳатидан ҳам ноёб воқеадир. Февраль Октябрь йўлидаги жуда муҳим тарихий босқич бўлди.

Февраль революциясида қатнашган синфий кучларнинг мураккаб мажмуасида ва ўзаро курашида Ленин социалистик революция ғалабасининг очилган имкониятларини доҳиёна пайқаб олди. Апрель тезислари мана шу тарихий шароитда илмий башорат ва революцион ҳаракат программасининг намунаси бўлди. Ленин буржуа-демократик революциянинг ўсиб, социалистик революцияга айланиш мантиқинигина эмас, шу билан бирга мазкур жараённинг формасини бу жараён Советлар орқали, Советларни большевиклаштириш орқали ўтишини кўрсатиб берди, бунинг моҳияти халқнинг, омманинг ўзи олиб бораётган кураш моҳиятини англаб олишида ва революцияни ўз манфаатлари йўлида онгли равишда амалга оширишида ёрдамлашишдан иборат эди. Февралдан Октябргача бўлган йўл — жўшқин ижтимоий ўзгаришлар даври, омманинг тез сиёсий камол топиш даври, революция ва унинг авангарди — Ленин партиясининг жипслашув даври бўлди.

Ўша даврда — Февралдан Октябргача — Ленин ва унинг сафдошларининг сиёсий маҳорати алоҳида куч билан намоён бўлди, улар революцион фикр ва ҳаракатнинг жонли диалектикаси ибратли сабоғини бердилар. Партия раҳбарияти коллектив ижодий изланиш, синқа усуллардан, кечагина, бошқача шароитда ҳеч шубҳасиз ва бирдан-бир тўғри бўлиб туюлган шиорлардан воз кечиш қобилиятини намойиш этди. Ленин фикри кечишининг ўзи, большевикларнинг бутун фаолияти догматизмга қарши, чинакам диалектик, бинобарин, янги тафаккурнинг жуда яққол намунаси бўлди, деб айтиш мумкин. Бу фаолият иш форма ва методларининг тез ўзгартирилиши, тактик ечимларнинг пухталиги ва ноёблиги, сиёсий дадиллиги билан ажралиб турар эди. Айникса революция ва тинчлик, социализм ва тараққиёт тақдири ҳал этиладиган қалтис, бурилиш даврларида ҳақиқий марксчи-ленинчилар худди шундай ва фақат шундай фикрлайдилар ва ҳаракат қиладилар.

1917 йилнинг апрелига қайтайлик: Лениннинг социалистик революция сари бурилиш программаси кўп кишиларга — дўстларга ҳам, душманларга ҳам хом хаёл, ғаройиб ҳавас самараси бўлиб туюлган эди. Бироқ, фақат мана шу программа революцияни янада ривожлантиришнинг сиёсий негизи, моҳият жиҳатидан эса социал нажот негизи, миллий фалокатнинг олдини олиш асоси бўлиши мумкинлигини ва амалда шундай бўлганлигини ҳаёт кўрсатди.

1917 йилнинг июль кунларини эсга олайлик. Партия бутун ҳокимиятни Советлар қўлига олиш шиоридан алам билан воз кечишга мажбур бўлган эди.

Аммо бошқача йўл тутиб бўлмас эди, чунки Советлар бирмунча вақт эсерлар ва меньшевиклар қўлига ўтиб, контрреволюция қаршисида ожиз бўлиб қолган эди. Шунда Ленин революциянинг томир уришини сезгирлик билан кузатиб борди. Советларнинг кураш жараёнида чинакам халқчил моҳият касб этиб, янгидан туғила бошлаганини, бу эса уларнинг ғолибона қуролли қўзғолон органи, сўнгра эса ишчи-деҳқонлар ҳокимиятининг сиёсий формаси ҳам бўлишига имкон берганлигини доҳиёна белгилаб берган эди.

Мана шуларнинг ҳаммаси Улуғ революция солномасининг шунчаки саҳифалари эмас, бу — коммунистларнинг доимо воқеалар марказида бўлиш, дадил қарорлар қабул эта олиш, ҳозирги кун ва келажак учун масъулиятни тўла-тўкис зиммага ола билишдан иборат юксак бурчини бизга, ҳозир яшаб турган кишиларга доимо эслатиб ҳам турибди.

Октябрь революцияси миллион-миллион кишиларнинг қудратли жасорати бўлди, ишчилар синфининг туб манфаатлари, деҳқонларнинг асрий орзу-умидлари, солдат ва матросларнинг тинчликка ташналиги, кўп миллатли Россия халқларининг озодлик ва рўшнолнкка кучли интилиши шу жасоратда бирлашган эди. Большевиклар партияси турли манфаатларнинг мураккаб мажмуаси орасидан энг муҳимини топа олди, турли-туман тенденциялар ва муддаоларни бирлаштириб, уларни революциянинг асосий масаласи — ҳокимият тўғрисидаги масалани ҳал этишга қарата олди. Бинобарин, пролетариат диктатураси давлати ўзининг дастлабки Сулҳ ва Ер тўғрисидаги декретларида замон талабларига амалий иш билан жавоб берди, ишчилар синфининггина эмас, айни вақтда мутлақ кўпчилик халқнинг ҳам чуқур манфаатларини ифодалади.

Ҳозир октябрь кунларининг яна бир жуда муҳим, принципиал сабоғини эслатиб ўтиш зарур. Турмуш, революцион воқелик ўртага қўяётган масалага — социализмга бориш йўли назарий «модели»нинг социалистик қурилиш реал практикасига нисбати тўғрисидаги масалага Ленин берган жавоб бизнинг давримизда бениҳоя муҳимдир. Марксизм-ленинизм — тайёр қоидалар ва доктринёрлик йўл-йўриқларининг йиғиндиси эмас, балки ижодий таълимотдир. Қалтабин догматизмга ёт бўлган марксча-ленинча таълимот новаторларча назарий фикрнинг практика билан, революцион кураш жараёнининг ўзи билан актив ўзаро боғланишини таъминлайди. Улуғ Октябрь — бунинг ғоят сабоқ бўларли намунасидир.

Ўша даврдаги ишчилар ҳаракатининг кўпгина, ҳатто йирик арбоблари ҳам Октябрь социалистик революциясини қонуниятли ҳодиса деб билишдан воз кечганликлари: гўё у «қоидадан ташқари», таркиб топган назарий қарашларга номувофиқ тарзда содир бўлди, деб айтганликлари маълум. Уларнинг назарида Россия капитализми 1917 йил октябригача социализмнинг ҳамма зарур моддий ва маданий шарт-шароитларини яратиб бермаган эди. Революциямизнинг бундай танқидчиларига Ленин қандай жавоб қайтарганлигини эслаш ибратли ва фойдали деб ўйлайман. «Сиз, социализмни барпо этиш учун цивилизацияли бўлиш керак, дейсиз, — деб эътироз билдирди у. — Жуда яхши. Хўш, нима учун биз даставвал помешчикларни ҳайдаб юбориш ва Россия капиталистларини ҳайдаб юбориш йўли билан цивилизация учун зарур шароитни ўзимизда вужудга келтириб, сўнгра социализм сари ҳаракат қила бошламаймиз?»

Марксизмни догматик тарзда, расмиятчилик билан талқин этувчилар бу таълимотдаги асосий хусусиятни — унинг революцион диалектикасини тушуна олмас эдилар. Лениннинг Октябрдан кейинги бутун фаолияти айни шу хусусият билан ажралиб туради. Айни шу фаолият минг-минглаб кишиларнинг ҳаётини, социалистик Ватан ҳаётининг ўзини қутқариб қолган сиёсий ва маънавий жасорат бўлган Брест сулҳини бениҳоя қалтис шароитда тузишга ёрдам берди.

Бошқа бир мисол. Маркс билан Энгельс каби Ленин ҳам халқ милицияси революциянинг қуролли посбони бўлишига эътиқод билан ишонган эди. Бироқ конкрет шарт-шароитлар бошқача қарорга келинишини тақозо этди. Халқ бошига солинган гражданлар уруши, ташқи интервенция янгича ёндашувни талаб қилди. Лениннинг декретига биноан Ишчи-Деҳқон Қизил Армияси тузилди. Бу янги типдаги армия бўлди, у гражданлар урушида ва чет эл интервенциясини даф қилишда ўзини сўнмас шуҳратга чулғади.

Шу йилларда ёш Совет ҳокимияти қаттиқ синовларга дуч келди. Социализм яшайдими ёки барбод бўладими? — деган савол тўғридан-тўғри ва қатъий тарзда кўндаланг бўлиб қолди. Партия халқни жипслаштириб социалистик Ватанни, Октябрь ғалабаларини ҳимоя қилишга сафарбар этди. Оч-яланғоч, ёмон қуролланган қизил жангчилар яхшилаб ўқитилган ва қуроллантирилган, Ғарб ва Шарқ империалистлари зўр бериб боққан контрреволюция армиясини тор-мор қилдилар. Гражданлар урушининг оловли ларзаси бутун мамлакат бўйлаб, ҳар бир оиладан ўтган эди, одатдаги турмуш укладини, одамларнинг психологияси ва тақдирини бутунлай ўзгартириб юборди. Халқнинг иродаси, миллионларнинг янги турмуш муддаоси шу ҳаёт-мамот жангида ғолиб келди. Мамлакат ёш армияга ёрдам бериш учун ҳамма ишни қилди, Ленин ўртага ташлаган: «Ҳамма нарса ғалаба учун!» шиори остида яшади ва ишлади.

Тилларда достон бўлган қаҳрамонлар — жасур денгизчилар ва отлиқ аскарлар, ёш Қизил Армия жангчилари ҳамда командирлари ва қизил партизанларнинг жасорати хотирамизда асрлар оша муҳрланиб қолади. Улар революцияни ҳимоя қилдилар, уларга абадий шон-шарафлар бўлсин!

Янги иқтисодий сиёсат тўғрисидаги қарор ҳам жуда теран революцион диалектика руҳи билан суғорилган эди, бу сиёсат социализм тўғрисидаги, уни қуриш йўллари ҳақидаги тасаввурлар уфқини анча кенгайтирди.

Ёки бошқа бир масалани олиб кўринг. Маълумки, Ленин «кооператив социализм» чекланганлигини танқид қилган эди. Октябрдан кейин халқ ҳокимиятни ўз қўлига олиши натижасида вужудга келган конкрет шароитда эса у мазкур масалага янгича назар ташлади. «Кооперация тўғрисида»ги мақолада социализм «цивилизацияли кооператорлар» жамияти бўлиши ҳақидаги қоида ишлаб чиқилди.

Революцион таълимот моҳиятининг ўзини ифодалаган ва Ленин бекаму-кўст эгаллаб олган марксча диалектиканинг кучи ва дадиллиги мана шундай бўлган эди. Янги дунёни барпо этишда «бошлаган ишни кўп марталаб охирига етказишимизга, қайтадан қилишимизга, қайтадан бошлашимизга тўғри келади», деб ҳисоблаган эди у.

Дарҳақиқат, биз бошланган ишни неча марталаб охирига етказишимизга ва қайтадан қилишимизга, узоқ давом этган шиддатли курашга бардош беришимизга, бурилиш, революцион характердаги тарихий жараёнларни бошдан кечиришимизга тўғри келди. Мана шулар эса олға томон қиладиган ҳаракатимизнинг вазиятларини, шароитини кўп жиҳатдан ўзгартириб юборди. Мана шулар бизнинг ўзимизни ҳам ўзгартирди, чиниқтирди, тажриба, билим билан бойитди, революция ишининг муваффақиятига янада кўпроқ ишонч бахш этди.

Биз босиб ўтган йўлни жаҳоншумул-тарихий микёсда баҳолаганда қайта-қайта шунга ишонч ҳосил қиламиз: қисқа муддат ичида биз бошқалар юз йиллар мобайнида қилган ишни уддаладик.

Капитализм ўртача даражада ривожланган, саноат юксак даражада концентрациялашган, деҳқон аҳолиси кўпчиликни ташкил этган, феодализмнинг ва ҳатто ундан аввалги ижтимоий формацияларнинг сарқитлари чуқур бўлган мамлакатда социалистик революция амалга оширилди. Россия фан ва маданият соҳасида улуғвор ютуқларни жаҳонга намойиш этди, аммо аҳолисининг тўртдан уч қисми саводсиз эди. Империалистик уруш ва ношуд бошқарув сабабли мамлакат ҳаддан ташқари хонавайрон бўлган эди.

Янги турмуш қуришнинг намуналари йўқ эди, у бунёдкорлик ечимларини тинимсиз изланишни тақозо қилар эди. Коммунистлар партиясининг мақсади равшан эди — бу мақсад революция ва социализм йўлидан, Совет ҳокимиятидан иборат эди. Ленин партияни айни шу йўлдан олға бошлади.

Омманинг жонли ижодкорлигида, кўп укладли Россиянинг жуда мураккаб материалидан бўлажак социалистик тузум принциплари ва нормалари, жамиятни ташкил этишнинг тарихда мисли кўрилмаган формалари аниқ-равшан шаклланa борди. Халқ ҳокимиятининг формалари, мулкни умумлаштириш йўллари ва чегаралари, социалистик ишлаб чиқаришни ташкил этиш, янги, ўртоқларча интизомни йўлга қўйиш тўғрисидаги, инсоннинг янги жамиятдаги ўрни ва роли ҳақидаги аввалига соф назарий бўлган тасаввурларга аниқлик киритилаверди, улар реал ҳаётий мазмун билан бойитилаверди.

Октябрнинг асосий мазмуни янги турмушни бунёд этишдан иборатдир. Бу ишда бир кун ҳам узилиш бўлгани йўқ. Ҳатто қисқа муддатли нафасни ростлаб олишдан ҳам қурилиш учун, социалистик келажак йўлларини излаш учун фойдаланилди.

Йигирманчи йилларнинг бошларида халқ ташаббуси ва ижоди жуда юксакликка кўтарилди. Бу йиллар социал новаторликнинг, ишчилар синфи билан меҳнаткаш деҳқонлар иттифоқининг энг мақбул формаларини қидиришнинг, меҳнат аҳли манфаатларининг ғоят кенг доирасини рўёбга чиқариш механизмини шакллантиришнинг чинакам революцион лабораторияси бўлиб қолди.

Партия уруш ва вайронагарчилик шароитида мажбуран олиб борилган ишлаб чиқариш ҳамда истеъмолни ташкил этишнинг ҳарбий-коммунистик методларидан социал воқеликка таъсир кўрсатишнинг янада пухта, иқтисодий асосланган, «мунтазам» воситаларига ўтиб борди. Янги иқтисодий сиёсат чоралари социализмнинг моддий пойдеворини қуришга қаратилди.

Ҳозир биз Ильичнинг сўнгги асарларига, Лениннинг Янги иқтисодий сиёсат ғояларига борган сари тез-тез мурожаат қилмоқдамиз, бу тажрибанинг энг қимматли томонларини, биз учун бугунги кунда зарур бўлган жиҳатларини олишга интилмоқдамиз. Янги иқтисодий сиёсат билан ҳозир тараққиётнинг мутлақо бошқа босқичида турган вақтимизда қилаётган ишларимизни тенглаштириш хато бўлур эди, албатта. Мамлакатда ҳозир яккаҳол деҳқонлар йўқ, ҳолбуки улар билан тузилажак иттифоқ йигирманчи йиллар иқтисодий сиёсатининг энг зарур мақсадларини белгилаб берган эди.

Лекин Янги иқтисодий сиёсат бирмунча узоқ мақсадларни ҳам кўзлаган эди. Янги жамиятни «Бевосита ғайрат-шижоат асосида эмас, балки буюк революция туғдирган ғайрат-шижоат ёрдами билан, шахсий манфаат асосида, шахсий манфаатдорлик асосида, хўжалик ҳисоби асосида» қуриш вазифаси қўйилган эди. «Турмуш бизга шуни кўрсатди, — деб ёзган эди Ленин. — Революциянинг объектив ривожланиб бориши бизга шуни кўрсатди».

Янги иқтисодий сиёсатнинг ижодий потенциали ҳақида гапирган вақтда афтидан, озиқ-овқат солиғи ғоясининг сиёсий ва методологик бойлигини яна бир бор тилга олиш керак бўлади. Равшанки, бизни бу сиёсатнинг ишчилар билан деҳқонлар ўртасида боғланишни таъминлаб бериши керак бўлган ўша вақтдаги формалари ўзига жалб қилаётгани йўқ, балки бизни қизиқтираётган нарса озиқ-овқат солиғи ғоясида мужассамлашган омманинг бунёдкорлик ғайратини рўёбга чиқариш, инсоннинг ташаббускорлигини ошириш, социализмнинг асосий принципи бўлган «Ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга меҳнатига яраша» деган принципнинг амал қилишини чеклаб қўядиган бюрократик тўсиқларни бартараф этиш имкониятларидир.

В. И. Ленин раҳбарлигида бошланган социалистик қурилиш кўпгина принципиал янгиликлар берди.

Жаҳон тарихида биринчи марта планли хўжалик юритиш усуллари ишлаб чиқилди ва қўлланилди. ГОЭЛРО плани — чинакам кашфиёт, жаҳон иқтисодий тафаккури ва амалиёти ривожланишидаги бутун бир босқичдир, улуғвор электрлаштириш планигина эмас, балки Ленин фикрича, деҳқончиликни, саноатни ва транспортни «уйғун равишда қўшиб олиб бориш» лойиҳасидир. Ҳозирги тил билан айтадиган бўлсак, — мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучларини жойлаштириш ва ривожлантиришнинг комплекс программасидир. Ленин уни партиянинг иккинчи программаси, «Бутун халқ хўжалигини янгидан барпо этиш ва уни ҳозирги замон техникаси даражасига кўтариш соҳасидаги ишлар плани» деб атади.

Ўтмиш тажрибасини ҳам, революция уйғотган ҳамда халққа хизмат қилишга илҳомлантирган талантларнинг, эркин даҳоларнинг ранг-баранг бойлигини, жасоратини, ўзига хослигини ҳам ўз ичига олган янги маданият дунёга келди. Кўп миллатли Советлар давлатини ташкил этишнинг бошланғич, ленинча босқичи ўз натижалари жиҳатидан эмас, шу билан бирга тажрибаси, методологияси жиҳатидан ҳам биз учун ҳамиша аҳамиятли бўлиб қолади.

Ленин «НЭП Россиясидан социалистик Россия дунёга келадиган» вақт ҳақида ўйлар экан, келгуси жамият манзарасини батафсил ва ипидан игнасигача чизиб бера олмас эди, зотан у бундай вазифани ўз олдига қўймаган ҳам эди. Машина

индустриясини барпо этиш, кенг кўламда кооперациялаш, меҳнаткашлар оммасининг ҳаммасини давлатни бошқаришга, давлат аппарати ишини «оз бўлсину, соз бўлсин» принципи асосида ташкил этишга жалб қилиш орқали, «бутун халқ оммасини маданий ривожлантириш», «ёлғон ва зўрликсиз» эркин миллатлар федерациясини мустаҳкамлаш орқали социализм сари боришнинг йўллари, усуллари — худди ана шулар жамиятни ташкил этишнинг мутлақо янги босқичига кўтарилиб бораётган мамлакат қиёфасини шакллантириши керак эди.

Лениннинг ниҳоятда интеллектуал ва таъсирчан сўнгги асарларида мамлакатимизда социализм қурилиши тўғрисидаги қарашлар системаси ва бу ҳақдаги концепциянинг ўзи ҳам таркиб топди. Бу асарлар партиянинг жуда катта назарий бойлигидир.

Владимир Ильич Лениннинг бевақт вафоти бутун партия ва совет халқини ғоят қаттиқ ларзага солди. Ғам-аламнинг чеки йўқ эди. Бу жудоликнинг ўрнини ҳеч нарса боса олмас эди. Буни ҳамма тушунарди. Олдинда жуда катта тарихий аҳамиятга эга бўлган ишлар турарди. Партиянинг раҳбарлари Ленинсиз, унинг таълимоти ҳамда васиятларига амал қилиб, революция ютуқларини мустаҳкамлайдиган ва мамлакатни ўша вақтдаги Совет Россиясининг конкрет шароитида социализмга олиб борадиган энг мақбул ечимларни излаши керак эди.

Тарих янги тузум олдига жуда қаттиқ талаб қўйди: ё ғоят қисқа муддат ичида ўз социал-иқтисодий ва техникавий базасини яратиб, яшаб қолиши ва инсониятга жамиятни одилона ташкил этишнинг биринчи тажрибасини бериши, ёхуд нари борганда, сўниб, асрлар хотирасида қаҳрамонона, лекин муваффақиятсиз чиққан социал тажриба бўлиб қолиши керак эди. Аввало социалистик ўзгартишларни жадал суръатлар билан амалга ошириш масаласи ҳаётий муҳим масала бўлиб қолди, том маънода олганда тақдирни ҳал қиладиган аҳамият касб этди.

Лениндан кейинги давр — 20 ва 30-йиллар Совет давлати тарихида алоҳида ўрин эгаллади. Атиги ўн беш йил ичида туб ижтимоий ўзгаришлар амалга оширилди. Бу йиллар социалистик қурилишнинг энг мақбул вариантларини излаш нуқтаи назаридан ҳам, янги жамият негизларини барпо этишда қўлга киритилган реал ютуқлар нуқтаи назаридан ҳам жуда кўп нарсани ўз ичига қамраб олди. Бу йиллар инсоннинг бор имкониятларини ишга солиб жуда қаттиқ меҳнат қилиш, кўп соҳаларда кескин кураш олиб бориш йиллари бўлди. Индустриялаш, коллективлаштириш, маданий революция, кўп миллатли давлатни мустаҳкамлаш, СССРнинг халқаро позицияларини қарор топтириш, экономикани ва бутун ижтимоий ҳаётни бошқаришнинг янги формалари — буларнинг ҳаммаси ана шу даврга тўғри келди. Бу ишларнинг ҳаммаси келажак учун катта аҳамиятга эга эди.

Неча ўн йилликлар давомида биз бу даврни қайта-қайта эсга оламиз. Бу табиийдир. Чунки жаҳонда биринчи социалистик жамият ўша вақтда бошланди, ўша вақтда қурилди. Бу тарихий кўламга ва тарихий аҳамиятга молик жасорат эди. Мана шу жасоратлар ва ютуқлар абадий яшаганидек, биз ҳам ота ва боболаримиз жасоратига ҳамиша таҳсин ўқиймиз, қўлга киритган ютуқларимизга берилган баҳолар абадий яшайди. Модомики, биз бугун ўз тарихимизга баъзан танқид кўзи билан қараётган эканмиз, бундан мақсад шуки, келажакка олиб борадиган йўлимизни яхшироқ, тўлароқ тасаввур қилишни истаймиз.

Ўтмишга тарихий масъулият ҳисси билан ва тарихий ҳақиқат асосида баҳо бермоқ керак. Биринчидан, ўша йиллар давлатимиз тақдири учун, социализм тақдири учун жуда катта аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли шундай қилмоқ керак. Иккинчидан, бу йиллар бизнинг мамлакатимизда ҳам, чет элда ҳам кўп йиллардан бери давом этиб келаётган мунозаралар марказида турибди. Чет элда ҳақиқатни излаш билан бир қаторда кўпинча социализмни янги ижтимоий тузум сифатида, капитализмнинг реал альтернативаси сифатида обрўсизлантиришга уринилмоқда. Ниҳоят тарихимизнинг мана шу ва бошқа барча даврларига ҳаққоний баҳо бериш биз учун айниқса ҳозир, қайта қуриш авж олиб кетган бир вақтда зарурдир, бу нарса сиёсий ўч олиш ёки юракни бўшатиб олиш учун эмас, балки ўтмишда қилинган барча қаҳрамонона ишларни муносиб баҳолаш учун, хато ва камчиликлардан сабоқ чиқариб олиш учун керак.

Шундай қилиб, Лениндан кейинги 20—30-йиллар ҳақида. Партия ва жамият социализм қуришнинг ленинча концепцияси билан, Владимир Ильичнинг Октябрдан кейинги даврда ёзган асарлари билан қуролланган бўлишига қарамай,

социализм қуриш йўлларини излаш жуда қийин, кескин ғоявий кураш шароитида, сиёсий мунозаралар шароитида борди. Бу мунозаралар марказида жамиятни ривожлантиришнинг туб проблемалари, аввало — мамлакатимизда социализм қуриш мумкинлиги масаласи турди. Назарий фикр ва амалиёт социал-иқтисодий ўзгартишларни қайси йўлдан ва қандай формаларда амалга ошириш кераклигини, Совет Иттифоқи яшаб турган конкрет тарихий шароитларда бу ўзгартишларни социалистик негизда ҳал этишни қандай таъминлаш кераклигини излади.

Кун тартибида амалий, конструктив иш турар, бу иш ғоят катта масъулиятни талаб қилар эди. Аввало мамлакатни индустриялаш ва экономикани реконструкциялаш масаласи ўткир қилиб қўйилди, бусиз социалистик қурилишни амалга ошириб, мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаб бўлмас эди. Бу масала Лениннинг бевосита кўрсатмаларидан, унинг назарий меросидан келиб чиқар эди. Қишлоқдаги социалистик ўзгартишлар масаласи ҳам ана шу тарзда ва Ленин васиятларига мувофиқ тарзда қўйилган эди.

Шу тариқа гап бурилишни таъминлайдиган ғоят катта ишлар, проблемалар ҳамда вазифалар ҳақида борар эди. Такрор айтаман, гарчи партия мазкур масалалар хусусида Лениннинг йўл-йўриқларига эга бўлса-да, улар теварагида кескин мунозаралар авж олиб кетди.

Афтидан шуни айтиш ўринлики, революциядан олдин ҳам, кейин ҳам, социалистик қурилишнинг дастлабки йилларида партиянинг ҳамма раҳбарлари ҳам бир қанча жуда муҳим проблемалар бўйича Лениннинг фикрига қўшилган деб бўлмайди. Бундан ташқари Лениннинг тавсиялари янги жамият қуришнинг ҳамма конкрет масалаларини ўз ичига ололмас эди. Ўша вақтдаги ғоявий баҳсларни анализ қилганда шуни назарда тутиш кераккн, ўша вақтдаги Россия каби бир мамлакатда жуда катта революцион ўзгартишларни амалга оширишнинг ўзи ғоят қийин вазифа эди. Мамлакат тарихий юришни бошлаган, унинг ривожланиши кескин жадаллашиб бораётган, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жиҳатлари тез ва чуқур ўзгариб бораётган эди.

Синфлар, социал группалар ва қатламларнинг ғоят хилма-хил манфаатларини, давр талаблари ва вазифаларини, тарихий анъаналарни ҳамда долзарб вазифалар тазйиқини, шунингдек душман капиталистик қуршовининг шарт-шароитларини ўзида акс эттирган бу ғоявий кураш экономика, сиёсатдаги, одамлар ҳаётининг барча соҳаларидаги воқеалар ва жараёнлар билан маҳкам чирмашиб кетган эди.

Хуллас, шу қадар мураккаб ва жўшқин вазиятни англаб, бирдан-бир тўғри йўлни топиш ғоят қийин эди. Ғоявий кураш характери партия раҳбарлари орасидаги шахсий рақобат туфайли ҳам анча мураккаблашди. Ленин ҳаётлик чоғидаёқ мавжуд бўлган эски ихтилофлар янги вазиятда ҳам жуда кесин шаклда ўз кучини кўрсатди, маълумки, Ленин бундай хавф тўғрисида огоҳлантирган эди. У «Съездга хат»да «бу майда нарса эмас, ёки бу ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган майда нарсадир», деб таъкидлаган эди. Кўп жиҳатдан шундай бўлиб чиқди ҳам.

Айрим обрўли арбобларнинг майда буржуача руҳи устун келди. Улар фракциячилик йўлига ўтиб олдилар. Бу ҳол партия ташкилотларини издан чиқарди, амалий ишдан чалғитди, ишлашга халақит берди. Бу арбобларнинг қарашлари ленинча ғоялар ва планларга қарши эканлиги, уларнинг таклифлари хато бўлиб, мамлакатни тўғри танлаб олинган йўлдан чалғитиши мумкинлиги партия аъзоларининг аксарият кўпчилигига аён бўлган вақтда ҳам улар ажралишга уринишни давом эттирдилар.

Бу гап аввало Л. Д. Троцкийга тегишли. У Ленин вафотидан кейин партияга раҳбарликни қаттиқ даъво қилиб, Лениннинг у ҳақда ҳаддан ташқари ўзига ишонадиган, ҳамма вақт айёрлик, ғирромлик қилувчи сиёсатчи, деб берган баҳосини тамомила тасдиқлади. Троцкий ва троцкийчилар капиталистик қуршов шароитида социализм қуриш мумкинлигини инкор этган эдилар. Ташқи сиёсатда революцияни экспорт қилишга, ички сиёсатда эса деҳқонларга нисбатан «гайкаларни бурашга», шаҳарнинг қишлоқни эксплуатация қилишига, жамиятни бошқаришни маъмурий-ҳарбий методларга кўчиришга умид боғлаган эдилар. Троцкизм — сиёсий оқим бўлиб, унинг идеологлари сохта сўл революцион иборалар билан ниқобланиб, аслида эса таслимчилик позициясида турар эдилар.

Аслини олганда бу бутун фронт бўйлаб ленинизмга хужум килиш эди. Амалда гап мамлакатимизда социализм такдири хакида, революция такдири хакида бормокда эди.

Ана шундай шароитда бутун халк олдида троцкизмни фош килиш, унинг социализмга зид мохиятини очиб ташлаш керак эди. Вазиятни шу нарса хам мураккаблаштирган эдики, троцкийчилар Г. Е. Зиновьев ва Л. Б. Каменев бошлик «янги оппозиция» билан бирга иш олиб бордилар. Оппозиция рахбарлари озчилик эканликларини тушунган холда партия сафларини бўлиб юборишга умид боғлаб, партияни кайта-кайта мунозара олиб боришга мажбур килдилар. Лекин пировардида партия Марказий Комитет йўлини ёклаб, оппозицияга карши чикди, оппозиция ғоявий ва ташкилий жихатдан тор-мор килинди.

Шундай килиб, партиянинг И. В. Сталин бошлик рахбар ядроси ғоявий курашда ленинизмни каттик туриб химоя килди, социалистик курилишнинг дастлабки боскичида стратегия ва тактикани таърифлаб берди, партия аъзолари ва мехнаткашларнинг кўпчилиги сиёсий йўлни маъкуллашига эришди. Троцкизмни ғоявий жихатдан тор-мор килишда Н. И. Бухарин, Ф. Э. Дзержинский, С. М. Киров, Г. К. Оржоникидзе, Я. Э. Рудзутак ва бошкалар мухим роль ўйнадилар.

20-йилларнинг охирида дехконларни социализмга ўтказиш йўллари тўғрисидаги масала юзасидан хам кескин кураш бошланиб кетди. Бу курашда аслини олганда Сиёсий бюро кўпчилиги ва Бухарин группаси совет жамиятини ривожлантиришнинг янги боскичида Янги иктисодий сиёсат принципларини кўлланишга турлича муносабатда эканликлари аён бўлди.

Ўша даврнинг конкрет шароити — хам ички, хам халкаро шароити социалистик курилиш суръатларини анча оширишни мухим вазифа килиб кўйди. Бухарин ва унинг тарафдорлари ўз режаларида, назарий фикрларида 30-йилларда социализм курилишида вакт омилининг ахамиятига амалда етарли бахо бермадилар. Уларнинг позициясини догматик фикрлаш, конкрет вазиятни ғайридиалектик бахолаш кўп жихатдан белгилаб берган эди. Бухариннинг ўзи хам, унинг тарафдорлари хам тез орада ўз хатоларини тан олишди.

Шу муносабат билан Ленин Бухаринга берган характеристикани эсга олиш ўринлидир: «Бухарин партиянинг энг кимматли ва энг йирик назариётчисигина эмас, шу билан бирга конуний равишда бутун партиянинг севикли кишиси хисобланади. Лекин унинг назарий карашларини жуда катта шубха билан тўла марксистик карашлар, деб хисоблаш мумкин, чунки унда кандайдир схоластик нарса бор (у диалектикани хеч качон ўрганмаган ва фикримча, у хеч качон диалектикани тўла-тўкис тушунган эмас)». Хаёт Лениннинг хаклигини яна тасдиклади.

Шундай килиб, ўша даврдаги сиёсий мунозаралар партия тараккиётидаги мураккаб жараённи акс эттирди, социалистик курилишнинг ғоят мухим проблемалари сохасидаги кескин кураш бу жараёнга хосдир. Партия шу кураш оркали ўтишига тўғри келди ва мана шу курашда индустриялаш ва коллективлаштириш концепцияси таркиб топди.

Партия, унинг Марказий Комитети рахбарлигида мамлакатда киска муддатда деярли янгидан оғир индустрия, шу жумладан машинасозлик, мудофаа саноати, ўз даврига нисбатан замонавий бўлган химия ишлаб чикариши вужудга келтирилди. ГОЭЛРО плани бажарилди. Магнитка, Кузбасс, ДнепроГЭС, Уралмаш, Хибин комбинати, Москва ва Горькийдаги автомобиль заводлари, авиация заводлари, Сталинград, Челябинск ва Харьков трактор заводлари, Ростсельмаш, Комсомольск-Амур, Турксиб ва Катта Фарғона канали, дастлабки беш йилликларнинг бошка кўпгина улкан курилишлари мана шу ютукларнинг шонли рамзи бўлиб колди. Бу вактда ўнлаб илмий-тадкикот институтлари, олий ўкув юртларининг кенг тармоғи вужудга келди.

Партия индустриялашнинг илгари маълум бўлмаган йўлини — пул билан таъминлашнинг ташкаридан келадиган манбаларига умид боғламасдан, енгил саноатни ривожлантириш хисобига кўп йиллар давомида маблағ жамғарилишини кутиб ўтирмасдан биратўла оғир индустрияни илгари суриш йўлини таклиф этди. Бу гарчи мамлакат ва халк учун мислсиз даражада кийин бўлса-да, лекин ўша вакт шароитида мумкин бўлган бирдан-бир йўл эди. Бу новаторларча кадам бўлиб, унга омманинг революцион интилишлари иктисодий ўсишнинг таркибий

қисми, деб ҳисобга олинган эди. Индустриялаш бир зарб билан мамлакатни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқди. 30-йиллар охирига келиб, Совет Иттифоқи саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш жиҳатидан Европада биринчи ўринга ва дунёда иккинчи ўринга чиқиб олди, ҳақиқатан ҳам буюк индустриал давлатга айланди. Бу жаҳоншумул-тарихий аҳамиятга эга бўлган меҳнат жасорати эди, озод қилинган меҳнатнинг жасорати, большевиклар партиясининг жасорати эди.

Тарихга ҳушёр назар ташлаб, ички ва халқаро реал вазиятларнинг барчасини ҳисобга олиб: ўша шароитда партия таклиф қилган йўлдан бошқа йўлни танлаб олиш мумкинмиди, деб савол бермасликнинг иложи йўқ. Модомики, биз тарихийлик принципи, ҳаёт ҳақиқати позицияларида қолишни истар эканмиз, бу саволга фақат битта: йўқ, мумкин эмас эди, деб жавоб бера оламиз. Империалистик агрессия хавфини ҳис этиш яққол кучайиб бораётган бир шароитда партияда болға ва деҳқонлар омочидан ривожланган индустриягача бўлган масофани одимлаб ўтиш эмас, балки жуда қисқа тарихий муддатларда тез ҳатлаб ўтиш зарур, деган ишонч қарор топди, бусиз бутун революция иши муқаррар ҳалок бўлур эди.

Партия илгари сурган, омма тушуниб қабул қилган планларнинг, Октябрнинг революцион руҳи мужассамлашган шиорлар ва режаларнинг ҳаётийлиги бутун дунёни ҳайратга солган ғайрат-шижоатда ўз ифодасини топди. Миллионлаб совет кишилари ана шундай ғайрат-шижоат билан совет индустриясини қуришга киришдилар. Одамлар ғоят оғир, механизация бўлмаган бир шароитда ярим оч, ярим тўқ яшаб, мўъжиза яратдилар. Улар улуғ тарихий ишга дахлдор бўлаётганларидан илҳомландилар. Улар гарчи жуда саводли бўлмасалар-да, нақадар катта, мислсиз ишнинг иштирокчилари бўлаётганликларини синфий туйғулари билан тушуниб етдилар.

Бизнинг бурчимиз, биздан кейин борадиганларнинг бурчи боболар ва оталаримизнинг мана шу жасоратини эсда тутишдан иборатдир. Уларнинг меҳнати ва беғараз ғайрат-шижоати беҳуда кетмаганлигини ҳар бир киши билиши керак. Улар зиммаларига тушган ҳамма қийинчиликларни енгдилар ва Октябрь ғалабаларини мустаҳкамлашга, Ватанимизни ўлим хавфидан ҳимоя қилиб қолиш, Ватанимизни келажак учун, сиз ва биз учун, ўртоқлар, сақлаб қолиш имконини берган куч-қудратимизнинг негизларини яратишга жуда катта ҳисса қўшдилар. Уларга шон-шарафлар бўлсин! Уларнинг номи мангу яшасин!

Шу билан бирга биз сўз юритаётган давр маҳрумликлар ҳам келтирди. Бу маҳрумликлар мен бу ерда тилга олган муваффақиятларнинг ўзи билан ҳам маълум даражада боғлиқ эди. Ўша вақтда қаттиқ марказлаштириш ҳар жиҳатдан самарали эканлигига, буйруқбозлик усуллари ҳар қандай вазифаларни ҳал қилишнинг энг қисқа, энг яхши йўли эканлигига ишониб қолинди. Бу ҳол одамларга муносабатда, уларнинг турмуш шароитига муносабатда акс этди.

Мамлакатда партиявий-давлат раҳбарлигининг маъмурий-буйруқбозлик системаси пайдо бўлди, бюрократизм кучайиб борди. Бунинг хавфи тўғрисида ўз вақтида Ленин огоҳлантирган эди. Бошқаришнинг тегишли структураси ва планлаштириш методлари ҳам таркиб топа бошлади. Саноатнинг ўша вақтдаги ҳажмларида, индустрия биносининг барча асосий объектлари ҳамманинг кўз олдида турган вақтда бундай методлар, бошқаришнинг бундай системаси умуман олганда ўз натижаларини берди. Бироқ марказлаштириш ва буйруқбозликнинг бундай қаттиқ системасига қишлоқни қайта ўзгартириш вазифаларини ҳал қилиш чоғида йўл қўйиб бўлмас эди.

Шуни очиқ айтиш керакки, янги босқичда меҳнаткаш деҳқонларнинг манфаатларига ленинчасига эътиборли муносабат етишмас эди. Энг муҳими — деҳқонлар революциядан кейинги йиллар мобайнида синф сифатида тубдан ўзгарганлигига етарли баҳо берилмади. Ўртаҳол деҳқонлар қишлоқда асосий фигура бўлиб қолди. Революциядан кейин ер олган ва бутун бир ўн йиллик мобайнида Совет ҳокимияти ўзининг ҳам ҳокимияти эканлигига ишонч ҳосил қилган меҳнаткаш деҳқонлар хўжайин сифатида қарор топди. Улар ишчилар синфининг содиқ ва ишончли иттифоқчиси бўлиб қолди, янги негизда иттифоқчи бўлиб қолди, ўзининг ҳаёти борган сари яхшиланаётганлигига амалда ишонч ҳосил қилиб борди.

Агар объектив иқтисодий қонунлар билан кўпроқ ҳисоблашилганида ва

кишлокда содир бўлаётган социал жараёнларга кўпрок эътибор берилганда эди; кўпчилиги революцияда катнашган ва уни оқгвардиячилардан ҳамда интервентлардан ҳимоя килган меҳнаткаш деҳконларнинг мана шу жуда катта оммасига муносабат сиёсий жиҳатдан янада пухта ўйлаб олиб борилганида эди; агар кулокларга карши ўртаҳол деҳконлар билан иттифок тузиш йўли изчил амалга оширилганида эди, у ҳолда коллективлаштиришни ўтказиш чоғида юз берган оғишлар ҳам бўлмас эди.

Мамлакат аҳолисининг кўпчилиги такдирига тааллукли бўлган жуда катта ишда деҳконларга муносабат соҳасида ленинча сиёсатдан четга чикишга йўл кўйилганлиги бугун равшандир. Кўп нарса маҳаллий шароитга боғлик бўлган мана шу ғоят муҳим ва жуда мураккаб социал жараёнга раҳбарлик асосан маъмурий методлар билан амалга оширилди. Ҳамма проблемаларни бир зарб билан ғоят киска муддатда ҳал килиш мумкин деган ишонч пайдо бўлди. Мамлакатнинг бутун-бутун область ва регионлари тўла коллективлаштиришни ким тезрок ўтказади, деб мусобакалаша бошлади. Юкоридан ўзбошимчалик билан процентлар белгилаб берилди. Ҳамма ерда коллективлаштириш принциплари кўпол равишда бузила бошлади. Кулокларга карши курашни амалга оширишда ҳам ҳаддан ошишлар юз берди. Кулокларга карши курашдан иборат аслида тўғри бўлган йўл шу кадар кенг изоҳландики, натижада у ўртаҳол деҳконларнинг ҳам анчагина кисмини камраб олди. Тарихий реаллик ана шундай.

Лекин, ўртоклар, кишлокда социализм позицияларини мустаҳкамлашда коллективлаштиришнинг аҳамиятига умуман баҳо бериладиган бўлса, у пировард натижада принципиал аҳамиятга эга бўлган бурилиш эди. Коллективлаштириш мамлакат аҳолиси асосий оммасининг бутун турмуш укладини социалистик асосда тубдан ўзгартиришни англатар эди. У аграр секторни модернизациялаш ҳамда уни маданий хўжалик юритиш изига ўтказиш учун социал база яратди, меҳнат унумдорлигини анча ошириш имконини берди, социалистик курилишнинг бошка соҳалари учун зарур бўлган ишчи кўлларнинг анчагина кисмини бўшатиб берди. Мана шуларнинг ҳаммаси тарихий натижалар берди.

Ўша йиллардаги вазиятни тушуниш учун шуни назарда тутиш керакки, индустриялаш жараёнида шаклланa бошлаган ҳамда коллективлаштириш даврида янгидан туртки олган маъмурий-буйрукбозлик системаси мамлакатнинг бутун ижтимоий-сиёсий ҳаётига таъсир этди. У экономикада карор топиб олгач, усткурмага ҳам ёйилди, социализмнинг демократик потенциали авж олишини чеклаб кўйди, социалистик демократия тараккиётини секинлаштирди.

Аммо бу айтилган сўзлар ўша даврнинг бутун мураккаблигини ёритиб бера олмайди. Бу соҳада нималар рўй берди? Партия учун жуда жиддий бўлган ғоявий-сиёсий синовлар даври ортда колди. Миллионлаб кишилар социалистик ўзгартишларни амалга ошириш ишига ғайрат-шижоат билан киришдилар. Дастлабки муваффакиятлар кўлга киритила бошлади. Худди шу вактда эксплуататор синфларнинг душманлик билан каршилик кўрсатишига карши кураш олиб борилган давр такозо этган методлар тинч социалистик курилиш даврига, шароит тубдан ўзгарган даврга шундоккина кўчириб олинди. Мамлакатда муросасизлик, душманлик, шубҳаланиш муҳити вужудга келди. Кейинчалик бундай сиёсий практика кенгайди ва социализм куриш жараёнида синфий кураш кескинлашиши ҳакидаги нотўғри «назария» билан асосланди.

Буларнинг барчаси мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий тараккиётига ҳалокатли таъсир кўрсатди, оғир окибатларга олиб келди. Мутлак равшанки, совет жамияти зарур даражада демократиялаштирилмаганлиги 30-йилларда шахсга сиғинишни ҳам, конунларни бузиш, зўравонлик ва репрессияларни ҳам мумкин килиб кўйди. Очиғини айтганда — ҳокимиятни суиистеъмол килиш заминида чинакам жиноятлар содир бўлди. Неча минглаб партия аъзолари ва партиясизлар оммавий суратда репрессия килинди. Аччик ҳакикат ана шундай, ўртоклар. Социализм ишига ва партиянинг обрў-эътиборига жиддий зарар етказилди. Биз бу ҳакда рўй-рост гапиришимиз керак. Буни социализмнинг ленинча идеалини узил-кесил ва катъиян карор топтириш учун айтиш керак.

Ҳозир мамлакатимиз тарихида Сталиннинг роли тўғрисида кўп мунозара бўлмокда. Унинг шахси ғоят зиддиятли. Тарихий ҳакикат позицияларида турган ҳолда биз Сталиннинг социализм учун, унинг ғалабаларини ҳимоя килиш учун

курашга, шубҳасиз, ҳисса қўшганлигини ҳам, шунингдек у ва унинг теварагидаги кишилар қўпол сиёсий хатоларга, ўзбошимчаликка йўл қўйганлигини ҳам кўрмоғимиз керак. Бу хатолар ва ўзбошимчаликлар учун халқимиз жуда катта қурбонлар берди ҳамда бу хато ва ўзбошимчаликлар жамиятимиз ҳаёти учун оғир оқибатларни келтириб чиқарди. Баъзан Сталин қонунсизлик фактларини билмаган эди, дейишади. Бизнинг ихтиёримиздаги ҳужжатлар шундай эмаслигини кўрсатиб турибди. Сталин ва унинг яқин атрофидаги кишиларнинг йўл қўйилган оммавий репрессиялар ҳамда қонунсизликлар учун партия ва халқ олдидаги айби жуда катта ва уни кечириб бўлмайди. Бу ҳамма авлодлар учун сабоқдир.

Ғоявий душманларимиз даъво қилаётганига қарама-қарши ўлароқ шахсга сиғиниш муқаррар нарса эмас эди, албатта. У социализм табиатига ёт бўлиб, унинг асосий принципларидан чекинишдир ва шу тариқа уни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Партия XX ва XXII съездларида Сталин шахсига сиғинишни ҳам, унинг оқибатларини ҳам қаттиқ қоралади. Биз бир қатор партия ва давлат арбобларига қарши, кўпгина коммунистлар ва партиясизларга, хўжалик ва ҳарбий кадрларга, олимлар ва маданият арбобларига қарши сиёсий айблашлар ва репрессиялар атайлаб сохталаштириш натижаси бўлганлигини ҳозир биламиз.

Кўпгина айблашлар кейинчалик, айниқса, партия XX съездидан кейин бекор қилинди, минглаб гуноҳсиз жафо чекканлар батамом оқланди.

Лекин адолатни тиклаш жараёни охирига етказилмади ва аслида 60-йиллар ўрталарида тўхтатиб қўйилди. Ҳозир Марказий Комитетнинг 1987 йил октябрь Пленуми қарорларига мувофиқ бу масалага яна қайтишга тўғри келмоқда. Марказий Комитет Сиёсий бюроси шу масалаларга тааллуқли янги ва илгари маълум бўлган фактлар ҳамда ҳужжатларни ҳар томонлама кўриб чиқиш учун комиссия тузди. Комиссия ишининг якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинади.

Ана шуларнинг ҳаммаси КПСС тарихи очеркида ҳам ўз ифодасини топади. Уни тайёрлаш Марказий Комитетнинг махсус комиссиясига топширилади. Биз буни қилишимиз керак. Айниқса шунинг учунки, ҳанузгача ҳам тарихимизнинг нозик масалаларидан юз ўгиришга, улар ҳақида чурқ этмасликка, гўё ҳеч нарса содир бўлмагандек тасаввур туғдиришга уринишларга дуч келиб турибмиз. Бунга биз қўшила олмаймиз. Бундай қилиш тарихий ҳақиқатни менсимаслик, қонунсизлик ва ўзбошимчаликнинг айбсиз қурбонлари бўлган кишилар хотирасига ҳурматсизлик бўлур эди. Яна шунинг учун ҳам бундай қилолмаймизки, ҳаққоний таҳлил бизга ҳозирги кундаги проблемаларимизни: демократиялаш, қонунчилик, ошкоралик, бюрократизмни бартараф этиш проблемаларини — хуллас, қайта қуришнинг муҳим проблемаларини ҳал этишимизга ёрдам бериши керак. Ана шунинг учун бизга бу борада ҳам тўла аниқлик, равшанлик ва изчиллик керак. Улкан муваффақиятларимизни ҳам, ўтмишдаги иллатларни ҳам виждонан тушуниб олиш, уларга тўлиқ ва ҳаққоний сиёсий баҳо бериш келажакка олиб борувчи чинакам маънавий йўлни кўрсатиб беради.

Лениндан кейинги 20—30-йиллар даврига умумий якун ясаб, шундай дейиш мумкин: биз зиддиятларга, мураккабликларга тўла оғир, аммо улкан ва қаҳрамонона йўлни босиб ўтдик. Ғоят қўпол хатолар ҳам, социализм принципларидан чекинишга йўл қўйилганлиги ҳам халқимизни, мамлакатимизни 1917 йилда танлаб олган йўлдан тойдира олмади. Октябрь жуда катта куч бахш этди. Омма онгига сингиб кетган социализм ғоялари ғоят кучли эди. Халқ ўзини улуғ иш иштирокчиси деб ҳис этди, ўз меҳнатининг меваларидан баҳраманд бўла бошлади. Унинг ватанпарварлиги янги социалистик мазмунга эга бўлди.

Бу эса 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушининг оғир синовлари пайтида зўр куч билан намоён бўлди.

Ҳозирги кунда Ғарбда уруш арафасидаги вазият фаол муҳокама қилинмоқда. Ҳақиқатни ярим ҳақиқат билан аралаштириб юборилмоқда. Иккинчи жаҳон урушининг сиёсий, территориал ва социал натижаларидан норози бўлган кишилар, ҳамон ушбу натижаларни ўзгартиришга уринаётган кимсалар бу борада айниқса жонбозлик қилмоқдалар. Шу боисдан ҳам улар тарихий ҳақиқатни оёғини осмондан қилиб кўрсатишдан, сабаб-оқибатнинг алоқадорлигини бузишдан, хронологияни сохталаштиришдан манфаатдордирлар. Ана шу маънода Риббентроп — Молотовнинг ҳужум қилмаслик ҳақидаги пакти гўё иккинчи жаҳон уруши

учун йўл очиб берди деб, бу уруш учун айбни Совет Иттифокига тўнкаш ниятида хар кандай ёлғон-яшикларни ишга солмокдалар. Бу шундай масалаки, у ҳақда бирмунча батафсилрок тўхталиб ўтса арзийди.

Аслини олганда, иккинчи жаҳон уруши 1939 йил 1 сентябрининггина реал фожиаси эмас. Япониянинг Шимоли-Шаркий Хитойни босиб олиши (1931—1932 йиллардаги «Манжурия можароси»), Италиянинг Эфиопияга (1935 йил) ва Албанияга (1939 йил кўклами) ҳужум қилиши, Испания республикасига қарши Германия-Италия интервенцияси (1936—1939 йиллар), Япониянинг Шимолий, сўнгра эса Марказий Хитойга куролли бостириб кириши (1937 йил ёзи) — ана шулар иккинчи жаҳон урушининг аланга ола бошлашидир.

Ўша вактда Ғарбда бу вокеаларни ўзларига дахлдор эмас ёки агрессия қурбонларини ҳимоя қиладиган даражада дахлдор эмас, деб кўрсатишга уринганликлари — бошқа масала. Социализмга бўлган нафрат, узоқни кўзловчи режалар, ўта синфий худбинлик реал хавфга ҳушёрлик билан баҳо беришга тўсқинлик қилди. Бунинг устига фашизмга антикоммунистик салб юришида зарбдор отряд бўлиш вазифаси қатъият билан таклиф этилди. Эфиопия ва Хитойдан кейин Австрия, Чехословакия «тинчитиш» ўтхонасига улоқтирилди, Польша устида, Болтик денгизи ва Дунай ҳавзасидаги барча давлатлар устида уруш хавфи пайдо бўлди, Украинани «учинчи рейх»нинг буғдойзори ва оғилхонасига айлантириш ҳақида очиқ пропаганда олиб борилди. Пировард натижада агрессиянинг асосий оқимлари Совет Иттифокига карши буриб юборилди, бизнинг мамлакатимизни урушдан анча аввал бўлиб олишга киришганликлари сабабли, олдимизда турган йўл қанчалик чекланган эканлигини тасаввур этиш қийин эмас.

Совет Иттифоки Германия билан ҳужум қилмаслик ҳақида битим тузишга карор қилганлиги энг яхши йўл эмас эди, дейишади. Мабодо қаттиқ реалликка эмас, балки ўша даврдаги умумий вазиятдан ажратиб олинган мавҳум мулоҳазаларга асосланиладиган бўлса, эҳтимол шундайдир. Ана ўша шароитда ҳам масала тахминан Брест сулҳи вақтида турган тахлитда мамлакатимиз мустақил бўладими ёки йўқми, ер юзида социализм бўладими ёки йўқми деган тахлитда турар эди.

СССР коллектив хавфсизлик системасини барпо этиш ва бутун жаҳон қирғинининг олдини олиш учун кўп иш қилди. Аммо Ғарб сиёсатчилари ва сиёсатдорлари Совет ташаббусларини маъқул топишмади, улар совуққонлик билан социализмни уруш алангасига устомонлик билан тортиш, уни тўғридан-тўғри фашизм билан тўкнаштириб қўйиш ниятида бўлдилар.

Социалистик бўлиб туғилганлигимиз учун биз инкор этилиб, ҳеч қандай шароитда ҳам империализм учун ҳақ бўла олмас эдик. Мен юқорида айтиб ўтганимдек, Ғарбнинг ҳукмрон доиралари ўз гуноҳларини ювишга уриниб, 1939 йил 23 августдаги ҳужум қилмаслик ҳақида тузилган Совет-Германия пакти нацистларнинг Польшага ҳужум қилишини ва бу билан иккинчи жаҳон урушини бошлаб берди, деб кишиларни ишонтиришга ҳаракат қилмокдалар. Гўё АҚШнинг фаол кўмаги билан 1938 йилдаёқ Англия ва Франция қўл қўйган Гитлер билан Мюнхен битими ҳам, Австриянинг қўшиб олиниши ҳам, Испания республикасининг мажақ қилиниши ҳам, нацистлар томонидан Чехословакия ва Клайпеданинг оккупация этилиши ҳам бўлмаганидек, 1938 йилда Лондон ва Парижнинг Германия билан ҳужум қилмаслик ҳақида пактлар тузмаганидек. Дарвоке шу хилдаги пактни урушдан олдинги Польша ҳам тузган эди. Ана шуларнинг ҳаммаси, кўриб турганингиздек, империалистик сиёсат структурасига тўла мос келарди, одатдаги бир нарса ҳисобланиб келинди ва ҳисобланмоқда.

Ҳужжатлардан маълумки, Германиянинг Польшага ҳужум қилиш вақти («кечи билан 1 сентябргача») 1939 йил 3 апрелидаёқ, яъни Совет-Германия пактидан анча аввал белгилаб қўйилган эди. Лондон, Париж, Вашингтонда Польшага қарши юришга тайёргарликнинг тамомий тафсилотларигача билишар эди, шунингдек кечи билан 1939 йил августигача Аглия-Франция-Совет ҳарбий иттифоқи тузилиши мумкинлиги гитлерчиларни тўхтатиб қолишга қодир бўлган бирдан-бир тўсиқ бўлишини ҳам билишар эди. Бундай режалар ҳақида мамлакатимиз раҳбарлари ҳам билишар эди, шунинг учун ҳам раҳбарларимиз коллектив тадбирлар кўриш зарурлигига Англия билан Францияни ишонтиришга ҳаракат қилдилар. Раҳбарларимиз агрессиянинг олдини олиш ниятида ўша вақтдаги Польша ҳукуматини ҳам ҳамкорлик қилишга даъват этдилар.

Аммо Ғарб давлатларининг нияти бошқача: СССРни иттифоқ тузишни ваъда қилишга қизиқтириш ва бу билан бизга таклиф этилган ҳужум қилмаслик ҳақидаги пактни тузишга тўғаноқ солиш, бизни Гитлер Германиясининг СССРга муқаррар ҳужум қилишига яхшироқ тайёргарлик кўриш имкониятидан маҳрум этишдан иборат эди. 1939 йил августида Совет Иттифоқи икки фронтда — Ғарбда Германия билан, Шарқда эса Халхин-Голл дарёси ёқасида хунрезлик низосини бошлаб юборган Япония билан уруш қилиш реал хавфи остида турганлигини ҳам унута олмаймиз.

Бироқ ҳаёт ва ўлим афсоналарни назар-писанд этмай, реал йўлга чиқиб олди. Энг янги тарихда янги боб — ғоят оғир ва мураккаб боб бошланди. Аммо ўша босқичда биз шундай душман билан, ўзи учун ҳам, рақиби учун ҳам биргина йўлни — ё ғалаба қозониш, ё ҳалок бўлиш йўлини қолдирган душман билан тўқнашишни орқага суришга муваффақ бўлдик.

Бизга қарши қилинган агрессия социалистик тузумнинг ҳаётийлигига, кўп миллатли Совет давлатининг мустаҳкамлигига, совет кишилари ватанпарварлик руҳининг қудратига қаттиқ имтиҳон бўлди. Бу имтиҳондан эса биз ўт ва қилич билан ўтдик, ўртоқлар!

Шунинг учун ҳам бардош берилдики, бу уруш бизнинг халқимиз учун Улуғ Ватан урушига айланди, чунки Германия фашизми каби душман билан курашда ҳаёт ёки мамот масаласи, биз эркин бўлиб қоламизми, ёки асоратга тушамизми деган масала кўндаланг бўлиб турди.

Шунинг учун ҳам бардош берилдики, уруш умумхалқ урушига айланди. Ҳамма: кекса-ю ёш, эркагу аёл, мамлакатимиздаги барча миллат ва элатлар Ватан ҳимоясига отланди. Октябрдан кейин туғилган ва социалистик тузум тарбиялаган авлод ҳам биринчи жангга кирди. Жанг майдонларидаги мислсиз матонат ва қаҳрамонлик, партизанлар ва подпольечилар фронт орқасида олиб борган мардонавор кураш, мамлакат ичкарисидаги деярли кеча-кундуз ҳормай-толмай қилинган меҳнат — биз учун уруш ана шундай ўтди.

Совет кишилари Ватанни, социалистик тузумни, Октябрь ғоялари ва ишини ҳимоя қилиб курашдилар ва меҳнат қилдилар. Бизнинг умумий хонадонимизга улкан офат келганда совет халқи чўчимади, дастлабки муваффақиятсизликлар ва мағлубиятлар зарбалари остида ҳам, миллионларнинг ўлими, азоб ва уқубатлари машаққати остида ҳам қаддини букмади. Урушнинг дастлабки кунлариданоқ у бўлғуси ғалабага қаттиқ ишонди. У солдат шинелини ва ишчи коржомасини кийиб, ана шу узоқ кутилган кунни яқинлаштириш ниятида инсоннинг кучи етадиган ва етмайдиган ҳамма ишларни қилди. Урушнинг 1418-кунида ғалаба қозонилганда эса балодан омон қолган бутун дунё эркин нафас олиб, ғолиб совет халқини, қаҳрамон ва меҳнаткаш халқни, минглаб километр масофани жанг билан босиб ўтган унинг шонли армиясини муносиб тарзда олқишладики, бу масофанинг ҳар бир километрида жуда кўплаб қурбонлар берилди, кўп қон ва тер тўкилди.

Халқ орасидан чиққан атоқли саркардалар — Г. К. Жуков, К. К. Рокоссовский, А. М. Василевский, И. С. Коневнинг, донг таратган бошқа маршаллар, генераллар ва офицерларнинг — фронтлар ва армияларга, корпуслар, дивизиялар ва полкларга, батальонлар, роталар ва взводларга қўмондонлик қилган кишиларнинг истеъдоди Улуғ Ватан урушида ғоят яққол намоён бўлди. Уруш йилларида И. В. Сталин кўрсатган улкан сиёсий ирода, аниқ мақсадни кўзлаш ва қатъият, кишиларни ташкил этиш ва интизомга солиш маҳорати ғалабага эришишда ўз ролини ўйнади. Аммо урушнинг асосий оғирлиги бутун вужуди билан халқдан чиққан, улкан меҳнаткаш, мард, ўз Ватанини севувчи оддий совет солдати елкасига тушди. Унга улуғ шараф ва абадий шон-шуҳратлар бўлсин!

Улуғ Ватан урушининг миллион-миллион ветеранлари ҳозирги кунда ҳам сафда туриб, революцион қайта қуриш, жамиятни янгилаш ишларида жанговарлик билан иштирок этмоқдалар. Биз уларга ўзимизнинг фарзандлик миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Бизнинг ленинчи партиямиз барча жанговар ва меҳнат борасидаги ишларнинг жону тани бўлди. Коммунистлар фронтда, окопларда биринчи бўлиб ҳужумга кўтарилдилар, ибрат бўлиб ўз орқаларидан бошқаларни эргаштирдилар; мамлакат ичкарисида станоклар олдидан, далалар ва фермалардан ҳаммадан кейин қайтдилар. Уруш алангаси авж олган, ҳаёт ёки мамот масаласи ҳал

бўлаётган бир пайтда совет кишилари ВКП (б) ўз жонажон партияси эканлигини, коммунистлар эса халқ авангарди бўлиш нима эканлигини ҳамма вақтдагидан кўра кучли ҳис этдилар.

Комил ишонч билан шундай дейиш мумкинки: Улуғ Ватан уруши йиллари — партиянинг ўз ҳаётидаги миллион-миллион коммунистларнинг мардлиги ва жасорати, ғоят улкан жангу жадали ва фидойилиги билан битилган энг шонли ва қаҳрамонона саҳифалардан биридир. Уруш совет халқи, партия, социализм ва Октябрь бир-биридан ажралмаслигини ва ана шу бирликни барбод эта оладиган куч дунёда йўқлигини кўрсатди.

Социализм шунчаки бардош берибгина ва ғалаба қилибгина қолмади. У урушлар ичида энг даҳшатлиси, вайроналик келтирган ана шу урушдан маънавий, сиёсий жиҳатдан мустаҳкам бўлиб чиқди, бутун дунёда ўз обрў-эътибори ва нуфузини янада мустаҳкамлади.

Уруш тамом бўлгач, душманларимиз бизни иқтисодий таназзулга юз тутади, мамлакатимиз узоқ вақтгача жаҳон сиёсатидан четга чиқиб қолади, деб башорат қилдилар, биз уруш қолдирган оқибатларни эллик йил, ҳатто ундан ҳам кўпроқ вақт ичида бартараф этолмайди, деб ҳисобладилар. Лекин совет халқи қисқа муддат ичида вайрон бўлган шаҳар ва қишлоқларни қайта қурди, култепаларга айланган заводлар ва фабрикаларни, колхоз ва совхозларни, мактаблар ва олий ўқув юртларини, маданият муассасаларини тиклади.

Социалистик давлатнинг буюк кучи: Октябрь Ватанининг олий манфаатларини тушунган ҳолда ҳаракат қиладиган партиянинг иродаси; мамлакатнинг индустриал қудратини тубдан қайта қуриш ва бутун вайрон этилган нарсаларни тиклашнинг асосий оғирлигини ўз елкасига олган ишчиларнинг матонат ва пролетарча донолиги; вайрон бўлган мамлакатни боқиш учун сўнгги бурда нонини берган деҳқонларнинг фидойилиги, бардоши ва ватанпарварлиги яна ўзини кўрсатди. Халқлар дўстлиги, уларнинг ўзаро ёрдами, айниқса кўп жафо чеккан кишиларга биргаликда қардошларча кўмаклашишга, умумий Ватанимизнинг уруш айниқса бешафқат вайрон қилиб кетган районларининг қаддини ростлаб олишига шайлиги ўзини кўрсатди.

Урушдан кейинги оғир йилларнинг меҳнат билан ўтган кунларида кўрсатилган қаҳрамонлик бизнинг муваффақиятларимизнинг, иқтисодий тараққиёт ва фан-техника тараққиётининг, атом энергиясини ўзлаштиришнинг, космик кемалар дастлабки парвозларининг, халқ моддий ва маданий фаровонлиги ўсишининг манбаи бўлди.

Лекин айни вақтда — социализм йўлида халқ янги жасорат кўрсатиб турганда — жамиятимиз эришган даража билан раҳбарликнинг илгариги методлари ўртасидаги зиддият тобора кўпроқ сезила бошлади. Ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, социалистик қонунчиликни бузиш давом этди. «Ленинград иши», «Врачлар иши» тўқиб чиқарилди. Қисқача қилиб айтганда, халққа нисбатан чинакам ҳурмат етишмади. Кишилар фидокорлик билан ишладилар, ўқидилар, янги билимларга интилдилар, қийинчиликлар ва етишмовчиликларга чидадилар, аммо жамиятда ташвиш ҳам, умид-орзу ҳам орта борганлигини ҳис этиб турдилар. Ана шуларнинг ҳаммаси Сталиннинг ўлимидан кўп вақт ўтмай ижтимоий онгни ўзига қаратган эди.

50-йилларнинг ўрталарида, айниқса КПСС XX съездидан кейин мамлакат узра ўзгаришлар шабадаси эсди, халқ руҳланди, жонланди, дадилроқ ва собитқадамроқ бўлиб қолди. Шахсга сиғинишни ва унинг оқибатларини танқид қилиш, социалистик қонунчиликни тиклаш партиядан ва унинг Н. С. Хрущев бошлиқ раҳбарларидан катта мардлик талаб қилди.

Ички ва ташқи сиёсатда эски андозалар қулай бошлади. Бошқаришнинг 30—40-йилларда қарор топган буйруқбозлик-бюрократик методларини йўқотишга, социализмга кўпроқ жўшқинлик бағишлашга, инсонпарварлик идеаллари ва қадриятларини таъкидлашга, назария ва практикада ленинизмнинг ижодий руҳини тиклашга ҳаракат қилинди.

КПСС Марказий Комитетининг 1953 йил сентябрь ва 1955 йил июль Пленумларининг қарорлари иқтисодий тараққиётнинг устунлик жиҳатлари хусусидаги қарашларни ўзгартиришга, меҳнат натижаларидан шахсий манфаатдорлик билан боғлиқ омилларни ишга солишга интилиш руҳи билан суғорилган

эди. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, уй-жой қурилишига, енгил саноатга, истеъмол соҳасига, инсон эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсага кўпроқ эътибор берила бошлади.

Хуллас, совет жамиятида ҳам, халқаро муносабатларда ҳам яхшилик томон ўзгаришлар содир бўлди. Бироқ социализмнинг янги босқичга чиқиб олишини оғирлаштирган, кўп жиҳатдан эса прогрессив ташаббусларни обрўсизлантирган анча-мунча субъектив хатолар қилинди. Гап шундаки, ички ва ташқи сиёсатнинг, партия қурилишининг сифат жиҳатидан янги вазифалари кўпинча волюнтаристик методлар асосида, эскирган сиёсий ва иқтисодий механизм ёрдамида ҳал қилинди. Аммо ўша даврда қилинган ислоҳотларнинг муваффақиятсиз чиқишига асосий сабаблар уларнинг демократиялаш жараёнларини кенг кўламда авж олдиришга таянмаганлигида эди.

КПСС Марказий Комитетининг 1964 йил октябрь Пленумида партия ва мамлакат раҳбарлари алмашди, ички ва ташқи сиёсатдаги волюнтаристик тенденциялар ва оғишларни бартараф этишга қаратилган қарорлар қабул қилинди. Партия сиёсатда муайян барқарорликка эришишга, бу сиёсатга реалистик белгилар ва асос бахш этишга интилди.

КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март ва сентябрь Пленумлари экономикага раҳбарлик қилишга янгича ёндашишларни илгари сурди. Хўжалик ислоҳоти, янги районларни ўзлаштириш, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш юзасидан катта программалар ишлаб чиқилди ва амалга оширила бошлади. Бу ҳол дастлабки йилларда мамлакатдаги вазиятни яхши томонга ўзгартирди. Иқтисодий ва илмий потенциал ўсди, мудофаа қуввати мустаҳкамланди, кишилар фаровонлиги даражаси юксалиб борди. Кўпгина ташқи сиёсий ишлар амалга оширилдики, улар давлатимизнинг халқаро обрў-эътиборини мустаҳкамлади. АҚШ билан ҳарбий-стратегик мувозанат таъминланди.

Мамлакат ўз ривожини тағин ҳам жадаллаштириш учун катта-катта имкониятларга эга эди. Лекин ана шу имкониятлардан фойдаланиш, уларни ишга солиш учун жамиятда янги туб ўзгаришлар қилиш ва, албатта, тегишли сиёсий ирода керак эди. Униси ҳам, буниси ҳам етишмади. Ҳатто кўпгина қарорлар қоғозда қолиб кетди, амалга ошмади. Тараққиётимиз суръатлари жиддий равишда сустлашиб қолди.

Марказий Комитетнинг 1985 йил апрель Пленумида, XXVII съездда партия юзага келган вазиятнинг сабабларини очиқ-ошкора айтди, ривожланишимизга тўсқинлик қилаётган механизмни очиб ташлади ва унга принципиал баҳо берди.

Шу нарса таъкидлаб ўтилдики, Л. И. Брежнев ҳаёти ва фаолиятининг сўнгги йилларида олға томон янада илгарилаб бориш йўлларини излашга кўп жиҳатдан одат бўлиб қолган, янгича воқеликни акс эттирмайдиган формулалар ва схемаларга берилганлик тўғаноқ бўлиб қолди. Сўз билан иш ўртасидаги узилиш кучайди. Экономикада салбий жараёнлар орта бориб, аслини олганда кризисолди вазиятини вужудга келтирди. Социал ва маънавий-ахлоқий соҳада талайгина ғайриоддий ҳолатлар юзага келиб, улар социалистик адолат принципларини сохталаштирди, бузди, халқда унга бўлган ишончга путур етказди, социал бегоналашувни ва турли формалардаги ахлоқсизликни вужудга келтирди. Социализмнинг юксак принциплари билан кундалик реал ҳаёт ўртасидаги тобора ортиб бораётган тафовут чидаб бўлмайдиган даражага етди.

Партиядаги ва бутун жамиятдаги соғлом кучлар салбий ҳолатларни бартараф этиш, воқеаларнинг боришини ўзгартириш, мамлакат социал-иқтисодий ривожини жадаллаштиришни таъминлаш, социализмнинг маънавий тозаланиши ва янгиланишига эришиш қатъий эҳтиёж ва зарурат бўлиб қолганлигини тобора ўткирроқ ҳис этдилар.

Марказий Комитетнинг 1985 йил апрель Пленуми илгари сурган мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш концепцияси ва стратегияси, социализмни янгилашга қаратилган йўл ана шу ўткир ижтимоий эҳтиёжга жавоб бўлдики, улар XXVII съезднинг, Марказий Комитетнинг съезддан кейинги Пленумларининг қарорларида назарий ва сиёсий жиҳатдан ривожлантирилди ҳамда социалистик жамият ҳаёти барча жиҳатларини революцион тарзда қайта қуришнинг бош йўли бўлиб қолди.

Қайта қуриш ғояси бизнинг 70 йиллик тарихимизга, совет мамлакатида барпо

этилган принципиал янги социал бинонинг мустаҳкам пойдеворига таянади, большевизмнинг давомийлиги ва новаторлигини, тарихий тажрибасини социализмнинг ҳозирги даври билан боғлайди. Биз революция ва социализм кашшофлари ишини давом эттиришимиз ва кўпайтириб боришимиз лозим. Бинобарин, бизгача ва биз учун Октябрь йўлини очган авлодларнинг тажрибасидан ижодий фойдаланиб, ўз меҳнатимиз билан бунга албатта эришамиз!

Ўртоклар! Биз революцион йўлдан бормоқдамиз, бу йўл эса заифлар ва журъатсизлар йўли эмас: бу йўл — кучлилар ва довюраклар йўлидир. Совет халқи буюк социал ўзгартишлар амалга оширилган йилларда ҳам, уруш синовлари йилларида ҳам, тинч бунёдкорлик меҳнати йилларида ҳам — ҳамиша шундай бўлган. Айнан халқ ўз тарихини, ҳамиша мураккаб, инсон ҳаётининг ўзи каби бетакрор ва бебаҳо ўз тақдирини яратади. Гап социализм тарихи тўғрисида, улуғ революция ишини давом эттириш ҳақида бораётганида бу нарса юз карра тўғридир.

Ишчилар синфи халқнинг жипслаштирувчи ва авангард кучи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Революцион ҳаракат эндигина бошланаётган пайтдаёқ у Лениннинг «Ишчилар озодлик учун курашганларида социализм тўғрисидаги фикрни ва уни амалга ошириш бобидаги ишни, социализмга эришмоқ учун кучларни тайёрлаш ва уюштиришни *бир минут* ҳам бир чеккага йиғиштириб қўймасдан курашмоқлари лозим» деган даъватига амал қилди. Айни ишчилар синфи барча меҳнаткашлар билан иттифоқ бўлиб, Улуғ Октябрь революциясини амалга оширди, социализм қурди, душман билан жуда оғир олишувларда уни қаттиқ туриб ҳимоя қилди. Ҳамма ишни қилди, ҳаммасини бошидан кечирди ва ҳаммасига бардош берди! Ҳозир ҳам у ривожланаётган социализмнинг, революцион қайта қуришнинг олдинги сафида турибди. Унга шон-шарафлар бўлсин!

Бизнинг ленинчи партиямиз ишчилар синфининг жанговар, актив отряди сифатида вужудга келди ва ривожланди. У ишчилар синфидан қудратли ишонч, катъият, интизомлилик кучини, социализм идеаллари учун курашда матонат кучини, турмушни оқилона ва инсонпарварларча тушунишни ўзига сингдириб олди. Эндиликда у бутун халқнинг партияси бўлиб қолганида ҳам жанговар ва бунёдкор синфнинг мана шу энг яхши хислатларини ўзида мужассамлаштириб турибди. Ҳозир ва социализм тарихининг барча босқичларида ҳам шундай!

Тарихимизнинг белгилаб берувчи асосий мазмуни шундан иборатки, бутун етмиш йил мобайнида халқимиз социализм манфаатлари йўлида, яхшироқ ва адолатли турмуш йўлида партия раҳбарлигида яшаб, меҳнат қилиб келмоқда. Бу — ижодкор халқнинг, бунёдкор халқнинг тақдиридир!

II. РИВОЖЛАНАЁТГАН СОЦИАЛИЗМ ВА ҚАЙТА ҚУРИШ

Ўртоклар! Ғоят ўткир ва кечиктириб бўлмайдиган талаб-эҳтиёжлар бизни қайта қуриш зарурлиги тўғрисидаги хулосага олиб келди. Бироқ биз ўз проблемаларимизни қанчалик чуқурроқ билиб, уларнинг моҳиятини англаб ета борганимиз сари қайта қуриш яна ҳам кенгроқ, ижтимоий-сиёсий ва тарихий заминга эга эканлиги шу қадар равшанроқ бўлиб қолди.

Қайта қуриш — ўтган давр турғунлиги ва консерватизмидан халос бўлиш, йўл қўйилган хатоларни тузатишгина эмас, шу билан бирга ижтимоий ташкилот ва иш методларининг тарихан чекланган, умрини яшаб бўлган хусусиятларини бартараф этиш ҳам демакдир. Қайта қуриш — социализмга фан-техника революциясининг шарт-шароитлари ва талаб-эҳтиёжларига, совет жамиятининг интеллектуал тараққиётига мос келадиган энг замонавий шаклларни бахш этиш демакдир. Қайта қуриш — жамиятни революцион тарзда янгилашнинг ўз мантиқи ва босқичларига эга бўлган, нисбатан узоқ давом этадиган жараёнидир.

Ленин коммунизмга ўтишни узоқ йиллар мобайнида иш олиб бориш билан тайёрлашни социализмнинг тарихий вазифаси, деб билган эди. Революция йўлбошчиси Маркс ва Энгельснинг «Ҳар бир айрим воқеанинг конкрет тарихий

хусусиятларига қараб, айни шу ўткинчи форманинг *нимадан нимага* ўтишдан иборат эканлигини ҳисобга олмоқ учун, ўша ўтиш формаларини жуда ҳам синчиклаб анализ қилиш...» маҳоратини юксак қадрлаган эди. Хуллас, бизнинг устозларимиз янги жамият барпо этиш йўли — узоққа чўзиладиган бир қанча ўтиш даврларидан иборат бўлади, деб кўп марта огоҳлантирган эдилар.

Биз қайта қуриш жамиятимизнинг шитоб билан тараққий этиб бориши йўлидаги муайян тарихий босқич деб қараш учун барча асосларга эгамиз. Ленининнинг биз *«нимадан нимага»* ўтаяпмиз, деган саволига жавоб қайтарар эканмиз, шуни мутлақо аниқ қилиб айтиш керакки, биз социализмга янги сифат бахш этишимиз, таъбир жоиз бўлса, унга янгидан куч бағишлашимиз зарур. бунинг учун эса жамият турмушининг барча томонларини — ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан чуқур янгилаш, тузумимизнинг инсонпарварлик характерини жуда тўлиқ намоён этишимиз зарур.

Қайта қуришдан кузатилган мақсад социализмнинг ленинча концепциясини назарий ва амалий жиҳатдан тўлароқ қайта тиклашдан иборатдир. Бу концепцияда ўз идеалларига, манфаатларига эга бўлган меҳнат аҳли, экономикада, социал ва сиёсий муносабатларда, маданиятда инсонпарварлик қадриятлари қатъий равишда устун туради.

Революцион покланиш ва тикланишга бўлган умидимиз шахсни, инсон омилини активлаштириш йўли билан социализмнинг ғоят катта социал ресурсларини юзага чиқаришдан иборатдир. Қайта қуриш натижасида социализм инсонга хизмат қилувчи ва уни улуғловчи реал инсонпарварлик тузуми сифатида ўз имкониятларини тўла-тўкис амалга ошира олади ва ошириши лозим. Бу жамият одамлар учун — уларнинг ижодий меҳнатини равнақ топтириш, фаровонлиги, соғ саломатлиги, жисмоний ва маънавий камол топиши учун мўлжалланган жамият, инсон ўзини тўла ҳуқуқли хўжайин деб ҳис этаётган ва амалда худди шундай бўлган жамиятдир.

Қайта қуриш тақдирини жамият тараққиётининг икки энг муҳим проблемаси белгилаб беради. Бутун ижтимоий турмушни демократиялаш ва туб иқтисодий ислоҳот ана шундай проблемалардир.

Қайта қуриш Октябрь ишини давом эттириб, социалистик демократияни янада чуқурлаштириш ва ривожлантиришдан иборат энг биринчи вазифани олға сурди.

Жамиятни демократиялаш — қайта қуришнинг қалби бўлиб, қайта қуришнинг муваффақияти ҳам, муболағасиз айтиш мумкинки, умуман социализмнинг келажаги ҳам унинг қандай боришига боғлиқ бўлади. Бу — сиёсат ва экономикадаги ўзгартишларнинг, орқага ҳар қандай қайтишни истисно қилишнинг энг муҳим гаровидир.

Ҳозир мамлакатда содир бўлаётган ўзгартишлар социалистик демократизмни ривожлантириш йўлида Октябрдан кейинги энг катта қадам деса бўлади.

Биз иқтисодий ва сиёсий системамизни қайта қура бориб, биринчидан, давлат ва жамоат ишларини ҳал этишга барча меҳнаткашларни реал жалб этишнинг ишончли ва пухта механизмини вужудга келтиришимиз шарт. Иккинчидан, одамларни чуқурлашиб бораётган демократия шароитида яшашга амалда ўргатиш, инсон ҳуқуқларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, омманинг замонавий сиёсий маданиятини тарбиялаш, бошқача сўзлар билан айтганда, демократияга ўргатишимиз ва ўрганишимиз шарт.

Биз революциямизнинг 70 йиллигини нишонлай туриб, келажак тўғрисида ўйлар эканмиз, жамиятни демократиялаш жараёни қандай бораётганлигига, бу жараёнга нималар халақит бераётганлигига синчиклаб назар ташлашимиз керак. Бунда талайгина ва баъзида кутилмаган қийинчиликлар ҳамда зиддиятлар учраб турибди, янги, илғор нарсалар билан эски, умрини яшаб бўлган нарсалар ўртасида кураш ҳам бўлиб турибди. Муайян журъатсизлик ва қатъиятсизлик мавжуд.

Октябрдан кейин дастлабки кунларда Ленин ишчи ва деҳқонлар ҳали «тортиниб» турибдилар, ҳали етарли даражада қатъий эмаслар, бутун бошқариш воситаларини айнан ўзлари қўлга олишлари кераклигини ҳали ўрганиб олганларича йўқ, деган эди. «Аммо 1917 йил Октябрь революциясининг кучи ҳам, унинг ҳаётийлиги ҳам, енгилмаслиги ҳам шундаки, — деб ёзган эди Ленин, — у бу хислатларни *уйғотмоқда*, барча эски ғовларни синдирмоқда, эски кишанларни

ўзиб ташламоқда, меҳнаткашларни *мустақил* янги ҳаёт яратиш йўлига олиб чиқмоқда».

Ҳозир ҳам биз одамлар янги вазиятга, демократик методлар асосида яшаш ва барча масалаларни шу метод асосида ҳал этиш имконияти ҳамда заруратига қийинчилик билан ўрганиб бораётганликларини кўриб турибмиз. Кўпчилик ҳозирча «тортиниб», ҳадиксираб иш тутмоқда, масъулиятдан чўчимоқда, ҳали ҳам эскириб қолган қоидалар ва йўл-йўриқлар асоратида қолмоқда. Вазифа одамларга ҳар қандай миқёсдаги ишлаб чиқариш ва жамоат ишларига ёндашишда мустақиллик ҳамда масъулият туйғусини сингдиришдан, халқнинг ўзи ва халқ манфаатларини кўзлаб амалга ошириладиган халқ ҳокимияти сифатида ўз-ўзини бошқаришни ривожлантиришдан иборатдир.

Ўз-ўзини бошқариш, аввало, Советлар орқали ривожлантирилади, Советлар эса партиянинг режаларига кўра тўла ҳуқуқли ва ҳал қилувчи органлар сифатидаги ўз ролини тўла-тўкис оқлашлари лозим. Кейинги вақтларда барча даражалардаги Советларнинг ҳуқуқ ва имкониятлари анча кенгайтирилди. Бу жараён бундан буён ҳам давом этаверади. Бинобарин, Советларнинг кучига куч қўшилади, совет демократияси тобора чуқурлашади.

Биз сайлов системасини такомиллаштира бошладик. Шу йилнинг июнь ойида ўтказилган сайлов бизни янгича ёндашувларнинг тўғрилиги ва самарадорлигига ишонтирди. Гарчи бу гал ҳам расмиятчилик ва ортиқча ташкилий ишларга берилиб кетиш ҳоллари юз берган бўлса ҳам, бу сайловлар халқнинг сиёсий активлиги ошганлигини, одамлар Советларга меҳнаткашларнинг ҳақиқатан ҳам энг яхши вакиллари сайланишидан манфаатдор эканликларини кўрсатди.

Қайта қуриш, демократияни ривожлантириш касаба союзларининг, комсомолнинг, бошқа жамоат ташкилотларининг, шу жумладан, уруш ва меҳнат ветеранлари Бутуниттифоқ кенгаши, хотин-қизлар кенгашлари, совет маданият фонди, В. И. Ленин номидаги болалар фонди каби кейинги йилларда юзага келган ташкилотларнинг куч-ғайрати, имкониятлари ва ҳуқуқларини тўла қувват билан ишга солиш имконини беради. Шу ташкилотларнинг кундалик фаолияти ҳаётий муҳим вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқ бўлиши, кенг меҳнаткашлар оммасининг манфаатларини ифода этиши муҳимдир.

Меҳнат коллективларида, истиқомат жойларидаги ишларда кўпгина янги, умидбахш жиҳатлар пайдо бўлди. Барча энг муҳим масалалар оператив равишда сансалорликсиз ҳал этилиши учун фойдали ташаббусга кенг имконият очилмоқда.

Мамлакатда авж олиб кетган янги жараёнлар умумий, сиёсий ва ҳуқуқий маданият, айтишим мумкинки, социалистик демократизм маданияти масалаларини ҳам янгича тарзда қўймоқда. Бюрократизм ва ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, итоатгўйлик, хўжасизлик ва масъулиятсизлик каби иллатлар кўп жиҳатдан айнан мана шундай маданиятнинг етишмаслиги билан боғлиқ. Чинакам социалистик демократизм маданияти буйруқбозлик қилиш, «тазйиқ ўтказиш» услубини ҳам, ташкилий дудмалликни, иш ўрнига қуруқ сафсатабозликни ҳам қабул қилмайди. Унисй ҳам, бунисй ҳам социализмга ётдир. Бошқа бир нарсага ҳам шак-шубҳа йўқ — демократия қанчалик кенг ва чуқур бўлса, социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот ўзига шунчалик кўпроқ эътиборни талаб қилади, уюшқоқлик ва онгли интизом бизга шунчалик кўп зарур бўлади.

Демократия маданияти сиёсат соҳаси билан чекланиб қола олмайди. Бу маданият инсоний муносабатларнинг барча соҳаларига сингиб кетиши керак. Биз социализм — одамларнинг фикр-ўйлари, ўзаро муносабатлари, фаолиятида хилма-хиллик тобора кўпайиб бораётган жамият эканлигига асосланамиз. Ҳар бир кишининг ўз социал тажрибаси бўлиб, ўз билим, маълумот савиясига, содир бўлаётган ҳодисаларни идрок этишда ўз хусусиятларига эгадир. Фикрлар, эътиқодлар, баҳоларнинг ғоят хилма-хиллиги мана шундан келиб чиқадики, улар диққат-эътибор билан ҳисобга олишни, қиёслашни тақозо этиши табиий. Биз ижтимоий фикрларнинг хилма-хиллиги, маънавий ҳаётнинг бой бўлиши тарафдоримиз. Биз ижтимоий ривожланишнинг қийин муаммоларини очиқ-ойдин ўртага қўйиб, ҳал этишдан, танқид қилиш ва баҳслашишдан қўрқмаслигимиз керак. Айни мана шундай шароитда ҳақиқат юзага келади, тўғри қарорлар ишлаб чиқилади. Социалистик демократия социализмга, меҳнат аҳлининг манфаатларига батамом хизмат қилиши керак.

Ўртоқлар! Экономикадаги туб ўзгартишлар негизидагина барча йўналишларда жадал олға ҳаракат қилиш учун мустаҳкам асос яратилиши мумкин Қолаверса, қайта қуришнинг ўзи ҳам халқ хўжалигини чуқур ҳаракатга келтирган тақдирдагина тўла кучга эришади. Бу эса ўз навбатида хўжалик механизмини экономикани бошқариш бутун системасини тубдан ўзгартиришга бориб тақалади

Мамлакатда бошланган туб иқтисодий ислоҳотдан кузатилган мақсад яқин икки-уч йил ичида ҳаддан ташқари марказлаштирилган, буйруққа асосланган бошқариш системасидан асосан иқтисодий методларга, централизм билан ўз-ўзини бошқаришни мақбул тарзда қўшиб олиб боришга асосланган демократик бошқариш системасига ўтишни таъминлашдан иборат. Бундай система бирлашмалар ва корхоналарнинг мустақиллиги кескин равишда кенгайтирилишини уларнинг тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказилишини, меҳнат коллективларига бунинг учун барча зарур ҳуқуқлар бериб қўйилишини тақозо этади.

Иқтисодий ислоҳот — эндиликда планлар ва ниятларгина эмас ва айникса мавҳум назарий фикр-мулоҳазалар эмас. У турмушга тобора мустаҳкам ва чуқур сингиб бормоқда. Ҳозир саноат, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалигидаги анчагина бирлашмалар ва корхоналар ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ҳамда ўз харажатини ўзи қоплаш асосида ишламоқда. Келгуси йил бошларидан саноат маҳсулотининг 60 процентини тайёрлаб бераётган корхоналар ана шундай шароитда ишлайдиган бўлади. Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонун кучга киради.

Мана шуларнинг ҳаммаси ҳозирдаёқ хўжалик юритиш практикасида сезилмоқда. Коллективларда ишнинг молиявий-иқтисодий натижаларига қизиқиш анча кучайиб бормоқда. Харажатлар ва натижаларни чинакамига ҳисоблаб, катта ва кичик нарсаларни тежайдиган, муаммоларнинг энг самарали ечимини топадиган бўлишмоқда. Бугун биз партия иқтисодий ислоҳотнинг қабул қилинган принципларидан ҳеч қандай чекинишларга йўл қўймайди, деб яна бир бор катъий қилиб айтишимиз керак. Белгиланган ўзгартишларнинг ҳаммаси амалга оширилиши лозим ва тўлиқ амалга оширилади.

Иқтисодий ислоҳот ва умуман қайта қуриш инсонни актив равишда биринчи ўринга чиқариб қўймоқда. Социал адолат шахснинг индивидуал қобилиятларини намоён этишига кўпроқ эътибор беришимизни, бошқаларга ўрнак кўрсатиб, яхшироқ ва кўпроқ ишлаётган кишиларни маънавий ва моддий жиҳатдан тақдирлашимизни тақозо этади.

Чин истеъдод соҳиблари, ўрнак кўрсатаётган шахслар жамиятнинг бебаҳо бойлиги бўлиб, улар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, ижод ва турмуш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб бериш керак. Биз ҳар бир кишининг қадр-қиммати, билими, меҳнати ва қобилияти ҳамма жойда ҳурмат қилинишини истаймиз. Ҳалол, ишчан, ижодкор инсон ўз меҳнати тегишли тарзда баҳоланишига, у ўзининг ҳақ эканлигини ҳамиша исботлай олиши ва қўллаб-қувватланишига, ишёқмас, юлғич, бюрократ ва сурбет одамнинг жилови тортиб қўйилишига, уларнинг ҳақиқий башараси очиб ташланишига ишончи комил бўлиши керак. Бу борада бизда содир бўлаётган ижобий ўзгаришларни (бу ўзгаришлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилмоқда) меҳнаткашлар қизғин қўллаб-қувватламоқдалар.

Ишга виждонан муносабатда бўлмасликка ҳозир айниқса тоқат қилиб бўлмайди. Замонавий билим ва техникага эга бўлган инсон тобора кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаради, унинг меҳнати эса ижтимоий ишлаб чиқаришнинг бошқа минглаб қатнашчилари фаолиятига тобора чамбарчас боғлиқ бўлади. Шундай шароитда ҳатто биргина ишчи, инженер, олимнинг пала-партишлиги ниҳоятда жиддий оқибатларга айланиб кетиши, жамият учун жуда катта йўқотишлар келтириб чиқариши мумкин.

Интеллектуал меҳнатнинг, илм-фан, техника ва жамият ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг, илм-фан ҳамда фан-техника тараққиёти инсонпарварлик маънавий-ахлоқий йўналишининг аҳамияти ортиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Биз фан ва техниканинг барча ютуқлари инсонга хизмат қилдирилиши экология муҳитини бузишга олиб бормаслиги тарафдоримиз. Биз Чернобиль АЭСидаги авария каби фожиали воқеадан аччиқ сабоқ чиқариб оляпмиз. Биз илм-

фандан ҳарбий мақсадлар йўлида фойдаланилишига барҳам бериш тарафдоримиз. Социал масъулиятни ва профессионал билимдонликни, ижодий самарадорликни ошириш — ҳозир инженерлар ва олимларнинг, врачлар ва ўқитувчиларнинг, адабиёт ва санъат арбобларининг бурчидир.

Ходимларнинг моддий манфаатдорлиги ҳуқуқини тиклаб, шу билан бирга унинг коллектив формаларига эътиборни кучайтира бориб, биз социал-маданий ва маънавий-психологик омилларга етарли баҳо берилмаслигига йўл қўймаслигимиз керак. Бу омиллар коллективчилик, ўртоқлик муносабатларини, социалистик турмуш тарзини нормал ривожлантириш учун, одамларнинг онги ва хулқ-атворида бизнинг совет қадриятларимизни қарор топтириш учун ниҳоятда муҳимдир.

Ўртоқлар! Биз ҳақли равишда мамлакатимизда миллий масала ҳал қилинган деб айтамиз. Революция миллатларнинг юридик жиҳатидангина эмас, шу билан бирга социал-иқтисодий жиҳатдан ҳам тенг ҳуқуқли бўлишлари йўлини очиб, ҳамма республикалар ва регионларнинг, барча халқларнинг иқтисодий, социал ҳамда маданий ривожланишини тенглаштириш учун жуда кўп иш қилди. Совет халқларининг дўстлиги Октябрнинг ғоят буюк ютуқларидан биридир. Шундай дўстликнинг ўзиёқ жаҳон тарихидаги ноёб ҳодисадир. Биз учун эса бу дўстлик Совет давлати қудрати ва мустаҳкамлигининг асосий таянчларидан биридир.

Мамлакатимиз халқлари бугунги кунда ленинча миллий сиёсатнинг буюк ютуқларини таъкидлар эканлар, улуғ рус халқининг беғаразлиги, чинакам интернационализми, ҳур ва тенг ҳуқуқли республикаларнинг социалистик иттифоқини яратишга, ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашга, Советлар мамлакатидаги барча халқларнинг иқтисодий, социал ва маданий тараққиётига қўшган бебаҳо ҳиссаси учун унга чуқур ҳурмат ва миннатдорчилик изҳор этмоқдалар.

Буюк муштарак бойлигимиз — СССР халқлари дўстлигини авайлаб-асрайлик, ўртоқлар. Шунинг учун биз ҳар қандай социал-иқтисодий, маданий, ҳуқуқий соҳадаги қарорлар ҳамиша тўғридан-тўғри ва бевосита миллий масалага ҳам дахлдор бўладиган кўп миллатли давлатда яшаётганлигимизни ҳеч қачон унутмаймиз. Ленинчасига ҳаракат қиламиз: ҳар бир миллатнинг, совет халқларидан ҳар бирининг потенциалини максимал равишда ривожлантиравераміз. Мамлакатимиздаги миллий муносабатлар — жонли ҳаётнинг жонли масаласидир. Биз одамларнинг миллий манфаатлари ёки миллий ҳис-туйғуларига дахлдор барча нарсаларда ниҳоят даражада эътиборли ва назокатли бўлишимиз, кўп миллатли жамиятимизнинг турмушидаги ғоят хилма-хил вазифаларни ҳал этишда барча миллат ва элатларнинг меҳнаткашлари жуда фаол қатнашишларини таъминлашимиз лозим. Биз қайта қуриш, демократиялаш, уни ривожлантиришнинг янги босқичи мамлакат ҳаётига олиб кираётган янгиликларни ҳисобга олиб, яқин келгусида ана шу масалаларни яна ҳам чуқурроқ анализ қилиш ва муҳокама этиш ниятидамиз.

СССР халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлиги биз учун — муқаддас иш. Шундай бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Бу ленинизм руҳига, Улуғ Октябрь анъаналарига, Ватанимизда яшаётган барча миллат ва элатларнинг туб манфаатларига мувофиқдир.

Ўртоқлар! Социализмнинг маънавий соҳаси — илм-фан ва маорифни, адабиёт ва санъатни, совет халқи социал ҳамда маънавий қадриятларининг бутун йиғиндисини ҳам ўз ичига олган кенг жабҳадагина совет жамияти сифат жиҳатидан янги ҳолатга ўтиши, келажакка ёриб ўтиш мумкин бўлади. Маънавий маданият жамиятнинг кўркигина бўлиб қолмай, балки унинг ҳаётини таъминлаш соҳаси, жамиятнинг интеллектуал ва маданий потенциалидир. Маънавий маданият жамиятнинг социал мустаҳкамлигига жило берувчи материал ва жамият жўшқин ривожланишининг тезлаткичи деса бўлади.

Биз социалистик маданиятнинг обрў-эътиборини яна ҳам юқорироқ кўтаришимиз керак. Олимлар ва ихтирочилар, ёзувчилар ва журналистлар, рассомлар, артистлар, ўқитувчилар — маданият ва маориф турли соҳаларининг барча ходимлари қайта қуришнинг курашчилари бўлишига даъват этилганлар. Партия зиёлиларимизнинг фаол гражданлик ва социал позицияда бўлишига умид боғлайди.

Совет халқи маърифатли халқ бўлиб қолдики, ўтмишнинг буюк мута-

факкирлари буни фақат орзу қилишлари мумкин эди. Аммо бунда ҳам хо тиржамликка йўл қўйиб бўлмайди. Ҳозир ҳал этилиши лозим бўлган ғоят катта в масъулиятли вазифалар ютуқларимиз соясида қолиб кетмаслиги керак. Маориф системаси кўп жиҳатдан замонавий талабларни қондира олмай қолганлигин кўриб турибмиз. Мактаблар ва олий ўқув юртларидаги таълимнинг сифати, ишчи ва мутахассислар тайёрлаш турмуш талабларига унча тўлиқ мос келаётгани йўқ

Олға томон жиддий сакраш қилиш, бу соҳада ҳам туб ўзгаришларга эришиш зарур. Партия ўрта ва ҳунар таълимини ислоҳ қилишга, олий мактабни қайта қуришга айнан шундай ёндашмоқда. КПСС Марказий Комитети маориф соҳасидаги етилган масалаларни ўз Пленумларининг бирида кўриб чиқишга қарор қилди.

Ўртоқлар, биз социалистик жамият ҳаётининг барча томонларини революцион тарзда қайта қуриш давомида ҳал этишимиз лозим бўлган стратегик вазифалари миз мана шулардан иборат.

КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленумидан кейин икки ярим йил вақ ўтди. Шу вақт ичида нималар қилишга муваффақ бўлдик? Биз қандай марра турибмиз? Бугунги тантанали мажлисда шундай саволларнинг берилиши ҳа ўринли, ҳам муқаррар, деб ўйлайман.

КПСС Марказий Комитетининг яқиндагина бўлиб ўтган Пленуми шунда хулоса чиқарди: биз бурилиш палласини бошдан кечираяпмиз. Қайта қуриш соҳасидаги ишларнинг биринчи босқичи асосан тугалланди. Мамлакат тараққиё тининг аҳволи ва истиқболларини чуқур анализ қилиш асосида қайта қуриш концепцияси ишлаб чиқилди. Мамлакатда янгича сиёсий, маънавий-психологи вазият вужудга келтирилди. Партия одамларнинг ижтимоий ишлардан манфа атдорлигини, уларнинг активлигини кучайтиришга, талабчанлик, танқид ва ўз ўзини танқид, ошкоралик даражасини оширишга, кишиларнинг тафаккури в кайфиятларида реал ўзгаришлар учун шарт-шароитларни яратишга муваффа бўлди.

Қайта қуришни қўллаб-қувватлаш, у муттасил олға ҳаракат қилиб боришин талаб этиш — ҳозирги босқичда совет кишилари позициясини белгилаб бераётга асосий жиҳатдир. Ишчилар, колхозчилар, зиёлилар интизомни кучайтириш меҳнатнинг самарадорлигини, сифатини ошириш зарурлигига тушуниб муноса батда бўлмоқдалар. Заводлар ва қурилишларда, колхоз ва совхозларда, илмий тадқиқот ташкилотларида меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг янги формалари зўр бериб изланмоқда. Ҳозир одамлар ўзларига нисбатан ҳам раҳбарлар, мутахассисларга нисбатан ҳам янада талабчан бўлиб қолмоқдалар хўжасизлик ва масъулиятсизликка катъиян карши курашмоқдалар. Би меҳнаткашларнинг шундай гражданлик позициясини юксак қадрлаймиз, уни пар тиянинг қайта қуриш йўлини шубҳасиз ва кучли қўллаб-қувватлаш, деб биламиз

Энг аввало, социал-иқтисодий соҳадаги амалий ишларда баъзи бир ижоби силжишлар тўғрисида ҳам гапириш учун асос бор. Ишлаб чиқаришни ўстириш суръатлари кучайди. Экономикада сифат ўзгаришлари мўлжалланди, жуда катт илмий-техникавий программалар рўёбга чиқарилмоқда, Ватан машинасозлиг модернизация қилинмоқда. Қишлоқ хўжалиги, айникса чорвачилик барқарорро ривожлана бошлади.

Ўртоқлар, бу йил мамлакатимиз кўпчилик районларида нақадар ноқулай об ҳаво шароитлари вужудга келганини ҳаммангиз биласизлар. Шунга қарамай, би 210 миллион тоннадан кўпроқ дон ҳосили олишга муваффақ бўлдик. Бу - халқимизнинг, уни янгича ишлашга сафарбар этган партиямизнинг жуда катт куч-ғайратлари натижасидир!

Экономика соғломлаштирила бошлаганлиги социал соҳада катта тадбирлар ни амалга оширишга киришиш имконини берди. Уй-жой қурилиши микёслар сезиларли равишда ошди, хизмат кўрсатиш соҳаси кенгайиб бормоқда. Меҳнат кашларнинг даромадлари кўпаймоқда. Ўқитувчилар ва врачларнинг иш ҳақ оширилди. Маориф ва аҳолига медицина хизмати кўрсатиш соҳасида катта-катт программалар рўёбга чиқарилмоқда.

Шундай бўлса-да, булар фақат ишнинг бошланиши, холос. Ҳозир бизнин бутун сиёсатимиз, барча қарорларимиз конкрет ишларда намоён бўлиб амалг оширилаётган бир пайтда қайта қуриш янги босқичга кирганлиги тўғрисид

апира оламиз. Бу эса бутун халкнинг — ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлиарнинг, барча кадрларимизнинг ғоят зўр куч-ғайрат сарфлашларини талаб этади. Эндиликда бизнинг ғояларимиз, режаларимизни, ёндашувларимиз ва иш сулларимизни турмушнинг ўзи синовдан ўтказади.

Ҳозир ҳаёт тобора жўшкин тус олаётганлиги ҳамма нарсада сезилиб турибди. Бу — бунёдкорлик, фаол меҳнат, сиёсий ва интеллектуал фаолият жўшкинлигидир. Яхши сафарбар қилувчи жўшқинликдир, ўртоқлар!

Шу нуқтаи назардан олганда келгуси икки, эҳтимолки уч йил энг мураккаб, ҳал қилувчи йиллар, маълум маънода мушкул йиллар бўлишини таъкидлаб ўтмоқчиман. Аввало шунинг учунки, айни бир вақтнинг ўзида экономикада ҳам, социал соҳада ҳам, давлат ҳамда жамоат бошқарувини қайта қуришда ҳам, идеология ва маданиятда ҳам кенг миқёсли вазифаларни ҳал этиш лозим бўлади.

Экономикада чуқур структуравий силжишларни амалга ошириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда бурилишга эришиш, асосан хўжалик механизмини қайта қуриш ва шу тариқа халқ хўжалигини интенсивлаш йўлига ўтказишда ҳал қилувчи қадам қўйиш зарур.

Келгуси даврнинг мураккаблиги яна шундаки, ўзгартишлар одамларнинг, социал группалар ва аҳоли табақаларининг тобора кўпроқ оммаси, барча кадрларнинг манфаатларига дахлдордир. Меҳнаткашлар қайта қуришни кенг кўламда қўллаб-қувватлашлари, ўзгаришлар қилиш, бу йўлдаги маълум қийинчиликларга қарамай, қайта қуришни зўр ғайрат билан давом эттириш зарурлигини чуқур англаш бундан буён ҳам мамлакатдаги вазиятни белгилаб беришига ишончимиз комил.

Аммо қайта қуришни ўзларининг ғаразли манфаатлари ва мақсадларига таҳдид деб билаётган консерватив кучларнинг қаршилиги муайян даражада зўрайганлигини кўрмаслик нотўғри бўлур эди. Бу ҳол эса бошқарувнинг у ёки бу бўғинларидагина эмас, шу билан бирга меҳнат коллективларида ҳам намоён бўлмоқда. Консерватизм кучлари қайта қуришни обрўсизлантиришга, меҳнаткашларнинг норозилигини уйғотишга уриниб кўриш учун ҳар қандай қийинчиликлардан дарҳол фойдаланиб қолишларига ҳам ҳеч шубҳаланмаса бўлади. Баъзи кимсалар ҳозирнинг ўзидаёқ енг шимариб камчиликларга қарши курашиш, янги ечимларни излаб топиш ўрнига хатоларни ҳисобга олиб боришни афзал кўрмоқдалар. Бунда ҳеч ким мен қайта қуришга қаршиман, деб айтаётгани йўқ, албатта. Йўқ, бундай кимса қайта қуришдаги нуқсонларга қарши курашчи, омманинг активлиги кучайиб бораётганлиги гўё бўшаштириб қўйиши мумкин бўлган ғоявий негизларнинг ҳимоячиси сифатида ҳаракат қилади.

Лекин ўртоқлар, бизни қачонгача ҳар қандай камчилик ва нуқсонлар билан чўчитавериш мумкин, ахир! Ҳар қандай ишда, бунинг устига янги ишда камчиликлар бўлиши муқаррар, албатта. Аммо бир жойда депсиниб туриш, турғунлик ва лоқайдлик оқибатлари ижтимоий турмуш янги формаларини ижодий бунёд этиш жараёнида муваққат пайдо бўладиган камчилик ва нуқсонларга қараганда каттароқ бўлиб, анча қимматга тушади.

Қайта қуриш мухолифларини — ишга тўсқинлик қилиб, ҳаракатимизга тўғаноқ бўлаётганларни, қийинчиликлар ва муваффақиятсизликлардан ичи қоралик билан суюнаётганларни, бизни ўтмишга тортишга уринаётганларни билиб олишни, уларни фош қилишни, бундай кимсаларнинг найрангларини чиппакка чиқаришни ўрганиб олиш керак. Биз ҳаддан ташқари шошма-шошар ва бетоқат кишиларнинг — қайта қуриш объектив мантиқи билан ҳисоблашишни истамаётган, уларнинг назарида ўзгартишларнинг суръатлари суст деб норозилик билдираётган, гўё бундай ўзгартишлар тезда зарур самараларни бермайди, деб айтаётган кимсаларнинг тазйиқига ҳам берилиб кетмаслигимиз лозим. Босқичдан-босқичга сакраб ўтиш ва ҳамма нарсани бир варақайига бажаришга уриниш мумкин эмаслиги равшан бўлиши керак.

Қайта қуриш революция ишини давом эттирмоқда. Революцион матонат қуролини мукаммал эгаллаб олиш маҳорати ҳозир ҳам ниҳоятда зарурдир. Бундай матонат жойида ўтириш ёки оқимга қараб сузишдан иборат эмас. Бу — вазиятга реалистик баҳо бериш, қийинчиликлар олдида чекинмаслик, ваҳима қилмаслик, муваффақиятлардан ҳам, муваффақиятсизликлардан ҳам ўзини йўқотиб қўймаслик қобилияти — ҳар кун, ҳар соатда қизғин ва собитқадам меҳнат қилиш,

ҳамма жойда ва ҳар ишда ҳаётнинг ўзи ўртага қўяётган энг мақбул ечимларни топиб, амалга ошира билиш қобилиятидир.

Биз белгилаган режаларни рўёбга чиқариш, ўртага қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш соҳасида дадил, қатъият ва собитқадамлик билан ишлаш зарурати мана шундан келиб чиқади. Зиддиятларни очиб ташлаш, таҳлил этиш, уларнинг табиатини англаш ва шу асосда сиёсий, иқтисодий, социал ташкилий ва мафкуравий чора-тадбирлар системасини тузиш — бизнинг ёндашу вимиз бўлиб қолиши керак. Бошқача бўлиши мумкин эмас!

Ўртоқлар! Қайта қуришнинг муваффақияти, аввало, партиянинг, ҳар бир коммунистнинг ғайрат-шижоати, собитқадамлиги, намуна кучига боғлиқдир Социал-иқтисодий ўзгартишларнинг тарихан масъулиятли шу палласида Коммунистик партия жамиятни янгилаш учун дадил ва қатъий кураш бошлади ишларнинг энг оғир юкини ўз зиммасига олди. Бинобарин, биз Октябрнинг улуғ иши — революцион қайта қуриш иши забардаст қўлларда, деб комил-ишонч билан айта оламиз. Коммунистлар халқ ва замон олдидаги бурчини юксак масъулият билан адо этадилар.

Партия ташкилотлари, партия органлари ва кадрлари фаолиятини тубдан яхшилаш бугунги куннинг бош вазифаси бўлиб қолмоқда. Ҳар бир партия ташкилотининг фаолиятида бурилишга эришиш, ҳар бир партия комитетининг, ҳар бир коммунистнинг ишини активлаштириш лозим. Ҳозирдаёқ шундай қилишга муваффақ бўлинган жойларда, партия раҳбарлари, коммунистлар омманинг ташаббускорлиги ва фаолиятини кучайтира олган, демократиялаш ва ошкоралик йўлига, хўжалик ҳисобини, коллектив пудратни жорий этиш йўлига дадиллик билан ўтилган, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг, одамлар талаб эҳтиёжини қондиришнинг янги формаларига кенг йўл очилган жойларда ишлар қатъият билан юришиб кетди. Лекин биз бир қанча шаҳарлар, районлар ҳамда областларда ва ҳатто, баъзи республикаларда қайта қуриш ҳали чинакамига авж олдирилмаганлигини кўриб турибмиз. Бу эса партия комитетлари ҳамда раҳбарларининг сиёсий ва ташкилий жиҳатдан сусткашлиги, ташаббуссизлигининг бевосита натижасидир. Буни ҳам кўра билиш керак. Булар ҳам биздаги реалликдир.

Ишларни яхшилаш учун бошланғич партия ташкилотлари зиммасига алоҳида масъулият тушади. Қайта қуришнинг барча жиҳатлари аслида уларга бориб тақалади. Ўзгартишларнинг бориши, одамларни сафарбар этиш ва илҳомлантириш маҳорати, ишни конкрет равишда яхшилашга эришиш маҳорати, аввало айнан бошланғич партия ташкилотларининг ташаббускорлигига боғлиқдир Умуман, ўртоқлар, барча партия ташкилотларининг ҳаётини кескин активлаштирмай туриб, биз қайта қуришни амалга ошира олмаймиз. Шу боисдан кўпроқ ишчанлик, кўпроқ демократизм, кўпроқ уюшқоқлик ва интизом бўлсин. Ана шундагина биз қайта қуришни зўр куч билан давом эттириб, ривожланаётган социализмга янги-янги омиллар бағишлай оламиз.

III. УЛУҒ ОКТЯБРЬ ВА ҲОЗИРГИ ДУНЁ

Ўртоқлар! Россияда Улуғ революция бўлмаганида дунё биз ҳозир кўриб турганимиздек бўлмас эди. Жаҳон тарихидаги шу бурилишга қадар кучлилар ва бойларнинг «ҳуқуқи», шунингдек босқинчилик урушлари халқаро муносабатларнинг одатдаги нормаси эди. Биринчи қонун акти сифатида Сулҳ тўғрисидаги машҳур декретни қабул қилган Совет ҳокимияти бундай тартибга қарши кураш бошлади. Советлар мамлакати аввaллари «катта сиёсат»дан ташқарида бўлиб келган халқнинг соғлом фикри ва меҳнаткашлар оммасининг манфаатларини халқаро практикага олиб кирди.

Ленин совет ташқи сиёсатига раҳбарлик қилган ўша бир неча йиллар ичида ташқи сиёсатнинг асосий приципларини ишлаб чиқибгина қолмай, шу билан бирга уни жуда одатдан ташқари ва кескин ўзгариб бораётган вазиятда қандай қўллаш лозимлигини ҳам кўрсатиб берган эди. Дарҳақиқат, дастлаб кутилганига қарамай капиталистик системанинг энг «заиф ҳалқаси» узилганлиги «энг сўнгги қатъий жанг» эмас, балки узоқ ва мураккаб жараённинг бошланиши эди.

Совет давлати асосчисининг ғоят буюк хизмати шундан иборат бўлдики, у Гражданлар уруши ғолибона тугаганлиги натижасида янги Россия олдида очилаётган реал истиқболни ўз вақтида кўра билди. Унинг фикрича, мамлакат «нафасни ростлаб олиш» имконигагина эга бўлиб қолмай, балки анча каттароқ нарсага — «янги бир даврга ҳам эга бўлиб олганлигимиз, бу даврда биз капиталистик давлатлар орасида ўзимизнинг халқаро яшаш ҳуқуқимизни асосан қўлга киритганимиз» аниқ ва равшан бўлади. Ленин улар билан узоқ вақт «тинч-тотув яшашни» ўрганиб олиш йўлини қатъиян таклиф этди. У сўл экстремизмга қарши ўлароқ турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши мумкинлигини асослаб берди.

Ишчи-деҳқон давлатини ташқи сиёсий жиҳатдан яккаланишдан олиб чиқиш учун Гражданлар урушидан кейин атиги бир ярим — икки йил керак бўлди. Чегарадош мамлакатлар билан, сўнгра Германия билан Рапаллода шартномалар тузилди. Англия, Франция, Италия, Швеция, бошқа капиталистик давлатлар Совет республикасини дипломатик жиҳатдан тан олдилар. Шарқ давлатлари — Хитой, Туркия, Эрон, Афғонистон билан тенг ҳуқуқли муносабатларни йўлга қўйишда дастлабки қадамлар қўйилди.

Мана шуларнинг ҳаммаси ленинча ташқи сиёсат ва дипломатиянинг шунчаки биринчи ғалабаларигина эмас эди. Бу — принципиал янги халқаро ривожланиш йўлига чиқиб олиш эди. Халқаро сиёсатимизнинг бош йўналишига асос солингандики, биз буни ҳақли равишда тинчликка, давлатларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигига ва халқлар дўстлигига қаратилган ленинча йўл деб атаймиз.

Ўз-ўзидан равшанки, бизнинг ташқи сиёсат соҳасидаги барча ишларимиз ҳам кейинчалик фақат муваффақиятлар ва ютуқлардангина иборат бўлгани йўқ. Хатолар ҳам бўлиб турди. Иккинчи жаҳон урушигача ҳам, ундан кейин ҳам очилган имкониятлардан фойдаланишга ҳамиша ва ҳар ишда муваффақ бўлинавермади. Совет Иттифоқи урушдан жуда катта маънавий обрў орттириб чиққан эди, биз тинчликсевар, демократик кучларни жипслаштириш ва «совуқ уруш» ташкилотчиларини тўхтатиб қолиш учун ана шу обрўдан фойдалана олмадик. Империализмнинг иғвогарлик ҳаракатларига бизнинг жавобимиз ҳамиша ҳам бир хилда бўлавермади.

Ҳа, ниманидир яхшироқ амалга ошириш, яна ҳам самаралироқ ҳаракат қилиш мумкин эди. Шунга қарамай, биз мана шу тантанали дамларда: сиёсатимизнинг принципиал йўли Ленин ишлаб чиққан ва асос солган бош йўналишга доимо мос бўлиб келди, яъни социализмнинг табиатига, унинг тинчликка қаратилган принципиал йўлига мувофиқ бўлди, деб айта оламиз.

Ҳал қилувчи даражада айни мана шу туфайли ядро уруши чиқишининг олдини олишга, империализмнинг «совуқ уруш»да ютиб чиқишига йўл қўймасликка муваффақ бўлинди. Биз ўз иттифоқчиларимиз билан биргаликда империалистларнинг «социализмни улоқтириб ташлаш» стратегиясини мағлубиятга учратдик. Империализм ўзининг жаҳонга ҳукмронлик қилиш даъволаридан тийилиб туришига тўғри келди. Янги босқичда биз янгича тафаккур руҳида янги ёндашувларни ишлаб чиқаётганимизда айни ўз тинчликсевар сиёсатимизнинг натижаларига таяна олдик.

Тинч-тотув яшашдан иборат ленинча концепция бирмунча ўзгаришларга учраганлиги табиий. Дастлаб у аввало социалистик революция мамлакатида янги жамият барпо этиш учун минимал ташқи шароитларни яратиш заруратига асосланган эди. Аммо ғолиб чиққан пролетариат синфий сиёсатининг давоми бўлмиш тинч-тотув яшаш сиёсати кейинчалик ва айниқса ядро асрида бутун инсоният омон қолишининг шартига айланди.

КПСС Марказий Комитетининг 1985 йилги апрель Пленуми шу йўналишда ҳам Лениннинг фикрини ривожлантириш марраси бўлди. XXVII съезд кенг миқёсдаги янги ташқи сиёсат концепциясини баён этиб берди. Маълумки, ҳозирги дунёнинг чуқур зиддиятларига ва ундаги давлатларнинг тубдан фарқ қилишига қарамай, бу дунё ўзаро алоқадор, бир-бирига боғлиқ бўлиб, муайян даражада яхлит бир нарсадир, деган ғоя ана шу концепциянинг илк нуқтасидир.

Жаҳон хўжалик алоқалари интернационаллашиб бораётганлиги, фан-техника революциясининг кенг қамровли характери, ахборот ва коммуникация воситаларининг принципиал янги роли, планета ресурсларининг ҳолати, умумий экологик

хавф-хатар, ривожланаётган дунёнинг барчага дахлдор ғоят ўткир социал муаммолари шуни тақозо этмоқда. Аммо энг муҳими — инсон зотининг омон қолиши муаммоси юзага келганлиги шуни тақозо этди, чунки ядро қуролининг пайдо бўлганлиги ва уни қўлланиш хавфи инсон барҳаётлигининг ўзини шубҳа остида қолдирди.

Шу тарика, Лениннинг ижтимоий тараққиёт манфаатлари устунлиги ғояси янги маъно ва аҳамиятга эга бўлиб қолди. Апрель Пленумидан бошлаб биз хавф-хатарсиз, мустаҳкам тинчлик сари ҳаракатни қандай тасаввур этишимизни ҳаммага жуда равшан қилиб айтдик. Бизнинг ниятларимиз ва хоҳиш-иродамиз партия олий сиёсий анжумани — XXVII съезд қарорларида, Янги таҳрирдаги КПСС Программасида, 1986 йил 15 январдаги Баёнотда таклиф қилинган ядровий қуролсизланиш программасида, Деҳли Декларациясида, бошқа ҳужжатларда. Совет Иттифоқи раҳбар арбобларининг расмий нутқларида баён этилган.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан биргаликда биз Бирлашган Миллатлар Ташкилотида бир қанча катта ташаббусларни кўтариб чиқдик, шу жумладан халқаро тинчлик ва хавфсизликнинг кенг қамровли системасини барпо этиш лойиҳасини ўртага қўйдик. Варшава Шартномаси давлатлари НАТОга, Европадаги барча мамлакатларга мурожаат этиб, қуролли кучларни ва қурол-яроғларни оқилона ва етарли бўлган даражагача камайтиришни таклиф қилдилар. Иккала иттифоқнинг ҳарбий доктриналарига фақат мудофаа йўналишини бахш этиш мақсадида шу доктриналарни таққослаб кўришга даъват этдик. Химиявий қуролни тақиқлаш ва тугатишга актив ҳаракат қилиш мақсадида аниқ-равшан планни ҳам ўртага ташладик. Қурол-яроғларни қисқартириш устидан контроллик қилишнинг самарали методларини ташкил этиш, шу жумладан жойларда инспекция ўтказиш соҳасида ташаббус кўрсатдик.

Биз БМТнинг обрў-эътиборини мустаҳкамлашни, унга ҳамда унинг органларига халқаро ҳамжамият топшириб қўйган ҳуқуқлардан тўла-тўкис ва таъсирчан фойдаланишни қатъият билан талаб қилиб чиқдик. Универсал механизм бўлмиш БМТ барча давлатлар манфаатларининг мувозанатини коллектив бўлиб қидириш йўлларини ваколатли равишда муҳокама қилиши ва таъминлай олиши, ўзининг тинчликсеварлик вазифасини самарали бажариши учун ўзимизга боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилаяпмиз.

Энг муҳими шундан иборатки, бизнинг тинчлик концепциямиз ва қатъий йўл-йўриғимиз халқаро майдондаги ишларда ва бутун феъл-атворимизда, ўзаро хавотирликларни ва жаҳон фанининг хулосаларини эътиборга оладиган, бирон-бир давлатни доғда қолдириш ёки алдашга уринмайдиган ошкора ва халол мулоқотга интилиш муддаоси билан суғорилган ташқи сиёсий ва дипломатик ишдаги услубнинг ўзида ифодаланди. Хуллас, мана шу икки йилдан ортиқроқ вақт ўтганидан кейин биз ишонч билан айта оламизки, янги сиёсий тафаккур — шунчаки декларация ва даъват эмас, балки ҳаракат фалсафаси, таъбир жоиз бўлса — ҳаёт фалсафасидир. Шу фалсафа дунёдаги объектив жараёнлар билан бирга тинимсиз ривожланмоқда ва ҳозирнинг ўзидаёқ амал қилмоқда.

1986 йил октябридаги Рейкьявик учрашуви халқаро тараққиётда бошланган ҳамда бугун эсга олса арзийдиган ва тарихда қоладиган янги босқич воқеалари жумласига киради. Бу учрашув янги таффаккурга амалий куч-ғайрат бахш этди, унинг жуда турли ижтимоий ва сиёсий доираларда мустаҳкамланишига имкон берди, халқаро сиёсий алоқаларни эса янада натижадор қилди.

Умумбашарий мезонларга эга бўлган, ақл-заковат ва ошкораликни кўзлайдиган янги тафаккур жаҳон ишларида ўзига йўл очиб, антисоветизм сийқа принципларини ҳамда бизнинг ташаббусларимиз ва ҳаракатларимизга нисбатан шубҳа-гумонларни чиппакка чиқара бошлади.

Ҳозирги инсоният ўзининг омон қолишини таъминлаш учун ҳал этиши керак бўлган вазифаларнинг микёслари билан ўлчайдиган бўлсак, ҳали жуда оз, жуда кам иш қилинди, албатта. Бироқ пойдевор қўйилди ва ўзгаришларнинг дастлабки нишоналари кўриниб турибди. Яқин вақт ичида ўртача олислик ракеталари ва оператив-тактик ракеталар юзасидан шартнома тузиш ҳақида Америка Қўшма Штатлари билан эришилган аҳднома бунинг яққол исботларидан биридир.

Бу битимнинг тузилиши катта мустақил аҳамиятга эгадир: биринчи марта ядровий қуролларнинг бутун бир туркуми тугатилади, ядровий аслаҳахоналарни

йўқ қилиб ташлаш йўлида биринчи реал қадам қўйилади, бу йўлда ҳеч кимга зарар етказмай олға силжиш мумкинлиги амалда кўрсатилади.

Бу — янгича фикрлашнинг муҳим муваффақияти, бизнинг тенг хавфсизлик принципини ғоят эҳтиёт қилиб асраб, ўзаро мақбул ечимларни қидириб топишга тайёрлигимизнинг самаралари эканлиги шубҳасиздир.

Бироқ бу битим тўғрисидаги масала Рейкьявикдаёқ, бизнинг президент билан иккинчи учрашувимизда асосан ҳал қилинган эди.

Шу қадар масъулиятли даврда дунё СССР билан АҚШнинг раҳбарлари учинчи ва тўртинчи учрашувидан бир йил муқаддам аҳдлашиб олинган нарсаларни шунчаки расман қайд этишдан кўра, мунозараларни шунчаки давом эттиришдан кўра кўпроқ натижа кутмоқда. Вақт ҳам, назорат остидан чиқиб кетиши мумкин бўлган курол-яроғларни такомиллаштириш хавфи кучайиб бораётганлиги ҳам шошилтирмоқда.

Шу сабабли биз ана шу учрашувларда ядро уруши хавфини бартараф этишнинг энг муҳим масаласида — стратегик ҳужум куролларини қисқартириш ва куролни космосга чиқаришга йўл қўймаслик тўғрисидаги масалада сезиларли силжишга, аниқ-равшан натижаларга эришишга сабот билан ҳаракат қиламиз.

Хўш, бизнинг умидворлигимиз учун, кенг қамровли хавфсизликка ҳақиқатан ҳам эришиш мумкин деб ҳисоблаш учун қандай асосларимиз бор? Бу масалага батафсилроқ тўхтаса арзийди.

Бизнинг революциямиз назарий жиҳатдан тайёргарлик кўрилмаган тақдирда, ғалаба қозона олмаган бўлур эди. Революциямизнинг 70 йиллигини нишонлар эканмиз, ҳозир, жаҳон тарихининг янги бурилиш нуқтасида ҳам, барқарор тинчлик сари олға интилиш истиқболларини назарий жиҳатдан ишлаб чиқмоқдамиз. Биз қуролсизланиш шароитида халқаро хавфсизликнинг кенг қамровли системаси лозим ва мумкинлигини янгича тафаккур ёрдамида асосан асослаб бердик. Энди шу мақсад сари бориш ва унга эришиш зарурлиги ва реаллигини исботлаб бериш лозим. Манфаатлар курашида, зиддиятларида, тўқнашувларида изланган натижани бера оладиган кучлар ўзаро таъсирининг қонуниятларини аниқлаш керак. Шу муносабат билан аввало, яна ленинча таълимотимиз позицияларида туриб, унинг методологиясидан фойдаланиб, ўзимизга қийин саволларни беришимиз лозим.

Биринчи савол империализмнинг табиатига доир саволдир. Асосий уруш хавфи бунинг табиати замирида яшириниб ётганлиги маълум. Ижтимоий тузумнинг табиати ташқи шароитларнинг таъсирида ўзгариши мумкин эмас, албатта. Бироқ жаҳон тараққиётининг ҳозирги фазасида, дунёнинг ўзаро боғлиқлиги ва яхлитлиги янги даражасида ана шу дунёнинг табиатига таъсир ўтказиб, унинг энг хатарли кўринишлари йўлини тўсиш мумкинми? Бошқача қилиб айтганда, умумбашарий қадриятлар энг катта устунлик ҳисобланган яхлит дунёнинг қонуниятлари капиталистик системанинг ўтакетган худбинлик, тор синфий қонуниятлари вайронгарчилик ҳаракати доирасини чеклай олишига умид қилиб бўладими?

Иккинчи савол. Бу савол биринчи савол билан боғланган: капитализм милитаризмдан халос бўла оладими. У милитаризмсиз иқтисодий жиҳатдан яшаб, ривожлана оладими? Шу муносабат билан бизнинг Ғарбдаги мамлакатларга экономикани қайтадан ўзгартириш, яъни уни тинч изга ўтказиш программасини тайёрлаш ва таққослашга таклиф қилаётганлигимиз хаёлий бир нарса эмасми?

Учинчи савол. Капиталистик система ўзининг ҳозирги ҳаётини таъминлаш манбаларидан бири бўлган янги мустамлакачиликсиз кун кўра оладими? Бошқача қилиб айтганда, бу система «учинчи дунё» билан ноэквивалент айрибошлашсиз яшай оладими? Ҳозирги бундай айрибошлашнинг оқибатлари нима бўлишини айтиб бўлмайди.

Шу саволлар қаторида яна бир савол бор: ҳозирги дунё ҳалокатли хавф-хатар ёқасида турганлиги тушунчаси ғарб дунёсининг ҳукмрон юқори табақаси олий эшелонларига ҳам кириб бораётган бир пайтда мана шу тушунча амалий сиёсатга ўтишига бўлган умид реалмикан? Чунки ақл-идрок далиллари нақадар кучли бўлмасин, масъулият туйғуси нақадар ривожланган бўлмасин, ўзини ўзи сақлаб қолиш туйғуси нақадар зўр бўлмасин,— етарли баҳо бермасдан бўлмайдиган ва иқтисодий, бинобарин, синфий манфаат билан ҳам белгиланадиган нарсалар бор.

Бошқача қилиб айтганда, гап капитализм ядросиз ва қуролсизланган ду шароитига, янги, одилона иқтисодий тартиб шароитига, икки дунёнинг маънав қадриятларини ҳалол таққослаш шароитига кўника оладими ёки йўқми эканли ҳақида бормоқда. Булар шунчаки бекорга берилаётган саволлар эмас. Яқин йилликлардаги тарихий воқеаларнинг қандай ривожланиши шу саволлар бериладиган жавобга боғлиқ.

Вазифанинг нақадар жиддийлигини пайқаб олиш учун шу саволларни ўзини қўйишгина етарли. Бу саволларга ҳаёт жавоб қайтаради. Ядросиз ва хав хатарсиз дунё программасининг ўзи нақадар тўғрилиги уни илмий жиҳатд бекаму кўст асослаш билангина текширилмайди. Уни жуда турли-туман ва ян кучлар таъсир ўтказадиган воқеаларнинг бориши текширади.

У ҳозирнинг ўзидаёқ текширувдан ўтмоқда. Бу соҳада ҳам биз Лен анъанасига, ленинизм моҳиятининг ўзига содиқмиз. Чунончи, назария бил практиканиниг узвий қотишмасига, практика қуроли бўлмиш назарияга назариянинг тўғрилигини назорат қилувчи механизм бўлмиш практика ёндашувга содиқмиз. Биз айни шундай иш тутиб, янгича тафаккурни ташқи сиёс фаолиятга татбиқ этаяпмиз ва унга реал сиёсатдан олинган тажриба асоси тузатиш, аниқлик киритиб, уни бойитиб бораяпмиз.

Шундай қилиб, биз хавф-хатарсиз дунёни капиталистик мамлакатлар бил биргаликда қуришга тўғри келишини била туриб нималарга умид қиляпми

Урушдан кейинги давр жаҳон экономикаси ва сиёсатидаги асосий жар ёнларни белгилаб келган зиддиятларнинг чуқур мослашувидан далолат бер Бунда мен, аввало, шу зиддиятларнинг ўтмишда муқаррар равишда уруш капиталистик давлатларнинг ўзлари ўртасидаги жаҳон урушларига олиб борг тарзда ривожланишини назарда тутаяпман.

Ҳозир вазият бошқача. Ўтган уруш сабоқларигина эмас, шу билан бир жаҳон системаси бўлиб қолган социализм олдида ўзини заифлаштириб қўйишд чўчиш ҳам капитализмга ўзининг ички зиддиятларини охирги чегарага етказиши имкон бермади. Бу зиддиятларнинг кучайиши бир-бири билан технолог соҳасидаги пойгага айланиб кетди, янги мустамлакачилик ёрдамида «ясани олди. Ленин аниқлаб берган қоидага мувофиқ,— «капиталга қараб» дунёни ўзига хос тарзда янгидан «тинч» тақсимланиши содир бўлди, яъни ҳозирги пайт ким кучлироқ, бойроқ бўлса, унга кўпроқ улуш тегди. Бир қанча мамлакатлар экономикадаги кескинлик «совет хавфи» деган важ билан маблағларни ҳарби саноат комплексига ўтказиш йўли билан камайтирила бошлади. Капиталист хўжаликнинг технологик ва ташкилий асосида рўй берган ўзгартишлар ха зиддиятларни текислашга, манфаатларни мувозанатлаштиришга ёрдам бер

Аммо гап шунинг ўзидагина эмас. Агар ўтмишда фашизм хавфи қаршиси социалистик ва капиталистик давлатларнинг иттифоқига имкон туғилган эка бутун дунё ядровий фалокат хавфи олдида турган, ядро энергетикасини хавфсизлиги, экология хавфини бартараф этиш зарурати олдида турган б пайтда бундан ҳозирги кун учун муайян сабоқ чиқариб олинса бўлмайдими, ахи Шуларнинг ҳаммаси англаб олиш, амалий қарорларга келиш йўлини англаш гина эмас, излашни ҳам талаб қиладиган жуда реал ва хавфли ҳолатларди

Яна. Капиталистик экономика милитарлаштиришсиз ривожлана оладими? ўринда Японияда, Ғарбий Германиядаги, Италиядаги «иқтисодий мўъжиз эсга келади. Тўғри, «мўъжиза» тугагач, улар яна милитаризмга қайтишди. Бир бундай бурилиш ҳозирги монополистик капитал фаолиятининг моҳият қонунла билан нақадар шартланганлигини ва ўткинчи жиҳатлар: Қўшма Штатлар ҳарб саноат комплексининг «юқумли намунаси», «совуқ уруш» вазияти, устунликни б бермаслик мулоҳазалари, рақобатчилар билан шу муҳитда тушунарли бўлг тилда гаплашиш учун ўзининг «ҳарбий мушти»га эга бўлиш эҳтиёжи, шунинг «учинчи дунё»га зўравонлик сиёсати билан иқтисодий бостириб кириш мустаҳкамлаш истаги қандай роль ўйнаганлигини таҳлил этмоқ керак. Қанд бўлмасин, бир қанча мамлакатларда камроқ ҳарбий харажат қилиб, ҳозир капиталистик экономикани тез ривожлантириш даври бўлди. Бу соҳадаги тажри тарих бисотида қолиб кетди.

Масалага бошқа томондан ҳам — муқобил тарафдан ҳам ёндашиш мумки Қўшма Штатларнинг экономикаси уруш замонларидан буён доимо милитаризм

қаратилиб ва суяниб келди. Аввалига бу нарса уни рағбатлантиргандек бўлди. Аммо кейинчалик ресурсларни жамиятга кераксиз тарзда мана шундай беҳуда исроф қилиш ақл бовар қилмайдиган даражадаги катта давлат қарзини ҳамда бошқа кулфатлар ва иллатларни келтириб чиқарди. Ҳаддан ташқари милитарлаштириш пировард натижада шу мамлакатнинг ўзидаги аҳволни тобора кескинлаштириши ва бошқа мамлакатларнинг экономикасини издан чиқариши маълум бўлиб қолди. Нью-Йорк биржасида ва дунёнинг бошқа биржаларида яқинда бўлган ва қарийб 60 йил мобайнида мисли кўрилмаган саросималик — таҳликали нишона, таҳликали огоҳлантиришдир.

Учинчи жиҳат — ривожланаётган мамлакатлар билан эксплуататорлик руҳидаги нюэквивалент муносабатлардир. Ривожланган капитализм «иккинчи» (сунъий) муҳитни вужудга келтириш соҳасидаги ҳамма ғаройиб янгиликларга қарамай, шу мамлакатларнинг ресурсларисиз кун кўра олмади ва кун кўра олмайди ҳам. Бу — объектив реалликдир.

Тарихан таркиб топган жаҳон хўжалик алоқаларини бузишга умид боғлаш хатарли бўлиб, ундан ҳеч қандай наф чиқмайди, бироқ ўзгаларнинг ресурсларидан янги мустамлакачилик усулларида фойдаланиш, мамлакатлараро корпорацияларнинг бедодлиги, қарз бериб асоратга солиш, узиб бўлмаслиги равшан кўриниб турган триллион долларлик қарзлар ҳам боши берк кўчага киритиб қўяди. Бу — капиталистик мамлакатларнинг ўз ичида ҳам таҳликали муаммоларни келтириб чиқаради. Бу соҳада жуда кўп мақоллар рўкач қилиб кўрсатилмоқда. Уларнинг моҳияти эса шундаки, кўпгина қийинчиликлар учун, шу жумладан капитал метрополияларидаги турмуш даражаси пасайиб кетганлиги учун «учинчи дунё»ни ўзига хос раддимаърака қилишдан иборат.

Ўқтин-ўқтин шовинистик асосда «миллатни жипслаштириш»га, меҳнаткашларни бошқа мамлакатларни эксплуатация қилиш соҳасидаги «шерикчилик»ка жалб этишга ва айни вақтда уларни янги капиталистик модернизация сиёсатига кўникишга ундашга уриниб кўрмоқдалар. Бироқ ҳар қандай шунга ўхшаш ва бошқа ҳийла-найранглар муаммонинг ўзини бартараф этмайди, фақат баъзан уларни вақтинча сусайтириб туради. Ноэквивалент айирбошлаш давом этмоқда ва оқибат натижада портлашга олиб боради. Оқибатнинг шундай бўлиши мумкинлигини, чамаси, Ғарб раҳбарлари тушуна бошладилар. Шу сабабли улар ҳозирча турли-туман вақтинчалик чоралардан фойдаланиб, илож топишга уринмоқдалар.

Дарҳақиқат, замонамизнинг халқаро иқтисодий ва сиёсий жараёнлари янгилиги ҳали охиригача англаб, уқиб олингани йўқ. Аммо уларни англаш ва уқиб олишга тўғри келади, чунки авж олиб кетган жараёнлар объектив қонун кучига эгадир. Ё инқирозга юз тубан кетилади, ёки уларнинг ҳам, буларнинг ҳам, учинчиларнинг ҳам манфаатлари баб-баравар асосда эътиборга олинадиган янги иқтисодий тартиб биргаликда қидириб топилади. Шундай тартибни ўрнатиш йўли ҳозир сезила бошлагандек туюлмоқда, бу йўл — «ривожланиш учун қуролсизланиш» концепциясини амалга оширишдир.

Бинобарин, биз учинчи саволимизнинг жавобини қидирар эканмиз, шуни кўриб турибмиз: вазият ҳал этиб бўлмайдигандек кўринмаяпти, бу соҳадаги зиддиятларни ҳам бир-бирига мувофиқлаштирса бўлади, аммо бунинг учун реалликларни англамоқ ҳамда янги тафаккур руҳидаги амалий ҳаракатлар қилмоқ керак. Бу эса ўз навбатида хатарсизроқ дунё сари қилинадиган ҳаракатни осонлаштиради. Хуллас, кўп жиҳатдан ўзаро боғлиқ ва яхлит дунёнинг қонуниятлари тақозо этаётган тарихий йўлни бу соҳада ҳам танлаб олиш мумкин.

Яна бир жуда муҳим, ҳатто ҳал қилувчи вазият бор. Социализм шу дунёнинг таркибий қисмидир. У ўз тарихини 70 йил муқаддам бошлаб, сўнгра эса жаҳон системасига айланиб, ҳақиқатда XX асрнинг қиёфасини белгилаб берди. Ҳозир у ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилиб, ўз замиридаги имкониятларни яна намойиш этмоқда.

Масалан, Совет Иттифоқидаги биргина қайта қуришнинг ўзида тинч-тотув яшашнинг нақадар катта резерви яшириниб ётганини тасаввур этса бўлади. Қайта қуриш барча энг муҳим иқтисодий кўрсаткичлар юзасидан жаҳон даражасига чиқишимизни таъминлаб, бепоён ва жуда бой мамлакатга жаҳон меҳнат ва ресурслар тақсимотига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ қўшилиш имконини беради. Унинг буюк илмий, техникавий, ишлаб чиқариш қудрати жаҳон хўжалик

алоқаларининг моҳият эътибори билан янада салмоқли қисми бўлиб қолади. Бу эса кенг қамровли тинчлик ва халқаро хавфсизлик системасининг моддий базасини кенгайтиради ҳамда мустаҳкамлайди. Умуман, қайта қуришнинг замон цивилизацияси тақдирида ўзига аталган яна бир энг муҳим жиҳати мана шундан иборат

Синфий кураш, социал зиддиятларнинг бошқа кўринишлари тинчлик йўлидаги объектив жараёнларга таъсир ўтказади.

Ишчилар ҳаракатининг илғор кучлари унинг сиёсий савиясини юксалтириш йўлларини изламоқдалар. Улар жуда мураккаб, янги ва ўзгариб бораётган вазиятда ишлашларига тўғри келмоқда. Омманинг иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларигина эмас, шу билан бирга демократия учун, шу жумладан ишлаб чиқаришдаги демократия учун кураш масалалари ҳам янгича тарзда кўндаланг бўлиб турибди. Масалан, кўпинча ишчиларга «шерикчилик»ни таклиф этмоқдалар, аммо бизнеснинг энг нозик сирлари тақа-тақ беркитиб қўйилган тарздаги ва раҳбар ходимларни эркин сайлаш тўғрисида гап ҳам бўлмайдиган тарздаги «шерикчилик» бўлади бу.

Ғарб дунёсида, ишчилар синфи йўқ бўлиб кетмоқда, деган «назариялар» тўлиб-тошиб ётибди, гўё у «ўрта табақа» орасида бутунлай эриб қоришиб кетган эмиш, социал жиҳатдан айниган эмиш ва ҳоказо, ҳоказо. Дарҳақиқат, ишчилар синфида катта ва муҳим ўзгаришлар рўй берди. Аммо синфий душман ўзига ўзи беҳуда таскин бермоқда ва ишчилар ҳаракатининг ўзини пароканда қилишга йўлдан оздиришга уринмоқда. Эндиликда ўзининг янги социал чегараларида сон жиҳатдан устун кучга айланиб қолган ишчилар синфи, айниқса тарихнинг кескин бурилишларида ҳал қилувчи роль ўйнаш имкониятига эга бўлиб қолди.

Бунга ундовчи сабаблар ҳар хил бўлиши мумкин. Экономикани телбаларча ҳарбийлаштириш — эҳтимол тутилган сабаблардан биридир. Милитаризм асосида технология революциясининг янги фазасига ўтиш — кучли катализатордир, айниқса бу — урушга олиб борадиган йўлдир, бинобарин, аҳолининг ҳамма табақаларига дахл қиладиган, иқтисодий талабларнинг доираларидан ташқари оммавий норозилик чегараларини кенгайтирадиган йўлдир. Демак, бу соҳада ҳам ҳукмрон синф, монополистик капитал корчалонлари бир йўлни танлаб олишларига тўғри келади. Ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил этишнинг ҳозирги даражасида экономикани қайтадан ўзгартириш, ҳарбий издан тинч изга кўчириш мумкинлигига бизнинг ишончимиз комил ва фан ҳам шуни тасдиқлаб турибди. Айни вақтда, бу тинчлик йўлини танлаб олиш ҳам бўлур эди.

Ривожланган ва ривожланаётган дунё ўртасида муносабатлардаги кризис оқибатлари ҳам шундай хулосага олиб келади. Башарти иш портлаш ёқасига етиб борадиган бўлса ва «учинчи дунё»ни эксплуатация қилиш ҳисобига бундан кейин неъматлардан фойдаланишнинг иложи қолмайдиган бўлса, бусиз яшай олмайдиган системанинг номақбуллиги ва унга тоқат қилиб бўлмаслиги тўғрисидаги масала сиёсат майдонида пайдо бўлиши ва жуда ўткир тус олиши мумкин. Умуман, шу нуқтаи назардан ҳам капитализм ишни портлашгача олиб бориш ёки тенг ҳуқуқли асосда манфаатлар мувозанатини талаб қиладиган ўзаро боғлиқ ва яхлит дунё қонунлари билан ҳисоблашишдан иборат икки йўлдан бирини узил-кесил танлаб олиши керак бўлади. Вазиятга қараганда ҳам бизнинг назаримизда бундай қилиш зарургина эмас, мумкин ҳамдир. «Учинчи дунё»нинг ўзидаги кучлар ҳам шу йўлда ҳаракат қилмоқдалар.

Миллий-озодлик ҳаракатининг пасайиши тўғрисида гапириш одат бўлиб қолди. Аммо бунда, чамаси, тушунчалар чалкаштирилиши, вазиятнинг янгилигини писанд қилмаслик содир бўлмоқда. Башарти, сиёсий мустақиллик учун кураш босқичида амал қилган озодлик турткиси назарда тутилаётган бўлса, у албатта сусаймоқда. Шундай бўлиши ҳам табиий. «Учинчи дунё» ривожининг янги, ҳозирги босқичи учун зарур бўлган туртки эса эндигина шаклланиб келмоқда. Бу масалани ҳам аниқ-равшан англаб олиш ва умидсизликка берилмаслик керак

Шу турткини ташкил этадиган омиллар турли-туман ва хилма-хил. Баъзан ғаройиб шаклларга кириб бораётган кудратли иқтисодий жараён ҳам шу жумлага киради. Масалан, баъзи мамлакатлар кам ривожланганлик нишоналарини сақлаб қолаётган бўлса-да, жаҳон экономикаси ва сиёсатида буюк давлатлар даражасига чиқиб олмоқдалар. Миллатларнинг шаклланиши ва том маънодаги миллий давлатларнинг мустаҳкамланиши (улар орасида революцион режимли мамла-

катлар муҳим ўрин олиб турибди) давомидаги сиёсий куч-ғайратнинг зўрайиб бораётганлиги ҳам шу жумлага киради. Қамбағаллик билан бойлик ўртасидаги, имкониятлар билан реал аҳвол ўртасидаги ҳаддан ташқари катта тафовут кучайиб бориши заминидаги қаҳр-ғазаб туғёни ҳам шу жумлага киради.

Ривожланаётган мамлакатларнинг давлатлараро жипслашуви жараёнларини ифодаловчи ташкилотларда ўзига хослик ва мустақиллик кучи тобора кўпроқ бўртиб чиқиб, актив ҳаракат қилмоқда. Бу нарса барча ташкилотларга бирон-бир даражада хосдир, бундай ташкилотлар эса оз эмас: Африка бирлиги ташкилоти, Араб мамлакатлари уюшмаси, АСЕАН, Америка давлатлари ташкилоти, Лотин Америкаси иқтисодий системаси, Жанубий Тинч океан анжумани, Осиё регионал ҳамкорлик уюшмаси, Ислом конференцияси ташкилоти ва айниқса Қўшилмаслик ҳаракати шулар жумласига киради.

Улар зиддиятли манфаатлар, эҳтиёжлар, талаблар, идеологиялар, даъволар ва хурофотларнинг айни шу босқичдаги мажмуасини акс эттиради. Уларнинг ҳаммаси, гарчи жаҳон сиёсатининг сезиларли омилига айланган бўлса-да, ҳали ўз имкониятларини намоён этгани йўқ. Аммо бу ўриндаги имконият жуда катта, унинг ҳатто яқин ярим асрдаги натижалари қандай бўлишини ҳам олдиндан айтиб бериш қийин.

Бир нарса равшан — бу бутун инсоният масалаларини ҳал этишда фаол, тенг ҳуқуқли қатнашишнинг ташкилий формаларини излаётган бутун бир дунёдир. Бу дунёда икки ярим миллиард киши яшаб турибди. Унинг жаҳон сиёсатига таъсиригина эмас, шу билан бирга келажакдаги жаҳон экономикасини шакллантиришдаги ноёб роли тез суръатлар билан орта боришини олдиндан фаҳмлаш мумкин.

Мамлакатлараро капитал нақадар қудратли бўлмасин, «учинчи дунё»нинг ҳаракат йўлини у белгилаб бермайди, балки аксинча, ўзи халқлар танлаб олган ёки танлаб олаётган мустақил йўлига мослашишга мажбур бўлади. Улар ва уларнинг вакиллари бўлган ташкилотлар эса дунёдаги янги иқтисодий тартибдан ҳаётий манфаатдордирлар.

Яна бир жуда муҳим жиҳат бор. Капиталистик дунёнинг ўз доирасида сўнгги ўн йилликлардаги ривожланиш жараёнида ижтимоий зиддиятлар ва ҳаракатларнинг янги формалари юзага келди. Бу — ядро уруши хавфига қарши, табиий муҳитни ҳимоя қилиш учун, ирқий камситишга қарши, жамиятни омадлилар ва маҳкумларга парчалаб ташлайдиган сиёсатга қарши, янги капиталистик модернизация қурбони бўлган бутун-бутун саноат зоналарининг кулфатларига қарши кураш ҳаракатларидир. Бу ҳаракатларда миллионлаб кишилар қатнашмоқдалар. Таниқли фан ва маданият арбоблари, миллий ва халқаро микёсдаги мўътабар кишилар ана шу ҳаракатларнинг илҳомчилари ва раҳбарлари бўлмоқдалар.

Социал-демократик, социалистик, лейбористик партиялар ҳамда уларга ўхшаш ёки улар билан алоқадор оммавий ташкилотлар бир қанча мамлакатлардаги сиёсий жараёнда муттасил муҳим роль ўйнаб келмоқдалар, айрим жойларда эса ўз таъсирларини кучайтирмоқдалар.

Шу тариқа биз иқтисодий, сиёсий, ижтимоий — барча параметрлар жиҳатидан ҳозирги дунёнинг ҳамма жойида Ленин марксизмдаги энг чуқур қоидалардан бири деб ҳисоблаган қоида, чунончи: тарихий ҳаракатнинг асосланганлиги билан бирга бу ҳаракатни ўз иши қилиб олган омма ҳам кўпаяверади, деган қоида ўзини оқламоқда. Бу эса ҳамиша социал тараққиётнинг, бинобарин, тинчликнинг ҳам энг тўғри белгиси ва энг қудратли омилидир.

Дарҳақиқат, давримизнинг улуғлиги ва янгилиги шундан иборатки, халқлар тарих саҳнасида тобора кўпроқ очиқ-ойдин ва ошкора қатнашмоқдалар. Уларнинг ҳозирги позицияси пировард натижада эмас, балки бевосита ўзи билан ҳисоблашишга мажбур этади. Шу тариқа яна бир янги ҳақиқат ойдинлашади: XX—XXI асрлар бўсағасидаги тарихнинг ҳаракати учун доимий йўлни танлаб олиш жуда характерли бўлиб қолмоқда. Бу йўлнинг тўғрилиги эса миллионлаб, юз миллионлаб кишиларнинг манфаатлари ва фикр-ўйлари қай тариқа ва қай даража эътиборга олинишига боғлиқ бўлади.

Сиёсатчиларнинг масъулияти ҳам мана шундан келиб чиқади. Чунки, реал сиёсат замоннинг мана шу янгилиги эътиборга олинган тақдирдагина реал сиёсат бўлиши мумкин, замоннинг янгилиги эса шундан иборат: эндиликда инсон омили

одамлар оммаси ҳаёти ва фаолиятининг, улар ниятларининг олисдаги ва бирмунча стихияли натижаси тарзидагина сиёсий даражага кўтарилаётгани йўқ. У жаҳон ишларига тўғридан-тўғри кириб бормоқда. Буни англамайдиган, бошқача қилиб айтганда, ҳозирги реалликка ва халқларнинг хоҳиш-иродасига таянувчи янги тафаккурдан ташқаридаги сиёсат ўз мамлакати учун ҳам, бошқа мамлакатлар учун ҳам қалтис, оқибатини билиб бўлмайдиган бадиҳага айланиб қолади. Бундай сиёсатнинг узоқ муддатли таянчи йўқ.

Биз келажакка, халқаро хавфсизликнинг кенг қамровли системасини барпо этиш истиқболларига умидворлик билан қараётганлигимизнинг асослари мана шулардан иборат.

Бизнинг мудофаа масалалари хусусидаги позициямиз ҳам шу фикр билан мутлақо мантиқий равишда боғланган. Ҳали уруш хавфи сақланиб қолаётган экан, социал соҳада ўч олиш ҳали ғарб стратегияси ва милитаристик программаларининг ўзаги бўлиб қолаётган экан, биз мудофаа қудратимизни империализмнинг социализмдан ҳарбий устунлигини истисно қиладиган даражада сақлаб туриш учун зарур бўлган ҳамма ишларни бундан буён ҳам қилаверамиз.

Ўртоқлар! Шу тантанали кунларда халқаро коммунистик ҳаракатнинг хизматларини муносиб тақдирлаймиз. Унинг ҳаётий бардамлиги манбаи ҳозиргача ҳам ўзининг халқаро моҳиятини сақлаб келаётган Октябрь революцияси замиридадир. Халқаро коммунистик ҳаракат ўз мамлакати заминидан ўсиб чиқиб ривожланмоқда, бироқ коммунист қайси миллатга мансуб бўлмасин ва қайси мамлакатда ишламасин, унинг қиёфасининг ўзида қандайдир муштараклик бор. Бу — энг яхши, коммунистик жамиятга содиқликдир, меҳнаткашларга, аввало, ишчилар синфига садоқатдир, уларнинг туб манфаатлари учун, тинчлик ва демократия учун курашдир.

Бизнинг шу санамизда учинчи Коммунистик Интернационални ҳам эсга олиб ўтилса арзийди, деб ўйлайман. Ҳали унинг тўғрисидаги барча ҳақиқатни тиклаш, унинг чинакам ва тўла-тўкис тарихини ёзиш керак бўлади. Унинг фаолиятида қанча камчиликлар ва хатолар бўлишидан қатъи назар ҳамда унинг тарихидаги баъзи саҳифаларни эслатиб ўтиш қанчалик аччиқ бўлмасин Коминтерн — ҳаракатимиз буюк ўтмишининг бир қисмидир. Октябрь туфайли бунёдга келган бу ҳаракат интернационализм ва революцион қардошлик мактабигина бўлиб қолмай, у интернационализмни меҳнаткашлар манфаатлари йўлидаги, миллатлар ва элатларнинг социал тараққиёти йўлидаги курашнинг амалий қуролига айлантирди. XX аср чинакам шунқорларининг гуруҳи, бутун планетадаги миллионлаб мазлумларнинг дардига шерик бўлган, уларнинг фарёдини эшитган ҳамда уларни курашга даъват этган ўз бурчига содиқ ва ҳалол, юксак инсоний фазилатларга эга бўлган ва букилмас иродали мард кишилар ана шу ҳаракат сафларидан етишиб чиқдилар.

Коммунистлар фашизмнинг хавф-хатари хусусида биринчи бўлиб бонг урдилар, унга қарши курашга биринчи бўлиб отландилар ва фашизмнинг биринчи қурбонлари бўлдилар. Бутун дунёдан келган коммунистлар Испанияда фашизмга қарши биринчи бўлиб қуролли жангга кирдилар. Улар ўз халқларининг озодлиги ва миллий қадр-қиммати йўлида биринчи бўлиб қаршилик кўрсатиш байроғини кўтардилар. Иккинчи жаҳон урушида фашизмни қақшатқич тор-мор этишга айниқса коммунистлар, энг аввало Совет коммунистлари ҳал қилувчи ҳисса қўшдилар.

Кейинчалик ҳам, ҳозир ҳам коммунистлар ҳар қандай реакция ва жаҳолатпарастликка қарши курашда худди шундай муросасизлик ва жасурлик билан биринчи сафларда бормоқдалар. Булар — тилларда достон бўлган қаҳрамонлик ва фидокорлик кўрсатган кишилардир. Бундай кишилар кам бўлмай, балки ягона ирода, темир интизом ҳамда чинакам ғоявийлик билан уюшган ва жипслашган юз минглабдирлар.

Коминтерн, Информбюро ва ҳатто мажбурий халқаро кенгашлар даври ўтиб кетди. Аммо дунё миқёсида Халқаро Коммунистик ҳаракат мавжуддир. Барча партиялар тўла-тўкис ва муқаррар равишда мустақилдирлар. Биз бу ҳақда XX съезддаёқ айтиб ўтган эдик. Тўғри, эскича одатлардан бирданига халос бўлганимиз йўқ. Аммо энди бу, шубҳасиз реалликдир. Шу жиҳатдан КПСС XXVII съезди ҳам узил-кесил ва қатъий марра бўлиб қолди. Биз буни қайта қуриш давомида

ардош партиялар билан ўз муносабатларимизда амалда исботладик, деб йлайман.

Халкаро Коммунистик ҳаракат — жаҳон тараккиётининг ўзи, унинг ҳаракатга келтирувчи кучлари каби довон ошмокда. Компартиялар асрлар чегарасида чукур ўзгаришларда ўзининг янги ўрнини изламокдалар. Уларнинг Интернацоал ҳаракати эса янгиланиб, ишонч, тенг ҳукуклилик ва самимий бирдамликнинг ам янгиланган нормаларига нисбатан ҳурмат билан жипслашмокда. Бу ҳаракат ошка ҳар кандай революцион, демократик ва тараккийпарвар кучлар билан улокот учун, ҳамкорлик учун, баҳамжиҳат ҳаракат ва иттифок учун очикдир.

Капитализмга зид ўларок коммунистик ҳаракат — тинчлик учун, ўз мамлаатларининг мустакиллиги ва тараккиёти учун, Ер юзидаги барча халклар ртасида дўстлик учун энг жасур ва изчил курашчилар ҳаракати истикболига ПССнинг ишончи комил.

Ўртоклар! Жаҳон социалистик системасининг юзага келганлиги — Октябрдан ейин жаҳон тарихидаги энг муҳим боскичдир. Мана кирк йилдирки, социализм ўпгина халкларнинг муштарак такдири, ҳозирги замон цивилизациясининг ғоят ıуҳим омили бўлиб колди.

Партиямиз, совет халки дўстларимиз билан баҳамжиҳат ҳаракат килиш мкониятини юксак кадрламокдалар, эндиликда, мана бир неча ўн йилларки, оциализм учун, унинг олға ҳаракат килиб бориши учун бизнинг зиммамизга ушаётгани каби уларнинг зиммасига ҳам давлат масъулияти тушмокда. Барча оциалистик давлатлар социал, иктисодий ва идеологик вазифаларни хал этишда, нги турмуш куришда кўпгина марокли ва фойдали тажриба орттирдилар.

Социалистик система ва у амалда синаб кўрган изланишлар ҳамда тажриба умуминсоний аҳамиятга эга. Социалистик система инсон турмушининг асосий саволларига ўз жавобларини жаҳонга таклиф этди, ўзининг инсонпарварлик ва коллективчилик кадриятларини синаб кўрди, меҳнат аҳли ана шу кадриятларнинг марказидадир. Социалистик тузум меҳнат аҳлига ўз кадр-кимматини, мамлакат соҳиби эканлигини ҳис этиш туйғусини сингдиради, социал жиҳатдан ҳимоялаб, келажакдан кўнглини тўк килади. У билим олиш, маданиятдан баҳраманд бўлиш учун кенг имконият очади, ҳар бир шахснинг ўзига хос кобилиятлари ва истеъдодини рўёбга чикариш учун шарт-шароит яратади.

Социалистик мамлакатларнинг халклари эришган ютуклар бизнинг муштарак ифтихоримиздир. Бунинг устига ана шу ютуклар кўп йиллик самарали хамкорликнинг натижаси, шу мамлакатларнинг гражданлари — партия ва жамоат ташкилотлари, ишлаб чикариш коллективлари, ижодий союзлар ва маданият муассасалари ўртасида мисли кўрилмаган кенг кўламли ва ошкора чинакам кардошларча муносабатларнинг оилавий ва шахсий алокаларнинг ўн минглаб кишиларнинг биргаликдаги меҳнати ва ўкишининг самаралари ҳамдир.

Босиб ўтилган йўлга назар ташлаганда кўп нарса яккolрок кўринади. Социализмга ўтиш конуниятлари ва суръатлари тўғрисидаги тасаввурларимизга, социализмнинг жаҳон микёсидаги ролини англашга ҳаёт тузатишлар киритди. Биз жаҳонда содир бўлаётган барча прогрессив ўзгаришлар гўё факат социализм билан боғликдир, деб асло ҳисоблаётганимиз йўк. Бирок инсоният учун энг муҳим проблемаларнинг кўйилиши ва уларни ҳал этиш йўлларини излаш кандай бораётганлиги жаҳон тараккиётининг халкаро куч бўлмиш социализм билан чамбарчас боғлик эканлигини тасдиклайди. Бундай боғликлик ядро фалокатининг олдини олиш учун курашда ва турли халкларнинг ўз социал-сиёсий йўлини зўр муваффакият билан ҳимоя килиш имконини берадиган жаҳон кучларининг нисбати мавжудлигида айникса яккол кўринмокда.

Тўпланган тажриба социалистик мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ҳамма эътироф этган принциплар асосида яхширок куришга имкон беради. Бу — сўзсиз ва тўла тенгликдир. Бу — ирода килувчи партиянинг ўз давлатидаги ишлар учун масъулияти, ўз халкига ватанпарварларча хизмат килишидир. Бу — социализмнинг муштарак иши тўғрисида ғамхўрликдир. Бу — бир-бирини ҳурмат килиш, дўстлар эришган ва синаб кўрган нарсаларга жиддий муносабатда бўлиш, кўп соҳаларда ихтиёрий ҳамкорлик килишдир. Бу — барчанинг тинч-тотув яшаш принципларига катъий риоя этишидир. Социалистик интернационализм практикаси худди мана шунга таянади.

Эндиликда социализм дунёси кўз ўнгимизда миллий ва социал жиҳатдан ғоя хилма-хил қиёфада намоён бўлмоқда. Бу ҳам яхши ва фойдалидир. Биз бирли ўхшашликни, бир хилликни асло билдирмаслигига ишонч ҳосил қилдик. Шунг ҳам ишонч ҳосил қилдикки, социализмнинг ҳамма тенглашадиган қандайд «модели» йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Меҳнаткашларнинг манфаатларини кўзлаб жамиятни қайта қуриш ҳақиқатан эришилган муваффақиятларнинг йиғиндиси ва сифати ҳар бир босқич ва ҳар бир мамлакатда социализмни ривожлантириш мезони бўлади.

Биз социалистик давлатларнинг ўзаро муносабатларида интернационалисти асоснинг заифлашуви, ўзаро манфаатдорлик ва ўзаро ёрдам принципларида чекинишлар, жаҳон майдонидаги фаолиятда социализмнинг умумий манфаатлари га эътиборсизлик қандай зиён етказишини ҳам биламиз.

Бизнинг барча социалистик давлатлар билан муносабатларимиз кейинг вақтларда жўшқин тус олиб, такомиллаштирилаётганлигини мамнуният била қайд этиб ўтамиз. Варшава Шартномаси ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаш доирасидаги ҳамкорлик яна ҳам самарали, амалий тус олди, албатта, дарвоке, б Варшава Шартномаси ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши қатнашчилари бошқа социалистик мамлакатлардан ҳеч нарса принципиал равишда ажратмайди

XXVII съезд КПСС позициясини аниқ белгилаб берди: бизнинг ҳар би социалистик мамлакат билан сиёсатда ва баҳамжиҳат ҳаракатимизнинг бошқа барча соҳаларида ҳар иккала томоннинг манфаати умуман социализмнинг манфаати билан боғланишини таъминлайдиган омил ҳал қилувчи ҳисобланади Социалистик мамлакатлар билан дўстликни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни бутун чоралар билан ривожлантириш — Совет Иттифоқи халқаро сиёсатининг усту йўналишидир! Бугун биз социалистик мамлакатлар делегацияларини табрикла эканмиз, улар орқали социалистик мамлакатлар халқларини табриклаймиз!

Азиз ўртоқлар!

Муҳтарам чет эллик меҳмонлар!

Коммунистик ғояларнинг ҳаётбахш кучи бизнинг барча ўй-фикрларими ҳамда зафарларимизни илҳомлантириб келди ва илҳомлантирмоқда. Бу ғоялар революция байроғига ёзиб қўйилган эди, шу ғояларни муқаддас билиб ишонган, ў ҳаётининг мақсади ва маъноси деб қабул қилган миллионлаб кишиларни бу ғояла курашга ва меҳнат зафарларига отлантирди.

Халқнинг меҳнати ва кураши, унинг эркин танлаб олган мақсадга эришиш йўлидаги чексиз қатъияти, унинг қувончлари ва ғам-ташвишлари — мана шуларнинг ҳаммаси революцион қайта қуриш йўлидан бораётган бугунги социализмнинг реаллигида мужассамланди. Октябрнинг кучи, ҳамон давом этаётган революциянинг кучи ҳам мана шундадир.

Совет халқининг синалган авангарди — ленинчи партия бутун етмиш йил мобайнида унга бошчилик қилиб келмоқда. Партия ва революция, партия в Октябрь ажралмасдир!

Марксизм-ленинизм назарияси билан қуролланган партия бўлмаса социа листик революция ғалаба қозона олмаган бўлур эди. Янги жамият барпо этишни ўрганиб олган партия бўлмаса социализм бўлмас эди, бизнинг буюк давлатимиз ҳам бўлмасди. Шундай негиз ҳам бўлмас эдики, эндиликда ижтимоий турмушнинг ҳамма томонлари ана шу негиз асосида янгиланиб, мамлакат социал-иқтисодий тараққиёти жадаллаштирилмоқда. Янги шароитда ҳам партия революцион янгиланишга бошчилик қилишини, ўз сиёсатининг таъсирчанлигини қатъият ва изчиллик билан оширишини, ижтимоий турмушнинг барча йўналишлари ва ҳамма босқичларида демократиялашни авж олдиришини замон талаб этмоқда.

Партия ролининг кучайиб бориши — қонуниятли жараён. Аммо бундай ролни қуруқ сўзлар ёки юзаки расм-русумлар белгилаб бермайди. Бу ролни таҳлил қилиш ва баҳолашнинг теранлиги ҳамда ҳалоллиги, сиёсатнинг ўйлаб юритилиши ва ҳаракатларнинг қатъийлиги, хусусий билан умумийни, шахсий манфаат билан жамоат манфаатини, ҳозирги кун билан узоқ муддатли даврни киёслай билиш маҳорати белгилаб беради. Бу ролни жамиятдаги ишларнинг бориши учун барча партия ташкилотлари ва ҳар бир коммунистнинг масъулиятини ошириш белгилаб беради.

Партиямиз сафларида салкам йигирма миллион коммунист — мамлакат катта ёшдаги аҳолисининг ўндан бир қисми аъзодир. Бу ғоят катта куч. Аммо қайта қуришга партиявий таъсир ўтказиш потенциали ҳали тўла-тўкис ишга туширилган эмас. XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш мана шу мураккаб ҳамда кунт билан олиб бориладиган ишни яхшилаш учун жиддий омиллар бағишлаши керак.

Улуғ революция ишининг, улуғ Ленин ишининг тақдири ҳозир бизнинг қўлимиздадир. Биз яна синаб кўрилмаган йўлдан бораяпмиз. Бу эса партия зиммасига, ҳаммамизнинг зиммамизга алоҳида масъулият юклайди. Ленин сўзлари билан айтганда «Революция замони ҳаракат қилиш замони... ҳам юқоридан, ҳам пастдан ҳаракат қилиш замони»дир. Янги типдаги партия энг биринчи қадам қўябошлаган пайтдан буён унинг анъанаси мана шундай. Социализмни ривожлантиришнинг ҳозирги ниҳоятда мураккаб, шу билан бирга ўз янгилиги билан илҳомлантирувчи босқичида совет жамиятининг авангардига нисбатан талаб ана шундай.

Ўртоқлар! Инсоният 1917 йилда чинакам тарих бўсағасидан ҳатлаб ўтган эди. Бироқ ўтган етмиш йил, фашизм ва иккинчи жаҳон урушини, «совуқ уруш»ни ва қуролланиш пойгасини, термоядро фалокати ва жаҳон микёсидаги кризислар хавфини келтириб чиқарган иқтисодий ларзалар ҳамда социал фалокатлар инсониятнинг талайгина қисмини ўтмиш ҳамон ўз чангалида ушлаб турганлигидан далолат беради. Шундай бўлса-да, биз яшаб турган даврни, XX ва XXI асрлар туташадиган маррани социал ўзгаришларнинг теранлиги жиҳатидан ҳам, Ер юзи халқлари олдида пайдо бўлган вазифаларнинг жаҳоншумул аҳамиятга эга эканлиги жиҳатидан ҳам ноёб деб ҳисоблашга ҳақлимиз.

Ҳозир биз инсоният 1917 йилнинг Октябрига қадар яшаганидек мангу яшайверишга ҳақиқатан ҳам маҳкум эмаслигини кўриб турибмиз. Социализм қудратли, кучайиб, ривожланиб бораётган реалликка айланди. Инсониятга истиқбол йўлларини, чин инсоний муносабатларнинг янги қадриятларини айни Октябрь, айни социализм кўрсатиб бермоқда. Худбинлик ўрнига коллективчилик бўлиши лозим. Эксплуатация ва жабр-зулм ўрнига озодлик ва тенглик бўлиши лозим. Озчиликнинг истибдоди ўрнига чинакам халқ ҳокимияти бўлсин. Ижтимоий кучларнинг стихияли ва шафқатсиз найранги ўрнига ақл-идрок ва инсонпарварлик роли кучайиб борсин. Ҳар хил адоват ва урушлар ўрнига умуминсоний бирлашиш ва тинчлик зарур.

Бизнинг мамлакатимиздагина эмас, балки бошқа мамлакатларда яшовчи ҳозирги авлодлар ҳам Ер юзида цивилизациянинг тақдири ва ҳаётнинг ўзи сақланиб қолиши учун жавобгардирлар. Жаҳон тарихи янги минг йиллигининг бошланиши унинг фожиали хотимаси бўлиб қоладими ёки келажакнинг илҳомбахш муқаддимаси бўладими — бу нарса пировард натижада ҳозирги авлодларга боғлиқдир.

XXI аср бошланишига бор-йўғи 13 йилдан сал кўпроқ вақт қолди. 2017 йилда эса халқимиз, бутун тараққийпарвар инсоният Улуғ Октябрнинг юз йиллигини кутиб олади.

Дунё революциямизнинг бир асрлик маррасидан ўтганида у қандай бўларкин, социализм қандай бўларкин, давлатлар ва халқларнинг жаҳон ҳамжамияти қай даражадаги етукликка эришаркин? Фолбинлик қилиб ўтирмаймиз, аммо келажакка айни ҳозир асос солинишини ёдда тутишимиз шарт. Бизнинг бетакрор цивилизациямизни, ер юзида ҳаётнинг ўзини сақлаб қолиш, ядровий телбалик устидан ақл-идрокнинг тантана қилишига эришиш, инсон билан инсониятни эркин ва ҳар томонлама камол топтириб, ривожлантириш учун барча шарт-шароитларни яратиш — бизнинг бурчимиздир.

Биз чексиз тараққиёт мумкинлигини кўриб турибмиз. Уни таъминлаш осон эмаслигини биламиз, бу бизни чўчитмайди. Аксинча бу бизни илҳомлантиради, чунки турмушни юксак инсонпарварлик мақсади, теран мазмун билан бойитади!

Биз 1917 йилнинг Октябрида эски дунёни тарк этиб, уни узил-кесил рад қилган эдик. Биз янги дунё — коммунизм дунёси сари бормоқдамиз. Бу йўлдан биз ҳеч қачон қайтмаймиз!

(Доклад зўр эътибор билан тингланди ва қарсаклар билан бўлиниб турди).

ТАРИХИЙ-ПАРТИЯВИЙ ФАН ҲОЗИРГИ ТАЛАБЛАР ДАРАЖАСИДА БЎЛСИН

Редакцияда ўтказилган «давра суҳбати»

1987 йил сентябрда «Ўзбекистон коммунисти» — «Коммунист Узбекистана» журнали редакциясида Ўзбекистон Компартияси МК хузуридаги Партия тарихи институти билан биргаликда «давра суҳбати» ўтказилди. Унда Ўзбекистон Компартияси ва ундан олдин фаолият кўрсатган Туркистон, Бухоро ва Хоразм партия ташкилотлари тарихининг актуал проблемалари муҳокама қилинди. Қуйида (қисқартирилган ҳолда) суҳбат иштирокчиларининг сўзларини эълон қиламиз.

НУРУЛЛИН Р. А. (журнал бош редактори, тарих фанлари доктори).

1917 йил кузининг унутилмас кунларидан то ҳозирги кунгача ўтган вақт Улуғ Октябрнинг боқий аҳамиятини чуқур очиб берди, социалистик ижтимоий тараққиёт вужудга келтирадиган ғоят катта имкониятларни ёритди. Бизнинг мамлакатда биринчи марта социализм практикада амалга оширилди, синфий ва миллий зиддиятлар тугатилди, сиёсатда — кишилар социалистик турмушининг тарихий негизлари — меҳнаткашлар ҳокимияти, экономикада — ишлаб чиқариш воситаларига ижтимоий мулкчилик, инсоний муносабатларда — коллективчилик ва ўртоқларча ўзаро ёрдам қарор топди.

Халқимиз томонидан амалга оширилган ва қўлга киритилган ҳамма нарса Ленин партияси билан чамбарчас боғлиқдир. КПССнинг раҳбарлиги — совет халқининг социалистик ва коммунистик қурилишдаги муваффақиятлари гаровидир. «Энди гўё партиясиз иш кўриш мумкин, деган фикрга қўшиладиган одам топилмаса керак, деб ўйлайман, — деб таъкидлади КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачев КПСС МКда шу йилнинг июль ойида оммавий ахборот воситалари ва ижодий союзларнинг раҳбарлари билан бўлган учрашувда. — 70 йил ортимизда қолди ва биз бу хусусда бир хил хулосаларни чиқара оламиз. Айниқса, ҳозир, ғоят катта давлатимизда улкан ўзгартишлар содир бўлаётган, биз демократиялаш, мунозаралар, изланишлар жараёнларини авж олдираётган босқичда шундай хулосалар чиқара оламиз ва шу билан бирга биз йўл-йўлакай қайта қуришни таъминлашимиз, олға боришимиз керак. Тегишли сиёсатни, амалий вазифаларни ҳал этиш стратегиясини илмий идрок этиб, таклиф қилишга қодир бўлган партиясиз буни амалга ошириб бўлмайди...»

Совет олимлари, шу жумладан ўзбекистонлик олимларнинг Ленин партиясининг қаҳрамонона йўлини ўрганиш соҳасида эришган муайян ютуқларига қарамасдан, КПСС ва унинг жанговар отрядлари — республика партия ташкилотларининг тарихий тажрибасини марксча-ленинча методология нуқтаи назаридан теран тадқиқ қилиш ва илмий жиҳатдан кенг миқёсда умумлаштириш жамиятшунослик соҳасидаги илмий ишланмаларнинг энг муҳим йўналишларидан биридир. КПСС XXVII съезди, партия МКнинг кейинги Пленумлари ҳужжатларида, КПСС МКнинг «Коммунист» журнали тўғрисида»ги қарорида, М. С. Горбачевнинг, партия ва Совет давлати бошқа раҳбарларининг нутқлари ва чиқишларида КПСС тарихини ўрганишнинг аҳволи чуқур таҳлил этилган, ундаги мавжуд

амчиликлар очиб ташланган, бу соҳадаги илмий тадқиқотларнинг асосий ўналишлари белгилаб берилган. Уларда тарихий-партиявий фан томонидан иринчи даражали аҳамиятга эга кўпгина энг муҳим масалаларнинг тадқиқ илинмаганлиги кўрсатиб ўтилган. Тарихийлик принципини бузиш, ҳақиқат лдида гуноҳ қилиш, тарихий жараённи эгасизлантириш, партия фаолиятидаги ўпгина даврларни ўрганишда «оқ бўлиб» қолган жойлар, схематиклик ва шу нингарилар партия тарихига доир мақолалардаги энг кўп тарқалган нуқсонардир.

КПСС МК Сиёсий бюроси аъзоси, партия Марказий Комитетининг секретари . Н. Яковлев «Коммунист» журналининг 8-сонида босилган «Совет жамиятининг ифат жиҳатдан янги ҳолатига эришиш ва ижтимоий фанлар» мақоласида қайд илганидек, «партия тарихининг кўпгина муҳим ва мураккаб даврларини ритишга қайтадан ёндашиш керак бўлади, бунда уларнинг ҳар биридан зарур абоқлар чиқариб, тарихийлик принципига, ҳаққонийлик принципига қатъий риоя қилиш лозим. Қайта қуришнинг ўзига хос бўлган вазиятида ўтмишни чуқур билиш — бугунги кун ва келажак учун ғоят катта мададдир».

КПСС тарихини ўрганиш соҳасидаги кўрсатиб ўтилган нуқсонлар Ўзбекистон Компартияси ва ундан олдинги Туркистон, Бухоро ва Хоразм партия ташкилотлари тарихини ўрганишда ва ёритишда ҳам илдиз отган эди.

Мазкур «давра суҳбати» аввало мунозарали характерга эга масалаларни муҳокама қилишни, шунингдек КПСС ва унинг жанговар отрядлари — республика партия ташкилотлари тарихини ишлаб чиқишга ҳозирги кунда қўйилаётган талаблар асосида қайта идрок қилинишга муҳтож бошқа проблемалар юзасидан фикр-мулоҳазаларни ўртоқлашишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

НАЗАРОВ М. Х. (Тошкент политехника институти КПСС тарихи кафедрасининг профессори, тарих фанлари доктори).

Тарихий фан, жумладан тарихий-партиявий фаннинг республикамизда жиддий орқада қолганлиги шубҳасиздир. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих институти ва Ўзбекистон Компартияси МК ҳузуридаги Партия тарихи институтининг ташкилий ишларининг заифлиги бундай қолоқликни келтириб чиқарган сабаблардан биридир. Гап шундаки, 70-йилларда ва 80-йилларнинг биринчи ярмида номлари тилга олинган илмий марказлар республикадаги тарихчи олимларни тарих фанининг актуал назарий, методологик проблемаларини биргаликда муҳокама қилишга жалб этмай қўйдилар. Ўтказилган илмий-назарий конференциялар, одатда, ҳозирги турмушнинг мураккаб ва кўп қиррали масалалари танқидий нуқтаи назардан ва ҳар томонлама анализ қилинмаган докладлар ва ахборотларни эшитиш билангина чекланарди. Ундан ташқари, бу конференциялларда доим бир хил олимлар сўзга чиқар, баҳслар ва мунозаралар бўлмас эди. Қолаверса, биз, тарихчилар, асосан партиямизнинг ижобий тажрибасини ўрганар ва умумлаштирар эдик. Салбий жиҳатларга келганда эса, биз улардан қочардик, йўл қўйилган хатолар ва қийинчиликлар, нуқсонлар ва янглишишларнинг сабабларини анализ қилмасликка ҳаракат қилардик.

Ўз фикр-мулоҳазаларимни баён қилишни Туркистондаги Октябрь социалистик революциясининг тарихи масалаларидан бошламоқчиман. Маълумки, академиклар К. Е. Житов, И. К. Додонов, тарих фанлари доктори Х. Ш. Иноятов ва бошқаларнинг мазкур проблемага доир асарлари бор. Лекин улардан Октябрь билан боғлиқ воқеаларнинг объектив баҳосини ҳар доим ҳам топиш қийин. Гап шундаки, номлари тилга олинган авторларнинг ҳеч қайси асарида аслида ўлкада Совет ҳокимиятини ўрнатишда Туркистон большевикларининг раҳбарлик роли лозим даражада далиллар асосида кўрсатилмаган.

Агар масалага объективлик билан ёндашадиган бўлсак, бу ерда социалистик революцияни амалга оширишда большевиклардан ташқари нафақат майда буржуазия, шу билан бирга ишчиларнинг бирмунча қолоқ қисми ўртасида ҳам катта таъсир кучига эга бўлган сўл эсерлар ҳам қатнашган эди. Афсуски, тарихий асарларда масаланинг бу томони деярли ёритилмайди, сўл эсерлар партияси тарихи эса кўпинча унинг ҳалокатидангина иборат қилиб қўйилади. Умуман шуни тан олишимиз керакки, биз ҳали ўлкада Октябрь революциясига тайёргарлик ва

уни ўтказиш давридаги синфий кучларнинг жойланишини лозим даражада аниклаб олмадик ва Туркистондаги революцион вокеаларга объектив баҳо берганимиз йўк.

Яна шуни кайд килиш муҳимки, большевикларнинг сўл эсерлар билан муносабатлари бузиб кўрсатилар эди, яъни айнан Туркистон большевиклари сўл эсерлар билан қўшилиб кетган эдилар, деб таъкидланар эди. Аслида эса бундай эмас эди. Маълумки, сўнгра, Туркистонда сўл эсерлар партияси 1919 йил баҳоригача амал килган ва унинг вакиллари Туркистон республикаси ҳукумати ҳамда унинг маҳаллий ҳокимият органлари составига кирган эдилар. Бизнинг фикримизча, Туркистон большевикларининг сўл эсерлар билан вактинчалик иттифоки тарихини чукур ўрганиш лозим, бунда пролетариат революцион партиясининг бошка партиялар, аввало майда буржуа партиялари билан компромисси тўғрисидаги ленинча коидага асосланиш керак бўлади.

Яна шуни эслатиб ўтиш жоизки, Октябрь революцияси тарихини ўрганиш жараёнида проблеманинг шахсларга оид жиҳатини ҳам эсга олиш, тарихни революцион вокеаларда актив иштирок этган кишилар, айникса туб ерли миллатлар вакиллари номлари билан тўлдириш зарур.

Тўхталиб ўтиш жоиз бўлган яна бир муҳим масала — Туркистон Компартиясининг ўз ичидаги оппозицион группаларга карши курашини ёритишда тарихчиларнинг кўпчилиги йўналишни маҳаллий миллатчиликка томон кўпрок буришга, бунда буюк давлатчилик шовинизмига томон бўлган йўналишни беихтиёр камайтиришга ҳаракат килишгани билан боғликдир. Аслида эса собик мустамлака бўлган Туркистон шароитида, РКП(б) X съезди карорларида кайд килинганидек, партия «биринчи навбатда асосий хавф-хатар бўлган буюк давлатчилик шовинизмига» карши катъий кураш олиб боришга чакирган эди. Бу проблема шу пайтгача ленинча нуктаи назардан туриб ўрганилмади.

Туркистондаги миллий-оғмачиларнинг хатти-ҳаракатлари ҳам объектив тарзда изоҳланмаган. Бунинг сабаби шарт-шароитларнинг, айрим партия ва давлат арбобларининг ҳаёти ва курашидаги мураккаб даврларнинг, оғмачиларнинг янглишишлари ва хатоларининг яхши ўрганилмаганлигидир. Бу ўлкада Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун курашда фаол иштирок этган ва кейинги пайтда хатоларга йўл кўйган Туркистон раҳбарларига ҳам тўла тааллуклидир. Ана шу ўртоклар фаолиятини ҳар томонлама астойдил ўрганиш, уларнинг нафакат хатоларини, шу билан бирга тарихий хизматларини ҳам бутун объективлик билан кўрсатиш зарур.

Ниҳоят, БМИК ва РСФСР ХКСнинг Турккомиссияси ва РКП(б) МК Туркбюросининг роли тўғрисида бир-икки оғиз сўз. Афсуски, шу пайтгача тарихчилар унга ана шу органларнинг бутун фаолиятини факат ўлкадаги партия ва давлат курилишидангина иборат килиб кўйиш билан бир кадар бир томонлама ёндашиб келдилар. Бунда улар Турккомиссиянинг унга БМИК ва РСФСР ХКС томонидан юкланган яна бир муҳим вазифаси — Шаркдаги кўшни давлатлар билан алокаларни ташкил этиш ва мустаҳкамлаш вазифаси тўғрисида ҳеч нарса дейишмас эди. Шу муносабат билан регионда марксизм ғояларини кенг ёйишда катта роль ўйнаган интернационал пропаганда Советининг фаолияти янада батафсилрок ўрганишга муҳтож, маълумки, ана шу ғояларнинг кенг ёйилиши Якин ва Ўрта Шаркда коммунистик ҳаракатнинг ривожланишига кўмаклашган эди. Шунингдек, Коминтерннинг Туркистондаги бюроси фаолияти ҳам катта кизикиш туғдиради, бу фаолият тарихий адабиётда мутлако ёритилмаган.

Хуллас, бизнинг тарихий-партиявий фанимизда жамиятшунос олимларнинг коллектив тарздаги куч-ғайратларини талаб киладиган проблемалар ва масалалар ҳали жуда кўп. Мен бу ерда унинг 1917—1920 йилларни камраб оладиган баъзи бир актуал жиҳатларигагина эътиборингизни жалб килдим.

МУСАЕВ М. М. (Тошкент халқ хўжалиги институти КПСС тарихи кафедрасининг профессори, тарих фанлари доктори).

Фан-техника тараккиёти негизида мамлакат социал-иктисодий тараккиётини жадаллаштиришга кўмаклашадиган совет жамиятини революцион тарзда янгилаш, моддий ва маънавий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини кайта куриш объ-

·ктивликни, ҳаққонийликни, тарихий ўтмишнинг айрим масалаларини қайта кўриб ıиқишни ва тарихий жараёнлар ва ҳодисаларни марксча-ленинча нуқтаи назардан :еран ёритишни талаб қилмоқда.

Ана шу талаблар Ўзбекистоннинг тарихий-партиявий тафаккурига ҳам гааллуқлидир, бу соҳада илмий билиш ва практика нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эга кўпгина проблемалар ҳали ҳам тадқиқ қилинмай қолмоқда.

Партиямизнинг тарихий тажрибаси, мамлакатнинг ўтмишда қолоқ бўлган миллий регионларида унинг тактик йўл-йўриқларининг амалга оширилиши тарихий-партиявий фаннинг ва бутун халқаро коммунистик, ишчи, миллий-демократик ҳаракатнинг ниҳоятда қимматли мулкидир. Ана шу бошланғич позиция бизга муҳокама қилиш учун қатор проблемали масалаларни ажратиб олишга имкон беради.

Маълумки, Октябрь революцияси ғалабасидан сўнг партия Россия пролетариатининг актив ёрдамида капитализм босқичини четлаб социализмга ўтаётган қолоқ миллий чекка ўлкалар халқларига нисбатан янги, ўтмишда номаълум бўлган тактик усулларни ишлаб чиқди ва амалга оширди. Айниқса, диний, феодал-клерикал идеология ҳукмронлик қилиб келган Шарқнинг мусулмон республикаларида бу мураккаб, кўп қиррали проблема эди. В. И. Ленин энг узоқ вақт эзилиб келган мамлакатлар ва элатлардаги миллий туйғуларнинг сарқитларига алоҳида эҳтиёткорлик ва ғоят катта эътибор билан муносабатда бўлиш, ишончсизликни тезроқ бартараф этиш мақсадида муайян ён беришларга бориш зарур деб ҳисоблаган эди. Шу сабабли партия Ўрта Осиёда Совет ҳокимияти қарор топишининг дастлабки йилларида муайян ён беришларга (ўша даврда «сиёсий ён беришлар тартиботлари» номи билан машҳур бўлган) борган эди, булар миллий чекка ўлкаларда революцион туб ўзгартиришлар қилиш, бу ўлкаларда яшайдиган халқларнинг социалистик ўзлигини англашини ўстириш учун тегишли иқтисодий, социал, сиёсий, маданий, идеологик асосларни тайёрлаган эди. Масалан, қишлоқ хўжалиги тўла-тўкис коллективлаштирилгунича республикалар экономикасида савдо-судхўрлик капиталининг сақлаб турилганлиги; совет мактаблари билан бир қаторда диний-схоластик ақидаларга асосланган эски мактабларнинг ҳам амал қилганлиги; халқ судлари билан бир қаторда шариат (қозилар) судларининг ҳам сақлаб турилганлиги ва ҳоказоларни шу хилдаги сиёсий ён беришлар сирасига киритиш мумкин. Бу специфик проблемалар анчадан бери чуқур илмий умумлаштиришга муҳтож.

Айниқса, Бухоро ва Хоразм мисолида олдинига халқ революциялари, кейинчалик социалистик революцияларни тайёрлаш ва ўтказишда деҳқонлар Советларининг роли ва аҳамияти, шунингдек уларнинг жамиятни революцион тарзда қайта қуришдаги иштироки сингари масалани ҳам шу пайтгача лозим даражада ўрганилмаган муҳим масалалардан бири деб аташ мумкин. Ҳолбуки Осиё ва Африкадаги социалистик йўлга қадам қўйган мамлакатлар, бошқа ривожланаётган халқлар учун ниҳоятда зарур бу қимматли тажриба Ўзбекистон тарихчилари томонидан деярли умумлаштирилмаган ва у илмий жиҳатдан лозимича ишланмаяпти. Ваҳоланки, айни шу тажрибанинг мавжудлиги Совет ҳокимиятининг ғоялари ва принциплари нафақат пролетариат сингари социал таянчи бўлган саноат жиҳатдан ривожланган мамлакатларда, шу билан бирга деҳқонлар каби негизга эга мамлакатларда ҳам тушунарлидир ва уларни амалга ошириш мумкин, деган ленинча қоиданинг далили ва исботи бўлиб хизмат қилади.

Дарвоке, Туркистон, Бухоро ва Хоразм коммунистларининг иш тажрибаси тўғрисида гапирганда шуни қайд қилиш кераккки, гарчи жадидчилик, ёш бухороликлар, ёш хиваликлар ва бошқа ҳаракатлар ҳақида кўп марталаб ёзилган бўлса-да, лекин адабиётда шу пайтгача бу оқимларга қатъий илмий, партиявий баҳо берилмаган. Тарихий тажриба эса токапиталистик муносабатлар шароитида, хон ва амир истибдодига қарши курашда бу партияларнинг муҳим роль ўйнаганини кўрсатиб турибди. Улар демократик тартибни қарор топтириш тарафдори бўлиб чиқиб, маълум даражада ўлкада социал-демократик ҳаракатнинг шаклланиши ва ривожланиши учун тегишли шарт-шароитларни тайёрлашди. Бу жараёнлар ва ҳодисаларни чуқур ўрганиш ва умумлаштириш тарихий ўтмишни объектив, ҳаққоний ёритишга кўмаклашган, совет кишиларининг янги авлодларини, айниқса ёшларни тарихий тажриба асосида тарбиялашга имконият яратган бўлур эди.

Маълумки, партия Россиянинг аграр қолоқ, асосан чекка районларида туб ерли миллатларнинг ўзига хос хусусиятларига, улар халқлари тажрибасига, этнографияси ва турмушига мос келадиган янги, мослашувчан тактик иш форма ва усулларини белгилади ва амалга оширди. Масалан, Туркистонда 1920 йиллар бошида ташкил қилинган, партиянинг «Ер — ишлаганники» деган шиорини амалга оширишга кўмаклашган «Қўшчи» союзлари ана шундай формалардандир. Айни шу союзлар бу ерда ер-сувислоҳотини ўтказиш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш учун зарур шарт-шароитларни тайёрлади, деҳқон оммаларини коллективчилик ва социалистик деҳқончилик руҳида тарбиялади. Бу проблема Шарқ халқларининг тарихий тажрибасини умумлаштириш маъносида республикамиз историографиясида ҳануз «очиқ жой» бўлиб қолмоқда.

Маълумки, маданий революция ва унинг маҳаллий специфика билан боғлиқ ўзига хос хусусиятлари Ўзбекистон тарихида катта аҳамият касб этади. Ана шу контекстда маданий қурилиш соҳасида миллий масалани ҳал этишдаги совет тажрибасининг ғоят бой хазинаси бўлган саводсизлик ва чала саводлиликни тугатишнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг ўтиш формалари (масалан, ўзбекча ёзувнинг икки марта — 1930 ва 1940 йилларда бир графикадан бошқа графикага ўтиши); туб ерли миллатларнинг маданиятини ва билимини ошириш учун махсус ўқув юртларини (маориф институтларини) ташкил этиш; миллий халқ социалистик зиёлиларини шакллантириш жараёнининг ўзига хослиги ва босқичлари тўғрисида эслаш ўринлидир. Бу кам ўрганилган проблемалар ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

Тарихий адабиётда партиянинг миллий сиёсатни амалга оширишдаги тактикаси, бу сиёсатни амалга ошириш босқичлари ва 1920 йиллардаги миллий регионлардаги иш формалари етарлича ёритилмаган. Маълумки, Октябрь революцияси ғалабасидан кейиноқ туб ерли миллатлар меҳнаткашларини социалистик қурилишга жалб этиш, уларнинг революцион ўзлигини англаши, сиёсий етуклиги ва активлигини ошириш мақсадида уларни сиёсий жиҳатдан ташкил этишнинг янги формалари ишлаб чиқилган эди. Марказда ва жойларда партия комитетлари ҳузурида «мусулмонлар бюролари», «мусулмонлар секциялари», кейинчалик эса майда миллатлар ўртасида иш олиб бориш бўлимлари тузила бошлади. Бу органлар ва ташкилотлар фаолияти тажрибаси ҳозиргача лозимича тадқиқ қилинмаган.

Шу билан бирга яна шуни қайд этиш кераkки, миллий масала уни такомиллаштириш жиҳатидан ҳам етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Жамиятшунос олимлар амалда миллий муносабатларни такомиллаштириш проблемаларига эътибор бермай қўйишди. Ваҳоланки, юз берган ижтимоий тартибни бузиш ҳоллари бу масала юзасидан ҳали талай проблемалар борлигини кўрсатмоқда. Бу соҳанинг мутахассислари, бизнинг фикримизча, миллатлар ичидаги ва миллатлараро муносабатлар диалектикасини, регионлараро миграцион жараёнларни ва уларнинг ватанпарварлик ва интернационал тарбияга таъсирини, совет халқларининг интернационал оиласини мустаҳкамлашда миллат ва элатнинг роли ва ўрнини, халқлар дўстлигининг манбалари ва уларнинг интернационалистик онгни шакллантиришдаги ролини, ҳуқуқий ва интернационал бурч ва вазифаларни бажаришдаги пропорционал-тартибга солувчи нормаларни, совет жамиятининг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш проблемаларини ҳал этишда миллийлик ва интернационалликнинг детерминациясини, қайта қуриш шароитида миллий худбинлик ва кибр-ҳавони интернационал онгга айлантиришни, маҳаллийчилик, юртдошлик, ошна-оғайнигарчилик ва гуруҳбозлик сингари коммунистик ахлоққа зид ҳолатлар ва бошқа проблемаларни (ҳам чуқур, ҳам кенг) ўрганишлари лозим.

Ўзбек халқи тарихида ирригация ва мелиорация масалалари муҳим ўрин тутади. Урушдан олдинги йилларда Ўзбекистон К(б)П МҚнинг Иттифоқ ҳукумати қўллаб-қувватлаган ташаббусига кўра республикада халқ қурилишлари методи билан ғоят улкан ирригация қурилиши амалга оширилди. Афсуски, ана шу ниҳоятда қимматли халқ тажрибаси тарихий-партиявий фанда чуқур акс этганича йўқ.

Ниҳоят, коммунистик тарбия проблемаларига доир илмий асарлар тўғрисида. Гарчи ғоявий-сиёсий ва меҳнат тарбияси масалалари бир қадар тадқиқ этилган ва

умумлаштирилган бўлса-да, коммунистик тарбиянинг муҳим таркибий қисмлари бўлган маънавий ва экологик тарбия ҳали ҳам етарли даражада тадқиқ қилинмаган. Ҳолбуки, коммунистик ахлоқ антиподларига қарши, салбий ҳодисаларга кескин нафрат, фикрлаш тарзини қайта қуриш шароитида маънавий онгни шакллантириш, коммунистик эътиқодни, маънавий софликни қарор топтириш учун курашда ана шу проблематикага доир мукаммал илмий асарларни яратиш ғоят зарур, зеро социалистик типдаги 'шахсни шакллантириш биринчи даражали аҳамиятга эга ишдир.

ГЕНТШКЕ Л. В. (В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети гуманитар факультетлари КПСС тарихи кафедрасининг мудири, тарих фанлари доктори).

Мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга, совет жамияти ҳаётида ўз моҳиятига кўра революцион ўзгартишларни амалга оширишга қаратилган йўлни белгилаб берган КПСС XXVII съезди шу билан бирга ижтимоий фанлар олдига бошдан кечирилаётган кескин бурилиш босқичи шароитида совет халқи олдида кўндаланг бўлаётган мураккаб проблемаларни илмий жиҳатдан чуқур идрок этиш вазифасини ҳам илгари сурди. «Жадаллаштиришнинг кўп қиррали вазифалари, — деб қайд қилинди КПСС МКнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида, — ...янада чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилинишга муҳтождир. Биз жиддий фалсафий умумлашмаларга, асосланган иқтисодий ва социал прогнозларга, чуқур тарихий тадқиқотларга жиддий эҳтиёж сезиб турибмиз». Партиямизнинг бой тарихий тажрибаси бугунги кунда алоҳида актуаллик касб этмоқда, чунки у социализмни ҳар томонлама такомиллаштиришга кўмаклашишга, миллион-миллион меҳнаткашлар онгида мамлакатнинг келгусидаги қиёфаси учун, янги жамият тақдири учун масъулият туйғусини қарор топтиришга даъват этилган. Тарихчилар тадқиқотчилик ишига ўз муносабатларини жиддий тарзда қайта кўриб чиққан тақдирдагина бу вазифаларни бажаришлари мумкин.

Коммунистик партия ва совет жамияти тараққиётининг конфликтсизлиги тўғрисидаги догматик тасаввурлар таъсирида бўлган тарихчилар ўз тадқиқотларида асосан КПССнинг ижобий тажрибасига мурожаат қилдилар. Хатолар, янглишишлар ва бошқа салбий ҳодисалар эса, одатда, очиб берилмас эди, бунга архивларнинг ёпиқлиги ҳам жиддий равишда сабаб бўлди. Буларнинг ҳаммаси бизни тарих фанида, жумладан Туркистон ва Ўзбекистон Компартияларининг тарихий тажрибасини ўрганиш соҳасида эришилган марраларни реализм ва ҳаққонийлик позицияларидан туриб диққат-эътибор билан анализ қилиб чиқишга ундайди.

Қарор топган андазалар, тафаккурдаги турғунлик республика тарихчиларига қатор ҳолларда у ёки бошқа тарихий ҳодисаларни кўриб чиқишга янгичасига ёндашишга имкон бермайди. Масалан, маҳаллий шароитларда коммунистларнинг умумкоммунистик назария ва практикани ўзига хос шароитда, В. И. Ленин уқтирганидек, «асосий омма деҳқонлардан иборат бўлган..., капиталга қарши кураш вазифасини эмас, балки ўрта асрчилик қолдиқларига қарши кураш вазифасини ҳал қилиш керак бўлган» шароитда (Тўла асарлар тўплами, 39-том, 380-бет) қўллашларига тўғри келган эди деган ленинча методологик қоидани очиб бериш масаласини олайлик. Ўша пайтда вужудга келган аҳвол асосан умумлаштирувчи асарларда ёки улар бўлимларида революцион-демократик ислоҳотларни кўриб чиқиш орқали очиб берилган эди.

Янги иқтисодий сиёсатни, ишчилар синфини шакллантириш жараёнини, индустриялаштиришнинг дастлабки босқичини, ялпи коллективлаштиришга ўтишни, ўша даврнинг бошқа қатор ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилишда феодал ҳодисаларга қарши кураш чуқур таҳлил этилмади. Феодал тасаввурлардан социалистик тасаввурларга ўтиш натижасида туб ерли миллатга мансуб деҳқонлар онгида содир бўлган психологик ўзгаришлар жараёнини ўрганиш энг кўп даражада орқада қолаётган бўлса керак. Фикримизча, кооператив ҳаракати турли формаларининг ривожланиши масалалари, бу ҳаракатнинг феодал психологиясига эга деҳқонларни социализмга жалб қилишдаги роли етарлича тадқиқ қилинмаган.

30-йилларда маъмурий-ўзбошимчалик билан раҳбарлик қилиш методининг қарор топиши, партиявий раҳбарлик характерининг экономикани бевосита бошқариш йўналишида ўзгариши тўғрисидаги масала республика тарихчиларининг эътибор доирасидан четда қолди. Мабодо сиз янгидан нашр қилинган Ўзбекистон Компартияси съездлари ва Марказий Комитет пленумларининг резолюциялари ва қарорлари тўпламига эътибор берган бўлсангиз, 1930 йилдан бошлаб МК пленумлари қарорларининг айниқса колхоз ишлаб чиқаришига доир хўжалик директиваларига тобора кўпроқ ўхшаб қолганлигини пайқаган бўлсангиз керак.

Туркистон ўлкасида ва Ўзбекистонда кенг тарқалган ҳунармандчилик ишлаб чиқариши алоҳида эътиборга лойиқ. Революциядан олдинги даврда айниқса Бухоро амирлигида ва Хива хонлигида феодал негизда ташкил топган ҳунармандчилик ишлаб чиқариши совет воқелиги шароитида аста-секин социалистик йўналиш касб эта борди. Ана шу мураккаб ва зиддиятли жараён тарихий асарларда ҳозиргача лозим даражада очиб берилмаган.

Маҳаллий жамиятнинг Октябрь революцияси давридаги синфий составини ва кейинчалик социализмга ўтишнинг у ёки бу босқичларида синфий кучларнинг ўзаро нисбатида рўй берган ўзгаришларни чуқур тадқиқ қилишга кескин зарурат етилди.

Янги иқтисодий сиёсатни амалга оширишнинг тарихий тажрибаси мамлакатда партия тарихчиларининг катта эътиборини жалб этмоқда. Бу бежиз эмас, чунки унинг тегишли равишда шаклан ўзгартирилган асосий принциплари бугунги кунда қайта қуриш шароитида қўлланилмоқда. Айрим тарихчилар янги иқтисодий сиёсат 1929 йилда тугаган дейишса, бошқа бировлари уни биринчи беш йиллик охирида тугаган дейишади. Афтидан, бу масала кенг кўламда социализм қуриш жараёнида деҳқонлар билан иқтисодий муносабатлар системасидаги ўзгаришларни жиддий анализ қилиш натижасида узил-кесил ҳал қилиниши мумкин. Менимча, Ўзбекистон тарихчилари ҳам бу проблемани ўрганишда актив иштирок этишлари лозим.

Шахсга сиғинишнинг маҳаллий шароитдаги кўринишлари, унинг ижтимоий тараққиётга таъсири тўғрисидаги масала республика тарихчиларининг тадқиқотларидаги «оқ бўлиб» қолган жойлардир. Ваҳоланки, мамлакатимиздаги бошқа халқлар каби ўзбек халқи ҳам Сталин шахсига сиғиниш муносабати билан йўл қўйилган хатолар ва ленинча принциплардан чекинишлар туфайли талайгина кишилардан, моддий ва маънавий қадриятлардан маҳрум бўлди. Бизнинг жамиятшуносларимиз асарлари тарихий ҳодисаларни эгасизлантириш сингари иллатдан ҳам холи эмас. Ўз вақтида сиёсий хатоларга йўл қўйган арбоблар азалдан ленинизм ва социализм душманлари эди деган догматик тасаввур революцион курашнинг кўпгина қатнашчилари номларининг тарихий тадқиқотлар саҳифаларидан ўчиб кетишига олиб келди. Биз бу кишилар тўғрисида лом-мим демаслик билан амалда тарихни бузиб кўрсатяпмиз.

Туркистон ва Ўзбекистон партия ташкилотлари тарихига доир асарларда, одатда, нафақат, айниқса, кескин бурилиш босқичларидаги тарихий жараёнларни альтернатив тарзда кўриб чиқишнинг, шу билан тарихий ҳодисаларни очишга, партиямизнинг биринчи тарихчиси В. И. Ленин таълим берганидек, зиддиятлар орқали диалектик ёндашувнинг ҳам йўқлиги ташвишланарли ҳолдир. Масалан, В. И. Ленин касаба союзларнинг ўтиш давридаги ролини кўриб чиқар экан, улар коммунизм мактаби тариқасида ишонтириш методи билан иш кўрадилар, лекин давлат ҳокимиятининг иштирокчилари сифатида мажбур қилишдан ҳам воз кеча олмайдилар, деб уқтирган эди. Шуни ҳам эслатиб ўтиш мумкинки, гарчи касаба союзларнинг асосий вазифаси — меҳнаткаш омма манфаатларини ҳимоя қилиш бўлса-да, лекин, бошқа томондан, улар муайян вазиятларда тазйиқ кўрсатишдан ҳам воз кеча олмайдилар.

Маълумки, В. И. Ленин жамият тараққиётида зиддиятлар муқаррар деб ҳисоблар эди. «...Ҳозирги капитализм ва майда ишлаб чиқариш қолдиқлари бор экан, — деб ёзган эди у, — бутун ижтимоий тузумда бу қолдиқлар билан социализм новдалари ўртасида зиддиятлар бўлиши муқаррардир» (ТАТ, 44-том, 393-бет). Агар обдан ўйлаб кўриладиган бўлса, биз Ўзбекистон тарихида тўлиқ жавоб берилмаган кўплаб зиддиятларни кўрамиз. Чунончи, биринчи беш

йилликлар даврида меҳнаткаш омманинг мисли кўрилмаган ғайрат-шижоати намоён бўлган ва шу билан бир вақтда социалистик қонунчиликни кўпол равишда бузишларга йўл қўйилган эди. Ёки, масалан, мавжуд ленинча демократик анъаналар билан бошқарувнинг маъмурий системаси қарор топишининг қўшилиб кетганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Иқтисодий ва социал ривожлантиришни тормозлаш жараёнларига, Ўзбекистон ва умуман мамлакат партия ташкилотларида сўз билан иш бирлигининг бузилишига кўмаклашган кейинги ўн йилликлардаги зиддиятларни ҳам чуқур очиб бериш ғоят муҳимдир.

Пировардида шуни яна эслатиб ўтиш муҳимки, тадқиқотлар тарихий ҳақиқатга тамомила мос бўлиши керак. Партияда ва мамлакатда мавжуд бўлган салбий ҳодисаларни на камайтириб, на орттириб кўрсатиш лозим эмас. Совет халқининг партия раҳбарлигида ўтган 70 йил ичида катта муваффақиятларга эришганлиги, инсониятга социализм сари йўл очиб берганлиги тарихий ҳақиқатнинг асосий ғоясидир. Шу туфайли биз халқимизга, Октябрь революциясини амалга оширган, социализмни қурган ва уни ҳимоя қилган авлодларга нисбатан беҳурмат муносабатда бўлишга йўл қўя олмаймиз.

РАЖАБОВА Р. Ё. (Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих институтининг директори, тарих фанлари доктори).

20—30-йиллардаги Ўзбекистон ғоявий-сиёсий турмуши, республика партия ташкилотининг идеологик фаолияти тарихини ёритишда догматизм, шахсга сиғинишнинг ўз моҳиятига кўра идеалистик бўлган идеологияси ва методологияси кўринишлари энг кўп даражада кўзга ташланади. Бу ерда кейин пайдо бўлган жиҳатлар, «оқ бўлиб» қолган жойлар айниқса кўп учрайди, ҳар турли андазалар таъсири кучли, илмий тадқиқотнинг асосий методологик принципларидан чекинишлар мавжуд. Масалан, республика историографиясида илдиз отган ғоявий-назарий фаолиятга фақат партия марказий органларининг вазифаси, алоҳида имтиёзи деб қарашдан иборат шаблон Ўзбекистон Компартияси назарий тафаккури тарихини тадқиқ қилишга ғоят сезиларли зарар етказди.

Социализм қурилишидаги маҳаллий шароитларнинг ўзига хослиги, социалистик қурилиш асосий қонуниятларининг объектив аҳамиятини ва уларни капитализмни четлаб, социализмга ўтиш шароитларига қўлланиш мумкинлигини асослашга бўлган эҳтиёжлар; бу қонуниятларнинг ўзига хослиги ҳамда уларнинг бу ерда намоён бўлишини аниқлаш, шунингдек уларни амалга ошириш тактикасини ойдинлаштириш зарурлиги ғоят катта доирадаги проблемаларни мустақил тарзда чуқур ишлаб чиқишни тақозо этди. Бошдан кечирилаётган босқичнинг моҳиятини тушуниб олиш, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражасини, ишлаб чиқариш муносабатларининг аҳволи ва характерини, бундай муносабатларнинг ўзига хослигини ва уларнинг маҳаллий шароитда намоён бўлишини, ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларидаги сифат ўзгаришларининг теранлигини ва улар табиатини белгилаш — ўз-ўзидан ижодий ишни тақозо этадиган ана шу масалаларнинг ҳаммаси кенг доирадаги партия ва совет арбоблари, олимларнинг эътиборини жалб этди. Булар республика ижтимоий ҳаётининг кескин бурилиш босқичларида: Туркистон автономиясининг ташкил топиши, «ҳарбий коммунизм» сиёсати, янги иқтисодий сиёсатга ўтиш, миллий-давлат чегараланиши, 20-йилларнинг иккинчи ярмидаги ер-сув ислоҳоти, «Ҳужум» ва шу сингари даврларда айниқса яққол кўзга ташланган эди.

Кундалик газета-журналлар, турли кенгашлар, партия ва совет съездлари материаллари ўша йиллардаги ижодий тафаккур жўшқинлигини, социалистик қурилиш практикаси илгари сурган проблемаларни назарий жиҳатдан идрок этишдан иборат ғоят мураккаб жараённи саклаб қолган ва бизгача етказгандир. Бугунги кунда давр ана шу жараённинг ҳамма иштирокчиларини аниқлаш, уларнинг қарашларини, назарий концепцияларни шакллантиришга, партия қарорларини ишлаб чиқишга таъсирини чуқур анализ қилиш зарурлигини қатъий талаб қилмоқда. Ана шу вазифанинг бажарилиши ноҳақ унутилган номларни Ўзбекистон тарихига яна қайтаради, уни янги сюжетлар билан бойитади, республика партия ташкилотлари идеологик ишининг мураккаб, кўп қиррали характерини очади.

Ана шу вазифа нуктаи назаридан партия идеологик ишининг яна б... жиҳатига — Ўзбекистондаги идеологик кураш тарихига эътиборларингизни жа... қилмоқчиман. Бу ерда ҳам бир хилдаги андаза таркиб топган эди — идеолог... кураш мухолифларнинг позицияларини, бу курашда кимларни ва нималар... бартараф қилишга тўғри келганлигини тадқиқ қилмасдан партиянинг душм... идеологияни бартараф қилиш соҳасидаги фаолиятидангина иборат қил... кўрсатилар эди. Бундай бир томонлама ёндашув республикада марксизм-ленинни... идеологиясининг қарор топиши ва ғалаба қилиши тўғрисида енгил-елпи т... саввурларни туғдирмай қолмайди. Революциядан олдинги даврдаги ва революци... дан кейинги дастлабки йиллардаги кўп укладлилик, синфий ва миллий ўза... муносабатларнинг мураккаблиги Ўзбекистоннинг ғоявий-маънавий соҳаси... кечган жараёнларга алоҳида кескинлик бахш этган эди. Феодал-патриархал в... ислом доктриналари, буюк давлатчилик ва буржуа-миллатчилик қарашлари, с... эсерлар ва бошқа майда буржуа назариялари, жадидчилик, маърифатчилик ка... ва бошқа ғоявий-сиёсий оқимларнинг назарий концепциялари бу ерда ҳали қар... топиш босқичида бўлган социалистик идеологияга қарама-қарши турар э... Уларнинг ҳар бири ўз партиялари, программаси, нашрлари, идеологларига эга э... Умуман улар республика маънавий ҳаётининг кескин коллизиялар била... характерланадиган мураккаб оламини ташкил этарди.

Ғоявий кураш жиҳатларининг ана шундай мажмуини тадқиқ қили... социалистик идеология ғалабасининг объектив ва қонуний характерини очишга... унинг ғалабаси олдиндан белгиланган ва фақат ютуқлару зафарлар йўлида... илгарилаб борган жараёндан иборат бўлган деган енгил-елпи тасаввурларда... халос бўлишга имкон беради.

Партия ташкилотининг ўз сафларидаги оппортунистик оғмачиликларга... қарши кураши тарихини ўрганишда ҳам ана шундай ёндашувга амал қилиш... лозим. Ана шу оғмачиликлар ва группалар иштирокчиларининг номларини... уларнинг қарашларини, концепциясини тиклаш — бу бизнинг адабиётимизда... вужудга келган индамаслик механизмини бартараф қилиш, партия ичидаги... курашнинг ҳақиқий тарихини тиклаш демакдир. Бу жиҳатларни эътиборга... олмаслик тарихни қашшоқлаштиришга олиб келди, ваҳоланки айнан шу... йўналишда идеологик курашнинг бутун кескинлигини тўла-тўкис ёритиш... республикани ривожлантиришнинг альтернатив йўллари билан боғлиқ бўлган... масалаларни аниқлаш мумкин. Ўзбекистон тарихида бундай йўллар бўлган эди... жуда бўлмаса 18 лар группасининг чиқишини олиб кўрайлик. Фикримизча, ана шу... группанинг барча иштирокчиларини, улар идеологиясини, позицияларини кўрса... тиб берадиган пухта тадқиқот ўтказиш пайти етди. Бундан мақсад уларни оқлаш... эмас, балки гап тарихий тадқиқотлардаги «оқ бўлиб» қолган жойларни бартараф... қилиш тўғрисида бормоқда.

Бизнинг назаримизда, бугун тилга олинган масалаларни илгари мавжуд... бўлган назарий-методологик характердаги жиддий нуқсонларни бартараф қилиш... билан узвий боғлиқликда амалга ошириш мумкин. Қатор мураккаб илмий... проблемаларни, биринчи навбатда, Ўзбекистон Компартиясининг идеологик... фаолиятидаги умумийлик ва алоҳидалик проблемасини ҳам ҳал этиш учун эҳтиёж... етилди. Бу вазифанинг амалга оширилиши бизнинг капитализмни четлаб... социализмга ўтиш шароитида партия идеологик иши тараққиётининг умумий... қонуниятлари ва хусусиятларига оид билимимизни чуқурлаштиради. Бу, ў... навбатида, нафақат Ўрта Осиёда, мамлакатимизнинг бошқа шарқий четки... регионларида ҳам ривожланган жараёнга оид тушунчамизни бойитади.

ЗИЁМОВ Ш. С. (Ўзбекистон Компартияси МК ҳузуридаги Партия тарихи... институти директори, тарих фанлари доктори).

Ўзбекистон партия тарихчилари Туркистон, Бухоро ва Хоразм Коммунистик... партиялари тарихини ёритиш юзасидан муайян ишларни амага оширдилар. Шу... билан бирга, чуқур ўрганилмаган ва ёритилмаган ёки ҳодисалар ва воқеаларга... янгичасига назар солишни тақозо этадиган масалалар ҳам бор. Жумладан, Туркистон Компартияси, Бухоро ва Хоразм Компартиялари қурилишидаги умумийлик ва алоҳидаликни синчиклаб аниқлаш, уларнинг социал базасини,

ленинча ғоявий ва ташкилий принциплар, партия турмуши нормаларининг улар томонидан амалга оширилишини очиб бериш зарурати етилди, шекилли. ТКП Мусулмонлар бюроси, Ўлка Комитетининг миллий секцияларини тузишдаги шарт-шароитлар ва улар фаолияти етарли даражада очиб берилмаган. 70—80-йилларда эълон қилинган асарларда ТКПнинг шовинизм, миллатчилик ва пантуркизм кўринишларига қарши кураши тўғрисида гапирилади, лекин айни бир вақтда бу курашнинг форма ва методларига, кўпинча лозим даражадаги ғоявий-сиёсий тайёргарликка, синфий кураш тажрибасига эга бўлмаган туб ерли миллатлар вакилларидан раҳбарларни шакллантириш масаласига етарлича эътибор берилмайди. Фикримизча, уларнинг янги турмуш қуриш жараёнида қандай қилиб В. И. Ленин, партия МКнинг ёрдамида ва ғамхўрлигида аста-секин марксча-ленинча позицияларга ўтганлигини кўрсатиш зарур.

Юқорида қайд қилиб ўтилганидек, биз ўз асарларимизда шу пайтгача турли сабабларга кўра лозим даражада эътибор берилмай келган коммунистлар, кўзга кўринган партия ва давлат арбобларининг кўп қиррали фаолиятини ёритишимиз керак. Жадидчилик сингари ижтимоий ҳодиса, унинг моҳияти, ривожининг асосий босқичлари янгича идрок этишни ва унга янгича баҳо беришни тақозо этмоқда.

Яна шуни айтиш керакки, айрим тадқиқотчилар сўнгги пайтда 20-йилларни қамраб оладиган ҳужжатларни ўрганиш жараёнида ўша даврда бўлиб ўтган кескин синфий курашни хаспўшлаб келдилар, улар бу билан янги жамият қурилиши тўғрисида жўнлаштирилган тасаввур ҳосил қилдилар. Бугунги кунда биз партиявий, гражданлик бурчимизга амал қилиб, ҳаётни илгари ва ҳозир қандай бўлган бўлса, шундайлигича, унда ҳеч нарсани бўяб-бежамасдан ва жўнлаштирмасдан кўрсатишимиз керак. Бунда биз яна шунга асосланишимиз керакки, партиянинг тарихий тажрибаси нафақат ижобий жиҳатлардан, шу билан бирга муайян қийинчиликлар, хатолардан ҳам иборат бўлган эди. Бугунги куннинг муҳим талабларидан бири — республика партия ташкилоти фаолиятини объектив тарзда ёритиш учун архив ҳужжатларини янгидан ўқиб чиқиш зарурлиги — масаланинг ана шу жиҳати билан боғлиқдир.

Кейинги йигирма йилни қамраб оладиган давр, мантиққа зид равишда, Ўзбекистон Компартияси тарихидаги «оқ бўлиб» қолган жойлардан биридир. Биз бу даврга доир асарлардаги барча қимматли нарсалардан асло кўз юммаган ҳолда, айни бир вақтда КПСС XXVII съезди, партия МКнинг кейинги Пленумлари берган ҳақиқат сабоқларига асосланиб, бу асарларнинг кўпчилиги учун характерли бўлган камчиликларни ҳам кўриб турибмиз, бундай камчиликлар догматик ёндашувда, схематизмда, ҳаётдаги зиддиятларни инкор этишда, дабдабабозликда, республика собиқ раҳбарлари номига ўқилган ҳамду саноларда, амалда бўлмаган «улкан» муваффақиятларни асослаб беришда ва шу сингариларда ифодаланган эди. Албатта, санаб ўтилган камчилик ва нуқсонларнинг сабаблари кўп. Мавжуд бўлган турғунлик ва воқеликни бўяб кўрсатиш муҳити, партиявийлик, тарихийлик принипларини қўпол равишда бузишлар, марксча-ленинча методологияга етарлича баҳо бермаслик, айрим жамиятшунос олимларнинг диалектикани, ижтимоий тараққиёт қонунларини етарлича билмаслиги ёки уларга етарли даражада эътибор бермаганлиги, бундай олимлардан баъзиларининг анализ ва синтез асосида ижтимоий турмуш ҳодисаларидаги энг муҳим жиҳатларни, уларнинг ички алоқадорлигини, қонуниятларини ажратиб ола билмаслиги ана шундай сабаблардандир. Бугунги кунда партия тарихчилари олдида ўз миқёслари ва мураккаблигига кўра улкан вазифалар турибди: Ўзбекистон Компартияси фаолиятининг айрим жиҳатларини янгидан, марксча-ленинча методология асосида тадқиқ қилиш, шу жумладан салбий ҳодисалар, баъзи партия ташкилотларининг камчиликларга қарши курашдаги пассивлигининг илдизларини очиб бериш, ўша пайтда партия турмушининг ленинча принциплари ва нормаларини қўпол равишда бузиш, партия ва давлатни алдаш йўлига ўтган конкрет раҳбарларга объектив тарзда принципиал баҳо бериш зарур.

Салбий ҳолатларни, ўтмиш сарқитларини анализ қилишда уларнинг табиатини, вужудга келиш сабабларини кўрсатиш лозим. Бу яна шунинг учун ҳам ниҳоятда актуалки, бугунги кунда кўпгина оддий ходимлар сингари ғоят турли даражалардаги раҳбарларга ҳам ана шундай сарқитлар хосдир. Шунинг учун ҳам

кишилар феъл-атворидаги сарқитларнинг сабаблари тўғрисида гапирганда уларни нафақат ижтимоий, шу билан бирга индивидуал онгнинг ҳам орқада қолганлигидан излаш тўғри бўлур эди.

Ҳозир республикада партия турмушининг ленинча принциплари ва нормаларини тиклаш, партияга қабулни такомиллаштириш, бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини ошириш, иқтисодий ва маданий қурилишга раҳбарликни қайта қуриш юзасидан иш олиб борилмоқда. Шу муносабат билан партиянинг демократияни барча чоралар билан ривожлантириш шароитидаги фаолиятини, миллатлараро муносабатлар проблемаларини ва партия ташкилотларининг уларни меҳнаткашларнинг ватанпарварлик ҳамда интернационал тарбиясини кучайтириш, кадрларни ленинча миллий сиёсат соҳасидаги чуқур билимлар билан қуроллантириш, партия ташкилотларининг бу масалаларга оид фаолиятини такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқиш йўли билан ҳал этишдаги ролини ўрганиш актуал ҳисобланади.

Кадрлар — партия ва давлат раҳбарлигида ҳал қилувчи кучдир. Ўзбекистон Компартияси МКнинг XVI пленумидан сўнг (1984 йил июнь) КПСС Марказий Комитетининг актив ёрдамида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш юзасидан катта иш қилинди. Ўз обрўсини тўкиб қўйган кишилар раҳбарликдан четлатилди. Уларнинг ўрнига сиёсий етук, билимли, ҳалол ходимлар кўтарилди. Лекин бугунги кунда уларнинг кўпчилигига ҳозирча омма орасида сиёсий иш олиб боришда зарур тажриба етишмайди. В. И. Лениннинг, унинг сафдошларининг ғоят бой тажрибасини, уларнинг меҳнаткашлар қалбига йўл топа олиш, уларни партия сиёсатининг тўғрилигига ва зарурлигига ишонтириш, оммани бу сиёсатни амалга ошириш ишига уюштира олиш қобилиятини; сиёсий мунозара олиб боришнинг ленинча усуллари ва методларини очиб берадиган китоблар, брошюраларни нашр этиш уларга бу борада ёрдам кўрсатган бўлур эди. Кадрлар сиёсатининг демократия ва ошкоралик шароитида олиб борилаётганлиги унинг бугунги кундаги характерли хусусиятидир. Бошқарув ва раҳбарликнинг турли бўғинларидаги раҳбарларни сайлаб қўйиш ҳамма жойда жорий қилинмоқда. Афсуски, бундай сайловлар механизми ҳали ҳам мукаммал эмас. Олимлар-партия тарихчилари ҳам ана шундай тадбирларни ўтказиш, уларнинг самарали амал қилиш практикасини ўрганишга ўз ҳиссаларини қўшишлари мумкин.

Кадрлар составини интернационаллаштириш жараёнини, уларнинг партиянинг экономикани бошқаришни қайта қуриш соҳасидаги планларини амалга ошириш учун масъулиятининг, социал адолат принципларини амалга оширишдаги ролининг ошиши масалаларини тадқиқ қилиш ҳам муҳимдир. Коммунистларнинг социал активлиги проблемаларини ўрганиш олимларнинг, айниқса партия қурилиши билан шуғулланадиган олимларнинг катта эътиборини талаб қилади. Кўпгина партия ташкилотларида, минг афсуски, ҳали ҳам актив ва пассив партия аъзолари «тинч-тотув яшашади»; ҳамма жойда ҳам ҳозирча бундай аҳвол сабабларини аниқлаш юзасидан табақалаштирилган иш олиб борилмаяпти; коммунистлар ва партиясизларнинг ишлаб чиқаришдаги ва ижтимоий фаолиятига бир хил мезонлар билан баҳо бериладики, бу бутунлай нотўғридир. Коммунистларнинг хатти-ҳаракатлари анча юқори мезонлар билан баҳоланиши лозим. КПСС ҳужжатлари, партиявий иш тажрибаси асосида бундай мезонларни белгилашда, ҳамма қимматли жиҳатларни практикага жорий қилишда жамиятшунос олимларнинг ҳам роли катта.

Бугунги кунда ҳам партия тарихи ва партия қурилиши соҳасида юксак малакали мутахассисларни ўқитиш ва тарбиялаш проблемаси кескин бўлиб қолмоқда. 70—80-йиллар оралиғида бу йўналишда истиқболни кўзлаб кенг миқёсда иш олиб борилмаганлиги сабабли шундай аҳвол вужудга келди. КПСС тарихи ва партия қурилиши соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб фан докторларини тайёрлашни кенгайтириш зарур, бунинг учун Ўзбекистон Компартияси МК ҳузуридаги Партия тарихи институти қошида докторантура ташкил этиш керак.

Тарихий-партиявий фанни қайта қуришнинг асосий йўналишларини, ҳам ўрганилган актуал проблемаларни белгилаш, Ўзбекистон Компартияси тарихининг баъзи жиҳатларини қайта кўриб чиқиш муносабати билан партия тарихи ва партия қурилишига доир Республика координацион совети фаолиятини тако-

миллаштириш зарур деб ўйлаймиз. Бугунги кунда у фақат диссертациялар темаларини тасдиқлаш билан чекланиб қолган ва илмий проблемалар тадқиқотини яхши мувофиқлаштирмаяпти. Шунинг учун Советга муайян контрол қилишлик функцияларини бериш мақсадга мувофиқдир, бу республика олий ўкув юртларининг КПСС тарихи кафедраларида тасдиқланган темалар юзасидан тадқиқотларнинг қанчалик самарали олиб борилаётганлиги тўғрисида лозим даражада тасаввурга эга бўлиш учун имконият яратади. Партия тарихи институти ҳузуридаги докторлик диссертацияларини ҳимоя қилишга доир ихтисослаштирилган Совет фаолиятини қайта қуриш, тақдим қилинаётган тадқиқотчилик ишларига, диссертация ёқловчиларнинг касбий сифатларига қўйиладиган талабларни ошириш юзасидан ҳам кўп иш қилиш керак бўлади.

ҲАСАНОВ К. Ҳ. (Тошкент политехника институти сиртқи-кечки таълим бўлими КПСС тарихи кафедрасининг мудири, тарих фанлари доктори).

Партиявий фан, шу жумладан Ўзбекистон Компартияси тарихи масалаларини партиянинг ҳозирги талаблари асосида янада чуқур идрок этиш мақсадида биз аввало В. И. Лениннинг буюк ғоявий меросини ўрганиш ва ундан кенг фойдаланишга эътиборни жалб қилишимиз керак. Республикамиз жамиятшуносларининг шу пайтгача В. И. Лениннинг марксистик назарияни янада ривожлантиришга қўшган ҳиссасини Туркистон ўлкаси партия ташкилотларининг тажрибаси асосида умумлаштиришмагани Ўзбекистон тарихий-партиявий фанининг заиф жиҳатларидан биридир. Маълумки, В. И. Ленин умуман марксча-ленинча назарияни ривожлантириб, кам тараққий этган халқларнинг нокапиталистик ривожланиш йўли, деҳқонлар Советлари, шу жумладан Россиянинг чекка районларидаги деҳқонлар Советлари тўғрисидаги таълимотни; миллатлар ва миллий муносабатлар тўғрисидаги таълимотни кўп жиҳатдан бойитди; социалистик экономикани барпо этиш ва ривожлантириш тўғрисидаги асос солувчи қоидаларни янгидан ишлаб чиқди, бу қоидалар ичида Туркистон ирригацияси, пахтачилик ва бошқа кўплаб масалаларга ҳам муҳим ўрин ажратилган эди. Бу проблемаларнинг ҳаммаси ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

Революциядан олдинги даврдаги Туркистон социал-демократлари ва большевикларининг фаолиятини ҳам янада чуқур ўрганиш зарур. Тошкент, Самарқанд, Асхободда ва ўлкадаги бошқа шаҳарларда биринчи социал-демократик группаларнинг тузилиши, социал-демократлар В. Д. Корнюшин, М. В. Морозов, А. Р. Бахирев, К. Д. Литвишко ва бошқаларнинг бу группалардаги иштироки, уларнинг айниқса маҳаллий аҳоли ўртасидаги пропагандистик ишлари ҳозиргача яхши ёритилмаган.

«РСДРПнинг Туркистондаги ташкилотлари иттифоқи» тадқиқотчиларнинг янада жиддий эътиборини талаб қилади. Революцион народник, К. Маркснинг дўсти, «Капитал»нинг рус тилига биринчи таржимони, I Интернационал Бош советининг аъзоси Г. А. Лопатиннинг бу ерда бўлганлиги Туркистон тарихида шу пайтгача лозим даражада акс эттирилмаганлиги афсусланарли ҳолдир. В. И. Лениннинг юксак баҳосига сазовор бўлган Туркистондаги 1912 йилги сапёрлар қўзғолони тўғрисидаги масала ҳозирча яхши ўрганилмаган. Мазкур проблематикага оид мавжуд кичик ҳажмдаги бир брошюра бу соҳадаги бўш жойнинг ўрнини тўла қоплай олмайди. Қилинган ишларга қарамасдан, большевикларнинг Туркистонда, айниқса областлар, шаҳарлар, районлар, қишлоқларда Улуғ Октябрь революциясини тайёрлаш ва ўтказишга доир фаолияти янада чуқур тадқиқ қилинишга муҳтождир. Кейинги йилларда бу проблема юзасидан биронта ҳам диссертация ҳимоя қилингани йўқ.

Ўлкадаги гражданлар уруши ва ҳарбий интервенция масалаларининг деярли ҳамма тадқиқотларда 1918—1920 йиллардаги даврга тааллуқли қилиб қўйилиши ҳам муайян чалкашликни келтириб чиқаради, ҳолбуки, аслида босмачилик Ўзбекистоннинг ҳозирги чегараларидан иборат территориясида 1923—1924 йилларгача, Шарқий Бухорода эса ундан ҳам кейинроққача чўзилган эди. Бухоро ва Хоразм Компартияларининг 1920 йилдан 1922 йил февралгача бўлган даврда III Интернационал составида бўлганлиги ва РКП(б) МКнинг улар фаолиятига раҳбарлиги умуман тадқиқ қилинмаган.

Ўлка партия ташкилоти ишида мавжуд бўлган қийинчиликлар ва хатоларнинг ниҳоятда кам даражада кўрсатилиши — республикадаги тарихий-партиявий фанда заиф ўринлардан биридир. В. И. Ленин ўз вақтида огоҳлантирган эди: «Илғор синфнинг курашаётган партиясига хато қилиб қўйиш қўрқинчли эмас. Хатони қайсарлик билан ҳимоя қилиш, уни тан олиш ва тўғрилашдан сохта уялиш қўрқинчли бўлур эди». В. И. Лениннинг бу фикри бизга бевосита тааллуқлидир. Партия ташкилотлари ишида гражданлар уруши даврида, социализм қуриш йилларида кўплаб хатоларга йўл қўйилган. Биз улар тўғрисида ё йўл-йўлакай эслатиб ўтганмиз, ё лом-мим демаганмиз. Ўзбекистон Компартияси Ташкилий бюроси фаолияти яхши ўрганилмаган, Ташкилий бюро секретарлари Р. Исломов, А. Раҳимбоевнинг фамилиялари эса кўпгина асарларда ҳатто тилга ҳам олинмаган. ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси секретарлари И. А. Зеленский, М. М. Майоров, С. К. Шадунц, Анамуҳамедов, Ўрта Осиё бюроси аъзолари П. П. Дибенко, И. М. Варейкис, С. Стрелков, Н. А. Паскуцкий, М. Ф. Болдирев, У. Ашуров ва бошқалар, Ўзбекистон Компартияси МКнинг биринчи секретарлари В. И. Иванов, К. О. Киркиж, Н. Ф. Гикало ва бошқалар тўғрисида кечириб бўлмайдиган даражада кам гапирилган. Тарихий-партиявий соҳадаги асарларда Ўзбекистондаги социалистик қурилишнинг фаол қатнашчилари оддий коммунистлар Т. Мирзаев, И. Раҳматов, С. Тошлонов, С. Юнусов ва бошқа юзлаб кишилар нима учундир тилга олинмайди. Ўзбекистон Компартиясининг социалистик индустриялаштириш, коллективлаштириш, маданий революцияга раҳбарлиги қайта идрок этишга муҳтождир. Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги ва урушдан кейинги даврдаги тарихи янги фактик материаллардан фойдаланиш асосида чуқур ўрганишни талаб этади. Ўзбекистон Компартиясининг жиддий камчиликлар ва хатоларга йўл қўйилган кейинги 20 йил мобайнидаги тарихи ҳам қайта идрок қилинишга муҳтождир. Бунда республика партия ташкилоти томонидан КПСС МК раҳбарлигида салбий ҳодисаларни тугатиш юзасидан олиб борилаётган улкан тозалаш ишига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

ЛУНИН Б. В. (Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих институти историография бўлимининг мудири, тарих фанлари доктори).

«Давра сухбати»даги чиқишлар — тарихчиларнинг Ўзбекистон Компартияси ва ундан олдинги — Туркистон, Бухоро ва Хоразм партия ташкилотлари тарихини ёритишдаги тобора кўпроқ сезилаётган бўшлиқларни тўлдириш юзасидан бундан буён иш олиб бориш ғоят зарурлигини тушунишининг жонли далилидир. Шу муносабат билан аллақачон етилган Бухоро ва Хоразм Коммунистик партияларининг мураккаб ва ўзига хос тарихини чуқур ўрганишнинг баъзи бир жиҳатлари хусусида гапирмоқчиман.

Бу йўналишдаги кўп сонли, шу жумладан фундаментал асарларнинг аҳамияти ва фазилатларини камситиш керак эмас. Аввало, шуни эслатиб ўтиш ўринлики, биз ҳозиргача ҳам Бухоро ва Хоразмдаги ёш коммунистик ҳаракатнинг кўпгина актив (у ёки бу вақт оралиғида) қатнашчиларининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти ва фаолиятининг аниқ, равшан чизиб берилган, диалектик ва танқидий нуқтаи назардан баҳоланадиган очеркларига эга эмасмиз. Бу БХСР ва ХХСР ташкил топган ва фаолият кўрсатган даврдаги янги турмуш қурилишига хайрихоҳлик билан қараган бошқа арбоблар, революцион ҳаракат шериклари ва мухолифларига ҳам шу даражада тегишлидир. Бу ерда эса жуда кўп локал, ўзига хос, баъзан нодир ва сермаъно жиҳатлар бор эдики, биз уларсиз ҳавосиз бўшлиқда эмас, балки ниҳоятда қийин, социал зиддиятли, кўпинча тез ўзгариб турган вазиятда амал қилган Бухоро ва Хоразм Коммунистик партияларининг тарихини, бу ҳар иккала республиканинг Октябрдан кейинги тарихини тўла-тўкис ва ҳар томонлама ёрита олмаймиз. Бошқача айтганда, Бухоро ва Хоразм тарихини унга жонли одамларни, тарихий ҳаракатнинг конкрет персонажларини киритиш билан интенсив тарзда «тўлдира бориш» керак, уларга партиявийлик ва объективлик принциплари асосида баҳо бериш, конъюктура ва субъективистик характердаги бир томонлама ва пала-партиш баҳолардан тийилиш лозим.

Бунда академик Б. Н. Пономаревнинг фикрига қўшилиш мумкин, у ўз вақтида

БХСР ва ХХСРнинг тарихий тажрибаси жуда ҳам қизиқарли тажрибадир, лекин унинг чинакамига мустамлакачиликдан халос бўлган халқлар мулкига айланиши учун бу тажрибани бутун конкретлиги билан, унинг нафақат пировард натижасини, шу билан бирга мазкур жараённинг реал боришини ҳам кўрсатиш керак, деб ёзган эди.

Бунинг учун амалий ишда мавжуд бўлган камчиликлар, нуқсонлар, хатоларни ва уларни бартараф қилиш йўллари ҳамда методларини илгаригига нисбатан кўпроқ миқёсда очиқчасига ва ҳаққоний тарзда кўрсатиш талаб қилинади. Ваҳоланки, объектив мезонларга амал қилинадиган бўлса, унда Бухоро ва Хоразмнинг — кечаги кунги Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги, қолоқ социал ва миллатлараро муносабатлар ғоят мураккаб тарзда чатишиб кетган деҳқонлар мамлакатлари, пролетариатнинг маҳаллий отряди деярли йўқ даражада бўлган, энди вужудга келаётган коммунистик ҳаракат камолга етмаган ва шу сингари аҳволдаги конкрет шароитида янги турмушни қуриш жараёнининг жиддий камчиликлардан, хатолардан, сўллик кайфиятлари кўринишларидан, В. И. Ленин огоҳлантирган «чекка ўлкаларни» зудлик билан «коммуналаштириш»га бўлган асоссиз интилишдан холи бўлиши нотабиий бўлган бўлур эди.

Гап бу қийинчиликлар, камчиликлар ва хатоларни қандайдир йўллар билан атайлаб бир қаторга тизиб чиқишда, устига-устак уларни Бухоро ва Хоразмда социализм тантанасига олиб келган энг муҳим, белгиловчи нарсаларни кўрсатишга зарар етказиб олдинги ўринга чиқаришда эмас, албатта. Айни бир вақтда ишнинг салбий жиҳатларини хаспўшлаш, юмшатиш, четлаб ўтиш, улар тўғрисида юзаки ва наридан-бери гапириш ҳам тўғри эмас. Бу БХСР ва ХХСРнинг тарихий тажрибасини бирор даражада камбағаллаштириш бўлур эди. Дарвоқе, қийинчиликлар, хатолар, камчиликларни ва уларнинг коммунистлар бошчилигида ҳамда РКП(б) ва Туркистон Компартияси, Совет ҳукуматининг қардошларча ёрдамида халқ революциясининг соғлом кучлари томонидан қатъият билан ва виждонан бартараф қилинганлигини айни шундай очиқчасига кўрсатиш БХСР ва ХХСР тарихини ёритишни янада мукаммаллаштиради. Хоразм ва Бухородаги социализм қурилиши тажрибасининг Осиё ва Африкадаги ёш ривожланаётган мамлакатлар учун аҳамиятини эътиборга олиб, БХСР ва ХХСРдаги революцион-демократик ўзгаришлардан социалистик ўзгаришларга ўтиш оралиғидаги социал-иқтисодий туб ўзгартиришларнинг моҳиятини ниҳоятда батафсил ва изчиллик билан кўрсатиб бериш муҳимдир. Шунингдек, Бухоро билан Хоразмга доир нашр этилган барча кенг миқёсдаги ва хилма-хил совет ҳамда чет эл адабиётини аналитик жиҳатдан кўриб чиқадиган историографияга оид асарлар зарур, улар нималар қилингани ва қандай қилинганини ҳамда яна нималар қилиш зарурлигини кўриш учун имкон беради.

Яна бир мулоҳаза. Маълумки, ҳозир КПСС тарихи юзасидан янги, конкурс дарсликни нашр қилишга доир амалий тадбирлар кўрилмоқда, илгари ҳеч бундай қилинган эмас эди. Фикримизча, фақат тарихчилар коллективи эплай оладиган мураккаб ва масъулиятли вазифани ҳал этиш керак бўлади. Шу муносабат билан қуйидагича фикр туғилади: нима учун республика тарихчилари шу билан бир вақтда, бундай дарсликнинг босилиб чиқишини кутиб турмасдан, Туркистон ва Ўзбекистон коммунистик партияларининг тарихига, шунингдек уларнинг Совет Шарқида янги турмуш қурилиши тажрибасидаги ижобий ва салбий томонларни кўрсатувчи илмий-оммабоп баёндаги совет даврининг умумий «гражданлик» тарихига доир ўқув қўлланмасининг асосларини тайёрлашни ўз зиммаларига олишлари мумкин эмас? Бизнинг куч-ғайратларимиздан партия тарихи юзасидан янги асарларни тайёрлаш жараёнида (маҳаллий материал сифатида) фойдаланилиши жуда ҳам мумкин. Очиғини айтганда, республикамиз тарихчиларининг баъзи бир қисми ўртасида пайт пойлаш кайфиятлари мавжудлиги учун ҳам бу айниқса муҳим. Бу ерда ўтмиш рецидивлари юки, мустақил ҳаракат қилишдан чўчиш, аллақандай бир одат бўлиб қолган нарсаларга содиқлик — яхшиси, «юқоридан» тушунтиришлар ва кўрсатмалар олгунга қадар кутиб туришнинг таъсири сезилмоқда. Бу эса хавфли ва зарарлидир, чунки у пассивликни, тафаккур турғунлигини, изланишлар ва дадил интилишларнинг сусайишини келтириб чиқариши, партия билан халқ жамиятшунос олимлардан хаёт билан кўпроқ алоқада бўлишни, КПСС МКнинг «Коммунист» журнали тўғрисида»ги қарорида

кайд килинганидек, «ўтмишни тадкик килиш соҳасидаги вазифаларнинг ҳозирги даврни идрок этиш ва келажакка ҳам кириб бориш вазифалари билан узвий бирикуви»ни кутаётган бир пайтда ҳатто ҳаракатсизликка сабаб бўлиши мумкин.

ФОЗИЛХЎЖАЕВ Қ. Ф. (Ўзбекистон Компартияси МК ҳузуридаги Партия тарихи институти директори ўринбосари, тарих фанлари доктори).

Совет халкининг гитлерчи золимларга карши Улуғ Ватан уруши муҳим тарихий боскич бўлди. Ўзбекистон Компартиясининг уруш давридаги фаолияти тўғрисида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих институти олимларининг коллектив тарздаги монографиялари, Т. Ж. Жўраев, Х. Ғ. Ғуломов, У. Қалимбетов ва бошкаларнинг асарлари бор. Лекин тарихчиларимиз республика партия ташкилотининг бу даврдаги фаолиятининг ҳамма жиҳатларини тўлик ўрганишган деб бўлмайди. Шуни кўрсатиб ўтиш керакки, уруш йиллари тарихига доир архивлар ҳужжатлари илмий оборотга етарлича киритилмаяпти.

Ўзбекистон партия архивларида Ўзбекистон Коммунистик партияси ва республика комсомолининг 1941—1945 йиллардаги фаолиятини кўрсатадиган кўплаб ҳужжатлар сакланмокда. Ўзбекистон Компартияси МК фондига доир 4638 дело, республика комсомоли МК фондига доир —392 дело бор. Умумий иш юритиш ҳужжатларидан иборат жами 1006 дело, шу жумладан Ўзбекистон Компартияси МК пленумлари, бюро, секретариат йиғилишлари, активлари протоколларидан иборат 645 та ва Ўзбекистон Компартияси МКнинг справка-ахборот, ҳисобот, статистик материалларидан иборат —167 та дело бор.

Бу ҳужжатлар ўз мазмунига кўра жамиятнинг сиёсий, иктисодий ва идеологик ҳаётини ҳарбий изга солиб кайта куришни; барча одам, моддий ресурсларни ва маданий кадриятларни душманни даф этишга сафарбар килишни; уруш йилларидаги партия курилишини акс эттиради. Шуни кайд килиш керакки, партия ташкилоти ишининг ана шу ҳамма йўналишлари ўзаро боғлик ва фронт оркасининг фронтга ёрдамини мустаҳкамлаш ишига бўйсундирилган эди.

Берилган имкониятдан фойдаланиб, биз тарихчилар эътиборини куйидаги проблемаларга жалб килмокчи эдик:

Биринчидан, уруш йилларидаги партия курилиши ва кадрлар тайёрлаш. Аслини олганда, бу масала ўрганилмаган ва партия архиви ҳужжатлари, айникса, Ўзбекистон партия органлари ҳарбий бўлимларининг ҳужжатлари ўз тадкикотчиларини кутмокда.

Иккинчидан, бизнинг адабиётимизда партия ва давлат арбоблари, саркардалар тўғрисида кўп ёзишади. Лекин оддий жангчи-коммунист, ишчи-коммунист, пахтакор-коммунист тарихчилар эътиборидан четда колмокда. Фронтда ва фронт оркасида олдинги сафларда бўлган, ўзларининг шахсий ибрати билан оммани илҳомлантирган, уларни жасоратга чорлаган Ленин партиясининг аъзолари бизнинг тадкикотларимизнинг асосий каҳрамонлари бўлиши керак.

Учинчидан, биз уруш йилларида Ўзбекистонга эвакуация килинган фан, маданият ва санъат арбоблари тўғрисида биргаликдаги куч-ғайратлар билан фундаментал асар яратишимиз лозим.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Компартиясининг уруш йилларидаги идеологик, сиёсий-тарбиявий ва ташкилотчилик иши тўғрисида ҳозирча монография йўк. Бу масалалар адабиётда саёз ёритилган. Мисол учун «Ўзбек халкидан ўзбек жангчиларга хат»ни олайлик. Биз бу хатнинг «Правда» газетасида рус ва ўзбек тилларида босилганлигини биламиз. Лекин биз унинг кандай ёзилганлигини, бутун мамлакатнинг сиёсий, идеологик ҳаётига унинг кандай таъсир килганлигини билмаймиз.

КИМ П. Г. (Ўзбекистон Компартияси МК ҳузуридаги Партия тарихи институти партия тарихи секторининг мудири, тарих фанлари доктори).

КПСС XXVII съезди жамиятшунослар олдига кўйган вазифаларни хал этиш учун партия тарихчилари тарихий-партиявий жараён ичига чукур кириб боришга, умуман бутун партия ва унинг жанговар отрядларининг ижтимоий тараккиётнинг турли боскичларидаги фаолияти конуниятлари ва тенденцияларини аниклашга

имкон берадиган тадкикот методикасини такомиллаштиришлари зарур. КПССнинг марксча-ленинча динамика конунлари ва категорияларига асосланган бутун кўп киррали ва кўп томонлама фаолияти аввало партия ташкилотларининг ҳужжатларида ўз аксини топади.

Партия ташкилотлари ҳужжатларини манбашуносликка хос анализ килиш методларини такомиллаштириш тарихий-партиявий фаннинг методологик проблемаларини ҳал этишнинг муҳим шартларидан биридир. Партия ҳужжатларида, вақтли матбуотда, мемуар адабиётда, партия ва Совет давлати кўзга кўринган арбобларининг эпистоляр меросида акс этган фактлар, воқеалар ва ҳодисаларнинг объектив баҳоси кўп жиҳатдан ана шу манбаларни анализ килишнинг айни шу илмий даражасига боғликдир. Шунинг учун партия тарихчиларининг куч-ғайратларини тарихий-партиявий фаннинг марксча-ленинча методологиясининг таркибий қисми сифатидаги манбашунослик методикасини янада такомиллаштиришга жамлаш тадкикотларни оптималлаштириш ва улар самарадорлигини ошириш соҳасидаги муҳим вазифалардан биридир.

Тарихий тадкикотлар методикаси масалаларини актив тарзда ишлаб чикиш кейинги ўн йилликлар мобайнида манбалардан махфий ахборотни олиш йўли билан манбаларнинг ахборот бериш самарасини ошириш проблемасини марказий проблема сифатида илгари сурди. Бу проблема янги ҳужжатларни илмий оборотга киритиш билан параллел равишда ўрганилмокда. Аввало кенг кўламли, ўз составига кўра мураккаб бўлган манбалар бу проблемани ҳал этиш учун оптимал имкониятлар яратади, партия ташкилотлари ҳужжатлари ҳам ана шундай манбалардан ҳисобланади. КПССнинг турли манбалар группалари билан ўзаро алокадорлик тўғрисидаги ҳужжатларини анализ килиш бу соҳадаги конструктив йўналишлардан биридир.

Партия съездлари карорларида ва КПСС МК карорларида мавжуд бўлган Ўзбекистон Компартияси тўғрисидаги потенциал ахборотни чукур очиб бериш актуал аҳамият касб этади. Кейинги вактга кадар тарихий-партиявий адабиётда бу ҳужжатлардан факат уларда тилга олинган масалаларни тадкик килиш учун норматив ҳужжатлар сифатидагина фойдаланилар эди. Маълумки, Ўзбекистон Компартияси фаолиятида хатолар ва нуксонларни келтириб чикарган субъектив сабабларни, ҳолатларни аниклаш ҳозиргача партия тарихчиларининг жиддий эътиборини тортганича йўк. Бу Ўзбекистон Компартиясининг партиянинг директив ҳужжатларидан келиб чикадиган йўл-йўрикларни бажаришга доир фаолиятини анализ килиш ва умумлаштириш билан боғлик кенг масалалар доирасига ҳам худди шу даражада тааллуклидир.

Маълумки, КПСС МК партия ва совет халки босиб ўтган йўлни ижодий тарзда кайта идрок этишга, «ок бўлиб» колган жойлар деб аталадиган ўринларни тугатишга муҳим аҳамият бермокда. Шу муносабат билан шу нарсани эслатиб ўтиш ўринлики, Туркистон, Бухоро, Хоразм ва Ўзбекистон Компартияларининг Сталин шахсига сиғиниш даврида репрессия килинган кўпгина кўзга кўринган раҳбарларининг ҳаёти ва фаолияти шу пайтгача тарихий-партиявий адабиётда лозимича ёритилмади. Ўз вактида уларнинг асарлари унутиб юборилган эди. Шу сабабли улар 40—60-йиллардаги тарихий-партиявий адабиётда ўз аксини топмади. 70—80-йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг карорига биноан Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев асарлари нашр этилди, Рустам Исломов, Акбар Исломов, Д. И. Манжара ва бошкалар тўғрисида маколалар босилди. Лекин, бунга карамасдан, тадкикотлар жараёнида А. Икромов, Ф. Хўжаев, А. Раҳимбоев, С. Сегизбоев, Д. И. Манжара, И. А. Зеленский, И. Гусев ва бошкаларнинг асарларидан ҳар доим ҳам фойдаланилмайди.

Партия тарихчилари ҳали ҳам тафаккур сустлигига барҳам беришмаган. Шу туфайли ҳам 20—30-йиллардаги партия ва давлат арбобларининг ҳаёти ва иши билан боғлик материалларни излаш, умумлаштириш ва анализ килиш методикасини тубдан кайта кўриб чикиш зарур. Акс ҳолда, Туркистон, Бухоро, Хоразм ва Ўзбекистон Компартияларининг Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш, индустрияллаштиришни, кишлок хўжалигини коллективлаштиришни, маданий революцияни, республикада социализм ғалабасини амалга ошириш учун олиб борган кураши тарихини объектив тарзда ишлаб чикиш асло мумкин эмас.

Фикримизча, ўз вактида Ўзбекистон Компартияси МК биринчи секретарлар бўлиб сайланган У. Юсупов, А. Э. Ниёзов, Н. А. Мухитдинов, С. Камоловнинг партиявий ва давлат фаолиятини объектив баҳолаш зарурати етилди.

ШОҲАЛИЛОВ Ш. (Ўзбекистон Компартияси МК ҳузуридаги Партия тарих институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари кандидати).

Республика партия ташкилоти тарихининг ўрганилмаган, кам ўрганилган ва мунозарали проблемалари — бизнинг баҳсимизнинг асосий мавзуидир. Бу — тўгри. Ҳатто бугунги суҳбатда ҳам фақат шунинг ўзи билан чекланиш, менинг назаримда, тўғри эмас. Биз нафақат **нимани** ўрганиш, шу билан бирга **қандай** ўрганиш тўғрисида ҳам гаплашиб олишимиз лозим. Менимча, масаланинг моҳияти ана шунда. Тарихчи партия тараққиётининг қонуниятларини билиб олиш учун ўн йиллар мобайнида фойдаланиб келган воситалар бугунги кунда ярамайди. Яна ҳам аниқ айтадиган бўлсак, бундай воситалар кечаги кунда ҳам ярокли эмас эди. Тарихий-партиявий фаннинг бугунги кундаги ночор аҳволи — бунинг далилидир.

Ҳозир тарих ва шу кун воқеалари анализига диалектик ёндашувни қайта тиклаш масаласи кескин бўлиб турибди. Тарихчилар қуйидаги саволга жавоб беришлари керак: қандай омиллар жамият тўғрисидаги марксча-ленинча таълимотнинг ана шу асосий талабини унутишга кўмаклашган эди? Жавоб ниҳоятда аниқ ва ҳаққоний бўлиши керак, чунки тарихий фан тараққиётига тўсқинлик қилаётган, унинг жамиятда ўзига мувофиқ ўрин эгаллашига халақит бераётган ҳамма нарсани илдизи билан қуритиб ташлашнинг муваффақияти ана шунга боғлиқдир.

Ҳозирча эса ҳаёт ўртага қўяётган кескин проблемаларни тадқиқ қилишга қолдиқли, эскича ёндашувларнинг реал хавфи мавжуд. Биз Институтда тарихий фанни қайта қуришнинг асосий йўналишлари аллақачон белгилаб берилган, тадқиқотчиларга қўйилаётган талаблар ҳар қачонгидан ҳам равшанлашган айни шу кунларда тайёрланган қатор монографияларни муҳокама қилиш чоғида ана шундай ёндашувлардан баъзиларига дуч келдик. Лекин уларнинг авторлари барибир ўзларидан эскирган қарашлар, бир хилдаги андазалар юкини ирғитиб ташлаб, ўрнашиб қолган бўлса-да лекин тўғри бўлмаган фикрларга янгича қарай олишмади.

Биз ҳозир тарихий фанни ривожлантиришда ўзига хос «ўтиш даври»ни бошдан кечиряпмиз. Ғоят кескин зиддиятлар, эскиликнинг янгилик билан муросасиз кураши ҳар бир ўтиш даврига хос бўлганидек, бу даврга ҳам хосдир. Чунки гап тадқиқотчиларнинг кўпчилигининг — ўз позицияларига, қарор топган қарашларига эга бўлиб, бу позиция ва қарашларни ўзгартириши қийин тирик одамларнинг онгини қайта қуриш тўғрисида бормоқда. Тафаккурни дарҳол қайта қуришни ва энг юксак талабларга жавоб берадиган асарларнинг пайдо бўлишини кутишимиз реалмикан? Биз яна бир марта навбатдаги шошқалоқликни қилмаётибмизми?

Вужудга келган вазиятни анализ қилиб, қуйидагича прогноз қилиш мумкин. Яқин вақт ичида икки хилдаги тадқиқотлар пайдо бўлади: авторлари ҳозирги терминлардан фойдаланган, ютуқлар ва камчиликларни кўрсатишни дозалаган ҳолда ва бошқа соф сиртқи усуллардан фойдаланиб ўзининг қайта қуришга содиқлигини намойиш қиладиган асарлар ва янги ноанъанавий ёндашувларга, авторнинг маълум проблемага нисбатан билдирган ўз фикрига, ўрнашиб қолган концепциялар, қарашлар танқидига, ниҳоят, илгари босилган у ёки бу партиявий ҳужжат мазмунига нисбатан танқидий ёндашувга эга асарлар. Биринчи хилдаги тадқиқотларнинг эртами ёки кечми фан уфқидан ўчиб кетажаги равшан. Иккинчи хилдаги тадқиқотлар тақдири бир оз мураккаброқ бўлиши тайин.

Менинг назаримда, биз ҳозирча янги асарларга объектив баҳо беришга тайёр эмасмиз. Буни инсоний тарзда тушуниш мумкин. Чунки бу асарларда бизнинг ўзимиз ва бизнинг нуқтаи назаримиз ҳам тилга олинган бўлиши, танқид қилинган бўлишимиз мумкин, ваҳоланки, бизнинг кўпчилигимиз ўша турғунлик йилларида асарлар ёзганмиз ва уларда мавжуд бўлган қоидалар, хулосалар, юмшоқроқ қилиб айтганда, воқеликка жуда ҳам мос эмас эди. Биз нафсониятга берилиб, ҳис-туйғулар гирдобига тушиб қолмасмиканмиз, бунинг натижасида тарихий фанда

ҳали ҳам мавжуд бўлган тормозлаш механизмини қайта тирилтирувчилар сафидан истар-истамас ўрин олиб қолишимиз ҳеч гап эмас. Афсуски, мен бу саволга ижобий жавоб беришга қийналаман. Ҳозирча бундай саволлар бизнинг эътибор доирамиздан умуман четда қолмоқда.

Республикадаги 70-йиллардаги ва 80-йиллар бошидаги салбий ҳолатларнинг сабабларига келганда шуни айтиш мумкинки, уларнинг илдизларини фақат ўша даврда бутун мамлакатда вужудга келган вазиятни анализ қилиш контекстида олибгина ўрганиш мумкин. Яна бир савол — нима учун бундай салбий кўринишлар Ўзбекистонда бунчалик хунук характерга эга бўлди? Қандай объектив омиллар бунга ёрдам берди? Бу саволларга жавоб топиш учун кенг кўламдаги материалларни тадқиқ қилиш зарур. Лекин бунда яна бир янги проблема пайдо бўлади: олимлар фойдаланадиган манбаларнинг нақадар ишончлилиги. Бир нарса равшан: ўша даврдаги партиявий ҳужжатларда, статистик тўпламларда мавжуд бўлган маълумотларни шу ҳолича, танқидий идрок этмасдан олиш мумкин эмас. Бутун бир қатор бошқа манбалар билан қиёслаб, анализ қилиб, солиштириб ишлаш зарур. Бу тадқиқотчидан қўшимча куч-ғайратларни, энг муҳими, айниқса, баҳсли жиҳатлар юзасидан дадилликни талаб этади. Олимларнинг партия архивларининг айрим материалларидан фойдаланишига рухсат бериш ҳақидаги масаланинг ҳали ҳам ҳал қилинмаганлиги аҳволни янада қийинлаштиради.

Ҳозир тадқиқотчилардан партиявий ҳужжатнинг мазмунини шунчаки изоҳлаб бериш эмас, балки уни чуқур анализ қилиш, унга у ёки бу даврда танланган қарорнинг тўғри ёки нотўғрилиги нуқтаи назаридан баҳо бериш талаб қилинмоқда. Кўпинча альтернатив тарздаги таклифлардан иборат тайёрлаш материаллари, турли справкалар, ёзишмалар амалда архивга тушмайдиган бўлгач, бу масалани қандай ҳал этиш мумкин, ана шундай қўшимча материаллар бўлганида эди, улар асосида проблемани атрофлича ўрганиш мумкин бўлур эди. Бу масалани ҳам тез орада ҳал этиш талаб қилинади.

Республикадаги салбий ҳодисаларнинг туб сабабларини анализ қилиш яна шунинг учун кераки, бундай ҳодисалар шу пайтгача ҳам тамомила бартараф қилинмаган.

НУРУЛЛИН Р. А.

Ўзбекистон ва унинг партия ташкилотининг тарихига доир адабиётда ўлкада Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун олиб борилган кураш жуда ҳам «музаффарона» руҳда ёритилади. Маълумки, бу тарихнинг ғоят мураккаб ва машаққатли даврларидан бири эди, бу даврда большевиклар Туркистоннинг ҳали токапиталистик муносабатлар ҳукмрон бўлган ва саноат пролетариати деярли бўлмаган (В. И. Ленин. ТАТ, 41-том, 274-бетга қаралсин) ўзига хос шароитида рус ва миллий буржуазия, феодал-клерикал унсурлар ва уларнинг ташкилотлари, майда буржуа ва миллий-демократик партиялар билан шиддатли курашда ишчилар ва солдатларни, кейинчалик эса меҳнаткаш деҳқонларнинг кўпчилигини, ҳунармандларни ва аҳолининг бошқа табақаларини қадам-бақадам ўз томонига ўтказиб олишга муваффақ бўлган эди. Шу муносабат билан Туркистон коммунистларининг пролетарларнинг социализм учун курашини деҳқонларнинг ер ва сув учун кураши билан, туб ерли аҳолининг ўлканинг ўзига хос шароитидаги миллий-озодлик ҳаракати билан бир кудратли оқимга бирлаштиришга қаратилган партия йўлини амалга ошириш тажрибасини янада чуқур ўрганиш зарур.

Афтидан, буржуа, майда буржуа, буржуа-миллатчилик, феодал-клерикал партиялар тарихини алоҳида тарзда ишлаб чиқиш, большевикларнинг улар билан олиб борган, ана шу халққа қарши ташкилотларнинг тўла инқирози билан якунланган кескин курашини конкрет фактлар орқали кўрсатиш лозим. Туркистон жадидлари, ёш бухороликлар ва ёш хиваликлар тарихи чуқур ўрганишни ва объектив равишда ёритишни кутмоқда.

Маълумки, Октябрь революцияси ғалабасидан то 20-йиллар охиригача бўлган даврда коммунистлар миллий оғмачилар ва партияга қарши гуруҳлар билан кескин кураш олиб боришган эди. Ана шу оғмачилар ва гуруҳларнинг ғоявий манбалари ва сиёсий платформаси шу пайтгача ҳали етарли ўрганилмаган. Фикримизча, бу масалага катта эътибор бериш керак.

Ўзбекистон Компартияси тарихининг ҳамма босқичлари ҳам бирдай тўла ишлаб чиқилмаган. Бизнинг назаримизда, 40—50-йиллар жуда кам ўрганилган. Сўнгги ўн йилликлар тарихини ёритишга келганда шуни айтиш керакки, бу давр тарихи КПСС XXVII съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди, республика Компартияси МКнинг (1984 йил) XVI ва ундан кейинги пленумларининг ҳужжатлари асосида тубдан қайта идрок қилинишга муҳтож.

Умуман КПСС тарихи сингари Ўзбекистон Компартияси тарихи ҳам ҳар доим бир текисда кечгани йўқ. Хатоларга, чегарадан чиқишларга ҳам йўл қўйилдики, бугунги кунда КПСС, республика партия ташкилоти уларни очиқчасига тан олишмоқда. Партия тарихчиларининг вазифаси эса уларни хаспўшлаш эмас, балки Ўзбекистон Компартияси ва ундан олдинги Туркистон, Бухоро ва Хоразм Компартиялари тарихини ҳаққоний кўрсатиш, уларнинг амалий фаолиятида салбий ҳодисаларни келтириб чиқарган сабабларни чуқур очиб бериш, бундай ҳодисаларнинг КПСС МК раҳбарлигида ва унинг катта ёрдами туфайли бартараф қилинганлигини кўрсатишдан иборатдир. Бунда ҳар доим шуни эсда тутиш керакки, ижобий жиҳат тарихий босқичларга баҳо беришда методологик жиҳатдан тўғри ва белгиловчи омил ҳисобланади, чунки бундай жиҳатларнинг ҳар бири Ленин партияси ва унинг отрядларидан бири — Ўзбекистон Компартияси қаҳрамонона тарихининг таркибий қисми бўлган.

КПСС XXVII съезди партия тарихчилари олдига қўйган вазифаларни муваффақиятли тарзда ҳал этиш учун тегишли кадрлар талаб қилинади. Бундай кадрлар бизда асосан мавжуд. Лекин Туркистон, Бухоро, Хоразм Компартиялари тарихи, Ўзбекистон партия ташкилотининг 40—50-йиллардаги тарихи бўйича мутахассислар кейинги вақтда деярли тайёрланмади. Натижада, айтиш мумкинки, биз ҳозир тарихнинг ана шу даврлари соҳасида қобилиятли ёшларга ва ўрта авлодга мансуб олимларга умуман эга эмасмиз. Яқин вақт ичида ана шу бўш жойнинг ўрнини тўлдириш жуда ҳам матлубдир, бунда Ўзбекистон Компартияси МК ҳузуридаги Партия тарихи институти ва шу институт ҳузурида иш олиб борадиган партия тарихи ва партия қурилишига доир координацион совет бош роль ўйнашлари лозим.

«Давра суҳбати»мизни якунлар эканмиз, унинг анча самарали ўтганлигини қайд қилиш мумкин. Ўзбекистон, Туркистон, Бухоро ва Хоразм партия ташкилотлари тарихининг актуал масалалари юзасидан қизиқарли ва сермазмун фикр алмашув бўлди. Мунозара жараёнида энг жиддий «оқ бўлиб» қолган жойлар ва улар историографиясининг ҳозирги талаблар руҳида қайта идрок қилинишга муҳтож масалалари аниқланди. Муҳокама материаллари тарихий-партиявий илмий тафаккурни активлаштиришга, Ўзбекистон Коммунистик партияси ва ундан олдинги Туркистон, Бухоро ва Хоразм партия ташкилотларининг Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлашдаги, социализмни қуриш, мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришдаги тарихий тажрибасини чуқур ўрганиш ва умумлаштиришга кўмаклашади. Бу материаллар Ўзбекистон Компартияси МК ҳузуридаги Партия тарихи институти олимлари яратишга киришган республика партия ташкилотининг ғоят муҳим уч томлик тарихини ёзиш, шунингдек бошқа оригинал тарихий-партиявий илмий тадқиқотлар учун яхши мадад бўлади.

Мазкур муҳокама Ўзбекистон Компартияси ва Туркистон, Бухоро ҳамда Хоразм партия ташкилотлари тарихининг актуал проблемаларига доир кенг миқёсдаги мунозарага асос солади, бундай муҳокама Ўзбекистон Компартияси МК ҳузуридаги Партия тарихи институтида энди конкрет масалалар ва даврлар юзасидан давом эттирилади.

БОШҚАРИШНИНГ МАЪМУРИЙ МЕТОДЛАРИДАН ИҚТИСОДИЙ МЕТОДЛАРИГА ЎТИШНИНГ МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ

Пропагандистлар билан тингловчиларга ёрдам

Мамлакатимиз қайта қуришнинг энг масъулиятли даврига — амалий ишлар даврига қадам қўйди. Жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги ижобий ўзгаришлар кенг кўламда содир бўлмоқда, муқаррар характер касб этмоқда. Қайта қуриш — бу ҳақиқат ва ошкоралик мактаби, масъулият ва интизом мактаби, демократияни кенгайтириш мактаби, интернационализм ва ватанпарварлик мактаби. Унинг асосий майдони — экономикадир.

Бугунги кунда экономикани бошқаришни тубдан ислоҳ қилиш биринчи ўринга чиқди. Бунинг энг асосий принциплари КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачевнинг партия Марказий Комитетининг июнь (1987 йил) Пленумида қилган докладида таърифлаб берилди. Улар умуман хўжалик механизмини қайта қуриш соҳасидаги бутун амалий иш йўналишларини белгилайди. Бу ҳозир марказий сиёсий, иқтисодий, ташкилий вазифа бўлиб, жадаллаштириш стратегиясини рўёбга чиқаришнинг муваффақияти унинг бажарилишига боғлиқдир. Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг шу йил июнь ойида бўлиб ўтган еттинчи сессияси ҳам экономикани бошқаришни қайта қуришга, социалистик тузумнинг афзалликларидан фойдаланишда янги имкониятлар очиб берадиган хўжалик механизми структурасидаги сифат ўзгаришларига бағишланди.

Машғулотни қуйидаги план асосида ўтказиш мумкин.

1. **Экономикани бошқаришнинг яхлит, самарали, ихчам системасини яратиш.**
2. **Централизмнинг янгича концепцияси.**

ЭКОНОМИКАНИ БОШҚАРИШНИНГ ЯХЛИТ, САМАРАЛИ, ИХЧАМ СИСТЕМАСИНИ ЯРАТИШ

Принципиал планда реформанинг маъноси ва йўналиши, июнь Пленумида таъкидланганидек, кўпроқ социализм, кўпроқ демократия бўлсин, деган формулада ифодаланади. Бу формуланинг моҳияти шундаки, совет экономикасини қайта қуриш асло социализм негизларидан узоқлашишни ёки уларнинг бир қадар заифлашувини англатмайди. Аксинча, иқтисодий реформа социализмни мустаҳкамлаши, унинг ривожланиш йўлидаги қийинчиликлар ва тўсиқларни бартараф этиши, унинг улкан потенциалини очиб бериши керак. Муҳими эса меҳнат аҳлига иш жойида, коллективда, жамиятда чинакам хўжайинлик мавқеи таъминланиши керак, зеро ишлаб чиқаришнинг хўжайинлари бўлган меҳнаткашлар манфаати — энг асосий манфаат, жадаллаштиришнинг энг қудратли ҳаракатлантирувчи кучидир.

Пропагандист тингловчиларга экономикани бошқаришни қайта қуришнинг сабабини тушунтиради. Бу эса реформанинг зарурлигини тушуниш учун жуда муҳимдир.

Аввало шу нарсани таъкидлаш лозимки, хўжаликни юритиш ва бошқаришнинг ҳозирги системаси асосан 30-йилларда таркиб топган эди. Бинобарин, у ўша даврдаги социалистик қурилиш шарт-шароитлари ва вазифаларини акс эттиради. Кейинчалик, экономикадаги анча силжишларга қарамасдан, бошқариш системасини ўзгартириш юзасидан туб чора-тадбирлар кўрилмади.

Бошқаришнинг таркиб топган ташкилий механизми хўжаликни экстенсив усулда юритишнинг мақсад ва вазифаларига мос эди. Ишлаб чиқаришга қўшимча материалларни, меҳнат ва молия ресурсларини жалб этиш, уларни ҳал қилувчи участкаларга жамлаш бошқаришда вертикал алоқалар ролини кескин кучайтиришни, раҳбарликнинг маъмурий методлари устун бўлишини, хўжалик ечимларини танлашда эркинликни чеклашни талаб этар эди. Корхоналар реал мустақилликдан маҳрум эди. Корхоналар билан марказий иқтисодий органлар орасида бошқаришнинг оралиқ даражалари — министрликлар ва территориал органлар бор эди. Шундай қилиб, кўп бўғинли ташкилий структура таркиб топди.

Шуни айтиш керакки, кўпдан-кўп муҳим масалаларни зудлик билан ҳал этиш зарур бўлган бир шароитда юқори бўғинларнинг жорий ишларга аралашуви ўзини тўла оқлаган эди. Бу қўйилган мақсадларга тезроқ эришиш имконини берди, унга оперативлик ва компетентлик хос эди. Бироқ, ишлаб чиқариш кўлами кенгайиб ва ижтимоий меҳнат тақсимоти чуқурлашуви билан ахборот кўпайиб кетди, бу ҳол қўшимча бошқарув ходимлари бўлишини талаб қилди. Бошқарув аппаратининг ўсиши икир-чикирларга васийлик қилиш одатини ва қоғозбозликни авж олдирди, кўпгина жорий масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишнинг сунъий мураккаблаштирилиши эса бошқариш бўғинининг кўпайишига олиб келди. Айни вақтда бир қатор стратегик масалалар узоқ вақтгача ҳал этилмай келди, ишда жўшқинлик пасайди, бюрократизм авж олди. Шу билан бир қаторда идоравий тарқоқлик ҳамда турли муассасалар ҳаракатидаги мослашмаслик кучайди, экономикага раҳбарлик қилишнинг тармоқ ва территориал принципларини оқилона уйғунлаштириш бузилди.

Эндиликда хўжалик юритиш шароитлари ва вазифалари тубдан ўзгарди. Натижада экономикани бошқариш механизмининг мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичи — социал-иқтисодий жадаллаштириш, социалистик жамиятни янада ҳар тарафлама такомиллаштириш босқичи унга қўяётган юксак талаблардан муайян даражада орқада қолаётгани кўзга ташланди. Машғулотда ана шу ўзгаришлар моҳияти очиб берилса яхши бўлади.

Биринчидан, ишлаб чиқариш ва илмий-техника потенциали кўп марта ошди. Масалан, 1960 йилдагига нисбатан миллий даромад 4 мартадан зиёд кўпайди. Халқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш фондлари ҳозир уларнинг 1960 йилдаги ҳажмидан 6,8 баравар ошиб кетди, уларнинг умумий қиймати эса 1,6 триллион сўмга етди. Фан-техника тараққиётини белгилайдиган тармоқлар юксак суръатлар билан ривожланмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулоти дунёдаги ҳамма давлатлар 1950 йилда ишлаб чиқарганидан кўпроқдир.

Иккинчидан, социалистик қурилиш йиллари мобайнида энг мураккаб иқтисодий ва ишлаб чиқариш масалаларини муваффақиятли ҳал этишга қодир юқори малакали мутахассисларнинг улкан армияси тайёрланди. Агар 1940 йилда халқ хўжалигида банд бўлган ҳар бир кишига олий маълумотли 13 киши тўғри келган бўлса, 1984 йилда 116 киши тўғри келди.

Учинчидан, мамлакатимизда ҳозирги замон фанининг ҳамма соҳаларида самарали тадқиқот олиб бораётган илмий муассасаларнинг кенг тармоғи барпо қилинди. Жаҳондаги барча илмий ходимларнинг тўртдан бир қисми Совет Иттифоқига тўғри келади. Фан ва техника ривожининг кўпгина энг муҳим йўналишлари бўйича СССР етакчи мавқени ишғол қилади.

Тўртинчидан, Совет Иттифоқи ҳозирги вақтда халқ хўжалигининг амалда барча тармоқларига эга, мамлакатимиз унинг шундай уйғун структурасига эгаки, бундай структура бирорта мамлакатда йўқ. Фақат саноатнинг ўзида 46 минг ишлаб чиқариш ва илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, комбинатлар ва корхоналар борки, улар мустақил балансдадирлар. Шу қадар кўп миқдордаги объектларни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган барча хилма-хил масалаларни бир марказдан туриб ҳал этиш мумкин эмас. Бинобарин, бошқаришнинг барча бўғинлари ўртасида функцияларни тўғри тақсимлаш ғоятда муҳимдир. Бошқача қилиб айтганда, бошқаришнинг ҳар бир бўғини ишини у кўпроқ компетентли бўлган масалаларни ҳал этишга жамлаш керак.

Бешинчидан, хўжалик муносабатлари анча мураккаблашди. Ҳозир индустриямиз 24 миллионга яқин номда маҳсулот ишлаб чиқаради. Ҳар бир йирик завод ўнларча, ҳатто юзларча корхоналар билан ўзаро ишлаб чиқариш алоқаларида бўлиб, гоҳо бошқа корхоналар ишлаб чиқарадиган минг ва ундан кўпроқ турдаги хом ашё, ярим фабрикатлар ва буюмларни истеъмол қилади. Бу бошқариш органлари ўртасида функцияларни чегаралаб олишни янада ҳам зарур қилиб қўяди: уларнинг баъзилари умумдавлат аҳамиятига эга масалалар билан шуғулланишлари, бошқалари — тармоқ ва регионал, учинчилари эса оператив масалаларни ҳал этишлари керак.

Ниҳоят, олтинчидан, ҳозирга келиб марказда ҳам, жойларда ҳам хўжалик юритиш соҳасида талай тажриба тўпланди, бошқариш назариясини ривожлантиришда яхши натижаларга эришилди. Бундан ташқари, бошланган хўжалик механизмини қайта қуриш иқтисодий фаолиятнинг янгича методларини ҳозирданоқ қарор топтирди. Бир қатор тармоқлар тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказилди. Айни вақтда қуйи бўғинларда, масалан, коллектив ва оилавий пудрат каби меҳнатни ташкил қилишнинг илғор формалари ривож топди. Структуравий ва инвестицион сиёсатга жиддий ўзгаришлар киритилди. Йирик мақсадли программалар ишлаб чиқилди. Фан-техника тараққиётининг асосий йўналишлари белгиланди. Одамларнинг меҳнатга, ўз ишлаб чиқариш бурчларини бажаришга муносабати ўзгариб бораётгани экономика соҳасидаги қайта қуришнинг ғоятда муҳим натижасидир.

МКнинг 1985 йил апрель Пленуми, КПСС XXVII съездининг жадаллаштириш ва қайта

қуришга қаратилган йўлининг партия томонидан собитқадамлик билан амалга оширилаётгани, бу йўлни тўла қувватлаётган халқнинг меҳнат ва социал соҳадаги юксак активлиги муайян даражада иқтисодий натижаларга ҳам таъсир қилди. Ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабки икки йилининг асосий топшириқлари бажарилди. Икки йил ичида саноат маҳсулотининг ўсиши 8,9 процентни, қишлоқ хўжалик маҳсулотиники — салкам 10 процентни ташкил қилди. Қурилиш ташкилотларининг иши яхшиланмоқда. Иқтисодий ўсиш тобора кўпроқ интенсив факторлар ҳисобига юз бермоқда. Ўзбекистонда саноат маҳсулотининг ўсиши беш йилликнинг икки йили якунларига кўра 9,4 процентни ташкил қилди, бу топшириққа мувофиқдир, маҳсулотнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш, шу жумладан газ ва нефть қазиб чиқариш, электр энергия ҳосил қилиш, тракторлар, пахта толаси ва баъзи маҳсулотлар ишлаб чиқариш йиллик планлари тўла ва ошириб бажарилди. Шу билан бирга қайд қилиш лозимки, 1987 йилда республикада экономикани ривожлантиришда бир қатор нохуш тенденцияларни бартараф қилишга, жадаллаштиришнинг кўпгина резервлари ва имкониятларини хўжалик оборотига жалб қилишга муваффақ бўлинмади.

Шундай қилиб, деб хулоса ясайди пропагандист, халқ хўжалигининг деярли ҳамма соҳаларида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Бу ҳол унинг ҳар бир бўғини иш услуби ва методларини ҳозирги шароитларга мослаштиришни тақозо этади.

Туб иқтисодий реформанинг асосий мақсади, юқорида айтиб ўтилганидек, ижтимоий ишлаб чиқаришни бошқаришнинг яхлит бир системасини яратишдан иборатдир. Бу система иқтисодий ўсишнинг интенсив типига тўла мос бўлиб тушади, фан-техника тараққиёти учун кенг имкониятлар очиб беради, омманинг ташаббус ва социал активлигини ривожлантиришга, ишга эгаларча муносабатни тарбиялашга кўмаклашади.

Бу ўринда шуни қайд қилиш керакки, яқин ўтмишда бошқаришни такомиллаштириш юзасидан тадбирлар кўрилган эди. Бироқ улар чекланган, вақтинчалик муваффақият келтирди. Бу тадбирларнинг суст таъсир кўрсатганлигига асосий сабаб шуки, улар таъсирини фақат хўжалик юритиш системасининг айрим қисмларигагина кўрсатиб, бошқаларига дахл этмади ёки унинг турли қисмларига мувофиқлаштирилмаган ҳолда таъсир қиларди. Бундан ташқари, белгиланган тадбирларнинг кўпи изчил амалга оширилмас, бир қатор ҳолларда эса — юзаки қилинарди.

1984—1985 йилларда кенг миқёсли эксперимент амалга оширилди, бунга мувофиқ саноат ишлаб чиқариш бирлашмалари (корхоналари)нинг планлаштириш ва хўжалик фаолияти соҳасидаги ҳуқуқларини кенгайтириш ҳамда уларнинг иш натижалари учун масъулиятини кучайтириш юзасидан қўшимча тадбирлар кўрилди. Аввалиға бешта, сўнгра эса яна қарийб 30 тармоқда ўтказилган бу эксперимент экономиканинг ҳамма тармоқларида хўжалик механизмини қайта қуриш учун замин яратди. Тўғри, эксперимент имкониятларидан тўла фойдаланилмади. Марказий иқтисодий идораларда, министрликлар ва бутуниттифоқ саноат бирлашмаларида меҳнат коллективларининг хўжалик ташаббусини кўпинча бўғиб келган иш услуби ва методлари секинлик билан қайта қурилди. КПСС XXVII съездида бошқариш системасидаги ана шу ва бошқа камчиликларга жиддий эътибор қаратилди, съезд бошқариш системасини такомиллаштириш соҳасида йирик тадбирларни амалга ошириш вазифасини қўйди. КПСС МҚнинг 1987 йил июнь Пленуми ва ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг еттинчи сессияси бу вазифани конкретлаштирди.

Экономикани бошқаришни қайта қуришнинг ўзига хос хусусиятлари орасида пропагандист қуйидагиларни ажратиб кўрсатади.

Биринчи — комплекс характери. Ўзгаришлар хўжалик механизмининг барча структуравий элементларини (планлаштириш, бошқаришнинг ташкилий формалари, рағбатлантириш системасини) ҳамда хўжаликни юритишнинг ҳамма даражаларини (юқори эшелон, тармоқлараро территориал комплекслар, тармоқлар, бошланғич ишлаб чиқариш бўғинлари ва улар ичидаги бўлинмаларни) ўз ичига олади. Бошқаришни қайта қуришнинг комплекслилиги турли ёндашувлар — халқ хўжалик, регионал, тармоқлараро ва тармоқ ёндашувларининг уйғунлашувида ҳам намоён бўлади.

Иккинчи хусусият — фан-техника тараққиётининг бошқаришнинг бутун хўжалик механизмини «тутиб турувчи конструкция»га айланишидир. Айрим корхоналар ва тармоқларда янги техника бўйича план хўжалик бўғинларининг иш натижаларига белгиловчи таъсир кўрсатмай, ўз ҳолича амал қилади, бу аҳвол бартараф этилиши керак. Шунинг учун ишлаб чиқаришни планлаштириш, бошқариш, рағбатлантириш ва унинг самарадорлигининг фан-техника тараққиёти билан боғлиқлигини мустаҳкамлаш кўзда тутилади.

Учинчи хусусият — ижтимоий ишлаб чиқаришнинг турли секторлари специфкасини кўпроқ ҳисобга олиш. Табиийки, хўжалик механизми ягона принциплар негизида қурилиши керак, лекин улардан экономиканинг ҳар қайси соҳасининг конкрет шарт-шароитларига татбиқан фойдаланиш лозим. Масалан, КПСС МҚда бўлган кенгашлардан бирида айтилганидек, машинасозлар тармоқ ривожининг истиқболларини, уларнинг маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни билишлари керак, миқдор, номенклатура, капитал маблағлар, фонд ҳосил қиладиган нормативлар ва шу сингарилар бўйича бутун беш йилликка мўлжалланган

қатъий план бўлиши керак, тикувчилар учун эса «қатъий» беш йиллик, узоқ муддатга мўлжалланган ўзгармас планлар тўғаноқ бўлади, чунки бундай план модага эргаша олмай истеъмолчи учун эмас, балки омборга босиб қўйиш учун ишлашга мажбур қилади.

Тўртинчи хусусият — хўжаликни юритиш бутун системасининг социал ориентациясининг кучаюви. Бу меҳнаткашлар ташаббусига тўла имкон бериш, шахснинг ҳар тарафлама камол топиши, янги типдаги ходимнинг шаклланиши учун шарт-шароитларни яхшилаш мақсадида инсон омилини активлаштиришда намоён бўлади.

Бошқаришни такомиллаштириш аввало демократик централизм ленинча принципини тиклаш ва ижодий ривожлантириш билан, яъни хўжалик практикасига татбиқан — корхоналар, маҳаллий бошқариш органларининг улар фаолиятининг ҳамма соҳаларидаги ҳуқуқларини бутун чоралар билан кенгайтириш ва айни вақтда унинг натижалари учун масъулиятни ошириш билан, чинакам социалистик ўз-ўзини бошқариш билан, давлат тармоқ ва регионал қарорларни ишлаб чиқишда кенг омманинг иштироки билан, барча хўжалик органлари ишида тўлиқ ошкоралик бўлиши билан боғлиқдир. Партия сифат жиҳатдан янги, яхлит бошқариш системасини яратишга айни шу нуқтаи назардан ёндашди. КПСС МК Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижковнинг СССР Олий Советининг юқорида эслатиб ўтилган сессиясидаги докладида унинг энг характерли белгилари аниқ-равшан баён қилинди:

а) шахсий ва коллектив манфаатларни умумхалқ манфаатлари билан узвий боғлаб олиб бориш, ижтимоий ишлаб чиқариш барча қатнашчилари ҳаракатларининг бирлигига эришиш;

б) корхонанинг самарали ишлаши учун, тўла хўжалик ҳисобини ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашни жорий этиш учун энг қулай иқтисодий шароит яратиш;

в) хўжалик юритиш механизмининг энг муҳим элементлари, яъни планлаштириш, иқтисодий рағбатлантириш, ташкилий структураларнинг яқиндан баҳамжиҳат ҳаракат қилиши;

г) тармоқ билан территориянинг ўзаро узвий боғлиқлиги, ишлаб чиқариш ва социал вазифаларни ҳал этишда, инфраструктурани ривожлантиришда, табиий муҳитни муҳофаза қилишда уларнинг манфаатларини бирлаштириш;

д) бошқаришнинг яхлит системаси принциплари ҳамма даражада — корхонадан тортиб министрликкача, марказий иқтисодий органлардан ва ҳукуматгача — бошқариш ҳар бир звеносининг ҳуқуқлари ва масъулиятини аниқ чегаралаб, уларнинг ўзаро алоқасини пухта ташкил этиш;

е) яхлит система такрорий қайта ишлаб чиқаришнинг интенсив турига мўлжалланган бўлиб, унинг ҳам ички, ҳам ташқи объектив шарт-шароитларининг ўзгаришини сезгирлик билан ҳисобга олади.

Пропагандист, теманинг шу бўлимини кўриб чиқишни тугаллар экан шуни таъкидлайдики, экономикани бошқаришнинг яхлит, самарали, ихчам системасини яратиш учун ҳамма даражаларда раҳбарликнинг кўпроқ маъмурий методларидан иқтисодий методларига, манфаатларни бошқаришга ва манфаатлар орқали, инсон омилини бутун чоралар билан активлаштиришни кўзлаб, уни кенг демократиялаштиришга ўтишни амалга ошириш зарур. Хўжалик механизмини тубдан реформа қилишнинг моҳияти айни шундан иборатдир.

ЦЕНТРАЛИЗМНИНГ ЯНГИ КОНЦЕПЦИЯСИ

Пропагандист тингловчиларга аввало шуни тушунтирадики, Совет ҳокимиятининг дастлабки ўн йилликларида ва урушдан кейинги йилларда ишлаб чиқариш экстенсив асосда ривожлантирилганида бошқаришнинг маъмурий методларини кенг қўлланиш талаб қилинган эди. Ахир тарихан қисқа муддат ичида халқ хўжалигини қайта қуриш, индустриялаштириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш вазифаларини бажариш ҳамда республикалар ва областларнинг иқтисодий ривожланишини бараварлаштириш керак эди. Бундан ташқари, социализм қурилиши капиталистик қуршов шароитида олиб борилган эдики, бу хол оғир саноатни ва қудратли мудофаа потенциалини жадаллик билан бунёд этишни зарур қилиб қўйган эди. Ўша даврда ресурсларни тақсимлаш ва қайта тақсимлашнинг асосан ташқи иқтисодий механизмига таянишга тўғри келган эди.

Шундай вазиятда маъмурий методлар ўзини тўла оқлади. Кейинчалик таркиб топган планли бошқариш системасининг барча элементлари, ташкилий структура ва рағбатлантириш уларга кўп даражада асослана бошлади. Бу система Улуғ Ватан уруши йилларида ва шундан кейинги халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш даврида ўзининг афзаллигини кўрсатди.

Бироқ кейинги ўн йилликларда ҳаддан ташқари чеклаш ва директивали контроль жамиятда иқтисодий ва социал жараёнларга тобора кўпроқ салбий таъсир қила бошлади. Ишлаб чиқариш коллективлари мустақиллигини чеклаш хўжалик юритиш натижалари учун уларнинг ташаббусини ва масъулиятини пасайтирди. Бошқаришнинг юқори эшелонлари-

нинг кундалик фаолиятга аралашавериши кўйилган максадга эришишда оперативликни оширгани билан, юкорида айтиб ўтилганидек, бошкариш аппаратининг бўгинлилигини, когозбозликни кўпайтирди ва бюрократик хусусиятларни авж олдирди, социал-иктисодий ривожланишга доир мухим масалалар юзасидан кўпинча билар-билмас карорлар кабул килинишига олиб келди. Хўжалик хисобининг расмий характери бора-бора ходимларда эгалик туйгусини сусайтирди.

Объектив шарт-шароитлар экономикани бошкариш системасини ўзгартиришни тобора катъият билан талаб киларди. Бу борада тегишли уринишлар бўлди. 50-йилларнинг охирида ва айникса 1965 йилдаги хўжалик реформасидан кейин планли бошкариш механизми янги хусусиятлар касб этдики, бу хусусиятлар уни хийла мослашувчан килди. Бошкаришнинг маъмурий методларидан иктисодий методларига ўтиш кўзга ташланди, бирок у лозимича изчил ва катъий амалга оширилмади. Колаверса, экономикадаги кийинчиликлар сабабли бошкаришнинг илгариги методларига кайтилди.

Тингловчилар эндиликда рахбарликнинг кўпрок иктисодий методларига ўтиш масаласи нима учун бунчалик кескин килиб кўйилаётганини билишлари керак.

Биринчидан, халк хўжалигида ишлаб чикарилаётган 24 миллион турдаги буюмлар, узел ва деталлардан «вертикал бўйича», яъни марказий иктисодий идоралар ва министрликлар томонидан тегишли даражада факат салкам 1 миллионигина контрол килиниши мумкин. Бинобарин, ишлаб чикариш микёслари кенгайиши билан хилма-хил хўжалик алокаларининг хаммасини марказдан туриб бошкариб бўлмайди, шу сабабли маъмурий методлар сакланиб колиши экономикани бошкаришга салбий таъсир килади.

Иккинчидан, ижтимоий ишлаб чикариш ривожининг хозирги боскичида кабул килинадиган карорларнинг асосланган ва иктисодий жихатдан максадга мувофик бўлишига талаблар ошади, маъмурий методлар эса «ўзбошимча» карорларнинг оптимал карорлардан тобора кўпрок узоклашишига кўмаклашиши мумкин.

Учинчидан, маъмурий методлардан фойдаланганда хўжаликни самарали юритиш стимулларининг ривожланиши секинлашади. Буйруклар, инструкциялар, йўл-йўриклар ёрдамида ходимларни мажбур этиш ва хатто ишонтириш мумкин, аммо уларда юкори унум билан мехнат килиш истагини уйготиб бўлмайди. Бундан ташкари, мехнат фаолияти сабабларини шакллантиришнинг илгариги механизми энди лозимича иш бермай кўйди, чунки ишчилар синфининг билим савияси ва унинг профессионал-малака структураси сифат жихатдан ўзгариб кетди.

Сўнгра пропагандист асосий хўжалик бўгини — корхона билан бирлашма экономикани бошкаришни тубдан кайта куришнинг бошлангич нуктаси эканини таъкидлайди. Зотан асосий иктисодий жараёнлар шу ерда авж олдирилади. Ишнинг муваффакияти — планнинг бажарилиши, махсулотнинг конкрет турларини ишлаб чикариш, уларнинг сифати, ишлаб чикариш харажатларининг камайиши, рентабелликнинг ўсиши, олинадиган фойданинг микдори ана шу бўгин даражасида олдиндан белгиланади, фан-техника тараккиётини жадаллаштириш негизида ишлаб чикаришни интенсивлаштириш вазифаси кўп жихатдан хал килинади. Жамиятнинг, коллектив билан алохида ходимнинг манфаатлари шу ерда уйгунлашади, мехнаткашлар активлиги энг кўп даражада намоён бўлади.

Шу боисдан хозирги бошкаришни тубдан иктисодий ислох килиш КПСС МКнинг 1987 йил июнь Пленумида Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўгрисидаги конунни муфассал кўриб чикишдан хамда Пленумдан кейин дархол чакирилган СССР Олий Совети сессиясида тасдиклашдан бошланди, Конун лойихаси дастлаб умумхалк мухокамасига кўйилди. Унда янги хўжалик механизмининг асосий хусусиятлари акс этган. Конуннинг асосий максади — корхоналарга кенг хукуклар бериш ва уларнинг хакикий мустакиллигини таъминлашдир. Вазифа шундай ишлаб чикариш ва социал иш шароитлари яратишдан, шундай стимулларни жорий этишдан иборатки, улар мехнат коллективларини халк хўжалигининг керакли махсулотга эхтиёжини кондиришга, уни энг кам харж билан ишлаб чикаришга кизиктирсин. Бу Конун 1988 йил 1 январидан кучга киради.

Корхонани бошкаришнинг мохияти, форма ва методларининг ўзига Конун киритган туб ўзгартиришлар тўгрисида тингловчиларга кискача гапириб бериш тавсия этилади. Корхоналар (бирлашмалар) ролининг ўсиши, улар мустакиллиги чегараларининг кенгайиши, ишнинг пировард натижалари учун жавобгарликнинг ошиши чинакам хўжалик хисобининг, коллектив пудрат ва норматив методларнинг кенг жорий этилиши билан боглик эканини алохида таъкидлаш лозим.

Эндиликда хўжалик хисоби корхонанинг бутун ишлаб чикариш фаолияти негизига сингдирилади. Унинг айни шундай тузилишининг зарурлигини социалистик курилиш тажрибаси тасдиклади. В. И. Ленин 1918 йилда ёзилган «Совет хокимиятининг навбатдаги вазифалари» номли асарида шундай таъкидлаган эди: «Пул хисобини пухта ва халол олиб бор, тежаб-тергаб хўжалик юрит, дангасалик килма, ўгрилик килма, мехнат интизомига каттик риоя кил, ...худди ана шундай шиорлар эндиликда, буржуазия агдарилганидан кейин, хозирги пайтнинг навбатдаги ва асосий шиорлари бўлиб колмокда» (Тўла асарлар тўплами, 36-том, 196-бет).

Корхона ва бирлашма оператив-хўжалик мустақиллигига эга бўлиб, жорий ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнини ташкил этади, капитал қурилишни амалга оширади ҳамда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни маблағ билан таъминлайди. Эскирган меҳнат воситаларини янгилари билан алмаштиради, меҳнатни ва унга ҳақ тўлашни ташкил этади ва ҳоказо, яъни уларнинг фаолияти ўз натижалари ҳисобига амал қилиш шаклини касб этади. Ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш энди ўзининг мантиқий ниҳоясига етказилади: корхона узоқ вақт ва иложсиз зарар кўраверса тугатилади. Айни вақтда корхоналарга ўз маблағларини бирлаштириш ва ҳатто ҳар икки томоннинг манфаатларини, шунингдек умумхалқ хўжалиги манфаатларини кўзлаб бошқа корхоналар билан бутунлай қўшилиб кетиш ҳуқуқи ҳам берилади. Ўз вақтида В. И. Ленин ёзган эди: «...хўжалик ҳисобидаги трест ва корхоналар худди ўз корхоналарининг безарар ишлашлари учун ўзлари жавобгар бўлишлари ва шу билан бирга батамом жавобгар бўлишлари учун тузилган... Агар биз хўжалик ҳисобидаги трест ва корхоналарни ташкил этсаг-у, ўз манфаатимизни амалий, савдогарларча усул билан таъминлай олмасак, у ҳолда биз ғирт аҳмоқ бўлиб қоламиз» (ТАТ, 54-том, 169-бет).

Моддий манфаатдорлик принципи ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш принципи билан узвий боғлиқдир. Корхонада меҳнатга ҳақ тўлаш учун маблағлар ҳосил қилишда энди иш ҳақининг юқори чегараси бекор қилинади: иш ҳақи фонди доирасида ҳар ким меҳнатига яраша ҳақ олиши мумкин. Ходимларнинг ўз меҳнат натижаларидан моддий ва маънавий манфаатдорлигининг кучаюви ишлаб чиқаришни ҳар тарафлама интенсивлаштириш, уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлаш учун энг қулай шарт-шароитлар яратади, бошқаришнинг мақсадларга энг кўп самара олиб ва кам харжлаб эришиш имконини беради.

Бутун мамлакатда бўлганидек бошқаришни қайта қуриш ва демократиялаштириш бизнинг республикамизда ҳам авж олиб кетди, деб таъкидлайди пропагандист. Централизмни корхоналарнинг мустақиллиги билан, «юқоридан» планлаштиришни хўжалик ташаббускорлиги ва жойлардаги тадбиркорлик билан оптимал тарзда қўшиш йўллари изланмоқда. Шундай шароитда янгича ишлаётган коллективларнинг ижобий тажрибасини ҳамма корхоналарга қатъий ёйиш керак.

Бухородаги тўқимачилик комбинатининг 2-йигириш-тўқиш фабрикасини мисолга келтириш мумкин. Бу фабрика коллективининг хўжалик ҳисобини, меҳнатни ташкил қилиш ва рағбатлантириш, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг янги формаларини жорий қилиш соҳасидаги тажрибасини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми маъқуллади.

Фабрикада 10 та пудрат асосида хўжалик ҳисобида ишлайдиган комплекс бригадалар тузилган. Уларнинг 1800 ходими бўлиб, бу коллективнинг 80 процентини ташкил этади. Бригадалар составига ҳар икки сменанинг ёрдамчи цехлари ва хизматларининг ишчилари, инженер-техниклари ва ходимлари киритилган бўлиб, бу бригадалар-цехлар тузиш имконини берган. Тузилган бўлинмаларга очиқ овоз бериш билан сайланган бригадирлар — цехларнинг бошлиқлари раҳбарлик қилади. Ана шу коллективларнинг кенгашлари хўжалик ҳисобидаги комплекс бригадалар — цехларни бошқаришнинг юқори органидир.

Фабрикада меҳнатга ҳақ тўлаш системаси янги хўжалик системаси талабларига жавоб беради. Иш ҳақи меҳнатда қатнашиш коэффициентига қараб тақсимланади. Маҳсулот ишлаб чиқариш, сифат, меҳнат унумдорлиги, моддий ва молия ресурсларини тежаш бўйича планларнинг бажарилиши пировард натижаларга эришишда ҳар бир ходимнинг ҳиссасини белгилашда асосий кўрсаткич ҳисобланади. Бундан ташқари, хизмат кўрсатишнинг оширилган зонасидаги иш, қолоқларга ёрдам қўшимча равишда рағбатлантирилади. Меҳнатда қатнашиш коэффициенти ҳар куни ҳамма ходимларга маълум қилинади.

Ишлаб чиқаришни бошқаришда демократик принциплардан кенг фойдаланиш, ҳар бир ходимнинг ўз меҳнати пировард натижаларидан шахсий манфаатдорлигини таъминлаш коллектив аъзоларининг меҳнатдаги ва ижтимоий активлигини анча ошириш, интизомни мустаҳкамлаш имконини берди. Бу йил ўтган йилдагига нисбатан прогуллар 2 баравар камайди. Турдош касбларни эгаллаш, малакани ошириш туфайли ишчиларнинг профессионал савияси ўсди. Ҳозир, масалан, мастер ёрдамчиси ремонтчи-слесарь ўрнида ишлай олади, ишлаб чиқариш таълими инструкторлари, инженер-техник ходимлар эса зарур бўлганда иш жойига ўтадилар.

Бригадалар-цехлар ташкил этилгани, икки смена · ходимларининг улар составига киритилгани асбоб-ускуналар сменалилиги коэффициентини 1,99 гача оширишни, бекор туришни 2—3 процент камайтиришни таъминлади. Тармоқ нормаларини ўзлаштирган ишчилар миқдори 2 баравар кўпайди (энди улар — 82,6 процент).

Ана шуларнинг бари ишлаб чиқариш самарадорлигини анча оширишга, план топшириқларини тўла ва ошириб бажаришга ёрдам берди. Фабрика коллективи биринчи марта рентабель ишлай бошлади. Ўртача ойлик иш ҳақи 6—8 процент, айрим бригадалар-цехларда эса — 20—25 процент кўпайди.

Машғулотда хўжалик ҳисоби келтирган даромад меҳнат ҳақининг ва моддий рағбатлантиришнинг, ишлаб чиқаришни ривожлантириш фонди ҳамда социал-маданий

ривожланиш фондининг асосий манбаи бўлишлигини таъкидлаш матлубдир. Бу янги иктисодий категория. Уни кўпайтиришга интилиш меҳнат коллективларини хўжаликни тежамли юритишга, меҳнат унумдорлигини ва маҳсулот сифатини оширишга, барча ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланишга иштиёқ уйғотиши керак.

Меҳнат коллективларига раҳбарлик қилишнинг маъмурий методларидан иқтисодий методларига амалда ўтмоқ учун узоқ муддат амал қиладиган прогрессив, стабил нормативлар системасини — давлат бюджетига тўловлар, кредит учун процентлар, меҳнат ҳақи ва социал эҳтиёжларни қондириш фондлари ҳосил қилиш системасини ишлаб чиқиш лозим. Айни ана шу нормативлар кўпдан-кўп, кўпинча тўқиб чиқарилган инструкциялар ўрнини босиши, корхоналарни уларнинг зуғумидан халос қилиши керак.

Якин икки йил давомида мамлакатдаги барча корхоналарни тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш шароитига ўтказиш кўзда тутилади. Республикамизда 1988 йил январидан бошлаб салкам 800 саноат корхонаси ва бирлашмаси, давлат ва кооператив савдоси системаси, алоқа корхоналари, Давлат агросаноатининг баъзи ташкилотлари шу принцип асосида ишлайди.

Корхона ва бирлашмаларнинг тўла хўжалик ҳисоби, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўзини ўзи бошқариш шароитида экономикага марказлаштирилган раҳбарлик қилиш ҳам сифат жиҳатдан янгича бўлиши керак. Зотан қайта қуришнинг асосий ғояси, юқорида қайд қилинганидек, корхонанинг мустақиллигини анча кенгайтириб ва айни вақтда масъулиятни ошириб, унга энг қулай иқтисодий муҳит яратиш ва шу негизда хўжалик бошқаришининг барча юқори бўғинлари фаолиятига туб ўзгаришлар киритишдир. КПСС МКнинг 1987 йил июнь Пленумида таъкидландики, «аслида гап меҳнаткашларнинг фаоллигига ва корхоналарнинг мустақиллигига таянувчи централизмнинг, яъни ҳамма нарсани тартибга солишга уринавериб ўралашиб қолган централизмдан кўра бекиёс зўррок қудратга эга бўлган Ленин тушунчасидаги чинакам демократик централизмнинг янги концепциясини ишлаб чиқиш ҳақида бормоқда».

Экономикага раҳбарликни қайта қуришнинг туб вазифаси — планлаштиришнинг таъсирчанлигини оширишдир. СССР ва бошқа социалистик мамлакатларнинг муваффақиятлари аввало айни шу билан боғлиқдир. Шу сабабли тўла асос билан айтиш мумкинки, социалистик планлаштириш XX асрнинг энг муҳим илмий ва социал ютуқларидан биридир.

Бугунги кунда планлаштириш соҳасида қилиниши лозим бўлган асосий иш, — уни интенсивлаштириш томон буришдир. Умумдавлат плани мамлакат социал-иқтисодий тараққиётининг асосий муҳим вазифалари ва мақсадларини, структуравий ва инвестицион сиёсатнинг, фан-техника тараққиётининг йўналишларини, илмий, таълимий ва маданий потенциал тўплаш, давлатимизнинг мудофаа қобилиятини қўллаб-қувватлаш вазифаларини белгилаб бериши керак.

Нарх белгилашни ислоҳ қилиш экономикани бошқаришни тубдан яхшилашнинг жуда муҳим таркибий қисмидир. Ҳозир совет тарихида биринчи дафъа улгуржи, харид, чакана нархлар ва тарифларни бир йўла ўзаро боғлиқ тарзда қайта қуришга тайёргарлик кўрилмоқда. Ўн учинчи беш йиллик (1991—1995 йиллар) план янги нархларда тайёрланади. Нархларни иложи борича ижтимоий-зарурий харажатларга кўпроқ мувофиқлаштириш муҳимдир. Ана шу мақсадда талаб билан таклифнинг реал нисбатини акс эттирадиган шартнома билан, ва мустақил белгиланадиган нархларни хўжалик практикасига тобора кенгроқ жорий этиш кўзда тутилмоқда.

Моддий-техника таъминоти системасини қайта қуриш нарх белгилашни ислоҳ қилиш билан маҳкам боғлиқдир. Бу соҳадаги асосий йўналиш — мол етказиб берувчилар билан истеъмолчиларнинг бевосита алоқалари орқали ҳам, шунингдек хўжалик ҳисобидаги улгуржи базалар орқали ҳам ишлаб чиқариш воситалари билан улгуржи савдо қилишга қатъиян ўтишдир. 1990 йилда маҳсулот реализация қилишнинг умумий ҳажмида унинг салмоғи 90 процентни ташкил қилади, 1992 йилга бориб эса маҳсулотни бевосита тақсимлашга бутунлай барҳам берилади; улгуржи савдони тартибга солиб туриш ва уни назорат қилиб бориш вазифаси давлат органлари зиммасида сақланиб қолади. Бу, бошқа ҳамма жиҳатлардан ташқари, умумий суммаси 300 миллиард сўмлик товар-материал бойликларининг ўлик мол бўлиб қолган запасларини тарқатишга ёрдам беради.

Янги хўжалик механизмининг самарали амал қилиши учун молия-кредит системасини қайта қуриш зарур. Асосий мақсад — бюджетнинг корхоналар билан муносабатларини норматив негизга кўчириш, товарлар тўла реализация қилинмагунча даромадлар олишнинг ҳамма имкониятларини йўқ қилишдир. Моддий қадриятлар билан таъминланмаган молия ва кредит-пул ресурслари тарзидаги бир талай тўлов маблағларини халқ хўжалигидан чиқариб ташлаш вазифаси қўйилди. Кредит ролини тиклаш, уни давлат молиясидан ажратиш кўзда тутилади. Кредитлар бериш пайтида «либерализмни» бартараф этиш, айрим корхоналарнинг пландан ортиқча товар-материал запаслари йиғилиб қолиши, ўрнатилмаган ва ишламай турган асбоб-ускуналарнинг, «тугамай қолган» ишларнинг кўпайиб кетиши ва шу сингарилар билан боғлиқ хўжасизликнинг ўрнини кредит билан

коплашга йўл қўймаслик вазифаси ҳам қўйилмоқда. Хуллас, гап халқ хўжалигини молиявий жиҳатдан ҳар тарафлама соғломлаштириш тўғрисида бормоқда.

КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил июнь Пленуми КПСС МК билан СССР Министрлар Советининг экономикани бошқаришни тубдан ислоҳ қилишга оид қуйидаги қарорларини маъқуллаганини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир:

«Хўжалик юритишнинг янги шароитларида планлаштиришни қайта қуриш ва СССР Госплани ролини ошириш тўғрисида»;

«Мамлакатда фан-техника тараққиётини бошқаришда СССР Фан ва техника давлат комитети ролини ошириш тўғрисида»;

«Хўжалик юритишнинг янги шароитларида моддий-техника таъминотини ва СССР Госснаби фаолиятини қайта қуриш тўғрисида»;

«Хўжалик юритишнинг янги шароитларида молия механизмини қайта қуриш ҳамда СССР Молия министрлиги ролини ошириш тўғрисида»;

«Янги хўжалик механизми шароитларида нарх белгилаш системасини қайта қуришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»;

«Мамлакатда банклар системасини такомиллаштириш ва экономиканинг самарадорлигини оширишга уларнинг таъсирини кучайтириш тўғрисида»;

«Мамлакатда статистика ишини тубдан яхшилаш соҳасидаги тадбирлар тўғрисида»;

«Хўжалик юритишнинг янги шароитларида моддий ишлаб чиқариш соҳаси министрликлари ва идоралари фаолиятини қайта қуриш тўғрисида»;

«Республикаларнинг бошқарув органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»

Юқорида айтилганларнинг бари, деб хулоса қилади пропагандист, бошқариш буйруқлар бериш, тақиқлашлар, чақириқлардан иборат бўлиб қолган замон ўтиб кетганлигидан далолат беради.

КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачев Улуғ Октябрь 70 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда қилган докладда таъкидлаганидек, «Мамлакатда бошланган туб иқтисодий ислоҳотдан кузатилган мақсад яқин икки-уч йил ичида — ҳаддан ташқари марказлаштирилган, буйруққа асосланган бошқариш системасининг асосан иқтисодий методларга, централизм билан ўз-ўзини бошқаришни мақбул тарзда қўшиб олиб боришга асосланган демократик бошқариш системасига ўтишни таъминлашдан иборат».

ТЕМАГА ОИД АДАБИЁТ

В. И. Ленин. **Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари.** ТАТ, 36-том. 187—237-бетлар.

В. И. Ленин. **Октябрь революциясининг тўрт йиллигига.** ТАТ, 44-том, 166—175-бетлар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездининг материаллари. Т. Ўзбекистон, 1986, 37—46, 117—118, 167—170, 280—287, 329—375-бетлар.

КПСС МК Пленуми материаллари. 1987 йил 25—26 июнь. «Ўзбекистон коммунисти», 1987, № 8.

Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисида СССР Қонуни. Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети еттинчи сессиясида 1987 йил 30 июнда қабул қилинган.

М. С. Горбачев. **Октябрь ва қайта қуриш: революция давом этмоқда.** КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлисида Кремлдаги съездлар саройида 1987 йил 2 ноябрда қилинган доклад. — «Ўзбекистон коммунисти», 1987, № 12.

Н. И. Рижков. **Мамлакат иқтисодий тараққиётининг ҳозирги босқичида халқ хўжалигини бошқаришни қайта қуриш тўғрисида.** Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг еттинчи сессиясида Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг қўшма мажлисида қилинган доклад. «Совет Ўзбекистони», 1987 йил 30 июнь.

Ўзбекистон Компартияси МК пленумининг материаллари. 1987 йил 10 август. — «Ўзбекистон коммунисти», 1987, № 9.

ХАЛҚ КОНТРОЛИ ВА ИНТИЗОМ

Меҳнат интизомига қатъий риоя этиш мамлакат халқ хўжалиги барча бўғинлари муваффақиятли ишлашининг муқаррар шартидир. В. И. Ленин Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ бунга алоҳида эътиборни қаратган эди. «Енгмоқ учун, — деб таъкидлаган эди у, — ғоят қаттиқ курашмоқ керак, темир интизом, ҳарбий интизом керак. Буни тушунмаган киши ишчилар ҳокимиятини сақлаб қолиш шартлари тўғрисида ҳеч нима тушунмаган бўлади...» (Тўла асарлар тўплами, 40-том, 253-бет).

Владимир Ильич уқтирган эдики, социалистик жамиятнинг мустаҳкам пойдеворини барпо этиш учун «ҳарбий куч-қувват ва социалистик куч-қувватга эга бўлиш йўли — ... интизом ва онгли интизом ўрнатиш устида, ҳамма ерда ва ҳамма томонда уюшқоқлик, тартиб ва ишчанликни мустаҳкамлаш устида, бутун халқ кучларининг батартиб ҳамкорлик қилишини мустаҳкамлаш устида, маҳсулот ишлаб чиқариш ва тақсимлаш устидан умумий ҳисобот ва контролни мустаҳкамлаш устида иштиёқ билан ишлашдан иборат» (ТАТ, 36-том, 90-бет).

Хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳозирги кўламлари шароитида интизом ва уюшқоқлик масалалари ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. «Партия меҳнат интизомининг бузилишига ...изчил ва қатъият билан барҳам беришга, — дейилади КПСС Программасида, — биринчи даражали эътибор беради».

Ишлаб чиқаришда давлат интизоми, тартиб ва уюшқоқликни яхшилашга ҳар тарафлама кўмаклашиш иқтисодий ва социал ривожланиш планларини муваффақиятли бажариш, совет кишилари фаровонлигини янада оширишнинг муқаррар шарти бўлиб, республика халқ контроли органлари ўз олдиларига худди ана шу вазифани қўйганлар.

Халқ контролининг кўпгина комитет, группа ва постлари ўз фаолиятларида меҳнат интизомини бузувчиларга нисбатан моддий ва маънавий таъсир кўрсатиш формаларидан моҳирона фойдаланмоқдалар, социалистик жамият ҳуқуқ-тартиботи ва қоидаларига риоя этмайдиган шахсларга нисбатан муросасозлик, келишувчанлик йўлини тутиш фактларини қатъиян бартараф этиб бормоқдалар. Давлат планлари бажарилиши ва социалистик меҳнат интизоми мустаҳкамланиши учун кураш улар фаолиятининг асосий йўналиши бўлиб қолди.

Ишлаб чиқариш технологиясига аниқ риоя этмасдан, корхоналар бир маромда ишлашига, давлат планлари, шартнома мажбуриятлари сўзсиз бажарилишига эришмасдан, халқ хўжалигининг барча турдаги ресурсларини иқтисод қилмасдан, меҳнатга, ижтимоий мулкка ва социалистик Ватанимиз бойликларига ижодий ва онгли муносабатда бўлмасдан туриб бу йўлда муваффақиятга эришиб бўлмайди. Халқ назоратчилари ўтказадиган текширишлар корхоналар, колхоз ва совхозлар, муассаса ва ташкилотларнинг эътиборини худди ана шу ишга қаратади. Бундай текширишлар хўжалик ва ташкилотларнинг меҳнат фаолиятини рағбатлантиради, ходимларни давлат ва меҳнат интизомига, социалистик қонунларга қатъий риоя этиш руҳида тарбиялайди, мансабдор шахслар ишида хато ва камчиликлар бўлишининг олдини олади, аниқланган камчиликларни бартараф этишга ёрдам беради.

Интизомни тарбиялаш меҳнатга онгли муносабатни тарбиялашдан бошланади. Шу маънода В. И. Лениннинг қуйидаги сўзлари ҳамон актуалдир: «Ижтимоий меҳнатнинг коммунистик йўсинда ташкил этилиши учун биринчи қадам социализм бўлиб, унинг бу йўсинда ташкил этилиши ...меҳнаткашларнинг эркин ва онгли интизомларига асосланади ва борган сари кўпроқ асосланади» (ТАТ, 39-том, 15-бет). Меҳнатга онгли муносабат меҳнаткашларда масъулият ҳиссини шакллантирадики, бусиз социалистик интизом ва уюшқоқликни тасаввур этиб бўлмайди.

Иш вақтидан оқилона фойдаланиш юксак меҳнат унумдорлигига эришиш имконини берувчи муҳим омиллар қаторига киради. Карл Маркс уқтирган эдики, «бутун тежамкорлик пировард натижада вақтни тежашдан иборат»дир (К. Маркс ва Ф. Энгельс архиви. 4-том, 119-бет).

Экономика соҳасидаги асосий вазифа — ривожланаётган социализмнинг моддий-техника базасини такомиллаштириш вази-

фаси муносабати билан вакт омилининг аҳамияти тобора ортиб бормокда. Худди шу боисдан республика халк назоратчилари иш вакти бехуда ўтишига карши курашни ўз фаолиятларининг ажралмас кисми деб биладилар. Улар ана шу хилдаги талафотларнинг сабабларини атрофлича таҳлил этиб, унинг олдини олишга харакат киладилар.

Социалистик жамият шароитида, меҳнат ресурслари маълум даражада такчил бўлиб турган бир пайтда бекор туриш ва прогуллар туфайли иш вактининг асоссиз зое кетишига асло йўл кўйиб бўлмайди. Республика халк контроли комитетлари, группа ва постлари текширишлар чоғида, рейд ва кўриклар пайтида шу хилдаги салбий ҳолатларни тугатиш юзасидан чоралар кўрилишига, шунингдек ишлаб чикариш ва меҳнатни ташкил этиш яхшиланиши, меҳнат интизоми мустаҳкамланишига эришмокдалар. Суиистеъмол, талон-торож килиш, интизомсизлик билан боғлик биронта ҳам вокеа, конунбузарлик ҳоллари назоратчиларнинг эътиборидан четда колмайди.

Республика коммунистлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми (1984 йил) карорларини амалга ошира бориб иш жойларида тартиб ўрнатиш юзасидан катта иш килдилар. Чунончи, Тошкент халк контроли комитетининг ўзи 1984 йилда ва 1985 йилнинг икки ойи мобайнида давлат интизомини бузганлиги учун 1834 мансабдор шахсни жавобгарликка тортди, улардан 68 киши эгаллаб турган лавозимидан четлаштирилди.

Контрол ва ижрони текшириш ишига, Ўзбекистон Компартияси XXI съездида таъкидланганидек, халк контроли комитетлари, группа ва постлари хар бири жанговарлигининг мухим шарти сифатида каралмоғи керак. Бунда назоратнинг оммавийлиги, планлилиги, кенг ошкоралиги ва самарадорлиги хусусидаги ленинча принципларга оғишмай риоя этиш даркор. Шуни таъкидлаш керакки, кейинги йилларда республика халк назоратчилари иши анча активлашди. 1985 йилда, масалан, улар ўн бир мингга якин текшириш ўтказдилар. Шу аснода бир миллион сўмлик микдорида камомад, ўғирлик бўлганлиги ва зарар етказилганлиги аникланди. Назоратчиларнинг таклифлари асосида 125 миллион киловатт-соатдан ортик электр энергияси, 34 минг тонна нефть маҳсулотлари, 14 минг тонна металл тежаб колинди. Бошкарув ходимлари сони минг кишидан кўпрокка кискарди, 180 минг жазо берилди, 7 минг кишидан 1,5 миллион сўмдан ортик пул ушлаб колинди, 856 ходим лавозимидан олиб ташланди. 292 контрол текширувлари якунлари бўйича материаллар прокуратура органларига оширилди.

Якин-якингача халк назоратчилари иши хусусида улар ўтказган текширишлару конuни бузганлиги ва тартибсизликка йўл кўйгани учун берилган жазолар сонига караб баҳо бериларди. Аммо хаёт бундай баҳо жилла тўлик эмаслигини кўрсатди. Бинобарин, камчиликларни аниклаш, айбдорларни топиш, инсофсиз, виждонсиз ходимларни жавобгарликка тортиш ишнинг бир кисми, холос. Башарти назоратчилар шу билан кифояланиб колсалар, улар фаолиятининг самарадорлиги жуда паст бўлади. Бинобарин, салбий ҳолатларга карши курашни майда-чуйда тадбирларга айлантириб бўлмайди.

КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленумида М. С. Горбачев таъкидлаганидек, «Контрол органларининг иши кўпинча юзаки текширишлар ва расмият учун молиявий ревизиялар ўтказиш ҳамда хар хил шикоятлар ва маиший ихтилофларни кўриб чикиш билан чекланиб колган. Бу масалалар ҳам эътибор беришни талаб килади, албатта. Лекин ишларни айникса ҳозирги пайтда факат шулардан иборат килиб кўйишга йўл кўйиб бўлмайди».

Дарҳакикат, эндиликда эскичасига ишлаб бўлмайди. Халк контролининг бутун системаси ишини ўзгарган вазиятни инобатга олган ҳолда кайта куриш, уни янада фаоллаштириш керак. Халк контроли фаолияти таъсирчанлигининг асосий кўрсаткичи аникланган камчиликларни батамом бартараф этиш билан бирга бу камчиликларни келтириб чикарган сабабларни тугатишдан иборат. Хуллас, халк контролида кайта куриш жазо ва олинган жарималар сони билан эмас, балки юксак пировард натижаларга каратилган тадбирлар самарадорлиги билан ўлчанади.

Камчиликларнинг олдини олиш максадида оммавий ва комплекс текширувларни кўпрок ўтказиш керак, шунингдек халк контролининг бошка ўзини оклаган иш формаларидан кўпрок фойдаланган маъкул. Ошкораликдан ҳам кенгрок фойдаланиш зарур. Шу максадда матбуот ва бошка оммавий ахборот воситалари ёрдамига кўпрок суяниш, танкид ва ўз-ўзини танкидни активрок ривожлантириш керак.

Республикамизнинг хар бир шаҳар ёки районида шартнома интизомига катъий риоя этишни мажбур деб хисобламайдиган корхона топилади. Чунончи, 1986 йилда Тошкент области корхоналарининг карийб ярмиси маҳсулот етказиб бериш планларини бажармади, улар томонидан етказиб берилмаган маҳсулотлар хажми 115 миллион сўмдан ошиб кетди. Аммо 32 шаҳар ва район халк контроли комитетидан факат Бекобод шаҳар ва Ўрта Чирчик район халк контроли комитетигина ўз мажлисларида шартнома интизомига риоя этилиши хусусидаги масалани муҳокама этишни лозим топди.

Контрол ишининг ўзини кайта куриш, ижро интизомини мустаҳкамлаш, халк контроли барча бўғинлари фаолиятини актив-

лаштириш таъсирчан чоралар кўришни тақозо этмоқда.

Назоратчиларнинг оммавий тузилмалари — халқ контроли группа ва постлари хўжалик фаолиятини қайта қуришнинг энг муҳим жабҳаларида, меҳнат коллективлари орасида иш кўради. Улар бутун куч-ғайратларини иккинчи даражали масалаларга сарфламасдан, жуда катта ҳажмдаги ишни бажаришлари керак. Аммо қуйи бўғинларнинг аксарияти ўз сафларида қайта қуришга киришганича йўқ. Масалан, «Ташжилпроект» институти халқ контроли группаси бутун куч-ғайратини ходимларнинг ишга кечикиб келишини қайд этиб боришгагина қаратди.

Республика халқ контроли органлари барча соҳаларда контрол ва ижрони текширишга катта эътибор бермоқдалар. Жумладан, Тошкент область халқ контроли комитети меҳнаткашлардан тушган сигналлар асосида 1986 йил октябрида «Средазэлектросетьстрой» трестининг махсус қурилиш-монтаж бошқармасидаги иш аҳволини текширди. Маълум бўлдики, бошқарма ҳисобида турган кўпгина механизмлардан ёмон фойдаланилмоқда, улар вақтида ремонт қилинмайди, муддатидан аввал ҳисобдан чиқариб юборилади. Техникага ана шу хилда совуққонлик билан муносабатда бўлиш бошқарманинг пудрат ишлар планини муттасил бажармаслиги сабабларидан биридир. Бошқарма раҳбарлари фонд интизомини мустаҳкамлаш юзасидан зарур чоралар кўрмаётганлиги ҳам аниқланди. Бу ерда материалларнинг ўз ўрнида ишлатилмаслиги, уларни ноқонуний тарзда реализация қилиш ҳолларига ҳам йўл қўйилмоқда. 1985 йилда, масалан, 7-таксомотор паркига хизмат автомашиналари ремонти учун 150 килограмм бўёқ, 50 квадрат метр ялтироқ плитка, 200 квадрат метр ойна, 3 тонна металл прокати, 5 кубометр ёғочтахта берилган. «Ташпромстрой» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 126-кўчма механизациялашган колоннаси, республика карсоқовлар жамиятининг ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси ва бошқа ташкилотларга жами 7,4 минг сўмлик фонд материаллари қонунга хилоф тарзда берилган. Молия интизомида ҳам бошқа кўпол нуқсонлар аниқланди. Область халқ контроли комитети қарори билан махсус қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиғи А. П. Плетнев ва бош механик Ю. И. Попов лавозимидан четлаштирилди, «Средазэлектросетьстрой» тресги бошқарувчиси В. А. Афонинга назоратсизликка йўл қўйганлиги ҳамда мазкур муассасада ишни яхшилаш юзасидан керакли чоралар кўрмаганлиги учун қаттиқ виговор эълон қилинди. Текширишга оид материаллар Тошкент область прокуратурасига оширилди.

Хўжалик фаолияти тўғрисида ҳисобот ҳужжатларида кўпинча халқ назоратчилари аниқлайдиган қўшиб ёзиш ва бузиб кўрсатишлар ҳам давлат интизомини бузишга киради. Чунончи, республиканинг 13 районида контрол ўлчов ўтказилганида 1986 йили уларда 15 минг гектардан ортиқ экинзор, шу жумладан қарийб 13 минг гектар пахтазор ҳисобдан яшириб қолинганлиги маълум бўлди. 2,7 минг гектар майдондаги кўп йиллик ўтлар пландан ташқари ҳайдалган Шовот районининг ўзидагина яшириб қолинган экин майдони 1984 йилдаги 283 гектар ўрнига 1288 гектарга кўпайган. Хўжаобод районида ҳисоботларда қўшиб ёзиш ва бошқа йўсиндаги қоидабузарликка ўрганиб қолишган, бу ерда икки йил мобайнида (1985—1986 йиллар) яшириб қолинган экин майдони 582 гектардан 1627 гектарга етган, шу жумладан пахтазорнинг шу хилдаги майдони 800 гектар кўпайган. Ирригация жиҳатидан тайёрланмаган, суғориш учун сув билан таъминланмаган, ибтидоий хўжалик усулида ўзлаштирилган ерларга пландан ташқари экин экиш ёмон одат тусини олди. Ана шундай ерларга экилган 17 минг гектар экинзор батамом қовжираб қолди, колхоз ва совхозлар эса бундан 2,6 миллион сўм зарар кўрдилар. Шовот ва Хўжаобод районларининг раҳбарлари қаттиқ партиявий жазо олдилар.

Интизомсизлик, ўз вазифасига совуққонлик билан муносабатда бўлиш хўжасизликни келтириб чиқаради. Жумладан, халқ назоратчилари 1986 йил ноябрида Тошкент областининг Бўка райони хўжаликларида ўтказган текширишда уларнинг аксариятида чорва қишловига яхши тайёргарлик кўрилмаганлиги маълум бўлди. Масалан, «Октябрь 40 йиллиги» колхозида иккита оғилхона қишга тайёрланмаган. Бундай аҳволни Фрунзе номли, Мичурин номли, «Ленинобод» колхозларида, «Гулистон» ва «Кўкорол» совхозларида ҳам кўриш мумкин. Карл Маркс номли колхозда эса жуда оғир аҳвол юзага келган: 150 бош қорамол қишда ферма ҳовлисида очиқда қолдирилган, негаки улар учун бино йўқ эди. Райондаги мавжуд 15 озуқа цехидан 10 таси, 25 хашак майдалаб берадиган машинадан 8 таси ишламоқда эди, холос. Бир қанча хўжаликларда подани тиклаш юзасидан ҳеч қандай иш олиб борилмаган. Бу муҳим ишга айниқса «Коммунизм» колхозида эътиборсиз қарашган. Хўжаликда 1986 йилнинг 9 ойи мобайнида юзта сигир ва ғунажиндан ўртача 28 тадан бузоқ олишган. Бу ўзига хос ачинарли «рекорд» бўлиб қолди.

Бепарволик, интизомсизлик, бефарқлик, беғамлик беиз қолмайди. Ҳамза номли колхозни истисно қилганда райондаги бошқа барча хўжаликда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш кўрсаткичлари пасайиб кетди. Масалан, 1986 йил октябрида 1985 йилга нисбатан умуман район бўйича гўшт етиштириш 16,4, тухум етиштириш 34,1 процент камайди.

Ана шу текшириш натижалари Тошкент область партия комитети бюросининг мажлисида муҳокама этилиб, Бўка район партия комитети, район ижроия комитети ва агросаноат бирлашмасига чорвачиликка раҳбарликда йўл қўйилган нуқсонларни тезроқ бартараф этиш, чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш юзасидан тармоқдаги мавжуд резервлардан янада самаралироқ фойдаланиш юзасидан конкрет программа ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Афсуски, бу хилдаги қоидабузарлик халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам анчагина кенг тарқалган. Чунончи, 1986 йил ёзида республика халқ контроли комитети «Ташавтоматика» заводидаги иш аҳволини текширди. Шунда 1,3 миллион сўмлик қўшиб ёзиш (бу товар маҳсулоти ишлаб чиқариш ярим йиллик планининг ярмисини ташкил этади), 100 минг сўм фойда кўрилди дейилган сохта кўрсаткич асосида 320 минг сўмдан ортиқ ғайриқонуний тарзда маош тўланганлиги аниқланди. Корхонада сифат ҳаддан ташқари пасайиб кетган. Масалан, 1985 йилда буюртмачилар қарийб 150 минг сўмлик маҳсулотни яроқсиз топиб заводга қайтарганлар. 1986 йилнинг олти ойи мобайнидагина бу кўрсаткич 112 минг сўмга борди.

Буларнинг ҳаммаси «Ташавтоматика» заводида халқ назоратчилари фаолияти жуда қониқарсиз эканлигидан, улар ўз вазифаларига хўжакўрсин қабилида муносабатда бўлганликларидан далолат беради. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарори билан ишлаб чиқариш планларини бажариш ва маҳсулотни реализация қилиш жараёнида мунтазам равишда қўшиб ёзиш ва кўзбўямачиликларга йўл қўйганлиги учун И. Волошин корхона раҳбарлигидан четлаштирилиб, КПСС сафидан ўчирилди.

Республика халқ назоратчилари ишида айрим камчиликлар борлигига қарамай, уларнинг аксарияти собитқадамлик билан актив иш олиб бормоқда, у ёки бу ташкилотнинг меҳнат фаолиятида йўл қўйилган камчиликларни аниқлаб, уларнинг олдини олиш чорасини кўрмоқда. Бу гап Тошкент шаҳар халқ контроли комитетларига ҳам тўла тааллуқлидир.

Масалан, Ҳамза район халқ контроли комитети ўтган йилнинг сентябрь ойида депутатлар комиссияси билан ҳамкорликда район корхона ва ташкилотлари темир йўл вагонларининг бекор туриб қолиш нормаларига қай тарика риоя этаётганликларини текширди. Уларнинг айримлари ўз темир йўл хўжалигини етарлича ривожлантирмаётганлиги, керакли машина-ускуналар билан таъминламаётгани, айрим жойларда юкчилар етишмаслиги, шунингдек ходимларни маънавий ва моддий рағбатлантириш чоралари кўрилмаётгани маълум бўлди. Вагонларнинг нормативда белгиланганидан кўпроқ бекор туриб қолаётгани ва шунинг оқибатида корхоналар сарф-харажати ортиб кетаётгани кўп жиҳатдан юқорида айтиб ўтилган камчиликлар туфайли содир бўлмоқда. 1986 йилнинг 7 ойи мобайнидагина вагонларнинг нормативдан ортиқ бекор туриб қолиши 149 минг 475 соатга етган, бунинг учун 243 минг 766 сўм тўланган.

Вагонларнинг бу йўсинда бекор туриб қолиши ўз навбатида хом ашё ва ускуналарнинг, ҳосил ва ўғитнинг ўз вақтида етказиб берилмаслиги ва ташиб олинмаслигига сабаб бўлди, кўпгина халқ хўжалиги бўлинмаларининг иш маромини бузди. Район халқ контроли комитети ана шуларни ҳисобга олиб, айбдорларни қаттиқ жазолади.

Октябрь район халқ контроли комитети 1986 йил ноябрь ойида «Главташкентстрой»га қарашли бир қанча бўлинмаларни текшириб, уларда қурувчилар ўртасида тартиб-интизомни мустаҳкамлашга етарлича эътибор берилмаётганлигини таъкидлади. Бу гап конкрет фактлар билан исботлаб берилди. Айтайлик, 159-қурилиш тресги 1986 йилнинг ўн ойи мобайнида 1061 кишикунни йўқотган. Тартиб-интизомнинг бўшлиги эса план — топшириқлар бажарилишига таъсир этган. Худди шу давр мобайнида трест коллективи ўз кучлари билан бажариши лозим бўлган қурилиш-монтаж ишлари планини 3,8 процент, меҳнат унумдорлиги планини эса 4,2 процент кам бажарган. «Таштрансспецстрой» ва «Ташинжстрой» трестларида ҳам бу борада иш яхши эмас. «Таштрансспецстрой» ўтган йилнинг ўн ойи мобайнида прогуллар сабабли 292 кишикунни, «Ташинжстрой» эса 130 киши-кунни йўқотган.

Шундай қилиб, республика халқ назоратчилари тартиб-интизомни мустаҳкамлаш юзасидан катта иш олиб бормоқдалар. Бироқ, Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1987 йил майда бўлиб ўтган сессиясида таъкидланганидек, Халқ контрол комитетлари фаолиятида бу соҳада ҳам камчиликлар бор. Барча меҳнаткашлар фаол иштирок этсагина, ишлаб чиқаришда интизом мустаҳкамланиб, намунали тартиб ўрнатилади. Шу боис ҳар бир меҳнат коллективида ишлаб чиқариш манфаатларини, ўз меҳнат шарафини қадрламайдиган кишиларга нисбатан муросасизлик вазиятини вужудга келтириш, уларга нисбатан қаттиққўлроқ бўлиб, талабчанлик қилиш, ҳалол ва виждонан меҳнат қилаётганларни эса ҳар тарафлама рағбатлантириб бориш лозим.

М. УСМОНОВ,
тарих фанлари кандидати.

ОИЛАДА АТЕИСТИК ТАРБИЯ

Боланинг маънавий қиёфаси ва дунёқараши даставвал оилада шакллана бошлаши бизга маълум. «Оила, — деб таъкидланади КПСС Программасида, — ёш авлодлар соғлигини мустаҳкамлаш ва уларни тарбиялашда... муҳим роль ўйнайди. Киши характерининг, унинг меҳнатга, маънавий, ғоявий ва маданий бойликларга муносабатининг асослари оилада шаклланади».

Болаликда динга муносабат асосан ота-онанинг қарашлари ва феъл-атворига мувофиқ равишда белгиланади. Чунончи, мен узоқ йиллар давомида Худойқул Х. нинг оиласидаги болалар тарбиясини кузатиб бордим. Унинг бешта фарзанди — уч ўғли ва икки қизи бор. Худойқул аканинг ўзи ва унинг рафиқаси Хатима опа — меҳнатсевар, камтарин ва ҳалол кишилар. Лекин улар диндор одамлар, ҳамма диний маросимларга катъий амал қилишади, «муқаддас жой»ларни зиёрат этишади, оила бошлиғи тез-тез мачитда бўлиб туради, қуръондан ёддан парчалар ўқийди ва ҳоказо. Уларнинг ўғил ва қизлари ҳам диний маросимларни ўташда катнашишади.

Бундай салбий ҳодисалар илдизини оилавий тарбиядан излаш керак. Диндорлар оиласидаги бола одатда ота-онанинг «художўйлик» панд-насиҳатларига ишонади ва улар асосида ўзининг дунё тўғрисидаги содда тушунчасини яратади. Бундай одамнинг онгини диний оғудан халос қилиш учун одатда кейинчалик анча куч-ғайрат сарфлашга тўғри келади.

Аҳолининг муайян қисми ўртасида, айниқса мактабгача тарбия муассасалари ғоят кам бўлган қишлоқ жойларда болалар тарбияси билан кўпинча фақат она ёки буви шуғулланади. Мабодо бу тарбиячилар диндор бўлишса, унда бу ҳол ёш авлодда диний онг шаклланишининг асосий воситаларидан бири бўлади. Н. К. Крупская оилада болалар тарбиясининг ўзига хос хусусиятларига эътиборни қаратиб, шундай таъкидлаган эди: «Бу ишда аёлларнинг иштироки ниҳоятда катта. Болалар тарбияси характери ўзгармокда. Саводсиз, нодон, эзилган, ҳуқуқсиз, уйидан бошқа ерни кўрмаган она бошқача тарбиялайди, маданиятли, тарбия вазифаларини тушунадиган онанинг тарбияси ўзгача бўлади».

Оила аъзоларида дин хусусидаги қарашларнинг бир-бирига тўғри келмаслиги сабабли оилада вужудга келадиган низолар болаларда атеистик эътиқоднинг шаклланишига салбий таъсир қилади. Бу кўпинча ота-она — атеистлар бўлиб, бува билан буви — диндорлар бўлган, унинг устига улар невараларини намоз ўқишга жалб этишга уринадиган ҳолларда шундай бўлади. Бола тарбиясига бундай қарама-қарши ёндашув асло болада динга қарши астойдил негизларни қарор топтиришга ёрдам бермайди.

Гарчи расмий равишда худога пухта ишонмаса-да, лекин: «ёмон кўздан асрасин», кароматли туш кўришлар ва шу сингари ирим-чиримларни актив қўллаб-кувватлайдиган ота-оналар ҳали шаклланиб улгурмаган бола онгига муайян даражада зарар етказадилар. Ана шу сабабга кўра ўқувчиларнинг ҳам кўпчилик қисми ирим-чиримларга берилишади: имтиҳонда «бахтли» билет тушиши, «бахтли» кўйлак, «бахтли» сон ва ҳоказо. Болаларнинг кўпчилиги айни шу мактабда ўқиб юрган йилларида одатда улар билимларининг текширилиши, имтиҳонлар ва шу сингарилар билан боғлиқ бўлган дастлабки қийинчиликларни тотиб кўришадики, булар ҳам улар ўртасида ирим-чиримларнинг ривожланишига кўмаклашади. Ўсмирларни бундай қийинчиликлардан қўрқмасликка, уларни бартараф этишда «худонинг мадади»га умид қилишга эмас, балки ўз кучига ишонишга ўргатиш керак. Бу борада ота-оналар кўп иш қилиши мумкин ва лозим. Лекин мен мактабда ўқитувчилик қилганимда ота-оналардан айримларининг жоҳиллигига неча-неча бор дуч келганман. Бундай кишилар нафақат ўзлари болаларини диний руҳда тарбиялашар эди, шу билан бирга улар ўқувчиларни атеистлар қилиб тарбиялашга ҳаракат қиладиган мактабга турли йўллар билан халақит беришарди. Уларнинг тарбиянинг коммунистик методларига қарши норозилиги, одатда, гўёки худога эътиқод қўймасдан туриб инсонни маънавий, соғлом, бахтиёр қилиб тарбиялаш мумкин эмас деган ишончга асосланар эди.

Ўзларини атеист деб эълон қиладиган, амалда эса динга сабр-тоқат билан муносабатда бўладиган, унинг расм-русумларига риоя қиладиган кишиларнинг яққол кўзга ташланадиган субутсизлиги ва иккиюзламачилиги ёшларнинг атеистик тарбиясига айниқса катта зарар етказади. Педагогнинг бундай қилиши эса мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолдир, масалан, Тошкентдаги 219-мактаб ўқитувчиси Х. Мақсудов ўз уйида ифторлик ўтказгани учун у ҳаққоний равишда КПСС аъзолигидан чиқарилди. Динга муносабат коммунистнинг шахсий иши бўлиши мумкин эмас. В. И. Лениннинг бу масалада алоҳида принципиаллик талаб қилганлиги бежиз эмас.

Ёш авлодни илмий-атеистик руҳда тарбиялаш мактабда ўқитувчилар томонидан табиий ва ижтимоий ҳодисаларнинг тўғри изоҳлаб берилишидангина иборат бўлиб қолмаслиги керак. Боланинг табиат, инсон,

жамият тўғрисидаги дастлабки, энг содда табиий-илмий билимларни оилада олиши ва дин ҳамда черков тўғрисидаги жуда бўлмаганда умумий тушунчаларни ҳам шу ернинг ўзида ўзи учун тушунарли шаклда олиши, бунда дин ва черковнинг қандай зарар келтиришини тушуниб етиши ғоят муҳимдир. Болалар онгига уларнинг энг ёш пайтиданоқ диннинг эзгулик эмаслигини сингдириш лозим, чунки дин кўп асрлар давомида одамларда худбинликни, ўз кучига ишончсизликни тарбиялаган, меҳнатга бир жазо деб қарашга ундаган.

Диққат-эътиборни болалар ва ўсмирларнинг атеистик тарбиясига қаратиш шунинг учун ҳам муҳимки, ҳозирги пайтда динда тангликнинг тобора чуқурлашиб бораётгани сабабли руҳонийлар болалик ёшидан бошлаб ёшларга ўз таъсирини кучайтиришга уринмоқдалар. Улар диндорларни ўғил ва қизларини диний руҳда ўстиришга даъват қиладилар, бунда ёшларни «муқаддас» эътиқодга жалб қилишнинг турли усулларини тавсия қилишади. Худо тўғрисидаги суҳбатлар, намозни ўргатиш, диний байрамлар муносабати билан совғалар қилиш ана шундай усуллардандир. Руҳонийлар болаларни диний байрамларни тайёрлашда иштирок эттиришни, улар билан бирга намозларга боришни, таврот, қуръон ва бошқа диний мазмундаги китобларни биргаликда овоз чиқариб ўқишни айниқса рағбатлантиришади. Афсуски, ҳамма ота-оналар ҳам ўз болаларига совет кишилари, айниқса ёшлар онгини диний кайфиятга солишга ҳаракат қиладиган кўпгина христиан ва мусулмон марказлари томонидан бериладиган чет эл радиоэшиттиришларини тинглашни тақиқлашмайди.

Н. К. Крупская шундай деб ёзган эди: «Биз кўп ҳолларда беш-етти яшарликда бошдан кечириладиган қандайдир бир ҳис-туйғунинг қанчалик кучли таъсир этиши, кўпинча боланинг эсида бир умр сақланиб қолишига ҳеч ҳам эътибор бермаймиз. Болани бу ёшида нималар жалб этиши, нималар ҳаяжонга солишини тушуна билиш лозим». Шуни ҳамиша эсда тутиш кераки, ташқи таъсир энг кўп қабул қилиб олинадиган ана шундай кичик ёшдалик пайтда диндорлар оиласидаги болаларни диний тасаввурлардан қайтариш осонроқ бўлади. Юқорида айтиб ўтилганидек, бу ишни кейин амалга ошириш анча қийинлашади, шунинг учун бундай қулай фурсатни бой бермаслик керак.

Қасалларга малакали мутахассисларга мурожаат қилишни, болаларни юқумли касалликларга қарши эмлашни, дори-дармонлар қабул қилишни тақиқлайдиган муллаларнинг йўл-йўриқларига амал қиладиган мутаассиб ота-оналар ҳали ҳам учраб туради. Бундай «итоаткорлик» фожиали натижаларга олиб келади.

Кўпинча, диндор оилаларда бўлганидек худога ишонмайдиган оилаларда ҳам, айниқса қишлоқ жойларда, ўтказилиши дин томонидан тавсия қилинадиган айрим расм-русмлар хато равишда миллий расмлар деб ҳисобланади: масалан, никоҳ ўқиш, диний маросимга кўра жаноза ўқиш ва дафн этиш, хатна қилиш, рўза тутиш, рўза ҳайити, қурбон ҳайити каби байрамларни нишонлаш ва бошқалар шулар жумласидандир. Кўпчилик ҳолларда болалар бундай маросимларда бевосита иштирок этишади. Афсуски, уларнинг ота-оналари бундай расм-русмлар ва анъаналарнинг ҳақиқий, реакцион мазмуни тўғрисида ҳатто ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Ҳолбуки, улар кўпгина диний маросимларга, масалан, айниқса болаларнинг заиф организмига қаттиқ таъсир қиладиган рўза тутиш каби расм-русмларга амал қилиш одамларнинг руҳий ва жисмоний саломатлигига қанчалик сезиларли зарар етказишини биринчи навбатда болаларга тушунтириб беришлари лозим.

Айрим диний кайфиятдаги шахслар «муқаддас жойлар» деб аталадиган жойларни зиёрат қилгани боришади ва бунда кўпинча болалар ва ўсмирларни ўзлари билан бирга олиб кетишади. Ўзбекистоннинг баъзи қишлоқ ва шаҳарларида «муқаддас ёзувлар» кенг тарқалган, уларнинг кўпчилиги болалар қўли билан ўқувчилар дафтарларининг варақларига кўчириб олинган.

Бу фактлар ҳамма ота-оналарнинг болалар онги ва қалби учун доимо кураш олиб бормаслигини тасдиқлаб турибди. Бу етмагандай, уларнинг бир қисми ўз болаларининг диний бидъатлар гирдобига тушиб қолишига имконият яратади, масалан, Қашқадарё областининг Жизза қишлоғида яшайдиган Раҳмоновлар оиласида шундай қилинган. Бу оила бошлиғи унинг етти яшар қизи Қаромат гўёки «сеҳрли таёқча» ёрдамида беморни ҳар қандай дарддан даволай олади деган миш-миш тарқатган. Қариндошлари ва қўни-қўшнилар ўртасида бу товламачининг гапига ишонган ва кичкина «табибга» ёрдам илинжида мурожаат қилганлар ҳам анчагина топилди. Ўз уйдирмасининг муваффақиятидан илҳомланган Раҳмонов бир неча кундан кейин қишлоқда яна янги миш-миш тарқатади: эмишки, унинг ўн бир яшар ўғли Ҳикмат гарчи ўзи шўхроқ бўлса ҳам, лекин сеҳргар экан ва у ҳам одамларни даволай олишдек ноёб қобилиятга эга эмиш. Шундай қилиб, Жизза қишлоғида «авлиё» болалар пайдо бўлди... Лақма одамлар «ҳозирги медицина дардларимиздан халос қила олмаяпти, зора «сеҳрли таёқча»нинг ёрдами тегса» деган ўйда Раҳмоновлар хонадонига қадам ранжида қила бошлашди. Раҳмоновлар уйининг дарвозаси олдида дардига шифо излаб келувчилар кўпайиб қолгани сабабли касаллар учун қабул кунлари белгиланди.

Такса — уч сўм эди. Пуллар уддабурон ота чўнтагига оқиб кела бошлади, болалар эса «даволаш практикаси» кунлари мактабга боришмас эди. Каромат — биринчи синфда, Ҳикмат — тўртинчи синфда ўқийдиган М. И. Кутузов номли мактаб ўқитувчилари бу тўғрида унчалик бош қотириб ўтиришгани ҳам йўқ. Уларнинг айримлари Рахмоновлар уйида бўлишиб, ўзлари ҳам «даволаш курси» олдилар. Ана шу воқеалардан кейин бу мактабдаги ва умуман қишлоқдаги атеистик тарбия сифати тўғрисида нима ҳам дейиш мумкин?

«Мўъжизакор» болалар тўғрисидаги хабар психиатрия врачларига ҳам етиб борди, улар бу болаларнинг феъл-атворини синчиклаб ўрганиб чиққач, шундай хулосага келишди: қиз ва бола отанинг кучли таъсирида экан, зеро у болалари онгига сизлар ғайриоддий болаларсиз деган фикрни сингдирган. Уларнинг «даволаш» методлари эса диний расм-русмлар характерига эга эди.

Ана шу ва бошқа кўплаб мисоллардан кўриниб турибдики, диний сарқитлар амал қилишининг умумий сабаби сифатидаги ижтимоий онгнинг ижтимоий ҳаётдан орқада қолиши эски анъаналар, қарашлар, одатларда ўзининг конкрет ифодасини топади, улар одатда катта авлодлардан кичик авлодларга ўтади.

Партия болалар ва ўсмирлар онгини ўтмиш сарқитларидан ва дин оғусидан тозалашга катта аҳамият беради. КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг «Ёшларнинг умумий ўрта таълимини янада такомиллаштириш ва умумий таълим мактабларининг иш шароитларини яхшилаш тўғрисида»ги қарорида (1984 йил апрель) «ёш авлодни атеистик руҳда тарбиялашда оиланинг роли ва масъулиятини ошириш» уқтирилади. Ўзбекистон Компартияси МКнинг III пленумида (1986 йил октябрь) ҳам шу тўғрида гапирилди.

Оиладаги атеистик тарбия болаларга таъсир этишнинг хилма-хил форма ва методларидан фойдаланишни тақозо этади. Болаларни атеистик мазмундаги бадиий адабиётни ўқишга, кинофильмлар ва телекўрсатувларни томоша қилишга, динга қарши радиоэшиттиришларни тинглашга жалб этиш улар ичида энг самарали формалардан биридир. Уларнинг кўпчилигида диний расм-русмлар ва қоидаларга риоя қилишни талаб этиб, беғаразликни, ҳалолликни, ҳаққонийликни тарғиб қилиб, ўзлари бундай қоидаларга мутлақо амал қилмайдиган руҳонийларнинг ахлоқсизлиги болаларга тушунарли формада танқид қилинади, очкўзлиги ва шафқатсизлиги кўрсатилади.

Космос тўғрисидаги адабиёт болаларни айниқса ўзига тортади. Инсоннинг космик фазода парвоз қилиши бола тасаввурини ҳайратга солади ва унда дунёга илмий-материалистик ёндашувни шакллантиришга катта таъсир кўрсатади. Ота-оналарга болалари билан биргаликда планетарийлар, табиат, санъат музейлари ва шу сингариларга бориш тавсия қилинади. Болаларнинг теварак-атрофдаги табиий муҳит билан муносабатда бўлиши ҳам атеистик руҳда тарбиялашга ёрдам беради, бунда жонли, конкрет мисоллар воситасида болаларга дунёнинг вужудга келиши, ўсимлик ва ҳайвонларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги диний таълимотнинг асоссизлигини кўрсатиб бериш мумкин.

Эмоционал-психологик таъсир этиш воситаларидан ҳам фойдаланиш зарур, масалан, болаларни аста-секин диний байрамларни сиқиб чиқараётган янги гражданлик маросимларида бевосита иштирок қилдириш мумкин. Шунингдек болаларни фаол ижтимоий ҳаётга жалб этишга ҳар хил йўллар билан кўмаклашиш лозим.

В. И. Лениннинг «оммага атеистик пропагандага оид ҳар хил материал бериш, уни турмушнинг турли соҳаларидан олинган фактлар билан таништириш, унга гоҳ ундай, гоҳ бундай муомала қилиб уни қизиқтириш, диний уйқудан уйғотиш, турли-туман йўллар, турли-туман усуллар билан қўзғатиш ва бошқа шу сингари чоралар кўриш керак» (Тўла асарлар тўплами, 45-том, 30-бет) деган сўзларини бу йўналишдаги фаолиятга асос қилиб олиш лозим.

КПСС билан Совет давлатининг динга ва черковга муносабати тўғрисидаги қоидаларни болаларга тушунтириб бериш ҳам оиладаги атеистик тарбиянинг муҳим жиҳатларидан биридир. Маълумки, СССРда улар эркин амал қилади ва болаларнинг илмий атеизм асосларини яхши билмаслиги уларда гўёки бизнинг мамлакатимизда дин ўзининг моҳиятини ўзгартирган ва совет жамияти тараққиётига безарар бўлиб қолган деган хато фикрнинг ҳосил бўлишига олиб келиши мумкин. Тажриба диннинг йўқолиши ижтимоий тараққиёт натижасида юз бериши керак деган марксистик қоидани тобора кўпроқ тасдиқламоқда, ана шу тараққиётда тарбия катта роль ўйнайди. Бундай тарбияни оилада бошлаш керак, зеро унинг бу муҳим ишда роли жуда катта.

Биз болаларда илмий-материалистик дунёқарашни шакллантириш, оилада эътиқодли атеистларни тарбиялаш билан уларнинг маънавий дунёсини бойитамиз, уларни Ватанимизнинг бахт-саодати йўлида меҳнат қилишга ва ижтимоий-сиёсий фаолият юритишга, коммунистик қурилиш планларини амалга ошириш учун кураш олиб боришга тайёрлаймиз.

М. САНГИЛОВ,
философия фанлари кандидати.

МОНГОЛИЯДА ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ

Ц. БУЯНТОГТОХ,
Монголия Халқ Республикасининг
Тошкентдаги бош консули,
философия фанлари кандидати

Монголия Халқ Республикасининг ЎИЕКга аъзо бўлиши мамлакатимиз социал-иқтисодий тараққиётининг муҳим омили бўлди. Шу вақт ичида ялпи ижтимоий маҳсулот 4 баравар, миллий даромад — 3 баравар ошди, халқ хўжалигининг асосий фондлари 8,5 марта кўпайди. МХРнинг ЎИЕКга аъзо бўлган мамлакатлар, аввало Совет Иттифоқи билан ҳамкорлигининг якуни ана шундай.

Сўнгги 25 йил мобайнида бизда СССРнинг техник-иқтисодий ёрдами билан 650 га яқин саноат, қишлоқ хўжалик ва бошқа объектлар қурилди. Совет Иттифоқи ёрдамида қурилган ва реконструкция қилинган корхоналарда бугунги кунда саноат маҳсулотининг кўпчилик қисми, шу жумладан электр энергиясининг 95 процентдан кўпроғи, кўмирнинг 92 проценти, қурилиш материалларининг 70 процентдан кўпроғи ишлаб чиқарилмоқда.

Шу беш йилликда МХРнинг ЎИЕКга аъзо бўлган мамлакатлар билан товарообороти камида 1,3 баравар кўпаяди. Ҳозирги пайтда қардош мамлакатларда ЎИЕКга аъзо бўлган мамлакатларнинг 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган фан-техника тараққиётининг Комплекс программасини амалга ошириш юзасидан катта ишлар авж олдириб юборилди. Уларнинг куч-ғайратлари фан ва техниканинг халқ хўжалигини электронлаштириш, комплекс автоматлаштириш, атом энергетикасини жадал ривожлантириш, янги материаллар ва уларни ишлаб чиқариш ҳамда уларга ишлов бериш технологиялари, биотехнология каби бешта энг муҳим йўналишида жамлангандир.

Бу программа МХР учун принципиал муҳим аҳамиятга эга. У Монголияда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, бу тараққиёт натижаларини халқ хўжалигига жорий этиш, экономикамизни юксалтириш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш учун қўшимча имкониятлар очади.

Монголия халқ революцион партиясининг XIX съездида ЎИЕКга аъзо бўлган мамлакатлар олий даражадаги Иқтисодий кенгашининг Монголиянинг илмий-техникавий ривожланишини жадаллаштиришда бундан кейин ҳам ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қарорини МХРП амалдаги социалистик интернационализм сифатида баҳолаши таъкидлаб ўтилди.

МХР социализм моддий-техника базасини яратишда катта муваффақиятларга эришди. Лекин ялпи ижтимоий маҳсулот ва аҳоли жон бошига миллий даромад ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлиги ва бошқа асосий иқтисодий кўрсаткичлар юзасидан эришилган даража юксак ривожланган қардош социалистик мамлакатлар даражасига нисбатан анча паст. Бу шароитда фақат Монголиядаги фан-техника тараққиётини интенсивлаштириш йўли орқалигина ана шу тафовутни қисқартириш мумкин.

МХРдаги фан-техника революциясининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат: фаннинг интенсив ривожланиши, фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг илмий-назарий даражасини ва амалий аҳамиятини ошириш; нобиологик характердаги энергетика манбаларидан кенг фойдаланиш асосида мамлакатни янада электрлаштириш; ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, турли

материалларга ишлов беришнинг илғор методларини жорий этиш; меҳнат қуроллари турларида сифат жиҳатидан кескин ўзгариш ясаш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш; транспорт ва алоқанинг замонавий воситаларини кенг қўлланиш ҳисобига алоқа воситаларини ривожлантиришда чуқур ўзгаришлар қилиш. Фанни жамиятнинг олға томон ҳаракатини жадаллаштирадиган муҳим омиллардан бирига айлантириш эҳтиёжи мамлакатда социализм қурилиши, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришдан иборат объектив тенденциядан келиб чиқади.

МХРП Программасида «фаннинг турли тармоқлари, жумладан, табиий, техник ва ижтимоий фанларни... халқ хўжалиги ва маданиятни ривожлантириш эҳтиёжлари ва истиқболларига мувофиқ равишда бутун чоралар билан тараққий эттириш...» зарурлиги кўрсатиб ўтилган. Бугунги кунда олимларнинг куч-ғайратлари жамиятнинг зарурий эҳтиёжларига мос келадиган фундаментал ва амалий тадқиқотларга қаратилмоқда.

Илмий-тадқиқотчилик ишлари натижаларини практикага ўз вақтида жорий этиш кўп жиҳатдан фан билан ишлаб чиқариш алоқасининг рационал формаларини танлашга боғлиқ бўлади. Хўжалик шартномаси негизига асосланадиган ва илмий муассасаларнинг ишлаб чиқаришнинг бевосита эҳтиёжларини қондириши, ўзларининг моддий базасини мустаҳкамлаш учун маблағлар тўплаши ва фойдаланишига имкон берадиган система ана шундай формалардан биридир.

Илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари яна бир бошқа ташкилий форма бўлиши мумкин. Илмий-тадқиқот институтлари билан саноат корхоналарининг ягона илмий-ишлаб чиқариш комплексида бирлашуви, биринчидан, илмий ишланмаларни жорий этишда вужудга келадиган тўсиқларни бартараф қилади, иккинчидан, илмий ходимлар билан ишлаб чиқариш ходимлари меҳнатини бирлаштиришнинг реал имкониятларини кўпайтиришга имкон беради ва, учинчидан, уларнинг куч-ғайратларини асосий проблемаларни ҳал этишга жамлайди, пировард натижалар учун масъулиятни оширади, фанни индустриялаштириш жараёнини чуқурлаштиради.

Шуни қайд қилиш керакки, МХРда илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларини ташкил қилиш учун объектив шарт-шароитлар ва имкониятлар ҳозирдаёқ етилди. Эндиликда ишлаб чиқариш бирлашмалари ва хўжалик ташкилотларининг мазкур тармоқнинг тегишли илмий ва лойиҳа-конструкторлик муассасалари билан яқинлашуви, уларга ягона раҳбарликни таъминлаш қатъий зарурат бўлиб қолди.

Кейинги пайтда бизнинг мамлакатимизда академия ва тармоқларга оид илмий институтлар, лойиҳа ташкилотлари ва олий ўқув юртларининг тадқиқотчилик потенциали анча юксалди. Уларнинг тажрибаси ва маҳорати ошмоқда, ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан фойдали проблемаларни ишлаб чиқишга ва ҳал қилишга қизиқиш ортмоқда.

Бугунги кунда математика, физика, химия, биология, электроника, биотехнология, ҳисоблаш техникаси ва материалшунослик соҳасидаги фундаментал тадқиқотларни ривожлантириш, уларнинг экспериментал базасини мустаҳкамлаш муҳим вазифадир. Ҳаёт саноат ва қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида ҳисоблаш техникасидан, ишлаб чиқариш жараёнларини енгиллаштириш учун компьютерлар ва манипуляторлардан кенг фойдаланиш, автоматлаштирилган бошқарув системаларини яратиш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш заруратини тақозо этмоқда. Бунда Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар тажрибаси асосида техникавий ва математик таъминот рационал методларидан фойдаланиш мақсад қилиб қўйилмоқда. Чунончи, монголиялик физиклар Дубна (СССР)даги Ядровий тадқиқотлар бирлашган институтида элементар зарралар, атомлар ва молекулаларнинг структуралари ва ўзаро алоқаларини аниқлашга қаратилган назарий-экспериментал ишларни муваффақиятли равишда олиб боришмоқда. Ядро физикаси, атом энергетикаси соҳаларида эришилган айрим ютуқларни МХР халқ хўжалигига жорий эта бошлаш зарур деб ҳисоблаймиз.

Монголияда қуёш энергиясидан фойдаланишга катта эҳтиёж бор. Қишлоқ жойларда қуёш элементларидан маиший эҳтиёжлар учун фойдаланиш мақсадида бундай элементларни ишлаб чиқариш ўткир масалалардан биридир. Қатор

экспериментлар ўтказилгач фойдали иш коэффициенти 10 процент бўлган куёш элементи тайёрланди. Синовлар чорвачилик хўжаликларида ўтди. Тадкикотни давом эттириш ва куёш элементининг фойдали иш коэффициентини жахондаги ўртача даражага (12—14 процентга) етказиш мўлжалланмокда. Шу беш йилликда сувни иситиш, чучуклаштириш, теплицаларни иситиш ва шу сингарилар учун куёш энергиясини иссиклик энергиясига айлантиришга доир тажрибалар якунланиши лозим.

Монголиялик олимлар бирламчи кремний олиш технологиясини такомиллаштириш юзасидан иш олиб боришмокда, бундай кремнийдан куёш батареялари мембраналарини тайёрлаш учун ишлатиладиган юпка кристаллар ишлаб чикарилади. Кейинги пайтда бундай батареяларни бирмунча арзон аморф кремнийдан ишлаш имконияти пайдо бўлди.

Биз ЎИЁК доирасида биотехнология, генга оид ва молекуляр инженерлиги хамда микробиология сохасидаги илмий-назарий хамкорликни ривожлантиришимиз зарур. Бунинг учун хаётий жараёнлардаги молекуляр даража тадкикотларини кенгайтириш; енгил ва озик-овкат саноати учун зарур органик моддаларни, шунингдек вакцинани яратиш; юкори хосилли кишлок хўжалик экинларини етиштириш, хайвонлар селекциясида генга оид инженерликни кўллаш методларини ишлаб чикиш вазифалари кўйилмокда. Микробиология, биохимия, биофизика сохасидаги ютуклар негизида мамлакатда биологик саноатни ривожлантиришга, бу тармок учун малакали кадрлар тайёрлашга асос солинади.

Маълумки, ўсимликшунослик ва чорвачилик ахолини озик-овкат билан таъминлашнинг асосий манбаидир. Шунинг учун олимлар ўсимлик-хайвонот дунёси ва атроф мухит бойликларидан тўгри фойдаланиш ва уларни мухофаза килишнинг стратегик масалаларига катта эътибор беришмокда.

Геология фани олдида катта истикболлар очилмокда. Геолог олимлар фойдали казилмаларнинг асосий компонентлари составини аниклаш, геологик, тектоник ва металлогеник схемаларни ишлаб чикиш, рангли, нодир ва кимматбахо металлар рудалари, фосфорит, кўмир, минерал туз, силикат ва бошкаларнинг физик-химиявий хоссаларини ўрганиш, минерал хом ашё ресурсларидан окилона фойдаланиш ва уларни бойитишнинг илмий асосларини ташкил этишга доир ишларни олиб бориш хозирги электрон-хисоблаш машиналари ёрдамида тадкикотлар ва аналитик ишланмаларни интенсивлаштиришга даъват этилган.

Маълумки, фан-техника тараккиёти энергияга, шу жумладан унинг электр сингари универсал турига бўлган эхтиёжни анча оширади. Электрлаштиришнинг ўсиши — ижтимоий ишлаб чикариш тараккиётининг асосий кўрсаткичи ва мехнатни механизациялаш ва автоматлаштиришнинг хал килувчи негизидир. В. И. Ленин шундай деб ёзган эди: «Мамлакат электрлаштирилган вактдагина, саноат, кишлок хўжалиги ва транспорт хозирги замон йирик саноатининг техника базасига курилгандагина, — факат шундагина биз узил-кесил енгиб чикамиз» (Тўла асарлар тўплами, 42-том, 187-бет).

Монголиядаги энергетиканинг асосий вазифалари МХРП Программасида баён килинган. Унда, жумладан, мамлакатнинг ўз ресурсларидан максимал тарзда фойдаланиш, электр станциялари кувватларини ошириш, юкори вольтли электр узатиш линиялари куриш, тошкўмир конларини казиб олиш асосида мамлакатнинг катор районларида марказлаштирилган энергия системаларини ташкил этиш, халк хўжалиги ва ахолининг электр энергиясига ва ёкилгига бўлган эхтиёжларини тобора тўларок кондириш максадида бошка ёкилги турларидан ва энергия манбаларидан фойдаланиш йўли оркали ёкилги-энергетика базасини ривожлантиришнинг илгарилаб борувчи суръатларини таъминлаш мухимлиги хакида гапирилади. Бу вазифалар амалга оширилмокда: МХРнинг марказий кисмида энергетика системаси ташкил этилди, янги ёкилги конлари разведка килинди ва ўзлаштирилди, мамлакатда разведка-кидирув ишлари кенгайтирилди, кўмир билан ишлайдиган янада кувватли иссиклик электроцентраллари курилмокда.

Дехкончиликнинг бундан кейинги юксалиши, чорвачиликни механизациялаштириш кишлок хўжалигида электр энергиясининг истеъмол килинишини оширади, бу сохада хозирча дизель электр станциялари ёрдамида марказлаштирилмаган, якка тартибдаги энергия таъминоти хукмронки, бу ишлаб чикаришларни

механизациялаш ва электрлаштириш вазифаларини тўла ҳажмда ҳал этишни таъминлай олмайди. Қатор ишлаб чиқариш ва маиший объектларни марказлаштирилган энергия системасига улаш, баъзи бир қишлоқ хўжалик бирлашмалари учун энергия системалари қуриш, марказлаштирилган энергия системаларидан олис жойларда автоном энергия манбалари яратиш ва шу сингарилар қишлоқ хўжалигини электрлаштиришнинг энг рационал усулларидир.

Умуман олганда 1986—1990 йилларда МХРда аҳоли жон бошига электр энергияси ҳосил қилиш 20 процент кўпаяди. Марказлаштирилган тартибдаги электр таъминоти соҳаси кенгаяди. Айрим йирик электр станцияларини реконструкция қилиш, Эрдэнэт ва Баганурдаги электр станцияларини ишга тушириш, анча узунликдаги қатор электр узатиш линияларини қуриш мўлжалланмоқда. Лекин ёқилғи ресурсларининг чекланганлиги, химия саноати учун хом ашё сифатида органик моддадан фойдаланиш зарурлиги, мамлакат айрим районларининг ёқилғи манбаларидан узоқлиги қуёш, шамол ва сув энергиясидан интенсив тарзда фойдаланишга, шунингдек келгусида энергиянинг ядровий манбаларидан фойдаланиш имкониятларини излашга мажбур этмоқда.

Монголиянинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш тобора кўпроқ миқдордаги турли табиий материалларни ишлаб чиқаришга жорий этишни тақозо қилмоқда. Шу муносабат билан МХРП Программасида минерал хом ашё ва ёқилғи, шу жумладан рангли ва нодир металлар, химия саноати учун хом ашёнинг саноат запасларини аниқлаш ва шу асосда қазилма ва қайта ишлаш саноатининг тегишли тармоқларини тўхтовсиз ривожлантиришни таъминлаш зарурлиги кўрсатилган. Табиий бойликлар запасларини аниқлаш учун геологик қидирув ишларини янада интенсивлаш, улар практикасига геофизика ва геохимиянинг янги методларини кенг жорий этиш зарур.

Янги беш йилликда (1986—1990 йиллар) қурилиш ишларининг кенг программаси бажарилади. Шу муносабат билан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш 1,6—1,7 баравар ошади. МХРда фан-техника тараққиётининг ҳозирги босқичида кўпчиликни ташкил этадиган механик технология — кесиш, пресслаш ва қуйиш билан бир қаторда маҳсулотнинг нафақат формасини, шу билан бирга атом-молекуляр структурасини ҳам ўзгартиришга имкон берадиган принципиал янги химиявий, электрик ва физик методлар тобора кенг қўлланилмоқда. Шу туфайли ишлаб чиқариш ва техника тараққиётининг реал эҳтиёжи физика ва химия соҳасидаги амалий ишларнинг кўпроқ ривожлантирилишини, махсус техник тадқиқотларнинг интенсив тарзда ўтказилишини тақозо этмоқда.

Механизациялаш ва автоматлаштириш фан-техника тараққиётининг бош йўналишидир. Лекин биз бундай усулларни асосий ишлаб чиқариш жараёнларида жорий этиш билан бирга кўмакчи, юк ортиш ва тушириш ишларини, завод ичидаги транспортни механизациялаш ва шу сингариларда ҳали ҳам орқада қоляпмиз, комплекс механизациялаш проблемалари ҳал этилмай қолмоқда. Ишлаб чиқариш технологиясини сифат жиҳатдан янги даражага олиб чиқиш, нафақат жисмоний меҳнатни, шу билан бирга ақлий меҳнатнинг айрим функцияларини ҳам техника билан алмаштириш эҳтиёжлари автоматик ва компьютер техникани кенг жорий этиш йўли билан аста-секин классик уч бўғинли машинадан тўрт бўғинли машинага ўтишни тақозо этмоқда.

К. Маркс XVIII—XIX асрлардаги саноат революциясини анализ қилар экан, бу революция шунингдек транспорт ва алоқа воситаларига ҳам ёйилмоқда, деган хулоса чиқарган эди (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 23-том, 395-бетга қаралсин). Фан-техника тараққиёти коммуникацияни ривожлантиришни, жумладан унинг ягона системасини шакллантиришни астойдил талаб қилмоқда. Транспорт воситаларидан оптимал тарзда фойдаланиш, уларни ривожлантириш истиқболларини ўрганиш ва ишлаб чиқиш МХР учун ниҳоятда зарур. Бизда автомобиль транспорти юк ташишда етакчи ўрин тутади (юкларнинг 90 процентдан ортиғи автомобилда ташилади). Автомобиль йўлларининг бош схемасини ишлаб чиқиш мўлжалланмоқда. Кон-руда саноати ва саноатнинг бошқа тармоқларининг интенсив ривожланиши, янги табиий хом ашё конларининг топилиши муносабати билан темир йўл линиялари тармоғи кенгаяди.

Шу беш йилликда транспортнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун 2,5—2,6 миллиард тугрик сарфланади, бу олдинги беш йилликдагига

нисбатан 1 миллиард тугрик кўпдир. Темир йўлнинг юк ташиш ва составларни ўтказиш имконияти ошади. Қаттиқ қопламали автомобиль йўлларининг узунлигини тахминан 40 процент, темир-бетон кўприкларни — 25—27 процент кўпайтириш кўзда тутилмоқда.

Радиоэшиттириш, телевидение, телеграф ва телефон тармоқлари ишида сифат ўзгаришлари юз бермоқда. Ягона умумдавлат алоқа системаси ташкил этилмоқда. Совет Иттифоқининг техник-иқтисодий ёрдамида теле- ва радиопрограммаларни қабул қилувчи ва узатувчи «Экран — ЧМ» системасидаги станциялар, шунингдек радиореле линияларининг қурилиши телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар билан қамраб олинадиган зонани анча кенгайтиради, мавжуд шаҳарлараро телефон ва телеграф алоқа каналларининг иш бажара олиш имкониятини оширади, унга ярим автоматик ва автоматик системаларни жорий этиш имкониятини яратади. Беш йиллик мобайнида ягона алоқа тармоғини барпо этиш, қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш бўғинлари ўртасидаги алоқа тармоғини кенгайтириш, шаҳарлараро телефон алоқасининг ярим автоматик системасини ишга тушириш юзасидан қизғин иш олиб борилади.

Совет Иттифоқи монгол халқига туҳфа сифатида Сухэ-Батор, Сайншанд, Мандалгоби ва Даланзадгада ва Улан-Батор шаҳарлари ўртасида узунлиги 1.2 минг километрлик радиореле линияларини қуриб беради. Телевизион ретрансляторлар сони кўпаяди, бунинг натижасида мамлакатнинг ҳамма аҳоли пунктларида телевизион кўрсатувларни қабул қилишни таъминлашдек муҳим социал вазифа асосан ҳал қилинади.

Совет Ўзбекистони МХР билан СССРнинг илмий-техникавий ва иқтисодий ҳамкорлигига катта ҳисса қўшмоқда. Сўнгги ўн йил мобайнида Ўзбекистондан Монголияга экспорт қилинаётган товарларнинг нафақат ҳажми, шу билан бирга рўйхати ҳам кўпайди. Монголия Ўзбекистон ССРдан 70 дан зиёд номдаги товарларни олмоқда: тўқимачилик машиналари, юк ташувчи прицеплар, гидропресслар, пармалаш асбоблари, алоқа ускуналари, кўприксимон кранлар, гидрометеорология асбоблари, компрессор станциялари, радиолампалар, яримўтказгичли асбоблар, трансформаторли подстанциялар, куч трансформаторлари, дизеллар, насослар ва бошқа МХР халқ хўжалигининг техникавий жиҳозланишини яхшилаш учун зарур асбоб-ускуналар.

МХР олимлари билан Ўзбекистон олимлари ўртасидаги алоқалар ҳам кенгаймоқда. Сўнгги 10 йил мобайнида улар биргаликда гелиофизика, активацион анализ, табиий бирикмалар химияси, математик статистика юзасидан катта ҳажмдаги тадқиқотлар олиб боришди. МХР вакиллари Ўзбекистон институтларида стажировкадан ўтишади, аспирантурада ўқишади.

Монголия Халқ Республикасидаги фан-техника тараққиётининг асосий йўналишлари шулардан иборат. Шу асосда экономика сифат жиҳатдан янги даражага кўтарилади ва халқ фаровонлиги ошади.

ЭКРАНДА—РАҲБАР-КОММУНИСТ ОБРАЗИ

«Ҳаёт мазмуни» фильми уйғотган мулоҳазалар

КИНОТЕАТРЛАР экранларида Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбобларидан бири — Усмон Юсупов ҳаёти ҳамда фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи икки серияли бадиий фильмнинг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги арафасида, КПСС XXVII съезди эълон қилган қайта қуриш ва жадаллаштириш революцион йўли туфайли мамлакатда бошланган йирик туб ўзгартишлар вазиятида пайдо бўлиши алоҳида маъно ва катта ғоявий-тарбиявий аҳамият касб этади.

Партия анжумани илгари сурган вазифаларнинг янгилиги, кўламдорлиги ва мураккаблиги барча меҳнаткашлардан, айниқса раҳбарлардан ишда катта куч-ғайрат, собитқадамлик ва фидойилик кўрсатишни талаб қилади. Бу мақсадларга мувофиқ раҳбарлик қилиш услуби ўзида юксак эътиқодни, омилкорлик, ишчанлик, сўз билан иш бирлигини, одамлар фикр-мулоҳазаларини пухта ўрганиб ҳисобга олиб боришни, улар тақдири учун шахсий масъулият ҳиссини, барча ижтимоий кучлар ҳаракатини моҳирона уйғунлаштириб туришни, хатти-ҳаракатда, муомалада самимийлик ва ўта софликни мужассамлантирган бўлиши керак. Бундай фазилатлар партия ва халқнинг ажойиб вакиллари плеядаси — А. Икромов, Ф. Хўжаев, Й. Охунбобоев, У. Ю. Юсуповлар фаолиятида ўзининг жонли ифодасини топди. Уларнинг ҳаёт намунаси — республика кадрлари, меҳнаткашларини ғоявий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда, КПСС ва унинг раҳбарларининг обрў-эътиборини халқ оммаси орасида ошириш ва мустаҳкамлашда бебаҳо бойликдир.

Маълумки, республикамизда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишнинг ленинча принциплари бузилиши, бир қатор раҳбар ходимларнинг маънавий ва ахлоқий бузилиши бизда яқин ўтмишда оммавий кўшиб ёзишлар, порахўрлик, социалистик мулкни талон-торож қилиш, ошна-оғайнигарчилик, чўнтагида партия билети бўлган янги «бой-тўраларни» кўкка кўтариб мақташ сингари шармандали ҳодисалар тарқалишининг асосий сабабларидан бири бўлди. Бу Ўзбекистон ССРнинг социал-иқтисодий ривожланишига катта зарар етказди ва ундаги ахлоқий иқлимга дилгирлик олиб кирди. Халқ алам ва чуқур ўкинч ҳисси билан ўша даврни ҳақли равишда «шарофрашидовчилик» даври деб атадики, у эндиликда иғвогарлик, таҳқирлаш, мунофиқлик, иккиюзламачилик ва ҳар хил нопок йўллар билан кишиларни ўз томонига оғдириш, маҳмадоналик ва ўз-ўзини мақташ синоними бўлиб қолди.

Республиканинг ҳозирги раҳбарлари ўтмишнинг бу оғир меросини, шунингдек кадрлар сиёсати соҳасидаги иллатларни бартараф этиш учун кўп куч-ғайрат сарфламоқда. Бу соҳадаги яхши томонга ўзгаришлар яққол кўзга ташланяпти. Лекин ҳали кўп иш қилиш керак бўлади, раҳбар кадрларни КПСС XXVII съезди ва унинг МК кейинги Пленумлари илгари сурган бугунги кун талаблари руҳида тарбиялаш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Бунда сермазмун ва сермаъно «Ҳаёт мазмуни»* номи берилган кинофильмнинг муҳим роль ўйнаши шак-шубҳасиздир. Дарҳақиқат, У. Ю. Юсуповга ўхшаган одамлар учун «совет халқига **ҳалол** (бизнинг таъкидимиз, **Р. Ғ.**) хизмат қилишдан бошқа бахт бўлмаган ва бўлиши мумкин эмас, шундан бошқа ҳаёт мазмуни бўлмаган ва бўлиши мумкин эмас» (У. Юсупов. Танланган асарлар. 3-томлик, 1984, 3-том, 10-бет).

Фильмни томошабинлар катта қизиқиш билан кутиб олишди. Мен уни уруш ва меҳнат ветеранлари тўла залда томоша қилдим. Ҳар биримиз ёнимиздаги шеригимизнинг экрандаги воқеаларни чуқур ҳаяжон билан кузатаётганлигини сезиб турдик. Ҳа, бу табиий эди, чунки экран «ташвишли ёшлигимиз» кунлари тўғрисида бадиий жиҳатдан ҳаққоний ҳикоя қиларди.

60-йилларнинг ўрталаридан то 80-йилларгача республикамизда кўп нарсаларни кўрган ва бошидан кечирган мендай одамда фильм ниҳоятда талантли большевик-ленинчи, халқ ичидан ўзи етишиб чиққан ноёб раҳбар У. Ю. Юсупов билан бирга ишлаш бахтига муяссар бўлган даврни, оптимизм ва революцион энтузиазмга тўлиб-тошган ўша даврни соғиниш, қўмсаш ҳиссини уйғотди. Мен ҳам ўртоқларим сингари залдан бошқа бир туйғу — бундай коммунист-

---

* Сценарий автори Р. Фаталиев, режиссер Д. Салимов. «Ўзбекфильм» киностудиясининг маҳсулоти, 1987.

лар шахсиятида мужассам бўлган барча бебаҳо фазилатлар йўқолиб кетмаслигига, улар Октябрь бошлаб берган революцион ишларни давом эттиришга катта куч-ғайрат билан киришган янги авлодларда янада мукаммал формаларда намоён бўлишига жуда катта ишонч ва умид туйғуси билан чиқдим.

Фильм барчамизда ўчмас бир таассурот қолдирди. «Ўзбекфильм» киностудиясининг ижодий группаси ҳаёт ҳақиқати жуда чуқур ва ҳаққоний ёритилган, гражданлик нуктаи назаридан дадил санъат асари яратишган. Ўзбек киносида биринчи марта Усмон Юсуповнинг мислсиз шахси мисолида бутун бир давр образи шу қадар кенг кўламда ва жозибадор қилиб яратилди.

Кенг халқ оммаси орасидан чиққан, эрксиз оғир меҳнат азобини, хўрлиг-у, ҳақоратларни хўп тотиб кўрган У. Ю. Юсупов ўзида ўзбек халқининг энг яхши хислатларини мужассам этганди. У 16 ёшидан бошлаб пахта тозалаш заводида рус ишчилари билан кўлни-кўлга бериб юк ташувчи ишчи бўлиб ишлади, пролетарча чиниқиш мактабини ўтиб, революция ва большевиклар партиясига эътиқодли ленинчи сифатида кириб келди. Машаққатли ҳаёт мактаби унда бошқалар ҳисобига яшайдиганларга нисбатан қаҳр-ғазаб туйғусини тарбиялади, уни актив революцион курашчилар қаторига қўшди, фақат Совет ҳокимиятигина ўзбек халқини бахт-саодат йўлига олиб чиқади, унинг ижодий куч-ғайрати ва ташаббуси учун кенг йўл очиб беради, деган қатъий ишончга олиб келди.

Фильмнинг бир тўда камбағаллар тошлоқ чўлда фидойиларча сабот-матонат билан канал қазишаётганини кўрсатган муқаддимаси рамзий маъно касб этади. Ана шу лавҳада картинанинг асосий мавзуси — ўзбек халқининг ерни сувга қондириб, унга ҳаёт бахш этишдан иборат асрий орзуси ўз ифодасини топган. «Сув келади, ҳа, сув келади», — деб шивирлайди мироб қақраган лабларини аранг очиб. Совет ҳокимияти, Коммунистик партия раҳбарлигидаги меҳнаткаш омманинг куч-ғайрати туфайли ўша орзу реал ҳақиқатга айланди.

«Сув. Кўп сув керак» — У. Ю. Юсупов Сталин билан бўлган суҳбатида Ўзбекистондаги бўлажак ирригацион қурилишнинг улкан, кенг программасини ана шундай деб белгилайди. 1938 йилда Колизейда (хозирги Тошкентдаги Я. М. Свердлов номли концерт зали) республика ирригаторларининг Ўзбекистон К(б)П МК биринчи секретари У. Ю. Юсупов билан учрашуви бўлиб ўтди. Ҳамма янги, жуда катта, муҳим бир ишни сабрсизлик билан кутарди. «Ана шундай иш бўлади», — деб ваъда беради у тўпланганларга. Бинобарин, фильм урушдан олдинги йилларда бевосита унинг раҳбарлигида умумхалқ ҳашари йўли билан амалга оширилган каналлар қурилишининг кенг панорамасини ёркин кўрсатиб беради. Шу тариқа бош қаҳрамон образи — дадил ва талантли партия раҳбари, халқ оммасининг ҳақиқий етакчиси образи кадрма-кадр очила боради.

Маълумки, Катта Фарғона канали қурилиши тарихда энг зўр, қиёси бўлмаган халқ қурилиши бўлиб, уни М. С. Горбачев «биринчи беш йилликларнинг буюк қурилишлари» қаторида атаб ўтди. Картинада бу постановкаси ва томошабинга таъсир кучи жиҳатидан энг жозибали лавҳадир.

...Байроқ ва шиорлар кўтариб олган минг-минглаб одам карнай, сурнай ва доиралар садоси остида қурилиш жойи томон бормоқда. Улар худди байрамга кетаётгандай қадам ташлашади. Ҳа, бу чиндан ҳам эркин меҳнатнинг буюк байрами эди. Режиссёр ўша давр воқеалари ва руҳини ишонарли ва ҳаққоний бера олган, ягона мақсад ва ният билан яшаётган қурувчилар ғайрат-шижоатини, улардаги зафар қувончини кўрсата олган. Каналга сув қўйилиши қурилишнинг зўр тантанасига айланиб кетади. Бу эпизодлар шу қадар ёрқин, жозибали ва ҳаққоний ишланганки, экранда содир бўлаётган воқеаларни беихтиёр ҳужжатли кадрлар сифатида қабул қиласан.

Кенг қамровли раҳбар У. Ю. Юсупов ҳамиша омма билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, камсуқум ва ҳамма учун кўнгли очиқ инсон эди, у минг-минглаб одамларни шахсан танирди, улар орасидан энг истеъдодли ва қобилиятли кишиларни топа оларди, уларни ҳам хатолар, ҳам ютуқ ва қийинчиликларда синаб, чидам билан тарбия қила оларди. У халқ билан гаплашиш санъатини мукаммал эгаллаган эди, унинг кайфияти ва талаб-эҳтиёжларини зийраклик билан илғаб оларди. Манманлик, такаббурлик унга ёт эди, унинг бюрократ ва мансабпарастларни кўрарга кўзи йўқ эди. У. Ю. Юсуповнинг кенг шуҳрати, обрў-эътибори юксак бўлганлиги, халқнинг унга бўлган умумий меҳр-муҳаббати маълум маънода ундаги инсон ва раҳбарга хос бўлган ўша хислатлар билан изоҳланади.

Фильмнинг қуйидаги эпизоди характерлидир. Оқсоқоллар ва мироблар йиғилишган колхозчилар слётида (Усмон Юсупович улар билан доим маслаҳатлашиб турарди) мироб Урумжон Расулов Исфайрамсой дарёсининг ортиқча сувини камсувли Шоҳимардон системасига буриб юборишни таклиф қилади. Бунинг учун ҳашар йўли билан 32 километрлик Лаган каналини қуриш керак бўларди. Қурилиш ВКП (б) XVIII съездининг очилиши куни бошланиб, 17 кун ичида тугатилди. 13 минг колхозчи кетмон билан ўшанда 300 минг кубометр ер ишларини бажаришган эди. «Бу канални қуриш билан совет халқининг нималарга қодирлигини умидсиз кишиларга кўрсатиб қўйдик, сув учун халқ ҳаракатининг янгидан гуркираб юксалишига асос солдик» —

деб ёзган эди У. Ю. Юсупов «Правда» газетасида.

Усмон Юсупович қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини жуда чуқур тушунар, кўп агротехник приёмларни яхши биларди, қишлоқ активининг обрўли ва бебаҳо маслаҳатчиси эди, унда сиёсий раҳбарга хос юксак фазилатлар билан талантли хўжалик ходимига хос кенг билимдонлик қўшилиб кетганди. Кўплар қатори менинг ҳам шунга ишончим комилки, агар республиканинг собиқ раҳбарлари кейинги ўн йилликлар ичида ўзларидан олдинги раҳбарлар, айниқса У. Ю. Юсупов томонидан ота-боболаримиздан қолган деҳқончиликнинг амалий тажрибаси ва фан тавсияларини максимал равишда ҳисобга олиб ишлаб чиқилган тўғри йўлдан четга чиқмаганларида республикамизда нуқсон ва камчиликлар бу қадар кўп бўлмасди, бу камчиликлар фақат озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги қийинчиликлардагина эмас, шунингдек қишлоқ меҳнатчиларининг доимо ҳам нормал бўлмаган маиший шарт-шароитларида ўз ифодасини топди.

Ризқи-рўзимиз манбаи бўлмиш ер билан тиллашиш санъати ва фанини жуда катта қунт, куч-ғайрат билан эгаллаган У. Ю. Юсупов ерга меҳр қўйишга, уни жуда эҳтиёт қилишга, асраб-ардоқлашга доимо даъват этарди, ҳар хил баҳоналар билан илмий асосланган алмашлаб экишни четлаб ўтишга уринган, минерал ўғитлардан фойдаланишда бузилишларга йўл қўйган кишилардан қаттиқ талаб қиларди. Бедазорларни қисқартириш, уларни ўзбошимчалик билан ҳайдаб ташлашларга «тўғридан-тўғри пахтачиликни ривожлантиришга қарши қаратилган жиноят деб қараш керак» — деб таъкидларди у (Танланган асарлар, 3-том, 66-бет). У. Ю. Юсупов Ўзбекистоннинг саховатли ери фақат пахта эмас, шунингдек халққа керак бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини беришга қодир ва бериши керак, деб доимо уқтиришдан толмасди. У пахтачилик халқ хўжалигининг барча бошқа соҳалари билан тўғри пропорцияда олиб борилиши учун актив курашчи эди. У. Ю. Юсупов ерларни суғориш ва мелиорациялашга алоҳида эътибор берарди. Халққа яқин бўлиш, халқ билан бир тан-бир жон бўлиб кетиш керак, ана шунда суғоришнинг янги системасига ўтишдек катта давлат ишини ташкил этишда хатога йўл қўймаймиз, деган эди у (ў ш а е р д а, 205-бетга қаралсин).

Республиканинг айрим раҳбарлари енгил шон-шуҳрат кетидан қувиб бу ва бошқа ҳақиқатларни эсдан чиқаришга шошилдилар. Бугунги кунда хатарли оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган Орол проблемаси пайдо бўлди, Амударё ва Сирдарёнинг қуйи оқимларида сув, айниқса ичимлик сув танқислиги кучайди, атроф муҳитга жуда катта зарар етказилди, бекиёс кўп харажатлар ҳисобига ўзлаштирилган ерлар қишлоқ хўжалик оборотидан чиқиб кетяпти, уларни тиклаш учун энди анчагина капитал маблағ талаб қилинадики, бунинг учун қанчалик киши меҳнати сарфланиши тўғрисида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади.

У. Ю. Юсупов миллий маданиятни ривожлантириш проблемаларини кенг, давлат миқёсида тушунарди ва фан, маориф, санъат аҳли билан мустаҳкам алоқада ишларди, ўзбек халқининг тўлақонли ва эркин маданияти гуллаб-яшнаши, миллий ижодий кадрлар ўсиб чиқиши учун жуда кўп иш қилди.

У. Ю. Юсупов фан, адабиёт, санъат ютуқларини шундай ўзига хос бир самимийлик, топқирлик ва собитқадамлик билан пропаганда қилардики, унинг бу ишини юзлаб одамларнинг уддалай олмаслигига шубҳа қилмайман. Ўзбек халқининг бой маданий меросини асраш ва уни ўрганишни йўлга қўйишда унинг хизмати жуда катта бўлди.

Изчил интернационалист ва ленинча миллий сиёсатни қунт билан амалга оширган У. Ю. Юсупов рус тилининг, маҳаллий аҳолини буюк рус маданиятидан баҳраманд этишнинг оташин пропагандисти эди. У чинакам санъатнинг юксак ҳақиқатини яхши тушунарди, ижодий интеллигенциянинг ҳар бир ютуғини хурсанд бўлиб кутиб оларди, тарихий ва бадиий ҳақиқатга зид келган ҳар бир нарсани қаттиқ қоралларди, ёш талантлар тўғрисида ғамхўрлик қилиб, уларни қўллаб-қувватларди.

Эсимда, Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил этилганидан кейин У. Ю. Юсупов унинг тезроқ ривожланиши, республика олдида турган жуда улкан вазифаларни ҳал этишда муносиб ўринни эгаллаши тўғрисида жиддий бош қотирди ва шунинг ташвишини қилди. Шу мақсадда у талантли мутахассислар Москвага докторантурага юборилишига эришди, мамлакатимиз марказий шаҳарларида аспирант ва студентлар сонини ошириш зарурлигини доимо таъкидларди ва пайдо бўлган ҳар бир янги фан кандидати, айниқса фан докторига ич-ичидан самимий севинарди. У илмий муассасалардаги ишлар аҳволини принципиал анализ қиларди, конкрет камчиликларни кўрсатарди, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли органлар олдига аниқ вазифалар қўярди ва белгиланган тадбирларнинг бажарилишини охиригача назорат қилиб турарди.

У. Ю. Юсупов талантларни доимо излаб топарди, улар истеъдодининг тўла намоён бўлиши учун шарт-шароит яратиш тўғрисида чинакамига оталарча ғамхўрлик қиларди. Ўзбекистоннинг ҳозирги кўпчилик етакчи олимлари, адабиёт ва санъат арбоблари учун У. Ю. Юсупов «маънавий ота», асл муаллим эди, у ўз ҳаётини улар билан

доимий мулокотсиз тасаввур этолмасди. Ўз обрўси, эгаллаб турган лавозими билан одамларга хеч качон тазйик ўтказмасди. У ҳамма учун «Усмон ака» ёки «Усмон ота» эди. Кўпинча шундай бўлардики, истаган вактида, ҳатто оғир иш кунидан кейин ҳам огоҳлантирмасдан ва таклифсиз гоҳ репетицияларга, спектакль ва концертларга, гоҳ ижодий союзларга, илмий муассасаларга худди ўз уйига келгандай кириб келаверарди, уни бунга санъатдан баҳраманд бўлиш, бадиий ижод ва илм аҳли билан дил-дилдан суҳбатлашиш, уларнинг иши ва уй-ташвишларини чукуррок билиш максади даъват этиб турарди. Унинг ҳар бир ташрифи партия раҳбарининг одамлар билан бўладиган самимий ва ишчанлик руҳида ўтадиган мулокотининг чинакам байрамига айланардики, бундан иккала томон ҳам фойда кўриб, ҳам ғоявий, ҳам маънавий бойирди. Афсуски, У. Ю. Юсупов билан ижодкор зиёлилар ўртасидаги самимий муносабатлар, бу бағри кенг инсон табиатининг яна бир киррасини очадиган мана шу жиҳатлар кинофильмда ўз ифодасини топмаган.

Партиявий иш моҳиятини ленинчасига тушунган У. Юсупов партия раҳбари ва бутун партиянинг кучини факат халк билан бирликда деб биларди. У. Ю. Юсуповнинг 1950 йил январида Ўзбекистон К(б)П МК пленумида айтган куйидаги сўзлари асл ленинчи-большевикнинг ўз издошларига берган самимий насиҳатидай янграган эди ва бугун ҳам актуал жаранглямокда: «Большевик учун, буюк Ленин партияси аъзоси учун манманлик, такаббурлик килишдан, кенг меҳнаткашлар оммасидан ажралиб колишдан ҳам хавфлирок нарса йўк. Агар у ёки бу ходим большевистик танкид ва ўз-ўзини танкидга кобиллигини ривожлантириб бормаса, агар у ўзини бошкалардан юкори кўйса бошкалар фикри билан ҳисоблашмаса, бундай ходим эртами ёки кечми ўзини хароб килади. Большевистик раҳбарликнинг кучи ва енгилмаслиги унинг омма билан чамбарчас боғликлигидадир. Бинобарин, — ҳар бир коммунист, ҳар бир раҳбар ходимнинг кучи ва обрўэътибори ҳам шундадир» (ў ш а ж о й д а, 184-бет). Афсуски, Ўзбекистонда юз берган маълум негатив ҳодисалар — республиканинг собик раҳбарлари мана шу ҳакикатни ҳам унутиб кўйганликлари натижасидир.

Фильмда раҳбарнинг партия ва халк олдидаги масъулияти темаси курилиш участкаларидан бири бошлиғи билан боғлик эпизодда яхши кўрсатилган, унинг айби билан ишчилар канал трассасидан оғишга йўл кўядилар. Бу хатони тузатса бўладигандек. Лекин У. Ю. Юсупов ҳар галгидай ўз сўзида каттик туради, принципиаллик кўрсатади. «Гап факат километрлару тупрок кубометрларидагина эмас, — деб тушунтиради у. — Гап шундаки, сиз раҳбарга бўладиган ишончга путур етказдингиз. Бориб, одамларга ҳак гапни айтинг. Агар одамлар кечиришса, майли, ишингизни давом эттиринг. Кечиришмаса — участкани топширасиз». Бу вокеа фожиали тугайди: тонг саҳарда участка бошлиғи ўзини ўзи ўлдирганини хабар килишади. Шафкатсиз максимализм, баъзида эса ўша даврнинг аччик реаллиги ҳам мана шунда бўлиб, картина ижодкорлари ўша аччик реал ҳаётни бутун динамизми ва драматизми билан акс эттиришга ҳаракат килишган.

Фильмнинг яна бир моментини алоҳида таъкидлаш керакки, зеро у У. Ю. Юсуповнинг ҳар кандай тўраликка, нопокликка ва масъулиятсизликка токат килолмаслигини характерлайди. У районлардан бирининг раҳбарлари айни иш кизиган пайтда маншатга муккасидан кетгани устидан чикиб колади. Марказкомнинг биринчи секретари дарғазаб, у кайфлари ошиб колган улфатларнинг роса адабини бериб, шахсан ўзи ҳаммасининг партия билетини тортиб олади. Довдираб колган район ижроия комитети раисининг: «Бу нима килганингиз, ўрток Юсупов, нима, мен душманманми?», — деган саволига Усмон ака ғазаб билан: «Йўк, сен душман эмассан! Сен душмандан ҳам баттарсан! Душман кўлида куроли билан очикчасига жанг килади. Сен эса ўзимизники бўлиб кўринишга уринасан. Шунинг учун ҳам душмандан баттарсан!» — дея жавоб беради.

Гарчи эмоционал ҳолатлар сал меъёридан ошиб кетган бўлса ҳам, бош каҳрамоннинг бу ҳаракатлари ва жуда сермаъно сўзларида биз бугунги кунда иш билан сўз бирлиги, раҳбар бўлиш ҳукуки деб атаётган нарсага принципиал муносабат акс этган. Албатта раҳбарга кўп ҳукук берилган, лекин ундан шунга яраша талаб ҳам килинади. Чунки партия кишилар такдири ва бахт-саодатини ишониб топшириб кўйган шахсга кўп нарса боғлик. Лекин энг юксак принциплар ҳам ҳаётдан, кундалик практикадан узоклашгани сайин курук, бемаъни, ҳеч кимни ҳеч нимага мажбур этмайдиган демагогик ибораларга айланиб бораверади. Конкрет амалий иш ва ҳаракатлар билан мустаҳкамланмаган сўзлар шундай курук сўзлигича колаверади, якин ўтмишда республикамизда худди шундай ҳолат юз берган эди.

У. Ю. Юсуповнинг ўзи ишчан одам эди, бошкалардан ҳам ишчанликни талаб киларди. Шу муносабат билан бутун картина мазмунига сингдириб юборилган мавзу жиддий сабок вазифасини ўтайди. Бу фильмнинг бош каҳрамони одамларни кариндош-уруғчилик ёки бошка алокаларига караб эмас, балки уларнинг кобилияти ва ишга муносабатига караб кадрларди деган фикрдир. Ўз кўл остидаги одамларнинг норозилигига сабаб бўлган укасига нисбатан бош каҳрамоннинг ўта танкидий муносабати мисолида бу яхши кўрсатиб берилган.

У. Ю. Юсупов Улуғ Ватан уруши йилла-

онда ҳам чинакам ватанпарвар-интернационалист сифатида кўрсатилган эпизодлар фильм ижодкорларининг шубҳасиз ютуғидир. Ўша йиллари Ўзбекистон партия ташкилотининг юқори лавозимларини ва Давлат Мудофаа Комитети мухтор вакили лавозимини эгаллаб турган У. Ю. Юсупов ишчилар, колхозчилар ва зиёлиларни фронт учун фидокорона меҳнат қилишга, қўшимча ресурсларни излаб топишга ҳормай-толмай уюштиради, душман вақтинча ишғол қилган территориялардан кўчириб келтирилган ўн минглаб одамларни, саноат корхоналарини, илмий, маданий муассасаларни қабул қилиб олиш ва жойлаштириш борасида жуда катта ишларни амалга оширади.

Мазкур фильм тўғрисида яна кўп гапларни айтиш мумкин, зеро у кишида бугунги кунга ҳамоҳанг ажойиб фикр-мулоҳазалар уйғотади. Шунинг учун ҳам фильм авторларининг уни намойиш қилиш олдидан ҳаяжонланганликларини тушуниш мумкин эди. Ахир ветеранлар, Усмон Юсупович Юсуповнинг бевосита раҳбарлиги остида ишлаган кишилар баҳоси аслида улар ижодий куч-ғайратларининг мезони, ҳаётий ва бадиий ҳақиқат имтиҳони вазифасини бажаради. Фильм бу имтиҳондан муносиб ўтди. Картина режиссерининг У. Ю. Юсуповнинг ўғли — Ўлмас Юсупов билан олиб борган юксак профессионал иши кишини ҳайратда қолдиради. Актерлик касбига мутлақо алоқаси бўлмаган Ўлмас Юсуповни отаси ролини ижро этишга таклиф қилиш дадил ва маълум маънода қалтис қадам эди. Ахир, У. Ю. Юсуповдек фавкулодда бир шахс образини бадиий асарда гавдалантириш ҳатто тажрибали артист учун ҳам ниҳоятда оғир вазифа ҳисобланади. Лекин Ўлмас Юсупов бу вазифани қойилмақом қилиб уддалаган. У гўё роль ўйнамайди, балки экранда ўз отасининг ҳаёти билан яшайди. Бу ерда гап уларнинг бир-бирига жуда ўхшашлигида ҳам эмас. Муваффақият омиллари — бу бош қаҳрамон шахси моҳиятига чуқур кириб борилганида, фильмнинг ижодий группаси, биринчи навбатда режиссёрнинг самимийлигида, қатъий ишончи ва бадиий ҳалоллиги, юксак гражданлик позицияси, катта давр ва жуда кўп персонажларни ўз ичига олган воқеаларни ҳаққоний тасвирлаганларидадир.

Усмон Юсупович Юсупов ҳаёти ва фаолияти катта кўп серияли асар учун бой материал беради. Лекин икки серияли фильм имкониятлари доирасида ҳам картина авторлари экранда толмас курашчи инсон, янги ҳаёт қурувчисининг оташин ёркин образини кўрсатиб бера олишган.

Картина ижодкорларининг ютуғи шундаки, ўттиз-қирқ йил бурунги воқеалар тўғрисида ҳикоя қилувчи фильм бугунги кун вазифалари ва проблемалари ҳақидаги фикр-мулоҳазалар сифатида қабул қилинади. Табиийки, профессионал кинематографчилар ва кинотанқидчилар фильм ижодий группасининг ишидан камчиликлар, масалан, айрим эпизодларнинг чўзилиб кетганлиги, ёки аксинча, бошқа бирларининг юзаки ишланганлиги сингари нуқсонларни топишлари мумкин. Бундан ташқари, айрим ролларга танланган актерлар хусусида баҳслашиш, У. Ю. Юсупов биографиясидан кўп муҳим моментларнинг (масалан, унинг пахта териш техникасини яратиш, механизациялаш ва пахтачилик ишидаги бошқа илғор методлар учун олиб борган актив кураши) фильмга кирмай қолганидан афсусланиш мумкин.

Лекин шуни таъкидлаб ўтмоқчимизки, совет санъати партия ва халқ ишига чексиз содиқ, софдил, пок кишилар образини ҳаётда бўлган нарсаларнинг ҳаммасини бўямай-нетмай, силлиқламай, айниқса ҳеч нимани ўйлаб топмай, давр ва шахснинг ўзига хос бўлган барча зиддиятлари билан ёрқин ва тўлақонли қилиб кўрсатиб бериши керак. Ўзбекистон кинематографчиларининг сўнгги йиллардаги иш тажрибаси шуни кўрсатдики, ҳам фильмлар ҳажми, ҳам конкрет шахслар хизматини кўрсатишда асоссиз ўта улуғворлик кетидан қувиш, ўзи аслида анча бой, янада зиддиятли, энг муҳими ҳар қандай тўқимадан табиийроқ бўлган тарихий материалдан ўз билганича эркин фойдаланиш бадиий асарнинг ясама, сохта чиқишига ёки энг ёмони — ҳақиқат чала-чулпа акс эттирилишига олиб келади. Биз шунга амин бўлдикки, бундай асар ҳаётий материални яхши билган, кино санъатининг қадрига етувчи асл мухлисларда салбий реакция уйғотиши мумкин.

Ёш авлод тарих қаҳрамонларини, шу жумладан машҳур шахсларни улар аслида қандай бўлсалар шундайлигича, яъни барча фазилат-у, камчиликлари билан кўришлари ва билишлари керак. Зеро, худди ана шу ёшлар олдида катта авлод тажрибасидан фойдаланиб, коммунизм қурилиши ишини давом эттириш, Ватанимиз шон-шуҳратини яна ошириш вазифаси турибди. Шу маънода «Ҳаёт мазмуни» фильми юксак ҳақиқат, ҳалоллик ва самимийлик намунаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Яна шу нарсани таъкидлаб ўтмоқчи эдимки, У. Ю. Юсуповнинг бой тажрибасини ўрганиш ва пропаганда қилиш юзасидан республикада кам иш қилинмоқда. Ҳолбуки у айниқса йўл қўйилган нуқсон ва камчиликларни бартараф этишда ҳозир жуда асқотган бўларди. Менинг фикримча, ҳамма даражадаги партия, совет, хўжалик кадрлари ўқитиладиган барча жойларда бу масалага докладлар ва семинар машғулотлари бағишланиши, шунингдек адабиёт ва санъатнинг бошқа жанрларида ҳам асарлар яратилиши керак. Буни томошабин фильмни кўргач, ўзи учун чиқарадиган яна бир сабоқ

ҳам тақозо этадики, бу энг масъулиятли тарихий моментларда раҳбар учун зарур бўлган мардонаворлик, жасорат кўрсатиш сабоғидир. Фильмда шундай эпизод бор: У. Ю. Юсупов 1941 йилнинг қишида давлат планига зид равишда суғориладиган ернинг бир қисмига чигит ўрнига дон экиш тўғрисидаги дадил қарорга келади, кўчириб келтирилган аҳолини, душман устидан қозониладиган Ғалаба йўлида фидокорона меҳнат қилаётган халқни боқиш учун шундай қилиш керак эди. У буни Й. Охунбобоевга: «Мен оч одамларга қарай олмайман...» деб тушунтираркан, биз унинг сўзларини чиройли, дабдабали сўзлар ўрнида қабул қилмаймиз. Бу сўзларда унинг бутун ҳаёт мазмуни, халқ бахт-саодати йўлида қилган барча хизматлари мазмуни мужассамдир.

Юксак иззат-икром ҳақида, у ёки бу иш учун, гарчи у тўғри бўлса ҳам, қаттиқ жазолашлари мумкинлиги тўғрисида ўйламасдан, фақат халқ учун яшаш ва ижод қилиш — ўзбек халқининг содиқ, асл фарзанди, Буюк Октябрь ишига фидокорона хизмат қилган, ниҳоятда пок ва ҳалол большевик У. Ю. Юсупов ўз ҳаётининг мазмунини ана шунда деб биларди.

Р. ҒУЛОМОВ,
Ўзбекистон ССР уруш ва меҳнат ветеранлари Советининг раиси,
СССР кинематографистлар союзининг аъзоси.

ЭРИШИЛГАН МУВАФФАҚИЯТЛАРНИ ОБЪЕКТИВ БАҲОЛАЙЛИК

«Экономика и жизнь» журналида эълон қилинган бир мақола хусусида

ТАРИХНИ совет жамияти ривожининг ҳозирги проблемалари билан боғлиқ ҳолда ҳаққоний ёритиш — жамиятимизда амалга оширилаётган қайта қуриш, демократиялаштириш ва ошкораликнинг энг муҳим йўналишларидан биридир. КПСС фактлар ва воқеа-ҳодисаларни объектив баҳолашни, социализм қурган авлодлар меҳнатига беҳурматликка қатъий чек қўйишни талаб қилмоқда. Бунга эса фақат ҳақиқатни юзага чиқаришнинг сўзсиз шарти бўлган мунозара маданиятини ошириш орқалигина эришиш мумкин.

Жамиятимизнинг ҳамма томонларини қайта қуриш мазмунан революцион руҳга эга бўлиб, у социализм доирасида, унинг негизида ва уни тараққий эттира боришни кўзлаб олиб борилмоқда. Азалдан амал қилиб келинган қоидаларни назарий жиҳатдан қайта мушоҳада қилишда айни шу нарсани ҳисобга олиш лозим. Ўтмишни тўғри тушуниш учун тадқиқ этилаётган воқеа кечган шарт-шароитларни яхши билиш керак. Тарих сабоқларини фақат бугунги кун нуқтаи назаридан келиб чиқиб аниқлашга уриниш нотўғри хулосаларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам эришилган муваффақиятлар устига чизиқ тортиб қўя қолмасдан, уларни бутун тўлалигича ва ҳаққоний баҳолаш лозим.

Афсуски, баъзи матбуот органлари, журналистлар, олимлар бу принципга ҳар доим ҳам амал қилавермайдилар. И. Лопатиннинг «Ерга битта киши хўжайин» сарлавҳали кичкинагина мақоласи бунга мисол бўла олади, унда Совет ҳокимиятининг дастлабки кунларидан то ҳозирги давргача ердан фойдаланишда амал қилиб келинган принциплар тўғрисида ҳикоя қилинади.

Энг аввало ундаги далил-исботсиз танқид, хусусан муаллифнинг «қалбаки хўжатлар билан давлат хазинасини талаш осон бўлганлигидан маҳсулот ўрнини босиб, ўзига кетган маблағни қоплашга ҳам, ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ҳам ҳожат қолдирмаган» (62-бет) товарсиз квитанциялар тўғрисидаги фикри кўзга ташланади. Шу ўринда таъкидланишича, «бу кечаги эмас, бугунги кун бўлганлигидан ҳам хўжалик ҳисоби, пудрат ҳамда демократизмга, коллективизмга, хўжалик юритишнинг шахсий манфаатдорлик ва масъулиятга асосланган бошқа прогрессив формалари жуда қийинчилик билан жорий этилмоқда» (ў ш а ж о й д а). Ўйлаймизки, прогрессив методлар чиндан ҳам катта қийинчиликлар билан жорий этилаётган хўжаликларни ёппасига қаттиқ қоралашга асос йўқ.

Ўзбекистонда ҳақиқатан ҳам ҳар хил нохушликлар кенг кўламларда рўй берди. Улар ҳозир ҳам йўқ эмас. Бироқ бу мақола муаллифлариникига ўхшаган хулосалар чиқаришга тўлиқ асос бўла олмайди. Тўғри, коллектив пудрат ҳали меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг ҳал этувчи методи бўлганича йўқ. Лекин буни «давлат хазинасини талаш»га бўлган интилиш деб тушунтириш ярамайди. Масалан, то КПСС XXVII съездигача экономистлар оилавий пудратни сал бўлмаса ижтимоий тузумимизга зарар етказувчи, социализм принципларига зид нарса сифатида идрок

этиб келдилар. Бунда, масалан, экономика фанининг анча айби борки, у меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг ўзини оқлаган прогрессив формаларини жиддий ўрганиш ўрнига ўз пайтида асоссиз шов-шувларга сабаб бўлган «Тошкент технологияси» сингари сохта «янгиликларга» кўп эътибор берган.

Ҳозир бу илғор методлар аста-секинлик билан бўлса ҳам қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг турли соҳаларида жорий этилаётир. Шуни назарда тутиш кераки, коллектив пудрат — хўжалик юритиш практикасида нисбатан янги ҳодиса бўлиб, унга бугунги кунда, қайта қуриш шароитида ҳам энг аввало стереотип фикрлашни енгиб ўтиб, кишилар онгида ўзига йўл очишга тўғри келяпти. Психологик жиҳатдан бир-бирига мослик коллектив пудратнинг энг муҳим жиҳати эканлигини ҳисобга олиб, бригада (звено)ни қандай ташкил этиш, у ёки бу қишлоқ хўжалик экинини етиштиришнинг специфкасини қандай қилиб ҳисобга олса бўлади, битта ходимга мўлжалланган ер майдонининг нормаси қанча ва шу сингари саволларга фан ҳам ҳали аниқ жавоб берганича йўқ. Бу ўринда ҳозир хўжалик ҳисобида ишлаб турган бригада ва звеноларнинг конкрет тажрибасини ҳам четлаб ўтиб бўлмайди, афсуски мазкур тажриба ҳар доим ҳам ҳисобга олинавермайди. Тақриз этилаётган мақолада тилга олинган омиллар эмас, балки худди шу объектив ва субъектив сабаблар қишлоқ хўжалигида меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг коллектив формаларини кенг жорий этишга монелик қилиб келмоқда.

Кейинги йилларда назарияда ҳам, практикада ҳам колхозлар ва совхозларга хос бўлган муштарак жиҳатларга асосий эътибор бериладиган бўлди. Уларнинг истиқболдаги ривожланишини назарда тутадиган бўлсак, бу бирмунча тушунарлидир. Бироқ социализмда ижтимоий мулк икки хил формада: умумхалқ (давлат) ва колхоз-кооператив мулки формасида амал қилишини унутмаслик керак. Ўхшашлигига қарамасдан икки хил хўжалик формаси бўлган совхозлар билан колхозларнинг фарқи ҳам шундадир.

Мақола муаллифи Наманган районида ўн бир колхоздан тўққизтаси уч йилдан бери ўзини ўзи маблағ билан таъминлаб келаётгани ҳолда Тошкент областида тажриба тариқасида атиги иккита колхозни ана шундай метод асосида ишлашга ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганини билиб «ҳайратда қолади». «Қачондан бери колхозлар махсус қарор билан ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказиладиган бўлди?» — деган савол туғилади.

Давлат корхоналарига нисбатангина тўлиқ хўжалик ҳисоби, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш тўғрисида гап юритиш мумкинки, объектив ва субъектив сабабларга кўра улар кўпдан бери бюджет орқали ва дотация бериш йўли билан маблағ билан таъминланиб келинарди. 1988 йилнинг 1 январидан амал қила бошлайдиган тегишли қонун ҳам айни шу давлат корхоналари ва бирлашмаларига тааллуқлидир. Колхозларга келсак, улар колхоз-кооператив мулкининг табиатига кўра барпо бўлган кунлариданоқ ўзини ўзи маблағ билан таъминлайдиган хўжалик бирликлари ҳисобланишади. Уларнинг давлатдан ҳар хил ссудалар олиб туришлари ҳам, шу ссудалар юзасидан қарзлари шу даврга қадар мунтазам равишда кечириб келинганлиги ҳам бу қоидани ўзгартира олмайди. Колхозларда меҳнат ҳақи, кенгайтирилган ишлаб чиқариш, социал-маданий ривожланиш фондларини яратиш уларнинг аъзолари ишлаб топган даромад ҳисобидан амалга оширилиши шубҳа уйғотиши мумкинми, ахир? Шундай экан, колхозларни ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказишдан нима ҳожат, қачонки улар иқтисодий, ишлаб чиқариш ва социал ҳаётининг ўзи ўша негизга қурилган бўлса.

Колхозларда ўзини ўзи бошқаришни жорий этиш тўғрисида гапириш ҳам асоссиздир, чунки хўжаликнинг кооператив характери коллектив ўз ҳаётига оид барча масалаларни ҳал этишда кенг иштирок қилишини тақозо этади. Практикада бу муҳим ҳолат кўп ҳолларда ҳисобга олинмаганлиги: давлат билан колхоз ўртасидаги иқтисодий муносабатлар ҳар доим ҳам етарли даражада қулай бўлиб, меҳнаткашларга яхшироқ хўжалик юритиш учун кенг имкониятлар беравермаганлиги бошқа масала.

Колхозлар экономикаси мамлакат экономикасининг таркибий қисми ва кўп жиҳатдан унга боғлиқ эканлигини унутмаслик керак. Шунинг учун давлат уларнинг ривожланишидан манфаатдор: у қишлоқ учун, жумладан колхозлар манфаатини кўзлаб кўплаб маблағлар ажратади, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархларини мунтазам равишда ошириб боради. Бироқ эндиликда бу камлик қилади: планли равишда фойдаланиладиган товар-пул муносабатлари доираси анча кенгайганлиги давлат билан колхоз ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг жиҳатларини бошқача ҳал этишни талаб қилмоқда. Уларга пландан ташқари маҳсулотни, шунингдек план бўйича етиштириладиган сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари, мева, резавор маҳсулотлар ва узумнинг 30 процентгача миқдорини шартлашиб белгиланган нархларда сотиш ҳуқуқи берилганлигини, қатъий харид плани ва пландан ташқари сотилган маҳсулот учун тегишли рағбатлантириш жорий этилганлиги ана шундай қарорлар жумласига

киради. Бу колхозларга жамият манфаатлари йўлида ўз имкониятлари ҳамда хусусиятларидан, жумладан ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўзини ўзи бошқариш принципларидан тўлиқроқ фойдаланиш имконини беради.

Ҳар бир иқтисодий категория реал мавжуд бўлган муносабатларнинг муайян мазмунини ифодалайди. И. Лопатин эса тушунча — бу субъектив фаолият натижаси, деган ақидадан келиб чиқади. Оддий ва тушунарли бўлган «Ер — деҳқонларга» деган ленинча шиор бюрократизмга тўсиқ бўлиб қолганлигидан «Ер — умумхалқ мулки» деган жарангдор, лекин анча мужмал шиор билан алмаштирилди, деб ёзади муаллиф (61-бетга қаралсин). Бу далил-исботсиз, аниқроғи — хато айтилган фикрдир.

Аслида қандай бўлган эди? Ер тўғрисидаги декрет ерга помешчиклар мулкчилигини тугатиб, уни умумхалқ мулкига айлантирди. Шуниси диққатга сазоворки, Ер тўғрисидаги декретнинг таркибий элементи бўлган «Деҳқон наказн»да ерга хусусий мулкчилик мангуга бекор қилинади, ер сотилиши ҳам, сотиб олиниши ҳам, ижарага берилиши ҳам, бошқа бирор йўл билан бегоналаштирилиши ҳам мумкин эмас, дейилади (ерни ижарага беришга деҳқонларнинг ўзлари қарши чиққанлигини қайд этиш лозим). Деҳқон «оллотаолонинг ери», «эгасиз ер» деган тушунчаларда ерга доир шу қадар чалкашиб кетган муносабатларни, помешчиклар зулми, кам ерлик ва ерсизлик шароитидаги ерга мулкчиликнинг ва ердан фойдаланишнинг кўплаб формаларини батамом тугатишдан иборат ўз орзусини мужассам этган эди. Бироқ деҳқон хусусий мулкчиликнинг ҳар қандай формасига қарши чиқиб ва ерни ижтимоий мулкка айлантиришни қўллаб-қувватлар экан, бу билан у ерда ўзи хўжалик юритишни ёқлаб чиқарди. Бошқача қилиб айтганда, у хусусий мулкчиликка асосланган ер эгалиги монополиясини инкор қилиб, ерда хўжалик юритиш монополиясини жорий этиш тарафдори эди.

Аслида «Ер — деҳқонларга» шиори ер ҳақиқатан унда ишлайдиган кишилар мулки бўлиши керак, деган қоидага асосланарди. У «Ер — умумхалқ мулки» шиорига зид эмас. Проблеманинг моҳияти уларни бир-бирига қарама-қарши қўйишда, бирини иккинчиси билан алмаштиришда эмас (зеро уларнинг ҳар бири ўзгача мазмунни англатади), балки деҳқонда ишлаб чиқаришга хўжайинлик туйғусини шакллантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилмаганлигидадир. Бинобарин, ердан самарали фойдаланилмаслигига сабаб унинг умумхалқ мулкига айланганлигида эмас. Деҳқон ўзини ернинг ҳақиқий хўжайини деб ҳис қилиб, ерни шунга мувофиқ тасарруф қила олсагина кутилган натижага эришиш мумкин.

Буларнинг ҳаммаси мулкчилик субъекти билан хўжалик юритиш субъектини фарқ қилиш лозимлигини яна бир бор кўрсатиб турибди. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладида бу қайта таъкидлаб ўтилди. Хўжайинлик туйғусини фақат сўз билан тарбиялаб бўлмайди. Меҳнат кишиси шундай бир реал шароитга қўйилиши керакки, токи у ишлаб чиқаришни ташкил этишга, ўз иши натижалари тақсимланишига ва улардан фойдаланишига ҳақиқий таъсир кўрсата олсин. Бундай шароит йўқлиги ижтимоий мулкнинг гўё «эгасиз» бир нарса сифатида қабул қилинишига олиб келдики, бу кўпгина салбий оқибатларни келтириб чиқарди.

Янги иқтисодий механизм колхозларнинг самарали хўжалик юритиш имкониятларини кенгайтиради, Ленинннинг озиқ-овқат солиғи тўғрисидаги ғоясини ҳозирги шароитларга татбиқан ривожлантиради. Гап фақат ана шу имкониятлардан фойдаланишда — ерда тадбиркорлик билан, иқтисодий билимдонлик ва ташаббус билан меҳнат қилиш ва хўжалик юритишда қолди. Ер эса умумхалқ мулки бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади. Меҳнат ва ер — халқ бойлигининг икки манбаидир.

Мақола муаллифи коллективлаштириш йилларида ердан фойдаланишнинг ижарага беришдек формаси тақиқланганлигини танқидий баҳолайди. Мазкур масалада ҳам у хато позицияда турибди. Маълумки, аграр реформа ернинг баравар тақсимланишидан келиб чиқди. Масалан, шундай ҳоллар ҳам бўлдики, империалистик ва гражданлар уруши даврида айрим хўжаликлар оила бошчиси ёки унинг бошқа меҳнатга яроқли бирор аъзоси бўлмаганлигидан ўзига ажратилган ерга тўлиқ ишлов бера олмай қолди. Шунинг учун РСФСРнинг 1922 йилда чиқарилган Ер Кодекси ерни ижарага беришга рухсат этди, бу билан ана шу оилаларнинг ўз рўзғорини тебратишларига имкон берди. 1928 йилда «Ердан фойдаланиш ва ер қурилишининг умумий қоидалари» қабул қилиндики, улар фақат давлат мулки бўлган ерни национализация қилиш СССРда ер қурилишининг асосини ташкил этишидан келиб чиқиб тузилган эди (ҳозир амал қилаётган СССР Конституциясида ҳам ана шу қоида мустаҳкамлаб қўйилган). «Умумий қоидалар» шунингдек ерни ижарага бериш муносабатларини ҳам тартибга солиб турди.

1930 йилнинг 1 февралида МИК ва СССР ХКС қарорига биноан ёппасига коллективлаштирилган районларда ерни ижарага беришга ва якка деҳқон хўжаликларида ёлланма меҳнатдан фойдаланишга чек қўйилди. Бунда колхозга кирувчи деҳқонлар биргаликда хўжалик юритишлари ҳисобга олинди. Шундай бир пайтда эндигина ташкил топган колхоз ерни ҳатто ўз аъзоларига

га ижарага бера олармиди? Бу ўша шароитларда хўжаликларни коллективлаштириш асосида мустаҳкамлаш вазифаларига хизмат қилармиди? Йўқ, бу мамлакатимизда социализм қурилишининг объектив қонунларига зид келган бўларди. Коллективлаштириш даврида энг аввало ердан биргаликда фойдаланиш ва хўжаликни биргаликда юритишнинг афзаллигини амалда исботлаш лозим эди. Ерни ижарага бериш эса жиддий равишда ортга қайтиш бўлиб, колхоз тузумини мустаҳкамлашга ёрдам бермасди. Шундай экан, мамлакатимизнинг айрим регионларида мавжуд бўлган ерни ижарага беришнинг ҳозирги практикасини қандай изоҳлаш мумкин? Бунга жавоб фақат битта бўлиши мумкин: бир тарихий шароитда қўл келган нарса, бошқа шароитларда катта зарар етказиши мумкин.

И. Лопатин «ночор меҳнат куни» тўғрисида киноя билан гапиради (62-бетга қаралсин). Бу ноўриндир, чунки меҳнат куни колхозларнинг оёққа туриши ва ривожланишида ижобий ва жуда зарур роль ўйнади. Биз тажрибага эга эмасдик, шу боисдан дастлабки даврда коллектив хўжаликларда меҳнатга пул билан ҳақ тўлаш кенг ёйилди. Кўп ҳолларда улар колхозчиларга иш ҳақи бериш учун ўша пайтда ўзлари учун шу қадар зарур бўлган ишлаб чиқариш воситаларини сотишга мажбур бўлардиларки, бу албатта хўжаликларнинг иқтисодий пойдеворига путур етказарди. Шунинг учун 1928 йилда меҳнат куни сарфланган меҳнатни ва унга тўланадиган ҳақни ўлчаш бирлиги сифатида тавсия этилди.

Меҳнат куни — мулкнинг колхоз-кооператив формаси маҳсулидир. Унинг афзаллиги шунда эдики, у меҳнат билан пировард натижа ўртасида мустаҳкам алоқа бўлишини таъминлади. Бир меҳнат кунига тўланадиган ҳақнинг тўлиқ ҳажмини олдиндан белгилаб бўлмасди, чунки бу давлатга бериладиган барча тўловлардан, колхоз фондларини барпо қилиш ва тўлдиришдан кейин тақсимланишга қоладиган пулга боғлиқ бўларди. Натижада аванс тўлаш системаси қўллана бошланди. Бироқ меҳнат кунининг «салмоғи» фақат колхоз экономикасигагина боғлиқ эмасди. Колхоз секторининг катта аҳамиятидан қатъи назар, мамлакат экономикасида умумхалқ ишлаб чиқариши етакчи роль ўйнаб келди ва ўйнамоқда. Шунинг учун ҳам зарур иқтисодий шарт-шароитлар яратилгандан ва колхозлар олаётган даромадларни тақсимлаш илмий асосга қўйилганидан кейингина меҳнат кунидан воз кечиб, колхозчилар меҳнатига гарантияланган пул тўлаб туришга ўтиш имконияти туғилди. Бу 1966 йилдан бошлаб амалга оширила бошланди.

Сўзимиз охирида яна бир масала хусусида тўхталмоқчимиз. И. Лопатин мақоласида ўзининг 27 йиллик фаолияти давомида тўртинчи хўжаликни оёққа турғизган «профессионал раис» тўғрисида ҳурмат билан гапирилади (63-бетга қаралсин). У 1985 йилдан бери Наманган районидаги Ф. Э. Дзержинский номли колхозга бошчилик қилади. Мақола муаллифининг ёзишича, колхоз етакчисининг ташкилотчилик қобилиятини яхши билган район партия комитетининг биринчи секретари ва РАПО раиси уни бутунлай ўз майлига қўйиб қўйишди. Бу хусусда батафсил тўхталиб ўтирмайлик. Бу ерда гап бошқа ёқда, гап шундаки, кўпинча у ёки бу хўжаликни ривожлантириш проблемасини тубдан ҳал этиш масаласини фақат унга керакли раҳбарни излаб топишдан иборат қилиб қўйишади.

Албатта социалистик омилкорлик ва ташаббус — ҳар доим ардоқланиб келинган ва коллектив фаолиятининг самараси кўп жиҳатдан раҳбарга боғлиқ бўлган ҳозирги шароитда айниқса қимматли фазилатлардир. Бироқ барча ютуқлар ва муваффақиятсизликларни фақат раҳбар шахси билан боғлаб қўйишдан иборат юзаки ва кўп жиҳатдан зарарли ёндашувдан, кишиларни социал пассивликка, коллективдаги ва умуман жамиятдаги ишлар аҳволи учун масъулиятсизликка олиб келадиган ёндашувдан воз кечиш пайти келмадимикан? Кўпинча шундай фикр юритилади: хўжалик ночор аҳволдами, демак раҳбар жойида эмас; бошқа бир тадбиркор раҳбар келса, ишлар юришиб кетади: пул десанг банкда, планлар оширилиб бажарилган, колхоз подасидаги моллар семизликдан ўзини кўтара олмайди. Айрим мансабдор кишиларнинг оддий меҳнаткашлар иштирокисиз қарорлар қабул қилиб, уларни фақат тилсиз ижрочилар деб қарашларининг сабаби шу ерда эмасмикин? Меҳнат коллективининг, ундаги жамоат ташкилотларининг фикри қаерда, ахир? Ҳолбуки қайта қуришнинг муваффақияти бу тарихий процессда ҳар бир меҳнатчи қай даражада иштирок этишига ва унинг активлигига боғлиқ. Ўзини ўзи бошқариш — колхоз-кооператив мулки имкониятларини муваффақиятли рўёбга чиқаришнинг ҳам ҳал қилувчи шартидир. Буни ҳамиша эсда тутиш ва фаол амалга ошира бориш лозим. Ҳақиқий революцион давримизнинг талаби шундан иборат.

Бу социал-иқтисодий процессларнинг бари ва тарихда бўлиб ўтган барча воқеалар матбуотда, фанда объектив баҳосини олиши керак.

Г. СЕВЛИКЯНЦ,
экономика фанлари доктори.

ЖУРНАЛДА БОСИЛГАН МАТЕРИАЛЛАРИМИЗ ИЗИДАН

Республиканинг ҳамда Ўрта Осиё регионининг ишлаб чиқариш-иқтисодий ва соци... соҳаларига Ўзбекистон ССР пойтахти Тошкент кўрсатаётган хилма-хил таъсир шаҳарни... узоқ муддат давомида ривожланишини прогнозлашнинг ва унинг бош планини амал... оширишнинг муҳим омилларидан бири бўлиб қолмоқда. М. Лифановскаянинг «Ўзбекисто... коммунисти» журналида (1986 йил, 10-сон) босилган «Тошкентнинг бош планини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдаги муҳим масалалар» сарлавҳали мақоласида бу иш соҳасида тўпланиб қолган проблемалар кўтарилган эди. Редакция мақола эълон қилинганидан сўнг ўтган вақт ичида мазкур проблемаларни ҳал этишга бевосита алоқадор бўлган муассасалар раҳбарларидан бир неча жавоб хатлари олди.

Ўзбекистон ССР Госплани раисининг ўринбосари И. В. Чиргадзенинг ёзишича мақолада шаҳарни ривожлантиришнинг энг муҳим проблемалари акс эттирилган.

Йўл қўйилган салбий ҳодисалар, нуқсонлар ва хатолар натижасида, қатор иттифоқ министрликлари ва ўзбошимчалик билан қабул қилинган қарорлар таъсирида, Тошкент шаҳар ва область ижрокомларининг ножўя ишларга бепарволик билан қарашлари оқибатида шаҳардаги ва шаҳар атрофидаги ерлардан назоратсиз фойдаланилди, шаҳар бош плани бузилди, саноат ишлаб чиқариши жадал суръатлар билан бир жойга тўплан... борди, дам олиш зонасида — Чирчиқ дарёси воҳасида химиявий ва бошқа корхоналар жойлаштирилди, дам олиш зонаси учун мўлжалланган территориялар экстенсив тарзда ривожланаётган саноат ишлаб чиқариши учун ажратилдики, бунинг натижасида атроф муҳитнинг ифлосланиши табиий комплекснинг меъёрга оид ҳажмидан ошиб кетди. Тошкент воҳасининг демографик сиғими ҳозирги вақтда нормадагига нисбатан икки баравар ошиб кетган, ҳар бир кишига тўғри келадиган яшил дарахтлар миқдори нормадагидан 4,4 марта кам, хизмат кўрсатишнинг ҳар хил турлари билан аҳолининг таъминланиши нормадагига нисбатан 11—70 процентни ташкил этади, инженерлик инфраструктураси ҳеч қайси кўрсаткич бўйича белгиланган даражага етмаган ва сифат жиҳатдан яхшиланмаган. Аҳолининг тураржой, социал, маданий-маиший, маориф ва соғлиқни сақлаш объектлари билан таъминланиши проблемалари кескинлашди.

Тошкентни социал-иқтисодий ривожлантиришдаги кўрсатилган қийинчиликлар тармоқларга оид, маҳкамачилик ёндашувининг яққол намоён бўлаётганлиги билан боғлиқдир. Тошкент шаҳар ва область ижрокомлари ўзларига берилган ҳуқуқлардан тўлалигича фойдаланмаяптилар, бош планлар эса ҳозирча иқтисодий ва социал ривожлантириш территориал планлари системасининг таркибий қисмига айланганича йўқ. Тошкентда экономикани, социал соҳани, шунингдек шаҳар экологиясини ривожлантириш проблемалари ғоят кескин бўлиб турганлигига қарамасдан бу ерда СССРнинг энг йирик шаҳарларидан фарқли равишда ана шу соҳаларни ривожлантиришни олис ва ўрта муддатлар давомида прогнозлаш юзасидан олиб борилган илмий тадқиқотлар эпизодик характерга эга бўлди. Масалан, 1984 йилда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Экономика институти томонидан Тошкент шаҳар ижрокомининг буюртмасига кўра Тошкентни социал ривожлантиришнинг йўналишларини асослаш юзасидан илмий-тадқиқотчилик ишланмалари амалга оширилган, ўн иккинчи беш йилликда Ўзбекистон ССР Госпланининг Экономика ва нормативлар илмий-тадқиқот институти ва унинг Ҳисоблаш маркази томонидан (оближроком буюртмасига кўра) Тошкент областини иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган йўналишларини асослашга доир шундай ишланмалар бажарилган, афсуски, буюртмачилар амалий ишда бу ишланмалардан лозим даражада фойдаланишмаяпти.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ССР Госплани Тошкентни ва Тошкент областини иқтисодий ва социал ривожлантиришни планлаштиришни такомиллаштириш учун куч-ғайратларини ишга солмоқда. Тошкент бош планининг техника-иқтисодий асосларини тузишга қаратилган комплекс илмий-тадқиқотчилик ишланмаларини ташкил этиш юзасидан чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳузуридаги ишлаб чиқарувчи кучларни ўрганиш Совети ва Экономика институти, республика Госпланининг Экономика ва нормативлар илмий-тадқиқот институти ва унинг Ҳисоблаш маркази ҳамда Тошкент Бош плани илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти ишлаб чиқаётган Тошкент ва Тошкент областини социал-иқтисодий ривожлантиришнинг 2010 йилгача бўлган даврга мўлжалланган концепцияси техника-иқтисодий асосларнинг таркибий қисми бўлиб қолади. Мазкур концепция Тошкент регионини ривожлантириш проблемаларининг комплекс тадқиқотларига асос солади, деб ўйлаймиз.

Тошкентда тураржой, социал, маданий-маиший ва коммунал хўжалиги объектларини, қурилиш, иссиқлик ва энергия билан таъминлашнинг ишлаб чиқариш базасини ва бошқа объектларни қуришни жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Компартияси МК ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан 1986—1990 йилларда Тошкентнинг шаҳар хўжалигини янада ривожлантиришга доир чора-тадбирлар белгиланди. Тошкентда корхоналари жойлашган министрлик ва идоралар юқорида кўрсатилган объектларни қуришда ўз ҳиссаси билан қатнашиш юзасидан топшириқлар олишди. Тегишли маблағлар бош буюртмачи бўлган Тошкент шаҳар ижрокомига ўтказилади. Тошкентни ривожлантиришга доир ишларнинг асосий ҳажмини бажариш Главташкентстройга юкланган. 1987 йилдан бошлаб микрорайонларни комплекс тарзда қуришни беш йилга мўлжалланган планлаштиришга ўтилади ва 1990 йилгача шаҳарда етишмаётган савдо, маиший хизмат, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш объектлари ва аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бошқа объектлар қурилиши асосан тугалланади. Шунингдек, Тошкент ерларини мелиоратив жиҳатдан яхшилаш, реконструкциялаш ва ободонлаштириш, инженерлик тармоқлари ва иншоотларини тегишли аҳволга келтиришга доир тадбирлар ҳам кўзда тутилган.

Ўзбекистон ССР Госпланининг Экономика ва нормативлар илмий-тадқиқот институти ва унинг Ҳисоблаш маркази республиканинг бошқа илмий ҳамда лойиҳалаш институтлари билан биргаликда Ўзбекистон ССРнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш ва жойлаштиришнинг 2005 йилгача бўлган даврга мўлжалланган схемасини ишлаб чиқишмоқда. Ҳозир уни ишлаб чиқишнинг иккинчи босқичи ниҳоясига етди, схема эса 1988 йилда учинчи босқич тугаллангандан сўнг тасдиқланади. Схеманинг «Ишлаб чиқарувчи кучларнинг жойлаштирилиши ва территориал ташкил қилиниши» бўлимида Тошкент шаҳри ва Тошкент областини иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг асосий йўналишлари шаҳар ва областнинг республиканинг ягона халқ хўжалик комплексидаги роли ва ўрнини ҳисобга олган ҳолда акс эттирилди.

Ўзбекистон ССР Госстройи раисининг биринчи ўринбосари В. Э. Сташис ўз жавобида мақолада баён этилган бош планни амалга оширишдаги камчиликлар ҳақидаги масала ниҳоятда актуал ва ҳар томонлама муҳокама қилинишга сазовордир, деб таъкидлайди. Иттифоқ ва республика ҳукуматларининг Ўзбекистоннинг йирик шаҳарларида, шу жумладан Тошкент территориясида ҳам янги саноат корхоналари қурилишига чек қўйиш тўғрисида бир неча марта қабул қилган қарорларига қарамасдан шу пайтгача ана шу кўрсатмаларни бузишга йўл қўйиб келинмоқда. Бундан ташқари, территорияни инженерлик жиҳатдан жиҳозлашни ва аҳолига хизмат кўрсатиш тармоғини ривожлантириш уй-жой қурилиши суръатларидан орқада қолмоқда.

Лекин мақола авторининг бу камчиликларнинг ҳаммасини фақат раҳбар органлар зиммасига юклашга уриниши нотўғри. Бош планни ишлаб чиқувчи ташкилот бўлган Тошкент Бош плани илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти мавжуд низомга мувофиқ корхоналар, тураржой бинолари ва бошқа иншоотларнинг рационал жойлаштирилишини, уларнинг ўзаро уйғунлигини ва инженерлик тармоқлари кооперациясини таъминлаши лозим. Қолаверса, районлар планлаштирилиши ва шаҳар бош планининг тасдиқланган лойиҳаларида қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш ҳам институтга юкланади. Бинобарин, мақолада баён қилинган камчиликлар учун масъулият бош лойиҳачи — Тошкент Бош плани илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти зиммасига ҳам юкланади.

Ҳозирги пайтда шаҳарнинг бош планига (ижрочи — Тошкент Бош плани илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти) доир ишлар сифатини ошириш мақсадида бу ишда ўз маблағлари билан ёки ижодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномаларга биноан қилувчи 30 та лойиҳа ва илмий-тадқиқотчилик ташкилотлари ана шу ишларни бажаришга жалб қилинган.

Бош планни техника-иқтисодий жиҳатдан асослаш ва Тошкент бош плани юзасидан бажарилаётган ишларнинг бориши Москвадан келган мутахассислар группаси томонидан кўриб чиқилди, улар қатор тавсия ва таклифлар билдиришди.

Тошкент шаҳар ижрокоми раисининг ўринбосари К. Н. Тўлаганов мақолада проблемаларнинг ёритилгани ва Тошкентнинг тасдиқланган бош планини ҳамда унинг шаҳар атрофидаги зонасини планлаштириш лойиҳасини амалга оширишда нуқсонлар мавжудлиги тўғрилигини тасдиқлаб, бундай аҳволга нафақат айрим мансабдор шахсларнинг компетенцияга эга бўлмаганлиги, шу билан бирга яқин вақтгача мавжуд бўлган соф тармоқларга оид планлаштириш системасининг ҳам сабаб бўлганлигини қайд қилади. Бундай система Тошкент шаҳар ижрокомининг план комиссияларига кўп жиҳатдан территорияни комплекс тарзда бошқаришга, айрим тармоқлар учун ажратилаётган маблағлардан рационал фойдаланишга имкон бермайди. Масалан, мураккаб экологик вазият ва атроф муҳитнинг аҳволи ҳозирда амал қилаётган бош планда баъзи бир алоҳида зарарли корхоналарнинг шаҳар ташқарисига чиқарилишини, айрим корхоналар, омборлар ва базаларнинг шаҳар ичкарисида бошқатдан жойлаштирилишини олдиндан белгилаб берди. Ўзбекистон ССР Госпланига бу мақсадлар учун маблағларни министрлик ва

идораларнинг социал-иқтисодий ривожланиш планларига уларни қўшиш йўли билан планлаштириш топширилган. Бош план реализациясининг анализи камдан-кам корхоналаргагина бундай маблағлар берилганлигини кўрсатади. Айрим тармоқлар бўйича атроф муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларига анчагина маблағлар ажратилади, лекин битта территориал орган томонидан назорат қилинадиган умумий программа билан боғлиқ бўлмаган бундай тадбирлар лозим самара келтирмайди.

Бош планда шаҳарда унга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган янги корхоналарнинг жойлаштирилиши қатъиян тақиқланади. Лекин шунга қарамасдан бош план тасдиқланганидан сўнг ҳам Тошкентда саноат объектлари қурилмоқда. Чирчиқ дарёсининг бўйларидаги аҳолининг дам олиши учун мўлжалланган давлат ўрмон ва ер фондларига қарашли майдонлар ана шу мақсадлар учун тақсимланган.

Гарчи Чирчиқ, Янгийўл, Келес сингари шаҳарлар ва Тошкент агломерациясининг марказий зонасига кирадиган посёлкаларни ривожлантиришни Тошкентни ривожлантириш билан уйғунлаштириш зарурлиги аллақачон ҳамма ҳужжатларда исботланган бўлса-да, лекин Тошкент шаҳар ижрокоми бу шаҳар ва посёлкаларнинг ривожланишини тартибга солиб туриш имкониятига эга эмас.

Совет Иттифоқининг энг йирик шаҳарларининг (Москва, Ленинград, Киев ва бошқалар) ижрокомлари қошида «Яшил минтақа» бошқармалари мавжуд, улар объектларни жойлаштириш, ривожланишни планлаштириш, эксплуатация қилиш ва бошқа функцияларни аниқ тартибга солиб турадилар. «Яшил минтақа»га кирадиган ҳамма аҳоли пунктлари шу шаҳарлар ижрокомларига бўйсунади. Тошкент ўз атрофида табиий яшил ер-мулкларга эга эмаслиги сабабли Тошкент шаҳар ижрокомига «Яшил минтақа» территориясида хўжалик юритиш системасини маъмурий тартибга солиб туриш ҳуқуқи берилиши лозим.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, республика Госпланининг бўлимлари, министрлик ва идоралар томонидан ишлаб чиқилаётган ҳеч бир перспектив ҳужжатда (ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштириш, узоқ муддатга мўлжалланган социал-иқтисодий ривожлантириш планлари, тармоқларга оид схемаларда) Тошкент шаҳри ва Тошкент области ягона территориал система сифатида ажратиб кўрсатилмайди. Ваҳоланки, мамлакатнинг бошқа районларида худди шундай қилинади. Биздаги бундай аҳвол беш йиллик ва бир йиллик планларда кўпгина кўрсаткичлар бўйича шаҳарни ривожлантириш микёсларини тўғри белгилашга имкон бермайди.

Шаҳарда иморатларни комплекс тарзда қуришни таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар Советининг 1987 йил 6 февралдаги қарорига биноан шаҳарда иморатларни комплекс тарзда қуришни ва бу қурилишлар учун майдончалар тайёрлашни координациялаш бошқармаси ташкил этилди. Ҳозир шаҳарда 1989—1990 йилларда ва ўн учинчи беш йилликда иморатларни комплекс тарзда қуриш лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Тошкент шаҳар Советининг ижрокоми КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш учун халқ депутатлари Советларининг ролини янада ошириш ва масъулиятини кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорига амал қилиб, шаҳар территориясида жойлашган министрлик ва идораларни жалб қилган ҳолда Тошкентни социал-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқди.

Тошкент шаҳар ижрокоми Бош архитектура-планлаштириш бошқармасининг бошлиғи А. А. Умаров мақолада Тошкент ва Тошкент областини социал-иқтисодий ривожлантириш, шаҳарсозликни тараққий эттиришнинг актуал масалалари кўтарилган, деб ҳисоблайди. Мақола автори «шаҳар ривожланишини бошқариш системасида тезда қайта қуришни амалга ошириш лозим», деб тўғри таъкидлайди.

Шу билан бир вақтда мақолада бош планнинг асосий қоидаларини амалга оширишни мувофиқлаштиришга даъват этилган органларнинг компетентлилиги тўғрисидаги масала нотўғри қўйилган. Бу ерда гап айрим шахслар, уларнинг группалари ёки коллективларнинг компетентлилиги ҳақида бориши мумкин.

М. Лифановская иш юритиш соҳаларини интеграциялаш асосида лойиҳалаш-саноат-қурилиш ташкилотларини ташкил этишнинг эҳтимол бўлган йўллари тўғрисида юзаки фикр юргизади. Бу масала Ўзбекистон ССР Госстройи, Главташкентстрой томонидан Тошкент шаҳар ижрокоми, жумладан, унинг Бош архитектура-планлаштириш бошқармаси иштирокида бирмунча чуқуррок ишлаб чиқилган.

Авторнинг илмий ва лойиҳалаш ташкилотларининг фаолият майдонини табақалаштириб чиқиш зарурлиги муносабати билан билдирган таклифи юзасидан шуни айтиш мумкинки, у мақолада аслида ҳозирда мавжуд вазиятни баён қилган. М. Лифановская Тошкент ва пойтахт областини ривожлантиришнинг йўналишларини белгилар экан, у Тошкент шаҳар ижрокоми Бош архитектура-планлаштириш бошқармаси ўз фаолиятида амал қилиб келаётган «Районларни планлаштириш»нинг ҳаммага маълум айрим қоидаларини санаб ўтган.

Ҳозирги пайтда шаҳар қурилиши масалаларини Бош архитектура-планлаштириш бошқармаси «ТашНИИПИгенплан» институти билан келишган ҳолда ҳал килмоқда.

Ишлаб чикилаётган 1991 йилдан 2010 йилгача бўлган даврга мўлжалланган бош план хусусида шуни айтиш мумкинки, республика даражасидан то район даражасигача бўлган ҳамма бўғинлар раҳбарлари лойиҳа муҳокамасида актив иштирок қилишлари ва тасдиқланадиган қоидаларни сўзсиз бажаришлари лозим бўлади.

Ўзбекистон Архитекторлар союзи правлениеси раиси Т. Ф. Қодирова шундай ёзади: — Ўзбекистон Архитекторлар союзи президиуми М. Лифановскаянинг мақоласини муҳокама килиб, авторнинг сўнгги ўн йил мобайнида Тошкент қурилишида кўпол нуқсонларга йўл кўйилганлиги, дам олиш зоналари территорияси, айникса, Чирчиқ дарёси бўйларининг саноат корхоналари, омборлар, автохўжаликлар қурилиши учун ёввойиларча талон-торож қилинганлиги, марказнинг то шу кунгача пухта ўйланган мукаммал социал марказга айлантирилмаганлиги тўғрисида билдирган ташвишли фикрларига кўшилади.

Ўзбекистон Архитекторлар союзи правлениеси Тошкент проблемаларига катта эътибор беради. Тошкент шаҳар ижрокомининг Бош архитектура-планлаштириш бошқармасида шаҳар қурилиши лойиҳаси муҳокама қилинди; шаҳарнинг марказий районларини куриш юзасидан иккита конкурс ташкил этилди.

Шаҳар бош плани юзасидан самарали ишларни ташкил қилиш учун Ўзбекистон Архитекторлар союзи правлениеси қуйидаги тадбирларни амалга оширишни зарур деб билади:

1. Тошкент шаҳар ижрокоми қошида бундан икки йил илгари ташкил қилинган, лекин номаълум сабабларга кўра ўз фаолиятини тўхтатиб кўйган координацион советни қайта тиклаш.

2. Тошкент шаҳар ижрокоми Бош архитектура-планлаштириш бошқармаси ходимлари составига ёш ташаббускор архитекторларни киритиш мақсадида бошқарма барча ходимларининг аттестациясини ўтказиш.

3. Мамлакатнинг барча энг йирик шаҳарларидан намуна олиб, шаҳарнинг Марказий районини ташкил этиш тўғрисидаги масалани кўйиш ва ҳал қилиш (ҳозир Тошкент марказида тўртта район ёнма-ён жойлашган бўлиб, улар марказнинг ўзига периферияга қилингани сингари муносабатда бўлишади).

4. Республиканинг директив органларидан мамлакатдаги етакчи мутахассисларни Тошкент бош планини ишлаб чиқишнинг ҳамма масалалари юзасидан узоқ муддат давомида консультациялар бериш учун расмий тарзда таклиф этишни илтимос қилиш.

РЕДАКЦИЯДАН: М. Лифановская мақоласида ва бу мақола юзасидан келган хатларда кўтарилган масалалар бундан кейин ҳам муҳокама қилиниши керак. Барча манфаатдор ташкилотлар, муассасалар, идоралар, олимлар ва мутахассисларни бу муҳокамада иштирок этишга таклиф қиламиз.

ЖУРНАЛХОНЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Шу йилнинг 8 октябрида Андижонда, Ўзбекистон Компартияси область комитетининг мажлислар залида «Ўзбекистон коммунисти» — «Коммунист Узбекистана» журнали ўқувчиларининг конференцияси бўлиб ўтди. Унда Андижон олий ўқув юртларининг ижтимоий фанлар ўқитувчилари, марксизм-ленинизм кечки университети тингловчилари, журналистлар иштирок этишди.

Область партия комитети фан ва ўқув юртлари бўлими мудири Р. М. Мухторов конференцияни очиб, кириш сўзи айтди. У қайта қуриш ва жадаллаштириш вазифаларини бажаришга оммани сафарбар этишда, меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий тарбиялашда, партия комитетларига уларнинг кундалик ишида ёрдам беришда журнал катта роль ўйнаётганлигини, редакция ходимларининг журналхонлар билан бундай учрашувларининг фойдалилигини таъкидлади.

Редакциянинг масъул секретари М. Б. Ицковский йиғилганларга журнал ижодий коллективининг ўз ишини бугунги кун талаблари руҳида қайта қураётганлиги, журнал фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида гапириб берди. У КПСС XXVII съезди ва унинг МК сўнгги Пленумлари ҳужжатларини пропаганда қилиш, қайта қуриш ва жамиятимиз ҳаётини янгилаш проблемаларини ҳал этиш, Ўзбекистон партия ташкилоти олдида турган вазифаларни бажаришда журналнинг иштироки масалаларига батафсил тўхталди, келгусидаги режалар тўғрисида гапириб берди.

Конференцияда қуйидагилар сўзга чиқишди: Тошкент халқ хўжалиги институти Андижон филиалининг марксизм-ленинизм кафедраси мудири профессор К. М. Наринский,

Андижон пахтачилик институти КПСС тарихи кафедраси мудири доцент Ж. С. Қурбонова, М. И. Қалинин номидаги Андижон давлат медицина институти илмий коммунизм кафедраси ўқитувчиси А. А. Тожибоев, шу институт сиёсий иқтисод кафедраси доценти Х. Й. Мусаев, шу кафедра мудири доцент Т. Т. Матмусаев, ўша институт КПСС тарихи кафедраси мудири доцент Ч. Т. Темиров, Тошкент халқ хўжалиги институти Андижон филиали марксизм-ленинизм кафедрасининг доценти С. В. Ниёзов.

Сўзга чиққанлар журнал ишига умуман ижобий баҳо бердилар. Улар мақолалар илмий-назарий савияси ва амалий аҳамиятининг ошганлигини, уларнинг кўпчилигида республика хўжалик, сиёсий, социал ва маданий ҳаётининг долзарб масалалари кўтарилаётганлигини, фақат эришилган ютуқларга эмас, шунингдек ҳали ҳал этилмаган проблемаларга катта эътибор берилаётганлигини, камчиликлар танқид қилиниб, уларни бартараф этиш йўллари кўрсатилаётганлигини таъкидладилар. Журналхонлар «давра суҳбати» тариқасида, «Фикрлар чорраҳасида» рубрикаси остида берилаётган мунозарали материалларнинг, шунингдек марксча-ленинча таълим системаси пропагандистлари ва тингловчилари учун мўлжалланган методик маслаҳатларнинг фойдалилигини якдиллик билан гапирдилар.

Шу билан бирга қатор танқидий фикр-мулоҳазалар ва истаклар билдирилди.

Журнал ҳозирча республикада ижтимоий фанлар ривожига суст таъсир кўрсатмоқда, уларнинг турли йўналишлари ҳақидаги мақолалар кам босилади. Агар редакция ижтимоий фанларни қайта қуриш, уларга партиявий раҳбарлик қилиш масалаларини назардан қочирмаса жамиятшунос ўқитувчиларнинг иш тажрибасини ёритиб борса, кўнгилдагидай иш бўларди. Ўзбекистон Компартияси тарихига оид материалларни кўпроқ бериш, уларни муҳим фактлар, батафсил шарҳлар ва таҳлил билан бойитиш керак бўлади. Социалистик революцияни амалга оширган, уни ҳимоя қилган, ўзбек диёрида социализм қурган одамлар тўғрисида кўпроқ ёзиш керак. Ўзбекистон ССР ва республика Компартияси тарихини сохталаштирувчиларга қарши активроқ ва, муҳими, янада асосли, кучли далил, исботлар билан чиқиш лозим.

Ҳамма мақолаларнинг ҳам назарий ва профессионал савияси юқори деб бўлмайди. Уларнинг муайян қисми ҳаммага маълум нарсаларнинг шунчаки баёнидан бўлак нарса эмас. Журнал саҳифаларида кўрилаётган масаласи унчалик муҳим бўлмаган, темаси майда, кам қизиқарли материаллар ҳам учраб туради.

Кадрлар билан ишлаш, уларни психологик жиҳатдан қайта қуриш тўғрисидаги мақолалар кам босилади. Партия ва жамоат ташкилотларининг жамиятимиз барча томонларини янгилаш жараёнидаги иштироки тўғрисидаги материалларни кўпроқ бериш керак. Журналда жойларда коммунистлар аттестацияси қандай ўтаётгани, уни қандай қилиб тўғри ва ишга ёрдами тегадиган қилиб ўтказиш хусусида ҳам ёзиш керак.

Фақат марксча-ленинча таълим системасида ўрганиладиган темалар бўйича эмас, шунингдек машғулотларни турли бўғинларда, шу жумладан иқтисодий мактаблар ва семинарларда қандай олиб бориш тўғрисида ҳам методик маслаҳатлар зарур. Энг яхши пропагандистлар, лекторлар тажрибаси ёритилиши керак.

Журнал халқ анъаналари тўғрисида мунтазам ҳикоя қилиб бориши, уларни диний анъаналардан ажратиб олиши керак. Идеология активи янги, совет маросимларини меҳнаткашлар турмушига жорий этиш юзасидан илмий асосланган тавсияномаларга муҳтож.

Нуқсон ва камчиликлар етарли даражада танқид қилинмаган материаллар ҳали ҳам учраб туради. Айрим мақолаларда цитата, рақамлар кўп берилади, уларда таҳлил ва умумлаштиришлар етишмайди. Редакция тилни мураккаблаштиришдан, соф илмий терминларни ҳаддан ташқари кўп ишлатаверишдан қочиши керак. Баъзида мақола ва материалнинг ўзбекча таржимаси чўзилиб кетади. Журналда танқидий руҳ, сафарбарлик янада кучли бўлиши керак.

Конференцияда Р. М. Мухторов якунловчи сўз айтди. У, жумладан, конференцияда жиддий гаплар бўлганини, ўртоқлар журналда босилаётган материаллар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини очиқ ва манфаатдорлик билан гапирганликларини таъкидлади. Р. М. Мухторов редакция ўз материалларининг таъсирчанлиги тўғрисида ҳамиша қайғуриши, кўтарилаётган проблемаларни чуқурроқ очиб бериши кераклигини айтди. Илмий муассасалар, олий ва ўрта махсус билим юртлари фаолиятининг қайта қурилиши, умумий таълим мактаби ислоҳотининг қандай амалга оширилаётгани кўпроқ ва яхшироқ ёритилиши керак.

Редакция журналхонлар конференциясини ташкил этиш ва уни ўтказишда ёрдам бергани учун Ўзбекистон Компартияси Андижон область комитетига, журнал ишини яхшилаш юзасидан билдирилган танқидий фикр-мулоҳазалар ва маслаҳатлар учун эса конференция иштирокчиларига миннатдорчилик билдиради.

1987 ЙИЛДА «ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ» ЖУРНАЛИДА БОСИЛГАН МАҚОЛА ВА МАТЕРИАЛЛАР КЎРСАТКИЧИ

ISSN 0134—2193
Индекс 75399

Баҳоси 25 тийин



На узбекском языке
ежемесячный теоретический и политический
журнал ЦК Компартии Узбекистана

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»
«КОММУНИСТ УЗБЕКИСТАНА»

Ордена Трудового Красного Знамени
типография Издательства ЦК Компартии Узбекистана


HECKMAN
BINDERY, INC.
Bound-To-Please®
AUG 03